ЮРИДИК
ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

YURIDIK ENSIKLOPEDIYA

Yuridik fanlar doktori, professor U. Tadjixanovning umumiy tahririda

TOSHKENT
«SHARQ» NASHRIYOT-MATBAA
AKSIYADORLIK KOMPANIYASI
BOSH TAHRIRIYATI
2001

67.52
Ю-70

ЮРИДИК ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда

Бух. ТИП и ЛП
БИБЛИОТЕКА
№ 4/2585

ТОШКЕНТ
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
2001

Таҳрир ҳайъати

З.А.АЛМАТОВ, Б.Х.ГУЛЯМОВ, У.Қ.МИНГБОЕВ, А.А.ПОЛВОНЗОДА, М.Х.РАҲМОНҚУЛОВ, А.Х.САИДОВ, У.ТАДЖИХАНОВ (ҳайъат раиси), *Т.ХУДОЙБЕРГАНОВ, Р.Ҳ.ҚОДИРОВ, Э.Ҳ.ХАЛИЛОВ*

Муаллифлар жамоаси

Юридик фанлар докторлари, профессорлар: *З.С.ЗАРИПОВ, Қ.МИРЗАЖОНОВ, Ю.С.ПЎЛАТОВ, А.Ҳ.САИДОВ, У.ТАДЖИХАНОВ, М.М.ФАЙЗИЕВ;* юридик фанлар докторлари *Х.Т.ОДИЛҚОРИЕВ, Ж.ХОЛМЎМИНОВ, А.С.ЯКУБОВ, Р.ҚОБУЛОВ, М.М.ҚОДИРОВ*

Ю 70

Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. — Т.: «Шарқ», 2001. — 656 б.

Ўзбек тилида илк бор тайёрланган ушбу энциклопедияда 3,5 мингга яқин юридик атама ва иборалар жамланган бўлиб, уларда, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат ва ҳуқуқ тизими ёритилган. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг шаклланиш ва фаолият кўрсатиш тартиби, Ўзбекистон фуқароларининг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни амалга ошириш кафолатлари ва муҳофаза қилиш тартиби ҳам кўриб чиқилган.

Энциклопедиядан қонунларнинг аниқ моддаларини кўрсатган ҳолда у ёки бу ҳуқуқий (фуқаролик, оилавий, турар жой, меҳнат ва ҳ.к.) муносабатлар қандай тартибга солинишига оид маълумотлар ўрин олган. Мақолаларнинг каттагина қисми жиноят ҳуқуқи ва жиноий жазони ижро этиш ҳуқуқига бағишланган. Ўзбекистон суд тизими, унинг демократик принциплари муфассал ёритиб берилган.

Энциклопедия ҳуқуқ масалалари билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

ББК 67Я2

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2001.

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001.

СЎЗ БОШИ

Муҳтарам китобхон эътиборига мамлакатимиз етук ҳуқуқшунос олимлари томонидан ўзбек тилида яратилган юридик энциклопедия илк бор тақдим этилмоқда. Ҳуқуқий билимлар мажмуи тарзидаги қомуслар ва луғатлар тайёрлаб чоп этиш собиқ совет тузуми даврида бутунлай эътибордан четда қолиб келди. Аниқроғи, миллий республикалар тилларида сиёсий-ҳуқуқий йўналишдаги адабиётларни нашр қилиш рағбатлантирилмас эди. Бу муҳим илмий-амалий аҳамиятга молик ишни фақат Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритганидан кейингина рўёбга чиқариш мумкин бўлди.

Мамлакатимиз ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлига киргач, юртдошларимизнинг сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда маданиятини юксалтириш даврнинг қатъий талабига айланди. Мазкур юридик энциклопедия аҳолининг ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий билимларини шакллантиришда салмоқли самара бериши шубҳасиздир.

Ҳуқуқий қомуснинг яратилишидан кўзланган асосий мақсад — сўнгги ўн йилликларда, айниқса, истиқлол даврида қарор топган давлат-ҳуқуқий иборалар, демократик институтлар ҳамда қадриятлар, сиёсий воқелик ва тушунчалар хусусидаги билим ва тасаввурларни ҳосил қилишдан иборат.

Шу орқали демократик ислоҳотлар туфайли ҳаётимизда рўй бераётган сифат жиҳатдан янги ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисаларни, мустақил давлатчилик шаклланишидаги жўшқин сиёсий жараёнларни изоҳлаш ва шарҳлаш назарда тутилади.

Янгиланаётган Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қурилишининг моҳияти, мақсад ва вазифаларини англаб етишга интилиш, ҳуқуқ ва қонунчилик тармоқлари ривожланишидаги устун тамойиллар мағзига етиб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Мухтасар маънода ушбу қомус икки узвий боғлиқ вазифани ҳал этади: биринчидан, амалдаги миллий қонунчилигимиз мазмунини тушунишга хизмат қилади; иккинчидан, ҳуқуқ асослари бўйича асосий билимларга эга бўлиш, дунё юридик фани томонидан яратилган

ҳуқуқий институтлар ва таълимотларни ўзлаштиришга кўмаклашади.

Энциклопедияни яратиш жараёнига ўтиш даврининг мураккабликлари таъсир этмай қолмади, албатта. Асосий мураккаблик шундаки, мустақил Ўзбекистоннинг миллий ҳуқуқий тизими, конституциявий-сиёсий биноси эндигина қад ростламоқда, унинг ғоявий негизини ташкил этувчи истиқлол мафкураси ҳам шаклланиш, ижтимоий онгга сингиш палласини бошдан кечирмоқда.

Давлат ва ҳуқуқ соҳасида содир бўлаётган ислоҳотларни ва янги мафкуравий мезонларни мушоҳада этиш ҳамда илмий изоҳлаш ниҳоятда масъулиятли ишдир. Айнан мана шу нарса энциклопедия муаллифларининг диққат марказида туради. Талқин этилаётган ҳар бир масалага диёримизда шаклланган тарихий ва миллий-ҳуқуқий қадриятлар ҳамда замонавий умумбашарий демократик андозалар нуқтаи назардан ёндашилади.

Энциклопедия ҳуқуқий дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришдек муҳим вазифани адо этишга сафарбар этилгандир. Ҳуқуқий тизимимизнинг бугунги ҳолати ва келгусидаги тараққиёти кўп жиҳатдан жамиятнинг ғоявий-маънавий ҳамда ахлоқий негизларига боғлиқ. Бугунги ҳуқуқшунослик назариямизда шундай бир мунозарали мавзу мавжуд: яъни Ўзбекистон яқин етмиш йиллик ўтмишда собиқ Совет Иттифоқи таркибида бўлганлиги туфайли, унинг заминида роман-герман оиласига мансуб ҳуқуқий тизим қарор топди. 1917 йил октябрь тўнтаришигача юртимизда асосан мусулмон ҳуқуқий институтлари амал қилиб, унга XIX аср иккинчи ярмидан эътиборан Чор Россияси ҳуқуқий андозалари ўз таъсирини ўтказа бошлаган эди. Мустақил Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тараққиёти истиқболларини белгилашда ушбу тарихий реалликни эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Аксинча, бу ҳолат мамлакатимиз ҳуқуқий тизимининг моҳияти ва ўзига хос жиҳатларини идрок этишда муҳим омил сифатида қаралиши лозим. Шу боис энциклопедияда замонавий ҳуқуқий ибора ва тушунчалар билан бир қаторда мусулмон ҳуқуқи тармоқларига оид институтлар ҳамда иборалар қисман жамлаб тавсифланди.

Миллий ғоя ва истиқлол мафкураси, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш амалиёти турмушимизга ниҳоятда кўп ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий категорияларни олиб кирди. Мисол учун биргина мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасини олиб кўрайлик, бунда қонунчилигимизга ва амалий фаолиятимиз доирасига илгари қўлланилмаган

янги иборалар, сиёсий ва ҳуқуқий тушунчалар кириб келди. «Аукцион», «биржа», «бизнес», «акция», «сертификат», «лизинг», «патент», «санация», «биргаликдаги мулк», «ҳиссадорлик жамияти», «депозитарий», «факторинг», «мулк суғуртаси», «мулк ижараси», «ипотека шартномаси» сингари тушунчалар шулар жумласидандир. Буларга ҳам илмий, ҳам оммабоп тавсиф ва изоҳ бермасдан туриб, уларнинг маъно-мазмунини аҳоли кенг қатламлари онгига сингдирмасдан туриб, мамлакатимиз фуқароларида хусусий мулкчилик кўникмаларини, мулк эгалиги ҳиссини қарор топтириш, эркин иқтисодий фаолиятни ҳамда тадбиркорликни амалда ривожлантириш мумкин эмас. Шу маънода, мазкур энциклопедия нафақат илмий қадр-қимматга, балки катта амалий аҳамиятга ҳам эга.

Ўзбек тилида биринчи кенг қамровли юридик энциклопедияни яратишдек масъулиятли ишга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ҳуқуқшунос, сиёсатшунос ва иқтисодчи олимлари бел боғладилар ва бу борада саъй-ҳаракатларни амалга оширдилар. Муаллифлар энциклопедияни ёзишда жаҳон юриспруденцияси ютуқлари билан ўзбек ҳуқуқшунослиги ва қонунчилиги эришган салоҳиятни уйғунлаштиришга интилдилар. Қомусга киритилган айрим мақолада таъриф этилаётган ибора унинг этимологик (лугавий) келиб чиқиши, қайси соҳаларда кенг тарқалганлиги ва қўлланилиши, Ўзбекистон сиёсий ва ҳуқуқий тизимларида, шунингдек, миллий қонунчилигимизда қай даражада ўз ифодасини топганлиги нуқтаи назаридан баён этилди.

Қомусдаги материал алифбо тартибида ифода этилган алоҳида мақолалар мажмуидан иборат. Баъзи бир неча маънони англатувчи ибораларнинг ҳар хил талқини тегишли мақоланинг ичида рақам билан ажратиб алоҳида баён этилди. Башарти, ибора хорижий келиб чиқишга эга бўлса (масалан, лотинча, французча ва ҳоказолар), мақола номидан сўнг қавс ичида қисқача изоҳ берилди, айрим ҳолларда эса хорижий тилдаги ёзилиши келтирилди. Баёнда мантиқийлик ва ихчамликни таъминлаш учун тегишли ҳолларда муаллифлар баъзи моддаларнинг батафсил изоҳини бермай, уни маънодош ёки турдош мақолага ҳавола этиш усулини қўлладилар.

Албатта, энциклопедияда барча ҳуқуқий институтлар, тушунча ва иборалар қамраб олинмаган, барча масалалар ҳам бирдек муфассал ёритилмаган бўлиши мумкин. Зеро, турли масалаларнинг долзарблик даражасини ҳар бир муаллиф ўзича тушунади. Аммо бу айрим мунозарали тушунчалар юзасидан бошқача тал-

қинлар бўлишини инкор этмайди ва йўл қўйилган муайян камчиликларимизни оқлаш учун асос бўлолмайди.

Ушбу энциклопедия нафақат юрист мутахассислар учун, балки кенг китобхонлар ҳамда сиёсат, давлат ва ҳуқуқ масалаларига қизиқувчи барча учун бирдек манфаатли ва фойдали бўлиши мумкин.

Талабчан китобхоннинг муаллифлар меҳнати хусусида билдирадиган танқидий мулоҳазалари самимий миннатдорчилик билан қабул қилинади ва бу мулоҳазалар «Юридик энциклопедия»нинг кейинги нашрлари янада пухта ҳамда мукаммал бўлишига кўмаклашади, деган умиддамиз.

Ш.З.ЎРАЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академиясининг
академиги, юридик фанлар
доктори, профессор.

АСОСИЙ ҚИСҚАРТМАЛАР

ЎзР — Ўзбекистон Республикаси
ЎзР БК — Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси
ЎзР ДБҚ — Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитаси
ЎзР ЖИК — Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси
ЎзР ЖК — Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси
ЎзР ЖПК — Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси
ЎзР ОК — Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси
ЎзР СК — Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси
ЎзР МЖК — Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси
ЎзР МК — Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси
ЎзР УЖК — Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси
ЎзР ФК — Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси
ЎзР ФПК — Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси
ЎзР ХПК — Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси
ҚР — Қорақалпоғистон Республикаси

араб. — арабча
б. — банд
ва б. — ва бошқалар
ва ҳ.к. — ва ҳоказо
ва ш.к. — ва шу кабилар
инглз. — инглизча
исп. — испанча
итал. — итальянча
й. — йил
лот. — лотинча
м. — модда
м-н — масалан
мўғ. — мўғулча
нем. — немисча
поль. — полякча
рус. — русча
турк. — туркий
форс. — форсча
фр. — французча
япон. — японча
юн. — юнонча
қ. — қаранг

«A»

АВАЛ КРЕДИТ — мижоз мустақил равишда тўлов тўлай олмаганида банк томонидан мижознинг кафолатланган мажбуриятини вексель бўйича қоплаш кредити.

АВАРИЯ ДИСПАШАСИ — умумий авария бўйича харажатларни кема, юк ва кира ҳақи ўртасида тақсимлашга доир *диспашер* тузадиган ҳисоб-китоб. Уни тузиш жойи ва тартиби коносаментда кўрсатилади. А.д. муайян тартибда тузилади: нима учун у ёки бу ҳол умумий авария деб тан олинганлигининг сабаблари баён этилади; сўнгра умумий ва хусусий авария ҳисоб-китоби қилинади; контрибуция капиталига доир бўлимда умумий аварияни қоплашда иштирок этадиган мулкнинг умумий қиймати кўрсатилади ва контрибуция дивиденди ҳисоблаб чиқилади; А.д. баланс тузиш билан якунланади. Мураккаб ишлар бўйича А.д. тузиш бир неча йилларга чўзилади ва катта харажатларга олиб келади. Бу харажатлар манфаатдор томонлар ўртасида мутаносиб равишда тақсимланади. А.д. бўйича суд тартибида белгиланган муддатда даъво қўзғатилиши мумкин.

АВВАЛДАН ТИЛ БИРИКТИРМАЙ БИР ГУРУҲ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР — ЎзР ЖКнинг 29-моддасида баён этилган оддий иштирокчилик шакли. Бунда икки ёки ундан ортиқ шахслар олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этадилар.

АВТОТРАНСПОРТ ҲАМДА БОШҚА ЎЗИЮРАР МАШИНАЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ — ЎзР ҳудудида жойлашган ва ҳаво тўлдирилган резина ғилдиракли транспорт воситаларига ҳамда бошқа ўзиюрар машиналар ва механизмларга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар (шу жумладан, ажнабий шахслар) А.ҳ.б.ў.м.о.с. тўловчилардир. Автотранспорт хизмати билан боғлиқ барча солиқлар ЎзР ҳудудида 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Транспорт воситалари ҳамда бошқа ўзиюрар машина ва механизмлар эгаларидан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги ЎзР қонуни билан тартибга солинади (ЎзР Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил. 1-сон. 7-модда).

АВТОТРАНСПОРТГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ — ЎзРда автомототранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш қоидаларига мувофиқ ва ушбу турдаги иш (хизмат)ни бажариш учун берилган лицензиялар асосида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар ва фуқаролар (ижрочилар) бажарадиган иш (хизмат) тури.

Ижрочи сифати бўйича стандартларнинг талабларига, шартноманинг шартларига, одатда қўйиладиган талабларга жавоб берадиган хизматларнинг кўрсатилишини (ишларнинг бажарилишини); ўзи ёки истеъмолчи билан келишган ҳолда белгилаган хизмат муддати давомида хизмат (иш)ни бажариш натижаларидан фойдаланиш мумкинлигини; таъмирланган автотранспорт воситаларига кафолатли мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайди. Ижрочи қуйидаги мажбуриятларга эга: хизматларни (ишларни) шартномада белгиланган муддатда ва стандартларнинг мажбурий талабларига, шартнома шартларига жавоб берадиган даражада бажариш; белгиланган иш режимига риоя этиш; истеъмолчини у қўйган шартларни бажариш ва унга боғлиқ бўлган бошқа ҳолатлар бажариладиган ишнинг сифатига путур етказиши мумкинлиги ҳақида ўз

вақтида огоҳлантириш; истеъмолчига автотранспорт воситасига янгидан ўрнатилган номерли агрегатлар бўйича ҳисоб-маълумотномалар бериш.

Истеъмолчи истаган вақтида сабабини кўрсатмаган ҳолда хизмат кўрсатиш (иш бажариш) шартномасини бекор қилиши мумкин. Бунда у ижрочига бажарган иши учун ҳақ тўлаши ва шартномани бекор қилиш натижасида ижрочи кўрган бевосита зарарни қоплаши шарт. Буюртма бажарилганидан ёки бекор қилинганидан кейин ижрочи истеъмолчига у эҳтиёт қисмлари ва материаллар учун берган маблағнинг сарфланиши ҳақида ҳисобот бериши ҳамда унинг қолдиғини, алмаштирилган (носоз) қисмлар ва деталларни қайтариши шарт.

Истеъмолчи техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича кўрсатилган хизмат (бажарилган иш) сифати ва ҳажми хусусидаги шикоятларни ижрочининг кафолатли мажбуриятларида белгиланган *кафолат муддати* мобайнида, бундай мажбуриятлар бўлмаган тақдирда эса иш (хизмат) қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой давомида бериши мумкин. Автомототранспорт воситасини ёки унинг агрегатларини камчиликларни кафолат муддати давомида тугатиш билан боғлиқ таъмирлашда кафолат муддати камчиликни тугатиш билан боғлиқ ишлар вақтига узайтирилади. Техник хизмат кўрсатиш (таъмирлаш) вақтида фойдаланилган агрегатлар, қисмлар ва деталлар бўйича шикоятларни уларни сотган ижрочи кўриб чиқади ва қондиради.

АГРЕССИЯ (БОСҚИНЧИЛИК) — БМТ Уставига номувофиқ равишда бир давлатнинг бошқа давлат суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши ҳарбий куч ишлатиш билан тажовуз қилиши. А.га таъриф беришда, босқинчилик содир этишда биринчилик (ёки ташаббус) асос қилиб олинади. Чунончи, А. ҳаракатларига қуйидагилар киради: бир давлат ҳарбий кучлари томонидан иккинчи давлат ҳудудининг босиб олиниши ёки ҳужум қилиниши, ҳар қандай ҳарбий оккупация, куч ишлатиб, ўзига қўшиб олиш (аннексия), бир давлат ҳудудининг бошқа давлат ҳарбий кучлари билан бомбардировка қилиниши ёки бошқа куч ишлатилиши, бир давлат ҳарбий кучлари билан бошқа давлат қирғоқ ва портларини қамал қилиш, қуруқликдаги, денгиз ёки ҳаво кучларига ҳарбий ҳужум уюштириш, бир давлат розилиги билан унинг ҳудудида жойлашган давлатга шартномада кўрсатилган шартларни бузган ҳолда ҳарбий куч ишлатиш, бир давлатнинг ўз ҳудудини бошқа давлатга учинчи бир давлатга қарши босқинчилик уюштириш учун тақдим этиши. Бирор давлатга қарши ҳарбий куч ишлатиш ҳаракатини амалга ошириш бўйича бошқа давлат ёки унинг номидан ҳарбий тўда, муқобил ёки ёлланма кучларни юбориш ҳам А. ҳаракатига киради.

АДАБИЙ МЕРОС — мазмуни давр руҳини, онгнинг миллий ўзига хослигини акс эттирган, турли тарихий даврлардаги маданий ва илмий анъаналарнинг мазмунини ёритиб берган қўлёзмалар ва чоп этилган бадиий китоблар.

АДВОКАТ — олий юридик маълумотга эга бўлган ва белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ЎзРда адвокат бўлиши мумкин.

АДВОКАТУРА — ҳуқуқий институт, адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. ЎзРнинг Конституциясига мувофиқ, ЎзР фуқарола-

ри, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади. ЎзРнинг адвокатура тўғрисидаги қонуни 1996 й. 27 декабрда биринчи чақириқ ЎзР Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида қабул қилинди. Қонунга кўра Ўзбекистонда қуйидаги адвокатлик муассасалари мавжуд: адвокатлик бюролари; адвокатлик фирмалари; адвокатлик ҳайъатлари.

Адвокатлик муассасалари ўз фаолиятларини қонуннинг устунлиги, мустақиллик ва бошқа демократик принциплар асосида амалга оширади (Қонуннинг 4-м.си). Адвокатлик муассасалари ва адвокат ўзига юклатилган вазифаларни қуйидаги фаолият усуллари орқали амалга оширади: — ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотлар бериш; ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатлар тузиш; фуқаролик ишлари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга ошириш; жиноий ишлар бўйича дастлабки терговда ва судда ҳимоячи, жабрланувчининг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этиш; тадбиркорлик фаолиятига юридик ёрдам кўрсатиш.

Қонунга кўра, олий юридик маълумотга эга бўлган ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари томонидан тегишли лицензия берилган шахслар адвокатлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин. ЎзР Адлия вазирлиги ўз ваколати доирасида адвокатлар малакасини оширишга ёрдамлашади, адвокатларнинг ижобий иш тажрибаларини оммалаштиради, адвокатлар бюролари, фирмалари ва ҳайъатларига ва малака комиссиялари фаолиятига ёрдам беради.

АДЛИЯ (араб. — адолат) — суд муассасаларининг бутун мажмуини, уларнинг одил судловни амалга ошириш фаолиятини, шунингдек, суд идорасини билдирувчи термин.

АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР САВДОСИ — халқаро хусусиятга эга жиноят бўлиб, унга қарши кураш зарурати халқаро ҳамкорликни талаб этади. XX асрнинг биринчи ярмида ушбу масала бўйича бир қатор битимлар тузилган. Кейинчалик улар Одамлар савдоси ва фоҳишабозликдан ўзгаларнинг фойдаланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенция билан алмаштирилди. Конвенция БМТ Бош Ассамблеясининг 1949 йил 2 декабрида имзолаш учун очилган 317(IV) резолюцияси 1951 йил 25 июлда кучга кирди. Конвенциянинг 1 ва 2-моддаларида унинг иштирокчилари зиммасига айбдор шахсларни жазога тортиш мажбурияти юклатиладиган ҳаракатлар санаб ўтилган.

АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ — аёлларнинг ижтимоий, оилавий ҳуқуқ ва эркинликлари. Бу масала, айниқса, 1945 йилдан сўнг долзарб муаммолар қаторидан жой олди. БМТ Уставида аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари умумий тарзда эркаклар билан бир эканлигини қайд этилган. Бу қоида узил-кесил 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ўз ҳуқуқий асосини топди. Жумладан, Декларациянинг 16-моддасида эркак ва аёлнинг никоҳда бир хил ҳуқуққа эга эканлиги таъкидланган. 1966 йили қабул қилинган «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича халқаро пакт» ва шу йили қабул қилинган яна бир «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларнинг халқаро пакти» жинсий хусусиятларга асосан

инсонларни камситишга йўл қўйилмаслигини таъкидлаб ўтган. 1967 йил 7 ноябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 2263 (XXII) резолюцияси асосида Аёллар ҳуқуқлари камситилишига йўл қўймаслик бўйича декларация қабул қилинди. Шу билан бирга, Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари бўйича Конвенция (1952 йил 20 декабрь), БМТ Бош Ассамблеяси томонидан аёлларга нисбатан қилинадиган ирқий камситилишнинг барча кўринишларининг олдини олиш конвенцияси (1979 йил 18 декабрь) матни маъқулланди.

АЖРАТИЛГАН МИНТАҚА — ЎзРнинг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган қонунига асосан, темир йўл транспортининг тупроқ кўтармаси, сунъий иншоотлар, йўл бинолари, темир йўл алоқаси ва электр таъминоти қурилмалари, бошқа бинолар, иншоотлар ва йўл қурилмалари, шунингдек, дарахтзорлар жойлашган ерлар ажратилган минтақа деб ҳисобланади.

АЖРИМ — процессуал акт. Жиноят, фуқаролик ёки хўжалик иши бўйича, шунингдек, кассация ёки назорат босқичида чиқариладиган, ишнинг моҳиятини ҳал қилмайдиган, яъни ҳукм ёки қарорни ўзгаришсиз қолдириш, унга ўзгартишлар киритиш, бекор қилиш сингарилар бўйича қарор.

АЗОБЛАНИШГА ҚАРШИ КУРАШ ҲУҚУҚИ — фуқароларнинг алоҳида сиёсий ҳуқуқи. Бу ҳуқуқ ҳозирги кунда айрим давлатларда конституцион ҳуқуқ сифатида сақланиб қолган. 1989 йилда қабул қилинган Инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари декларациясида белгиланган бу ҳуқуқ Франция, ГФР Конституциясининг таркибий қисмига киритилган.

АЙБ — жавобгарликка тортишнинг зарур шарти. А.нинг икки шакли мавжуд: қасддан қилинган ва эҳтиётсизлик билан қилинган А. Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқига кўра, қасддан қилинган жиноят учун қаттиқ жазо берилади.

АЙБ ҚЎЙИШ — аниқ бир шахсга жиноятни содир қилганлик тўғрисидаги айбловни эълон қилиш.

АЙБ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ПРИНЦИПИ — Ўзбекистон жиноят қонунчилигининг муҳим принципларидан бири. ЎзР ЖКнинг 9-моддасига асосан, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хатарли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади.

АЙБДОР ЎЗ ҚИЛМИШИГА ЧИН КЎНГИЛДАН ПУШАЙМОН БЎЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ — ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар жиноят содир қилингандан кейин жиноят туфайли келтирилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиб, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин (ЖКнинг 66-моддаси).

АЙБЛАНУВЧИ — қонунда белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахс. Айбланувчи судда судланувчи деб, ҳукм чиқарилгандан кейин эса, маҳкум ёки оқланган деб аталади (ЖПКнинг 45-моддаси).

А.нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ЖПКнинг 46-моддасида кўрсатилган. А. ўзининг нимада айбланаётганини билиш; ўзига қўйилган айблов юзасидан ва ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатма ва

тушунтириш бериш; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; ҳимоячига эга бўлиш ва у билан холи учрашиш; ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад этиш; далиллар тақдим этиш; терговчи ёки суриштирувчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ва ундан керакли маълумотларни ёзиб олиш; терговчи ёки прокурор томонидан жиноят ишининг тугатилганлигига норозилик билдириш ва суд муҳокамаси ўтказишни талаб қилиш; биринчи инстанция ва кассация инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари юзасидан шикоятлар бериш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган протестлар, кассация шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эга. А. (судланувчи) охирги сўз билан чиқишга ҳақлидир.

А. суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; дастлабки тергов ва суд муҳокамасида иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ўзига нисбатан танланган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариши; гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза учун тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва суднинг ажримлари ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа процессуал қарорларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт. А.нинг зиммасига кўрсатма бериш, шунингдек, ўзининг айбдор эмаслигини ёки ишнинг бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас.

АЙБЛОВ — 1) жиноят процессида ваколатли органлар ва шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилган шахс айбдорлигини исботлашдан иборат фаолияти. А.нинг уч тури мавжуд: давлат айблови, жамоат айблови ва хусусий айблов. Давлат айбловини судда прокурор қувватлайди (ЖПКнинг 409-моддаси). Жамоат айблови жамоат бирлашмаси ёки ташкилотининг ваколатли шахси (жамоат айбловчиси) орқали билдирилади (ЖПКнинг 42, 43-моддалари). Хусусий айблов жабрланувчининг шахсан ўзи ёки қонуний вакили орқали билдирилади;

2) айблов тезисининг айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарори (ЖПКнинг 361-моддаси), айблов хулосаси (ЖПКнинг 379-моддаси), жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги ажрими (ЖПКнинг 397-моддаси), айблов ҳукмида (ЖПК 466, 467, 468-моддалари) кўрсатилган мазмунидир. Шу маънода, айблов, ЖКнинг тегишли моддасига биноан, шахс жиноят содир этишда айбдор деб топилган ҳолатларнинг тавсифи деб тушунилади.

АЙБЛОВ ХУЛОСАСИ — дастлабки терговни якунловчи процессуал акт. А.х. айбланувчининг жиноят ишини прокурорга ва сўнгги тасдиқлаш учун судга юборишга асос бўлади. А.х. суд қарор чиқариши мумкин бўлган айблов чегарасини аниқлайди. ЖПКнинг 379-моддасининг талабларига мувофиқ, А.х.нинг мазмуни икки қисмдан иборат: тавсиф-асос-

лантириш ва хулоса қисми. Тавсиф қисмида дастлабки терговда аниқланган ҳолатлар: жабрланувчи, шунингдек, айбланувчи тўғрисидаги маълумотлар; айбланувчининг айбдорлигини тасдиқловчи далиллар, айбланувчининг ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важлари ва уларни текшириш натижалари баён қилинади. Хулоса қисмида айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар келтирилади ҳамда эълон қилинган айбловнинг мазмуни ЖКнинг шу жиноятни назарда тутган моддаси ёки моддаларини кўрсатган ҳолда баён қилинади. А.х.да баён қилинган ҳолатларни тасдиқловчи иш саҳифалари кўрсатилиши керак.

АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ — жиноят процесси ҳуқуқида айбланувчи (судланувчи)нинг айби далиллар асосида тўлиқ исботланмагунча унинг айбсиз эканлигини эътироф этиш. ЎзР ЖПКнинг 23-моддасига асосан, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунча ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз ҳисобланади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти, уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқувчи шубҳалар ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.

АЙИРБОШЛАШ — фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солиниб, айирбошлаш шартномасига мувофиқ ҳар бир тараф бошқа тарафга бир товарни бошқа товарга алмаштириш йўли билан мулк қилиб топшириш мажбуриятини олиши. ЎзР ФКнинг 30-боби, 497—501-моддаларида айирбошлаш шартномасининг ҳуқуқий томонлари кенг кўрсатилган.

АККРЕДИТИВНИ ЁПИШ — аккредитивга кўра пуллар беришга оид операцияларни тўхтатиш тўғрисидаги ёзув.

АКСИЛРЕКЛАМА — ваколатли давлат идоралари реклама ҳақидаги қонун бузилганлигини аниқлаган тақдирда, мазкур қонунбузар ушбу идора қарорига кўра белгиланган муддатда аксилреклама бериши шарт. Аксилреклама, шунингдек, ихтиёрий равишда ёки суднинг қарорига биноан амалга оширилиши мумкин. Аксилреклама беришни амалга ошириш билан боғлиқ барча харажатлар қонунбузар ҳисобидан қопланади (бу хусусда қаранг: ЎзРнинг «Реклама тўғрисида»ги 1998 йил 25 декабрь қонуни).

АКЦЕПТ КРЕДИТИ — банклар томонидан банклардаги экспорт қилувчилар кўчириб оладиган ўтказилувчи векселлар (тратт) акцепти шаклида бериладиган кредит; ташқи савдони банк томонидан кредитлаш шаклларидан бири.

АКЦЕПТЛАШГАН ЧЕК — олувчининг ҳисобварағига чекда кўрсатилган маблағнинг ўтказилишга кафолат берувчи банк акцептига эга бўлган чек. Бюджет ташкилотларнинг товарлар ва хизматлар учун бир хил ҳисоб-китобларида молия органларига алоқа корхоналари орқали бюджет даромадларини қайтаришда қўлланилади.

АКЦЕПТ-РАМБУРС КРЕДИТИ — экспорт-импорт операциялари бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишда банк кредити турларидан бири. Акцепт ва импорт қилувчи томонидан банк-акцептант воситаларни қоплаш (рамбурс қилиш)нинг бирга қўшилишига асосланади.

АКЦИОНЕР ҲУҚУҚИНИНГ ИШОНЧ ХАТИ — акционер бирор шахсга ўз номидан иш юритиш ҳуқуқини берадиган расмий ваколат (ишонч хати).

АКЦИЯ БЎЙИЧА ДАРОМАД — муомалага чиқарилган ҳар бир оддий акцияга олинадиган фойда суммаси.

АКЦИЯ КУРСИ — акцияни сотиш баҳоси; эркин бозор шароитида унинг қиймати доимий бўлмайди: фонд биржасида белгиланади. Акция шундай пул суммасида сотиладики, уни банкка жойлаштирганда дивиденддан кам бўлмаган фойда келтиради. Акция курси ушбу турдаги акцияга тақрибан боғлиқ бўлади. У бўйича акциядорлик жамияти дивидендини тўлашни амалга оширадиган ҳужжат купон варағи дейилади.

АКЦИЯ СЕРТИФИКАТИ — қимматбаҳо қоғоз ҳисобланиб, шахснинг маълум бир жамият акциясига эга бўлганлиги фактини билдиради.

АКЦИЯ ШАКЛИДАГИ ДИВИДЕНДЛАР — пул шаклидаги дивидендлардан фарқли ўлароқ, қўшимча акциялар шаклида тўланадиган дивидендлар; акциялар шаклидаги дивидендлар тақсимланмаган фойда миқдори билан чекланган бўлади, чунки улар маблағларни тақсимланмаган фойда ҳисобварағидан акционер капитал ҳисобварағига ўтказиш билан боғлиқдир.

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ — акциядорлик жамиятини бошқаришнинг олий органи. ЎзРнинг 1996 йил 26 апрелдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 64-моддасига биноан, жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилиши жамият уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичида ўтказилади. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишида жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва ЎзРнинг 1996 йил 26 апрелдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 65-моддасида санаб ўтилган бошқа ҳужжатлар мажбурий тартибда қараб чиқилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади. А.у.й. ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборот) рўйхатини жамиятнинг кузатув кенгаши белгилайди.

АКЦИЯЛАРНИ ТЎПЛАШ — фуқаролик (ҳиссадорлик) ҳуқуқига кўра ҳиссадорлик жамияти томонидан амалга ошириладиган операция бўлиб, унинг натижасида жамиятнинг икки ёки ундан кўп акцияда жойлаштирилган акцияси шу тоифадаги (турдаги) бир янги акцияга ўзгартирилади. Бунда жамият низомига эълон қилинган акциянинг номинал қиймати ва сонига тегишли ўзгартишлар киритилади. А.т. ҳиссадорларнинг умумий йиғилиши қарори бўйича ўтказилади.

АКЦИЯЛАРНИНГ АЙЛАНМА НАРХИНИ БЕЛГИЛАШ — фонд биржасида бозор нархини белгилаш.

АКЦИЯЛАРНИНГ МАЙДАЛАНИШИ — акционерлик жамиятининг битта жойлаштирилган акцияси жамиятнинг ўша тоифадаги икки

ёки ундан ортиқ акциясига алмаштириладиган операция. Бунда жамият низомига унинг эълон қилинган акциялари номинал қиймати ва миқдорига нисбатан тегишли ўзгартишлар киритилади. А.м. акционерлар умумий йиғилишининг қарорига асосан ўтказилади.

АКЦИЯЛАРНИНГ НАЗОРАТ ПАКЕТИ — бу акцияларнинг шундай миқдорики, унга эгалик қилувчи шахснинг акциядорлик жамиятида устунлиги таъминланади. Акциялар майда акциядорлар ўртасида кенг тарқалган тақдирда умумий акцияларнинг 20—30% га эга бўлиш акциядорлик жамияти устидан тўла назорат қилиш имконини беради. Шу боис монополияларга қарши қонун А.н.п.нинг аниқ миқдорини белгиламайди. Бу ҳуқуқ монополияга қарши ишловчи идоралар ихтиёрига берилади.

АЛИБИ — айбланувчи ёки айбланувчи деб гумон қилинган шахснинг жиноят содир бўлган пайтда бошқа жойда бўлиш ҳолати.

АЛИМЕНТ — қонун белгилаган ҳолларда оиланинг бир аъзоси томонидан бошқа бир аъзоси ёки аъзоларини моддий таъминлаш учун мажбуран тўланадиган маблағ. Ўзбекистон Республикасининг оила қонунчилиги А. олиш ҳуқуқига эга бўлган, А. тўлашга мажбур бўлган шахслар доирасини, А. миқдори ва уни тўлаш муддатларини белгилайди. А.ни ихтиёрий равишда тўлашдан бош тортилганда, у суд орқали ундирилиши мумкин.

АЛИМЕНТЛАРНИ ТЎЛАШ ҲАҚИДАГИ БИТИМ — ЎзРнинг оила ҳуқуқида алиментларни тўлаши керак бўлган шахс билан уларни олиши керак бўлган шахс, алиментларни тўлаши шарт бўлган ва (ёки) уларни олиши керак бўлган шахснинг ҳуқуқий лаёқатсиз бўлгани ҳолда — бу шахсларнинг қонуний вакиллари ўртасида тузиладиган алиментлар миқдори, тўлаш шартлари ва тартиби тўғрисидаги битим. Тўла ҳуқуқий лаёқатли бўлмаган шахслар алиментларни тўлаш ҳақидаги битимни уларнинг қонуний вакили розилиги билан тузади. А.т.ҳ.б. ёзма шаклда тузилиши ва нотариус тасдиқлаши лозим. А.т.ҳ.б.ни ижро этишдан бир томонлама воз кечиш ёки унинг шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Томонларнинг моддий ёки оилавий аҳволи жиддий ўзгаргани ҳолда ва алиментларни тўлаш ҳақидаги битимни ўзгартириш ёки бекор қилиш мумкин бўлмаганида манфаатдор томон бу битимни ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат этиши мумкин. А.т.ҳ.б.ни ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги масаланинг ҳал этилишида суд томонларнинг эътиборига тегишли бўлган ҳар қандай манфаатни ҳисобга олишга ҳақли.

АЛМАШТИРИЛМАЙДИГАН ПУЛ (ВАЛЮТА) — бир давлат ҳудудида амалда бўладиган пул ёки валюта.

АЛМАШУВ ШАРТНОМАСИ — бир тарафнинг муайян товарни бошқа товарга алмаштириб, бошқа тарафга мулк сифатида беришига асос бўладиган шартнома. Алмашув шартномасига тегишли равишда ЎзР ФКнинг олди-сотди муносабатларига доир қоидалари қўлланилади, башарти, ушбу қоидалар ЎзР ФКнинг А.ш.га оид қоидаларига ва алмашувнинг моҳиятига зид бўлмаса. Бунда томонларнинг ҳар бири бериш мажбуриятини олаётган товарнинг сотувчиси ва бунинг эвазига олиш мажбуриятини олаётган товарнинг харидори деб эътироф этилади. Халқаро савдода А.ш. одатда бартер шартномаси деб аталади.

Бух. ТИП и ЛП
БИБЛИОТЕКА
№ 2955

АЛОҚА СИРИ — ЎзРнинг «Алоқа тўғрисида»ги 1992 йил 13 январь қонунининг 10-моддасида «Ёзишма, телефон сўзлашувлари ва телеграф хабарларини сир сақлаш» нормаси мустаҳкамланган. Почта жўнатмалари, телефон сўзлашувлари, телеграф ва бошқа хабарлар тўғрисидаги ахборот ҳамда ана шу жўнатмалар (хабарлар)нинг ўзи фақат жўнатувчилар ва адресатларга ёки уларнинг қонуний вакилларига берилиши мумкин. Почта жўнатмаларини, ҳужжат ва хатларни ушлаб туриш, кўздан кечириш ва олиб қўйиш, телефон сўзлашувларини эшитиш ва электр алоқа хабарлари билан танишиш, шунингдек, алоқа сирини чеклашнинг бошқа йўлларига фақат суд ажрими асосида йўл қўйилади. Почта алоқасининг барча ташкилотлари алоқа сирига риоя этилишини таъминлашлари шарт. Мазкур қоидаларнинг бузилишига йўл қўйган мансабдор ва бошқа шахслар, почта алоқаси ходимлари ЎзР қонунларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

АЛОҲИДА БОЖХОНА БОЖЛАРИ — ЎзРнинг 1997 йил 29 августдаги «Бож тарифи тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, ЎзРнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун қўлланадиган бож турларидан бири. Алоҳида божхона тўловлари уч турда бўлади: махсус, демпингга қарши, компенсация божлари. Махсус божлар, башарти, ўхшаш ёки бевосита рақобат қилувчи товарлар божхона ҳудудига ЎзРдаги товар ишлаб чиқарувчиларга зиён етказадиган ёки зиён етказиши мумкин бўлган миқдорда ва шартларда олиб кирилаётган бўлса, ҳимоя чораси сифатида, шунингдек, бошқа давлатлар томонидан қилинаётган ЎзРнинг ҳуқуқларини чекловчи ва манфаатларини камситувчи бошқа ҳаракатларга жавоб чораси сифатида қўлланилади (Қонуннинг 8-моддаси). Демпингга қарши божлар қуйидаги ҳолларда қўлланилади: товарлар божхона ҳудудига уларнинг олиб чиқилган давлатда айни вақтда амалда бўлган реал қийматидан паст нархда олиб кирилса, агар бундай олиб кириш ЎзРнинг шунга ўхшаш товарларни ишлаб чиқарувчиларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфини туғдирса ёхуд ЎзРда худди шундай товарлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёки кенгайтиришга тўсқинлик қилса; товарлар божхона ҳудудидан унинг ЎзРда айни вақтда амалда бўлган реал қийматидан паст нархда олиб чиқилаётган бўлса, агар бундай олиб чиқиш ЎзРнинг шунга ўхшаш товарларни ишлаб чиқарувчиларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфи бўлса ёхуд ЎзРнинг ишлаб чиқарувчилари ўртасида нормал рақобат ўрнатилишига тўсқинлик қилса (Қонуннинг 9-моддаси). Компенсация божлари қуйидаги ҳолларда қўлланилади: ЎзРнинг божхона ҳудудига ишлаб чиқариш ёки олиб чиқиш пайтида бевосита ёхуд билвосита субсидиялардан фойдаланилган товарлар олиб кирилса, агар бундай олиб кириш ЎзРнинг ўхшаш товарлар ишлаб чиқарувчиларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфи бўлса ёхуд ЎзРда худди шундай товарлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёки кенгайтиришга тўсқинлик қилса; божхона ҳудудидан ишлаб чиқариш ёки олиб чиқиш пайтида бевосита ёхуд билвосита субсидиялардан фойдаланилган товарлар олиб чиқилса, агар бундай олиб чиқиш ЎзРнинг манфаатларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфи бўлса (Қонуннинг 10-моддаси).

АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ҲУДУДЛАР — ЎзРнинг 1993 йил 7 майдаги «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий

ҳудудлар — ерлар ва сув кенгликлари (акваторийлар)нинг бирламчи экологик, илмий, маданий, эстетик, санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик қисмларидир. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга қонунда белгилаб қўйилган тартибда: а) давлат қўриқхоналари (шу жумладан, биосфера қўриқхоналари); б) давлат миллий боғлари; в) давлат табиат ёдгорликлари; г) давлат буюртма қўриқхоналари мақоми берилади. Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари), курорт ва рекреация тегралари, ер усти ва ости сувлари ҳосил бўладиган тегралар (дарё увалари, оқизиқли адирлар, тоғ ёнбағирларининг этаклари), нодир ва қимматбаҳо минерал конлари, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланма (оралиқ) тегралари, балиқ хўжалиги тегралари, ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари, тарихий-табиий ва ёдгорлик боғлар, ботаника ва ҳайвонот боғлари, дендрарийлар ҳамда ЎзР қонунлари ва халқаро шартномалар билан белгилаб қўйиладиган тартиб асосидаги бошқа ҳудудлар ҳам алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга киради.

АЛОҲИДА ТАРТИБДА ИШ ЮРИТИШ — фуқаролик суд ишларини юритишнинг бир тури. А.т.и.ю.да дахлдор шахслар орасида ҳуқуқлар ҳақидаги баҳс бўлмайди. ФПКнинг 279-моддасига мувофиқ, суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишларга қуйидагилар киради: 1) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар; 2) фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар; 3) фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар; 4) мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги ишлар; 5) тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда, улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш тўғрисидаги ишлар (чақириб иш юритиш).

АМАЛДАГИ НИКОҲ — қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ҳақиқий эр-хотинлик муносабати. ЎзРда фуқаролик никоҳи ҳам дейилади. А.н. оила қонунларида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

АМИР (араб. — *амир*, яъни ҳоким, амир) — Шарқ мамлакатларидаги мусулмон давлатлари ҳукмдорларининг унвони. Мусулмончилик қабул қилингунча (VII аср) лашкарбошилар, сўнгра диний ва дунёвий ҳокимиятни амалга оширувчи мусулмон ҳукмдорлари А. деб аталган. (Бухоро А.и, Афғонистон А.и ва ҳ.к.). А. унвони араб подшоларининг ўғилларига берилади (м-н, Саудия Арабистони). Маккага зиёрат учун борувчи катта гуруҳ йўлбошчилари ҳам А. деб аталади.

«АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИ — ЎзРнинг 1996 йил 26 апрелдаги қонуни билан таъсис этилган орден. ЎзРнинг фуқаролари давлатчиликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссалари учун «Амир Темур» ордени билан мукофотланадилар. «Амир Темур» ордени билан давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишига алоҳида ҳисса қўшганлик учун ҳам тақдирланадилар. «Амир Темур» ордени билан ЎзРнинг фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

АМИРЛИК — Шарқдаги мусулмон мамлакатларида амир томонидан бошқариладиган мулк, давлат.

АМНИСТИЯ — жиноят содир қилган шахсларни жиноий жавобгарликдан тўлиқ ёки қисман жазодан озод қилиш, шунингдек, илгари суд томонидан белгиланган жазони ўтаб бўлган шахслардан судланганликни олиб ташлаш. Амнистия акти норматив хусусиятга эга, яъни амнистия акти билан белгиланган талабларга жавоб берадиган барча шахсларга нисбатан қўлланилади.

АМНИСТИЯ АКТИ АСОСИДА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ — ЖКнинг 68-моддасига мувофиқ, жиноят содир этган шахс амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

АННЕКСИЯ (лот.) — агрессия тури. Бошқа давлат ҳудудининг ёки ўзга элатнинг ҳаммасини ёки бир қисмини зўрлик билан ўзига қўшиб (босиб) олиш, шунингдек, ўзга давлат доирасида бирон элатни зўравонлик билан сақлаб туриш.

АПЕЛЛЯЦИЯ (лот.) — бир қанча хорижий мамлакатлар ҳуқуқида ҳали қонун кучига кирмаган суд ҳукмлари ва қарорлари устидан шикоят бериш. А. суди ишдаги мавжуд исботларни тафтиш этиб, янги исботларни кўриб чиқади, ҳукмни тасдиқлайди ёки янги ҳукм чиқаради (Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал ҳуқуқида суд қарорлари устидан шикоят қилишнинг шакли — *кассация*).

АРАЛАШ ҲУЖЖАТЛАР — бир неча турдаги ҳужжатларнинг, яъни бошқарув ва оқлов ҳужжатлари (иш ҳақини тўлаш учун мўлжалланган ҳисоб-китоб тўлов ведомости), оқлов (ижроия) ва бухгалтерлик ҳужжатлари (чиқим касса ордери) белгиларини бирлаштирган ҳужжатлар. А.ҳ. айни пайтда муайян операцияни бажариш тўғрисидаги топшириқни, унинг бажарилиши ҳақидаги оқловни тасдиқлайди ва ушбу операцияни бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттириш тартиби ҳақидаги кўрсатмага эга бўлади. Бир ҳужжатда бир неча турдаги ҳужжатлар белгисининг биргаликда келиши уларни ҳисоб-китоб қилишни осонлаштиради, ҳужжатлар миқдорини ва уларни сотиб олиш учун зарур бўлган харажатни камайтиради.

АРАЛАШ ҚОН (инцест) — яқин қариндошлар билан ўзаро жинсий алоқа. Юз йиллар давомида барча маданиятли халқларда жиноят сифатида жазоланган. ЎзРнинг амалдаги Жиноят кодексида жиноят сифатида кўрилмайди.

АРАЛАШ ПОЛИСЛАР — судларни суғурта қилиш бўйича полислар, уларга кўра суғурта нафақат муайян йўналишга тегишли бўлади, шу билан бирга, у муайян вақт давомида ҳам амал қилиб туради.

АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМЛАРИ — бир қатор давлатларда (Германия, Литва ва бошқалар) вакиллик икки тизимининг: пропорционал ва мажоритар тизимларнинг қўшилишига асосланган сайлов тизимлари амал қилади. Сўнгги вақтда Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида, сўнгра МДҲ давлатларида аралаш сайлов тизимлари кўпроқ ишлатиладиган бўлиб қолди, чунки улар асосий сайлов тизимлари: пропорционал ва мажоритар тизимларнинг афзалликларидан қўшиб фойдаланиш имконини беради.

АРАЛАШ ҲУҚУҚЛАР — алоҳида ҳуқуқларнинг муаллифлик ҳуқуқидан пайдо бўладиган, лекин уларга тўлиқ мувофиқ бўлмаган бир тури. Аралаш ҳуқуқ ҳақидаги норма ЎзРнинг 1996 йил 30 августдаги «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунидан ўрин олган. А.ҳ.нинг ҳуқуқий муҳофазаси зарурлиги шу билан боғлиқки,

илмий-техника тараққиётининг ривожи нафақат муаллифлар ва муаллифлик ҳуқуқининг бошқа эгаларига, шу билан бирга, фаолияти муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинадиган асарлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган шахсларга ҳам тегишли бўлади. Асарни репродукция қилиш имконияти уни яратишнинг бутун жараёни такрорланиши билан боғлиқ бўлмай қолганидан ва мавжуд ёзувлардан юқори сифатли нусхалар тайёрлаш мумкин бўлганидан сўнг А. ҳ. субъектлари: фонограммалар ижрочилари (асарларнинг ижро этилиши юзасидан), уларни яратувчилар (уларнинг товушли дастурлари юзасидан), эшиттирувчи ташкилотлар (уларни трансляция қиладиган дастурлар юзасидан) манфаатларини алоҳида муҳофаза этиш зарурати вужудга келди. Улар А. ҳ. деб ном олди ва бу уларнинг табиатини акс эттиради: улар муаллифлик ҳуқуқларидан пайдо бўлади, уларга ўхшайди, лекин тўла мувофиқ бўлмайди. Фонограммалар, радио ва теледастурлар ҳамда ижрочиларнинг ижодий натижаларидан учинчи шахсларнинг фойдаланишида телевидение ташкилотларининг розилиги тақозо этилади.

Кўрсатилган субъектларнинг ҳуқуқлари ўз табиатига кўра алоҳида ҳуқуқлар саналади. Фақат А. ҳ. субъектининг ўзигина ҳуқуқий муҳофаза қилинадиган объектларга нисбатан муайян ҳаракатларни (қонунда бевосита кўрсатилган) амалга ошириши ёки амалга оширилишига рухсат бериши мумкин. Қандайдир А. ҳ.нинг вужудга келиши ва амалга оширилиши учун расмиятчиликларга риоя этилиши талаб қилинмайди. Бироқ фонограммани яратувчи ва ижрочи ўз ҳуқуқларини эълон қилиши учун аралаш ҳуқуқларнинг сақланиши белгисидан фойдаланишга ҳақлидир. Бундай фонограмманинг ҳар бир нусхаси ғилофга солиб қўйилади ва учта элементдан иборат бўлади: ўраб қўйилган лотинча «Р» ҳарфи (инглизча Phonorecord сўзининг аббревиатураси); алоҳида аралаш ҳуқуқлар эгасининг исми (номи); фонограмма биринчи марта эълон қилинган йил.

Ижрочининг аралаш ҳуқуқи биринчи марта ижро этилган вақтдан бошланади. У ҳуқуққа эга бўлган йилдан кейинги, яъни биринчи марта ижро этилган ёки қўйилган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан бошлаб 30 йил ўтгандан сўнг тамом бўлади (бундай муддат ижрочининг номига ва ижро этиш ёки қўйилиши ҳар қандай бузилиш ёки дахл қилиш ҳуқуқига тегишли бўлмайди, бундай ҳуқуқ муддатсиз амал қилади). Фонограммани яратувчининг ҳуқуқлари, агар фонограмма 50 йил мобайнида эълон қилинмаган бўлса, фонограмма биринчи марта эълон қилинган кундан бошлаб 50 йил давомида амал қилади. Фонограмма ижрочилари, яратувчиларига ва эфир ёки кабель орқали узатувчи ташкилотларга бериладиган алоҳида ҳуқуқлар айрим ҳолларда чекланиши мумкин. Масалан, ижрочининг розилигисиз ва унга гонорар тўламасдан парчалар қўйиш ва ижро этиш жорий воқеалар шарҳига киритилиши мумкин. Қонунда аралаш ҳуқуқ субъектлари учун назарда тутилган алоҳида ҳуқуқлар бошқа шахсларга ҳам берилиши мумкин. Бунинг учун тегишли шартнома тузилиши зарур.

АРАЛАШМАСЛИК ҚОИДАСИ — бошқа давлатлар ёки халқларнинг ички ишларига аралашмаслик тўғрисидаги қоида. Халқаро ҳуқуқда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг асосий принципларидан бири.

«АРЗОН БАЙРОҚЛАР» — кемаларни қайд этишнинг махсус тартибини белгиловчи давлатлар. Бу тартибнинг мазмунини норезидент кема

эгалари учун имтиёзли солиқ режими («арзон байроқлар» деб аталувчи режим) яратишдан иборат бўлиб, аслида оффшор амалиётга ўхшайди. Кема эгаси компаниясининг қайси давлатга тегишлилиги билан байроқнинг қайси давлатга тегишлилиги ўртасидаги фарқ арзон байроқлар регистрини белгилашда асосий мезон бўлиб хизмат қилади. Бинобарин, агар кемага эгалик қилишнинг бенефициар ҳуқуқи ва уни назорат қилиш давлати ушбу кемага қадалган байроқ тегишли бўлган давлатдан фарқ қилса, бундай кема «арзон байроқ» остида юрган ҳисобланади.

АСОСИЙ ВА ЁРДАМЧИ БУЮМ — фуқаролик ҳуқуқи учун анъанавий бўлган *буюмларни* бўлиш. Мазкур бўлишнинг моҳияти шундаки, ёрдамчи буюм асосий буюмга хизмат қилиши керак ва у билан умумий ном орқали боғланган. Мисол сифатида қайиқ ва эшкаклар, велосипед ва насос, турар жой ва унга қўшимча иншоотларни келтириш мумкин. Бунда ёрдамчи ва асосий буюмнинг нисбий қиймати аҳамиятга эга эмас. Бундай бўлишнинг юридик аҳамияти шундаки, ёрдамчи буюм барча ҳолларда асосий буюмнинг тақдирига шерик бўлади. Бинобарин, агар қайиқ, велосипед, уйни сотиш ҳақида шартнома тузилган бўлса, ушбу нарсалар билан бирга эшкак, насос ёки қўшимча иншоотларга бўлган эгалик ҳуқуқи ҳам харидорга ўтиши назарда тутилади. Мазкур норма диспозитив нормаларга киради. Демак, томонлар шартномада эгалик ҳуқуқи фақат асосий буюмга ёки фақат ёрдамчи буюмга ўтишини кўрсатишлари мумкин.

АСОСИЙ ҚОНУН — мазмуни бўйича «Конституция» тушунчасига мос келади. Маълумки, Конституция нормалари бошқа барча қонунларга нисбатан олий юридик кучга эга ягона ҳужжат шаклида амал қилади. А.қ. — конституциявий тузумнинг қадриятлари, институтлари ва нормалари расман мустаҳкамлаб қўйиладиган энг олий ҳуқуқий шакл. А.қ. инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари эълон қилинадиган ва кафолатланадиган, шунингдек, ижтимоий тузум асослари, бошқарув шакли ва маъмурий-ҳудудий тузилиши, марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари тузилишининг асослари, уларнинг ваколатлари ва ўзаро муносабатлари, давлат рамзлари ҳамда пойтахт белгилаб қўйиладиган ёзма ҳуқуқий ҳужжат. ЎзРда «ЎзРнинг Конституциясини қабул қилиш тўғрисида»ги 1992 йил 8 декабрь қонунига мувофиқ қабул қилинган Конституция амал қилмоқда. ЎзРнинг Конституцияси — ўзбек давлатининг асосий қонуни бўлиб, олий юридик кучга эга, бевосита амал қилади ва Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида қўлланилади. Муқаддима, олтита бўлим, йигирма олтита боб ва 128 та моддадан иборат.

Асосий қонун (конституция) — бирор давлатнинг ижтимоий ва давлат тузумини ҳуқуқий идораларининг фаолияти, улар ўртасидаги муносабатларнинг тартибини, шахс, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, ҳокимият органларининг мақомини белгилаб берувчи асосий норматив ҳужжат. Конституцияларнинг ёзилган, ягона ҳужжат сифатида шаклланган ёки ёзилмаган бир қанча ҳужжатлардан ташкил топган ва урф-одат, анъаналарга асосланган шакллари мавжуд. Хусусан, қабул қилиниш механизмига кўра конституциялар қатъий ва осонликча ўзгартириладиганларга бўлинади.

АСОССИЗ БОЙЛИК ОРТТИРИШ ОҚИБАТИДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР — ФКнинг 57-бобида назарда тутилган фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлар. ФКнинг 1023-моддасига биноан, қонун

ҳужжатларида ёки битимда белгиланган асосларсиз бошқа шахс (жабрланувчи)нинг ҳисобидан мол-мулкни эгаллаб олган ёки тежаб қолган шахс (қўлга киритувчи) асоссиз орттирилган бойликни жабрланувчига қайтариб бериши шарт.

АСТОЙДИЛ ПУШАЙМОН БЎЛИШ — жиноий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлардан бири. У судга модда санкциясидаги жазо чорасини енгиллаштириш имконини беради. Унда айбдор суриштирув, тергов жараёнида ёки судда содир этилган жиноятнинг барча ҳолатлари ҳақида гапириб беради, ўзи ва иштирокчиларнинг ҳаракатини салбий баҳолайди. Айбдор иштирокчиларни фош этган, судга жиноятни содир этишга ёрдам берган шароитларни тушунтириб берган тақдирда А.п.б.-нинг жазо белгилашдаги аҳамияти ортади.

АТА КИТОБИ — маълум бир юкларни вақтинчалик олиб кириш, вақтинчалик олиб чиқиш ва транзит ташиш бўйича божхона рухсати ҳужжатларининг мажмуи. АТА к.ни қўллаш асосида юкларни вақтинчалик олиб кириш ҳақидаги божхона конвенцияси тўғрисида АТА конвенцияси қабул қилинган, ушбу конвенция Божхона ҳамкорлиги кенгаши томонидан 1961 йил 6 декабрда қабул қилиниб, 1963 йил 30 июлда кучга кирган. АТА к. иккита яшил муқова, уларнинг орасида иккита сариқ, иккита оқ ва иккита бинафша ранг варақадан ташкил топган. Яшил муқовада АТА китобининг асосий маълумотлари ва юкларнинг асосий рўйхати мавжуд. Сариқ варақда олиб чиқилган юкларни (реимпорт) вақтинчалик олиб чиқиш ва орқага қайтариш белгиланган. Бинафша ранг варақалар транзит юкларни жўнатиш устидан назорат қилишга мўлжалланган. Варақалар сони китобда кўрсатилган юкларни ташиб ўтилган ҳудудлардаги давлатлар сонига боғлиқ.

АТМОСФЕРАНИ ИФЛОСЛАНТИРИШ — ЎзР ЖКнинг 193—204-моддаларида назарда тутилган экология соҳасидаги жиноят. Ифлослантирувчи моддаларни атмосферага чиқариш қоидаларини бузиш ёки иншоотлар, қурилмалар ва бошқа объектларнинг ишлатилишини бузилиши, агар бу қилмишлар ҳавонинг ифлосланишига, унинг табиий таркибини ўзгартиришга сабаб бўлса, жиноятнинг объектив томонини ташкил этади. Оқибатларининг оғирлиги ва бошқа шароитларига қараб маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида қаралиши ҳам мумкин.

АТРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — инсон саломатлиги ва ривожланишининг нормал фаолияти нуқтаи назаридан зарур бўлган доирада табиат элементлари айланишининг физик, кимёвий, биологик ўлчовларини таъминлашга қаратилган халқаро, ҳукумат, минтақавий, маъмурий-ҳўжалик сиёсати ва ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи (яна қ.: *Табиатни муҳофаза қилиш, Табиатнинг ҳуқуқий муҳофазаси*).

АТРОФ ТАБИИЙ МУҲИТНИНГ ИФЛОСЛАНГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚАСДДАН ЯШИРИШ ЁКИ БУЗИБ КЎРСАТИШ — ЎзР жиноят қонунларига кўра, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноят тури. Ушбу жиноят махсус ваколатга эга мансабдор шахслар томонидан зарарли экологик оқибатларни келтириб чиқарган ҳалокатлар ёки атроф табиий муҳитнинг радиациявий, кимёвий, бактериявий ифлосланганлиги ёхуд одам ҳаёти ёки соғлиғи, тирик табиат учун хавфли бўлган бошқача тарзда ифлосланганлиги ҳақидаги ёхуд аҳоли саломатлигининг ҳолатига доир маълумотларнинг қасддан яширилиши ёки бузиб тақдим этилиши

аҳолиниг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлганлиги учун жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиш кўринишидаги жавобгарликни назарда тутади. Ўша қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлса, айбдор шахс ЎзР ЖК 194-моддасининг 2-қисми бўйича жавобгарликка тортилади.

АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ — ЎзРда тўғрилигини ҳамда молиявий ва хўжалик операцияларининг қонун ҳужжатларига ва бошқа норматив ҳужжатларга мослигини аниқлаш, шунингдек, бухгалтерия ҳисобини ёки бошқа молиявий ҳисоботни юритишга қўйиладиган талабларга мослигини текшириш мақсадида амалга оширилади. Аудитга консалтинг, яъни мижоз билан тузилган шартнома асосида хизмат кўрсатиш ҳам киради. ЎзРнинг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрь қонунининг 5-моддасига биноан, аудиторлар ва аудиторлик фирмалари ЎзРда фақат аудиторлик фаолиятини амалга оширишга лицензияси бўлгандагина ушбу фаолият билан шуғулланишга ҳақлидирлар. Бундай лицензия давлат рўйхатидан ўтгач берилади.

Қуйидаги шахсларга аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланади: текширилаётган хўжалик субъектининг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари билан қариндошлик муносабатида бўлган шахсга; текширилаётган хўжалик субъектида шахсий мулкий манфаатга эга бўлган шахсга; хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбар шахслари, таъсисчилари ёки мулкдорларига; текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг ва унинг филиалининг ходимига; давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари; кредиторлар, инвесторлар ва бошқа манфаатдор шахсларга.

Аудиторлик фаолиятига лицензия бериш тартибини ЎзР Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

АУТЕНТИК ШАРҲЛАШ — ҳуқуқ нормаларини расмий шарҳлаш тури бўлиб, уларни чиқарувчи давлат органининг ҳуқуқ нормаларини тушунтиришидан иборат. А.ш. ҳуқуқ нормалари тегишли ҳуқуқ субъектлари томонидан нотўғри қўлланилганда давлат органи уларнинг маъносини бевосита тушунтириши билан ажралиб туради. Ушбу тушунтириш бундай нормаларни қўлловчилар учун мажбурий хусусиятга эга бўлади.

АФВ ЭТИШ — жазодан озод қилишнинг бир тури. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан, афв этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентига берилган. Афв этиш жиноят қонунчилиги бўйича жазодан озод қилишнинг бир тури сифатида ЎзР ЖКнинг 76-моддасида белгилаб қўйилган. Шунга кўра маълум бир шахсга содир этган жиноятлари учун тайинланган жазони қисман ўзгартириш, бошқа жазо билан алмаштириш ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин. Афв этиш Президент томонидан имзоланган ҳужжат (фармон) асосида амалга оширилади.

АХБОРОТ — ЎзР ФКнинг 1095—1096-моддаларига кўра фуқаролик ҳуқуқи объектларидан бири. ФКда «ахборот» тушунчасига аниқлик киритилмаган ва фақатгина тор доира — хизмат ва тижорат сирларини ҳимоя қилиш кўрсатилган.

АХБОРОТ ЗАХИРАЛАРИ — маълумотлар тизимидаги (кутубхоналарда, архив, фондларда, маълумотлар банкида, бошқа маълумотлар тизимида) алоҳида ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг йиғиндиси.

АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ — конституциявий ҳуқуқдан қуйидаги ҳуқуқ ва эркинликлар гуруҳини ташкил қилувчи тушунча: сўз, матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари эркинлиги, оммавий аҳамиятга эга бўлган ахборотни олиш ҳуқуқи ва қонуний асосда олинган ахборотларни тарқатиш ҳуқуқи жой олган. ЎзР Конституциясига асосан, оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар, цензурага йўл қўйилмайди (67-модда).

АХБОРОТДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ — ЎзРнинг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунининг 22-моддасига асосан, давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар ахборотдан фойдаланувчилар ҳисобланадилар. Қонун талабларига кўра, ахборотлаштирувчи давлат органлари, хусусий ахборот эгалари ахборот олиш, узатиш ва сақлаш бўйича маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

АХБОРОТЛАШТИРИШ — ЎзРнинг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуни ахборот мажмуи фаолиятининг иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини, унинг ЎзРда тутган ўрни ва аҳамиятини белгилайди, ахборот эгалари ва ахборотдан фойдаланувчилар бўлмиш давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб туради.

А. жараёнлари — ЎзРнинг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунига кўра ахборотларни тўплаш, жамғариш, қайта ишлаш, узатиш, қўллаш ва рухсат этилмаган танишувдан сақлаш жараёнлари.

АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК — ЎзРда 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади. Мазкур қонун ахборот мажмуи фаолиятининг иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий асосларини, унинг ЎзРда тутган ўрни ва аҳамиятини белгилайди, ахборот эгалари ва ахборотдан фойдаланувчилар бўлмиш давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб туради.

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлатлараро муносабатлар икки томонлама ва кўп томонлами битимлар, юридик шахсларнинг ўзаро, биргаликдаги, жамоа, дастурий ва техникавий жиҳатдан яхлит ахборот тизимлари, шунингдек, ахборотлаштиришнинг бошқа масалалари бўйича тузадиган илмий-техник дастурлари, шартномалар ва мажбуриятлари асосида таркиб топади. А.с.х.ҳ. халқаро шартномалар ва битимлар асосида амалга оширилади (ЎзРнинг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонуни, 34-м.).

АХБОРОТЛАШТИРИШ ТИЗИМИ — ЎзРнинг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунига кўра республиканинг ахборот мажмуи давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг А.т.дан ташкил топади. Республика, ҳудудий, тармоқ, маҳаллий ахборот тизимлари ва шахобчалари, шунингдек, уларда ишлатиладиган алоқа воситалари республика ахборот мажмуининг таркибий қисми ҳисобланади.

АХЛОҚ КОДЕКСЛАРИ — халқаро ҳуқуқнинг ёрдамчи манбаи

ҳисобланади; халқаро иқтисодий алоқаларни нодавлат йўли билан тартибга солиш тури. Халқаро савдо палатаси томонидан 1937 йилда халқаро реклама амалиёти кодекси қабул қилинган, 1949, 1955, 1966, 1973 ва 1986 йилларда қайта кўриб чиқилган. Улар томонидан маркетинг фаолиятига оид, яъни товарларнинг ҳаракати, уларни почта орқали сотиш, бевосита савдо амалиёти, шунингдек, маркетинг ва ижтимоий изланишларни ўтказиш тўғрисида қатор кодекслар қабул қилинган. Халқаро франшизлар ассоциацияси томонидан А.к. (*code of ethica*) франшиз шартномаси тузилиши муносабати билан чоп этилди, халқаро юристлар ассоциацияси томонидан халқаро ҳакамларнинг ахлоқ қоидалари қабул қилинди. Америка юристлар ва ҳакамлар (арбитраж) ассоциацияси томонидан ҳакамларнинг савдо низоларини ҳал қилишга оид А.к. қабул қилинган. Биржалар ва банк ассоциацияси, шунингдек, алоҳида фирмалар томонидан ҳам ўз табиатига мос ҳужжатлар қабул қилинади.

АХЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ — ЎзР ЖКнинг 46-моддасига кўра А.т.и. шахс иш ҳақининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда ўталади. А.т.и. олти ойдан уч йилгача муддатга тайинланади. А.т.и. пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, ёш боласини боқиш учун таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди. Агар шахс суд томонидан тайинланган А.т.и. муддатининг жами бўлиб ундан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд А. т. и.нинг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товлаган вақт жазони ўталган муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

АХЛОҚ ТУЗАТИШ КОЛОНИЯЛАРИ — ЎзРда ахлоқ тузатиш муассасининг турларидан бири. А.т.к. жиноят-ижроия кодексига мувофиқ вояга етган судланганларнинг озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташлари учун мўлжалланган. Улар манзил-колонияларга, умумий, қаттиқ, махсус тартибли колонияларга бўлинади. Манзил-колониялар қуйидагиларга бўлинади: эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар сақланадиган манзил-колониялар; умумий ва қаттиқ тартибли колониялардан, шунингдек, тарбия колонияларидан ўтказилган маҳкумлар сақланадиган манзил-колониялар. Умумий тартибли колониялар қуйидагиларга бўлинади: қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақланадиган колониялар; оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақланадиган колониялар; илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва қасддан жиноят содир этганлик учун яна судланган аёллар сақланадиган колониялар (ЖИКнинг 48-моддасида кўрсатилган аёллар бундан мустасно). Қаттиқ тартибли колониялар қуйидагиларга бўлинади: ўта оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахслар сақланадиган колониялар; илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони

ўтаган ва қасддан жиноят содир этганлик учун яна судланган эркаклар сақланадиган колониялар; илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва ўта оғир жиноят содир этганлик учун яна судланган аёллар, шунингдек, ўта хавфли рецидивист деб топилган аёллар сақланадиган колониялар. Махсус тартибли колониялар озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган, ўта хавфли рецидивист деб топилган эркакларни сақлаш учун мўлжалланган. Махсус тартибли колонияларда ўлим жазоси афв этиш тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган эркаклар ҳам сақланади.

АХЛОҚ ТУЗАТИШ МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ — 1990-йиллар ўрталарига-ча жиноят-ижроия ҳуқуқининг номланиши.

АХЛОҚ ТУЗАТИШ МУАССАСАЛАРИ — ЎзР ЖИКнинг 45-моддасига мувофиқ озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини жазони ижро этиш муассасалари амалга оширади. Жазони ижро этиш муассасаларига қуйидагилар киради: жазони ижро этиш колониялари; тарбия колониялари; турмалар. Тергов ҳибсхоналари озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва ҳўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасалари вазифасини бажаради. Жазони ижро этиш колониялари манзил-колонияларга, умумий, қаттиқ, махсус тартибли колонияларга бўлинади ҳамда вояга етган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган. Тарбия колониялари умумий ва кучайтирилган тартибли колонияларга бўлинади ҳамда вояга етмаган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган. Турмалар вояга етган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган.

АШЁВИЙ ДАЛИЛЛАР — жиноят ёки жиноятчи шахслардан қоладиган моддий излар. Жиноят содир этилишида ишлатиладиган қуроллар ёки тажовуз натижасида вужудга келган моддий ўзгаришлар ва уларнинг содир этилганини билдирувчи излар ҳам ашёвий далил ҳисобланади. Уларни ўрганиш орқали шахсларнинг жиноятга дахлдорлиги ёки дахлсизлиги аниқланади. А.д.ни топиш ва олиш ҳамда исбот сифатида ишлатиш масъул шахслар — терговчи, суд, экспертлар томонидан амалга оширилади. Ашёвий далиллар қуйидаги кўринишда бўлади: дастлабки кўринишдаги ва ҳосила (ясама) А.д. Дастлабки кўриниш А.д.нинг айни жиноят содир этилган пайтдаги ҳолати, ҳосила эса шу изларнинг нусхаларидир. Масалан, сурати, видеоёзуви ва оғзаки тасвирлари. Ашёвий далилнинг далиллик хусусиятини сақлаб қолиш жуда муҳим. Бу мақсадга эришиш учун, аввало, жиноят-процессуал қонун талабларига асосланиш ва ашёвий далиллар билан ишлашда қўлланиладиган криминалистик тавсияларга амал қилиш керак.

АШЁВИЙ КРЕДИТ — қайсидир бир ашёни гаровга олиб қарз бериш.

АШЁЛАРНИ ТРАНСПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЮКХОНАЛАРИДА САҚЛАШ — фуқаролик ҳуқуқида ашёларни сақлашнинг махсус тури. Транспорт ташкилотларининг ихтиёридаги юкхоналар йўловчилар ва бошқа фуқаролардан, уларда йўл ҳужжатлари бор ёки йўқлигидан қатъи назар, ашёларни сақлаш учун қабул қилиши шарт (ЎзР ФК 897-м.). А.т.т.ю.с. шартномаси оммавий ҳисобланади ва унга нисбатан ЎзР ФК 358-моддаси қоидалари жорий қилинади. Ашё сақлаш учун юкхонага қабул қилинганлигини тасдиқлаш юзасидан (автомат юкхона-

лардан ташқари) юк топширувчига патта ёки номерли жетон берилади. Патта ёки жетон йўқотилган тақдирда юкхонага топширилган ашё уни топширган шахс ашёнинг ўзига қарашли эканлигини исботлаган тақдирда берилади. Юкхона ашёни сақлаши керак бўлган муддат махсус қоидалар ёки томонларнинг келишуви билан белгиланади. Кўрсатилган муддатда талаб қилиб олинмаган ашёни юкхона яна 30 кун сақлаб туриши шарт. Йўқотиш, етишмовчилик ёки зарарланиш натижасида юкхонага қўйилган юкларга етказилган зиён уни ундириш ҳақидаги талаб қўйилгач, сақловчи томонидан 24 соат ичида тўланиши лозим.

АШЁНИ ЛОМБАРДДА ОМОНАТ САҚЛАШ — омонат сақлашнинг алоҳида тури. А.л.о.с. шартномаси ошкора шартнома бўлиб, унга нисбатан ЎзР ФКнинг 358-моддаси қоидалари жорий қилинади. ЎзР ФКнинг 894-моддасига биноан, А.л.о.с. шартномаси ломбард томонидан юк топширувчига (мижозга) унинг номига ёзилган сақлов паттаси бериш йўли билан расмийлаштирилади. А.л.о.с. учун топширилаётган ашё тарафларнинг келишуви билан сақлаш учун қабул қилиш пайтида ва жойида одатда савдода шу турдаги ва сифатдаги ашёга белгиланадиган нархларга мувофиқ баҳоланиши керак.

Ломбард сақлаш учун қабул қилинган ашёларни чиқарилган нархнинг тўла суммасида ўз ҳисобидан юк топширувчи фойдасига суғурта қилиши шарт. Агар буюм келишувда кўрсатилган муддатда қайтариб олинмаса, ломбард уни икки ой мобайнида шартномада кўрсатилган нархни олган ҳолда сақлашга мажбур. Бу муддат ўтгач, қайтиб олинмаган буюм ЎзР ФК 289-моддасининг 7-қисмида белгиланган тартибда сотилиши мумкин. Ашёни сотишдан тушган пул уни сақлаш ва ломбарднинг бошқа харажатларига кетган маблағни қоплаш учун тўланади. Пулнинг қолган қисми ашё эгасига қайтарилади.

АШЁНИНГ ТУРИШ ЖОЙИ ҚОНУНИ (*lex rei sitae*) — халқаро хусусий ҳуқуқ тажрибасида вужудга келган (бириктириш формаси) дастлабки коллизион боғланишдир. У фуқаролик ҳуқуқий муносабат объекти бўлган ашё турган ҳудудда, ўша давлатнинг ҳуқуқини қўллашни билдиради. Тегишли давлатнинг миллий ҳуқуқида у ёзилмаган бўлса ҳам бу қонун қўлланилади (халқаро урф-одатга кўра) *фуқаролик ҳуқуқий муносабат тарафларининг танлаган қонуни* — (*lex voluntatis*) — халқаро хусусий ҳуқуқда — фуқаролик ҳуқуқий муносабат қатнашчилари — тарафларнинг ўзлари танлаган ўша давлат ҳуқуқини қўллашни билдиради. Бундай ҳуқуқни танлаш усули — шартнома мажбуриятларида — фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг бир гуруҳидагина фойдаланилади. Бириктиришнинг бу формуласи ҳозирги вақтда умум тан олган ҳисобланади. Миллий коллизион ҳуқуқ сифатида, шунингдек, халқаро шартномаларда шартнома мажбуриятлари доирасида барча коллизион масалаларни ҳал қилишда тарафларнинг иродаси ҳал қилувчи эканлигидан келиб чиқади. Бириктиришнинг бундай формуласи «автоном ирода» дейилади.

АЭРОПОРТ ТУШУМЛАРИ — давлат органлари томонидан аэропортдан фойдаланганлик учун олинадиган пул суммаси.

АҚЛИЙ ЗАИФЛИК — интеллектдаги камчилик. А.з. икки хил бўлади, туғма (олигофрения) ва орттирилган заифлик. Орттирилган заифлик мияда бўлган ҳар хил касалликлар орқасидан келиб чиқади (атеросклероз, эпилепсия).

А.з.нинг енгил шаклларидан бири гўлликдир. Жиноятчилар орасида гўллик юқори ўринни эгаллайди. А.з.нинг оғир шаклларидан бири телбаликдир. А.з. кўпинча, майда ўғрилик, фоҳишалик ва дайдилик каби фожиаларга олиб келади.

АҚЛИЙ НОРАСОЛИК — шахснинг сурункали руҳий хасталиги. Руҳий фаолиятнинг вақтинча бузилиши, ақлий заифлашув ёки бирон-бир касаллик оқибатида ўз хатти-ҳаракатларидан ўзига ҳисоб беришга ёки ўз хатти-ҳаракатларини бошқаришга лаёқатсизлиги. Махсус тиббий экспертизаси томонидан ақли норасолиги аниқланган шахслар жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИ — ижтимоий онгнинг кишилик жамияти сиёсий ҳаётига тегишли бўлган табиий эҳтиёжини белгиловчи ҳолати.

«Б»

БАДНОМ ҚИЛИШ — ўлимга ёки бир умрли сургунга ҳукм қилинган дворянлар учун белгиланган шармисор қилувчи жазо тури. Б.қ. процедураси жиноятчининг боши узра қилични синдириш ёки унинг исми ёзилган тахтани дорга қоқиб қўйишдан иборат бўлган. Бадном қилинган шахс қонун ҳимоясидан ва барча фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум бўлган. Б.қ. «барча мулкий ҳуқуқлардан маҳрум этиш» билан алмаштирилган.

БАЁН ЭТИЛГАН ДАРОМАД — жисмоний ёки юридик шахснинг солиқ суммаларини ҳисоблаш учун солиқ органларига баён этган даромади.

БАЙРОҚ — давлат ёки бирор-бир ташкилотнинг ёғоч даста (ёки арқон)га бириктирилган, кўпинча бирор давлат ёки ташкилот белгиси бўлган бир ёки бир неча рангдаги мато (қ.: *ЎзРнинг Давлат байроғи*).

БАЙРОҚ ДАВЛАТИ — байроғи остида муайян кема қонуний сузиб юрган давлат. Б.д., кемага ўз байроғини берар экан, бу билан кеманинг қайси давлатга тегишли эканлигини белгилайди. Ҳар бир давлат кемаларга унинг байроғи остида сузиш ҳуқуқини бериш тартибини ўзи белгилайди ҳамда уларга ушбу ҳуқуқини тасдиқловчи тегишли ҳужжат беради. Б.д. маъмурий, техникавий ва ижтимоий масалаларда унинг байроғи остида сузувчи кемалар устидан ўз юрисдикциясини ва назоратини самарали равишда амалга ошириши ҳамда умум эътироф этган қоидаларни инобатга олган ҳолда, денгизда хавфсизликни таъминлаш учун зарур чораларни кўриши керак.

БАЛАНСЛАНГАН ҲИСОБ — корхонага тегишли бўлмаган, аммо вақтинча унинг фойдаланишида ёки ихтиёрида бўлган (ижарага олинган асосий маблағлар, моддий бойликларни жавобгарликни ҳисобга олиб сақлаш, қайта ишлаш ва шунга ўхшашда) ашёларни ўзига берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар асосида мазкур ашёларнинг ҳаракати ва мавжудлиги тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш, шунингдек, айрим хўжалик операцияларини назорат қилиш учун мўлжалланган ҳисоб. Кўрсатилган ашёларни бухгалтерия ҳисобининг оддий тизими бўйича олиб борилади ва балансларга тузишда ҳисобга олинмайди.

БАЛЛИСТИКА (юн.) — отилган артиллерия снарядлари, ўқ, мина ва бомбалар, бошқарилмайдиган ракеталар ҳаракати ҳақидаги фан. Ички Б. порох гази таъсирида снарядниng ствол канали ичидаги (ёки ҳаракатни чегараловчи бошқа шароитлардаги) ҳаракатини, ташқи Б. эса снаряд (мина, ўқ ва б.)нинг ствол каналидан отилиб чиққанидан (ракетанинг учириш қурилмасидан ажралгандан) кейинги ҳаракатини, шунингдек, бу ҳаракатга таъсир қиладиган омилларни ўрганади.

БАНДИТИЗМ — давлат ва жамоат муассасаларига, корхоналар ёки айрим шахсларга ҳужум қилиш мақсадида қуролли тўдалар ташкил этиш. Шунингдек, ана шундай тўдаларда ва улар қиладиган ҳужумларда иштирок этиш. Бошқарув актларида ҳамма вақт давлат органи ёки мансабдор шахснинг фармойиши баён қилиниб, унинг бажарилиши ташкилий ишлар ва ишонтириш йўли билан, керак бўлган пайтларда эса мажбурлаш йўли билан амалга оширилади.

БАНДЛИК — ЎзРнинг 1998 йил 1 майдаги «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунида таъкидланганидек, иш билан таъминлаш — фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятидир. Фуқаролар унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этишлари мумкин ва ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш борасида мутлақ ҳуқуққа эгадирлар. Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Кишиларнинг ихтиёрий равишда иш билан банд бўлмаслиги уларни маъмурий ва бошқа жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди.

БАНК — пул маблағларини ўзида сақловчи, кредит (қарз, ссуда) берувчи, пул ҳисоботларини, пул чиқаришни (эмиссияни), қимматли қоғозлар (банкнотлар, чеклар, векселлар) чиқаришни амалга оширувчи ва давлатлар, корхоналар, муассасалар ва алоҳида шахслар орасидаги ўзаро тўловларни ва ҳисоб-китобни амалга оширишда воситачи вазифасини бажарувчи махсус иқтисодий институт.

Ҳозирда дунёнинг кўпчилик мамлакатларида икки погонали Б. тизими фаолият кўрсатиб келмоқда. Тизимнинг биринчи поғонасини марказий (эмиссион) Б. ташкил этади. Одатда, унинг маблағлари қандайдир шаклда давлат томонидан назорат қилинади ёки бутунлай хазинага қарашли бўлади. Марказий Б.нинг асосий вазифалари пул эмиссияси, пул муомаласини тартибга солиш, расмий пул-кредит ва валюта сиёсатини амалга оширишдир. Б. тизимининг иккинчи поғонасини давлат, давлат ҳиссадорлик, ҳиссадорлик ва хусусий-тижорат Б.лари ташкил этади. Улар қуйидаги турларга бўлинади: фаолияти асосан депозитлар қабул қилиш ва қисқа муддатли кредитлар бериш билан боғлиқ бўлган тижорат (депозит) Б.лари; ўз маблағларини ва қарз олинган маблағларни қимматли қоғозларга жойлаштирадиган, узоқ муддатли сармояга муҳтож тадбиркорлар ва пул қўювчилар ўртасида воситачилик қилувчи инвестицион Б.лар; кўчмас мулкни гаровга қўйиш эвазига узоқ муддатли кредитлар берувчи ипотека Б.лари; жамғарма Б.лар ва кредит жамиятлари; суғурта ва нафақа фондлари.

Мустақилликдан сўнг ЎзР Марказий банк бошчилигидаги ўз Б. тизимини ташкил қилди. Энг йирик депозит ва инвестицион Б.лар Ташқи

иқтисодий фаолият миллий банки, Саноат қурилиш банки, Пахтабанк ва бошқа бир қатор ихтисослашган тармоқ Б.ларидир. Энг йирик жамғарма банки — ЎзР Халқ банкидир.

БАНК ЛИКВИДЛИГИ — банкнинг ўз мажбуриятларини вақтида таъминлаш қобилияти, яъни банк активлари ва пассивларининг ҳажмлари ва муддатлари бўйича мослик даражаси. Банк балансидаги активлар ва пассивларнинг мувозанатлашганлиги, қўйилган активлар ва банк жалб этган пассивлар муддатларининг мослиги билан белгиланади. Ликвидликнинг кўтарилиши банк муассасалари фойда кўриш даражасининг ликвид активлар улуши ошганлиги туфайли пасайиши билан боғлиқ. Ликвид мабалағлар деганда тез сотиладиган маблағлар — қисқа муддатли давлат қоғозлари, жорий ҳисобварақлар, нақд пуллар ва бошқалар тушунилади.

БАНК ОМОНАТИ (ДЕПОЗИТ) ШАРТНОМАСИ — ЎзР фуқаролик ҳуқуқида бошқа томон (омонатчи)дан келиб тушган ёки омонатчи учун келиб тушган пул маблағини қабул қилган бир томон (банк) шартномада назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда омонат суммасини қайтариш ва унга фоизлар тўлаш мажбуриятини оладиган шартнома.

БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ — ЎзРнинг 1996 йил 26 апрелдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасига мувофиқ, банклар ўз фаолиятларида қуйидаги Б.о.ни амалга оширадилар: жисмоний ва юридик шахсларнинг, жумладан, вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш; омонатлар жалб этиш; кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш. Банклар бошқа турдаги операцияларни ҳам амалга оширишлари мумкин, чунончи: маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан, пул маблагларини бошқариш; чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш; пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассация қилиш; бошқа шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш; бошқа шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш; қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қогозлар билан бошқа операцияларни бажариш; банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш; жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш; молиявий лизинг; халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда махсус кўрсатилган бошқа операциялар. Банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва суғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмаслар.

БАНК ТРАТТАСИ — талаб этилганда тўланадиган ўтказилувчи вексель; банкнинг ўзи томонидан ёки унинг номидан талаб этилади; нақд пул маблағларига тенглаштирилади ва тўловсиз қайтарилиши мумкин эмас. Ташқи савдо операцияларида кўпроқ фойдаланилади.

БАНК УСТАВИ — ЎзР қонунларига биноан, қуйидаги маълумотларга эга бўлиши керак: банкнинг номи ва унинг жойлашган ўрни (почта

адреси); банк амалга оширадиган банк операцияларининг рўйхати; устав капитали, банкда ташкил этиладиган резерв, суғурта ва бошқа фондлар; банкнинг юридик шахс эканлиги ва тижорат асосида фаолият кўрсатиши ифодаланган кўрсатма; банк бошқарув органлари, унинг тузилиши, ташкил этилиш тартиби ва функциялари тўғрисидаги маълумотлар. Б.у. ЎзР Марказий банкининг тавсияларига мувофиқ тайёрланади ва ҳар бир муайян банкнинг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган қонунларга зид бўлмаган бошқа қоидаларни акс эттириши мумкин. ЎзРнинг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига кўра (ЎзР 1992 йил 2 июндаги қонун билан киритилган ўзгаришлар қўшилган ҳолда), банклар Б.у.га қўшилган ҳар бир ўзгаришлар тўғрисида ЎзР МБни хабардор қилишлари шарт (қ.: *Кредит ташкилотининг устави*).

БАНК ҲИСОБВАРАҒИ ШАРТНОМАСИ — банк мижоз (ҳисобварақ эгаси) очган ҳисобварақка келиб тушадиган пул маблағларини қабул қилиш ва ўтказиш, мижознинг тегишли суммаларни ҳисобварақдан ўтказиш ва бериш, шунингдек, ҳисобварақ бўйича операцияларни бажариш ҳақидаги бошқа топшириқларини бажариш мажбуриятини олишига асос бўладиган фуқаровий-ҳуқуқий шартнома. Банк мижознинг ҳисобварақдаги пул маблағларини ҳеч бир тўсиқсиз тасарруф этиш ҳуқуқини кафолатлаган ҳолда ушбу маблағдан фойдаланиши мумкин. Банк мижознинг ўз пул маблағларидан фойдаланиш йўналишини белгилаш ва назорат қилишга, унинг ўз маблағларини ўз хоҳиши бўйича тасарруф этиш ҳуқуқини қонунда ва Б.ҳ.ш.да назарда тутилмаган бошқа йўллар билан чеклашга ҳақли эмас. Б.ҳ.ш.ни тузиш чоғида мижозга ёки у кўрсатган шахсга томонлар келишган шартлар асосида банкда ҳисобварақ очилади.

БАНК ЧЕКИ — тижорат тўловлари (аванс, кафолат ва б.)ни амалга оширишда қўлланиладиган чек; асосан, товарсиз тўловларни амалга оширишда қўлланилади.

БАНКЛАРДА ШАХСИЙ ҲИСОБВАРАҚ ОЧИШ — ЎзРда ўрнатилган қонун ва норматив актлар орқали амалга оширилади.

БАНКЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ОПЕРАЦИЯЛАРИ — банкларнинг ишончли вакил ҳуқуқи билан мижозларнинг манфаати йўлида уларнинг мулкини бошқариш ва бошқа топшириқларини бажариш операциялари.

БАНКНИНГ ЛИКВИД АКТИВЛАРИ — нақд пул, олтин, ҳисобварақларидаги талаб қилиб олингунча қўйилган маблағларнинг қолдиқлари, бир ойгача бўлган муддатга очилган депозитлар, хусусий ва давлат қисқа муддатли қимматбаҳо қоғозлари, тижорат векселлари ва бошқа осон сотиладиган банк воситалари.

БАНКНИНГ ЭМИССИЯ ФАОЛИЯТИ — банкнинг қимматбаҳо қоғозлар ва барча турдаги банкнотларни муомалага чиқариш фаолияти.

БАРМОҚ ИЗЛАРИ — криминалистикада махсус бўёқ билан қопланган кафт сирти ва бармоқ бўғимларини қоғозга босиш ва думалатиш натижасида ҳосил бўлган папилляр чизиқлар нақши.

БЕЗОРИЛИК — ЎзР ЖКнинг 277-моддасида назарда тутилган жамоат тартибига қарши жиноят. У жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уруш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш орқали жиддий зарар етказишда намоён бўлади. Жарима, ахлоқ тузатиш ишлари ёки

қамоқ билан жазоланади. Безорилик баданга ўртача оғир шикаст етказиб; бир гуруҳ шахслар томонидан; совуқ қурол ёки кишининг соғлиғи учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) намойиш қилиб, уларни қўллаш билан қўрқитиб ёхуд қўллаб; ўз мазмунига кўра умум эътироф этган ахлоқ қоидаларини намойишкорона менсимасликда ифодаланувчи ўтакетган беҳаёлик билан; ёш бола, қария, ногирон ёки ожиз аҳволдаги шахсларни хўрлаб; кўп миқдорда зарар етказиб, бировнинг мулкини нобуд қилиб ёки унга шикаст етказиб содир этилган бўлса, озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Агар Б. такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; ўқотар қуролни намойиш қилиб, уни қўллаш билан қўрқитиб ёки қўллаб; оммавий тадбирлар ўтказилаётган вақтда; жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд Б. ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилган бўлса, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

БЕКОР ҚИЛИНГАН ЧЕК — банк томонидан тўланган чек. Банк чекни тўлаётиб ёки «ҳисобга олаётиб» унинг олд ёки орқа томонига ўз индоссаментини қўяди ва бу билан уни бекор қилади. Б.қ.ч. муомалага қўйилмайди.

БЕЛГИЛАНГАН ЖОЙ БОЖХОНАСИ — белгиланган давлатнинг бутун юк ёки унинг қисми учун божхона транзити тартиби бўйича ташиш тугалланадиган ҳар қандай божхона.

БЕЛЛИ КАЗУСИ (лот. *Casus belli*) — давлатлар ўртасида уруш ҳолатининг келиб чиқиши учун бевосита формал баҳона. Б.к. ўтмишда ҳарбий ҳаракатларни бошлаш учун қонуний асос бўлган, уруш қилишни оқлаш ва унинг ҳақиқий сабабларини яшириш учун хизмат қилган. Уруш қилишга бўлган ҳуқуқнинг тугатилиши билан Б.к. учун асослар ҳам йўқолди.

БЕПАРВОЛИК БИЛАН ҚУРОЛ САҚЛАШ — Қ.: *Қурол сақлаш.*

БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИДА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ — Қ.: *Жиноятқорона бепарволик ёки бепарволик оқибатида жиноят содир этиш.*

БЕПУЛ ФОЙДАЛАНИШ ШАРТНОМАСИ (ссуда шартномаси) — бир томон (ссуда берувчи) иккинчи томон (ссуда олувчи)га вақтинчалик текинга фойдаланиш учун буюмни бериш мажбуриятини олишига ёки беришига, иккинчи томон эса буюмнинг нормал емирилишини ҳисобга олиб, ўзи олган ҳолатда ёки шартномада белгиланган ҳолатда қайтариш мажбуриятини олишига асос бўладиган фуқаровий-ҳуқуқий шартнома.

БЕШ ЮЗЛИК КЕНГАШИ — Францияниng 1795 йилги III Конституциясига биноан ташкил этилган Қонунчилик корпусининг икки палатасидан бири (бошқаси — Оқсоқоллар кенгаши). Цензли ва икки босқичли сайлов ҳуқуқи асосида сайланган. Беш юзлик Кенгашининг ҳар йили учдан бир қисми янгиланган. Б.ю.к. фақат қонунларнинг лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқига эга бўлган. Унинг қонунларга оид таклифлари фақат Оқсоқоллар кенгаши маъқуллаганидан кейин қонун кучига эга бўлган. Б.ю.к. Тюильрида Конвентнинг собиқ залида мажлис қилган. У 1795 йилнинг 25 октябридан 1799 йил 10 ноябргача амал қилиб турган ва Наполеон амалга оширган 18 брюмер тўнтаришидан кейин тарқатиб юборилган.

БИЛАТУРИБ ЁЛҒОН КЎРСАТУВ БЕРИШ — Қ.: *Ёлғон гувоҳлик бериш.*

БИЛАТУРИБ ЁЛҒОН РЕКЛАМА — ЎзРнинг 1998 йил 25 декабрдаги «Реклама тўғрисида»ги қонунининг 14-моддасига мувофиқ ноаниқлик, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида, рекламани тарқатиш вақти, жойи ва усулига нисбатан қўйилган талабларни ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларни бузиши натижасида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ва чалғитиши мумкин бўлган, шахсларга, шунингдек, давлатга зарар ва маънавий зарар етказиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсизларча, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланади ва реклама берувчилар, реклама тайёрловчилар, тарқатувчилар монополияга қарши давлат органи томонидан жаримага тортилиши мумкин.

БИЛАТУРИБ ЁЛҒОН ХАБАР БЕРИШ — ЎзР ЖКнинг одил судловга қарши жиноятлар назарда тутилган 237-моддасида аниқ шахс томонидан жиноят қилганлик тўғрисидаги ёлғон маълумотларни билатуриб даъво қилувчи учун хабар қилишда ифодаланади. Даражасини белгиловчи нишонаси: шахсни оғир ёки ўта оғир жиноят қилишда айблаш ёхуд сохта далиллар тузиш билан айблаш.

БИЛВОСИТА (КЎП БОСҚИЧЛИ) САЙЛОВЛАР — таркибига ёхуд аҳоли томонидан сайланган сайловчилар ёхуд қуйи турувчи вакиллик органларининг депутатлари ёхуд ҳам улар, ҳам булар кирувчи қуйи турувчи сайлов органлари ёки сайлов коллегиялари томонидан вакиллик органи депутатлари сайланувчи сайлов тизими. Билвосита далиллар икки ва ундан кўп босқичли бўлиши мумкин, чунончи, уч ёки тўрт босқичли сайловлар ҳозирги вақтда кам учрайди. Масалан, икки босқичли сайловлар билан АҚШ, Финляндия президентлари, Ҳиндистон парламентининг юқори палатаси сайланади. Уч босқичли сайловлар билан Франция сенатининг бир қисми сайланади: сайловчилар муниципал маслаҳатчилар учун овоз беришади, муниципал маслаҳатчилар делегатларни тайинлайди, сенаторларни сайлайди.

БИЛВОСИТА ДАЛИЛ — 1) баъзи бир мулоҳаза (асосий фикр) баъзи бир бошқа исбот қилинаётган мулоҳаза билан боғлиқ бўлган мулоҳазаларни жалб қилиш воситасида исбот қилинадиган дедуктив далилнинг тури. Тезисни инкор қилишликдан ёлғон мулоҳаза (масалан, қарама-қаршилик) келтириб чиқариладиган апагогик билвосита далиллар (қарама-қаршиликдан келиб чиқадиган далил) ва асосий фикрнинг барча муқобиллари рад қилинадиган ажратувчи билвосита далиллар; 2) ҳуқуқда билвосита далиллар.

БИЛВОСИТА ДАРОМАД — жисмоний шахс қўшимча (асосий бўлмаган) фаолияти натижасида оладиган даромад.

БИЛВОСИТА ИМПОРТ — мамлакатга олиб кирилган машиналар ва асбоб-ускуналарда ишлатилган бутловчи ёки ярим тайёр маҳсулотларнинг импорти.

БИЛВОСИТА СОЛИҚЛАР — солиқ тўловчининг даромадларидан келиб чиқиб белгиланувчи тўғридан-тўғри солиқлардан фарқ қилиб товарлар ва хизматларга уларнинг нархи ёки тарифига устама қўйиш билан белгиланадиган солиқлар. Товарлар ишлаб чиқарувчи ёки хизматлар кўрсатувчи корхонанинг эгаси уларни устамани ҳисобга ол-

ган ҳолда нархлар (тарифлар) бўйича сотади ва давлатга тушумдан тегишли солиқ миқдорини тўлайди, яъни мазмунан у Б. с.ни йиғувчи, сотиб олувчи эса — уларни тўловчи бўлиб қолади. Б. с. акцизлар (шу жумладан, ҳар томонлама акциз ёки айлантиришдан олинадиган солиқ), фискал пошлиналар (давлат) ва божхона пошлиналари шаклида амалда бўлади.

БИЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ — фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқи. Давлат томонидан таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир» деб қайд этилган. Шунга асосан, ЎзРнинг 1997 йил 29 август куни қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонунининг 1-моддасида таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асослари белгиланган. Шу билан бирга «Таълим тўғрисида»ги қонунни ҳаётга татбиқ қилиш учун Ўзбекистонда Миллий дастур ҳам ишлаб чиқилган.

БИР ЙЎЛА БЕРИЛАДИГАН СУҒУРТА БАДАЛИ — ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш шартномаси бўйича одатдаги йиллик (ойлик) даврий бадаллар ўрнига унинг бутун амал қилиш муддати учун бериладиган тўлов.

БИР МАРТАЛИК ҲУЖЖАТЛАР — бухгалтерлик ҳисобида бир ёки бир неча хўжалик операцияларини акс эттирадиган ҳужжатлар. Б.м.ҳ. тузилганидан сўнг ташкилот бухгалтериясига берилади ва улар асосида бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади. Б.м.ҳ.га материаллар бўйича кирим ордерлари, касса кирим-чиқим ордерлари, аванс ҳисоботлари ва б. киради.

БИР НЕЧА ҲУКМЛАР ЮЗАСИДАН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ — агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади.

Бир неча ҳукм юзасидан ҳар хил турдаги жазоларни қўшиш йўли билан жазо тайинлашда ЖКнинг 51-м.сида назарда тутилган қоидаларга амал қилиниб, жазонинг оғирроқ тури узил-кесил тайинланади. Бир неча ҳукмлар юзасидан ахлоқ тузатиш ишларига ёки хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилиниб, иш ҳақи ёки пул таъминотидан ушлаб қолишнинг ҳар хил миқдори белгиланган ҳолларда, бу жазоларнинг фақат муддатлари қўшилади. Илгариги ҳукм юзасидан ижро этилмай қолган қўшимча жазолар ҳукмлар жами тариқасида тайинланган асосий жазога қўшиб тайинланади (ЎзР ЖК 60-м.).

БИР ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ (МОНОКАМЕРАЛИЗМ) — палаталарга бўлинишни истисно этувчи умумхалқ вакиллик ташкилотлари — парламентлар тузилиши. Бундай парламентлар «бир палатали» деб ҳам аталади. Дунёдаги мамлакатлардан кўпчилиги (60% га яқини) бир палатали тизимга эга. ЎзР Олий Мажлиси (мамлакатнинг олий вакиллик органи) бир палатали парламент асосига қурилган.

БИР ТАРАФЛАМА БИТИМ — ФКнинг 102-моддасига мувофиқ, битим тузиш учун қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ, бир тарафнинг хоҳиши зарур ва етарли бўлса, бундай битим бир тарафлама битим ҳисобланади. Б.т.б. уни тузган шахс учун бурчларни

келтириб чиқаради. Б.т.б. бошқа шахслар учун қонунларда ёки бу шахслар билан келишувда белгиланган ҳоллардагина бурчлар келтириб чиқариши мумкин. Б.т.б. га нисбатан, башарти, қонун ҳужжатларига, битимнинг табиати ва моҳиятига зид бўлмаса, мажбуриятлар ва шартномалар тўғрисидаги умумий қоидалар (ФКнинг III бўлими) тегишинча қўлланади.

БИР ТОМОНЛАМА АКТ — халқаро ҳуқуқ субъектининг бир томонлама амалга оширган ва ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳаракати. Давлатнинг халқаро ҳуқуқ бўйича ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган, яъни ҳуқуқий факт аҳамиятига эга бўлган ҳаракати ёки хоҳиш-иродасигина Б. т. а. деб тан олинади. Б. т. а. зикр этилган аҳамиятга эга бўлиши учун, ушбу хоҳиш-ирода халқаро ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаришга йўналтирилган бўлиши зарур, чунончи, халқаро ҳуқуқ субъектининг ҳар қандай бир томонлама ҳаракатлари уларни келтириб чиқаравермайди. Шунингдек, маълум ҳуқуқий фактлар асосида ёки улар оқибатида юзага келиши мумкин бўлган халқаро-ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлиши лозим. Б. т. а. га қуйидагиларни мисол қилиш мумкин: давлат ёки ҳукуматни тан олиш, бетарафлик ёки дахлсизликни эълон қилиш, битимга қўшилиш ёки унинг шарти, шартноманинг тугатилиши ёки ундан чиқиш, маълум ҳудуд ўрнатилганлигини эълон қилиш, ҳуқуқдан воз кечиш, дипломатик муносабатларни тугатиш, ультиматум, уруш эълон қилиш ёки амалда уни бошлаш, уруш тамом қилинганлиги эълон қилиш, капитуляция, протест, бир томонлама мажбуриятларни қабул қилиш ва ҳ. к.

БИР УМР ҚАРАМОҒИДА САҚЛАШ ШАРТНОМАСИ — фуқаролик ҳуқуқига оид шартнома турларидан бири бўлиб, унга кўра **рента** олувчи фуқаро ўзига тегишли уйни, квартирани, ер майдонини ёки бошқа кўчмас мулкни фуқарони ва (ёки) у кўрсатган бошқа шахсни (шахсларни) бир умр қарамоғида сақлаш мажбуриятини олган рента тўловчига мулк қилиб беради. Рента тўловчининг қарамоқда сақлаш мажбурияти турар жойга, озиқ-овқат ва кийим-кечакка, фуқаронинг соғлиғи талаб қилганда эса, унга қараш мажбуриятини ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Б.у.қ.с.ш.да рента тўловчининг маросим хизматлари учун пул тўлаши ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин. Бундай шартномада қарамоқда сақлашнинг барча харажатлари белгиланган бўлиши керак. Бунда қарамоқда сақлашнинг бир ойлик умумий қиймати қонунда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан кам бўлиши мумкин эмас. Рента тўловчи бир умр қарамоқда сақлашни таъминлаш мақсадида ўзига берилган кўчмас мулкни бировга бериш, гаровга қўйиш ёки бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли, фақат бунинг учун рента олувчининг розилигини олиши керак. Рента тўловчи бир умр қарамоқда сақлаш хизматини кўрсатиш даврида ушбу мулкдан фойдаланиш, ушбу мулк қийматининг пасайишига олиб келмаслиги учун барча чораларни кўриши шарт. Бир умр қарамоқда сақлаш мажбурияти рента олувчининг ўлими билан тўхтайди. Қолган масалаларда Б.у.қ.с.ш.га нисбатан бир умрлик рента ҳақидаги қоидалар қўлланилади.

БИР УМРГА ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ — жиноий жазо тури. Баъзи давлатларда фақат ҳаётга суиқасд қилувчи ўта оғир жиноят учун белгиланган ўлим жазосига муқобил чора сифатида назарда тутил-

ган ва суд сўнгги жазо чорасини қўлламаслик мумкин деб ҳисоблаган ҳолларда белгиланиши мумкин.

Бир умрга озодликдан маҳрум этиш аёлларга, шунингдек, жиноятни 18 ёшгача бўлган ёшда содир этган шахсларга ва суд ҳукми чиқарилган вақтда 60 ёшга тўлган эркакларга нисбатан белгиланмайди. Бир умрга озодликдан маҳрум этиш жиноий жазо чораси сифатида ЎзР ЖКда назарда тутилмаган.

БИР ХИЛЛИК БЕЛГИСИ — транспорт воситалари, нарсалар, юклар белгиланган усуллар билан божхона муносабатида расмийлаштиришни божхона муассасаси ёрдами билан белгиланиши ёхуд шундай аталишини тан олиниши мумкинлиги. Бир хиллик белгиси сифатида тавсиф, сурат, нусха, тамға ва муҳрлар, ҳар хил пломбалар, юклар жойи, хоналар ва бошқалар қўлланилиши мумкин. ЎзРнинг БКда «бир хиллик воситалари» — Б. х. б. мавжуд.

БИР ШАХСНИНГ КОРХОНАСИ — бир шахс ёки оиланинг мулки бўлган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича бутун корхона капитали билан ўз мулки билан жавобгар бўладиган корхона. Б.ш.к.нинг барча ишларини мулкдор ёки бунга махсус вакил қилинган ва кенг ҳуқуқларга эга бўлган, аммо корхона мулкдорининг назоратида бўлган хизматчи юритади. Б.ш.к.ни ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш қийин эмас: м-н, АҚШда муайян фаолиятни амалга ошириш учун лицензия ёки рухсат олишнинг ўзи етарли.

БИРГАЛИКДАГИ СУҒУРТА — бир объектнинг бир суғурта қилувчи томонидан суғурта қилиниши. ЎзР ФК 941-моддасига биноан агар бундай шартномада суғурта қилувчиларнинг ҳар бирининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланмаган бўлса, улар суғурта қилинувчи (фойда олувчи) олдида мулкий суғурта шартномаси бўйича суғуртанинг ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта суммасининг қопланиши учун солидар жавобгар бўлади.

БИРЖА КУРСИ — биржада ташкил қилинувчи бозорда қимматли қоғозларнинг (санация, облигацияларнинг) сотилиши баҳоси. Б. к. дивиденд миқдоридан тўғри боғланишда ва ссуда фоизи миқдорларидан тескари боғланишда бўладиган акциянинг ўз баҳоси. Уни чиқарган корхона томонидан акция сотиб олинмаслиги сабабли биржа курсига таъсир қилмайди. Облигацияларнинг Б. к. унинг ўз баҳосига боғлиқ, у қанча юқори бўлса, қайтариб олиш муддати шунча яқин бўлади.

Акцияларнинг Б. к. (оддийлари) облигациялар ва имтиёзли акцияларнинг курсига қараганда юқори бўлиб, ўзгариб туради, чунки улар бўйича даромад даражаси (миқдори) олдиндан белгиланмаган.

БИРЖАДА АЙЛАНИБ ЮРИШ — 1) чет эл валюталари, қимматли қоғозлари (акциялар ва облигациялар) курсларини ёки биржада товарларнинг нархини белгилаш; биржада қимматли қоғозлар ёки товарларнинг айланиши; қимматли қоғозлар, чет эл валюталари, товарларнинг биржа курси тўғрисида расмий эълон қилиш. Б.а.ю. одатда, товар, фонд ёки валюта биржасининг махсус органи (нарх белгилаш комиссияси) томонидан ўтказилади ва товарлар, қимматли қоғозлар (акциялар ва облигациялар) курслари ва чет эл валюталари курслари улгуржи нархларининг биржа ахборотномаларида нашр қилинади. Биржаларда Б.а.ю.га мамлакат иқтисодиётининг у ёки бу соҳасида ишлаб чиқаришнинг устунлик қиладиган қисмини назорат қилувчи чекланган сондаги акция-

дорлик жамиятлари қимматли қоғозлари қўйилади. Чет эл валюталарининг курси давлат органлари томонидан белгиланади. Чет эл валютасининг биржада айланиб юришининг асосий икки усули мавжуд: бевосита ва билвосита. Чет эл валютаси бирлигининг миллий валютада ифодаланувчи бевосита Б.а.ю. кўпроқ тарқалган. Асосан Буюк Британияда қўлланиладиган билвосита Б. а. ю.да миллий валюта бирликлари чет эл валютасига тенглаштирилади; 2) суғурта қилишда мукофот миқдори, бунда суғурталовчи тегишли таваккалчиликни суғурта қилишга тайёр бўлади. Мукофот бир неча суғурталовчилардан суғурта қилишнинг қулайроқ шартларини аниқлаш мақсадида олинган бўлиши мумкин. Ўз-ўзидан суғурталовчидан мукофотни олиш мукофотни берган суғурталовчининг мукофот таваккалчилиги суғурталанганлигини билдирмайди.

БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИНИНГ АЖРИМЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ (ПРОТЕСТ КЕЛТИРИШ) — фуқаролик процессида, ФПКда назарда тутилган шароитларда ҳамда суднинг ажрими ишнинг илгарилашига тўсқинлик қиладиган ҳолларда суд томонидан ажрим топширилган кундан эътиборан, ўн кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга суднинг ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш ҳуқуқи. Биринчи инстанция судининг бошқа ажримлари устидан хусусий шикоят берилмайди ва протест келтирилмайди, бироқ, бундай ажримларга қарши эътирозлар кассация шикояти ёки протестига киритилиши мумкин (ФПКнинг 346-моддаси).

БИРИНЧИ СУД ИНСТАНЦИЯСИ — суд мажлисида иш ҳолатларини бевосита ўрганиб чиқиш ва аниқлаш ҳамда у асосда қарор ёки ҳукм чиқариш ҳуқуқи берилган суд поғонаси. Ишни кўриб чиқиш жараёнида биринчи инстанция суди фуқаролик иши бўйича — ишда иштирок этаётган шахснинг тушунтиришларини, гувоҳларнинг кўрсатувларини, эксперт хулосаларини эшитиши, ёзма далиллар билан танишиб чиқиши, ашёвий далилларни кўздан кечириб чиқиши шарт, жиноят иши бўйича — судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларни сўроқ қилиши, эксперт хулосаларини эшитиши, ашёвий далилларни кўриб чиқиши, баённома ва бошқа ҳужжатларни эълон қилиши керак. Биринчи суд инстанцияси процессуал қонунда белгиланган ҳолатларга аниқлик киритади.

БИРЛАМЧИ ҲУЖЖАТЛАР — бухгалтерлик ҳисобида хўжалик ишларини амалга ошириш чоғида тузиладиган ва унинг биринчи расмий далили бўлган ҳужжатлар. Бирламчи ҳужжатлар ташқи, яъни ташкилотнинг ташқарисида тузиладиган (мол етказиб берувчилар ҳисобварақлари ва б.) ҳамда ички, яъни ташкилотнинг ўзида тузиладиган ҳужжатлар (далолатномалар, талабномалар ва б.)га бўлинади.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ (БМТ) (инг. *United Nations Organization, UNO, UN*) — давлатлар ва халқлар орасида ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича давлатларнинг халқаро уюшмаси 1945 йилда тузилган. БМТ Низоми тинч ҳаёт кечириш хартияси, халқаро ахлоқнинг умум эътироф этган кодекси сифатида тан олинган. У Муқаддима ва 111 моддадан иборат. БМТ Низомининг интеграл қисми БМТ Халқаро Судининг мақоми ҳисобланади. БМТ Низомининг 1-моддасида қуйидаги устувор йўналишлар илгари сурилган: халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, тинчликка хавф солиш, босқинчиликка қарши самарали жамоавий чора-тадбирларини амалга ошириш, тинчликнинг бузилишига олиб келиши мумкин

бўлган халқаро баҳсларни тинч йўл билан, халқаро адолат тамойилларига риоя қилган ҳолда ҳал қилишга ҳаракат қилиш. БМТга аъзолик ҳар бир тинчликсевар ва БМТ Низомида акс эттирилган мажбуриятларни ўз зиммасига олишга қодир давлатлар учун очиқ. БМТга аъзолик Бош Ассамблеянинг қарори билан, БМТ Хавфсизлик Кенгаши тавсияномаси бўйича амалга оширилади.1992 йил 2 март куни Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида бир овоздан БМТга қабул қилинди.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАРНИНГ ТАЪЛИМ, ИЛМ ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ТАШКИЛОТИ (ЮНЕСКО) — 1946 йилда ташкил этилган, БМТ тизимига кирувчи махсус ташкилот. ЮНЕСКОнинг мақсад ва вазифалари: таълим, илм ва маданият соҳасида халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш орқали тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга ҳисса қўшиш; қонунчилик ва адолатлиликка ҳурмат, ирқи, жинси, тили ва динидаги тафовутдан қатъи назар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилишни таъминлаш.

БИРЛАШТИРИЛГАН (ТЎПЛАНГАН) БЮДЖЕТ — тегишли миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар бюджетларини ўзида бирлаштирувчи жамланган бюджет. Шаҳардаги туманларнинг туман бюджетлари ва шаҳарнинг шаҳар бюджети унинг Б.б.ни ташкил қилади. Қишлоқ кенгашлари бюджети, тумандаги шаҳарлар бюджети ва туманнинг туман бюджети унинг Б.б.ни ташкил қилади ва ҳ.к.

БИТИМ — фуқаролик ҳуқуқида фуқаро ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқи ва мажбуриятларини ўрнатиш, ўзгартириш ва тугатишга қаратилган ҳаракат. Фуқаролик ҳуқуқи фани ва фуқаролик қонуни битимни бир неча турларга ажратади. Битим икки, кўп ёки бир томонлама бўлиши мумкин. Шартли битимлар ҳамда мавҳум битимлар учрайди.

БИТИМ ТУЗИШ — юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий муносабатларни ўрнатиш, ўзгартириш ёки тўхтатишга қаратилган ҳаракати тўғрисидаги, шунингдек, банк ҳужжатлари, қимматли қоғозлар, пулларни бир шахсдан бошқасига ўтиши тўғрисидаги ҳужжатларни имзолаш.

БИТИМЛАР ПАСПОРТИ — валюта назоратини амалга оширувчи фаолиятга ҳуқуқ берувчи асосий ҳужжат ҳисобланади ва товар экспорт қилувчи томонидан маълум бир ҳудудда фаолият кўрсатаётган резидентларга берилади.

БИТИМЛАР ШАКЛИ — ЎзР фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ, битимлар оғзаки ёки ёзма (оддий ёки нотариус томонидан тасдиқланган) шаклда тузилади. Шахснинг хатти-ҳаракатидан унинг битим тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган ҳолда ҳам бундай битим тузилган ҳисобланади. Сукут сақлаш қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида назарда тутилган ҳолларда битим тузишга бўлган хоҳиш-ироданинг ифодаси ҳисобланади. ЎзР ФК 106-моддасига кўра қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида ёзма шакл белгилаб қўйилмаган, жумладан у тузилаётган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган битим оғзаки тузилиши мумкин. Ёзма шаклда тузилган шартномани бажаришга қаратилган битимлар, агар қонун ҳужжатлари ва шартномага зид бўлмаса, тарафларнинг келишувига мувофиқ оғзаки тузилиши мумкин.

Ёзма шаклда тузилган битимни, агар иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, тарафлар ёки уларнинг вакиллари имзо-

лаши керак. Икки тарафлама битимлар ҳар бирини бераётган тараф имзолайдиган ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш йўли билан тузилиши мумкин. Хатлар, телеграммалар, телефонограммалар, телетайпограммалар, факслар ёки субъектларни ва улар хоҳиш-иродасининг мазмунини ифодалайдиган бошқа ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш, агар қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ёзма шаклда тузилган битимга тенглаштирилади.

Қонун шаклларида ва тарафларнинг келишувида битим шакли мос келиши шарт бўлган қўшимча талаблар (муайян шаклдаги бланкада тузилиши, муҳр босиб тасдиқланиши ва бошқалар) белгилаб қўйилиши ва бу талабларга риоя этмаслик оқибатлари назарда тутилиши мумкин.

Агар бундай оқибатлар назарда тутилмаган бўлса, ЎзР ФК 108-моддасининг 1-бандида назарда тутилган битимнинг оддий ёзма шаклига риоя этмаслик учун белгиланадиган оқибатлар қўлланилади.

Агар қонун ҳужжатларига ёки иштирокчилардан бирининг талабларига зид бўлмаса, битим тузиш чоғида имзодан факсимиле усулида нусха кўчириш воситаларидан фойдаланишга йўл қўйилади. Агар фуқаро жисмоний камчилиги, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли битимни шахсан ўзи имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан, битимни бошқа фуқаро имзолаши мумкин. Бошқа фуқаронинг имзоси нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан гувоҳлантирилиб, битим тузувчи уни шахсан ўзи имзолай олмаслигининг сабаблари кўрсатилиши шарт. Бироқ ЎзР ФК 185-моддаси 2-қисмида белгиланган битимлар тузилганда ва ишончнома берилганда, битимни шахсан имзолай олмайдиган шахс имзоси фуқаро ишлайдиган ташкилот ёки у даволанаётган шифохона маъмурияти томонидан ҳам тасдиқланиши мумкин.

ЎзР ФК 108-моддасига биноан нотариал тасдиқланиши талаб этиладиган битимлардан ташқари, қуйидаги битимлар оддий ёзма шаклида тузилади: 1) юридик шахсларнинг ўзаро ва фуқаролар билан битимлари; 2) фуқаролар ўртасидаги белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан ортиқ суммадаги битимлар, қонунда белгиланган ҳолларда эса — битим суммасидан қатъи назар бошқа битимлар. ЎзР ФК 106-моддасига мувофиқ, оғзаки тузилган битимлар учун оддий ёзма шаклга риоя этиш талаб қилинмайди.

Битимнинг ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Қонунда ёки тарафларнинг келишувида тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Ташқи иқтисодий битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Битимни нотариал тасдиқлаш ЎзР ФК 107-моддаси талабларига мос келадиган ҳужжатда нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади. ЎзР ФК 110-моддасига мувофиқ қуйидаги ҳолларда битимларни нотариал тасдиқлаш шарт: 1) қонунда кўрсатилган ҳолларда; 2) тарафлардан бирининг талаби бўйича. Битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан

ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради ва бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди (ЎзР ФК 112-м.).

Агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қиладиган битимни тўла ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса — битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафнинг талаби бўйича уни ҳақиқий деб ҳисоблашга ҳақлидир. Бу ҳолда битимни кейинчалик нотариал расмийлаштириш талаб қилинмайди. Агар давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим керакли шаклда тузилган бўлиб, аммо тарафлардан бири уни рўйхатдан ўтказишдан бош тортса, суд бошқа тарафнинг талаби билан битимни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Бундай ҳолда битим суд қарорига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади. Мазкур ҳолларда битимни нотариал тасдиқлаш ёки давлат рўйхатидан ўтказишдан асоссиз бош тортаётган тараф битимни тузиш кечиктирилганлиги туфайли етказилган зарарни иккинчи тарафга тўлаши лозим.

БИТИМЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ — қонун нотариал шаклда бўлишини шарт қилиб қўйган битимларга нисбатан нотариус томонидан амалга ошириладиган юридик ҳаракат. Тарафларнинг хоҳишига кўра, нотариус бошқа битимларни тасдиқлаши мумкин. ЎзРнинг «Нотариат тўғрисида»ги 1996 йил 26 декабрь қонунига биноан, нотариус тарафларга улар тақдим этган битим лойиҳасининг мазмуни ва аҳамиятини тушунтириб бериши ҳамда унинг мазмуни томонларнинг ҳақиқий истакларига мос келиш-келмаслиги ва қонун талабларига зид бўлмаслигини текшириши шарт.

Мулкни бировга бериш ва гаровга қўйиш тўғрисида қайд этилиши лозим бўлган шартномалар бировга берилаётган ёки гаровга қўйилаётган мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда тасдиқланиши мумкин. Ажратилган ер майдонида уй-жой қуриш тўғрисидаги шартномани нотариус ер майдони ажратилган жойда тасдиқлайди.

Уй-жой, хонадон, дала-ҳовли, богли уй, гараж ҳамда ер майдонини бировга ўтказиш тўғрисидаги шартномалар мазкур мулк жойлашган ерда тасдиқланади.

Нотариус муомала лаёқатига эга бўлган фуқароларнинг ЎзР қонунлари талабларига биноан тузилган ва нотариусга шахсан тақдим этилган васиятномаларини тасдиқлайди. Васиятноманинг вакиллар орқали тасдиқланишига йўл қўйилмайди. Васиятни тасдиқлашда васият қилувчилардан ўзлари васият қилаётган мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи далилларни тақдим этишлари талаб қилинмайди. Васиятнома бекор қилинганлиги тўғрисида билдириш хати олинган тақдирда, шунингдек, илгари тузилган васиятномани бекор қилувчи ёки ўзгартирувчи янги васиятнома олинган тақдирда ҳам нотариус бу тўғрида нотариусда сақланаётган нусхасида ва нотариал ҳаракатларни қайд этиш реестрида белги қўяди. Васиятномани бекор қилиш тўғрисидаги билдириш хати нотариус томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Нотариус бир ёки бир неча шахс номидан бир ёки бир неча шахс номига ёзилган ишончномаларни тасдиқлайди. Ўзига топширилган нарсани ёки ишни бошқа бировга ишониб топшириш тартибида берадиган ишончнома қайта ишониш ҳуқуқи назарда тутилган асосий ишончнома

тасдиқланганда ёхуд асосий ишончномада кўрсатилган вакил ўзининг бунга ишончнома берган шахс манфаатларини муҳофаза қилиш учун мажбур эканлигини тасдиқловчи далилларни тақдим этгандагина нотариал жиҳатдан тасдиқланиши лозим. Қайта ишониш тартибида берилган ишончнома асосий ишончномада берилган ҳуқуққа қараганда кўпроқ ҳуқуқни бермаслиги лозим. Қайта ишониш тартибида берилган ишончноманинг амал қилиш муддати уни бериш учун асос бўлган ишончноманинг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Нотариал тартибда тасдиқланадиган битим мазмуни баён этилган ҳужжат нусхаларининг миқдори нотариал ҳаракатни бажариш илтимоси билан мурожаат этган шахслар томонидан белгиланади, аммо битимда иштирок этувчи томонлар сонидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Бироқ васиятнома ва мулкни гаровга қўйиш, уй-жой қуриш, уй-жойни ва бошқа кўчмас мулкни бировга бериш ҳақидаги шартномалар нотариусга камида икки нусхада тақдим этилади, улардан бири нотариал идоранинг йиғмажилдида қолдирилади.

БИТИМЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭМАСЛИГИ — ЎзР Фуқаролик кодексига асосан битимнинг ҳақиқий эмаслиги ҳолатлари 113—118 моддаларда батафсил ёритилган. Битим ФКда белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд ҳақиқий эмас деб топганлиги сабабли (низоли битим) ёки бундай деб топилишидан қатъи назар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим). Низоли битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабни ФКда кўрсатилган шахслар қўйишлари мумкин. Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини қўллаши тўғрисидаги талабни ҳар қандай манфаатдор шахс қўйиши мумкин. Суд бундай оқибатларни ўз ташаббуси билан қўллашга ҳақли (ЎзР ФКнинг 113-м.).

Ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмасдир. Битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан, олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт (ЎзР ФКнинг 114-м.).

Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, ФК 29-м.сининг иккинчи қисмида назарда тутилган битимлар бундан мустаснодир. Бундай битимдаги тарафларнинг ҳар бири битим бўйича олган ҳамма нарсани иккинчи тарафга қайтариб бериши, олинган нарсани асл ҳолида қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса — унинг қийматини пул билан тўлаши шарт. Бундан ташқари, муомалага лаёқатли тараф, агар иккинчи тарафнинг муомалага лаёқатсизлигини билган ёки билиши лозим бўлса, иккинчи тарафга у кўрган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт (ЎзР ФКнинг 117-м.). Руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Бундай битимга нисбатан ФК 117-м.сининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади (ЎзР ФКнинг 119-м.).

Спиртли ичимликларни ёки гиёванд воситаларни суиистеъмол қилиш оқибатида муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан ҳомийсининг розилигисиз тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш мумкин. Агар бундай битим ҳақиқий эмас деб топилса, ФК 117-м.сининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади. Бу модданинг қоидалари ФК 29-м.сининг иккинчи қисмига мувофиқ тузилган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган майда маиший битимларга тааллуқли бўлмайди (ЎзР ФКнинг 120-м.). Юридик оқибатлар туғдириш нияти бўлмаган ҳолда, номигагина тузилган битим (қалбаки битим) ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир. Агар битим бошқа битимни ниқоблаш мақсадида тузилган бўлса (кўзбўямачилик битими), тарафлар ҳақиқатда назарда тутган битимга доир қоидалар қўлланилади (ЎзР ФКнинг 14-м.). Ҳақиқий эмас деб топилган битим у тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Битимнинг мазмунидан унинг фақат келажак вақт учун бекор қилиниши мумкинлиги англашилса, ҳақиқий эмас деб топилган битим келажак вақт учун ҳаракатдан тўхтайди (ЎзР ФКнинг 17-м.). Битимнинг бир қисми ҳақиқий саналмаслиги битимга ҳақиқий саналмаган қисм қўшилмаса ҳам у тузилган бўлар эди, деб тахмин қилиш мумкин бўлса, унинг бошқа қисмларининг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлмайди (ЎзР ФКнинг 18-м.).

БИТИМЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭМАСЛИГИ АСОСЛАРИ — ФКнинг 113-моддасига мувофиқ, битим ФКда белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд ҳақиқий эмас деб топганлиги сабабли (низоли битим) ёки бундай деб топилишидан қатъи назар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим). Битим қуйидаги ҳолларда ноқонуний ҳисобланади: битимнинг қонун талаб қиладиган шаклига риоя этмаслик (ФКнинг 115-моддаси); қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ФКнинг 116-моддаси); ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахс томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ФКнинг 118-моддаси); муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ФКнинг 119-моддаси); муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ФКнинг 120-моддаси); ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ФКнинг 121-моддаси); янглишиш таъсирида тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ФКнинг 122-моддаси); алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ФКнинг 123-моддаси); қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ФКнинг 124-моддаси); юридик шахс лаёқатидан ташқарига чиқадиган битимнинг ҳақиқий эмаслиги (ФКнинг 125-моддаси).

БЛАНКАЛИ КРЕДИТ — товар-моддий қимматликлар ёки қимматли қоғозлар билан таъминламай туриб бериладиган кредит.

БМТ АССАМБЛЕЯСИ РЕЗОЛЮЦИЯСИ — БМТнинг ҳуқуқий актларидан бири бўлиб, ёзма равишда қабул қилинади. Бу ҳақда БМТ Уставининг 10-моддасида ёзилган. Шу резолюцияда кўрсатилган шароитни таъминлашни назорат қилиш учун мажбурий чоралар кўриш керак БМТ Ассамблеяси резолюцияси халқаро ҳуқуқ нормаларини ўзида акс

эттиради. Мазкур резолюция халқаро хавфсизликни таъминлаш, халқаро бирдамликни ривожлантириш, сиёсий низоларни тинч йўл билан ҳал этишда дунё миқёсида муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, бу давлатларнинг мустаҳкамлигини ва ривожланишини таъминлайди. Бундан ташқари БМТ Бош Ассамблеясининг Тўртинчи уставида кўрсатилганидек, БМТ ходимлари халқаро миқёсда иш олиб боришга ҳақлидирлар. Бундай резолюцияга БМТнинг ички ҳаёти муҳим рол ўйнайди ҳамда улар халқаро ҳуқуқ нормалари ва халқаро ташкилотларнинг негизи ҳисобланади.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий органларидан бири бўлиб, БМТ Устави бўйича унга аъзо бўлган тенг ҳуқуқли барча давлатлардан иборат. БМТ Б.А. катта ваколатларга эга. БМТ Уставига мувофиқ, ҳар қандай масалалар ёки ишларни, жумладан, БМТнинг ҳар қандай органи ваколатлари ва функцияларига доир масалаларни муҳокама этиши ва Уставнинг 12-моддасида белгиланганларидан ташқари, ҳар қандай ана шу каби масалалар ва ишлар бўйича БМТ аъзолари ва (ёки) БМТ Хавфсизлик Кенгашига тавсиялар бериши мумкин (10-м.). БМТ Б.А. халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ишида ҳамкорлик қилишнинг умумий принципларини, жумладан, қуролсизланиш ва қуролларни тартибга солишни белгиловчи принципларни кўриб чиқишга ва ушбу принциплар масаласида тавсиялар беришга ваколатлидир. У, шунингдек, ҳар қандай давлат ёки Хавфсизлик Кенгаши қўйган халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга доир ҳар қандай масалаларни муҳокама қилишга ва бундай масалаларнинг ҳар қандай тури юзасидан манфаатдор давлатга ёки давлатларга ёхуд Хавфсизлик Кенгашига тавсиялар бериш ваколатига эга. БМТ Б.А. Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига асосан, БМТ Бош котибини тайинлайди, БМТга янги аъзоларни қабул қилади, бу ташкилотга аъзо давлатларнинг ҳуқуқ ва имтиёзларини амалга оширишни тўхтатиш ҳамда уларни БМТдан чиқариш масалаларини ҳал этади.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ҚЎМИТАЛАРИ — БМТ Бош Ассамблеясининг ёрдамчи органлари бўлиб, Бош Ассамблея томонидан унинг функцияларини амалга ошириш учун тузилади. Ассамблея ҳар бир сессияда 7 та асосий қўмиталарни тузади, (Ассамблея раиси, унинг 21 ўринбосари ҳамда асосий қўмиталар раисларини (7) ўз ичига олувчи таркибда) Бош қўмитани, шунингдек 9 аъзодан иборат Ваколатларни текшириш бўйича қўмитани сайлайди. Б. А. а. қ. бўйича вазифалар қуйидаги тартибда бўлинади: Биринчи қўмита — қуролсизланиш ва бошқа у билан боғлиқ халқаро хафвсизлик масалалари; Махсус сиёсий қўмита — халқаро тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар; Иккинчи қўмита — иқтисодий ва молиявий масалалар; Учинчи қўмита — ижтимоий, маданий ва гуманитар соҳадаги масалалар; Тўртинчи қўмита — ўзини ўзи идора қила олмайдиган ҳудудларга тегишли масалалар; Бешинчи қўмита — маъмурий ва бюджет масалалари; Олтинчи қўмита — ҳуқуқий масалалар. БМТ Бош Ассамблеяси қўмиталари муҳокама қилиниши лозим бўлган масалалар навбати тартибини, иш дастурларини белгилайди, уларга топширилган вазифаларни тугатиш учун зарур бўлган сондаги йиғилишларни ўтказади ва ҳ.к. Мазкур турдаги органлардан ташқари Бош Ассамблея БМТнинг *махсус қўмиталарини* ҳамда вақтинчалик ва доимий асосда фаолият юритувчи комиссияларни тузади (Қуролсизланиш бўйича комиссия, Халқаро муносабатларда куч

ишлатмаслик тамойили самарадорлигини ошириш бўйича махсус қўмита, Қуролсизланиш бўйича бутунжаҳон конференцияси учун махсус қўмита, Ҳинд океани бўйича махсус қўмита, Космик фазодан тинч мақсадларда фойдаланиш бўйича қўмита, Тинчликни сақлаш операциялари бўйича махсус қўмита, Аёлларга нисбатан камситишни тугатиш бўйича қўмита, Халқаро ҳуқуқ комиссияси ва бошқалар).

БМТ БОШ КОТИБИ — БМТ Устави (97-м.)га асосан, ушбу ташкилотнинг бош маъмурий мансабдор шахси. БМТ Бош Ассамблеяси БМТ Хавфсизлик Кенгашининг тавсияси бўйича тайинлайди. БМТ Б.к. ана шу вазифада Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий кенгаш ҳамда Васийлик бўйича кенгашнинг барча мажлисларида фаолият кўрсатади ва ушбу органлар унга юклайдиган бошқа функцияларни бажаради.

БМТ ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ КОМИССИЯСИ (ЕИК) — БМТнинг минтақавий халқаро органи 1947 йилда ЭКОСОС қарорига мувофиқ, уруш туфайли хонавайрон бўлган мамлакатларга ёрдам бериш борасида келишилган ҳаракатларга кўмаклашиш мақсадида Европани иқтисодий жиҳатдан тиклаш бўйича БМТнинг 5 йил муддатга ваколатли бўлган муваққат органи сифатида таъсис этилган. 1951 йилда БМТнинг доимий органи мақомига эга бўлган. Европанинг 32 давлати, шунингдек, АҚШ ва Канада ЕИК аъзоларидир.

БМТ КОТИБИЯТИ — БМТнинг бош органларидан бири бўлиб, БМТнинг қарор ва тавсияномаларини амалга оширади. БМТ котибияти фаолиятини тартибга солиб турувчи ҳуқуқий нормалар БМТ Уставининг 97—101-моддаларида кўрсатиб ўтилган. БМТ котибияти БМТнинг маъмурий техник функциясини бажаради. Хусусан, маърузаларни таржима килади, машинкадан ёки комьпютердан чиқаради ва тарқатади; нутқларнинг таржимасини таъминлайди, ҳужжатларни архивларга жойлаштиради ва ҳоказо.

БМТ ТИЗИМИ — бир қанча ҳуқуқ ва мажбуриятлар (ваколатлар)га эга бўлган халқаро ташкилотлар йиғиндиси. У давлат ҳокимияти ва ҳукумат ҳуқуқига эга эмас. Бу тизим давлатлараро ҳамдўстлик ташкилоти бўлиб, 1943 йилда ташкил топган ва шундан буён давлатлар ўртасида халқаро муносабатлар ўрнатиш вазифасини бажаради. У ўзига 185 аъзодавлатларни бирлаштирган.

БМТ т. 18 та махсус ва ихтисослашган ташкилотларни ҳамда котибиятни ўз ичига олади. Улар орасида Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Таянч Кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий Кенгашлар бўлиб, ҳар бирида 3—5 тадан ихтисослашган ташкилотлар мавжуд.

БМТ УСТАВИ — Иккинчи жаҳон уруши йилларида Гитлерга қарши коалициянинг етакчи мамлакатлари (СССР, АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Хитой) томонидан ишлаб чиқилган ва 1945 йилда Сан-Францискодаги конференцияда батамом келишиб олинган кўп томонлама халқаро битим. 51 та давлат имзолаган (1945 йил 26 июнда, дастлабки аъзолари томонидан) ва 1945 йил 24 октябрда кучга кирган (бу кун ҳар йили БМТ куни сифатида нишонланади). Энг йирик халқаро ташкилот бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилотини таъсис этган ва фаолиятини тартибга солувчи конституциявий ҳужжат. Ушбу ташкилотнинг асосий мақсади, мазкур ҳужжатнинг муқаддимасида ёзилганидек, «келажак авлодларни ҳаётимиз давомида инсониятнинг бошига икки марта мисл-

сиз қайғу солган уруш фалокатларидан халос этиш». БМТ давлатларнинг *халқаро тинчлик* ва *хавфсизликни сақлаш*, дўстона муносабатларни ривожлантириш ва турли ижтимоий тузумга эга бўлган давлатларнинг ҳар томонлама ҳамкорлигини амалга оширишга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштириш учун марказ бўлиши кераклигини назарда тутади. Устав марказий бўғини *халқаро тинчлик ва хавфсизликни* сақлаш учун асосий масъулиятни зиммасига олган БМТ Хавфсизлик Кенгаши бўлган давлатлар жамоавий хавфсизлигининг универсал тизимига асос солди. Устав БМТ бош органлари бўлмиш БМТ Бош Ассамблеяси, БМТ Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши, Васийлик бўйича Кенгаш, БМТ Халқаро Суди ва БМТ Котибиятининг функциялари ва ваколатларини белгилайди. Унда давлатларнинг халқаро майдондаги ҳаракатларининг асосий принцип ва нормалари, давлатларнинг куч ишлатиш ва куч билан таҳдид қилишни тақиқлаш принципига қатъий амал қилишлари зарурлиги, халқаро келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик, давлатларнинг суверен тенглиги, халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш ва бошқалар мажбурий қоидалар шаклида белгиланган. Уставнинг ажралмас таркибий қисми БМТ Халқаро Судининг Статутидир.

БМТ ХАЛҚАРО СУДИНИНГ КОНСУЛЬТАТИВ ХУЛОСАСИ — БМТ Халқаро Суди унга келиб тушаётган сўровларга асосан турли хил юридик масалаларга хулоса беради. БМТнинг Уставига мувофиқ, БМТнинг Хавфсизлик кенгаши ва БМТнинг Бош Ассамблеяси ҳамда Бош Ассамблеянинг рухсати билан бошқа органлар ва БМТнинг махсус муассасалари хулоса талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳозирги даврда бундай ҳуқуқ ЭКОСОСга, БМТнинг баъзи бошқа органларига, БМТнинг махсус муассасалрига ҳамда МАГАТЭларга берилган.

БМТнинг ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ КЕНГАШИ (ЭКОСОС) — БМТнинг бош органларидан бири. БМТ бош Ассамблеяси раҳбарлигида унинг иқтисодий ва ижтимоий фаолиятини, шунингдек, унинг махсус ва бошқа кўплаб ташкилотларини тартибга солиб турувчи орган. ЭКОСОСга кўплаб турли функцияларни мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган. Улар қуйидагилардан иборат: турли ривожланиш даражасидаги давлатлар ўртасида иқтисодий ривожланиш, жаҳон савдоси, индустриализация, табиий захираларни ўзлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини халқаро ҳимоя қилиш, аёлларнинг аҳволи, аҳолишунослик, ижтимоий таъминот, фан ва техника, жиноятларнинг олдини олиш ва б. БМТ уставига кўра, кенгаш қуйидагиларни амалга ошириши лозим: давлатларнинг халқаро, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳамкорлиги бўйича тадқиқотлар ўтказиш, маърузалар тузиш, инсон ҳуқуқларини сақлашга кўмаклашиш, халқаро симпозиумлар ва конференциялар ўтказиш, ўз ваколатларидаги масалалар бўйича конвенцияларнинг лойиҳаларини тайёрлаш бўйича Бош Ассамблея эътиборига лойиҳаларни ҳавола этиш, БМТнинг ихтисослашган муассасалари ўртасидаги муносабатларни белгилаб берувчи битимлар тузиш, ўз ваколатидаги масалалар бўйича БМТ аъзоларидан докладларни қабул қилиб олиш чораларини кўриш. Ҳар йили БМТ Бош Ассамблеяси уч йил муддатга 18 аъзодан иборат ЭКОСОС аъзоларини сайлайди.

БМТнинг ИХТИСОСЛАШГАН МУАССАСАЛАРИ — иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда фаолият кўрсатадиган халқаро

ҳукуматлараро ташкилотлар. БМТнинг Уставига кўра (63-модда) БМТнинг и.м. БМТ билан боғлиқдир, бу БМТ билан ихтисослашган муассасалар ўртасида битимлар, шунингдек, уларнинг БМТнинг бошқа органлари билан ўрнатилган айрим муносабатлари шаклларида ифодаланади. БМТнинг и.м.нинг БМТ билан алоқасини БМТнинг асосий мақсади ва тамойилларига мувофиқ келадиган фаолият йўналишини амалга оширадиган омил сифатида кўриб чиқиш керак бўлади. Лекин барибир БМТнинг и.м. — мустақил халқаро ташкилотлардир. БМТнинг и.м.нинг тузилиши, ваколатлари ва ташкил этилишининг бошқа масалалари халқаро-ҳуқуқий тартибдаги шартномалар, битимлар ёки таъсис ҳужжатлари, улар органлари фаолияти регламентлари билан белгиланган.

Ҳозирги вақтда БМТнинг 14 та и.м. мавжуд: Бутунжаҳон почта иттифоқи, Электр алоқаси халқаро иттифоқи, Фуқаролик авиацияси халқаро ташкилоти, БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти, Халқаро денгиз ташкилоти, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти, Бутунжаҳон банки (қуйидагиларни ўз ичига олади: Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Халқаро ривожланиш ассоциацияси, Халқаро валюта фонди), Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди, Халқаро меҳнат ташкилоти, БМТнинг саноатини ривожлантириш бўйича ташкилоти.

БМТнинг ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ БЎЙИЧА ТАШКИЛОТЛАРИ (ФАО) — халқаро ташкилот бўлиб, қишлоқ хўжалиги, балиқчилик ва ўрмончиликни ривожлантириш мақсадида 1945 йил 16 октябрда тузилган. БМТнинг махсус муассасаси ҳисобланади ва бу ташкилотларга ҳар бир давлат аъзо бўлиши мумкин.

БМТнинг ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ — БМТнинг доимий амал қилувчи асосий сиёсий органи, БМТ Уставига кўра унга халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туриш бўйича асосий жавобгарлик юкланган. 15 нафар аъзоларга эга, Кенгашнинг 5 нафар доимий аъзоси (АҚШ, РФ, Буюк Британия, Франция ва Хитой) бор. Кенгаш ўз Уставида назарда тутилган русум-қоидага мувофиқ 2 йил муддатга сайлайдиган 10 та доимий бўлмаган аъзоларни ўз ичига олади.

Х.К. халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, давлатлар ўртасида ҳарбий тўқнашувларга йўл қўймаслик, агрессия ва тинчликни бошқача бузишларнинг олдини олиш ва халқаро тинчликни ўрнатиш бўйича кенг ваколатларга эга. БМТ Уставига кўра фақат Кенгаш БМТнинг қуролли кучларидан фойдаланиб операциялар ўтказиш юзасидан қарорлар қабул қилиш, шунингдек, БМТ Қуролли Кучларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга, БМТнинг бошқа ҳеч қайси органи бундай ваколатларга эга эмас. Х.К. БМТ Бош Ассамблеясига БМТнинг Бош котибини тайинлаш бўйича тавсиялар беради, у билан бирга БМТ Халқаро Судининг аъзоларини сайлайди ва ана шу суднинг у ёки бошқа давлат ижро этишни рад қилган қарорини бажариш юзасидан чора-тадбирларни қабул қилади. Кенгаш Уставга кўра тавсиялардан ташқари юридик жиҳатдан мажбурий бўлган қарорларни ҳам қабул қилиши мумкинки, уларнинг бажарилиши БМТнинг барча аъзо давлатлари томонидан мажбурий куч ишлатиш орқали таъминланади. Кенгашнинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади. Кенгашнинг қоидаларига тегишли масалалар учун агар унинг ҳар қандай

аъзоларидан камида 9 киши овоз берса, улар қабул қилинади. Тегишли асосий масалалар бўйича агар улар учун камида 9 нафар, шу жумладан, барча 5 нафар доимий аъзо томонидан овоз берилса, қарор қабул қилинган ҳисобланади. Агар бир доимий аъзо қарши овоз берса ҳам қарор бекор қилинган ҳисобланади. Кенгаш доимий аъзоларининг якдиллиги тамойили Кенгашнинг ва бутун БМТ фаолиятининг негизидир.

БОҒДОРЧИЛИК КООПЕРАТИВЛАРИ — чорвачилик ва боғ-полиз маҳсулотларини комплекс ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотишга ёрдам бериш учун тузилади.

БОДМЕРЕЙ ШАРТНОМА — кеманинг қарзини тўлаш учун гаровни тасдиқловчи ҳужжат.

БОЖ — божхона тарифида назарда тутилган божхона йиғимларининг турларидан бири. ЎзР божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар учун ЎзРнинг «Божхона тарифи тўғрисида»ги 1997 йил 26 декабрь қонунига мувофиқ, Б. олиниши лозим. Б. ставкалари ЎзРнинг бутун ҳудудида ягона бўлиб, товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтувчи шахсларнинг кимлиги, битимларнинг қандай турдалиги ва бошқа омиллардан қатъи назар, ўзгартирилиши мумкин эмас. Қ.: *Бож ставкалари.*

БОЖ ИМТИЁЗЛАРИ — юридик ва жисмоний шахсларга бойликлар, шахсий буюмлар, бошқа предметларни олиб кириш, олиб чиқиш ёки ўтказишда бериладиган афзалликлар. Б.и. умумий қўлланиладиган божхона режимидан қулай истиснолар сифатида намоён бўлади. Б.и. қуйидаги шаклларда берилади: божлар ва йигимлар (тариф имтиёзлари)дан озод қилиш, божхона чегараларидан товарлар, шахсий буюмларни ўтказишнинг осонлаштирилган тартибини қўллаш ёки бундай тартибни умуман қўлламаслик, умумий қоида бўйича тақиқланган бирор нарсани мамлакатга олиб кириш ёки олиб чиқиш ҳуқуқини бериш. Юридик табиатига кўра, Б.и. халқаро шартномага асосланган **конвенциявий** ҳамда давлат **бир тарафлама** ўрнатиладиган бир томонлама Б.и.га бўлинади. Биринчисига, масалан, 1961 йилги Дипломатик муносабатлар ҳақидаги Вена конвенциясида назарда тутилган Б.и. киради.

БОЖ ОЛИНМАЙДИГАН САВДО ДЎКОНИ (ингл. Shop of trade duti) — ЎзРда 1997 йил 26 декабрда тасдиқланган БКга асосан ҳуқуқий тартибга солинади. Б. о. с. д. шундай режимки, бунда товарлар божхона ҳудудининг божхона органлари БКга мувофиқ белгилайдиган жойларда божсиз, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан божхона назорати остида туради ҳамда реализация қилинади. Б. о. с. д. режимига божхона ҳудудига олиб кириш ҳамда ундан олиб чиқиш ва ЎзР ҳудудида реализация қилиш тақиқланган товарлар жойлаштирилиши мумкин эмас. ЎзР ҳудудида реализация қилиниши чекланган товарлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда божсиз олинмайдиган савдо дўкон режимида реализация қилиниши мумкин. Б. о. с. д. режимига жойлаштирилган товарлар божсиз олинмайдиган махсус савдо дўконларида реализация қилинади (БК 29-м.).

Божхона органининг лицензияси ЎзРнинг юридик ва жисмоний шахсига божхона омбори, божсиз олинмайдиган савдо дўконини ва эркин омборни таъсис этиш, божхона ҳудудида қайта ишлаш, божхона назорати остида қайта ишлаш, божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш, божхона режимларидан фойдаланиш, шунингдек, божхона брокери,

божхона ташувчиси сифатидаги фаолиятни амалга ошириш учун берилади. Лицензия 3 йил муддатга берилади. Агар божхона омбори божхона органлари томонидан таъсис этилса, кўрсатиб ўтилган лицензияни олиш талаб қилинмайди. Лицензия божхона органи ёхуд суднинг қарорига кўра бекор қилиниши ёки чақириб олиниши мумкин.

Божхона омбори, Б. о. с. д. ва эркин омборни таъсис этиш, шунингдек, божхона брокери ёки божхона ташувчиси сифатидаги фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилиши божхона органининг қарорига кўра тўхтатиб қўйилиши мумкин (ЎзРнинг БК, 65-м.).

БОЖ ТЎЛОВЛАРИ — товарлар ва транспорт воситаларининг божхона чегарасидан ўтишида, шунингдек, ЎзР БКда белгиланган бошқа ҳолатларда ЎзР божхона органлари томонидан олинадиган тўловларнинг барча турлари. ЎзР БКга кўра, Б.т. га қуйидагилар киради: 1) бож; 2) қўшимча қиймат солиғи; 3) акциз солиги; 4) ЎзР божхона органлари томонидан лицензия берилганлиги учун йиғимлар; 5) божхона расмийлаштируви бўйича малака аттестати берилганлиги учун йиғимлар; 6) божхона йиғимларини расмийлаштирганлик учун божхона йиғимлари; 7) товарларни сақлаш учун божхона йиғимлари; 8) товарларни божхона орқали кузатиб бориш учун олинадиган йиғимлар; 9) дастлабки қарорни қабул қилганлик учун тўлов.

ЎзР БК 103-моддасининг 2-қисмига кўра, қонун томонидан бошқа божхона тўловлари ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, ахборот ва маслаҳат олиш учун тўловлар; божхона аукционларида қатнашганлик учун тўловлар.

БОЖХОНА АНКЛАВИ — бир давлат ҳудудининг бошқа бир давлат божхона ҳудудидаги қисми.

БОЖХОНА АУКЦИОНИ — ЎзР божхона органлари томонидан олиб қўйилган товарларни сотишнинг алоҳида (оммавий сотувлар кўринишидаги) тури. Б.а.ни ўтказиш шартлари ва тартиби ЎзР ДБҚ томонидан белгиланади.

БОЖХОНА БАНДЕРОЛИ — божни тўлаганлик ҳақидаги ёрлиқ.

БОЖХОНА БАҲОСИ — ЎзРнинг «Божхона тарифи тўғрисида»ги 1997 йил 26 декабрь қонунига биноан, декларант белгилайдиган товар қиймати; қуйидаги мақсадларда фойдаланилади: товарга пошлина белгилаш; ташқи иқтисодий ва божхона статистикасини юритиш; товар қиймати билан боғлиқ савдо-иқтисодий муносабатларни давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа чораларини қўллаш, жумладан, ЎзР қонун ҳужжатларига биноан, ташқи савдо битимларини ва улар бўйича банк ҳисоб-китобларини амалга ошириш. Б.б.ни белгилаш тизими (божхона баҳоси) халқаро амалиётда қабул қилинган божхона баҳолашининг умумий принципларига асосланади ва ЎзР божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларга нисбатан қўлланилади. ЎзР божхона ҳудудига олиб кириладиган товарларни божхонада баҳолаш тизимини қўллаш тартибини ЎзР ҳукумати «Божхона тарифи тўғрисида»ги қонун асосида белгилайди. Декларант божхона баҳосини ЎзР божхона органига товарни ЎзР божхона чегарасидан олиб ўтганда маълум қилади (баёнот беради). Декларант Б.б.ни «Божхона тарифи тўғрисида»ги қонун билан белгиланган божхона қийматини аниқлаш усулларига биноан аниқлайди. Б.б.нинг тўғри ҳисобланиши-

ни ЎзРнинг товарни божхонада расмийлаштириш билан шуғулланаётган божхона органи назорат қилади.

БОЖХОНА БРОКЕРИ (воситачиси) — ЎзР қонунларига кўра, божхона орқали расмийлаштириш фаолиятини амалга ошириш учун ЎзР ДБҚнинг лицензиясини олган ва юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган корхоналар. Б.б. ўз фаолиятини ЎзР БК ва ЎзР ҳукумати томонидан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ амалга оширади. Б.б.нинг ваколат олган шахс билан муносабати нотариал тасдиқланган шартнома асосида қурилади. ЎзР ДБҚ Б.б.ларининг давлат рўйхатини олиб боради ва унинг мунтазам эълон қилинишини таъминлайди.

БОЖХОНА ВАКИЛИ — божхонанинг экспорт учун маҳсулот етказиб берувчи ёки уни импорт бўйича олувчи корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларда транспорт воситалари, товарлар ва бошқа мулкларнинг ўша корхоналарнинг ўзида бевосита назорат қилинишини ташкил этувчи мансабдор шахс.

БОЖХОНА ГАРОВ ХАТИ — юк эгаси бож тўлагунча юкларнинг гаровга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИ — божхона назоратини амалга ошириш учун зарур маълумотлар тўғрисидаги ёзма ёки оғзаки баёнот. Б.д. ЎзР ДБҚ белгилаган муддатларда берилади. Б.д. жисмоний шахслар ЎзР божхона чегараси орқали товарларни тижорат мақсадини кўзламаган ҳолда қўл юки орқали ва кузатиб бориладиган юк (багаж)ни ўтказган пайтда товарларни тақдим этиш билан бир вақтда берилади.

БОЖХОНА ИТТИФОҚИ — иштирокчилари ҳудудида товарларни ташиш тарифлари анча пасайтирилган ва барча аъзолари учун товарларни бошқа давлатлардан қабул қилишнинг ягона тартибини таъминлайдиган умумий божхона тарифи белгиланган давлатлараро тузилма. Б.и. иқтисодий интеграциянинг эркин савдо зонасига нисбатан анча юқори даражада бўлган, аммо умумий бозордан қолишадиган босқичидир.

БОЖХОНА ЙИҒИМЛАРИ — божхона норматив ҳужжатларида назарда тутилганидек, юридик ва жисмоний шахслардан турли ҳаракатларни бажариш ва божхона хизматлари кўрсатиш учун божхона органлари томонидан олинадиган пул тўловлари. Жумладан, Б.й.нинг юкни божхона орқали расмийлаштириш учун сақлаш, кузатиб бориш учун олинадиган турлари мавжуд. Қ.: *Божхона тўловлари*.

БОЖХОНА КИРИМЛАРИ — божхона ҳаракатлари учун давлат бюджетининг кирим лар бўлимига тушадиган маблағ тушумлари. Б.к. давлат чегарасидан ўтаётган товарларга божхона солиғи солиш натижасида юзага келади ва божлар, божхона йиғимлари, жарималар божхона органлари томонидан мусодара этилган товарлар (мулклар)ни сотишдан тушадиган йиғимлардан ташкил топади.

БОЖХОНА КЎЗДАН КЕЧИРУВИ — ЎзР божхона органларининг божхона қоидаларини бузишнинг бевосита объекти бўлган предметларни ёки корхона ва ташкилотлар ҳудудида ёки биноларида ёхуд транспорт воситаларида махсус тайёрланган яшириш жойига эга предметларни, шунингдек, божхона қоидаларини бузишга оид ишларни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ҳужжатларни текшириш фаолияти. Божхона органининг божхона қоидаларини бузиш ҳақидаги ишни юритаётган мансабдор шахси томонидан Б.к.к. ўтказилганлиги ҳақида асосланган қарор чиқарилади. Б.к.к. тадқиқ этилаётган корхона ва ташкилотларнинг ман-

сабдор шахслари ҳамда холислар иштирокида ўтказилади. Б.к.к ўтказилганлиги ҳақида белгиланган шаклдаги баённома тузилади (ЎзР БКнинг 180-моддаси).

БОЖХОНА КЎРИГИ — божхона органлари томонидан давлат чегараси орқали ўтаётган юклар ва транспорт воситаларини амалда текшириш.

БОЖХОНА КЎРИГИДАН ЎТКАЗИШ — товарлар ва транспорт воситаларини божхона кўригидан ўтказиш товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишнинг қонунийлигини аниқлаш, уларни ҳисобга олиш, бож, солиқлар, йиғимлар олиш, шунингдек, олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит қилиш тақиқланган товарлар божхона чегараси орқали ўтишининг ҳамда божхона ҳудудида транзит тартибда ўтишнинг олдини олиш учун божхона мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. ЎзР БКнинг 44-моддасида шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари қайд этилган. Шунга кўра, товарлар ва транспорт воситалари эгаларига товарлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш пайтида ҳозир бўлишга ҳақлидир, божхона органлари мансабдор шахсларининг талабига кўра, текшириш пайтида ҳозир бўлишлари ва бошқа органларнинг мансабдор шахсларга зарур ёрдам кўрсатишлари шарт. Товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга шахс бўлмаган тақдирда, транспорт воситасини бошқарувчи шахс божхона мақсадлари учун ваколатли шахс деб топилади. Товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга бўлмаган шахслар йўқлигида, божхона органлари қуйидаги ҳолларда товарлар ва транспорт воситаларини кўздан кечиришга ҳақли: улар товарлар ва транспорт воситалари тақдим этилгандан сўнг ўн кун ўтганидан кейин ҳам келмаган бўлса, давлат хавфсизлиги, жамоат тартибига, инсон ҳаёти ва соғлиғига, ҳайвонот ва ўсимликлар, атроф табиий муҳитга, ЎзРнинг бадиий, тарихий ва археологик бойликлари сақланишига хавф мавжуд бўлганда ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ҳолатларда, товарлар халқаро почта жўнатмалари орқали юборилган бўлса, товарлар ва транспорт воситалари улар жойлаштирилган божхона режимини бузган ҳолда таъсир чораси сифатида божхона ҳудудида олиб қолинган бўлса. Бундай ҳолларда бу каби товар ва транспорт воситалари уларнинг эгаси иштирок этмаса-да, кўрикдан ўтказилади. Божхона кўригидан ўтказиш ва божхона назорати Давлат божхона хизмати тўғрисидаги ЎзРнинг 1997 йил 29 август куни қабул қилинган қонунига асосан амалга оширилади.

БОЖХОНА КРЕДИТИ — баъзи мамлакатларнинг божхона муассасалари томонидан кечиктирилган вақт учун пошлина миқдорига фоизлар тўлашга кафолатлар берилганда божхона пошлинаси тўловини кечиктириш.

БОЖХОНА ЛАБОРАТОРИЯЛАРИ — ЎзР ДБҚ томонидан божхона мақсадларида товарларни экспертиза ва тадқиқ этиш учун ташкил этиладиган лабораториялар.

БОЖХОНА МУҲРИ — божхона таъминотини ҳамда божхона ҳужжатларини тасдиқлаш воситаси.

БОЖХОНА НАЗОРАТИ — божхона органлари томонидан юклар, транспорт воситалари, валюталар ва валюта бойликларининг олиб кирилиши, олиб чиқилиши ёки олиб ўтилиши тартибини бошқарувчи қонун-

лар ва қоидаларга юридик ва жисмоний шахсларнинг риоя этишига қаратилган зарур хатти-ҳаракатларнинг амалга оширилиши. ЎзР БК 39-моддасига биноан, Б.н. ЎзР божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан божхона мақсадлари, божхона кўриги (товарлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш, божхона назоратининг алоҳида шакли тариқасида шахсни кўздан кечириш), товарлар ва транспорт воситаларини ҳисобга олиш, жисмоний ва мансабдор шахсларни оғзаки сўроқ қилиш, ҳисоб ва ҳисобот тизимини текшириш, вақтинча сақлаш омборхоналарининг, бўш омборларнинг, божхона омборларининг, эркин божхона зоналарининг, божсиз савдо қиладиган дўконлар ҳамда товарлар ва транспорт воситалари бўлиши мумкин бўлган ҳудудини ва хоналарини ёхуд ЎзР божхона органлари назорат қилиш керак бўлган фаолият амалга ошириладиган бошқа жойларни кўздан кечириш орқали амалга оширилади. Б.н., шунингдек, ЎзР БКда ва ЎзРнинг божхона ишига доир бошқа қонун ҳужжатларида ёхуд ЎзР қонунларига зид бўлмаган қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади. Б.н.ни амалга оширишда инсон, ҳайвон ва ўсимликларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлмаган ва товарларга, транспорт воситаларига, шахсларга зарар келтирмайдиган техник воситаларидан фойдаланиш мумкин. Б.н.ни амалга ошириш қоидаларини ЎзР ДБҚ ЎзР БКга биноан белгилайди. Қ.: *Божхона назорати зоналари, Шахсий кўрикдан ўтказиш.*

БОЖХОНА НАЗОРАТИ ЗОНАСИ — ЎзР божхона органларининг турган жойи, божхона расмийлаштируви жойларида (аэропортларда, божхона омборларида, юк терминалларида, вокзалларда, транспорт ташкилотларида) ЎзР божхона чегараси бўйлаб божхона назоратини амалга ошириш мақсади учун белгиланган ва ЎзРнинг Давлат божхона қўмитаси белгилайдиган бошқа жойлар, алоҳида ҳудудий участкалар. Ишлаб чиқариш ва бошқа тижорат фаолиятини амалга оширишга товарларни, транспорт воситаларини, шахсларни, мансабдор шахсларни, бошқа давлат органларини бундай зоналар чегаралари орқали ва улар атрофига фақат ЎзР божхона органлари рухсати билан ва уларнинг назорати остида жойлаштириш (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

БОЖХОНА НАЗОРАТИ ОСТИДА ҚАЙТА ИШЛАШ — чет эл товарлари белгиланган тартибда ЎзРнинг божхона ҳудудида божхона назорати остида бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чораларини қўлламасдан қайта ишлаш учун фойдаланилади ҳамда кейинчалик қайта ишлаш маҳсулотлари эркин муомалага чиқариш режимига ёки бошқа божхона режимига жойлаштирилади. Божхона назорати остида қайта ишлаш режими ЎзР БКнинг 31—32-моддалари асосида амалга оширилади.

БОЖХОНА НАЗОРАТИДАН ЭРКИН ЗОНА — давлатнинг ҳудудий қисми, унда ташқи савдо битимлари предмети бўлган ҳар қандай моддий қимматликлар божхона назоратига тушмайди ва импорт божи ва йиғимлари олинмайди. Эркин зонада экспорт-импорт товарлари учун божхона назоратигина амалга оширилади. Эркин зонага товарни киритиш учун божхона декларацияси талаб қилинмайди. Божлар ва солиқлар йиғишни назарда тутувчи тадбирлар божхона тизимида миллий фарқланишлар юқори бўлган шароитда ташқи савдо фаолиятини кенгайтириш мақсадида эркин тижорат зонаси ташкил этилади. Бундай зоналарда

импорт-экспорт товарининг истеъмол тузилишини сақлаш учунгина шароит яратилади. Эркин зона саноатида товарлар қайта ишлашга берилиши ёки улар асосида янги маҳсулотлар ва буюмлар тайёрланиши мумкин.

БОЖХОНА ОМБОРИ — 1) олиб кирилган товарлар божхона назоратида бож ва солиқлар ундирилмай, товарларга нисбатан уларни сақлаш вақтида иқтисодий сиёсатни қўлламай туриб сақланадиган, экспорт божхона режимига биноан олиб кириш мўлжалланган товарлар эса ЎзР БКда назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда сақланадиган божхона режими. Б.о. режими ЎзР БК 25—26-моддалари билан тартибга солинади. Товар ҳақиқатда олиб чиқилган тақдирда бождан озод қилиш ёки уни қайтариб бериш назарда тутилган бўлса, товарларнинг Б.о. режимига олинганда, экспорт режимига биноан олиб чиқишга мўлжалланган товарлар божлар, солиқлар тўлашдан озод этилади ёхуд тўланган сумма қайтариб берилади. Товарлар божлар, солиқлар тўлашдан озод этилган ёки тўланган сумма қайтариб берилган тақдирда товарлар Б.о. режимига олинганидан сўнг 3 ойдан кечиктирмай олиб чиқиб кетилиши керак. Товарлар белгиланган муддатда олиб кетилмаса, божлар, солиқлар ҳамда уларнинг ставкалари бўйича ЎзР Марказий банки ушбу банк берилган кредитлар учун белгилаган ставкалар бўйича фоизлар тўланади; 2) хорижий ва миллий товарлар божхона омборида сақлаш қоидаларига биноан сақланадиган ёпиқ бино ёки очиқ майдонча.

БОЖХОНА ПОСТИ — ЎзР божхонасининг муайян жойда ёки муайян ҳудудда божхона орқали расмийлаштиришини ва божхона назоратини тўла ҳажмда амалга оширишга ваколатли бўлган бўлинмаси. Божхонадан фарқли ўлароқ, юридик шахс ҳуқуқларига эга эмас. Бошқача айтганда, Б.п. божхонанинг божхона маъмуриятидан узоқда жойлашган таркибий қисмидир. Б.п. ушбу пост бўйсунадиган божхона ваколатига (юрисдикциясига) кирувчи ҳудудда жойлашган бўлади. Постнинг фаолияти одатда вилоятнинг бир-икки туманига, транспорт инфраструктурасининг объектларига (кичикроқ дарё портлари, аэропортлар, темирйўл станцияларига) дахлдор бўлади. Одатда Б.п. давлат чегараси бўйлаб деярли ҳар бир ўтиш жойида ташкил этилади. Б.п. йирик саноат корхонасида ҳам тузилиши мумкин.

Божхона постлари кўпроқ юкларни кўздан кечириш ва расмийлаштириш билан шуғулланадилар. Божхона постининг таркибий қисмига пост бошлиғи ва ҳудудий принцип бўйича ташкил этилган бўлимлар киради. Бўлим штатига бўлим бошлиғи, божхона хизмати бош назоратчиси, катта назоратчилари ва назоратчилари киради.

БОЖХОНА ПРОЦЕДУРАЛАРИ — товарлар ва мулкларни ўтказиш тартибининг бажарилишини назорат қилиш; нарса ва буюмларни кўздан кечириш; божхона ҳужжатларини расмийлаштириш; божхона таъминотини қўллаш; юк бўйича божхона декларациясини тўлдиришнинг тўғрилигини, тўланиши керак бўлган суммаларнинг ўтказилишини текшириш; ЎзРнинг тегишли идораларига статистик маълумотларни бериш ва божхона масалаларига доир қонунларни қўллашда ЎзР давлат божхона назорати органлари амалга оширадиган бошқа ҳаракатлар.

БОЖХОНА РАСМИЙ БЕЛГИСИ — ваколатли органлар томонидан расман тасдиқланган ва қайд этилган сонлар ва (ёки) ҳарфлар бирикмаси, шунингдек, транспорт воситалари, юклар ва ҳужжатларга уларни

идентификациялаш ва божхона назоратидан ўтказиш мақсадида кўринарли жойга бириктирилган номлар ва белгилар.

БОЖХОНА РЕЖИМИ — божхона ҳуқуқида ЎзР божхона чегараси орқали божхона мақсадларида олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларининг мақомини белгиловчи қоидалар мажмуи. Божхона орқали тартибга солиш мақсадида ЎзР БК (16-моддаси)да товарлар ва транспорт воситаларининг қуйидаги божхона режимлари белгиланган: 1) эркин муомала учун чиқариш (импорт); 2) реимпорт; 3) экспорт; 4) реэкспорт; 5) транзит; 6) вақтинчалик олиб кириш (олиб чиқиш); 7) вақтинчалик сақлаш; 8) божхона омбори; 9) эркин божхона зонаси; 10) бўш омбор; 11) божсиз савдо қиладиган дўкон; 12) божхона ҳудудида қайта ишлаш; 13) божхона назоратида қайта ишлаш; 14) божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш; 15) йўқ қилиш; 16) давлат фойдасига воз кечиш. Шахс, агар ЎзР БКда ёки ЎзРнинг божхона ишига доир бошқа қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, истаган вақтида исталган божхона режимини танлашга ёки уни — товар ва транспорт воситасининг хусусияти, миқдори, қаерда тайёрлангани ёки нимага мўлжалланганидан қатъи назар — алмаштиришга ҳақлидир.

БОЖХОНА РЕЖИМЛАРИ — товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтиш божхона режимларига мувофиқ амалга оширилади. Режим — божхонадан ўтиш тартиб қоидаларидир. Ҳозирда ЎзР божхоналари орқали ўтишда қуйидаги режимлар амал қилади: эркин муомалага чиқариш (импорт), реэкспорт, транзит, вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш), вақтинча сақлаш, божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўкони, божхона ҳудудида қайта ишлаш, божхона назорати остида қайта ишлаш, йўқ қилиш, давлат фойдасига воз кечиш. Бу каби режимларга амал қилиш тартиб ва қоидалари ЎзР БКнинг 16—38-моддаларида қайд этилган. Шу кодекснинг 16-моддасига кўра, шахс, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, товарлар ва транспорт воситаларининг хусусияти, миқдори, қайси мамлакатда ишлаб чиқарилгани ёки қайси мақсадга мўлжалланганидан қатъи назар, исталган режимни танлашга ёки уни бошқасига ўзгартиришга ҳақли.

БОЖХОНА СИЁСАТИ — божхона тизими орқали амалга ошириладиган ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги чоралар ва йўналишлар мажмуи. Б.с. давлат органларининг муайян иқтисодий, ижтимоий, молиявий ва савдо-сиёсий мақсадларга эришиш учун божлар ва йиғимлар тўплаш ҳамда божхона процедуралари ва бошқа воситаларини қўллаш фаолиятини ўз ичига олади. Б.с.ни амалга оширишнинг асосий воситалари қуйидагилардан иборат: божхона йўли билан тартибга солишнинг иқтисодий воситалари тизими, божхона иттифоқларида эркин савдо зоналарида ва божхона конвенцияларида (битимларида) иштирок этиш; юкларни чегара орқали ўтказишнинг белгиланган тартиби (режими); божхона назорати билан шуғулланувчи давлат органлари мажмуи; божхона фаолиятини тартибга солувчи зарур қонун-қоидалар. ЎзРда республика ички ва ташқи сиёсатининг таркибий қисми бўлган ягона божхона сиёсати амалга оширилади: ЎзР божхона ҳудудида божхона назорати ва товар айирбошлашни тартибга солиш воситаларидан энг самарали фойдаланишни таъминлаш, миллий бозорни ҳимоя қилиш, мидлий иқтисодиётни ривожлантиришни рағбатлантириш, таркибий қайта қуришни

амалга ошириш буйича савдо-сиёсий вазифаларни бажаришда ва ЎзР иқтисодий сиёсатининг бошқа вазифаларини бажаришга ёрдамлашишда иштирок этиш, шунингдек, ЎзР Олий Мажлиси, ЎзР Президенти ва ЎзР ҳукумати томонидан ЎзР БК ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда белгиланадиган бошқа мақсадлар. ЎзР божхона иши соҳасида халқаро ҳамкорлик қилишда фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. ЎзРдаги божхона иши умум эътироф этган халқаро нормалар ва амалиёт билан уйғунлашиш ва унификация қилиш йўналишида ривожланмоқда.

БОЖХОНА ТАЛАБНОМАСИ — жисмоний ёки юридик шахсларнинг оғзаки ёки ёзма кўринишда тақдим этган божхона расмийлаштиришини ўтказиш ҳақидаги ёзма илтимоси. Бунда божхона органлари талаб этган маълумотлар хабар қилинади ёки ҳужжатлар тақдим этилади.

БОЖХОНА ТАН ОЛИНИШИ — тегишли ҳужжатлар асосида божхона орқали олиб ўтиладиган юклар текширувдан ўтгандан кейин бериладиган рухсат. Бунда божхона органлари томонидан божхона таъминланиши қандай амалга оширилганлиги расман текширилади.

БОЖХОНА ТАШУВЧИСИ — ЎзР қонунларига мувофиқ ташкил этилган ҳамда юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган ва ЎзР божхона ташувчиси сифатида фаолият кўрсатиш учун ДБҚнинг рухсатномасини олган корхона. Б.т. ўз фаолиятини ЎзРнинг 1997 йилги БК 61—64-моддаларига ва ЎзР ДБҚ буйруғи билан тасдиқланган Божхона ташувчиси ҳақидаги низомга мувофиқ амалга оширади. Б.т. божхона назоратида бўлган товарларни божхона кузатувисиз ва божхона тўловларининг (товарлар ва транспорт воситаларига гаров, бошқа шахсларнинг кафолати, депозитга лозим сумманинг) туланишини таъминламасдан туриб ташишга ҳақлидир.

БОЖХОНА ТАЪМИНОТИ КАФОЛАТИ (ИШОНЧЛИЛИГИ) — божхона ҳуқуқида божхона таъминотини бузмасдан ёки баклар, хоналар ёхуд ўровларни бузмай туриб хоналар, контейнерлар, бакларнинг ёки юк жойларининг (уларда божхона таъминоти бўлганда) улардаги юкларни ўзгартириш, алмаштириш ёки олиб туришга ёхуд бошқа юкларни қўшиб қўйишга йўл қўймайдиган тузилиши ёки аҳволи.

БОЖХОНА ТИЗИМИ — энг умумий ва йиғма тушунча бўлиб, у нафақат божхона сиёсатини амалга оширишни таъминловчи давлат ва нодавлат тузилмаларини, балки улар фаолиятининг амалий шаклларини, шунингдек, божхона қонунларини, жумладан, қонуности ҳужжатларини ҳам назарда тутади.

БОЖХОНА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРНИ БУЗИШ — ЎзРнинг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган БК ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган талаб ҳамда қоидаларнинг бузилиши. Б. т. қ. б. учун ЎзР ЖКда жиноий жавобгарлик белгиланган. Унга асосан, божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ва воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни ЎзРнинг божхона чегарасидан ўтказиш: а) жуда кўп миқдорда; б) хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари

ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат: а) чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни ЎзРнинг божхона чегарасидан очиқдан-очиқ ўтказиш йўли билан; б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, — мол-мулк мусодара қилиниб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (ЎзР ЖКнинг 182-м.).

БОЖХОНА ФАКТУРАСИ — тижорат фактурасига илова қилинадиган ва импорт қилувчи мамлакат божхона ҳокимиятига тақдим этиладиган махсус ҳисобварақ. Белгиланган стандарт шаклда тўлдирилади. Тижорат фактурасига қўшимча равишда баъзи бир маълумотларга эга бўлади.

БОЖХОНА ФАОЛИЯТИ ЗОНАСИ — ҳудуд (маъмурий туманлар, шаҳарлар ва шаҳарчалар), унинг атрофида аниқ бир божхонага божхона расмийлаштиришини тўлиқ ҳажмда бажариш топширилган.

БОЖХОНА ХИЗМАТИ — 1) божхона органларида амалга ошириладиган давлат хизматининг таркибий қисми. Ҳозирги пайтда ЎзР божхона органларида давлат хизматини ўташ тартиби асосан ЎзРда давлат хизмати тўғрисидаги умумий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Б.х.нинг алоҳида масалалари бўйича махсус ҳужжатлар қабул қилинган;

2) кенг маънода божхона органларининг мажмуи, шунингдек, божхона ишини амалга оширишда бевосита иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар, уларнинг бўғинлари ва тузилмалари, божхона органлари мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, шунингдек, божхона органларида давлат хизматига қабул қилишнинг тартиби ва ҳуқуқий шарт-шароити.

БОЖХОНА ЧЕГАРАСИ — муайян давлатнинг божхона ҳудудини чекловчи шартли чизиқ: «Божхона чегараси — ЎзР божхона ҳудудининг чегараси» (ЎзРнинг 1997 йил 26 декабрдаги «Божхона тарифи тўғрисида»ги қонуни 5-моддасининг 2-банди). ЎзРнинг Б.ч. ЎзР божхона қонунлари амал қиладиган макондаги чегарани кўрсатади ва қўшни мамлакатларнинг божхона ҳудудини ажратиб туради. Бошқача айтганда, ЎзР Б.ч. Ўзбекистоннинг божхона суверенитети амал қиладиган соҳани белгилаб беради. Божхона ҳуқуқида ташқи ва ички божхона чегараси тушунчалари фарқланади. Ушбу фарқлар ЎзР 1997 йилги БК 3-моддасининг 3-қисмида белгилаб берилган: «Божхона ҳудуди сарҳадлари, шунингдек, эркин божхона зоналари ва эркин омборларнинг тегралари ЎзРнинг божхона чегараси ҳисобланади». Ташқи Б.ч. «божхона ҳудудининг чегарасидир». Ташқи Б.ч. қўшни давлатларнинг божхона ҳудудини ажратиб туради. Бу чегара одатда давлатнинг чегарасига мос келади (божхона анклавлари, эксклавлари ва бошқалар бундан мустасно). Ташқи Б.ч.да давлат чегараси тўғрисидаги қонунларда белгиланган маъмурий-ҳуқуқий режим амал қилади. Ташқи Б.ч.ни божхоначилар чегара қўшинлари билан биргаликда муҳофаза қиладилар. Ҳуқуқий мақомига кўра, ички чегара ташқисига тенглаштирилган: эркин зона ҳудуди чегара ҳудуди сифатида қаралади, у ерга кириш қатъий рухсатномалар бўйича махсус назорат-ўтказиш пунктлари орқали амалга оширилади. Ички Б.ч. орқали юк ва қул юклари давлат чегарасида қўлланиладиган божхона қоидалари бўйича ўтказилади. Белгиланган нормадан ортиқ товарлар олиб чиқилганда бож олинади. Чет эл товари эркин божхона ҳудудига кириб келганда (бу ҳудуд давлат

чегараси ҳудудида бўлмасагина), у ҳам ташқи, ҳам ички божхона чегарасини кесиб ўтади. Бундай ҳолда ташқи чегарада кўздан кечириш одатда божхона тозаловисиз амалга оширилади ва, аввало, Ўзбекистоннинг божхона ҳудудига олиб кириш ва ундан олиб чиқиш тақиқланган товарни аниқлашдан иборат бўлади. Шундай қилиб, икки томонлама божхона назорати тизими шаклланади: ташқи чегарада божхона-полиция назорати, ички чегарада эса — божхона-тариф назорати амалга оширилади. Ички Б.ч.ни қўриқлашни божхоначилар эркин божхона ҳудудининг маъмурияти билан ҳамкорликда таъминлайдилар.

БОЖХОНА ҲУДУДИ — муайян давлатнинг божхона қонунлари тўлалигича қўлланиладиган ҳудуди. ЎзР БК 3-моддасига биноан, ЎзР Б.ҳ. ЎзРнинг қуруқликдаги ҳудудини, ҳудудий ва ички сув ҳавзаларини ҳамда уларнинг устидаги ҳаво маконини ўз ичига олади. ЎзР ҳудудида эркин божхона зоналари ва эркин омборлар бўлиши мумкин. Эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ЎзР божхона ҳудудидан ташқарида жойлашган деб қаралади. ЎзР БКда ва ЎзРнинг божхона ишига доир бошқа қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно. ЎзР Б.ҳ. чегараси, шунингдек, эркин божхона зоналари ва эркин омборларнинг периметрлари ЎзР божхона чегарасини ташкил этади.

БОЖХОНА ҲУЖЖАТИ — шакли ва мазмунига кўра божхона расмийлаштирувининг амалга оширилганлигидан далолат берувчи ва ҳуқуқий қоидаларга мувофиқ равишда тузилган ҳужжат.

БОЖХОНА ҲУҚУҚИ — ЎзР қонунларининг тармоғи сифатида божхона ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндисини ўз ичига олади. Ҳозирги кунда мамлакатимиз юридик фанида Б.ҳ. мустақил ҳуқуқ соҳаси эмас, балки маъмурий ҳуқуқнинг кичик бир соҳаси деган фикр устунлик қилиб келмоқда. Б.ҳ. фан сифатида божхона ҳуқуқий муносабатлари, божхона режимларининг турли кўринишлари, божхона ҳуқуқий жавобгарлиги ва бошқалар ҳақидаги билимларнинг йиғиндисини ифодалайди. Ниҳоят, Б.ҳ. ўқув фани, яъни юридик ва баъзи иқтисодий олий ўқув юртларининг талабаларига ўқитиладиган махсус курсдир.

БОЖХОНАДА РАСМИЙЛАШТИРИШ — товарлар ва транспорт воситаларини муайян божхона режимига жойлаштириш ва ушбу режимнинг амал қилишини ЎзР БК талаблари ва қоидаларига биноан тўхтатиш процедураси. Б.р. ЎзР БК 75—82-моддаларида ва ЎзРнинг бошқа қонун ҳужжатлари, жумладан, ЎзР ДБҚнинг норматив ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Б.р. ЎзР божхона органи фаолият кўрсатадиган ҳудудда бунинг учун махсус белгиланган ҳамда товар жўнатувчи ёки олувчи ёхуд уларнинг таркибий қисми жойлашган ерларда ҳамда ЎзР божхона органларининг ЎзР ДБҚ томонидан белгиланган иш вақтида амалга оширилади. Манфаатдор шахснинг илтимосига кўра, унинг ҳисобидан ва ЎзР божхона органининг розилиги билан Б.р. бошқа жойларда ва ЎзР божхона органларининг иш вақтидан ташқари бошқа вақтларда ҳам амалга оширилиши мумкин. ЎзР қонунларида назарда тутилган ҳолларда, ЎзР божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларини Б.р. фақат ветеринар, фитосанитар, экологик ва бошқа турдаги давлат назоратидан ўтказилгандан кейингина якунланиши мумкин. Б.р. тугатилмагунча товарлар ва транспорт воситаларини тасарруф этиш, одатда, тақиқланади.

БОЖХОНАНИНГ ИЛОВА ҲУЖЖАТИ — божхона юки бир божхона муасассасидан бошқасига жўнатилганда тузиладиган божхона ҳужжатининг тури.

БОЗОР ЛИКВИДЛИГИ — фонд бозорининг қимматбаҳо қоғозлар баҳоси оқилона ўзгарганда уларнинг муайян миқдорини қоплаш қобилияти. Ликвидлик бозорнинг энг муҳим хусусиятларидан биридир.

БОЙ БЕРИЛГАН ДАРОМАД — шахс кредитор бўлганда, мажбуриятнинг бажарилмаслиги туфайли ҳуқуқининг поймол этилиши ёхуд унга зиён етказилиши оқибатида у ололмай қолган даромад ёки бошқа фойда. Фуқаролик ҳуқуқида Б.б.д. одатда олинмай қолган фойда бўлиб, қоида тариқасида, зарарларнинг таркибий қисми сифатида қопланиши керак. Қ.: *Зарарларнинг қопланиши.*

БОЙЛИКЛАРНИ БАНКДА САҚЛАШ — ЎзР фуқаролик қонунларига кўра, сақлашнинг алоҳида тури. ЎзР ФКнинг 896-моддасига биноан, банк қимматбаҳо қоғозларни, қимматбаҳо металлар ва тошларни, бошқа қимматбаҳо буюмлар ва бойликларни, жумладан, ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиши мумкин. Б.б.с. шартномасини тузиш юк берувчига номли сақлаш ҳужжатини бериш орқали расмийлаштирилади. Бу поклажедателга сақланаётган бойликларни бериш учун асос бўлади. Шартномада бойликларни сақловчи банкнинг мижозга индивидуал банк сейфи (сейф бўлими, банкдаги алоҳида хона) берилиши кўзда тутилиши мумкин. Бойликларни индивидуал банк сейфларида сақлаш бўйича шартномага кўра, мижозга сейфга бойликларни шахсан қўйиш ва ундан олиш ҳуқуқи берилади. Бунинг учун унга сейфнинг калити, мижозни танитувчи карточка ёки мижознинг сейфга ва ундаги нарсаларга эгалигини тасдиқловчи бошқа бирор ҳужжат берилиши керак. Шартнома мижознинг банкдаги индивидуал сейфда сақланаётган бойликлар билан ишлашини назарда тутувчи ҳуқуқлари назарда тутилган бўлиши мумкин. Мижознинг индивидуал сейфдан фойдаланиб Б.б.с. шартномасига кўра, банк сейфда сақланиши лозим бўлган бойликларни қабул қилади, уларнинг сейфга қўйилиши ва олинишини назорат қилади ва сейфдан олингандан кейин мижозга қайтаради. Мижознинг индивдиуал банк сейфидан фойдаланиб, Б.б.с. шартномасига кўра, банк мижозга бирор кишининг, жумладан, банкнинг ҳам назоратисиз бойликларни олишини таъминлайди. Банк мижозга берилган сейф турган хонани назорат қилиши шарт. Агар мижознинг индивидуал банк сейфидан фойдаланиб Б.б.с. шартномасида бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса ва банк бирор кишининг мижоз рухсатисиз сейфга кирганлиги ёки олдини олиб бўлмас ҳолатлар туфайли сейфдан фойдаланганлигини исботлаб бера олса, у ҳолда банк сейфдаги нарсаларнинг сақланиши учун жавобгарликдан озод қилинади. Бошқа шахсга сейфни банкнинг жавобгарлигини кўрсатмаган ҳолда бериш шартномасига нисбатан ЎзР ФКнинг ижара ҳақидаги қоидалари қўлланилади.

БОЛАЛАР ҲУҚУҚИ — инсон ҳуқуқларининг болаларга тааллуқлилиги. Бир қатор давлатларда болаларнинг ҳуқуқи баъзи жиҳатлари билан тенглашмаганлигини эътиборга олган ҳолда, болаларни эксплуатациядан фарқлаш, оилавий ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида вужудга келган. Шунга асосан, 1959 йилги Умумжаҳон болалар ҳуқуқи декларацияси, 1974 йилги Фавқулодда ва уруш ҳолатларида аёллар ва болаларни ҳимоя

қилиш бўйича декларация, 1989 йилги Болалар ҳуқуқи бўйича конвенция шу соҳадаги муҳим ҳужжатлардир.

БОЛАЛАРНИ ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ — оила ҳуқуқининг фарзандликка олинган бола ва уни фарзандликка олувчи шахс ўртасида ота-она ва бола ўртасидаги муносабатга ўхшаш ҳуқуқий (шахсий ва мулкий) муносабатлар ўрнатиладиган институтларидан бири, юридик ҳаракат. ЎзР Оила кодексига биноан, вояга етмаган болаларга нисбатан ва фақат уларнинг манфаатлари йўлида Б.ф.о.га йўл қўйилади. Б.ф.о. тўғрисидаги ишларни суд фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидалар бўйича кўриб чиқади. Б.ф.о. фуқаролик ҳолати актларини давлат томонидан қайд этиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Никоҳда бўлмаган фарзандликка олувчи шахс билан фарзандликка олинаётган бола ўртасидаги фарқ камида 16 ёш бўлиши керак. Суд узрли деб ҳисоблаган сабаблар бўйича ёшлардаги нисбат қисқартирилиши мумкин. Болани фарзандликка олиш учун ота-оналарнинг розилиги керак. 16 ёшга тўлмаган вояга етмаган ота-оналарнинг болаларини фарзандликка олиш чоғида уларнинг ота-онаси ёки васий (ҳомий)ларидан ҳам рухсат олиш керак, ота-оналари ёки васий (ҳомий)лар бўлмаганда васийлик ёки ҳомийлик идорасининг розилиги керак бўлади. Болани фарзандликка олиш учун қуйидаги ҳолларда ота-оналарнинг розилиги талаб этилмайди: а) ота-оналари номаълум ёки суд томонидан бедарак йўқолган деб эътироф этилганда; б) суд томонидан муомала лаёқатига эга эмас деб тан олинганда; в) суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда; г) суд узрли бўлмаган сабаб деб тан олган сабаблар бўйича, яъни олти ойдан ортиқ вақтдан бери бола билан бирга яшамаётган ҳамда уни тарбиялаш ва боқишдан бўйин товлаётган ҳолларда 10 ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб этилади. Эр-хотиндан бири болани фарзандликка олаётганда, агар болани эр-хотиннинг иккаласи фарзандликка олмаётган бўлса, бошқасининг фарзандликка олиш учун розилиги талаб этилади. Болани фарзандликка олиш сири қонун билан муҳофаза этилади. Болани фарзандликка олиш суд тартибида бекор қилинади.

БОЛАНИ АЛМАШТИРИБ ҚЎЙИШ — ЎзР ЖКнинг 124-моддасига кўра, тамагирлик ёки бошқа ниятларда қасддан болани алмаштириб қўйиш жиноят деб топилган. Б. а. қ. янги туғилган ёки эмизикли чақалоқни бошқаси (масалан, касал болани соғлом бола билан, қизни ўғил билан, бир миллат боласини бошқаси билан ва ҳоказолар) билан алмаштиришда ифодаланган ҳаракатлардан иборатдир. Бу жиноят фақат қасддан содир этилади. Жиноятнинг сабаби тамагирлик, бошқа паст ниятлар (ўч, ҳасад ва бошқалар) бўлиши мумкин. Чақалоқни эҳтиётсизлик оқибатида алмаштириб қўйиш бу жиноят таркибига кирмайди ва жиноят ҳисобланмайди.

БОЛАНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИНИ АНИҚЛАШ — боланинг муайян онадан (оналикни аниқлашда) ва муайян отадан (оталикни аниқлашда) туғилганлиги фактини аниқлаш. Оналикни аниқлаш фуқаролик ҳолатини қайд этиш идораларида онанинг болани тиббий муассасада туққанлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида, бола тиббий муассасадан ташқарида туғилганда эса — тиббий ҳужжатлар, гувоҳлик кўрсатмалари ёки бошқа далиллар асосида амалга оширилади. Агар бола ўзаро никоҳда

бўлган шахслардан, шунингдек, никоҳ бекор қилинган, ҳақиқий эмас деб тан олинган ёки бола онасининг эри ўлган пайтдан бошлаб 300 кун ичида туғилган бўлса ва агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, онанинг эри (собиқ эри) боланинг отаси деб тан олинади. Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахснинг оталиги бола отаси ва онасининг фуқаролик ҳолатини қайд этиш идораларига биргаликда ариза беришлари орқали; она вафот этган, муомала лаёқатига эга эмас деб тан олинган, онанинг қаерда эканлигини аниқлаб бўлмаган ёки у оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолларда — бола отасининг аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик идорасининг розилиги билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда — суд қарори бўйича аниқланади. Оталикни аниқлаш тўғрисида биргаликда ариза бериш мумкин бўлмай қолади ёки қийин бўлади, деб ўйлаш учун асослар бўлганда, боланинг ўзаро никоҳда бўлмаган ота-оналари фуқаролик ҳолатини қайд этиш идораларига бундай аризани онанинг ҳомиладорлик вақтидаёқ беришга ҳақли бўладилар. Боланинг ота-онаси ҳақидаги маълумотлар бола туғилгандан кейин ёзиб қўйилади.

18 ёшга тўлган (вояга етган) шахсларнинг оталигини аниқлашга фақат унинг розилиги билан, агар шахс муомала лаёқатига эга эмас деб тан олинган бўлса, — унинг васийи ёки васийлик ва ҳомийлик идорасининг розилиги билангина йўл қўйилади.

БОНДА ЮКИ — бож ҳали тўланмаган ва божхона омборида турган импорт товарлар.

БОСҚИНЧИЛИК — Б., яъни ўзганинг мулкини талон-тарож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд худди шундай зўрлик ишлатиш йўли билан қўрқитиб содир этилган ҳаракат тушунилади. ЎзР ЖКнинг 164-моддасига асосан, Б. қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарса, бир гуруҳ шахслар, анча миқдордаги мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ ҳолда, такроран, хавфли рецидивист томонидан кўп миқорда, баданга огир шикаст етказган ҳолда содир этилиши мумкин.

«ЎзР айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎзРнинг 1997 йил 30 август қонунида босқинчилик янги таҳрирда кўриб чиқилган.

БОШ АТТОРНЕЙ — Буюк Британия, АҚШ, Бразилия, Венесуэла ва баъзи бир бошқа мамлакатларда адлия соҳасидаги олий лавозимлардан бири. Буюк Британияда Б.а. — вазирлар маҳкамасининг аъзоси, ҳукуматнинг бош юрист-маслаҳатчиси бўлиб, давлат манфаатларига дахлдор суд ва бошқа ишларни юритади, судда алоҳида сиёсий аҳамиятга эга бўлган ишлар бўйича айбловни қувватлайди. АҚШда Б.а. — адлия департаменти (вазирлигининг) раҳбари, айни пайтда федерал ҳукуматнинг юрист маслаҳатчиси. Б.а. АҚШнинг баъзи штатларида ҳам бор.

БОШ АУДИТОР — Англиянинг собиқ мустамлакаси бўлган бир қатор мамлакатларда (Ҳиндистон, Непал, Кения, Маврикий, Барбадос, Замбия ва б.) давлатдаги молия-бюджет назоратини бошқарувчи олий мансаб эгаси. Бош вазир маслаҳати билан президент ёки генерал-губернатор томонидан тайинланади, баъзан парламентда тасдиқланади. Лавозимида муайян ёшга (м-н, Замбияда 60 ёшга) етгунча туради ва фақат импичмент тартибида лавозимидан олиниши мумкин. Бу эса унинг мустақиллиги учун асосий кафолатдир. У Б.а. хизматини мустақил равишда шакллантиради.

БОШ ДИСТРИБЬЮТОР — бирон-бир товарнинг ёки бирон-бир фирма маҳсулотининг бевосита ёки ўз агентлари орқали сотилишини ташкил этувчи дистрибьютор.

БОШ КОНСУЛ — алоҳида бош консулликни бошқаради. Унинг ҳуқуқий ҳолати ва ишининг мазмуни умуман консулники билан бир хил. Улар ўртасидаги фарқ формал бўлиб, консулларни тайинловчи давлат берадиган даражасига боғлиқ. Б. к. га сиёсий ёки вакиллик характерига хос вазифалар юкланиши мумкин.

БОШ КОРТЕСЛАР — Испания икки палатали парламентининг номи.

БОШ МУҲАРРИР — (лавозимининг номидан қатъи назар) таҳририятга раҳбарлик қилувчи ҳамда оммавий ахборот воситасини ишлаб чиқариш ва чиқаришга бериш масаласида сўнгги қарорни қабул қиладиган шахс.

Б.м. таъсисчи, ношир, тарқатувчи сифатида, фуқаролар, уларнинг бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, давлат органлари билан муносабатда, шунингдек, судда таҳририятнинг вакили сифатида қатнашади. У ЎзРнинг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига қўядиган талабларнинг бажарилиши учун масъулдир.

БОШ ПОЛИС — суғуртачи ва суғурта қилувчи идора ўртасида тузиладиган узоқ муддатли шартнома. Унда суғуртанинг амал қилиш муддати, суғурта қилувчининг жавобгарлик ҳажми ва доираси, суғурта пулини (мукофотини) тўлаш муддатлари ҳамда бошқа шарт ва изоҳлар ифодаланади.

Б.п. шартига кўра суғуртачи муайян муддат мобайнида оладиган ёки жўнатадиган барча юклар суғурта қилувчининг жавобгарлиги доирасида суғурта қилинган ҳисобланади. Одатда суғуртачи бош полиснинг амал қилиш доирасига тушадиган ҳар бир юк жўнатиш бўйича суғурта қилувчига юк жўнатилаётган кема номини, юк ташиладиган йўлни ва суғурта пулининг миқдорини хабар қилиши керак. Суғуртачи юкнинг жўнатилганлиги ҳақидаги маълумотни юк манзилга зиён-заҳматсиз етказилгандан кейин олган бўлса ҳам бу мажбуриятдан халос бўлмайди.

БОШ ПОЛИС БЎЙИЧА СУҒУРТА ҚИЛИШ — бу доимий суғурта бўлиб, ягона шартнома (бош полис) асосида турдош мулкларнинг турли партиялари (товарлар, юклар ва бошқалар)нинг суғурта қилинишидир. Бу суғурта муайян муддатга мўлжалланган ва бир хил шартларга асосланган ҳолда амалга оширилади (ЎзР ФКнинг 928-моддаси). Суғурта қилдирувчи бош ҳужжат таъсири доирасига кирувчи ҳар бир мулк партияси ҳақида ушбу суғурта ҳужжатида шартланган муддатда суғурта қилувчига маълумот бериб туриши лозим, агар бу ҳужжатда кўзда тутилмаган бўлса, уларни дарҳол қўлга киритиш лозим. Бундай маълумотлар олиниши пайтига келиб суғурта қилдирувчи томонидан тўлаш эвазига қопланадиган зарарнинг муддати ўтиб кетган бўлса-да, суғурта қилдирувчи мазкур мажбуриятдан озод этилмайди. Суғурта қилдирувчининг талаби билан суғурта бош ҳужжат таъсири доирасига кирувчи алоҳида мулк партиялари бўйича суғурта ҳужжатларини топшириши шарт. Суғурта ҳужжати мазмуни бош ҳужжатга мос келмаган тақдирда суғурта ҳужжатига таянилади.

БОШ ПРОКУРОР — ЎзР Прокуратурасининг олий мансабдор шахси; ЎзР прокуратура органларининг ягона марказлашган тизимига раҳбарлик қилади.

БОШ ПУДРАТЧИ — инвестиция жараёнининг асосий буғинларидан бири бўлиб, у пудрат шартномаси асосида буюртмачи олдида қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши ва уларнинг сифатига, камчилик ва нуқсонларнинг ўз вақтида бартараф этилишига, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун тайёрланган ва қуриб битказилган объектларнинг топширилишига, ниҳоят, (буюртмачи билан биргаликда) ушбу объектларнинг ўз вақтида ишга туширилишига тўлиқ жавоб беради.

Б.п. шартнома асосида баъзи ишларни махсус пудратчи ташкилотлар — субпудратчиларга топшириш ва бошқа кенг миқёсли вазифаларни бажариш ҳуқуқига эга. Аслида у пудрат шартномаси бўйича буюртмачи олдида ягона масъул ташкилотдир.

БОШ ШТАТЛАР — 1) Францияда 1302—1789 йилларда мавжуд бўлган ва руҳонийлар, дворянлар ва учинчи табақа вакилларидан иборат бўлган олий табақавий вакиллик муассасаси. Асосан қироллар солиқ тўплаш учун уларнинг розилигини олиш мақсадида чақирганлар. 1789 йилда Б.ш. учинчи табақа депутатлари ўзларини Миллий йиғин деб атадилар. 2) Тарихий Нидерландияда (1463 йилдан бошлаб) — олий табақавий вакиллик муассасаси, ҳозирги Нидерландияда эса — парламент.

БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМАСИ ТАШКИЛОТИ — ишчи ва хизматчиларнинг касбий, меҳнат, ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи касаба уюшмаларининг қуйи ташкилоти. ЎзР Конституциясининг 59-моддасига асосан, касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар, ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир. Бошланғич касаба ташкилотлари ишлаб чиқариш, савдо, тиббиёт, маданият тармоқлари каби муассаса, корхона ва ташкилотларда тузилади.

БОШЛИҚНИ ҚЎРҚИТИШ — жиноят қонунларига биноан, бўйсуниш ва ҳарбий интизомига риоя этиш тартибига қарши қаратилган жиноят. ЎзР ЖК 282-моддасига асосан, бошлиқни ўлдириш ёки куч ишлатиш билан қўрқитиш, ушбу қўрқитиш амалга ошишидан хавфсираш учун етарли асослар бўлганда ва бу ҳаракатлар ҳарбий шароитда амалга оширилганда, — уч йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилади.

БОШҚАРУВ ИДОРАСИ — акциядорлик жамиятларининг бошқарувини ташкил этиш идораси. Акциядорлик жамиятларини бошқариш коллегиал тарзда амалга оширилади. ЎзРнинг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасига асосан — акциядорларнинг умумий йиғилиши акциядорлик жамиятининг юқори идораси ҳисобланади. Умумий йиғилиш ҳар йили камида бир марта чақирилади. Акциядорлик жамиятининг Б.и. умумий йиғилишни чақириш тўғрисида барча акциядорларни камида 30 кун аввал ёзма равишда хабардор қилади. Акциядорлик жамиятлари бошқарувини ташкил этиш шу жамият аъзолари томонидан эътироф этилган Низом (Устав) асосида амалга оширилади. Акциядорлик жамиятлари бошқарувини ташкил этишнинг энг юқори идораси сифатида умумий йиғилиш қуйидаги ваколатларга эга: жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, унинг режаларини ва режаларининг бажарилишига доир ҳисоботларни тасдиқлаш; жамият уставини ўзгарти-

риш ва тўлдириш; ижроия идораси ва тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш, чақириб олиш ҳамда уларнинг фаолияти тартибини тасдиқлаш; жамият фаолиятининг, шу жумладан, унинг шўъбалари фаолиятининг йиллик натижаларини, тафтиш комиссияларининг ҳисоботлари ва хулосаларини, даромад (фойда)ни, дивидендларни тақсимлаш ва зарарларини қоплаш тартибини тасдиқлаш; шўъбалар ва ваколатхоналар очиш, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш, улар тўғрисидаги низом (устав)ларни тасдиқлаш; жамият Б.и.ларининг мансабдор шахсларини мулкий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарорлар чиқариш; жамиятнинг ички тартиб қоидаларини ва бошқа ҳужжатларини тасдиқлаш, ташкилий тузилишини белгилаш; устав фондини ўзгартириш; жамият ўзи чиқараётган акцияларни сотиб олиши тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш; жамият, унинг шўъбалари ва ваколатхоналари бошқарув идораларининг мансабдор шахслари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини белгилаш; жамият фаолиятини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш балансини тасдиқлаш. Жамият умумий йиғилиши ўзига тегишли маълум бир ҳуқуқларни бошқарув (дирекция)га бериши мумкин. Яъни шу қонуннинг 14-моддаси, 5-бандида кўрсатилганидек, «Бошқарув» ёки уставда назарда тутилган бошқа идора акциядорлик жамиятларнинг ижроия идорасидир. Бу идора акциядорлик жамиятининг ишини уюштиради ҳамда умумий йигилишда ҳисобот бериб боради. Бошқарув умумий йиғилиш ва жамият кенгаши (кузатув кенгаши)нинг мутлақ ваколатига кирадиган масалаларда акциядорлик жамияти фаолиятига доир бошқа барча масалаларни ҳал этади. Бошқарув ишига бошқарув раиси раҳбарлик қилади, у жамиятнинг уставига мувофиқ тайинланади ёки сайланади. Бошқарув раиси ишонч қоғозисиз жамият номидан иш кўришга ҳақлидир. Айрим ҳолларда бу каби ваколатларга жамият аъзолари ҳам (уставда белгиланган бўлса) эга бўлиши мумкин.

БОШҚАРУВ ІІІАКЛИ — комплекс конституциявий-ҳуқуқий институт бўлиб, бунда ҳокимиятнинг расмий манбаи ва амалга оширилиш шакли англанади; шунингдек Б.ш. давлат ҳокимияти олий органлари (давлат бошлиғи, парламент, ҳукумат)нинг тузилиши ва ҳуқуқий мақоми, шунингдек, улар ўртасида ўрнатилган ўзаро муносабат тартиби. Б.ш.нинг асосий, белгиловчи аломати давлат бошлиғининг ҳуқуқий мақомидир (республикада — давлат бошлиғи сайлаб қўйилади ва алмашади, монархияга асосланган давлатда — ҳокимият ваколатлари мерос бўлиб ўтади). Ҳозирги замон давлатларига Б.ш.нинг икки тури — республика ва монархия хос.

БОШҚАРУВЧИ — ЎзР акционерлик ҳуқуқига кўра, акционерлар умумий йиғилишининг қарори бўйича, шартномага биноан, акционерлик жамияти ижроия органининг ваколати берилиши мумкин бўлган якка тадбиркор. Тузиладиган шартноманинг шартлари, агар жамият низомида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жамият директорларининг кенгаши (кузатув кенгаши) томонидан тасдиқланади.

Акционерларнинг умумий йиғилиши (директорлар кенгаши) хоҳлаган вақтида Б. билан шартномасини бекор қилишга ҳақлидир.

БОШҚАРУВЧИ ТАШКИЛОТ — ЎзР акционерлик ҳуқуқига кўра, акционерлар умумий йиғилишининг қарорига биноан, шартнома бўйича акционерлик жамияти ижроия органининг ваколатлари берилиши мумкин бўлган тижорат ташкилоти. Тузиладиган шартноманинг шартла-

ри, агар жамият низомида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жамият директорларининг кенгаши (кузатув кенгаши) томонидан тасдиқланади.

Акционерларнинг умумий йиғилиши (директорлар кенгаши) хоҳлаган вақтида Б.т. билан шартномасини бекор қилишга ҳақлидир.

БОШПАНА ҲУҚУҚИ — халқаро ва давлатлар ички ҳуқуқий тизимининг институтларидан бири. Давлатлар томонидан бирор фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга бериладиган ҳуқуқ. Б. ҳ. асосан одат нормалари ва БМТ Бош Ассамблеясининг 1967 йил 14 декабрдаги Бошпаналар тўғрисидаги декларацияси талаблари асосида амалга оширилади. Б. ҳ. ҳарбий жиноятлар ҳамда инсониятга қарши жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмайди. Бошпана ҳудудий бошпана ёки сиёсий бошпана шаклида бўлади. ЎзРда Б. ҳ. конституциявий норма сифатида белгиланган ва ЎзР Конституцияси 93-моддасининг 19-бандига асосан Президент томонидан ҳал этилади.

БОҚУВЧИСИДАН ЖУДО БЎЛГАНЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ НАФАҚАЛАР — нафақа тайинлаш тўғрисидаги қонун асосида боқувчисини йўқотган оила аъзоларига тайинланадиган нафақа.

БУЙРУҚ — 1) давлат идоралари, муассасалари томонидан чиқарилган ёзма ҳужжат; 2) ҳарбий хизматда бошлиқлар томонидан бериладиган кўрсатма.

БУЙРУҚ ЁКИ ФАРМОЙИШНИ БАЖАРИШ — жиноят ҳуқуқи бўйича ҳаракатнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлардан бири. Қонун билан қўриқланадиган манфаатларга ўзи учун бажариш мажбурий бўлган буйруқ ёки фармойиш асосида ҳаракат қилган шахс томонидан зиён етказилиши жиноят ҳисобланмайди. Бундай зиён етказганлик учун ноқонуний буйруқ ёки фармойиш берган шахс жиноий жавобгар бўлади. Ноқонуний буйруқ ёки фармойишни унинг ноқонунийлигини била туриб, қасддан содир қилган шахс умумий асосларда жиноий жавобгар бўлади. Ноқонуний буйруқни ёки фармойишни бажармаслик жиноий жавобгарликни истисно қилади.

БУРҲОНУДДИН МАРҒИНОНИЙ (Али ибн Абу Бакр ал-Фарғоний ар-Риштоний) — ислом фақиҳларидан бири. Буюк олим, машҳур фақиҳ. 1123 йил 23 сентябрда Марғилонда таваллуд топган. Ҳозирги Марғилон шаҳрини ўрта асрларда араблар Марғинон деб атаганлар. 1197 йил 29 октябрда 74 ёшда вафот этган. Қабри Самарқанддаги Чокардиза қабристонидадир. «Китоб-ал-Ҳидоя» номли мукаммал асар муаллифи. Ислом оламида мисли кўрилмаган шуҳрат қозонган. Унинг «Ҳидоя» асари араб тилидан инглиз, рус ва форс тилларига таржима қилинган. Асарнинг биринчи русча нашри бундан 100 йил муқаддам 1893 йилда Тошкентда чоп этилган эди. Бу 53 та мустақил китобдан иборат бўлган тўрт жилдлик асарда ҳанафий мазҳабидаги мусулмон ҳуқуқининг турли тармоқлари, соҳалари, меъёрлари ҳақида тўлиқ ва мукаммал маълумотлар берилган. Алломанинг тўлиқ исми — Абу-л-Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абду-л-Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғиноний (1121—1197). Олий мусулмон таълимини Риштон, Марғилон, Бухоро, Самарқандда, Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида олган. У мусулмон ҳуқуқи — фиққнинг буюк назариётчи ва амалиётчи фақиҳи сифатида ном қозонган. Шунинг учун ҳам алломани «Бурҳонуддини ва-л-милла» деган шарафли ном билан аташган.

Фиққа оид асарларидан энг машҳури «ал-Ҳидоя фи-л-фуруъ» («Шариат соҳалари бўйича қўлланма»)дан ҳанафий мазҳабидаги мусулмонлар шариат кодекси сифатида фойдаланганлар. «Ҳидоя» Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Туркияда кенг тарқалган. У ҳозиргача Шарқ мамлакатларида шариат соҳасидаги асосий қўлланмалардан бири ҳисобланади, мадрасалар ва ислом олий ўқув юртларида ўқитилади.

БУСДАМЕНТИ КОДЕКСИ — жуда катта аҳамиятга эга бўлган (Лотин Америкаси учун) халқаро хусусий ҳуқуқнинг минтақавий кодекслаштирилганлигидир. Ушбу кодекс кубалик халқаро ҳуқуқшунос ва дипломат ҳисобланган Санчес де Бустаманте-и-Сирвен (*Sanchez de Bustamante y Sirven*) Антонио (1965—1951 йиллар) бошчилигида тайёрланган.

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ — бухгалтерлик ҳисоблари ёзуви мажмуи бўлиб, бирор-бир муайян йўналиш бўйича пул маблағлари фаолиятини кузатиб боради; хўжалик амалиётлари ва бошқа бухгалтерлик маълумотларини сақлаш ва гуруҳлантиришнинг асосий бирлиги бухгалтерлик ҳисоб рақами, актив ва пассив ҳисоблар ҳамда синтетик ҳисоб ва таҳлилий ҳисобларга бўлинади.

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ИККИ ТОМОНЛАМА ТИЗИМИ — бухгалтерия ҳисобининг икки томонлама ёзувга асосланган тизими. Оддий ҳисоб тизимига нисбатан мукаммалроқ бўлиб, бухгалтерия ҳисоби предметини тўғри акс эттиришни таъминлайди.

БУХОРИЙ (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, 810—870) — бухоролик йирик илоҳиётчи, муҳаддис. Ҳадисларни тўплаш ва бир тизимга солиш билан шуғулланган. 600 мингга яқин ҳадис тўплаган, ундан 7250 тасини «саҳиҳ» (яъни ишончли) деб топган ва уларни тўплам қилган. Бу тўплам «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам»), қисқача «Саҳиҳ» ёки «Саҳиҳи Бухорий» номи билан машҳур бўлиб, суннийлик йўналишидаги мусулмонлар орасида энг обрўли ҳадис тўпламларидан бири ҳисобланади. Шу тўплами туфайли Бухорий барча мусулмон мамлакатларида машҳур бўлган. Бухорий бундан ташқари ҳадисшунослик ва илоҳиёт соҳаларида 20 дан ортиқ асар ёзган. Бухорий номи ислом анъанасида эътироф билан тилга олиниб, унинг қабри (мақбараси Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида) шукуҳли услубда қайта қурилиб, умумий зиёратгоҳга айлантирилган.

БУЮМЛАРНИ ТАСВИРЛАШ — криминалистика амалиётда буюмнинг ташқи кўриниши ва алоҳида белгиларини тўла тасвирлаш учун аниқ далилларни келтириш.

БУЮРТМА — фуқаролик ҳуқуқи бўйича оферталар тури — буюртмачини (сотиб олувчини) унга маҳсулот (товарлар) тайёрлаш, етказиб бериш (сотиш), сифати, ассортименти, сони, ҳажмлари бўйича ишни кўрсатилган муддатда бажаришни, хизмат кўрсатишни ва бошқа зарур маълумотларни таклиф қилиш. Маҳсулот, уни етказиб бериш шартномаси бўйича сотиб олувчи томонидан тафсилотли рўйхат шаклида ифодаланиши мумкин. Маҳсулот етказиб берувчининг (сотувчининг), пудратчининг розилиги телеграмма, хат билан расмийлаштирилади ёхуд буюртмачи тақдим этган имзоланган ҳужжат билан тасдиқланади.

БУЮРТМАЧИ (қурувчи) — ЎзРнинг 1995 йил 22 декабрдаги «Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида»ги қонунида кўрсатилганидек, «архи-

тектура объектини қайта қуриш, қуришни амалга ошириш мақсадида юридик шахслар ёки фуқаролар қуришга рухсат талаб қилинадиган қурилиш учун архитектура фаолиятига лицензияси бўлган архитектор топшириғи билан архитектура режасига мувофиқ бажарилган архитектура лойиҳаси бўлиши шарт».

БЮДЖЕТ КРЕДИТЛАРИНИ ЁПИШ — кредит берувчилар жорий йил (бюджет йили) сметаси бўйича назарда тутилган бюджет маблағини ишлатиш ҳуқуқининг тўхтатилиши.

БЮЖДЕТ МУАССАСАЛАРИНИНГ ДЕПОЗИТЛАРИ — бюджет муассасаларининг вақтинчалик тасарруфига келиб тушувчи ҳамда тегишлилигига кўра корхоналар, ташкилотлар ва шахсларга муайян шартлар (суд ҳукмининг чиқарилиши, беморларнинг шифо муассасаларидан чиқарилиши) бажарилганда қайтарилиши ёки берилиши лозим бўлган пул суммалари, қимматбаҳо қоғозлар.

БЎЛИНАДИГАН ВА БЎЛИНМАЙДИГАН АШЁ — бўлинадиган ашё деганда бажарадиган вазифасини бўлиш мумкин бўлган нарсалар, бўлинмайдиган ашё деганда эса — шу тариқа бўлина олмайдиган нарсалар тушунилади. Шундай қилиб, дон ва кумир — бўлинадиган, телевизор ва автомобиль эса бўлинмайдиган ашёдир. Бўлиниш асосан умумий мулк (икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг мулки) бўлимига нисбатан ҳуқуқий аҳамият касб этади. М-н, умумий мулк пайга асосланган ҳолларда (бунда ҳар бир мулкдор ўзининг қатъий белгиланган улушига — ярми, учдан бири, чораги ва ш.к.) ҳар қандай мулкдор ўз улушини натура шаклида ажратиб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади. Лекин агар мулкдорга тегишли ашё бўлинмас бўлса (автомашина), ашё бўлинаётганда мулкдорлардан бирига берилади, қолганларига эса пул шаклидаги мутаносиб мукофот берилади. Деҳқон (фермер) хўжалик мулкини бўлиш масаласи махсус қоидалар билан тартибга солинади. Ашёнинг бўлиниш ёки бўлинмаслиги мазкур ашё туфайли юзага келадиган мажбуриятнинг улушли ёки биргаликдаги (солидар) хусусиятини белгилайди.

БЎҒИЛИШ — криминалистикада кислород келишига механик тусиқ шаклидаги ташқи таъсир сифатида таърифланади. Бутун Б. жараёни тахминан 3—5 минут давом этади. Б.нинг умумий белгиларига юз, лаб ва шиллиқ қаватларнинг кўкариши хос. Асфиксиянинг дастлабки босқичида қон босимининг кўтарилиши натижасида қовоқларнинг боғловчи ва шиллиқ қатламида хол-хол қон қуйилиши ҳамда тилни тишлаб олиш юз бериши мумкин. Б.нинг қуйидаги турлари маълум: газ билан; кислород етишмаслигидан (м-н, аутоэротик манипуляция вақтида, пластик пакетни бошга кийиш чоғида; юмшоқ нарсани, м-н, ёстиқни чақалоққа босиш ва б.чоғидаги) Б.; бегона нарсаларнинг (овқат ёки тиш протезлари бўлакларининг) нафас йўлларига тушиши; қусуқ массасининг, қоннинг ва шу кабиларнинг аспирацияси (нафас билан ичга тортилиши) чоғида. Б. бахтсиз ҳодиса натижаси ҳам бўлиши мумкин.

БЎҒИШ — криминалистикада ўлдириш усулларидан бири. Бунда фойдаланиладиган қуролларга қўллар, ҳалқалар, камарлар, белбоғлар, кабель, арқонлар, нейлон пайпоқлар ва бошқа нарсалар киритилиши мумкин. Б. қуроли қурбоннинг бўйнига қўйилади ва жиноятчи ҳалқани қўли билан тортади. Горизонтал жойлашган ҳалқа шаклидаги странгуля-

ция изи ҳосил бўлади (осилганда — юқорига қараб кўтарилади). Одатда бу из бўғизда ёки сал пастроқда жойлашади. Б.нинг оқибатида қон томирлари эзилиб, юз шишади ва кўк-бинафша рангга киради. Кўзнинг боғловчи тўқималарида, оғиз шиллиқ қаватида ва юз терисида хол-хол қон қуйилиши излари ҳосил бўлади. Мурдани ёриш бўйин тўқималарида, шунингдек, қалқонсимон без остида қон қуйилганлигини кўрсатади. Кекирдак тоғайлари ва тил остидаги суяк синган бўлиши мумкин. Ўлим асфиксия натижасида бошланади.

Бу усулда ўзини ўзи ўлдириш ҳам мумкин, аммо бундай ҳоллар жуда кам учрайди.

«В»

ВАЗИР (инг. minister, фр. ministre) — юқори мансабдор шахс. В. ҳукумат аъзоси ҳамда маълум бир вазирликни бошқарувчи юқори мансабдор шахсдир.

ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ — Болгария, Венгрия, Греция, Италия, Перу, Польша, Португалия, Туркия ва бошқа айрим мамлакатларда ҳукуматларнинг номи. Францияда ҳукумат Франция Президенти раислигида мажлис ўтказаётганда «Вазирлар кенгаши» деб номланади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ — ЎзРнинг ҳукумати, давлатнинг олий ижроия органи. ЎзР Конституциясининг 98-моддасига асосан, В. М.нинг таркибини Ўзбекистон Президенти тузади ва у Олий Мажлис томонидан тасдиқланади. Шу модданинг 2- бандига асосан, ҚР ҳукуматининг бошлиғи В. М. таркибига ўз лавозими бўйича киради. В. М. иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳаларда самарали фаолиятига раҳбарликни, қонунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди. В. М. фаолиятини ташкил этиш унинг раиси орқали амалга оширилади. ЎзР Президенти Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади. В.М. ўз фаолият йўналишларини ЎзР Олий Мажлиси томонидан 1993 йил 6 майда қабул қилинган «ЎзР Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонун асосида ташкил этади. Шунга асосан В. М. таркибига Бош Вазир, унинг биринчи муовини, муовинлари ва аъзолари киради. Давлат марказий идораларининг бошлиқлари, яъни вазирлар, давлат қўмиталари раислари ва бошқалар В.М. аъзолари ҳисобланадилар. Янги тузилган В.М. Олий Мажлисга кўриб чиқиш учун ўз дастурини тақдим этади. В.М. мажлислари йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади. Уни В.М. Раиси ёки унинг топшириғига асосан Бош Вазир ўтказади. В.М. нинг доимий тузилмаси Бош Вазир ва унинг ўринбосарларидан иборат таркибдаги Вазирлар Маҳкамасининг Раёсатидир. В.М. Раёсати таркибига В. М. қарорига биноан ҳукумат аъзоларидан баъзилари киритилиши мумкин. В.М. Раёсатининг ҳужжатлари: қарорлар, фармойишлар, баён қарорлари шаклида чиқарилади. В. М. ўзи чиқарган қарорларнинг бажарилиши устидан бевосита ёки вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бошқаруви тузилмалари орқали назоратни амалга оширади. В. М. ва унинг Раёсати мажлисларини ҳамда тегишли қарорлар лойиҳаларини тайёрлаш, В. М. қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда текшириб бориш учун Вазирлар Маҳкамасининг мажмуаси фаолият кўрсатади.

ВАЗИРЛИК — кўпчилик давлатларда давлатнинг марказий идора органи, социал-маданий қурилиш ва маъмурий-сиёсий фаолиятнинг айрим тармоқларини бошқаради. Янги В.лар тузиш, мавжудларини тугатиш, уларнинг раҳбарларини тайинлаш Ўзбекистонда Президент ваколатига киради ва давлатнинг олий вакиллик органи — Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

ВАЗИЯТНИНГ ТУБДАН ЎЗГАРИШИ — халқаро шартномани бир томонлама тўхтатиш ва ундан чиқиш асосларидан бири. Қуйидаги ҳолларда бунга таяниш мумкин: а) мазкур ҳолатларнинг мавжудлиги шартномага розилик беришга жиддий асос бўлса; б) вазиятнинг ўзгариши шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятлар ҳаракати доирасини тубдан ўзгартирса. Агар шартнома муддати ва чегараларини аниқ белгилаган бўлса ёки шартнома қатнашчиси асосланаётган В. т. ў. иштирокчи томонидан ўз мажбуриятини бажармаслиги оқибати бўлса ёки бошқа халқаро шартнома талабини бажармаслик натижаси бўлиб чиқса, бу ҳолларда В.т. ў.ни рўкач қилиши мумкин эмас. Вазиятнинг тубдан ўзгариши назариясининг бундай талқини 1969 йилги халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясининг 62-моддасида ўз ифодасини топган В.т.ў. ўз-ўзидан шартноманинг бекор қилинишига ва уни ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келмайди.

ВАКИЛ — элчилик ва ўзаро алоқалар бўйича вакил. Кўп ҳолларда В. номи давлатларнинг номи ёки ваколат йўналиши билан бирга тўлиқ айтилиши мумкин. ЎзРнинг мухтор вакили, вакил этиб тайинланган — ЎзРнинг вазири кабилар. Агар В. бирор бир иш юзасидан давлатлараро муносабатларни бажаришга юборилган бўлса, у ҳолда тегишли давлат раҳбари томонидан берилган ишонч ёрлиғига эга бўлади. Дипломатик (элчилик) регламенти бўйича (1815 йилда Венада қабул қилинган) элчилик агентлари табақалари бўйича В. ўз даражасига кўра элчидан кейин иккинчи даражада бўлган. «ЎзРнинг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги 1992 йил 9 майда қабул қилинган қонун, «ЎзРнинг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабалари белгилаш тўғрисида»ги 1992 йил 3 июнда қабул қилинган қонун вакиллик муносабатларини тартибга солиб туради. Шуларга асосан, фавқулодда ёки мухтор вакил тайинланган, мамлакатга жўнаб кетгунга қадар ЎзР Ташқи ишлар вазирлиги унга борадиган давлатнинг раҳбарига топширилиши учун ЎзР Президенти имзолаган ҳамда ЎзР Ташқи ишлар вазири имзоси билан тасдиқланган ишонч ёрлиғини тайёрлайди. ЎзР Ишончли вакилига ЎзР ташқи ишлар вазирининг қабул қилувчи мамлакат ташқи ишлар вазирлиги номига ёзилган мактуби берилади.

ВАКИЛЛАР ПАЛАТАСИ — Австралия, Бельгия, Колумбия, АҚШ, Филиппин, Ямайка, Японияда қуйи палата, Мальта, Янги Зеландия ва Парагвай давлатларида бир палатали парламент номи.

ВАКИЛЛИК — фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини амалга оширишнинг шакли сифатида икки хил маънода талқин қилиши мумкин: 1) маълум бир шахс томонидан ҳуқуқий кучга эга бўлган ваколатни амалга оширувчи шахс. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 129-моддасига асосан, В. қонунга, суд қарорига ёки вакил қилинган давлат органининг ҳужжатига асосланган ваколат билан бир шахс (вакил) томонидан бошқа шахс (ваколат берувчи) номидан тузилган битим ваколат берувчига

нисбатан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади. Ўз таърифига кўра, фақат шахсан тузилиши мумкин бўлган битимни, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа битимларни вакил орқали тузишга йўл қўйилмайди. Вакил ўзига ваколат берган шахс номидан шахсан ўзига нисбатан ҳам, у айни бир вақтда вакили бўлган бошқа шахсга нисбатан ҳам битимлар тузиши мумкин эмас, тижорат вакиллиги бўлган ҳоллар бундан мустасно;

2) юридик шахс томонидан ваколат олган ва унинг ихтиёрида бўлган ҳолда бошқа бир жойда унинг номидан фаолият кўрсатувчи ваколатхона. Аммо бу вакиллик мустақил фаолият кўрсатишда юридик шахс мавқеига эга бўлмайди ва унга ваколатни берган юридик шахснинг кўрсатмалари асосида иш юритади.

ВАКИЛЛИК МАҚСАДЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ЮКЛАР — муайян давлат божхона чегараси орқали ўтказиладиган ҳамда хорижий давлатларнинг дипломатик, консуллик ваколатхоналари ва делегациялари, халқаро вакиллик ташкилотлари расман фойдаланиши (қабуллар, халқаро кўргазмалар ва ярмаркалар, музокаралар, рекламалар уюштириш, совға сифатида топшириш ва ҳ.к.) учун мўлжалланган товарлар ва бошқа нарсалар.

ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ — ЎзР Конституциясининг 99-моддасига мувофиқ, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари ҳисобланади. В. о. давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб, ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар.

ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИ — маълум бир муддатга халқ иродасини ифода этувчи парламентга ўз вакилларини сайлаш, халқ манфаатларини ифода этиш орқали ҳокимиятни ташкил этиш. ЎзР Конституциясининг 76-моддасига асосан, Олий Мажлис олий давлат вакиллик органи ҳисобланади ва у қонун чиқарувчилик ҳокимиятини амалга оширади.

ВАКОЛАТ[1] — фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи шахсга бериладиган фаолият доираси. Фуқаролик қонунларига кўра, В. бир шахс томонидан вакилликни амалга ошириш чоғида берилади ва В. берилган шахснинг ҳуқуқ доиралари белгилаб қўйилади.

ВАКОЛАТ[2] (лот. competentio competo сўзидан — эришаман, лойиқман, мувофиқ келаман) — маълум давлат органи (маҳаллий ўзини ўзи идора қилиш органи) ёки мансабдор шахснинг давлат органлари тизимида тутган ўрнини белгилаб берувчи юридик ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндиси.

ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР — 1) ЎзР Марказий банкидан валюта операцияларини амалга ошириш учун рухсат олган тижорат ва бошқа банклар (ЎзР «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги 1994 йил 23 сентябрь қонуни билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган қонуни 8-моддасининг 1-банди); 2) ҳокимиятнинг давлат, минтақавий ёки маҳаллий органлари тегишли бюджетнинг касса ижросини бажариш, давлатнинг, вилоят ёки туманнинг валюта, бошқа вақтинча бўш турган бойликларини сақлаш ёхуд ҳокимият идораларининг бошқа топшириқларини бажариш ва-

зифаси топширилган банклар; 3) халқаро валюта-кредит ташкилотларида ўз мамлакати ҳукуматининг манфаатларини ҳимоя қилувчи банклар.

ВАЛЮТА — муайян мамлакатнинг маълум оғирликдаги олтин ёки кумушга нисбатан қўлланиладиган пул бирлиги. Ҳозирда нархни белгилаш учун олтин ёки кумуш ўрнига маҳаллий В.нинг бошқа мамлакатлар В.га (АҚШ доллари, қирғиз соми ва ҳ.к.) ёхуд халқаро ҳисоб-китоб бирликларига (СДР, ЭКЮ) нисбати қўлланилади. Тарихдан В.ларнинг олтин, кумуш, мис, қоғоз, хорижий давлатлар пул бирликлари, хорижий давлатлар пул бирлигидаги кредит ва тўлов маблағлари (вексель, чек, аккредитив ва б.), шунингдек, мамлакат ичидаги ва ташқарисидаги хорижий давлатлар пул бирлигидаги ва банк ҳисобларидаги, умумий «хорижий В.» номли маблағлар, халқаро ва минтақавий ҳисоб пул бирлиги (СДР, ЭКЮ) каби турлари маълум. Тизими ва қўлланилиш доирасига кўра қуйидаги В.лар фарқ қилинади: 1) эркин конвертациядаги В. Уларни ҳар қандай хорижий В.га алмаштириш мумкин; 2) қисман конвертациядаги В. Уларнинг муомаласи алоҳида шахслар ва алоҳида операциялар учунгина мумкин; 3) конвертацияланмайдиган, ёпиқ В.лар. Уларнинг муомаласи мамлакат резидентлари (аҳолиси) учун ҳам ва норезидентлари (бошқа шахслар) учун ҳам тақиқланган; 4) клиринг В.си — товар ва хизмат алмашишда ҳисобга олинадиган ўзаро келишилган ҳисоб. ЎзРнинг миллий валютаси сўмдир.

ВАЛЮТА ДЕМПИНГИ — миллий валюта курсининг мамлакат ичида камайган харид қобилиятига қараганда кўпроқ пасайиши оқибатида юзага келадиган демпинг. Экспортёрлар товарларни паст ички нархларда сотиб олиб, халқаро бозорларда анча қадрлироқ валютага демпинг нархларида сотадилар. Сўнгра бу валютани қадрсизланган миллий валютага алмаштириб, курслар фарқидан фойда кўрадилар. ГАТТ доирасида қабул қилинган Халқаро антидемпинг кодекси В.д. аниқланган ҳолларда турли жазо чораларини қўллашни (божлар, жарималар ва б.ни оширишни) назарда тутади.

ВАЛЮТА ПАРИТЕТИ — давлат қонуни ва ҳукуматлараро келишув асосида валюта қийматларини белгилаш. 1978 йилгача валюта паритети валюталар таркибига кирувчи олтин миқдори бўйича белгилаб келинган. 1979 йилдан бошлаб эса, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари халқаро валюта фонди уставига кўра белгиланади.

ВАЛЮТА ҚИММАТЛИКЛАРИНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ОЛИШ ЁКИ ЎТКАЗИШ — ЎзР ЖКнинг «Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар» бўлимида кўрсатилган, фуқароларнинг қонунга хилоф равишда анча миқдорда валюта қимматликларини олиши ёки ўтказиши — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар: а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; б) кўп миқдорда; в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар: а) жуда кўп миқдорда; б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг мнфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ВАЛЮТА ҲИСОБИ — корхона, фирманинг ҳисоби бўлиб ундаги маблағлар хорижий (конвертация) шаклида сақланади.

ВАЛЮТАНИ МУАЙЯН МУДДАТДА АЛМАШТИРИШ ШАРТНОМАСИ — илгаридан белгиланган келгусидаги санада бир валютанинг муайян миқдорини бошқа валютанинг муайян миқдорига алмаштириш тўғрисидаги битим. Одатда тижоратчилар алмашув курсининг ўзгариб туриш натижасида кўрилиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш учун бундай шартномани хорижий валютада тузадилар. Шартномада келишилган алмашув курси муддатли (келажакдаги) курс деб аталади.

ВАЛЮТАНИНГ КОНВЕРТАЦИЯ ҚИЛИНИШИ — ташқи иқтисодий фаолият давомида миллий пул бирликларини хорижий давлатлар пул бирлигига расмий валюта курсига мувофиқ эркин алмаштириш. Пул бирлигининг қайтарилувчанлиги мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотида, халқаро савдода ва ҳисоб-китобларда самарали иштирок эта олишини белгиловчи муҳим омиллардан бири.

В. к. қ. — бу пул бирлигининг барча мамлакатларда тўлов воситаси функциясини бажара олиш имконияти. 1986 йилда Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) бу турдаги валюта сифатида АҚШ долларини киритди. Бугунги кунда ХВЖга аъзо бўлган 150 давлатдан тўлиқ конвертация қилинадиган валюта бу ўнта энг ривожланган давлатлар пул бирлигидир (АҚШ, Япония, Канада ва Европанинг қатор давлатлари). Тахминан 50 та давлат пул бирлиги чекланмаган К.га эга.

1976 йилдан эътиборан ХВЖ қўшимча махсус «эркин муомаладаги валюта» иборасини киритди. Мазкур ибора тўлиқ конвертация қилинадиган валюталарга нисбатан ишлатилади. Улар халқаро валюта ҳисоб-китобларида, халқаро валюта бозорларида амалга ошириладиган операцияларда ишлатилади ва жаҳон мамлакатларининг валюта захираларини ташкил қилади.

Қисман конвертациялаш — оралиқ тартибдаги валюта муомаласини билдиради. Қисман конвертациялаш ушбу валютага эга бўлган муайян шахсларга ва алоҳида турдаги операцияларга нисбатан қўлланади. Шунингдек, ҳудудий характерга эга бўлиши мумкин, яъни маълум мамлакатлар билан, хусусан, муайян валюта ҳудуди доирасида чекланади

Конвертация қилинадиган облигациялар (давлат заёми, билетлари)— корпорациянинг бошқа қимматбаҳо қоғозларига (одатда оддий акцияларнинг маълум сонига) алмаштирилиши мумкин бўлган облигациялардир.

ВАЛЮТАНИНГ ОЛТИН ЗАХИРАЛАРИ — халқаро бозорларда валюта курсининг ўзгармаслиги тўлов баланси танқислигини қоплаш, халқаро ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш учун улар томонидан фойдаланиладиган хазиналар ва марказий банкларнинг чет эл валюталари ва расмий олтин захиралари ва бошқалар. ЎзРнинг олтин валюта захиралари ЎзР Марказий банкидан ва ЎзР ҳукумати (у Молия вазирлиги бошқарувида бўлади) захирасидан ташкил топади. Захирага чет элнинг конвертацияланадиган валютаси ва олтин киради. ЎзР ҳукумати ва Марказий банки тасарруфида палладий, кумуш, платина, қимматбаҳо тошлар (асосан, олмослар) бор.

ВАСИЙЛИК — ФКнинг 32-моддасига мувофиқ, васийлик муомалага лаёқатсиз ёки муомалага тўлиқ лаёқатли бўлмаган фуқароларнинг

ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади. Васийлар ўз ҳимояларидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай шахслар билан муносабатларда, жумладан, судларда ҳам махсус ваколатсиз ҳимоя қиладилар.

Вояга етмаганларга васийлик уларнинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари бўлмаган, ота-онаси суд томонидан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган тақдирда, шунингдек, бундай фуқаролар бошқа сабабларга кўра ота-она ҳимоясидан маҳрум бўлиб қолган, хусусан, ота-она уларни тарбиялашдан ёхуд уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган ҳолларда белгиланади. ОКнинг 173-моддасига мувофиқ, В. ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш, шунингдек, бундай болаларнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади. ОКнинг 176-моддасига мувофиқ, В. ўн тўрт ёшга тўлмаган болаларга ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади.

ВАСИЙЛИК КЕНГАШИ — БМТнинг халқаро васийликнинг амалга оширилишини назорат қилувчи асосий органларидан бири. Ҳозирги вақтда барча васийликдаги ҳудудларга мустақиллик берилганлиги сабабли бундай органга эҳтиёж қолмади.

ВАСИҚА — ЎзР фуқаролик қонунчилигига мувофиқ, мол-мулкка эгалик қилишни тасдиқловчи далолатнома, ҳужжат.

ВАСИЯТДАН БОШ ТОРТИШ — мерос ҳуқуқида васиятнома бўйича у ёки бу мажбуриятларни бир ёки бир неча шахс, яъни бош тортишни олувчилар фойдасига бажаришни меросхўрга юклаш бўлиб, бунда бош тортишни қабул қилувчилар ижронинг талаб ҳуқуқини оладилар. Улар қонун бўйича меросхўрлар қаторига кирадиган ёки кирмайдиган шахс бўлиши мумкин. Меросхўрга ўтадиган уйни васият қилувчи бошқа шахсга бу уйлардан ёки уни айрим қисмидан умрбод фойдаланишга бериш мажбуриятини юклашга ҳақли. Уй ёки унинг қисмига бўлган мулк ҳуқуқи кейинчалик бировга ўтганда ҳам ундан умрбод фойдаланиш ҳуқуқи ўз кучини сақлайди. Васиятдан бош тортишни бажариш васият қилувчи томонидан юклатилган меросхўр, мерос қолдирувчининг қарзларини унга тушадиган қисмини айириш билан унга ўтган мерос мулкнинг ҳақиқий қиймати доирасидагина уни бажариш лозим. Агар васият бўйича меросхўрга васиятдан бош тортишни бажариш юклатилган бўлса, меросдан албатта ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлади ва у унга ўтган меросннинг мулк қиймати доирасидагина васиятдан бош тортади. Бу мулк миқдори унинг мажбурий ҳиссасидан ортиқ бўлади. Васиятдан бош тортиш мажбурияти юклатилган шахс мерос очилгунга қадар вафот этган ҳолларда ёхуд васиятдан бош тортиш мажбурияти бўйича мерос улар томонидан қабул қилинмаган ҳолларда, мажбурият унинг улушини олган бошқа меросхўрларга ўтади.

ВАСИЯТНИ БАЖАРИШ — фуқаролик ҳуқуқида фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка бўлган ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф этилади. В. б. васиятномада кўрсатилган меросхўрларга юкланади. Васият қилувчи В. б.ни васиятда кўрсатилмаган шахсга (васиятни бажарувчига) топшириши мумкин. Бу ҳолатда васиятноманинг ўзига ёзилган бўлиши ёки васиятномага илова қилинаётган аризада ижрочининг розилиги

талаб қилинади. Васиятномани бажарувчи В. б. учун зарур бўлган барча ҳаракатларни қилишга ҳақли. Васиятномани бажарувчи В. б. бўйича қилган ҳаракатлари учун ҳеч қандай мукофот олмайди, бироқ мерос ҳисобидан мерос қолдирилган мол-мулкни асраш ва уни бошқариш бўйича қилган харажатларини қоплашга ҳақли. Васиятноманинг бажарилиши бўйича В. б. меросхўрларга уларнинг талаби бўйича ҳисобот беришга мажбур.

ВАСИЯТНОМА — қонунда белгиланган тартибда фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси ва бу истакни акс эттирувчи ҳужжат. ЎзР ФКнинг 1120-моддасига мувофиқ, фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек, кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

В. уни тузиш вақти ва жойи кўрсатилган ҳолда ёзма тузилган бўлиши, васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши ва нотариал тасдиқланиши лозим. Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра В.ни ўз қўли билан имзолай олмаса, у унинг илтимосига биноан нотариус иштирокида ёки бошқа мансабдор шахс иштирокида бошқа фуқаро томонидан имзоланади ҳамда васият қилувчи ўз қўли билан В. ни имзолай олмаганлиги сабаблари кўрсатилади.

ВАТАНГА ХОИНЛИК — ЎзРнинг 1995 йилгача амалда бўлган ЖК бўйича давлатга қарши ўта хавфли жиноят. ЎзРнинг мудофаа салоҳияти ва давлат хавфсизлиги ёки ҳудудий дахлсизлиги, суверенитетига етказилган зарар фуқаролар томонидан қасддан содир этилган қилмиш: душман томонига ўтиш, жосуслик, давлат ва ҳарбий сирларни ошкор этиш, чет элдан ЎзРга қайтишни рад этиш, ЎзРга қарши душманлик фаолияти олиб боришда чет эл давлатига ёрдам кўрсатиш, бу эса ҳокимиятни босиб олиш учун тил бириктириш билан баробар. Ватанга хоинлик мол-мулки мусодара қилиниб, 10 йилдан 15 йилгача ёки мол-мулки мусодара қилиниб, ўлим жазоси билан жазоланган. ЎзРнинг Конституциявий суди чет элга қочиш ёки чет элдан ЎзРга қайтишни рад этиш ўзўзидан жиноят бўлмаслигини тан олди. ЎзР янги ЖКда Ватанга хоинлик жинояти давлатга хоинлик қилиш деб аталади.

ВАҚТИНЧА УШЛАБ ТУРИШ ИЗОЛЯТОРЛАРИ — жиноят содир қилишда гумон қилинувчи сифатида ушланганларни ушлаб туриш учун мўлжалланган жой. В. у. т. и.да қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда айбланувчилар ва гумон қилинувчилар улар содир этишлари мумкин бўлган ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлардан сақланиш учун ва уларнинг олдини олиш учун чора сифатида қамоққа олиниши мумкин.

В. у. т. и. ички ишлар органлари, жамоат хавфсизлиги милиция бўлимлари (маҳаллий милиция) ҳисобланади ва ЎзР Ички ишлар вазирлиги сметаси бўйича давлат бюджети ҳисобидан молиявий таъминланади.

ВАҚТИНЧАЛИК ИШГА ЯРОҚСИЗЛИЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИ — экспертиза тури. Касаллик, майиблик, ҳомиладорлик, оиланинг касал аъзосини боқиш, протез қилиш, санатория-курорт даволаниши ва қонунда белгиланган бошқа ҳолларда берилади.

Бу экспертизалар давлат муниципал ва хусусий соғлиқни сақлаш

бўлимлари томонидан ўтказилади ва унинг хулосаси фуқароларга 30 кунгача бўлган муддатга берилади. Катта муддатларга эса махсус тайинланадиган врачлар комиссияси томонидан берилади. В.и.я.э.да ходимнинг вақтинчалик ишга яроқсизлиги муддатлари, унинг бошқа ишга ўтказилиши ҳақидаги хулоса, шунингдек, мазкур шахсга зарур бўлган ҳолларда ногиронлик учун тиббий кўрикдан ўтишга йўлланма ҳам берилади. Ишга яроқсизлик варақаси тўлдирилаётганда врачлик сирини сақлаш мақсадида касаллик тарихи касалнинг розилигига кўра, варақага ёзилади. Агар у рози бўлмаса, унда фақат ишга яроқсизликнинг сабаби кўрсатилади (м-н, касаллик, жароҳат ёки бошқа бирор сабаб).

ВАҚФ (араб. — луғавий маъноси тўхташ, пауза; терминологик маънода дин йўлида ажратилган мол-мулкни билдиради) — давлат ва айрим кишилар томонидан диний муассасалар, масжид, мадрасалар ва хайру эҳсон учун ажратилган мол-мулк. Фойдаланиб туриш ва сотиб юбормаслик шарти билан расмийлаштирилади. Ислом мамлакатларида В.дан келган даромадлар, диний ва хайрия муассасалари ҳамда уларда хизмат қиладиган ходимларга сарфланган. Ўзбекистонда В. тугатилган. Аммо, хорижий Шарқдаги барча мусулмон мамлакатларида ҳозиргача В. мавжуд. Ҳатто ер ислоҳоти ўтказилган айрим мамлакатларда ҳам вақф мулклари сақланиб қолган.

ВАҚФНОМА — мулк эгаларининг ўз ер-суви, хўжалик бинолари ва даромад келтирадиган бошқа мулкларини диний муассасалар, масжидлар ва тасаввуф жамоалари ихтиёрига ўтказиб берганлиги тўғрисидаги ҳужжат. В. қози тасдиғидан кейин юридик кучга кирган.

ВЕКСЕЛЛАР ДОМИЦИЛЯЦИЯСИ — векселда унинг бошқа шахс (домицилиант) томонидан тўланиши ҳақида ёзиб қўйилиши. Векселга бундай ёзувни вексель эгаси ёзиб қўяди. Агар векселда домицилиант кўрсатилмаган бўлса, уни тўловчи акцепт вақтида айтиши мумкин. Бундай ёзуви бўлган векселлар домициллашган векселлар дейилади. Домициллашган вексель тўлов учун вексель бўйича масъул бўлмаган, лекин унга зарур маблағни берган ёхуд шу тариқа кредит олган тўловчи ҳисобидан векселни ўз вақтида тўлайдиган шахсга тақдим этилади.

ВЕКСЕЛЛАРНИ ДИСКОНТИРЛАШ — векселларни ҳисобга олиш, яъни банкнинг векселларни уларнинг эгаларидан муддати ўтмасидан туриб сотиб олиши; векселларни ҳисобга олиш чоғида мижозга пулни аванс тариқасида берадиган кредит муассасаси ундан муайян тўлов — ҳисобга олиш фоизи (*дисконт*) ундиради.

ВЕКСЕЛЛАРНИ ЎТКАЗИШ (ТРАТТА) — векселда кўрсатилган шахсга белгиланган миқдордаги маблағни ўтказиш.

ВЕКСЕЛЛИ ЖЕНЕВА КОНВЕНЦИЯЛАРИ — тўлов муомаласида чеклар ва векселларни қўллаш тартибини қатъий белгилайдиган кўп томонлама халқаро битимлар. 1930 йили Женевадаги конференцияда тузилган. Олтита векселли Женева Конвенциясига (учта чекли ва учта векселли) кўпчилик Европа давлатлари — Австрия, Бельгия, Венгрия, Германия, Греция, Дания, Италия, Люксембург, Монако, Голландия, Норвегия, Польша, Португалия, Россия Федерацияси, Финляндия, Франция имзо чекдилар. Векселли Женева Конвенцияларига Япония, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг қатор давлатлари (Туркия, Сурия, Индонезия, Ироқ, Ливан, Жазоир, Ливия, Марокаш, Аргенти-

на ва бошқалар) киради. Буюк Британия, АҚШ ва бошқа англия ҳуқуқи мамлакатлари В.Ж.К.га қўшилмадилар.

ВЕКСЕЛЬ БЎЙИЧА ДОМИЦИЛЬ — вексель эгасининг турар жойидан бошқа ерда жойлашган тўлов жойи кўрсатилган вексель бўйича тўлов жойи.

ВЕКСЕЛЬ ҲИСОБИ — банк ёки ихтисослашган кредит муассасаларининг векселларини муддати ўтмасдан сотиб олиш. В.ҳ. чоғида банк вексель эгасига вексель ёзилган суммани муддатидан олдин тўлайди аммо бунда векселнинг сифати ва муддатидан келиб чиқиб, мавжуд ссуда капиталидан олинадиган фоиз асосида белгиланадиган фоизларни чегириб қолади. Банклар ҳисоб учун фақат биринчи даражали векселларни, яъни тўлов қобилияти шубҳа уйғотмайдиган ишончли фирмаларнинг мажбуриятлари кўрсатилган векселларни қабул қилади. Йирик банкларнинг кафолати бўлган векселлар банк кафолати бўлмаган савдо ва саноат фирмаларининг векселларига қараганда пастроқ фоизли ставкада ҳисобга олинади. Банклар молиявий жиҳатдан майда, заиф бўлган фирмаларнинг мажбуриятлари акс эттирилган векселларни ҳисоб учун қабул қилмайди ёки якка тартибда, жуда юқори фоиз ставкаларида (таваккалчилик учун ўзига хос тўлов) қабул қилинади.

ВЕКСЕЛЬ САНА — тўлов муддати муайян кунга эмас, балки берилганидан кейин муайян вақт (бир неча кун, ҳафта ёки ой) ўтгач келадиган вексель.

ВЕРСИЯ (тусмол; тахмин) — бирор воқеа, ҳодиса ёки фактлар тўғрисида билдирилган турли фикр, мулоҳаза, баёнот.

ВЕТЕРИНАРИЯ ҚОИДАЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ — Қ.: *Ветеринария хизмати.*

ВЕТО (лот.) — 1) давлат ҳуқуқида давлат ҳокимиятининг бирор органи томонидан қабул қилинган қарорнинг унинг б. бир органи (давлат бошлиғи) томонидан бекор қилиниши. В. тартиби Қад. Римда вужудга келган. Ҳоз. зам. буржуа давлатларида, одатда, давлат бошлигига парламент қабул қилган қонунларга нисбатан В. қўйиш ҳуқуқи берилади; 2) БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг БМТ Уставида кўзда тутилган ҳуқуқи. Устав уларнинг Хавфсизлик Кенгашида муҳокама этилаётган масала юзасидан бир фикрда бўлишини талаб қилади; доимий аъзолардан бирортаси муҳокамадаги масала юзасидан қарор қабул қилинишига розилик билдирмаса, қарор рад этилган, яъни унга В. қўйилган ҳисобланади.

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ — инсоннинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини таъкидловчи, БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1981 й. 25 ноябрда қабул қилинган 36—55-Резолюциясида қайд қилинган инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири. Мазкур ҳуқуқ ЎзР Конституциясининг 31-м.сида қайд қилинган ва 1998 йил 1 майда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун томонидан тартибга солинади. Мазкур қонуннинг 1 ва 4-м.лари фуқароларга ўзларининг динга бўлган муносабатини эркин белгилаш, маросим ва удумларни бажариш ва қонун олдида динга бўлган муносабатларидан қатъи назар, барчанинг тенглигига кафолат беради. ЎзРда дин ва диний ташкилотлар давлатдан ажратилган. ЎзРда куч ишлатишни тарғибот қилиш, миллатлар ва диний ташкилотлар орасига низо солиш учун диндан фойдаланиш ва конституциявий тузум асосларига қарши қаратилган ҳаракатлар ман этилади.

ВИЛОЯТ — ЎзР маъмурий-ҳудудий тузилишининг асосий бўлаги. Ўзбекистонда 12 та вилоят бор. Булар: Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё вилоятларидир. ЎзР Конституциясининг 69-моддасига биноан, вилоятлар чегараларини ўзгартириш, шунингдек, уларни ташкил қилиш ва тугатиш Олий Мажлиснинг розилиги билан амалга оширилади. ЎзРнинг «ЎзРда маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги 1996 йил 30 август қонунига мувофиқ, вилоятларни ташкил этиш ва тугатиш ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг таклифи билан Олий Мажлис томонидан амалга оширилади. Вилоятларнинг чегарасини ўзгартириш, вилоятларнинг маъмурий марказларини белгилаш ва кўчириш тегишли вилоятлар ҳокимларининг илтимослари асосида, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг таклифига биноан Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

ВИНДИКАЦИОН ДАЪВО — мулкдорнинг ўзганинг ноқонуний эгалик қилишидан ашёни талаб қилиб олиш ҳақидаги ёки бошқача айтганда, мулкига эгалик қилмаётган мулкдорнинг эгалик қилаётган мулкдор бўлмагандан мол-мулкни қайтариш ҳақидаги даъвоси. Мулкдорнинг ўзининг ашёсини виндикацион даъво орқали талаб қилиб олиш қоидалари бир қатор давлатларда кўчар мол-мулкнинг эгаси унинг эгаси ҳисобланади, деган қоидага асосланилади. Бундай қоидадан кўриниб турибдики, жавобгарнинг ашёга нисбатан ноқонуний характердаги эгалик қилишини исбот қилиш даъвогарга тааллуқлидир, эга — жавобгар эса мол-мулкка эгалик қилишнинг асосларини исбот қилишдан озод қилинади. Бундан ташқари, ҳар қандай шахс томонидан инсофли равишда эгаллаб олинган кўчар ашё, шу жумладан, ҳар қандай шахс томонидан қонуний вакил қилинмаганнинг мулкни эгаллаб олиши, яъни қонуний вакил қилинмаганнинг мол-мулкни бегоналаштируви мулкдор томонидан талаб қилиб олиниши мумкин эмас ва бу эгалловчининг мулки бўлиб қолади.

ВОЗ КЕЧИШ ҲАҚИ — ФКнинг 342-моддасига мувофиқ, тарафларнинг келишувига мувофиқ мажбурият уни бажариш ўрнига воз кечиш ҳақини бериш (пул тўлаш, мол-мулк бериш ва шу кабилар) билан бекор қилиниши мумкин. Воз кечиш ҳақининг миқдори, муддатлари ва уни бериш тартибини тарафлар белгилайди.

ВОРИС (МЕРОСХЎР) — қонун бўйича ёки васият орқали меросхўр бўлиш ёки меросхўр ҳуқуқига эга бўлиш. (Қ.: *Мерос*).

ВОСИТАЧИ — омбудсман сўзининг туб маъноси. Швецияда дастлабки конституциявий нормаларнинг вужудга келиши ва давлат бошқаруви идоралари ва судлар томонидан уларнинг бажарилишини назорат қилиш зарурати туфайли вужудга келган мансабдор шахс. 1809 йилдан фаолият кўрсата бошлаган. Шу кунгача инсон ҳуқуқларини маъмурият томонидан ҳимоя қилишга қодир мансабдор шахснинг ўрнини босадиган бу каби бирорта ташкилот ёки идора йўқ эди. «Омбудсман» сўзининг маъноси швед тилида «кучли» ёки «обрўли» шахс томонидан қўйилган «воситачи» (вакил) маъносини билдиради. Давлат ҳуқуқи нуқтаи назаридан эса парламентлар томонидан инсон ҳуқуқларини таъминлаш учун ишонч билдирилган вакил. Бу вакил ўз қонуний ваколатларидан келиб чиққан ҳолда, мустақил шахс сифатида давлат идоралари фаолияти

устидан умумий назорат олиб боради. Жумладан, ЎзРнинг 1997 йил 24 апрель куни қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (омбусман) тўғрисида» ги қонунининг 1-моддасида инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили мансабдор шахс деб кўрсатилган ва ҳуқуқ доиралари белгилаб берилган.

ВОСИТАЧИЛИК — халқаро муносабатларда вужудга келган ўзаро тортишувларни ҳал қилишнинг бир усули. Бунда ўзаро муносабатлардаги тортишувларни тинчлик йўли билан ҳал этишга, тортишувлардан холи бўлган давлат (шахс ёки давлатлар орқали) ёки халқаро ташкилотлар кўмагидан фойдаланиш. В.ни қўллаш тортишувда бўлган давлатлар ёки бошқа холи давлат ёки шахс ташаббуслари орқали амалга оширилади. Кўп ҳолларда В. давлат ёки шахс таклиф ва мулоҳазалари эътиборга олинмаслиги мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда воситачилик тартиб ва қоидалари тегишли халқаро шартнома ёки келишувларда қайд этилган. Мисол учун, уруш олиб бориш қоидалари ва амал қилиш лозим бўлган одатлар тўғрисидаги 1899, 1907 йилларда Гаага конвенцияси.

ВОСИТАЧИЛИК НАРХИ — воситачилик савдоси орқали сотиладиган маҳсулотлар нархи.

ВОСИТАЧИЛИК ҲАҚИ — мижознинг воситачига унинг топшириғи бўйича амалга оширган операцияси ва кўрсатган хизмати учун тўланадиган ҳақ.

ВОЯГА ЕТГАНЛИК ЁШИ — қонунда белгиланган ёш бўлиб, фуқаро шу ёшга етгач тўлалигича ҳуқуқий лаёқатли деб саналади. ЎзРда 18 ёш вояга етганлик ёши қилиб белгиланган.

ВОЯГА ЕТМАГАН ЁКИ МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТСИЗ ШАХСЛАРНИ МОДДИЙ ТАЪМИНЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАШ — ЎзР жиноят қонунларига кўра, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноят тури учун мазмунини моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик ташкил этади. ЎзР ЖК 122-моддасига мувофиқ, жарима ёки ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд қамоқ билан жазоланади.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА ЖАЗО ТАЙИНЛАШ — ЎзР ЖКнинг 86-м. талаблари асосида амалга оширилади. Суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилади, вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлиғини, содир этган жиноятининг сабабларини, катта ёшдагиларнинг, бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади. Ун уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ўн йилгача, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн икки йилгача тайинланади. Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси — ўн икки йилгача муддатга, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин. Жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ўн беш

йилдан ошмаслиги керак. Вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда суд ЖКнинг 72-м.да назарда тутилган асос ва шартлар мавжуд бўлса, шартли жазо белгилаши мумкин.

ВОҚЕА — юридик фактларнинг турларидан бири бўлиб, қонунга кўра улар ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши билан боғлиқдир. В.ларга одамларнинг иродасидан ташқари юз берадиган табиий воқеа-ҳодисалар (сув тошқини, зилзила, туғилиш, ўлим ва ҳоказо) киради. В.ларнинг ноиродавий туси ҳақида гап борганида уни келтириб чиқарган сабаб эмас, балки В.ларнинг аниқ ҳуқуқий муносабатларга таъсир кўрсатиш жараёни назарда тутилади.

«Г»

ГАБАРИТСИЗ ЮК — габарити ташиш учун махсус мосламалар талаб этмайдиган габаритдан ортиқ бўлган юк жойи.

ГАЗ ҚУРОЛИ — ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлатишга рухсат этилган ва заҳарли моддаларни қўллаш орқали тирик нишонни вақтинчалик шикастлашга мўлжаллаган қурол.

ЎзРда асабни фалажловчи, заҳарловчи ва бошқа қаттиқ таъсир этувчи моддалар билан таъминланган, шунингдек, ёшлантирувчи ва таъсирлантирувчи моддалар таъсири ҳисобига ўртача даражада зарар келтиришга ёки 0,5 м гача бўлган масофада турган одамга камроқ даражада зиён келтиришга қодир бўлган газ қуролини олиш-сотиш тақиқланган.

ГАНГСТЕР (англ. туда, босқинчи) — жиноий дўқ-пуписа, товламачилик, одам ўлдириш ва ўғирлаш каби ишлар билан шуғулланувчи босқинчилар тўдасининг иштирокчиси.

ГАРОВ[1] — 1) фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг асосий усулларидан бири. ЎзР ФК бўйича қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятини бажармаган тақдирда кредитор (гаровга олувчи) бу мажбурият бўйича ўз талабини гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан ушбу мол-мулк эгаси бўлган шахс (гаровга қўювчи)нинг қонунда белгилаб қўйилган чегиришлардан кейин бошқа кредиторларга қараганда имтиёзли суратда қаноатлантиришга ҳақли бўлади. Гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулкни йўқотганлик ёки унга зиён етказганлик учун суғурта ҳақидан, бу мол-мулк кимнинг фойдасига суғурта қилинган бўлишидан қатъи назар, башарти, мол-мулкни йўқотиш ёки унга зиён етказиш гаровга олувчи жавобгар бўлган сабабларга кўра юз берган бўлмаса, ўз талаби юқоридаги асосларда қаноатлантирилишига ҳақли. Гаровнинг алоҳида турлари сифатида ЎзР ФК ломбарддаги ашёлар гарови, муомаладаги товарлар гарови, ипотека ажратилади; 2) жиноятларнинг олдини олиш чоралари ЎзР ЖПКнинг 36-бобида назарда тутилган. Гаров суднинг, прокурорнинг, терговчининг, суриштирувчининг чақируви бўйича гумон қилинувчининг, айбланувчининг келишини таъминлашда ташкилот ёки бошқа юридик шахс томонидан ёхуд гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан суд депозициясига қўйган қимматликлар ёки пулларда ифодаланади. Гаровни қабул қилганлик тўғрисида баённома тузилади, унинг нусхаси гаров берувчига топшири-

лади. Гаров суммаси ишнинг ҳолатига мувофиқ ушбу олдини олиш чорасини танлаган орган томонидан белгиланади. Гаров қўйишда ишнинг моҳияти у бўйича ушбу олдини олиш чораси танланганлиги тўғрисида гаров берувчига маълум қилиниши лозим. Гумон қилинувчи, айбланувчи суднинг, прокурорнинг, терговчининг, суриштирувчининг чақирувига кўра келишдан бош тортган ҳолларда гаров суд ажрими билан давлат фойдасига ўтказилади.

ГАРОВ[2] — кўчмас мулкнинг қарздор томонидан гаровга қўйилганлиги тўғрисидаги ҳужжат (қ.: *Ипотека*). Қарзни муддатида тўламаган ҳолларда мулкни сотиш бўйича кредиторга ҳуқуқ беради. У албатта нотариал идорада тузилади. Агар қарз суммаси қўйилган мулк қийматидан ошиқ бўлмаса, гаров ёпиқ, акс ҳолда эса — очиқ деб аталади.

ГАРОВ МАЖБУРИЯТИ — гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ҳолларда қўйилган мулк қийматидан талаб қилиш билан имтиёзли қониқиш олиш ҳуқуқини тасдиқловчи қарздор томонидан кредиторга бериладиган ҳужжат.

ГАРОВ СЕРТИФИКАТИ — товарларни жўнатишда ёзилган ўтказиш векселига илова қилинадиган ҳужжат. Векселни кўрсатувчи ёки ҳар қандай кейинги акцептланган вексел эгаси тўловчи векселни тўлашдан бош тортган ҳолларда кўрсатилган товарларни сотишга банк ваколат беради.

ГАРОВ ТАРИҚАСИДА УШЛАБ ТУРИШ — ЎзР ЖКнинг тегишли моддасида назарда тутилган жамоат хавфсизлигига қарши жиноят ўз ичига, гаровга олинганни озод қилиш шарти сифатида давлат, ташкилот ёки фуқарони мажбурлаш мақсадида гаров сифатида ушлаб туриш ёки қўлга олишда ифодаланувчи қандайдир ҳаракатни содир этишдан ўзини тийишни олади. Агар уни ҳаракатларида бошқа жиноят таркиби бўлмаса, гаровни ўз хоҳиши бўйича ёки ҳокимият талаби бўйича озод қилса, жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

ГАРОВГА ПУЛ БЕРУВЧИ — гаров билан таъминланган мажбуриятни бажарувчи кредитор (гаровга олувчи). Агар гаровга олувчи ЎзР ФК бўйича жавобгарликдан озод этилиши мумкинлигини исботлай олмаса (айби йўқлиги муносабати билан ёки енгиб бўлмас куч оқибатида) у ўзига топширилган гаров предметининг тўлиқ ёки қисман йўқолганлиги ёхуд қисман шикастланганлиги учун жавоб беради. Гаров ашёси гаровга олувчига топшириш чоғида қанча суммага баҳоланган бўлишидан қатъи назар, гаровга олувчи унинг йўқолганлиги учун ҳақиқий қиймати миқдорида, гаров ашёсига шикаст етказганлиги учун эса — бу қиймат қанча суммага камайган бўлса, шунча сумма миқдорида жавобгар бўлади.

ГАРОВГА ҚЎЮВЧИ — ЎзР фуқаролик қонунчилиги бўйича қарздорнинг ўзи ҳам, учинчи шахс ҳам гаровга қўювчи бўлиши мумкин. Ашёнинг мулкдори ашёни гаровга қўювчи бўлиши мумкин. Гаровга қўйиладиган ҳуқуқнинг эгаси бўлган шахс ҳуқуқни гаровга қўювчи бўлиши мумкин. Гаровга қўювчининг ижара ҳуқуқига ёки ўзгаларга тегишли ашёга бўлган ҳуқуқига ёки ҳужалик юритиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, агар кўрсатилган шахснинг розилигисиз қонун ёки шартнома билан ман этилган бўлса, эгасининг розилигисиз бу ҳуқуқни олишга йўл қўйилмайди. Агар гаров тўғрисидаги шартномада бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, гаров қўювчи қўйилган мол-мулк тасодифий шикастланган ёки тасодифий нобуд бўлган ҳолларда жавобгар бўлади.

ГАСТРОЛЁР ЖИНОЯТЧИЛАР — криминологияда тактика нуқ-

таи назаридан жиноятларни ўз турар жойларидан ёки жойлашган ўринларидан ташқарида содир этадиган ёхуд ўзларининг профессионал ҳаракатчанлиги туфайли (узоқ рейсларга қатновчи ҳайдовчилар) турли жойлардаги жиноий таъқиб органларининг назарига тушадиган жиноятчилар.

ГАУПТВАХТА (нем. — бош қоровул) — ҳарбий хизматчиларни ҳибсда сақлаш учун мўжалланган махсус жой.

ГЕНЕРАЛ (лот. — умумий, асосий) — қуролли кучлардаги ҳарбий унвон. Илк бор Францияда XVI асрда, Россияда — XVII асрнинг 2-ярмида киритилган; XX аср бошида рус армиясида генерал-майорлар, генерал-лейтенантлар, тўла генераллар: инфантерия генераллари, кавалерия генераллари, артиллерия генераллари, муҳандис-генераллар, фельдмаршал-генераллар бўлган. Собиқ СССРда 1940 йилда қуйидаги генераллик унвонлари жорий этилган: генерал-майор, генерал-лейтенант, генерал-полковник, армия генерали; қуролли кучлар турлари ва қўшинлар хиллари учун генерал унвонига (армия генералидан ташқари) тегишли ном қўшилган, м-н, артиллерия генерал-майори (1984 йилдан бошлаб фақат авиация, тиббий хизмат ва адлия генералларига). Ўзбекистон қуролли кучларида генерал-майор, генерал-лейтенант, генерал-полковник унвонлари сақлаб қолинган.

ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОР — 1) Россия маҳаллий маъмуриятининг 1703—1917 йиллардаги олий мансаби; фуқаролик ва ҳарбий ҳокимиятга эга бўлган; 1775 йилдан бошлаб генерал-губернаторликка раҳбарлик қилган; 2) Буюк Британия монархининг Ҳамдўстлик таркибида бўлган ва монархия шаклидаги бошқарув сақланиб қолган давлатларидаги олий вакили. Бртания қироли (қироличаси) томонидан Ҳамдўстлик таркибидаги давлат ҳукумати тақдими бўйича ўша давлат фуқаролари ичидан тайинланади. Г.-г. Ҳамдўстлик таркибидаги давлатдаги давлат бошқаруви органларининг бутун тизимига раҳбарлик қилади ва жуда катта ваколатларга эга: у расман шу давлатдаги ижро этувчи ҳокимият раҳбари, олий ҳарбий қўмондон ва ҳ.к., аммо амалда унинг фаолияти Ҳамдўстлик давлати ҳукуматининг қарорлари билан чекланган. Г.-г. Буюк Британиядаги сингари, — тегишли давлат парламентининг таркибий қисми. М-н, Канада Конституциясига кўра, қонун чиқарувчи ҳокимият Г.-г. Сенат ва Жамоалар Палатасига тегишли. Ҳамдўстлик таркибидаги баъзи давлатларда Г.-г. юқори палата аъзоларини тайинлаш ва қуйи палатани тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга.

ГЕНЕРАЛИССИМУС (лот. generalissimus — энг асосий) — баъзи мамлакатларда олий ҳарбий унвон. Илк бор 1569 йилда Францияда жорий этилган. Россияда (XVII аср охиридан бошлаб) Г. унвонига Ф. Д. Ромодановский, А. С. Шеин, А. Д. Меншиков, Антон Ульрих Брауншвейгский (император Иоанн VI нинг отаси), А. В. Суворов сазовор бўлган. Собиқ СССРда Г. унвони фақат И. В. Сталинга берилган. XX асрда хорижий мамлакатларда Г. унвонига Ф. Франко (Испания), Чан-Каиши (Хитой) ва б. эга бўлганлар. 1992 йилда Г. унвони Ким Ир Сенга (КХДР) берилган.

ГЕНЕРАЛ-КАПИТАНЛИК — XVI асрдан XIX аср бошларигача Испаниянинг Америка қитъасида жойлашган ва Испания қироли тайинлаган генерал-капитанлар бошқарувида бўлган ҳудудлар. Генерал-капитанлик расман вице-қироллик таркибига кирган, аммо амалда мустақил сиёсий-маъмурий бирлик бўлган.

ГЕНЕРАЛ-ПРОКУРОР — императорлик Россиясида олий давлат лавозимларидан бири. Давлат аппарати фаолиятининг қонунийлигини назорат қилган; Сенатга, 1802 йилдан бошлаб бир вақтнинг ўзида адлия вазирлигига раҳбарлик қилган.

ГЕНОФОНД (КАМ СОНЛИ) ЗОТ — муайян зотга мансуб ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги кам учрайдиган ҳайвонлар гуруҳи. ЎзРнинг «Наслчилик тўғрисида»ги 1995 йил 21 декабрь қонуни асосида наслчилик ва ҳайвонлар зотларини яхшилаш соҳасида амалга ошириладиган фаолият йўналишлари ҳуқуқий тартибга солиш билан бирга наслчилик, наслдор ҳайвон, наслли маҳсулот (материал) ҳайвонлар насилдорлигини баҳолаш, наслдор ҳайвонлар, сертификат кабиларга тўлиқ ҳуқуқий тушунча берилган.

ГЕНОЦИД — миллий, этник, ирқий, ёки диний гуруҳни ушбу гуруҳ аъзоларини ўлдириш, уларнинг соғлиғига оғир зиён етказиш, болалар туғилишига куч ишлатиб тўсқинлик қилиш, болаларни мажбуран топшириш, куч ишлатиб кўчириш ёхуд ушбу гуруҳ аъзоларини жисмонан йўқ қилишга қаратилган бошқа шароитларни яратиш орқали тула ёки қисман йўқ қилиш. Г. — тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятдир. Халқаро ҳуқуқда Г., шунингдек, халқаро жиноят деб эътироф этилган. Г. жинояти ва уни содир этганлик учун жазо тўғрисидаги конвенцияда (1948 й.). Г. халқаро ҳуқуқ нормаларини бузадиган жиноят эканлиги белгилаб қўйилган (1-м.).

ГЕРБ БЕЛГИСИ — тижорат ва молия ҳужжатлари — шартномалар, векселлар, чеклар ва махсус маркалар тузиш учун мўлжалланган махсус бланк. Давлат уларни сотиш орқали герб йиғимини ундиради.

ГЕРБ ЙИҒИМИ — давлат томонидан турли хил операцияларни амалга оширганлик, ҳужжатларни тузганлик, битимларни қайд этганлик ва ш.к. учун олинадиган солиқ. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда Г.й. олинмайди.

ГЕРБ МАРКАСИ — герб белгисининг тури. Г.м.ни сотиш орқали фуқаровий-ҳуқуқий аризаларни маъмурий ва суд органларига тақдим этиш чоғида герб йиғими ундирилади.

ГЕРБ СОЛИҒИ — турли хил иш битимлари, компанияларнинг қайд этилганлиги ёки уларнинг акционерлик капитали ошганлиги, ишонч қоғози, ижара шартномаси, қимматбаҳо қоғозларни бериш тўғрисидаги шартнома, акциялар, облигациялар, васийлик тўғрисидаги битим, воситачилик, вакилликни расмийлаштирадиган ҳужжатларидан олинадиган солиқ.

ГЕРБ ҚОҒОЗИ — далолатнома ва ҳужжатлар (векселлар, шартнома ва б.) ёзиш учун мўлжалланган махсус қоғоз; герб белгисининг турларидан бири.

ГЕСТАПО (нем. Gestapo, «Geheime Staats Polizei»дан қисқартма) — Гитлер Германиясида махфий давлат полицияси. 1933 йил апрелида ташкил этилган. Германияда ва ундан ташқарида оммавий террор ўтказган. Нацистлар Германияси тор-мор этилгач, Германиядаги Назорат кенгашининг 2-сон қонуни билан 1945 йилда Г. бекор қилинган ва ғайриқонуний деб эълон қилинган. Нюрнбергдаги Халқаро ҳарбий трибунал Г.ни жиноий ташкилот деб эътироф этган.

ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАРНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ЎТКАЗИШ — Қ.: *Наркотик моддалар.*

ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ, ПСИХОТРОП МОДДАЛАР ВА ПРЕКУРСОРЛАР БИЛАН МУОМАЛА ҚИЛИШ — ЎзРнинг 1999 йил 19 августдаги Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисидаги қонунига мувофиқ, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ташиб кириш (кетиш), ҳудуддан ўтказиш, сақлаш, сотиш, тарқатиш, тақсимлаш, сотиб олиш, кўчириш, жўнатиш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, ясаш, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлардан фойдаланиш ва ҳамда таркибида гиёҳвандлик моддалари бор ўсимликларни етиштириш.

ГИЛЬЗА (нем. — айнан «қобиқ») — жанговар анжом (патрон, снаряд)нинг қисми, порох заряди, отиладиган заряд (ўқ, дроб), ўт олдириш воситаси (капсулали фтулка, капсуль) ва бошқалар жойлаштириладиган юпқа деворли металл стакан.

ГИЛЬЗОТЕКА — криминалистикада ўқ отиш қуролини идентификация қилиш учун мўлжалланган гильзаларнинг тартиблаштирилган тўплами. Ҳозирги вақтда кўпчилик мамлакатларда махсус полиция хизмати юритадиган марказий Г. мавжуд.

ГИЛЬОТИНА (фр.) — ўлимга ҳукм қилинган шахсларнинг бошини танасидан жудо қилиш учун мўлжалланган, Францияда XVIII аср охиридаги Француз инқилоби даврида врач Ж. Гильотена (J. Guillotin) таклифи бўйича қўлланилган қурол. Г. тепаси хари орқали бирлаштирилган икки устун ва орасидан тарновлар бўйлаб бурчак ҳосил қилиб тушириладиган оғир тиғдан иборат бўлган. Қатл этилувчи шахс Г.нинг асосига ётқизилган. Тепадан бошни танадан зудлик билан жудо қиладиган тиғ туширилган.

ГИПОТЕЗА — ҳуқуқ назариясида ҳуқуқ нормасининг амал қилиш шартини кўрсатувчи таркибий қисми. М-н, ҳуқуқ нормасидаги судьянинг фуқаролик иши бўйича аризани қабул қилишдан воз кечишига тааллуқли Г. қуйидагилардан иборат: даъвогар баҳсни дастлабки шаклда суддан ташқарида ҳал этишнинг қонунда белгиланган тартибига риоя этмаслиги; ишнинг ушбу судда кўрилмаслиги; аризанинг муомала лаёқатига эга бўлмаган шахс томонидан берилиши ва ҳ.к.

ГЛОБАЛ КОНТРАКТ — одатда томонларнинг кенг диапазондаги ўзаро мажбуриятлари ва бундай мажбуриятларнинг умумий суммаси кўрсатилган контракт. Бундай мажбуриятлар томонларнинг илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш бўйича мажбуриятларини ушбу ишларнинг натижаларини, маҳсулот намуналари, асбоблар, техник ҳужжатлар, хизматлар билан алмашишни ўз ичига олиши ва маҳсулот етказиб беришнинг умумий ҳажмини назарда тутиши мумкин.

ГЛОССАТОРЛАР (кечки лот. — эскирган ёки тушунтиришни талаб қиладиган камёб сўз) — ўрта асрларда (XI—XIII асрларда) Рим ҳуқуқини Рим кодекслари ва қонунлари матнларининг ҳошияларидаги қайдлар (глосслар)ни қиёслаш орқали шарҳлаган ва изоҳлаган италиялик юристлар. Г. мактабига Болонье шаҳрида италиялик юрист Ирнерий асос солган. Г. ўқитиш, сўнгра амалда қўллаш учун классик *Рим ҳуқуқи* (асосан *Юстиниан Кодекслари*)ни тиклаганлар. Г.нинг асарлари Рим ҳуқуқини кейинчалик шарҳлаш учун асос бўлган. Бу билан постглоссаторлар ва легистлар шуғулланганлар.

ГОСТ (ДАВЛАТ СТАНДАРТИ) — ЎзРда стандартларнинг асосий тоифаларидан бири.

ГРАММАТИК ШАРҲЛАШ — ҳуқуқ нормаларининг маъноси ва мазмунини аниқлаш учун сўзларнинг ўзаро алоқасини таҳлил қилишдан иборат шарҳлаш тури. Г.ш. сўзларнинг кундалик ёки махсус сўз ишлатишдаги мазмунга эгалигини тақозо этади. М-н, «икки хотинлик» ёки «кўп хотинлик» сўзларига қонун ҳужжатларида кундалик мазмун, яъни умумий хўжалик асосида икки ёки бир неча аёл билан эр-хотин бўлиб яшаш мазмуни берилади. Аммо «уюшган жиноятчилик» термини жиноят ҳуқуқида алоҳида маънога эга, чунки «бир гуруҳ шахслар» томонидан жиноят содир этилиши «уюшган гуруҳ»нинг ўзига хос белгиси бўлмиш аввалдан келишиб олишнинг бўлишини тақозо этиши шарт эмас. Г.ш. ҳуқуқ нормасини ушбу норманинг бошқа қисми мазмуни билан солиштириш орқали у ёки бу сўздаги ифодаси маъносини аниқлаш зарур бўлганда ҳам юз беради.

ГРАНТЛАР — муайян илмий тадқиқотларни ўтказиш учун фуқаролар ва юридик шахслар, жумладан, хорижий фуқаролар ва юридик шахслар, шунингдек, ЎзР ҳудудида ЎзР ҳукумати томонидан ўрнатилган тартибда Г. бериш ҳуқуқига эга бўлган халқаро ташкилотлар томонидан текинга ва қайтариб бермаслик шарти билан грант берувчилар назарда тутган шартларда бериладиган пул ва бошқа маблағлар.

ГРИФ — 1) имзо ёки бирон-бир бошқа матн нусхаси туширилган муҳр, штемпель, шунингдек, ана шундай муҳр ёки штемпелнинг ҳужжатдаги изи (оттиски); 2) ҳужжат ёки нашр этилган нарса устидаги ундан фойдаланишнинг махсус тартибини белгиловчи ёзув, м-н, «Хизматда фойдаланиш учун» грифи.

ГУВОҲ — бирор-бир жиноят ёки фуқаролик иши бўйича ўтадиган бирор-бир ҳолатни ўз кўзи билан кўрган шахс.

ГУВОҲЛАНТИРИШ — жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳаракати. Г. қуйидаги ҳолларда ўтказилади: 1) одамнинг баданидаги иш учун аҳамиятга молик хусусият ёки аломатларни, алоҳида белгиларни, унинг жисмоний ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотларни, доғларни, тирналган, шилинган, қонталаш жойларни топиш зарурати туғилган ҳолларда, агар бунинг учун экспертиза ўтказиш лозим бўлмаса; 2) экспертиза ўтказишни талаб қилмайдиган усулларни қўллаш йўли билан шахснинг мастлик ва бошқа физиологик ҳолатини аниқлаш зарурати туғилган ҳолларда ўтказилади (ЖПКнинг 142-моддаси). ЖПКнинг 143-моддасига мувофиқ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчи гувоҳлантиришлари мумкин. Гувоҳ, унинг кўрсатувлари тўғрилигини текшириш учунгина гувоҳлантирилиши мумкин.

ГУВОҲНОМА — 1) тақдим этувчининг шахси ҳақида гувоҳлик берувчи расмий ҳужжат; 2) муайян фактларни (м-н, хизмат сафарида бўлганликни) ёки ҳуқуқни (м-н, овоз бериш ҳуқуқини) тасдиқловчи ҳужжат. Г. белгиланган намунадаги бланкларда расмийлаштирилади, ваколатли мансабдор шахслар томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади. Баъзи бир Г.ларда эгасининг фотосурати бўлиши шарт.

ГУВОҲНОМА (инг. testmony, evedence) — бирор фактни тасдиқловчи, имзо қўйилган ва муҳр босилган расмий ҳужжат. Юридик аҳамиятга эга бўлган (туғилганлик, никоҳ ҳақидаги) ёки шахснинг бошқа ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома (муаллифлик гувоҳномаси, ўқув юртини тамомлаганлиги ҳақида гувоҳнома ва ҳоказо).

ГУДВИЛЛ (инг. good will — яхши ният) — компаниянинг активи сифатида баҳоланиши ва махсус ҳисобварақка киритилиши мумкин бўлган унинг нуфузи (имиджи), ишбилармонлик номи, алоқалари, мижозлари ва кадрлари; мустақил бозор қийматига эга эмас ва асосан бошқа фирма билан қамраб олинганда ёки қўшилиб кетганда аҳамиятга эга бўлади.

ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ — ЎзР Жиноят-процессуал кодексининг 47-моддасига кўра — жиноят содир этишда иштирок этганлигини кўрсатувчи асослар мавжуд бўлган ҳолда, терговчи ёки прокурор томонидан қарор асосида гумон қилинувчи сифатида тан олинган жисмоний шахс. Г. га ЖПК.нинг 48-моддасига асосан, тегишли ҳуқуқлар ва мажбуриятлар берилган. 1. Гумон қилинувчининг ҳуқуқлари қуйидагилардир: нимада гумонланаётганлигини билиш, ушлангандан бошлаб, 24 соат ичида сўроқ қилишни талаб этиш, унга қарши қўйилган гумонлар ва ишга тааллуқли барча ҳолатлар бўйича кўрсатмалар бериш, ўз она тилида ёки таржима орқали кўрсатмалар бериш, гумондор сифатида қарор чиқарилгандан ёки ушлаш тўғрисидаги протокол тўлдирилган вақтдан бошлаб ҳимоячи — адвокат олиш ва дастлабки сўроқдан сўнг адвокат билан суҳбатлашиш, ўзини-ўзи ҳимоя қилишни талаб қилиш ёки рад қилиш, далиллар келтириш, суриштирувчи ёки терговчи рухсати билан тергов ҳаракатларини ўтказишда қатнашиш, суд, прокурор, суриштирувчи ва терговчи ҳаракатлари ҳамда қарорлари юзасидан шикоят қилиш. 2. Г. қуйидаги мажбуриятларни бажариши лозим: суриштирув ёки дастлабки тергов ҳаракатларида иштирок этиш учун суриштирувчи, терговчи, прокурор чақириғи асосида чақирилган жойга бориш, ҳақиқатнинг қарор топишига атрофлича ёрдам бериш, гувоҳлар томонидан чалғитишларга ён босмаслик, далилларни йўқотиш учун қилинган ҳаракатлар ёки бошқа ғайриқонуний фаолиятга қўшилмаслик, терговчи, суриштирувчи ёки прокурор томонидан ўтказиладиган гувоҳлантириш, намуналар олиш, тегишли шахсларни медицина муассасаларига экспертиза ўтказиш учун жойлаштириш каби тергов ва процессуал ҳаракатлар ўтказилишида қаршилик қилмаслик, тергов ишларини юритиш қоидаларига амал қилиш. Г.га кўрсатма бериш ёки ўзининг айбсизлигини исботлаш ҳуқуқи берилмайди.

ГУРУҲИЙ КВОТА — *сайлов квоталарининг* турларидан бири, берилган овозлар миқдорини мандатлар миқдорига бўлиб, бир рақамини қўшиш йўли билан ҳисоблаб топилади. Литва, Чехия ва баъзи бир бошқа мамлакатларда қўлланилади.

ГУРУҲИЙ НИКОҲ — никоҳнинг қадимий шакли бўлиб, унга бир фратрия, уруғ ёки муайян ички гуруҳнинг барча эркаклари худди шундай бошқа гуруҳнинг аёллари билан никоҳ алоқасига эга бўлишлари мумкин бўлган. Кейинчалик жуфт никоҳга алмашган.

ГУРУҲИЙ СУҒУРТА — шахсий суғурта тури. Г.с. шартномалари ушбу корхонада ёлланиб ишлаётган бир гуруҳ шахсларнинг суғуртачиси сифатида иштирок этадиган корхона маъмурияти ёки касаба уюшмаси билан тузилади.

«Д»

Д'ҲОНДТ УСУЛИ — сайловда мандатларни мутаносиб вакиллик тизими бўйича тақсимлаш усули; бельгиялик математик Д'Ҳондт (Victor D'Hondt) ихтиро қилган. *Энг катта ўртача* усули берган натижаларни беради. Д.у.га асосан, ҳар бир партиявий рўйхат сайлов округида олган овозлар миқдори кетма-кет равишда 1, 2, 3, 4 ва бошқа рўйхатлар сонига мос келадиган рақамгача бўлинади. Сўнг олинган бўлинмалар камайиш тартибида тақсимланади. Тартиб рақами эгалланадиган мандатлар сонига мос келадиган бўлинма умумий бўлувчидир. Ҳар бир рўйхат, умумий бўлувчи ушбу рўйхат ёрдамида олинган овозлар сони неча марта жойлашса, шунча жой олади. Болгария, Эстония, Латвия, Польша, Руминия ва бошқа бир қатор мамлакатларда қўлланилади.

ДАВАЛЬ ТОВАРЛАР — товар пайдо бўлган мамлакатга қоплаш (компенсацион) товари шаклида кейинчалик қайтариладиган товарни қайта ишлаш учун муайян мамлакат ҳудудига хориждан вақтинча киритиладиган ёки хорижга вақтинча олиб чиқиладиган товарлар.

ДАВАЛЬ ХОМАШЁ — контрагент-шерик бошқа мамлакатга тайёр маҳсулотга айлантириш мақсадида олиб кирадиган ва кейинчалик тайёр маҳсулотни хомашё эгаси бўлган мамлакатга олиб чиқадиган хомашё. Қаранг: *Божхона ҳудудида қайта ишлаш.*

ДАВЛАТ — 1) давлат ва ҳуқуқ назариясида — жамиятни ташкил этишнинг бутун жамиятга татбиқ этиладиган, унинг расмий вакили бўлган ва зарур ҳолларда мажбурлаш воситалари ва чораларига таянадиган муайян усули, сиёсий тизимнинг асосий элементи, оммавий сиёсий тизим ташкилоти. Жамиятни бошқарадиган тизим сифатида ички тузилишга эга, ўз ваколатини амалга ошириш учун махсус органлари — Д. механизми, унинг аппаратига эга. Д. фаолиятининг асосий йўналишлари бўлган унинг функциялари ўзаро боғлиқ ички (жамият доирасидаги фаолият) ва ташқи (давлатлараро муносабатлар) функцияларга бўлинади;

2) конституциявий ҳуқуқда мамлакат ёки федерация субъектлари ёхуд ҳудудий ҳамжамият қонун чиқаришда мухториятидан фойдаланадиган (м-н, Италиядаги вилоят) ва маҳаллий агентлари (вакиллари)га (префектлар, комиссарлар ва ш.к.) эга бўлган ҳудудий ҳамжамият миқёсида амал қилувчи расмий ҳокимият идоралари (ҳукумат, парламент, судлар ва б.)нинг йиғиндисини билдирадиган тушунча;

3) халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида — халқаро муносабатларнинг асосий манбаи бўлиб, ҳокимиятнинг сиёсий ташкилоти бўлмиш Д. ва муайян ҳудуд эгаси бўлган аҳолини ўз ичига олади. Айнан Д.лар халқаро ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқадилар, уларни бузганлик учун жавобгарликни, халқаро ташкилотларнинг халқаро ҳуқуқий тартибини ва амал қилишини белгилайдилар. Д.ларнинг ушбу имкониятлари уларнинг ўзлари яратган халқаро ҳуқуқ принцип ва нормалардан бошқа ҳеч нарса билан чекланмаган. Ушбу принцип ва нормаларга биноан, халқаро ҳуқуқ субъекти бўлмиш Д.лар халқаро ҳужжатларда, чунончи, БМТ Низомида мустаҳкамланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар.

ДАВЛАТ (ФИСКАЛ) МОНОПОЛИЯСИ — оммавий истеъмол товарлари (тамаки, туз кабилар)ни ишлаб чиқариш ва сотишга белгиланган давлат монополияси. Д.м. агар давлат бирон товарни ишлаб чиқаришни ҳам, сотишни ҳам ўз монополиясига айлантирса — тўла, агар фақат

ишлаб чиқаришни ёки фақат сотишни монополлаштирса — қисман бўлади.

Барча давлатларда ҳам қўлланмайди (м-н, Буюк Британияда Д.м. йўқ). Италияда (тамаки, гурурт, пиво, спиртга), Японияда (туз, тамаки, спирт, опийга), ГФРда (винога) ва б. мамлакатларда мавжуд. Қаранг: *Билвосита солиқлар ва фискал божлар.*

ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ НАЗОРАТИ (ДАН) — ЎзР ИИВнинг йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, йўлларда ҳаракатланишни тартибга солиш билан шуғулланувчи бош бошқармаси. 1936 йилда асос солинган.

ДАВЛАТ АЙБЛОВЧИСИ — суд олдида жиноят иши бўйича айбловни қўллаб-қувватлайдиган прокурор. Суд муҳокамасида Д.а.нинг иштирок этиши — судлов ошкоралигининг жиҳатларидан бири.

ДАВЛАТ БАНКРОТЛИГИ — давлатнинг ташқи ва ички қарзларини тўлашдан тўлиқ ёки қисман бош тортиши; давлат молиявий инқирозининг энг ёрқин шакли.

ДАВЛАТ БОЖИ — ЎзРнинг «Давлат божи тўғрисида»ги қонунида белгиланган мажбурий ва ЎзРнинг бутун ҳудудида амал қиладиган ҳамда юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатлар содир этиш ёхуд ваколатли органлар ёки мансабдор шахсларнинг ҳужжатларини берганлиги учун олинадиган тўлов. Д.б. қуйидагилардан олинади: ЎзРнинг умумий юрисдикция судлари, хўжалик судлари ва Конституциявий судга бериладиган даъво ҳамда бошқа аризалар ва шикоятлардан; давлат нотариал идораларининг нотариуслари ёки ЎзР ижро этувчи ҳокимият органларининг ва консуллик муассасаларининг бунга ваколатли бўлган бошқа мансабдор шахслари томонидан нотариал ҳаракатларни амалга оширганлиги учун; фуқаролик ҳолатларини давлат томонидан рўйхатга олганлик ва фуқаролик ҳолатлари ҳужжатларини ёзиш органлари амалга оширадиган бошқа юридик аҳамиятли ҳаракатлар учун; мазкур судлар, муассасалар ва органларнинг ҳужжатларни берганлиги учун; ЎзР фуқаролигига эга бўлиш ёки ЎзР фуқаролигидан чиқиш билан боғлиқ ҳужжатларни кўриб чиқиш ва бериш учун, шунингдек, қонунларда белгиланган бошқа юридик аҳамиятли ҳаракатларни амалга ошириш учун.

ДАВЛАТ БОЖХОНА ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ — ЎзРнинг 1997 йил 29 августдаги «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасига биноан, ЎзР Давлат божхона қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри Давлат божхона қўмитаси бошқармалари, божхона комплекслари ва постлари божхона органлари ҳисобланади.

ДАВЛАТ БОШЛИҒИ — давлатнинг олий вакили ва одатда ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланадиган олий мансабдор шахс (камроқ ҳолларда — коллегиал орган). Парламентар монархияларда (Буюк Британия, Швеция, Испания, Японияда) Д.б. монарх (қирол, император) бўлиб, унинг ҳокимияти одатда қонунда белгиланган тартибда подшолик қилувчи хонадоннинг бир вакилидан иккинчисига мерос бўлиб ўтади. Республика шаклидаги бошқарув мавжуд бўлган мамлакатларда Д.б. — бевосита аҳоли томонидан (Ўзбекистон, Мексика), ёки билвосита тартибда (АҚШ, Аргентина), ёхуд кўп босқичли (Италия, ГФР, Ҳиндистон) сайловлар йўли билан сайланадиган *президент.* Жаҳоннинг деярли барча давлатларида якка Д.б. мавжуд, президентлик

республикаларида (АҚШ, Мексика) у — айни пайтда ижро этувчи ҳокимиятнинг бошлиғи. Расман деярли барча конституциялар Д.б.га жуда катта ваколатлар беради: у ҳукумат бошлиғи ва вазирларни тайинлайди, қуролли кучларнинг олий бош қўмондони, афв этиш ва вето ҳуқуқига эга, орден ва медаллар билан мукофотлайди, парламент сессияларини чақиради, парламентни (ёки унинг қуйи палатасини) тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга (президент республикаси бўлмаган давлатларда), қонун ижодкорлиги ҳуқуқига эга (ҳамма жойда ҳам эмас) ва ҳ.к. Аслида эса парламентар давлатларда Д.б. ваколатларининг барчасини унинг номидан ҳукумат амалга оширади.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВ АКТЛАРИ — бошқарув фаолиятининг асосий шаклларидан бири — давлат бошқарув органлари томонидан ҳуқуқий актлар чиқаришдир. Бу актлар ёрдамида бошқарув органлари ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаради ва кўпгина бошқарув масалаларини ҳал қилади.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ — давлат бошқарувида фуқароларнинг иштирок этиши, сиёсий ҳуқуқларнинг конституциявий ифодаси. Сайлаш, сайланиш, референдумда иштирок этиш, суд ишларини юритишда қатнашиш кабилар киради. ЎзР Конституциясининг 32-моддасида шундай дейилган: «ЎзРнинг фуқаролари, жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларининг демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади».

ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ — хўжалик алоқаларини давлат томонидан бевосита бошқариш шакли. Д.б.ни бажариш учун шартномалар давлат контракт тизими органлари, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида тузиладиган шартномаларга нисбатан асосий ўрин тутадиган шартномалар сифатида тайёрловчи корхоналар томонидан тузилади. Асосий шартномаларда товар етказиб беришнинг йириклаштирилган номенклатураси ва ҳажми, уларни олувчилар, томонларнинг ўзаро мажбуриятлари ва мажбуриятларни бажармаганлик учун жазо чоралари, шунингдек, шартномавий нархлар ва уларни шартномани бажариш давомида тўғрилаш шартлари белгиланади. Д.б.нинг ишлаб чиқарувчи учун фойдалилиги қуйидагилар билан таъминланади: 1) шартномавий нарх; 2) давлат буюртмалари бош шартномада белгиланган миқдорда жойлаштириладиган маҳсулот номенклатураси доирасидаги моддий ресурслар; 3) фойдадан олинадиган солиқ бўйича имтиёзлар.

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ КЕЛИБ ЧИҚИШИГА ОИД ПСИХОЛОГИК НАЗАРИЯ — давлат ва ҳуқуқ назарияси томонидан ўрганилади. Бу назариянинг негизи жамиятда давлат ва ҳуқуқ келиб чиқиши мавжуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маҳсули бўлмай, балки инсон руҳиятидаги инстинкт, яъни бўйсунишга ва ҳокимликка интилиш каби ҳолатларнинг маҳсули деб қарашдан иборат.

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ — юридик фаннинг давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлиши, ривожланиши ва амал қилиши қонуниятларини; давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти, турлари, шакллари, функциялари, тузилиши ва амал қилиш механизмини; барча юридик фанлар учун умумий бўлган асосий давлат-ҳуқуқий тушунчаларни ўрганиш билан шуғулланa-

диган умумназарий тармоғи. Д. ва ҳ.н. бошқа юридик фанлар билан узвий боғлиқдир. Бир томондан, у ана шу фанлар учун умумий, дастлабки назарий асос бўлиб хизмат қилади, уларга нисбатан муайян методологик вазифани бажаради. Шу маънода, Д. ва ҳ.н. ҳуқуқшуносликнинг асосий тармоғидир. Бошқа томондан, Д. ва ҳ.н. тарихий-ҳуқуқий, махсус юридик тармоқ фанларининг аниқ маълумотларига таянган, уларнинг юриспруденция масалалари учун умумий бўлган хулосаларидан фойдаланган ва уларни умумлаштирган ҳолдагина муваффақиятли ривожлана олади.

ДАВЛАТ ВАЗИРИ — 1) Норвегияда ҳукумат бошлиғининг номи; 2) Японияда портфелсиз вазирнинг номи; 3) Буюк Британияда вазир ўринбосарининг ёки вазирликдаги катта бўлинмалар раҳбарларининг номи.

ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ НАЗОРАТИ — ЎзР Давлат ветеринария хизмати бошқарув идоралари, муассасалари ва ташкилотларининг ҳайвонлар касалликларининг олдини олишга, ЎзР ветеринария қонунлари бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ва тўхтатиш орқали ҳайвонот маҳсулотларининг ветеринар жиҳатдан хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган фаолияти.

ДАВЛАТ ГЕРБИ — давлатнинг расмий эмблемаси бўлган фарқловчи белгиси; байроқ, пул белгилари, муҳрлар ва баъзи бир расмий ҳужжатларда акс эттирилади; Д.г. нинг мазмуни конституция ёки махсус қонун билан белгиланади. ЎзРнинг Конституциясига биноан, Д.г., унинг таърифи ва расмий қўлланиш тартиби қонун билан белгиланади. ЎзР Конституциясининг 5-моддасида кўрсатилган. ЎзР нинг Д. г. Олий Кенгашнинг 1992 йил 2 июль куни бўлган X сессиясида «ЎзРнинг Давлат герби тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш билан тасдиқланган.

ДАВЛАТ ДИНИ (расмий дин) — тегишли диний институтнинг давлат расмий ташкилоти таркибидаги қисми деб тан олинишини билдирадиган конституциявий-ҳуқуқий институт. Бу давлатнинг, биринчидан, ушбу муассасани молиялаштиришида; иккинчидан, руҳонийларни тайинлашда иштирок этишида; учинчидан, ушбу муассасанинг ички фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларини тасдиқлашида; тўртинчидан, ушбу черковнинг давлат функцияси бўлмаган ишларни, хусусан, никоҳ, туғилиш, ўлимни қайд этиш билан шуғуланиш ҳуқуқини тан олишида намоён бўлади.

Д.д. институти Буюк Британия (англиканлик), Швеция, Норвегия, Дания, Исландия (лютеранлик), Испания, Парагвай (католиклик), Греция (православлик), Иордания, Эрон, Марокаш (ислом) каби мамлакатларда мавжуд. Бир қатор бошқа давлатларда (Бельгия, ГФР, Нидерландия, Исроил) Д.д. институти диннинг давлат томонидан юридик тан олиниши институти билан алмаштирилган. Ушбу институтнинг Д.д.дан фарқи шундаки, давлат руҳонийларни тайинлаш ва черковнинг ички фаолиятини тартибга солиш ишларига аралашмайди, аммо шунга қарамай тан олинган черковга молиявий ёрдам беради, кўпинча черковда ўтказиладиган никоҳ маросимининг юридик оқибатларини эътироф этади.

ДАВЛАТ ЁКИ МАҲАЛЛИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН КОРХОНАЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — фуқаролар ва акциядорлик бирлашмалари томонидан давлат ёки маҳаллий аҳамиятга эга корхоналарни, цехларни ишлаб чиқарувда банд бўлган бўлимларни, иншоотлар,

дастгоҳларни, корхоналарни лицензия ва патентларни тегишли, масъул идоралар рухсати билан ўз хусусий мулкига олиш. Хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари ЎзРнинг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги 1991 йил 19 ноябр қонуни ва мулк тўғрисидаги бошқа қонунлар ҳисобланади.

ДАВЛАТ ЗАХИРАСИ — қуйидаги мақсадлар учун мўлжалланган моддий бойликлар захираси: а) ЎзР сафарбарлик эҳтиёжларини таъминлаш; б) фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини тугатиш вақтида биринчи навбатдаги ишларни таъминлаш; в) ички бозорда талаб ва таклиф ўртасида мутаносиблик йўқолган ҳолларда хомашё, ёнилғи-энергетика ресурслари, озиқ-овқат таъминоти вақтинчалик бузилганда иқтисодиётни барқарорлаштириш мақсадида халқ хўжалигининг турли тармоқларига, корхона, муассаса ва ташкилотларга давлат ёрдамини кўрсатиш; г) инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш; д) бозорга бошқарув таъсирини кўрсатиш.

ДАВЛАТ ЙИҒИЛИШИ — Венгрия ва Эстониядаги бир палатали парламентнинг, шунингдек, РФ таркибидаги бир қатор республикаларда (Олтой, Бошқирдистон, Марий Эл, Мордовия ва ҳ.к.) қонун чиқарувчи органнинг номи.

ДАВЛАТ КЕНГАШИ — 1) Баъзи бир хорижий мамлакатларда (Франция, Испания, Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Эквадор, Греция, Колумбия) ё маъмурий адлиянинг олий органи, ё (айрим мамлакатларда бир вақтнинг ўзида) давлат бошлиғи ҳузуридаги маслаҳат берувчи орган бўлган давлат марказий муассасаларидан бири; 2) Швеция, Норвегия, Финляндия, ХХР, Корея Республикаси, Швейцария кантонларининг айримларида — ҳукуматнинг расмий номи.

ДАВЛАТ КОРХОНАСИ — оператив бошқариш ҳуқуқига асосланган унитар корхона.

ДАВЛАТ КОТИБИ — Европа ва Америкадаги бир қатор мамлакатларда давлатнинг олий мартабали амалдори. М-н, АҚШда Д.к. — Давлат департаментининг, яъни АҚШ ташқи сиёсий идорасининг раҳбари; Буюк Британида ички ишлар, мудофаа, Шотландия ишлари бўйича ва баъзи бир бошқа идораларнинг бошлиқлари Д.к. деб аталади. Бельгияда Д.к.лари амалда вазирларнинг муовинларидир. Мексикада ва Лотин Америкасининг баъзи бир бошқа мамлакатларида вазирлар Д.к. деб аталадилар.

ДАВЛАТ КРЕДИТИ — давлат қарз олувчи, кредиторлар эса — жисмоний ёки юридик шахслар бўладиган кредит. Асосий ҳолда аҳолига сотиладиган давлат заёмлари, облигациялари орқали амалга оширилади.

ДАВЛАТ ЛАВОЗИМИ — ЎзР Конституциясига мувофиқ, республика давлат ҳокимияти органларида, шунингдек, бошқа давлат органларидаги ушбу давлат органи ваколатларини бажариш ва таъминлаш мажбуриятларига, пул таъминотига ва ушбу мажбуриятларни бажариш учун жавобгарликка эга бўлган лавозим.

ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ (юнонча hymnos — тантанали қўшиқ) — ватанни, давлатни, тарихий воқеаларни, уларнинг қаҳрамонларини улуғловчи шеърий-мусиқий асар, давлатнинг рамзларидан бири. ЎзРнинг 1992 йилги Конституциясига биноан (5-модда), ЎзРнинг Д.м., унинг тасвирланиши ва расмий қўлланиш тартиби қонун билан белгиланади. «ЎзРнинг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонуни 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган.

ДАВЛАТ МЕЛИОРАТИВ ТИЗИМЛАРИ — давлат мулки бўлган ҳамда минтақалараро ва (ёки) хўжаликлараро сув тақсимоти ва сув тошқинига қарши ҳимояни таъминловчи мелиоратив тизимлар, шунингдек, давлат эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган тупроқ эрозиясига қарши ва яйловларни ҳимоя қилувчи ўрмон экинлари.

ДАВЛАТ МИЛЛИЙ ТАБИАТ БОҒЛАРИ — ЎзРнинг 1993 йил 7 май куни қабул қилинган «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонунининг 15-моддасига асосан, давлат миллий боғлари табиатни муҳофаза қилиш муассасаси бўлиб, уларнинг ҳудудлари (акваторийлари) алоҳида экология, тарихий ва эстетик қимматга эга бўлган ҳамда табиатни муҳофаза қилиш, маърифий, илмий ва маданий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган табиий мажмуаларни қамраб олади.

ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ВА ФАХРИЙ УНВОНЛАР — давлатнинг фуқароларни фан, санъат, иқтисод, Ватанни ҳимоя қилиш ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларидаги улкан хизматлари учун рағбатлантиришнинг энг олий шакли. Конституциянинг 93-м.сига кўра, давлат мукофотларини (орден, медал, ёрлиқ) ЎзР Президенти топширади. Президент, шунингдек, фахрий унвонлар, олий ҳарбий унвонлар, олий малака унвонлари, олий махсус унвонлар беради. Фан ва техника, адабиёт ва санъат соҳасида давлат мукофотлари билан тақдирлаш учун махсус давлат комиссиялари тузилади, уларнинг қарорлари Президент фармони билан тасдиқланади. Д. м. ва ф. у. чет эллик фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам берилиши мумкин.

ДАВЛАТ НАЗОРАТИ — давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг давлат органлари чиқарадиган қонунларга ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилишини таъминлайдиган шаклларидан бири. Анъанага кўра назорат функциялари асосан парламентларга тегишли бўлган, бироқ сўнгги ўн йил ичида кўплаб мамлакатларда парламентга қарашли бўлмаган, аммо парламент номидан иш кўрувчи назорат инстанциялари (м-н, омбудсманлар, ҳисоб-китоб палаталари институтлари) кенг тарқалди, маъмурий адлия органларининг сони ва аҳамияти ортди. Барча давлатларда молия вазирликлари кенг назорат ҳуқуқларига эга. Ҳозирги вақтда ҳар бир мамлакатда ўзининг Д.н. шаклланган. М-н, АҚШда Д.н.ни Президентнинг ижро этувчи аппарати, АҚШ Конгрессининг қўмиталари ва комиссиялари амалга оширади; конституциявий назорат АҚШ Олий судининг зиммасига юклатилган, молиявий назоратнинг махсус органи сифатида Назоратчи раҳбарлигидаги Ҳисобот бош бошқармаси фаолият кўрсатади, махсус идоралараро назорат функцияси кўплаб тармоқ идораларига, жумладан, Марказий разведка бошқармаси (МРБ), Тергов қилиш федерал бюроси (ТҚФБ), Мудофаа вазирлиги ва бошқаларга юклатилган.

ДАВЛАТ НАСЛЧИЛИК РЕГИСТРИ — зотдор моллар ҳақидаги маълумотлар мажмуи.

ДАВЛАТ ОВЧИЛИК ФОНДИ — ЎзР овчилик майдонларида яшайдиган ҳамда кўпайтириш мақсадида қўйиб юборилган ёввойи ҳайвонлар ва қушлар. Бунда уларнинг қайси маъмурий-ҳудудий бирликка қарашли ҳудудда эканлигининг аҳамияти йўқ. Д.о.ф.дан белгиланган ов қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланишга рухсат этилади.

ДАВЛАТ ПАЙДО БЎЛИШИНИНГ ШАРТНОМА НАЗАРИЯСИ — Г. Гроций, шунингдек, Т. Гоббс, Д. Дидро, Ж. Ж. Руссо ва бошқалар томонидан илгари сурилган давлатнинг пайдо бўлиш назариясидир. Д. п. б. ш.н.нинг тарафдорлари давлат инсонлар орасидаги шартнома натижасида вужудга келган бўлиб, у алоҳида шахсларнинг давлат ҳокимияти фойдасига ўзларининг табиий ҳуқуқларидан ихтиёрий воз кечишларини назарда тутади. Давлатга инсонлар орасидаги шартнома сифатида таъриф бериш, биринчи бор юнон мутафаккири Эпикур томонидан илгари сурилган.

ДАВЛАТ ПЕНСИЯ СУҒУРТАСИ — ЎзР «Давлат пенсиялари тўғрисида»ги қонуни асосида «Иш берувчилар ва фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари ҳисобидан фуқароларни қарилик, ногиронлик, боқувчисини йўқотиш ҳолати ва муайян миқдордаги йиллар хизмат қилганлиги учун меҳнат пенсиялари билан таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган суғурта тури».

ДАВЛАТ ПОЧТА ТЎЛОВИ БЕЛГИЛАРИ — почта жўнатмаларига қўйиладиган ва почта хизматининг ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи почта маркалари ва бошқа белгилар.

ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ (юнонча *sumbolon* — белги) — Конституция ёки махсус қонун билан алоҳида бир давлатнинг тарихий даврдан келиб чиқиб ўрнатилган махсус белгиси бўлиб, бу белги миллий суверенитетни акс эттиради, баъзан маълум мафкуравий маънога ҳам эга бўлади. Асосан, давлат рамзларига давлат байроғи, давлат герби ва мадҳияси киради.

ДАВЛАТ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ — вазирликлар, идоралар, корхоналар, муассасалар, жамоа ва давлат хўжаликлари ҳамда айрим фуқароларнинг санитария нормалари ва қоидаларига риоя этишларини назорат қилиш. Д.с.н.ни санитария-эпидемиология хизмати амалга оширади.

ДАВЛАТ СИРИ — ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий хусусиятга эга, алоҳида давлат аҳамиятига молик бўлган ва давлат томонидан махсус қўриқланадиган маълумотлар. ЎзРда Д.с. ҳисобланадиган маълумотлар рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Давлат томонидан давлат сири ҳисобланган ҳужжатларни тузиш, сақлаш ва фойдаланишнинг маълум тартиби ўрнатилади. Ўрнатилган тартибни бузганлик учун, агар бу давлат сирининг ошкор этилишига олиб келган бўлса, айбдорлар жиноий жавобгарликка тортиладилар (ЎзРнинг 1993 й. 7 майдаги «Давлат сирларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни).

ДАВЛАТ СИРИ ЁКИ ҲАРБИЙ СИР ҲИСОБЛАНГАН ҲУЖЖАТЛАРНИ ЙЎҚОТИШ — ЎзР жиноят қонунларига кўра, ЎзРга қарши жиноятлар бўлиб, ЎзР ЖК 163-моддасига биноан, озодликдан маҳрум этиш шаклидаги жиноий жавобгарликка олиб келади. ЎзР «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги 1993 йил 7 май қонунининг 1-моддасига кўра, давлат томонидан қўриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан чекланадиган ўта муҳим, мутлақо махфий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа маълумотлар ЎзРнинг давлат сирларини ташкил этади.

Давлат сирлари ЎзРнинг мулкидир. Ҳужжатларнинг, ашё ёки моддаларнинг, агар улар ҳақидаги маълумот давлат сири ёки ҳарбий сирни ифодаласа, хизмат ёки касб фаолияти юзасидан ишониб топширилган шахс томонидан йўқотилиши, башарти, бу йўқотиш ана шу ҳужжатлар, ашё ёки моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш натижа-

сида рўй берган бўлса, жиноий жавобгарликка тортиладиган қилмиш бўлади. Ўша ҳаракатларнинг ўзи оғир оқибатларга олиб келган тақдирда жиноий жавобгарлик кучайтирилади.

ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ — ЎзРнинг 1997 йил 29 августдаги «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, ЎзР Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри давлат солиқ бош бошқармалари, вилоятлар, туманлар, шаҳарларнинг давлат солиқ инспекциялари Д. с. х. о.ҳисобланади.

ДАВЛАТ СОЛИҚЛАРИ — 1) юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи; 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи; 3) қўшилган қиймат солиғи; 4) акциз солиғи; 5) ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ; 6) экология солиғи; 7) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни ўз ичига олган солиқлар.

ДАВЛАТ СУҒУРТА НАЗОРАТИ — суғурта фаолиятини назорат қиладиган махсус давлат идораси.

ДАВЛАТ СУҒУРТАСИ — суғуртанинг ташкилий шаклларидан бири бўлиб, унда суғуртачи сифатида давлат ташкилоти майдонга чиқади. Саноати ривожланган мамлакатларда давлат суғурта компанияси жуда хавфли ва ўзига хос таваккалларни (ҳарбий таваккалларни, айниқса, уруш вақтида, атом ва космос билан боғлиқ таваккалларни, кредит суғуртани) суғурта қилиш учун тузилади. Ривожланаётган мамлакатларда суғурта ва қайта суғурта қилиш компаниялари асосан валютанинг суғурта каналлари бўйича чиқиб кетмаслиги учун ташкил этилади.

ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ — Қ.: *Суверенитет.*

ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ ПРИНЦИПИ — халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принципи бўлиб, давлатнинг сиёсий мустақиллигини, унинг ҳудудий устунлиги ва ҳудудий яхлитлигини, бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқлилигини, ўз сиёсий, иқтисодий ва маданий тизимларини эркин танлаш ва ривожлантириш ҳуқуқини, бошқа давлатларнинг суверенитетини ҳурмат қилиш ва улар билан муносабатини барча эътироф этган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида қуриш мажбуриятини тан олиш ва ҳурмат қилишни ўз ичига олади.

Д.с.ҳ.қ.п. *БМТ Низомида* мустаҳкамланган, БМТ Низомига биноан, Давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка дахлдор халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги 1970 йил декларациясига, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашнинг 1975 йилги Якуний ҳужжатига кирган. Ушбу ҳужжатлар асосида мазкур принцип таркибига қуйидагилар киради: 1) бошқа давлатнинг суверенитетини, бир-бирининг суверен тенглигини ва ўзига хослигини ҳурмат қилиш мажбурияти; 2) суверенитетга хос бўлган ва у қамраб оладиган барча ҳуқуқларни, жумладан, ҳар бир давлатнинг юридик тенглиги, ҳудудий яхлитлиги, эркинлиги ва сиёсий мустақиллиги ҳуқуқини ҳурмат қилиш мажбурияти; 3) давлатларнинг бир-бирларининг ўз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тизимларини эркин танлаш ҳуқуқини, шунингдек, ўз қонунлари ва маъмурий қоидаларини ўрнатиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш мажбурияти; 4) давлатларнинг бир-бирларининг бошқа давлатлар билан ўз муносабатларини халқаро ҳуқуққа мувофиқ белгилаш ва амалга ошириш ҳуқуқини ҳурмат қилиш мажбурияти; 5) давлатларнинг бир-бирла-

рининг ўз чегараларини халқаро ҳуқуққа биноан, тинч йўл билан ва шартнома билан ўзгартириш ҳуқуқини ҳурмат қилиш мажбурияти; 6) ҳар бир давлатнинг халқаро ташкилотларга кириш, икки томонлама ёки кўп томонлама шартномаларда қатнашиш ёки қатнашмаслик ҳуқуқини, шунингдек, нейтралитет ҳуқуқини ҳурмат қилиш мажбурияти.

ДАВЛАТ СУДИ — 1) Эстония Олий судининг расмий номи. 2) Финляндияда олий мансабдор шахсларнинг жиноятлари ва қонунбузарликлари муҳокама этиладиган суд идорасининг расмий номи.

ДАВЛАТ ТАБИИЙ ЗАКАЗНИКЛАРИ — табиат комплексларини ёки уларнинг таркибий қисмларини сақлаб қолиш ёки тиклаш ва экологик мувоназатни сақлаб туриш учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳудудлар (ҳавзалар). Ҳудудни ер майдонларидан фойдаланувчилар, уларнинг эгалари ва мулкдорларидан ер майдонларини олиб қўйиш орқали ёки олиб қўймасдан заказник деб эълон қилиш мумкин.

ДАВЛАТ ТАБИИЙ ҚЎРИҚХОНАЛАРИ — хўжаликда фойдаланишдан абадий олиб қўйилган ва б. ҳеч қандай мақсад учун олиниши мумкин бўлмаган, қонун билан муҳофаза этиладиган ҳамда асл табиий муҳит эталони сифатида табиатни муҳофаза қилиш учун, илмий, экологик маърифат аҳамиятига эга бўлган табиий комплекслар, ерлар, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот олами, типик ёки ноёб ландшафтлар, ўсимлик ва ҳайвонларнинг генетик фонди сақланиб қолган жойлар.

Д.т.қ. табиатни муҳофаза қилиш, илмий-тадқиқот ва экологик маърифий муассасалардир. Уларнинг мақсади — табиий жараёнлар ва ҳодисаларнинг табиий боришини, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг генетик фондини, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг айрим турлари ва гуруҳларини, типик ва ноёб экологик тизимларини сақлаб қолиш ва ўрганишдан иборат.

ДАВЛАТ ТИЛИ — давлат аҳолиси кўпчилиги ёки асосий қисмининг ушбу давлатда конституция асосида давлат тили сифатида белгиланган тили. ЎзР Конституцияси 4-моддасига мувофиқ, ЎзРнинг бутун ҳудудида ўзбек тили давлат тилидир. Давлат тили ЎзРнинг давлат ҳокимияти органларида, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларида, давлат муассасаларида асосий тил сифатида ишлатилади. Д.т. расмий тил ҳисобланади. Д.т.дан фойдаланиш ва уни қўллаш тартиби ЎзРнинг «ЎзРнинг давлат тили тўғрисида»ги қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1995 йил 21 декабрь қонуни билан тартибга солинади. Ушбу қонунга мувофиқ 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган Қонуннинг янги таҳрири тасдиқланган.

ДАВЛАТ ТИЛИ — Қ.: *Расмий тил.*

ДАВЛАТ ТЎНТАРИШИ — конституциявий ҳуқуқ фанида конституциявий тузумнинг зўрлик ишлатиб ва конституцияга хилоф равишда ағдарилиши ёхуд давлат ҳокимиятининг бирон-бир шахс томонидан эгаллаб олиниши. Агар Д.т. қуролли кучларнинг ҳал қилувчи иштирокида амалга оширилса, у ҳарбий тўнтариш деб ҳам аталади.

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАНАДИГАН НАФАҚА — давлат ижтимоий таъминот фондидан ажратиладиган маблағлар. ЎзР Меҳнат кодексининг 282—288-моддаларида белгиланган.

ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ — давлатнинг тузилишини билдирувчи хусусият бўлиб, давлатлар федератив-мураккаб ёки унитар-оддий шакл-

да бўлиши мумкин. Федератив давлат бир неча мустақил давлатлар ёки алоҳида ҳудудларнинг бирлашиши натижасида вужудга келади. Уларда бир неча конституция, бир неча олий давлат органлари, суд органлари бўлиши мумкин. Федератив давлатларга АҚШ, Олмония, Ҳиндистон, Россияни киритиш мумкин. Унитар давлат ягона конституцияга, ягона олий қонунчилик ва олий идора органига эга марказлашган давлатдир. Унитар давлатларга Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Франция, Италия ва бошқалар киради. Унитар давлатларда давлат тузилиши маъмурий-ҳудудий бўлинмалардан иборат бўлади.

ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ ШАКЛИ — конституциявий ҳуқуқ назариясида давлат ёки иттифоқни ташкил этувчи давлатларни ҳудудий ташкил қилиш усули. Д.т.ш.нинг икки хили фарқланади: федерация ва унитар давлат (қ.: *Федерация, Унитаризм*). Кўп миллатли таркибга эга бўлган мамлакатларга нисбатан баъзан «миллий-давлатчилик тузилиши шакли» терминидан ҳам фойдаланилади.

ДАВЛАТ ТУЗУМИ — *Конституциявий ҳуқуқ (давлат ҳуқуқи)* нормалари билан белгиланадиган ва мустаҳкамланадиган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тизими. «Д.т.» «*конституциявий тузум*»га қараганда кенгроқ тушунча (қ.: *Конституциявий тузум*).

ДАВЛАТ ТУРАР ЖОЙ ФОНДИ — 1) ЎзР давлат мулки бўлган ва давлат корхоналарининг тўла хўжалик юритувида бўлган идоравий фонд; 2) Қорақалпоғистон Республикаси ва ЎзР вилоятлари, Тошкент шаҳри мулки бўлган фонд, шунингдек, давлат корхоналари хўжалик юритувида ёки давлат мулки бўлган муассасаларнинг оператив бошқарувида бўлган идоравий фонд.

ДАВЛАТ ХАЗИНА МАЖБУРИЯТЛАРИ — давлат қимматбаҳо қоғозларининг аҳоли ва юридик шахслар орасида ихтиёрий асосда жойлаштириладиган, пул маблағларининг эгалари ушбу қимматбаҳо қоғозларни бюджетга қўшганлигини тасдиқловчи ва уларга эгалик қилиш вақти давомида қатъий белгиланган даромад олиш ҳуқуқини берувчи тури. Д.х.м. ни чиқаришдан кўзланган мақсад бюджетни бажаришни оптималлаштириш ва инфляция суръатини пасайтиришдан иборат. Хазина мажбуриятлари ҳужжатсиз шаклда ваколатли банк ҳисобварақлардаги ёзувлар кўринишида чиқарилади ва муомалага киритилади. Уларни тўлаш муддати, фоиз ставкаси ва номинал қиймати ҳар бир серияни чиқариш чоғида белгиланади.

ДАВЛАТ ХАЗИНА ЧИПТАСИ — аҳоли орасида тарқатиладиган давлат мажбуриятлари, пул маблағларининг эгалари бюджетга ҳисса қўшганлигидан далолат берувчи ва уларга эгалик қилиш вақти давомида қатъий белгиланган даромад олиш ҳуқуқини берувчи қимматбаҳо қоғозларининг тури. Узоқ муддатли мажбуриятлар 5 йилдан 25 йилгача муддатга эга бўлиб, улар бўйича ҳар йили даромад тўланади. Қисқа муддатли, яъни 3, 6, 12 ойлик ҳамда 1 йилдан 5 йилгача бериладиган мажбуриятлар купонларга эга эмас, даромадлар эса мажбуриятларни сотиб олиш ва қоплаш чоғида тўланади.

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ — маъмурий ҳуқуқнинг марказий институтларидан бири, давлат органлари ваколатларининг бажарилишини таъминлаш бўйича касбий фаолият.

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ МАСЛАҲАТЧИСИ — малака даражасига эга

бўлиб, давлат хизматининг катта лавозимларини банд қилган давлат хизматчиларига берилиши мумкин. 1, 2, 3-тоифали бўлиши мумкин.

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ РЕФЕРЕНТИ — давлатнинг кичик лавозимини эгаллаб турган шахсга давлат томонидан берилган даражаси.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ — *давлат хизмати* лавозимининг мажбуриятларини республика бюджети маблағлари ҳисобидан тўланадиган пул мукофоти эвазига ЎзР қонунларида белгиланган тартибда бажарадиган фуқаро.

ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИ — давлатлар ҳудудини бир-биридан ажратиб турувчи, ер ва сув устидан ўтувчи чизиқлар. Д. ч. муайян давлатнинг ҳудудлари ниҳоясини аниқ белгилаб беради. Д. ч. дахлсиз ва уларнинг бузилиши давлат суверенитетининг бузилиши ҳисобланади. Ҳар бир давлат ўз чегаралари хавфсизлиги ва бузилмаслигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш ҳуқуқига эга. Давлат чегарасида қонун орқали давлат томонидан ўрнатилувчи ёки чегарадош давлат билан келишган ҳолда ўрнатилувчи махсус чегара тартиби мавжуд. Қўшни давлатлар билан чегаралар шартнома ва қонун асосида белгиланади. Давлат чегараларини зўрлик билан ўзгартириш халқаро ҳуқуқ томонидан тақиқланган.

Ўтиш жойига кўра чегаралар қуруқлик, сув (денгиз, дарё, кўл), ҳаво, қуруқлик ва сув ости чегараларига бўлинади. ЎзР Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон билан қуруқликда, Афғонистон билан сувда (Амударё орқали) чегарадош.

Д.Ч. давлатнинг қуруқликдаги ва сув ҳудудидаги, ҳаво кенгликларидаги ва ер остидаги *суверенитетининг* чегарасини белгилайди.

Д.ч. қуруқликдаги, дарё ва кўллардаги ҳамда денгиздаги чегараларга бўлинади. **Қуруқликдаги** чегаралар деганда, жой рельефидаги ўзига хос нуқталар (м-н, тоғ чўққилари) ёки жўғрофий координаталарнинг муайян нуқталари орқали, шунингдек, параллеллар ва меридианлар орқали ўтадиган чизиқлар тушунилади. Дарёдаги Д.ч. дарёлар бўйича ўтади, бунда агар халқаро шартномаларда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, кўпинча кема қатнайдиган дарёлардан — асосий фарватернинг ўртасидан ёки дарёнинг тальвегасидан (энг чуқур жойлари чизиғидан), кемалар қатнамайдиган дарёлар (сойлар)да эса — уларнинг ўртаси ёки дарёнинг асосий ирмоғи ўртасидан ўтувчи чизиқ чегара ҳисобланади. **Кўлларда** ва бошқа сув ҳафзаларда Д.ч. чегарларнинг кўл ёки бошқа сув ҳавзаси қирғоқларига чиқадиган жойларини туташтирувчи тўғри чизиқ орқали ўтади. Баъзан, агарда кўл чўзиқ шаклга эга бўлиб, қарама-қарши қирғоқлари қўшни давлатларга тегишли бўлса, бу чегара медиана бўйича ўтказилиши мумкин. Агар чегарадош давлатлар бошқача шартлашмаган бўлсалар, дарё (сой) кўл ёки бошқа сув ҳавзаси бўйича ўтадиган Д.ч. уларнинг қирғоқлари ёки сув сатҳи ўзгарганда ҳам, дарё (сой) ўзани у ёки бу томонга кўчганда ҳам ўзгармайди. Агар давлатнинг ҳудудий сув ҳавзаси бошқа давлатларнинг худди шундай сув ҳавзалари билан туташмаган бўлса, ушбу давлатнинг денгиз чегараларини ҳар бир давлат ўз ҳудудий сув ҳавзаларининг ташқи чегараси бўйича мустақил равишда ўрнатади. Агар икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг ҳудудий сув ҳавзалари туташ бўлса, улар ўртасидаги чегара чизиғи битим асосида белгиланади.

ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚНИНГ БОШҚА БИР ДАВЛАТГА ЎТИШИ — бир давлатнинг вужудга келиши билан бошқа

давлат ҳудудига кирган чегара чизиқларига эга бўлиш ҳуқуқи янги давлатга ўтади. 1978 йилда қабул қилинган Вена конвенциясига асосан, чегара чизиқлари фақат халқаро ҳуқуқ нормаларига асосан, ўзаро манфаатдор давлатлар ўртасидаги келишув асосида ўзгартирилади. Бу янги ташкил бўлган давлатнинг ҳуқуқи ҳисобланади. Маълум бир давлат ҳукумати ҳуқуқларининг янги ташкил бўлган давлат ҳукуматига ўтиши — давлат бошқарувида содир бўлган ички ўзгаришлар туфайли ҳуқуқнинг янги ҳукуматга ўтиши. Агар ҳукуматнинг ўзгариши ғайриконституциявий йўллар билан амалга оширилган бўлса, янги ҳукуматнинг амалда бўлган халқаро ҳуқуқий муносабатлар асосида тузилган келишув ва шартномаларга бўлган муносабати эътиборга олинади. Иккинчи томондан давлатларнинг амалда бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳукумат ўзгарган тақдирда ҳам ўз кучида қолади.

ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИНИ НОҚОНУНИЙ РАВИШДА БУЗИШ — Қ.: *Давлат чегараси.*

ДАВЛАТ ШАКЛИ — конституциявий ҳуқуқ назариясида давлат олий органларини ташкил этиш усули, давлат ҳокимиятининг ҳудудий тузилиши ва уни амалга ошириш усуллари. Д.ш. уч элементдан ташкил топади: бошқарув шакли, давлат тузилиши шакли ва сиёсий режим.

ДАВЛАТ ШИОРИ — кўпчилик хорижий мамлакатларда давлат ва унинг суверенитетининг асосий белгиларидан бири, муайян давлат ва жамиятнинг энг юксак қадриятларини, унинг мафкуравий асосларини ифодаловчи мухтасар ҳикмат (м-н, ГФРда — «Бирдамлик, қонун ва эркинлик», Буюк Британияда — «Худо ва шахс ҳуқуқи» ва ҳ.к.). Одатда Д.ш. *давлат гербида* жойлаштирилади, лекин бевосита конституцияда ҳам мустаҳкамланиши мумкин (м-н, Франция Конституцияси 2-м. 4-қисмида: «Республиканинг шиори — «Озодлик, Тенглик, Биродарлик», дейилган.).

ДАВЛАТ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ТОВАРЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ — ЎзР ФКнинг 457-моддасида давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб беришнинг асосий шартлари баён этилган. Шунга кўра, давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш давлат контракти асосида, шунингдек, унинг асосида тузиладиган давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

ДАВЛАТ ЮРИСДИКЦИЯСИ — давлат суд ва маъмурий органларининг ўз ваколатларидан келиб чиқиб ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш ҳуқуқи.

Халқаро ҳуқуқда ҳудудий ва шахсий (миллий) юрисдикция фарқланади. Ҳудудий юрисдикция деганда муайян ҳудуд доирасида амалга ошириладиган Д.ю. тушунилади. Давлат ўз ҳудудида, тегишли халқаро битимларда бошқача қоида назарда тутилган ҳоллардан ташқари ҳолларда, тўла юрисдикцияни амалга оширади. Давлат чекланган мақсадли юрисдикцияни ўз континентал шелфи ва иқтисодий зонаси доирасида амалга оширади. Давлат шахсий (миллий) юрисдикцияни ўзининг ҳудудидан ташқарида, м-н, очиқ денгизда, Антарктикадаги фуқароларига нисбатан амалга оширади. Миллий қонунларда назарда тутилган ҳолларда Д.ю. давлатнинг фуқароларига нисбатан улар хорижий давлат ҳудудида бўлганларида ҳам тегишли бўлиши мумкин, аммо агар халқаро битимда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ушбу юрисдикция фақат ўз давлати ҳудудида амалга оширилиши мумкин. Рақобатчи юрисдикциялар мавжуд бўлган ҳолларда у ёки бу давлатнинг юрисдикциясини қўллаш

ҳақидаги масала тегишли халқаро ҳужжатлар ёки халқаро ҳуқуқий одатлар асосида ҳал этилади.

ДАВЛАТ ҚАРЗ МАЖБУРИЯТЛАРИ — қарздор сифатида давлат, давлат ҳокимияти ёки бошқарув органи иштирок этадиган қарз муносабатларини тасдиқловчи ҳар қандай қимматбаҳо қоғоз.

ДАВЛАТ ҚАРЗ ШАРТНОМАСИ — фуқаровий-ҳуқуқий қарз шартномасининг ЎзР ФҚда назарда тутилган махсус тури. Д.қ.ш. бўйича қарз олувчи бўлиб ЎзР, қарз берувчи бўлиб эса фуқаро ёки юридик шахс майдонга чиқади. Давлатга қарз бериш ихтиёрийдир. Д.қ.ш. қарз берувчининг давлат чиқарган облигацияларни ёки қарз берувчининг қарз олувчидан қарзга берилган пул маблағларини ёки қарз шартига қараб, бошқа мулкни, белгиланган фоизларни ёки бошқа мулкий ҳуқуқларни қарз қоғозларини муомалага чиқариш шартларида белгиланган муддатларда давлатнинг бошқа қимматбаҳо қоғозларини харид қилиш орқали тузилади. Муомалага чиқарилган қарз қоғозларининг шартларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Д.қ.ш. ҳақидаги қоидалар тегишли равишда муниципал ташкилотлар чиқарган қарз қоғозларига нисбатан ҳам қўлланилади.

ДАВЛАТ ҚАРЗЛАРИНИ БОШҚАРИШ — давлатнинг қарзларини тўлаш, улар бўйича даромад беришни ташкил этиш, илгари чиқарилган заёмлар шарти ва муддатини ўзгартириш, шунингдек, янги қарз мажбуриятларини жойлаштириш бўйича молиявий тадбирлар йиғиндиси. Бундай тадбирлар сирасига *қайта молиялаштириш*, конверсия қилиш (қарз шартларини ўзгартириш), консолидация қилиш (қарзларнинг муддатини узайтириш), бекор қилиш ва бирхиллаштириш киради.

Давлат қайта молиялаштиришдан, яъни илгари чиқарган қарз мажбуриятларини қоплаш мақсадида янги заёмлар чиқаришдан, одатда, марказлашган пул фонди (бюджет) маблағлари етишмаганда фойдаланади. Мамлакатимизда қайта молиялаштириш бир неча марта қўлланилган. Чунончи, 1966 йилги 3 фоизли ички ютуқли заём бўйича қарз эски облигацияларни 1982 йилги ютуқли ички облигацияларга, уларнинг курсидаги фарқни тўламаган ҳолда, алмаштириш йўли билан қопланган. Конверсия қарз даромадлилигини ўзгартиришда ифодаланади. Даромадлиликнинг ўзгариши давлат ўз кредиторларига тўлайдиган даромадининг фоиз ставкасини пасайтиришида ҳам, кўтаришида ҳам намоён бўлиши мумкин. Давлат қарз мажбуриятлари муомаласининг муддатларини қисқартириш ёки узайтириш ваколатига эга. Давлатнинг илгари чиқарилган заёмлар амал қилиш муддатини ўзгартириш бўйича функциялари консолидация деб аталади. Давлатнинг қарзларни бирхиллаштириш бўйича тадбирлари илгари чиқарилган бир қанча заёмларни битта янгисига алмаштиришни билдиради. Давлат ички қарзини бекор қилиш, яъни қарз мажбуриятларидан батамом воз кечиш одатда ички қарзларни бошқаришнинг сўнгги чорасидир. Бундай чорани қўллаш одатда сиёсий ҳокимиятнинг алмашиши билан белгиланади. М-н, 1918 йилда Туркистон ҳукумати Чор Россиясининг қарзларини, жумладан, ички қарзларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

ДАВЛАТ ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗИ — марказий ҳукумат, маҳаллий ҳокимият органлари ва б. заёмларни жойлаштириш ва пул маблагларини сафабар этиш мақсадида чиқарадиган облигациялар, хазина векселлари ва б. давлат мажбуриятлари.

1) бозор Д.қ.қ. — м-н, хазина векселлари, ноталар, боңлар (улар пул бозорида эркин сотилади ва сотиб олинади); 2) нобозор Д.қ.қ. — м-н, омонат боңлари, омонат сертификатлари ва ш.к. фарқланади. Асосан давлат кредити соҳасига аҳолининг жамғармаларини жалб қилиш мақсадида чиқарилади. Ушбу қимматбаҳо қоғозлар исталган пайтда тўлов учун тақдим этилиши мумкин, аммо муддатидан олдин тақдим этилганида улар бўйича тўловлар кескин пасаяди.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ АКТЛАРИ — норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, умуммажбурий хулқ-атвор қоидаларини ўз ичига олади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари давлатнинг қайси органлар томонидан қабул қилинганлигига ҳамда уларнинг юридик кучи катта ёки кичиклигига қараб фарқланади, қуйидаги турларга бўлинади: қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг буйруқ ва йўриқномалари, Қорақалпоғистон Республикасининг норматив ҳуқуқий ҳужжатлари, маҳаллий давлат ижроия ва вакиллик органларининг актларидир.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ (давлат аппарати) — бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган муайян тузилмага бирлашган давлат ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органларининг тизимидир.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР — ЎзРга қарши қаратилган жиноятларнинг бир тури. Бу жиноятнинг объекти ЎзР Конституцияси ва унинг асосида ваколатли идоралар томонидан амалга ошириладиган, давлат ҳокимияти хавфсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир. Шу билан бирга, суд ҳокимиятига, яъни одил судловга қарши қаратилган жиноятлар ҳам Д. ҳ. қ. ж. ҳисобланади.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ БИРЛИГИ — бир қатор тоталитар давлатларда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принципларидан бири. Давлат ҳокимиятининг фақат ҳокимият-бошқарув функциялари ажратилган, аммо ҳокимиятлари бўлинмаган ягона тизими мавжудлигини билдиради. Шунингдек, давлат ҳокимияти органлари тизимида битта олий органнинг мавжудлиги, бошқа ҳокимият органларининг истисносиз барчаси унга бўйсуниши назарда тутилади. Ниҳоят, Д.ҳ.б. принципи давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ажратилишини тан олмайди. Д.ҳ.б. принципини жорий этиш муқаррар равишда бутун давлат ҳокимиятининг бир қўлда тўпланишига ва мутлақлаштирилишига олиб келади.

ДАВЛАТ ҲУДУДИ — Ер шарининг муайян давлат суверенитетида бўлган қисми. Д. ҳ. таркибига қуруқлик унинг бағри билан бирга, сув ҳавзалари ҳамда қуруқлик ва сув ҳавзалари устидаги ҳаво кенгликлари киради. Қуруқлик — бу давлат чегараси доирасидаги барча қуруқлик ҳудуди. Сув ҳудудини ички (миллий) ва ҳудудий сув ҳавзалари ташкил этади. Қуруқлик ва сув ҳудуди остидаги ер ости бойликлари техник жиҳатдан имкони бўлган чуқурликкача мазкур давлатнинг мулки ҳисобланади. Ҳаво кенгликларига тропосфера, стратосфера ҳамда улардан юқорида жойлашган маконнинг каттагина қисми киради. Д. ҳ. нинг ён чеккалари давлат чегаралари билан белгиланади. Давлат ўз ҳудуди доирасида ўзининг ҳудудий деб аталадиган ва давлат суверенитетининг таркибий қисми бўлган устунлигини амалга оширади.

ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ — асосан «конституциявий ҳуқуқ» терминига

мос келадиган термин; ЎзРда ва б. мамлакатларда давлатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳудудий тузилиши асосларини тартибга солувчи, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамловчи ва ушбу давлатдаги давлат ҳокимияти органлари тизимини белгиловчи ҳуқуқ тармоғини ифодалаш учун ишлатилади.

ДАВЛАТГА ХОИНЛИК ҚИЛИШ — ЎзР фуқаросининг ЎзР суверенитетига, ҳудудий дахлсизлиги, хавфсизлиги, мудофаа салоҳияти ёки иқтисодиётига зарар етказган ҳолда қасддан содир этган қилмиши: душман томонига ўтиш; жосуслик; давлат сирларини чет эл давлатига етказиш; ЎзРга қарши душманлик фаолияти олиб боришда чет эл давлатига ёрдам кўрсатиш тушунилади.

ДАВЛАТЛАРАРО КРЕДИТ — давлат қарз олувчи ёки кредитор бўладиган кредит муносабатларининг йиғиндиси.

ДАВЛАТЛАРАРО ТУЗИЛМАЛАР — давлатлараро доимий ва вақтинча фаолият кўрсатувчи, давлатлараро шартномалар асосида ташкил этилувчи иттифоқлар. ЎзР Конституциясининг 17-м.си, 2-қисмига кўра, Ўзбекистон иттифоқлар тузиши, ҳамдўстлик ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши мумкин, лекин бу давлатнинг, халқнинг олий манфаатларига, унинг фаровонлиги, хавфсизлигига қарши бўлмаслиги шарт. Яна инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини, Ўзбекистоннинг суверенитетини, унинг ҳудудлари яхлитлиги ва дахлсизлигини, ҳокимиятни қонунан сайланган давлат ҳокимияти идоралари бошқаришини алоҳида таъкидлаш лозим.

ЎзР халқаро ҳуқуқнинг умум тан олган принциплари ва нормаларига риоя қилади, халқаро битимлар тузади ва уларни бажаради, халқаро ташкилотларда, коллектив хавфсизлик тизимларида иштирок этади. Ўзбекистон бошқа давлатлар билан биргаликда умумий ва одил тинчлик, ўзаро фойдали халқаро ҳамкорлик, инсоният олдида турган умумжаҳон масалаларини ҳамкорликда ечиш учун бор кучини сарфламоқда.

Ўзбекистон 500 дан ортиқ иккитомонлама ва кўптомонлама шартномалар, битимлар тузди, 80 дан ортиқ муҳим халқаро конвенция ва шартномаларга қўшилди. Улар орасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Ирқий камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция, Янги Европа учун Париж хартияси, Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома, Аёлларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция, Оналикни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Бандлик соҳасидаги сиёсат тўғрисидаги конвенция, Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомалада бўлишига қарши кураш тўғрисида конвенция, Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги, Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена конвенциялари, Маданий ва табиий меросни ҳимоя қилиш тўғрисида умумжаҳон конвенцияси, Маданий бойликларга бўлган эгалик ҳуқуқини ноқонуний олиб кириш ва олиб чиқишни тақиқлаш ва олдини олишга қаратилган чоралар тўғрисидаги конвенция кабиларни тилга олиш мумкин.

Ўзбекистон БМТнинг деярли барча ихтисослашган муассасалари ишида фаол қатнашмоқда. Булар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО), Халқаро меҳнат ташкилоти (МОТ), Умумжаҳон соғлиқни сақлаш Ташкилоти (ВОЗ), Умумжаҳон почта иттифоқи (ВПС), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш дастури (ПРООН), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф муҳит бўйича дастури, Болаларга ёрдам кўрсатиш фонди (ЮНИСЕФ), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Саноат тараққиёти бўйича ташкилоти (ЮНИДО), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва тараққиёт бўйича Конференцияси (ЮНКТАД), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳоли пунктлари бўйича маркази (ХАБИТАТ), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аҳоли соҳасидаги фаолияти фонди (ЮНФПА), Фуқаролик авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО), Умумжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (УИМТ) ва б.дир.

Ўзбекистон тенг ҳуқуқлар асосида энг обрўли ва таъсири кучли халқаро ташкилотлар таркибига кирмоқда: Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ), Қўшилмаслик ҳаракати, Парламентлараро иттифоқ, Интерпол, Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОК). Ўзбекистон Республикаси, шунингдек, НАТОнинг «Тинчлик учун ҳамкорлик» дастурида иштирок этмоқда.

ДАВЛАТЛАРАРО ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИК КЕНГАШ — Ўзбекистон МДҲ давлатлари раҳбарларининг 1992 йил 8 февралда имзолаган давлатлараро халқаро экологик кенгашнинг тўла субъекти, аъзосидир. Д. х. э. к. нинг асосий мақсади МДҲ давлатларида экологик муносабатларни ҳуқуқий мустаҳкамлаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида давлатлараро турли тадбирлар ўтказиш, экологик муаммоларнинг олдини олишдан иборат бўлиши лозим. Ҳозирги пайтда ЎзРда «Табиат бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш» бўйича 2005 йилгача мўлжалланган давлат дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастурнинг асосий вазифаси ЎзРда, экологик мувозанат аянчли бўлган шаҳарлар ва жойларда экологик вазиятни яхшилаш, турли экологик муаммоларнинг олдини олишдан иборат.

ДАВЛАТЛАРАРО ШАРТНОМА — икки ёки бир нечта мустақил давлатлар ўртасида маълум муддатга ёки муддатсиз вақтга тузилган шартномалар. Д. ш. таълим тизимини яхшилаш, тинчликни таъминлаш, озиқ-овқат масаласида ёрдам бериш, маданият тизимида ўзаро ҳамкорлик ва бошқа масалаларни ўз ичига олиши мумкин. Д. ш. нинг мақсади икки ёки бир нечта мустақил давлатлар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамда тузилган шартномада кўрсатилган масала бўйича ўзаро ҳамкорликни таъминлашдан иборатдир.

ДАВЛАТЛАРНИНГ МАВЖУД ҲУҚУҚЛАРИ БОШҚА БИР ДАВЛАТГА ЎТИШИ — ҳуқуқий тушунча сифатида давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқ фанлари предметига киради. Бу бир давлатда мавжуд бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бошқа бир давлатга ўтишини англатади. Бу қуйидаги вазиятларда юзага келиши мумкин:

1) ижтимоий революцион ўзгариш орқали — ижтимоий иқтисодий формация асосида; 2) миллий-озодлик кураши орқали — янги мустақил

давлатларнинг вужудга келиши асосида; 3) бир бутун давлат ҳудудида янги давлатларнинг вужудга келиши орқали — бу жараён ўзаро бирлашиш ёки алоҳида бир неча давлатларга бўлиниш орқали кечади; 4) ҳудудий ўзгаришлар туфайли.

Д. м. ҳ. б. б. д. ў. ўзига хос жараёнлар орқали амалга оширилиши мумкин: халқаро шартномаларни қайта кўриб чиқиш, халқаро ташкилотларга қайтадан аъзо бўлиш, давлат тасарруфига ўтказиш, мулкий жиҳатдан ҳуқуқларни қайта тиклаш. 1978 йилда қабул қилинган Вена конвенцияси бу хусусда тегишли тартибларни белгилаб қўйган. Шу билан бирга, 1983 йилда давлатларнинг архив ҳужжатлари ва қарзлари муаммолари бўйича тузатишлар ҳам конвенцияга киритилган.

ДАВЛАТНИНГ ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИ — халқаро ҳуқуқ принципи шундан иборатки, унга биноан барча мустақил мамлакатларда бир давлат бошқа давлатга нисбатан ҳукмронлигини амалга ошириши мумкин эмас. Хорижий давлат, унинг органлари ва уларга тегишли мулклар дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. Халқаро ҳуқуқ назариясида ва халқаро амалиётда давлат дахлсизлиги ҳуқуқи бир нечта турларга бўлинади. Давлат судлов дахлсизлиги ҳуқуқи давлатнинг бошқа давлатнинг суди судловлигига тегишли эмаслигидан иборат. Давлат бошқа давлатни жавобгар сифатида, бунга уларни тўғридан-тўғри розилиги бўлган ҳоллардан ташқари, судга тортиши мумкин эмас. Давлат дахлсизлиги ҳуқуқида даъвони олдиндан таъминлаш шундан иборатки, давлат мулки даъвони таъминлаш предмети бўлиши мумкин эмас. Давлат дахлсизлиги ҳуқуқи шундан иборатки, унда давлат мулки суд ёки ҳўжалик суди қарорини мажбурий ижро этиш тартибида ундиришга қаратилган объекти бўлиши мумкин эмас. Худди шундай мажбурлаш чоралари (шу жумладан, даъвони таъминлаш тартибида хатлаш ёки суднинг чиқарган қарори ижросини мажбурий таъминлаш) давлат денгиз кемаларига нисбатан ҳам амалга оширилиши мумкин эмас. Давлат дахлсизлиги ҳуқуқи принципи ЎзРнинг ички қонунчилигида ўз аксини топган.

ДАВЛАТНИНГ ДЕНГИЗ САВДО КЕМАЛАРИ ДАХЛСИЗЛИГИ ҲУҚУҚИ — давлатнинг дахлсизлиги ҳуқуқи кўринишларидан бири; Ўзбекистон концепциясига биноан, чет эл суд муассасаларида кемаларга ёки шундай кемалар билан боғлиқ бўлган даъволарни қўзғатиш, шунингдек, байроғи осилган давлат розилигисиз, даъвони таъминлаш тартибида чет эл портлари ва сувларида унинг мулки бўлган бу кемани чиқарилган суд қарори ижросини мажбурий таъминлаш мақсадида мажбурий ушлаб туришга йўл қўймасликдан иборатдир.

ДАВЛАТНИНГ МУЛККА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ — фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида мулкка эгалик қилишнинг бир шакли. ЎзР ФКнинг 214-моддасига асосан, давлат (республика) мулки оммавий мулкнинг бир шаклидир. Кодекснинг 168-моддасида давлат мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида қайд этилган. Давлат мулк ҳуқуқининг объектлари — ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда табиий бойликлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, республика органларининг мол-мулки, давлат аҳамиятига эга бўлган моддий ва тарихий бойликлар, республика бюджетининг маблағлари, олтин захираси, давлатнинг валюта фонди ва бошқа фондларидир. Шунингдек, корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар, ўқув, илмий, илмий тадқиқот муассаса-

лари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари, башарти булар бюджет ёки давлатнинг ўзга маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган бўлса, республика мулки ҳисобланади. Республика (давлат) мулки бўлган мол-мулкни ЎзР Олий Мажлиси, ЎзР Президенти, ЎзР ҳукумати ёки улар махсус вакил қилган органлар тасарруф қиладилар.

ДАВЛАТНИНГ ТАШҚИ ҚАРЗЛАРИ — давлатларнинг халқаро молиявий мажбуриятлар бўйича қарзлари йиғиндиси. Д.т.қ. хорижий давлатларнинг кредитларидан, халқаро валюта-молия ташкилотларининг қарзлари ва кредитларидан, хорижий банкларнинг кредитларидан тўпланади.

ДАВЛАТСИМОН ТАШКИЛОТЛАР (квазидавлат) — *халқаро ҳуқуқ* субъектларининг турларидан бири. Д.т.га, биринчи навбатда, «эркин шаҳарлар» киритилади. Мазкур термин умумлашган тушунчадир, чунки нафақат шаҳарларга нисбатан, балки муайян туманларга нисбатан ҳам қўлланилади. Аслида, эркин шаҳарлар ҳудудий даъволарни тўхтатиб қўйиш, давлатлараро муносабатларда бирон-бир ҳудуднинг қайси давлатга тегишлилиги бўйича юзага келадиган кескинликни юмшатиш усулларидан бири сифатида ташкил этилади. Эркин шаҳар халқаро шартнома асосида ёки халқаро ташкилотнинг қарори асосида ташкил этиладиган ва чекланган ҳуқуқий лаёқатга эга бўлган ўзига хос давлатдир. У ўз конституциясига ёки шунга ўхшаш ҳужжатига, олий давлат органларига, фуқаролигига эга. Эркин шаҳар, одатда, ҳарбийлашмаган ва нейтрал бўлади. Унинг қуролли кучлари соф мудофаа хусусиятига эга бўлади ёхуд анъанавий тушуниладиган қуролли кучлар эмас, балки чегараларни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқий тартибни сақлаш кучлари бўлади. Эркин шаҳарни яратувчилар одатда, унинг мақомига риоя этилишини назорат қилиш усулларини ҳам ўйлаб қўядилар. М-н, бу мақсадда ўз вакиллари ёки вакилини тайинлайдилар. Халқаро майдонда эркин шаҳар манфаатини ё манфаатдор давлатлар, ё халқаро ташкилот ҳимоя қилади. Икки жаҳон уруши ўртасидаги даврда мавжуд бўлган Данциг Эркин шаҳрининг мақоми Миллатлар Лигаси томонидан кафолатланган эди, ташқи муносабатларда эса шаҳарнинг манфаатларини Польша ҳимоя қилган. 1947 йилда Италия билан тузилган тинчлик шартномаси асосида ташкил этилган ва кейинчалик Италия ва Югославия томонидан 1954 йилдаги битим асосида бўлинган Триест эркин ҳудуди БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳимоясида бўлган.

ДАВОМЛИ ЖИНОЯТЛАР — бир жиноятни бир мақсад сари йўналтирилган, бир-бири билан ўхшаш ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар орқали мунтазам тарзда амалга ошириш. Масалан, мунтазам қийнаш, тарозидан уриб қолиб, харидорларни алдаш, ўзгалар мулкини мунтазам равишда ўзлаштириш кабилар.

ДАВРИЙ БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИ — айни бир товарлар ва транспорт воситаларини айни бир шахслар доимий равишда олиб ўтганларида ЎзР божхона органи республика божхона чегараси орқали муайян давр мобайнида олиб ўтиладиган барча товарлар ва транспорт воситаларига битта божхона декларацияси (даврий божхона декларациясини) беришга рухсат этиши мумкин. Д.б.д.ни бериш ҳолати ва тартибини ЎзР ДБҚ белгилайди.

ДАКТИЛОСКОПИК ИЗ — инсоннинг нарсаларда қолдирган папил-

ляр чизиқлари изи. Излар нарсаларнинг қўлқопсиз қўллар кафти ёки пойабзалсиз оёқлар товонининг ички сатҳига тегиши натижасида пайдо бўлади. Бунда организм ўзидан ажратадиган (тер, ёғ) ёки папилляр чизиқларда қолган моддалар (масалан, бўёқ, техник мой) нарсага текканда унга папилляр чизиқлар нақши (панжа излари) шаклида кўчади ёки из ташувчиси (чанг, қон)даги модданинг қатлами шундай бузиладики, унда папилляр чизиқлар (панжаларнинг муайян ҳажм эгаллаган изи) қолади.

ДАКТИЛОСКОПИЯ (юн. — бармоқ) — *криминалистика*да папилляр чизиқлар нақшини текшириш. Д. одамларни улардаги папилляр чизиқлар нақши асосида фарқлаш имконини беради. Бу чизиқлар баданнинг бошқа қисмларидан фарқли ўлароқ, кафт, товон, қўл ва оёқ панжаларида бўлади. Д. ҳар бир одам фақат унгагина хос бўлган барқарор анатомик белги — папилляр чизиқлар нақшига эга, деган илмий жиҳатдан эътироф этилган муҳим фактга асосланади. Бу белгилар инсон туғилганидан то мурдаси чириб кетмагунча сақланади. Ўсиш ҳодисаси фақат мутаносибликнинг ўзгаришига олиб келади. Эпидермиснинг муртак қатламига зиён етказмайдиган жароҳатлар папилляр чизиқларга вақтинчалик таъсир кўрсатади, холос. Д. жиноятчилар ва бошқа шахсларни аниқлаш воситаси сифатида полиция амалиётида XX аср бошидан бери қўлланилмоқда. Криминалистикада Д.дан шахсларни уларнинг панжа изларини олиш, таснифлаш ва махсус картотекаларда сақланадиган дактилоскопик карточкалар маълумоти билан қиёслаш орқали аниқлашнинг ёрдамчи воситаси сифатида фойдаланилади.

ДАЛИЛЛАР (суд далиллари) — жиноят, фуқаролик, хўжалик процессида суднинг жамият учун хавфли қилмиш бор ёки йўқлигини, ушбу қилмишни (жиноят иши бўйича) содир этган шахснинг айбдорлигини ёхуд томонларнинг (фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича) талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатларнинг бор ёки йўқлигини ва ишни тўғри ҳал этиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлаши учун асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумотлар. Жиноят процессида ушбу маълумотлар қуйидагилар орқали аниқланади: гувоҳнинг, жарбланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, тафтиш ва ҳужжатларни текшириш актлари, ашёвий далиллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар; фуқаролик ва хўжалик процессида томонларнинг ва учинчи шахсларнинг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, ёзма исботлар, ашёвий далиллар ва экспертларнинг хулосалари. Бунда қонунни бузиб олинган Д. юридик кучга эга эмас деб тан олинади ва улардан айблов ва суд қарорини асослаш, шунингдек, қонунга биноан исботланиши лозим бўлган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиб бўлмайди. Жиноят процессида Д. туплаш билан суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд шуғулланади. Д.ни гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи, айбловчи ҳамда жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари ҳамда ҳар қандай фуқаролар ва ташкилотлар тақдим этишлари мумкин. Фуқаролик ва хўжалик процессида Д.ни томонлар ва ишда қатнашувчи бошқа шахслар тақдим этадилар. Суд уларга қўшимча Д. тақдим этишни таклиф қилиши мумкин. Ишда қатнашувчи томонлар ва бошқа шахслар қўшимча далилларни тақдим этиши қийин бўлганда, суд уларнинг илтимоси билан уларга Д.ни

тўплашда ёрдам беради. Қонун Д.га **тегишлилик (дахлдорлик) ва рухсат этилганлик (жоизлилик)** талабларини қўяди. Суд тақдим этилган Д.дан фақат иш учун аҳамиятлиларини қабул қилади (Д.нинг тегишлилиги). Д.нинг рухсат этилганлиги талаби ишнинг қонун бўйича муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши мумкин бўлган ҳолатлари бошқа ҳеч қандай исботлаш воситалари билан тасдиқланиши мумкин эмаслигидан иборат. Суд Д.ни иш бўйича мавжуд бўлган далилларнинг ҳаммасини бир бутунликда холисона, ҳар томонлама ва тўлиқ қараб олишга асосланган ички ишончи бўйича баҳолайди. Ҳеч қандай Д. суд учун илгаридан белгиланган кучга эга эмас.

ДАЛИЛЛАРГА БАҲО БЕРИШ — процессуал (жиноят, фуқаровий, хўжалик) қонунларда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим (ЖПКнинг 95-моддаси, ФПКнинг 67-моддаси, ХПКнинг 42-моддаси).

ДАЛИЛЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ — ЎзР қонунларига мувофиқ, ўзлари учун зарур бўлган далилларни кейинчалик тақдим этиш мумкин бўлмай қолади ёки қийинлашади, дейишга асоси бўлган шахслар ариза беришидан олдин ҳам, кейин ҳам судьядан бу далилларни таъминлашни илтимос қилишлари мумкин (ФПКнинг 61-моддаси). ФПКнинг 62-моддасига биноан, Д.т. ҳақидаги аризада таъминланиши зарур бўлган далиллар, бу далиллар билан тасдиқланиши керак бўлган ҳолатлар, аризачини далилларни таъминлаш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилишга ундаган сабаблар, шунингдек, таъминланадиган далиллар зарур бўлган ёки улар кейинчалик асқотиши мумкин бўлган иш кўрсатилиши керак. Д.т.нинг тартиби ФПКнинг 63-моддасида кўрсатилган.

ДАЛИЛЛАРНИНГ АЛОҚАДОРЛИГИ — ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ, далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади. ФПКнинг 58-моддаси ва ХПКнинг 32-моддасига мувофиқ, суд (хўжалик суди) иш учун аҳамият касб этадиган далил-исботларни қабул қилади.

ДАЛОЛАТЧИ — ЎзР ЖКнинг 28-моддасида белгиланган иштирокчиликнинг бир тури. Далолатчилик ўзга шахсни жиноят содир этишга ундаш ёки жиноий фаолиятда қатнашишга қизиқтиришда ифодаланади. Қизиқтириш Д.нинг бошқа шахсда жиноятни содир этишга ёки жиноий фаолият билан шуғулланишга иштиёқни шакллантиришга оид қуйидаги фаол ва ташаббускор хулқ-атвордан иборатдир: а) ҳаракат, сўз ва имо-ишора шаклини олган руҳий таъсир; б) инсон аъзоларининг ҳаракат шаклини олган жисмоний таъсир. Буларнинг ҳар иккиси ишонтириш ёки мажбурлаш орқали амалга оширилади.

ДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ — ЎзРда амалдаги қонунлар асосида фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш шарти. ЎзР Меҳнат кодексининг 1-моддасида белгиланишича, «Дам олиш вақти — ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан холи бўлган ва бундан у ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақтдир». Шунга асосан МК тегишлича

дам олишни ташкил этиш шартларини белгилаб берган. Унга кўра, дам олиш иш куни давомида, кундалик дам олиш (сменалар оралиғида), дам олиш кунлари, байрам кунлари дам олиш ва йиллик таътиллардан иборатдир. ЎзР Конституцияси 38-моддасининг «Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади» деган талаби ҳар бир соҳада амалга ошириладиган меҳнат фаолиятини таминлашда ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади.

ДАМНИФИКАЦИЯ — зарар кўриш.

ДАМПИНГ — қолдиқларни денгизга кўмиш, кемалар, учувчи аппаратлар, платформалар ёки денгизда қурилган бошқа сунъий иншоотлардан атайин ташлаб юбориш, шунингдек, кемалар, учувчи аппаратлар, платформалар ва бошқаларни ҳар қандай мақсадда йўқ қилиш. Кўпчилик давлатларнинг қонун ҳужжатлари давлат органларининг рухсатисиз Д.ни қатъиян тақиқлайди.

ДАРОМАД (ФОЙДА) СОЛИҒИ — ЎзРда амалга ошириладиган умумдавлат солиқларининг бир шакли. ЎзР СКнинг 6-моддасида кўрсатиб ўтилган. Шу кодекс бўйича ҳам юридик, ҳам жисмоний шахслар даромад солиғи тўлайдилар. СКнинг 44-моддасига кўра, молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ тўловчилар ҳисобланадилар. ЎзРда доимий яшаб турган ёки молия йилида бошланадиган ёки тугайдиган ўн икки ойгача бўлган исталган давр мобайнида 183 кун ёки ундан кўпроқ муддатда Ўзбекистонда яшаган жисмоний шахс ЎзРнинг резиденти ҳисобланади ва ЎзРдаги, шунингдек, ундан ташқаридаги фаолияти манбаларидан олинадиган даромадлари бўйича солиқ солинади. ЎзРнинг резиденти бўлмаган жисмоний шахсларга ЎзР ҳудудидаги фаолиятидан олинган даромадлар бўйича солиқ солинади.

ДАРОМАД КЕЛТИРАДИГАН ОБЛИГАЦИЯЛАР — компания фойда олган тақдирдагина фоизлари тўланадиган облигациялар; баъзи ҳолларда тўланмаган фоизлар тўпланиши мумкин ва облигация қопланадиган пайтда тўланиши лозим.

ДАСТЛАБКИ ДИВИДЕНД — пул маблағларининг акционерлик жамиятининг якуний йиллик баланси тузилиши ва қабул қилинишидан аввал тўланадиган қисми. Масалан, кўпчилик акционерлик жамиятлари дивидендларни ҳар чоракда тўлайдилар.

ДАСТЛАБКИ ОПЕРАЦИЯЛАР — ЎзР БКнинг 83-моддасига асосан, божхона расмийлаштируви бошланишдан олдинги ҳаракатлар Д. о. деб тушунилади. Шу модда талабларига кўра, божхона расмийлаштируви бошлангунча ва товарлар ҳамда транспорт воситалари муайян божхона режимига жойлаштирилгунга қадар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда дастлабки операциялар ўтказилади. Дастлабки операциялар пайтида божхона органлари олдидаги жавобгарлик ЎзР БКнинг 88-моддасида баён этилган бўлиб, жумладан, шундай дейилади: олиб кирилган товарлар ва транспорт воситалари муайян божхона режимига жойлаштирилгунига қадар, улар учун божхона органлари олдида ташувчи жавобгар бўлади. Д. о. ларнинг асосий тартиб ва қоидалари ЎзР БКнинг 8-бобида батафсил қайд этилган.

ДАСТЛАБКИ ОЧИҚ СУВ ЙЎЛИ — ўз вақтида ишга туширилган порт ёки сув ҳавзаларига кемаларнинг кириб келиши.

ДАСТЛАБКИ ШАРТНОМА — фуқаровий ҳуқуқий муносабатларда ўзига хос келишув шарти. ЎзР ФКнинг 361-моддасига асосан, дастлабки шартнома бўйича тарафлар келгусида мол-мулк бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ҳақида дастлабки шартномада назарда тутилган шартлар асосида шартнома тузиш (асосий шартнома) мажбуриятини оладилар. Дастлабки шартнома асосий шартнома учун белгиланган шаклда, борди-ю, асосий шартноманинг шакли аниқланмаган бўлса, ёзма шаклда тузилади. Дастлабки шартномаларнинг шарти тўғрисидаги қоидаларга риоя қилмаслик унинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

ДАСТХАТ — криминалистик тадқиқот объекти сифатида ҳамда кишилар томонидан ёзувларни ўзига хос ҳаракатлар орқали вужудга келтириш. Дастхатлар маълум бир белгилар асосида ўрганилади ва шу асосда идентификация қилинади. Умумий белгилар ва индивидуал белгилар. Яъни қандай қоғозга (девор, тахта, тош кабилар ҳам) ёзилганлиги, қандай буёқлар ишлатилганлиги, ҳарфларнинг ижроси, жумла ва матнларни маъноси каби белгилар дастхатларни тадқиқ этишда катта аҳамиятга эгадир. Рақамларнинг ижроси ҳам шулар жумласидандир.

ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИ (инглиз. Immunity, лот. Imminitas — нимадандир озод қилиш) — маълум доирадаги ҳуқуқ субъектларининг умумий ҳуқуқий нормалар таъсиридан озод қилишни билдирувчи умумҳуқуқий ибора. Халқаро ҳуқуқда, хусусан, давлатнинг дахлсизлиги ҳуқуқи, ҳарбий кемаларнинг дахлсизлиги ҳуқуқи, дипломатик дахлсизлик ҳуқуқи, давлатнинг денгиз савдо кемаларининг дахлсизлиги ҳуқуқи маълум.

Давлатнинг айрим даражадаги мансабдор шахсларининг конституциявий ҳуқуқда дахлсизлиги кўрсатилган. Парламент (депутатлик) дахлсизлиги ҳуқуқи, президентнинг дахлсизлик ҳуқуқи ва суд дахлсизлиги ҳуқуқларига ажратилади. Молиявий ҳуқуқда солиқ дахлсизлиги ҳуқуқи тушунчаси маълум.

ДАЪВО — бузилган ёки чекланган ҳуқуқни ёки қонун томонидан муҳофаза қилинадиган манфаатни суд (хўжалик суди) орқали ҳимоя қилиш воситаси. Д. нинг икки томони фарқланади: моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий. Биринчи ҳолатда сўз талабнинг мазмуни бўйича аниқланган фактлар ва фуқаролик, меҳнат, оила ҳуқуқининг юридик нормалари асосида қондириш имконияти тўғрисида бормоқда. Иккинчисида эса сўз — судга, суд қарорини олиш мақсадида мурожаат қилиш қонунийлиги тўғрисида бормоқда. Қонунда суд даъвони қабул қилишни рад қилиши, ишни юритувдан тўхтатиши ва даъвони кўрмасдан қолдириши мотивлари аниқ кўрсатилган. Даъвогар томонидан жавобгарга қилинаётган даъво характеридан даъвонинг тури аниқланади: у жавобгарга маълум бир ҳаракатларни содир қилишни мажбур этишга ёки ноқонуний ҳаракатларни (мол-мулкни қайтариш, зиённи қоплаш, неустойка, алиментни тўлаш, мол-мулкдан фойдаланишга халақит бериш) содир қилишдан сақланиб туришга; томонлар ўртасида ҳуқуқий муносабатларнинг бор-йўқлигини (шартномани тасдиқлаш ёки уни ҳақиқий эмас деб топиш) аниқлашга, ўзгартиришга (умумий мол-мулкдан ўзининг ҳиссасини ажратиб олиш) ёки ҳуқуқий муносабатларни тугатишга (умумий мол-мулкни бўлиш) йўналтирилган бўлиши мумкин. Даъвонинг уч элементи ишни ҳимоя қилиш ва уни ўрганиш характерини белгилаб беради: тақдим қилиш асослари, предмети ва мазмуни. Даъвонинг мазмуни — қонунда манфаатдор шахслар ўртасида ҳуқуқий муносабатларнинг юзага

келиши, ўзгариши ёки бекор бўлишини боғловчи ҳақиқий ҳолатлар. Даъвонинг предмети — низоли ҳуқуқий муносабат. Даъвонинг мазмуни — даъвогарнинг талаби.

ДАЪВО АРИЗАСИ — даъво билдиришнинг ташқи шакли. Д. а. қуйидаги белгиланган реквизитларга эга бўлиши керак: йўлланган суднинг номи, томонлар номи ва манзиллари, даъвонинг фактик асослари ва уларни тасдиқловчи далиллар, даъвонинг мазмуни ва нархи, илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати. Ариза жавобгарларнинг сони бўйича нусхалар билан берилади.

ДАЪВО АРИЗАСИ ҲАҚИДАГИ ФИКР — хўжалик процессуал қонунларига биноан (ЎзР ХПКнинг 59-моддаси), жавобгар иш қўзғатилганлиги тўғрисидаги ажримни олган кундан бошлаб, уч кундан кечиктирмай қуйидагиларни жўнатади: хўжалик судига — даъво аризасига билдирилган фикрга доир жавобни ва даъвога қарши эътирозларни тасдиқловчи барча ҳужжатларни; даъвогарга бошқа жавобгарларга, шунингдек процессда қатнашаётган прокурорга — жавоб нусхасини. Жавобни ташкилот раҳбари ёки унинг ўринбосари имзолайди. Жавобда: даъвогарнинг номи ва ишнинг тартиб номери; қонунларга, шунингдек, даъво аризаси рад этилишига асос бўлган далил-исботларга таянган ҳолда даъвогарнинг талабини тўла ёхуд қисман рад этиш сабаблари; жавобга илова қилинаётган ҳужжатлар ва бошқа далил-исботларнинг (шу жумладан, даъвогарга, бошқа жавобгарларга, прокурорга жавобнинг нусхалари юборилганлиги тўғрисида) рўйхати кўрсатилади.

ДАЪВО АРИЗАСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ РАД ЭТИШ — ЎзР ХПКнинг 61-моддасига мувофиқ, судья қуйидаги ҳолларда даъво аризасини қабул қилишни рад этади: ариза хўжалик судида ҳал этишга оид бўлмаса; хўжалик суди ижросида худди шу томонлар ўртасидаги, худди шу мавзудаги ва худди шу асослар юзасидан низо бўйича иш мавжуд бўлса ва суднинг қарори бўлса.

ДАЪВО БАҲОСИ — судда ёки хўжалик судида даъвогар талаб қилган мулкий талабларнинг пулдаги ифодаси. ЎзР хўжалик суди ҳақидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, Д. б. қуйидагича белгиланади: пулни ундириш даъвосида — ундириладиган пул миқдоридан келиб чиқиб; ижро ёки бошқа ҳужжат баҳслашилаётганда — баҳслашилаётган пул миқдоридан келиб чиқиб; мулк ҳуқуқи ва мулкни талаб қилиб олишда — мулкнинг баҳосидан келиб чиқиб. Д.б. даъвогар аризасида кўрсатилган жарима, (неустойка, пеня) миқдорини ҳам ўз ичига олади. Бир неча мустақил талабдан ташкил топган Д.б. ҳамма талабларнинг йиғиндиси бўйича аниқланади. Хорижий валютада берилган Д.б. белгиланган тартибда аниқланадиган сўмнинг хорижий валютага нисбатан бозор курси бўйича ҳисобланади. Даъвогар Д.б.ни нотўғри кўрсатган ҳолларда у хўжалик суди томонидан аниқланади.

ДАЪВО МУДДАТИ — фуқаролик ҳуқуқида шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддат. ФКнинг 150-моддасига кўра умумий Д. м. уч йил. Айрим турдаги талаблар учун қонунларда умумий даъво муддатига қараганда қисқартирилган ёки узайтирилган махсус Д. м. белгиланиши мумкин. Д. м. ва унинг ҳисобланиш вақти томонлар келишуви билан ўзгартирилиши мумкин эмас.

ДАЪВОГАР — судга, хўжалик судига ўзининг бузилган ёки топ-

талган ҳуқуқини ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун мурожаат қилувчи шахс. Фуқаролик процессида даъвогар — ўзининг ҳуқуқлари бузилган ёки топталган деб ҳисобловчи ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун фуқаролик иши қўзғатилган фуқаро ёки юридик шахс.

ДАЪВОЛАРНИНГ ҚЎШИЛИШИ — бир неча даъво талабларига доир ишни биргаликда юритувда кўриб чиқиш учун бирлаштирилиши. Д.қ. субъектив ва объектив бўлади. Субъектив Д. қ.да — процессуал бирга қатнашишда — бир даъвогарнинг бир неча жавобгарларга бир неча даъволари ёки бир неча даъвогарнинг бир ёки бир неча жавобгарга даъволари бирлаштирилади. Объектив Д. қ. бир даъвогарнинг бир жавобгарга бир неча талабларини кўриб чиқиш учун бирлаштирилишини билдиради. Фуқаролик судлов ишларини юритишда объектив Д. қ. агар бирлаштириладиган даъволар ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлса (масалан, никоҳни бекор қилиш ва вояга етмаган болалар учун алиментларни ундириш, турар жойга мулкчилик ҳуқуқини эътироф этиш ва жавобгарни ундан чиқариб юбориш), амалга оширилади. Бир неча талабларнинг биргаликда кўриб чиқилиши ҳақидаги масала судья томонидан даъво аризасини қабул қилиб олишда ҳал этилади. Судья, агар суднинг юритувида бўлган ишларнинг биргаликда кўриб чиқилиши уларнинг анча тез ва тўғри кўриб чиқилишига олиб келадиган бўлса, бир томон қатнашаётган ишларни бирлаштириши мумкин. Ҳакамлик иш юритувида даъвогарнинг бир даъво аризасида агар бир неча талаблар вужудга келиши асослари ёки тақдим этилган исботлари бўйича ўзаро боғлиқ бўлса, уларни бирлаштиришга ҳақлидир, масалан, яроқсиз чиқарилган маҳсулотлар қийматини қайтариш ва ёмон сифатли маҳсулотларни етказиб берганлик учун жарима тўлаш ва етказиб бериш муддати ўтказиб юборилганлиги сабабли бузилган маҳсулотлар қийматини қоплаш ҳақидаги талаблар. Д. қ. ҳакамлик судининг ташаббусига кўра ҳам амалга оширилиши мумкин: у ушбу ҳакамлик судига қарайдиган бир хилдаги ва бир томоннинг ўзи қатнашаётган бир неча ишларни бир юритувга бирлаштиришга ҳақлидир.

ДАЪВОНИ ТАЪМИНЛАШ — суд ёки хўжалик суди қарорининг кейинги реал ижросини таъминловчи тадбирлар мажмуи (ФПКнинг 24-боби, ХПКнинг IX боби).

ДЕБЕНТУРА, ДЕТЕКТУРА — божхонанинг божларни қайтариш ҳақидаги гувоҳномаси.

ДЕБЕТ — 1) икки томонлама жадвал шаклидаги бухгалтерлик ҳисобининг чап томони. Пул маблағлари, товар-моддий бойликлар (тайёр маҳсулот, тугалланмаган ишлаб чиқариш, материаллар, ёнилғи ва ҳ.к.) захираларининг аҳволи ва ҳаракатини қайд этишда фойдаланиладиган ҳисобварақларнинг Д. қисмида ҳар ойнинг бошидаги мавжуд ҳисобга олинадиган бойликлар ва ой давомида уларнинг келиб тушиши кўрсатилади. Маблағлар манбаларининг аҳволини ва ҳаракатини қайд этишда фойдаланиладиган ҳисобварақларнинг Д. қисмида маблағларнинг камайишига сабаб бўлувчи хўжалик операциялари ифодаланади. Бухгалтерия ҳисобида ҳар бир операция бир хил суммада икки ўзаро боғлиқ ҳисобварақда икки бор ёзилади, яъни бир ҳисобварақнинг Д.да ва бошқасининг кредитида; 2) юридик ва жисмоний шахслар ўртасида бўладиган хўжалик муносабатлари натижасида тўланиши ёки олиниши лозим бўлган

сумма. Д. активда ҳисобга олинадиган сумманинг кўпайиб бораётганлигини; пассивда — камайиб бораётганлигини билдиради.

ДЕБЕТ МЕМОРАНДУМИ — 1) муайян сотувчига мос келувчи ҳисобварағи пул олиш учун дебетланганлигидан хабардор қилишда фойдаланиладиган ҳужжат; 2) банкнинг омонатчига унинг банкдаги ҳисобварағи муайян ҳодисалар туфайли (м-н, банк хизмати учун ажратмалар натижасида) камайганлигидан дарак берувчи ҳужжат.

ДЕБЕТ ҚОЛДИҒИ — 1) қарз; 2) АҚШда — молиявий қурол ёки товар харид нархининг брокер мижозга берадиган кредит ҳисобидан тўланган қисми.

ДЕБЕТ-НОТА — ҳисоб-китоб муносабатларидаги томонлардан бирининг муайян суммани талаб қилиш ҳуқуқини юзага келтирувчи қандайдир ҳолат пайдо бўлганлиги сабабли ҳисобварақ дебетига сўнгги муайян сумма ёзилганлиги тўғрисида бошқасига юборадиган хабарли ҳисоб ҳужжати. Д.-н. юборилган томон, эътирози бўлмаган тақдирда, кредит нота юбориш орқали тўлашга розилигини билдиради.

ДЕБИТОР — 1) корхона, ташкилот ёки муассасадан пул ёки мулк кўринишидаги қарзи бўлган юридик ёки жисмоний шахс; 2) фуқаролик ҳуқуқида айнан *қарздор*.

ДЕБИТОР ҚАРЗДОРЛИК — бирлашма, корхона, ташкилот, муассаса юридик ёки жисмоний шахслар билан бўлган ўзаро хўжалик муносабатлари натижасида улардан олиши лозим бўлган қарз суммаси. Д.қ. нормал хўжалик фаолияти жараёни билан ёки молиявий, ҳисоб-китоб ёки тўлов интизомининг бузилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Муайян корхона оборотидан маблағларни ажратиш ва улардан дебиторларнинг фойдаланишида намоён бўлади. Хўжалик фаолиятида нормал (қонуний) ва муддати ўтказиб юборилган Д.қ. фарқланади.

ДЕВАЛЬВАЦИЯ — 1. Миллий валюта қийматининг жаҳон пул стандартига нисбатан пасайиши. 70-йиллар охиригача миллий валютанинг қиймати мамлакат пул бирлигига келадиган олтин миқдори билан, кейинчалик эркин алмашадиган валютага, ХВФ аъзолари бўлган мамлакатлар учун эса — *махсус олиш (заимствование) ҳуқуқига* (СДР) нисбатан расмий курси билан белгиланган. 2. Валюта расмий курсининг пасайиши; валютани инфляциядан кейин барқарорлаштириш усули: ошкора девальвация — қадрсизланган қоғоз пулларни муомаладан чиқариш ёки олтин билан пулларнинг ҳақиқий қадрсизланишига мос келадиган курс бўйича алоқасини у ёки бу даражада сақлаб қоладиган барқарор кредит пулларга алмаштириш; яширин девальвация — давлатнинг пул бирлигига мос келадиган олтин миқдорини қоғоз пулларнинг қадрсизланишига мувофиқ тарзда пасайтириши (бунда аввалги қоғоз пуллар муомалада қолаверади). Халқаро молиявий амалиётда ўзгарувчан курсга ўтиш муносабати билан тўлов баланси дефицитини бартараф этиш усули сифатида Д.нинг аҳамияти халқаро савдода ишлатиладиган асосий валюталар курсларининг вақт-вақти билан кескин ўзгариши натижасида пасаймоқда.

ДЕВИАЦИЯ (лот. — оғиш) — денгиз кемасининг шартномада белгиланган ёки одатдаги йўналишдан оғиши. Д.нинг стандарт ҳолларига одамларни, кемани қутқариш, кемадаги шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш кабилар киради. Инглиз-америка шартнома ҳуқуқида шартноманинг муҳим талабларидан чекиниш ҳам тушунилади.

Мақсадлар ва йўлдош ҳолатларга қараб, Д. буюртмачининг етказилган зарар ҳамда юк ташиш мажбуриятини бажариш муддатини ўтказиб юборганлик учун жавобгарлигига сабаб бўлувчи ҳаракат сифатида ҳам, юк ташувчини жавобгарликдан халос қилувчи ҳолат сифатида ҳам тушунилиши мумкин. Коносамент, чартер, суғурта полиси кабиларда одатда Д. имкониятини назарда тутувчи *девиация изоҳи* бўлади. Девиация изоҳи бўлганда юкка етказилиши мумкин бўлган зарар учун фақат суғуртачи жавоб беради.

ДЕВИЗА — халқаро ҳисоб-китоблар учун мўлжалланган хорижий валютадаги тўлов маблағи. Банкларнинг Д.лар билан бўладиган битимлари асосан ташқи савдо, капитал ҳаракати, қисман халқаро туризм ва бошқа носавдо тўловлари бўйича ҳисоб-китоблар муносабати билан амалга оширилади. Девизаларга қуйидагилар киради: хорижий банкка ўтказиладиган пул, чек ва аккредитив; хорижда тўланиши лозим бўлган тўлов талабномаси, тўлов топшириғи, вексель, шунингдек, хорижий банк чипталари (банкнотлар) ва тангалар.

ДЕВОЛЮЦИЯ (инг.л.) — Буюк Британия ва баъзи бир бошқа мамлакатларнинг конституциявий-ҳуқуқий амалиётида марказий ҳукумат органларининг бир қисм ваколатларини маъмурий-ҳудудий бирликлардаги ҳокимият органларига бериши. Бунда ҳукумат барча соҳалардаги сиёсат ва қонунчиликнинг асосий йўналишлари учун масъулиятини сақлаб қолади. **Қонунчилик** Д.си (баъзи масалалар бўйича қонун чиқариш ҳуқуқини минтақаларга бериш) ва **маъмурий** Д. (минтақавий органларга марказ қабул қилган қонунлар ва сиёсатни мазкур маъмурий-ҳудудий бирликда амалга ошириш ҳуқуқини бериш) фарқланади.

ДЕВОН (форс. — канцелярия, жамланадиган жой) — ўрта асрларда мусулмон мамлакатларида солиқ-молия идораси. Усмон халифалигида ва баъзи бир бошқа мамлакатларда — давлат қошидаги кенгаш. Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларининг айримларида — маъмурий ва суд ишлари бўйича ҳукумат муассасалари.

ДЕЗЕРТИРЛИК (лот. desertio — ёрдамсиз қолдириш, қочиш) — ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноят бўлиб, ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлаш мақсадида қисмни ёки хизмат жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, шунингдек, ўша мақсадда хизматга келмасликда намоён бўлади. Агар Д. оғир шароит оқибатида юзага келган бўлса, уни биринчи бор содир этган ҳарбий хизматчи жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин. Уруш вақтида ушбу ҳарбий жиноят учун айниқса, қаттиқ жазо назарда тутилган.

ДЕКАН (лот. decanus, дастлаб — ўн кишининг бошлиғи) — олий ўқув юртида факультет раҳбари. Қоида тариқасида, факультет профессорлари, ўқитувчилари ва илмий ходимлари томонидан сайланади.

ДЕКЛАРАНТ — божхона ҳуқуқида товарларни ўтказувчи шахс ёки товарларни ва транспорт воситаларини декларация қилувчи, тақдим этувчи ва ўз номидан кўрсатувчи *божхона брокери* (воситачи). Д. фақат ўзбекистонлик шахс бўлиши мумкин, жисмоний шахсларнинг ЎзР божхона чегараси орқали нотижорат мақсадида товарлар олиб ўтиши ва ЎзР БКда белгиланган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

ДЕКЛАРАЦИЯ (фр. declaration — баёнот) — 1) Конституциявий ҳуқуқда алоҳида сиёсий-юридик ҳужжатларнинг уларга тантанали хусусият бериш, уларнинг тегишли давлат тақдири учун катта аҳамия-

тини таъкидлаш мақсадига эга бўлган номи (м-н, *ЎзРнинг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларация, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси*). Норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлмиш Д.нинг ўзига хос жиҳати шундаки, улардаги қоидалар ўта умумий, номуайян хусусиятга эга бўлиб, қўшимча равишда қонун билан тартибга солишни талаб этади. 2) Халқаро ҳуқуқда томонлар билан келишилган қоидалар ва мақсадларни ифодаловчи тантанали ҳужжат. Мажбурий хусусиятга эга эмас. Одатга айланганлиги сабабли давлатлар учун мажбурий бўлиб қолган 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бундан мустасно.

ДЕКЛАРАЦИЯ БЕРИШ — божхона ҳуқуқида божхона органига чегара орқали ўтказилаётган товарлар ва транспорт воситалари ҳақида қонунда белгиланган шаклда баёнот бериш. Д.б. товарлар ва транспорт воситалари, уларнинг божхона режими ва божхона мақсадлари учун зарур бўлган бошқа маълумотлар ҳақидаги аниқ маълумотларни белгиланган (ёзма, оғзаки, маълумотларни электрон қурилма орқали узатиш ва бошқа) шаклда баён этиш орқали амалга оширилади.

ДЕКОРТ — товар баҳосини муддатидан олдин тўлаганлик учун бериладиган имтиёз (чегирма). Товар етказиб бериш тўғрисидаги битимда назарда тутилганидан пастроқ сифатга эга (ёки бошқача намунада) бўлганда ҳам қўлланилади.

ДЕКРЕТ (лот. decretum — фармон, қарор) — умумий ёки хусусий норматив ҳужжатнинг номи. Биринчи бор «Д.» термини Қадимги Римда пайдо бўлди. Собиқ СССРда 1936 йилгача давлат ҳокимиятининг олий органлари чиқарган энг муҳим ҳужжатларнинг номи. Ҳозирги Францияда Д. президент ва бош вазир томонидан чиқарилади, бунда президент Д.лари бош вазир ёки тегишли вазир ўз имзоси билан тасдиқлаганидан кейингина юридик кучга эга бўлади. Африканинг Франция конституциявий тизимини қабул қилган бир қатор давлатларнинг президентлари ҳам Д. чиқарадилар. Англо-саксон ҳуқуқий тизими мамлакатларида суд қарорларининг баъзи турлари Д. деб аталади.

ДЕКРЕТ ВАҚТИ — минтақа вақти плюс бир соат; ёзги вақтдан фарқли ўлароқ, бундай ошириш йил давомида доимий сақланади.

ДЕКРЕТ ТАЪТИЛИ — ҳомиладорлик ва фарзанд туғилиши муносабати билан бериладиган таътилнинг турмушда баъзан ишлатиладиган номи.

ДЕКРЕТ-ҚОНУНЛАР — Италия, Испания ва баъзи бир бошқа мамлакатларда «ўта зарур ва шошилинч ҳолларда» ҳукумат томонидан унинг жавобгарлиги остида қабул қилинадиган ва қонун кучига эга бўлган вақтинчалик ҳужжатларнинг номи. Д.-қ. чиқарилган ҳолларда ҳукумат уни дарҳол парламентга кейинчалик тасдиқлаш учун тақдим этиши шарт. Ҳукумат чиқарган Д.-қларни парламент муайян вақт мобайнида (Италияда — чоп этилганидан кейин 60 кун давомида) тасдиқламаса, улар чиқарилган пайтидан бошлаб ўз кучини йўқотади. Корея, Словения ва бир қатор бошқа мамлакатларда худди ана шу шартларда президентлар томонидан чиқарилиши мумкин.

ДЕКУВЕР — мулк баҳоси ва суғурта суммаси ўртасида суғурта қилинувчи шахс тавакkалига қолдирадиган фарқ.

ДЕЛИКТ (лот. delictum — бузиш, айб) — айнан *айб* (фуқаролик,

маъмурий, интизомий ҳуқуқбузарлик); «Д.» терминининг ўзи Ўзбекистон қонунчилигида қўлланилмайди, аммо илмий-ҳуқуқий адабиётларда кенг фойдаланилади. Қ.: *Ҳуқуқбузарлик.*

ДЕЛИКТ ЖАВОБГАРЛИГИ (ШАРТНОМАВИЙ БЎЛМАГАН) — фуқаролик ҳуқуқида бир шахснинг фуқаролик ҳуқуқбузарлиги *(деликт)* натижасида бошқа шахсга мулкий зарар етказиши туфайли юзага келадиган жавобгарлик.

ДЕЛИКТ МАЖБУРИЯТИ — айн. *Зарар етказиш натижаси бўлган мажбуриятлар.*

ДЕЛИКТ ҚОБИЛИЯТИ — фуқаронинг ўз ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари билан етказган зарари учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни зиммасига олиш қобилияти. Бир қатор Д.қ.ларига «муомала лаёқати» тушунчасининг қисми сифатида қаралади.

ДЕЛИНКВЕНТ (лот. delinquens — айб содир этувчи) — ҳуқуқбузар; ҳуқуқда ижтимоий қоидалардан оғувчи хулқли шахслар (жиноятчилар ва б.)ни ифодалаш учун ишлатиладиган термин.

ДЕЛЬКРЕДЕРЕ (итал. del credere — ишончдан, ишониб) — фуқаролик ҳуқуқида комиссия шартномасининг шарти бўлиб, унга кўра комиссионер алоҳида мукофот эвазига учинчи шахснинг битимни бажариши учун масъулиятни (олувчи комитент олдида) зиммасига олади. Шундай қилиб, зиммасига Д. олувчи комиссионер нафақат товарлар сотади, балки харидор тўловга қобилятсиз бўлганда ҳам уларнинг тўланишини кафолатлайди.

ДЕЛЬТА — опционда кўрсатилган акция нархи ўзгарганда опцион баҳоси тегишли равишда ўзгарадиган сумма. Харид опционлари ижобий Д.га, сотув опционлари эса салбий Д.га эга бўлади. Қимматбаҳо қоғозлар опционида кўрсатилган нархи арзимас даражада ўзгарганда ҳам Д. ўзгариши мумкин. «Юқорига дельта» ва «пастга дельта» терминлари опцион нархининг қимматбаҳо қоғозлар опционида кўрсатилган нархнинг ё кўтарилиш томон, ё пасайиш томон битта тўла пунктга ўзгариши муносабати билан ишлатилади. Харид опциони учун юқорига дельта пастга дельтадан кўпроқ, сотув опциони учун эса аксинча бўлиши мумкин. Д. кўрсаткичи — 1 дан 0 гача бўлган каср сон. Д. зарур миқдордаги мажбуриятларнинг реал товар бозорида кўчиши учун зарур бўлган опционлар сонини ҳисоблашга имкон беради.

ДЕМАРШ (фр. demarshe) — бир давлат ташқи алоқа органларининг бошқа давлатга нисбатан фавқулодда чиқиши. Д. турли дипломатик актларда — баёнот, нота, меморандум йўллашда, дипломатик вакилни чақириб олишда ва бошқаларда ифодаланиши мумкин. Қоида тариқасида, Д. юзага келган халқаро масалани нормал дипломатик иш тартибида ҳал этиб бўлмаганда ёки бу масалани ҳал этиш учун кечиктириб бўлмас чоралар талаб этилганда амалга оширилади. Д.нинг мазмунини илтимос, норозилик, талаб, таклиф ва шу кабилар ташкил этади. Д. халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган қоидаларига риоя этган ҳолда амалга оширилиши керак.

ДЕМЕРЕЖ (инг. demurrage) — *фрахт қилувчи*нинг кема эгасига кема юклаш-тушириш ишларини бажаришга денгиз орқали ташиш шартномасида назарда тутилганидан ортиқча вақт сарфлаб, туриб қолганлиги учун тўлаши лозим бўлган пул суммаси. Д. ставкаси одатда чартерларда назарда тутилади — туриб қолинган ҳар бир кун ёки тегишли равишда

унинг қисми учун ёхуд кема сиғимининг ҳар бир тоннаси учун кунига маълум миқдордаги пул тўланади. «Д.» термини орқали бир қатор ҳолларда кеманинг сталий вақтидан фойдалангандан сўнг кемага юк ортиш ва тушириш тугаллангунча юк операциялари учун оддий ушланиб қолиш вақти ифодаланади.

ДЕМОКРАТИЯ (юн. — халқ ҳокимияти) — ҳозирги тушунишда давлат тузилишининг конституция ва қонунларнинг устунлиги, халқ ҳокимиятчилиги ва сиёсий плюрализм, фуқароларнинг эркинлиги ва тенглиги, инсон ҳуқуқларининг ажралмаслиги принципларини эътироф этишга асосланган шакли. Уни амалга ошириш шакли бўлиб *ҳокимиятлар бўлиниши*, халқ вакиллигининг ривожланган тизими мавжуд бўлган республика бошқаруви майдонга чиқади. Давлат сиёсий тузилишининг шакли сифатида Д. давлатнинг (Қадимги Афинанинг) пайдо бўлиши билан юзага келган. Ҳозирги жамиятда Д. камчилик ҳуқуқини ҳимоя қилган ҳолда кўпчиликнинг ҳокимиятини, асосий давлат органларининг сайланишини, фуқаролар ҳуқуқлари ва сиёсий эркинликларининг мавжудлигини, уларнинг тенг ҳуқуқлилигини, қонуннинг устунлигини, конституционализм ва ҳокимиятнинг бўлинишини билдиради. *Бевосита* Д. (асосий қарорлар барча фуқаролар томонидан референдум, йиғин кабиларда қабул қилинади) ва *билвосита* Д. (қарорлар сайлаб қўйиладиган муассасалар — парламентлар ва бошқалар томонидан қабул қилинади) фарқланади. Д. институтлари *ҳуқуқий давлатда* тўла ривожланади.

Қадим даврлардан бери Д. адолатли жамият қурилишининг идеали бўлиб келган. Турли даврларда ва турли халқларда шу каби давлат қурилиши ғоялари пайдо бўлган. Ўзбекистон халқлари тарихида демократик ўзгаришларнинг ўз назарияси ва амалиёти бўлган. Ватанимиз тарихидаги демократик оқимларнинг яққол мисоли сифатида сунъий суғориш тизимининг энг мақбул фаолият кўрсатиши (ишлаб чиқаришнинг осиёча усули) ва қишлоқ хўжалигида даромадларни тенг тақсимлаш принциплари асосида халқ ҳокимияти ғояларини ривожлантиришга интилган Маздак қўзғолонини, Форобийнинг фозил одамлар шаҳри ғоясини, Ибн Синонинг узоқ умр кўрувчиларнинг адолатли шаҳри-давлати ғоясини, Темурийлар даврининг кўпгина ҳоқонларига (Мирзо Улуғбек, Бобур, Акбар) катта таъсир кўрсатган Ибн Халдун назарияларини келтириш мумкин.

Ҳозирда демократик тизимлар бир-биридан анча фарқ қилади, аммо уларда тараққиётнинг умумий асоси мавжуд: инсон ҳуқуқларини тан олиш ва халқаро андозалар миқёсида рўёбга чиқариш; демократик, ҳуқуқий ва дунёвий давлат принципларини амалга ошириш; Конституциянинг устуворлиги; кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм, экстремизмнинг сиёсий, диний ва бошқа турларига суянмайдиган, жамиятда ижтимоий, миллий ва диний душманлик уруғини сочмайдиган сиёсий партиялар фаолиятининг эркинлиги; ҳокимиятларнинг тақсимланиши принципи давлат ҳокимияти фаолият кўрсатишининг қатъий чегараланганлиги; фуқаронинг давлат олдида, давлатнинг эса фуқаро олдида мажбуриятларга эга эканлиги; келишув, компромис ва консенсус сиёсий-ҳуқуқий механизмининг мавжудлиги; ижтимоий низоларнинг олдини олишнинг, барқарорлик ва миллий келишувни қўллаб-қувватловчи ҳуқуқий механизмнинг мавжудлиги; фуқароларнинг сиёсий жараёндаги фаол иштироклари ва давлат ҳокимиятининг олий идоралари ҳамда

маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари шаклланишида сайловчиларнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги.

ЎзР Конституцияси мамлакат демократик тараққиётининг стратегик йўналишларини, инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини халқаро андозалар миқёсида белгилаб беради, халқаро ҳуқуқ устунлигини, ҳокимиятлар тақсимланишини, давлатнинг асосий муассасалари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларининг сайланишини, кўппартиявийликни, мафкуравий плюрализмни ўзида акс эттиради.

ДЕМОНЕТИЗАЦИЯ — қимматбаҳо металлар (кумуш ва олтин)нинг пул функцияларини йўқотиши. Кумуш ўзининг пул функциясини XIX асрнинг охиридаёқ, олтин эса XX аср ўрталарига келиб йўқотди. Халқаро валюта фондининг низомида Д. халқаро ҳуқуқ жиҳатидан мустаҳкамлаб қўйилди. 1978 йил 1 апрелдан бошлаб олтиннинг расмий нархи ва ушбу ташкилот аъзолари ўртасида олтин билан ҳисоб-китоб қилиш бекор қилинди. Аслида кредит пуллари бундан анча аввал олтинни ички ва халқаро муомаладан сиқиб чиқарган эди.

ДЕМПИНГ (инг. dumping — ташлаб юбориш) — товарни ташқи бозорда ички бозордагига қараганда пастроқ нархда сотиш. Д. товарлар адолатли рақобат қоидаларини бузганлиги ва маҳаллий корхоналарга зарар келтирилганлиги туфайли Д. амалиёти халқаро савдода фаол иштирок этувчи мамлакатларда ҳар томонлама қораланган. Давлат адолатли нархларга қараганда паст баҳода сотилаётган ва импорт қилувчи мамлакат тармоғига моддий зарар етказаётган товарлардан антидемпинг божи олишга ҳақлидир.

ДЕНАЦИОНАЛИЗАЦИЯ — *национализацияга* қарама-қарши жараён бўлиб, давлат мулкини (саноат корхоналари, банклар, ер майдонлари, акциялар ва ш.к.ни) хусусий шахсларга мулк қилиб беришни билдиради. Одатда, давлат мулкини сотиш йўли билан амалга оширилади. Бунда собиқ мулкдорларга харид учун муайян имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилиши мумкин. Жузъий Д. — давлат компаниялари акцияларининг бир қисмини сотиш бўлиб, бунда ушбу компаниялар мулки аралаш мулкка айланади. Одатда (ҳар доим бўлмаса-да) ушбу термин илгари национализация қилинган мулкни (давлатнинг ўзи яратган мулкни эмас) сотишни билдиради. «Д.» термини, шунингдек, ЎзРда ишлатилаётган ва маъноси жиҳатдан унга яқин бўлган *«хусусийлаштириш»* тушунчасидан фарқ қилади. Агар «Д.» мулкнинг фақат давлат (умуммиллий) мулкидан чиқишини билдирса, хусусийлаштириш ҳам давлат, ҳам муниципал мулкка нисбатан амалга оширилиши мумкин.

ДЕНГИЗ МУҲИТИНИ ИФЛОСЛАНТИРИШ — ЎзР ЖКнинг 204-моддасида назарда тутилган экология жинояти. Денгиз муҳитидан тўғри фойдаланишга халақит берувчи ёхуд денгиз тирик жонзотлари захиралари ва инсон саломатлиги учун денгизда қурилган сунъий иншоотлар ёки транспорт воситасидан чиқариладиган зарарли материал ва моддаларни кўмиш (йўқ қилиш) қоидаларини бузиш оқибатида ёки денгиз муҳитини қуруқликда бўлган манбалардан ифлослантириш ушбу жиноятнинг объектив томонини ташкил этади. Оқибатларининг оғирлиги ва бошқа шароитларига қараб маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида қаралиши ҳам мумкин.

ДЕНГИЗ ОРҚАЛИ ТАШИШНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ — юкларнинг денгиз орқали ташилишини қайд этиб борувчи савдо ва товар кузатувини ҳужжатларда акс эттириш.

ДЕНГИЗ РЕЙДЛАРИ — кемаларнинг қирғоқ ёки портлар яқинидаги тўхташ жойлари. У ерда кемалар қирғоққа яқинлашадилар ва капитанлари юк, йўловчилар билан боғлиқ масалаларни ҳал этадилар. Агар рейд портга яқин жойларда ёки денгизнинг узоқ чизиқларига, портларнинг сув иншоотларига яқин бўлса, у сувлар ҳудудий сувлар дейилади. Кемалар юк ортиш ёки улардан юк тушириш ва кемаларни тўхтаб туриши мақсадида фойдаланадиган сувлар умуман ёки қисман ҳудудий сувлар таркибига киради.

ДЕНГИЗДА ЧИҚИНДИЛАРНИ КЎМИШ — денгизда кемалар, учувчи аппаратлар, платформалар ёки бошқа сунъий қурилган ҳар қандай конструкциялардан чиқадиган чиқиндилар ва бошқа матариаллар ажралишини олдиндан мўлжаллаш: денгизда кемалар, учувчи аппаратлар, платформаларни ёки бошқа сунъий қурилган ҳар қандай конструкцияларни йўқ қилишни мўлжаллаш. Кемалар, учувчи аппаратларни нормал ишлаши натижасида чиқиндилар ажралиши кўмиш бўлиб ҳисобланмайди. Кўмиш денгиз ҳудуди, иқтисодий зоналар, континентал шельфдаги соҳил давлатининг розилигисиз амалга оширилиши мумкин эмас. Кеманинг давлат байроғи кема ва учувчи аппаратга нисбатан тегишли халқаро нормалар ва миллий қонунларнинг қўлланилишини таъминлайди (БМТнинг денгиз ҳуқуқи бўйича Конвенциясининг 1, 210, 216-моддалари). Денгизда чиқиндиларни кўмишга тааллуқли нормалар 1972 йилдаги чиқиндилар ва бошқа материалларни чиқариш билан денгизни ифлослантиришнинг олдини олиш бўйича Конвенцияда ҳам ўз аксини топган.

ДЕНГИЗЧИ ПАСПОРТИ — баъзи давлатларда айнан денгизчилик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга берилади. Д. п. тегишли давлатда ва бошқа давлатларда ҳам, сузиш жараёнида шахсни тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

ДЕНДРОЛОГИЯ ПАРКЛАРИ ВА БОТАНИКА БОҒЛАРИ — Д.п. ва б.б. ҳудудлари фақат уларнинг тўғридан-тўғри вазифаларини бажариш учун мўлжалланади, бунда ер майдонлари дендрология парклари, ботаника боғлари, шунингдек, Д.п. ва б.б. қарашли бўлган илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларига муддатсиз (доимий) фойдаланиш учун берилади.

ДЕНЕЖ — юкларнинг терлаш, ишқаланиш, юк жойларининг сурилиши оқибатида бузилишдан сақлаш мақсадида уларни ажратиш учун ишлатиладиган турли материаллар. *Чартерларда* одатда, денеж харажати кимнинг ҳисобига ёзилиши — фрахт қилувчигами ёки ташувчигами — белгилаб қўйилади.

ДЕНОМИНАЦИЯ — пул муомаласини тартибга солиш ва миллий валютага кўпроқ салмоқ бериш мақсадида (унинг номини ўзгартирмаган ҳолда) мамлакат пул бирлигини йириклаштириш. Кўпинча Д.нинг асосий сабаби инфляция шароитида пул муомаласини техник жиҳатдан таъминлаш (пул бирликларини босиб чиқариш, турли купюралар ўртасидаги зарур муносабатга риоя этиш, йирик номиналларни майдалаш учун тангаларни тайёрлаш ва ҳ.к.)нинг қийинлигидадир.

ДЕПАРТАМЕНТ (фр. departement) — 1) Францияда ва бир қатор бошқа мамлакатларда асосий маъмурий ҳудудий бирлик; 2) баъзи давлатларда (м-н, АҚШ, Швейцария, ЎзРда) — идора ёки вазирлик ёхуд уларнинг бўлинмалари номи.

ДЕПОЗИТ (лот. depositum — сақлаш учун берилган буюм) — 1)

банк ва жамғарма кассаларига қўйилган муддатли, талаб қилиб олингунча, шартли омонатлар; 2) мижозларнинг банк дафтарларидаги банкларга қиладиган муайян талабини тасдиқловчи ёзувлар; 3) кредит муассасаларига сақлаш учун бериладиган қимматли қоғозлар (акция ва облигациялар); 4) божлар ва йиғимларнинг тўланишини таъминлаш учун божхона муассасаларига бериладиган бадаллар; 5) даъво, судга келишни таъминлаш учун суд ва маъмурий муассасаларга бериладиган пул суммалари шаклидаги бадаллар.

ДЕПОЗИТ ИНСТИТУТЛАР — пул маблағларини очиқ депозит ҳисобварақларига ўтказиш орқали сафарбар қиладиган молиявий муассасалар. Д.и.дан фарқли ўлароқ, нодепозит муассасалар маблағларни суғурта полисларини сотиш, пенсия бадалларини қабул қилиш, қимматбаҳо қоғозларни сотиш каби йўллар билан жалб этади.

ДЕПОЗИТ КАССА — банк, бошқа кредит ташкилоти, бюджет ташкилотидаги депозитларни қабул қилиш ва сақлашга хизмат қиладиган бўлинмаси. Бунда пул депозитлари (омонатлар) банкларнинг оборотида иштирок этади, яъни даромад келтирадиган активларга жойлаштирилади. Д.к.да қимматбаҳо қоғозлар (акция ва облигациялар) даъво, судга келиш кабиларни таъминлаш учун суд ва маъмурий муассасаларга тўланадиган пул бадаллари сақланади. Бюджет муассасаларининг Д.к.лари муассасаларнинг вақтинчалик тасарруфига келиб тушадиган ва қайтарилиши ёки муайян шароитлар юзага келганда (суд қарорларининг чиқарилиши, беморларнинг касалхоналардан чиқарилиши) тегишлигига қараб корхоналар, ташкилотлар, жисмоний шахсларга берилиши лозим бўлган пул суммалари ва қимматбаҳо қоғозларни вақтинчалик сақлашда фойдаланилади.

ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАР — *кредит ташкилотларининг* юридик ва жисмоний шахслар пул маблағларини омонатларга жалб этиш ва уларни жойлаштириш бўйича операциялари. Пассив ва актив Д.о. фарқланади. Пассив Д.о. — банк ресурсларининг асосий турлари. Актив Д.о. — банклардаги вақтинча бўш турган ресурсларнинг бошқа кредит муассасаларига жойлаштирилишини акс эттиради. Уларнинг турларидан бири — банкларнинг депозитларни Марказий банкка ўтказиши бўлиб, бу пул-кредит бошқарувининг ва клиринг ҳисоб-китобларининг асоси бўлиб хизмат қилади. Д.о. соҳасига бозорда муомалада бўлган қарз мажбуриятлари, депозитлар, сертификатлар, векселлар ва шу кабилар киради. Ушбу мажбуриятлар пул маблағларини банк ресурсларига жалб қилишдан иборат одатдаги вазифалардан ташқари, бозор воситаси (инструменти) ёки муомала ва тўлов воситаси вазифасини ҳам бажаради ҳамда бу билан тижорат кредитидан фойдаланиб ҳисоб-китобларни амалга оширишга имкон беради ва айни пайтда кредит ресурсларининг мультипликатори эффектини таъминлайди. Инфляция шароитида Д.о. актив ва пассив операциялар бўйича даромадлар ва харажатларда мувозанатни ҳамда жорий қадрлиликни таъминлаш учун кредит муассасаларидан мослашувчан фоиз сиёсати ўтказишни талаб этади. Банкларнинг фаол Д.о.ни амалга ошириши имкониятдаги йўқотишларни қоплаш учун захира жамғармалар ташкил этишни талаб қилди.

ДЕПОЗИТАР ТРАСТ-КОМПАНИЯ — бир қатор хорижий мамлакатларда брокерлар, дилерлар ва банкларга тегишли бўлган мустақил корпорация бўлиб, қуйидаги функцияларни бажаради: а) брокерлар,

дилерлар ва банк муассасаларига тегишли депозит қимматбаҳо қоғозларга эгалик қилади; б) фойдаланувчилар ўртасида уларнинг ҳисобварақларини дебетлаш ва кредитлаш орқали қимматбаҳо қоғозларнинг олинишини ва етказиб берилишини таъминлайди; в) тузилган битимлар бўйича фойдаланувчилар ўртасида тўловларнинг амалга оширилишини таъминлайди. Бундай компаниялар одатда *опционларнинг* сотувчилари томонидан фойдаланилади. Чунки агар эгаси Д.т.-к. бўлган қимматбаҳо қоғозлар бошқа шахсга берилган бўлса, улар мазкур қимматбаҳо қоғозларнинг етказиб берилишини кафолатлайди.

ДЕПОЗИТАР ФАОЛИЯТ — қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги профессионал фаолият турларидан бири. Д.ф. сифатида қимматбаҳо қоғозлар сертификатларини сақлаш ҳамда (ёки) қимматбаҳо қоғозларга бўлган ҳуқуқларнинг бировга ўтишини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатиш тан олинади. Қимматбаҳо қоғозлар бозорининг Д.ф.ни амалга оширувчи профессионал иштирокчиси *депозитарий* деб аталади. Фақат юридик шахсгина депозитарий бўлиши мумкин. Депозитарийнинг қимматбаҳо қоғозларни сақлаш ва (ёки) қимматбаҳо қоғозларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматларидан фойдаланадиган шахс *депонент* деб аталади. Депозитар ва депонент ўртасида тузилган ва уларнинг Д.ф. жараёнидаги муносабатини тартибга соладиган шартнома *депозитар шартнома* (депо ҳисобварағи ҳақидаги шартнома) деб аталади.

ДЕПОЗИТАР ШАРТНОМА (депо ҳисобварағи ҳақидаги шартнома) — *депозитарий* ва *депонент* ўртасида тузиладиган ва *депозитар фаолият* жараёнида уларнинг муносабатини тартибга соладиган шартнома. Д.ш. ёзма шаклда тузилиши керак. Депозитарий тузилган Д.ш.нинг ажралмас таркибий қисми бўлган депозитар фаолиятни амалга ошириш шартларини тасдиқлашга мажбур. Д.ш.ни тузиш депонентнинг қимматбаҳо қоғозларига бўлган эгалик ҳуқуқининг депозитарийга ўтишига олиб келмайди. Депозитарий депонентнинг қимматбаҳо қоғозларини тасарруф этиш, бошқариш ёки депонент номидан қимматбаҳо қоғозлар билан ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас. Д.ш.да назарда тутилган ҳолларда депонентнинг топшириғи бўйича ишларни бажариш бундан мустасно. Депозитарий депонент билан Д.ш. тузишни унинг қимматбаҳо қоғозлар билан мустаҳкамланган лоақал битта ҳуқуқидан воз кечиши билан боғлашга ҳаққи йўқ. Депозитарий мажбуриятлари бўйича тўловлар депонентларнинг қимматбаҳо қоғозларига қаратилиши мумкин эмас. Агар бир депозитарийнинг депоненти бошқа депозитарий бўлса, улар ўртасида тузилган Д.ш. қонунларда назарда тутилган ҳолларда депозитарий-депонентда, шунингдек, унинг депозитарий-депонентларида ҳисобга олинадиган қимматбаҳо қоғозлар эгаларига доир ахборотни олиш йўлини белгилаши керак.

Д.ш. қуйидаги муҳим шартларни назарда тутиши керак: а) шартнома мавзуини аниқ белгилаш: қимматбаҳо қоғозлар сертификатларини сақлаш ва (ёки) қимматбаҳо қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш; б) депонентнинг депозитарийда депонирланган қимматбаҳо қоғозларини тасарруф этишига доир ахборотни депозитарийга бериш тартиби; в) шартноманинг амал қилиш муддати; г) депозитарийнинг шартномада белгиланган хизматлари учун бериладиган тўлов ҳажми ва тартиби; д) депозитарийнинг депонент олдида ҳисобот бериш шакли ва мунтазамлиги; е) депозитарийнинг бурчлари.

ДЕПОЗИТАРИЙ — 1) депозитлар ишониб топширилган жисмоний ёки юридик шахс; 2) *қимматбаҳо қоғозлар* бозорининг *депозитар фаолиятни* амалга оширувчи профессионал иштирокчиси. Фақат юридик шахсгина Д. бўлиши мумкин. Д. депонентнинг қимматли қоғозларини тасарруф этиш, уларни бошқариш ёки депонент номидан қимматли қоғозлар билан ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас. Депозитар шартномада назарда тутилган ҳолларда депонентнинг топшириғи бўйича амалга ошириладиган ҳаракатлар бундан мустасно. Д. депонент билан депозитар шартнома тузишни депонентнинг қимматбаҳо қоғозлар билан мустаҳкамланган лоақал битта ҳуқуқидан воз кечиши билан боғлаш ҳуқуқига эга эмас. Д. ўзида депонирланган *қимматбаҳо қоғозлар сертификатлари*нинг сақланиши учун фуқаровий-ҳуқуқий масъулиятга эга. Агар депозитар шартномада тўғридан-тўғри тақиқланмаган бўлса, Д. бошқа Д.лар билан тузилган келишув асосида уларни ўзининг қимматбаҳо қоғозлар сертификатларини сақлаш ва (ёки) депонентларнинг қимматбаҳо қоғозларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш мажбуриятларини бажаришга жалб этиши (яъни бошқа Д.нинг депоненти бўлиши ёки бошқа депозитарийни депонент сифатида қабул қилиши) мумкин. 3) *Халқаро ҳуқуқда* кўп томонлама халқаро шартноманинг асл матнини ва унга тегишли барча ҳужжатлар (аризалар, изоҳлар, денонсациялар ва ҳ.к.)ни сақловчи шахс. Бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёки бундай ташкилотнинг бош ижрочиси бўлган мансабдор шахс Д. бўлиши мумкин. М-н, БМТнинг Бош котиби БМТ доирасида тузилган бир қатор кўп томонлама шартномалар учун Д. функциясини бажаради. Д.ни шартномада қатнашаётган давлатлар белгилайди. Одатда, ушбу шартномани тузган халқаро конференция ўтган ҳудуд қарашли бўлган давлат (қ.: *Ҳукуматлараро конференция*) ёки агар шартнома халқаро ташкилот доирасида қабул қилинган бўлса, ана шу ташкилотнинг ваколатли органи Д. сифатида белгиланади. Универсал хусусиятга эга бўлган шартномаларда иложи борича кўпроқ давлатларнинг иштирок этишини таъминлаш мақсадида улар бир неча Д.ларни тайинлашлари мумкин.

ДЕПОЗИТАРИЙЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ — депозитарийлар (қимматбаҳо қоғозлар институтлари) ЎзРда ўз фаолиятини ЎзРнинг «Депозитарийларнинг қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги фаолияти тўғрисида»ги 1998 йил 29 август қонунига биноан махсус рухсат асосида амалга оширади. Лицензияда бажарилишига рухсат этилган депозитар хизматлар рўйхати келтирилади. Лицензияни бериш, олиб қўйиш ёхуд унинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ЎзР Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда амалга оширилади ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши лозим бўлади.

ДЕПОЗИТОР — 1) депозит эгаси; 2) бирон-бир сабабга кўра корхона ёки муассаса муайян муддатда тўламаган пул суммасига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

ДЕПОНЕНТ (лот. deponens — олиб қўювчи) — давлат муасасасининг депозитига маблағини қўйган фуқаровий ёки юридик шахс. Д., шунингдек, ўз вақтида иш ҳақини олмаган ходимлар ҳамда иш ҳақидан ушлаб қолиш (алимент ва ҳ.к.) фойдасига амалга оширилган алоҳида ташкилотлар ва шахслар.

ДЕПОНЕНТЛАШ — 1) пул суммалари, қимматбаҳо қоғозлар (акциялар, векселлар, облигациялар, чеклар) ва бошқа бойликларни сақ-

лаш учун кредит муассасаларига топшириш; 2) халқаро шартнома, ратификацион ёрлиқлар, халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисидаги ҳужжатлар ёки уни денонсация қилиш ҳақидаги ҳужжатларнинг асл нусхаларини сақлаш учун *депозитарийга* топшириш. Дипломатик ёки бошқа махсус вакил орқали амалга ошириладиган шартномани, бошқа ҳужжатларни *ратификациялаш*, уларга қўшилиш, уларни денонсациялаш ҳақидаги ҳужжатларни Д. баённома билан расмийлаштирилади ва ушбу баённома тегишли ҳужжатни депонентлайдиган шахс ва депозитарий вакили томонидан имзоланади.

ДЕПОРТ — 1) қимматбаҳо қоғозларнинг курси пасайишига умид қилиб, улар билан тезда амалга ошириладиган биржа битими; 2) битим бўйича ҳисоб-китобни кечиктиришга розилик учун бериладиган чегирма.

ДЕПОРТ БИТИМ — пролонгация битимининг қимматбаҳо қоғозларни муайян куннинг курси бўйича муайян муддатдан кейин пастроқ курс бўйича қайта сотиш шартига кўра сотиб олиш билан ажралиб турадиган тури.

ДЕПОРТАЦИЯ (лот. deportatio — ҳайдаш, сургун қилиш) — ҳуқуқ фанида «Д.» термини орқали XVIII—XIX асрларда Франция жиноят қонунлари бўйича қўлланилган сургунларнинг алоҳида тури ифодаланган. Биринчи бор сиёсий жиҳатдан ишончсиз кишиларни Гвианага Д. қилиш 1791 йилда чиқарилган «Гумон қилинганлар тўғрисида»ги қонун билан белгиланган. Д., жумладан, бир умрлик Д., Франциянинг 1813 йилги ЖКда назарда тутилган. Қитъа ҳудудидан ташқарига, шунингдек, Ну оролида Д. қилиш марказий лагери ва Дюко (Янги Каледония) ярим оролида Д. қилиш учун мустаҳкамланган жойлар (қалъалар) яратишни назарда тутувчи 1872 йил 23 март Қонунида белгиланган Д. қилиш жойларига сургун қилиш ва бир умр у ерда қолиб кетишдан иборат. Д.дан нафақат оғир рецидивист жиноятчиларни жазолаш учун, балки инқилобчиларни жазолаш учун ҳам фойдаланилган (1872 йилда қўлга олинган коммунарлар Янги Каледония архипелагидаги оролларга жўнатилган). Д.дан Францияда қўлланилган сургуннинг бошқа қуйидаги турларини фарқлаш лозим: транспортация (Гвианага ва Франциянинг бошқа океан орти ҳудудларига сургун қилиш кўринишидаги комплекс жазолар), ирелегация (хавфлироқ рецидивистлар метрополияларнинг турмаларида жазони ўтаб бўлганларидан кейин уларга нисбатан қўлланилган сургун шаклидаги қўшимча жазо).

Кенг маънода Д. деганда, шахсни ёки шахсларнинг бутун тоифасини бошқа давлатларга ёки жойга, одатда, соқчилар кузатувида сургун қилиш тушунилади. Д. кўп ҳолларда у ёки бу давлатга ғайриқонуний равишда кириб келган ажнабий фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилади. 1920—1940-йиллардаги оммавий қатағонлар даврида собиқ СССРнинг кўплаб халқлари Д. қилинган.

ДЕПУТАТ (лот. deputatus — элчи) — давлат хокимияти вакиллик органларида иш олиб борувчи халқ вакили. У сайлов йўли билан сайланиб, халқдан тегишли органларда иш олиб бериш учун ваколат олади. Д. маълум муддатга сайланади. Республикамизда Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга Д.лар сайланадилар. Улар беш йил муддатга сайланадилар. Олий Мажлис Д.лигига 25 ёшга, маҳаллий кенгаш Д.лигига 23 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари сайланадилар. Д.ликка номзодлар сиёсий

партиялар, вакиллик ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан кўрсатиладилар.

ДЕПУТАТ ДАХЛСИЗЛИГИ — депутатларга ўз депутатлик фаолиятини мустақил, ҳоли олиб бориш имкониятини яратадиган кафолат. Қонунларга асосан ҳар бир вакиллик органининг депутатлари, шу вакиллик органларининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши, ишлаб турган вазифасидан бўшатилиши мумкин эмас. ЎзР қонунларига асосан, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортишда, қамоққа олиш, сўроқ қилиш ва тинтув қилишда алоҳида рухсат, яъни Олий Мажлиснинг рухсати бўлиши талаб этилади. Шунингдек, депутат қонунга асосан бир қатор имтиёзларга ҳам эга бўлади ва унинг ҳуқуқи, мажбурияти депутатлик мандати (вақти) тугагунча қонун билан кафолатланади.

ДЕПУТАТ МАҚОМИ — давлат вакиллик ҳокимияти органлари депутатларининг ҳуқуқий мақоми бўлиб, ҳуқуқий нормалар мажмуаси билан белгиланади ва у депутат мандатининг сиёсий-ҳуқуқий жиҳати билан алоқадор бўлиб, унинг вужудга келиши, тамом бўлиши ва фаолият муддатини депутатларнинг ҳисоб бериши, жавобгарлиги ва назорати билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Депутат мақомини мустаҳкамлайдиган ҳуқуқий нормалар конституцияларда, махсус қонунларда ва палаталар регламентларида ўз ифодасини топади.

ДЕПУТАТ СЎРОВИ — ушбу вакиллик муассасасининг ваколатига тааллуқли масалалар бўйича тушунтириш ва ахборот тақдим этиш тўғрисида талаб билан мансабдор шахсга ёки давлат бошқарув органига вакиллик органи депутатининг мурожаати.

ЎзРда 1992 йилдаги ЎзРнинг Конституцияси қабул қилинган вақтгача унга ҳисобдор органлар фаолияти учун вакиллик органларини назорат қилиш шаклларидан бири депутат сўрови — халқ депутатининг конституциявий ҳуқуқи, депутат сўровига жавоб бериш, мансабдор шахсларнинг ва тегишли давлат органларининг мажбуриятини келтириб чиқарган. Ҳозирги пайтда бу ҳуқуқ институти ЎзРнинг 1995 йил 6 майдаги «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади. Мазкур қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, сўров қаратилган давлат органи ёки мансабдор шахс сўровга кечи билан уч кунлик муддат ичида ёки тегишли ҳокимият вакиллик органи белгилаб қўйган бошқа муддатда оғзаки ёки ёзма жавоб бериши шарт.

ДЕПУТАТЛАР КОНГРЕССИ — Испания парламенти қуйи палатасининг номи.

ДЕПУТАТЛАР ПАЛАТАСИ — Грецияда бир палатали парламент номи, Боливия, Бразилия, Венесуэла, Доминикан Республикаси, Италия, Колумбия, Мексика, Никарагуа, Руминия, Чехия, Чили каби давлатларда эса қуйи палата номи.

ДЕПУТАТЛИК (ПАРЛАМЕНТ) ОДОБИ — депутатлар парламентда муомала қилиш чоғида амал қилиши лозим бўлган маънавий ва ахлоқий қоидалар йиғиндиси. Д.о. қоидларига риоя қилиш ҳар бир депутатнинг нафақат ахлоқий, балки юридик бурчи ҳамдир; тегишли равишда ҳам ижтимоий, ҳам интизомий таъсир чоралари билан таъминланади. Бундай воситаларни қўллаш учун парламентларда одатда, Д.о. бўйича махсус

комиссиялар тузилади. Д.о. ни бузганлик учун аниқ жавобгарлик қоида тариқасида парламентнинг ёки унинг палатасининг регламентида белгиланади.

ДЕПУТАТНИ ЧАҚИРИБ ОЛИШ — ЎзРнинг 1996 йил 26 апрелдаги «ЎзРда депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, ЎзРнинг Конституцияси ва қонунларини бузаётган, депутатлик вазифаларини бажармаётган ва сайловчиларнинг, шунингдек, депутатликка номзод қилиб кўрсатган органнинг ишончини бошқача тарзда оқламаётган Олий Мажлис депутати, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг депутати қонунда белгиланган тартибда чақириб олиниши мумкин.

ДЕСПОТИЯ (юн. despoteia — чексиз ҳокимият) — мустабид чексиз ҳокимият шакли. Классик Д. кўринишлари — Қадимги Шарқ давлатлари (Оссурия, Вавилон ва б.).

ДЕТЕКТИВ (ингл. — очиш) — оғир жиноятларни тергов қилувчи мутахассис; қидирув полициясининг агенти.

ДЕ-ФАКТО (тан олиш) — халқаро ҳуқуқда янги вужудга келган давлат ёки ҳукуматнинг жаҳон ҳамжамияти ва давлатлар томонидан тан олиниши. Бу давлат ва ҳукумат эътирофининг расмий, лекин тугалланмаган, тўлиқ бўлмаган тан олиниши. Бундай эътироф одатда вақтинчалик хусусиятга эга бўлиб, *де-юре* — эътироф этишга ўтиш босқичидир.

ДЕ-ЮРЕ (тан олиш) — янги вужудга келган давлат ёки ҳукуматни тан олиш билан бирга, шу давлат ёки ҳукумат билан расмий жиҳатдан ва ҳуқуқий асосларда муносабатларни йўлга қўйиш.

ДЕФЕКЦИЯ (ингл. defection — муртадлик, маслагидан қайтиш) — Ҳиндистонда ва англо-саксон ҳуқуқ тизими мамлакатларида депутатларнинг ҳокимият вакиллик органидаги бир партия фракциясидан бошқасига ўтишини ифодалаш учун ишлатиладиган термин. Ҳиндистонда Д. тўғрисида бундай ўтишни депутатлик мандатидан маҳрум этиш билан қўрқитиб тақиқловчи махсус қонун қабул қилинган.

ДЕФЛЯЦИЯ (лот. deflatio) — инфляцияни пасайтириш (оқибатларини бартарф этиш) мақсадида амалга ошириладиган муомаладан ортиқча пул массасининг бир қисмини олиб қўйиш; ҳисоб банк ставкаларини ошириш, солиқларни кўпайтириш, давлат қимматбаҳо қоғозларини кўплаб сотиш орқали ва бошқа чоралар билан амалга оширилади. Д. кўпинча иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишига, бинобарин, ишсизликнинг кўпайишига олиб келади.

ДЕҲҚОН (ФЕРМЕР) ХЎЖАЛИГИ — ЎзРнинг «Деҳқон (фермер) хўжалиги тўғрисида»ги қонунига кўра деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер майдонида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади. Деҳқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс сифатида ва юридик шахс бўлмасдан ҳам амалга оширилиши мумкин. Д. х. аъзолари жумласига биргаликда яшаётган ва деҳқон хўжалигини биргаликда юритаётган оила бошлиги, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан, фарзандликка олинган болалари, тарбияга олган болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа қариндошлари киради. Юридик ва жисмоний шахслар билан

ўзаро муносабатларда деҳқон хўжалиги номидан шу хўжалик бошлиғи иш кўради. Деҳқон хўжалиги бошлиғи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер майдонига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилган оила бошлиғи ёки оиланинг муомалага лаёқатли аъзоларидан биридир. Д. х. бошлиғи вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ёки узоқ вақт бўлмаганда у ўз мажбуриятларини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларидан бирига, деҳқон хўжалигининг аъзоси бир кишидан иборат бўлганда эса, шартнома асосида — ушбу Қонун 4-моддасининг иккинчи қисми талабларига жавоб берадиган ҳар қандай шахсга беришга ҳақлидир. Д. х. деҳқон хўжалиги аъзоларининг қарорига биноан; қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан тугатилади (фаолияти тўхтатилади).

ДЕҲҚОН (ФЕРМЕР) ХЎЖАЛИГИНИНГ МУЛКИ — деҳқон (фермер) хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги мулкини билдирадиган шартли тушунча, агар махсус қонунга ёки шартномага кўра бошқача қоида белгиланмаган бўлса, шундай бўлиши мумкин. ЎзР ФКнинг 216—227-моддаларига кўра Д.(ф.)х.м. ҳуқуқий тартибининг айрим хусусиятларини белгилайдики, бу унинг алоҳида тоифага ажратилишига асос бўлади. Деҳқон (фермер) хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги мулкида ана шу хўжаликка мулк қилиб берилган ёки сотиб олинган ер майдони, экинзорлар, хўжалик ва бошқа иморатлар, мелиоратив ва бошқа иншоотлар, маҳсулдор қорамоллар, паррандалар, қишлоқ хўжалик ва бошқа техника ва ускуналар, транспорт воситалари, жиҳозлар ва хўжалик учун унинг аъзоларининг умумий маблағлари ҳисобига сотиб олинган бошқа мулк бўлиши мумкин. Деҳқон (фермер) хўжалиги фаолияти натижасида олинган мевалар, маҳсулотлар ва даромадлар деҳқон (фермер) хўжалиги аъзоларининг умумий мулки ҳисобланади ва улар ўртасидаги келишувга кўра ишлатилади. Деҳқон (фермер) хўжалигидан унинг ҳамма аъзоларининг чиқиб кетиши ёки бошқа сабабларга кўра тугатилганида умумий мулк умумий мулкни бўлиш учун белгиланган қоидалар бўйича бўлинади. Деҳқон (фермер) хўжалигига тегишли бўлган ер майдони ва ишлаб чиқариш воситалари хўжаликдан аъзоларнинг бири чиқиб кетишида бўлинмайди. Хўжаликдан чиққан киши унинг умумий мулкдаги ўз улушига тенг миқдордаги пуллик товонни олиш ҳуқуқига эга бўлади. Деҳқон (фермер) хўжалиги аъзолари хўжалик мулки негизида хўжалик ширкатини ёки ишлаб чиқариш кооперативини ташкил этиши мумкин. Бундай хўжалик ширкати ёки кооператив юридик шахс сифатида унга фермер хўжалиги аъзоларининг омонатлари ва бошқа бадаллари сифатида берилган мулкка, шунингдек, унинг фаолияти натижасида олинган ва қонунда йўл қўйиладиган бошқа асосларга кўра сотиб олинган мулкка мулкчилик ҳуқуқига эга бўлади. Д. (ф.) х. м. асосида ташкил этилган ширкат қатнашчилари ёки кооператив аъзолари омонатлари миқдори уларнинг хўжалик мулкига умумий мулкчилик ҳуқуқидаги улушлари асосида белгиланади.

ДИВЕРСИЯ [қўпорувчилик] (лот. diversio — оғиш, чалғиш) — ЎзР ЖКнинг 161-моддасида кўрсатилганидек, қўпорувчилик, яъни ЎзРнинг давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иқтисодиётига путур етказиш мақсадида одамларни қириб юбориш; уларнинг соғлиғига зиён, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган ҳаракатлар.

ДИВИДЕНД (лот. dividendum — тақсимланиши керак бўлган нарса) — акционерлик жамияти соф фойдасининг солиқлар тўланиб бўлгач, акционерларга пул, акция, мулк ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар шаклида тўланадиган қисми; оддий акциялар бўйича (овоз бериш ҳуқуқи билан) Д. миқдори фойданинг ҳажми ва акционерлар йиғилишининг қарорига боғлиқ; имтиёзли акциялар бўйича (овоз бериш ҳуқуқисиз) Д. қатъий белгиланган миқдорга эга.

ДИВИДЕНД КУПОНИ — қимматбаҳо қоғознинг у тақдим этилганда йил якуни бўйича тўланадиган купон (кесма талон, йил купонда кўрсатилади).

ДИВИДЕНДНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ — барча дивиденд оладиган акциядорларни ҳисобга олиш. Одатда Д.р.о. дивиденд тўлашдан уч ҳафта илгари эълон қилинади. Д.р.о. чоғида акциядорлар, қоида тариқасида, дивиденд ўтказилиши лозим бўлган ҳисобварақ реквизитларини хабар қиладилар.

ДИГЕСТЛАР (лот. digesta) — *Юстиниан Кодификациясинин*г қисми. 533 йилда император Юстиниан бошқаруви даврида Трибониан раҳбарлигидаги ҳуқуқшунослар ҳайъати томонидан тузилган. Д.нинг умумий ҳажми деярли 120 босма табоқ. Д. Рим классик юристларининг асосан хусусий ҳуқуққа оид асарларидан муайян тартиб асосида келтирилган кўчирмаларидан иборат. Д. 50 китобга, уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, қисм (фрагмент)лардан иборат бўлган титулларга бўлинади.

ДИЗАЖИО — қимматбаҳо қоғозлар ёки пул белгилари биржа курсининг уларнинг номинал қийматига нисбатан пасайиш томон оғиши. Д. одатда номинал баҳога нисбатан фоиз нисбатида ифодаланади.

ДИКТАТОР — Қад. Римда ягона ғайриодатий *магистратура*. Д.ни консуллардан бири сенат билан келишган ҳолда тайинлаган. Д. тайинлаш учун урушдаги ёки мамлакат ичидаги кечиктириб бўлмас, шубҳага ўрин қолдирмайдиган ва тез ҳаракатлар қилишни талаб этувчи ҳар қандай инқирозли вазиятлар сабаб бўлиши мумкин бўлган. Д. қилиб тайинланган шахс бир вақтнинг ўзида олий фуқаролик, ҳарбий ва суд ҳокимиятига эга бўлган; Д. қонун чиқарувчи ҳокимиятга эга бўлган, унга қаршилик кўрсатишнинг ҳеч қандай усули, хусусан, плебейлар трибунларининг ветоси ҳам кўрқинчли бўлмаган. Барча бошқа магистратлар ишлашда давом этганлар, бироқ улар Д. ҳукмронлиги остида бўлганлар. Олти ойлик ваколат муддати тугагач, Д. ваколатини топшириши шарт бўлган. Бизга маълум бўлган республика диктатураларининг охиргиси мил. ав. 220 йилда бўлган.

ДИКТАТУРА (лот. dictatura — чексиз ҳокимият) — давлатда ҳокимиятни нодемократик усуллар билан амалга ошириш; авторитар сиёсий режим (масалан, шахсий Д.). Қад. Римда — магистратуралардан бири. Қ.: *Диктатор*.

ДИЛЕР (инглз. dealer) — 1) *қимматбаҳо қоғозлар,* валюта, қимматбаҳо металлар олди-сотдиси билан ўз номидан ва ўз ҳисобига шуғулланадиган *Фонд биржасин*инг аъзоси (алоҳида шахс ёки фирма) ёхуд банк. *Қимматбаҳо қоғозлар* бозорининг *дилерлик фаолияти билан шуғулланадиган профессионал иштирокчиси.* Фақат *тижорат ташкилоти* бўлган юридик шахсгина Д. бўлиши мумкин; 2) улгуржи (кўтарасига) олган маҳсулотини чаканалаб сотаётган тадбиркор.

ДИЛЕРЛИК ФАОЛИЯТИ — қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги про-

фессионал фаолият турларидан бири. Д.ф. деб муайян қимматбаҳо қоғозларни уларнинг харид нархи ва (ёки) сотиш нархини оммавий эълон қилиш орқали ўз номидан ва ҳисобидан олди-сотди битимини амалга ошириш тушунилади. Бунда қимматбаҳо қоғозларни бундай фаолиятни амалга ошираётган шахс эълон қилган нархларда харид қилиш ва (ёки) сотиш мажбурияти олинади. Қимматбаҳо қоғозлар бозорининг Д.ф. амалга ошираётган профессионал иштирокчиси дилер деб аталади. Фақат тижорат ташкилоти бўлган юридик шахсгина дилер бўлиши мумкин.

ДИМАЙЗ-ЧАРТЕР — *чартер* тури, кема эгаси уни фрахт қилувчига муайян келишилган муддатга командаси билан бирга берадиган кема ижараси шартномаси. Бунда команда аъзолари ижарага олувчининг хизматчиларига айланади (ижарачи кема харажатларининг ҳаммасини, жумладан, экипаж иш ҳақини ҳам ўз зиммасига олади ва кема эгаси билан ҳар ойда ҳисоб-китоб қилади).

ДИНАСТИЯ [сулола] (юн. dynasteia — ҳукмронлик) — монархия давлатларининг конституциявий (давлат) ҳуқуқида подшолик қилувчи шахсларнинг битта аждоддан тарқалган ва давлат раҳбари лавозимида тахт ворислигининг белгиланган тартибига кўра бир-бирини алмаштирадиган шахслар мажмуаси.

ДИНГА ЭЪТИҚОД ҚИЛИШ ЭРКИНЛИГИ — инсоннинг шахсий эркинликларидан бири ҳисобланиб, шахс қайси динга эътиқод қилишни ўзи белгилайди, ҳеч кимнинг уни мажбурлашга ҳаққи йўқ.

ДИНИЙ ҲУҚУҚ — черков соборлари қарорлари ва рим папалари қарорларининг йиғиндиси. Д. ҳ. нормалари черков ички ташкилий масалаларини, баъзилари оила-никоҳ ва мулкий муносабатларни тартибга солган. Д. ҳ.нинг анча машҳур кодификацияси — 1852 йилдаги диний ҳуқуқлар тўплами (Corpus juris canonici).

ДИНИЙ ТАШКИЛОТ ВА УЮШМАЛАР — ижтимоий жараённинг мустақил субъектлари сифатида фаолият кўрсатувчи черковлар, жамоалар, миссиялар, ўқув муассасалари ва б. диний ташкилотлар Конституция қоидаларига биноан тузилади. Д. т. ва у.нинг ҳуқуқлари виждон эркинлигини таъкидловчи Конституциянинг 31-м.си, ЎзР фуқароларининг жамоат ташкилотлари ва уюшмалар ташкил қилиш ҳуқуқига кафолат берувчи 34, 56, 58-м.лари, айниқса, диний ташкилотларни давлатдан ажратиш принциплари, қонун олдида тенглиги ва уларнинг фаолиятига аралашмасликни ўз ичига олган 61-м.си томонидан муҳофаза қилинади. Шу билан бирга, 57-м.да, диний низоларни тарғиб қилувчи диний ташкилотлар ҳамда ҳарбийлаштирилган ташкилотлар ва сиёсий партияларни тузиш тақиқланади. Шу билан давлат нафақат диний ташкилотлар фаолиятига аралашишдан, балки уларнинг ҳам ўз давлат ишларига аралашишидан қонуний йўл билан ўзини ҳимоя қилади.

Бу қоидалар «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда (1991 й.), Конституцияда қайд қилинган. Қонунда диний ташкилотларнинг рўйхатга олиниши ҳам белгиланган (2-боб), уларнинг мулкий аҳволи (3-боб), диний эътиқод эркинлиги билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари (4-боб) ва диний ташкилотларнинг меҳнат фаолияти ҳам белгиланган (5-м.). Бугунги кунда Адлия вазирлиги томонидан 2500 дан ортиқ диний ташкилотлар рўйхатга олинган. Улар дунёда мавжуд барча

динларнинг вакилларидир: ислом дини (2482 ташкилот), христиан дини (119 ташкилот), яҳудийлар дини, буддизм, кришнаизм (жами 37 ташкилот)дан иборат.

ДИПЛОМ (юн. diploma — икки букланган варақ, ҳужжат) — 1) олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлик ва тегишли квалификация берилганлиги, шунингдек, илмий даража берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома; 2) шахс ёки муассасага мукофот берилганлиги фактини (масалан, конкурс лауреатининг Д.) ёки қандайдир ҳуқуқ берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

ДИПЛОМАТ (фр. diplomate) — ташқи муносабатлар идорасининг (марказий ёки хорижий аппаратда) ушбу идоранинг хорижий давлат ва халқаро ташкилотлар билан расмий алоқалар қилишида эгаллаб турган лавозимига кўра бевосита иштирок этувчи ходими. Одатда *дипломатик иммунитетга* эга бўлади. Кенг маънода Д. — зиммасига расмий равишда доимий ёки вақтинчалик асосда у ёки бу ташқи сиёсий функцияни бажариш вазифаси юклатилган шахс.

ДИПЛОМАТИК АГЕНТ — Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги 1961 йил Вена конвенциясига биноан, дипломат, яъни дипломатик ваколатхона дипломатик персоналининг аъзоси, лавозимига кўра дипломатик ваколатхона функциясини амалга оширишда бевосита иштирок этувчи шахс.

ДИПЛОМАТИК БОШПАНА — бирор шахсга сиёсий сабабларга кўра таъқиб қилишдан хорижий дипломатик ваколатхона ёки консуллик ваколатхонасида, шунингдек, хорижий ҳарбий кемада яшириниш учун имкон бериш. Халқаро ҳуқуққа мувофиқ, дипломатик ёки консуллик ваколатхоналарида жойлаштиришга дахлсизлик, хорижий ҳарбий кеманинг эксҳудудлилиги ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун давлат ҳокимияти томонидан таъқибда бўлган шахсларга бошпана бериш ҳуқуқини бермайди. Бу ҳолат дипломатик ваколатхоналарнинг бошпанадан расмий мақсадларига мос келмайдиган мақсадларда фойдаланишини ман этадиган 1961 йилги Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенциясида ҳам ўз аксини топган.

ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТХОНА — ўзаро келишув асосида бир давлат бошқасининг ҳудудида доимий расмий алоқаларни сақлаб туриш учун тузадиган ва тегишли давлатларнинг ўзаро муносабатида юзага келувчи сиёсий ва бошқа масалалар бўйича уни таъсис этган давлат номидан чиқадиган хорижий ташқи алоқалар органи.

ДИПЛОМАТИК ДАРАЖАЛАР — дипломатия хизмати ходимларининг хизмат унвонлари. Д.д. жаҳондаги кўплаб давлатларда мавжуд. Уларнинг номлари, даражаланиши (градацияси) ва берилиш тартиби тегишли давлатларнинг ички қонунлари билан белгиланади. Дипломатик ваколатхона ва ташқи ишлар идораси марказий аппаратидаги дипломатик персонал аъзоларининг катта-кичиклиги уларнинг даражалари билан эмас, балки лавозимлари билан белгиланади.

ДИПЛОМАТИК ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИ — дипломатик ваколатхоналарнинг дахлсизлик ҳуқуқи ва имтиёзлари; халқаро ташкилотларнинг дахлсизлик ҳуқуқи ва имтиёзлари; БМТ, давлатларнинг БМТ қошидаги ваколатхоналари дахлсизлиги ҳуқуқи ва имтиёзлари.

ДИПЛОМАТИК КОРПУС — муайян давлатда аккредитациядан ўтган хорижий дипломатик ваклотхоналар бошлиқлари. Д.к. — бирон-бир ҳуқуқ нормаси асосида эмас, балки одат асосида мавжуд бўлган институт. Кенг

маънода Д.к. — муайян давлатдаги хорижий дипломатик ваколатхоналар дипломатик ходимларининг ва улар оила аъзоларининг жами. Дипломат оиласининг аъзоларига унинг хотини (эри) ва вояга етмаган фарзандлари, шунингдек, халқаро одатга биноан, дипломатнинг у билан бирга яшовчи ва унинг қарамоғида бўлган турмуш қурмаган катта ёшдаги қизлари киради. Д.к. протокол категориясидир. Д.к.нинг ҳеч қандай бирга-ликдаги сиёсий чиқишига йўл қўйилмайди.

ДИПЛОМАТИК КУРЬЕР — дипломатик почталарни олиб бориш топшириладиган расмий шахс. У дипломатик почтани ташкил этувчи жой сони ва унинг статуси кўрсатилган махсус ҳужжат билан таъминланган бўлиши лозим. Дипломатик курьер умум тан олган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ўзининг вазифасини бажаришда келган давлатнинг ҳимоясидан фойдаланади. У дахлсизлик ҳуқуқига эга ва қандай шаклда бўлмасин, ушлаб турилиши ёки қамалиши мумкин эмас. Ишонч ёрлиғи берган давлат ёки дипломатик ваколатхона дипломатик курьерга ad hoc тайинлаши мумкин. Бундай ҳолларда унинг дахлсизлик ҳуқуқи ва имтиёзлари уларга топширилган дипломатик почталарни тайинлангани бўйича олиб борган вақтида тўхтатилади.

ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ ТЎХТАТИЛИШИ — давлатлар ўртасида расмий сиёсий алоқаларнинг тўхтатилиши. Амалиётда Д.м.т. қуйидаги ҳолларда юз беради: 1) дипломатик муносабатларни расман узмаган ҳолда алоқа қилмай қўйиш (давлатларнинг ўз дипломатик вакилларини чақириб олишлари орқали); 2) дипломатик муносабатларнинг узилиши; 3) давлат ўртасида уруш ҳолатининг юзага келиши; 4) дипломатик муносабатларда бўлган давлатлардан бирининг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида йўқ бўлиши (масалан, бошқа давлат ёки давлатлар билан бирлашиши, икки ёки ундан ортиқ давлатларга бўлиниши ҳолларида). Д.м.т. бошқа вазиятларда ҳам бўлиши мумкин, масалан, давлатлардан бирида ижтимоий инқилоб бўлганда.

ДИПЛОМАТИК НОТА — дипломатик нота (эътирознома).

ДИПЛОМАТИК ПОЧТА — дипломатик ёки консуллик ваколатхонасининг марказ билан ёки ўз давлатининг хориждаги бошқа ваколатхонаси билан алоқасининг муҳим турларидан бири. Д.п. тегишли равишда ўралиши ва расмийлаштирилиши керак. Курьерсиз у ҳаво кемасининг дипломатик курьер ҳуқуқига эга бўлмаган командири орқали етказилиши мумкин. Бундан ташқари, амалиётнинг кўрсатишича, Д.п. савдо кемасининг капитанига ҳам топширилиши мумкин (айниқса, агар у катта жой эгаллайдиган бўлса ва тезлик билан етказилиши шарт бўлмаса). Д.п. манфаатдор томонларнинг келишуви асосида алоқа органлари орқали ҳам етказилиши мумкин. Бундай ҳолда, одатда, Д.п. оғирлиги, у эгаллайдиган жойлар сони ҳамда уни жўнатиш тақрорийлиги чекланади. Д.п. дахлсиз бўлиб, ундан ҳеч қандай солиқ, йиғим ёки бож олинмайди.

ДИПЛОМАТИК ҲАҚ (ШИРИНКОМА) — биржа битимларини бажаришда воситачилик қилганлиги учун брокерга бериладиган пул мукофоти. Одатда, тузилган битим суммасига промиллада ҳисобланади ва даллолга сотувчи сифатида ҳамда олувчи сифатида тўланади. Даллоллик ҳақининг ставкаси қимматли қоғозлар ва товарлар даражасига, шунингдек, битимлар ҳажмига боғлиқ бўлади. Даллоллик миқдори биржа устави билан ёки биржа битими қатнашчиларининг ўзаро келишувлари бўйича белгиланади.

ДИПЛОМАТИК ҲИМОЯ — давлат ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида ёки хорижий давлат томонидан бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун халқаро ҳуқуққа мувофиқ дипломатик каналлар орқали амалга оширадиган ҳимоя. Дипломатик ҳимоя чет эллик фуқарога етказган зарари учун давлатнинг жавобгарлигини амалга ошириш таомилини бажаришдан ва унинг ҳуқуқларини таъминлаш ёки қайта тиклашдан иборат. Ўз фуқаросини дипломатик ҳимоя қилувчи давлат бошқа давлатга эътироз ёки раддия билдириб, зарарни қоплашни, бузилган ҳуқуқни тиклаш ёки уни таъминлашни талаб этади.

ДИПЛОМАТИК ҲУҚУҚ — давлатнинг ташқи алоқалар органлари мақомига ва функцияларига тааллуқли нормалар йиғиндисидан иборат бўлган халқаро ҳуқуқ тармоғи. Д.ҳ.қа қуйидагилар киради: дипломатик ваколатхоналар билан алмашиш ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ равишда юзага келадиган халқаро муносабатларни тартибга солувчи нормалар; у ёки бу ташқи сиёсий масалани ҳал этиш учун бир давлатнинг бошқасига махсус миссия, яъни делегация ёки вакилини юбориши муносабати билан юзага келадиган халқаро муносабатларни тартибга солувчи нормалар; давлатнинг халқаро ташкилотларда вакиллик қилиши ва халқаро ташкилотларнинг у ёки бу давлат ҳудудида ишлаши билан боғлиқ равишда юзага келадиган халқаро муносабатларни тартибга солувчи, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг имтиёзлари ва иммунитетларига, халқаро мансабдор шахслар ва хизматчиларга дахлдор нормалар. Сўнгги йилларда Д.ҳ.қа *консуллик ҳуқуқини* ҳам киритмоқдалар, чунки деярли ҳамма жойларда ташқи ишлар идоралари доирасида дипломатик ва консуллик хизматларининг бирлашиши юз бермоқда.

ДИПЛОМАТИЯ (фр. diplomatie) — давлатнинг ташқи сиёсатини амалга ошириш усулларидан бири. Д. давлат раҳбарлари, ҳукуматлар, давлат ташқи ишлар органлари ва бевосита дипломатларнинг ташқи сиёсат мақсад ва вазифаларини амалга оширишга ҳамда ўз давлатининг ва хориждаги айрим фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам берувчи расмий фаолияти шаклида олиб борилади.

ДИПЛОМАТИЯ ИШОНЧЛИ ВАКИЛИ — Дипломатия тўғрисидаги 1961 йилги Вена конвенцияси ҳамда халқаро ҳуқуқ нормалари ва қоидаларига мувофиқ, ЎзРнинг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш тўғрисидаги 1992 йил 3 июл қонунига асосан, дипломатия ходимлари учун дипломатия даражалари ва мартабалари белгилаб берилган. Шу қонуннинг 1-моддасига кўра, дипломатия ваколатхоналари бошлиқларининг уч даражаси белгиланган чет давлат бошлиғи ҳузурида аккредитация қилинадиган Фавқулодда ва Мухтор Элчи, чет давлат бошлиғи ҳузурида аккредитация қилинадиган Ишончли вакил. Шундан келиб чиқиб, Ишончли вакил ўз мавқеига кўра, дипломатия ходимлари ичида учинчи даражали ҳисобланади. Кўрсатиб ўтилган қонунга асосан. Д. и. в. ташқи ишлар вазирлиги томонидан аккредитация қилинади.

ДИРЕКТИВА (фр. directive) — юқори турувчи органнинг фармойиши, раҳбарлик топшириғи. Чунончи, АҚШ Президенти чиқарадиган актларни Д. деб атайдилар.

ДИРЕКТОР (лот. Director dirigere — тўғриламоқ, йўналтирмоқ) — давлат органи, муассасаси, корхона ёки ўқув юртининг бошлиғи, раҳбари.

Акционерлик ҳуқуқида — директорлар кенгаши (кузатувчилар кенгаши)нинг аъзоси ёки жамиятнинг якка тартибда ижро этувчи органи. Жамиятнинг якка тартибда ижро этувчи органи бўлмиш Д. жамият номидан ишонч хатисиз иш юритади, жумладан, унинг манфаатларини ҳимоя қилади, жамият номидан битимлар тузади, штатларни тасдиқлайди, жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва топшириқлар беради.

ДИРЕКЦИЯ — корхона, муассасанинг *директор* бошчилигидаги раҳбар органи. Жамият устави асосида, шунингдек, жамиятнинг *директорлар кенгаши (кузатувчилар кенгаши)* тасдиқлайдиган ҳамда унинг мажлисларини чақириш, ўтказиш муддатлари ва тартиби, шунингдек, қарор қабул қилиш тартибини белгилаб берадиган ички ҳужжати (низом, регламент ёки бошқа ҳужжат) асосида фаолият кўрсатади. Жамият акционерларининг умумий йиғилиши ва директорлар кенгаши (кузатувчилар кенгаши) қарорларининг бажарилишини ташкил этади.

Д. ваколатига жамият акционерларининг умумий йиғилиши ва директорлар кенгаши (кузатувчилар кенгаши)нинггина ваколатига киради-ган масалаларидан ташқари, жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш билан боғлиқ барча масалалар киради.

Д. жамият номидан ишонч хатисиз иш юритади, жумладан, унинг манфаатларини ҳимоя қилади, жамият номидан битимлар тузади, штатларни тасдиқлайди, жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқларни чиқаради ва топшириқлар беради.

ДИСБУРСМЕНТ ҲИСОБВАРАҒИ — агент юритган, лекин кема эгаси тўлайдиган кемага хизмат кўрсатиш харажатлари ҳисобварағи. Д.ҳ.ни кема капитани тасдиқлайди. Д.ҳ.ни тўлаш шакли агент ва кема эгаси ўртасидаги келишувга кўра белгиланади.

ДИСБУРСМЕНТ ҲИСОБИ — денгиз агентларига бериладиган ҳисоб бўлиб, улар томонидан кеманинг портга киришида тўхтаган вақт кема эгаси ҳисобидан қилинадиган барча сарф-харажатлар акс эттирилади.

ДИСБУРСМЕНТ ХАРАЖАТЛАРИ — кеманинг у портда бўлган вақтидаги харажатлари. Порт йиғимларининг барча турлари, стивидор ишлар, буксир хизматлари, бункер, тальман хизматлари, озиқ-овқат таъминоти каби харажатларни ўз ичига олади. Д.х. умумий авария акти билан боғлиқ бўлиши мумкин. У ёки бу Д.х.да кема эгаси суғурта манфаатига эга бўлганлиги боис, бу харажатлар суғурта қилиниши мумкин. Қарор топган амалиётга кўра, Д.х. суғурта суммасининг 10% идан ортмаслиги керак.

ДИСКОНТ (инг л. discount, итал. sconto — чегирма) — 1) қимматбаҳо қоғознинг ҳозирги вақтдаги нархи билан тўлов пайтидаги нархи ёки номинал баҳоси ўртасидаги фарқ; молиявий қуролни уни қоплаш пайти келмасдан олдин, номинал баҳосидан арзон нархда сотиб олиш; 2) валютанинг форвард курси билан уни дарҳол етказиб бериш чоғидаги курси ўртасидаги фарқ; 3) турли муддатда стказиб бериладиган айни бир товарнинг нархидаги фарқи; 4) товар нархининг унинг сифати контрактда белгиланган сифатга мос келмаслиги оқибатида пасайиши; 5) валюта курсининг расмий курсга қараганда пасайиш томон ўзгариши; 6) банклар векселларни ҳисобга олиш вақтида ундирадиган фоиз.

ДИСКОНТ СТАВКАСИ (ҳисобга олиш ставкаси) — марказий банк ҳукуматнинг қимматбаҳо қогозларини ҳисобга олиш вақтида ёки ушбу

қоғозлар шаклида таъминлашга қарши кредит бериш чогида ундирадиган фоиз ставкаси. АҚШда — Федерал резерв банки депозит муассасаларига қисқа муддатга маблағ берганда қўллайдиган фоиз ставкаси.

ДИСКОНТИНУИТЕТ (discontinuity — узлуксизликнинг йўқлиги, узилиш) — парламент ишининг парламентга ушбу сессия вақтида киритилган барча қонун лойиҳалари у тугагунича тасдиқланиши лозимлигини белгиловчи қоидаси; қонун лойиҳасини муҳокама қилиш ва овозга қўйишнинг кейинги сессияга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Д. парламентнинг ҳар бир сессияси унинг фаолиятининг ташкилий жиҳатдан якунланиш қисми ҳисобланадиган мамлакатларда қўлланилади (м-н, Буюк Британия, АҚШ). Бошқа мамлакатларда (м-н, Францияда) Д. қўлланилмайди. Чунки парламент узлуксиз ишлайди деб ҳисобланади.

ДИСКРЕЦИОН ҲОКИМИЯТ (фран. discretionnaire — шахсий хоҳишга боғлиқ) — идора ёки мансабдор шахсга қонун доирасида ўз ихтиёрича ҳаракат қилиш ваколатини бериш. М-н, парламент республикасида давлат раҳбари оддий шароитларда бош вазир ёки тегишли вазир *(контрассигнатура)* имзосисиз қонун ҳужжатларини чиқариш ҳуқуқига эга эмас, фавқулодда ҳолатларда эса у мазкур ҳужжатларни дискрецион равишда, яъни контрассигнатурасиз чиқара олади. Д.ҳ. маъмурий органлар ва судлар томонидан айниқса кўп амалга оширилади, бу эса амалда шахснинг дахлсизлиги, айбсизлик презумпцияси каби демократик принциплардан воз кечишни билдиради, белгиланган иш тартибини бузишга олиб келади ва ҳ.к.

ДИСКРИМИНАЦИЯ (лот. discriminatio — фарқлаш) — одатда давлат, юридик ёки жисмоний шахс ҳуқуқларининг (бошқа давлат, юридик ёки жисмоний шахс ҳуқуқларига нисбатан) чекланишини билдирувчи умумҳуқуқий термин. Демократик давлатларнинг ички қонунларида ҳамда халқаро ҳуқуқда Д.нинг барча шакллари тақиқланади.

ДИСМИСЛ (ингл. dismissal — ишдан бўшатиш) — *дипломатик ҳуқуқда* дипломатни хусусий шахс деб эълон қилиш. Д.нинг юридик оқибати тегишли шахсга у яшаб турган давлат юрисдикциясининг одатдаги хорижий фуқароларга тааллуқли бўлган ҳажмда дахл қилишидир. Кўпинча Д. қилинмайди, балки уни қўллаш билан қўрқитилади. Ундан одатда персона нон грата деб эълон қилинган дипломат узрли сабабсиз бошқа давлатда қолишда давом этган тақдирда фойдаланилади.

ДИСПАЧ (ингл. dispatch — тезлик) — кема ёлловчи кема эгасига кемани юк операцияларидан муддатидан олдин бўшатиб берганлиги учун тўлайдиган мукофот. Диспач тўлаш тартиби ва унинг миқдори денгизда юк ташиш шартномасида назарда тутилади. «Д.» термини орқали чартер шартларига мувофиқ кема ёлловчи шахс *сталий вақтининг* муддати тугаганидан бошлаб кемага юк ортиш ёки ундан юкни тушириш тугагунича фойдаланган кеманинг юк операциялари учун банд бўлган вақти ҳам ифодаланади.

ДИСПАША (фр. dispache) — 1) *умумий авария* бўйича зарарларни ҳисоблаш ва уларни кема, кира пули ва юк ўртасида уларнинг қийматига мутаносиб равишда тақсимлаш; 2) кема ҳалокатга учраганда умумий авария мавжудлигини белгиловчи ва авариядан келган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилувчи махсус ҳужжат.

ДИСПАШЕР — *диспашалар* тузиш бўйича эксперт. Ғарб мамлакатла-

рида Д. одатда хусусий фирмалардир. Д. диспаша тузиш бўйича харажатлари умумий авария харажатларининг бир қисми бўлиб, кема, юк ва кира ҳақи ўртасида тақсимланиши лозим.

ДИСПОЗИТИВЛИК — *фуқаролик процессида* ҳимоянинг процессуал воситаларини тасарруф этиш имконияти. Томонлар ва ишда иштирок этаётган бошқа иштирокчилар ўзларининг моддий ва процессуал ҳуқуқларини эркин тасарруф этишлари мумкин. Суд уларга ушбу ҳуқуқларини амалга оширишларида ёрдам беради ва уларнинг тасарруф этиш ҳаракатлари қонуний эканлигини назорат қилади.

ДИСПОЗИЦИЯ (лот. dispositio — жойлашув) — ҳуқуқ нормасининг ҳуқуқ субъекти хатти-ҳаракатидаги юридик аҳамиятга эга мазмунни очиб берувчи таркибий қисми. Агар *гипотеза* қатъий фармойишни қўллаш шароити бўлса, Д. юридик норманинг ўзагини ташкил этади, чунки ҳуқуқ субъектининг бевосита юридик оқибатларга олиб келувчи хатти-ҳаракати шаклини кўрсатади.

ДИСПОНЕНТ — 1) фирма, компания ишлари бўйича вакил, иш тақсимловчи, бошқарувчи; 2) комиссионерларнинг ёки банк корреспондентларининг ҳисобварақларидаги бўш турган маблағни тасарруф этувчи жисмоний ёки юридик шахс.

ДИСПОНИРЛАШ — комиссионерларнинг ёки банк корреспондентларининг ҳисобварақларидаги бўш турган маблағни тасарруф этиш.

ДИСТРИБЬЮТОР (инглз. Distributor) — йирик саноат корхоналаридан улгуржи харид қилиш асосида маҳсулот сотувчи фирма. Д.-фирма, одатда, корхоналар билан узоқ муддатли контракт муносабат ўрнатади ва бозорда маҳсулот ишлаб чиқарувчи фирманинг вакили бўлиб майдонга чиқади. Баъзан, м-н, дастурий маҳсулотни сотиш чоғида, Д. ўз мутахассисларининг кучи билан товарнинг техник жиҳатдан кузатилишини таъминлайди.

ДИФФАМАЦИЯ (лот. diffamo — ёмонлаяпман) — бир қатор давлатларнинг ҳуқуқида қораловчи маълумотларни тарқатиш. *Туҳматдан* фарқли ўлароқ Д. чоғида қораловчи маълумотлар туҳмат хусусиятига эга бўлмаслиги ҳам мумкин.

ДИФФЕРЕНЦИАЛ — 1) фьючерс контракти бўйича етказиб берилишига йўл қўйиладиган навларни (маркаларни) харид қилганлик учун бериладиган мукофот ёки асосий нав (марка) нархига нисбатан чегирма; 2) дилерга қимматбаҳо қоғозларнинг ностандарт (тўла бўлмаган) партияси бўйича битим тузганлиги учун бериладиган компенсация. Дилер Д.ни маҳсулотнинг биринчи тўла бўлиши мумкин бўлган партияси сотув нархига қўшади ва мижознинг бироз қимматроқ (арзонроқ) нархдаги харид буюртмасини тўлдиради.

ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯЛАШГАН ТАРИФ — товарлар қайси мамлакатда тайёрланганига қараб уларга афзаллик бериш ёки уларни ўтказмасликка имкон берадиган божхона тарифи.

ДОИМИЙ МАСЛАҲАТЧИЛАР КОЛЛЕГИЯСИ — судда ишни кўриб чиқишга қонуний ваколатли бўлган доимий маслаҳатчилар таркиби.

ДОК ТИЛХАТИ — юкнинг кемага жўнатиш учун пирса етиб келганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Унинг шакли ва мазмуни *коносамент*ники билан бир хил. Етиб келган юк тушириб бўлингач, *стивидор* тилхатга имзо чекади ва муҳр қўяди. Зарур ҳолларда товарнинг етишмаслиги ёки камчилиги борлиги ҳақида белги қўйилади. Одатда, юк ташувчи коноса-

ментни тасдиқлаш учун тақдим этганда, экспортёр ёки унинг агенти Д.т.ни юк ташувчига беради.

ДОКТРИНАЛ ШАРҲЛАШ — ҳуқуқ нормаларини норасмий талқин этиш турларидан бири бўлиб, уларнинг катта обрўга эга юрист олимлар томонидан изоҳланишини ифодалайди.

ДОКТОРАНТ — *фан номзоди* илмий даражасига эга бўлган ва фан доктори илмий даражасини олиш учун докторантурага қабул қилинган шахс.

ДОМИНИОН (инг. dominion, лот. dominium — эгалик қилиш) — собиқ Британия империяси ўзини-ўзи бошқарувчи қисмларининг, 1931 йилдан кейин эса — мустақилликка эга бўлган, аммо Ҳамдўстлик аъзолари бўлиб қолган ва ушбу мамлакатларга ўзининг вакили қилиб инглиз *генерал-губернаторини* юборган Англия монархини давлат раҳбари деб билган собиқ инглиз мустамлакалари бўлган баъзи мамлакатларнинг номи. Ҳозирги вақтда «Д.» термини деярли қўлланилмайди.

ДОМИЦИЛИАНТ — *векселда* кўрсатилган ва векселни тўловчи шахс яшайдиган жойда ёки бошқа жойда тўлаши керак бўлган учинчи шахс.

ДОМИЦИЛЬ — 1) Бир қатор хорижий давлатларда фуқаронинг доимий турар жойини ёки юридик шахснинг рўйхатдан ўтган жойини билдиради. Д.нинг бир қанча турлари мавжуд. «Кслиб чиқиш Д.» — Буюк Британия қонунлари бўйича, ота Д. «Қонунга кўра Д.» ҳам мавжуд. М-н, хотин ҳатто бошқа мамлакатда яшаса ҳам эри билан бир хил Д.га эга бўлади. «Резидентлик» тушунчасидан фарқли ўлароқ, жисмоний шахс, одатда, фақат бир мамлакатда Д.га эга бўлади. Компанияда ҳам «Д.» ва «резидентлик» тушунчалари мос келмаслиги мумкин. Компания ўзи рўйхатдан ўтган мамлакатда домициллаштирилиши мумкин. Аммо унинг резидентлиги компанияни назорат қилиш ва бошқариш маркази жойлашган мамлакатда тартибга солинади. Бу эса солиқ солиш учун муҳим жиҳатдир. 2) *Векселларга* нисбатан — учинчи шахс тўловни амалга оширадиган жой. Қ.: *Векселлар домициляцияси.*

ДОНОР — 1) ҳуқуқда тиббий мақсадларда қон топширувчи шахс; 2) ўз аъзолари ва (ёки) тўқималарини бошқа шахсга кўчиришга рухсат берган шахс.

ДОСЬЕ — бирор масала, иш, шахсга доир ҳужжатлар тўплами, шунингдек, ана шундай ҳужжатлар йиғмажилди.

ДОТАЦИЯ (ўрта асрлар лот. dotatio — совға) — 1) фуқароларга ва ташкилотларга зарарни қоплаш учун ёки бошқа мақсадларда ажратиладиган давлат ёрдами; қўшимча тўлов; 2) маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини олинган даромадлари қопламайдиган корхонага ушбу харажатларни қоплаш, шунингдек, аҳолига сотиладиган айрим товарларнинг чакана нархини нисбатан паст даражада ушлаб туриш учун бюджетдан ажратиладиган пул маблағлари суммаси; 3) қуйи ҳудудий даражада минимал бюджетни шакллантириш учун ажратилган ва тартибга солувчи харажатлар етишмаган тақдирда юқори даражадаги бюджетдан ажратиладиган пул суммаси. Д.ни ажратиш бепул ва қайтарилмас асосда бюджет бошқаруви тартибида амалга оширилади, ундан фойдаланиш эса мақсадли йўналишга эга эмас.

ДОЦЕНТ (лот. docens — таълим берувчи) — ЎзРда, одатда, фан номзоди илмий даражасига эга бўлган, олий ўқув юртларида ўқитувчилик қилиб, илмий ва методик ишларни бажараётган шахсга берилиши мумкин бўлган илмий унвон.

ДУАЙЕН — *дипломатик корпуснинг* протокол раҳбари (оқсоқол) (инглиз тили давлат тили бўлган мамлакатларда, одатда, декан деб аталади). Д. турли хил расмий тадбирларда дипломатик корпус номидан сўзга чиқади ва, умуман, дипломатик корпус *мақомига* доир масалалар бўйича ўзлари ҳозир бўлиб турган давлатнинг тегишли ҳокимиятлари билан дипломатик корпус ўртасидаги ўзига хос вакилдир. *Дипломатик ваколатхонанинг* ушбу давлатда аккредитациядан ўтган дипломатик вакиллар орасида ҳам, бир хил даражадаги бошлиқлар орасида ҳам энг юқори даражага эга бўлган, ушбу давлатда мазкур лавозимда ўз ҳамкасбларига қараганда энг кўп муддат бўлган раҳбари ўз-ўзидан Д. бўлади. Баъзи мамлакатларда, қарор топган анъанага кўра, папа нунцийси Д. бўлади. Д. сифатида сўзга чиқадиган дипломатик вакил ҳеч бир сиёсий баёнот қилиши мумкин эмас.

ДУАЛИСТИК МОНАРХИЯ (лот. dualis — икки томонлама) — *конституциявий монархиянинг парламентар монархия* билан бир қаторда мавжуд бўлган икки туридан бири (қ.: шунингдек, *Монархия*); *абсолют монархиядан* парламентар монархияга ўтишнинг тарихий ўткинчи шакли. Д.м. вақтида монархнинг ҳокимияти конституция билан чекланган, аммо расман (яъни конституциявий нормалар туфайли), кўпроқ эса амалда (демократик институтларнинг ожизлиги, ривожланмаганлиги боис) катта ҳокимият ваколатларини сақлаб қолади, бу эса уни ушбу давлат бутун сиёсий тизимининг марказига қўяди. М-н, Д.м. вақтида расман монарх ва парламент олдида икки томонлама масъул бўлади, аммо амалда одатда монарх иродасига бўйсунади. Ҳозирги вақтда Д.м. Марокаш, Иордания, Таиланд, Непал, Малайзияда мавжуд.

ДУАЛИСТИК РЕСПУБЛИКА (лот. dualis — икки томонлама) — конституциявий ҳуқуқ фанида *«президент республикаси»* терминининг синоними сифатида ишлатиладиган атама.

ДУБЛИКАТ (лот. duplicatio — иккига бўлиниш) — бирон бир ёзма ҳужжатнинг иккинчи ёки кейинги нусхаси, копиядан фарқли ўлароқ, асл ҳужжат билан бир хил юридик кучга эга. Асл ҳужжатни битим томонларидан биригина олиши мумкин бўлган ҳоллардагина тайёрланади. М-н, юкни темир йўл орқали ташишга қабул қилинганлигини тасдиқлаш учун юк ташувчи юк жўнатувчига юк квитанцияси ўрнига унинг иккинчи нусхасини, яъни юк хатининг Д.ини бериши мумкин. Муайян шароитларда Д. асл ҳужжат йўқолганда ҳам берилади.

ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ — давлатнинг конституциявий-ҳуқуқий таърифи.

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ — ЎзРнинг 1994 йил 5 май қонуни билан таъсис этилган. ЎзРнинг фуқаролари Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишида эришилган катта ютуқлари, Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантирганликлари учун «Дўстлик» ордени билан мукофотланадилар. «Дўстлик» ордени билан ЎзРнинг фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

ДЎСТОНА ВЕКСЕЛЬ — кредит қобилиятига эга бўлган томон пул бозорининг воситаси бўлган вексель қадрини ошириш мақсадида ўз *индоссаментини* қиладиган ўтказма вексель ёхуд унга ўхшаш тўлов талабномаси. Д.в. ҳақиқий тижорат битими билан боғлиқ эмас;

бир вексель бўйича кредитор бўлган шахс бошқаси бўйича қарздордир.

ДЎСТОНА ИНДОССАМЕНТ — ўтказма вексель ёки бошқа муомала кредит-пул ҳужжатининг пул бозоридаги қадрини ошириш мақсадида банк ёки кредит қобилиятига эга бўлган бошқа томоннинг ушбу ҳужжатни индоссирлаши. Д.и. ҳисоб-китоб маблағини расмийлаштиришнинг дастлабки босқичларида бевосита иштирок этмайди. Аммо агар ҳужжатни тузишда иштирок этаётган томонлар ёки бошқа (аввалги) индоссантлар мажбуриятлар бўйича қарзларни тўлаш учун жавобгарликни ўзига олмаса, Д.и. ана шу ишни ўзи қилади.

«Е»

ЕВРОВАЛЮТА БОЗОРИ — узоқ ва ўрта муддатли кредитлар халқаро бозори; миллий валюталар билан улар келиб чиққан мамлакат ҳудудидан ташқарида амалга ошириладиган кредит операцияларига асосланади. «Евро» бозорнинг Ғарбий Европа билан чекланганлигини билдирмайди, балки валюта (доллар, марка, иена) ундан кредит бериш учун фойдаланадиган хорижий банкларнинг ҳисобварақларида турганлигидан далолат беради. Кредит фаолиятининг асосида евровалюта депозитлари ётади. Бир мамлакат резидентлари пулни юқорироқ фоиз ставкаси олиш мақсадида бошқа банк ҳисобварагига қўяди. Муддатли евровалюта депозитлари унинг бир эгасидан бошқасига депозит сертификатлар шаклида ўтиш қобилиятига эга бўлади. Улар муайян белгиланган вақт давомида қайтариб олинмаслиги ҳақида банк тилхатларини тақдим этадилар. Сертификат фоизлар келтиради. Бунда омонатчи сертификатнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг уни бозорда сотиб пул олиш имкониятига эга. Сертификат битимлар предметига айланади. Европа банклари фоизлар кўрсаткичини бироз ошириб, депозитга бўлган ҳуқуқларни бир-бирларига берадилар. Битим қисқа муддатга (1—3 ойга) тузилади. Европа банклари қисқа муддатли маблағларни жалб қиладилар ҳамда депозит сертификатлар ва янгиланадиган кредитлардан фойдаланиб, ушбу маблағларни ўрта муддатли маблағга айлантирадилар.

ЕВРОВАЛЮТАЛАР — 1) Ғарбий Европа мамлакатларининг валюталари; 2) ҳар қандай мамлакатнинг Ғарбий Европа банкларининг ҳисобварақларидаги конвертация қилинадиган валюталари; тижорат банклари ушбу валюталар эмитент мамлакатларидан ташқарида нақд пулсиз депозитли ссуда операцияларини амалга оширадиган валюта. М-н, АҚШ доллари Буюк Британия ва ГФР банкларида евродоллар деб, Швейцария банкларининг ҳисобварақларидаги ГФР маркалари эса — евромаркалар деб аталади. Шунга ўхшаш еврофранклар, еврогульденлар, евроиенаалар мавжуд.

ЕВРОКРЕДИТЛАР — евровалюта бозори ресурслари ҳисобидан мамлакатларнинг йирик тижорат банклари берадиган халқаро қарзлар.

ЕВРООБЛИГАЦИЯЛАР — қарз олувчи Европа бозорида узоқ муддатли қарз олиш чоғида муомалага чиқарадиган қарз мажбуриятлари; қимматбаҳо қоғозларнинг тури.

ЕВРОПА БОЗОРИ — операциялари *евровалютада* амалга ошириладиган кредит капиталларининг халқаро бозори.

ЕВРОПА ВАЛЮТА ТИЗИМИ (ЕВТ) — Европа Иттифоқи доираси-

да иштирокчи мамлакатлар валюта алмашув курсларининг тебранишини камайтириш ва Европада барқарор валюта зонаси яратиш мақсадида ташкил этган валюта механизми. Е.в.т. ЕИ таркибига кирадиган давлатларнинг тўла иқтисодий ва сиёсий интеграциясига эришиш воситаси сифатида ягона умумевропа валюта бирлигини жорий этишни назарда тутади.

ЕВТ доирасида ЭКЮ (European Currency Unit) валюталар билан операцияларни амалга ошириш чоғида улар қийматининг ягона мезони бўлган ва Европа тўлов иттифоқининг ЕИ иштирокчилари бўлган мамлакатлар валюталари савати усули бўйича синтезланган ҳисоб-китоб бирлигига тенглаштирилган Европа валюта бирлиги яратилган. Қабул қилинган қоидага кўра, сават таркиби ҳар беш йилда ёки, агар алмашув курсларининг тебраниши сават таркибига кирадиган валюта ҳиссасининг қийматини 25% ва ундан кўпроқ ўзгартирадиган бўлса, бундан ҳам тезроқ қайта кўриб чиқилиши керак. Мазкур валюталарнинг ҳар бири учун валюталар ўртасида икки томонлама алмашув муносабатлари ўрнатилишига асос бўладиган ва ЭКЮда ифодаланган марказий курс ҳисоблаб чиқилади. Курсларнинг ўзаро тебраниш доираси паритетнинг 2,25% миқдорида белгиланган.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ (ЕИ) — 1993 йилда Европа Ҳамжамиятлари асосида юзага келган ҳамда халқаро ташкилот ва федератив давлат хусусиятларини ўзида бирлаштирган давлатлараро бирлашма. 1992 йилда Маастрихтда (Нидерландияда) давлатлар Европа Ҳамжамияти аъзолари бўлган 12 та давлатнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари имзолаган Европа Иттифоқи тўғрисидаги шартнома 1993 йил 1 ноябрда кучга кирди. Ушбу шартнома келишувларнинг турли жиҳатлари бўйича тузилган 17 та протокол ва 33 та баёнот, Даниядаги референдум натижалари инобатга олинган баёнот, шунингдек, **ягона ижтимоий макон** яратишни назарда тутувчи ижтимоий сиёсат ҳақидаги протокол ва битим билан тўлдирилган. Шартнома миллий фуқароликка қўшимча равишда ЕИ фуқаролигини ҳам жорий этади. ЕИ учта асосга таянади: 1) Европа Иттифоқи тўғрисидаги шартномада назарда тутилган қўшимчалар ва ҳамкорлик шаклларига амал қиладиган Европа ҳамжамиятлари; 2) биргаликдаги ташқи сиёсат ва халқаро хавфсизлик соҳасидаги сиёсат; 3) ички ва ҳуқуқий сиёсатдаги ҳамкорлик.

ЕИнинг мақсадларига қуйидагилар киради: 1) Европа халқларининг яқин иттифоқини ташкил этиш, мувозанатлашган ва узоқ муддатли иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш, бунда, айниқса, қуйидагилардан фойдаланиш: ички чегаралари бўлмаган маконни яратиш; иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш; иқтисодий ва валюта иттифоқини ташкил этиш ҳамда келажакда ягона валютани жорий этиш; 2) халқаро соҳада, айниқса, ташқи сиёсатни ва хавфсизлик соҳасидаги сиёсатни, келажакда эса мудофаа сиёсатини биргаликда юритиш орқали ўз моҳиятини (идентичность) тасдиқлаш; 3) адлия ва ички ишлар соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш; 4) умумий бойликни сақлаб қолиш ва кўпайтириш. 1997 йил 1 июлга келиб ЕИга қуйидаги 15 та давлат аъзо бўлган: Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Финляндия, Франция, Швеция. ЕИ органлари: *Европа Кенгаши; Европа парламенти; Европа Иттифоқи кенгаши; Европа комиссияси; Европа суди.*

Бу органлар ўз ваколатларини Европа Ҳамжамиятларини тузиш тўғрисидаги шартномалар, уни тўлдириш ёки ўзгартириш учун қабул қилинган кейинги шартномалар ва ҳужжатларга ҳамда ЕИ тўғрисидаги шартнома нормаларига асосан амалга оширадилар.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ КЕНГАШИ — Европа Иттифоқининг (Европа Ҳамжамиятларининг) олий ижрочи органи; Иттифоққа аъзо бўлган давлатларнинг қарорларини қабул қилиш жараёнида иштирок этишини таъминлайди; унга аъзо бўлган давлатлар вазирларидан иборат бўлади. Кенгаш таркиби кўриб чиқиладиган масалага қараб ўзгариб туриши мумкин. Кейинги вақтда тармоқлар вазирларининг мажлислари одат тусини олаяпти. Турли тармоқлардаги биргаликдаги сиёсатнинг асосий тамойилларини белгилаш учун ваколатли бўлган Раислик қилувчи ҳар олти ойда алмашиб туради. Кенгаш доимий вакилларга, Кенгаш мажлисларини тайёрловчига ва ишчи гуруҳларнинг олиб борадиган ишларини мувофиқлаштирувчига, ишчи гуруҳларига ва бош котибиятга таянади. Европа Ҳамжамиятларининг ташкил этилиши ҳақидаги Шартномада назарда тутилган ҳоллардан ташқари Кенгаш қарорларни овозларнинг оддий кўпчилиги билан қабул қилади. Кўпчилик овозни талаб қилганда Германия, Франция, Италия ва Буюк Британия ҳар бири ўн овозга, Испания — саккиз, Бельгия, Греция, Нидерландия ва Португалия бештадан, Австрия ва Швеция — тўрттадан, Дания, Финландия ва Ирландия — учтадан ва Люксембург — иккитадан овозга эга бўлади.

ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИ (ЕИҲ) — Ғарбий Европанинг 12 та мамлакати (Бельгия, Буюк Британия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Франция, Германия)дан иборат бўлган интеграцион гуруҳ; 1957 йилда Рим Шартномасига кўра асос солинган. 60-йилларнинг охирида ягона божхона иттифоқи ташкил этилган; божлар, ўзаро савдодаги миқдорий чеклаш бекор қилинган; учинчи мамлакатга нисбатан ягона божхона тарифи жорий этилган. 1992 йил охирига келиб ягона ички бозорни яратиш жараёни тугалланди, яъни товарлар, хизматлар, капиталлар, иш кучларининг эркин кўчиб юришидаги ғовлар олиб ташланди. Иқтисодий ва валюта иттифоқини ташкил этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. 1993 йил 1 январидан бошлаб Ҳамжамият ички чегараларидаги божхоналар йўқ қилинди. ЕИҲнинг бир мамлакатидан бошқасига олиб ўтиладиган барча товарларни назорат қилиш бекор қилинди. Ҳарбий техника ва қурол-яроқ, янги автомобиллар ва санъат асарларигина бундан мустасно дир. 1993 йилда ЕИҲ Европа Иттифоқига таркибий қисм бўлиб кирди.

ЕВРОПА КЕНГАШИ — Иккинчи жаҳон урушидан кейин ташкил этилган биринчи Европа ҳукуматлараро ташкилотидир. Унинг Устави 1949 йилда имзоланди ва ратификация қилинди. Европа кенгашининг аъзолигига Кенгаш иштирокчилари бўлган давлатлар ва ҳукуматларнинг раҳбарлари ҳамда *Европа комиссиясининг* раиси, унинг ўринбосарлари — ташқи ишлар вазирлари ва Комиссия аъзоларидан бири киради. Е.К. йилига камида икки марта унга аъзо бўлган ҳамда шу пайтда *Европа Иттифоқи Кенгашида* раислик қилаётган давлат вакилининг раислигида мажлис ўтказади. Е.К.нинг мақсади: унга аъзо бўлган давлатлар ўртасида уларнинг ғоялари ва тамойилларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш учун янада мустаҳкам алоқаларнинг бўлишини таъминлаш, Европани демократик ва хавфсиз маконга айлантиришга кўмаклашиш, плюралис-

тик демократия ва инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши ва мустаҳкамланиши, Европага хос маданий бир хилликни шакллантириш учун европача ўзини ўзи англашнинг ривожланиши ва мустаҳкамланиши. 1996 йилнинг 1 майида Е.К.га унга аъзо бўлган 36 та давлат, шу жумладан, Ўзбекистон (1996 йил 21 июлда қабул қилинган) кирган. Е.К.нинг таркиби қуйидагича: 1. Вазирлар Қўмитаси. 2. Парламент ассамблеяси. 3. Тармоқ вазирлари кенгашлари. 4. Котибият. Кенгашга аъзо бўлган давлатлар ташқи ишлар вазирларидан иборат Вазирлар қўмитаси Европа Кенгашининг олий органи ҳисобланади. У Европа Кенгашининг иши дастури, Парламент ассамблеяси тавсиялари, турли ҳукуматлараро ихтисослашган қўмиталар ва тармоқлар вазирлари кенгашлари таклифлари бўйича қарорлар қабул қилади, Е.К. бюджетини қабул қилади ва инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссияси аъзоларини тайинлайди. У вазирлар даражасида одатда бир йилда икки марта йиғилади, шунингдек, «доимий вакиллар» (делегатлар) даражасида ҳар ойлик учрашувлар назарда тутилган. Парламент ассамблеяси миллий парламентлар аъзолари ҳисобидан сайланадиган депутатлар ва уларнинг ўринбосарларидан иборат бўлади. Ҳар бир мамлакатдан вакиллар сони (2 тадан 18 гача) унинг аҳолиси сонига боғлиқ бўлади. Ассамблея кун тартибида турган масалаларни кўриб чиқади, тавсияларни шакллантиради, конференциялар, коллоквиумларни ва очиқ парламент тингловини ташкил этади, бош котибни ва унинг ўринбосарларини, ассамблея аппарати раҳбарини ва инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди судьяларини сайлайди. Котибиятга беш йиллик муддатга сайланадиган Бош котиб Вазирлар қўмитаси олдида котибият фаолияти учун жавоб беради ва Маслаҳатчилик ассамблеясига зарур маъмурий хизматлар кўрсатади.

ЕВРОПА КОМИССИЯСИ (Европа Ҳамжамиятлари Комиссияси) — Европа Иттифоқи (Европа Ҳамжамиятлари)нинг асосий органларидан бири; 15 та ҳукумат умумий келишув асосида ва *Европа парламентининг* розилиги билан тайинлайдиган 20 нафар аъзо ва раисдан иборат; ижро этувчи орган ҳисобланади. Комиссиянинг ҳар бир аъзосига муайян фаолият соҳаси бириктирилган, у маъмурий аппарат (бош дирекция, махсус хизматлар ва ҳ.к.) қўллаб-қувватлайдиган сиёсий маслаҳатчилар ва консультантлардан иборат кичик гуруҳ («кабинет»)га таянади. Қарорлар кўпчилик овози билан қабул қилинади. Шартномалар назоратчиси бўлмиш комиссия Европа Иттифоқи органларининг ушбу шартномалар нормалари ва қарорларининг тўғри қўлланилишини кузатиб боради, *Европа Кенгашига* турли тармоқлардаги сиёсатни ривожлантириш хусусида таклифлар беради, *Европа Иттифоқи Кенгаши* қарорлари асосида ёки у қабул қилган низомни бевосита амалга ошириш йўли билан Европа Иттифоқининг сиёсатини ҳаётга жорий этади. Комиссия аъзолари ўз ҳукуматларининг топшириқларидан мустақилдирлар ва ишончсизлик вотуми чиқариши мумкин бўлган Европарламент томонидан назорат қилинади.

ЕВРОПА ПАРЛАМЕНТИ (Европарламент) — *Европа Иттифоқининг* маслаҳат ва тавсиялар берувчи органи. Европарламентнинг 626 нафар депутати, қоида тариқасида, тўғридан-тўғри сайловлар давомида беш йиллик муддатга сайланадилар. Фракциялар (миллий гуруҳларсиз, 8—12 кишидан иборат) парламентнинг сиёсий таркибини акс эттиради. Парламент шартномалар (охиргиларидан бири Европа Иттифоқи тўғри-

сидаги шартнома ҳамда институционал актлар) унга берган ваколатлар доирасида Комиссия ва Кенгашни назорат қилиш, қонун чиқарувчи ва бюджет процессида иштирок этиш ҳамда сиёсий ташаббусларни илгари суриш ҳуқуқига эга. Парламент ва унинг органлари фаолиятини парламент раёсати (раис ва унинг 14 нафар ўринбосари, бундан ташқари, маъмурий ва молиявий масалаларни ҳал этиш учун маслаҳат овозига эга бўлган беш нафар квесторлар) бошқариб туради. Страсбург (Франция) шаҳрида жойлашган.

ЕВРОПА ПАТЕНТ ТИЗИМИ — Европа патентларини бериш тўғрисидаги конвенция (Мюнхен, 1973 й.) ва Умумий бозор учун Европа патентини бериш тўғрисидаги конвенцияга асосланган халқаро тизим. Тизимнинг асосини Европа патент ташкилоти (ЕПТ), яъни вазифаси ЕИ иштирокчилари бўлган барча мамлакатлар учун умумий нормалар асосида Европа патентларини беришдан иборат минтақавий ташкилот. Асосий мақсади — Европада патент буюртмалари бўйича иш юритишни соддалаштириш. Унинг мазмуни шундан иборатки, турли тилларда ёзилган бир қанча патент буюртмалари ўрнига бир тилда ёзилган битта буюртма тақдим этиш ва бир қанча Европа давлатларига нисбатан патент харид қилиш учун битта идорада битта иш юритишни амалга ошириш имконияти берилади. Умумий бозор аъзолари бўлган давлатларга нисбатан Европа патентлари пакети битта бўлинмас Европа патенти (Ҳамдўстлик патенти)га бирлашади. Патентлар бериш тизими Ҳамдўстликка кирувчи давлатлар миллий патент тизимлари билан бирга мавжуд бўлиш принципларига асосланган.

ЕВРОПА СУДИ — Европа Иттифоқи (Европа Ҳамжамиятлари)нинг асосий органларидан бири. Маслаҳатчилар сифатида тўққизта нафар бош прокурор (умумий розилик асосида олти ойлик муддатга тайинланадилар) ёрдам берадиган 15 нафар судьядан иборат. Е.с. шартномани изоҳлаш ва қўллаш чоғида ҳуқуққа риоя этилишини кузатиб туради. Суд аъзо давлатлар ўртасидаги, Ҳамжамият органлари ва аъзо давлатлар ўртасидаги, органлар ўртасидаги, Ҳамжамият ва хусусий шахслар ўртасидаги баҳс-мунозараларни ҳал этади, эксперт хулосаларни тайёрлайди ва дастлабки қарорлар учун масъул бўлади (миллий суд илтимоси бўйича). Е.с. Люксембург шаҳрида жойлашган.

ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ (ЕТТБ) — махсус халқаро иқтисодий ташкилот. 1991 йил апрелида расман очилган. Унда 59 мамлакат, жумладан, ЕИга кирувчи барча мамлакатлар иштирок этади. ЕТТБнинг мақсади — Шарқий Европада бозор иқтисодиёти ва демократиянинг қарор топишига кўмаклашиш. Банк хусусий ташкилотларга ҳам, давлат тузилмаларига ҳам иқтисодиётни ривожлантириш эҳтиёжлари учун қарзлар беради. ЕТТБ фақат тижорат асосида ишлайди ва хайрия ишлари билан шуғулланмайди. У муайян лойиҳалар учун фақат мақсадли кредитлар беради. Мақсадли кредитлар беришдан ташқари, ЕТТБ тўғридан-тўғри инвестицияларни амалга оширади, шунингдек, техникавий ёрдам беради.

ЕВРОПА ЧЕКЛАРИ — Европанинг «Еврочек» банк тизимининг иштирокчилари бўлган ҳар қандай мамлакатда тўлов учун қабул қилинадиган чеклар.

ЕВРОПА ҲАМЖАМИЯТЛАРИ — учта расман мустақил, аммо ўзаро боғлиқ бўлган минтақавий иқтисодий ташкилот — 1951 йилда ташкил этилган Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси (ЕКПБ), 1957 йилда

ташкил этилган Атом энергияси буйича Европа ҳамжамияти (ЕВРОАТОМ) ва *Европа Иқтисодий Ҳамжамиятининг* бирлашмаси. Ҳозирги вақтда Е.Ҳ. тизимига Европа интеграцион институтларининг кўпчилиги ҳам киради. 1965 йилда Брюссель шартномасига асосан, учала ҳамжамиятнинг ягона органлари тузилди. 1992 йилда XX аср охирига бориб умумий мудофаа ва валюта-молия тизимини ўз ичига олган сиёсий иттифоқ ташкил этишни назарда тутувчи Маастрихт битимларининг (1993 йилда кучга кирган) тузилиши муносабати билан Е.Ҳ. *Европа Иттифоқи* деб атала бошлади.

ЕГЕРЬ (нем. Jager — овчи) — Ўзбекистоннинг овчилик хўжаликларидаги мансабдор шахс; ҳаваскор овчиларга хизмат кўрсатадиган мутахассис овчи. Табиатдан фойдаланиш қоидалари ва овчилик тўғрисидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилади.

ЕР КАДАСТРИ — ерларнинг табиий, ҳўжалик ва ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги тизимлаштирилган аниқ маълумотлар тўплами. Ер кадастри маълумотлари ер эгаларини солиққа тортишда, ерга тегишли битимларни рўйхатга олиш, ерни гаровга олиш ва бошқаларда фойдаланилади. Ер кадастрида ер эгасининг номи кўрсатилади, умумий ер майдони тасвири, ер майдонларининг жойлашган манзили, уларнинг шакли, мулк таркиби, уларнинг сифати, даромадлилиги, ернинг баҳоси кўрсатилади. Ер кадастрини тузишда мамлакатнинг турли туманларида ернинг типик участкалари жойлашган манзили, тупроқнинг сифати, яқин жойларда ривожланган инфраструктураларни борлигига қараб гуруҳланади. Ҳар бир типик участкалар учун майдон бирлигига бир неча йиллар учун ўртача баҳо ва даромадлилик белгиланади; қолган барча ер майдонлари унга ёки бошқа даражаларга тенглаштирилади, майдон бирлигидан келиб чиқиб солиқ ставкаси белгиланади.

ЕР ЭГАСИ (форс. — заминдор) — ўрта асрларда Ҳиндистондаги мерос олган ер эгаси. Ҳиндистонни инглизлар босиб олгандан кейин (XVIII аср) ер эгалари ер солиғи тўлаши тасдиқланган ҳолда ер мулкдорлари деб атала бошланди.

ЕР ҲУҚУҚИ — ер ресурсларини эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш буйича, шунингдек, уларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш буйича муносабатни тартибга солувчи комплекс ҳуқуқ тармоғидир. Фуқаролик ҳуқуқи нормалари ер ҳуқуқи ўзагини ташкил этади, бироқ ер ҳуқуқида маъмурий нормалар ва экология ҳуқуқи ҳам муҳим роль ўйнайди.

ЎзРнинг Конституциясига биноан ерга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш масалалари ЎзР ихтиёридадир. ЎзРда ер ҳуқуқининг асосий манбаи: ЎзР Конституцияси, ЎзР ФК ва ЎзРнинг Ер кодекси.

ЕР МЕЛИОРАЦИЯСИ — тупроқ унумдорлигини яхшилаш, кўтариш. Шунингдек, ер мелиорациясини яхшилаш бевосита гидротехник, химиявий, эрозияга қарши, агротехника қоидаларига риоя этиш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ. ЎзРда ер мелиорацияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш» тўғрисидаги ЎзР қонуни ва 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган ЎзР Ер кодексида кўрсатилган талаблар асосида амалга оширилади.

ЕР ОСТИ БОЙЛИГИ, ЕР ҚАЪРИ (КОН) — ер ости бойликларидан фойдаланиш ЎзРда 1994 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Ер ости

бойликлари тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади. Ушбу қонуннинг вазифалари минерал хомашёга, ер ости сувларига бўлган ҳамда бошқа эҳтиёжларни қондириш учун ер ости бойликларидан фойдаланиш чогида ер ости бойликларини, атроф табиий муҳитни муҳофаза этиш ва ишларни бехатар олиб боришни, давлат ва фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер ости бойликларига эгалик қилишда, улардан фойдаланишда ва уларни тасарруф этишда юзага келадиган муносабатларни (кончилик муносабатларини) тартибга солишдан, шунингдек, ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат(1-модда).

Кончилик муносабатлари юқорида кўрсатилган қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Қорақалпоғистон Республикасида кончилик муносабатлари Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Ер ости бойликларидан фойдаланиш чоғида юзага келадиган, ердан, ер усти сувларидан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан, атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ер ости бойликларининг фойдаланилаётган участкалари ҳам, шунингдек, техноген ҳосилалар (минерал хомашёни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш чиқиндилари) ер ости бойликлари Давлат фондини ташкил этади (4-модда).

Юридик ва жисмоний шахслар ер ости бойликларидан фойдаланувчи бўлишлари мумкин. Ер ости бойликларидан фойдаланиш муддати чекланмаган ва чекланган бўлиши мумкин. Ер ости бойликларидан фойдаланиш муддати олдиндан белгилаб қўйилмаган бўлса, у муддати чекланмаган ҳисобланади. Ер ости бойликлари чекланган муддатли фойдаланиш учун лицензияда белгиланган муддатга бериб қўйилади. Заруратга қараб, бу муддат узайтирилиши мумкин.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш муддати фойдаланиш ҳуқуқи берилган кундан бошлаб ҳисобланади (1-модда).

ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ — Қ.: *Ер ости бойликлари, ер қаъри.*

ЕР РЕНТАСИ — ер майдонини ижарага олувчининг ерни ижарага берувчига ердан фойдаланганлиги учун доимий тўлов тўлаши, яъни ер учун ижара тўлови.

ЕР СОЛИҒИ — ЎзРда мақсадли аниқ солиқлардан бири. У ЎзРнинг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ер кодексида ердан пуллик фойдаланишнинг белгиланиши муносабати билан ер учун тўлов шаклларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар солиқ тўловчилар бўлиб ҳисобланадилар. Ижарага олувчилар ер солиғи тўламайдилар, чунки ижарага берилган ер учун улардан ижара тўлови олинади. Солиққа тортилиш объекти ер бўлиб ҳисобланади (қишлоқ хўжалигига белгиланган, шунингдек, қишлоқ хўжалигига белгиланмаган). Айтиб ўтилган тўловлар учун солиққа тортилиш бирлиги қилиб бир гектар (1 га) ҳайдалган ер белгиланган.

ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ДОИМИЙ ВА МУДДАТЛИ (ВАҚТИНЧА) ЭГАЛИК ҚИЛИШ ВА ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ — ЎзР Конституцияси 55-моддасига асосан, ер умуммиллий бойлик. ЎзР Ер кодексининг (1998 йил 30 апрелда тасдиқланган) 20-моддасига асосан,

ер майдонларидан доимий ва муддатли (вақтинча) эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи юридик ва жисмоний шахсларга берилади. Ер майдонлари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қишлоқ ва ўрмон хўжалиги юритиш учун, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа мақсадлар учун доимий эгалик қилишга берилади. Доимий ёки муддатли (вақтинча) фойдаланиш учун ер майдонлари: саноат, транспорт ҳамда бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига; чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмаларга ва ташкилотларга; чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга берилади. Ер майдонларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан тасдиқланади. Ер майдонларидан муддатли фойдаланиш қисқа муддатли — уч йилга ва узоқ муддатли — уч йилдан ўн йилгача бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш зарурати туфайли юқоридаги муддатлар узайтирилиши мумкин. Муддатни узайтириш тегишли ва шу участкаларни берган органлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Яйлов чорвачилиги учун ер майдонларини қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларга йигирма беш йилгача муддатга берилиши мумкин.

ЕР ЭГАЛИГИ — XVIII ва XIX асрлар чегарасида Марказий, Шарқий ва Шимолий Ҳиндистонда мустамлакачилар томонидан киритилган ер солиғи тизими. Заминдорлар мерос қилинган ер эгалари ҳуқуқи тасдиқланган ва улардан (доимий ёки вақтинча) ернинг юқори турувчи мулкдори бўлган мустамлакачилар ҳокимияти фойдасига ер солиғи ундирилган. У XX асрнинг 50-йилларида бекор қилинган.

ЕРГА ЭГАЛИК — ер эгаларининг тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларини шарт қилувчи юридик асосларга мувофиқ юридик ёки жисмоний шахслар томонидан белгиланган ер майдонини ҳақиқий эгаллаш; хўжалик муомаласи ва бозор механизми билан биргаликда ишлаб чиқаришнинг муҳим воситаларидан бири сифатида ерни тасарруф қилиш шакли.

ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ — ЎзРнинг фуқаролик ва ер ҳуқуқида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлмаган ердан асосий мақсадда фойдаланишнинг юридик шаклларидан бири. Ердан фойдаланувчилар ер эгалари ва ер майдонлари мулкдорларига қараганда ерга нисбатан камроқ ҳуқуқдан фойдаланадилар.

ЕРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР — ерни муддатсиз, узоқ муддатли ва вақтинча фойдаланишга олувчи шахс (ердан фойдаланишга қаранг). Ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқининг субъектларидан, хўжалик ва мулкдорлик шаклларидан, ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан ва бошқа ихтисослаштирилишидан қатъи назар, хорижий шахслар ва халқаро ташкилотлар ҳам амалда ердан фойдаланувчилар бўлиши мумкин.

ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — ЎзРнинг Ер кодекси ва бошқа қонунлари асосида Ўзбекистонда ерлар қонун муҳофазасига олинган. Жумладан, Ер кодексининг 79-моддасига асосан, ерларни муҳофаза қилиш улардан белгиланган мақсадда, оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини, ўрмон фонди ерларининг самарадорлигини тиклаш ва ошириш, қишлоқ хўжалик оборотидан ва алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари таркибидан ерларнинг асоссиз равишда олиб қўйилишининг олдини олиш, уларни зарарли антропоген таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, технологик ва

бошқа тадбирлар тизимини ўз ичига олади. Ерларни муҳофаза қилиш ерларга мураккаб табиий ҳосилалар (экзотизим) тариқасида, уларнинг зона ва минтақа хусусиятларини эътиборга олган ҳолда атрофлича ёндошиш асосида амалга оширилади. Ерлардан оқилона фойдаланиш тизими табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш тарзида бўлиши ҳамда тупроқнинг сақланишини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, геология жинсларига ва атроф муҳитнинг бошқа таркибий қисмларига таъсир ўтказишни чеклашни назарда тутиши лозим. Шу билан бирга, ердан фойдаланувчилар ва ижрочилар маълум бир мажбуриятларни бажаришлари лозим, яъни тупроқ унумдорлигини, шунингдек, ернинг бошқа хоссаларини йўқотмаслик каби талабларини бошқаришлари зарур. Агар қонун талаблари асосида ердан фойдаланиш қоидалари бузилса, жавобгарлар ҳам маъмурий, ҳам жиноий жавобгарликка тортиладилар. Жумладан, ЎзР ЖКнинг 197-моддасида ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, айбдорларга нисбатан жавобгарлик шартлари белгиланган.

ЕРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — ЎзР Ер кодексининг 11-бобига мувофиқ, Е. м. қ. ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, технологик ва бошқа чора-тадбирларни ўз ичига олган бўлиб, улар тупроқларни самарали ишлатиш, ўрмон фонди ерларининг ҳосилдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги ва алоҳида муҳофаза қилинувчи ерлар оборотидан ерларни сабабсиз олиб қўйишга йўл қўймаслик, зарарли антропоген таъсирдан муҳофаза қилишга қаратилган.

«Ё»

ЁЗИШМАЛАР СИРИ — инсоннинг конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлиб, почта ва телеграф жўнатмалари (хат, телеграмма, посилкалар, ўтказмалар), телефон сўзлашувлари ва бошқа хабарларнинг барча турлари дахлсизлигини ўз ичига олади. Хат-хабарларни очиш, уларнинг мазмуни билан танишиш ва уни ошкор этишнинг тақиқланишини билдиради. Ёзишмалар сирини чеклашга фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини ва давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўл қўйилади (ЎзР Конституциясининг 27-моддаси).

ЁЗМА БИТИМЛАР — фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлари. ЎзР ФКнинг 105-моддасига асосан, битимлар оғзаки ёки ёзма (оддий ёки нотариал тасдиқланган) шаклда тузилади. Битимларнинг оғзаки шакли қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида ёзма шаклда белгилаб қўйилмаган, жумладан, у тузилаётган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган бўлиши мумкин. Шахснинг хатти-ҳаракатларидан унинг битим тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган ҳолда ҳам бундай битим тузилган ҳисобланади. Жетон, нота ёки одатда қабул қилинган бошқа белги бериш йўли билан тасдиқланган битим, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, оғзаки шаклда тузилган битим ҳисобланади. Ёзма шаклда тузилган шартномани

бажаришга қаратилган битимлар, агар қонун ҳужжатлари ва шартномага зид бўлмаса, тарафларнинг келишувига мувофиқ оғзаки тузилиши мумкин (ЎзР ФКнинг 106-моддаси), ёзма шаклда тузилган битимни, агар иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, тарафлар ёки уларнинг вакиллари имзолаши керак. Агар қонун ҳужжатларига ёки иштирокчилардан бирининг талабларига зид бўлмаса, икки тарафлама битимлар тарафлар имзолайдиган ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш йўли билан тузилиши мумкин. Хатлар, телеграммалар, телефонограммалар, телетайп маълумотлари, факслар ёки томонларни ва улар хоҳиш-иродасининг мазмунини ифодалайдиган бошқа ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш, агар қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ёзма шаклда тузилган битимга тенглаштирилади. Қонун ҳужжатларида ва тарафларнинг келишувида битим шакли мос келиши шарт бўлган қўшимча талаблар (муайян шаклдаги бланкада тузилганлиги, муҳр босиб тасдиқланиши ва бошқалар) белгилаб қўйилиши ва бу талабларга риоя этмаслик оқибатлари назарда тутилиши мумкин. Агар фуқаро жисмоний камчилиги ёки саводсизлиги туфайли битимни шахсан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан, битимни бошқа фуқаро имзолаши мумкин. Бошқа фуқаронинг имзоси нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан гувоҳлантирилиб, битим тузувчи уни шахсан ўзи имзолай олмаслигининг сабаблари кўрсатилиши шарт. Ёзма шаклда тузилган битимни бажарган тараф иккинчи тарафдан ижрони тасдиқловчи ҳужжат талаб қилишга ҳақли (ЎзР ФК, 107-модда). Нотариал тасдиқланиши талаб этиладиган битимлардан ташқари, қуйидаги битимлар оддий ёзма шаклда тузилади: 1) юридик шахсларнинг ўзаро ва фуқаролар билан битимлари; 2) фуқаролар ўртасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан ортиқ суммадаги битимлар, қонунда белгиланган ҳолларда эса — битим суммасидан қатъи назар бошқа битимлар (ЎзР ФК 108-модда). ЎзР ФКнинг 109-моддасида, битимларнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик оқибатларида келиб чиқадиган низолар ва уларни кўриб чиқиб чора кўриш баён этилган.

ЁЗМА ДАЛИЛЛАР — жиноят, фуқаролик ва хўжалик низолари бўйича далил сифатида ишлатилувчи ёзма манбалар: шахсий хусусиятдаги ёзишмалар, у ёки бу ҳолатларга тааллуқли маълумотлар қайд этилган ҳужжатлар. Ё. д. бажарилишига кўра қўлда ёзилган, полиграфия маҳсулоти, компьютерларда бажарилган бўлиши мумкин. Шу билан бирга ёзма далилларнинг асл нусхаси ёки кўчирмаси ҳам бўлади. Жиноий ҳуқуқий томонидан ёзма манбалар кўп ҳолларда маълум бир тадқиқот ўтказилганидан сўнг асосий далил сифатида қабул қилинади. Ё.д.нинг тадқиқоти ва уларни ўрганиш криминалистика фани томонидан ишлаб чиқилган илмий тавсиялар ва усуллар орқали амалга оширилади.

ЁЛЛАНИШ — низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган ёхуд назорат қилиниб турган низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамайдиган ёки ҳеч қандай давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколати берилмаган шахснинг моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирон шахсий манфаатни кўзлаб, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуролли тўқнашувда ёхуд ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёлланиши. ЎзР

ЖКнинг 154-м.си билан «Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар» жумласига киритилади.

ЁЛЛАНМА ИШНИ БОШҚА БИР ШАХСГА ЎТКАЗИШ — ижарага иш олган шахснинг ўз мажбуриятларини бошқа бир шахсга (ҳуқуқий) ўтказиши.

ЁЛЛОВЧИ (ИЖАРАГА ОЛУВЧИ) — мулкни шартнома асосида ижарага олувчи (қ.: *Ижара шартномаси; Уй-жой ижара шартномаси; Мулкий ижара*).

ЁЛҒОН ГУВОҲЛИК БЕРИШ — суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёки ишни судда кўриш вақтида гувоҳ ёки жабрланувчининг била туриб ёлғон кўрсатув бериши ёхуд экспертнинг била туриб нотўғри хулоса бериши, шунингдек, бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилиш. ЎзР ЖКнинг 238-моддасига кўра, бу каби ҳаракатлар жиноят деб топилган. Ушбу жиноятнинг объекти одил судловни амалга оширувчи прокуратура, суриштирув ва дастлабки тергов идораларининг фаолияти ҳисобланади. Шу билан бирга, жиноят қонунчилигининг қўриқланадиган яна бир объекти — бу ёлғон гувоҳлик беришга мажбурлашда гувоҳнинг, жабрланувчининг, экспертнинг, таржимоннинг ёки уларнинг яқин қариндошларининг соғлиги ҳамдир. Ёлғон гувоҳликнинг барча турлари расмий таркибли жиноят бўлиб, улар ёлғон кўрсатув, хулоса берилган ёки таржима қилинган вақтдан бошлаб, уларнинг исботи учун қонун қабул қилинган-қилинмаганлигидан қатъи назар, тамомланган деб ҳисобланади.

Кема капитани кўрсатмалари — кема ёки бошқа денгиз транспортининг расмий тайинланган капитанининг божхона идораларига (кема келганида ёки кетишида) берадиган ёзма аризаси. Бу аризада кема тўғрисидаги маълумотлар, юклар ва уларнинг ҳужжатлари кўрсатилиши лозим.

ЁЛҒОН ДЕТЕКТОРИ (полиграф) — қон босими, томир уришининг тезлиги, тери намлиги, нафас олиш тезлиги (физиологик кўрсаткичлар) кабиларни узлуксиз ўлчайдиган асбоб. Ички зўриқиш чоғида, масалан, кўнгилсиз саволларга жавоб бериш ёки ёлғон кўрсатма бериш вақтида бу кўрсаткичлар меъёрдагиларидан кескин фарқ қилади. Ўлчов натижаларини баҳолаш асосида кўрсатманинг ҳақиқий даражаси ҳақида хулоса қилинади. АҚШ ва бир қатор бошқа мамлакатларда Ё.д.дан фойдаланиш қонунда белгилаб қўйилган (асосан давлат муассасаларидаги хизматчиларни текширишда).

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ — Қ.: *Ёнғин хавфсизлиги.*

ЁНҒИНДАН САҚЛАШ ГАРНИЗОНИ — муайян ҳудудда жойлашган бошқарув органлари, ёнғиндан сақлаш бўлинмалари, ёнгинга қарши курашиш техникаси илмий-тадқиқот муассасалари ва ўқув юртлари, шунингдек, қайси идорага тегишли эканлиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, ёнғинни учиришга мўлжалланган бошқа ёнғинга қарши ташкилотлар мажмуаси.

ЁНҒИНДАН САҚЛАШ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЛАБЛАРИ — ёнғин хавфининг олдини олиш мақсадида қонунларда, норматив ҳужжатларда ёки ваколатли давлат органлари томонидан белгиланган ижтимоий ва (ёки) техник хусусиятга эга бўлган махсус шарт-шароитлар. Ё.с.х.т.ни белгилаш қоидалари қонун ҳужжатларида ифодаланади.

ЕНГИЛРОҚ ЖАЗО ТАЙИНЛАШ — ЎзР ЖКнинг 57-м.да кўрсатилганидек, суд содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, алоҳида ҳолларда ЖКда назарда тутилган мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони тайинлаши мумкин.

Суд шу асосларни эътиборга олиб, қўшимча жазони тайинламаслиги ҳам мумкин. Содир этилган қилмиш хусусиятларини ифодаловчи ҳолатлар, яъни айбдорнинг шахси, айбининг шакли ва даражаси, жиноят қилиш шароити ва сабаблари, шахснинг жиноятни содир қилгунча ва ундан кейинги хулқ-атвори жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топилиши мумкин.

ЁНДОШ (ПАРАЛЛЕЛ) ЮРИСДИКЦИЯ — халқаро ҳуқуқ муносабатларида халқаро жиноят процесси институти бўлиб, миллий ва халқаро суд ишларини юритади. Асосан, халқаро миқёсдаги, инсон ҳуқуқ ва манфаатларига қарши қаратилган жиноятлар ҳамда ҳарбий жиноятлар бўйича иш олиб боради. Югославия бўйича 1993 йилги Халқаро трибунал низомининг ва 1995 йилги Руанда халқаро жиноят трибунали низомига кўра, Халқаро трибунал мавқеи миллий давлат трибуналлариникидан юқори деб кўрсатилган. Шунга кўра Халқаро трибунал ҳар бир тергов қилинаётган жиноят ишини, у қайси босқичда бўлишидан (дастлабки тергов, суд тергови) қатъи назар, ўз ихтиёрига олиши мумкин ва бу расмий тарзда бажарилади.

ЁПИҚ БОЖХОНА ОМБОРИ — божхона омборининг бир тури бўлиб, бунда товарлар божхона органининг омборлаштириш тартибига риоя қилиш асосида сақланади, омбордан фойдаланиш ҳуқуқи фақат белгиланган шахсларга берилган.

ЁПИҚ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАР — фуқароларнинг махсус шароитда яшашини ўз ичига олувчи, давлат сирини сақлаш ва хавфсиз фаолият кўрсатишнинг алоҳида тартиби, улар учун зарур ҳарбий ва бошқа объектлар, радиоактив ва бошқа материалларни қайта ишлаш, оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқарилиши, тайёрланиши, сақланиши ва утилизацияси бўйича ишлаб чиқариш корхонаси жойлашган маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига эга бўлган ҳудудий ташкилотлар.

ЁПИҚ ОБУНА БЎЛИШ — 1) қимматли қоғозларни ғайрирасмий жойлаштириш. Бундай ҳолларда қимматли қоғозларни чиқарувчи компания вакили бўлиб, одатда, инвестиция дилери чиқади, у бунинг учун комиссион ҳақ олади. Чиқариш тўғрисида баённома чиқарилади, унда қатор муҳим ҳолатлар, масалан, эмиссия баҳоси кўрсатилмайди. Ошкор этилмасдан қимматли қоғозларни ғайрирасмий жойлаштирилган ҳолларда қимматли қоғозлар озчилик институционал инвесторлар ўртасида тақсимланади; 2)чиқариладиган қимматли қоғозлар таъсисчилар ўртасида ёки бўлмаса, уларнинг қарори бўйича таъсисчиларнинг бирортасида эътирозлар бўлмаса, инвесторлар тарафидан келишув бўйича жалб қилинувчилар ўртасида тарқатилади.

ЁПИҚ ХАЛҚАРО ШАРТНОМА — ўз қоидаларига мувофиқ, қатнашчилар доирасини баъзи мезонлар билан чегараловчи шартнома.

ЁРЛИҚ (юн. grammata — ўқиш ва ёзув) — 1) бирон-бир халқаро

битимларни тасдиқловчи ёки бирон-бир ҳуқуқий муносабатларни ўрнатувчи расмий ёзма ҳужжат (Ратификацияловчи Ё., Ишонч Ё. ва б.); 2) расмий ёки хусусий ёзма ҳужжат; шахсга ёки жамоага ҳуқуқлар, мулклар, мукофотлар, орден ва медаллар берилганлигини ёки қандайдир битимлар тузилганлигини, қандайдир муносабатлар ўрнатилганлигини билдирувчи (Низом Ё. ва б.) гувоҳнома.

ЁРЛИҚЛАР (турк. — фармойиш, буйруқ) — 1) дунёвий ва диний ҳукмрон табақалар ҳукмига бўйсунадиган Олтин Ўрда хонларининг имтиёз берувчи ҳужжатлари; 2) буюмдаги, товардаги унинг номини, миқдорини, у ишлаб чиқарилган корхона (ёки фирма) кабиларни билдирувчи елимланадиган белги.

ЁҚИБ ЮБОРИШ — қасддан ва ғаразли мақсадда ўзгалар мулкига ёқиб юбориш орқали зарар етказиш. Ё. ю. ЎзР ЖК 198-моддада кўрсатилган. Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш жиноятининг субъектив томонида ҳамда 173-моддада кўрсатилган мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказишда ифодаланади. Ё. ю. жиноятларни содир этиш усули ҳисобланади ва нафақат юқорида қайд этилган жиноятлар, балки транспорт воситалари билан боғлиқ бўлган жиноятларни, терроризм жиноятларини содир этишда ҳам жиноят изларини яшириш ва аҳоли ўртасида қўрқув, даҳшат солиш мақсадида ҳам содир этилади. Шу билан бирга, ёқилғи маҳсулотлари билан эҳтиётсизлик орқасида ва совуққонлик натижасида ҳам киши ўз ҳаракатсизликлари оқибатида ёнғин келиб чиқишига сабабчи бўлиши мумкин.

«Ж»

ЖАБРЛАНУВЧИ — ЎзР ЖПКнинг 54-моддасига асосан, етарлича далилларга асосланган ҳамда жиноят оқибатида моддий, маънавий, жисмоний зарар етказилган шахс. Жабрланувчи тариқасида ишга жалб қилиш суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарори билан амалга оширилади. Суд жараёнида эса суднинг ҳал қилув қарори ёки судья қарори билан тамомланади. Агар жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд пайтида шахсга амалда, айтиб ўтилганидек моддий, маънавий ёки жисмоний зарар етказилган бўлса ҳам, у жабрланувчи сифатида эътироф этилади. Жиноий тажовуз натижасида ўлим содир бўлган бўлса, у ҳолда унинг яқинлари, қариндошлари жабрланувчи деб танилади ва улар жабрланувчига берилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

ЖАВОБГАР — фуқаролик-процессуал қонунларига мувофиқ, фуқаролик ишининг тарафларидан биридир. ФПКнинг 39-моддасига биноан, Ж. - суд томонидан даъвогарнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари юзасидан жавоб бериш учун жалб қилинган шахс.

ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ МУДДАТИНИНГ ЎТИБ КЕТГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖИНОЯТ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ — жиноят қонунларига мувофиқ (ЖКнинг 64-моддаси), агар жиноят содир этилган кундан бошлаб қуйидаги муддатлар: а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан

бошлаб — уч йил; б) унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб — беш йил; в) оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб — ўн йил; г) ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб — ўн беш йил ўтиб кетган бўлса (тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар бундан мустасно), шахс жавобгарликдан озод қилинади. Жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга кирган кунгача ҳисобланади. Агар жиноят содир этган ва жиноий жавобгарликка тортилган шахс тергов ёки суддан яширинса, муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Айбдор ушланган ёки айбини бўйнига олиб арз қилган кундан бошлаб, муддатнинг ўтиши қайтадан тикланади. Агар оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахс қонунда назарда тутилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши узилади. Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари янги жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади. Қолган ҳолларда, агар шахс жавобгарликка тортиш муддатлари ўтмасдан янги жиноят содир этса, бу муддатлар ҳар бир жиноят учун алоҳида ҳисобланади. Агар жиноят содир этилган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

ЖАЗО — жиноят қонунчилигига асосан, жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир. Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади (ЎзР ЖКнинг 4-м.). (Қ.: *Жазо тайинлашнинг умумий асослари*).

ЖАЗО ТАЙИНЛАШ — Қ.: *Жазо тайинлашнинг умумий асослари.*

ЖАЗО ТАЙИНЛАШНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ — жиноят ҳуқуқи буйича, суд жазо тайинлашда амал қилиши лозим бўлган асосий принциплар. ЖКнинг 54-моддасига мувофиқ, жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилади. Суд, ЖК Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада, Умумий қисмнинг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди. Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

ЖАЗО ЧОРАСИ — жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир. Жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин: а) жарима; б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш; в) ахлоқ тузатиш ишлари; г) хизмат буйича чеклаш; д) интизомий қисмга жўнатиш; ж) озодликдан маҳрум қилиш; з) ўлим жазоси.

ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ — жиноят қонунларида жазодан озод қилиш, жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Ж.о.қ. давлатнинг айбдор ёки маҳкум деб

тан олинган шахсга нисбатан жазо қўллаш ёки жазолаш мақсадига эришишнинг бошқача усул ва воситалари бўлган шароитда жиноий жазони ўташдан воз кечишидан иборат. Ж.о.қ. иккита гуруҳга бўлинади: 1) тўла озод этиш; 2) қисман озод этиш. Тўла озод этишда суд айблов ҳукмини чиқарган ва жазо тайинлаган ҳолда жиноий жазони ижро этмаслик ҳақида қарор қабул қилади. Бу гуруҳга Ж.о.қ.нинг қуйидаги турлари киради: 1) жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги (ЖКнинг 69-моддаси); 2) шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши (ЖКнинг 70-моддаси); 3) айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги (ЖКнинг 71-моддаси); 4) шартли ҳукм қилиш (ЖКнинг 72-моддаси); қисман озод этишда маҳкум этилган суд томонидан тайинланган жазонинг бир қисмини ўтайди ҳамда жазонинг ўталмаган қисмидан озод этилади ёхуд ушбу жазо енгилроқ жазони ўташ билан алмаштирилади. Бу гуруҳга қуйидагилар киради: 1) жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш(ЖКнинг 73-моддаси); 2) жазони енгилроғи билан алмаштириш (ЖКнинг 74-моддаси); Ж.о.қ. икки тури — касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш (ЖКнинг 75-моддаси), амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш (ЖКнинг 76-моддаси) ўз хоссасига кўра, тўла ёки қисман жазодан озод қилишга мисол бўлиши мумкин.

ЖАЗОЛАРНИНГ ҚЎШИЛИШИ — ЎзР жиноят ҳуқуқида бир шахснинг бир неча жиноятларни содир этишида жазоларнинг тўлиқ ёки қисман қўшилиши. Ж.қ.га бир неча жиноятлар содир этилганда (жиноятлар йиғиндиси бўйича) ва бир неча ҳукмлар мавжуд бўлганида (ҳукмларнинг йиғиндиси бўйича) йўл қўйилиши мумкин. Қонун қўшиладиган жазолар суммаси учун чекланадиган миқдорни белгилайди.

ЖАЗОНИ АЛМАШТИРИШ — фақат қонун билан қатъий белгиланган ҳолларда ҳукмда назарда тутилган жазолаш ҳукмини бажариш жараёнида суд томонидан алмаштиришга йўл қўйилади. ЎзР ЖКнинг 90-моддасига мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазонинг ўталмаган қисмини жазони ўташ давридаги хулқини ҳисобга олиб, суд енгилроқ жазо билан алмаштириши мумкин. Бунда шахс жазонинг қўшимча турини ўташдан тўлиқ ёки қисман озод қилиниши мумкин. Жазонинг ўталмаган қисми жазо муддатининг камида учдан бир қисми ҳукм қилинган шахс томонидан ҳақиқатан ўталганидан кейин жазо енгилроғи билан алмаштирилиши мумкин.

Жазонинг ўталмаган қисмини алмаштиришда суд ҳар бир жазо тури учун назарда тутилган чегарада ЎзР ЖКда назарда тутилган енгилроқ жазо турларидан бирини танлаши мумкин. Жазо жиддийроғи билан ҳам алмаштирилиши мумкин. Масалан, ЎзР ЖКнинг 44-моддасига мувофиқ, агар маҳкум жазо тариқасида тайинланган жаримани тўлашдан бўйин товласа, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки қамоқ тариқасидаги жазо билан алмаштиради.

ЖАЗОНИ ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАР — ЖКнинг 55-моддасига мувофиқ, қуйидаги ҳолатлар жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топилади: а) айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш; б) етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш; в) оғир

шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш; г) мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатдан ёхуд бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш; д) жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиши ҳолатида жиноят содир этиш; е) зарурий мудофаанинг, охирги заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш; ж) вояга етмаганнинг жиноят содир этиши; з) ҳомиладор аёлнинг жиноят содир этиши; и) жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиш. Жазо тайинлашда суд қонунда назарда тутилмаган бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин. Енгиллаштирувчи ҳолат ЖК Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди.

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИ — жазони ижро этиш колониялари; тарбия колониялари; турмалар.

ЖАЗОНИ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ — жиноят ҳуқуқида содир қилинган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасини, айбдорнинг шахсини, қонун билан кўзда тутилган жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қонун билан белгиланган санкциялар чегарасида жазо тайинлаш.

Суд жазони индивидуаллаштириб, аввало содир қилинган ижтимоий хавфли қилмишнинг хусусияти ва оғирлигини, унинг ўта оғир, оғир, унча оғир бўлмаган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят эканлигини ҳисобга олади. Бунда жиноят қандай усулда, ким билан биргаликда содир қилинганлиги, қайси босқичгача олиб борилган — тайёргарлик, суиқасд ёки тугалланганлиги ва ҳоказолар эътиборга олинади. Умумий қоида буйича тугалланган жиноят жиноий суиқасд ёки жиноят содир қилишга тайёргарлик кўришга қараганда хавфлироқ ҳисобланади. Ж.и.да, шунингдек, жиноят қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида, қандай мақсадда ва қандай мотивда содир қилинганлиги ҳисобга олинади. Ж.и.да айбдор шахснинг барча ижобий ва салбий томондан характерловчи хусусиятларини ҳисобга олиш суднинг мажбуриятига киради, чунончи, жазо ҳамма вақт шахсий хусусиятга эга ва бошқа ҳеч кимга эмас, фақат бевосита айбдорга қаратилган. Айбор шахсининг тавсифи учун содир қилинган жиноятда унинг ролини: у ташкилотчи ёки бажарувчи, далолатчи ёки ёрдамчи бўлганми, шуни аниқлаш муҳимдир. Ж.и.да суд, шунингдек, жавобгарликни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларнинг мавжудлигига баҳо бериши лозим.

ЖАЗОНИ ОҒИРЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАР — ЖКнинг 56-моддасига биноан, қуйидаги ҳолларда жиноят содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топилади: а) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан; б) ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан; в) хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан; г) айбдорга моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан; д) ўта шафқатсизлик билан; е) кўпчилик учун хавфли бўлган усулда; ж) ёш бола ёки руҳий касаллиги айбдорга аён бўлган шахсдан

фойдаланган ҳолда; з) жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиққанлиги; и) умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида; к) ғаразли ёки бошқача тубан ниятларда; л) ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида; м) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирилган ҳолда ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма томонидан; н) илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши; о) мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идрокига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш. Суд содир этилган жиноятнинг хусусиятини эътиборга олиб, юқорида кўрсатилган барча ҳолатларни жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги ҳам мумкин. Суд содир этилган жиноятнинг хусусиятини эътиборга олиб, ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилмаган ҳолатларни оғирлаштирувчи деб топиши мумкин эмас. Ушбу ҳолатлар ЖК Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди.

ЖАЗОНИ ЎТАШДАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ШАРТЛИ ОЗОД ҚИЛИШ — ЎзР жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқининг шахсни муддати тугамасидан туриб жазони ўташдан озод қилишни назарда тутувчи институти. ЎзР ЖК 73-моддасига биноан, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин. Шахс ижро этилмаган қўшимча жазодан ҳам озод қилиниши мумкин.

ЖАЗОНИНГ ЕНГИЛЛАШТИРИЛИШИ — айбдорга қонунга кўра, содир этган жиноят учун назарда тутилган жазога нисбатан енгилроқ жазонинг тайинланиши. Ўзбекистон қонунига мувофиқ агар ишнинг вазиятлари ва айбдорнинг шахси ижтимоий хавфнинг унчалик юқори бўлмаган даражаси, жавобгарликни алоҳида енгиллаштирадиган фактлар мавжудлигидан далолат берса, бунга йўл қўйилади.

ЖАМИЯТ — одамларнинг уюшган эҳтиёжлари қондирилишини таъминловчи, ихтилофларни бартараф қилувчи, маданиятни сақлаб ривожлантирувчи, маданият мажмуаси ва унинг қисмлари асосида ташкил топган ижтимоий ҳаёт шаклларининг синтези, турли ижтимоий гуруҳларни, табақаларни, шахсларни, оилаларнинг бир-бирига зид манфаатларини бирлаштирувчи, интеграллаштирувчи онгли ижтимоий ҳаракатлар мажмуи, уларнинг муносабатларини белгиловчи, ижтимоий муносабатларнинг умумий шаклини яратувчи, турли ташкилот ва муассасаларнинг йиғиндиси.

ЖАМЛАНМА ҲУЖЖАТЛАР — бухгалтерия ҳисобида муайян давр (декада, ой) мобайнида бир хилдаги хўжалик операциялари амалга оширилган сайин тузиб бориладиган (жамланадиган) ҳужжатлар. Ж.ҳ. қисқа муддат давомида ташкилотда кўп марта такрорланадиган хўжалик операциялари бўйича ҳужжатларни камайтириш учун тузилади. Ж.ҳ.га лимит-забор карталар, аванс ҳисоботлари ва бошқалар киради.

ЖАМОА БЕЛГИСИ — иттифоқ, хўжалик бирлашмаси (ассоциация) ёки корхоналар ихтиёрий бирлашмаларининг маҳсулот белгиси бўлиб, ягона сифат ёки бошқа умумий хусусиятларга эга бўлган улар

томонидан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган маҳсулотларни белгилашга хизмат қилади. Жамоа белгиси ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи бошқа шахсларга берилиши мумкин эмас.

ЖАМОА МУЗОКАРАЛАР — шартнома ёки битимни тайёрлаш, тузиш ва ўзгартириш бўйича музокаралар.

ЖАМОА ПУДРАТИ — бригада ёки бошқа жамоа меҳнатини ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш шакли. Тўлов бажарилган пировард натижага қараб амалга оширилади. Бригада аъзолари ўртасида бажарилган иш бўйича ҳақ тариф разрядларига, ҳақиқатан ишлатилган вақт ва меҳнатда қатнашиш коэффициентига мувофиқ тарзда бўлинади.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ — ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, ташкилот, филиал, ваколатхона ишчиси ҳамда иш билан таъминловчи ўртасида тузилади. Жамоа шартномаларини тузиш тартиби ва шартлари ЎзР Меҳнат кодекси қоидалари билан белгиланади. Иш билан таъминловчи ўртасида Ж.ш.ни тузиш зарурати тўғрисидаги қарорни ишчилар вакиллари йиғилиши ёки ташкилотнинг умумий мажлиси (конференция) ҳам қабул қилиш ҳуқуқига эга. Ж. ш.ни тайёрлаш, тузиш ҳамда унга ўзгартишлар киритиш бўйича коллектив музокаралар ташаббускори бўлиб ҳар қайси томон қатнашиши мумкин. Музокараларда қатнашувчи томонларга коллектив шартнома мазмунини ташкил этувчи масалаларни танлаш ва муҳокама қилишда тўлиқ эркинлик берилади. Томонлар имзолаган коллектив шартнома иловалар билан бирга етти кун муддатда иш билан таъминловчи томонидан ташкилот жойлашган жойдаги меҳнат органига юборилади. Ж.ш. қуйидаги масалалар бўйича ишчи ва иш билан таъминловчининг ўзаро мажбуриятлари белгиланиши мумкин: меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва ҳажми, пул мукофотлари, нафақа, қўшимча ҳақ тўлаш; нарх ўсиши, пул қадрсизланиши (инфляция) даражаси, Ж.ш.да белгиланган кўрсаткичларни бажаришдан келиб чиқиб, меҳнатга ҳақ тўлаш механизмини тартибга солиш; бандлик, қайта ўқитиш, ишдан бўшатиш шартлари; иш вақти, меҳнат таътиллари ва дам олиш вақти; ишчилар, шу жумладан, болалар ва аёлларнинг меҳнат шарт-шароитлари ва улар муҳофазасини яхшилаш; ихтиёрий ва мажбурий тиббий ва ижтимоий суғурта; корхона ва идораларга тегишли турар жойларни хусусийлаштиришда ишчилар манфаатларини инобатга олиш; экологик хавфсизлик ва ишлаб чиқаришда ишчилар соғлиғини муҳофаза қилиш; ишни таълим олиш билан бирга олиб борувчи ишчиларга имтиёзлар бериш; Ж.ш.ни бажариш устидан назорат олиб бориш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; томонлар жавобгарлиги ва бошқалар. Ж. ш. бир йилдан уч йилгача бўлган муддатга тузилади. Белгиланган муддат тугаганидан сўнг Ж. ш. томонлар янгидан тузилгунга ёки амалдаги шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар амалда бўлади.

ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ — ЎзР Конституциясининг 56-моддасига биноан, қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари. Ж.б. ҳақида конституциявий қоидалар ЎзРнинг 1991 йил 15 ноябрдаги «ЎзРда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунида ривожлантирилиб, унинг 1-моддасида Ж.б. деб, ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқти-

содиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилмага айтилади. ФКнинг 74-моддасига биноан, Ж.б. ўз уставларида назарда тутилган ишлаб чиқариш ёки ўзга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақли бўлган нотижорат ташкилотлардир.

ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИНИ ТУГАТИШ — жамоат бирлашмаси қуйидаги ҳолларда суд қарорига биноан тугатилади: а) фаолияти жамиятнинг ахлоқий қоидаларини, умуминсоний қадриятларни бузишга қаратилган, шунингдек, мақсади конституциявий тузумни қонунга хилоф равишда ўзгартириш ёки ЎзР ва Қорақолпоғистон Республикаси ҳудудининг бирлигини бузиш, уруш, зўравонлик ва шафқатсизликни таргиб қилиш, жамиятнинг бўлинишига олиб келувчи ижтимоий, жумладан, синфий ҳамда ирқий, миллий ва диний душманликни келтириб чиқаришдан иборат бўлган жамоат бирлашмаларини ташкил этиш бўлса; б) қонуний ва демократик йўл билан шакллантирилган ҳокимият ва бошқарув органларига, ҳокимият ваколатига эга бўлган шахсларга ғайридемократик тарзда куч билан таҳдид солса; в) фаолияти ЎзРнинг «ЎзРдаги жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги 1995 йил 15 февраль қонунига зид бўлган бошқа ҳолларда.

ЖАМОАТ ИШЗАСИ — маҳкумни омма ўртасида уялтириш, унга қўлланадиган жазонинг самарасини ошириш мақсадида жазони ижро этиш усули. Бу усул жуда қадимдан қўлланиб келинган бўлиб, айниқса феодал тузум даврида кучли бўлган. Бунда маҳкумнинг юз-кўзини ҳар хил бўёқ ёки нарсалар билан чаплаш, буйинбоғ осиш кабилар (Марказий Осиё ҳудудида эшакка тескари ўтқазиш) қўлланилган. Буржуа давлатларида ҳам бу усул ўзига хос тарзда амалга оширилган ва кўпроқ сиёсий маҳбусларга нисбатан буйинбоғ (тасма) осиш билан амалга оширилган. Бунга мисол қилиб Франция ЖКда 1810 йилда мавжуд бўлган усулни кўрсатиш мумкин. Аммо бу усуллар аста-секин йўқолиб борди. Жумладан, буйинбоғ осиш 1832 йили тақиқланган. Бундай усуллар ҳозирги кунда ҳеч бир давлатда қўлланилмайди. Фақатгина Франция ЖКда сақланиб қолган бўлса-да, амалда бу усул жорий қилинмайди.

ЖАМОАТ МУЛКИДАГИ УЙ-ЖОЙ ФОНДИ — ЎзРнинг 1996 йил 27 декабрдаги «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунида белгиланганидек жамоат мулкидаги уй-жой фонди — хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари ҳамда бошқа нодавлат юридик шахсларнинг мулки бўлган ҳамда уларнинг маблағлари ҳисобидан қурилган ёки ким ошди савдосида ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда олинган уй-жой фондидир.

ЖАМОАТ ТАШКИЛОТИ — жамоат бирлашмаларининг тури.

ЖАМОАТЧИЛИК ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ МАҲКУМЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДАГИ ИШТИРОКИ — ЎзР ЖИК 99-моддасига биноан, «корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни тарбиялашда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда иштирок этадилар».

ЖАНДАРМЕРИЯ (фр. Gendarmerie) — армиянинг ва мамлакатнинг

ички қўриқлаш вазифаларини бажарувчи ҳарбий тузилмага эга бўлган полиция. У дастлаб Францияда 1791 йилда пайдо бўлган. 1815 йилда рус армиясида ҳам Ж. қисмлари ташкил этилган. 1827—1917 йилларда Россияда сиёсий полиция функциясини бажарувчи жандармлар махсус корпуси мавжуд бўлган. Ж. Франция, Австрия ва бошқа айрим мамлакатларда мавжуд.

ЖАНДАРМЛАР (фр. — gens garmes, айнан таржимаси — қурол кишилари) — 1) жандармерияларнинг шахсий таркиби; 2) XIII—XVII асрларда Францияда оғир кавалериянинг бир тури.

ЖАРИМА — 1) пул ундириш, моддий таъсир чораси; қонун ёки шартномада белгиланган тартибда ундирилади. Фуқаролик ҳуқуқи бўйича Ж. — неустойка шакли. Қатъий суммада ёки бузилган мажбуриятнинг суммасига фоиз белгиланади. Умумий қоидага кўра, Ж. контрагентнинг мажбуриятларини бажармаган ҳоллардагина тўланади; 2) жиноят қонунларига кўра, Ж. — ЎзР ЖКда белгиланган чегараларда ўрнатилувчи, пул ундирувчи жазо кўриниши. ЎзР ЖКнинг 44-моддасига мувофиқ, Ж. энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 2 бараваридан 100 бараваригача белгиланади. Ж. ҳажми суд томонидан жиноятнинг оғирлиги ва судланганнинг молиявий аҳволидан келиб чиқиб белгиланади. Ж. фақат ЎзР ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаларида кўрсатилган ҳоллардагина қўшимча жазо тариқасида қўлланилиши мумкин; 3) маъмурий ҳуқуқда МЖКда кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган жазо. МЖКнинг 25-моддасига мувофиқ, ойлик иш ҳақининг маълум миқдорида белгиланади, шунингдек, йўқотилган, ўғирланган ёки зарар етказилган мулк миқдорида ёхуд маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида олинган даромад ҳажмида белгиланади.

ЖАҲОН БОЗОРИ — миллий бозорнинг жаҳон даражасига чиқиши бўлиб, асосан давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги, муносабатларида намоён бўлади. Унда жаҳон баҳоси ўрнатилган бўлиб, давлатнинг божхона сиёсати ва ҳолати билан боғлиқ бўлади.

ЖАҲОН СУДИ — айрим мамлакатларнинг қуйи суд тизими бўлиб, кичик фуқаролик ва жиноят ишларини кўради.

ЖЕНТЕЛЬМЕНЛИК БИТИМИ — норасмий халқаро битим (шартлашув)нинг махсус тури. Одатдаги шартномалардан фарқли равишда Ж.б.га риоя этмаслик амалда фақат ахлоқий оқибатларга олиб келади. Соддалаштирилган шаклдаги битимлар тоифасига киради ва томонлар ўртасида етарлича ишончли муносабатлар бўлишини тақозо этади. Ж.б. ёзма ва оғзаки шаклда тузилади ҳамда, қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, халқаро, мажбуриятларни инсофли бажариш принципига амал қилади, икки томонлама ва кўп томонлама ҳуқуқий муносабатларда қўлланилади.

ЖЕРРИМЕНДЕРИНГ («сайлов жуғрофияси») — АҚШда сайлов округларини ташкил этишнинг нотўғри усулини ифодалаш учун ишлатиладиган термин. Ж.да тенг вакиллик (тенг миқдордаги сайловчилардан тенг миқдордаги депутатлар) принципи бузилади. Оппозициядаги партия сайловчиларини бир ёки бир неча округларда жамлаш ва бошқа округларда устунликка эга бўлиш мақсадида тенг бўлмаган миқдордаги сайловчилар бўлган округлар тузилади. Бунда ҳудудий принцип бузилади ва ғалати шаклдаги округлар юзага келади. «Ж.» термини 1812 йилда, карикатурист Массачусетс штатидаги ана шундай сайлов округларидан

бирини саламандр (salamamder) қиёфасида тасвирлаганда ва газета нашири бу суратни Gerrymander (штат губернатори бу вақтда Э.Жерри — E. Gerry эди) деб атаганда юзага келган. АҚШда 1842, 1872, 1902 йилларда қабул қилинган қонунлар компакт сайлов округлари тузишни талаб этади, бироқ Ж. амалиёти кейинчалик ҳам давом этди.

ЖЕТОН — тангани алмаштирувчи, масалан, автоматдан фойдаланиш ёки бирор нарсани олиш ҳуқуқини берадиган тўлов воситаси (пластмасса ёки темирдан ишланган кичик доирасимон предмет). Қалбаки Ж. ясаш жиноят қонунлари билан жазоланади.

ЖИНОИЙ ГУРУҲ — ЎзР ЖКда белгиланган тартибга кўра, у ёки бу жиноятларнинг жиноий гуруҳ томонидан содир этилиши айбни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Шу билан бирга бу ҳолат жиноятларни квалификация қилишда ҳам эътиборга олинади. Ж.г. маълум бир ташкилий тузилишга эга бўлади. Ж.г. ни тузишнинг ўзиёқ тугалланган жиноят деб ҳисобланади.

ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ҚОНУНИЙЛАШТИРИШ — бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда тарқалган халқаро тусдаги жиноят. Ушбу жиноятнинг объектив томонини жиноий йўл билан топилган пулларни мамлакат чегарасидан ташқарига олиб чиқиш ва турли давлатларда тижорат банкларининг ҳисобварақларига жойлаштириш ташкил этади. Бунда ушбу маблағларга расмий йўл билан корхоналар, банклар ва бошқа юридик шахслар сотиб олинади ёки ташкил этилади, хорижий валюта сотиб олинади, ташқи иқтисодий битимлар тузилади. Ж.д.қ. нинг иштирокчилари кўпинча омонатларнинг банкда сир сақланиши принципидан фойланадиган банк ходимлари бўлади. Ж.д.қ. жиноий йўл билан топилган ноқонуний маблағларни қидириб топиш, олиш ва мусодара қилиш тўғрисида Страсбург конвенцияси томонидан оғир халқаро жиноятларга киритилган. 1990 йилда ушбу конвенция иштирокчилари бўлган давлатлар бундай маблағларни «ҳалоллашни» ўз ҳудудларида жиноят деб эълон қилиш, ноқонуний маблағларни қидириб топиш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тартиби тўғрисида жиноятга доир бошқа қонунларни қабул қилиш, банк ходимлари томонидан ўз мижозларининг омонатлари ҳақидаги маълумотларни ошкор этиш ёки улардан ноинсофларча фойдаланишга қўйиладиган барча чекловларни олиб ташлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ушбу жиноятларни ўз вақтида очишга имкон берувчи банк операцияларини текширишлари учун рухсат бериш мажбуриятларини олдилар. Банк ходимларига ваколатли органларга шубҳали пул омонатлари ва уларнинг кўчиши тўғрисида хабар бериш мажбурияти юклатилади.

ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК — юридик жавобгарлик турларидан бири. Жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибати бўлиб, айбдорга нисбатан жазолаш шаклидаги давлат мажбурлов чорасини қўллашдан иборат. Ж.ж.ка жалб этиш жиноят иши қўзғатишни, тергов қилишни ва судда муҳокама қилишни билдиради. Жиноятнинг содир этилиши — айбдорлар ва одил судловни амалга оширувчи давлат ўртасида ўзига хос ҳуқуқий муносабатларнинг қарор топишига олиб келувчи юридик факт. Ушбу ҳуқуқий муносабатлар мазмунига кўра давлат томонидан унинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг жиноятни тергов қилиш мажбуриятида намоён бўлади ҳамда муайян шахснинг айбдорлигини исботловчи далиллар етарли бўлган тақдирда давлат уни Ж.ж.ка тортиши мумкин.

Содир этилган жиноятда, бир томондан, Ж.ж.ка тортилиш мажбурияти, бошқа томондан — бу жавогарликни ушбу турдаги қилмиш учун қонунда белгиланган доира билан чеклаш ҳуқуқи юзага келади. Шахс Ж.ж.ка жиноят содир этишга тайёргарлик, жиноятга суиқасд қилиш, жиноятда иштирок этиш учун ҳам тортилади.

ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН НОҚОНУНИЙ ОЗОД ЭТИШ — Қ.: *Жиноий жавобгарлик.*

ЖИНОИЙ ЖАЗО — давлатнинг мажбурлаш чораси: жиноят қилган шахсларга суд ҳукми билан қўлланилади. Ўзбекистон қонунига кўра Ж.ж. чоралари: жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум этиш, ўлим жазоси, ҳарбий ёки махсус унвонлардан маҳрум этиш, мол-мулкни мусодара қилиш.

ЖИНОИЙ ЎЗ-ЎЗИГА ИШОНИШ — жиноят ҳуқуқида айбдорлик шаклларидан бири. Синоними жиноий енгилтаклик. Жиноий ўз-ўзига ишониш шу билан тавсифланадики, айбдор ўзи қилаётган ишнинг хавфли томонини билиб туради, аммо енгилтаклик билан унинг олдини олиш мумкин деб ҳисоблайди. Бунда шахс ўзининг уқувига ишониб, зарар келтирувчи оқибатларни келтириб чиқармайди. Бу билан жиноий ўз-ўзига ишониш билвосита қасддан фарқ қилади.

ЖИНОИЙ ҚИЛМИШ — жиноят қонунлари билан муҳофаза қилинувчи ижтимоий муносабатларга таҳдид қилувчи жамиятга қарши ва инсон ахлоқ қоидаларидан четга чиқувчи акт. Ўзбекистон жиноят ҳуқуқига кўра, Ж.қ. бўлмаганда жиноий жавобгарлик бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон жиноят ҳуқуқи фани Ж. қ. жисмонийлик ва руҳийлик бирлиги, яъни жиноят қонунининг у ки бу моддаси билан қамраб олинган онг назоратида бўлган важга эга (мотивли) ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланган, инсон хулқининг англанган актидан иборат бўлиши лозим деган қоидадан келиб чиқади. Ж.қ. ўзининг объектив хоссаларига кўра жамият учун хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, субъектив хоссаларига кўра эса ҳамиша муайян мақсад ва муайян сабабларга кўра содир этилган айбли қилмишдир. Жамият учун хавфли қилмишнинг айнан объектив аломатлари, муайян шароитларда инсон хулқининг хусусиятига қараб *айб, жиноят мотиви* каби субъектив жиҳатлар ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин. ЎзРнинг жиноят қонунлари муайян жиноят-ҳуқуқий норма билан назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир этганлиги учун жавобгарлик белгилаган. Қ., шунингдек, *Жиноят.*

ЖИНОИЙ СУДЛОВ — Қ.: *Жиноят процесси.*

ЖИНОИЙ УЮШМА (ТАШКИЛОТ) — уюшганлик асосида ташкил этилган иштирокчиликнинг бир шакли. ЎзР ЖКнинг 29-моддасига асосан, жиноий мақсадлар учун маълум бир ташкилий тарзда уюштирилган жиноий гуруҳ. Жиноий гуруҳ бошлиғи аниқ жиноятларни содир этишда ташкилотчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилади.

ЖИНОИЙ УЮШМА ТАШКИЛ ЭТИШ — ЖКнинг 242-моддасига мувофиқ, жиноий уюшма ёхуд унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек, уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолият. Ж.у.т.э. ёки унга раҳбарлик қилиш, жиноий тузилмани шакллантириш бўйича ҳар қандай хатти-ҳаракатда кўринади, чунончи: муносиб номзодларни танлаш, уларни жалб қилиш, жиноий уюшма, гуруҳ ёки унинг бўлинмалари иштирок-

чилари орасида ролларни бўлиш, жиноий фаолиятнинг умумий режаси ёки алоҳида тажовузлар режаларини тузиш. Жиноий уюшманинг яшаши ва амал қилишига қаратилган фаолиятни амалга ошириш қуйидаги хатти-ҳаракатларда кўринади, чунончи: жиноий уюшмани ташкил этиш ёки унинг фаолият кўрсатиши учун пул маблағларини ажратиш, жиноий уюшма аъзолари учун транспорт воситалари ва хоналарни ажратиш, ҳокимият ва бошқарув органларини порахўрлик ва коррупциялаштиришга қаратилган фаолият, қонунлардаги «туйнук»ларни топишга қаратилган таҳлилий иш, ҳуқуқий ва бошқа маслаҳатлар, жиноий йўл билан қўлга киритилган воситаларини «ювиш», яъни жиноий уюшма ёхуд бўлинмаларининг хавфсиз амал қилишига қаратилган барча шарт-шароитларни яратиш. Уюшган қуролли гуруҳ тузиш, шунингдек, раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этиш учун ЖКнинг 242-моддаси, 2-қисмига биноан жазо тайинланади.

ЖИНОИЙ УЮШМА ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТ — ЎзР ЖКнинг 29-моддасига асосан, икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиши учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма деб белгиланган ва улар томонидан содир этилган жиноят Ж. у. т. с. э. ж. ҳисобланади.

ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТ НАТИЖАСИДА ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ОШКОРЛАШТИРИШ (ЛЕГАЛЛАШТИРИШ) — ижтимоий хавфсизлик соҳасида содир этиладиган ва ЎзР ЖКнинг 243-моддасида назарда тутилган жиноят. Ушбу жиноятнинг объектив томонини жиноий фаолият натижасида олинган даромадларни ошкорлаштириш ташкил этади. Бундай даромадларни ошкорлаштириш жиноий фаолият натижасида олинган даромадларга қонуний тус беришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатни содир этишни тақозо этади. Жиноий даромадларни ошкорлаштириш хусусий ёки давлат тузилмалари ёрдамида, иқтисодиётнинг турли соҳаларига инвестиция киритиш орқали, хусусийлаштириш чоғида ва бошқа усуллар билан амалга оширилиши мумкин. Жиноий фаолият натижасида олинган даромадларни ошкорлаштириш қуйидагиларда ифодаланади: 1) мулкни ўтказиш, айлантириш ёки алмаштиришда; 2) мулк ёки унинг ашёларининг ҳақиқий хусусияти, манбаи, жойлашган ўрни, тасарруф этиш усули, кўчиши, уларга нисбатан ҳақиқий ҳуқуқ каби маълумотларни яшириш ёки сир сақлашда.

Шундай қилиб, ЖК 243-моддасининг диспозициясида жиноий фаолият натижасида олинган даромадларга қонуний тус беришнинг бир қанча типик усуллари санаб ўтилган. Масалан, жиноий фаолият натижасида олинган мулкни бошқа шахсга совға шартномаси бўйича ёки мойдий бойликларни олиш-сотишга оид қалбаки шартнома тузиш йўли билан бериш каби ҳаракатлар жиноий даромадларни ошкорлаштириш деб қаралади. Шу боис мулкни олиш вақтида ушбу мулк жиноий фаолият натижасида олинганлиги маълум бўлган тақдирда уни сотиб олиш, унга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳоллари ЖКнинг 243-моддаси бўйича квалификация қилиниши лозим.

Бундай қилмишларни квалификация қилиш чоғида шунга эътибор бериш керакки, айбдор қонуний тус беришга ҳаракат қилаётган даромадлар наркобизнес, жинсий ёки бошқа тарздаги эксплуатация, контрабанда, порнографик нашрларни тарқатиш, қурол-яроқ ёки эркин муомаладан олиб қўйилган бошқа нарсалар билан савдо қилиш, шунинг-

дек, амалдаги ЖКга биноан жиноят деб қараладиган бошқа фаолият натижасида олинган бўлиши керак.

ЖИНОЯТ — ЎзР ЖКнинг 14-моддасига асосан, ЖК билан тақиқланган, айбли, ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб ҳисобланади. Ж. бошқа қоидабузарликлардан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Бу қилмишнинг ижтимоий хавфлилигидир. Чунки жиноят натижасида жамият ва шахс учун ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказилади. Шунинг учун Ж.нинг ижтимоий хавфлилик даражаси жиноий оқибатда акс этади.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО СОҲАСИДАГИ СИЁСАТ — жамият ҳамда алоҳида фуқарони жиноий тажовуздан ҳимоя қилиш мақсадидаги давлат чора-тадбирларининг жами. Жиноятнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашга қаратилган. Жамоат хавфсизлиги ҳамда стратегияни таъминлаш сиёсати умумий масалалар билан бир қаторда, Ж. ва ж.с.с. жиноят ҳуқуқи ислоҳотлари билан ҳам шуғулланади.

ЖИНОЯТ ИШИ — жиноят белгиларини аниқлашнинг ҳар бир ҳолларида қонуний равишда қўзғатилган иш. Суд томонидан суриштирув материаллари ҳамда дастлабки тергов бўйича кўрилади ва ҳал этилади. ЎзР ЖПК 322-моддасига мувофиқ, жиноят ишини қўзғатиш сабаблари ва асослари бўлиб қуйидагилар хизмат қилади: 1) шахсларнинг аризалари; 2) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар; 3) оммавий ахборот воситалари берган хабарлар; 4) жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг бевосита ўзи аниқлаши; 5) айбни бўйнига олиш ҳақидаги ариза. Жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар Ж.и.ни қўзғатиш учун асос бўлади.

ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗҒАТИШ — суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят содир этилганлиги тўғрисида сабаб ва етарли асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда жиноят ишини қўзғатиши шарт.

ЖИНОЯТ ИШИНИ СУДДА КЎРИШ УЧУН ТАЙИНЛАШ — жиноят процессининг бир босқичи. ЎзР ЖПКнинг 395-моддасида жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш ёхуд бошқача қарор қабул қилиш тартибига кўра, судья жиноят ишини айблов хулосаси билан ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқиш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор билан қабул қилиб олгач, қуйидаги ҳал қилув қарорларидан бирини қабул қилиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқаради: 1) ишни судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида; 2) жиноят иши юзасидан иш юритишни тугатиш тўғрисида; 3) жиноят иши юзасидан иш юритишни тугатиш тўғрисида. Ишни судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги ёхуд бошқача қарор қабул қилиш ҳақидаги масала судья томонидан иш судга келиб тушган кундан бошлаб етти кун (сутка)дан кечиктирилмай ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат шу суднинг раиси томонидан кўпи билан уч кун (сутка)гача узайтирилиши мумкин. Шу билан бирга, ЖПКнинг 396-моддасига кўра, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида судья ҳар бир айбланувчига нисбатан қуйидаги ҳолатларни аниқлаши лозим: 1) иш мазкур суднинг судловига тегишлими; 2) ишни тугатиш ёки тўхташга сабаб бўладиган ҳолатлар йўқми; 3) ишнинг суд мажлисида кўрилиши учун асослар етарлими; 4) суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш

чоғида қонун талабларига риоя қилинганми; 5) айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғри тайинланганми; 6) жиноят оқибатида етказилган мулкий зарарни қоплаш мол-мулкнинг мусодара қилиниши эҳтимолини таъминлаш чоралари кўрилганми; 7) айблов хулосаси ЖПКнинг талабларига мувофиқ тузилганми. Ушбу масалаларни ҳал этиш орқали суд жиноят иши юзасидан ўз қарорини чиқаради. Қарорда ЖПКнинг 397-моддаси талаблари асосида қуйидагилар акс эттирилмоғи зарур: 1) ажрим қачон ва қаерда чиқарилгани; 2) судьянинг лавозими ва фамилияси; 3) судланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, ЖКнинг қайси моддаси билан айб эълон қилинганлиги; 4) ишнинг суд мажлисида кўрилиши учун етарли асослар борлиги тўғрисидаги хулоса; 5) судланувчига нисбатан қўлланиладиган эҳтиёт чораси тўғрисидаги қарор; 6) суд муҳокамасида давлат айбловчисининг, шунингдек, ҳимоячининг иштироки; 7) суд муҳокамаси ўтказиладиган жой ва вақт.

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИНГ БИРЛАШТИРИЛИШИ — бир тергов (суд) ишини юритишда бир неча шахсларни ёки бир шахсни бир неча жиноятларни содир этишда айблаш бўйича ишларнинг бирлаштирилиши. Суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорига ёки суднинг ажрими ёки қарори ёхуд суднинг ажрими ёки қарори бўйича ишнинг ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириш ва жиноят содир қилган шахсларнинг жавобгарлиги ҳақидаги масалани тўғри ҳал этиш учун амалга оширилади.

Қонун (масалан, ЎзР ЖПК 332-моддаси) бир тергов ишида қуйидагиларни бирлаштиришга йўл қўяди: бир неча шахсларнинг бир ёки бир неча жиноятларни биргаликда содир этганликда айблаш бўйича ишлари ёхуд бир шахснинг айбланишига доир ишларни бирлаштириш ҳақида олдиндан ваъда берилмаганлик. Ж.и.б. ҳақидаги масалани ҳал этишда қонунда кўрсатилган ҳолларда бундай ишларни тез, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона тергов қилиш ва тўғри ҳал этишга кўмаклашиши мумкинлиги ҳисобга олиниши лозим.

ЖИНОЯТ МОТИВИ — жиноий қилмиш содир этишга аҳд қилдирувчи англаб етилган туйғудир. Мотив доимо жиноятдан олдин пайдо бўлади ва унинг мақсадини белгилайди. Мотивлар йиғиндиси жиноий хулқ-атворнинг мотивациясини ташкил этади.

ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИ — жиноят таркибининг тўрт элементидан бири. Ж.о. жиноят қонуни томонидан ҳимояланган, жиноий тажовуз қилинаётган жамоат муносабатларидир. Жиноят ҳуқуқи фанида жамоат муносабатларининг ҳажмига кўра уч турдаги объектлар ажратилади: 1) умумий объектлар — қонун томонидан ҳимояланган барча жамоат муносабатларининг мажмуи; 2) турдош объектлар — маълум турдаги жиноятлардан қонун томонидан ҳимоя қилинувчи жамоат муносабатларининг бир гуруҳи; 3) бевосита объектлар — муайян турдаги жиноятлардан ҳимоя қилинувчи жамоат муносабатлари.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ — суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органларининг бошқа давлат, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар иштирокида қонун билан тартибга солинган ва ҳуқуқий муносабатлар шаклига кирган фаолияти бўлиб, унинг мазмунини жиноят ишларини қўзғатиш, тергов қилиш, судда кўриб чиқиш ва ҳал этиш, шунингдек, (қисман) ҳукмни ижро этиш ташкил этади. Ж.п. қуйидаги босқичларга эга: 1) жиноят ишини қўзғатиш; 2) дастлабки тергов;

3) судга ошириш; 4) судда муҳокама қилиш; 5) кассация тартибида иш юритиш; 6) ҳукмни ижро этиш. Баъзи ҳолларда Ж.п. қуйидаги қўшимча босқичларга ҳам эга бўлади: 1) ишни суд назорати тартибида қайта кўриб чиқиш; 2) ишни янги очилган ҳолатлари бўйича қайта қўзғатиш. «Ж.п.» тушунчаси «жиноят судлови» тушунчаси билан бир мазмунга эга. Ж.п.нинг вазифалари қуйидагилардан иборат: жиноятларни тез ва тўла очиш, айбдорни фош этиш, тўғри қўлланилишини таъминлаш.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ЎЗЛАРИГА ЮКЛАТИЛГАН БУРЧЛАРИНИ БАЖАРИШДАН БЎЙИН ТОВЛАШИ — ЎзР жиноят қонунларига биноан, бошқарув тартибига қарши жиноят. Суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов вақтида ёки судда гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатув беришни ёхуд экспертнинг хулоса беришни рад этиши ёки бу ишдан бўйин товлаши ЎзР ЖК 240-моддасига кўра, жарима ёки қамоққа олиш шаклида жиноий жавобгарликка тортиш учун сабаб бўлади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари гувоҳлик кўрсатуви беришни рад этганлиги ёки бундан бўйин товлаганлиги учун жавобгарликка тортилмайдилар.

ЖИНОЯТ ПСИХОЛОГИЯСИ — психологиянинг тармоғи, ҳуқуқбузар шахснинг руҳий (психик) тузилишини текширади, яъни жиноятчининг табиати, унинг жиноятга руҳий муносабатини (жиноятга ундаги майллари, тасаввурлари, ўз хоҳиш-иродасини билдириш усуллари кабиларни) ўрганади.

ЖИНОЯТ СОДИР БЎЛГАН ЖОЙ ЧИЗМАСИ — криминалистик режа бўлиб, жиноят содир бўлган жойни тасвирлайди ва тергов ишига илова қилинади. У жиноят содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақида ҳисоботни тўлдиради ва вазиятни тез англаб олишга шароит яратади. Режа чизмалари фотографик тасвирлардан алоҳида мустақил равишда тайёрланади.

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ ГИПОТЕЗАСИ — жиноят қандайдир муайян усулда амалга оширилган деб тахмин қилиш; бу ўринда гап жиноий жазога тортиладиган қилмишни очиш чоғида қўлланиладиган криминалистик фикрлаш усули ҳақида бормоқда; ушбу усул аввалги тергов натижалари жиноий ҳолни кафолатли очиш учун етарли бўлмаганда қўлланилади. Ж.с.э.г. ишончли, аммо етарли бўлмаган маълумотларни ҳали исботланиши керак бўлган вақтинчалик экспериментал тахминлар билан қўшишдир.

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШГА ЖАЛБ ҚИЛИШ — ЎзР жиноят қонунчилигида жиноят содир этишдаги иштирокчилик шаклларидан бири. Ж.с.э.ж.қ. деганда маълум шахсни жиноят содир этишга жалб қилиш тушунилади. Бу жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилган ва жазо тайинланишида эътиборга олинади. Шу билан бирга алоҳида жиноят тури сифатида ҳам эътироф этилган. (Масалан, ЎзР ЖКнинг 127-моддасида кўрсатилган вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш). Бу жиноятнинг содир этилишида маълум бир шахс (шахслар) томонидан вояга етмаган шахсни ижтимоий хавфли ҳаракат қилишга жалб қилиш, жумладан, тиланчиликка, ичкиликбозликка, ўғирлик ёки бошқа турдаги жиноятлар қилишга жалб қилишнинг ўзиёқ тугалланган жиноят деб ҳисобланади.

ЖИНОЯТ СОЦИОЛОГИЯСИ — социологиянинг тармоғи, жино-

ятни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганади ҳамда ижтимоий боғлиқлик сабабларини аниқлашга ҳаракат қилади.

ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИ — жиноят таркибининг тўрт элементидан бири, ЖКда назарда тутилган ёшга етган, ўз қилмиши учун ўзи жавоб бера оладиган ақли расо жисмоний шахс.

ЖИНОЯТ ТАРКИБИ — ЎзР жиноят ҳуқуқининг қонунда назарда тутилган, содир қилинган ижтимоий хавфли ҳаракатни аниқ жиноят тури сифатида тавсифлайдиган объектив ва субъектив белгилар йиғиндиси; жиноий жавобгарликнинг зарур асоси. Ж.т.ни қуйидагиларни тавсифлайдиган белгиларнинг 4 гуруҳи ташкил қилади: жиноят объекти ва унинг субъектив томони. Ж.т. ЖКнинг махсус қисми моддалари диспозицияларида баён қилинган (масалан, ҳуқуқ нормаси). Шу билан бирга барча (ёки кўплаб) Ж.т. учун умумий бўлган белгилар ва қоидалар ЖК умумий қисми моддаларида кўрсатилган.

Жиноят объекти асосан ушбу модданинг ЖК Махсус қисми тизимидаги ўрни билан белгиланади (масалан, мулкчиликка қарши жиноятлар, одил судловга қарши жиноятлар ва ҳоказо). Жиноят субъектининг умумий белгилари — жиноий жавобгарлик бошланадиган ёш, лаёқатлилик — ЖК Умумий қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган, аниқ жиноят таркибини баён қиладиган диспозицияда эса субъектнинг махсус белгилари кўрсатилади (масалан, мансабдор шахс — жабрланувчи моддий ёки хизмат бўйича боғлиқ бўлган шахс; терговчи, прокурор, судья, гувоҳ, жабрланувчи, эксперт). Жиноятнинг объектив томони — ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг ўзи ва унинг оқибатлари, шунингдек, жиноятнинг субъектив томонини (айбнинг мотиви, сабаби, мақсадини) тавсифлайдиган белгилар — ушбу жиноятни назарда тутадиган модда диспозициясида кўрсатилган. Ана шу белгилардан жуда бўлмаганда биттасининг бўлмаслиги шахснинг хатти-ҳаракатларида умуман Ж.т.нинг йўқлигидан далолат беради ва ушбу жиноят учун жиноий жавобгарликни истисно этади. Ж.т. тугалланмаган жиноий фаолият ҳолларида (жиноятга тайёрланиш ва жиноятга қасд қилиш), шунингдек, биргаликда иштирок этиш ҳолларида ҳам мавжуд бўлади. Бироқ ҳатто жиноятга тайёрланиш ва қасд қилиш белгилари бўлганда ҳам агар жиноят содир этишдан ихтиёрий воз кечилган бўлса, Ж.т. бўлмайди.

Ж.т. қуйидагиларга қараб фарқланади: ушбу ҳаракатнинг ижтимоий хавфлилиги даражаси бўйича — асосий Ж.т. оғирлаштирувчи ҳолатлар билан, енгиллаштирадиган ҳолатлар билан; жиноятни баён қилиш усулига кўра — оддий ёки мураккаб Ж.т. икки объектли таркиб (масалан, талончилик), икки ҳаракатли, муқобил ҳаракатли ёки оқибатли, айбнинг муқобил шакли билан ва ҳоказо; баён қилиш усули ва конструкциянинг ўзига хос хусусиятларига кўра — ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг ўзи билан чекланган ва аниқ оқибатлар (товламачилик, дезертирлик) бўлишини талаб қилмайдиган формал таркиб ва ҳаракат (ҳаракатсизлик)дан ташқари аниқ оқибатлар бўлишини назарда тутадиган моддий таркиб.

ЖИНОЯТ ТАШКИЛОТЧИСИ — жиноятга тайёргарлик кўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс (ЖКнинг 3-боб, 28-моддаси). «Ташкилотчи» тушунчаси қуйидаги турдаги жиноий хатти-ҳаракатларни амалга оширган шахсларни ўз ичига олади: 1) жиноятга тайёргарлик кўрилишига раҳбарлик қилиш; 2) жиноят

содир этилишига раҳбарлик қилиш. Шу билан бирга, ЖКнинг 29 ва 30-моддаларида берилган ҳуқуқий шарҳларга мувофиқ таъкидлаш жоизки, ташкилотчилар қаторига уюшган жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшмалар тузилишига раҳбарлик қилган ёки ушбу тузилмаларнинг жиноий ҳаракатларига бошчилик қилган шахслар киради. Жиноятга раҳбарлик қилиш, жиноят иштирокчиларини топиш, жиноий тажовуз объектини аниқлаш, жиноятни содир этиш режасини тузиш ва бошқа шу каби хатти-ҳаракатларни амалга оширишдан иборат бўлиб, булар жиноятни содир этишнинг тайёргарлик босқичини ташкил этади. Жиноятга раҳбарлик қилиш деганда, бевосита раҳбарнинг бажарувчи ва иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатларини жиноят содир этишга йўналтириш бўйича фаолияти тушунилади. Шахсни жиноят содир этишда ташкилотчи деб топишда юқорида кўрсатилган хатти-ҳаракатларни ижро этиши муҳим бўлмай, аксинча, унинг иштирокчиларнинг жиноят содир этишга тайёргарлик босқичида ёки бевосита жиноятни содир этишдаги уринишларини бирлаштириш бўйича хатти-ҳаракатлари етарлидир. Жиноий фаолиятни ташкил этиш шахснинг бир нечта шахсни уюшган жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшмага бирлаштиришида кўринади. Ташкилий жиноий фаолиятнинг хавфи шунчалик каттаки, унга жиноят қонунларининг Махсус қисми (ЖКнинг 242-моддаси)га мувофиқ жиноий жавобгарлик тайинланади. Субъектив томондан ташкилотчи доим бевосита қасддан ҳаракат қилади.

ЖИНОЯТ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК — юридик жавобгарликнинг бир тури ЖКнинг 16-моддасига мувофиқ, Ж.у.ж. — жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир. Жиноий жавобгарликнинг белгилари қуйидагилардан иборат: 1) ҳуқуқий мазмунига кўра, жиноятнинг ҳуқуқий оқибатидир; 2) фақат содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш учун юзага келади; 3) ҳуқуқий жазо қўллаш шаклидаги давлат мажбурлов чоралари ёки жиноий-ҳуқуқий таъсир қилишнинг бошқа тадбирларидан намоён бўлади; 4) жиноий-ҳуқуқий муносабатлар доирасида юзага келади, амалга оширилади ва тўхтатилади.

ЖИНОЯТ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК АСОСЛАРИ — ЖКнинг 16-моддасига мувофиқ, жиноят учун жавобгарлик — жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланиладиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир. ЖКда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

ЖИНОЯТ ФЕНОМЕНОЛОГИЯСИ — жиноятчиликнинг намоён бўлиш шакллари тўғрисидаги таълимот. Криминологиянинг алоҳида соҳаси бўлиб, муайян жиноятлар ва жиноят соҳаларини таҳлил қилишга бағишланган.

ЖИНОЯТ ҚИДИРУВИ — шахсга, мулкка, ижтимоий тартибга ва хавфсизликка қарши жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг пайини қирқиш ва уларни очиш бўйича оператив қидирув ва бошқа фаолият билан шуғулланувчи ички ишлар органлари тизими.

ЖИНОЯТ ҚОНУНЛАРИ — Ўзбекистонда ЎзР ЖКдан иборат. *Жиноий жавобгарликни* назарда тутувчи янги қонунлар ушбу ягона қонун

ҳужжатига киритилиши керак. ЎзР ЖК ЎзР *Конституциясига* ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормаларига асосланади (ЎзР ЖК 1-м.).

Ж.қ.нинг вазифалари қуйидагилардан иборат: шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулкчилик, табиий муҳит, тинчлик, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан муҳофаза этиш, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун ЎзР ЖКда жиноий жавобгарликнинг асослари ва принциплари, шахс, жамият ва давлат учун хавфли бўлган қандай қилмишлар жиноят ҳисобланиши ҳамда жиноятларни содир этганлик учун жазолар ва жиноят-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган бошқа чоралар белгиланган.

Ж. қ. қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, адолат, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади. Мазкур принципларнинг мазмуни ЎзР ЖК 4—10-моддаларида очиб берилади.

ЖИНОЯТ ҚУРОЛИ — жиноят содир этиш предмети. Ж.қ.ни топиш учун маълум излар (қон, бармоқ излари, юмшоқ тўқималарнинг қолдиқлари) диққат билан кўздан кечирилиши керак.

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ — ижтимоий муносабатларнинг муайян тизими учун хавфли бўлган қилмишнинг жиноийлигини ва жазоланишини белгиловчи юридик нормалар йиғиндисидан иборат ҳуқуқ тармоғи. Ж.ҳ., ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан ташқари, Ж.ҳ. фанини ва тегишли юридик ўқув фанини билдиради. ЎзР ҳозирги замон Ж.ҳ.нинг асосий прицилларига қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, адолат, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари киради. Ж.ҳ.нинг асосий манбаи ЎзРнинг (1994 йилги) ЖКдир.

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИНИНГ КЛАССИК МАКТАБИ — XVIII—XIX асрларда жиноят ҳуқуқи фанидаги етакчи йўналиш. Ж.ҳ.к.м. вакиллари (Ч.Беккариа, А.Фейербах ва бошқалар) ҳозирги вақтгача ўз аҳамиятини сақлаб қолган (қонунда кўрсатилмаган жиноят йўқ, жазонинг мутаносиблиги, жазонинг ҳамма учун тенглиги, айбсизлик презумпцияси ва ҳоказолар) жиноят ҳуқуқининг бир қатор илғор принципларини илгари сурдилар. Россияда З.А.Горюшкин, А.П.Куницин, В.Д.Спасович ва бошқалар ушбу мактабнинг намоёндалари бўлишган.

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИНИНГ СОЦИОЛОГИК МАКТАБИ — жиноят ҳуқуқида фан йўналиши. XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида пайдо бўлган. Мактаб вакиллари — Ф.Лист (Австрия), Э.Ферри (Италия), россиялик олимлар И.Я.Фойницкий, С.В.Познишев инсон жиноий феъл-атворининг социал алоқадорлигини эътироф этиб, шу билан бирга, унга биологик (шу жумладан, ирсий), физик (йил фасллари, иқлим, кун вақтлари ва ҳоказо) ва бошқа омиллар ҳам таъсир қилади деб ҳисобланган. Ж. ҳ. с. м.нинг ҳозирги тарафдорлари жиноятчиликнинг биологик ва социал (масалан, урбанизация билан боғлиқ) омилларининг кўпчилиги назариясини илгари суришди. Криминалист социологлар жиноят ҳуқуқи фани тор маънодаги жиноят ҳуқуқини (жиноий догматика), жиноятлар криминологияси ёки этиологиясини ва жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини бирлаштиради деб ҳисоблашган; улар-

нинг айримлари унинг таркибига, шунингдек, пенология (жазонинг ижро этилиши ҳақидаги фан) ҳам киради деб ҳисоблашади.

ЖИНОЯТГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ — жиноят ҳуқуқи бўйича, шахснинг жиноят содир этишга тайёргарлик кўриши тамом бўлмаган жиноятлар туркга киради. Ҳар қандай қасддан содир этиладиган жиноятлар ўзига хос уч босқичдан ўтади: 1) жиноятга тайёргарлик кўриш; 2) жиноят қилишга суиқасд қилиш; 3) тугалланган жиноят.

ЎзР ЖПКнинг 25-моддасида шахснинг қасддан қилинадиган жиноятни содир этиш учун шарт-шароит яратувчи қилмиши ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, содир этиш бошлангунча қадар тўхтатилган бўлса, бундай жиноятлар жиноятга тайёргарлик кўриш деб ҳисобланади. Ж.т.к. учун жавобгарлик қандай жиноятга тайёргарлик кўрилганлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

ЖИНОЯТГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШГА СУИҚАСД ҚИЛИШ — тамом бўлмаган жиноят. ЎзР ЖКнинг 25-моддасида Ж. т. к. ва ж. с. э. с. қ. қуйидагича белгиланган: а) шахснинг қасддан жиноят содир этиш ёки яшириш учун шарт шароит яратувчи қилмиши ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, содир этилиш бошлангунга қадар тўхтатилган бўлса, бундай қилмиш жиноятга тайёргарлик кўриш деб топилади. Бу қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилади. Жиноятларни қасддан содир этиш босқичлари уч босқичдан иборатдир: 1) жиноятга тайёргарлик кўриш; 2) жиноятга суиқасд қилиш; 3) жиноий оқибат (тугалланиши). Жиноятга тайёргарлик кўриш ўз хусусиятларига кўра шахснинг ҳаракатлари орқали ифодаланади ва ўз ичига қуйидаги асосий аломатларни олади: қилмишнинг жиноят содир этишига шароит яратиш учун йўналтирилганлиги, жиноятни яшириш учун муҳит яратилганлиги, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноятни содир этишнинг бошлангунга қадар жиноий мақсадни амалга ошмай қолиши. Тайёргарликнинг дастлабки икки белгиси ўзаро боғлиқ бўлади ва шу билан бирга ҳар бири мустақил равишда шахс ҳаракатларини ифодалайди. Жиноят содир этишга суиқасд эса ўз хусусиятларига кўра қасддан жиноят содир этишнинг бошланиши ва объектив сабабларига кўра жиноий мақсадига етилмаганлигини ифода этади. Суиқасднинг қуйидаги асосий белгилари мавжуд: жиноят содир этишнинг бошланиши, жиноят охирига етиб бормаслиги (объектив сабаблари), қасднинг аниқ мавжуд бўлганлиги (субъектив сабаб). Шунга кўра жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳолатларини билиш жиноятчиликка қарши кураш ва аввало жиноятларни ҳудуд квалификация қилишда катта аҳамиятга эга.

ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК — ЎзРнинг жиноят қонунига кўра (ЎзР ЖК 29-моддаси) «икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашиши». Ж. и.нинг тури сифатида ижрочи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчи эътироф этилади (ЎзР ЖКнинг 28-моддаси). Ж.и.да содир қилинган жиноят бир шахс содир қилган жиноятга нисбатан катта ижтимоий хавф туғдиради.

Ж.и.учун иштирокчилар фаолияти биргаликда амалга оширилган бўлиши керак. Бундай биргаликдаги иштирок этиш объектив ва субъектив шаклда акс этади. Ж.и.нинг объектив белгилари қуйидагилардан иборат: а) жиноятда икки ёки ундан ортиқ шахслар қатнашади;

б) биргаликда қатнашувчилар ҳар бирининг ҳаракатлари бошқа қатнашувчилар ҳаракатларининг зарур шартидир; в) биргаликда қатнашувчилар ҳар бирининг ҳаракатлари барча биргаликда қатнашувчиларнинг фаолияти оқибати бўлган умумий жиноий натижа билан сабабий алоқада бўлади. Ж. и.нинг субъектив томони фақат қасддан қилинган айбни тақозо этади, бунда шахснинг бошқаларни жиноий фаолиятга қатнашишга жалб этиш нияти фақат бевосита бўлиши лозим. Ният жиноят содир этишда биргаликда қатнашишни ва бундай содир қилинган жиноятнинг юз берадиган жиноий оқибатларини ҳам қамраб олади. Иштирокчилик нафақат тугалланган жиноятда балки шу билан бирга жиноятга тайёргарликда ва жиноятга қасд этишда ҳам намоён бўлади.

ЖИНОЯТДАН ИХТИЁРИЙ РАВИШДА ВОЗ КЕЧИШ — шахснинг жиноятни охирига етказиши мумкинлигини билган ҳолда жиноятга тайёргарлик кўришни тўхтатиши ёхуд жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни тўхтатиши сифатида тушунилади.

ЎзР ЖКга биноан, агар шахс ўзи содир этаётган жиноятини охирига етказишдан ихтиёрий равишда ва батамом воз кечса, у ушбу жиноят учун жиноий жавобгарликка тортилмайди. Жиноятни охирига етказишдан ихтиёрий равишда воз кечган шахс у содир этиб бўлган қилмиш бошқа жиноят таркибига эга бўлган тақдирдагина жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Жиноятни ташкил этган ва жиноятга даъват этган шахслар ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ёки бошқа тадбирлар орқали ижрочи жиноятни охирига етказишининг олдини олган бўлсалар, бундай шахслар жавобгарликка тортилмайдилар. Агар ташкилотчи ёки даъватчининг мазкур ҳаракатлари ижрочи жиноятининг тўхтатилишига олиб келмаган бўлса, суд улар кўрган чораларни жазо белгилаш чоғида енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаши мумкин. Агар жиноятчининг ёрдамчиси жиноят содир этилишининг олдини олиш учун барча чораларини кўрган бўлса, у жиноий жавобгарликка тортилмайди.

ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ — ЎзР ҳуқуқидаги жазони ижро этиш ва ўташ тартиби ҳамда шартларини белгиловчи юридик нормалар йиғиндисидан иборат мустақил тармоқ. Ж.-и.ҳ. деганда, тегишли фан ҳамда ўқув курси тушунилади. ЎзР жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг мақсади маҳкумларни тузатиш (тарбиялаш) ҳамда маҳкумлар ва бошқа шахслар томонидан содир этиладиган янги жиноятларнинг олдини олишдан иборат. Жиноят-ижроия қонунларига қуйидагилар киради: маҳкумларни тарбиялаш воситаларини аниқлаш, уларнинг эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, маҳкумлар ижтимоий мослашувига ёрдам бериш. Ж.-и.ҳ.нинг асосий манбаи — Ўзбекистон Республикаси ЖИК. Жиноий жазони ўташ ҳамда маҳкумларга нисбатан жиноят ҳуқуқи таъсирининг бошқа чораларини қўллашга қонуний кучга кирган ҳукм, суд ажрими ва қарори, шунингдек, афв этиш ёки амнистия ҳужжати асос бўлади.

ЖИНОЯТЛАРНИНГ ҚОНУНИЙ РЕЦИДИВИ — қасддан икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиш ва улардан бири учун судланганлик билан ажралиб турадиган жиноят-ҳуқуқий рецидив. ЎзР ЖК 34-моддасига кўра, оддий, хавфли ва ўта хавфли рецидив фарқланади ҳамда уларнинг ҳар бири учун алоҳида жавобгарлик белгиланган.

ЖИНОЯТНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ (лот. gualis) — жиноий ҳаракатни унинг белгиларининг жиноят қонуни билан назарда тутилган жиноят таркиби белгиларига мувофиқлигини аниқлашда ифодаланувчи жиноий-ҳуқуқий баҳо. Ж. к. қ. дастлабки тергов, якуний равишда эса — суд томонидан амалга оширилади.

ЖИНОЯТНИ ЯШИРИШ — жиноятга дахлдорлик шаклларидан бири; жиноят содир этиш билан боғлиқ бўлган, аммо унда иштирокчилик бўлмаган фаолият. Яширишнинг объектив томони жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини, жиноий йўл билан топилган нарсаларни яширишда ифодаланади. Ушбу ҳаракатларни шахс жиноят содир этиб бўлинганидан кейин содир этади ва шу боис жиноятни яшириш уни содир этиш туфайли юз берган жиноий натижа билан сабабий боғлиқ эмас. ЎзР ЖК (316-моддаси) аввалдан ваъда бермаган ҳолда оғир ва ўта оғир жиноятни яширганлик учун жиноий жавобгарлик белгилайди.

Шахс унинг турмуш ўртоғи ёки яқин қариндоши аввалдан ваъда бермаган ҳолда жиноятни яширганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилмайди.

ЖИНОЯТНИНГ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ — жиноят таркибининг тўртта элементидан бири. Ж. о. т.ни объектив шароитда қилмиш содир этаётган ва атроф-муҳитда маълум ўзгаришларни юзага келтираётган шахснинг онгли идрокли хатти-ҳаракати ташкил қилади. Ж. о. т. қуйидаги белгилардан иборат: 1) қилмиш (ҳаракат ва ҳаракатсизлик); 2) жиноий оқибат; 3) қилмиш ва юзага келган оқибат орасидаги сабабий боғланиш; 4) жиноят содир этиш вақти; 5) жиноят содир этиш жойи; 6) жиноят содир этиш муҳити; 7) жиноят содир этиш усули; 8) жиноят содир этиш қуроллари; 9) жиноят содир этиш воситалари.

ЖИНОЯТНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ — жиноят таркибининг тўрт элементидан бири; шахснинг ўзи содир этаётган ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатига нисбатан ўз руҳий муносабатини англатади. Икки элементи ўз ичига олади: интеллектуал ва хоҳиш-иродавий: интеллектуал элемент шуни билдирадики, шахс ўзи содир этаётган хатти-ҳаракатнинг ижтимоий хавфлилигини ва ҳуқуққа қарши жиноят эканлигини англаб етади; хоҳиш-иродавий элемент эса мазкур шахс ижтимоий хавфли оқибатларнинг содир бўлишини исташини ёки унга онгли равишда йўл қўйишини англатади.

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ — жиноят процессининг вазифалари, принциплари, иштирокчилари доирасини уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, миллий судлов ишларини юритишнинг бошқа ҳолатларини, иш қўзғатиш тартибини белгиловчи ҳамда дастлабки тергов, судлов ҳамда жиноят ишиларини ҳал этиш ҳамда (маълум даражада) суд ҳукмларини ижро этиш. Юридик нормаларнинг барчасини ифодаловчи ЎзР ҳуқуқининг асосий тармоқларидан бири. Ж.п.ҳ.нинг асосий манбаи — ЎзР Жиноят кодекси.

ЖИНОЯТЧИ КЎНИКМАЛАРИ — назарий жиҳатдан криминология ва криминалистика фанлари томонидан ўрганиладиган жиноятчиларнинг жиноят содир этишдаги кўникмалари. Илмий томондан эътироф этилишича, ҳар бир жиноятчи у ёки бу ҳаракатларни бажаришда ўзига хос усулларни қўллайди ва бу жиноятларни очишда идентификация қилиш учун катта аҳамиятга эгадир. Масалан, касби, ёшликдан олинган

қўникма асосида қулф бузиш, ўғирлик қилиш, қурол ишлатишни ўзига хос тарзда амалга ошириш қабилар.

ЖИНОЯТЧИЛИК — 1) давлат ва ҳуқуқ назарияси, криминология асосларига кўра, жиноятчилик кенг маънода у ёки бу жамиятдаги барча қонунбузарликларнинг умумлашган тушунчаси сифатида қўлланилади; 2) тор маънода жиноят ва унинг мавжудлиги тушунилади ва айнан жиноятчиликка оид қонунларни бузиш жиноятчилик деб ҳам ўрганилади.

ЖИНОЯТЧИЛИК ДАРАЖАСИ — криминологияда жиноятчилик тарқалганлигини кўрсатувчи уч асосий кўрсаткичдан бири. Ж.д.нинг мутлақ ифодаси рўйхатга олинган жиноятлар ва аниқланган жиноятчилар сони билан (ёки коэффицент ва индексларда: аҳоли муайян даражасига тўғри келадиган жиноятлар ва уларни содир этган шахсларнинг миқдори билан ўлчанади).

ЖИНОЯТЧИНИНГ ШАХСИ — жиноятчининг асосий интеллектуал-маънавий хислатлари, руҳий ва жисмоний ҳолатининг мажмуаси. Ж.ш.ни таҳлил этиш у содир этган қилмишни малакали баҳолашни, жумладан, индивидуал башорат қилишни таъминлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ж.ш. тўғрисида ҳар томонлама ва чуқур тасаввурга эга бўлиш учун таҳлил нафақат жиноят содир этилган вақтни ва уни текшириш даврини, балки текширилувчининг ривожланишини ҳам қамраб олиши керак. Бунда жиноят содир этилишининг яширин мотивларини ҳам, психологик-психиатрик хусусиятларини ҳам баравар инобатга олиш лозим. Ж. ш. ва жиноят ўзаро боғлиқ бўлганлиги боис, криминалистик иш доирасида Ж. ш. тўғрисида тегишли маълумотларни олиш жиноятни тергов қилиш фаолиятининг қисмидир. Чунки ЎзР ЖК 54-моддасига биноан, суд жазо тайинлаш вақтида Ж.ш.ни бошқа ҳолатлар билан бир қаторда инобатга олиши лозим.

ЖИНС ЦЕНЗИ (фаол ёки пассив) — сайлаш ҳуқуқини жинс бўйича қонуний чеклаш, айнан аёлларга сайловда қатнашишни рад этиш. XIX аср ва XX асрнинг бошларида бутун дунёда бор эди. Янги Зеландияда 1893 й., Финландияда 1906 й., Буюк Британияда ва Россияда 1918 й., АҚШда 1920 й., Францияда 1944 й., Японияда 1945 й., Швейцарияда 1971 й., Лихтенштейнда 1976 йилда бекор қилинган. Ҳозир айрим давлатларда, масалан, Қувайтда сақланиб қолган.

ЖИНСИЙ АЛОҚАГА МАЖБУР ЭТИШ — жинсий эркинликка қарши жиноятларнинг бир тури. ЎзР ЖКнинг 121-моддасига асосан, хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган аёлни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондиришга мажбур этиш. Мажбур этиш деб, аёл билан жинсий алоқа қилиш мақсадида ёки унинг хоҳишига хилоф равишда жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш мақсадида тазйиқ ўтказишга айтилади. Мажбур этиш мажбурловчи билан, шунингдек, бошқа бир шахс билан жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга кўндиришга қаратилган бўлиши мумкин (масалан, ишдан бўшатиш, кам ҳақ тўланадиган лавозимга кўчириш, мукофотдан маҳрум қилиш). Шу ўринда мажбурлашни зўрлаш жиноятидан фарқлаш лозим. Номусга тегишдаги руҳий тазйиқ ўтказишдан фарқли равишда, мажбурлашнинг бундай шакли, қўрқитишнинг дарҳол амалга оширилмаслигида ифодаланади. Айни вақтда қўрқитиш орқали етказилган зарар жабрланувчининг шахсига тегишли бўлмай, балки унинг мулкий ва бошқа манфаатларига ҳам тааллуқлидир.

ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИККА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН ЖИНОЯТЛАР — ЎзР ЖКга кўра Ж. э. қ. қ. ж. лар турига номусга тегиш, жинсий эҳтиёжини зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш, бесоқолбозлик, аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур қилиш киради.

ЖИРАНТ (итал. jirante) — пуллик (вексель) ва товар тарқатиш ҳужжатлари, шу жумладан, суғурта полисига ўтказиладиган ёзувни амалга оширувчи шахс.

ЖИРАТ — вексель ёки товар тақсимловчи ҳужжат ўтказиладиган шахс.

ЖИРО (итал. Jiro — муомала, ўтказиш) — ордерли коносаментга ўтказиладиган ёзув. Шунингдек, индоссамент деб аталиши ҳам мумкин.

ЖИРОБАНКЛАР — ўзининг мижозлари орасида пулсиз ҳисоб-китобни амалга оширувчи банклар. Ҳозирги вақтда тижорат ва эмиссион банкларнинг пайдо бўлиши туфайли амалиётда учрамайди, аммо ҳозирги замон банклари ўзларининг жиробўлимларига эга. Масалан, Германиянинг шундай деб аталадиган регионал жиромаркази бор, унда ҳисоб-китоб чеки билан ёки омонат кассаларининг омонатчилари билан бошқа шаҳарда турувчилар банк операцияларини жиробуйруқ бўйича ўзаро ҳисоб-китоб асосида пулсиз амалга оширадилар.

ЖИСМОНИЙ ЁКИ РУҲИЙ МАЖБУРЛАШ — ЎзР жиноят ҳуқуқида қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлардан бири. Агар жисмоний мажбурлаш натижасида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) идора эта олмаган бўлса, жиноят қонунлари билан ҳимоя қилинадиган манфаатларга зарар етказиш жиноят ҳисобланмайди. Руҳий мажбурлаш натижасида, шунингдек, шахснинг ўз ҳаракатларини бошқариш имконияти сақланиб қолган жисмоний мажбурлаш натижасида жиноят қонунлари билан муҳофаза этиладиган манфаатларга зарар етказганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги масала ЎзР ЖК 38-моддасининг қоидаларини инобатга олган ҳолда ҳал этилади (охирги зарурат).

ЖИСМОНИЙ ШАХС — 1) ушбу тушунча орқали ЎзРнинг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар ифодаланади (ЎзР ФК 16-м.);

2) фуқаролик ҳуқуқида жамоани ташкил этувчи юридик шахсдан фарқли ўлароқ, фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўлган алоҳида фуқаро (хорижлик фуқаро, фуқаролиги бўлмаган шахс).

ЖОРИЙ ДАРОМАДЛИЛИК — *облигация* бўйича олинадиган ҳар йилги даромаднинг унинг бозор нархига нисбати. Ж.д. облигация купонининг курси эмас, балки фойданинг ҳақиқий нормасидир.

ЖОРИЙ ҲИСОБВАРАҚ — пул маблағларини сақлаш ҳамда ҳисоб-китобни амалга оширишга хизмат қиладиган ҳисобварақ тури. ЎзРда бюджетдаги муасассалар ва ташкилотларга бюджетдан ташқари ҳисобварақлар бўйича операцияларни ҳисобга олиш ва амалга ошириш учун, тижорат тузилмаларининг бўлинмалари, корхона ҳамда ташкилотларнинг ўз жойларидан ташқаридаги шўъбалари, шунингдек, турли хилдаги жамоат ташкилотлари ва фондлар учун очилади. Тижорат тузилмалари хўжалик ҳисобида бўлмаган бўлинмаларининг Ж.ҳ. асосий корхоналарнинг аризалари бўйича очилади. Ж.ҳ. бўйича барча операциялар мавжуд маблағлар, яъни кредит қолдиқлари доирасида амалга оширилади. Ж.ҳ.даги маблағлар қолдиғи ресурсларни шакллантириш манбаларидан бири. Банклар тўлайдиган фоизлар ва банк комиссиялари Ж.ҳ. бўйича амалга ошириладиган операциялар комиссияларнинг ўлчамлари банклар ва мижоз-

лар ўртасида тузиладиган ҳисобварақ очиш ва юритиш шартномасида белгиланади. Банкларда жисмоний шахслар учун очиладиган ҳисобварақлар Ж. ҳ. эгаси (омонатчи) Ж. ҳ. шартларига биноан, ўз маблағларини қўшиши ва қайтиб олиши мумкин.

ЖОРИЙ КУНЛАР — денгиз орқали ташиш шартномасида юк ортиш ва (ёки) тушириш учун ажратиладиган кема тўхтаб туриш вақтини ҳисоблаш учун кўрсатилади. Ҳисобда кетма-кет келадиган календарь кунлар (ҳар бири 24 соат, якшанба ва байрам кунлари ҳам киради) олинади.

ЖОРИЙ СУБСЧЁТЛАР — келиб тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш мақсадида қайд этиб бориш учун жамоат ташкилотлари, фондлар, бюджет муассасалари томонидан банкларда очиладиган субсчётлар.

ЖОРИЙ ШАРҲЛАШ — ҳуқуқ нормаларини норасмий талқин этиш турларидан бири бўлиб, ҳар қандай ҳуқуқни қўлловчи орган (суд, давлат бошқаруви органи ва б.) ўзининг кундалик амалиётида берадиган тушунтириш. Фақат муайян вазият учунгина аҳамиятли бўлади.

ЖОСУСЛИК — 1) ЎзР ЖКнинг 160-моддасида назарда тутилган ЎзРга қарши жиноят. Алоҳида жиноят сифатида Ж. чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг давлат сири ҳисобланган маълумотларни чет эл давлати, чет эл ташкилоти ёхуд уларнинг вакилларига етказиши, шунингдек, етказиш мақсадида қўлга киритиши ёки тўплаши ҳамда чет эл разведкаси топшириғи билан ЎзР хавфсизлигига зарар етказиш мақсадида бошқа маълумотларни тўплашни билдиради; 2) давлатга хиёнат қилиш шаклларидан бири. Ушбу қилмишнинг объектив томонини Ўзбекистон фуқаросининг давлат сири ҳисобланган маълумотларни чет эл давлати, чет эл ташкилоти ёхуд уларнинг вакилларига етказиши, шунингдек, ЎзР хавфсизлигига зарар етказиш мақсадида қўлга киритиши ёки йиғиши ташкил этади.

ЖУЗЪЯ (араб.) — Шарқдаги мусулмон мамлакатларида мусулмон бўлмаган аҳоли жон бошидан олинадиган солиқ. Усмон халифалигида XVIII аср охирида хирож билан қўшилиб кетган.

ЖУНТА (итал. junta) — Италиянинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимида коммуналар, провинциялар ва вилоятлар кенгашлари томонидан маслаҳатчилар ичидан сайланадиган коллегиал маъмурий (ижроия) органи. Ж. ўз фаолияти ҳақида кенгашнинг ҳар бир мажлисида хабар бериб туриши керак. Вилоят ва провинция Ж.сининг раиси кенгашда раислик қилади, унинг ҳужжатларини эълон қилади, кундалик маъмурий ишларга раҳбарлик қилади.

ЖУРНАЛИСТ — ЎзРнинг 1997 йил 24 апрелдаги «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунида белгиланганидек, «ЎзРнинг ёки хорижий давлатнинг оммавий ахборот воситаларида хизмат қиладиган ёхуд уларда шартнома асосида ишлайдиган ва маълум мавзудаги ахборотни тўплаш, таҳлил этиш ҳамда тарқатиш билан шуғулланувчи шахсдир».

ЖУРНАЛ-ОРДЕРЛИ ҲИСОБГА ОЛИШ ШАКЛИ — хўжалик операциялари тўғрисидаги бирламчи ҳужжатли маълумотларни йиғиш учун улардаги ёрдамчи ишлаб чиқиладиган жадвал ва жамловчи журнал-ордерлардан фойдаланишга асосланган бухгалтерия ҳисоб-китоб тизими. Ҳисоб-китоб юритиш журналли-ордерли шаклларининг асосий рўйхат-

лари бўлмиш — журналларда хўжалик операциялари тўғрисидаги хужжатлар хронологик тартибда рўйхатга олинади, бу журнал-ордерларнинг якуни ойлик синтез ҳисоб-китоблари ҳажмини ташкил этади.

ЖЎНАТИШ ЖОЙИ БОЖХОНАСИ — товар жўнатадиган давлатнинг бутун юк ёки унинг қисми учун божхона транзити тартиби бўйича ташиш бошланадиган ҳар қандай божхона.

ЖЎНАТУВЧИ ДАВЛАТ — юклар (товарлар ва бошқа нарсалар) ҳудудидан бошқа давлатларга, жумладан, учинчи давлатлар ҳудуди орқали транзит усулида олиб чиқиладиган ҳар қандай давлат.

ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕС — Қорақалпогистон Республикасининг бир палатали қонун чиқарувчи органи номи (парламент). ҚҚР Жўқорғи Кенгеси ҳудудий сайлов округлари бўйича куппартиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган 75 нафар депутатдан иборат (ҚҚР Конституциясининг 69-моддаси). Ж.К. ўз фаолиятини бир йилда камида бир марта чақириладиган сессиялар кўринишида олиб боради.

ЖЎҒРОФИЙ ОПЦИОН — кемани кирага олувчи шахснинг юк ортиш ёки тушириш бандаргоҳини чартерда кўрсатилганлари орасидан танлаш ҳуқуқи. Бу шартдан чартерда белгиланган вақтдан кечиктирмай олдиндан огоҳлантирган ҳолда фақат бир марта фойдаланилиши мумкин. Ж.о. товарни ортиш-тушириш дастури ҳали аниқ бўлмаганда, тоннажни олдиндан, ёппасига кира қилишда кенг қўлланилади.

ЖЎҒРОФИЙ РОТАЦИЯ — кемани юк ортиш ёки тушириш учун бир неча бандаргоҳга уларнинг жўғрофий кетма-кетлиги бўйича йўллаш ҳақидаги *чартер* шарти. Кема кирадиган биринчи бандаргоҳ белгиланган бандаргоҳлар ичида кема йўналишидаги биринчиси бўлганида ротация бевосита (тўғридан-тўғри) бўлиши мумкин.

«З»

ЗАЁМЛАРНИ БИРХИЛЛАШТИРИШ — илгари муомалага чиқарилган бир неча заёмларни битта янгисига алмаштириш. Давлат қарзини бошқариш усулларидан бири.

ЗАКАЛАТ — мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларидан бири. ЎзРнинг ФК бўйича шартнома тузаётган тарафлардан бири шартнома тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш учун шартнома юзасидан иккинчи тарафга тўлайдиган пулидан берадиган пул суммаси закалат деб тушунилади.

Закалат тўғрисидаги келишув закалатнинг суммасидан қатъи назар ёзма равишда тузилади. Шартномадаги тараф амалга ошириши керак бўлган тўловлар ҳисобидан тўланган сумма закалат эканлигига шубҳа туғилган тақдирда бу сумма, агар бошқа ҳол исботланган бўлмаса, бўнак сифатида тўланган ҳисобланади. Мажбурият уни бажаришдан олдин тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки бажаришнинг имкони йўқлиги туфайли тугатилса, закалат пули қайтариб берилиши керак. Агар шартноманинг бажарилмаганлиги учун закалат пули берган тараф жавобгар бўлса, закалат иккинчи тарафда қолади. Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун закалат олган тараф жавобгар бўлса, у иккинчи тарафга закалатни икки баравар қилиб қайтариши шарт. Бундан ташқари, шарт-

номанинг бажарилмаслиги учун жавобгар бўлган тараф, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, закалат суммасини ҳисобга олган ҳолда иккинчи тарафга зарарларни тўлаши шарт.

ЗАХИРА ЕРЛАР — ижарага, фойдаланишга, эгалик қилишга (эгаллашга) ва бошқа мулк қилиб берилмаган ерлар. Ер қонунчилигига мувофиқ, унга хусусий мулкчилик ҳуқуқи бўйича эгаллаш ва фойдаланиш тўхтатилган ерлар ҳам тааллуқли (ЎзРнинг Ер кодекси, 18-модда).

ЗАКОТ (араб. тозаланиш) — мусулмонларда «тозаловчи» диний солиқ, уни ундириш Қуръонда ёзилган, солиқ солиш миқдори ва қоидаси эса шариатда ишлаб чиқилган. Закот Муҳаммад пайғамбар ва унинг оиласини боқишга, камбағалларга ёрдам беришга, саёҳатчилар ва «адолатли уруш» учун мўлжалланган. Феодал мусулмон давлатларда (фақат мусулмонлардан) закот ҳайвонлар ҳисобидан, ҳунармандчиликдан, сотишдан олинган фойдадан, нақд пуллардан, қимматбаҳо буюмлардан олинган. Ҳозирги замон мусулмонлари ўртасида закотга мусулмон руҳонийларига ихтиёрий равишда хайр-эҳсон бериш деб қаралади.

ЗАРАР — фуқаролик ҳуқуқида бир шахснинг қонунга хилоф ҳаракати билан иккинчи бир шахсга етказилган пул шаклидаги зиён. З. деганда, биринчидан, кредиторнинг сарф-харажати, иккинчидан, унинг мол-мулкининг йўқолиши ёки унга шикаст етказилиши ва, учинчидан, қарздор мажбуриятни лозим даражада бажарганида олиши мумкин бўлган даромад (олинмаган фойда) тушунилади. Умумий қоида бўйича, қарздор кредиторга етказилган З. ни тўлиқ қоплаши керак. Қонун айрим турдаги мажбуриятлар бўйича қарздорнинг жавобгарлигини чеклаши мумкин. Масалан, сақлаш учун топширилган мулк йўқолганда, камомад ёки шикаст етказилганда, агар қонун ёки шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, сақловчи мулк эгасига олинмаган фойдани тўлаши шарт эмас. Юк йўқолганда ёки камомад бўлганда, транспорт ташкилоти фақат унинг ҳақиқий нархини тўлашга мажбур, агар юкка шикаст етказилган ёки бузилган бўлса — фақат унинг камайган қиймати тўланади.

ЗАРАР ЕТКАЗИШДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР — ФКнинг 57-бобида белгиланган мажбурият ҳуқуқининг асосий институтларидан бири. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шакли. ФКнинг 985-моддасига мувофиқ, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсга етказилган зарар, зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим. Қонунда зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказувчи бўлмаган шахсга юклатилиши мумкин. Қонун ҳужжатларида ёки шартномада жабрланувчиларга зарарни тўлашдан ташқари, товон тўлаш мажбурияти белгилаб қўйилиши мумкин. Зарар етказган шахс, агар зарар айби билан етказилмаганини исботласа, зарарни тўлашдан озод бўлмаган тақдирда ҳам зарарни тўлаш назарда тутилиши мумкин. Қонуний ҳаракатлар туфайли етказилган зарар қонунда назарда тутилган ҳолларда тўланиши лозим. Агар зарар жабрланувчининг илтимоси ёки розилиги билан етказилган бўлса, зарар етказган шахснинг ҳаракатлари эса жамиятнинг ахлоқий тамойилларини бузмаса, зарарни тўлаш рад этилиши мумкин. ФКнинг 987-моддасига мувофиқ, зарурий мудофаа ҳолатида етказилган зарар, агар бунда мудофаа чегарасидан чиқилмаган бўлса, тўланмайди. Агар ғайриқонуний тажовуздан ҳимояланиш пайтида ҳимояланувчи учинчи шахсга зарар етказган бўлса, бу

зарар тажовуз қилган шахс томонидан тўланиши лозим. Шахсга унинг жиноий ҳаракатларининг пайини қирқиш ёхуд уни ушлаш ва тегишли органларга олиб бориш сабабли етказилган зарар тўланмайди. ФКнинг 988-моддасига биноан, охирги зарурат ҳолатида етказилган зарар, яъни зарар етказган шахснинг ўзига ёки бошқа шахсларга таҳдид солган хавф бартараф этилиши мумкин бўлмаса, зарар етказган шахс томонидан тўланиши лозим. Бундай зарар етказилган ҳолатларни ҳисобга олиб, суд уни тўлаш мажбуриятини, зарарни етказган шахс учинчи шахснинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қилган бўлса, ўша шахсга юклаши ёхуд учинчи шахсни ҳам, зарар етказган шахсни ҳам зарарни тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилиши мумкин.

Зарарни қоплашнинг умумий қоидалари ФКнинг 57-боб, 1-§, 985—1004-моддаларида, фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ФКнинг 57-боб, 2-§, 1005—1016-моддаларида белгиланган. Товарлар, ишлар, хизматлардаги нуқсонлар оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ФКнинг 57-боб, 3-§, 1017—1020-моддаларида назарда тутилади. Маънавий зарарни қоплаш ФКнинг 57-боб, 4-§, 1021—1022-моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

ЗАРАР КЕЛТИРИЛГАН ЖОЙ ҚОНУНИ (lex loci delviti commissi) — қайси давлат ҳудудида зарар етказилган бўлса, ўша давлат ҳуқуқи қўлланилишини билдиради. Ушбу коллизион боғлиқлик зарар келтириш оқибатида вужудга келган мажбуриятни ваколатли тартибга солиш ҳуқуқини танлаш учун фойдаланилади (деликт мажбурияти). Халқаро саёҳатчилик ва халқаро транспорт операцияларининг кўпайиши чет эл элементлари томонидан такомиллаштирилган деликтли мажбуриятлар сонини кўпайтиради, у ушбу бириктириш формулаларининг қўллаш соҳасини кенгайтиради.

ЗАРУРИЙ МУДОФАА — ЎзР жиноят қонунчилигига асосан, жиноят ҳисобланмайди. З.м. ҳолатида содир этилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга хилоф тажовузлардан тажовузчига зарар етказган ҳолда ҳимоя қилиш чоғида қилинган ҳаракат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди. Тажовузнинг хусусияти ва хавфлилик даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб топилади. Бошқа шахсларга ёки ҳокимият органларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёхуд тажовуздан ўзга йўсинда қутулиш имконияти бор-йўқлигидан қатъи назар зарурий мудофаа ҳуқуқи шахсга тегишлидир. Зарар етказиш мақсадида қасддан ҳужум қилиш истагини қўзғатиш З. м. деб топилмайди (ЎзР ЖКнинг 37-м.).

ЗАРУРИЙ МУДОФАА ЧЕГАРАСИДАН ЧЕТГА ЧИҚИШ — ЎзР ЖКнинг 37-моддасига асосан, тажовузнинг хусусияти ва хавфлилиги даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа — зарурий мудофа чегарасидан четга чиқиш деб топилган. Ҳуқуқий қўриқланадиган манфаатларни ҳимоя қилиш зарурат чегараси дейилади.

ЗАЧЁТ — фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларни тўхтатиш усулларидан бири. Талаб қилиш вақти билан белгиланган ёки унинг муддати кўрсатилмаган ёхуд муддати бўлган бир турдаги қарама-қарши талабнинг зачёт-мажбурияти тўлиқ ёки қисман тўхтатилади. З. учун бир тарафнинг аризаси етарли. З. талабига қуйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди: агар бошқа тарафни аризаси буйича талабга даъво муддати қўлланилиши

лозим бўлса ва бу муддат ўтган бўлса; соғлиғи ёки ҳаётига етказилган зарарни қоплаш тўғрисида; алиментларни ундириш тўғрисида; умрбод боқиш тўғрисида; қонун ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда. Талаб кечилган ҳолларда қарздор янги кредитор талабига қарши ўзининг қарама-қарши талабини дастлабки кредитор ҳисобига ўтказишга ҳақли. Агар талаб қилиш вақти билан белгиланган ёки бу муддат кўрсатилмаган ёхуд уни олгунга қадар талаб қилиш муддати келган ҳамда талабни кечиш ҳақида қарздор томонидан хабар олинган вақтда мавжуд асослар буйича юзага келган талабларни З. амалга оширади.

ЗАҲАРЛАР — суд токсикологиясида тирик организмга зарарли (заҳарловчи) таъсир кўрсатувчи кимёвий моддалар. З. сифатида муайян вазиятда нафақат заҳарлаш учун махсус ишлаб чиқарилган ва мўлжалланган моддалар, балки даво мақсадида ёки бошқа мақсадларда фойдаланадиган, аммо атайин ёки эҳтиётсизлик орқасида дозаси ошириб юборилган моддалар (баъзи бир доривор препаратлар, наркотик воситалар, алкоголь ва бошқалар) ҳам қўлланилиши мумкин. З. амал қилиш вақти, жойи буйича (нейротоксик, нефротоксик ва ҳ.к.), заҳарловчи таъсирининг кучи ва бошқа белгиларига қараб фарқланади.

З. тайёрлаш санъати қадимги Шарқда яхши маълум бўлган. З. асосан ёввойи ўтлар ва қўзиқоринлардан олинган. Ўсимлик З.и билан бир қаторда ҳайвонлардан ва минераллардан олинган З.лар ҳам маълум бўлган: илон, бақа, саламандра, мис кўки, қўрғошин оқи, маргимуш, қўрғошин сурики, симоб, киноварь. «Олтин оҳак» энг кучли заҳар ҳисобланган. З.лар суд муҳокамаларида айбдорлик кўрсаткичи сифатида фойдаланилган («Худолар ҳукми»). Афинада цикутанинг заҳарли шарбати ўлим жазосини ижро этишда қўлланилган. Заҳарланишга қарши курашда оддий воситалар (беҳи, лимон, золототисячник, бегония) билан бир қаторда баъзан 100 та таркибий қисмдан иборат бўлган заҳарга қарши восита — тарякдан ҳам фойдаланилган.

ЗОБИТЛИК ШАЪНИ СУДЛАРИ — турли давлатлар қуролли кучларида зобитларнинг сайлов органлари бўлиб, зобитлик унвони шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш учун таъсис этилган. Унинг вазифалари зобитларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари, қонунбузарлиги ҳақидаги ишлар ҳамда зобитларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилувчи судлар ваколати доирасидаги бошқа ишларни ҳам муҳокама қилади, зобитлар ўртасида вужудга келган келишмовчиликларни ҳал этади.

ЗЎРЛИК — бирор кишининг иккинчи бир кишига нисбатан зўрлик қилиши, зўрлаши, куч ишлатиш йўли билан зўрлаши, жабр-зулм қилиши. У инсоннинг дахлсизлигини бузиб жисмоний ва маънавий зўрлаш, жабр-зулм қилиш шаклида ҳам бўлиши мумкин.

ЎзР ЖКда зўрлик ишлатиш билан боғлиқ бир қатор жиноятлар мавжуд: қасддан одам ўлдириш — 97-м.; ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш — 112-м.; номусга тегиш — 118-м.; жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш — 119-м.; аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш — 121-м.; зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш — 138-м. ва б.

«И»

ИДЕНТИФИКАЦИЯ — криминалистикада ўзгаришсиз белгилари асосида шахс ёки буюмни таниш. Айбдорнинг шахси фотосурати, бармоқ излари билан, ўлчаш билан ва бошқа характеристикалари билан, масалан, магнит ленталарга овозини ёзиб чиқариш билан белгиланади, аммо мажбурлаш билан амалга ошириш мумкин эмас. Оғир жиноятлар содир қилганда дастлабки соч рангини тиклаш, соқолни олдириб ташлашга йўл қўйилади, бу ғамхўрлик принципи бўлиб ҳисобланади.

ИДИШ — товарларни сақлаш ва ташиш жараёнида уларнинг сақланишини таъминлайдиган буюм (яшчик, бочка, баллон, қоп ва ҳ. к.).

ИЖАРА — Қ.: *Ижара шартномаси.*

ИЖАРА ШАРТНОМАСИ — ижарага берувчи (ёллаш учун берувчи) мулкни муайян ҳақ эвазига ижарачига (ёлловчига) вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ёки фақат вақтинчалик фойдаланиш учун беришига асос бўладиган фуқаролик ҳуқуқий шартнома. Ижарачи шартнома бўйича ижарага олган мулкдан фойдаланиш натижасида олган маҳсулот ва даромад унинг мулки ҳисобланади.

ИЖАРАГА БЕРИШ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ТУРАР ЖОЙДАН ФОЙДАЛАНИШ — ЎзРнинг Уй-жой кодексига асосан ижарага бериш шартномаси бўйича муниципал, идоравий уй-жой фонди ва коммунал уй-жой фондининг уйларидаги турар жойдан фойдаланаётган ижарага олувчи ундан белгиланган мақсадда ва шартнома шартларига мувофиқ фойдаланиши шарт. Агар ижарага олувчи ижарага берувчининг ёзма огоҳлантиришига қарамай, турар жойдан белгиланган мақсадга ва ижарага бериш шартномаси шартларига номувофиқ фойдаланса, ижарага берувчи шартномани бекор қилиши ва зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин (ЎзР Уй-жой кодекси, III бўлим, 5-боб, 48-м.).

ИЖМОЪ (араб. — якдиллик, якдиллик билан қабул қилинган қарор, ижмоъ ал-умма — «диний жамоанинг ягона фикри») — Қуръон ва ҳадисларда аниқ кўрсатма берилмаган ҳуқуқий масалани ҳал қилишда фақиҳ ва мужтаҳидларнинг тўпланиб, ягона фикрга келган ҳолда ҳукм чиқариши. Шариатнинг учинчи муҳим манбаи. Шариатда шундай йўл билан чиқарилган ҳукм қонуний деб қабул қилинган. И.га шариат манбаи сифатида каттароқ эътибор қаратиш араб халифалиги бошларида келиб чиққан. Бу жамиятда мусулмон ҳуқуқшуносларининг мавқеи оша бошлаганидан, ислом ҳуқуқшунослигида рационалистик элементнинг кучайганидан далолат беради.

ИЖОБИЙ ИШОНЧСИЗЛИК ЁРЛИҒИ — ҳукумат бошлиғига ишончсизлик вотуми билдиришнинг алоҳида шакли бўлиб, бунда парламент аъзолари ёки ҳукумат ҳисоб берадиган палата аъзолари кўпчилигининг овози билан унга ворис сайлаш назарда тутилади. Мазкур институт ГФР, Папуа-Янги Гвинея ва бошқа қатор давлатлар конституцияларида назарда тутилган. Ҳукуматнинг тез-тез инқирозга юз тутишининг олдини олади.

ИЖОД — сифат жиҳатдан янги нарсани юзага келтирувчи ҳамда ўзига хослиги ва ижтимоий-тарихий ноёблиги билан ажралиб турувчи фаолият. И. инсонгагина хосдир, чунки доимо ижодий фаолият субъекти бўлмиш ижодкорнинг бўлишини тақозо этади.

Ижодий фаолият маданий қадриятларни яратиш ва уларни талқин

этишдир. Ижодий ходим — маданий қадриятларни яратувчи ва талқин этувчи ижодий фаолиятини шахсий ҳаётининг ажралмас қисми деб ҳисобловчи, ижодий ходим сифатида тан олинган ёки тан олинишни талаб этувчи жисмоний шахс. Бунда унинг меҳнат шартномалари билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигининг, бирон ижодий ходимлар уюшмасига аъзо эканлиги ёки аъзо эмаслигининг аҳамияти йўқ (ижодий ходимлар қаторига Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги умумжаҳон конвенцияси, Адабиёт ва санъат асарларини муҳофаза этиш тўғрисидаги Берн конвенцияси, ижро этувчи артистлар, фонограмма ишлаб чиқарувчилар ва радио эшиттириш органлари ходимларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Рим конвенциясида ана шундай ходимлар сифатида тан олинган тоифадаги шахслар киради).

ИЖРО ВАРАҚАСИ — ижро ҳужжатининг тури. И. в. судлар, суд томонидан тасдиқланган келишувлар, хўжалик судлари қарорлари, ҳукмлари, ажримлари, халқаро судлар қарорлари асосида берилади. И. в.да қарорнинг резолютив қисми сўзма-сўз келтирилади, суд номи ва ижро варақаси берилган иш кўрсатилади, қарор чиқарилиши ва унинг қонуний кучга кириш вақти, И. в. берилиши вақти, ундирувчининг, қарздорнинг номи ва уларнинг манзили кўрсатилади. И. в. судья томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади. Ҳар бир қарор бўйича одатда битта И. в. берилади. Агар ижро турли жойларда амалга оширилса ёхуд ишда бир нечта даъвогарлар ва жавобгарлар иштирок этишса, суд ундирувчининг илтимоси бўйича бир нечта И. в. бериши мумкин. Суд агар қарор асосида пул суммалари солидар қарздорлардан ундириладиган бўлса, шунга ўхшаш кўринишда иш тутиши мумкин.

ИЖРО ИМТИЁЗИ (ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИНИНГ ИМТИЁЗЛИЛИГИ) — АҚШнинг конституциявий-ҳуқуқий доктринасига асосан давлат бошлиғининг (президентнинг) АҚШ Конгресси органларига (шу жумладан, тергов комиссияларига) улар томонидан сўралаётган маълумотларни улар давлат сири ёки ҳарбий сир характерида деб тақдим қилмаслик ҳуқуқи.

ИЖРО ХАТЛАРИ ЁЗИШ — нотариуснинг асл қарз ҳужжатида кўрсатиб ўтилган қарздордан ундирувчига тегишли бўлган аниқ пул суммаси ёки мол-мулкни ундириш тўғрисидаги фармойиши. ЎзРнинг «Нотариат тўғрисида»ги қонунининг 76-моддасига асосан қарздордан пул суммаларини ундириш ёки мол-мулкни талаб қилиб олиш учун нотариус қарздорликни белгиловчи ҳужжатларга ижро хатларини ёзади. И.х.га асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхати ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилади. И.х. қуйидаги ҳолларда ёзилади: тақдим этилган ҳужжатлар қарздорнинг ундириб олувчидан қарздор эканлиги ёки бошқа мажбуриятни шубҳасиз тасдиқласа; даъво қилиш ҳуқуқи вужудга келган кундан бошлаб ўтган вақт уч йилдан ортиқ бўлмаса; Агар И. х. бериш ҳақидаги талаб учун қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, И.х. шу муддат ичида берилади. И.х.да қуйидагилар кўрсатилиши лозим: И.х.ни ёзаётган нотариус исм-шарифининг бош ҳарфлари, фамилияси, лавозими; ундириб олувчининг номи ва манзили; қарздорнинг номи ва манзили; ундириб олиш амалга ошириладиган муддат; ундириб олиш керак бўлган суммалар ёки талаб қилиб олиниши керак бўлган нарсалар, шу жумладан, тўланиши керак бўлган пеня, фоизлар; ундириб олувчи тўлаган ёки

қарздордан ундирилиши керак бўлган давлат божи ёки тариф суммалари; ижро хати ёзилган сана, (йил, ой, кун); ижро хатининг реестрида қайд этилган тартиб рақами; ижро хатини ёзган нотариуснинг имзоси; нотариуснинг муҳри. И.х. бўйича ундириш суд қарорларини ижро қилиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади. И.х., агар ундирувчи ёки қарздордан бири фуқаро бўлса, у ёзилган кундан бошлаб уч йил ичида мажбурий ижро учун тақдим этилиши мумкин.

ИЖРО ШАРТНОМАСИ — фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида муаллифлик ҳуқуқини таъминлашнинг бир шарти. ЎзР ФКнинг 1067-моддасида баён этилганидек: «Муаллиф ёки унинг меросхўри муаллифлик шартномаси тузиш орқали ўз асаридан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа бир шахсга ўтказиши мумкин». Шу билан бирга, муаллифнинг асарини эълон қилиш ҳуқуқидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқилса — муаллиф эълон қилинмаган асарини оммалаштириш учун бошқа бир шахсга бериши мумкин. Шунга асосан, бир томон асарнинг муаллифи, иккинчи томон эса асарни ижро этувчи ҳисобланади. Ижро этиш бўйича ижрочи муаллифнинг мулкий манфаатдорлигини сақлаб қолиши зарур. ФКнинг 1068-моддасида «Асардан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ миқдори тарафларнинг келишувига биноан муаллифлик шартномасида белгилаб қўйилади», деб қайд этилган.

ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ БОШЛИҒИ — умуммиллий ёки минтақавий даражада ёхуд маҳаллий бошқарув органлари даражасида давлат бошқаруви органларининг олий раҳбари. Умуммиллий даражада И.э.ҳ.б. барча турдаги монархияларда расман монарх (парламентар монархияларда амалда — ҳукумат бошлиғи), президентлик республикаларида — президент, парламентар республикаларда эса — расман президент, амалда эса ҳукумат бошлиги, ярим президентлик республикаларида — президент (баъзан расман — ҳукумат бошлиғи)дир

ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТНИНГ ДУАЛИЗМИ (лот. dualis — икки томонлама) — бутун халқ сайлаган «кучли» президент ва парламент олдида масъул бўлган ҳукуматга эга аралаш типдаги республикаларда мавжуд бўлган ҳодиса. И.э.ҳ.д.да ижро этувчи ҳокимият икки марказ — бир томондан, президент ва унинг маъмурияти, бошқа томондан, бош вазир ва ҳукумат — ўртасида гўёки икки томонга ажралади. Президент ва бош вазир, м-н, 1986—1988 йилларда Францияда бўлгани каби рақобатчи сиёсий партиялардан бўлганда И.э.ҳ.д. айниқса кескин намоён бўлади.

ИЖРО ЮРИТУВИ — фуқаролик ҳуқуқининг якунловчи босқичи, бунда суд қарори билан тасдиқланган ҳуқуқлар мажбурий тартибда амалга оширилади. Суд қарорлари ижро варақлари ёки ўзга ижро ҳужжати асосида умумий ваколатли туман (шаҳар) судларининг суд ижрочилари томонидан дарҳол ижро этиш ҳолларидан ташқари, қонуний кучга кирганидан кейин ижро қилишга қаратилади.

И. ю. ундирувчининг аризаси ёки прокурорнинг даъво аризаси асосида қўзғатилади. Суд қарорининг тўғри ва ўз вақтида ижро этилиши устидан назорат судья томонидан амалга оширилади. Суд ижрочиси қарорнинг ижросига киришиб, қарздорга қарорни ихтиёрий равишда беш кунлик муддат ичида бажариш тўғрисида таклиф юборади. Таклиф қарздорга олиб берилади ва топширилади. Зарур ҳолларда, суд ижрочиси таклифни топшириб қарздорнинг мол-мулкини хатлаши мумкин. Суднинг қарорини мажбурий тартибда ижро этиш қарорни ихтиёрий ра-

вишда ижро этиш муддати тугаганидан кейин амалга оширилади. Мажбурий тартибда ижро қилиш чоралари бўлиб: 1) ундиришни қарздорнинг мол-мулкини хатлаш ва сотиш йўли билан мол-мулкига қаратиш; 2) ундиришни қарздорнинг иш ҳақига, пенсиясига, стипендиясига ва ўзга даромадларига қаратиш; 3) ундиришни қарздорнинг учинчи шахсларда бўлган пул суммалари ва мол-мулкига қаратиш; 4) суднинг қарорида кўрсатиб ўтилган предметларни қарздордан олиб қўйиб, ундирувчига бериш; 5) суднинг қарорида кўрсатилган қонунга мувофиқ бошқа чоралар ҳисобланади. Қарорнинг ижросини қийинлаштирувчи ёки ижро қилиб бўлмайдиган ҳолатлар келиб чиққанда суд ижрочиси иш бўйича қарор чиқарган судга ижро этишни кечиктириш ёки узайтириш, шунингдек, қарорни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш масаласини қўйишга ҳақли. И. ю. тўхтатилган ҳолатларда ижро ҳужжати тегишли белги билан ушбу ҳужжатни берган судга ёки бошқа органга йўлланади. Суд ижрочиси томонидан кўрилган барча чоралар бекор қилинади. Тўхтатилган И. ю. қайтадан бошланиши мумкин эмас.

ИЖРО ҲУЖЖАТЛАРИ — ижро юритувининг кўзғатилиши учун ва суд ижрочиси томонидан суд қарорларини, шунингдек, бошқа органлар қарорларини мажбурий бажариш бўйича ҳаракатлар содир қилиш учун асос бўлган ҳужжатлар. И. ҳ. судлар, хўжалик судлари, нотариал ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилади.

И. ҳ.га: 1) судлар, хўжалик судлари, суд томонидан тасдиқланган халқаро келишувлар, хорижий судлар қарорлари, ҳукмлари, ажримлари асосида бериладиган ижро варақлари; 2) суд буйруқлари; 3) нотариал органларининг ижро хатлари; 4) хўжалик судининг буйруғи; 5) тўловчи томонидан акцепт қилинган муддатида тўланмаган тўлов талабномалари; 6) маъмурий органлар томонидан бериладиган фуқаролардан сўзсиз ундиришни амалга ошириш тўғрисидаги қарорлар; 7) УзР ФПКда кўрсатиб ўтилган бошқа ҳужжатлар.

ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИ — ҳокимиятларнинг бўлиниши назариясига кўра, давлатдаги мустақил оммавий ҳокимиятлардан (қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятлари билан бир қаторда) бири. Давлат ишларини бошқариш бўйича ваколатларнинг қонун асосида тартибга солиниши (маъмурий нормалар ижодкорлиги) бўйича ваколатларни, ташқи сиёсий ваколатхоналар ваколатларини, турли хилдаги маъмурий назорат қилишни амалга ошириш бўйича ваколатларни, шунингдек, баъзида қонун чиқариш ваколатларини (ваколат бериш асосида ёки фавқулодда қонун чиқариш тартибида), шунингдек, юқорида кўрсатилган ваколатларни амалга оширувчи давлат органлари тизимининг йиғиндисини ташкил қилади. Ҳозирги замон конституциялари И. ҳ. ваколатларини давлат бошлиқларига (парламентар монархиялар ва республикаларда, президентлик республикаларида) ёки ҳукуматга (аралаш типдаги республикаларда) беради. Бироқ, парламентар монархиялар ва республикалар ишида бутун И. ҳ. ҳукуматга, дуалистик монархияларда — монарх ва ҳукуматга тегишлидир, аралаш типдаги республикаларда ҳукумат томонидан И. ҳ.ни амалга ошириш қоида тариқасида давлат бошлиғи (президент)нинг бевосита раҳбарлиги ёки назорати остида юз беради. Минтақавий ва маҳаллий даражада И. ҳ. маҳаллий бошқарув ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарувнинг турли органлари (губернаторлар, мэрлар, префектлар, оқсоқоллар ва уларга бўйсунувчи аппарат) томонидан амалга оширилади.

ЎзРда И. ҳ.нинг раҳбари — Президент, шунингдек, И. о. органи бўлиб Вазирлар Маҳкамаси ва вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикасида эса Вазирлар Кенгаши ва туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳисобланади.

ИЖРОЧИ — 1) жиноят ҳуқуқи бўйича жиноятда иштирокчиликнинг турларидан бири. Жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд ЖКга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчи ёки И. деб топилади; 2) муаллифлик ва аралаш ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунга кўра, адабиёт ёки санъат асарини қайси бир усулда ижро этувчи актёрлар, қўшиқчилар, музикантлар, ўйинчилардир. И.ларга, шунингдек, постановкачи режиссёр ва дирижёрлар ҳам киритилади. Уларнинг ижрочилик фаолияти «ижро этиш» ёки «постановка» дейилади. И.нинг аралаш ҳуқуқи биринчи ижро этиш пайтидан бошланади. У ҳуқуқ пайдо бўлганидан кейинги йилнинг 1 январидан, яъни биринчи ижро этиш ёки постановкадан кейин бошланади ва 50 йилдан кейин тугайди;. 3) «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга кўра «ҳақ тўланадиган шартнома бўйича истеъмолчилар учун ишлар бажарувчи ёки хизматлар кўрсатувчи мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилот, шунингдек, хусусий тадбиркор».

ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ — жамиятнинг демократик ривожланиш даражасини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш нормаларини, миллат ҳаёт тарзининг ахлоқий тимсолини белгиловчи давлат сиёсати; аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган табақалари манфаатини кўзлаб миллий бойликларни тақсимлаш тартиби.

ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР — одамлар ҳаёт фаолиятининг турли соҳаларида ишлатиладиган муносабатлар. Ҳуқуқий меъёрланган И.м. ҳуқуқий муносабатлар сифатида қабул қилинади. И.м. мураккаб ижтимоий таркибий тузилма сифатида қуйидагилардан иборат: а) муносабат субъектлари (қатнашчилари); б) муносабат қатнашчиларининг фаолиятида ўз аксини топган ижтимоий бойликлар учун муносабат субъектларининг ўзаро ижтимоий алоқаси; в) муносабатлар предмети (объекти) ёки ижтимоий бойликлар. Бу бойликлар туфайли И.м. юзага келади ва амал қилади.

ИЖТИМОИЙ НАФАҚА — давлат томонидан у ёки бу турдаги нафақа олишга ҳуқуқи йўқ фуқароларга тайинланадиган нафақа. Бу турдаги нафақа болалигидан ногиронлар ва меҳнат ногиронларига тайинланади.

ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ОЛИШ ҲУҚУҚИ — фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлардан бири. ЎзР Конституциясининг 39-моддасида «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турлари миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас», деб белгиланган. Шунга асосан, фуқароларнинг бу ҳуқуқлари тегишли қонунлар асосида таъминланади. Жумладан, ЎзР МКда (289-294-моддалар) пенсия таъминоти бўйича тегишли нормалар орқали пенсия ёши, турлари баён этилган .

ИЖТИМОИЙ ТУЗУМ — конституциявий ҳуқуқ назариясида ижти-

моий муносабатларнинг муайян тарихий тизими. И.т. жамиятни ташкил этишнинг маълум ишлаб чиқариш даражаси, маҳсулот тарқалиши ва алмашинуви, жамият онгининг хусусиятлари ҳамда турмушнинг турли соҳаларидаги давлат ва ҳуқуқ томонидан ҳимояланган одамларнинг ўзаро таъсир анъаналари билан белгиланади.

ИЖТИМОИЙ ТУРИЗМ — давлат ижтимоий эҳтиёжлар учун ажратилган маблағлар ҳисобидан таъминлайдиган саёҳат.

ИЖТИМОИЙ ФОЙДАЛАНИШДАГИ УЙ-ЖОЙ ФОНДИ — ЎзРнинг «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунида белгиланганидек, «Уй-жой биносини ижарага олиш ҳуқуқи давлат уй-жой фондига қарашли уйлардан қонун ҳужжатларида белгиланган уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси доирасида уй-жой биноларини олувчи фуқароларга берилади». И. ф. у-ж. ф. жамоат бирлашмалари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхона ва муассасалар, маҳаллий маъмурият, жамоат уй-жой, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва давлат фондларидан ошкоралиқни таъминлаш асосида шакллантирилади.

ИЖТИМОИЙ ФОНДЛАР — ФК 75-моддасининг таъриф беришича, И. ф. фуқаролар ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида таъсис этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолари бўлмаган ташкилот ҳисобланади.

ИЖТИМОИЙ ХАВФИ КАТТА БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР — ЎзР ЖКнинг 15-моддасига асосан, И. х. к. б. ж.ларга қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар киради.

ИЖТИМОИЙ ХАВФЛИЛИК — жиноятнинг объектив хусусиятларини акс эттирувчи белги. И. х. ҳуқуқий ҳимоя объектларига зарар етказувчи ёки зарар етказишга реал хавф туғдирувчи қилмишларни жиноят тоифасига киритиш кераклилигидан иборатдир. Жиноят сифат ва миқдор ифодасига эга. И. х.нинг сифат жиҳатидан ўзига хослиги унинг тавсифида, миқдорий хусусияти эса И. х.нинг даражасида кўринади. И. х. тавсифи маълум турдаги жиноятнинг ижтимоий хусусияти бўлиб, у ўзи йўналган жамоат муносабатларининг моҳияти, қимматлилик тизимида эгаллаган ўрни, объектга етказган зарарининг таркиби, айб шаклига боғлиқдир. И. х. даражаси деб, ижтимоий хавфлилик билан бир хил тавсифга эга қилмишнинг хавфлиликка нисбатан қиёсий ифодасига айтилади. И. х.нинг даражаси жиноий қилмишни содир этишда етказилган зиён ҳажми, қасд ва эҳтиётсизлик турлари, мақсад ва сабаблар мазмуни, жой, вақт, услуб, муҳит, қурол ва воситалар ҳамда бошқа ҳолатларга боғлиқ бўлади.

ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТ МИЖОЗИ — оғир ҳаёт шароитида бўлган ва шу билан боғлиқ ҳолда ижтимоий хизматлар кўрсатиладиган фуқаро.

«ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ» НАЗАРИЯСИ — XIX—XX асрларда жиноят ҳуқуқи фанидаги «социал ҳимоялаш» назариясини жиноятчиликка қарши кураши чораларини рационаллаштиришнинг воситалари сифатида илгари сурган йўналишларидан бири. Иккита бир-бирига зид оқимни ўз ичига олади. Жиноят ҳуқуқининг социологик мактаби ғоясини ривожлантирган бир йўналишга италиялик юрист Ф.Грамматика бошчилик қилган. Бу оқим вакиллари жиноят ҳуқуқининг асосий тушунчаларига («жиноят», «айб», «жазо» ва бошқалар) қарши чиқиб, уларни

«шахснинг хавфли ҳолати» ва «хавфсизлик чоралари» билан алмаштиришни таклиф қилган. Улар жиноий жазо чоралари ўрнига жиноятчиларни тузатиш ва бошқа превентив чоралар йўли билан «ресоциализациялаш»ни таклиф этишган, бу қонунчиликнинг оддий кафолатларини бутунлай йўқ қилишни англатиб, суд-маъмурий органларнинг ўзбошимчалигига йўл очиб берган.

1939—1945 йилларда Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ғарб мамлакатларида «янги социал ҳимоялаш» («жиноятчиликка қарши курашда инсонпарварлик ҳаракати») мактаби деб аталган бирмунча прогрессив оқим пайдо бўлди, унга француз олими М.Ансель бошчилик қилган. Янги йўналиш вакиллари ҳам суд жараёнини «деюридизациялаш», яъни жиноятчиликка қарши курашишда юридик чоралар эмас, балки турли социал чораларнинг (тузатиш, назорат, қайта тарбиялаш ва ҳоказо) жиноят ҳуқуқи, қонунчиликнинг асосий негизлари, шахс ҳуқуқлари кафолатларининг муҳимлиги ҳақида гапирган. Улар жиноятнинг олдини олиш муаммосига, уларнинг тузилиши, жиноятлар гуруҳларини (аввало вояга етмаганларнинг жиноятлари) ўрганиш ва шу кабиларга кўп эътибор берган.

ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАР — инсон ва фуқароларнинг давлатдан муайян моддий ёрдам олишларига имкон берувчи ижтимоий таъминот ва ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи, уй-жой (олиш) ҳуқуқи, малакали тиббий хизмат олиш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи илмий ва техникавий фаолият эркинлиги каби ҳуқуқ ва эркинликлар киради. Инсоннинг ижтимоий ҳуқуқлари ЎзР Конституциясининг 39—42-м.ларида таъкидланган.

ИЖТИМОИЙ СОЛИҚЛАР — иш берувчилар, ходимлар ва тадбиркорлар томонидан ихтисослашган социал фондларга тўланадиган мақсадли солиқлар гуруҳи.

ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ — қариялар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, шунингдек, бўлган оилаларни таъминлаш ва хизмат кўрсатиш тизими. ЎзРда С. т. тизими қуйидагиларни ўз ичига олади: қарияларга пенсиялар, ишловчиларга нафақалар (вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва фарзанд тарбияси), кўп болали ва ёлғиз оналар ва болали кам таъминланган оилаларга нафақалар, қариялар ва ногиронларни махсус муассасаларда сақлаб туриш (қариялар ва ногиронлар учун уйлар-интернатлар, ногирон болалар учун интернатлар ва ҳоказо), протезлаш, ногиронларнинг касб таълими ва ишга жойлаштириш, ногиронлар ва кўп болали оналарга имтиёзлар бериш.

ИЗЛАРНИ ҚАЙД ҚИЛИШ — криминалистикада кейинчалик техник-криминалистик тадқиқот ўтказиш мақсадида изни мустаҳкамлаш ва унга хос бўлган белгилар ва хоссаларнинг сақланишини таъминлаш. Фиксация қилиш ва изларни олишнинг махсус усуллари (м-н, ёпишқоқ тасма, нусха кўчириш, суратга олиш)ни қўллаш деярли ҳар доим бир қисм ахборотнинг йўқолишига олиб келади. Шу боис И.қ.қ. чоғида тадқиқот учун изларнинг топилган пайтдаги ҳолининг сақланишини таъминлаш зарур.

ИЗЛАРНИ ТОПИШ — криминалистикада изларни қидиришнинг алоҳида тури. Излар — улар ҳосил бўлганда ташиб келтирилган моддалар из манбаникидан фарқли хусусиятларга эга бўлгандагина, юзага чиқади. Кўринмас изларни оптик воситалар, кукунлар, шиша ёки

эритмалар ёрдамида кўринарли қилиш мумкин. И.т.да қўлланадиган усул из манбаига боғлиқ бўлади. Чунончи, дактилоскопияда акслантирилган сунъий нур, чанглантириш воситалари (магнит чўткаси, қоракуя кукуни, аргенторат, қоракуянинг кумирланган кукуни) ва бошқалар ишлатилади.

ИЗОҲЛИ КОНОСАМЕНТ — юк жўнатувчи ёки қабул қилувчи буйруғи бўйича берилиши лозим эканлигини белгиловчи шартнома пунктига эга бўлган коносамент.

ИККИ ВАЛЮТАЛИ ОБЛИГАЦИЯ — фоизлари бир валютада асосий суммаси эса бошқа валютада тўланадиган облигация.

ИККИ МАҚСАДГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТОВАРЛАР — хомашё, материаллар, асбоб-ускуналар, технология ва илмий-техник *ахборотнинг* қурол-яроқ ҳамда ҳарбий техника ишлаб чиқишда фойдаланиладиган турлари.

ИККИ МАҚСАДДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ТОВАРЛАР (ҳисса) — «ЎзРнинг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги (ЎзРнинг 1992 йил 2 июлда ЎзР қонуни билан киритилган ўзгаришларни инобатга олганда) қонун маъносига кўра қурол-яроқ ва ҳарбий техника яратишда фойдаланиш мумкин бўлган хомашё, материаллар, асбоб-ускуналар, технология ва илмий-техник ахборот.

ИККИ ПАЛАТАЛИ ТИЗИМ (бикамерализм) — умуммиллий вакиллик муассасаларининг — *парламентларнинг* тузилиши бўлиб, бунда парламент одатда ҳар хил тарзда шаклланадиган ва турли ваколатга эга бўлган икки палатадан иборат бўлади. Тарихан қуйи палата демократикроқ ҳисобланган, шу боис аристократия манфаатларини ҳимоя қилиши ва қуйи палатага нисбатан тормоз ролини ўйнаши керак бўлган юқори палата унга қарши қўйилган. И.п.т. ҳозирги вақтда федератив давлатларда ҳам, унитар давлатларда ҳам мавжуд. Парламентнинг қуйи палатаси доимо аҳоли томонидан бевосита сайланади. Юқори палата турли усулда — билвосита сайлов (Франция, Австрия, ГФРда) ёки бевосита сайлов (АҚШ, Италия, Австралия, Японияда) шакллантирилади. Баъзи мамлакатларда (Буюк Британия) юқори палата мерос бўйича шакллантирилади ёхуд уларнинг аъзоларини давлат раҳбари тайинлайди (Канада). Бир қатор ҳолларда юқори палата аралаш усулда шакллантирилади: аъзоларининг бир қисми сайланади, бир қисми тайинланади, қолган қисми мерос принципи бўйича жой эгаллайди (Непал). Баъзи мамлакатларда қуйи палатадан фарқли равишда юқори палата учун ваколатлар муддати белгиланмаган, уларнинг таркиби қисмлаб янгиланади (АҚШ, Аргентина, Франция ва б.). Бу эса юқори палатага катта ташкилий устунлик беради, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг изчиллиги кўринишини беради. Қисман янгиланадиган юқори палатани тарқатиш мумкин эмас. Юқори палата депутатлигига номзодларга одатда анча жиддий талаблар (юқорироқ ёш чегараси ва б.) қўйилади. Кўпгина замонавий парламентларда юқори палатанинг ҳуқуқлари қуйи палатанинг ҳуқуқларига қараганда чекланган (м-н, кўп мамлакатларда молиявий қонун лойиҳалари фақат қуйи палатага тақдим этилиши мумкин, юқори палата эса уларнинг қабул қилинишига ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайди). Палаталари тенг ҳуқуқли бўлмаган парламентда қуйи палата маъқуллаган номолиявий қонун лойиҳаларига нисбатан юқори палатанинг эътирозларига қаршилик кўрсатишнинг муайян тартиби белгиланади.

ИККИ ТОМОНЛАМА БОЖХОНА ТАРИФИ — божларнинг икки қатор (максимал ва минимал) ставкаларини қамраб олувчи мураккаб тариф бўлиб, уларнинг ҳар бири муайян мамлакатларнинг товарларига нисбатан улар билан савдо-сиёсий муносабатларга боғлиқ равишда қўлланилади.

ИККИ ТОМОНЛАМА ВОТУМ — Қ.: *Плюрал вотум*.

ИККИ ТОМОНЛАМА ЁЗУВ — бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир хўжалик операцияси бир хил суммада икки ҳисобварақда (ҳисобварақда) — бирининг дебетида ва бошқасининг кредитида акс эттириладиган усули. Бундай ёзувда ҳисобварақлар орасида ҳисобварақлар корреспонденцияси деб аталадиган ва хўжалик операциясининг моҳиятини таҳлил қилишга имкон берадиган икки томонлама алоқа юзага келади. И.т.ё. усулидан фойдаланиш бухгалтерия ўтказмасидир. И.т.ё.нинг мувозанатланганлиги бухгалтерия ҳисобининг ҳақиқийлигидан дарак беради.

ИККИ ТОМОНЛАМА КУРС — давлатнинг валютани тартибга солиш усули бўлиб, миллий валюта курсининг икки томонлама котировкаси — тижорат ва молиявий операциялар бўйича алоҳида-алоҳида котировкасидан иборат. Баъзи мамлакатларда фаол валюта спекуляцияси шароитида валюта курсини барқарорлаштириш мақсадида қўлланилади.

ИККИ ТОМОНЛАМА ОМБОР ГУВОҲНОМАСИ — қимматбаҳо қоғоз, товар омбори товарни олганлигини тасдиқлаб берадиган омбор ҳужжати. И.т.о.г. икки қисмдан иборат бўлади: омбор гувоҳномаси ва гаров гувоҳномаси *(варрант)*. Улар ҳам қимматбаҳо қоғоз бўлиб, бир-биридан ажратилиши мумкин. Омбор гувоҳномаси ва варрант эгаси омборда сақланаётган товарни тўла ҳажмда тасарруф этишга ҳақлидир. Варрантдан ажратилган омбор гувоҳномасининг эгаси товарни тасарруф этишга ҳақли бўлса-да, аммо варрант бўйича берилган кредитни тўламагунча уни омбордан ололмайди. Омбор гувоҳномасига эга бўлмаган варрант соҳиби товарга гаров гувоҳномаси бўйича берилган кредит ва у бўйича фоиз миқдорида гаров ҳуқуқига эгадир.

ИККИ ТОМОНЛАМА СОЛИҚҚА ТОРТИШ — турли мамлакатларнинг турли солиқ тизимларини қўллаши туфайли юзага келадиган вазият. Бунда масалан, кўп миллатли компаниянинг хорижий даромади ушбу даромад олинадиган мамлакатда ҳам, компаниянинг юридик манзили жойида ҳам солиққа тортилади. Резидент компаниялардан даромад солиғи олиш тартибини белгилайдиган солиққа тортиш ҳақидаги шартномаларнинг иштирокчилари бўлган кўпгина мамлакатлар И.т.с.т. савдо-сотиқнинг ривожланишига ёрдам бермаслигини эътироф этган ҳолда бу шартномаларга компанияларнинг даромади фақат бир мамлакатда солиққа тортилишини назарда тутувчи шартларни киритадилар.

ИККИ ТОМОНЛАМА СУҒУРТА — суғурта объекти бир неча суғурта қилувчида, умуман олганда, суғурта қийматидан ортиқ суммада суғурта қилинган бўлиб чиқадиган суғурта.

И.т.с.дан бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш мумкинлиги боис кўп мамлакатларнинг қонунларида махсус чекловчи қоидалар мавжуд. Буюк Британияда амал қилаётган Денгиз суғуртаси ҳақидаги қонунда икки томонлама суғурта қилинганда суғуртачиларнинг биргаликда жавобгар бўлиши принципи назарда тутилган. АҚШда биринчи бўлиб суғурта қилган суғуртачининг жавобгар бўлишини назарда тутадиган

принцип амал қилмоқда; бунда кейинги навбатда суғурта қилган суғуртачи биринчи суғурта бўйича суғурта суммаси суғурта қилинган таваккалнинг ҳақиқий қийматидан пастроқ бўлиб, иккинчи суғуртачининг жавобгарлиги биринчи суғуртачи тўлаган суғурта тўлови суммаси ва мазкур таваккалнинг суғурта қиймати ўртасидаги фарқ билан чекланган-дагина жавогарликка тортилиши мумкин.

ИККИ ТОМОНЛАМА ХАЛҚАРО ШАРТНОМА — икки томон ўзаро тузган ёки бир томондан бир қанча иштирокчилар, бошқа томондан эса битта ёки бир қанча иштирокчилар имзолаган шартнома. Одатда И.т.х.ш.да изоҳ берилмайди, чунки бундай ҳолда иккинчи томонга аслида шартноманинг келишув натижаси бўлмаган ҳолда юзага келган янги матнига рози бўлиш таклиф этилади. Шундай бўлса-да, халқаро амалиётда И.т.х.ш.да шартноманинг моҳияти бўйича ҳам, шакли бўйича ҳам изоҳлар бериладиган ҳоллар учраб туради.

ИЛМИЙ КЕНГАШ — олий ўқув юртига умумий раҳбарликни амалга оширувчи сайлаб қўйиладиган вакиллик органи. И.к. таркибига ректор (унинг ўзи илмий кенгаш раиси) ва проректорлар киради. И.к.нинг бошқа аъзолари умумий мажлисда (конференцияда) яширин овоз бериш йўли билан сайланадилар. И.к. таркиби, ваколатлари, сайланиш ва фаолият тартиби олий ўқув юртининг низоми билан таълим муассаси (олий ўқув юрти) тўғрисидаги намунавий низом асосида белгиланади.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ ШАРТНОМАСИ — ижрочининг буюртмачи берган техник топшириқ билан белгиланган илмий тадқиқотни амалга ошириш, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларни бажариш шартномасига кўра эса, янги буюм намунасини, унинг конструкторлик ҳужжатларини ёки янги технологияни ишлаб чиқиш мажбуриятини, буюртмачининг эса ишни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олишига асос бўладиган шартнома. Ижрочи билан тузиладиган шартнома тадқиқотни ўтказишнинг бутун циклини ҳам, унинг айрим босқичларини ҳам қамраб олиши мумкин.

ИЛТИМОСНОМА — 1) юқори турувчи давлат органи ёки жамоат ташкилотига тақдим этишга мўлжалланган расмий илтимос ёки тақдимнома; 2) суриштирув, тергов органларига, прокурорга, судья ёки судга процессуал ҳаракатлар ўтказиш ёхуд қарорлар қабул қилиш ҳақида берилган расмий илтимос. И. билан мурожаат этиш ҳуқуқи қуйидагиларга берилган: гумон қилинувчи, айбланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари, прокурор, жамоат айбловчиси (жамоат ҳимоячиси)га — жиноят процессида; даъвогар, жавобгар бошқа шахслар, ариза берувчи ва процесснинг бошқа иштирокчиларига, уларнинг вакилларига; прокурор, давлат бошқарувининг ваколатли органлари, касаба уюшмалари, муассасалар, ташкилотлар, уларнинг бирлашмалари, жамоат ташкилотларига, шунингдек, судга бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун мурожаат этган алоҳида фуқароларга — фуқаролик процессида; 3) қонуний кучга кирган суд ҳукмлари, қарорлари, ажримлари ва кўрсатмаларига протест билдириш ҳақидаги И. Суд назорати тартибида И. ҳар қандай шахс, муассаса ёки ташкилот томонидан берилиши мумкин. И.ни кўриб чиққан ёки ишни назорат тартибида текширган мансабдор шахс протест келтириш учун асослар тополмаса, у бу ҳақда И. келиб тушган шахс,

муассаса ёки ташкилотга рад этиш асосини кўрсатган ҳолда хабар қилади.

ИМПЕРАТИВ МАНДАТ — қоида. Унга биноан ҳокимиятнинг вакиллик органи депутати сайловчилар накази билан узвий боғлиқ ва ўз фаолиятида сайловчилар олдида жавобгар. Бунда сайловчилар ишончини оқламаган депутатлар муддатидан олдин чақириб олиниши имконияти қонуний мустаҳкамланган. И. м. қатор авторитар давлатларда қўлланилади. И. м. миллий вакиллик тамойилига зид эканлиги туфайли демократик давлатларда қўлланилмайди. ГФР парламенти палаталаридан бири — бундесратда сайловчилар эмас, балки федерация ўлкалари ҳукумати томонидан шакллантирилувчи И.м. мавжудлиги истиснолардан бири ҳисобланади: депутатлар ҳукуматнинг йўриқномаларини ҳаётга татбиқ этишга мажбур. Россия Федерациясида сайлов тизимини такомиллаштириш борасида тегишли депутатлик блокидан чиққан ва тегишли рўйхатга биноан давлат вакиллик органига сайланган депутат ва депутатлик блоки аъзоларига нисбатан И. м.ни қўллаш тўғрисидаги масала кун тартибига қўйилади.

ИМПЕРАТОР (лот. imperator — монарх) — монархлик унвони. Дастлаб Қадимги Римда imperium сўзи олий магистр — консуллар, преторлар, диктаторлар эга бўлган олий ҳарбий маъмурий суд ҳокимиятни билдирарди. Улар Август ва унинг титулини қабул қилувчилар вақтидан бошлаб И. Рим империясида монархия характерига эга бўлди. Диоклетиан вақтидан бошлаб Рим империяси бошида августолар титули билан иккита И. турган (улар қўшимча ҳуқуқлар — цезарлар титулига эга бўлганлар), Ғарбий Рим империясининг қулаши билан (476 й.) Император титули Шарқда — Византияда сақланиб қолган; Ғарбда у Улуғ Карл томонидан (800 й.), ундан кейин Германия подшоси Оттон I томонидан тикланган (962 й. — Император, «Муқаддас Рим империяси»). Кейинчалик, бу унвонни баъзи бошқа давлатларнинг монархлари қабул қилган (Россия императори — 1721 йилдан, Австрия императори — 1804 йилдан ва б). Европа адабиётларида «И.» ибораси қатор Европа давлатларида мавжуд бўлмаган монархларга нисбатан қўлланади (масалан: Хитой императори — 1911 йилгача, Эфиопия императори — 1974 йилгача, Япония императори — ҳозирги вақтгача).

ИМПЕРИАЛ УСУЛ — Италияда парламент вакиллари палаталари сайловларига қўлланиладиган мандатларни бўлиш усули (пропорционал тизим бўйича). И. у. биноан дастлаб, охирги аҳоли рўйхати бўйича республика аҳолисининг сонини 630 тага (палата депутатлари сонига) бўлиш йўли билан сайлов округлари бўйича жой тақсимланади ва ҳар бир округда жойлар бўлиниши ишлаб чиқилади. Тақсимлаш учун ҳисоблаш амалга оширилади.

ИМПЕРИЯ (лот. imperium — давлат ҳокимияти) — 1) монархия давлатининг номи, унинг бошлиғи император бўлиб ҳисобланади. Император аввало кенг кўламда ўзининг таркибига (босиб олиш йўли билан) бошқа давлат ва халқларнинг ҳудудларини киритган; айрим империяларнинг таркибида бир нечта қиролликлар бўлган. Рим давлати И. деб аталган (Август даврида — милоддан аввалги I аср охирларида). Кейинчалик И. Византия, Франко давлатида бўлган (800 йилда Карл томонидан император унвони қабул қилиниши билан); Ўрта аср «Муқаддас Рим империяси». Россия подшолигида империя Петр I вақтидан (1721 йил) то монар-

хия қулагунгача (1917 йил) бўлган. Наполеон I даврида Франция И. деб номланган (1-И.) ва Наполеон III даврида (2-И.), Австрияда — 1804 йил (1868 йил — Австро-Венгрияда) И. мавжуд бўлган. И. метрополия ва унинг мустамлакаларини ташкил этади (масалан, Британия И.га Буюк Британия билан бир қаторда унинг барча доминионлари ва мустамлакалари киради. Ҳозирги пайтда бундай турдаги И. йўқ).

ИМПЕРИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ — Буюк Британия ва доминионларининг (одатда бош вазирлар) вакиллари конференцияси. 1911 йилдан чақирила бошланди, бу доминионларнинг мустақиллиги ўсиб бораётганлигидан гувоҳлик берарди. Аслини олганда, 1887, 1894, 1902, 1907 йиллардаги мустамлака конференциялари И. к.дан олдин бўлган, унда Буюк Британия, кўчиб келган кишиларнинг бошқарувчиси ва айрим мустамлака подшоликларнинг вакиллари қатнашганлар. И. к. 1911, 1917, 1918, 1921, 1923, 1926, 1930, 1932 ва 1937 йилларда бўлиб ўтди. Уларда асосан Британия империясининг ташқи сиёсати масалалари муҳокама қилинган, 1917 йилдаги И. к.да Ҳиндистон вакилларининг И. к.да қатнашиши ҳақида қарор қабул қилинган: 1926 йили И. к. доминионларнинг ички ва ташқи сиёсат масалаларида тўлиқ мустақиллигини расман тан олди ва уларни Буюк Британия билан тенглигини тасдиқлади (давлат-ҳуқуқий маънода). Бу конференциянинг қарори 1930 йил И. к.да тасдиқланган 1931 йилги Вестминистрлик статутига асос бўлди. 1939—1945 йиллардаги иккинчи жаҳон урушидан кейин И. к. ўрнини Кенгаш, кейинчалик ҳамдўстлик Бош вазирлари конференцияси эгаллади.

ИМПЕРИЯ СЕЙМИ (РЕЙХСТАГ) — XII асрдан 1806 йилгача бўлган вақтда «Муқаддас Рим империяси»даги габақалар вакилларининг умумимперия йиғини.

ИМПЕРИЯ ШАҲАРЛАРИ — «Муқаддас Рим империяси»да (1806 йилгача) императорга бевосита буйсунувчи немис шаҳарлари (князлик ва земстволардан фарқланади) бўлган. Дастлаб бу шаҳарлар қироллик худудида (императорлик) мавжуд бўлган, кейинчалик унинг атрофидаги айрим шаҳарлар ҳам империя таркибига киради, улар епископлар ҳокимиятидан озод бўлганлар. Марказий ҳокимиятнинг емирилиши шароитида Германияда И. ш. ўз-ўзини бошқаришда кенг ҳуқуқни ва империя доирасида сиёсий мустақилликни тўлиқ қўлга киритди, улар (биринчи марта XIII аср ўрталарида, 1489 йилдан бошлаб доимий) рейхстагда берилган эди. Князликлар ҳокимиятининг кучайиши билан кўпчилик И.ш. улар қарамоғига тушди, уларнинг аҳамияти пасайиб кетди (1648 йил Вестфаль сулҳи бўйича норасмий бўлса ҳам уларнинг эркинлиги ва рейхстагдаги вакиллик ҳуқуқи сақлаб қолинган).

ИМПИЧМЕНТ (инглиз. impeachment) — бир қатор хорижий давлатларда давлатнинг юқори мансабдор шахсларининг жавобгарлигини жорий қилишнинг алоҳида тартиби. И. тартибида ишларни кўриш вақтида парламентнинг қуйи палатаси судга ошириш камераси ролини ўйнайди — айбловни шакллантиради ва уни тегишли мансабдор шахсга тақдим қилади. Ишни мазмунан кўриб чиқиш ўзини суд ҳайъатига айлантирган парламентнинг юқори палатаси томонидан амалга оширилади. Юқори палата томонидан чиқариладиган ҳукм одатда депутатларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади (масалан, АҚШда Сенатнинг 2/3 қисми овози билан). Жазо мансабидан озод қилишдан ортиқча бўлиши мумкин эмас, бироқ, қоида тариқасида, И. тартибида мансабидан четлаштирил-

ган мансабдор шахс келгусида оддий суд томонидан у содир қилинган ҳаракатга кўра судланиши ва жиноий жазога тортилиши мумкин. Баъзи республика бошқаруви шаклидаги давлатларда И. билан аввало, давлат бошлиқлари — президентлар — улар томонидан давлатга хиёнат қилинганлиги ёки конституцияга суиқасд қилинганлиги назарда тутилади. АҚШда И. тартибида барча фуқаровий хизматчилар судланиши мумкин.

ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ (инглиз. Implementation) — халқаро мажбуриятларни (халқаро ҳуқуқни)давлат ичида амалий жорий қилиш; халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий қонунлар ва қонун ости қоидаларига айлантириш йўли билан амалга оширилади. Бир қатор давлатларда ратификация қилинган халқаро шартномалар ўз-ўзидан миллий қонунчиликнинг қисми бўлиб қолади.

ИМПОРТ (инглиз. Importate — келтирмоқ) — товар, ишлар, хизматлар, интеллектуал фаолият натижаларини, шу жумладан, уларга бўлган мутлақ ҳуқуқни қайтариб олиб кетмаслик мажбурияти билан ЎзР ҳудудига олиб кириш. И. факти товарнинг ЎзР божхона чегарасини кесиб ўтган вақтда, хизматлар ва интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқ олинган вақтда қайд этилади.

ИМПОРТ (ЭКСПОРТ) ХАБАРНОМАСИ — давлат чегарасини импорт (экспорт) юки билан транспорт воситаси кесиб ўтиши тўғрисидаги транспортга оид ташқи савдо ҳужжати.

ИМПОРТ БИТИМИ — предмети товарлар сотиб олиш, чегара ортидаги хизматлар ва уларни мамлакатга олиб киришга оид битимдир.

ИМПОРТ БОЖИ — маълум мамлакатга импорт қилинаётган товарлар ва транспорт воситаларидан ундириладиган божхона пошлинаси. Давлат даромадларини тўлдириш, ички бозорни чет эл товарларининг олиб келинишидан ҳимоя қилиш, шунингдек фискал, протекцион ва преференциал функцияларни бажариб алоҳида давлатлар учун афзалликлар бериш мақсадида ишлатилади. И. б. миқдори қоида тариқасида товарни ишланганлик даражасига қараб ўзгаради (хомашё учун тайёр маҳсулотга қараганда пастроқ).

ИМПОРТ ДЕПОЗИТИ — импортёр хориждан товар сотиб олишдан олдин банкка (миллий ёки хорижий валютада) қўйиши лозим бўлган фоизсиз гаров; баъзан мазкур товарга қўйиладиган импорт божининг ставкаси ва кўрсаткичларга боғлиқ равишда белгиланади. Банкнинг И.д. тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжати товарлар ва транспорт воситаларини импорт қилувчи мамлакатнинг божхона ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома бўлиб хизмат қилади.

ИМПОРТ-КАРАНТИН РУХСАТНОМАСИ — карантинда бўлган материалларни мамлакатга олиб киришга, шунингдек, ўсимликлар карантини давлат хизмати томонидан белгиланадиган шартларда транзит қилишга рухсат берувчи ҳужжат.

ИМПОРТ КВОТАСИ — 1) мамлакатга белгиланган товарларни олиб киришни чекловчи нотариф саноқ (қиймат ёки натура шаклидаги) усуллари; 2) бутун миллий хўжалик учун, шунингдек, турли маҳсулотлар хиллари бўйича алоҳида соҳалар ва ишлаб чиқаришлар учун импортнинг аҳамиятини характерловчи иқтисодий кўрсаткич.

ИМПОРТ ЛИЗИНГИ — лизинг компанияси томонидан хорижий фирмалардан асбоб-ускуналарни сотиб олиш ва уни ўз давлатидаги ижарачига бериш.

ИМПОРТ ЛИЦЕНЗИЯСИ — импорт бўйича ваколатли орган томонидан амалдаги қоидаларга мувофиқ бериладиган ҳужжат, бунда айтилган томонга кўрсатилган товарларнинг чекланган миқдорини ёхуд бундай товарларнинг чекланмаган миқдорини ушбу ҳужжатда кўрсатилган маълум давр ва шартларда олиб киришга рухсат берилади.

ИМПОРТ ТАРТИБГА СОЛИШ — миллий иқтисодиёт манфаатлари учун мамлакатга товарлар ва хизматлар олиб киришни тартибга солишга йўналтирилган тариф ва нотариф характердаги чоралар мажмуи.

ИМПОРТ ТОВАРЛАР — ЎзР божхона ҳудудига ташиб келтириладиган товарлар. Бу товарларга фақат хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган товарлар эмас, балки Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистондан ташқарига экспорт қилинган, кейин эса яна Ўзбекистон божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар ҳам киради. Импорт (олиб кириладиган) товар деганда, йўловчилар божхона ҳудудига ўзлари билан келтирган нарсалар ҳам тушунилади.

ИМПОРТЧИ — товарларни хориждан олиб кирувчи ёки хизматларни қабул қилиб олувчи ташкилот (*Импорт*га қаранг). Импорт ибораси, шунингдек, импорт тартибида товарлар олиб кирилувчи мамлакатга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

ИМПРЕССАРИО (итал. Impresario, imprendere сўзидан олинган — киришмоқ, бошламоқ) — баъзи мамлакатларда хусусий тадбиркор, томоша кўрсатадиган корхоналарнинг ташкилотчиси ёки унинг номидан ҳаракат қилувчи, унинг фойдасига контрактлар тузувчи агент, артистлар.

ИМТИЁЗ — қандайдир афзалликлар бериш, белгиланган умумий қоидалар, мажбуриятларни бажаришдан қисман озод этиш (м-н, хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатлари учун божхона имтиёзлари — ЎзР БК 117-модда).

ИМТИЁЗЛИ ДИВИДЕНД — акционерлик жамияти фойдасининг имтиёзли акциялари бўйича акциянинг устига ёзиб қўйилган қийматига илгаридан белгиланган қатъий фоиз миқдорида тўланадиган қисми. Дивиденд жуда юқори бўлганда фойданинг бир қисми акционерларга қўшимча равишда бепул акциялар чиқариб бериш шаклида тўланади.

ИМТИЁЗНИ СОТИБ ОЛИШ ҲУҚУҚИ — фуқаролик-мулкий муносабатларда умумий мулк эгаларининг ҳуқуқи. ЎзР ФКнинг 224-моддасига асосан — мулкдорлардан бири ўз улушини бошқа шахсга сотган вақтида қолган мулкдорлар сотилаётган улушни у сотиладиган нархда ва бошқа тенг шартларда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар, ким ошди савдоси орқали сотиш ҳоллари бундан мустасно. Умумий мулкдаги улушни сотувчи ўз улушини ўзга шахсга сотиш нияти ҳақида бошқа мулкдорларга ёзма равишда маълум қилиб, улушнинг нархини ва уни сотишнинг бошқа шартларини кўрсатиши шарт. Агар қолган мулкдорлар имтиёзни сотиб олиш ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечсалар ёки бу ҳуқуқни хабар қилинган кундан эътиборан кўчмас мулкка нисбатан бир ой давомида, бошқа мол-мулкка нисбатан эса — ўн кун давомида амалга оширмасалар, сотувчи ўз улушини ҳар қандай шахсга сотишга ҳақли бўлади. Улушни И. с. о. ҳ. бузилган ҳолда сотилган тақдирда, бошқа мулкдорлар уч ой мобайнида сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзларига ўтказишни суд тартибида талаб қилишга ҳақлидирлар. Умумий сотиб олиниши имтиёзли ҳуқуқни бошқа шахсга беришга йўл қўйилмайди. Давлат органи ёки бошқа юридик шахс умумий мулк бўлган

уй-жой (хонадон)даги ўз улишини сотган вақтида уйнинг (хонадоннинг) тегишли қисмида ижарага олувчилар сифатида яшаётган шахслар имтиёзни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўладилар, улар бу ҳуқуқдан воз кечсалар ёки уни амалга оширмасалар — бошқа мулкдорлар бу ҳуқуққа эга бўладилар.

ИНАУГУРАЦИЯ (ИНОГУРАЦИЯ) (инг. inauguration) — АҚШда ва бошқа бир қатор давлатларда янги сайланган давлат бошлиғининг мансабини эгаллашида ўтказиладиган тантанали маросимнинг номланиши.

ИНВЕНТАР (лот. Inventarium — мол-мулкни хатлаш) — XVI—XVIII асрларда Речь Посполития ҳудудида, шунингдек, унинг таркибига кирган Литва, Украина ва Белоруссияда 1795 йилгача феодаллар эгалигида бўлган мол-мулкни хатлаш. Инвентар имениелар чегараси, хўжайин қўрғони, черков ва руҳонийлар, феодалнинг ҳар бир қишлоғи, деҳқон хўжаликлари ва уларнинг ер, моллар ва мол-мулк билан таъминланганлик даражаси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган. Инвентарда рўйхатга олинаётган имениелардаги аҳоли даромадлари манбалари ва уларнинг миқдори тўғрисидаги маълумотлар бўлган. Инвентар гувоҳлар иштирокида тузилган, уларнинг тузилиш жойи ва вақти кўрсатилган. Инвентар — аграр муносабатлар ва деҳқончилик тарихи бўйича қимматли манбадир. Инвентарнинг баъзи элементлари 1847—1848 йиллардаги Инвентар қоидаларида ўз аксини топди.

ИНВЕНТАР НОМЕРИ — аналитик ҳисоб олиб бориш, асосий фондлардан тўғри фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш учун ҳар бир инвентар объектга тегишли И. н. берилади, бу номер объектга унинг бутун ишлатилиш вақтида тиркаб қўйилади.

ИНВЕНТАР РЎЙХАТГА ОЛИШ — бирон-бир хўжалик, муассаса, корхона мол-мулкининг сони ва сифатини ҳамда уларнинг баҳосини аниқ кўрсатган ҳолда рўйхатга олиш. Мол-мулкни инвентаризация қилишда тузилади. Мол-мулкни И. р. о. махсус комиссиялар томонидан алоҳида қоидалар асосида амалга оширилади.

ИНВЕНТАР ҚОИДАЛАРИ (имениеларни тасдиқланган инвентарлар бўйича бошқариш қоидалари) — Россиянинг жануби-ғарбий губерняларидаги поместье деҳқонларининг улушлари ва мажбуриятларининг миқдорларини белгиловчи Низом. Николай I томонидан 1847 йил 26 майда тасдиқланган ва унга 1848 йил 29 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Аввалига И.қ.ни жорий қилиш вақтида деҳқонларда мавжуд бўлган ер майдонлари сақлаб қолинди. Кейинроқ «нормал» ер майдонининг миқдори белгиланди, ортиқча миқдор эса помешчикка берилди. И. қ. деҳқонларнинг ер майдонлари ва бошқа мулкларга ишлов бериш шартларини белгилаб берган. И. қ.нинг жорий қилиниши билан ҳукумат маҳаллий, айниқса, поляк помешчикларининг таъсирини кучсизлантиришга ва шу билан бир вақтда деҳқонларнинг ерсиз қолишларига барҳам беришга маълум даражада ҳаракат қилган.

ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ (лот. Inventarium — мол-мулкни хатлаш) — ташкилот балансида ҳисобда бўлган қимматликларни, уларнинг сақланишини ва сақланишининг тўғрилигини, воситалар олишга бўлган мажбурият ва ҳуқуқни, шунингдек, омбор хўжалигини юритиш ва ҳисобга олиш маълумотларининг тўғрилигини даврий текширишдир. У моддий қимматликларнинг сақланишини назорат қилишга, моддий жавобгар

шахсларни ҳисобга олиш ва ишида бўлиши мумкин бўлган хатоликларни аниқлаш ва бартараф қилишга, етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш, моддий ва бошқа қимматликларнинг қолдиқлари тўғрисида ҳисоб маълумотларини аниқлашга имкон беради. Асосий фондлар (воситалар), товар-моддий қимматликлар, тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги харажатлар, пул маблағлари, маҳсулот етказиб берувчилар, буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар ва баланснинг бошқа қисмлари И. қилинади.

ИНВЕСТИТУРА (лот. Investio — киймоқ) — 1) ўрта асрларда Ғарбий Европада вассални феодалга қарашли бўлган ер мулкига эгалик қилишини жорий қилиш бўйича юридик акт; 2) конституциявий ҳуқуқда шахсга ёки бир гуруҳ шахсларга конституцияда назарда тутилган тартибда ҳокимият ваколатлари бериш. И. тушунчаси асосий ҳолда давлат бошлиғини — президентни, шунингдек, ҳукуматни сайлаш институтига нисбатан қўлланилади. Қўллаш юзасидан, масалан, президентга нисбатан парламент ва халқ И. фарқланади. Биринчидан, президент И.ни уни сайлаган парламентдан, иккинчидан — уни сайлаган умумхалқ сайловидан олади. Шунга мувофиқ ҳукумат И.ни парламентдан (парламент республикасида) ёки президентдан (президентлик республикасида) олиши мумкин.

ИНВЕСТИЦИЯ ПОРТФЕЛЛАРИ — маблағларни узоқ муддатли қимматли қоғозларга қўйиш. Бундай қўйилмалар жуда ҳам кичик, ёки улар эгалари орасида шундай тарқалган бўлади, эгалари уларни назорат қила олмайдилар. И. п.нинг кўп тарқалган тури маблағларни облигация заёмларига қўйиш ҳисобланади.

ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДИ — ЎзРнинг қонунчилиги бўйича бир вақтнинг ўзида ўз акцияларини эмиссия қилиш ҳисобига маблағлар жалб қилиш, ўз маблағларини бошқа эмитентларнинг қимматли қоғозларига инвестициялаш, қимматли қоғозлар билан савдо қилиш, шунингдек бир календарь йилида тўрт ойдан ошиқроқ вақт мобайнида қиймати унинг активларининг 30 ва ундан кўпроқ фоизини ташкил этувчи инвестициявий қимматли қоғозларга эга бўладиган фаолиятни амалга оширувчи ҳар қандай очиқ турдаги акциядорлик жамияти.

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ НИЗОЛАР — давлат ва бошқа давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари ўртасидаги И. н.ни тартибга солиш тўғрисидаги 1965 йилда Вашингтонда қабул қилинган (Вашингтон конвенцияси) Конвенция имзоланиши билан илмий муомалага киритилган тушунча; давлат ва хорижий шахс ўртасида хорижий инвестициялар билан боғлиқ низоларнинг алоҳида тури. Қоида тариқасида, бу бир томондан давлат ёки ҳокимият органи вазифалари берилган ташкилот, бошқа томондан эса — хорижий хусусий тадбиркор бўлган хорижий хусусий мол-мулкни миллийлаштириш ёки шартномаларни бир томонлама бекор қилиниши бўйича низолардир.

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ СЕРТИФИКАТ — маълум бир фойда олишга ҳуқуқи бўлган қимматли қоғозларнинг махсус фонддаги улуши (иштироки) тўғрисидаги гувоҳнома. И.с. қатъий фоизли қимматли қоғозлар ҳам, акциялар ҳам ҳисобланмайди. И.с.нинг нархи инвестициявий фондга киритилган акцияларга бўлган талабнинг ўзгариши натижасида ўзгаради. И.с.нинг нархи ҳар куни фонднинг қийматини инвестициявий сертификат сонига бўлиш билан аниқланади. И. с. бир қанча биржаларда, масалан, Нью-Йорк, Лондон, Цюрих ва бошқа биржаларда мавжуд.

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ СОЛИҚ КРЕДИТИ — давлат ҳокимияти органлари ёки солиқ органлари томонидан солиқлар тўловларини узайтириш.

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ УЛУШ — инвестор томонидан компания бошқарувчисига И у.ни сотиб олиш кунидаги улушли инвестициявий фонд мол-мулкининг қийматидан келиб чиқиб белгиланадиган пул миқдорларини олиш учун сотиб олиш тўғрисидаги талаб қилиш ҳуқуқини билдирилишини тасдиқловчи эгаси ёзилган қимматли қоғоз. Ҳар бир И. у. унинг эгасига бир хил ҳуқуқларни беради. Чиқариладиган И. у.нинг сони компания бошқарувчиси томонидан белгиланади. И. у.нинг эмиссия лойиҳасини рўйхатга олиш ва нашр қилиш компания бошқарувчиси томонидан амалга оширилади. И. у.лар ҳужжатли ва ҳужжатсиз шаклда чиқарилади. И. у. жойлаштириш муддати чегараланмайди. И. у. бўйича фоизлар ва дивидендлар қўшиб ёзилмайди. И. у.дан ҳосила қимматли қоғозлар чиқарилишига йўл қўйилмайди.

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗ — инвестициялаш воситаси ва улушни, мол-мулкда ёки корхонада иштирокнинг миқдорини ва бошқа манфаатдорликни исботловчи қимматли қогознинг кўрсатувчи ёки номи ёзилган тури. Қимматли қоғознинг инвестициявий тургa киришининг асосий белгиси бўлиб, у томонидан бажариладиган вазифалар ҳисобланади. Агар ҳужжат фонд биржаларида умум тан олинган бўлса ёки муомалада инвестициялаш воситаси сифатида иштирок этса, у ҳолда унга И қ. қ. сифатида қаралади. Бундай қоғозлар муомаладаги ҳужжатлар ҳисобланади.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР (нем. Investition, лот. Investio) — тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари объектларига фойда (даромад) олиш ва ижобий ижтимоий натижаларга эришиш мақсадида қўйиладиган пул маблағлари, мақсадли банк улушлари, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, технологиялар, машиналар, асбоб-ускуналар, лицензиялар, шу жумладан, товар белгилари, кредитлар, ҳар қандай бошқа мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқлар, интеллектуал қимматликлар.

ИНВЕСТОРЛАР — ЎзРнинг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасига кўра ЎзРда чет эллик инвесторлар қуйидагилар бўлиши мумкин: чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари; давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар; чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар; чет эл давлати фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган ЎзР фуқаролари.

ИНДЕКС ШАРТИ — шартнома ёки контрактнинг шарти. И. ш.да тўлов муддатида келишилган нархлар индексининг ўзгаришига боғлиқ равишда маҳсулот ёки тўлов нархининг ҳам ўзгартирилиши назарда тутилади.

ИНДЕКСАЦИЯ — инқироздан ҳимоя қилиш воситаси сифатида контрактлар ва мажбуриятлар бўйича нархлар индекси билан тўловлар мувофиқлиги. И. кредит ва тўлов битимларига, дивидендлар тўловини тартибга солувчи ҳужжатларга алоҳида қўшимча индекслар қўшишга асосланган. И.нинг мақсади — фуқароларнинг пул даромадлари ва жам-

ғармаларининг сотиб олиш қобилиятини мустаҳкамлаш. И. қўшилиши, баъзи ҳолларда эса аҳолининг даромадларини давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа усуллари (меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси, пенсиялар миқдорлари, ижтимоий нафақалар ва бошқаларни қайта кўриб чиқиш) билан алмашиши мумкин.

Фуқаролар даромадларининг сотиб олиш қобилиятини мустаҳкамлаш механизмига ўзгартиришлар ЎзР Олий Мажлиси томонидан йиллик бюджетни тасдиқлаш тўғрисидаги қонунни тасдиқлаш вақтида кўриб чиқилади. И.га: ўзлари томонидан ишлаб чиқарилган товарларга ва хизматлар кўрсатишга ўзлари нарх белгиловчи корхоналар ходимларидан ташқари корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, давлат пенсиялари, стипендиялари, бир марта бериладиган ижтимоий нафақалардан ташқари (болали оила, ишсизлик, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ва бошқа) нафақалар, фуқароларнинг жамғарма банкларидаги ҳиссалари, давлат заёмлари ва бошқа қимматли қоғозлари, давлат суғурта ташкилотларига берилган бадаллар киради.

Фуқаронинг соғлиғига шикаст етганлиги ёки ўзгача зиён етказилганлиги учун ундириладиган суммалар давлат пенсиялари билан тенг равишда бу зиённи етказган корхоналар ва фуқаролар ҳисобидан индексация қилиниши зарур. Фуқароларнинг пул даромадлари ва жамғармаларини индексация қилиш учун озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларига, шунингдек, пулли хизматларга бўлган истеъмол нархлари қўлланилади. У ҳар чоракда давлат, кооператив ва хусусий савдодаги нархлар ўзгаришини кузатиш, шунингдек, ўтган йил учун истеъмол қилиш даражасининг ҳақиқий ҳолати асосидаги хизматлар соҳасида асосий истеъмол товарлари ва хизматларини қайд этиш (фойдаланиш шарт бўлган товарлар ва хизматларни ҳисобга олмасдан), танлаш натижасида олинган статистик маълумотлар асосида ҳисобланади. И. юз бериши — бу фуқароларнинг пул даромадлари ва жамғармалари индексацияси бошланадиган истеъмол нархлари индексидир.

ИНДЕНТ (ингл. indent) — 1) кесиб олинган нусхаси бўлган ҳужжат; 2) бир мамлакатнинг импорт қилувчиси томонидан бошқа мамлакатнинг воситачисига аниқ бир товар партиясини сотиб олиш учун қилинган буюртма.

ИНДЕНТ-АГЕНТ — чегара ортида воситачилик асосида хорижий мол етказиб берувчидан келиб тушадиган товарларни сотиш бўйича операцияларни амалга оширувчи агент.

ИНДИВИДУАЛ (ОИЛАВИЙ) ХУСУСИЙ КОРХОНА (ИХК) — ЎзРнинг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «ЎзРда корхоналар тўғрисида»ги қонунига кўра жисмоний шахсларнинг хусусий мулкига асосланган корхоналар ҳамда ширкат (жамоа) мулкига асосланган жамоа, оила, маҳалла корхоналари, ишлаб чиқариш кооперативлари шаклларига асосланган корхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг фаолият тартиби юқоридаги Қонун билан тартибга солинади. ЎзР ФКнинг 53-моддаси билан уларни тугатиш тартиби белгиланган.

ИНДИВИДУАЛ (ПЕРСОНЛАШТИРИЛГАН) ҲИСОБГА ОЛИШ — ҳар бир суғурта қилинган шахс тўғрисидаги маълумотларни давлат пенсия суғуртаси мақсадлари учун ҳисобга олишни ташкил этиш.

ИНДИВИДУАЛ ЎЗИНИ-ЎЗИ МУДОФА ҚИЛИШ — халқаро

ҳуқуқда бир давлат иккинчи давлат устига қуролли ҳужум бошлаганда у давлат ўзининг дахлсизлигини, ҳудудининг бутунлигини ва сиёсий мустақиллигини сақлаб қолиш учун олиб борадиган қуролли ҳаракати (БМТ Низомининг 51-моддаси).

Зарар етказилган томон қачон қуролли ҳужумга ўтишини ўзи белгилайди.

И. ў. ў. м. қ. тартиби ва ҳаракати босқинчиликнинг олдини олиш учун талаб этилган тарзда уруш ҳаракатлари олиб борилади. И. ў. ў. м. қ.да ўзини мудофа қилаётган томон халқаро ҳуқуқда тақиқланган ҳар қандай қурол туридан фойдаланиши мумкин. Ўзини ўзи индивидуал мудофа қилиш ҳаракати ўзини-ўзи мудофа қилишдаги давлат ўз ҳудудини қайтариб олгандан ва сиёсий мустақилликка эришгандан сўнг, яъни қуролли босқин бўлгунга қадар бўлган шароитни тиклаб олгандан сўнг) қуролли ҳужумни дарҳол тугатиши лозим бўлади. И. ў. ў. м. қ. буйича ўтказилган барча чора-тадбирлар ҳақида БМТнинг хавфсизлик кенгашига дарҳол хабар беришлари керак. И. ў.ў. м. қ. буйича кўриладиган чоралар Хавфсизлик Кенгашининг манфаатларига зид келмаслиги керак.

ИНДИВИДУАЛ-АНИҚ АШЁ — бошқа ашёлардан ўзига хос хусусиятлари ва тавсифланиши билан фарқланувчи ашё.

Умумий қоида буйича (қонунда ёки шартномада бошқача кўрсатма мавжуд бўлмаган тақдирда) олувчида мулк ҳуқуқи шартнома буйича ашёлар олинган вақтидан бошлаб пайдо бўлади, индивидуаллашув вақти И.-а. а.га нисбатан мулкий ҳуқуқнинг пайдо бўлиши учун зарурий шартлар аҳамиятини очиб беради. И.-а. а.ни мулк қилиб, хўжалик юритиш, оператив бошқариш ёки ҳақ олмасдан фойдаланишга бериш мажбуриятини бажармасликнинг алоҳида ҳуқуқий оқибати — кредитор ўз хоҳиши буйича қарздордан суд орқали ашёни ўз фойдасига олиб беришни ва мажбурият билан кўзда тутилган шартларда ёхуд бажармаслик оқибатида етказилган зиённи қоплашни талаб қилиши мумкин.

ИНДИГЕНАТ (ИНДИЖИНАТ) — 1) халқаро нормалар билан кўзда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиш; 2) маълум давлатнинг фуқаролиги (табаалиги); масалан, Франция томонидан собиқ француз мустамлакалари аҳолисига бериладиган алоҳида ҳуқуқий мақом.

ИНДОССАМЕНТ (нем. Indossament) — вексел, чек, коносамент ва бошқа баъзи қимматли қоғозларнинг орқа томонида ёзиладиган ва бу ҳужжатлар орқали бир шахсдан (индоссантдан) бошқа шахсга (индоссатга) ҳуқуқларнинг ўтишини билдирувчи ёзув. И. номи ёзилган, ордерли (кимга ёки кимнинг тасарруфига ҳужжат берилаяпти, шу шахс кўрсатилади) ёки бланкада (кўрсатувчиси бўлган) — қайси шахсга ҳужжат берилаётганлиги кўрсатилмайдиган бўлиши мумкин. Вексель ёки чек буйича индоссамент индоссантга ушбу ҳужжат буйича тўлов учун жавобгарлик юклайди.

ИНДОССАНТ — вексел ёки ўзга қимматли қоғознинг орқа тарафида узатиш ёзувини (индоссаментни) ёзувчи шахс.

ИНДОССАТ — узатиш ёзуви (индоссамент) буйича вексел ёки ўзга қимматли қоғозни олувчи шахс.

ИНДОССАЦИЯЛАНГАН КОНОССАМЕНТ — эгалик ҳуқуқини бериш тўғрисидаги белги мавжуд бўлган коносамент.

ИНДУЛЬТ — уруш қонунлари ва удумлари буйича уруш эълон қилинган ҳолда кемаларга душман давлатнинг портларидан чиқиб ке-

тишлари учун бериладиган муддат. Бу муддат тугаши билан кемалар мусодара қилинади.

ИНЖИНИРИНГ — тижорат асосида турли хил инженер-маслаҳат хизматларини кўрсатиш шаклида саноат, инфраструктура ва бошқа объектларни яратиш масалаларини ишлаб чиқиш бўйича фаолият соҳаси. Инжинирингнинг асосий турларига лойиҳа олдидан, лойиҳа вақтида, лойиҳадан кейин кўрсатиладиган хизматлар, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотдан фойдаланиш, бошқариш, сотиш бўйича тавсиялар бериш хизматлари киради.

ИНКАССА БЎЛИМИ — омонатчилардан олинган, уларнинг ҳисобларига тўловлар келиб тушганидан кейин тегишли суммаларни ўтказиш тўғрисидаги фармойиши бўлган чеклар, векселлар, купонлар ва бошқа тўлов ҳужжатлари билан операцияларни амалга оширувчи банк бўлими.

ИНКАССА ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ — банкда пулларни вексел, чек ва бошқалар бўйича нақдга олиш, ваколат қоғози билан пул олинувчи молия операциясини ўтказиш.

ИНКАССА ҲУЖЖАТИ — тўловлар олиш учун ва уларни омонатчининг ҳисобига ўтказиш учун инкассага қўйилган ҳужжат.

ИНКАССА ҚИЛУВЧИ БАНК — банк, бунда унга банк-ремитент векселлар, чеклар ва бошқа тўлов ҳужжатларини тўлаш учун (инкассага) юборади.

ИНКАССА ҚИЛУВЧИ ТЎЛОВ ТАЛАБНОМАСИ — трассант ёхуд эгаси номидан акцепт ёки трассатга тўлаш учун ҳаракат қилувчи банк томонидан берилган ўтказиш вексели ёки шунга ўхшаш ҳужжат. Бериладиган тўлов талабномасига бошқа ҳужжатлар (коносамент, товар квитанцияси ва ҳакозолар) ҳам илова қилиниши мумкин. Бундай тўлов талабномаси ҳужжатли деб аталади. Кузатув ҳужжатлари банк томонидан акцепт қилинганидан ёки трассат томонидан ҳисоб воситалари тўланганидан кейин бўшатилиши кўзда тутилади. Кузатув ҳужжатларисиз тўлов талабномаси тоза деб аталади.

Кўпчилик ҳолларда трассант ёки ушлаб турувчи тўлов талабномасини тақдим қилиш учун ҳужжатни акцепт қилиш ёки тўлашни рад қилишда ва фоизлар, унинг миқдори ва бошқаларни белгилаб берувчи қўлланма мавжуд бўлган банк томонидан таклиф қилинган бевосита инкассация шаклидан фойдаланилади. Унинг шакли ва кузатув ҳужжатлари (агар улар мавжуд бўлса), трассатнинг яшаш жойи бўйича трассантнинг банки корреспонденти бўлган банкка қайтадан жўнатилади. Шундай усулда трассатга ҳисоб воситаларини тақдим қилиш юклатилган банк у билан акцепт қилиш ёки ҳисоб воситаларини тўлаш предмети бўйича алоқага киришиши лозим. Бевосита инкассация шаклида келтирилган қўлланмаларга боғлиқ ҳолда акцепт қилинган восита уни тақдим қилувчи банк томонидан тўлов муддати келгунча ушлаб турилиши ёхуд трассантга қайтарилиши мумкин. Агар қўлланмалар банкка ҳақиқий инкасса қилишни буюрса, у ҳолда банк трассатдан ҳисобланган пул воситаларини ундириб олади ва уларни трассантнинг банкига унинг ҳисобига ўтказиш учун ўтказади.

ИНКАССА ТОПШИРИҚНОМАСИ — ташкилотлар томонидан уларга воситаларни низосиз ҳисобдан чиқариш ҳуқуқи берилган ҳолларда тузиладиган ҳисоб-китоб ҳужжати. И. т. билан бирга банкка воситаларни

ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларнинг асл нусхалари ёки уларнинг нусхалари тақдим қилинади. И. т. тўлиқ суммада, шунингдек, воситаларнинг йиғилишига қараб тўловлар кетма-кетлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

ИНКАССАТОР (итал. Incassare, сўзма-сўз — кутига солмоқ), ташкилотлардан банкка топшириш учун пулларни қабул қилиб олувчи мансабдор шахс (ёки аксинча, уларни банкдан ташкилотлар учун олувчи).

ИНКАССО — банк операциясининг бир тури, ҳисоб-китобнинг асосий шаклларидан бири. Инкассо операцияси — бу тўловчи ва олувчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар амалга оширилувчи шартномадан мустақил бўлган абстракт (мавҳум) битимдир. И. бўйича ҳисоб-китоб қилишда банк (банк-эмитент) мижознинг топшириғи бўйича мижознинг ҳисобидан тўловчидан тўловни ва (ёки) тўловнинг акцептини олиш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини олади. Мижознинг топшириғини олган банк-эмитент унинг бажарилиши учун бошқа банкни (бажарувчи банкни) жалб қилишга ҳақли. И. бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби қонун билан, унга мувофиқ белгиланган банк қоидалари ва банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи қоидалари билан тартибга солинади. Мижознинг топшириғини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик ҳолатида банк-эмитент унинг олдида ЎзР ФК нормалари билан кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик асосларида ва миқдорларида жавобгар бўлади. Агар мижознинг топшириғини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик бажарувчи банк томонидан ҳисоб-китоб операциялари қоидаларини бузиш билан боғлиқ бўлса, мижознинг олдидаги жавобгарлик ушбу банкка юклатилиши мумкин.

1978 йилда Халқаро савдо палатаси томонидан «Инкассонинг унификациялаштирилган қоидалари» ишлаб чиқилган эди.

ИНКВИЗИЦИЯ (лот. Inguisitio — қидирув) — XIII—XIX асрларда католик черковларида оқсуяклар ҳокимияти органлари ва муассасаларидан мустақил бўлган черков юридик мақомига эга бўлган алоҳида судлар. Асосан ўзгача фикрлаш (бидъатчилик) билан кураш олиб борган. И. жараёни судья ва терговчини бир шахсда намоён қилиб, далилларнинг алоҳида тизимини юзага келтирди. Қийноққа солиш далиллар олишнинг алоҳида манбаи сифатида кенг қўлланилган. Судланганлар асосан оловда куйдиришга маҳкум қилинган. XVI—XVII асрларда қарши реформация қилишнинг асосий қуролларидан бири. И. Испанияда айниқса авжига чиққан эди.

ИНКОРПОРАЦИЯ (лот. Incorporatio) — амалдаги қонунларни тўплам қилиб ёки ҳуқуқий актларни хронологик, алифбо ёки ўзгача тартибда (масалан, ҳуқуқ соҳалари бўйича) бир мажмуага тизимлаш усули. Кодификациядан фарқ қилиб, ҳуқуқий актлар мазмунини янгилаш мақсади йўқ. Бироқ кодификация ҳуқуқий актларнинг бошланғич таҳририга барча кейинги расмий ўзгаришлар ва қўшимчаларни киритиш, бекор қилинган нормаларни чиқариб ташлаш, номувофиқлик, қарама-қаршиликни аниқлаш имконини беради. Расмий ва норасмий инкорпорация бир-биридан фарқ қилади. Халқаро шартномалар таҳрирларида «И.» ибораси келишув асосида бир давлатнинг иккинчи давлат таркибига киришини кўрсатиш учун қўлланилади.

ИНКОТЕРМС — ташқи савдо контрактларида кўпроқ учрайдиган

тижорат иборалари ва ифодаларини илгари суришнинг халқаро қоидалари. Халқаро савдо палатаси томонидан чиқарилади. Биринчи нашр — «Инкотермс-1936» — 1936 йилда чиқарилган эди. Кейин умумий ва бутун ҳолда халқаро савдо амалиёти билан мос бўлган қоидалар тўпламини яратиш учун 1953, 1967, 1976, 1980 ва 1990 йилларда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган эди. Агар томонлар контрактлар (ташқи савдода) тузишда «Инкотермс»да кўрсатиб ўтилган шартларга таянса, у ҳолда турли давлатлар савдо қоидаларини турлича талқин қилишдан ва судгача мурожаат қилишга олиб келадиган тушунмовчиликлар ва низоларга сабаб бўлувчи иборалари ишлатишдан келиб чиқувчи муаммоларни олиб ташлайди.

ИНПАУНДМЕНТ (инг. — impoundment) — АҚШнинг конституциявий амалиётида Конгресс томонидан қонуний ажратилган маблағни бюджетда назарда тутилган мақсадда кейинчалик уларни ўзининг хоҳиши бўйича қисман фойдаланишни ёки тўлиқ ишлатишни президентнинг рад этиши.

ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲАҚИДАГИ 1789 ЙИЛ ДЕКЛАРАЦИЯСИ — 1789—1794 йиллардаги Буюк француз инқилобининг энг муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжати. Франциянинг 1958 йилги Конституцияси муқаддимасига биноан, Франция Конституциясининг (кенг маънодаги) таркибий қисми. Ушбу декларациянинг тарихий аҳамияти шундаки, унда инсоният тарихида биринчи бор шахснинг, шунингдек, умуман, конституционализмнинг бутун замонавий ҳуқуқий мақомига асос бўлган қуйидаги юридик қоидалар ва ҳуқуқлар системали равишда эълон қилинган: одамларнинг тенг ҳуқуқлилиги, инсон ҳуқуқларининг табиий хусусияти ва ундан ажралмаслиги, халқ суверенитети, қонуннинг устунлиги, инсоннинг шахсий эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқи, виждон ҳамда фикрлаш эркинлиги, айбсизлик презумпцияси.

ИНСОН ВА ФУҚАРОНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАЖБУРИЯТЛАРИ — маълум давлатнинг унинг ҳудудидаги шахслар ёки қаерда бўлишидан қатъи назар фақатгина ўз фуқаролари хатти-ҳаракатига нисбатан мазкур давлатнинг конституциявий-ҳуқуқий нормаларида ифодаланган талаблари. Одатда маълум давлат ҳудудидаги шахсларга тегишли мажбуриятлар сирасига қонунларда белгиланган солиқ ва йиғинларни ўз вақтида тўлаш, табиатни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиат бойликларига ғамхўрона муносабатда бўлиш, тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш ва бошқалар киради. Ҳар бир давлат фуқаролари учун тегишли бўлган асосий мажбуриятлардан бири — Ватанни ҳимоя қилишдир.

ИНСОН ВА ФУҚАРОНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ — инсонга бекаму кўст яшаш имкониятини берувчи ва иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий соҳаларда ўзининг имконият ва талабларини амалга оширишни таъминловчи ҳуқуқий мақом. И. ва ф. ҳ. ва э.га риоя этиш ЎзР конституциявий тузумининг асосидир. ЎзР Конституциясида қайд этилган ҳуқуқ ва эркинликлар қонунларнинг мазмуни ва қўлланилишига ҳамда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади. ЎзР Конституциясининг 19-моддаси Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросига, унинг жинси, ирқи, миллати, тили, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, маслаги, шахсий ва ижтимоий аҳволидан қатъи назар, ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилмаслигини,

уларнинг суд йўли билан ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Конституциянинг 20-м.си барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигига асосланган ҳолда, ўзгаларнинг ҳуқуқларига ҳурмат принципларини ва ўзгаларнинг қонуний манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш ҳисобига ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишга йўл қўймасликка ҳамда ижтимоий ҳақиқат ва ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилган. Конституциянинг 23-моддасига биноан, ЎзР ҳудудида яшовчи шахсларга конституцияда таъкидланган ҳуқуқ ва эркинликларга ҳамда халқаро ҳуқуқ томонидан мустаҳкамланган нормаларга риоя қилиниши таъминланади.

И. ва ф. ҳ. ва э.ни белгиловчи ҳуқуқнинг умум эътироф этган халқаро нормаларининг манбаларидан 1948 йилда имзоланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966 й.да имзоланган Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, ЎзР қўшилган яна бир қатор халқаро битимларни кўрсатиш мумкин. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга биноан, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган ҳаракатларнинг ва жавобгарликнинг бир қисмини ўз зиммасига олишга мажбур. ЎзРда И. ва ф. ҳ. ва э.ни амалга оширишга давлат кафолат беради.

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ — инсон ва фуқаронинг эркинликларини амалга оширишни таъминлаш тизими. Ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатловчи ҳужжатларга ЎзР қонунлари, биринчи навбатда, Конституция, белгиланган ҳуқуқларга амал қилинишини таъминловчи аниқ ҳаракатларни кўзда тутувчи халқаро шартномалар киради.

ИНСОН ҲУҚУҚИ — маълум бир давлатда яшаётган инсоннинг давлатга нисбатан белгиланган мавқеи, яъни маълум ҳуқуқларнинг давлат томонидан кафолатланганлиги. Масалан, инсоннинг яшаш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи кабилар. Инсон маълум бир давлатда қандай мавқега эгалиги давлат томонидан белгиланиши зарур. Ўзбекистонда давлат томонидан инсон ҳуқуқлари кафолатланганлигининг асосий манбаи Конституциядир. ЎзРнинг Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва уларнинг кафолатларига бирламчи ўринлар берилган (ЎзР Конституцияси II бўлим). Давлат ва ҳуқуқ назарияси, криминология фанлари нуқтаи назаридан қаралганда, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий вазифасидир. Давлат томонидан инсон ҳуқуқларини таъминлаш нафақат ҳуқуқий кафолатлаш билан, балки амалий ишлар билан олиб борилади ва давлат ҳамда унинг органлари вазифалари аниқ белгиланади. Масалан, судда ҳимояни таъминлаш, шахсий ҳаёт дахлсизлиги кабилар.

ИНСОН ҲУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ — ҳозирги демократик давлатларда инсоннинг асосий моддий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда асосий восита бўлиб хизмат қиладиган конституциявий процессуал ҳуқуқлар мажмуи, шунингдек, конституция билан белгиланган ҳуқуқни ҳимоя қилиш институтлари ва ниҳоят, конституцияда ифодаланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашнинг чегара ва шароитларини белгилаб берувчи алоҳида ҳуқуқлар. Конституциявий процессуал ҳуқуқлар мажмуига ҳуқуқ ва эркинликларни судда ҳимоя қила олиш ҳуқуқи (шу жумладан, судда давлат органларининг ноқонуний қарор ва ҳаракатлари устидан шикоят қила олиш ҳуқуқи),

малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи (шу жумладан, ушланган, ҳибсга олинган ёки айб қўйилган вақтдан эътиборан адвокат хизматидан фойдалана олиш ҳуқуқи), судда ноқонуний ҳибсга олиш устидан шикоят қила олиш ҳуқуқи, ўзига ва ўз яқинларига қарши гувоҳлик бермаслик ҳуқуқи, айбсизлик презумпцияси, давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракати (ёки ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган зарарни ундириб олиш ҳуқуқи, агар шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг барча ички давлат воситаларидан фойдаланган бўлса, давлатлараро ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига мурожаат қила олиш ҳуқуқи. Институциявий И.ҳ.к.к.лар қаторига одатда мустақил ва беғараз суд, парламентнинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (қаранг: *Омбудсман*) киради. И.ҳ.к.к.ларнинг учинчи турига инсон ҳуқуқ ва эркинликлари имкониятининг чегара ва шароитларини белгилаб берувчи алоҳида ҳуқуқлар киради. Ушбу қоидаларга мувофиқ жавобгарлик белгиловчи ёки уни оғирлаштирувчи қонун орқага қайтиш кучига эга эмас: ҳеч бир шахс ўз хатти-ҳаракати учун, агар мазкур хатти-ҳаракат содир этилган пайтда ҳуқуқбузарлик саналмаган бўлса, жавобгарликка тортилиши мумкин эмас; конституцияда маълум ҳуқуқ ва эркинликларнинг санаб ўтилиши бошқа инсоннинг умум эътироф этган ҳуқуқ ва эркинликларини инкор этиш ёки қадрини тушириш тарзида шарҳланмаслиги лозим; инсон (фуқаро) ҳуқуқ ва эркинликлари конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда давлат мудофааси ва хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган меъёрда чекланиши мумкин.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛ — парламентнинг ЎзРда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муасассалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг инсон ҳуқуқларига оид амалдаги қонунларга риоя этиши самарадорлигини назорат қилиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахси. И.ҳ.б.в. — кўпгина хорижий мамлакатларда мавжуд бўлган институт — омбудсманнинг ўзбекча кўриниши. Илгари Ўзбекистонда бундай институт мавжуд бўлмаган. У биринчи бор ЎзРнинг «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги 1997 йил 24 апрель қонуни билан жорий этилган. И.ҳ.б.в. Олий Мажлис томонидан депутатлар орасидан Олий Мажлис ваколати муддатига сайланади. И.ҳ.б.в. ЎзР Олий Мажлисининг вакили бўлиб, қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқига эга (Қонуннинг 5-моддаси). И.ҳ.б.в. фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлигига доир аризаларни кўриб чиқади; у инсон ҳуқуқларининг кўпол равишда ёки оммавий бузилиши ҳолларини ўз ташаббуси билан ҳам текшириб кўриши мумкин.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЕВРОПА СУДИ — Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги Европа конвенцияси (19-м.) ташкил этган икки органдан (Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссияси билан бир қаторда) бири бўлиб, ушбу Конвенциядан келиб чиқувчи мажбуриятларнинг унга аъзо бўлган ҳамда Конвенцияни талқин этиш ва қўллашга доир барча масалалар бўйича И.ҳ.б.Е.с. юрисдикциясини ўзлари учун бажарилиши шарт деб тан олиб, махсус баёнот берган давлатлар томонидан ҳурмат қилинишини таъминлаш мақсадида таъсис этилган. И.ҳ.б.Е.с. 1959 йил 21 январда ташкил бўлган.

И.ҳ.б.Е.с. ваколати конвенцияни талқин этиш ва қўллашга дахл-

дор бўлган ва Конвенция иштирокчилари бўлмиш давлатлар ёки Комиссия томонидан конвенциянинг муҳокамасига тақдим этилган ишларга тааллуқлидир. И.ҳ.б.Е.с. ишларни фақат Комиссия баҳсни яхшилик билан ҳал эта олмаган тақдирдагина ва ишни Европа Кенгаши вазирлар қўмитасида кўриб чиқиш учун уч ойлик муддат ўтгандан кейингина муҳокама учун қабул қилишга ҳақли бўлади. Агар И.ҳ.б.-Е.с. миллий ҳокимият органлари қабул қилган қарор ёки чоралар ушбу давлатнинг Конвенциядан келиб чиқувчи мажбуриятларига тўла ёки қисман зид келади, деб баёнот берса ва агар ички ҳуқуқ мазкур қарор ёки кўрилган чоралар оқибатини лозим даражада бартараф эта олмаса, у ҳолда И.ҳ.б.Е.с. жабрланувчи томоннинг даъвосини қондиради. И.ҳ.б.Е.с. қарори қатъий бўлиб, унинг устидан даъво қилиб бўлмайди. Қарор унинг ижро этилишини кузатиб борувчи Вазирлар қўмитасига тақдим этилади.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КОМИТЕТ — 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг IV қисмига асосан ташкил этилган шартномавий орган. Мазкур органнинг асосий мақсади Пакт қоидаларига қатнашчи-давлатлар томонидан риоя қилинишини назорат қилишдан иборат. И.ҳ.б.к. 1976 йил 20 сентябрда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга аъзо давлатлар йиғилишида ташкил топган. И.ҳ.б.к. 18 та аъзога эга бўлиб, улар Пакт қатнашчиси бўлган давлатлар вакиллари ҳисобланади. Комиссия аъзоларининг ваколатлари муддати 4 йил. И.ҳ.б.к. ўз функцияларини амалга ошириш мақсадида тегишли қоидаларини яратади.

ИНСОНИЯТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР — халқаро жиноятларнинг бир тури. Халқаро трибунал уставида қайд этилганидек, бу жиноятларга урушгача ёки уруш мобайнида аҳолини ўлдириш, қийнаш, бадарға қилиш каби раҳмсиз чораларни қўллаш ёки сиёсий, диний, ирқий томондан қувғинга олиш кабилар киради.

ИНСОННИНГ ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАРИ — инсоннинг (ёки фақат аниқ давлат фуқароларининг) унга давлатдан муайян шароитларда муайян ижтимоий неъматларни олишга даъво қилишига имкон берадиган конституциявий ҳуқуқлари йиғиндиси. Одатда И. и. ҳ.га ижтимоий таъминот ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи, саломатликни муҳофаза қилиш ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи, уй-жой олиш ҳуқуқи, болаларнинг алоҳида ҳуқуқлари ва ногиронларнинг ҳуқуқлари киради. И.и ҳ. ҳамма мамлакатларда ҳам конституцион даражада мустаҳкамлаб қўйилмайди. Айрим ривожланган демократик, ривожланаётган мамлакатларда И. и. ҳ. урушдан кейинги даврда конституциявий даражада эълон қилина бошлади, бироқ одатда уларни судда ҳимоя қилиш имконияти эътироф этилмайди. Бундай давлатларда И. и. ҳ. кўпинча конституцияларнинг давлатнинг социал ва иқтисодий сиёсатининг асосий тамойилларига бағишланган айрим бўлимларига киритилади. ЎзРда И. и. ҳ. ЎзРнинг 1992 йилги Конституциясининг 36—48-моддаларида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра ҳар бир шахс: мулкдор бўлишга ҳақли (ЎзР Конституцияси, 36-м.); меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга (37-м.); дам олиш ҳуқуқига эга (38-м.); қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга; ҳар бир инсон мамлакат тиббий

хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эга (40-м.); ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга (41-м.); ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади (42-м.).

ИНСОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ — инсоннинг иқтисодий соҳадаги юридик имкониятларини белгиловчи конституциявий ҳуқуқларининг мажмуи бўлиб, ушбу ҳуқуқларнинг хусусияти ва мазмуни охир-оқибатда муайян жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тартибни белгилаб беради. Ҳозирги демократик давлатларда И.и.ҳ.ва э.ларига қуйидагилар киради: хусусий мулк ҳуқуқи (жумладан, ерга ва ақлий мулкка бўлган), мерос ҳуқуқи, тадбиркорлик фаолияти (хўжалик ташаббуси) эркинлиги, меҳнат эркинлиги ва бошқа меҳнат ҳуқуқлари, корхонани бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи. И.и.ҳ.ва э.нинг бундай доираси (охирги ҳуқуқдан ташқари) ЎзРнинг Конституциясида мустаҳкамланган.

ИНСОННИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ — конституция билан кафолатланадиган инсон ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда конституцияда мустаҳкамланадиган мажбуриятлари мажмуи. Ҳозирги демократик давлатларда И.к.ҳ.м. нинг асосий тамойиллари: инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги, инсонга тегишли ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишдаги эркинлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланганлиги, тенг ҳуқуқлилик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларининг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги.

ИНСОННИНГ МАДАНИЯТГА БЎЛГАН ҲУҚУҚИ — деб инсонни илмий ва маданий ҳаёти соҳасида ўзи амалга оширадиган конституция ва қонун томонидан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларининг алоҳида мажмуасига айтилади. И. м. б. ҳ. таълим олишга, ўқитиш эркинлиги (академик эркинлик) ижод қилиш эркинлиги ҳуқуқи, маданий қимматликларга эга бўлиш ҳуқуқи тааллуқли. Шундай қилиб, И. м. б. ҳ. ижтимоий ҳуқуқ сифатида (билим олиш ҳуқуқи), шунингдек, шахсий (ижод қилиш эркинлиги) ҳуқуқ ва эркинликларни ўз ичига олади. ЎзР Конституциясининг 42-моддасида И. м. б. ҳ. мустаҳкамланган.

ИНСОННИНГ ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚЛАРИ — инсон конституциявий ҳуқуқларининг бир кўриниши. Унинг пайдо бўлиши бутун дунёдаги ҳамда миллий миқёсдаги экологик бўҳронлар натижасидир. И.э.ҳ.ни конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйиш 80-йилларнинг охиридан бошланди. И.э.ҳ.га, биринчи навбатда, тоза атроф муҳитда яшаш ҳуқуқи, шунингдек, инсоннинг соғлиғига экологик муҳитни бузиш натижасида етказилган зарарни ундириш ҳуқуқи, атроф муҳит ҳақида тўлиқ маълумот олиш ҳуқуқи киради. И.э.ҳ.ларидан давлат ва жисмоний, юридик шахсларнинг атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши келиб чиқади. ЎзРда И.э.ҳ. Конституциянинг 50-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

ИНСОННИНГ ЯШАШ ҲУҚУҚИ — қонун томонидан муҳофаза қилинувчи энг муҳим ва дахлсиз ҳуқуқ. Ҳар бир инсон яшаш ҳуқуқига эга. Ҳеч бир шахс ЎзР қонунчилигига, халқаро ҳуқуқ нормалари томонидан ўта жиддий жиноят учун ўлим жазоси сифатида берилган жазодан ташқари, ҳаётдан асоссиз жудо қилиниши мумкин эмас. Ҳуқуқбузарлик учун ҳибсга олинган шахслар — улар қилган жиноятнинг даражасидан қатъи назар инсонпарварларча муносабатга ҳамда қадр-қиммат, обрўсини муҳофаза қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Мазкур ҳуқуқ ЎзР Конституция-

си ва қонунлари томонидан кафолатланади. ЎзР Конституцияси ва қонунлари ижтимоий муҳофаза қилиш кафолатини ва инсон шахси эркин ривожланишини, инсонни муносиб ҳаёт билан таъминловчи воситаларнинг кенг доирасини қамраб олувчи ҳуқуқий тадбирларнинг мажмуини ўз ичига олган. Ҳеч ким қийноққа солиниши, ғайриинсоний, инсон қадр-қимматини хўрлайдиган муомалага дучор бўлиши, розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибаларга жалб этилиши мумкин эмас; ҳар бир фуқаро хавфсиз меҳнат қилиш, ҳақ тўланадиган мунтазам таътил ва дам олиш кунларини олиш, барча фуқаролар саломатлигини сақлаш, тиббий хизмат олиш, ижтимоий таъминланиш ва бошқа ҳуқуқларга эгадирлар.

Қуйидаги қонун ҳужжатлари И. я. ҳ.ни таъминлайди: «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»; «Ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»; «Нафақахўрларнинг давлат томонидан ижтимоий ҳимояси тўғрисида», «Давлат санитария назорати тўғрисида», «ЎзРда тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунлар, ЖК, Жиноят-процессуал кодекси ва б.

ИНСОННИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ — ўз ичига ҳуқуқ нормасини, суд ҳимоясини, ташкилий, иқтисодий ва бошқа ҳаракатларни олувчи, инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни таъминлашга қаратилган чора-табдирлар тизими. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришнинг йўлларидан бири фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишларидир. Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилган тақдирда, улар процессуал қонунчилик қоидаларига кўра, уларга нисбатан қилинган ғайриқонуний ҳаракатлар устидан маъмурий ёки суд тартибида шикоят келтиришлари мумкин.

ИНСПЕКЦИЯ (лот. Inspectio — кўздан кечириш) — давлат томонидан ўрнатилган қоидаларга (масалан, ёнғин хавфсизлиги, йўл ҳаракати қоидалари) риоя қилинишини назорат қилувчи орган. И.нинг вазифасига нафақат ижрони текшириш, балки жойида тартиб бузилишини бартараф қилиш чораларини кўриш киради.

ИНСТАНЦИЯ (лот. Instantia — бевосита яқинлик) — мазкур муассаса ўша тизимдаги юқори ва қуйи турувчи муассасаларга нисбатан турган даражасини билдирувчи маъмурий ва суд ҳуқуқи ибораси.

ИНСТИТУТ (лот. Institutum — белгилаш, муассаса) — турли мутахассисликка оид бўлган ўқув муассасалари (ўрта, олий, малака ошириш тизими ва ҳоказо), шунингдек, илмий-текшириш муассасалари номи. ЎзРнинг 1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисида»ги қонунига кўра олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди. Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш олий ўқув юртларида (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасаларида) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими асосида амалга оширилади. Олий таълим икки босқичга: давлат томонидан тасдиқланган намунадаги олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар билан далилланувчи бакалавриат ва магистратурага эга.

ИНСТИТУЦИОНАЛИЗМ — XX асрда ғарбий давлатшунослик ва ҳуқуқшунослик йўналишларидан бири. И. жамият, давлат ва ҳуқуқ муаммоларини кўриб чиқишнинг асослари қилиб одамларнинг аниқ бир мақсадга (оила, партия, трест, черков, касаба уюшмаси, давлат ва ҳакозога) эришиш учун ҳар қандай барқарор бирлашишини тушунади. И.

бу муаммоларга ғарбий либерал индивидуализми худди марксистик синфлар назарияси ва уларнинг жамият ривожланишидаги ролига қарши тургандек турди. И. нуқтаи назаридан қараганда давлат бундай олиб қараганда муҳим, бироқ кўп институциялардан бири бўлиб, сиёсий ҳокимиятни (мазмунан давлатнинг бирлиги ва ягоналиги суверенитетни инкор қилишни билдиради) амалга оширади, давлат томонидан тузиладиган ҳуқуқ эса кўпгина ҳуқуқлардан биридир, чунончи, ҳар бир институция ўз ҳуқуқига эга. И. XX асрда ғарбий жамиятнинг сиёсий структурасининг мураккаблашувида (партиялар, тадбиркорлик ассоциациялари, касаба уюшмалари, черковнинг активлашуви ва ҳоказода) намоён бўлди.

ИНСТИТУЦИЯ (лот. Institutio — таълим бермоқ) — 1) Рим юристларининг амалдаги, асосан хусусий ҳуқуқнинг систематик кўринишидаги элементар ўқув китоблари номи. Қадимги Рим юристи Гайнинг милоддан аввалги II институцияси, шунингдек, *Юстиниан кодификациясига* қаранг; 2) «Институт» сўзининг шакли сифатида органлар ёки муассасаларни билдириш учун ишлатиладиган термин.

ИНСУРРЕКЦИЯ (лот. Insurrektus — қаршилик қилмоқ) — дипломатия ҳуқуқида дипломатнинг ўз вазифаларини бажаришдан воз кечиши; дипломатик вакил ваколати тугашининг асосларидан бири.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАР (АҚЛИЙ САРМОЯ) — маблағларни мутахассисларни курсларда тайёрлаш, тажрибалар алмашиш, лицензиялар ва ноу-хау, биргаликдаги илмий ишлаб чиқаришлар ва бошқаларга қўйиш.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК — ижодий фаолият ва индивидуаллаштириш воситаларига бўлган мутлақ ҳуқуқлар йиғиндисини билдирувчи тушунча. И. м. адабий, бадиий ва илмий асарларга, артистларнинг ижро фаолиятига, овоз ёзиш, радио ва телевизион эшиттиришларга, ихтироларга, саноат намуналарига, товар белгиларига, фирма номларига ва ҳоказоларга бўлган ҳуқуқни қамраб олади. И. м. тушунчаси 1967 йилда Бутунжаҳон И. м. ташкилотини таъсис этган Конвенция томонидан киритилган. ЎзР ФК И. м.ни фуқаролик ҳуқуқларининг алоҳида объекти сифатида ажратади.

ИНТЕРВЕНЦИЯ (лот. Interventio — аралашув) — бир ёки бир неча давлатнинг бошқа давлатнинг ички ишларига куч ишлатиб, унинг ҳудудий бутунлигига ёки сиёсий мустақиллигига ёхуд ўзгача тарзда БМТ Устави мақсадлари ва тамойилларига зид ҳолда аралашуви. И. ҳарбий, иқтисодий, дипломатик хилларга ажратилади. Қуролли И. агрессия деб ҳисобланади. Бундан ташқари, интервент давлат сонига қараб индивидуал ва коллектив, шунингдек, қуролли кучлар хорижий давлат ҳудудига бостириб кирувчи очиқ ва яширин-ёпиқ интервенцияга ажратилади. Халқаро ҳуқуқ И.нинг барча турлари ва шаклларини тақиқлайди.

ИНТЕРДИКТЛАР (лот. Interdiktum — тақиқ) — Рим ҳуқуқида асосий мақсади бузилган ҳуқуқни тиклаш бўлган претор буйруқларининг сўзсиз бажарилиши. Қонуний мол-мулк эгасининг ёки мулкдорнинг ноқонуний бузилган (тортиб олинган) мол-мулкка эгалик қилиши ёки мулк эгасининг қонуний манфаатларига бошқача тарздаги тажовуздан ҳимоя қилишнинг самарали ва тезкор воситаси бўлиб хизмат қилган. Даъволар формулалари каби интердикт формулалари ҳам претор фармонига киритилган.

ИНТЕРНАТУРА — врачларнинг мутахассислиги бўйича тиббий олий

ўқув юртлари битирувчиларининг клиника ва касалхоналарда дипломдан кейинги стажировкаси. Кўпгина мамлакатларда қабул қилинган.

ИНТЕРПЕЛЛЯЦИЯ (лот. Interpellatio — нутқнинг узилиб қолиши, суд олдида шикоят қилиш, даъво талабномаси) — бир қатор хорижий давлатларда ҳукуматга ёки алоҳида вазирга депутатлар гуруҳининг у томонидан ўтказилаётган ички ёки ташқи сиёсат ёки аниқ бир масала тўғрисида тушунтириш бериш тўғрисидаги талабномаси. Қоида бўйича, парламент бошқаруви шаклидаги давлатларда (Италия, ГФР, Финляндия ва бошқаларда) қўлланилади. И. оғзаки ва одатдаги ёзма суровлардан ўзининг киритилиш тартиби ва ҳуқуқий оқибатлари билан фарқ қилади. Одатда интерпелляция текстини кузатувчи баёнотда унинг сабаблари кўрсатилади ва қанча вақтда жавоб берилиши кераклиги таклиф қилинади. И.га ҳукуматнинг ёки вазирнинг жавоби нафақат қўшимча масалалар билан йўлланиши, балки ҳукуматга ишонч тўғрисидаги умумий мунозараларни ҳам жалб қилиши мумкин. И.нинг киритилиши амалиётда фақат парламентларнинг қуйи палаталарида мавжуд бўлиб, у оппозиция томонидан ҳукумат фаолияти юзасидан назорат олиб боришнинг ҳақиқий қуроли сифатида хизмат қилиши мумкин. И. натижасида парламент алоҳида вазирларга ва ҳаттоки бутун ҳукуматга ишончсизлик билдирган ҳоллар ҳам мавжуд. Бироқ шуни эътиборга олиш керакки, интерпелляциянинг киритилиши анча мураккаб шаклда уюштирилади, чунончи, ҳукумат интерпелляцияда бўлган ёқимсиз саволларга жавоб беришдан (масалан, ҳарбий сирни сақлашни рўкач қилиб) бош тортишнинг етарлича воситаларига эгадир.

ИНТЕРПОЛ — Халқаро жиноят полициясининг қисқартирилган номи. И.ни ташкил этиш тўғрисидаги қарор 1914 йилда Монакодаги конгрессда қабул қилинган эди. Ҳақиқатда эса И.нинг биринчи устави (уставнинг янги таҳрири 1956 йилда қабул қилинган) қабул қилинган вақтда — 1923 йилда ташкил этилган эди. 1972 йилдан бошлаб И.нинг штаб-квартираси этиб Франция белгиланган. И.нинг юқори органи Бош ассамблея, доимий махсус органлар сифатида Бош котибият ва миллий марказий бюролар фаолият кўрсатади. И. жиноятчиларни рўйхатга олиш халқаро марказидир, шунингдек, жиноятларни (гумон қилинувчиларни, бедарак йўқолган шахсларни, ўғирланган қимматликларни) халқаро қидирувини мувофиқлаштиради. Ҳозирги вақтда 150 дан ортиқ давлат И. аъзосидир.ЎзР 1994 йилда И.га аъзо бўлиб кирди. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрдаги 573-сонли қарори билан И. Ўзбекистон бюросининг низоми ва ички тизими тасдиқланган.

ИНТЕРЦЕССИЯ — фуқаролик ҳуқуқида қарздорнинг томонида туриб шартномага қўшилиш (масалан, ўзига ўзга мулкни олиш, кафиллик ва ҳоказо).

ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИК — юридик жавобгарликнинг бир тури. Меҳнат интизомини бузувчига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллашда намоён бўлади. МКнинг 181-моддасига мувофиқ, меҳнат интизомини бузувчига қуйидаги жазо чораларини қўллаш мумкин: 1) ҳайфсан; 2) ўртача иш ҳақининг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима; 3) меҳнат шартномасини бекор қилиш.

ИНТИЗОМИЙ ҚИСМЛАР — судланган ҳарбий хизматчилар жазо ўташи учун мўлжалланган махсус ҳарбий қисмлар (батальонлар, ротолар).

ИНТИЗОМИЙ ҲАРБИЙ ҚИСМДА УШЛАБ ТУРИШ — ЎзРнинг жиноят ҳуқуқига кўра (ЎзР ЖК 49-моддаси) жазонинг бир тури (фақат асосий жазо тури сифатида тайинланадиган). Чақирув буйича ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга, шунингдек, контракт буйича оддий аскар ва сержантлар таркибида ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга, агар улар суд ҳукмни чиқарадиган пайтгача қонунда белгиланган хизматга доир хизмат муддатини ўтаб бўлишмаган бўлса, тайинланади. Бундай жазо ЎзР ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар содир қилинганида, шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш жазосини интизомий ҳарбий қисмда икки йилдан ортиқ бўлмаган муддатга алмаштиришнинг иложи бўлмаганида уч ойдан икки йилгача бўлган муддатга белгиланади.

ИНФЛЯЦИЯ ШАРТИ — 1) ойлик маоши келишувидаги шарт. И. ш. пул кўрсаткичи маълум даражадан ошганда, маошнинг ҳам автоматик равишда оширилишини назарда тутади; 2) пул қадрсизланиши натижасида нархларнинг ўсиши туфайли маҳсулотнинг ҳам нархини ошириш ва инфляция чегиримларини ҳам қоплаш учун қўшимча тўловни амалга ошириш буйича контракт шарти.

ИНФРАКЦИЯ — шартнома (контракт) шартларининг бузилиши.

ИОНЛАШТИРУВЧИ НУРЛАНИШ — радиоактив парчаланишда, ядровий эврилишларда, моддий зарядланган заррачалар ҳаракатининг секинлашувида ҳосил қиладиган ҳамда муҳит билан ўзаро таъсир этиш чоғида ҳар хил қутбли ионлар ҳосил қиладиган нурланиш. Мазкур таъриф-қоида ЎзРнинг 2000 йилда қабул қилинган «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги қонунининг 2-моддасида мустаҳкамланган.

ИПОТЕКА (юн. Hypotheke — гаров) — участкалар, корхоналар, бинолар, иншоотлар, квартиралар ва бошқа кўчмас мол-мулкни гаровга қўйиш. ЎзРда бу муносабатлар «Гаров тўғрисида»ги Қонун, ФК билан тартибга солинади. Ипотека шартномаси нотариал тасдиқланиши лозим ва тегишли мол-мулк билан буладиган битимларни рўйхатга олиш учун белгиланган тартибда рўйхатга олиниши керак. Ипотека белгиланган мол-мулк гаровга берувчига берилмайди.

ИПОТЕКА КРЕДИТИ — банк томонидан кўчмас мулк гаровга олиб берилувчи узоқ муддатли кредит.

ИПОТЕКА ОБЛИГАЦИЯСИ — юридик шахсларнинг ипотека билан, яъни кўчмас мулкни гаровга қўйиш билан таъминланган облигациялари.

ИРҚЧИЛИК ВА ИРҚИЙ КАМСИТИШ — халқаро ҳуқуқбузарликнинг бир тури бўлиб, 1966 йилдаги ҳар қандай ирқий келишмовчиликларни тугатиш ҳақидаги конвенцияда қораланган, унга кўра ҳар қандай ирқчилик фикрларининг тарқатилиши; ҳар қандай ирқий камситишни қўллаб-қувватловчилар қонун билан жазоланади.

ИСБОТЛАШ — жиноят процессида суриштирув, дастлабки тергов, прокурор ва суднинг жиноят судловининг бошқа субъектлари иштирокидаги аниқланиши, жиноят ишини тўғри ҳал этиш учун зарур бўлган ҳолатлар ҳақидаги фактик маълумотларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш буйича жиноят-процессуал қонун билан тартибга солинган фаолияти. Жиноят процессида И.нинг судни жиноят-процессуал воситалар ёрдамида қарор қабул қилиш учун аҳамиятли бўлган бар-

ча фактлар мавжудлигига ишонтириш мақсадини кузловчи айблов (шунингдек, ҳимоя) вакилининг фаолияти сифатидаги бошқа таърифи ҳам мавжуд.

ЎзР ЖПКга мувофиқ, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда муҳокама қилиш чоғида қуйидагилар исботланиши лозим: 1) жиноят воқеаси (жиноятни содир этиш вақти, жойи, усули ва бошқа ҳолатлари); 2) айбланувчининг жиноят содир этишда айбдорлиги ва жиноят мотивлари; 3) айбланувчи жавобгарлигининг даражаси ва характерига таъсир этувчи ҳолатлар ҳамда айбланувчи шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатлар; 4) жиноят туфайли етказилган зиён хусусияти ва миқдори. И. мажбурияти (оғирлиги) айблов томонининг вакили бўлган шахсларга юклатилади. Фуқаролик ва хўжалик процессида И. деб суднинг ва ишда қатнашувчи шахсларнинг суд далиллари ёрдамида томонлар ўртасидаги баҳснинг моҳияти бўйича ҳал этилиши билан боғлиқ бўлган фактларни судда исботлаш орқали аниқлашга қаратилган фаолиятига айтилади. Бунда ҳар бир томон ўз талаблари ва эътирозларига кўра асосланадиган ҳолатларни исботлаши керак бўлади. Суд қайси ҳолатлар иш учун аҳамиятли эканлигини, қайси томон ушбу ҳолатларни исботлаши лозимлигини аниқлайди, ушбу ҳолатларни томонлар улардан айримларига асосланмаган тақдирда ҳам муҳокамага қўяди. Суд барча учун маълум деб эътироф этган ҳолатлар исботланмайди.

ИСБОТЛАШ ВА ДАЛИЛЛАРНИ КЕЛТИРИШ МАЖБУРИЯТИ (исботлаш юки) — процесс иштирокчилари орасида иш учун керакли у ёки бу ҳолатларнинг мавжудлигини исботлаш бўйича мажбуриятларни тақсимлаш тартиби. Фуқаролик процессида ҳар бир томон ўз талаблари ва эътирозларининг асоси сифатида таянаётган ҳолатларни исботлаб бериши шарт. Шунга ўхшаш қоида ХПКнинг 31-моддасида ҳам белгиланган. Жиноят процессида гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг айбини исботлаш айбловчи тарафга юклатилади.

ИСЛОҲОТ (фр. reforme, лот. — reformare, инглз. reform, рус. реформа — янгиланиш, яхшилаш, ўзгариш, тузатиш, қайта қуриш, давлатнинг муҳим ишларидаги ўзгаришлар қайта қуришлар (тартиблар, институтлар, муассасалар) — демак, И. 1) тузатиш, ўзгартириш, қайта қуриш; 2) бирор соҳада турли равишда ўтказиладиган ўзгартириш, ислоҳот ўтказиш.

ИСМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ — жисмоний шахсларнинг ўз исмларига эга бўлишлари. ЎзР ФКнинг 19-моддасига асосан, қонундан ёки миллий одатдан бошқача тартиб келиб чиқмаса, фуқаро ўз фамилияси ва номидан, шунингдек, отасининг исми билан ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлади ҳамда уларни амалга оширади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда фуқаро тахаллусдан (тўқилган исм) фойдаланиши мумкин. Шу билан бирга, фуқаро қонунда белгиланган тартибда ўз исмини ўзгартириши мумкин. Бунда аввалги исми билан олган ҳуқуқ ва бурчларини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлмайди. Фуқаро туғилган вақтда олган исмни, шунингдек, ўзгартирилган исмини фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши керак.

ИСНОД (араб.) — бирор нарсани бирор кишига нисбат бериш. Шариатда ҳар бир ҳадиснинг таркибий қисми, ҳадис нисбат берилган ҳар бир киши. Ҳадиснинг бошланишида уни биринчи бўлиб айтган ва

эшитган кишидан бошлаб, ҳадисларни тўпловчиларгача барча шахсларнинг исмлари бирма-бир кўрсатиб чиқилади ва бу ҳадиснинг асоси, далили ҳисобланади. Ҳадиснинг ҳақиқий эканлигини муҳаддис ва олимлар шу исмларни таққослаш йўли билан текширганлар.

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ — ижтимоий, иқтисодий муносабатларда, маиший ёки ишлаб чиқариш жараёнида қўлланиладиган буюмлар. И. б. бир марта ишлатиш орқали йўқ этилади ёки бошқа шаклга ўтади. И. б. ўз хусусиятларини йўқотмай лекин ўзига хос равишда эскириши ҳам мумкин. Ўз сифатларини йўқотувчи истеъмол қилинмайдиган буюмлардан (уй-жой, машина, мебел кабилар) айнан шу бир истеъмолдан кейин йўқолиши ёки бошқа шаклга ўтиши (масалан, хомашёлар ва уларни қайта ишлаш) билан ажралиб туради. Буюм ва ашёларнинг бу хусусиятлари хўжалик шартномалари тузишда эътиборга олинади.

ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ — товарлар ва хизматларнинг охирги истеъмолчисига бериладиган кредит.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ — ЎзРнинг 1996 йил 26 апрелдаги «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасига мувофиқ, истеъмолчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга: товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш; товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши; товар (хизмат)нинг хавфсиз бўлиши; ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсони бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши; бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш; истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш.

ИТТИФОҚ — 1) ягона олий ҳокимиятга (марказий) эга бўлган, бир неча бирлашган давлатлардан ёки ўзини-ўзи бошқарадиган колониялардан (масалан, Австралия Иттифоқи каби) иборат давлат тузилмаси; 2) жамоат бирлашмаси, ташкилот («иттифоқлар эркинлиги» тушунчаси шу маънода ишлатилади).

ИТТИФОҚ ҲУДУДЛАРИ — Ҳиндистон федерациясининг 6 та ўзини ўзи бошқармайдиган субъектлари номи (И.ҳ. дан ташқари унга 25 та штат киради). Ҳиндистон Конституциясига биноан И.ҳ. мамлакат президенти (аслида — ҳудуд) томонидан у тайинлайдиган шахслар орқали бошқарилади. Ҳозирги вақтда И.ҳ.нинг бир қисмини федерал ҳукумат тайинлайдиган маъмурлар (бош комиссарлар) бошқаради, бошқа тайинланган лейтенант-губернаторлар ҳузурида эса сайлаб қўйиладиган йиғилишлар ва улар ташкил этадиган ҳуқуқлар мавжуд.

ИХТИЁРИЙ СУҒУРТА — суғурта қилиш шаклларидан бири; мажбурий суғуртадан фарқли ўлароқ, суғурта қилувчи ва суғурта қилдирувчи ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади. Суғурта қилишнинг умумий шартлари ва тартибини белгиловчи И.с. қоидалари суғурта қилувчи томонидан ЎзРнинг «Суғурта тўғрисида»ги 1999 й. қонуни талабларига биноан мустақил равишда белгиланади. Суғурта қилишнинг аниқ шартлари суғурта шартномасини тузиш чоғида белгиланади.

ИХТИРО — ижобий фойда берувчи мудофаа, техника, фан, маданият, ижтимоий ривожланиш, ҳар қандай иқтисодий соҳадаги масалаларни жиддий фарқлари билан техник ҳал қилиш имконига эга бўлган фуқаролик ҳуқуқидаги янгилик. И. — саноат мулки объектларидан бири бўлиб, патент ҳуқуқи билан ҳимоя қилинади. ЎзРнинг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасига биноан И., агар у янги бўлиб, саноатда қўлланилиши ва ихтиролик даражасига эга бўлса, ҳуқуқий ҳимоя қилиниш имкониятига эга бўлади.

Агар И. техник даражаси жиҳатидан маълум бўлмаса, у янги деб ҳисобланади. И., ихтирочилик даражасига эга, агар у мутахассис учун очиқдан-очиқ тарзда техникавий даражасидан боғлиқ бўлмаса, техникавий даражаси дунёда биринчилиги оммабоп бўлган вақтигача ҳар қандай маълумотни қамраб олади. Техникавий даражасида И.нинг янгилигини белгилашда фойдали моделлар ва И.ларга (чақириб олинганлардан ташқари) уларнинг дастлабки эканлиги шароитида ЎзРда бошқа шахслар томонидан барча берилган талабномалар, шунингдек, ЎзРда патентланган ихтиролар ва фойдали моделлар қамраб олинади. И., агар у саноатда, қишлоқ хўжалигида, соғлиқни сақлашда ва бошқа соҳалар фаолиятида фойдаланиш мумкин бўлса, саноатда қўлланиладиган бўлиб ҳисобланади. И.нинг объекти қуйидагилар бўлиши мумкин: мослама, усул, модда, микроорганизмлар штамми, ҳайвонлар ва ўсимлик тўқималари, шунингдек илгари маълум бўлган мослама, усул, модда штамм янги тайинланиши бўйича қўлланилиши. Қуйидагилар патент қобилияти йўқ деб тан олинади: илмий назария ва математик усуллар; хўжаликни бошқариш ва ташкил этиш усуллари; белги ҳолати, жадвал, қоида; ақлий операцияларни бажариш усули; ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва алгоритмлар; иншоотлар, иморатлар, ҳудудлар, режа ва лойиҳалар схемаси; фақат эстетик талабни қондиришга йўналтирилган буюмнинг ташқи кўринишига тааллуқли қарор; топологик интеграл микросхемалар; ҳайвонлар зоти ва ўсимликлар нави; жамоат манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқий жараёнларга зид қарор.

ИХТИРОЧИЛИК ДАРАЖАСИ — ЎзРнинг 1994 йил 6 майдаги «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ихтиронинг патент лаёқати (мезони) уч ҳолатдан иборат, ихтиро агар у мутахассис учун бирдан-бир намуна бўлиб техникавий даражаси билан боғлиқ бўлмаса, ихтирочилик даражасига эга. Бошқа ҳолатда янгилиги ва саноатда қўлланиши унинг шарти бўлиб ҳисобланади.

ИХТИСОСЛАШУВ — ҳар бир нави, маркаси, артикули ва зарур ҳолларда нархи, сифат кўрсаткичлари кўрсатилган таклиф этиладиган ёки етказиб берилаётган товарлар рўйхати. И. — шартноманинг таркибий қисми. И.нинг бир неча тури мавжуд: 1) юклаб жўнатиш — агар товар туркуми алоҳида юк жойларидан иборат бўлса, ҳар бир жой учун тузилади; 2) шартномага илова қилинадиган И. одатда шартноманинг таркибий қисми ҳисобланади; 3) ҳисобварақ И. ҳисоб-китоб ҳужжатининг бир қисми ҳисобланади.

ИЧКИ СИЁСАТ — давлат ҳокимиятига эга ташкилотлар ва шахсларнинг бир давлат ҳудудида жамият ҳаётининг турли жабҳаларини ҳуқуқий воситалар билан тартибга солишга қаратилган фаолияти. И.с. масалаларига қуйидагилар киради: давлат ва жамият тузилиши ва тараққиётни

белгилаш; мавжуд иқтисодий ва ижтимоий тизимни ҳимоялаш ва уларни ислоҳ қилиш; маданият ва таълим ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаш; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни таъминлаш.

И.с. фақат давлат бошқаруви идоралари томонидангина амалга оширилмайди, турли жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар (сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, ноҳукумат ташкилотлари ва б.), фуқаролар ҳам унда иштирок этадилар. ЎзРнинг ҳар бир фуқароси парламент, Президент ва маҳаллий ҳокимият идораларига сайловларда иштирок этиш орқали давлатнинг ички сиёсатига таъсир кўрсатиши мумкин.

ЎзР ички сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: давлат ва жамият ҳаётининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш; жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий томонини демократлаштириш ва ислоҳ қилиш; сайлов тизимини янгилаш; мустақил, юқори технологияга асосланган, самарали ва қулай иқтисодиётни яратиш; миллий онгни шакллантириш ҳамда миллатнинг маданияти ва маънавиятини ривожлантириш.

ИЧКИ ТУРИЗМ — ЎзРда доимий яшовчи шахсларнинг ЎзР доирасидаги саёҳати.

ИШ БЕРУВЧИЛАР — юридик шахслар, шу жумладан, чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, уларнинг чет эл ташкилотлари (ўз фаолиятини Ўзбекистон ҳудудида бажарувчи); фермер хўжаликлари; Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ва меҳнат шартномасига биноан ишга олувчи шахсий тадбиркорлар иш берувчилар ҳисобланадилар.

ИШ БЕРУВЧИНИНГ МУДДАТЛИ МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТУЗИШ ҲУҚУҚИНИ ЧЕКЛАШ — муддатли меҳнат шартномалари бажарилажак ишнинг хусусиятлари, уни бажариш шартлари ёки ходимларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган, шунингдек, қонунда назарда тутилган ҳолларда тузилади (МКнинг 76-моддаси).

ИШ ВАҚТИ — меҳнат ҳуқуқида календарь вақтининг бир қисми, бу вақт мобайнида ишчи ёки хизматчи ўзига кўрсатилган жойда топширилган ишини ёки бошқа иш мажбуриятларини бажариши керак. Бир ҳафталик иш вақти 40 соатдан ошмаслиги керак. 18 ёшга етмаган ишчилар учун қисқартирилган муддат белгиланади: 1) 16—18 ёшгача ҳафтасига 36 соат; 2) 15—16 ёшгача ва шу билан бирга таътил вақтида ишлайдиган ишчилар, яъни 14—15 ёшгача бўлганларнинг иш вақти 24 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Қисқартирилган иш вақти айрим қатламда ишчилар, ўқитувчи, врач, аёллар, қишлоқ жойларида ишловчилар учун берилади. Иш вақти тўғрисида (ЎзР МКнинг 114—125-моддаларида мукаммал баён этилган. Яъни иш вақтига тушунча берилиши билан бирга иш вақтининг муддатлари (нормал, қисқартирилган, тўлиқсиз иш вақти) иш вақтидан ташқари иш куни муддатлари тўғрисида сўз боради.

ИШ МУОМАЛАСИ ОДАТЛАРИ (маҳаллий одат ва анъаналар) — ФКнинг 6-моддасига биноан, тадбиркорлик фаолиятининг бирон-бир соҳасида вужудга келган ва кенг қўлланадиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган хулқ-атвор қоидаси, бирон-бир ҳужжатда ёзилганлиги ёки ёзилмаганлигидан қатъи назар, иш муомаласи одати деб ҳисобланади. Фуқаролик қонун ҳужжатларида тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, бу муносабатларни тартибга солишда маҳаллий одат

ва анъаналар қўлланилади. Тегишли муносабат иштирокчилари учун мажбурий бўлган қонун ҳужжатлари нормаларига ёки шартномага зид бўлган иш муомаласида одатлар ва маҳаллий анъаналар қўлланилади.

ИШ ТАШЛАШ — қонунчиликда белгиланганидек, «Меҳнат жамоаси мунозарасини (тўлиқ ёки қисман) ҳал қилиш мақсадида ходимларнинг меҳнат мажбуриятларини бажаришдан вақтинча — ихтиёрий бош тортиши». ЎзР Конституциясининг 33-моддасига биноан «Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини ЎзР қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар (ЎзРнинг Конституцияси 34-м.).

Агар муросага келтириш тартиби меҳнат жамоаси мунозараларини ҳал қилишга олиб келмаса ёхуд иш берувчи меҳнат жамоаси мунозарасини ҳал қилиш жараёнида эришилган битимни бажармаса, муросага келтириш тартибидан бош тортса, ходимлар, иш ташлаш ҳуқуқини қўшиб ҳисоблаганда, йиғилишлар, митинглар, намойишлардан фойдаланишга ҳақли. И.т.да қатнашиш ихтиёрийдир. Ҳеч ким И.т.да қатнашишга мажбурланиши ёки унда қатнашишдан бош тортишга ҳақли эмас. Иш берувчининг вакиллари иш ташлашни ташкил этишга ва унда қатнашишга ҳақли эмас.

И.т.ни эълон қилиш ҳақидаги қарор касаба уюшмалари бирлашмаси, касаба ташкилотлари ёки ходимлари ташкилотлари, ташкилотларининг филиаллари вакиллари йигилишида (конференциясида) қабул қилинади. И.т.нинг бошланиши тўғрисида иш берувчи ўн календарь куни олдин ёзма равишда огоҳлантирилиши лозим.

ИШ ТАШЛАШ ҲУҚУҚИ — айрим давлатларда демократик принцип сифатида ва меҳнат қилиш ҳуқуқининг кафолати тариқасида сақлаб қолинган фуқаролар ҳуқуқи.

ИШ ҲАҚИ — меҳнат қонунчилиги талаблари ва меҳнат шартномалари шартларига мувофиқ, ходимга иш берувчи меҳнат ҳақи тўлаши шарт. ЎзР МК нинг 153-моддасига мувофиқ, «меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади». И. ҳ. қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон-бир тарзда чекланмайди.

Муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган энг кам И.ҳ. миқдоридан оз бўлиши мумкин эмас.

ИШ ҲАҚИДАН УШЛАБ ҚОЛИШ — ЎзР меҳнат ҳуқуқига асосан маъмуриятнинг топшириғи бўйича фақат қонунда назарда тутилган ҳолларгагина амалга оширилади, масалан: иш ҳақи ҳисобидан берилган аванс (бунак)ни қайтариш учун; ҳисоб-китобдаги хатолар оқибатида ортиқча тўланган пулни қайтариш учун; ходимнинг айби билан етказилган зарарни қоплаш чоғида. Ҳар бир иш ҳақини тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган маблағнинг умумий ҳажми иш ҳақининг 20% дан, қонунларда махсус назарда тутилган айрим ҳолларда ёки бир неча ижроия ҳужжатлар буйича ушлаб қолиш чоғида эса — иш ҳақининг 50% дан ошмаслиги керак.

ИШБИЛАРМОНЛИК ОПЕРАЦИЯЛАРИ — маҳсулот ва хизмат-

ларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва улардан фойдаланиш; товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар яратган қўшимча қийматни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш; жамғармаларни қайта тақсимлаш ҳамда молиявий актив ва пассивларнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган тижорат битимлари.

ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ — ЎзРда давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек, ушбу хизматни кўрсатишга ихтисослашган корхоналарнинг аҳолига истеъдоди, қобилияти, касбий тайёргарлиги, маълумотига мос равишда ва ижтимоий эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда иш топиш, ишга жўнатиш ва жойлаштиришда ёрдамлашиш мақсадида ташкил этган тадбирлари тизими. ЎзР қонун ҳужжатларига биноан, фуқароларни И.ж. вазифаси давлатнинг иш билан таъминлаш хизматига юклатилган.

ИШГА ЧИҚМАСЛИК — 1) ЎзР МК талабларига кўра (100-модда) ходимнинг мунтазам равишда ўз хизмат вазифаларини бузиши сифатида тушунилади ва ходимни иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатишга асос бўлади. 2) Шу кодекснинг 102-моддасига кўра эса, ишга чиқмаслик ҳуқуқи ходимга бошқа иш қидириш учун берилади. Бунда маъмурият уч кун олдин ходимни огоҳлантиради ва шу билан бирга бир кун иш ҳақи сақланган ҳолда иш топиш учун ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилади.

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШДАГИ СИНОВ — ишчи ва хизматчининг унга топширилган ишга мувофиқ келиш-келмаслигини текшириш; меҳнат шартномасини тузиш вақтида келишув билан назарда тутилиши мумкин. Синов тўғрисидаги шарт буйруқда кўрсатилиши керак.

ИШДА ҚАТНАШАЁТГАН ТАРАФЛАРНИНГ ТУШУНТИРИШЛАРИ — фуқаролик ва хўжалик процессида далилларни тасдиқлаш воситаси. ФПКнинг 68-моддасига мувофиқ, тарафлар ва учинчи шахсларнинг ҳамда улар қонуний вакилларининг ўзларига маълум ва иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги тушунтиришлари иш юзасидан тўпланган бошқа далиллар қатори текширилиши ва баҳоланиши лозим. ХПКнинг 39-моддасига мувофиқ, хўжалик низосининг моҳияти юзасидан тушунтиришлар бериш учун чақирилган ташкилотларнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари суд процессида иштирок этишлари мумкин.

ИШДАН ЧЕТЛАШТИРИШ — ойлик маошини ушлаб қолган ҳолда ходимни вақтинча ишдан четлаштириш. МКнинг 113-моддасига мувофиқ, ходимни ишдан четлаштиришга, қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари йўл қўйилмайди. Алкоголли ичимликдан, наркотик ёки заҳарли модда таъсиридан мастлик ҳолатида ишга келган ходим шу куни (сменада) ишга қўйилмайди.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ — Қ.: *Меҳнат муҳофазаси.*

ИШНИ СИРТДАН КЎРИШ — ЎзР ҳуқуқида: 1) Жиноят процессида судланувчи бўлмаганда ишнинг суд томонидан кўрилиши. Судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини таъминлаш ҳақиқатни аниқлаш, иш ҳолатларини тўлиқ ва объектив текширишни ҳар томонлама таъминлаш мақсадида, ЎзР ЖПКда судланувчининг шахсан ўзи судга келиши шартлигини тан олади. Иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга монелик қилмаган тақдирдагина, ишни сиртдан кўришга йўл қўйилади (ЎзР ЖПК 410-модда). Ишнинг судланувчининг иштирокисиз муҳокама қилинишига судланувчи

ЎзР ҳудудидан ташқарида бўлган ва судга келишдан бўйин товлаган, шунингдек, унга озодликдан маҳрум қилиш тарзида жазо тайинлаш мумкин бўлмаганда жиноят тўғрисидаги иш бўйича судланувчининг ўзи илтимос қилади (бундай илтимоснома мотиви баён қилиниб, ёзма расмийлаштирилган бўлиши шарт). Аммо, суд бу ҳолларда ҳам судланувчининг судга келишга мажбурлигини тан олиши шарт; судга келмаган судланувчини суд мажбурий келтиришга, шунингдек, унга нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартиришга ҳақлидир. Суд мажлисида тартибни бузган, раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунмаганлиги учун суд залидан чиқариб юборилган бўлса, ҳукм унинг иштирокида эълон қилиниши ёки эълон қилинганидан кейин унга дарҳол маълум қилиниб, тилхат олиниши лозим. 2) Фуқаролик процессида ишни сиртдан кўриш — даъвогар ва жавобгар, шунингдек, иккаласи ҳам бўлмаганда суд томонидан ишни кўриш. Агар даъвогар ёки жавобгардан ёхуд ҳар иккала тарафдан уларнинг иштирокисиз ишни муҳокама қилиш тўғрисида ариза тушган бўлса, ишни сиртдан кўришга йўл қўйилади. Қонунда назарда тутилмаган ҳолларда ишни сиртдан кўриш қонунни жиддий бузиш деб ҳисобланиб, ҳукмнинг, қарорнинг бекор қилинишига олиб келади.

ИШНИ ТАНЛОВ АСОСИДА ЮРИТИШ — қарзини тўлашга қурби етмайдиган корхонани мажбурий ёки ихтиёрий тарзда тугатишга қаратилган тартиб. Унинг натижасида конкурс массасини кредиторлар ўртасида тақсимлаш амалга оширилади. Хўжалик суди қарздорни қарзни тўлай олмайдиган (банкрот) деб эълон қилиб, уни мажбурий тарзда тугатиш ва И.т.а.ю. тўғрисида қарор қабул қилади. Қарздор банкрот деб эълон қилинган ва И.т.а.ю. тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб қарздорнинг мулкини бериш ёки бошқа субъект ихтиёрига топшириш тақиқланади (кредиторлар йиғилишида берилиши рухсат этилган мулк бундан мустасно); унинг қарзларини тўлаш; қарздорнинг барча қарз мажбуриятларини бажариш муддати бошланган ҳисобланади; қарздор корхонанинг бутун қарзлари бўйича пеня ва фоизларни ўтказиш тўхтатилади. Шу вақтдан эътиборан қарздорга нисбатан ҳар қандай мулкий даъволар И.т.а.ю. доирасида тақдим қилиниши мумкин. И.т.а.ю. билан суд қарздор-корхона раҳбари функцияларини бажариб турувчи ва унинг мулкини тассаруф қилувчи конкурс асосида бошқарувчини тайинлайди. И.т.а.ю. қатнашчилари асосида олинган бошқарувчи, кредиторлар мажлиси, қарздор, меҳнат жамоаси ишчилари ва бошқа манфаатдор шахслар ҳисобланади. Бухгалтерлик балансида кўрсатилган қарздорнинг барча мулки конкурс массасини ташкил қилади.

ИШОНЧ АСОСИДАГИ ШИРКАТ (коммандит ширкат) — ЎзР ФК га мувофиқ, ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ва ширкат мажбурияти бўйича жавоб берувчи иштирокчилар билан бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлиқ ўзлари қўшган улушлари доирасида зарар хавфига эга бўлган ва ширкатнинг тадбиркорлик фаолиятида қатнашмайдиган бир ёки бир неча омонатчи-иштирокчилар (коммандитистлар) ҳам бўлган ширкат. Тижорат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан бири.

ИШОНЧ БИЛДИРУВЧИ — *топшириқ шартномаси*нинг томони, муайян юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни ўз номидан ва ҳисобидан бажаришни бошқа шахс (ишончли вакил)га ишониб топширувчи жисмоний ёки юридик шахс.

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ — бирор шахснинг муайян мамлакатда элчи ёки дипломатик вакил сифатида тайинланганлигини тасдиқловчи расмий хат шаклидаги махсус ҳужжат. И.ё. хорижий давлат бошлиғи номидан қабул қилувчи давлат бошлиғига йўлланади. И.ё.да мазкур шахсга давлат манфаатларини ифодалаш топширилганлиги, унинг сўзлари ва ҳаракатларига ишониш лозимлиги таъкидланади. Давлат бошлиғи томонидан И.ё.нинг қабул қилиниши тайинланган ва етиб келган хорижий мамлакат ёки халқаро ташкилот элчиси ёки дипломатик вакили мазкур давлатда аккредитация қилинган, яъни ўз вазифаларини бажаришга расман киришганлигини билдиради. Дипломатик вакиллар вазифаларининг тугаши давлат бошлиғига чақирув ёрлиғини тақдим этиш билан расмийлаштирилади. ЎзРнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларини тайинлаш ва чақириб олиш тартиби 1992 й. 3 июлдаги «ЎзРнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларини тайинлаш ва чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги қонун билан белгиланади. Мазкур қонун 1961 й.ги «Дипломатик алоқалар тўғрисида»ги Вена конвенциясига ва бошқа умум эътироф этган халқаро ҳуқуқий нормалар ва қоидаларга тўла мувофиқдир.

ИШОНЧ ЁРЛИҒИНИ БОШҚА БИР ШАХСГА БЕРИШ — берилган ишонч ёрлиғини бир шахс номидан бошқа шахс номига ўтказиш.

ИШОНЧ ХАТИ — фуқаролик ҳуқуқида бир шахс бошқа шахсга учинчи шахслар олдида унинг номидан иш юритиши учун берадиган ёзма ваколат.

ИШОНЧЛИ БОШҚАРУВЧИ — бошқарув таъсисчисининг манфаатлари йўлида ишонч асосида бошқаришни амалга оширувчи шахс.

ИШОНЧЛИ ВАКИЛ — 1) банкрот корхона тугатилганда ёки қайта ташкил этилганда унинг мулкини бошқариш учун хўжалик суди тайинлайдиган ёки кредиторлар йиғилишида сайланадиган манфаатдор бўлмаган жисмоний ёки юридик шахс; ишонч билдирувчи шахс ўзининг ўрнига муайян функцияларни бажаришни ишониб топширадиган шахс; 2) фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда ўзаро шартномалар асосида фаолияти белгиланган шахс. И.в. вакиллик берувчи шахс номидан ҳуқуқий ҳаракатларни (берилган ҳуқуқ доирасида) амалга оширади. Фуқаролик ишлари бўйича шартномалар (битимлар) тузишда И.в. ҳуқуқ ва мажбуриятлари ЎзР ФКнинг 10-бандида баён этилган.

ИШОНЧЛИ МУЛК (траст) — инглиз-америка ҳуқуқининг мураккаб институти, мулкий ҳуқуқнинг махсус шакли. И.м.да моҳиятан бир шахс — ишонч билдирилган мулкдор ўзига бошқа шахс — таъсисчи (**сетллор**) томонидан берилган мулкни бошқаради. Бунда мулкий ҳуқуқдаги ваколатлар гўёки «бўлинади». Ишонч билдирилган мулкдор сотиб олинган мулкдан таъсисчи кўрсатган мақсадлардагина фойдаланади. Бундан ташқари, у ўз ҳуқуқини ўзи учун эмас, балки бошқа кишилар — фойда олувчилар, *бенифициарийлар* учун ишлатади. Фойда олувчи таъсисчининг ўзи ҳам, у кўрсатган шахс ҳам бўлиши мумкин. Ишонч билдирилган мулкдор юридик идоралар, васий ва бошқалар (квазиишонч билдирилган мулкдорлар) бўлиши мумкин.

ИШОНЧЛИ ПАЙ ФОНДЛАРИ — бир қатор мамлакатларда аҳолининг оз миқдордаги жамғармаларини тўплаб, акция ва облигацияларга сарфловчи кредит-молия муассасалари. И.п.ф. акционерлик жамиятлари

бўлмай, ўз капиталини даромадда мутаносиб улушга ҳуқуқ берувчи пайларни сотиш орқали сафарбар қилади.

ИШОНЧЛИ ФОНДЛАР — инглиз ҳуқуқида ишончли фондлар — муайян ишончли шахснинг унинг назоратига берилган мулкни учинчи шахслар (фонд бенифицарлари) манфаати йўлида бошқариш мажбурияти. Мазкур учинчи шахслар қаторига ушбу ишончли вакилнинг ўзи ҳам, мулкни бошқариш ҳуқуқини олаётган шахс ҳам кириши мумкин.

ИШТИРОКЧИЛИКДА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ — ЎзР ЖКнинг 58-м. 2-қисмида кўрсатилган. Иштирокчиликда содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда суд ҳар қайси иштирокчининг шахсига тегишли бўлган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар суд томонидан фақат шу иштирокчининг ўзига жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

ИШЧАНЛИК ОБРЎСИ (репутация) — *номоддий бойликлар*дан бири, муайян шахс ишчанлик қобилиятининг баҳоси. И.о.га ҳар қандай фуқаро, жумладан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган киши, шунингдек, ҳар қандай юридик шахс — тижорат ва нотижорат ташкилотлари, давлат ва муниципал корхоналар, муассасалар ва б. киради. Қ., шунингдек, *Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш.*

ИШЧИ (ХОДИМ) — ташкилотнинг ички тартиб-қоидасига бўйсунувчи, меҳнат шартномаси асосида ишлайдиган шахс.

Фуқаровий-ҳуқуқий шартнома асосида ишлаганлар ишчи (ходим) ҳисобланмайдилар, шундай шахсларга нисбатан меҳнат ҳуқуқи нормалари амал қилмайди. Ходим тушунчаси (ЎзРда меҳнат қонунига 1996 йилда киритилган). ЎзР МКга биноан ҳар бир ишчи адолатли меҳнат шароитида, санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилган ҳолда меҳнат қилиши, унга иш вақтида етказилган шикастни қопланиши ходимга бир хилда ва энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган ҳолда ҳақ тўлаш; касб ва ишига ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътилларига дам олиш учун чиқиш; ёшига қараб ижтимоий таъминот олиш, ўзининг меҳнат ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш.

Ходимнинг мажбуриятлари: ўзининг меҳнат мажбуриятларини виждонан бажариш; меҳнат интизомига риоя қилиш; ташкилотнинг мулкини асраб-авайлаш; меҳнат нормаларини бажариш;

ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР — миллий иқтисод, унинг тармоқлари ёки соҳаларига зиён етказадиган ёки зиён етказиши мумкин бўлган ва жиноят қонунчилигида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)дир. Бундай жиноятлар содир этиш билан давлатга, жамоатга, жамоат бирлашмаларига ёки айрим фуқароларга моддий зиён етказилади, жамиятнинг иқтисодий негизларига тажовуз қилинади. Бу каби жиноятлар ўз хусусиятларига кўра, иқтисоднинг узвий ривожланишига тўсқинлик қилади, ЎзР ЖКнинг 3-бўлимида бу ҳақда умумий қоидалар баён этилган.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ДЕМОНОПОЛЛАШУВИ — *рақобат* ва бозор муносабатларининг ривожланиш жараёни. Ушбу жараён асосида қуйидаги тадбирлар ётади: 1) маъмурий-буйруқбозлик тизими, унинг монополистик муносабатларнинг сақланиб қолишига ва тикланишига имкон берувчи бўғинларининг бутунлай бузиб ташланиши; 2) ишлаб чиқариш тузилишининг мавжуд корхоналарни йириклаштириш ва ди-

версификация қилиш асосида ўзгариши; 3) иқтисодиётдаги монополизмни аниқлаш ва бартараф этишнинг ташкилий ва ҳуқуқий механизмини шакллантириш.

ИҚТИСОДИЙ БЎҲРОН — 1) ортиқча маҳсулот кризиси — аҳолининг тўлов қуввати камлиги натижасида ишлаб чиқарилган товарларни сотиб ололмасликлари натижасида юзага келадиган инқироз; 2) тузилмавий инқироз — амалдаги иқтисодий механизмлар ва иқтисодиётнинг ривожланиши натижасида юзага келган номувофиқликлар (масалан, энергетик инқироз, валюта инқирози).

ИҚТИСОДИЙ ЖОСУСЛИК — қонунга хилоф равишда иқтисодиёт, тижорат, ишлаб чиқариш соҳасидаги маълумотларни ўз манфаатлари учун олиш ва фойдаланиш. Жумладан, банк соҳасидаги маълумотлар ёки ахборотлардан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун ҳам ЎзР ЖК буйича (177-модда) жиноий жавобгарлик белгиланган.

ИҚТИСОДИЙ ЗОНА — ҳудудий сувларга яқин бўлган кенглиги 200 мил бўлган, унда мустақил давлат маълум ҳуқуқларини амалга оширадиган ҳудуд. БМТнинг 1982 йилги Конвенциясига кўра, И.з. га яқин давлат табиат захираларини, жумладан, тирик ва нотирик захираларни, денгиздаги сувлар ва унинг тубидаги захираларни разведка қилиш, ишлаб чиқариш ва сақлаб қолиш, шунингдек, улардан фойдаланиш мақсадида; сунъий ороллар яратиш мақсадида; денгиз тадқиқотлари ўтказиш мақсадида; денгиз муҳитини сақлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида И.з. ҳуқуқига эга. Ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қирғоқ буйидаги давлат бошқа давлатларнинг ҳам ҳуқуқларини ҳисобга олиши керак. Барча давлатлар Конвенциянинг тегишли моддаларига риоя қилганларида кема ва ҳаво парвозлари эркинлиги (ҳарбий кема ва ҳаво парвози эркинлиги ҳам), сувости кабеллари ва қувурларини ўтказиш эркинлиги, шунингдек, халқаро ҳуқуқда ман қилинмаган бошқа денгиз эркинликлари ҳуқуқларига ҳам эга буладилар (масалан, кемаларни, учиш аппаратларини ва сувости кабеллари, қувурларидан фойдаланиш ҳуқуқи ва конвенциянинг бошқа қоидаларига мос келадиган эркинликлар). Денгизга чиқиш йўлларига эга бўлмаган ва географик жиҳатидан ноқулай жойлашган давлатлар И.з.нинг тирик захираларига чиқишга эга бўлган давлатлар билан адолатли асосларда ҳамкорлик қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай шартномаларнинг шартлари ва муддатлари манфаатдор томонларнинг келишувига кўра амалга оширилади. Конвенция балиқларнинг баъзи турларини ҳамда сут эмизувчиларнинг кичик турларини бошқариш ва сақлаш буйича ҳолатларни ҳам назарда тутади.

ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚ — МДҲ мамлакатларининг интеграцион иқтисодий бирлашмаси. Унинг тузилиши 1993 йил 24 сентябрда 11 та давлат, жумладан, ЎзР томонидан тузилган кўп томонлама шартнома асосида белгиланган. Украина И.и.қа уюшган аъзо сифатида кириш истагини билдирган. И.и.нинг мақсадлари этиб қуйидагилар белгиланган: бозор муносабатлари асосида ягона иқтисодий ҳудудни аста-секин юзага келтириш; барча субъектлар учун бир хилдаги имкониятларни вужудга келтириш; умумий қизиқиш уйғотувчи лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш; биргаликда иқтисодий муаммоларни ҳал этиш ҳамда табиий офатлар ва ҳалокатларнинг олдини олиш. Шартномада яна шу назарда тутилган эдики, И.и. товарлар, хизматлар, маблағлар ва ишчи кучининг эркин айланиши; келишилган солиқ, баҳо, ташқи иқтисодий, божхона

ва валюта сиёсатини ўтказиш; шартлашаётган томонлар хўжалик субъектларининг уйғунлашган хўжалик қонунлари; умумий статистик базага эга бўлиш. Бунинг учун босқичма-босқич равишда давлатлараро кўп томонлама савдо уюшмалари, божхона иттифоқи, товарлар, хизматлар, маблағлар ва иш кучининг умумий бозори, валюта иттифоқи яратилиши керак. Шартнома ўз иштирокчиларининг ҳудудида миллий режим яратилишини, визасиз келиб-кетишни, таълим ҳақидаги ҳужжатларнинг ўзаро қабул қилинишини ҳам назарда тутади. ЎзР И.и. ҳақидаги шартномани ратификация қилган. Шартнома рамкали хусусиятга эгалигидан келиб чиқиб уни амалга ошириш масалалари ЎзР ва МДҲ ўртасидаги божхона иттифоқи каби тор доирадаги келишувлар орқали таъминланмоқда.

ИҚТИСОДИЙ НИЗОЛАР — тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий соҳаларда юзага келадиган низолар. ЎзР тадбиркор шахслари юридик шахслар иштирокида юзага келадиган ва маъмурий, фуқаролик ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган И.н. хўжалик судларида кўриб чиқилади. Хўжалик судида кўриб чиқиладиган И.н.га, жумладан, қуйидагилар киради: а) тузилиши қонунда кўрсатилган шартномалар бўйича низолар ёки хўжалик суди томонидан амалга оширилиши керак бўлган низолар; б) шартномаларнинг ўзгариши ёки тугатилиши; в) мажбуриятларни бажармаганлик ёки етарлича бажармаганлик; г) мулк ҳуқуқини тан олиши; д) мулк эгасининг ўз мулкини бошқа ноқонуний эгасидан олиб бериш ҳақидаги низолар; е) мулкни тортиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда мулк эгасини ундан маҳрум қилиш билан боғлиқ низолар; ж) зарарларни ундириш ҳақида; з) давлат органлари, маҳаллий ҳокимият органларининг фуқаролар ва ташкилотларнинг қонуний манфаатларини бузувчи қарорларини тўла ёки қисман ноқонуний деб топиш; и) шаън, қадр-қиммат ва тадбиркорлик обрўйини ҳимоя қилиш; к) ундириш амалга оширилаётган ҳужжатнинг акцептсиз қайд қилиниши; л) фуқаро ёки ташкилотни давлат рўйхатига олиш ва қонунда кўрсатилган бошқа ҳолларда белгиланганига зид равишда уларга рад жавобини бериш; м) давлат ва маҳаллий органлар томонидан жарималар ундириш тўғрисидаги ишлар; н) бюджетдан назорат функцияларини амалга оширувчи органлар томонидан бошқа ташкилотлардан қонунлар ёки қонун ҳужжатларига зид равишда олинган қайтариб юборилган маблағлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш.

ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК — иқтисодиётнинг давлатнинг ижтимоий, сиёсий ва мудофаа қобилиятини ҳамда прогрессив ривожланишини таъминловчи ҳолати, унинг эҳтимол тутилган ташқи ва ички тажовузлардан ҳимояланишини таъминлаб берувчи ҳолат.

ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИК — юридик категория сифатида давлат томонидан рухсат этилган ва кафолатланган ҳуқуқий режимни назарда тутади. Унда қуйидагилар амалга оширилади: а) фуқаролар ва юридик шахсларнинг ошкора тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай монополия шаклларини тугатиш бўйича ҳаракатлар; б) хусусий тадбиркорликни сиқиб қўювчи ҳар қандай норматив-тартибга солувчи давлат назорати бартараф этилади ёки энг кам даражага туширилади.

ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚЛАР — иқтисодий соҳадаги инсон фаолиятини юридик жиҳатдан белгиловчи ҳуқуқларнинг мажмуи. Иқтисодий ҳуқуқ

ва эркинликларга меҳнат қилиш ҳуқуқи, касб ва меҳнат учун шароитлар яратиш ҳуқуқи. Хусусий мулкчилик ҳуқуқи, банкка қўйилган омонатни сир сақлаш ҳуқуқи, ишсизликдан муҳофаза қилиниш ҳуқуқи ва бошқалар киради. ЎзР Конституцияси ва меҳнат қонунчилиги ҳар бир шахсга ўзининг меҳнат қобилиятидан фойдаланишни кафолатлайди, иқтисодий жиҳатдан ҳар қандай мажбур қилишни ва меҳнат ҳақини тўлашда камситишни тақиқлайди, шу билан бирга истеъмолчи ҳуқуқларининг устуворлигини, тенглик ва мулкдорликнинг барча шаклларини муҳофаза қилишни кафолатлайди. Иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликлар ЎзР Конституциясининг 36—37 м.ларида таъкидланган.

«Й»

ЙИҒМА ҲУЖЖАТЛАР — бухгалтерлик ҳисобида бир қанча бирламчи ҳужжатларнинг тўплами бўлган ҳужжатлар. Уларда илгари тегишли бирламчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилган хўжалик операциялари акс эттирилади. Й.ҳ.га аванс ҳисоботлари, касса ҳисоботлари ва б. киради.

ЙИҒМА СМЕТАЛАР — вазирликлар, идоралар, жойлардаги ижроия органларга бўйсунадиган муассасаларнинг якка тартибдаги барча сметаларини ва марказлаштирилган тартибдаги тадбирларга оид сметани бирлаштиради. Йиғма ва якка тартибдаги сметаларнинг шакллари ЎзР Молия вазирлиги томонидан марказлаштирилган тартибда белгиланади. Якка тартибдаги смета — алоҳида муассасанинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган сметадир. Бир типдаги бюджет муассасалари учун харажатлар сметаларининг намунавий шакллари белгиланади. Улар уч асосий бўлимни ўз ичига олади: 1) муассаса ҳақидаги умумий маълумотлар, харажатларнинг йил чоракларига ва йўналишларга бўлинган умумий суммаси; 2) харажатларни белгилаш учун зарур бўлган оператив-ишлаб чиқариш кўрсаткичлари: штат бирликлари сони, хизмат кўрсатувчи ходимлар (синфлар, касалхонадаги ўринлар сони ва ҳоказо); 3) сметанинг алоҳида моддалари бўйича ҳисоб-китоблар. Смета ҳар бири қатъий мажбурий тусга эга бўлган харажатларнинг бир хилдаги гуруҳидан иборат бўлган моддаларни ўз ичига олади.

ЙИЛЛИК ЯКУНИЙ БАЛАНС — ҳисобот йилидан кейинги йил 1 январида (қолган) сальдони акс эттирувчи, текширилган бухгалтерия ҳисоботи.

ЙЎЛ БОЖИ — ички божларнинг тури; йўллар, сув йўллари, кўприклар орқали ва паромлардан ўтиш, юкларни, қорамолларни олиб ўтиш учун олинадиган тўлов.

ЙЎЛ ЖАМҒАРМАЛАРИ — давлат нобюджет жамғармаларининг тури. ЎзРда Й.ж. умумий фойдаланишдаги (шаҳардан ташқаридаги) автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, қайта қуриш ва қуриш билан боғлиқ харажатларни маблағ билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Й.ж.нинг умумий манбаларига қуйидагилар киради: ёнилғи-мойлаш материалларини сотиш солиқлари; автомобиль йўлларидан фойдаланувчилардан олинадиган солиқ; транспорт воситаларининг эгаларидан олинадиган солиқ; автотранспорт воситаларини харид қилиш чоғида олина-

диган солиқ; заём, лотерея ўйинларини ўтказиш, акцияларни сотиш, жарималардан келадиган маблағлар ва ҳ.к. Мамлакат йўл фондидан Ўзбекистон йўлларининг амалдаги тармоғини сақлаш ва таъмирлаш, йўлдан фойдаланиш техникасини харид қилиш, Ўзбекистон миқёсидаги йўлларни қайта қуриш ва қуриш учун фойдаланилади. Бундан ташқари, ушбу фонддан республика вилоятлари, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларига ЎзР ҳудудида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари тармоғининг ривожланиш даражасини тенглаштириш учун субвенция ва дотация ажратилиши мумкин. Ҳудудий Й.ж. тегишли вилоятларнинг мулки бўлган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, қайта қуриш ва қуришда фойдаланилади.

ЙЎЛ ЧЕКИ (туристик чек) — асосан носавдо хусусиятига эга бўлган халқаро ҳисоб-китоблар воситаси сифатида фойдаланиладиган тўлов ҳужжати. Баъзи мамлакатларда (АҚШ, Канада) ички ҳисоб-китобларда ҳам товар ва хизматларга нақд пулсиз ҳақ тўлаш учун қўлланилади. Й.ч. чек эгасига унда кўрсатилган пул миқдорини тўлаш мажбурияти (буйруғи)дан иборат бўлиб, чек эгаси имзосининг намунаси Й.ч.га уни сотиш вақтида қўйилади. Й.ч. эмитентларига тижорат банклари, бошқа кредитмолия институтлари, туристик ташкилотлар киради.

ЙЎЛЛАРДА ҲАРАКАТЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ — ЎзРнинг 1999 йил 19 августдаги «Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, йўлларда ҳаракатни таъминлаш бўйича ҳуқуқий ташкилий-техникавий тадбирлар ва бошқарув ҳаракатлари мажмуи.

ЙЎЛЛАРДА ҲАРАКАТЛАНИШ ИШТИРОКЧИСИ — ЎзР қонунларига биноан, йўлларда ҳаракатланиш жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, пиёда, транспорт воситасининг йўловчиси сифатида бевосита иштирок этадиган шахс. Фуқароларнинг ЎзР йўлларида хавфсиз шароитда ҳаракатланиш ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланади ва ЎзРнинг йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги тўғрисидаги қонунлари ва ЎзРнинг халқаро шартномаларини бажариш орқали таъминланади. Й.ҳ.и.нинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа Й.ҳ.и.нинг ҳуқуқларини чекламаслиги ёки поймол этмаслиги керак.

Й.ҳ.и. қуйидаги ҳуқуқларга эга: белгиланган қоидаларга мувофиқ ва улар асосида йўлларда эркин ва тусиқларсиз ҳаракатланиш; ижро этувчи ҳокимият органларидан, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларидан, автомобиль йўллари қарашли бўлган юридик шахслар ва фуқаролардан йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш шароитлари ҳақида ҳаққоний ахборот олиш; бунга ваколатли бўлган мансабдор шахслардан йўлларда ҳаракатланишни чеклаш ёки тақиқлаш сабаблари ҳақида маълумот олиш; йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ маҳсулотлар ва хизматлар сифатига оид тўлиқ ва ишончли ахборотни олиш; йўл-транспорт ҳодисаси вақтида қонун, бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ёки лицензиясида назарда тутилган талаблар билан зиммасига бепул тиббий ёрдам кўрсатиш, қутқарув ишлари ва бошқа шошилинч ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилган ташкилотлар ва (ёки) мансабдор шахслардан ана шундай хизматларни олиш; йўл-транспорт ҳодисаси натижасида улар шикастланган, транспорт воситаси ва (ёки) юк зарарланган тақдирда ЎзР қонунларида белгиланган асослар бўйича ва тартибда зарарни қоплатиш; ЎзР қонунларида белгиланган тартибда йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ўз ваколатларини

амалга ошираётган мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари юзасидан шикоят қилиш. Й.ҳ.и.лари ЎзР «Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги тўғрисида»ги 1999 йил 19 август қонунининг ва унга мувофиқ равишда чиқариладиган бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга доир қисми талабларини бажаришлари шарт.

ЙЎЛОВЧИ ВАРАҚАСИ — йўловчи самолётларидаги йўловчилар руйхати. Руйхатда йўловчининг исми, фамилияси ва бошқа маълумотлар қайд этилади.

ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ШАРТНОМАСИ — фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўлиб, унга кўра ташувчи йўловчини белгиланган манзилига элтиб қўйиш, йўловчи юк топширган тақдирда юкни ҳам белгиланган манзилга етказиш ва юкни олишга ваколатли бўлган шахсга бериш мажбуриятини олади; ўз навбатида, йўловчи йўл ҳақини, юк топширган тақдирда эса юк ташиш ҳақини ҳам тўлаш мажбуриятини олади. Й.т.ш.ни тузиш чипта билан, йўловчининг юк топшириши эса — юк квитанцияси билан тасдиқланади. Чипта ва юк квитанциясининг шакли транспорт низомлари ва кодексларида назарда тутилган тартибда белгиланади.

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИ — транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида ва унинг иштирокида юз берган ва одамларнинг ҳалок бўлишига ёки жароҳатланишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг зарарланишига ёхуд бошқа моддий зарар келтирилишига олиб келган воқеа.

ЙЎРИҚНОМА — 1) вазирликлар, давлат бошқарувининг бошқа марказий ва маҳаллий органлари раҳбарлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида чиқарадиган қонуни, фармойиши, ҳукумат ва давлат бошқарувининг юқори турувчи органларининг қарорлари ва актлари асосида бериладиган қонун кучига эга норматив акти; 2) ишлаб чиқаришва техника фаолиятини тартибга солувчи қоидалар тўплами.

«К»

КАБАЛ БИТИМЛАРИ — фуқаролик ҳуқуқида томонлардан бири учун номақбул бўлган, ўша томон ҳуқуқлари очиқдан-очиқ чеклаб қўйилиши оқибатида унинг эркин хоҳиш билдиришини истисно қилувчи ҳолатларда тузилган битим. ЎзР ФКнинг 123-моддасига мувофиқ алдаш, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ғараз ниятда келишиши таъсирида тузилган битим, шунингдек, фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битим (К.б.) жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

КАБИНЕТ (МИНИСТРЛАР КАБИНЕТИ) — ҳукуматнинг бутун ҳолдаги ёхуд унинг қисмининг ёхуд баъзи давлатларда министрлар йиғиндисининг номланиши. Бир қатор давлатларда (масалан, Буюк Британияда) ҳукумат ва кабинет тушунчаси бир-бирига мос келмайди. Бу мамлакатларда «ҳукумат» термини марказий ижроия идоралари (вазир-

ликлар, департаментлар) бошлиқлари ва баъзи бир юқори давлат мансабдорлари йиғиндисини билдиради, айни вақтда К. эса муҳим министрликлар раҳбарларидан иборат анча тор доирани билдиради. К. ҳукумат бошлиғи томонидан (Буюк Британияда, ГФРда, Италияда ва бошқа парламентар республикаларда) ёки давлат бошлиғи томонидан (АҚШда ва бошқа президентлик республикаларида) бошқарилади. Буюк Британияда К. таркибига фақатгина министрларнинг бир қисми киради. К. одатда конституцияда кўрсатиб ўтилмайдиган орган ҳисобланади. Унинг таркиби нафақат К. таркибига у ёки бу министрларни киритадиган, балки уни сон жиҳатидан белгилаб берадиган премьер томонидан белгиланади. Англияда К. — ҳақиқатда ўз қўлларида давлат ҳокимиятининг бутун қисмини йиғиб олган орган. Баъзи мамлакатларда ўз таркиби бўйича К.га қараганда янада торроқ бўлган орган таъсис этилади. Бу Буюк Британиядаги «ички К.» ёки АҚШдаги «ошхона К.». Улар ҳукумат бошлиғига яқинлаштирилган ва тегишли равишда премьер-министр ёки президент томонидан раҳбарлик қилинадиган шахслардан иборат жуда ҳам тор коллегияни намоён этадилар. Бу органларнинг фаолияти яширин. Баъзи давлатларда ҳукумат президент иштирокисиз ҳаракат қилганда К. деб, унинг мажлисларида президент раислик қилганда министрлар совети деб аталади.

КАБИНЕТ ЕРЛАРИ — Россияда императорнинг хусусий мол-мулки. Император кабинети томонидан бошқарилган. Кабинет ерлари Олтойда, Байкал бўйида, Польшада жойлашган ва ижарага берилар эди. 1917 йилдаги Ер тўғрисидаги декретга асосан миллийлаштирилган.

КАБОТАЖ — бир мамлакат портлари орасида юклар ва йўловчиларни ташишни амалга оширувчи денгиз кемаларининг сузиш тури. Иборанинг номланиши «бурун» (саре) сўзидан келиб чиқади, чунончи, аввал бошда каботаж очиқ денгизга чиқмасдан «бурундан бурунга» сузиб ўтишдан иборат эди. Ҳозирги вақтда каботажнинг кичик (бир денгизда) ва катта (турли денгизларда) тури фарқланади.

КАДАСТР (фр. Cadastre) — 1) объектларнинг нархи ва ўртача даромади тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи реестр; 2) жон бошига солинадиган солиққа тортиладиган шахсларнинг рўйхати; 3) у ёки бу табиий объектлар тўғрисида асосий маълумотларнинг тизимлаштирилган тўплами: ер кадастри, сув кадастри ва бошқалар. Асосий К. ер кадастри ҳисобланади.

КАЗИНО (фр. Casino, итал. Casino — уйча) — эълон қилинган пул ёки ўзга мулкий ютуқ билан рулеткалар, карта ўйинлари ва суякли ўйинлар учун ўйин столлари, шунингдек, бошқа ўйин асбоблари билан қимор ўйинлари ўтказиладиган ўйин муассасаси.

КАЗУАЛ ШАРҲ — ҳуқуқ нормаларига суд томонидан бериладиган шарҳ.

КАЗУИСТИКА — суд ишларининг алоҳида мисолларини (казусларни) улар ҳуқуқ нормаларига мувофиқ қандай ечилиши кераклигини кўриб чиқиш.

КАЗУС (лот. Casus) — ҳуқуқда: 1) шахснинг эркига боғлиқ бўлмасдан юз берадиган ҳодиса ва шунинг учун олдиндан юз бериши назарда тутилган бўлиши мумкин эмас; 2) ҳуқуқбузарликнинг ташқи белгиларига эга бўлган тасодифий ҳаракат (қасддан ва эҳтиётсизликдан фарқли ўлароқ), бироқ айбнинг элементларига эга эмас ва ўз навбатида юридик

жавобгарликни келтириб чиқармайди (К.дан енгиб бўлмайдиган куч тушунчасини фарқлаш зарур); 3) мисол сифатида алоҳида олинган суд иши ёки ҳуқуқий ҳолат (*Казуистикага* қаранг).

КАЙЗЕР (нем. Keiser) — «Муқаддас Рим империяси» (962—1806 йиллар) ва Германия империяси (1871—1918 йиллар) императорларининг номланиши.

КАЛОМ (араб. — сўз, нутқ) — илоҳиётнинг илк шакли. Араб халифалигида VIII асрда пайдо бўлган, IX асрга келиб Ўрта Осиёда ҳам кенг тарқалган. К. тарафдорлари мутакаллимлар дейилади. К. асосчиси Абулҳасан ал-Ашъарий (873—935) муътазилийларга қарши қаттиқ кураш олиб борган ва ўз таълимоти билан суннийлик мазҳабини мустаҳкамлаган. Мантиқ ва фалсафадан фойдаланиб калом илми бўйича ўз мазҳабини яратган.

КАЛОМ ИЛМИ (илм-ул-калом) — эътиқод тўғрисидаги билимлар, яъни ақлий далиллар ва мантиқий услубдан фойдаланиб, иймон ва эътиқодга боғлиқ бўлган муаммоларни изоҳловчи фан. Ислом динининг ғоявий асослари бўлмиш, яратиш, қайтадан тирилтириш, Аллоҳнинг борлиги ва ягоналиги, иймон чегаралари, жабру ихтиёр, хайру шар (яхшилик ва ёмонлик), тангрининг зоти ва сифатлари ва унинг каломи (Қуръон) каби масалалар, калом илмининг асосий мавзуини ташкил этади. Туркистонда Абулҳасан Ашъарий мазҳаби бўйича самарқандлик Абумансур Мотуридий ва қашқадарёлик ан-Насафийлар калом илмининг намоёндалари бўлганлар.

«КАМ СОНЛИЛАР ҲУКУМАТИ» — парламентар давлатлар ҳукумати. Бу ҳукуматлар партиялар ёки партия коалициялари томонидан тузилади. Бунда алоҳида бир партия ёки бошқа партиялар маълум бир талаблар орқали ҳукуматни қўллаши мумкин. Шунинг учун ҳам бундай ҳукуматлар «Кам сонлилар ҳукумати» деб юритилади.

КАМБИО (итал. Cambio — майдалаш) — қарз ҳужжати, вексель (*Рекамбиога* қаранг).

КАМБИСТ — вексел операциялари ва чет эл тангалари савдоси билан шуғулланувчи шахс.

КАНТОН (фр. canton) — 1) Швейцарияда ҳудудий бўлинма (федерация субъекти); 2) Франция ва бошқа баъзи давлатларда кичик маъмурий-ҳудудий бўлинма.

КАНЦЕЛИНГ — кема эгаси ва унга юк ортилиши учун берилиши керак бўлган кемани кирага олувчи ўртасидаги денгиз юк ташиш шартномасида белгиланган охирги муддат.

КАНЦЕЛЯРИЯ (лот. Cancellarus — ҳужжат юргизувчи) — 1) муассасанинг хизмат ёзишмаларини, жорий ҳужжатлаштиришини олиб борувчи бўлим; 2) XVIII аср боши — XX асрда Россияда баъзи бир давлат муассасаларининг номланиши (Яширин канцелярия, император ҳазрати олийларининг канцеляриси ва бошқалар).

КАНЦЛЕР (нем. Kanzler) — 1) бир қатор давлатларда (масалан, Германия ва Австрияда федерал канцлер — ҳукумат бошлиғи; Буюк Британияда хазина канцлери — молия вазири) олий мансабдор шахслардан бири. 2) Россияда 1917 йилгача олий фуқаролик унвони (1-даражали). Ташқи сиёсат раҳбарларига (ташқи ишлар коллегияси президентларига ва ташқи ишлар вазирларига) берилган. (Шунингдек, *Рейхсканцлер, Федерал канцлер, Лорд-канцлер*ларга қаранг).

КАПЕР ГУВОҲНОМАЛАРИ — урушаётган давлатлар ҳукуматлари томонидан каперлик фаолияти билан шуғулланиш учун хусусий савдо кемалари эгаларига бериладиган расмий рухсатнома.

КАПЕРЛИК (голл. Kaper — денгиз қароқчиси) — хусусий шахсларга тегишли бўлган ҳарбий савдо кемалари томонидан душманнинг тижорат кемаларини ва урушаётган давлат фойдасига юк ташиш билан шуғулланаётган нейтрал давлатлар кемаларини босиб олиш (ўз давлатининг рухсати билан); К. 1865 йилда денгиз уруши тўғрисидаги Париж декларацияси билан тақиқланган эди; кенг маънода — денгиз қароқчилиги.

КАПИТАЛ ТАЪМИР — асосий фондлар норматив ресурсларининг сарфлаб бўлинган актив ва пассив қисмини оддий такрор ишлаб чиқариш ва асосий фондларнинг ҳали ишдан чиқмаган элементларини уларнинг имкониятларидан фойдаланиш мақсадида тиклаш. Асбоб-ускуналарнинг капитал таъмири — асбоб-ускунанинг техник сифатини ва унинг иш қобилиятини қайта тиклаш бўйича ишлар мажмуи. Қоида тариқасида капитал таъмир жараёнида асбоб-ускуналарни янгилаш ҳам амалга оширилади.

КАПИТАН (лот. Capitaneus) — кўпчилик давлатлар қуролли кучларида офицерлик унвони. Ўрта асрларда Францияда пайдо бўлган; Россияда — XVI асрда (чет эллик офицерлар учун). Собиқ СССРда 1935 йилда жорий қилинган эди. Ҳарбий денгиз флотида 1-, 2-, 3-ранг капитани ва капитан-лейтенант қуруқликдаги қўшинларнинг полковник, подполковник, майор ва капитан унвонларига мувофиқ келади. Капитан унвони ЎзР қуролли кучларида сақланиб қолган.

КАПИТОЛИЙ (capitol) — АҚШ Конгрессининг Вашингтондаги биноси. Алоҳида штатлар қонунчилик ассамблеяларининг бинолари ҳам «Капитолий» номи билан юритилади.

КАПИТУЛЯРИЙ (capitulare) — қироллик қиролларининг қонунчилик ва маъмурий актларининг одатдаги шакли (Меровинглар даврида бу актлар одатда decretum, edctum, praecepto деб номланган). Бу ибора актнинг черков соборларидан ўзлаштирилган бобларга (capitula) бўлинишидан келиб чиққан. К. мазмуни бўйича черков (escleastica), дунёвий (mundana) ва аралаш (mixta) хилларга бўлинган. Дунёвий К.лар уч асосий типларда бўлган. Биринчидан, legibus addenda — тегишли ёки барча амалдаги қабилалар ҳақиқатларига қўшимчалар. Франк қабилаларида қабила қонунларини халқ тасдиқлаши зарур деб ҳисобланар эди, бу типдаги К. қабила йиғинида, бутун франк халқининг баҳорги ва кузги умумий йиғинида тасдиқланиши лозим бўлган, чунончи, кузги йиғинларда улар ишлаб чиқилар эди, кейинги баҳор йиғинларида умумхалқ санкциясини олар эди. Иккинчи тип: C. per se sctibenda — Бош баронлар билан биргаликда Тақводор Людовик давридан бошлаб ишлаб чиқилган қирол фармонлари. Учинчиси — C.missorum, олампаноҳ вакилининг қўлланмалари. К.нинг мазмуни жуда ранг-баранг бўлган.

КАПИТУЛЯЦИЯ — халқаро ҳуқуқда урушувчи томонлардан бири қуролли кучларининг қаршилик кўрсатишининг бутунлай ва батамом тўхтатилиши, ҳарбий ҳаракатларнинг тугатилиш усули ёки алоҳида гарнизонларни, ўраб олинган гуруҳларни ғолиб томонга тенгликнинг йўқолиши оқибатида топшириши. Капитуляция вақтида барча ҳарбий

техника ва ҳарбий мол-мулк ғолибга ўтади, қуролли кучларнинг шахсий таркиби эса — ғолибнинг ҳарбий асирлари ҳолатига ўтади. Капитуляция расмий жиҳатдан урушувчи томонлар ўртасидаги уруш ҳолатини тугатмайди.

КАПИТУЛЯЦИЯЛАР (лот. Capitulo — келишаман) — XVIII—XIX асрларда Ғарб давлатлари Шарқ давлатларига (Туркия, Эрон, Япония, Хитой ва бошқаларга) мажбуран ўтказган тенг ҳуқуқли бўлмаган шартномалар; Ғарб давлатларининг вакилларига ва фуқароларига алоҳида имтиёзларни (маҳаллий судлар судловига тегишли бўлмаслик, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш, савдо имтиёзлари ва ҳоказоларни) таъминлаган. Япония XIX асрнинг охирида, бошқа давлатлар — XX асрнинг биринчи ярмида капитуляциянинг бекор қилинишига эришдилар.

КАРАБИНЕРЛАР (фр. Carabinier) — Италия, Чили ва бошқа давлатларда жандармерия шахсий таркибининг, шунингдек, Молдовада ички қўшинларнинг номланиши.

КАРАНТИН НАЗОРАТИ (итал. Guaranta giomi — қирқ кун) — давлат томонидан мамлакатга юқумли эпидемик касалликлар ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларини олиб киришга барҳам бериш бўйича санитария чора-тадбирлари. Ҳозирги вақтда К.н.га ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига оид юклар, идишлар, ўровчи материаллар ва транспорт воситалари тортилади.

КАРАНТИН СЕРТИФИКАТИ — импорт ёки экспорт қилинаётган ўсимликлар, мевалар ва сабзавотлар контрактда кўзда тутилган зараркунандалар ва касалликлар билан касалланмаганлигини ва карантин соҳасида вазият яхши бўлган ҳудудларда етиштирилганлигини тасдиқловчи санитария ҳужжати.

КАРАНТИН ЧЕКЛОВЛАРИ — юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўриш мажбурияти юкланган махсус ҳокимликлар томонидан жорий қилинади. 1924 йилдаги денгизда юк ташиш тўғрисидаги қонунга кўра юк ташувчи К.ч. туфайли юк эгасига етказилиши мумкин бўлган ҳар қандай зарар учун жавобгарликдан озод қилинади.

КАРГО (исп. Cargo — юкламоқ, солмоқ) — халқаро амалиётда денгиз кемаси билан кира ҳақи олиш мақсадида ташиладиган юклар ёки мол-мулклар. Ташқи савдо операцияларида «карго» тушунчаси билан юкларнинг аниқ номланиши кўрсатилмаган ҳоллар тушунилади. Бу маънода «карго» тушунчаси суғурта, олди-сотди, денгиз ташуви бўйича операцияларни тегишли ҳужжатлаштиришда бир хил аҳамиятга эга бўлади.

КАРНЕТ — чегара орқали юкни автомобиль транспортида энг кам расмиятчиликлар билан олиб ўтиш учун божхона рухсатномаси.

«КАРОЛИНА» — 1532 йилда Карл V даврида (номланиши шундан) тузилган умумгерман жиноят қонунларининг тўплами. Жазо чораларининг жуда ҳам қаттиқлиги билан ажралиб турган. XVIII асрнинг охиригача амалда бўлган.

КАРТЕЛЬ (фр. cartel) — одатда бир соҳа корхоналарининг нархлар, сотиш бозори, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми, патентларни алмашиш ва ҳоказолар тўғрисидаги келишуви. Монополистик уюшманинг турларидан бири. Картель келишувлари кўпинча яширин бўлади. Картель шарт-

номасида қатнашаётган фирмалар ўзларининг юридик, молиявий, ишлаб чиқариш ва тижорат мустақиллигини сақлаб қоладилар.

КАРТОТЕКА — алфавит, номерланган ёки алфавит-рақамли тартибда жойлаштирилган бир хил шаклдаги тикилмаган карточкалар ёки варақлар тизими; бу тизим қўлда олиб борилиши ҳам мумкин.

КАРЦЕР (лот. Carcer — қоронғу жой, турма) — турмалар, армиялар ва ўқув муассасаларида белгиланган тартибни бузувчилар учун мўлжалланган махсус хона. Қамоққа олинганлар учун карцерда алоҳида қаттиқ тартиб ўрнатилган.

КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТИ — ЎзРнинг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги 1992 йил 2 июль қонунига кўра, «Касаба уюшмалари ихтиёрий асосда республика миқёсидаги ҳамда бошқа ҳудудий ва тармоқ бирлашмаларини тузишлари ҳамда уларга киришлари мумкин».

КАСАБА УЮШМАСИНИНГ АЪЗОСИ — ЎзРнинг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги 1992 йил 2 июль қонунига кўра, умумий манфаатлар, фаолият тури бўйича ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш соҳаларида, меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлар умумийлиги асосидаги меҳнаткашларнинг уюшмаси» (1-м.). Аъзоларнинг қабул қилиниши ва ундан чиқиши касаба уюшмаларининг низомига кўра амалга оширилади.

КАСАЛГА (БЕМОРГА) ЁРДАМ КЎРСАТМАСЛИК, ЯЪНИ ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИРИШ — ЎзР жиноят қонунчилигида «Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар» жумласига киради. ЎзР Конституциясининг 40-м.да ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган. Шунингдек, ЎзР ЖКнинг 17-м.да хавф остида қолдириш, яъни ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини-ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, башарти, айбдор бундай аҳволда бўлса ёхуд айбдорнинг ўзи жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қўйган ва бу ҳол баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, — икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч ойгача қамоқ билан жазоланади. Ўша қилмиш одам ўлимига сабаб бўлса, — уч ойдан олти ойгача қамоқ ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмишлар: а) одамлар ўлимига; б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

КАСАЛЛИК ТУФАЙЛИ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ — жиноят қонунларига мувофиқ (ЖКнинг 67-моддаси), жиноят содир этган шахс ҳукм чиқарилгунга қадар ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка чалиниб қолган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади. Бундай шахсга нисбатан суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин. Бундай шахс ЖКнинг 64-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан тузалса, жавобгарликка тортилади. Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган кундан ҳисобланади.

КАСБ ЁКИ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИГА БОҒЛИҚ АСОСЛИ ТАВАККАЛЧИЛИК — қилмишнинг жиноийлигини инкор этувчи ҳолат-

лардан бири. ЖКнинг 41-моддасига мувофиқ, ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилиб, ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказиш жиноят деб топилмайди. Агар содир этилган ҳаракат замонавий илмий-техника билимлари ва тажрибаларига мувофиқ келган, қўйилган мақсадга эса таваккал қилмай эришишнинг иложи бўлмаган ҳамда шахс ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказилишининг олдини олиш учун тегишли чораларни кўрган бўлса, бундай таваккалчилик асосли деб топилади. Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилишда кўзланган ижтимоий фойдали натижага эришилмаган ва келтирилган зарар ижтимоий фойдали мақсадга эришиш натижасида олиниши мумкин бўлган фойдали натижадан кўпроқ бўлган тақдирда ҳам етказилган зарар жавобгарликка сабаб бўлмайди. Таваккалчилик одамларнинг ҳалок бўлиш хавфи, экология ҳалокати ёхуд бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини била туриб қилинган бўлса, асосли деб топилмайди.

КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ — салбий омиллар таъсирида ва маълум бир касбда муттасил равишда ишлаш натижасида келиб чиқадиган касалликлар. Бу касалликлар ходимнинг ўзига хос ҳам фуқаролик, ҳам меҳнат муносабатлари билан боғлиқ ҳуқуқлари вужудга келишига асос бўлади.

КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ — ёшларнинг касб танлашларига шароит яратиш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбирлар.

КАСБГА ЛАЁҚАТЛИЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИ — ходимнинг меҳнатда олган касаллиги ёки касб касаллиги натижасида олган касаллигидан сўнг унинг касбга лаёқатлилигини текшириш экспертизаси. Касбга лаёқатлиликни белгилаш Касбга лаёқатлиликни белгилаш қоидалари асосида амалга оширилади. Врачлик меҳнат эксперт комиссияси (ВМЭК)дан ўтиш ходим ишлаётган жойдаги тиббий муассасада ёки унинг яшаш жойида у бириктирилган муассасада амалга оширилади. Гувоҳлантириш суднинг ёки ариза берувчи шахснинг аризаси асосида уни комиссияга юборган корхона касаба уюшмасининг ёхуд бошқа унга тенглаштирилган органнинг йўлланмасига кўра амалга оширилади. ВМЭКга бахтсиз ҳодиса ҳақидаги акт ёки касбини ўташ пайтида рўй берган бахтсиз ҳодиса ҳақидаги бошқа шунга тенглаштирилган ҳужжат (меҳнат экспертининг йўлланмаси) ва ўқув профилактик муассасанинг йўлланмаси (касбий касалликда профпатология марказининг йўлланмаси, клиник тусдаги илмий органлар профпатология марказларининг йўлланмаси, олий, ўрта ва олийдан кейинги ўқув юртлари даволаш профилактика муассасаларининг йўлланмаси) тақдим этилиши керак.

ВМЭКдан ўтаётган барча фуқароларга касбий лаёқатсизлиги учун экспертнинг масалани ҳал қилиш ҳақидаги қарорига оид норматив ҳужжатлар билан танишиб чиқишга рухсат берилиши керак. Гувоҳлантириш натижалари ва ВМЭК қарори гувоҳлантирилувчига раис ва комиссия аъзоларининг иштирокида эълон қилинади. Гувоҳлантириш натижалари тўғрисидаги фоизли маълумотнома, қўшимча ёрдам тўғрисидаги маълумотнома гувоҳланганнинг қўлига берилади; касбий лаёқатсизликнинг даражаси, қўшимча ёрдамнинг турлари ҳақидаги маълумотнома иш берувчига, корхонанинг касаба уюшмасига, ходимни ВМЭКга юборган

органга ёки судга жўнатилади; ВМЭКда ҳар бир жабрланганга гувоҳлантириш хулосаси тузилади, у маълум шаклда бўлади ва барча ҳужжатлар билан бирга биринчи гувоҳлантириш ўтказилган ВМЭКда сақланади. Гувоҳлантиришдан ўтган барча фуқаролар ВМЭКнинг белгиланган шаклдаги қайд дафтарида рўйхатга олинадилар.

КАСБИЙ МЕҲНАТ ҚОБИЛИЯТИНИ ЙЎҚОТИШ — муайян касб, мутахассислик бўйича иш бажариш қобилиятининг йўқотилиши. К.м.қ.й. даражасини аниқлаш чоғида Врачлик меҳнат эксперт комиссияси (ВМЭК) ҳар бир аниқ ҳолда организм функцияларининг бузилиш даражасини, йўқотилган функцияларнинг қопланиш даражасини, жабрланувчининг асосий касби бўйича ишини у ёки бу даражада бажариш қобилиятини, жумладан, ишни одатдаги ёки махсус яратилган шароитларда бажариш имкониятларини, шунингдек, реабилитация тадбирларини, чунончи, касбий таълим ва қайта ўқитишни инобатга олади. Организм функцияларининг аниқ ифодаланган бузилиши оқибатида меҳнат лаёқатининг тўла йўқотилиши бошланганда, касбий фаолиятнинг ҳар қандай турини бажариш тиббий нуқтаи назардан мутлақо мумкин бўлмаган ҳолларда 100% ли К.м.қ.й. белгиланади.

Агар жабрланувчи организм функцияларининг кўриниб турган ҳолдаги бузилиши оқибатида ишни фақат махсус яратилган шароитда (махсус корхона, махсус цехда)гина бажара олса, К.м.қ.й. 70% дан 90% гача белгиланади. Меҳнат натижасида майиб бўлиб қолиш оқибатида жабрланувчи асосий касби бўйича ишни одатдаги ишлаб чиқариш шароитида, аммо камроқ ҳажмда ёки малакани пасайтирган ҳолда бажара олса ёки у асосий касбини йўқотган бўлса-ю, лекин организм функцияларининг қисман бузилиши оқибатида одатдаги ишлаб чиқариш шароитида пастроқ малакадаги меҳнатни бажара олса, 40% дан 60% гача К.м.қ.й. белгиланади. Агар жабрланувчи ишни асосий касби бўйича, аммо иш ҳақининг камайишига олиб келадиган ўзгартирилган меҳнат шароитида ёки асосий иш касби бўйича, бироқ илгаригига қараганда кўпроқ куч сарфлаб бажара олса, К.м.қ.й. 10% дан 30% гача деб белгиланади.

Агар меҳнат чоғида майиб бўлиб қолиш касбий меҳнат лаёқатининг барқарор бузилишига олиб келган анатомик камчиликнинг сабаби бўлса, унинг йўқотилиш даражаси анатомик камчилик олиб келган организм функцияларининг бузилиши қай даражада кўринганлигига қараб (юқорида кўрсатилган мезонларга мувофиқ равишда) фоизларда белгиланади. Меҳнат вақтида майиб бўлиш такроран юз берган ҳолларда К.м.қ.й. даражаси унинг битта ёки ҳар хил иш берувчиларда ишлаётган чоғида майиб бўлганлигидан қатъи назар, ҳар бир майиблик оқибатлари бўйича алоҳида-алоҳида белгиланади. Таълим олиш ёки бошқа ишларни бажариш чоғида майиб бўлиб қолган шахслар учун К.м.қ.й. даражаси улар қайси касб бўйича таълим олаётган бўлсалар, ўша касб бўйича ёхуд меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиб қолган, касб касаллигига йўлиққан ёхуд бошқача тарзда солиғини йўқотган ходимларга фоизларда меҳнат қобилиятини белгилаш тартиби тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ равишда белгиланади.

КАСКО (итал. Casco) — транспорт воситаларини (кемалар, самолётлар, автомобилларни) суғурта қилишда қўлланиладиган суғурта терми-

ни. «Каско суғуртаси» термини фақат ташиётган воситанинг шикастланганлиги ёки нобуд бўлганлиги учун зиённи қоплашни билдиради ва йўловчилар, ташилаётган мол-мулк суғуртаси, учинчи шахслар олдидаги жавобгарлик ва ҳоказоларни ўз ичига олмайди.

КАСКО СУҒУРТАСИ — техника воситаларини билдириш учун қўлланиладиган атама (кема, самолёт, вертолёт, автомобиль ва бошқалар). К. с. деганда, фақат транспорт воситаларининг ўзи тушунилади ва бунга юк ташиш мулкий манфаатлар воситаси билан боғлиқ суғурта кирмайди (фрахт, тўқнашув оқибатида пайдо бўладиган учинчи шахслар ва бошқалар).

КАССА (итал. cassa, лот. capsa — идиш, қути) — 1) ташкилотда бўлган нақд пуллар; 2) касса операцияларини бажарувчи корхона, ташкилот, муассасанинг таркибий бўлими; 3) бухгалтерия ҳисобида нақд пулларнинг келиши ва берилиши ҳаракати акс этадиган ҳисобварақ; 4) пуллар ва бошқа қимматликларни қабул қилиш, сақлаш, бериш учун махсус жиҳозланган хона.

КАССА АЙЛАНУВИ — муассаса, корхона кассаси орқали ўтувчи нақд маблағларнинг айланиши.

КАССА БИРЛИГИ — давлат бюджетини касса орқали ижро этишни ташкил қилиш принципи; унга кўра давлат бюджетининг барча даромадлари марказий эмиссия банки хазинаси (Молия вазирлиги)нинг ягона бирлашган ва барча бюджет харажатлари олинадиган ҳисобварағига келиб тушиши керак.

КАССА ИНТИЗОМИ — корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан нақд пуллар билан кирим ва чиқим қилиш операцияларини, тушган пулдан пулларни харажат қилишни таъминлаш, касса қолдиқлари лимитларини, тушган пулни банкка, жамғарма кассасига ёки алоқа бўлимига топшириш муддатлари қоидаларини бажариш.

КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИ — нақд пулларни қабул қилиш, сақлаш ва беришда бўладиган моддий-техник қонун-қоидаларнинг йиғиндиси. Курсатилган қонун-қоидалар махсус молиявий-ҳуқуқий институтга эга бўлган молия ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинган.

КАССА ОРДЕРИ — корхоналар ва ташкилотлар томонидан нақд пулларни қабул қилиш ва топшириш буйича касса операцияси расмийлаштириладиган пул ҳужжати.

КАССАЦИЯ (лот. guasso — бузаман, синдираман) — 1) юқори судга қонуний кучга кирмаган суд қарорлари, ҳукмлари юзасидан шикоят ва протест бериш; 2) юқори суд томонидан қонуний кучга кирмаган суднинг қарорлари ва ҳукмлари қонунийлиги ва асослилигини ишдаги мавжуд бўлган ва қўшимча тақдим қилинган материаллар буйича текшириш; К. тартибида ишни кўришда унинг мазмуни ўзгартирилмайди; 3) юқори инстанция томонидан қуйи инстанция судининг қарорини қонунларнинг бузилганлиги ёки у томонидан иш юритуви қоидаларига риоя қилинмаганлиги учун қайта кўриб чиқиш, бекор қилиш.

КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ — фуқаролик процессуал ва жиноят-процессуал ҳуқуқларида биринчи инстанция судининг қарорлари, ҳукмлари устидан кассацион шикоят ёки протест ва ажримлари ҳамда қонуний кучга кирмаган суд қарорлари устидан хусусий шикоятлар (протестлар) буйича ишни кўриб чиқувчи иккинчи суд инстанцияси. К.и.

суди — қарор, ҳукм чиқарган судга нисбатан бевосита юқори турувчи суд (масалан, вилоят суди туман (шаҳар) судларига нисбатан).

КАССАЦИЯ СУДИ — бир қатор давлатларда ишларни кассация инстанцияси тариқасида (ишни биринчи инстанцияда кўриб чиқишда қонуннинг моддий ёки процессуал жиҳатдан бузилиши юзасидан шикоятлар бўйича) кўриб чиқиш, шунингдек, ҳуқуқий нормаларга тушунтиришлар бериш ва қуйи судлар томонидан қонунларга риоя этилиши юзасидан кузатув олиб боришга ваколатли бўлган юқори судларнинг номи. Италияда мамлакатнинг юқори суд органи Олий кассация суди, Бельгия ва Францияда К.с. деб аталади.

КАТОРГА (юн. Katergon — галера) — жиноятлар ва сиёсий жиноятлар учун жазонинг алоҳида тури. Озодликдан маҳрум қилишнинг алоҳида қаттиқ тартиби ва маҳкумларни оғир жисмоний меҳнатга жалб қилиш қўшилиб кетар эди. Ўрта асрларда, Россияда XVIII асрнинг бошида юзага келган. Каторга (сургун) қилинганларнинг меҳнатидан қалъалар, флотлар қуришда, конларда фойдаланилган (Нерчинск каторгаси). XIX аср охири — XX аср бошида марказий каторга турмалари тизим сифатида мавжуд бўлган (1917 йилдаги февраль тўнтаришидан кейин тугатилган).

КАУЗАЛ БИТИМЛАР (лот. causalis — сабабли) — мазмунидан томонлари қандай мақсадда эканликлари кўриниб турган битим. К. б.нинг ҳақиқийлиги унинг мақсадига боғлиқ бўлади. Мақсад қонуний ва эриша оладиган бўлиши керак. ЎзР ФКнинг 116-моддасига мувофиқ, қонун ҳужжатларининг талабларига мос келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир. Мол-мулк эгаси бўлмаган шахс томонидан ваколати бўлмаган ҳолда тузилган мол-мулкни олиш-сотиш битими ҳақиқий эмасдир, чунки мақсад — эгалик қилиш ҳуқуқи, бунга эса эришиб бўлмайди. Битимларнинг қарама-қарши тури абстракт битимлардир.

КАУЗАЛ ШАРҲЛАШ — ҳуқуқ нормасини расмий шарҳлаш турларидан бири бўлиб, ҳуқуқ нормаларини муайян вазиятларда қўллайдиган давлат ҳокимияти органлари амалга оширади (м-н, суднинг маҳкумга нисбатан жазо чораси асослаб бериладиган, айбни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар кўрсатиладиган ва бошқа ҳукмлари).

КАФ — халқаро савдо термини. Ўзининг номини инглизча «Cost and freight» ифодасининг биринчи ҳарфларидан олган — қиймат ва кира ҳақи. Бироқ, француз тилида расмийлаштириладиган «КАФ» битими бўйича французча «товар қиймати», «суғурта», «кира ҳақи» сўзларининг биринчи ҳарфларидан келиб чиқувчи «КАФ» тушунчаси «СИФ» битимига тенгдир.

«КАФ» битими бўйича сотувчининг мажбуриятларига ташиш шартномасини тузиш, яъни товарни денгиз йўли билан ташиш ва уни кема бортига етказиб бериш киради. Товарни денгиз орқали ташиш вақтига суғурта қилиш мажбурияти у кема бортидан туширилганидан сотиб олувчида бўлади. Бироқ, сотувчи сотиб олувчига ўз вақтида товарни суғурта қилиш учун барча зарурий маълумотлар тўғрисида хабар бериши керак. Бу талабга риоя қилинмаганда товар денгиз орқали ташиб ўтиш вақтида хавф сотувчининг зиммасида деб саналади.

КАФИЛ — у ёки бу нарсага кафолат берувчи давлат, муассаса ёки шахс.

КАФИЛЛИК — ЎзР ФКга асосан мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг бир шакли. Кодекснинг 292-моддасига асосан, кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятларини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади. Кафиллик шартномаси келгусида вужудга келадиган мажбуриятни таъминлаш учун ҳам тузилиши мумкин. Кафиллик қилиш ёзма шаклида, шартнома асосида тузилади. Кафиллик билан таъминланган мажбурият бекор бўлгач, шунингдек, ушбу мажбурият кафилликни розиликсиз жавобгарликнинг ошишига ёки унинг учун бошқа ноқулай оқибатларга олиб келадиган тарзда ўзгартирилган тақдирда кафиллик бекор бўлади. Шу билан бирга, кафиллик шартномада кўрсатилган муддат ўтиши билан ҳам бекор бўлади.

КАФИЛЛИККА ОЛИНГАН ҲУДУД — Иккинчи жаҳон уруши тугаши натижасида БМТ кафиллигидаги халқаро тизим таркибига киритилган ҳудудлар. Бу жараён БМТ Уставининг 75—91-моддалари асосида амалга оширилган. Бу ҳудудлар асосан Миллатлар Лигасига тааллуқли ҳудуд ёки колониялар бўлиб, бу ҳудудлар Германия ва унинг иттифоқчилари таъсирида, Африкада (Камерун, Руанда, Бурунди, Сомали, Танзания, Жанубий Ғарбий Африка) ва Тинч океани оролларида жойлашган (Ғарбий Самоа, Науру, Янги Гвинея, Мариан, Маршаллар ва Каролина) оролларида бўлган 20 миллион аҳоли жойлашган ҳудудлар эди. Бу ҳудудларни бошқариш БМТ билан келишилган ҳамда БМТнинг кафиллик кенгаши назоратида собиқ мустамлакачи давлатлар — Буюк Британия, Белгия, Франция, Италия (Сомали устидан) амалга оширганлар.

1947 йили БМТ Хавфсизлик Кенгаши рухсати билан Каролина, Мариан, Маршаллар ороллари стратегик ҳудуд сифатида АҚШ ихтиёрига берилган. 1997 йилдан бошлаб эса барча ҳудудлар мустақил давлатлар сифатида жаҳон миқёсида эътироф этилди.

КАФОЛАТ — 1) фуқаролик ҳуқуқида қонунда ёки шартномада назарда тутилган мажбурият бўлиб, у туфайли бирон-бир (жисмоний ёки юридик) шахс кредиторлар олдида мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавоб беради; 2) сотувчининг муайян муддат давомида товардаги моддий камчиликлар учун жавоб беришдан иборат қонун билан белгиланган мажбурияти.

КАФОЛАТ МУДДАТИ — фуқаролик ҳуқуқида товар олди-сотди шартномаси бўйича сифат талабларига жавоб бериши, иш ва хизматлар эса — ўзининг истеъмол хоссаларини сақлаб қолиши керак бўлган давр. К.м. узоқ вақт фойдаланилиши ёки сақланиши мўлжалланган товарга нисбатан белгиланади. К.м. ўтганидан кейин товар, иш ёки хизматда камчиликнинг аниқланиши, умумий қоидага кўра, тайёрловчининг (ижрочи ёки сотувчининг) истеъмолчиларнинг товар (иш, хизмат) камчиликлари бўйича талабларини қондириш мажбуриятини тўхтатади.

КАФОЛАТ ФОНДИ — ҳисоб-китоб палатаси аъзоларининг мажбурий бадалларидан ташкил топадиган биржа фонди. Унинг ҳажми фирманинг катталиги ва унинг операциялари ҳажмига боғлиқ. К.ф. банкда сақланади ва ҳисоб-китоб палатасининг махсус рухсатисиз олиниши мумкин эмас.

КАФОЛАТ ХАТИ — фуқаролик ҳуқуқида кафилнинг ўз зиммасига муайян мажбуриятларни олишига асос бўладиган ҳужжат. Бу мажбурият-

лар хатда айтиб ўтилган шароитлар юзага келганда амалга оширилиши мумкин.

КАФОЛАТЛИ БАДАЛ — дастлабки нарх ва кейинги котировка ўртасидаги фарқни қоплаш учун тузилган ҳамда муддатли контракт бўйича бериладиган бадал.

КАФОЛАТЛИ БАЙ ПУЛИ — биржада унинг аъзолари томонидан ҳар бир биржа контрактини тузиш чоғида ҳисоб-китоб палатасига мижознинг молиявий мажбуриятлари шаклида тўланадиган пул суммаси. Дастлабки (депозит) ва ўзгарувчан (маржа) бай пуллари фарқланади.

КАФОЛАТЛИ КРЕДИТ — корхоналарнинг бир-бирларига банк ёки ҳукумат органларининг кафолати асосида берадиган кредити.

КАФОЛАТЛИ САҚЛАШ МУДДАТИ — истеъмолчи маҳсулотдан фойдаланиш ва уни сақлашнинг барча шартларига риоя этганда маҳсулот тайёрловчи корхона маҳсулотнинг стандартларда белгиланган барча кўрсаткичлари ва истеъмол хоссалари сақланишига кафолат берадиган муддат. К.с.м.нинг ўтиши маҳсулотнинг нафақат ўз вазифаси бўйича ишлатишга ярашини, балки уни ишлаб чиқариш вақтидаги сифат кўрсаткичлари ҳам сақланиб қолганлигини билдиради.

КАФОЛАТЛИ СУҒУРТА — моддий ва пул бойликларини сақлаш, қўриқлаш, қабул қилиш, бериш ва ташиш билан банд бўлган ходимларнинг жиноий хатти-ҳаракатлари ёки хатолари туфайли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга етказилган зарарни қоплашга қаратилган ихтиёрий мулкий суғурта тури.

КАФОЛАТЛИ ФОЙДАЛАНИШ МУДДАТИ — маҳсулот тайёрловчи корхона истеъмолчи маҳсулотдан фойдаланиш ва уни сақлашнинг барча шартларига риоя этганда унинг стандартларда белгиланган барча кўрсаткичлари ва истеъмол хоссалари ишлатилиш давомида барқарор сақланишига кафолат берадиган муддат. Кафолатли ишлаш — кафолатли фойдаланиш муддатининг тури, аммо у бошқа ўлчов бирликларида ўлчанади (м-н, транспорт воситасининг юрган километрларида).

КАФОЛАТЛИ ЯРОҚЛИЛИК МУДДАТИ — бу маҳсулот тайёрловчи корхона истеъмолчи маҳсулотдан фойдаланиш ва уни сақлашнинг барча шартларига риоя этганда унинг стандартларда белгиланган барча кўрсаткичлари ва истеъмол хоссаларига кафолат берадиган муддат. К.я.м. ўтганидан кейин маҳсулот одатда ўзининг истеъмол хоссаларини йўқотади ва ундан ўз вазифаси бўйича фойдаланиб бўлмайди (масалан, батарейкалар, дорилар ва ҳ.к.). Лекин тегишли текширишлардан кейин К.я.м. узайтирилиши ҳам мумкин. Муайян маҳсулотга кафолатли муддатлардан бирини ёки бир неча хил кафолат муддатларини биргаликда қўллаш мумкин. Бутловчи қисмлар ва таркибий қисмларнинг кафолат муддати асосий буюмнинг кафолат муддатига тенг ҳисобланади ва агар асосий буюмга нисбатан стандартларда бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, ушбу муддат буюмнинг кафолат муддати билан баравар тугайди.

КАШФИЁТ ФОРМУЛАСИ — патентчилик ҳуқуқида кашфиётнинг белгиланган норматив ҳужжатларнинг қоидалари бўйича тузилган ва унинг ҳажмини белгиловчи қисқача оғзаки техникавий характеристикаси. К.ф. бир бўғинли ва кўп бўғинли бўлиши ва бунга мос равишда бир ёки бир қанча бандлардан иборат бўлиши мумкин.

КВАЗИКОНТРАКТЛАР — фуқаролик ҳуқуқи назариясида бошқа

шахслар манфаати ва ҳоказолар учун етарли асосга эга бўлмаган бойишлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар.

КВИРИТЛАР (лот. guirites) — халқ йиғинларида қўлланиладиган ва битта формула билан умумий қилиб «рим халқи» (populus romanus) номидаги Рим фуқароларининг қадимий номи (cives). Терминнинг дастлабки аҳамияти тушунарсиз. Антик анъана уни қисман сабин топонимидан келтириб чиқаради. Бундан ташқари, «квиритлар» сўзи билан ҳарбийларга қарама-қарши ҳолдаги фуқаро шахслар англашилган.

КВИТАНЦИЯ — пуллар, ҳужжатлар, қимматликлар ва ҳоказоларни қабул қилишда бериладиган белгиланган шаклдаги тилхат.

КВО ВАРРАНТО (лот. guo warranto) — инглиз-саксон мамлакатларида маъмурий органнинг у ёки бу ҳаракатининг қонунийлигини текшириш билан боғлиқ бўлган суд буйруғи ҳуқуқи тизими. Конституциявий аҳамиятга эга бўлган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд тартибида ҳимоя қилишнинг процессуал воситаларидан бири.

КВОРУМ (лот. guorum) — йиғилиш аъзоларининг кўпчилик сони, бунда йигилиш ваколатли ҳисобланади ва кучга эга бўлган қарорлар қабул қилиши мумкин. Кворум аъзоларнинг умумий сонига нисбатан рақам билан ёки фоиз билан белгиланади. Баъзи ҳолларда, одатдаги кворум нисбати алоҳида муҳим масалаларни ҳал қилишда амалга оширилади.

КВОТА (лот. guota) — маҳсулотни ишлаб чиқариш, ўтказиш, экспорт ёки импорт қилишда миллий ёки халқаро картел ёки ўзга келишувларга кирувчи корхоналар ёки компаниялар учун белгиланадиган иштирок этиш улуши; белгиланган вақт давомида алоҳида товарлар, хизматлар, мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳига қилинадиган импорт ёки экспортнинг қиймат ёки сон жиҳатдан чекланиши.

КВОТАЛАШ — давлатлараро ва миллий давлат органлари томонидан халқаро савдони тартибга солиш, шунингдек, ички савдо ва тўловларни мувофиқлаштириш мақсадида жорий қилинадиган товарларни ишлаб чиқариш, экспорт ва импорт қилишнинг сон жиҳатдан чегараланиши (жисмоний ҳажми ёки қиймати бўйича); нотариф тартибга солишнинг анъанавий чораларидан ҳисобланади ва божхона мақсадлари учун зарур бўладиган бошқа ҳужжатлар қатори нусхалари божхона декларацияларига илова қилинадиган лицензиялар бўйича белгиланган импорт ва экспорт квоталарига мувофиқ амалга оширилади.

КЕЛИБ ЧИҚИШИ ҲАҚИДА ГУВОҲНОМА — маҳсулотни ишлаб чиқарган мамлакатни тасдиқловчи ва давлатнинг ваколатли идоралари томонидан берилувчи расмий ҳужжат.

КЕМА ГУВОҲНОМАСИ — кеманинг хусусийлик ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома.

КЕМА КЕЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА — портга кеманинг келиши тахмин қилинган вақт тўғрисида ёки кемани юклаш-тушириш ишларига тайёрлик тўғрисида кемани кирага олувчининг хабарномаси.

КЕМАДАН ЕТКАЗИБ БЕРИШ — сотувчи бу шартга кўра товарни белгиланган бандаргоҳга етказиб беради ва харидорга кема бортидан олиб кириш учун тозаланмаган ҳолда тақдим этади, товарни белгиланган бандаргоҳга етказиб бериш билан боғлиқ барча харажат ва хавфларни кўтаради. Харидор товарни кемадан етказиб беришни белгиланган портда қабул қилиб олади, товарни импорт тозалашни амалга оширади,

товарни харидордан қабул қилиб олган пайтдан бошлаб барча харажатларни ва хавфларни кўтаради, сотувчига унинг товарнинг келиб чиқиши ҳақидаги гувоҳномани ва консуллик фактурани расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларини тўлайди. Ушбу шарт фақат денгиз ва дарё орқали ташиш чоғида қўлланилади.

КЕМАНИ АЛМАШТИРИШ — денгизда юк ташиш шартномасининг шарти бўлиб, унга биноан мазкур кемани барча хусусиятлари бир хил бўлган бошқа кема билан алмаштиришни амалга ошириш мумкин.

КЕМАНИ УШЛАБ ТУРИШ — кемани шартномада келишилган (контрсталия) вақтидан ортиқча ушлаб туриш бўлиб, бунда кемани қабул қилувчи (фрахтловчи) томонидан кема эгасига етказилган барча зарарлар, масалан, кемани кейинги рейсга кечикиши ва ҳ.к. учун товон тўлаш мажбурияти келиб чиқади.

КЕНГАЙТИРУВЧИ ШАРҲЛАШ — ҳуқуқ нормасини шарҳлаш тури бўлиб, унинг сўздаги мазмуни ҳақиқий маъносидан торроқ бўлганда қўлланилади. Мисол сифатида ЎзР Конституциясининг «судьялар мустақилдирлар ва фақат ЎзР Конституциясигагина бўйсунадилар», деган моддасини олиш мумкин. Ушбу модданинг сўздаги мазмунига кўра, судьялар қонун кучига эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга бўйсунмайдилар. Аммо буни судьялар давлатда амал қилаётган барча норматив ҳуқуқий ҳужжатларга бўйсунадилар, деб кенгроқ талқин этиш керак.

«КЕНГУРУ» — Буюк Британия ва баъзи бошқа давлатлар парламенти амалиётидан олинган ном. Спикер билль доклади босқичида қонун лойиҳасига таклиф қилинган қайси тузатишларни муҳокамага қўйиш ёки қўймаслик кераклигини белгилаб беради. Масала спикернинг хоҳиши бўйича ҳал қилинади.

КИДНЕППИНГ (инглл. kidnapping) — болаларни (баъзида одамларни) ўғирлаш. ЎзР қонунчилигида бу ибора ишлатилмайди, бироқ сўнгги йилларда халқаро юридик публицистикада кўп ишлатилмоқда.

КИЛЛЕР (инглл. killer) — ёлланган қотил. ЎзР қонунчилигида бу ибора ишлатилмайди, бироқ сўнгги йилларда халқаро юридик публицистикада кўп ишлатилмоқда.

КИРА (ФРАХТ) ШАРТНОМАСИ (чартер) — фуқаролик-ҳуқуқий шартнома турларидан бир бўлиб, унга кўра, бир томон (кирага берувчи) иккинчи томон (кирага олувчи)га ҳақ эвазига транспорт воситасини ёки воситаларини бутунича ёки бир қисмини юклар, йўловчи ва унинг юкларини ташиш учун бериш мажбуриятини олади. Кира шартномасини тузиш тартиби ҳамда мазкур шартноманинг шакли транспорт низомлари ва кодекслари билан белгиланади.

КИРИШ ТУРИЗМИ — ЎзРда доимий яшамайдиган шахсларнинг ЎзР доирасидаги саёҳати.

КИЧИК КОРХОНА — Қ.: *Кичик тадбиркорлик субъекти.*

КИЧИК ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ — кичик тадбиркорликни бюджет маблағлари, давлат ва муниципал мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар, ўз фаолиятидан келган даромадлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг, жумладан, хорижий шахсларнинг ихтиёрий бадаллари, қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ва жойлаштиришдан олинган даромадлар, шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектларига танлов асосида ажратилган имтиёзли кредитлар фоизларидан келадиган даромадларни тўплаш йўли билан қўллаб-

қувватлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган дастурлар, лойиҳалар ва тадбирларни молиялаштириш мақсадида тузиладиган нотижорат ташкилот. К.т.қ.қ.ж. юридик шахсдир. К.т.қ.қ.ж. фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар: 1) кичик тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда молиявий ресурсларни кичик тадбиркорлик соҳасидаги мақсадли дастурлар, лойиҳалар, тадбирларни амалга оширишга жалб этиш ва самарали фойдаланиш орқали бозор муносабатларининг шакллашишига кўмаклашиш; 2) кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган республика, минтақавий, тармоқ дастурлари, кичик тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳалар экспертизасини ишлаб чиқиш ва ўтказиш, конкурс асосида танлаб олиш ҳамда амалга оширишда, иқтисодиётни монополиясизлантириш, рақобатни ривожлантириш, бозорни товар билан тўлдириш, янги иш ўринларини яратишда иштирок этиш; 3) кичик тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш учун тенг шароит ва имкониятни таъминловчи бозор инфратузилмасини шакллантиришда иштирок этиш; 4) тадбиркорлик тузилмаларининг инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, янги технологиялар ва ихтироларни ўзлаштиришга кўмаклашиш; 5) мамлакатимиз ва хориж инвестицияларини рақобатли муҳит яратиш ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги устун йўналишларни амалга оширишда кўмаклашиш учун жалб қилиш; 6) солиқ солиш ва қонун ҳужжатларининг нормаларини қўллаш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш.

КИШАНЛАР (араб. қайдани — занжир, тушов) — қамоққа олинганларга қочиб кетишнинг олдини олиш ёки жазони кучайтириш учун тақиладиган темир занжирлар. Россияда XIV асрдан 1917 йилгача қўлланилган («темир»); қўл ва оёқ кишанларига бўлинган.

КЛАРИТ ОЛИШ — кеманинг портга кириши ёки портдан чиқишда рухсатнома олиш учун барча расмиятчиликлар ва ҳужжатларни (божхона, санитар, порт йиғимлари ва ҳоказоларни) амалга ошириш.

КЛАУЗУЛА (лот. clausula — хулоса) — халқаро шартнома ёки келишувдаги алоҳида ҳолат. Турли хил алоҳида ҳолатлар ва шартлар: савдода мумкин қадар кўпроқ қулайлик тартибини бериш, шартномада умумий қатнашиш, ҳолатларнинг тубдан ўзгариши, халқаро суд органининг мажбурий юридик мақоми ва ҳоказоларни билдириш учун қўлланилади.

КЛЕЙМСЛАР — сотиб олувчининг сотувчига етказиб берилган товарнинг сифатида ёки ҳолатида бўлган камчиликлар билан боғлиқ эътирозлари, даъволари.

КЛЕПТОМАНИЯ — криминологияда ўғриликка бўлган эҳтирос. Олдиндан англамаган ҳолда сержаҳл-депрессив кайфият туфайли келиб чиқадиган руҳияти турғун шахсларда учрайди. К. асосан полиция эътиборини тортмайдиган шахслар учун хосдир; бунда ўғриликлар эҳтиёж туфайли содир қилинмайди; эҳтимол тутилган жазо ўғрилик содир қилишдан қайтара олмайди. Клептомания руҳий касалликка айланиши мумкин.

КЛЕРИКАЛ ДАВЛАТ — черков иерархияси қонуний ўрнатилган институтлар орқали тегишли тарзда давлат сиёсатига ва барча ижтимоий ҳаёт соҳаларига таъсир қилувчи давлат ҳокимиятининг шакли. Клерикал давлатга мисол — Эрон Ислом Республикаси, давлат ҳокимиятининг

дунёвий органлари (парламент, президент, ҳукумат) бўлиб, улар устида расмий равишда давлатнинг илоҳий ва сиёсий етакчиси бўлган давлатнинг умрбод раҳбари мавжуд.

КЛИРИНГ (инг. clearing, clear сўзидан — ҳисоб-китоб қилмоқ) — ўзаро талабномалар ва мажбуриятларга асосланган нақд пулсиз ҳисоб-китоб юритиш тизими.

КЛИРИНГ АСОСИДАГИ БИТИМ — ҳукуматлар ёки бир неча мамлакатларнинг марказий банклари ўртасида ташқи савдода қарши талаб ва мажбуриятларнинг марказлаштирилган ўзаро синови тўғрисидаги келишуви. Банклар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш, товар фонд биржаларида тузилган битимлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш ва унинг ижроси бўйича назорат қилувчи ҳисоблаш палаталари орқали амалга оширилади.

КЛИРИНГ АСОСИДАГИ ВАЛЮТА — банкларда счётлар олиб бориладиган ва клиринг типидаги тўлов келишувлари тузган давлатлар ўртасидаги турли хил операциялар ўтказиладиган ҳисоб-китобнинг валюта бирликлари. Клиринг асосидаги валюта банк счётларида бухгалтерия ёзувлари кўринишида мутлақ нақд бўлмаган шаклдагина мавжуд. Уларнинг асослари бўлиб тўлов келишуви қатнашчилари бўлган давлатлар томонидан товарларни етказиб бериш ва хизматлар кўрсатишни ўзаро кредитлаш ҳисобланади. Клиринг асосидаги валюта эркин айланадиган, қисман айланадиган ва ёпиқ валюталар билан ҳеч қандай умумийлиги йўқ.

КЛИРИНГ АСОСИДАГИ ФАОЛИЯТ (КЛИРИНГ) — ўзаро мажбуриятларни аниқлаш (қимматли қоғозлар билан бўлган битимларни йиғиш, таққослаш, тўғрилаш ва улар бўйича бухгалтерлик ҳужжатларини тайёрлаш) ва уларнинг қимматли қоғозларни етказиб бериш ва улар бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш бўйича фаолият.

КЛИРИНГ ПАЛАТАСИ — маълум бир минтақа банклари вакилларининг маълум вақтда олдиндан, клиринг асосидаги операцияга мувофиқ самарали балансни тузган ҳолда, чекларнинг ўзаро синови учун ҳар куни учрашадиган жой.

КЛИРИНГГА ОИД ҲИСОБ-КИТОБЛАР — 1) давлатлараро ҳисоб-китоб, бунда олдиндан келишилган миллий валюта курси бўйича экспорт-импорт операцияларидан олинган воситалар ягона ҳисоб-китоб линиясида тўпланади; 2) клиринг (ҳисоб-китоб) палатаси воситасида ҳисоб-китоб.

КЛИРИНГГА ОИД МУАССАСА — ЎзРнинг қонунчилигига биноан юридик шахс ҳисобланган, марказий банк томонидан берилган лицензия асосида ўзини ўзаро ҳисоб маркази деб маълум қилган ташкилот ҳисобланиб, унга ҳисоб-китоб (клирингга оид) операцияларни амалга ошириш, шунингдек, клирингни бажаришни қўллаб-қувватловчи чекланган банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқи берилган. Клирингга оид муассасанинг ҳуқуқий ҳолати ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган вақтинчалик низомда белгиланган.

КЛИРИНГГА ОИД ОПЕРАЦИЯЛАР — ЎзР нақд пулсиз ҳисоб-китоб ҳақидаги низомда белгиланган қоидаларга мувофиқ клиринг ўтказишни таъминлашга қаратилган ҳаракатлардаги изчиллик.

КНЕССЕТ — Исроил давлатидаги бир палатали парламентнинг номланиши.

«КНУТЛАР» — Буюк Британия ва собиқ Англия мустамлака давлатларида махсус партиявий функционерлар деб номланиб, улар депутатларнинг ўз партия фракцияларидаги ҳамма аъзоларига овоз берилишида парламентдаги интизомга риоя қилишларни кузатиб турадилар.

КНЯЗЛИК — князь бошчилигидаги монархия давлати. Князлик феодал тарқоқлик давридан анча ажралиб туради. Қадимги Русда биринчи князлик IX аср ва XX аср бошларида вужудга келган. XI—XII асрларда Киев Русида бир қанча князликлар, ўз навбатида улардан князлик оилалари ажралиб чиққан. (*Удел князликлари*га қаранг); улар пойтахт шаҳарлари бўйича номланган (Рязан, Владимир). Йирик князликлар буюк князликлар деб номланган (Буюк князь). XV аср охири XVI аср бошларида Шимоли-шарқий Рус князликлари Буюк Москва князлиги атрофида бирлашиб, ягона марказлашган Рус давлатига айландилар. 1809—1917 йилларда Россия империясида Буюк князлик сифатида Финляндия (Буюк Финляндия князлиги) тан олинган. Бошқа давлатларда ҳам князлик феодал тарқоқлик даврида ўзига хос мавқега эга бўлган. Германияда ҳудудий князликлар Германия империясининг бирлашиши ва таркиб топишига қадар ҳам мавжуд бўлганлар (1871 йил). Айрим князликлар ҳозирги даврга қадар ҳам сақланиб қолган (Лихтенштейн, Монако — Ғарбий Европада; Форс қўлтиғидаги араб князликлари (амирликлар); 1950 йилгача Ҳиндистонда ҳам князликлар бўлган).

КНЯЗЬ — 1) Қабила бошлиғи, давлат ёки давлат маорифи ҳукмдори. Ўрта асрларда Германияда княз алоҳида имтиёзларга эга бўлган олий империя аристократияси вакили ҳисобланган. Роман тилида гаплашадиган мамлакатларда князлик унвони prince сўзини англатган (лот. princeps — биринчи). Русда князларнинг каттаси буюк князь, қолганлари ўлка князлари деб номланганлар. 2) Октябрь тўнтаришидан олдинги Россияда ҳурматли дворянлик унвони; XVIII асрда подшо томонидан алоҳида хизматлар учун мукофот тариқасида берилган.

КОАЛИЦИОН ҲУКУМАТ — парламентар давлатларда, парламентдаги депутатлик ўринлари парламентда турли партиялар ўртасида бўлинганлиги ва улардан ҳеч бири бир партияли ҳукуматни тузишни талаб қилмайдиган парламентар давлатларда тузиладиган ҳукумат. К.ҳ. ҳозирги даврларда жуда тез вужудга кела бошлади, улар Италия, Венгрия, Бельгия, Голландия, Руминияда мавжуд бўлиб, бу ерда партиявий тизимда ҳукмронлик қилувчи партия йўқ.

КОВЕРНОТ — суғурталовчи (суғурта даллоли, агенти ва бошқа) томонидан суғурталанувчига унинг суғурта бўйича кўрсатмаси бажарилганлиги ҳақидаги ёки агент томонидан суғуртани суғурталанувчи фойдасига ҳал қилинганлигини тасдиқлаб бериладиган ҳужжат.

КОДЕКС (лот. Codex) — тизимлаштирилган ҳуқуқий актлар, унда ҳуқуқ тармоғининг барча нормалари белгиланган (масалан, фуқаролик, ЖК). К.даги ҳуқуқий нормаларнинг жойлашиши тегишли ҳуқуқ тармоғи тизимининг акс эттирилиши тартибида ишлаб чиқилади.

КОДИФИКАЦИЯ — норматив-ҳуқуқий актларни қайта ишлаш йўли билан уларнинг ягоналигига олиб борувчи процесс. К. расмий эга. Кодификация жараёнида ҳуқуқий нормаларнинг эскирган қисми олиб ташланади, норматив-ҳуқуқий актларнинг қисми бобларга бўлинади ва боғла-

дек, низолашувчи томонларнинг денгиз савдо кемалари ва фуқаролик авиацияси самолётлари экипажлари, агар улар ҳарбий мақсадларда фойдаланиш учун қайтадан жиҳозланган бўлса, кирган. Мунтазам ҳарбий қисмлар таркибида бўлмаган отрядлар қатнашчилари, агар улар қурол олиб юришса уруш қоидалари ва одатларига риоя қилишса, халқаро ҳуқуқда К.лар деб тан олиниши мумкин. Нокомбатантлардан фарқли ўлароқ, К.ларга нисбатан куч ишлатишнинг барча чораларини, хусусан, уларни жисмонан йўқ қилиш билан боғлиқ чораларни ҳам қўллаш мумкин. К. агар душман томонига асирга тушиб қолса, ҳарбий ҳаракатларда ноқонуний қатнашаётган шахслардан фарқли ўлароқ, ҳарбий асир мақомига эга бўлади. К.ларнинг ҳуқуқий ҳолати билан боғлиқ масалалар қуруқликдаги урушлар қонун ва удумлари тўғрисидаги IV Гаага Конвенциясида (1907 йил), 1949 йилги Женева Конвенцияларида ва уларга I ва II қўшимча протоколларда янада кенгроқ баён қилинган.

КОМЕНДАНТЛИК СОАТИ — сутканинг белгиланган вақтида кўчаларда ва бошқа жамоат жойларида фуқаронинг шахсини тасдиқловчи рухсатнома ёки ҳужжатларсиз юршини тақиқлаш.

К.с. қоидаларини бузган фуқаролар ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан К.с. тугагунча, ўз ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжатларига эга бўлмаган шахслар эса улар шахси аниқлангунга қадар ушлаб турилиши мумкин, бироқ бу муддат уч кундан ошмаслиги лозим. Ушланган шахслар ва уларнинг ёнидаги нарсалар текшириб кўрилиши мумкин.

КОМИССАР (фр. commissaire, ўрта аср лот. commissarius — вакил) — 1) ижтимоий-сиёсий ёки маъмурий ваколатларга эга бўлган раҳбар. Халқ комиссари — халқ комиссариати раҳбари бўлган ҳукумат аъзоси; 2) баъзи мамлакатларда маъмурий ёки полиция ваколатларига эга бўлган амалдор шахс.

КОМИССИОНАЛ ТИЗИМ — АҚШ ва бошқа бир қатор англосаксон ҳуқуқий тизимлари ҳукмрон бўлган давлатларда маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни ташкил қилиш усули. Унга мувофиқ муниципалитет (маҳаллий ўзини-ўзи идора қилиш органи) кенгаши шаҳарни идора қилиш мақсадида мутахассисни — менеджерни ёллайди. Менеджер ҳам аксарият ҳолларда мэр унвонига эга бўлади. У муниципалитет кенгаши амалдори бўлиб, тўлиғича унинг измида бўлади ҳамда унинг топшириқларини бажаради.

КОМИССИОНЕР (ВОСИТАЧИ) — фуқаролик ҳуқуқида *комиссия шартномаси*нинг томони. У маълум ҳақ (мукофот) эвазига бошқа томон (комитент) топшириғига биноан учинчи шахслар билан ўзи номидан комитент манфаатлари ва унинг фойдасига битим тузади.

КОМИССИЯ (лот. Commissio-топшириқ) — 1) муайян функцияларни бажариш (сайлов К., тафтиш К. ва ҳ.к.) ёки махсус тадбирларни ўтказиш учун ташкил этиладиган орган; 2) фуқаролик ҳуқуқида *шартнома*. Унга мувофиқ, бир томон (воситачи) маълум ҳақ (мукофот) эвазига бошқа томон (комитент) топшириғига биноан учинчи шахслар билан ўзи номидан комитент манфаатлари ва унинг фойдасига битим тузади. Қ.: *Комиссия (воситачилик) шартномаси.*

КОМИССИЯ ШАРТНОМАСИ — бир томон (*комиссионер*)нинг бошқа томон (комитент) топшириғи бўйича ҳақ эвазига ўз номидан, аммо комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битим тузиш мажбуриятини

олишига асос бўладиган шартнома. Битимда комитент номи айтилган ёки битимни бажаришда учинчи шахс билан бевосита муносабатга комитент киришган бўлса ҳам, комиссионернинг учинчи шахс билан тузган битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларга комиссионер эга бўлади.

К.ш. муайян муддатга ёки амал қилиш муддатини кўрсатмаган, уни ижро этиш ҳудудини кўрсатган ёки кўрсатмаган, ижро этиш комиссионерга топширилган битимларни амалга ошириш ҳуқуқини комитентнинг унинг манфаатлари йўлида ва унинг ҳисобидан учинчи шахсларга бермаслик мажбуриятини белгилаган ёки белгиламаган, комиссия предмети бўлган товарлар ассортиментига нисбатан шартлари бўлган ёки бўлмаган ҳолларда тузилиши мумкин.

КОМИТЕТ (фр. comite, лот. committo — топшираман) — 1) махсус тадбирларни амалга ошириш ёки муайян соҳага раҳбарлик қилиш учун тузиладиган давлат органи; 2) сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларидаги сайлаб қўйиладиган коллегиал раҳбар орган.

КОМИЦИЯ (лот. comitia) — Қадимги Римда уруш ва тинчлик масалаларини ҳал этувчи, қонунлар қабул қилувчи, мансабдор шахсларни сайловчи халқ мажлиси. К.ларнинг уч тури мавжуд бўлган. Куриантлар К.си — куриялар бўйича мажлис, центуриатлар К.си — центуриялар бўйича, трибутлар К.си — ҳудудий округлар бўйича барча фуқароларнинг мажлиси. I аср охирларига келиб, К. ўз аҳамиятини йўқотди.

КОММЕНДАЦИЯ (лот. commendo — ишонаман, топшираман) — илк ўрта аср даврида Ғарбий Европада мавжуд бўлган акт бўлиб, унга мувофиқ, шахс ўзини «кучлироқ», қудратлироқ ва бойроқ одам ҳомийлигига топширади.

КОММИВОЯЖЕР (фр. commis voyageur) — сайёр (кўчиб юрувчи) мол сотиш (тарқатиш) билан шуғулланувчи воситачи бўлиб, мижоз (сотувчи) топшириғи бўйича бозор бўйлаб кўчиб юриб, оддий воситачи ролини бажаради.

КОММУНА (фр. commune, лот. communis) — Франция, Италия, Бельгия, Жазоир, Сенегал ва бошқа бир қатор давлатларда қишлоқ ёки шаҳар типидаги манзилгоҳлар бўлиб, маъмурий-ҳудудий бўлинишнинг қуйи қатламини ташкил этади. Кўпгина мамлакатларда К.ни бошқаришни сайлаб қўйиладиган *муниципал кенгаш* амалга оширади. Ушбу кенгаш коммунал хизматлар фаолиятини ташкил қилиш (соғлиқни сақлаш, таълим, сув билан таъминлаш ва ҳ.к. соҳаларда), маҳаллий аҳамият касб этувчи жамоат ишларини ўтказиш каби вазифалар билан шуғулланади. Муниципал кенгашнинг ижрочи органи кенгаш томонидан сайланадиган ёки ҳукумат томонидан тайинланадиган мэр (ёки бургомистр) ҳисобланади. Мэр айни вақтнинг ўзида марказий ҳукумат манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат мансабдор шахси ҳам ҳисобланади.

КОММУНАЛ — кўпгина сўз бирикмаларида «муниципалитет» ибораси мазмунига ўхшаш маъно касб этади (масалан, коммунал мулк, коммунал хўжалик ва ҳ.к.).

КОММУНАЛ КВАРТИРА — мустақил ижарачилар сифатида икки ёки ундан ортиқ оила томонидан эгалланган квартира.

КОММУНАЛ МУЛК — маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари мулки каби мулк. Мазкур ибора 1990 йилда қабул қилинган «Мулк тўғрисидаги» собиқ СССР қонунида қўлланган, ҳозир ҳуқуқий муомалада ишлатилмайди.

КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК — шаҳарлар, қишлоқлар ва бошқа аҳоли яшаш жойларида аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича корхоналар, хизматлар ва хўжаликлар йиғиндиси. Унинг таркибига санитар-техник корхоналар (сув тармоғи ва бошқалар), уй-жой хўжаликлари, шаҳар транспорти, энергетика корхоналари, меҳмонхоналар ва ҳ.к.лар киради.

КОММЮНИКЕ (фр. communique) — халқаро хусусиятга эга воқеалар тўғрисидаги расмий хабар. Мазкур К. уни нашр қилаётган давлат (ёки халқаро ҳуқуқнинг ўзга субъекти) иштирок этаётган халқаро воқеалар тўғрисидаги ахборот бўлиши мумкин. Масалан, ҳарбий ҳаракатлар тўғрисидаги, халқаро ташкилотлар ёки органлар сессияларининг бошланганлиги, унинг бориши ёки тамом бўлганлиги тўғрисидаги К. қўшма К. халқаро ҳуқуқ субъектлари ваколатли вакилларининг ёки улар органларининг халқаро музокаралар (консультация, учрашув) якунлари бўйича қабул қилган расмий хабари ҳисобланади. Қўшма К. бир вақтнинг ўзида халқаро музокара қатнашчиси ҳисобланган давлатларда расман нашр қилинади. Қўшма К. мазмуни ахборот материали билан бир қаторда томонларнинг кўрилаётган халқаро ҳаёт масалалари борасидаги нуқтаи назари, баёнотлари, баҳолари ва бошқаларни ўзида намоён қилади. Шунингдек, К.да томонларнинг маълум мақсадларга эришишда ўзаро ҳаракатлари, уларнинг хусусиятини белгиловчи мажбуриятлар ҳам ўз ифодасини топиши мумкин. К.нинг мазкур қисми халқаро ҳуқуқий хусусият касб этиб, халқаро ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлиши, яъни томонлар учун маълум юридик оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. К. — шунингдек, халқаро ташкилотнинг халқаро ҳаёт масалалари бўйича қабул қилган расмий ҳужжатининг номи ҳисобланади.

КОМПАНИЯНИ ТУГАТИШ — юридик шахс бўлмиш компаниянинг фаолиятини унинг мулкини бошқа шахсга бериш ёки сотиш ва қарзларини тўлаш йўли билан белгиланган тартибда тугатиш. Агар компания фаолияти унинг низомида кўрсатилган мақсадларга мос бўлмаса, шунингдек, тўловга қодир бўлмаган ёки банкрот бўлган ҳолларда унинг тугатилганлиги эълон қилинади. Тугатиш ишини мулкни баҳолайдиган ва сотадиган, дебитор қарзларини ундириш ва кредиторларнинг даъволарини қондириш чораларини кўрадиган тугатиш комиссияси амалга оширади. Комиссия тугатилаётган компания билан келишмаган ҳолда банкка унинг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиш ҳақида ариза йўллайди. Барча қарзларни тўлагандан ва кредиторларнинг талабларини қондиргандан сўнг қолган мулкнинг қиймати тугатилаётган компания мулкдорларининг инвестициясини қоплашга ёки унинг низомида назарда тутилган бошқа мақсадларда сарфланади.

КОМПАНЬОНАЖЛАР (фр. compagnonnages, compagnon сўзидан — шогирд, ёрдамчи ишчи) — XII—XIII асрларда Францияда тузилган шогирдлар иттифоқи. Улар асосан яширин ташкилотлар ҳисобланган. XIX асрга келиб касаба уюшмаларига ўз ўрнини берган.

КОМПЕНСАЦИОН БИТИМЛАР — ташқи савдо битимларининг тури бўлиб, унга кўра маҳсулотни сотиб олувчи маҳсулот қийматини бошқа маҳсулотлар етказиб бериш билан қоплайди.

КОМПЕНСАЦИОН КЕЛИШУВ — ўзаро маҳсулот етказиб бериш ёки контрагентлар манфаатларини бошқа шаклда ўзаро қондириш. К.к.да муайян қийматдаги маҳсулот бошқа маҳсулот ёки хизматларга айрибошланади. К.к. асосини ташкил этувчи компенсацион шартнома маҳсулотнинг маълум қисмини пул билан қоплашни мустаҳкамлаши мумкин. Ҳудди шу ҳолат К.к.ни бартер тартибида маҳсулот айирбошлашдан фарқ қилади.

КОМПЕНСАЦИОН САВДО — савдо тизими бўлиб, унга кўра экспорт қилувчи давлат тўлов ҳисобига импорт қилувчи давлатдан маҳсулотлар етказиб берилишига ўз розилигини беради.

КОМПЕНСАЦИОН ШАРТНОМА — жавоб тариқасидаги (қарши) савдо ёки бартер операцияларининг бир тури бўлиб, унга кўра маҳсулотларнинг бир қисми пул (ёки валюта) билан тўланади.

КОМПЕНСАЦИЯ КРЕДИТИ — турли мамлакатларнинг иккита тижорат фирмалари томонидан ўзининг миллий валютасида тенг миқдорда бериладиган кредит; ривожланаётган давлатларда тўсиқ қўйишликлар ҳолатида валютани хавф остига қўйишдан ҳимоя қилиш учун хизмат қилади.

КОМПИЛЯЦИЯ (лот. compilatio сўзма-сўз тарж. — ўғрилик) — бегона тадқиқотлар ёки бегона бадиий асарлар асосида (бадиий К.), мустақил тарзда манбалар билан ишламасдан асар яратиш; шу метод асосида бажарилган иш (асар).

КОМПЛИМЕНТАРИЙ — ўзининг бутун мол-мулки билан жавоб берувчи жамиятнинг тўлиқ аъзоси.

КОМПЬЮТЕР (ингл. computer, лот. computo — санайман) — ЭҲМ ибораси билан айнан тушунча; илмий-оммабоп ва илмий адабиётларда кенг тарқалган ибора бўлиб, инглиз тилидан таржима қилинганда ҳисобловчи деган маънога эга.

КОМПЬЮТЕР ВИРУСИ — фойдаланувчининг ихтиёрисиз ҳамда унинг хоҳишига қарши ўз-ўзидан кўпаядиган ва тарқаладиган ҳамда бунинг натижасида ЭҲМнинг программалаштирилган таъминот иш қобилиятига путур етказадиган ЭҲМ дастури. Ушбу ибора илк бор 1980-йилларда АҚШда пайдо бўлди. 1996 йилга келиб К.в.нинг бир неча ўн турлари мавжуд эди. Уларга қарши курашиш мақсадида вирусга қарши дастурлар ишлаб чиқилди.

КОМПЬЮТЕР ЖИНОЯТЛАРИ — компьютер ахбороти соҳасидаги жиноятларнинг қисқача номи.

КОНВЕНЦИОН ТАРИФ — савдо шартномаларида ёки алоҳида маҳсулотларни аҳдлашувчи давлатларнинг бири ҳудудидан иккинчи бири ҳудудига олиб кириш учун давлатлар ўртасида тузиладиган битимларда ўрнатиладиган божхона божлари миқдори (нормаси). К.т. миқдори тегишли давлатнинг бир томонлама акти билан ўрнатиладиган автоном тарифдан пастроқ бўлади.

КОНВЕНЦИОН УСТУНЛИК — патент ҳуқуқи объекти янгилиги белгиланадиган (унинг ҳимоя шартлари ҳисобланган) сана. 1883 йил 20 мартдаги Саноат мулкини ҳимоя қилиш бўйича Париж конвенциясининг 4-моддаси қатнашчи мамлакатларда патентлашни енгиллаштириш мақсадида бу мамлакатларнинг бирида ихтиро, фойдали намуна ёки маҳсулот белгиси учун патент олиш учун берилган дастлабки талабнома санаси бўйича (бошқа қатнашчи мамлакатларда берилган талабноманинг ҳақиқий санаси бўйича эмас) патентлашнинг имтиёзли қоидаларини белгилаб берган.

К.у. Париж конвенцияси бўйича ихтиро учун биринчи талабнома берилган кундан бошлаб фақат 12 ой, фойдали намуна ёки маҳсу-

лот белгисига нисбатан — 6 ой давомида амалда бўлади. К.у.нинг асосий шарти — бу илк бор талабнома берилаётган жойда ички давлат қонунчилигига мувофиқ миллий талабномани беришни тўғри расмийлаштириш.

КОНВЕНЦИОН ФАКТОРИНГ — бухгалтерлик, ахборот, реклама, маҳсулотни сотиш, суғурта хизмати. Кредит ва юридик хизматларни ўзида бирлаштирган мижозга хизмат кўрсатишнинг универсал тизими. Мижоз фақат ишлаб чиқариш билан банд бўлиб қолади. Фактор компанияларнинг мижозлари мазкур вазифаларни бажарувчи ўз ходимлари хизматидан воз кечиши мумкин, бу эса, ўз навбатида ишлаб чиқариш корхонасига маълум моддий маблағларни тежаш имкониятини беради. Қ.: *Факторинг.*

КОНВЕНЦИОНАЛ НОРМАЛАР — конституциявий ҳуқуқ нормалари ҳисобланиб, конституциявий битимларда ўз ифодасини топади (қ.: *Конституциявий битимлар*). К.н. йиғиндиси баъзан «конвенционал конституция» деб номланади.

КОНВЕРТАЦИЯ ҚИЛИНАДИГАН ВЕКСЕЛЬ (қарз ҳужжати, пул қарз олганлиги тўғрисида тилхат) — вексель сармоя қўювчиларга бир тур қарзни бошқасига конвертация қилиш имконини берувчи вексель.

КОНВЕРТАЦИЯ ҚИЛИНАДИГАН ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР — бошқа қимматбаҳо қоғозларга (одатда оддий акцияларга) қайд этилган нархда ёки белгиланган нисбатда алмаштирилиши мумкин бўлган қимматбаҳо қоғозлар (облигация ёки имтиёзли акциялар).

КОНГЛОМЕРАТ (лот. conglameratus — йиғилган) — 1) ташкилий тузилма бўлиб, ягона молиявий назорат остига технологик жиҳатдан бир-бири билан боғланмаган ишлаб чиқариш, савдо, суғурта, илмий тадқиқотлар, маиший хизмат, кино саноати ва бошқа соҳа корхоналарини (компанияларни) ўзида бирлаштиради.

КОНГРЕСС (инг. Congress — съезд) — АҚШ, Парагвай ва бошқа бир қатор мамлакатларда икки палатали парламент номи.

КОНДИЦИЯ — шартнома шартларига мувофиқ шартнома томонлари риоя этишлари лозим бўлган норма, меъёр, сифат.

КОНДОМИНИУМ — халқаро ҳуқуқда икки ёки ундан ортиқ давлат томонидан маълум ҳудудга эгалик қилиш. Улар мазкур ҳудудга нисбатан суверенитетни биргаликда татбиқ қилишади. К.нинг ўзига хослиги шундаки, у бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ давлатга тегишли бўлади.

КОНКЛАВ (лот. conclave — ёпиқ (қулфли) хона) — Рим папаси оламдан ўтганидан сўнг янгисини тайинлаш учун чақириладиган кардиналлар мажлиси (1274 йилдан эътиборан). Ташқи дунёдан ажратиб қўйилган шароитда юз беради.

КОНКЛЮДЕНТ ҲАРАКАТЛАР (лот. Concludo — тузаман, хулоса қиламан) — шахснинг ҳуқуқий муносабат ўрнатишга нисбатан иродасини ифодаловчи ҳаракати (масалан, битим тузиш), бироқ у оғзаки ёки ёзма шаклда эмас, балки шундай мақсад борлигига нисбатан хулоса чиқариш мумкин бўлган унинг хатти-ҳаракатида ифодаланади. Ривожланган иқтисодиёт ва автомат воситаларнинг кенг тарқалганлиги шароитида маҳсулот ва хизматларга эга бўла олиш тартибини енгиллаштиради (автомат аппаратлар орқали газета ва журналлар сотиб олиш, алоҳида механизациялаштирилган идишларда юкларни сақлаш учун топшириш).

К.ҳ. фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини вужудга келтирувчи юридик факт сифатида янада кенг тарқалмоқда.

КОНКОРДАТ (ўрта аср лот. cocordatum — битим, келишув) — Рим папаси ва бирор давлат бошлиғи ўртасидаги шартнома. Мазкур шартномада ушбу давлатдаги католик черкови ҳуқуқий ҳолати ёки унинг папа тахтига нисбатан муносабати тартибга солинади.

КОНКУБИНАТ (лот. concubinatus, con (cum)-бирга ва cubo — ётаман, бирга тураман сўзларидан) — Рим ҳуқуқида расмий никоҳдан фарқли ўлароқ, аёл ва эркакнинг никоҳсиз муносабатларига ҳам йўл қўйилишини қонуний тартибга солиш. К. юридик институт сифатида милоддан аввалги 18 йилда хиёнат қилиш учун қаттиқ жазо белгиловчи қонуннинг қабул қилиниши билан боғлиқ. Жазодан фақатгина бирга яшаб никоҳ муносабатлари ўрнатиш ниятида бўлган, бироқ қонуний тақиқларнинг мавжудлиги сабабли (масалан, қонун сенатор табақасига мансуб шахсни озод қилинган қул билан никоҳда бўлишини тақиқлайди, ушбу имкониятга эга бўлмаган эркакларгина озод қилинган. К. оқибатида туғилган болалар ота-оналари вафотидан сўнг чекланган меросга эга бўлганлар, уларни фарзандликка олиш тартиби белгиланган (никоҳсиз туғилган болалар умуман мулкий ҳуқуқлардан маҳрум қилинганлар).

КОНКУРЕНЦИЯ (лот. concurrentia, concurrere сўзидан — тўқнашмоқ) — рақобат. Конкуренция — хўжалик юритувчи субъектларнинг баҳс, рақобат қилиши бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари бошқа субъектларнинг тегишли товар бозорида товар муомаласи умумий шартларига бир томонлама таъсир этиш имкониятларини самарали чеклайди.

КОНКУРС АСОСИДА БОШҚАРУВЧИ — Қ.: *Ишни танлов асосида юритиш.*

КОНКУРС МАССАСИ — банкрот бўлган хўжалик субъекти мулки бўлиб, ушбу мулкдан ишни конкурсли юритиш давомида кредиторлар даъволари қондирилади. К.м. қарздорнинг бутун мулкини, шу жумладан, унинг балансида бўлган ижтимоий-маданий хусусиятдаги объектлар ҳам унинг таркибига киради. Турар жой фонди, мактаб ёшигача тарбия муассасалари, мазкур ҳудуд учун муҳим бўлган алоҳида ишлаб чиқариш ва коммунал хўжалик инфраструктуралари объектлари бундан мустасно. Тегишли мулк, агар қонунчиликда бошқа ҳолат белгиланмаган бўлса, ўзини-ўзи идора қилиш маҳаллий органлари ёки давлат ҳокимияти органлари ихтиёрига ўтказилади. К.м.га қарздор ижарага олган ёки сақлаш шарти билан олган мулк, шунингдек, корхона ишчилари мулки ҳам кирмайди (қонунчилик ёки таъсис ҳужжатларига мувофиқ қарздор мажбуриятлари бўйича олиниши мумкин бўлган мулк бундан мустасно).

КОНОСАМЕНТ (фр. connaissement) — денгиз алоқаларидаги юк ҳужжати, юкни олганлик тўғрисидаги кема капитанининг тилхати. Маҳсулотни тасарруф қилиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат (қимматли қоғоз). Ташқи савдода жуда кенг тарқалган. Юк ташувчи томонидан юкни қабул қилиб олганидан сўнг уни жўнатувчига берилади ва юкни қабул қилиб олганлигини ҳамда шартнома тузилганлик фактини тасдиқлайди. К.да ташувчи ва юкни қабул қилиб олувчи ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар белгилаб берилган. Агар юкни қабул қилиб олувчи учун мажбурий шартлар К.да кўрсатилмаган бўлса, улар ифодаланган ҳужжатга (одатда *чартерга*) ҳавола қилиниши мумкин.

КОНСЕНСУАЛ БИТИМЛАР (лот. consensus — розилик, келишув) —

бажарилиши учун томонлар розилигининг ўзигина етарли бўлган битимлар. Буюмни топшириш, ҳаракатни содир этиш, уларни (битимларни) бажариш мақсадида амалга оширилади. Олди-сотти битимлари, маълум ишни бажариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ битимлар консенсуал битимлар қаторига киради. Буларга қарама-қарши битимлар туркумини ҳақиқий битимлар ташкил этади.

КОНСЕНСУС (лот. consensus — розилик, келишув, умумий фикр) — халқаро конференциялар, йиғилишлар ва халқаро ташкилотларда қарор ёки шартнома матнини, мазкур форумда иштирок этаётганларнинг ҳеч бири қарши овоз билдирмаган ҳолатларда уларнинг умумий розилиги асосида овозга қўймасдан қабул қилиш. К., шунингдек, муҳокама қилиниши маълум вақтга кечиктирилаётган масалаларга нисбатан давлатлар нуқтаи — назарининг умумийлигини (бирлигини) таъминлаш воситаси сифатида ҳам қўлланади. «К.» ибораси ҳам ҳуқуқий, ҳам сиёсий ибора сифатида қўлланади. К. давлатлар ўртасида ўзаро келишувга эришишда муҳим аҳамият касб этади, чунки музокараларда қатнашаётган барча давлатлар учун ўзаро мақбул бўлган қарорларни қабул қилишда кенг имкониятларни очади. К. давлатлар манфаатлари бир-бирига мос келадиган соҳаларда келишмовчилик мавжуд бўлган масалаларни четлаб ўтиб умумий келишувга эришишга имконият яратади ва ҳар бир давлат учун унга мақбул бўлмаган қарорни қабул қилмаслик кафолатини беради. Ушбу маънода К. халқаро ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича келишувга эришишнинг конструктив усули ва, шубҳасиз, уларнинг самарали амалга оширилиши ва бажарилишини таъминловчи ишончли йўлдир. К. асосда қарорлар қабул қилиш барча давлатлар томонидан ўзаро компромиссни, яъни бир-бирларининг суверенитетини ҳурмат қилиш, тенглик ва томонлар манфаатларини ўзаро тан олишни кўзда тутади ва босим ўтказиш ёки халқаро конференция ва ташкилотларда қарорларнинг кўпчилик томонидан механик қабул қилинишини инкор этади.

К. усули БМТ тизими таркибига кирувчи кўпгина ташкилотлар ва БМТ доирасида ўтказиладиган халқаро конференциялар томонидан қабул қилинган.

КОНСИГНАНТ — одатда комиссионер (консигнатор) орқали хорижга сотилаётган маҳсулот эгаси.

КОНСИГНАТОР — маҳсулот эгаси (консигнант) топшириғи бўйича ўз омборидан (консигнацион омбор деб номланувчи омбордан) маҳсулот сотишни амалга оширувчи комиссионер. Консигнацион шартномада нафақат маҳсулот номи, балки унинг нархи, етказиб бериш, сотиш муддати ва х.к.лар келишиб олинади. Консигнатор ёрдамига одатда ташқи савдо операцияларида мурожаат қилинади. Ўзга комиссионерлардан фарқли ўлароқ, К. маҳсулотларни комитент белгилаган нархда сотади.

КОНСИГНАЦИОН АСОСДА МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ — юк олувчи компания омборларига юк жўнатувчи компания омборларидан келиб тушувчи, бироқ унинг захиралари таркибига кирмайдиган ва сотилгунга қадар етказиб берувчи мулки саналадиган маҳсулотлар. Бундай операция етказиб берувчини буюртмачининг тўлов қобилиятини йўқотиши ёки банкротлиги билан боғлиқ равишда вужудга келиши мумкин бўлган хафвдан ҳимоя қилади. Бундай маҳсулотлар етказиб берувчининг активи ҳисобланади.

КОНСИГНАЦИЯ — 1) маҳсулотларни комиссион тарзда сотиш шакли бўлиб, унинг эгаси (консигнант) комиссионерга (консигнаторга) комиссионер омборидан сотиш учун маҳсулот беради; 2) воситачиларнинг консигнация омборлари орқали маҳсулотларни сотиш шартлари. Ушбу ҳолатда воситачининг омборига келиб тушган маҳсулотга нисбатан мулк ҳуқуқи маҳсулотни харидорга сотиб бўлгунга қадар сотувчи эга бўлади. Маҳсулотни омборда сақлаш ва уни сотиш учун тайёрлаш сотувчи ҳисобига амалга оширилади. Омборга маҳсулотни етказиб бериш харидор билан шартнома тузилгунга қадар амалга оширилади. К.нинг одатий шартлари — маҳсулотни воситачи омборида 1—1,5 йил сақлаш. Агар бу давр мобайнида маҳсулот сотилмаса, у мулк эгасига унинг ҳисобидан қайтарилади. К. сотиш вақтини ўтказиб юбормаслик муҳим бўлганда ёки маҳсулотни тезда етказиб бериш омили муҳим аҳамият касб этган ҳолатларда қўлланади.

КОНСОЛИДАЦИЯ ҚИЛИНГАН ҚАРЗ — давлат қарзининг умумий суммасидаги узоқ муддатли заёмлар чиқариш натижасида ҳосил бўлган қисми.

КОНСОРЦИУМ (лот. Consortium — ҳамжамият) — мустақил тадбиркорлик тизимларининг буюртмаларни биргаликда бажариш, ишлаб чиқариш, кредит-молия ва йирик ҳажмдаги маркетинг операцияларини, саноат қурилишида кенг миқёсдаги лойҳаларни амалга ошириш, фойдали буюртмалар олиш ва ҳамкорликда бажариш мақсадида ўзларининг барча тадбиркорлик фаолиятини мувофиқлаштириш учун тузадиган вақтинчалик бирлашмалари (келишуви). К.ларни тузишдан асосий мақсад — бир ёки бир неча мамлакатларнинг бирлашган фирма ва компанияларини маҳсулот ва хизматлар бозорида рақобатга бардошлилик даражасини оширишдир. К.ни (ёки халқаро К.ни) ташкил қилиш битим билан мустаҳкамланади. К. фаолиятини мувофиқлаштириш лидерга, одатда К. таркибидаги энг йирик тадбиркорлик структурасига топширилади. К. лидер унинг барча аъзолари манфаатларини ҳимоя қилади, унга берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилади ва шунинг учун биргаликдаги фаолият натижалари бўйича тегишли чегирмаларни олади. К. лидерининг функцияси ва ваколатлари барча иштирокчилари томонидан қабул қилинган консорциал битимда белгиланади. К. лидери йиғилишларни чақиради, барча муҳим масалалар бўйича келишувни таъминлайди, зарурат бўлганда буюртмачи мамлакатида ва объект қурилаётган жойда К. ваколатхонасини таъсис қилади, К. аъзоларининг контракт бўйича ўз мажбуриятларига риоя қилишларини назорат қилади ва мувофиқлаштириб туради.

КОНСТЕБЕЛЬ (ингл. constable) — 1) Буюк Британия ва АҚШда қуйи полиция мансаби; 2) Буюк Британияда — қалъа ёки сарой коменданти; 3) феодал Англияда — олий сарой мансабдори; «буюк отбоқар» маъносини ҳам билдиради.

КОНСТИТУАНТА (фр. constituant) — *таъсис мажлисининг* номларидан бири.

КОНСТИТУЦИОНАЛИЗМ (лот. Constitutio — ўрнатиш) — 1) конституция билан чекланаган бошқарув, конституцияга асосланган сиёсий тизим ва бошқарувнинг конституциявий усуллари; 2) конституциявий тузумни ўрнатиш заруратини асословчи сиёсий-ҳуқуқий назария.

КОНСТИТУЦИЯ — давлатнинг халқ иродасини ифодаловчи, давлат тузилиши ва бошқарув шакли асосларини мустаҳкамловчи, ҳокимият

идоралари фаолиятининг ташкил этилиш тартиби ва принципларини белгиловчи асосий қонуни.

ЎзРнинг амалдаги Конституцияси 1992 й. 8 декабрда ЎзР Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида умумхалқ муҳокамаси ва халқаро экспертизадан сўнг қабул қилинди. У умуминсоний ва миллий ажралмас бирликни, ўзбекларнинг ва дунёнинг ривожланган қонунчилик тажрибасини ўз ичига олган ҳамда жамиятимизда бўлиб ўтган туб сифат ўзгаришларини акс эттиради. Асосий конституциявий принциплар демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устунлиги ва ватанпарварликдир.

ЎзРнинг Конституцияси қуйидаги асосий қадриятларни мустаҳкамлайди: мустақил, онгли, эркин шахс, ўзини-ўзи бошқаришга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга асосланган фуқаролик жамияти, суверен, демократик ва ҳуқуқий давлат.

ЎзРнинг Конституцияси 6 бўлим, 26 боб, 128 моддани ўз ичига олган. Асосий қонун олдидан муқаддима берилади, унда қабул қилинган К. халқ иродаси ифодаланиши натижаси эканлиги, халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга, бирлик ва тенг ҳуқуқлиликка интилиши баён этилади. Биринчи бўлимда конституциявий тизимнинг асосий принциплари жамланган; иккинчисида инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари тизими мустаҳкамланган; учинчи бўлим фуқаролик жамияти қурилишининг ҳуқуқий асосларини ўзида акс эттиради; тўртинчиси давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишга бағишланган; бешинчи бўлим ҳокимиятлар тақсимланиши принципи асосида қурилган давлат ҳокимиятининг янги тизимини мустаҳкамлайди, олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари тузилишини очиб беради; олтинчи бўлим К.га қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тартибини ўз ичига олади.

ЎзР К.сининг тузилиши унинг фуқаролар тинчлигига, миллий ва ижтимоий келишувга эришишга, шахс эркинлиги ва сайлов эркинлигига, сиёсий барқарорликка, иқтисодий тараққиёт ва фаровонликка эришишга, давлат ҳокимияти тизимини ҳуқуқий асосларда ривожлантиришга йўналтирилганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Конституцияси қонунчилик фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, демократик ислоҳотларнинг орқага қайтарилмаслиги учун ҳуқуқий шароитлар яратади, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларига содиқликни намоён этади, мустақил давлатимизнинг тенг ҳуқуқли аъзо сифатида дунё ҳамжамиятига кириши учун сиёсий-ҳуқуқий асослар яратади.

К. ҳуқуқнинг энг олий шакли бўлиб, унда ҳуқуқий қадриятлар, конституциявий тузум институтлари ва нормалари сингарилар расман мустаҳкамланган бўлади. К. — давлатчилик белгисидир.

Юридик ва ҳақиқий (фактик) К. тушунчалари ўзаро фарқланади. Моддий ва формал мазмунда юридик К. бу ҳар доим юқорида кўрсатилган муносабатлар доирасини тартибга солувчи маълум ҳуқуқий нормалар тизими. Ҳақиқий К. эса — ушбу муносабатларнинг ўзидир. К. ўз шаклига кўра кодекслаштирилган, кодекслаштирилмаган ва аралаш турдаги шаклларга бўлинади. Кодекслаштирилган К. — конституциявий хусусиятга эга барча асосий масалаларни тартибга солувчи бир бутун ёзма ҳужжат ҳисобланди. Агар ушбу масалалар бир неча ёзилган ҳужжатлар билан тартибга солинса, у ҳолда К. кодекслаштирилмаган ҳисобланади. Аралаш

турдаги К. нафақат парламент томонидан қабул қилинган қонунларни ва суд прецедентларини, балки одатлар ва назарий (доктринал) шарҳларни ҳам ўз ичига олади, яъни бу тур К.лар қисман ёзилгандир. Ўзгартириш киритиш усуллари бўйича К.лар ихчам ва қатъий турларга бўлинади. Уларнинг биринчиси оддий қонун қабул қилиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин. Иккинчисига ўзгартириш киритиш махсус такомиллаштирилган тартибни тақозо этади. Одатда, у парламент аъзолари овозининг малакали кўпчилигини, баъзан эса К. ўзгартиришни тасдиқлаш учун референдум ўтказилишини ёки ушбу ўзгаришларни федерация субъектларининг маълум сони томонидан ратификация қилинишини талаб қилади. Ҳаракат муддати бўйича К.лар доимий ва мувоққат турларга бўлинади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ (ЧЕКЛАНГАН) МОНАРХИЯ — монархия бошқарув шаклининг алоҳида тури бўлиб, унда монарх ҳокимияти конституция билан чекланган бўлади, сайлаб қўйиладиган қонунчилик органи — парламент ва мустақил судлар бўлади. К.м. биринчи бўлиб XVII асрда буржуа инқилоби натижасида Буюк Британияда пайдо бўлди. Бугунги кунда К.м.нинг икки шакли мавжуд: дуалистик монархия ва парламентар монархия. Қ.: *Монархия.*

КОНСТИТУЦИЯВИЙ АССАМБЛЕЯ (фр. constituant) — таъсис мажлисининг номларидан бири.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЖАВОБГАРЛИК — ижтимоий жавобгарликнинг алоҳида тури бўлиб, мураккаб сиёсий-ҳуқуқий хусусият касб этади ва конституциявий деликт (ҳуқуқбузарлик) сифатида талқин қилинади, конституциявий ҳуқуқбузарлик субъекти учун алоҳида салбий оқибатларда ифодаланади. К.ж. субъектлари бўлиб юқори мансабдор шахслар ва давлат ҳокимияти органлари ҳисобланиши мумкин. К.ж. шакллари: ғайриконституциявий ҳужжатни бекор қилиш ёки унинг ҳаракат кучини тўхтатиб қўйиш, вазифасидан бўшатиш (импичмент тартибида), сайлов ёки референдум натижаларини ҳақиқий эмас деб топиш, давлат органлари, юқори мансабдор шахслар фаолиятини қониқарсиз деб топиш (шу жумладан ҳукуматга ишончсизлик билдириш орқали).

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЖАРАЁН — 1) кенг маънода давлат юқори органларининг конституциявий ҳуқуқда белгиланган шакл ва нормаларидан келиб чиқиб амалга ошириладиган бутун фаолияти, шунингдек, барча конституциявий-ҳуқуқий институтларни ривожлантириш ва такомиллаштириш жараёни; 2) тор маънода конституциявий ҳуқуқнинг процессуал нормалари билан конституциявий судлар ва конституциявий назоратни таъминловчи бошқа органларнинг конституциявий-ҳуқуқий низоларни ва конституциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича тартибга солинган фаолият. Ушбу ҳолатда яна «конституциявий суд жараёни» иборaси ҳам қўлланади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ КЕЛИШУВ — бир қатор мамлакатларда (Буюк Британия, Янги Зеландия ва бошқалар) конституциявий ҳуқуқ манбаларидан, ҳуқуқий одат турларидан бири. Сиёсий амалиётнинг ўз қоидалари бўлиб, уларнинг тегишли шахслар томонидан оғишмай бажарилиши мажбурий ҳисобланади. К.к. билан белгиланган қоида суд орқали мажбурий тарзда амалга оширилиши мумкин эмас.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ КЕНГАШ — Франция ва унинг бир қатор собиқ мустамлакаларида мавжуд бўлган конституциявий назоратни амалга

оширувчи ярим суд (квазисудлов) органи. У ёки бу қонун, маъмурий ҳужжат ёки бошқа тадбирнинг конституциявийлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилишда суд тартиби қоидаларидан фарқли ўлароқ, Кенгаш аъзоларининг бири томонидан мазкур мавзу бўйича тақдим этилган маърузасини муҳокама қилиш орқали амалга оширилади («досьелар (ҳужжатлар тўплами) тизими»). К.к. конституциявий суд каби аралаш асосларда тузилади: аъзоларнинг бир қисми республика президенти томонидан, қолган қисми эса парламент ёки бошқа органлар томонидан тайинланади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОНВЕНТ (инг. Convention — мажлис, съезд) — 1787 йилда АҚШ Конституцияси матни ишлаб чиқилган таъсис мажлиси номи. АҚШ Конституцияси 2/3 штатлар талаби билан федерал Конституцияга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш учун К. чақириш мумкин эканлигини белгилаб қўйган (5-модда).

КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ — давлатда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг алоҳида тури бўлиб, мазкур давлат қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларини унинг конституциясига мувофиқлигини текширишда ўз ифодасини топади. К. н. а) барча умумий юридик мақомга эга судлари томонидан (м-н, АҚШ, Аргентина, Мексика, Норвегия, Япония); б) юқори суд инстанцияси ҳисобланмиш олий суд томонидан (м-н, Австралия, Ирландия, Канада); в) асосий функцияси К.н. бўлган махсус конституциявий судлар томонидан (м-н, Ўзбекистон, Австрия, ГФР, Италия, Туркия); г) суд хусусиятига эга бўлмаган алоҳида орган томонидан (масалан, Франция Конституциявий кенгаши), қонунлар, конституцияга ўзгартиришлар, халқаро шартномалар, парламент палаталари регламентлари, ҳукумат ижроия ҳокимиятининг норматив ҳужжатлари (маъмурий адлия тизими мавжуд бўлмаган давлатларда) К.н. объекти бўлиб ҳисобланади. Федератив мамлакатларда К.н. объектига яна иттифоқ билан унинг субъектлари ўртасида ваколатларни бўлиш масалалари ҳам киради. К. н. ўз мазмунига кўра формал (қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни қабул қилиш учун ўрнатилган тартиб қоидаларига риоя қилиниши текширилади), моддий (давлат қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларини унинг конституцияси мазмунига мувофиқлигини текширилади), мавҳум (қандайдир ваколатга эга бўлган субъектлар ташаббуси билан аниқ сабабсиз амалга оширилади) ёки аниқ (фақатгина қандайдир аниқ суд иши билан боғлиқ тарзда амалга оширилади) бўлиши мумкин. Ҳозирда давлатлар амалиётида кейинги (қабул қилинган ва кучга кирган қонунлар текширувдан ўтказилади. Масалан, АҚШ, Италия, ГФРда) ҳамда аввалги (парламентда кўрилаётган қонунлар текширувдан ўтказилади. Масалан, Швеция, Финляндия) К.н. қўлланмоқда. Франция, Мавритания каби давлатларда парламент томонидан қабул қилинган қонунлар улар имзолангунча текширувдан ўтказилади. К.н.ни амалга оширувчи орган бутун қонунни ёки унинг бирор қисмини конституцияга зид деб топиши мумкин. Ушбу нормалар ўз юридик кучини йўқотади ва судлар ва бошқа давлат органлари томонидан қўлланиши тўхтатилади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ПРИНЦИПЛАР — давлатларнинг конституцияларида ифодаланган конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш объекти ҳисобланмиш ижтимоий муносабатлар мазмунини белгилаб берувчи умумий энг муҳим асослар. К.п.лар тўлигича давлатнинг конс-

титуциявий тузумига ёки унинг алоҳида элементларига, мисол учун сиёсий тизимига, давлатнинг ҳудудий ташкил этилиши, инсон ва фуқаро мақомига, иқтисодий тизимига тегишли бўлиши мумкин. К.п.лар мантиқан ва юридик жиҳатдан конституциянинг бутун мазмунини ва уни ривожлантириш учун қабул қилинган барча қонунларни ўзига бўйсундиради. ЎзРнинг 1992 йилги Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон конституциявий тузуми асосини қуйидаги К.п.лар ташкил этади: республика бошқарув шакли, халқ суверенитети, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устунлиги ва дахлсизлиги, ҳокимиятларнинг бўлиниши ва бошқалар.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ РЕФЕРЕНДУМ — Қаранг.: *Референдум.*

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД — бир қатор давлатларда ягона ёки асосий функцияси конституциявий назоратни амалга ошириш бўлган алоҳида орган. К.с. биринчи бўлиб 1920 йилда Австрияда тузилган. Шундан эътиборан ушбу институт Европада кенг ёйилган ва Африка, Осиё, Американинг қатор мамлакатларида қабул қилинган. Давлатнинг олий судидан фарқли ўлароқ К.с.лар умумий юридик мақомдаги судлар таркибига кирмайди. Бир мамлакатда (масалан, Ўзбекистон) К.с. алоҳида тоифадаги суд саналади ва суд ҳокимияти таркибига киради, бошқа бирида (ГФР, Италия, Монголия) К.с. суд ҳокимиятига тааллуқли бўлмаган алоҳида орган ҳисобланади. К.с. аъзолари парламент томонидан сайланади (ГФР, Хорватия) ёки давлат бошлиғи томонидан тайинланади (Кипр). К. с. конституциявий назоратни амалга ошириш билан бир қаторда конституцияга шарҳ бериш, сиёсий партиялар фаолиятининг конституцияга мувофиқлиги масаласини ҳал этиш, ваколатлар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш билан ҳам шуғулланади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМ — маълум давлатнинг конституцияси ва бошқа конституциявий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан ўрнатиладиган ва муҳофаза қилинадиган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий муносабатлар тизими. К.т.ни давлат тузуми билан ўхшаш деб ҳисоблаш нотўғри. Давлат тузумидан фарқли ўлароқ К.т. доимо давлатда конституция мавжуд бўлишини тақозо этади. Халқ суверенитети, ҳокимиятларнинг бўлиниши, инсон ҳуқуқлари устунлиги ва бошқалар К.т.нинг зарурий белгилари саналади. Давлат тузуми эса ушбу белгиларга эга бўлмаслиги мумкин.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМ АСОСЛАРИ — 1) конституциявий-ҳуқуқий бошқариш объекти ҳисобланган жамоат муносабатларини белгиловчи ва бошқарувчи давлат ҳимоясида бўлган принциплар тизими; 2) конституциявий тузумнинг алоҳида кичик тизимларини ҳуқуқий тартиблашнинг умумий асосий манбаи.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ОДАТ — конституциявий ҳуқуқнинг асосий субъектлари хатти-ҳаракат қоидалари бўлиб, улар ҳеч қаерда расмий нашрларда шундай сифатда мустаҳкамланмаган, бироқ узоқ вақт мобайнида қўлланадиган ва давлат томонидан сўзсиз тасдиқланган хатти-ҳаракат қоидалари ҳисобланади. Одатда бундай қоидалар конституциявий-ҳуқуқий нормаларни ҳаётга татбиқ қилишнинг маълум усули ҳисобланади. К.-ҳ.о. бажарилиши суд томонидан мажбуран амалга оширилмайди. К.-ҳ.о англо-саксон ҳуқуқий тизими ҳукмрон бўлган давлатлар конституциявий ҳуқуқида кенг тарқалган. Улар ҳуқуқнинг расмий манбалари қаторига киритилади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙЛАШТИРИШ — қандайдир ҳолатни конституция матнида мустаҳкамлаш, унга конституциявий куч бағишлаш.

КОНСТИТУЦИЯВИЙЛИК — конституцияга жамият ва давлатнинг олий қонуни сифатида риоя қилиш тартиби; конституция норма ва принципларига мувофиқлик.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ — баъзи мамлакатларда (масалан, Германияда) конституциявий (давлат) ҳуқуқнинг алоҳида нормалари йиғиндиси (ҳуқуқ соҳаси) бўлиб, конституциявий судларда суд ишларининг боришини тартибга солади. К.-п.ҳ нормалари одатда конституциявий суд тўғрисидаги қонунда ва конституциявий суд регламентларида ифодаланган бўлади. Кенг маънода К.-п. ҳ. парламент тартиби нормаларини ҳам ўзида бирлаштиради.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЮСТИЦИЯ (КОНСТИТУЦИЯВИЙ ОДИЛ СУДЛОВ) — конституциявий назоратни (қаранг: *Конституциявий назорат*) амалга оширишнинг шаклларидан бири. Конституциявий назоратнинг мазкур шакли алоҳида турдаги суд органлари — конституциявий судлар, шунингдек, ярим суд органлари — конституциявий кенгашлар томонидан амалга оширилади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН — қатор мамлакатларда *конституциявий ҳуқуқ*нинг бош манбаларидан бири. Руминияда, француз тилида гаплашувчи давлатларда К.қ. — бу конституцияга ўзгартишлар киритувчи қонун, РФ, Ўзбекистон, Қозоғистон каби давлатларда К.қ. конституцияда белгиланган масалалар бўйича қабул қилинади. Биринчи ҳолатда К. қ.ни қабул қилиш тартиби конституцияга ўзгартиш киритиш тартибига мос келади, иккинчи ҳолатда К.қ. конституцияни ўзгартириш тартибидан фарқ қилиб, махсус мураккаблаштирилган тартибда, қонун чиқарувчи орган малакали кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Алоҳида олинган давлатларда К.қ. деб, мазкур давлат конституциясини ташкил этувчи қонунларга айтилади (м-н, Швецияда).

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИЙЛИК — конституциявий-ҳуқуқий муносабатларнинг барча субъектлари томонидан конституция ва бошқа конституциявий-ҳуқуқий ҳужжатларга оғишмай амал қилиш тартиби.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ — Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг етакчи соҳаси. К.ҳ. нормалари ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва давлатнинг ҳудудий тузилиши, унинг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро муносабатининг тартибини, республикада инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари амалга оширилишининг асосий принципларини тартибга солади ва давлат органлари тизимини белгилайди. Бошқа бир қатор мамлакатларда ушбу ҳуқуқ соҳасини белгилаш учун «давлат ҳуқуқи» ибораси қўлланади.

К.ҳ.нинг асосий принциплари: бошқарувнинг республика шакли, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг устунлиги, ҳокимиятларнинг бўлиниши.

К.ҳ.нинг асосий манбалари: ЎзРнинг Конституцияси, ЎзРнинг Конституциявий суди тўғрисидаги қонун, ЎзР Президентини сайлаш тўғрисидаги қонун, ЎзР Олий Мажлисининг депутатларини сайлаш тўғрисидаги қонун ва ҳ.к.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ — Буюк Британияда ва бошқа баъзи мамлакатларда конституциявий ҳуқуқ статут ёки қайд этилган суд қарори билан тўлдирилиши мумкин бўлмаган ҳолда мурожа-

ат этиладиган энг машҳур (асосан ўтмишдаги) юрист олимларнинг фикрлари. М-н, Буюк Британияда К.ҳ.м.га Блэкстон («Англия қонунларининг шарҳи», 1565 й.), Коук («Англиянинг ҳуқуқий институтлари», 1628 й.), Фостер («Қирол судларининг қарорлари», 1763 й.), шунингдек, Ж. Локк, Ж. Милль, Э. Берк, А. Дайси ва бошқаларнинг турли асарлари киритилади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК (деликт) — конституциявий ҳуқуқ субъектининг конституциявий ҳуқуқ нормаларини бузувчи айбли хатти-ҳаракати. Бироқ улар жиноят, маъмурий, фуқаролик ёки интизомий ҳуқуқбузарликни ташкил қилмайди. Мазкур айбли хатти-ҳаракатлар *конституциявий жавобгарлик* учун асос бўлиб ҳисобланади.

КОНСУЛ — бир давлатнинг бошқа давлат тумани (округи)да унинг расмий розилиги билан фаолият юритувчи мансабдор шахс. У ўз мамлакатининг, юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатини ҳимоя қилиш билан, икки давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ва бошқа алоқаларни ривожлантириш билан, ўзи турган ҳудуднинг иқтисодий ҳолати ва ижтимоий-сиёсий вазиятини кузатиш билан шуғулланади. Баъзи давлатлар консулга савдо-тижорат муносабатларини ривожлантириш ва ҳатто савдо шартномаларини тузиш функциясини юклайди. Одатда, К. ўзи келган давлатнинг Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинади, бироқ кундалик мулоқотларни маҳаллий ҳокимият идоралари билан олиб боради. У маҳаллий ҳуқуқий тартиботнинг одат ва анъаналарини бузмаслиги лозим. Унинг фаолияти вакил юборган давлатнинг элчиси томонидан назорат қилиб турилади (баъзан бундай назорат Бош консул томонидан амалга оширилиши мумкин). Агар шахс консулликни бошқарса, К. — мансабдор шахс ҳисобланмайди; агар у Бош консулликнинг ходими бўлса, К. — (ранг) даражадир. Иккинчи ҳолатда консуллар бир нечта бўлиши мумкин ҳамда улар фаолиятининг ҳажми ва йўналиши консуллик муассасасининг раҳбари томонидан белгиланади.

КОНСУЛЛАР — 1) Қадимги Римда бир йилга сайланадиган икки олий мансабдор шахс. Улар олий фуқаролик ва ҳарбий ҳокимиятни эгаллаганлар. Империя даврида консуллик унвони реал аҳамиятини йўқотиб, фахрий титулга айланди (консуллар сони кўпайди). 2) Францияда 18 брюмер тўнтаришидан кейинги даврдан (1799 йил 9 ноябрь) империя ўрнатилгунга қадар (1804 йил) — чекланмаган ижроия ҳокимиятга уч титулли шахслар эгалик қилганлиги.

КОНСУЛЛИК — 1) консулнинг унвон ва мансаби; 2) шу ўрнида консуллик ваколатхонаси; 3) Қадимги Римда консуллар ҳукмронлиги даври; 4) Франция тарихида 1799 йил 9 ноябрдаги давлат тўнтарилишидан тортиб 1804 йил 18 майгача, яъни Наполеон Бонапартни тантанали равишда император деб эълон қилгунга қадар номинал ҳокимият 10 йилга сайланган учта консулга тегишли бўлган (1802 йил август ойидан бошлаб умрбод), аслида учала консул Бонапартга тобеъ бўлган.

КОНСУЛЛИК ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ХОДИМЛАРИ — ваколатхона штат рўйхати бўйича жалб қилинган ходимлар. Улар консуллик фаолиятини бажарувчи ва уларга техник хизмат кўрсатувчилардан таркиб топган. Ўз хизмат вазифаларини бажаришдан келиб чиққан ҳолда (консуллик ёки техник хизмати) ходим у ёки бу имтиёз, консуллик иммуни-

тетидан фойдаланиши мумкин. Қоидага кўра, консуллик ваколатхоналарида фаолият кўрсатувчи ходимлар миқдори аҳдлашувчи давлатлар келишувида ўз ифодасини топади. Агар шу каби келишув бўлмаса ва амалга оширилаётган фаолият ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, Консул тегишли давлатдан ходимлар таркибини кўпайтириш ёки камайтиришни талаб қилишга ҳақли. Агар консуллик ваколатхоналарига тегишли давлат фуқаролари жалб қилинган бўлса, улар амалга оширадиган фаолият йўналиши ва вазифаси консуллик ваколатхоналари ходимлари билан тенг бўлган ҳолда, уларга бериладиган имтиёз ёки ҳуқуқлар маълум бир чеклашлар орқали берилади.

КОНСУЛЛИК ВАКОЛАТХОНАСИ — давлатнинг ташқи алоқа органларидан бири бўлиб, икки давлатнинг консуллик муносабатлари ўрнатилиши оқибатида ташкил этилади. Консуллик муассасасининг манзили, унинг даражаси ва консуллик округи консулхона жойлашган давлат билан келишилган ҳолда белгиланади. Консуллик муассасалари давлатнинг ташқи ишлар вазирлигига бўйсунади ва консулхона жойлашган давлатдаги давлатнинг дипломатик ваколатхонаси бошлиғи умумий раҳбарлигида иш кўради. Дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик бўлимлари консуллик бўлимларининг мудирлари томонидан бошқарилади. Бош консуллар, консулхоналар, вице-консулхоналар ва консуллик агентликлари тегишинча бош консуллар, консуллар, вице-консуллар ва консуллик агентлари томонидан бошқарилади.

КОНСУЛЛИК ДАРАЖАСИ (ранги) — консуллик мансабдор шахснинг ўз хизмат ҳолатига оид унвони. Консуллик муассасаси бошлиғининг К. д.(р.) муассасанинг мақомига боғлиқ. Бу борада давлатларнинг тажрибаси бир хил: икки томонлама келишувга мувофиқ консуллик муассасасининг даражаси, мақоми белгиланади. Бундан бош консул, консул, вице-консул, консуллик агенти ва консуллик муассасаси бошлиғининг даражаси аҳамияти келиб чиқади. Консуллик муассасасининг қолган ходимлари вакил юборувчи давлат томонидан эркин тайинланадилар (агар икки томонлама шартлашувда ходимлар сони чекланмаса) ва бу хусусда қатъий халқаро-ҳуқуқий тасниф йўқ. К.д.ни бериш ҳар бир давлатнинг ўз ички иши ва унинг қонунчилиги билан тартибга солинади. Шундай қилиб, бош консуллик таркибида — муассаса раҳбари ва исталган миқдорда турли даражадаги консуллик ходимлари бўлиши мумкин. Бир қатор ҳолларда мазкур ходимларнинг лавозим даража ва унвонларини қабул қилувчи давлат томонидан расман тан олиниши талаб этилади. Бу К.д.лари беришни англатмайди, фақат консуллик ходимларининг муайян функцияларни бажаришга киришиши билан боғлиқ (бу савдо, маданий, илмий ва бошқа функциялар бўлиши мумкин). Бош консул қабул қилувчи давлатнинг ташқи ишлар вазирлиги орқали ўз ходимларининг катта-кичиклик даражасини маълум қилади.

КОНСУЛЛИК ИММУНИТЕТИ — қабул қилувчи давлат ҳудудида консуллик лавозимларига эга бўлган шахслар учун, уларнинг оила аъзолари ва мулки учун белгиланадиган алоҳида имтиёзли муҳофаза чораларидир. Бу алоҳида имтиёзли тартиб судлов, маъмурий ва бошқа кескин чоралар кўрилишидан муҳофазаловчи истисноли ҳолатлардир. Масалан, ҳисобга олиш; даъво қўзгатиш, тинтув қилиш, сўроқ қилиш, солиқ солиш, эмбарго (чеклов), реквизиция (мусодара) ва бошқа таъқиб-чоралардан муҳофаза этиш. К.и. функционал мазмунга эга, яъни фақат

консуллик вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолларда қўлланилади. Мазкур муҳофаза мақоми консул қабул қилувчи давлат ҳудудига келиши билан кучга кириб, у ўз вазифаларини тугатиши билан барҳам топади.

КОНСУЛЛИК ИМТИЁЗЛАРИ — консуллик ваколатхоналарига қабул қилувчи давлат томонидан (консуллик лавозимли шахсларга ва уларнинг оила аъзоларига) бериладиган имконият ва қулайликлардир. Улар ҳуқуқий нормалар ва халқаро тавозе қоидаларига асосланади. Бу имтиёзларга қуйидагилар киради: турли раҳналар ва ҳақоратлардан ҳимоя қилиш чораларини кўриш мажбурияти, ўз давлати байроғидан, консуллик белгиларидан фойдаланиш; турли алоқа воситаларидан фойдаланиш; фахрий учрашувларга эгалик ҳуқуқи; божхона кўригидан озод бўлиш; самолёт ва кемаларга эркин кириш ҳуқуқи ва ҳоказо. К.и.га кўра, қоида тариқасида, икки давлат томонидан ўзаро бир хил тенг қулайликлар яратиш асосида консуллик муассасаларнинг самарали ишлаши назарда тутилади.

КОНСУЛЛИК ЙИҒИМЛАРИ — белгиланган тарифга кўра консуллик муассасалари ўз давлати фуқаролари ёки хорижий фуқаролар илтимосига биноан бажарадиган хатти-ҳаракатлари эвазига олинадиган тўловлар. Консуллик муассасасидан ташқарида содир этиладиган бундай ҳаракатлар учун тўловлар миқдори кўпайтирилади. Давлатлар ўзаро келишиб у ёки бу консуллик хатти-ҳаракатлари учун тўловлардан озод этиш ҳақида консулнинг ўзи мустақил қарор қабул қилиши мумкин. Башарти, қабул қилувчи давлат томонидан алоҳида тартиб ўрнатилмаган бўлса, К.й.ни олишда хорижий фуқароларга имтиёз берилмайди.

КОНСУЛЛИК КОНВЕНЦИЯЛАРИ — давлатлар ўртасида тузиладиган битим. Улар консуллик ҳуқуқи нормаларини акс эттириб, консуллик ваколатхонасини таъсис этиш тартиби, консулларни тайинлаш ва чақириб олиш, фаолият кўлами, ҳуқуқлари, имтиёз ва иммунитетлари доирасини белгилайди. Бундай битимлар ҳозирги кунда мингдан зиёд. Бу К.к.нинг таркиби ва мазмуни принцип жиҳатидан бир хил. Тарихда кўп томонлама К.к.ни ишлаб чиқишга уринишлар бўлган. Натижада 1911 йилдаги Консуллик функциялари ҳақида Каракас Конвенцияси ва 1928 йилдаги Консуллик мансабдор шахслар ҳақидаги Гавана Конвенцияси қабул қилинган. Бироқ бу К.к.лар универсал аҳамият касб этмади. Шунингдек, Европа Иқтисодий Кенгашига кирувчи мамлакатлар ўртасида 1967 йилда тузилган Консуллик функциялари тўғрисидаги Европа Конвенцияси ҳам минтақавий мазмунга эга. 1963 йилда БМТ доирасида ишлаб чиқилиб, 1967 йил 19 мартда Консуллик алоқалари тўғрисида Вена Конвенцияси кучга кирган.

КОНСУЛЛИК КОРПУСИ — қабул қилувчи давлатнинг муайян мавзеида (шаҳар, бандаргоҳ) турган консуллик муассасаси ходимлари шахсий таркиби. К. к.да раҳбарликни оқсоқол, яъни консуллик унвони ва даражаси бўйича юқори турувчи ёки унга аввалроқ сазвор бўлган шахс амалга оширади. У асосан маросимий ваколатларга эга: К. к. номидан иш юритиш; қабул қилувчи давлатнинг ҳокимият идоралари гайриҳуқуқий хатти-ҳаракат қилган ҳолларда ўз ходимларини муҳофаза этиш; янги келган ходимни мамлакат урф-одатлари ва удумлари билан таништириш; Консуллик корпуси ходимлари ўртасида келиб чиқувчи низоларни, ички мунозараларни ҳал этиш ва ҳоказо. К.к.ни у фаолият кўрсатаётган давлатга қарши сиёсий тадбирларга жалб этиш, ундан фойдаланиш

мумкин эмас. К.к. таркибига фахрий ва штатсиз консуллар ҳам кирадилар. Кенг маънода К.к. таркибига консуллик ходимларининг оила аъзолари ҳам киритиладилар.

КОНСУЛЛИК ҲУҚУҚЛАРИ — консуллик муассасаларининг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солувчи ҳамда консуллик мансабдор шахсларини тайинлаш (чақириб олиш) вазифалари, устуворлиги ва иммунитети тартибини белгиловчи принциплар ва нормалар йиғиндиси. К.ҳ.нинг манбалари бўлиб халқаро шартнома, давлатларнинг қонунлари ва урф-одатлари ҳисобланади. К. ҳ. нормаларининг юзага келишига халқаро органлар қарорлари ва миллий ҳуқуқий доктриналар таъсир кўрсатади. 1963 йил БМТнинг Венада бўлиб ўтган конференциясида кўпчилик давлатлар иштирокида консуллик алоқалари тўғрисидаги Конвенция ишлаб чиқилган ва қабул қилинган.

КОНСУЛЛИК МАНСАБДОР ШАХСИ — консуллик вазифаларини бажариш иши топширилган ҳар қандай шахс, шу жумладан, консуллик муассасасининг раҳбари, шунингдек, дипломатик ваколатхона консуллик бўлимининг мудири.

КОНСУЛЛИК ОКРУГИ — қабул қилувчи давлат тақдим этган консуллик лавозимига эга шахс ўз вазифасини бажариш учун мўлжалланган ҳудуд. Баъзи ҳолларда бу ҳудуд энг кўп қулайлик ва имтиёз бериш нуқтаи назаридан ҳам белгиланиши мумкин. Халқаро тажрибада К.о. аниқ конвенция нормалари асосида белгиланади. Консуллик ваколатларини К.о.дан ташқарида амалга ошириш учун қабул қилувчи давлатнинг розилиги талаб этилади. Консуллик муассасаси ўзи учун ажратилган К.о.да жойлашиши ва фаолият юритиши шарт. Консуллик ходимларининг К. о. доирасида бўлиши тартиби манфаатдор давлатлар келишувига мувофиқ белгиланади.

КОНСУЛЛИК ПАТЕНТИ — бу мазкур шахснинг консуллик муассасаси раҳбари лавозимига тайинланганлигини тасдиқловчи ҳужжатдир. К.п.ни дипломатик ёки бошқа йўл билан қабул қилувчи давлат ТИВга ёки бошқа ваколатли идорага йўлланади. Унда К.п. соҳибининг мансаби ҳақида ахборот берилади, унинг тўлиқ исми-шарифи, консуллик даражаси ва унвони, консуллик округи ва консулликнинг манзили кўрсатилади. Одатда К.п.ни берувчи идора миллий қонунчиликда белгиланади. Ўзбекистонда бу ҳуқуқ ТИВга берилган. Қабул қилувчи давлат, одатда, консуллик экзекватурасини бериб, К.п.ни қайтаради. Бу ҳужжат консуллик ваколатхонасининг раҳбарида сақланади.

КОНСУЛЛИК УСТАВИ (низоми) — Консуллик муассасаси ишини ташкил этишни тартибга солувчи, шунингдек, консуллик лавозимидаги шахсларнинг вазифаларини ва уларни жўнатиш тартибларини белгиловчи қоидалар туплами ЎзРда 1996 йил 29 августдаги «ЎзРнинг Консуллик Уставини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун амалдадир.

КОНСУЛЛИК ФАКТУРАСИ — божхона фактурасининг махсус шакли. У импорт юборувчи мамлакатни ошкор этишни махсус тасдиқлаш лозим бўлган тақдирда ёки маҳаллий консулхонани таъминлаш учун йиғимлар тўплаш лозим бўлганда расмийлаштирилади. Импорт маҳсулотни юборувчи томонидан қонунлаштирилган К.ф.ни бериш талабини бажармаслик товарни божхонадан ўтказишда мураккабликни ёки йирик жарима тўланишини келтириб чиқариши мумкин. К.ф.ни расмийлаштириш талаби аксарият ҳолларда Лотин Америкаси мамлакатларида қўлланилади.

КОНСУЛЛИК ЭКЗКВАТУРАСИ (лот. exseguor — бажараяпман) — қабул қилувчи давлат томонидан ўз ташқи алоқалар идораси орқали консуллик муассасасига ўз функцияларини бажаришга киришишга бериладиган рухсат. Бундай рухсат турли шаклларга эга бўлиши мумкин. К.э.ни олгунга қадар консуллик муассасаси раҳбари ўз вазифаларини вақтинча бажариб туради. Қабул қилувчи давлат К.э. беришдан бош тортиши, шунингдек, исталган вақтда уни қайтариб олиши мумкин. Бундай ҳолларда давлат ўз хатти-ҳаракати боисини изоҳлашга мажбур эмас. Консуллик муассасаси раҳбарининг ўз вазифаларини бажаришга киришганлиги ҳақида матбуотда расмий хабар берилиши К.э.га тенглаштирилади.

КОНСУЛЛИК ҚАЛҚОНИ — консуллик муассасаси ўзи эгаллаб турган бинога Давлат герби туширилган ҳамда ўзининг давлат тилида ва консулхона жойлашган давлат тилида консуллик муассасанинг номи ёзилган пешлавҳа ўрнатилади. К.қ. консуллик ваколатхонасининг асосий кириш томонини ташқарисига осилади.

КОНСУЛЬТАТИВ ХУЛОСА — мажбурий кучга эга эмас, баъзи халқаро шартномаларда томонлар учун келишмовчиликда К. х. ҳал қилувчи бўлиб тан олинади (масалан, БМТнинг 1946 йилдаги имтиёз ва дахлсизлик тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ, БМТ билан унга аъзо бўлган давлатлар ўртасида келишмовчиликлар юзага келганда К.х. ҳал қилувчи кучга эга бўлган). Ўзининг фаолияти даврида суд йигирмага яқин К.х.лари чиқарди.

КОНТАНГО — 1) битим буйича яқин муддатларда етказиб бериладиган товарлар нархи ошишининг мутаносиблиги сақланади (антоним — бэкуордэйшн). Нарх мутаносиблигининг муҳим аҳамияти шундаки, узоқ муддатларда етказиб бериладиган товарлар нархи харажатларга қараганда товарни сақлаш муддатида биридан иккинчисига етказиб бергунга қадар ошиши мумкин эмас; 2) брокерга мажбуриятини бажаришини узайтириш учун туланадиган пулсиз мукофот ёки қимматли қоғозлар етказиб бериш.

КОНТИНГЕНТ — давлатнинг ташқи савдосини импорт ва экспорт квотасини ўрнатиш ёрдамида тартибга солиш.

КОНТИНГЕНТНИНГ МАҚСАДИ — миллий саноат манфатларини ҳимоя қилиш. Бунга у ёки бу товарларни олиб кириш ёки олиб чиқишга рухсат олиш йўли билан эришилади.

КОНТИНЕНТАЛ ҲУҚУҚ — Рим ҳуқуқи таъсирида Франция ва Германия давлатларида шаклланган роман-герман ҳуқуқий тизимидир. Бу давлатлар фуқаролик ҳуқуқи умумий белгиларга эга бўлиб, бир-биридан нисбатан фарқ қилади. К. ҳ. биринчи галда ёзилмаган қонунлар турига кириб, фуқаровий ҳуқуқ тузилишни шакллантиради ва шартномавий муносабатларни мувофиқлаштиради. Ҳуқуқнинг бошқа манбалари (маъмурий актлар, актлар, одатлар меъёрлари кабилар) катта аҳамиятга эга бўлмайди, суд амалиётида эса умуман ҳуқуқий манба бўлиб ҳисобланмайди. Умумий ҳуқуқ ва К.ҳ. нинг ўзаро фарқлари ва бир-бирига тааллуқлилиги аста-секин яқинлашиб тарихий тараққиёт жараёнида ўзгариб боради.

КОНТИНЕНТАЛ ШЕЛЬФ — денгиз ости районлари ҳудудий сувларига туташ бўлган соҳил давлати унинг бойлиги билан бирга маълум кенгликда суверен ҳуқуқни амалга оширади.

К. ш.нинг ташқи чегараси континентал материкнинг сув ости чекка-

ларининг ташқи чегарасидан ўтади ёки қирғоқдан 200 денгиз мили масофада бўлади (башарти, материкнинг сув ости чеккалари бундай масофага ёйилмаган бўлса). К.ш.нинг ташқи чегараси барча ҳолларда қирғоқдан 350 денгиз милидан узоқликда бўлмаслиги зарур ёки 2500 метрли изобатлардан 100 денгиз мили узоқлигида бўлмаслиги керак.

КОНТИНУИТЕТ (инглз. contnuity — узлуксиз) — парламент маросими қоидалари, унга мувофиқ, агар қонун лойиҳаси унга киритилган бўлиб, ушбу парламент сессиясининг охиригача тасдиқланмаса, кейинга кучирилиши шарт, яъни сессиянинг охирида қонунчилик жараёни тўхтаб қолмасдан, балки вақтинча тўхтайди, холос. Континуитет қоидасига қарама-қарши қоида бу исконтинуитетдир. 2) Халқаро ҳуқуқда давлат фаолиятининг давом этиши ёки ўтмишдаги давлат мажбуриятлари ва ҳуқуқларининг шартномада назарда тутилган ворис томонидан амалга оширилиши.

КОНТОКОРРЕНТ (итал. cont corrente — жорий ҳисоб) — мижознинг банкдаги ягона ҳисоби бўлиб, банкнинг мижоз билан амалга ошрадиган барча операцияларини ҳисобга олади. К.да бир тарафдан банк ссудаси ва мижоз топшириғи бўйича барча тўловлар ҳисобидан, бошқа тарафдан эса ссудаларни қайтариш ва бошқалар, банкка пул қўйиш турида тушаётган маблағда ўз аксини топади. К. бўйича ҳисоблар ҳар бир алоҳида битим бўйича эмас, вақти-вақти билан сальдо асосида (масалан, ҳар чоракда) амалга оширилади.

КОНТРАБАНДА (итал. Contrabanda: contra — қарши ва bando — ҳукумат фармони сўзидан олинган) — божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар, қурол ёки ўқ-дориларни, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ЎзР чегарасидан ўтказиш. ЎзР ЖКнинг 246-моддасида бундай жиноятларни содир қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Мазкур жиноятнинг объекти жамоат хавфсизлигини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлардир, субъектив томондан била туриб, қасддан содир этилиши билан, субъекти эса 16 ёшга тўлган ЎзР фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиши билан тавсифланади.

КОНТРАГЕНТ (лот. contrahens — шартлашувчи) — фуқаролик ҳуқуқий муносабатида шартнома томонларидан бири.

КОНТРАКТ (лот. contractus) — шартнома тушунчасининг синоними бўлиб, фуқаролик ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларига татбиқан қўлланилади. Меҳнат кодекси талқинига кўра, контракт — маъмурият билан ходим ўртасида муайян муддатга ёки номаълум муддатга тузиладиган меҳнат шартномасидир. Унда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланади. Шунингдек, мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик чоралари назарда тутилади.

КОНТРАКТ ЖАВОБГАРЛИГИ — шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаслик ёки бузиш натижасида келиб чиқадиган жавобгарлик. Шахс кечикиб қолганда ёки мажбуриятларини бажармаганда ва бунда жавобгар ўз айбсизлигини исбот эта олмаса, жавобгарлик келиб

чиқади. Башарти, зарар енгиб бўлмас куч таъсири натижасида келиб чиққан бўлса, тўланмайди.

КОНТРАКТАЦИЯ — маҳсулот етиштирувчи билан давлат ёки бош харидор ўртасида тузиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш тўғрисидаги шартнома.

КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАСИ — олди-сотди шартномасининг ЎзР ФКда белгиланган турларидан бири. К.ш.га кўра, деҳқончилик маҳсулотини ишлаб чиқарувчи шахс ўзи етиштирган маҳсулотни қайта ишлаш ёки сотиш учун харид қиладиган тайёрловчига бериш мажбуриятини олади.

К. ш. бўйича муносабатларга етказиб бериш шартномаси ҳақидаги, тегишли ҳолларда эса давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш ҳақидаги умумий қоидалар қўлланилади. ЎзР ФК, ушбу қоидалар билан бир қаторда, К.ш. учун деҳқончилик ишлаб чиқаришининг хусусиятлари билан белгиланадиган бир қанча махсус нормаларни назарда тутади. ЎзР ФКга асосан, контрактация шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, тайёрловчи деҳқончилик маҳсулотини уни ишлаб чиқарган шахсдан ушбу маҳсулот жойлашган ерда қабул қилиб олиши ва унинг олиб чиқиб кетилишини таъминлаши шарт. Деҳқончилик маҳсулоти тайёрловчи жойлашган жойда ёки у кўрсатган бошқа жойда қабул қилинган тақдирда, тайёрловчи контрактация шартномаси талабларига жавоб берадиган ва тайёрловчига келишилган муддатда берилган маҳсулотни қабул қилишдан воз кечишга ҳақли эмас.

КОНТРАССИГНАТУРА — давлат бошлиғи қабул қилган ҳужжатни вазирнинг имзоси билан мустаҳкамлаш бўлиб, бунда мазкур ҳужжат учун юридик ва сиёсий жавобгарликни имзо чеккан вазир ўз зиммасига олади. К. шаклан шу билан изоҳланадики, бунда давлат бошлиғи ўз хатти-ҳаракатлари учун юридик жавобгарликка тортилмайди (давлатга нисбатан хоинлик ва бошқа жиноятлар содир этиш бундан мустаснодир). Ҳукумат бошлиғи ҳужжатларни К., яъни бирон-бир вазир имзоси билан қувватланиши камроқ бўлса-да, ҳар ҳолда учраб туради. Бундан мақсад ҳукуматнинг бирдамлиги ва бош вазир ҳужжатларига коллективчилик шаклини беришга интилишдан иборат.

КОНТРАФАКЦИЯ — баъзи фирмалар томонидан ўз товар белгиларида бошқа фирмаларнинг машҳур, харидорғир товарларида акс эттирилган белгиларни ифода этиб фойдаланиш ва шу тариқа харидорни чалғитиб, нопок рақобатни авж олдириш мақсадини кўзлаш. Ушбу ибора кўплаб мамлакатларнинг ҳуқуқида қўлланилади.

КОНТРИБУЦИЯ — мағлуб давлат уруш тамом бўлган ғолиб давлатга тўлайдиган товон пул суммаси. К. асосига «голибнинг ҳуқуқи» қўйилган бўлиб, бунда унинг адолатли ёки адолатсиз уруш олиб борганлигининг аҳамияти ҳисобга олинмайди. К.нинг ҳажми, шартлари ва шакллари тўлиғича ғолиб давлат томонидан белгиланади. К. тўлаш орқали мағлуб шаҳар ёки мамлакат аҳолиси талон-торождан сақланиб қолади. У худди мана шу нуқтаи назардан жорий этилган. Аҳолини бебошлик билан талашнинг олдини олиш мақсадида 1907 йилда Қуруқликдаги урушнинг қонунлари ва удумлари ҳақида Гаага конвенцияси ишлаб чиқилди ҳамда қабул қилинди. Бироқ Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушларида ушбу конвенциянинг 17—51-моддалари талаблари қўпол равишда бузилди. Шу боис 1949 йилги Уруш даврида фуқаро аҳолини ҳимоя

қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияси К. институтини назарда тутмайди.

Антанта мамлакатлари 1919 йилги Версал тинчлик шартномасини ишлаб чиқаётган чоғларида расман К.дан воз кечишга мажбур бўлдилар. Уни репарация билан алмаштирдилар. 1947 йилги тинчлик шартномалари собитлик билан К.га йўл қўймасликка интилдилар. К.нинг ўрнига репарация, реституция, субституция ва бошқа шаклдаги давлатлар моддий жавобгарлиги жорий этилди.

КОНТРСТАЛИЯ — бандаргоҳда ушланиб турган кемага юк ортиш ёки ундаги ортиқча юкни қайтариб тушириш учун кетадиган вақтни томонлар келишуви асосида белгилаб олишдир. Кема сталий вақти мабайнида турганда унга ҳақ тўланмайди. Бундан фарқли ўлароқ, контрсталия махсус ставка — демереджу асосида ҳақ тўланишини назарда тутади.

КОНФЕДЕРАЦИЯ (лот. Con foederatio — иттифоқ, бирлашма) — давлатлар иттифоқининг муайян шакли бўлиб, унда иттифоққа кирувчи давлатлар ўз суверенитетларини тўла сақлаб қоладилар. К. ҳам халқаро-ҳуқуқий ташкилот, ҳам давлат ташкилоти хусусиятларига эга. Ҳозирги кунда дунёда биттагина К. — Европа Иттифоқи мавжуд. Турли даврларда қуйидагилар К. шаклида бўлган: Австрия-Венгрия (1918 й.гача), Швеция ва Норвегия (1905 й.гача), АҚШ (1781—1787 й.й.), Швейцария (1815—1848 й.й), Миср ва Сурия (1958—1961 й.й.), Гамбия ва Сенегал (1982—1989 й.й.). Тарихий тажрибанинг кўрсатишича, К. ўтиш даврининг ёки иттифоқнинг тўла барбод бўлиши ёхуд федератив (иттифоқ) давлатига айланишининг шаклидир. Конфедератив давлат тузилиш шакли учун қуйидаги хусусиятлар хосдир: 1) К. тегишли шартнома асосида вужудга келади; 2) К. субъектлари унинг таркибидан ихтиёрий равишда чиқиши мумкин; 3) К.да суверенитет унинг таркибига кирувчи давлатларга тегишли бўлади. К. идораларининг қарорлари субъектларнинг розилигисиз кучга эга бўлмайди; 4) К. ваколатларига одатда нисбатан тор доирадаги масалалар (уруш ва тинчлик, ташқи сиёсат, ягона армия тузиш, иқтисодий ва молиявий тузилмалар тузиш ва ҳ.к. масалалар) киради; 5) К. да фақат шартномада белгиланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган давлат органларигина тузилади; 6) К. парламенти субъектларнинг вакиллик органлари томонидан шакллантирилади. Уларнинг вакил-депутатлари берилган йўриқнома ва топшириқ асосида қатъий иш олиб борадилар; 7) К.нинг доимий ишловчи органлари ҳокимият ваколатларига эга бўлмайдилар; 8) К. субъектлари нуллификация, яъни иттифоқ ҳужжатларини тан олиш ёки бажаришдан бош тортиш ҳуқуқига эга; 9) К. бюджети субъектларнинг ихтиёрий ажратмалари ҳисобига шакллантирилади; 10) К. субъектлари шахслар, товар, хизматлар ва капитал ҳаракатланишини чеклаш учун бож ва бошқа тақиқлар белгилашга ҳақлидир; 11) одатда, К.да ягона пул тизими ўрнатилмайди; 12) ҳарбий тузилмалар К. субъектлари томонидан вужудга келтирилиб, иккиёқлама бўйсунишга эга бўладилар; 13) К.да иттифоқ фуқаролиги бўлмайди.

КОНФЕДЕРАЦИЯ МОДДАЛАРИ (The article of Confederation) — АҚШнинг биринчи Конституцияси, 1777 йилнинг ноябрида қабул қилинган, 1781 йили кучга кирган, 1789 йилгача амал қилган. К. м. 1775— 1783 йилларда Шимолий ҳудудларни мустаҳкамлади ва Шимолий Америкадаги собиқ инглиз мустамлакаларида давлат тузилишининг республика

шаклини белгилади. Конфедерациянинг барпо этилганлиги ҳамда штатларнинг абадий иттифоқини эълон қилди.

КОНФЕРЕНЦИЯ (лот. confero — бир жойга жамлайман) — мажлис, бирон-бир ташкилот, гуруҳ, давлатлар вакилларининг йиғилиши бўлиб, у муайян масалалар муҳокамасига бағишланади.

КОНФЕССИОНАЛИЗМ (лот. confessio — эътиқод қилмоқ) — конституциявий ҳуқуққа нисбатан айтганда давлат ҳокимияти ташкил этилишини жамиятнинг диний жамоаларга бўлинишини инобатга олиб амалга ошишини англатади. Ҳозирги вақтда давлат тузилишининг К. асосида ташкил этилиши Ливанда сақланган. 1943 йилдаги Миллий пактга мувофиқ, давлат бошлиғи (президент) христиан — маронит бўлиши, парламент раиси — мусулмон — шиа, бош вазир — мусулмон — сунний бўлиши лозим. Парламентдаги жойлар ҳам диний жамоалар нисбатини ҳисобга олган ҳолда тақсимланади. Бошқа давлатларда, масалан, Кипрда К. 1960—1974 йилларда амал қилган. Ҳар икки ҳолда ҳам К. фуқаролик урушини ва мамлакатда парокандалигини келтириб чиқарди.

КОНФЕССИЯВИЙ ВАКИЛЛИК — вакиллик ҳокимиятини ташкил этишнинг ушбу принципида кўп конфессиявий давлатларда парламент депутатлари аҳолининг ёки муайян худудларнинг манфаатини эмас, балки ўз диний жамоасининг манфаатларини ифода этади. Вакиллик муассасасидаги барча ўринлар диний конфессиялар ўртасида пропорционал тақсим этилади.

КОНФЕССИЯВИЙ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР — фуқароларни диний эътиқоди ва мансублиги принципи асосида бирлаштирувчи сиёсий партиялар. Улар одатда кўп диний мазҳаблар бўлган мамлакатларда мавжуд бўлади.

КОНЦЕНТРАЦИОН ЛАГЕРЬ — фуқаролардан иборат аҳолини ёки ҳарбий асирларни судсиз-сўроқсиз оммавий тарзда қамаш жойларидир. Оддий қамоқ жойларидан фарқи ўлароқ, К.л. уруш даврида, мустабид террор ёки колониал тизим ҳолларида тузилади. К.л.га қамаш жиноий жазо мазмунига эга эмас ва айбдорни қайта тарбиялаш мақсадини кўзламайди. Дастлабки К.л.лар 1895 йилда испанлар томонидан Кубада мустамлакачиликка қарши ҳаракатлар бошланган даврда вужудга келтирилган. К.л. 1899—1902 йилларда англо-бур урушида қўзғолончиларни аҳолидан ажратиш мақсадида тузилган. Россияда К.л.лар 1918 йил сентябрида РСФСР ХКСнинг «қизил террор тўғрисида»ги қарори билан вужудга келтирилган. Кейинчалик улар махсус лагерлар, қатағон йилларида эса ГУЛАГ деб ном олиб жуда кенг тарқалди. К.л.да сақлашнинг асосий мақсади сиёсий ғанимларни оммавий равишда йўқ қилиш ёки чет мамлакатлар аҳолисини геноцид (қирғин) қилиш бўлиши мумкин.

КОНЦЕРН — ишлаб чиқариш корхоналари гуруҳидан фарқли ўлароқ, мулки ва назорат тизими ягоналиги билан, технологик ва ишлаб чиқариш алоқалари мавжудлиги билан ўзаро боғлиқ бўлган иштирокчи корхоналар йиғиндисидир. Концерн рақобат курашда катта миқёсдаги турли соҳавий ишлаб чиқариш комбинацияларидан йирик даромад топади. Бу патентларни, ноу-хау ва ҳ.к.ларни жамлаш, янги техника ҳамда технологияни тез жорий этиш, янги тур маҳсулот ишлаб чиқаришга тезда ўтиш имкониятини беради. Шу аснода «фан — ишлаб чиқариш — сотиш» жараёнини нозик назорат қилиш мумкин бўлади.

КОНЦЕССИОНЕР — концессия эгаси, концессия олган шахс.

КОНЦЕССИЯ — чет эллик инвесторга хўжалик фаолиятининг муайян тури билан шуғулланиш учун давлат номидан бериладиган рухсатнома бўлиб, бу фаолиятни амалга ошириш учун давлат чет эллик инвесторга шартнома асосида мол-мулк, ер ва ер ости участкаларини топширади («Концессиялар тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддаси).

КОНЦЕССИЯ ШАРТНОМАСИ (лот. concessio — рухсат, ён бериш) — ЎзРнинг 1995 йил 30 августда қабул қилинган «Концессиялар тўғрисида»ги қонунига кўра, К. ш. мазмунига қуйидагилар киради: шартнома предмети, берилаётган мол-мулкнинг таркиби ва қиймати; ер ва ер ости участкаларининг макон чегаралари; концессия шартномасининг амал қилиш ва ишларни бошлаш муддати; томонларнинг ҳуқуқ ва бурчлари; белгиланган солиқлар, уларнинг миқдори, тўлаш тартиби ва муддатлари; йиллик инвестициялар миқдори, уларни киритиш муддатлари, бизнес-режа асосида чиқариладиган маҳсулот ҳажми; атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ишларни бехатар олиб бориш талаблари; концессиявий ахборот борасида томонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари; ходимлар ёллаш, уларни ўқитиш ва иш ўргатиш, суғурталаш шартлари ва ҳ.к.

Давлатнинг табиий бойликларга бўлган суверенитетидан ўз фуқаролари ва чет элликларга концессиялар бериш ҳуқуқи келиб чиқади. Халқаро ҳуқуқ принциплари асосида К.ш.ни бекор қилиш масаласи аввало, давлатнинг ички қонунчилигига таяниши лозим.

КООПЕРАТИВ АЪЗОСИ — ЎзРнинг «ЎзРда мулкчилик тўғрисида»ги 1990 йил 31 октябрь қонунига кўра, уй-жой, уй-жой қурилиш, дала ҳовли, гараж ёки бошқа кооперативларнинг унга фойдаланиш учун берилган квартира, дала ҳовли, гаражи учун ўз ҳиссасини, бадалини тўлиқ тўлаган (7-модда 5-банди) ва кооперативга овоз бериш ҳуқуқи билан қабул қилинган аъзоси.

КООПЕРАЦИЯ — амалдаги қонунларга мувофиқ турли соҳадаги ширкат уюшма ва ташкилотларининг йиғиндиси. Унинг турлари: матбуот кооперацияси, қарз бериш кооперацияси, уй-жой қурилиши кооперативи, қишлоқ хўжалик кооперативи ва ҳ.к.

КООПТАЦИЯ (лот. cooptatio — бўшаб қолган ўринни тўлдириш) — вакиллик органларида қўшимча сайлов ўтказмасдан, бўшаб қолган ўринларни тўлдириш, яъни янги аъзоларни сайловсиз муайян вакиллик идораси таркибига киритиш.

КОРНЕР (ингл. — corner) — у ёки бу товарни келгусида қайта сотиш мақсадида сотиб олиш тўғрисида шартнома. К. бирон-бир компания акциялари назорат пакетини эгаллаш ёки қайта сотиш учун акциялар фонд биржасида ҳам тузилиши мумкин.

КОРОНЕР — Буюк Британияда, АҚШда, бошқа бир қатор давлатларда махсус судья. Унинг вазифаси (мажбурияти)га ғайритабиий ёки шубҳали вазиятда содир этилган қотиллик сабабларини аниқлаш киради. Зўравонлик ишлатиш орқали одам ўлдирилганлиги факти аниқланса, К. ишни судга беради.

КОРПОРАТИВ АВТОНОМИЯ — икки экстерриториал (маданий-миллий) автономиядан бири бўлиб, миллий масалани ҳал этишнинг ва камсонли халқлар манфаатларини ҳимоя қилишнинг нисбатан янги усули.

Этник камчилик ҳисобланган элатлар К.а. тартибида ўз органларини

тузишлари мумкин. Бу органлар умумдавлат даражасида ушбу камсонли миллатлар манфаатини ҳимоя қилади. Масалан, Финляндияда, Швеция халқ ассамблеяси (75 киши) Саам парламенти (25 киши) мавжуд. Швеция ва Норвегия давлатларида ҳам Саам парламенти мавжуд. Австрия ҳукумати ҳузурида ҳам турли кам сонли миллатларнинг Кенгашлари тузилган. Улар турли этник гуруҳларнинг жамият ташкилотлари илгари сурган номзодлардан сайланади.

КОРПОРАТИВ ВАКИЛЛИК — вакиллик ҳокимиятини шаклантириш принципи бўлиб, унга кўра вакиллик муассасаси депутатлари мамлакат аҳолиси ёки ҳудудий қисмни эмас, балки ўзларини сайлаган профессионал гуруҳлар (корпорациялар) манфаатини ифода этадилар. К.в. кўп асрлик тарихга эга. У фақат XX асрда конституциявий ҳуқуқ томонидан тўла-тўкис инкор этилди. Сабаби К.в. тенг вакиллик принципига зиддир, у фуқароларнинг тенглиги тўғрисидаги конституциявий принципни бузади. XX асрда К.в. фашистик давлатларда кенг қўлланилган. Ҳозир у Индонезияда мавжуд. К.в. элементлари 1991 йилги Словения Конституциясида ҳам бор.

КОРПОРАТИВ ДАВЛАТ — авторитар режимдаги давлат шаклларидан бирини ифодаловчи ибора. Корпоратив давлат ғояси Л.Дюгининг солидаризм назариясидан келиб чиқади. Корпоративизм ақидалари фашистик режимдаги давлатларда тўлалигича ҳаётга жорий этилади. Фашистик Италияда 1927 йилги «Меҳнат хартияси»да «миллат борлиғи» ифода бўлиши фашистик К.д.нинг асосий қоидалари эълон қилинган. 1934 йилдан бошлаб Б. Муссолини раислигидаги марказий корпоратив Кенгаши раҳбарлигида ишловчи алоҳида иқтисодий тармоқлари бўйича «ихтиёрий» корпорациялар тузилди. 1939 йилда Италия парламенти Марказий корпоратив Кенгаш аъзолари, фашистик партия раҳбарлари ва министрлардан иборат фашистик корпорациялар палатаси билан алмаштирилди. К.д.нинг баъзи турлари национал-социалист Германияда ҳам мавжуд бўлиб, у ерда «меҳнат фронти», «маданий палаталар» ва ҳ.к.лар тузилди. 1975 йилгача Франкист Испанияда кортесларда К. д. принципи асосидаги вакиллик сақланиб келди. Уларда давлат томонидан назорат қилинадиган касаба уюшмалари, савдо палатаси ва тадбиркорлардан иборат миллий иқтисодий кенгаш вакиллари бор эди. Салазор Португалиясида 1974 йилдаги революцияга қадар маслаҳат қонун чиқариш функцияларини Корпоратив палата бажариб келди. Унинг таркибига тадбиркорлардан тайинланадиган «ишчилар вакиллари» кирган. Ҳозирги вақтда дунёда К. д. белгиларини Индонезия давлат тузумида кўриш мумкин.

КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ — 1) фуқаролик ҳуқуқининг таркибий қисми бўлиб, хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг ҳуқуқий ҳолатини, ташкил этилиш тартиби ва фаолиятини тартибга солувчи юридик қоидалар йиғиндисидан иборат. Шу маънода К.ҳ. тушунчаси «акциядорлик ҳуқуқидан» анча кенг, чунки унинг нормалари акциядорлик жамиятларидан ташқари тижорат ташкилотларининг бошқа турлари фаолиятига ҳам тааллуқли; 2) корхона (тижорат ташкилоти) маъмурияти ёки мулкдор томонидан ўрнатилган ва фирманинг ички фаолият муносабатларини тартибга солишга қаратилган қоидалар тизимидир (масалан: Ички меҳнат қоидалари, Мукофотлаш тартиби тўғрисидаги низом ва ҳ.к.).

КОРПОРАЦИЯ — АҚШ ва бошқа бир қатор давлатлар ҳуқуқий

тилида, одатда, юридик шахс, ташкилот тушунчасини англатади. «К.» ибораси ташкилотнинг мустақиллигини таъкидлаш учун, уни фуқаровий муносабатларнинг бир бутун ягона иштирокчиси эканлигини ифодалаш учун қўлланилади. Барча К.лар, масалан, АҚШда тўрт гуруҳга бўлинади: оммавий, ярим оммавий, тадбиркор ва нотадбиркор К.лар.

«КОРПУС ЮРИС КАНОНИЦИ» — католик динида черков ҳуқуқий нормаларининг йиғиндиси. У 1582 йилда папа Григорий III фармойиши билан тўлиқ нашр этилган эди. «К.ю.к.» тарихий тартибда жойлаштирилган Ғарбда вужудга келган ва 1582 йилгача чиқарилган черков ҳуқуқи манбаларидан иборат. «К.ю.к.»га нисбатан кейин чиққан янги папаларнинг декреталиялари ва бошқа черков актлари ҳам қўшилган. «К.ю.к.»нинг сўнгги танқидий нашри 1879—1880 йилларда Фриденберг томонидан чоп этилган.

КОРПУС ЮРИС ЦИВИЛИС (лот. Corpus juris civilis) — Юстиниан кодификациясининг номи.

КОРРЕСПОНДЕНТ СУБСЧЁТИ — кўпроқ товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоб операцияларини фаол амалга оширувчи банклар томонидан очиладиган субсчётлар. Мазкур субсчёт бўйича тўловлар, қоида бўйича, ортиб қолган пул маблағлари чегарасида амалга оширилади.

КОРРЕСПОНДЕНТ ҲИСОБВАРАҒИ — корреспондент шартномаси асосида банк томонидан бошқа банк топшириғи бўйича ва ўша банк ҳисобидан амалга оширилган ҳисоб-китоблар акс эттириладиган ҳисобварақ. К.ҳ.лар икки турга бўлинади: «ностро» — банкнинг банк-корреспондентдаги ҳисобварағи ва «лоро» банк-корреспондентининг банкдаги ҳисобварағи. Бир банкдаги «ностро» ҳисобварағи банк-корреспондентнинг «лоро» ҳисобварағи бўлиб ҳисобланади.

КОРРЕСПОНДЕНТЛИК ШАРТНОМАСИ — мамлакат ичида ёки ташқарисидаги банклар орасида тузилган битим бўлиб, унга кўра улардан бири бошқасининг тўлов ва ҳисоб-китоблар бўйича топшириғини бажаради. Бунда банклар ўзаро ҳисоб-китоблар қайси ҳисобварақлар бўйича амалга оширилишини келишиб оладилар, бир-бирларига мансабдор шахслари имзоларининг намуналарини ва комиссион мукофот тарифларини берадилар.

КОРРУПЦИЯ (лот. corruptio — пора бериб сотиб олиш) — мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият. «К.» Ўзб. жиноят қонунчилигида мустақил жиноят таркиби бўлмай, балки бир қатор мансаб жиноятларини (масалан, пора олиш, хизмат мансабини суиистеъмол қилиш) қамраб олувчи умумлашган тушунчадир.

КОРТЕСЛАР — Ғарбий Европадаги дастлабки турли табақа вакилларининг йиғилиши. Дастлаб 1137 йилда Кастилияда пайдо бўлган.

КОРХОНАЛАР — хўжалик юритишни ташкил этишнинг бир шакли. ЎзРнинг «Корхоналар тўғрисида»ги 1991 йил 15 январда қабул қилинган қонуни ҳамда 1993 йил 7 майда шу қонунга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларга кўра, қонунчилик мулкчиликнинг барча шаклига мансуб корхоналарни барпо этишнинг, улар фаолиятининг, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилаб беради. Шу билан бирга «Корхоналар тўғрисида»ги қонун ҳам фойда (даромад) олишни кўзлаб иш олиб борадиган корхона-

ларнинг мустаҳкамлигини белгилайди, бошқа корхоналар ва ташкилотлар, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари билан муносабатларни тартибга солиб туради. Ушбу қонуннинг 1-моддасига кўра, корхоналар мустақил хўжалик субъекти бўлиб, юридик шахс ҳуқуқларига эгадир ва ўз мулкидан фойдаланган ҳолда хўжалик юритади. Хўжалик субъектлари ўз мулк эгалари ҳуқуқларидан келиб чиқан ҳолда қуйидаги кўринишдаги корхоналарни ташкил этишлари мумкин: жисмоний шахсларнинг хусусий мулкига асосланган корхоналар; ширкат (жамоа) мулкига асосланган жамоа, оила, маҳалла корхоналари, ишлаб чиқариш кооперативлари; хўжалик жамиятлари ва ширкатларига жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотларга қарашли корхоналар ҳамда жамоат мулкининг бошқа шаклларига асосланган корхоналар; давлат мулкига асосланган корхоналар, Қорақолпоғистон Республикаси давлат корхоналари; вилоятлараро, вилоят, туманлараро, туман, шаҳар давлат корхоналари ва бошқа турдаги корхоналар; аралаш мулкка асосланган давлатлараро ва қўшма корхоналар ҳамда мулкчиликнинг турли шаклига мансуб, тўлиқ ёки ҳиссабай йўсинда иштирок этишга асосланган корхоналар. Корхоналар фаолият кўрсатишларида ЎзР ФКда яратилган ҳуқуқий нормалардан фойдаланадилар.

КОРХОНАНИ СОТИШ ШАРТНОМАСИ — олди-сотди шартномасининг ЎзР ФКда назарда тутилган махсус тури. К.с.ш. бўйича сотувчи мулкий мажмуа бўлган бутун корхонани (сотувчи бошқа шахсларга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан ташқари) харидорга мулк сифатида беради. Агар шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, фирма номи, товар белгиси, хизмат белгиси ҳамда сотувчи ва унинг товарларини, иш ва хизматларини ажратиб турувчи бошқа воситаларга, шунингдек, унга лицензия асосида тегишли бўлган ана шундай фарқловчи воситалардан фойдаланиш ҳуқуқлари харидорга ўтади. Сотувчининг тегишли фаолият билан шуғулланиш учун рухсати (лицензияси) асосида олган ҳуқуқлари, агар қонунда ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, корхонани сотиб олувчи шахсга берилиши мумкин эмас. Сотувчининг харидорда рухсат (лицензия) бўлмаганлиги туфайли у бажара олмайдиган мажбуриятларни корхона таркибида харидорга бериши сотувчини кредиторлар олдидаги тегишли мажбуриятларидан озод этмайди. Бундай мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги учун сотувчи ва харидор кредиторлар олдида биргаликда жавобгар бўладилар. К.с.ш. ёзма шаклда томонлар имзолаган битта ҳужжатни тайёрлаш йўли билан тузилади. Шартномага инвентаризация ҳужжати, бухгалтерия баланси, мустақил аудиторнинг корхона таркиби ва қиймати ҳақидаги хулосаси ҳамда корхона таркибига киритиладиган барча қарзлар (мажбуриятлар) рўйхати кредиторлар, улар талабларининг хусусияти, миқдори ва муддатини кўрсатган ҳолда илова қилинади. К.с.ш. шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий ҳисобланмаслигига сабаб бўлади. К.с.ш. давлат идорасида қайд этилиши лозим ва ана шундай қайд этилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади. Сотувчининг корхонани харидорга бериши топшириш акти бўйича амалга оширилади. Ушбу актда корхона таркиби ҳақида маълумотлар ва кредиторларнинг корхона сотилиши ҳақида хабардор қилинганлигига доир маълумотлар, шунингдек, топширилган мулкнинг аниқланган камчиликлари ҳақидаги маълумотлар ва сотувчи йўқолганлиги туфайли топширилиш мажбурияти бажарилмай

қолган мулкларнинг рўйхати кўрсатилади. Корхонани топшириш актини иккала томон имзолаган кундан бошлаб корхона харидорга топширилган ҳисобланади. Корхонага бўлган мулкчилик ҳуқуқи харидорга ушбу ҳуқуқ давлат томонидан қайд этилган пайтдан бошлаб ўтади.

КОРХОНАНИНГ ИДЕНТИФИКАЦИЯ РАҚАМИ — божхона юк декларацияларида корхонанинг уч элементли кодлаштирилган белгиси. Биринчи элемент ЎзР чегараси орқали товар жойлаштирувчи ташкилотни тури икки белгидан, иккинчи элемент — ЎзР субъектлари тўрт белгили кодидан ва туманларидан ташкил топади (биринчи икки рақам — ЎзР коди, кейинги икки рақам ЎзРнинг ички ҳудудий коди). Учинчи элемент — ЎзРнинг классификаторига мувофиқ, корхона ва ташкилотларнинг саккиз белгили коди (ЎзРКТК.).

КОСМИК ҲУДУД — халқаро космос ҳуқуқи билан ҳуқуқий тартибга солинадиган ернинг ҳаво қатламидан ташқаридаги кенглик. К.ҳ.нинг умум тан олган халқаро-ҳуқуқий белгиланиши ҳозирги вақтда йўқ. К.ҳ.нинг тартиби амалда бўлган халқаро келишувлар билан белгиланган. Уларга мувофиқ К.ҳ. изланишлар учун ва барча давлатлар томонидан ҳар қандай камситишлардан ҳоли равишда тенглик асосида фойдаланиш учун очиқ. У унга бўлган суверенитетни эълон қилиш йўли билан, фойдаланиш ёки босиб олиш йўли билан, бошқа ҳар қандай воситалар билан миллий жиҳатдан ўзлаштирилмайди. К.ҳ.ни ўрганиш ва фойдаланиш бўйича фаолият БМТ Уставига, халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда халқаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик манфаатларида халқаро ҳуқуққа мувофиқ амалга оширилиши лозим. К.ҳ.да ядровий қуролни синаш, шунингдек, ядровий қуролни ва бошқа ҳар қандай оммавий қирғин қуролларини жойлаштириш тақиқланган. Давлатлар К.ҳ.ни ўрганиш ва ундан фойдаланишда ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам кўрсатиш принципига таянишлари керак.

КОТТЕР — ўрта асрдаги Англияда жуда кичик ер майдони — томорқа участкаси бўлган уйга эга феодалга қарам деҳқонларнинг вакили. Коттерлар қоида тариқасида батраклар, кейинчалик эса — ёлланма ишчилар бўлганлар.

КРЕДИТ (лот. creditium — қарз) — қайтариб бериш ва тўлов шартлари (қарздан фойдаланганлик учун фоизлар кўринишида) билан пул кўринишида бериладиган қарз. Шунингдек, *Кредит шартномасига* қаранг.

КРЕДИТ БИТИМИ — кредит муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва мажбурияти, кредит бериш шарти ва миқдорини белгиловчи қарздор ва кредитор ўртасидаги шартнома.

КРЕДИТ ИНТИЗОМИ — қарздорларнинг кредит қоидаларига риоя қилиши ва кредит битими шартидан келиб чиқадиган мажбуриятлари.

КРЕДИТ ЙЎЛИ — келишилган лимит атрофида кредитлар белгиланган муддат давомида қарздор олдида унга тақдим қилишни (ёки ўхшаш муассаса) банк мажбуриятининг юридик расмийлаштирилганлиги. Агар геометрик ўхшашликка таянсак, унда бир марталик кредит битимини нуқта тарзида, К.й.ни эса тўғри кесим кўринишида тасаввур қилиш мумкин. К.й.ҳар иккала томон учун бир марталик битим олдида афзалликка эга: қарздорлар учун — бу тижорат фаолиятини энг қулай музокара олиб бориш вақти билан боғлиқ харажатларни иқтисод қилиш

ҳолати. Бу кредитор банкка ҳам тааллуқли. Шу билан бирга, ссуда капиталларини конъюктура бозорининг ўзгариб туриши билан боғлиқ тавакалчиликни ўзига қабул қилади, чунки, вазиятдан қатъи назар, қарздор олдида ўз мажбуриятини бажариши ва кредит бериш тўғрисидаги битимга мувофиқ унга кредит бериши шарт.

КРЕДИТ КАРТОЧКАСИ — ушбу эмитентни карточка билан ҳисобкитоб қилиш тизимлари қатнашчилари бўлиб ҳисобланувчи хизмат кўрсатиш соҳаси ва чакана савдо тармоғи корхоналарида хизматлар ва товар олишга нақд пул билан тўланмаслик ҳуқуқини берувчи ва ихтисослаштирилган эмитент-муассасаси томонидан унда эгасининг ҳисоби борлигини тасдиқлайдиган ёки банк томонидан чиқарилган номи ёзилган ҳужжат. К.к. ёрдамига ишониб унинг эгаси унга расмийлаштирилган савдо корхонаси ёки хизмат кўрсатиш соҳаси ҳисобини имзолайди. Бу корхоналар К.к. эмитенти билан вақти-вақтида ҳисоб-китоб қилади, у К.к. эгаси ҳисобидан тегишли суммаларни чиқаради ва кредит карточкаси эгасига товар сотган ёки унга хизмат кўрсатган корхона ҳисобига уларни ўтказади. К.к. эмитентлари одатда кредит карточка эгасидан ҳисоб очганлик учун бира тўла тўланадиган ҳақ, кейинчалик эса доимий (одатда ҳар йили) қайд этилган миқдорда тўлаши ёхуд К.к. ҳисоб-китобларидан фойдаланишда чиқарилган суммадан фоизларда ундирилади.

КРЕДИТ КОРПОРАЦИЯСИ — кредитда унинг аъзолари эҳтиёжларини қондириш учун майда товар ишлаб чиқарувчиларнинг бирлашиши.

КРЕДИТ РЕСТРИКАЦИЯСИ — ахборот жараёнлари ва банкларнинг инқирозга учраши, чет элларга олтин захиралари чиқиб кетишининг олдини олиш мақсадида кредит миқдорлари давлат ва банк томонидан чекланиши.

КРЕДИТ САНКЦИЯСИ — кредит интизоми ҳужалик органлари томонидан бузилган ҳолларда, банк томонидан қўлланиладиган таъсир чоралари. К.с.нинг ҳар хил тури мавжуд: кредитлашни алоҳида режимга ўтказиш, берилган ссудани муддатидан олдин ундириш, муддати ўтказилган тўловларни мунозарасиз тартибда ундириш, кредитлашни вақтинча тўхтатиш.

КРЕДИТ ТАВАККАЛЧИЛИГИ — қарздор томонидан ссуда берувчи олдида ўзига қабул қилган қарз мажбуриятларини бажармаслик таваккалчилиги, яъни таваккалчиликда қарз тўланмасдан қолади.

КРЕДИТ ТАЛАБНОМАСИ — қарз бериш тўғрисида мижознинг ариза-тақдимномаси. Ихтиёрий шаклда тузилади, унда албатта қуйидагилар кўрсатилади: кредит олиш мақсади, суммаси, мўлжалланган муддат ва фоиз ставкаси, гаровни банкка тақдим қилиш тўғрисида кўрсатма (суммаси, сифати турлари, сақлаш жойи) ёки кафолат хати (суммаси, турлари, кафолат берган шахснинг тўлов қобилияти) ёки суғурта полиси (суммаси, суғурта компаниясининг тўлаш қобилияти) ва муддатида кредитни қоплаш ва кредитлаш қоидаларига риоя қилиш тўғрисидаги мажбурияти.

Ариза банк бошқаруви раиси номига тузилади. Талабнома банкдан кредит олишни хоҳловчи фирманинг биринчи шахси ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланади. К.т.да албатта, қуйидагилар кўрсатилади: мижознинг тўлиқ номи, унинг юридик манзили ва банк реквизитлари, телефонлари ва факслари, шунингдек, ҳужжат тузилган сана. Банк бўлимларида ссудалар беришга махсус ариза бланкалари ёки юқорида кўрсатил-

ган реквизитлари бўлган қатъий белгиланган ариза-мажбурият шакллари қўлланилади. Кредит талабномасига қарзнинг техник-иқтисодий асосланиши, мижознинг тезкор мажбурияти, суғурта полиси, кафолат хати ёки гаров шартномаси илова қилинади. Банкда тизимдан ташқари, кредит талабномасининг ҳисоби журналда тушаётган талабномалар, саналар бўйича рўйхатга олинади, ичида эса сумма ва мижоз бўйича юритилади. Талабнома кредит ходимининг қатъий ҳал қилиши учун белгиланган муддатда текшириш учун унга ваколати бўлган тегишли вакилга ёки кредит қўмитасига кўриб чиқиш учун берилади. Кредит бериш рад қилинган ҳолларда рўйхатга олиш журналида талабномани архивга бериш тўғрисида белги қўйилади, у бир йил давомида сақланади. Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда журналда кредит иши очилганлиги, номери (сони) ва очиш санаси кўрсатилиб, белги қўйилади.

КРЕДИТ ТАШКИЛОТИ — ЎзРнинг 1996 йил 25 апрелдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ юридик шахс юқорида кўрсатилган ЎзРнинг қонунида назарда тутилган банк операцияларини ЎзР Марказий банкининг махсус рухсатномаси (лицензияси) асосида ўз фаолиятининг асосий мақсади сифатида фойда олиш учун амалга ошириш ҳуқуқига эга. К.т. хўжалик жамияти сифатида ҳар қандай мулк шакли асосида ташкил этилади. К.т. банк операцияларининг барча спекторини амалга оширувчи банкка ва айрим банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга банк бўлмаган кредит ташкилотларига бўлинади. Банк бўлмаган кредит ташкилоти учун банк операцияларини қўшиб олиб боришга йўл қўйилиши мумкинлиги ЎзР Марказий банки томонидан белгиланади. К.т. ЎзР Марказий банкида давлат рўйхатидан ўтиши лозим. ЎзР Марказий банки К.т.ни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади ва К.т.ни давлат рўйхати Китобини олиб боради. К.т. Марказий банк томонидан бериладиган лицензияни олган давридан бошлаб банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини олади.

КРЕДИТ ТАШКИЛОТИНИНГ ФИЛИАЛИ — кредит ташкилоти жойлашган ердан ташқарида жойлашган ва унинг номидан Ўзбекистон банки кредит ташкилотига берган лицензияда назарда тутилган банк операцияларининг ҳаммасини ёки бир қисмини амалга оширувчи алоҳида ажратилган бўлинмаси. Хорижда Ўзбекистон кредит ташкилотининг филиалини ташкил этиш учун ЎзР Марказий банкининг рухсати талаб этилади.

КРЕДИТ ТАШКИЛОТИНИНГ УСТАВИ — ЎзР қонунларига биноан, юридик шахс таъсис ҳужжатларида кўрсатиладиган маълумотларидан ташқари, фаолиятининг хусусияти ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, қуйидаги маълумотларни ҳам кўрсатиши керак: 1) фирманинг (тўлиқ расмий) номи ҳамда ЎзРнинг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни (ЎзР 1992 йил 2 июндаги қонун билан киритилган ўзгартишлар қўшилган ҳолда) билан белгиланган барча бошқа номлари; 2) ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатмаси; 3) бошқарув идораси ва алоҳида бўлинмалари жойлашган ер (почта адреси) тўғрисидаги маълумотлар; 4) амалга ошириладиган битимлар рўйхати; 5) устав капиталининг ҳажми тўғрисидаги маълумот; 6) бошқарув органлари, жумладан, ижро этувчи органлари, шунингдек, ички назорат органлари, уларни ташкил этиш тартиби ва уларнинг ваколатлари тўғрисидаги маълумотлар; 7) мазкур ташкилий ҳуқуқий шакл-

даги юридик шахсларнинг уставлари учун қонунларда назарда тутилган бошқа маълумотлар. К.т.у.га киритиладиган барча ўзгаришлар ва қўшимчаларни ЎзР Марказий Банкида қайд этиши шарт. ЎзР МБ барча тўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар берилгандан кейин бир ойлик муддатда К.т.у.даги ўзгаришлар ва қўшимчаларни қайд этиш тўғрисида қарор чиқаради.

КРЕДИТ ТИЗИМЛАРИ — кредит усуллари ва шакллари, кредит муносабатлари йиғиндиси; қисқа маънода — мамлакатларнинг кредит муассасалари тизими. К.т.га саноати ривожланган мамлакатлар киради: а) банклар; б) ихтисослаштирилган банк бўлмаган молия-кредит муассасаси; в) узоқ муддатли ссуда бериш ва қимматли қоғозларга қўйиш учун суғурта қилинувчилар бадалларидан фойдаланувчи суғурта компанияси; г) пенсия жамғармалари; д) жамиятнинг ҳар хил қатламлари жамғарган пулларни ссуда капиталига айлантирувчи ва марказлаштирувчи омонат кассалар; ж) ломбардлар ва бошқалар.

КРЕДИТ ХАТИ — унда кўрсатилган шахсга кредит очишнинг адресатга топширилишини ўзида ифода қилувчи ҳужжат. Хат берган шахс шундай усул билан берилган ҳар қандай кредит бўйича кафил ҳисобланади.

КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ — фуқаролик ҳуқуқий шартномаси бўйича банк ёки ўзга кредит ташкилоти (кредит) шартномада назарда тутилган шартларда ва миқдорда қарздорга пул маблағи (кредит) бериш мажбуриятини, қарздор эса олинган пул суммасини қайтариш ва унга фоизлар тўлаш мажбуриятини олади. К.ш. қарз шартномасининг алоҳида турларидан бири бўлиб ҳисобланади, аммо охиргисидан фарқи эса реал эмас, консенсуал бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, пул кредит шартномасининг предмети бўлиб ҳисобланади (товар кредитларидан ташқари). Қарздор кредит олишни тўлиқ ёки қисман, агар қонунда, бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ёки К.ш.да ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, бу ҳақда уни олишни шартномада белгиланган муддатгача кредиторни хабардор қилиб рад этишга ҳақли. К.ш.нинг бошқача тури товар кредити ва тижорат кредити ҳисобланади.

КРЕДИТЛАРНИ ЛИМИТЛАШ — қарз олувчилар, банк муассасалари учун кредитлаш объектлари ва ссудалар турлари бўйича кредит режа асосида кредит суммасини белгилаш усули.

КРЕДИТЛАРНИ ТАСДИҚЛОВЧИЛАР — бюджетдан ажратилган пул маблағларини тақсимлаш ҳуқуқи берилган вазирликлар, давлат идоралари ва корхоналарнинг раҳбарлари. Улар кредитларнинг мақсадга мувофиқ ишлатилиши учун жавобгар ҳисобланадилар.

КРЕДИТЛАШ ЛИМИТЛАРИ — кредит режасида назарда тутилган ва қарз олувчи шахс банкдан олиш ҳуқуқига эга бўлган кредитнинг энг кўп миқдори. Аниқ қарз олувчилар, банк бўлинмалари ва, умуман, банк бўйича белгиланади.

КРЕДИТНИ ЁПИШ — кредит шартномаси бўйича (кредит линияси бўйича) маблағ беришни тўхтатиш.

КРЕДИТНИ ТАЪМИНЛАШ — кредиторга тегишли асосий қарз ва унинг фоизларини тўлаш бўйича кредитнинг қайтарилишини кафолатлаш тизими. К.т.нинг предмети деганда товар-ашёвий бойликлар, қимматбаҳо қоғозлар, шошилинч депозитлар, дебиторлик ҳисоблари, кўчмас мулк ҳамда гаровга қўйилган учинчи шахсларнинг мулки, шунингдек,

қарз тўловчи кредитни тўлашга қобилиятсиз бўлганда учинчи тарафнинг кредитни қоплашга розилиги, яъни кафиллиги тушунилади.

КРЕПОСТНОЙ ҲУҚУҚ (КРЕПОСТНОЙЛИК) — деҳқонларнинг қарамлик шакли: уларнинг ерга бириктириб қўйилиши ва феодалнинг маъмурий ва суд ҳокимиятига бўйсуниши. Ўрта асрларда Ғарбий Европада крепостной ҳолатида инглиз вилланлари, католин ременслари ва француз ҳамда италян сервлари бўлган. Бу ерларда К.ҳ. элементлари XVI— XVIII асрларда йўқолди. Бу асрларда Марказий ва Шарқий Европада К. ҳ.нинг шафқатсиз шакллари тарқалди (у XVIII—XIX асрларда буржуазия ислоҳотлари давомида бекор қилинган эди). Россияда К. ҳ. давлат миқёсида 1497 йилдаги Судебник билан, тақиқланган кўчишлар ва белгиланган кўчишлар тўғрисидаги фармонлар билан ва сўнгги — 1469 йилдаги Собор низоми билан расмийлаштирилган. XVII—XVIII асрларда бутун эркин бўлмаган аҳоли крепостной деҳқонга айланди. К. ҳ. 1861 йилдаги деҳқонлар ислоҳоти билан бекор қилинган.

КРИМИНАЛ МИЛИЦИЯ — бир қатор давлатларда жамоат хавфсизлигини таъминловчи милиция билан тенг равишда фаолият кўрсатувчи милиция. К. м.нинг асосий вазифаларига: дастлабки тергов ўтказилиши шарт бўлган ишлар бўйича жиноятларнинг профилактикаси, жиноятларнинг олдини олиш ва очиш, шунингдек, суриштирув, тергов ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазони ўташдан бўйин товлаб юрган, бедарак йўқолган ва қонунда назарда тутилган бошқа шахсларни қидириш ишларини ташкил қилиш ва амалга ошириш киради.

К. м. таркибига жамоат хавфсизлигини таъминловчи, милицияга ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган тезкор-қидирув вазифаларини бажарувчи, илмий-техник ва бошқа бўлинмалар киради.

КРИМИНАЛИСТИКА (лот. Criminalis — жиноятга дахлдор) — суд далилларини йиғиш, қайд этиш, ўрганиш ва фойдаланишнинг махсус йўллари, усуллари ва воситаларини ишлаб чиқувчи амалий юридик фан. Бу йўллар ва усуллардан жиноят процессида, хусусан, жиноятларнинг олдини олиш, очиш ва тергов қилишда фойдаланилади. Шунингдек, жиноят ишини, бир қатор ҳолларда эса фуқаролик ишларини судда кўриб чиқишда фойдаланилади. Ҳозирги замон К.синининг муҳим бўлимларига: К.нинг умумий назарияси; К. техникаси, К. тактикаси ҳамда алоҳида жиноят турларини тергов қилиш ва уларнинг олдини олиш киради.

КРИМИНАЛИСТИКА ТАКТИКАСИ — жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олишнинг руҳий ва тактик принциплари ҳамда усуллари тўғрисидаги таълимот; иш бўйича аниқ ҳолатларни эътиборга олган ҳолда ҳар бир тергов ва суд ҳаракатлари, оператив қидирув чора-тадбирлари имкониятларидан самаралироқ фойдаланишга имкон берувчи усуллар тизими.

К. т. нафақат жиноий жазоланадиган ҳаракатларни аниқлаш, очиш ва тергов қилиш чораларини (репрессив фаолият), балки жиноятчиликнинг олдини олиш чораларини (превентив фаолият) ўз ичига олади. К. т. жиноят процессида дастлабки суриштирувнинг бошланғич ҳолатини, содир қилинган жиноят тўғрисидаги аризани ёки жиноий ҳолатнинг ўзини ўзлаштиришни, кейинчалик тергов қилиш ва ниҳоят суд процессини қамраб олади. К. т. қуйидаги қоидаларни қамраб олади: ҳаракатларнинг режалилиги ва тезкорлигини, жиноят жойини кўздан кечиришни, изларни қайд этиш ва баҳолашни, шахсларнинг кўрсатувлари (сўроқ

қилишлар) кўринишида далиллар олишни, индивидуал режалаштиришни, ҳаракатларнинг қонунийлилигини ва ҳаракатларнинг ихтисослашуви ва бир хилдалигини.

КРИМИНАЛИСТИКА ТЕХНИКАСИ — криминалистиканинг далилларни йиғиш, қайд этиш ва ўрганиш бўйича махсус усуллар ва илмий-техника воситаларини ўз ичига олувчи алоҳида соҳаси. К.т. суд баллистикаси, трасология, суд лингвистикаси, дактилоскопия, судга оид суратга олиш, экспертизаси ўтказиш техникаси, криминалистика одорологияси ва бошқалар киради.

КРИМИНОЛОГИЯ (лот. ctiminis — жиноят ва юн. Logos — таълим) — жиноят, унинг сабаблари, жиноятчининг шахси, жиноятчиликнинг профилактикаси йўллари ва унинг олдини олиш ҳамда келгусида тугатиш тўғрисидаги фан.

К. жиноятчиликни одамларнинг жиноят қонуни талабларига зид бўлган ижтимоий хавфли хулқида намоён бўлувчи ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганади. К. жиноятчилик тўғрисидаги маълумотларни тўплагичча, шунингдек, жиноятларнинг алоҳида турлари ва гуруҳлари, алоҳида криминал муаммолар (масалан, вояга етмаганлар жиноятчилиги, рецидив жиноятчилик, гуруҳий жиноятчилик) бўйича ўрганади. К.нинг предметини, шунингдек, жиноятчиликнинг мавжуд бўлиши ва аниқ бир жиноятларнинг содир қилинишига таъсир кўрсатувчи жиноятчиликнинг сабаблари, яъни ижтимоий таъсирлар, ҳодисалар ва жараёнлар ташкил қилади. К. жиноятчининг шахсини, яъни турли хил жиноятлар содир қилган ва у ёки бу хилда уларнинг хулқига таъсир кўрсатувчи шахсни тавсифловчи ижтимоий муҳим хусусиятларини, томонларини, сифатларини, алоқаларини ўрганади. К.да муҳим ўринни ҳозирги замон демократик жамиятида жиноятчилик билан курашишнинг асосий йўналишларидан бирини ташкил қилувчи — жиноятларнинг олдини олиш муаммоси эгаллайди.

КУММУЛЯЦИЯ — суғуртада бундай таваккалчиликлар йиғинди бўлиб, унда суғурта қилинган объектлар сони кўп ёки бир неча объектларнинг нисбатан кўп суғурта суммалари битта ўша суғурта ҳодисаси билан дахл қилиниши мумкин. Унинг оқибатида жуда кўп зарар юзага келади (сув тошқини, бўрон, ер қимирлаш). К. битта объект бўйича бўлиши ҳам мумкин (битта кемада юкларни ташиш, суғурта суммасининг йиғиндиси кўп миқдорларга етиши, корхона бўйича суғурта суммасининг йиғиндиси ҳолатларида).

КУМУЛЯТИВ ВОТУМ (тасдиқлаш) — кўп мандатли сайлов округларида овоз бериш тартиби, унда сайловчи ўзида бўлган овознинг барчасини ёки қисмини бирлаштириш ва уларни номзодлардан бири учун бериш ҳуқуқига эга.

КУМУЛЯТИВ ИМТИЁЗЛИ АКЦИЯЛАР — имтиёзли акциялар бўйича тўланмаган ёки тўлиқ тўланмаган дивидент йиғилади ва охирида тўланади. Бундай акцияларни чиқариш имконияти ЎзРнинг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунида назарда тутилган.

КУМУЛЯТИВ ОВОЗ БЕРИШ — акциядорларнинг умумий йиғилишда овоз бериш тартиби бўлиб, бошқа масалалар бўйича (номзодга) овоз беришни рад этиш ҳисобига йиғилган бир эмас, бир неча овозлар натижасида қатор масалалар (номзодлар) бўйича овоз беришда акция-

дорга имкон берилишига айтилади. Майда акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун қўлланилади.

ЎзРнинг 1996 йил 26 апрелдаги «Акциядорлик жамиятлари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ К.о.б.ни ўтказишда жамиятнинг ҳар бир овоз берувчи акциясига жамият (кузатув кенгаши) директорлар кенгаши аъзолари умумий сонига тенг бўлган овоз сони тўғри келиши лозим. Акциядор жамият (кузатув кенгаши) директорлар кенгаши аъзоларининг бир неча номзодлари орасида уларни тақсимлаши ёки битта номзод учун унга тегишли акция бўйича тўлиқ овоз беришга ҳақли. Энг кўп сонли овоз олган номзодлар директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) таркибига сайланган ҳисобланадилар. ЎзРда жамиятни оддий акциялари эгалари бир мингдан ортиқ бўлган акциядорлар сони билан жамиятни директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) аъзоларини сайлашларида К.о. б. мажбурий ҳисобланади. Жамиятнинг оддий акциялари эгалари бир мингдан кам бўлган ҳолларда акциядорлар сони билан жамиятда шундай овоз бериш тартиби уставда назарда тутилган бўлиши мумкин.

КУПОН — унда кўрсатилган муддат келиши билан фоиз суммасини олиш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғознинг кесилган талон кўринишидаги қисми. Купон одатда облигацияга ёпиштирилади, баъзида мустақил сотилиши ва сотиб олиниши мумкин. Ҳар қандай ҳолда у облигация билан бир хилда бўлиши лозим; таркибида унга тааллуқли ва тегишли реквизитларни сақлайди: қарздор фирмаларнинг номи, облигация сони ва аталиши, тўловчи банкни исми, купон суммаси, тартиб рақами ва амал қилиш муддати.

КУПОН ВАРАҒИ — дивиденд ёки фоиз олиш учун эгаси томонидан кўрсатиладиган ва унда қирқиладиган қимматли қоғозларнинг қисми (акция ёки облигация). Купон варағи алоҳида купонлардан иборат, унда тўлов муддати кўрсатилган. Тегишли купонлар муддати келиши билан кесилади ва акциядорлик жамиятига, қимматли қоғозни чиқарган ҳукуматга ёхуд банкка кўрсатилади, у акциядорлик компанияси ёки ҳукуматининг топшириғига биноан тўланади.

КУПЮРА — пул белгиси (қоғоз пул), акция, облигация ва қиймат белгиси устига ёзиб қўйилган бошқа қимматли қоғозлар.

КУРИ САЙЛОВИ — миллий, касбий ва бошқа белгилари бўйича сайловчиларнинг разрядларга бўлиниши. Ҳар бир К.с., ўзининг сонидан қатъи назар, олдиндан маълум миқдордаги депутатларни сайлайди. Ҳозирги вақтда К.с. камдан-кам учрайди, чунки, тенг вакиллик принципига қарама-қарши К.с.нинг миллийга бўлинишини Фиджида учратиш мумкин.

КУРИАТ КОМИССИЯСИ — Қадимги Римдаги мажлис, унда ўттиз нафар оқсуяк қатнашган.

КУРИЯ ТИЗИМИ — қатор мамлакатларда узоқ вақт давомида мавжуд бўлган вакиллик муассасаларининг сайловлар тизими.

К.т. умумий сайлов ҳуқуқи тизимида илгари юз берган тарихий феодал тузуми қолдиқларини маълум даражада ўзида ифодалаб ва ўзининг ижтимоий-синфий моҳиятининг ниқобланмаганлиги, шунингдек, ҳаддан ташқари мураккаблиги билан кейингисидан фарқ қилади. Курия тизими Россия подшоҳлигида ҳам мавжуд эди, 1905 йил 24 (II) декабрдаги Давлат думаси тўғрисида қонунга кўра ўрнатилган ва подшоҳлик вақтидаги сайлов қонуни билан тасдиқланган.

КУРОРТ — ЎзРнинг қонунларида белгиланганидек, ўзлаштирилган ва даволаш-профилактика мақсадларида фойдаланиладиган табиий даволаш ресурсларига эга бўлган зарур иморатлар, иншоотлар, инфратузилма объектлари ҳисобланади.

КУРОРТ ИШИ — ЎзРнинг қонунларида белгиланганидек, «табиий даволаниш ресурслари асосида касалликларни даволаш ва профилактикани амалга ошириш ва ташкил этиш бўйича илмий-амалий фаолиятнинг барча турлари йиғиндиси».

КУРОРТ ЙИҒИМИ — ЎзРнинг қонунларига мувофиқ, К. й. тўловчилари курорт жойларига келган жисмоний шахслар ҳисобланади. Курорт жойларнинг рўйхати ЎзР ҳукумати томонидан белгиланади.

Курорт йиғими ставкасининг энг кўп миқдори ЎзРда ўрнатилган ойлик иш ҳақи энг кам миқдорининг 5% дан ошмаслиги керак. К. й. аниқ ставка миқдори курорт жойи турган ҳудуддаги ваколатли орган томонидан белгиланади. К. й. тўлашдан қуйидагилар озод қилинади: 1) 16 ёшгача бўлган болалар; 2) ногиронлар ва уларни кузатувчи шахслар; 3) йўлланма ва курсовка бўйича санаторий, дам олиш уйи, пансионатларга, шаҳарга ва дам олиш базалари билан бирга йўлланма бўйича келган шахслар; 4) курорт жойларга хизмат сафарига, ўқишга ва доимий яшаш жойига келган шахс; 5) туристик-экскурсия корхоналари ва ташкилотларининг режаси бўйича туристик йўналишда, шунингдек йўналиш китобчаси бўйича саёҳатни бошқариб борадиган шахс; 6) 60 ёшли ва ундан катта ёшдаги эркаклар, 55 ёшли ва ундан катта ёшдаги аёллар; 7) кўрсатилган ёшдаги ота-оналар олдига келувчи болалари.

КУРОРТ РЕГИОНИ (тумани) — ЎзРнинг қонунларига биноан санитария муҳофазаси (тоғ-санитария)да бўлган ихчам жойлашган курортлар ҳудуди.

КУРЬЕР ВАРАҒИ — дипломатик почталарни олиб боришга ҳуқуқ берувчи расмий ҳужжат. Унда дипломатик почтанинг жой сони ва курьернинг дипломатик мақоми кўрсатилади. Дипломатик курьер махсус ad hoc, шунингдек, дипломатик почтани олиб бориш топширилган фуқаролик авиацияси экипажининг командири курьер варағи билан таъминланади. Фуқаро авиацияси командирининг ўзи дипломатик курьер ҳисобланмаганлиги сабабли почтани ташкил этувчи курьер варағида фақат жой рақами кўрсатилади. Курьер варағи давлатнинг дипломатик почта тегишли ташқи ишлар идоралари ёки дипломатик (консуллик) ваколатхоналари томонидан берилади ва одатда почта жўнатилаётган мамлакатларнинг ташқи ишлар идоралари ёки дипломатик (консуллик) ваколатхоналарида виза қўйилган бўлиши лозим. Агар давлатлар орасида бу масалада келишилган ёки чет эл давлатининг қоидаларида виза қўйиш талаб қилинмаган ҳолларда виза қўйиш шарт эмас. ЎзРнинг К.в.ни виза қилишни рад этиш тўғрисида кўп мамлакатлар билан ўзаро битими бор.

КУТЮМЛАР (фр. coutume — урф-одат) — деб феодал Францияда айрим шаҳарлар, округлар, провинциялар ва бошқа ҳудудлардаги ҳуқуқий урф-одатларга айтилади. Шимолий Францияда (оддий ҳуқуқ мамлакати) К. оғзаки анъаналарда мавжуд бўлган, у ерда урф-одатларнинг ҳеч қандай умумий юридик баёни ёзиб борилмаган. Тажрибали маҳаллий судлар шаҳарлар ва сеньорлар муносабатини тартибга солувчи грамоталар, тегишинча конон ҳуқуқини олган ва босқинчилик ҳуқуқидан ўзлаштирмалар эски Германия ҳуқуқининг аралашмасини ўзида К.ни ифодалай-

ди. Франциянинг жанубида (ёзилган қонун мамлакати) умумий урф-одат сифатида соддалаштирилган Рим ҳуқуқи амал қиларди, у расмийлаштирилган маҳаллий урф-одатлар билан тўлдирилган. XIII асрнинг биринчи ярмида урф-одатларнинг умумий тўплами вужудга келган. Улардан энг муҳимлари Нормандия улуғ урф-одатлари (1255 й.) Орлеаннинг урф-одатлари китоблари, Овер ва Анжунинг «Оқсуяк Людовикнинг тартиботи» номи остида (1273 й.) ва Сенешал Ф. де Бомануаор томонидан тузилган Бовезини урф-одатлари (1282 й.), (Бове округининг урф-одатлари ёзуви ва Франциянинг айрим провинциялари). Кўп сонли урф-одатлар асосида 1389 йилда «Франция урф-одатларининг тўплами» тузилган, аммо практукализм ҳуқуқи қолган XV асрда 60 га яқин провинциал ва 300 дан кўпроқ маҳаллий урф-одатлар амал қилган. Урф-одатларнинг узил-кесил бекор қилиниши 1804 йил Франция ФКнинг кучга кириши натижасида ҳуқуқ сифатида амал қилган (Наполеон кодекси).

КУЧ ИШЛАТИШ — БМТ Уставига асосан, ҳарбий вазиятларда томонларнинг ҳаракатлари тушунилади. Чунки БМТ ҳужжатларда кўрсатиб ўтилганидек, куч ишлатиш сиёсий можароларни ҳал этиш йўли бўлмаслиги лозим.

КУЧ ИШЛАТИШ БИЛАН ҚЎРҚИТИШ — *куч ишлатиш ва куч ишлатиш билан қўрқитишни тақиқлаш принципига* зид бўлган ва БМТ Уставига хилоф равишда бирор давлатнинг ҳудудий дахлсизлигига ёки сиёсий мустақиллигига хавф солувчи, шунингдек, БМТ мақсадларига мос келмайдиган бошқа қандайдир усулларда содир этилган ҳаракатлар. 1974 йилги *Тажовуз таърифи* ёрдамида қайд этилган «куч ишлатиш» тушунчасидан фарқли ўлароқ, ҳозирги кунгача «К.и.б.қ.» тушунчасини аниқлаштирувчи бирон-бир халқаро ҳужжат йўқ. Мавжуд амалиёт асосида психологик ва моддий хусусиятга эга бўлган К.и.б.қ. аҳамиятига эга бўлган зўрлик ишлатиладиган ҳаракатларни фарқлаш мумкин. Психологик К.и.б.қ. тўғрисида давлатнинг *урушни тарғиб қилишда* ифодаланувчи ҳаракатларига нисбатан гапириш мумкин. Моддий К.и.б.қ. чегарада *қуролли кучларнинг* ва қурол-яроқнинг одатда жойлаштирилганидан ортиқча ҳажмда жамланиши, бошқа давлатнинг қирғоқлари яқинида денгиз кучларини намойиш этиш, одатда ҳарбий мақсадда фойдаланилмайдиган маконларда (*космик фазо*, денгиз ва океанларнинг туби ва ҳ.к.) қуролларни жойлаштириш каби ҳаракатларда намоён бўлади. Давлатнинг ўзини-ўзи мудофаа қилиш эҳтиёжлари келтириб чиқармайдиган ўз ҳарбий қудратини оширишга ҳаракатлари К.и.б.қ. сифатида қаралиши мумкин.

Бирон-бир давлат ҳаракатларида К.и.б.қ. борлигини айтиш ҳуқуқи ушбу ҳаракатлар натижасида хавфсизлигига таҳдид юзага келган давлатга тегишли. Бундай ҳаракатлар БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан тинчликка таҳдид сифатида баҳоланиши ва унинг томонидан БМТ Уставининг VII бобида назарда тутилган жамоавий чораларнинг амалга оширилишига олиб келиши мумкин. К.и.б.қ.дан бевосита зиён кўрган давлат эса шунга мос жавоб ҳаракатлари — ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ҳаракатини амалга ошириши мумкин.

КУЧ ИШЛАТИШ ЁКИ КУЧ БИЛАН ТАҲДИД ҚИЛИШДАН ВОЗ КЕЧИШ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ПРИНЦИПИ — халқаро муносабатларда бошқа давлатларга қарши бевосита ёки билвосита куч ишлатиш каби ҳаракатлардан ўзини сақлаш лозимлигини билдиради. Шуни назар-

да тутиш керакки, «куч» ибораси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида (2-м., 4-б.) нафақат ҳарбий кучни, балки мажбур қилишнинг барча турларини ҳам билдиради деб берилган.

КЎЗДАН КЕЧИРИШ — жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечиради (ЖПКнинг 16-боби). Суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳодиса содир бўлган жойни (ЖПКнинг 137-моддаси), мурдани (ЖПКнинг 138-моддаси), теварак-атроф ва биноларни (ЖПКнинг 139-моддаси), нарса ва ҳужжатларни кўздан кечиради (ЖПКнинг 140-моддаси). Одам танасини К.к. гувоҳлантириш ёки экспертиза қоидаларига кўра амалга оширилади. Почта-телеграф жўнатмаларини К. к. ЖПКнинг 167-моддасида кўрсатилган тартибларга мувофиқ амалга оширилади.

КЎНГИЛЛИЛАР — 1) халқаро ҳуқуқда уруш *қилувчи мамлакатлар*дан бирининг амалдаги армиясига ихтиёрий кирувчи шахслар. Бетараф мамлакатлар ва шахсларнинг қуруқликда уруш бўлган ҳолдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир 1907 йил V Гаага конвенциясида «айрим кўнгилли шахслар уруш қилувчи томонлардан бирига хизматга кириш учун чегарадан ўтиши мумкин», дейилган. К. ҳаёти учун хавфли бўлишига қарамай, урушаётган томонга (ўз озодлиги ва халқининг мустақиллиги учун курашаётган тажовуз қурбонига) ёрдамга ошиқадилар, чунки уларнинг ахлоқий қарашлари курашаётган томоннинг ҳақ ишига тўла мос келади. *Мустамлакачилик, ирқчилик, тажовузкор урушларни* қораловчи халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан қараганда, К. ўз мамлакатини ташқи босқинчилардан ҳимоя қилиш учун уруш қилаётган армияга расман кирсалар, уларнинг ҳаракатлари ҳақли бўлади. Бундай армияга бошқа давлат фуқаросининг кириши қуролли тўқнашувлар ҳуқуқининг қоидаларини бузмайди. К.ни *ёлланма*лардан фарқлаш зарур; 2) *хайрия олувчилар, жумладан, хайрия ташкилотлари* манфаати йўлида бепул меҳнат шаклидаги *хайрия фаолият*ини амалга оширувчи фуқаролар. Хайрия ташкилоти К.нинг бу ташкилотдаги фаолиятлари билан боғлиқ харажатларни (хизмат сафарлари, транспорт харажатлари ва б.) қутариши мумкин.

КЎП ПАРТИЯВИЙЛИК — давлат рўйхатидан ўтган сиёсий партиялар ёки ҳаракатларнинг мавжудлиги (масалан, ЎзРда қуйидаги партиялар рўйхатдан ўтган: Халқ-демократик партияси; Адолат социал демократик партияси; Миллий тикланиш партияси; Фидокорлар миллий-демократик партияси).

КЎП ТОМОНЛАМА ШАРТНОМА — уч ва ундан ортиқ томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши учун асос бўладиган шартнома.

КЎП ХОТИНЛИ БЎЛИШ — умумий рўзғор асосида икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшаш. ЎзР ЖК 126-м.га кўра ушбу жиноятни содир этганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

КЎПЧИЛИК УЧУН ХАВФЛИ УСУЛ — жиноят ҳуқуқида жиноят-

нинг асосий таркибидаги конструктив белгилар сифатида ёки таснифловчи белги сифатида кўриб чиқилади. ЖКнинг Махсус қисми саккизинчи бўлимига мувофиқ К.х.у. ўт қўйиш, портлатиш, сув бостириш ва одамлар ҳалок бўлиши ёки кўп миқдорда зарар етказиш хавфини туғдирадиган бошқа усуллар сифатида таърифланади.

КЎРСАТУВ — жиноят-процессуал қонунчилигида ва, умуман, жиноят содир бўлганлигини ёки бўлмаганлигини исботлаш жараёнида асос бўладиган далил тури. Кўрсатувлар бериш гумон қилинувчилар, айбланувчилар гувоҳ, эксперт ва жабрланувчилар томонидан сўроқ ва бошқа тергов ҳаракатларини олиб бориш жараёнида берилади. Ҳуқуқий адабиётда, далиллар назариясига кўра, жиноят ишлари бўйича жиноят процесси иштирокчилари томонидан бериладиган кўрсатмалар далилнинг бир тури сифатида эътироф этилган ва шунга кўра қонунчиликда, жумладан, ЖПКда ҳақиқат қарор топишида кўрсатмалар кўп ҳолларда асосий далил сифатида тан олинади. Ўзбекистон жиноят қонунчилиги гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар, айбланувчиларнинг кўрсатувларини бир хилда тан олади. ЎзР ЖКнинг 235-моддасига кўра кўрсатув беришга мажбур қилиш, яъни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан кўрсатув беришга мажбур қилиш мақсадида гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчи ёки экспертга нисбатан қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш, баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш сифатида таърифланган. Бу каби руҳий ёки жисмоний таъсир тергов жараёнида қўлланишига йўл қўймаслик ЎзР Конституциясининг 26-моддасидан ҳам алоҳида таъкидланган.

КЎРСАТУВ БЕРИШДАН БЎЙИН ТОВЛАШ — одил судловга қарши жиноятларнинг бир тури. К. б. б. т. жиноят процесси иштирокчиларининг ЖКнинг 240-моддасида назарда тутилган, ўз зиммасидаги вазифасини бажаришдан бўйин товлашидир. Бўйин товлаш — суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов вақтида ёки судда гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатув беришни ёхуд экспертнинг хулоса беришни рад этиши. ЖКнинг 240-моддаси, 2-бандига мувофиқ, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари гувоҳлик кўрсатуви беришни рад этганлиги ёки бўйин товлаганлиги учун жавобгарликка тортилмайди.

КЎРСАТУВ БЕРИШГА МАЖБУР ҚИЛИШ — ЎзР ЖКнинг 235-моддасига асосан, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан кўрсатув беришга мажбур қилиш мақсадида гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчи ёки экспертга нисбатан қўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш, баданга енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан руҳий ёки жисмоний таъсир кўрсатиш тушунилади.

КЎЧА ЖИНОЯТЛАРИ — жамоат жойда содир этиладиган барча қонунбузарликларини қамраб олувчи криминалистик тушунча. .

КЎЧМАС МУЛКНИ СОТИШ ШАРТНОМАСИ — олди-сотди шартномасининг ЎзР ФКда назарда тутилган махсус тури. Кўчмас мулкни олиш-сотиш шартномаси (кўчмас мулкни сотиш шартномаси) бўйича, сотувчи ер майдони, бино, иншоот, квартира ёки бошқа кўчмас мулкни харидорга мулк сифатида бериш мажбуриятини олади. К.м.с.ш. томон-

лар имзолаган битта ҳужжатни тузиш орқали ёзма шаклда тузилади. К.и.с.ш. шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Кўчмас мулкка эгалик (мулкчилик) ҳуқуқининг К.м.с.ш. харидорга ўтиши давлат томонидан қайд этилиши лозим.

Бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкни сотиш шартномасига асосан, харидорга бундай кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ билан бирга, ушбу кўчмас мулк эгаллаган ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган ер майдонига бўлган ҳуқуқ ҳам берилади. Сотувчи — сотилаётган кўчмас мулк жойлашган ер майдонининг мулкдори бўлган тақдирда сотувчига ер майдонининг тегишли қисмига бўлган мулк ҳуқуқи берилади ёхуд ижара ҳуқуқи ёки К.м.с.ш.да назарда тутилган бошқа ҳуқуқ берилади. Сотувчига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлмаган ер майдонида жойлашган кўчмас мулкни ушбу участка мулкдорининг розилигисиз сотишга бу иш ушбу участкадан фойдаланишнинг қонунда ёки шартномада белгиланган шартларига зид келмаган тақдирдагина йўл қўйилади. Бундай кўчмас мулкни сотганда харидор кўчмас мулк сотувчиси тегишли участкадан қандай шартлар асосида фойдаланган бўлса, ана шундай шартлар асосида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. К.м.с.ш.да харидорга шартнома бўйича берилиши лозим бўлган кўчмас мулкни аниқ белгилашга имкон берувчи маълумотлар, жумладан, кўчмас мулкнинг тегишли ер майдонида ёхуд бошқа кўчмас мулк таркибида жойлашишини белгиловчи маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак. Шартномада бундай маълумотлар бўлмаган тақдирда берилиши лозим бўлган кўчмас мулк ҳақидаги шартни томонлар келишмаган деб, тегишли шартнома эса тузилмаган деб ҳисобланади. Уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг қисмини сотиш шартномасининг муҳим шартини қонунга биноан ушбу турар жойни харидор сотиб олганидан кейин ҳам бу турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қоладиган шахсларнинг сотилаётган турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқлари кўрсатилган рўйхати ташкил этади. Уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг қисмини сотиш шартномаси давлат томонидан қайд этилиши керак ва ана шундай қайд этиш пайтидан бошлаб тузилган ҳисобланади.

«Л»

ЛАЖ (АЖИО) — 1) олтиннинг муомаласи чоғида қийматнинг қоғоз белгилари қадрсизланиши оқибатида бозорда стихияли равишда қарор топадиган ва олтин баҳосига қўшиладиган устама нарх; 2) олтиннинг бозор нархининг унинг расмий нархидан ортиши; 3) пул белгилари, векселлар ёки қимматбаҳо қоғозлар бозор нархи уларнинг асл қийматидан ортиши.

ЛАТЕНТ (ЯШИРИН) ЖИНОЯТЛАР — жиноят ишларини олиб борувчи, тергов қилувчи давлат идораларига жиноят тўғрисида хабар келмаслиги ва аниқланмай қолиши. Л. ж. криминология ва жиноят ҳуқуқида алоҳида бир ҳуқуқий тушунча сифатида ўрганилади.

ЛАТЕНТ ЖИНОЯТЧИЛИК (лот. — яширин) — қонунга биноан, содир этилган жиноятларни тергов қилиш ёки кўриб чиқиш ҳуқуқи

берилган органлардан яширилган, ушбу органлар аниқламаган ва жиноий жазога тортилиши керак бўлган қилмишлар рўйхатида акс этмаган, яъни қайд этилмаган жиноятларни латент жиноятлар деб ҳисоблаш қабул қилинган. Қайд этилган ва қайд этилмаган жиноятларнинг барчаси (мажмуи) «ҳақиқий жиноятчилик» деб аталади. Содир этилган жиноятларнинг ҳақиқий сони одатда «қоронғу сон» деб, аниқланган жиноятлар сонини эса «аниқ сон» деб аталади. Хориж криминологиясида «қоронғу сон» муаммоси анча вақтдан бери махсус тадқиқот мавзуини ташкил этади. Криминология бўйича янги адабиётда латент жиноятларнинг бир неча гуруҳи ажратилади: табиий латентлик, чегаравий вазиятлар ва сунъий латентлик. Биринчи гуруҳни муассасалар, ташкилотларнинг вакиллари ёки айрим шахслар учун номаълум бўлган жиноятлар ташкил этади. Иккинчи гуруҳга жиноят факти аниқланадиган, аммо турли сабабларга кўра уни аниқлаган шахс узоқ вақт давомида уни жиноят сифатида англамайдиган жиноятлар киради. Учинчи гуруҳ латент жиноятларни мансабдор шахслар қонунни бузган ҳолда жиноят деб тан олмаган, шу боис қайд этилмаган ва яширилган жиноятлар ташкил этади. Қандайдир даражада мазкур жиноятларга мос келадиган бошқа гуруҳлар ҳам ажратилади, масалан, милиция (ҳуқуқни муҳофаза қилиш) органларига умуман маълум бўлмаган жиноятлар; жиноятнинг ўзи аниқланган, аммо уни содир этган жиноятчи аниқланмаган жиноятлар (очилмаган жиноятлар); аниқланган, лекин процессуал сабабларга кўра айблов акти ёхуд ҳукм чиқарилмаган жиноятлар; ҳукм чиқарилган ва қонуний кучга кирган, бироқ у ёки бу сабабларга кўра статистикада ҳисобга олинмаган жиноятлар. Латент жиноятлар турлича таснифланиши мумкин. Аммо нима бўлганда ҳам яширин жиноятлар жуда катта сонни ва биргаликда Л.ж.ни ташкил этади.

ЛАТЕНТЛИК (лот. — яширин, кўринмас, сезилмас) — криминологияда Л. деганда содир этилган, аммо аниқланмаган ва давлат органларига хабар қилинмаган жиноятлар тушунилади.

ЛЕГАЛИЗАЦИЯ (лот. Legalis — қонуний) — бирон ташкилотнинг фаолиятини қонунийлаштириш, бирон-бир ҳужжатга, ҳаракатга юридик куч бериш; легал ҳолатга ўтиш; хорижий давлатда берилган ҳужжатнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш ва унга юридик куч бериш; ноқонуний йўл билан топилган пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ошкоралаштириш.

ЛЕГИСЛАТУРА (лот.) — 1) сайланган қонун чиқарувчи (вакиллик) органининг ваколат муддати ҳамда фаолият даври; 2) баъзи бир хорижий мамлакатларда қонун чиқарувчи органларнинг номи.

ЛЕГИСТЛАР (лот. legistae — қонун) — ўрта асрларда Ғарбий Европа мамлакатларида черков ҳуқуқига қарама-қарши ўлароқ Рим ҳуқуқини ишлаб чиққан ва юридик амалиётга жорий этган юристлар; XIII асрда Францияда алоҳида мавқега эга бўлганлар ва қирол ҳокимиятини унинг йирик феодалларга қарши курашида қўллаб-қувватлаганлар.

ЛЕКСИКА (юн.) — 1) барча сўзлар мажмуаси, тилнинг луғавий таркиби; 2) муайян вариантдаги нутқ (турмуш Л.си, ҳарбий Л., болалар Л.си ва ш.к.), у ёки бу стилистик қатлам (нейтрал Л., оддий нутқ Л.си ва б.) учун хос бўлган сўзлар йиғиндиси.

ЛЕКЦИЯ (лот. — ўқиш) — ўқув ёки илмий материалларнинг мазмунини тартибли равишда оғзаки баён этиш; илмий тадқиқот натижаларини оғзаки баён этиш орқали маълум қилиш.

ЛЕСБИЯНЛИК (Грециянинг Лесбос ороли номидан келиб чиққан) — аёлларнинг аёллар билан жинсий алоқаси. ЎзР ЖК 119-моддасига биноан, куч ишлатиб ёки куч ишлатиш билан қўрқитиб ёхуд жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб Л. билан шуғулланиш жинсий эҳтиёжни ғайритабиий шаклда куч ишлатиб қондириш жинояти таркибининг аломатларига эга.

ЛЕТАЛЛИК (ўлимга оид) — тиббий статистиканинг кўрсаткичи: муайян вақт давомида бирон-бир касаллик, жароҳат кабилардан ўлганлар миқдорининг ушбу касаллик (жароҳат) билан оғриб тузалганлар миқдорига нисбати.

ЛИБЕРАЛИЗАЦИЯ — давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашувини чеклаш, бозор муносабатлари соҳасининг кенгайиши, бозорларнинг ва рақобатнинг очилиши, бозорнинг амал қилишига қўйилган турли хил чеклашларнинг олиб ташланиши, баҳолар, фоизларни маъмурий йўл билан назорат қилишнинг сусайиши, марказлашган ҳолда дотация бериш, субсидия шаклидаги кредитларнинг камайиши ва ш. к.

ЛИБЕРАЛИЗМ — кенг маънода қонун билан чекланган доирада индивиднинг нормал маданий кишилар табиий эҳтиёжларининг умумлаштирилиши сифатида тушуниладиган сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқларини эътироф этишга асосланган, ижтимоий ҳаётни ташкил этишга қаратилган интеллектуал ва ахлоқий майл (установка). Ана шу маънода Л. Ғарб мамлакатлари сиёсий маданиятининг асосий кўриниши бўлди. Л. энг муҳим сиёсий институтларнинг таркибий хусусиятларида ва ишлаш принципларида намоён бўлди ва ҳозирги замон Ғарб мамлакатларининг асосий ғоявий сиёсий оқимлари бўлмиш консерватизмдан социал-демократиягача бўлган йўналишларида ўзига хос ифодасини топди.

Анча тор маънода Л. — умуман давлатнинг энг кам зарурий тартибга солиш функциясини сақлаб қолган ҳолда бозор хўжалиги механизмларини ва эркин рақобатни, мўътадил ижтимоий ислоҳотларни ривожлантиришни, халқаро хавфсизликни таъминлашни ва интеграция жараёнларини (аввало, ЕИҲ доирасида) ривожлантиришни мўлжаллаган либерал партияларнинг мафкураси ва сиёсати. Бундай партияларнинг кўпчилиги 1947 йилда ташкил этилган Либерал интернационалга бирлашганлар. «Либераллар манифести»ни қабул қилган 19 та таъсисчи партияга кейинчалик яна 13 та партия ва Шарқий Европа мамлакатларининг «қочқин либераллари» қўшилдилар. Ҳозирги вақтда бу мамлакатларнинг кўпчилигида либерал партиялар қонуний равишда ишлаб турибди. Жаҳоннинг бошқа бир қатор мамлакатларида либераллар ҳукмрон партиядирлар ёки ҳукумат коалициясига кирадилар. Европарламентда улар сон жиҳатдан бешинчи ўриндаги фракцияга эгадирлар.

ЛИГА (лот. — боғлайман) — шахслар, ташкилотлар, давлатларнинг иттифоқи, бирлашмаси (м-н, Миллатлар лигаси — БМТдан аввалги давлатлар ва халқлар ўртасидаги ҳамкорлик халқаро ташкилоти (1919—1946).

ЛИЗИНГ (ингл. — молиявий ижара) — ижарага берувчи шахснинг молиявий ижара шартномаси бўйича ижарачи кўрсатган мулк (машина, асбоб-ускуна, транспорт, омбор кабилар)ни у кўрсатган сотувчидан

сотиб олиши ва ижарачига ушбу мулкни ҳақ эвазига тадбиркорлик мақсадида эгалик қилиш ва фойдаланиш учун муайян вақтга бериши. Л. билан боғлиқ муносабатлар ЎзР ФК (6-§, 587—599-мм.), шунингдек, ЎзР ФКга зид бўлмаган масалалар бўйича ЎзРнинг «Лизинг тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади. Л. уч томонлама (сотувчи — лизинг берувчи — лизинг олувчи) ёки икки томонлама (лизинг берувчи — лизинг олувчи) лизинг шартномаси бўйича амалга оширилади. Ушбу турдаги хизматдан фойдаланишнинг афзаллиги шундаки, лизинг олувчи бу билан асосий фондларни сотиб олиш учун зарур бўлган капиталнинг бир қисмини бўшатади, катта маблағ сарфламасдан туриб, ўз ишлаб чиқариш қувватларини ошириш имконига эга бўлади. Бунда маънавий эскириш таваккали бўлмайди, чунки Л. фойдаланилаётган ускуналарни (асосий фондларни тезлаштирилган амортизация қилишни инобатга олган ҳолда) янгиларига алмаштиришга имкон беради. Л.нинг аҳамиятини оширувчи муҳим омиллардан бири асосий фондлар амортизацияси бўлиб, лизинг вақтида у тезроқ юз беради.

ЛИЗИНГ КОМПАНИЯЛАРИ — акционерлик жамиятлари ёки бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларда тузиладиган ҳамда таъсис ҳужжатлари ва лицензияларга мувофиқ лизинг берувчи функцияларини бажарувчи тижорат ташкилотлари.

ЛИЗИНГ ФАОЛИЯТИ — лизинг берувчининг ўз маблағини ва (ёки) қарзга олган маблағини лизинг шартномаси бўйича инвестиция қилишга қаратилган тадбиркорлик фаолияти (ЎзР «Лизинг тўғрисида»ги қонунининг 7-м. си).

ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ (молиявий ижара шартномаси) — ижара шартномасининг алоҳида тури, фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўлиб, унга кўра ижарага берувчи ижарага олувчи унга кўрсатган мулкни у белгилаган сотувчидан сотиб олиш ва ижарачига ушбу мулкни ҳақ эвазига тадбиркорлик мақсадида вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш мажбуриятини олади. Ижарага берувчи бундай вазиятда ижара предметини ва сотувчини танлаш масъулиятига эга бўлмайди. Л.ш.да мулк сотувчисини ва харид қилинаётган мулкнинг ўзини танлашни ижарага берувчи амалга ошириши ҳам назарда тутилиши мумкин. Ер майдонлари ва бошқа табиий объектлардан бошқа тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган ҳар қандай истеъмол қилинмайдиган буюм Л.ш. предмети бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ижарага берувчи мулкни ижарага олувчи учун харид қилар экан, сотувчини мулкнинг муайян шахсга ижарага бериш учун мўлжалланганлиги ҳақида огоҳлантириши керак. Агар Л.ш.да бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ижарага олинган мулкнинг тасодифан нобуд бўлиш ёки бузилиб қолиш хавфи ижарага олинган мулкни ижарачига бериш пайтида унга ўтади.

ЛИКВИД ВОСИТАЛАР — фирманинг тез сотилиши мумкин бўлган активлари. Уларга пул маблағлари, банк депозитлари, барқарор талабга эга бўлган қимматбаҳо қоғозлари, шунингдек, тезда сотиб пулга айлантириш мумкин бўлган моддий ва айланма маблағлари киради.

ЛИКВИДАЦИОН ДИВИДЕНД — 1) тақсимланмаган фойда ҳажмидан ортиқ бўлган, яъни дивидендларни тақсимлаш санасига келиб тегишли ҳисобварақда тўпланган, тақсимланмай қолган фойда миқдоридан ошадиган дивиденд; 2) компания тугатилаётган вақтда эълон қилинадиган ва компания активлари унинг акционерларига тақсимланишини

билдирувчи дивиденд; одатда бундай дивиденд олувчи Л.д.га тушум сифатида эмас, инвестицияларнинг қайтиши сифатида қарайди.

ЛИКВИДЛИК — корхона, банклар активларининг кредит-молиявий мажбуриятлар ва қонуний пул тўловларини ўз вақтида узлуксиз тўлаш мумкинлигини тақозо этувчи ҳаракатчанлиги.

ЛИМИТ (лот. — чегара) — бирон-бир нарсанинг энг кўп ёки энг кам миқдори, чегаравий нормаси; қандайдир жамғармалардан пул маблағларини ажратиш, материалларни бериш ва б.нинг чегаравий миқдорини белгиловчи ҳужжат.

ЛИМИТЕД (ЛТД) — фирма, компания, банкнинг ўз мажбуриятлари бўйича чекланган масъулиятга эга эканлигини билдирувчи термин. Масъулият акционер капиталининг миқдори билан чекланади.

ЛИМИТЛАШТИРИЛГАН ЧЕК (лимитлаштирилган чек дафтарчасидан олинган чек) — чек эгаси томонидан ёзиб бериладиган ҳисоб чеки (бериладиган чекларнинг умумий миқдори муайян чегара — лимит билан чекланган). Чеклар чек эгасининг банкдаги ҳисобварағида маблағ бор ёки йўқлигидан қатъи назар тўланади. Етказиб берувчи (пудратчи) билан жойида ҳисоб-китоб қилишда фойдаланилади. Л.ч.да қайси ташкилотга ва қайси ҳисобварақ (номер, сана) бўйича маблағ ўтказилиши кўрсатилади. Л.ч. берилаётганда корешокда лимит қолдиғи кўрсатилади. Бу кўрсатма ва чек биринчи ва иккинчи имзо ҳуқуқи бор шахслар томонидан имзоланади. Чек эгаси Л.ч.ни берилган пайтидан бошлаб 10 кун муддат ичида банкка тақдим этиши мумкин. У нақд пулга алмаштирилмайди.

ЛИСТИНГ — компания акцияларини муайян биржада қадрланадиган акциялар рўйхатига киритиш. Ушбу рўйхатга кирмаган акциялар «кўча бозори»да сотилади.

ЛИСТИНГ (инглиз. — рўйхатга киритиш) — қимматбаҳо қоғозларнинг биржага чиқишига рухсат бериш, уларни котировка рўйхатига киритиш. Агар чиқарилган қимматбаҳо қоғозлар биржада рўйхатга олинган бўлса, уларни олиш-сотиш бўйича операцияларни амалга ошириш мумкин. Л.га киритилмаган акциялар «пештахта»дан, «кўча бозори»да сотилади.

ЛИЦЕВОЙ ҚИЙМАТ — қимматбаҳо қоғознинг лицевой томонида кўрсатилган қиймати. Одатда унинг эгасига қоплаш пайтида тўланади ва бозор баҳосининг кўрсаткичи ҳисобланмайди.

ЛИЦЕНЗИЯ (лот. — эркинлик, ҳуқуқ) — 1) махсус ваколатли давлат органи амалдаги қонун ҳужжатларига кўра лицензияланиши лозим бўлган фаолият тури билан муайян муддат давомида шуғулланиш учун берадиган рухсат. Л.да қуйидагилар кўрсатилади: уни берган орган номи; юридик шахслар учун — Л. олаётган корхона, ташкилот, муассасанинг номи ва юридик манзили; жисмоний шахслар учун — фамилияси, исми-шарифи, паспорт маълумотлари (серияси, номери, ким ва қачон берганлиги, турар жойи); қайси фаолиятни амалга ошириш учун Л. берилаётганлиги; Л.нинг амал қилиш муддати; ушбу турдаги фаолиятни амалга ошириш шартлари; Л.нинг қайд этилиш номери ва у берилган сана. Л.нинг амал қилиш муддати фаолият турининг хусусиятидан келиб чиқиб белгиланади. Юридик шахс тугатилганда ёки жисмоний шахсни тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатилганда Л. юридик кучини йўқотади; 2) экспорт ёки импорт Л.си — ваколатли давлат органи ташқи савдо операцияларини

амалга ошириш учун берадиган рухсат. Л. бериш — товарларни экспорт ва импорт қилиш, айни пайтда валюта маблағларини сарфлашни давлат томонидан назорат қилишнинг шаклларидан бири; 3) лицензия шартномаси ёхуд ваколатли давлат органининг суд ёки маъмурий қарори асосида ихтиро ёки бошқа техник ютуқдан фойдаланиш учун бериладиган рухсат. Одатда Л. патент олиш учун ариза берилган ёки бундай ҳужжат олинган ихтирога берилади, патентсиз Л. эса ушбу мамлакат қонунларига кўра патент билан муҳофаза этилиши мумкин бўлмаган техник ютуқларга (жумладан, ишлаб чиқариш сирлари — «ноу-хау»га) ёхуд бирон-бир сабаб туфайли ҳимоя қилувчи ҳужжат олиш учун ариза берилмаган ихтироларга берилади. Патент Л.сининг нархи одатда патентсиз Л.нинг нархидан баланд бўлади. Л.нинг асосий турларига оддий, алоҳида ва тўла Л.лар киради. Оддий Л.да лицензиар (патент эгаси) лицензиатга ихтиродан шартномада белгиланган доирада фойдаланиш ҳуқуқини беради, аммо ундан ана шу ҳудудда фойдаланиш, шунингдек, ана шундай шартларда чексиз доирадаги шахсларга Л. бериш ҳуқуқини сақлаб қолади (лицензиат сублицензиялар бериш ҳуқуқига эга эмас). Алоҳида Л. ихтиродан шартномада белгиланган доирада фойдаланишнинг алоҳида ҳуқуқини беради, патент эгаси ушбу ҳудудда ўз ихтиросидан фойдаланиш ва Л.ни бошқа шахсларга беришдан воз кечади. Тўла Л.да патентга асосланган барча ҳуқуқлардан у амал қиладиган муддат давомида фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

ЛИЦЕНЗИЯ ЙИҒИМИ — товарларни олиб кириш ва олиб чиқишга рухсат бериш учун олинадиган йиғим.

ЛИЦЕНЗИЯ ТЎЛОВЛАРИ — лицензия шартномаларида, қоида тариқасида, ё лицензиядан фойдаланишнинг ҳақиқий иқтисодий самарасидан, ё лицензиатнинг мўлжалланаётган фойдасидан келиб чиқиб белгиланади; ишлаб чиқариладиган ёки сотиладиган лицензия маҳсулоти қийматидан ёхуд қатъий белгиланган суммаларни тўлашдан ёинки икковининг қўшилишидан келиб чиқиб, фоиз ажратмалари (роялти) назарда тутилиши мумкин; айрим ҳолларда тўлов муддатини кўрсатган ҳолда ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмига боғлиқ бўлмаган минимал кафолатланган тўловлар белгиланади.

ЛИЦЕНЗИЯ ШАРТНОМАСИ — шартнома тури бўлиб, унга кўра, бир томон (лицензиар) интеллектуал фаолият натижаларидан ёки индивидуаллаштириш воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқини (лицензияни) беради, бошқа томон (лизенциат) эса бунинг учун тегишли ҳақ (мукофот) тўлайди. Л.ш. объектларига қуйидагилар киради: а) интеллектуал фаолият натижалари — фан, адабиёт ва санъат асарлари; ижролар, фонограммалар ва тегишли ташкилотларнинг эшиттиришлари; ЭҲМ дастурлари ва маълумотлар базалари; ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари; селекция ютуқлари; ошкор этилмаган ахборот, жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау); б) фуқаролар муомаласи иштирокчилари, товарлар, ишлар ва хизматларни индивидуаллаштириш воситалари — фирма номлари; товар белгилари (хизмат белгилари); товарлар ишлаб чиқарилган жойларнинг номлари; в) ЎзР қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардаги интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ва фуқаролар муомаласи иштирокчилари, товарлар, ишлар ва хизматларни индивидуаллаштириш воситалари.

Л.ш. лицензиатга қуйидаги ҳуқуқларни беришни назарда тутиши мумкин: а) лицензиарнинг интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш ва бошқа шахсларга лицензия бериш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда ундан фойдаланиш ҳуқуқи (оддий, алоҳида бўлмаган лицензия); б) лицензиарнинг интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда, аммо бошқа шахсларга лицензия бериш ҳуқуқисиз ундан фойдаланиш ҳуқуқи (алоҳида лицензия).

Агар Л.ш. да бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, лицензия оддий (алоҳида бўлмаган) лицензия деб ҳисобланади.

ЛОББИ (ингл. — ёпиқ сайр майдончаси, йўлак) — XVI асрдан бошлаб «Л.» термини билан монастирдаги сайр майдончаси, кейинчалик — Англиянинг жамоалар палатасидаги сайр хонаси ифодаланган. 1864 йилда «лоббилаш» термини конгресс йўлакларида пулга овоз сотиб олишни ифодалай бошлагандан сўнг, «Л.» тушунчаси Америкада сиёсий тусга эга бўлди. Л. сиёсати қуйидаги кучлар манфаати йўлида юритилиши мумкин: 1) айрим ижтимоий ва сиёсий кучлар фойдасига — бунда парламентда касаба уюшмалари, аксилҳарбий ҳаракатлар, корхоналарнинг директорлари, иқтисодиётнинг аграр сектори вакиллари ва бошқалар ўз Л.сига эга бўлиши мумкин; 2) айрим мамлакатлар ва минтақалар фойдасига — бу ўринда мисол сифатида АҚШ конгрессида Хитой ва Тайвань Л.сининг қарама-қарши туришини келтириш мумкин; 3) умумижтимоий ва глобал муаммоларни ҳал этиш стратегиялари фойдасига — масалан, технократик тамойилларнинг экологик тамойилларга қарши туриши ва ҳ. к. 1946 йилдан бошлаб АҚШда Л. давлат рўйхатидан ўтказилмоқда ва қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий назорат остига олинган.

ЛОМБАРД — кўчар мулк (қимматбаҳо буюмлар, мўйналар ва ш.к.)ни гаровга олиб, ссуда берадиган кредит муассасаси.

ЛОМБАРД КРЕДИТИ — ломбардлар осон сотиладиган кўчар мулк ёки қимматбаҳо қоғозни гаровга олиб берадиган қисқа муддатли кредит. Гаровга олинадиган буюмлар томонларнинг келишуви асосида баҳоланади. Гаров қиймати одатда кредит суммасидан 15—50% ортиқ бўлади, шу боис қарз олувчи кредитни ўз вақтида қайтармаган тақдирда кредитор гаровга қўйилган мулкни сотади ва олинган сумма ҳисобидан қарзни ва у бўйича фоизларни қоплайди.

ЛОМБАРД КРЕДИТИ — ломбардлар осон сотиладиган кўчар мулкни ёки қимматбаҳо қоғозларни гаровга олиб берадиган қисқа муддатли кредит. Гаровга олинадиган буюмлар томонларнинг келишуви бўйича баҳоланади. Гаров қиймати одатда кредит суммасидан 15—50% ортиқ бўлади, шу боис қарз олувчи кредитни ўз вақтида қайтармаган тақдирда кредитор гаровга қўйилган мулкни сотади ва олинган сумма ҳисобидан қарзни ва у бўйича фоизларни қоплайди.

ЛОМБАРДДАГИ АШЁЛАР ГАРОВИ — ЎзР ФКга мувофиқ, ломбард томонидан — бунга лицензияси бўлган ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан тадбиркорлик фаолияти юритиш учун қисқа муддатли кредитлар беришни таъминлашда шахсий истеъмол учун мўлжалланган кўчар мулкни фуқаролардан гаровга қабул қилишни амалга ошириш. Л.а.г. тўғрисидаги шартнома ломбард томонидан гаров билети бериш билан расмийлаштирилади. Қўйилаётган ашё ломбардга берилади. Ломбард гаровга қўйилаётган ашёни қабул қилиш вақтида савдода шундай турдаги ва сифатдаги ашёга, одатда, белгиланаётган баҳосига муво-

фиқ уларнинг баҳосини гаровга қабул қилинган ашёнинг тўлиқ суммасида гаровга берувчи фойдасига ўз ҳисобидан суғурта қилишга мажбур.

Ломбард гаровга қўйилган ашёдан фойдаланишга ва уни тасарруф этишга ҳақли эмас. Ломбардга қабул қилган шахс ашёларни йўқотганлиги ва уларга шикаст етказганлиги учун, агар шикастланиш ва йўқолиш енгиб бўлмас кучлар ҳаракати оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади. Нотариуснинг ижро ёзуви асосида имтиёзли бир ойлик муддат ўтгандан кейин гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма ломбард талабларини қондириш учун старли бўлмаса ҳам, ломбарднинг гаровга қўювчига (қарздорга) қўйиладиган талаблари бекор бўлишига сабаб бўлади. Фуқароларга ломбард томонидан уларга тегишли буюмларни гаровга қўйиш асосида қарз бериш қоидалари қонун билан белгиланади.

ЛОМБРОЗИАНЛИК (италиялик суд психиатри ва криминалисти Ч. Ломброзо (Lomborso 1835—1909) исмидан келиб чиққан) — криминологиянинг жиноятчиликни жиноятчининг туғма биологик хислатлари орқали тушунтирувчи йўналишларидан бири; XIX аср охиридан бошлаб тарқалган.

ЛОМБРОЗО (Lomborso) Чезаре (1835—1909) — италиялик суд психиатри ва криминалисти, буржуа криминологияси ва жиноят ҳуқуқида антропологик йўналишнинг асосчиси. Муайян биологик белгилари (антропологик стигматлар) туфайли жиноятларни содир этишга мойил бўлган алоҳида типдаги инсонлар мавжудлиги ҳақида ғайриилмий қоидани илгари сурган.

ЛОРДЛАР ПАЛАТАСИ — Буюк Британия парламенти юқори палатасининг номи бўлиб, унга дунёвий ва диний лордлар (пэр) мавқеига эга бўлган шахслар киради.

ЛОРО ҲИСОБЛАРИ (итал. Loro conto — айнан сизнинг ҳисобингиз бизда) — 1) банкнинг ўз банк-корреспондентлари учун очиладиган ҳисоби бўлиб, уларнинг топшириғи билан олинадиган ва бериладиган барча суммалар киритилади; 2) банк ёзишмаларида «лоро» атамаси учинчи банкнинг корреспондент ҳисобига тегишли маънода ишлатилади. Муайян кредит муассасаси банк-корреспондентида очилган ҳисобдир ва муайян кредит муассасасида банк-корреспонденти ҳисоби «ностро» деб аталади.

ЛОТЕРЕЯ (итал. — қуръа) — гуруҳ бўлиб ёки оммавий равишда ўйналадиган ўйин Л. ташкилотчиси Л. иштирокчилари бўлмиш — лотерея билетларининг эгалари ўртасида Л. соврин фонди ўйинини ўтказади. Бунда лотерея билетларидан бирон тасига ютуқ чиқиши Л. фаолиятининг барча субъектлари иродаси ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмайди, батамом тасодиф бўлади ва ҳеч ким атайлаб уюштира олмайди. ЎзР ҳудудида ўтказиладиган барча Л.лар, тури, кўриниши ва ҳудудий мақомидан қатъи назар, давлат томонидан қайд этилиши лозим. Ҳар бир Л.да Л.га бўлган муаллифлик ҳуқуқи, Л.ни ўтказиш ҳуқуқи ва Л. ташкилотчиси қайд этилиши керак.

ЎзРда Л.ни қайд этиш чоғида назарда тутилган ҳудуддагина Л. ўтказишга йўл қўйилади. Л. ўтказиладиган ҳудудни ўзгартириш уни қайта рўйхатдан ўтказишга олиб келади. Фақат Л. ташкилотчиси сифатида рўйхатга олинган юридик шахсгагина ва фақат белгиланган шартларга тўла мос равишдагина Л. ўтказишга рухсат этилади. Л. билан боғлиқ муносабатлар ЎзР ФК 983—984-моддалари билан тартибга солинади.

ЛОТЕРЕЯ ЧИПТАСИ — қонун ҳужжатларининг талабларига ва муайян лотереянинг шартларига мос келувчи ва ушбу лотереяда унга ютуқ чиққан-чиқмаганлигини мутлақо аниқ белгилаш учун зарур бўлган ахборот манбаи.

ЛЮМПСУМ (инг.) — ташилаётган юкнинг ҳақиқий миқдоридан қатъи назар, бутун кема учун аккорд равишда олинадиган кира ҳақи. Одатда Л. массаси ва ҳажмини аниқлаш қийин бўлган турли хил юклар ташиладиган ҳолларда ёхуд фрахтчилар кеманинг юк кўтариш ёки юк сиғдириш имкониятидан тўла фойдаланишини кафолатлай олмаган ҳолларда қўлланилади. Одатда фрахтчилар Л.ни фрахт қилишга рози бўлиб, кема эгаларини кемага қабул қилинадиган юк миқдорини чеклаш имкониятидан маҳрум этиш мақсадида чартерга кеманинг кафолатланган юк кўтариш ва юк сиғдириш имкониятларига оид маълумотларни киритишни талаб этадилар, чунки бу нарса юк ташувчилар учун фойдалидир.

«М»

МАБЛАҒ САРФЛАМОҚ — қайсидир бир корхонага, ишга капитал киритмоқ.

МАВЖУД СОЛИҚЛАР — солиқнинг бир тури бўлиб, унга объектга нисбатан ер солиғи, мол-мулк солиғи, акциз солиғи, экология солиғи, сув солиғи, турур-жой солиғи, уй солиғи ва қимматбаҳо қоғозларнинг солиғи киради. Муайян тўлов объектининг ташқи кўринишлари ҳисобига олинади. Масалан, участка ерининг ҳажми, хоналар сони, қўшимча хоналарнинг сони, қўшимча қурилишлар (уй солиғи) (ЎзР Олий Мажлиси 1997 йил 24 апрелда махсус СКини қабул қилди).

МАГАТЭ КАФОЛАТИ — Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ)нинг ядро қуролига эга бўлмаган давлатларда ядро энергиясидан тинч мақсадда фойдаланиш ишлари ядро қуроли ва портловчи моддаларни ишлаб чиқариш йўлида ҳамда бошқа ҳарбий мақсадларда фойдаланишга айланиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида назорат қилиши. Ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги 1968 йилги шартномага мувофиқ, махсус битимлар тузиш асосида амалга оширилади.

МАГИСТР (лот.) — Англия, Америка ва бошқа ривожланган хорижий мамлакатларнинг олий ўқув юртларида бериладиган иккинчи академик махсус илмий даража. М. университет, институт, академия ёки шунга ўхшаш олий ўқув юртларини битириб, кейин ўқиши мумкин бўлган, бакалавр дипломига эга бўлган ходимлар бўлиб ҳисобланади. М. бакалавр дипломини олгандан кейин ўз мутахассислиги бўйича 2 йил таълим олиб, магистрлик диссертациясини ҳимоя қилади.

М. ҳар томонлама билимдон, фундаментал илмий асосга эга, илмий ижод, методика, замонавий ахборот технологияси, илмий маълумотлар қабул қилиш, улардан фойдаланиш ва сақлаш усулларини биладиган, илмий-тадқиқот (илмий-техник) ва илмий-педагогик фаолиятга тайёр бўлиши лозим. М. тўлов-контракт асосида бакалавриатнинг шу ёки унга яқин йўналишига мос яна бошқа магистрлик ихтисослиги бўйича ҳам ўқиши мумкин.

Ихтисослик доирасида М. билим яратиш ва уни ўргатиши, ижод

қилиш, фан объекти, жараён ва технологияларни таҳлил қилиш ва яратиш, тадқиқот методларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш; илмий муассага конструкторлик бюроси, илмий ишлаб чиқариш корхоналарининг бўлимлари ва бошқа ташкилот, муассасалар ишини ташкил қилиш ва бошқаришни билиши керак. М. ўзининг ихтисослашган, илмий-тадқиқот (илмий-техник) ва илмий-педагогик тайёргарлигига мувофиқ касбий фаолиятининг лойиҳа-конструкорлик, лойиҳа-технологик, илмий-тадқиқот ва тажриба, ишлаб чиқаришни бошқариш, илмий-педагогик турлари билан шуғулланиши мумкин.

М.га қўйиладиган барча талаблар ЎзРнинг «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги 1997 йил 29 августда қабул қилинган қонунлар ҳамда ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябрдаги 305-сонли буйруғи билан тартибга солинади ва шу талаблар асосида олиб борилади.

МАГИСТРАТУРА — аниқ ихтисослик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриатдан кейин унинг негизида камида 2 йил давом этадиган олий таълимдир. Магистрларни тайёрлаш тегишли ихтисосликлар бўйича давлат аккредитациясидан ўтган олий таълим муассасаларида амалга оширилади. Магистрлар тайёрлаш ҳуқуқи алоҳида ихтисослик бўйича, олий таълим муассасаси илтимосномасига биноан, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси Давлат тест марказининг кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагогик кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармасининг хулосаси билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан берилади.

М.нинг ихтисослашган таълим дастурлари Давлат таълим стандарти кўзда тутган қуйидаги ихтисосий фанлар блокларини ўз ичига олади: гуманитар ва ижтимоий иқтисодий фанлар, математик ва табиий фанлар, йуналиш соҳасидаги фанлар, ихтисосий фанлар, илмий-тадқиқот ва илмий педагогик амалиётлар.

М.да ўқув юкламасининг энг кўп ҳажми, аудитория ва аудиториядан ташқари ҳамма турдаги ўқув ишларини ўз ичига олган ҳолда ҳафтасига 54 соат белгиланади. Кундузги ўқиш учун мажбурий аудитория машғулотларининг энг кўп ҳажми ҳафтасига 20 соатгача белгиланади.

Сиртқи ўқиш шаклида аудитория машғулотлари ҳажми кундузги ўқишдаги аудитория машғулотлари энг кўп ҳажмининг 30 фоизи миқдорида белгиланади. Бир ўқув йилидаги таътил вақтининг умумий ҳажми 7—10 ҳафта. Ўқув юкланмаси умумий ҳажмининг тайёргарлик бўлимлари бўйича тақсимоти қуйидагича: назарий тайёргарлик — 40—50%; илмий-техник, илмий-педагогик, ижодий фаолият — 50—60% (ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 30.10.98 й. 305-сонли буйруғига 1-илова; Ўзбекистон Давлат стандарти, Ўзбекистон узлуксиз таълим стандартлари давлат тизим, Олий таълим 7.2.-банди, 15-бет).

Магистрлик диссертацияси билан боғлиқ барча масалаларнинг ҳуқуқий ечими ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 30.10.98 й. 305-сонли буйруғига (6-илова) асосан тасдиқланган «Магистратура ҳақида»ги низомга мувофиқ олиб борилади. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг 6-бандида магистрлик диссертацияси ҳақида фикр билдирилган. «Магистр» даражасини берадиган давлат малака аттестацияси (магистрлик диссертациясининг ҳимояси) магистрлик дастурининг якунидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касбий фаолият

билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом тоширилади. Магистрлик диссертацияси илмий ва илмий-техникавий мазмунга эга бўлган, ички яхлитликка эга, танланган мавзу бўйича иш жараёни ва натижаларини акс эттирувчи битирув малакавий ишидир. Бу иш фан, техника, технология, иқтисодиёт ва маданият ривожланишининг замонавий даражасига мос бўлиши керак. Унинг мавзуи долзарб, одатда, магистратура ихтисослиги бўйича илмий ёки илмий-техникавий масалаларни ечишга қаратилган бўлиши керак.

Магистрлик диссертацияларининг мавзулари олий таълим муассасаларининг махсус кафедралари томонидан мазкур йўналишнинг ривожланишини, фан, техника ва технология, иқтисод ва маданиятдаги замонавий ютуқлар ҳамда кадрлар буюртмачисининг талабларини инобатга олган ҳолда белгиланади ва олий таълим муассасаси илмий кенгашида тасдиқланади. Унинг илмий (ёки илмий-техникавий) савияси ўқиш дастурига, илмий масалани ечиш талабига, илмий-техникавий масалаларни ҳал этишга ва бошқа кўплаб талабларга жавоб бериши лозим. Магистрлик диссертациясининг бажарилиши, шу ихтисослик бўйича фан доктори ёки ихтисосий кафедра бўйича профессор илмий унвонларига эга педагог раҳбарлигида амалга оширилади. Илмий раҳбар 1 йилда 5 нафаргача талабаларга раҳбарлик қилиш ҳуқуқига эга. Магистрлик диссертацияси илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини расмийлаштириш бўйича Ўзбекистон давлат стандартларига мос равишда бажарилади. Магистрлик диссертациясининг ҳимояси жамоа ҳузурида амалга оширилади. Ҳимоя қилиш ва ўтказиш тартибини олий таълим муассасасининг илмий кенгаши белгилайди.

Магистрлик диссертациясининг асл нусхаси ҳимоядан кейин олий таълим муассасасида ўрнатилган тартибда сақланади. Магистрлик диссертациясининг натижаларини татбиқ қилиш, уни конкурсга тақдим этиш ва бошқа заруратлар туғилса, ундан нусха олинади.

МАДАНИЙ АВТОНОМИЯ — ҳаётга кам сонли этник жамиятнинг ўқитишни ва бошқа маданий ҳаётни ташкил этиш масалаларида (миллий мактаб, кутубхоналар, театрлар ва бошқаларни ташкил этиш ҳуқуқи) белгиланган мустақиллигини мазкур давлатда ажралиб чиқишининг конституциявий ҳуқуқда берилиши. М.а. икки ҳудудлилик асосида яратилади. М.а. шундай ташкилий шакллар орқали, миллий маданият маркази, ҳамюртлар, миллий жамоат кенгашлари ва уюшмалари сифатида (масалан, Россия Федерациясида немисларнинг Россия иттифоқи) амалга оширилади. М.а. Бельгияда Бельгия федерацияси субъектларининг (фламонд, валлонд, немис) алоҳида жамиятлари орқали амалга оширилади.

МАДАНИЙ МЕРОС — миллий маданият, фаннинг ва халқ маънавий ҳаёти ривожланишининг ўз йўлини аниқлаб берган тарихий қадриятлар йиғиндиси.

МАДАНИЙ ФАРОВОНЛИК — ЎзРнинг 1998 йилда қабул қилинган маданий ёдгорликлар тўғрисидаги қонунида белгиланганидек, фуқароларнинг ўзларининг маданий эҳтиёжларини қондириш учун ташкилотлар, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатадиган хизматлари тушунилади.

МАДАНИЯТ ОБИДАЛАРИ — қўлёзма ва нашр этилган бадиий асарларда, меъморчиликда, халқ амалий санъати наъмуналарида ўз ак-

сини топган, ўтмиш авлодларнинг дунёқарашини, маънавий ва илмий кашфиётларини ифодаловчи тарихий мероснинг моддий обидалари.

МАДАНИЙ ҚАДРИЯТЛАР — ЎзРнинг 1998 йил 29 августдаги «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги қонунида белгиланганидек, маданий бойликлар моддий дунёнинг миллий, тарихий, илмий-маърифий, маънавий-ахлоқий ва бошқа маданий аҳамиятга молик кўчар ашёлар билан бирга тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган иморатлар, ноёб тарихий-маданий объектлар ва ҳудудлар, иншоотлар ҳисобланади.

МАДИНА — араб тилида шаҳар маъносини англатади. Мадинат у-Расулиллоҳ ёки Мадинат ун-Набий — пайғамбар шаҳри. Саудия Арабистонининг шимоли-ғарбий қисмидаги шаҳар.

МАДРАСА (араб.) — дарс ўқитиладиган жой, дарсхона. Исломда ўрта ва олий диний ўқув юрти. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида уламолар ва мактабдорлар, диний олимлар ва давлат аппарати ходимларини тайёрлайди. Шариат илмларини ўргатувчи марказ сифатида мадраса дастлаб VII—VIII асрларда арабларда пайдо бўлган. Кейинчалик айрим масжидлар қошида илоҳиёт мактаблари таркиб топиб, мадраса деб атала бошлаган. М.лар XI—XII асрларда Мовароуннаҳрнинг барча катта шаҳарларида бўлган. Уларга мактабни тугатган ўспиринлар қабул қилинган. Мовароуннаҳрдаги мадрасаларда асосан араб тилида ёзилган китоблар — Қуръон, ҳадислар, шариат қонунлари ўргатилган. Айрим М.ларда тиббиёт, адабиёт, фалсафа, жўғрофия ва бошқа фанлар ҳам ўқитилган. М.да қарийб 15—20 йил ўқиганлар. Ҳозирда жаҳондаги кўпчилик хорижий мусулмон мамлакатлари мадрасаларида диний билимлар билан бирга дунёвий билимлар ҳам ўқитилади.

МАЖБУРИЙ СУҒУРТА — қонунга кўра амалга ошириладиган суғурта. Мажбурий суғурта ўтказишнинг турлари, шароитлари ва тартиби ЎзРнинг тегишли қонунлари билан белгиланади.

МАЖБУРИЙ УЛУШ — васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, баъзи ворисларга ўтадиган мерос мулкининг қисми. ФКнинг 1142-моддасига биноан, мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан, уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегишли бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуши) мерос қилиб оладилар.

МАЖБУРИЯТ — ФКнинг 234-моддасига биноан, фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳ. к. ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ФКда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ — фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга

мажбур бўлади, кредитор эса — қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Фуқаролик ҳуқуқининг умумий принципларига мувофиқ мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун, ўзга ҳуқуқий актлар талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаган тақдирда — иш муомаласи қоидаларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Шартномадан келиб чиққан мажбуриятни тўла ҳажмда ёки унинг бир қисмини бажариш, агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бўлса, шунингдек, агар учинчи шахс тарафлардан бири билан тегишли шартнома орқали боғлиқ бўлса, учинчи шахс зиммасига юклатилиши мумкин. Агар мажбуриятни қарздорнинг шахсан ўзи ижро этишга мажбурлиги қонун ҳужжатлари, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, кредитор қарздор учун учинчи шахс томонидан таклиф қилинган ижрони қабул қилиши шарт. Агар М.б. муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгилаб қўйилган бўлса, кредитор ҳар қачон ижрони талаб қилишга ҳақли, қарздор эса ижрони ҳар қачон амалга оширишга ҳақли бўлади. Мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси қонун, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб етти кунлик муддат ичида бажариши шарт.

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ — фуқаролик қонунларига мувофиқ (ФКнинг 22-боби), мажбуриятнинг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин. М.б.т. тўғрисидаги келишувнинг ҳақиқий эмаслиги ушбу (асосий) мажбуриятнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди. Асосий мажбуриятнинг ҳақиқий эмаслиги, унинг бажарилишини таъминлайдиган мажбуриятнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

МАЖБУРЛАШ ЧОРАЛАРИ — БМТ Уставига асосан тинчликни таъминлаш учун жаҳон ҳамжамиятининг таъсир чораларини қўллаш бўйича биргаликдаги фаолиятлари. Бу чоралар ҳарбий йўл билан ва ноҳарбий йўллар билан амалга оширилади.

МАЖБУРИЯТ ҲУҚУҚИ — мажбуриятларнинг келиб чиқиши ва уларни ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик-ҳуқуқий нормалар мажмуи. У ФКнинг III бўлимини ташкил қилиб, Умумий ва Махсус қисмдан иборат. Умумий қисмда «мажбурият» тушунчаси ва уларнинг томонларини белгиловчи нормалар, уларнинг пайдо бўлиш асослари, мажбуриятларнинг мазмуни ва ижро этиш тартиблари, мажбуриятларни ижро этишни таъминлаш белгиланган. Махсус қисм нормалари алоҳида мажбуриятларни тартибга солади.

МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА ЖАВОБГАРЛИКДАН ЁКИ ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ — ЖКнинг 87-моддасига мувофиқ, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламасдан туриб ҳам тузатиш мумкин деган хулосага келинса, жавобгарликдан озод қилиниб, иш вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда кўришга топширилиши мумкин. Уч

йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган ёки ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахсга нисбатан суд жазодан озод қилиш ва қуйидаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт: а) суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш; б) ўн олти ёшга тўлган шахснинг зиммасига етказган зарарини ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш. Агар етказилган зарар белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ошиб кетмаган бўлса ушбу чора қўлланилади. Бошқа ҳолларда етказилган зарар фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ундирилади; в) вояга етмаганни махсус ўқув-тарбия муассасига жойлаштириш. Вояга етмаган шахс ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолган бўлса ва содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла англаб етмаса, суд жазо ўрнига мажбурлов чорасини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиши шарт.

МАЖЛИС — айрим мусулмон мамлакатлари қонун чиқарувчи органининг номи. Шунингдек, баъзи МДҲ давлатларида (Туркманистон, Озарбайжон) ҳам қонун чиқарувчи органининг номи.

МАЗҲАБ (араб.) — оқим, йўл, таълимот. Шариат мазҳаблари — исломда ҳуқуқ тизимлари ва йўналишлари. VIII—IX асрларга келиб шариатнинг шаклланиши жараёнида, яъни фиқҳ-ҳуқуқшунослик соҳасида бир неча мазҳаблар юзага келган. Ҳозирги вақтда суннийликда тўртта мазҳаб — ҳанафия, моликия, шофиъия, ҳанбалия; шиаликда эса — жаъфария, исмоилия, зайдия мазҳаблари сақланиб қолган. Шариат мазҳаблари диний оқимлардан фарқ қилади. Суннийликдаги тўрттала мазҳаб тенг ҳисобланади, йирик мусулмон университетларида тўрт мазҳаб бўйича алоҳида дарс ўқитилади. Мазҳаблар умуман диний ҳуқуқ доирасидан чиқмаган ҳолда, шариат масалаларида енгилроқ ёки қаттиқроқ ҳукм чиқаришлари билан-бир биридан фарқ қиладилар. Ҳозир ислом мамлакатларида асосан ҳанафия (Туркия, Покистон, Ҳиндистон ва ҳ.к.), моликия (Тунис, Жазоир, Марокаш, Ливия), шофиъия (Миср, Индонезия ва ҳ.к.), ҳанбалия (Саудия Арабистони) м.лари кенг тарқалган. Шиалик тарқалган мамлакатлар (Эрон, Ироқ, Яман ва ҳ.к.)нинг ҳуқуқий ҳаётида эса жаъфария мазҳаби ўз мавқеини сақлаб келмоқда. Мовароуннаҳр, Волгабўйи, Сибирь, Шимолий Кавказ, Қрим мусулмонлари ўртасида ҳанафия мазҳаби, Озарбайжонда жаъфария мазҳаби ҳукмрондир.

МАИШИЙ СОҲАДАГИ ХИЗМАТ — ЎзР қонунларига биноан, хизмат кўрсатиш (иш бажариш) буюртмаси шартнома (квитанция) ёки белгиланган шаклдаги бошқа ҳужжат билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжат унда кўрсатилган барча реквизитлар, яъни бажарувчининг адреси, буюртмачининг фамилияси ва исми-шарифи, телефони ёки адреси; буюртма қабул қилинган сана, буюртмани бажаришнинг бошланиш ва тамомланиш муддати, бўнак (аванс) миқдори (тўла суммаси), буюртмани қабул қилган ва берган шахсларнинг имзолари; хизмат (иш)нинг тури, бажарувчи ва истеъмолчи материалларининг (буюмларининг) тўлиқ номи, қиймати ва хизмат кўрсатиш (ишни бажариш) учун зарур бўлган миқдори, таъмирлаш учун топшириладиган буюмнинг заводда қўйилган

номери, бошқа реквизитлари кўрсатиб тўлдирилади. Буюртмалар жетон, талон, касса чеки ва бошқаларни бериш орқали ҳам расмийлаштирилиши мумкин.

Бажарувчи истеъмолчига ҳақ эвазига кўрсатиладиган қўшимча хизмат (иш)ни мажбуран қабул қилдиришга, шунингдек, бир хизматни кўрсатишни бошқасининг албатта бажарилиши билан боғлаб қўйишга ҳақли эмас. Қўшимча ҳақ эвазига тезда хизмат кўрсатиш шаклидаги хизматлар (ишлар), бирга амалга ошириладиган ишлар фақат истеъмолчининг хоҳишига кўра бажарилиши мумкин. Истеъмолчи унинг розилигисиз кўрсатилган (бажарилган) қўшимча хизмат (иш) учун тўланган пулни қайтаришларини талаб қилишга ҳақлидир.

ЎзРда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш қоидаларига биноан, истеъмолчи хизмат кўрсатиш (иш бажариш) тўғрисидаги шартномани исталган пайтда бекор қилишга ҳақлидир. Аммо бунинг учун у иш бажарувчига қилган иши учун ҳақ тўлаб, шартноманинг бекор қилинганлиги оқибатида кўрган тўғридан-тўғри зарарини қоплаши керак. Ижрочи буюртмани бажарганидан (ёки бекор қилганидан) сўнг, истеъмолчига у ҳақини тўлаган материалларнинг сарфланиши ҳақида ҳисобот бериши ҳамда уларнинг қолдиқларини, шунингдек, алмаштирилган (носоз) қисмлар ва деталларни қайтариши шарт. Ижрочи унга истеъмолчи берган материаллар (буюмлар)нинг сақланиши ва тўғри ишлатилиши учун жавобгардир. Истеъмолчидан қабул қилинган материал (буюм) тўла ёки қисман йўқотилган ёхуд бузилган тақдирда ижрочи 3 кунлик муддатда уни худди шундай сифатга эга бўлган материал (буюм)га алмаштириб бериши, бундайлари бўлмаганда — истеъмолчига йўқотилган (бузилган) материал (буюм)нинг қийматини ҳамда истеъмолчи кўрган зарарни қоплаши шарт. Истеъмолчининг материали (буюми) тўла ёки қисман йўқотилган (бузилган) тақдирда ижрочи истеъмолчининг хоҳишига кўра шартномани дарҳол янгилаши ва буюмни худди шундай материалдан техник жиҳатдан мумкин бўлган энг қисқа муддатларда ясаб бериши шарт. Агар ижрочи истеъмолчини материалнинг йўқолиши (бузилиши)га олиб келиши мумкин бўлган хоссалари тўғрисида огоҳлантирган бўлса, ижрочи истеъмолчидан олган материал (буюм)нинг тўла ёки қисман йўқолиши (бузилиши) учун жавобгарликдан озод этилади. Ижрочининг ушбу хоссаларни билмаслиги уни жавобгарликдан озод қилмайди.

Ижрочи истеъмолчини қуйидагилар тўғрисида ўз вақтида огоҳлантириши шарт: истеъмолчидан олинган материал (буюм)нинг ишга ярамаслиги ёки сифатсизлиги; истеъмолчининг топшириқларни бажариш ва унга боғлиқ бўлган бошқа ҳолатлар бажариладиган ишнинг ярашига ва мустаҳкамлигига хавф солиши; тайёрланган (таъмирланган, ишлов берилган) буюмлардан ва бошқа хизматлар (ишлар)нинг натижаларидан самарали ва хавфсиз фойдаланиш шартлари; ижрочига боғлиқ бўлмаган ва истеъмолчига кўрсатиладиган хизмат (бажарилган иш) сифатига таҳдид солувчи бошқа ҳолатларнинг мавжудлиги. Агар истеъмолчи ижрочининг ўз вақтида ва асосли огоҳлантиришига қарамай, ишга яроқсиз ёки сифатсиз материални унга мувофиқ муддатда алмаштирмаса, ишни бажариш усули ҳақидаги топшириғини ўзгартирмаса ёхуд ишнинг яроқлилиги ва мустаҳкамлигига хавф солувчи бошқа ҳолатларни бартараф этмаса, ижрочи шартномани бекор қилишга ва етказилган зарарни ундиришга ҳақли бўлади.

МАЙОР (лот.) — кўпгина мамлакатларда ҳарбий тизимда бериладиган унвон. Биринчи марта XVI асрда Испания ва Германия давлатларида пайдо бўлган. Ушбу сўз XVII асрнинг 30-йилларида рус армияси тизимига кириб келган. Собиқ Совет Иттифоқи армиясида эса 1935 йилдан бошлаб қўлланилган. Ҳозирги пайтда ЎзР бир қатор тизимларида, жумладан, ИИВ, Мудофаа вазирлиги ва МХХда ҳарбий унвон сифатида тан олинади.

МАККА — Саудия Арабистонининг ғарбида жойлашган машҳур қадимий шаҳар. Ҳижоз вилоятининг маъмурий ва савдо маркази. Мусулмонлар ҳаж қиладиган жой. Каъба (Байтуллоҳ) шу шаҳарда жойлашган.

МАКЛЕР (нем.) — воситачи деган маънони англатади. М. шартнома ва битимларни тузишда мижоз ҳисобидан биржа фаолиятидаги воситачиликни амалга ошириши мумкин. ЎзРнинг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 18-м.га асосан: «Биржа фаолиятидаги воситачилик фақатгина биржа воситачилари — брокерлар ва дилерлар, брокерлик ва дилерлик фирмалари (идоралари) томонидан амалга оширилади. Брокер олди-сотди битимлар тузилишида ўз мижозларининг топшириғига биноан ва уларнинг номидан воситачилик хизматини амалга оширувчи шахсдир. Дилер биржада ўз номи ва ҳисобидан воситачиликни амалга оширувчи шахсдир.

МАЛАКА РАЗРЯДИ — ишчининг малака даражасини белгиловчи кўрсаткич. Ишнинг мураккаблилиги, жавобгарлилиги, шароитларини ҳисобга олган ҳолда тариф-квалификацион қўлланма асосида белгиланади (шунингдек, *Тариф разрядига* қаранг).

МАЛАКАЛИ КЎПЧИЛИК — муайян вакиллик органининг мажлисида иштирок этаётган депутатлар, партия съезди делегатлари 1/5, 2/3 ёки 3/4 қисмининг кўпчилик овозини англатувчи ибора.

МАН ҚИЛИНГАН УРУШ ВОСИТАЛАРИ — халқаро ҳуқуқ бўйича қўллашга йўл қўйиб бўлмайдиган восита, ҳарбий жиноят ёки инсониятга қарши жиноят сифатида қаралади ва юридик жавобгарликка сабаб бўлади. Уруш қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1949 йилги Женева конвенциясига 1977 йилги қўшимча баённоманинг 35-моддасида айтилганидек, уруш олиб бориш воситаси ва усулини танлаш низода бўлган тарафларнинг ҳуқуқи ҳар қандай қуролли тортишув ҳолларида чегараланмаган деб бўлмайди. Шунингдек, табиий муҳитга узоқ муддат таъсир этувчи ва жиддий зарар келтиришни асосий мақсад қилиб олган ҳарбий ҳаракатни олиб бориш воситаси ва усули сифатида, шунингдек, ортиқча кулфат ёки ортиқча бузилишлар келтириб чиқаришга қодир уруш ҳаракатларини олиб бориш усули ва ашёсини, қуроллар ва снарядларни қўллаш ман қилинади. 1868 ва 1899 йиллардаги декларациялар, 1907 йилдаги Гаага Конвенцияси билан ортиқча кулфат келтирадиган (заҳар ва заҳарланган қуроллар) қуролларни қўллаш, бўғувчи, заҳарли ёки бошқа газга ўхшаш ва бактериологик воситаларни қўллаш эса 1925 йилги Женева баённомаси билан ман этилган. Қатор ҳарбий воситаларни қўллашнинг олдини олиш мақсадини кўзловчи бошқа халқаро конвенциялар БМТ бошчилигида қабул қилинган.

МАН ҚИЛИНГАН УСУЛДА УРУШ ОЛИБ БОРИШ — уруш қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1949 йилдаги Женева Конвенциясида ва унга қўшимча 1977 йилдаги баённомада ва бошқаларда белгиланган. Ман қилинган усулда уруш олиб боришга қуйидагилар киради: —

душман қўшинига қарашли шахсларни ўлдириш ёки ярадор қилиш; душман тўғрисида маълумот олиш мақсадида қийноққа солиш; миллий ва халқаро байроқлардан, сигналлардан ва эмблемалардан ноқонуний фойдаланиш; элчи ва уни кузатиб борувчи шахсларни (сурнайчи, горнчи, барабанчини) ўлдириш; санитария объектларига хиёнаткорона бостириб бориш, асир тушган шахслар, ҳалокатга учраган самолёт ёки бошқа учувчи аппаратларни тарк этганлар (десантлардан ташқари), тинч фуқароларга нисбатан апартеид, геноцид, террорчилик тўғрисида буйруқ бериш, ҳарбий асирларни ва бошқа шахсларни душман тарафидаги ҳарбий кучларда хизмат қилиш ва ўзининг мамлакатига қарши ҳарбий ҳаракатларда қатнашишга, маданий қимматликларни йўқ қилиш ва бошқа ҳаракатларни содир этишга мажбур қилиш.

МАНДАТ (лот.) — 1) топшириқ, бажарилиши лозим бўлган иш; 2) ваколат; 3) бирор ваколатни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ҳужжат. М-н, депутатлик мандати.

МАНДАТ КОМИССИЯСИ — 1) депутатларнинг ҳуқуқий фаолиятини (лаёқатини) текширувчи комиссия, съезд делегацияси; 2) олий ўқув юртларида абитуриентларнинг ўқишга кириши билан боғлиқ бўлган масалаларни бевосита кўриб чиқадиган комиссия.

МАНЗИЛ-ДАВЛАТ — бошқа давлатлардан, жумладан учинчи давлатлар ҳудуди орқали транзит усулида олиб кириладиган юклар (товарлар ва бошқа нарсалар) етказиб бериладиган ҳар қандай давлат.

МАНИФЕСТАЦИЯ ЭРКИНЛИГИ — фуқароларнинг конституциявий, сиёсий эркинликларидан бири. Фуқароларнинг намойишлари, митинглар ва юришлари ҳамда бошқа шунга ўхшаш чиқишлари тушунилади.

МАНСАБ ВАКОЛАТИНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ — ЎзР ЖКнинг 205-моддасида давлат манфаатларига қарши жиноятлар назарда тутилган ҳолда мансабдор шахс томонидан ўзининг ваколати туфайли ёки бу хатти-ҳаракатлар ғаразгўйлик ёки бошқа шахсий манфаатдорликда қилинган ва фуқаролар ёки ташкилотларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари ёхуд давлат ёки жамиятни қонун билан қўриқланадиган манфаатлари жиддий бузилишига олиб келиши тушунилади.

МАНСАБ ЙЎРИҚНОМАСИ — ташкилотдаги турли хил мансабларнинг кўникмаларини талаб қилувчи асосий вазифаларнинг қисқача таҳрири.

МАНСАБДОР ШАХСЛАР — ЎзР ЖК мансаб жиноятлари тўғрисидаги моддаларининг мазмунига кўра, ҳокимият вакили функциясини доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича амалга оширувчи ёхуд давлат органларида, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларида давлат муниципал муассасаларида, шунингдек, ЎзР Қуролли Кучларида, ЎзРнинг бошқа қўшинлари ва ҳарбий тузилмаларида ташкилий, тақсимот, маъмурий-хўжалик функцияларини бажарувчи шахслар.

МАНСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ — давлатнинг ҳокимият фаолияти амалга оширилишига салбий таъсир килувчи ва мансабдор шахслар ўз хизмат ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этадиган жиноятлар. М. ж. ЎзР ЖКда ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар сифатига киритилган. Жумладан, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш; ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш; мансабга совуққонлик билан қараш; ҳокимият ҳаракатсизлиги; мансаб сохтакорлиги; пора олиш;

пора бериш; пора олиш-беришда воситачилик қилиш каби жиноятлар мансабдорлик жиноятлари ҳисобланади.

МАНТИҚ — рационал тафаккурнинг барча учун аҳамиятли шакллари ҳақидаги фан, ҳуқуқшунослик ихтисоси бўйича таълим олаётганлар учун ўқитилиши шарт бўлган ўқув фанларидан бири. Инсон тафаккурини ўрганадиган бошқа фанлардан, масалан, олий нерв фаолияти физиологияси ёки психологиядан фарқли ўлароқ, М. тафаккурни билиш воситаси сифатида ўрганилади; унинг предметини инсонга уни ўраб турган оламни ўрганишга ёрдам берувчи тафаккур қонунлари ва шакллари, усуллари ва операциялари ташкил этади. «М.» термини объектив олам қонуниятларини ифодалаш учун ҳам ишлатилади (м-н, фактлар мантиғи, исботлар ва рад этишлар мантиғи ва ҳ.к.).

МАНТИҚИЙ ШАРҲЛАШ — ҳуқуқ нормасининг маъноси ва мазмунини тафаккур қонунлари ёрдамида тушунтириш ва тушуниш. Шарҳлашнинг мантиқий усули қуйидаги усуллардан ташкил топади: ҳуқуқ нормаси қоидаларидан бир қатор ҳуқуқий хулосаларни мантиқий дедукция қилиш, «қарама-қаршиси асосида» шарҳлаш, кичигидан каттасига томон ва аксинча хулоса қилиш.

МАНУ ҚОНУНЛАРИ — қадимги ҳинд қонунчилиги тарихида алоҳида ўрин тутган қонунлар. Милод. ав. II аср ва милоднинг II асри оралиғида пайдо бўлган. Бу қонунлар брахманизм мактабларидан бири томонидан тузилган бўлиб, унга диний куч бериш мақсадида афсонавий подшо Ману номи билан аталган. Бу кодекс 12 та боб, 2685 та моддадан иборат. Ундаги нормалар, қоидалар икки мисрали шеърий йўл билан баён қилинган. У ўз мазмунига кўра диний, ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат. Унинг IV, VII, VII ва X бобларида кўпроқ ҳуқуқий нормалар белгиланган. М. қ. да, энг аввало, Ҳиндистондаги мавжуд варна тузуми мустаҳкамланган. Унда варналарнинг диний таълимоти келиб чиққанлиги батафсил баён қилинган, варналарнинг мерос тариқасида авлоддан-авлодга ўтиб бориши кўрсатилган. Ҳар бир варнанинг вазифаси белгиланган, юқори варналарнинг имтиёзлари мустаҳкамланган. М. қ. да мулк ва унга эгалик қилиш ўртасидаги фарқ ажратиб кўрсатилган. Хусусий мулкни қўриқлашга катта эътибор берилган. М. қ. да мулк ҳуқуқи мерос олиш, ҳадя ёки топиб олиш, сотиб олиш, эгаллаб олиш, судхўрлик, бирор ишни бажариш, шунингдек, хайр-эҳсон тариқасида олиш билан келиб чиқиши мумкинлиги кўрсатилган (X боб, 115-м.). М. қ. да фуқаролик ҳуқуқининг мажбуриятларига, шартномалар, қарз, олди-сотди, сақлаб туриш, ижара ва бошқа турларига алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, М. қ. да (IX боб, 27-м.) никоҳ ва оила муносабатлари, жиноят ва жазо (III боб, 16—18-моддалар), мулкий жиноятлар (III боб, 17-м.), суд жараёни (VIII боб, 1—2-моддалари)га алоҳида эътибор берилган. Судда ашёвий далилларга алоҳида эътибор берилган. «Адолатли подшо — дейилади М.қ.да — ўғирланган нарсани топмай ўғрини қатл этмайди» (IX боб, 27-м.). Хуллас, М. қ. нинг нафақат тарихий, балки ҳуқуқий аҳамияти ҳам каттадир.

МАНФААТ (мулкий) — суғурта объектига бўлган ҳуқуқ ёки унга нисбатан муносабат бўйича мажбурият, шулар ва шунга ўхшаш барча суғуртачига моддий зарар етказиш предмети бўлиши ёки шунга боғлиқ ҳолда суғуртачининг учинчи шахслар олдида жавобгарлиги келиб чиқиши мумкин бўлган мол-мулк.

МАРЖА (фр. marge — чек, оралиқ фойда) — банк тўлайдиган фоиз билан ундирадиган фоизи орасидаги фарқ. Масалан, банк депозит учун 20 фоиз ҳақ тўласа, кредит учун 24 фоиз ҳақ ундирилади. Демак, ҳар иккала фоиз орасидаги фарқ (24 фоиз — 20 фоиз = 4 фоиз) М. ва банк фойдаси учун манба ҳисобланади.

МАРКА (инг л. postage-stamt, mark; нем. Marke) — 1) почта хизматида ишлатиладиган тўртбурчак кўринишдаги белгили қоғоз; 2) фабрикада ишлаб чиқарилган маҳсулотларга қўйиладиган белги; 3) ишлаб чиқарилган товарларга қўйиладиган фирма белгиси; 4) айрим хорижий мамлакатлардаги пул белгиси (м-н, Германия, Финляндия).

МАРКАЗ (юн.) — 1) бирор ҳудуд, минтақа, мамлакат учун маъмурий, саноат, маданий ва ш.к. аҳамиятга эга шаҳар, катта аҳоли пункти; 2) юқори раҳбарлик органи ёки органлари; 3) парламентда оралиқ (сўллар ва ўнглар ўртасидаги) гуруҳ номи; сиёсий партияларда — сўллар ва ўнглар ўртасида турувчи гуруҳлар ва фракциялар.

МАРКАЗИЙ БАНКЛАР — иқтисодиётни бошқаришнинг давлат пул-кредит органлари. Улар банкнотлар эмиссияси, пул муомаласини бошқариш, кредит муассасаларини назорат қилиш, «банклар банки» функциясини бажариш, расмий олтин захираларини сақлаш ҳуқуқига эга бўлади. Турли давлатларда М.б. турлича номланади: «миллий», «давлат», «халқ» банклари.

МАҚСАДЛИ БЮДЖЕТ ФОНДЛАРИ — бюджет тизимининг таркибий қисмларидан бири; бюджетда халқ хўжалигининг муҳим йўналишларини, давлат дастурларини ёки муайян минтақаларни мақсадли ривожлантириш учун яратилади. М.б.ф. одатда келаси йил учун республика миқёсида ташкил этилади. Бу фондлар ҳақидаги қоидалар ЎзР ҳукумати томонидан белгиланади. Бироқ шундай фондларни маъмурий-ҳудудий даражада яратиш ҳам мумкин. М.б.ф.нинг хусусияти шундаки, улар бюджет сингари бир йил давомида амал қилади, сўнгра ё қайтадан тузилади, ё тўхтатилади. М.б.ф. одатда махсус солиқлар, бюджет маблағлари, мақсадли давлат заёмлари, хазина векселлари кабилар ҳисобидан шакллантирилади.

МАРКАЗИЙ ДЕПОЗИТАРИЙ — баъзи давлатларда бутун мамлакат миқёсида қимматбаҳо қоғозлар билан операциялар ўтказиш, қимматбаҳо қоғозларнинг сертификатларини сақлаш бўйича марказлашган ҳисобкитобни олиб борувчи ташкилот. М.д. депозитар фаолиятни кенг ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда олиб боради. Бу тармоқ юқори технологик босқичда қимматбаҳо қоғозлар билан қилинган битимларни энг қисқа муддатларда қайд этади. М.д. борлиги қимматбаҳо қоғозларнинг қоғоз сифатидаги жисмоний ҳаракатидан қутулишга имкон беради. Бу эса уларнинг муомаласини тезлаштиради ва кечикишларини камайтиради. Бундан ташқари, М.д.нинг борлиги қимматбаҳо қоғозларнинг йўқолиши ёки қалбакилаштирилиши хавфини камайтиради. Кўпгина мамлакатларда (м-н, Францияда) қимматбаҳо қоғозларни депонентлаштириш — уларни фонд биржасига қўйишнинг асосий шартидир. ЎзРда бу ташкилот ЎзРнинг 1998 йил 29 августдаги «Қимматбаҳо қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги қонун асосида фаолият кўрсатади.

МАРКЕТИНГ (инг л. marketing, market — бозор, сотиш, айирбошлаш). М. фирма (корхона) ишини бозор шароитига мослаштиришга қаратилган махсус фаолиятдир. М. иши бозорни ўрганиш, нархларни

шакллантириш, бозор талабига монанд равишда товарларни ишлаб чиқариш, уларни вақтида бозорга етказиш, реклама қилиш ва харидорларга хизмат кўрсатишни ўз ичига олади. М.ни фирманинг махсус маркетинг хизмати бажаради, уни амалга оширувчи ходимлар маркетологлар дейилади. Шунингдек, М. савдо-сотиқни ташкил этишгина эмас, бозор талабини ишлаб чиқаришга етказиш, шунга қараб ишлаб чиқаришни созлаш ва бозор талабини қондиришни ҳам билдиради. М. фирмани бозор билан боғлаш ҳам демакдир.

МАРОДЁРЛИК (фр. maraudeur) — ЎзР ЖКда (1994 йил 2 сентябрда тасдиқланган) кўрсатилган ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларнинг бир тури (ЎзР ЖК VII бўлим, 21-боби). Мародёрлик, яъни ҳалок бўлганларнинг ёки яралорларнинг буюмларини жанговар вазиятда эгаллаш. Ушбу жиноятни содир этганлик учун 6 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (ЎзР ЖК 286-м.)

МАРШАЛ (фр. marechal) — 1) XVI асрда Франция армияси тизимида берилган ҳарбий унвон; 2) Польша давлатида юқори мансабдор шахслар ҳам шундай ном билан аталган. Масалан: сейм маршали, вице-маршал ва бошқалар; 3) ЎзРдаги мудофаа, миллий хавфсизлик, ИИВ тизимида берилиши мумкин бўлган энг олий ҳарбий унвон. Ушбу унвон «Мудофаа тўғрисида»ги 1992 йил 3 июлдаги ЎзРнинг қонунига ва ЎзР Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган, «ЎзР фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташи тўғриси»даги низомига мувофиқ берилади. (ЎзРнинг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги 1992 йил 3 июль қонуни, 1993 йил 7 майдаги қўшимча ва ўзгартиришлар, 5-модда).

МАСЛАҲАТ ОВОЗИ — сайлаб қўйиладиган органлар ёки халқаро ташкилотлар ишида овоз бериш ҳуқуқисиз қатнашиш ҳуқуқ.

МАСЛАҲАТ ПАЛАТАСИ — Япония парламенти юқори палатасининг номи.

МАСЛАҲАТЛАШИШ ХОНАСИ — ЎзРда суд таркиби иш юзасидан ҳукм ҳақида қарор чиқарадиган, қарор, ажрим қабул қиладиган хона. М.х.да суднинг ушбу таркибига кирмайдиган шахслар бўлишига йўл қўйилмайди, бундай қоиданинг бузилиши — суд қарори бекор қилинишига сабаб бўлади.

МАСОФАЛИ КИРА (дистанцияли фрахт) — юк ташиш масофасига мутаносиб равишда олинадиган ҳақ. Асосан қатъий тариф ставкалари бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

МАСТЛИК ҲОЛАТИДА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ — жамоат хавфсизлиги учун хавфли бўлган жиноятни ёки ҳуқуқбузарликни содир этаётган шахс маст бўлиши, психотроп моддаларни истеъмол қилиши оқибатида ўз хатти-ҳаракатини, яъни қилаётган жиноятини тўла тушуниб етмайди.

ЎзР ЖКнинг 19-м.га асосан, мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки одамнинг ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилинмайди. Бундай ҳолат шахсни ақли норасо деб топиш учун ҳам асос бўлмайди.

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ — фуқаролик қонунларига биноан, тижорат ташкилотларининг бир тури. ФКнинг 62-моддасига мувофиқ, М.ч.ж. деб бир ёки неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилган миқ-

дорлардаги улушларга бўлинган жамият тан олинади. М.ч.ж.нинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТНИ ТУГАТИШ — ЎзР ФКга биноан, масъулияти чекланган жамият ихтиёрий равишда иштирокчиларининг бир овоздан чиқарган қарори билан тугатилиши мумкин. Жамиятни тугатишнинг бошқа асослари ва тартиби ЎзР ФКда ҳамда бошқа қонунларда белгиланган юридик шахсларни тугатиш тўғрисидаги умумий қоидалар билан белгиланган.

МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ — фуқароларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлиб, М.э. биринчи бор 1798 йилги Француз инқилобида фуқаро ва инсонларнинг ҳуқуқи Декларациясида эълон қилинган эди. М. э. ҳар қандай матбуот маҳсулотларини (газета, журнал ва ҳоказо) эркин нашр қилиш ва тарқатишни кўзда тутади.

МАТЛУБОТ КООПЕРАТИВИ — тижоратчи бўлмаган ташкилотларнинг бир тури. ЎзР ФКнинг 73-моддасига асосан — «Иштирокчиларнинг моддий (мулкий) эҳтиёжларини қондириш мақсадида фуқароларнинг аъзоликка асосланган ихтиёрий бирлашмаси матлубот кооперативи ҳисобланиб, бу бирлашув аъзолари томонидан ўз мулкий (пай) бадалларини қўшиш йўли билан амалга оширилади. Матлубот кооперативи устав асосида иш олиб боради. Унинг уставида матлубот кооперативи жойлашган манзил, матлубот кооперативи фаолиятини ташкил этиш асослари, кооператив аъзолари қўшадиган пай бадалларининг миқдори тўғрисида; кооператив аъзолари пай бадалларининг таркиби ва уларни қўшиш тартиби ҳамда уларни бузганлик учун жавобгарлик тўғрисида; кооперативни бошқариш тизими ҳамда ваколатлари ва улар томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби, шу жумладан, қарорлар бир овоздан ёки овозларнинг нисбатан кўплиги билан қабул қилинадиган масалалар тўғрисида; зарарни қоплаш тартиблари тўғрисида баён этилган бўлиши лозим. Шу билан бирга, матлубот кооперативининг номида унинг фаолиятининг асосий мақсади кўрсатилиши, шунингдек, «кооперативи» сўзи ёки «матлубот уюшмаси» ёхуд «матлубот жамияти» деган сўзлар бўлиши керак. Матлубот кооперативи аъзолари кўрилган зарарни йиллик баланс тасдиқланганидан сўнг уч ой мобайнида қўшимча бадаллар тўлаш йўли билан қоплашлари шарт. Ушбу бурч бажарилмаса, кооператив кредиторларининг талабларига мувофиқ, суд томонидан тугатилиши мумкин.

Матлубот кооперативининг фаолият кўрсаткичлари қонун асосида таъминланади. Жумладан ,ЎзРнинг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги 1998 йил 30 апрель қонуни асосида кооперативлар юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

МАФИЯ (итал. maf/a/ia; ингл. mafia) — шантаж, зўрлик ва ўлдиришга асосланган, яширин ҳолатда иш олиб борадиган жиноий гуруҳ, бирлашма. XIX аср бошларида Италиянинг Сицилия оролида ташкил топган жиноий гуруҳ. Мазкур гуруҳ зўрлик йўли билан, давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва бошқа томонлари билан боғлиқ бўлган тизимини жиноий бирлик асосида қўлга олишга ҳаракат қиладиган жиноий уюшмадир.

МАХСУС ЁКИ ҲАРБИЙ УНВОНДАН МАҲРУМ ЭТИШ — жиноий

жазо тури бўлиб, фақат қўшимча жазо тариқасида қўлланилади. Суд оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлик учун ҳукм қилиш вақтида айбдорнинг шахсини инобатга олиб, уни ҳарбий ёки махсус унвонидан маҳрум этиши мумкин (ЎзР ЖК 52-моддаси). Махсус унвонларга алоқа, темир йўл транспорти, фуқаро ҳаво флоти, прокурор-терговчи ходимлар ва баъзи бир бошқа тоифадаги ходимларга бериладиган унвонлар киради.

Жиноят қонунларига мувофиқ, суд маҳкумларни полковниккача бўлган ҳарбий унвонлардан ёки уларга тенглаштирилган махсус унвонлардан маҳрум этишга ҳақлидир. Бундан юқори ҳарбий ёки махсус унвонга эга бўлган шахсни ҳукм қилиш чоғида суд уни ушбу унвонидан маҳрум этиши мумкин эмас, лекин ЖК 52-моддасининг 2-қисмига биноан, тегишли органга маҳкумни ушбу унвондан маҳрум этиш ҳақида тақдимнома киритишнинг мақсадга мувофиқлиги масаласини ҳал этиши керак.

МАХСУС ИШ СТАЖИ — фойдали меҳнат ва ижтимоий фаолият мажмуи. Бироқ бу иш стажи умумий иш стажидан ёки унинг мазмунига қараб, меҳнат шароитларидан ёки меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган табиий шароитлардан келиб чиқиб белгиланади. Меҳнат фаолияти мазмунидан келиб чиқиб белгиланадиган иш стажи узоқ муддатли хизмат фаолияти учун нафақа белгилашда аҳамиятга эга меҳнат шароитлари учун ҳамда ўтган меҳнат фаолиятининг шарт-шароитлари, қийинчиликлари нафақа билан таъминланишда маълум имтиёзлар беради. Ер ости шароитида, зарарли шароитларда ва иссиқ цехларда меҳнат қилганларга энг катта имтиёзлар берилади.

МАХСУС ҲУҚУҚЛАРДАН МАҲРУМ ЭТИШ — ЎзР МЖКнинг 28-моддасига биноан, маъмурий жазо турларидан бири бўлиб, фуқарога берилган ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш, ов қилиш ва бошқа ҳуқуқлардан) фойдаланиш тартибини қўпол равишда бузганлик учун қўлланилади. Махсус ҳуқуқлардан маҳрум этиш ҳақидаги қарорни туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси уч йилгача бўлган муддатга чиқаради. Бундай ҳуқуқдан маҳрум этиш муддати 15 кундан кам бўлиши мумкин эмас.

Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси ушбу воситадан ногиронлиги туфайли фойдаланаётган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Аммо транспорт воситасини алкоголдан, наркотик воситалардан маст бўлган ҳолда ва бошқа турдаги мастлик ҳолатида бошқариш, шунингдек, йўл-транспорт ҳодисасига алоқадор бўла туриб, ҳодиса жойини ташлаб кетиш ҳоллари бундан мустасно. Ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси овчилик ҳаётининг асосий манбаи бўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

МАХФИЙ БЕЛГИЛАР БИЛАН ЁЗИЛГАН ХАТ — оддий шароитда кўринмайдиган, рангсиз ёки деярли рангсиз суюқликлар: сут, пиво, сўлак ёки пешоб билан ёзилган хат. Матн ташувчиси сифатида нафақат қоғоз, балки матолар, чарм ёки ёғочдан ҳам фойдаланилиши мумкин. Кўринадиган М. б. б. ё. х. деганда, шифрланган ёки кодлаштирилган матн тушунилади.

МАХФИЙ ЖАМИЯТЛАР — уз фаолияти тўғрисида сир сақловчи, принцип ва ғояларига садоқат, рақибларга шафқатсиз ва муросасиз бўлишни талаб қилувчи, кенг тармоқли конуссимон режим тузилишга эга бўлган давлат ҳокимиятига, диний тартибга, маданий анъаналарга

мухолиф ижтимоий гуруҳлар. М.ж. жамият ҳаётини фаол ўзгартирувчилар сифатида пайдо бўлишган эди (исмоилийлар, тамплиерлар, масонлар), лекин тезда экстремистик гуруҳларга айланиб қолишар эди. М.ж.лар ҳар бир жамиятда барқарорликни бузувчи, тартибга қарши омиллар бўлиб, жамият организмини бузиб, уруш ва инқилоблар хавфини яратишди.

МАХФИЙ ЙИЛЛАР (махфий сўзидан — фармон, ман қилинган) — кузнинг Юрьев кунида Рус давлатининг айрим туманларида крестьянликдан чиқиш ман қилинган муддатнинг ўтиши (1550 йилдаги Судловликнинг 88-моддасида назарда тутилган), XVIII асрнинг 70—80-йилларида оғир хўжалик инқирози миқдорини аниқлаш учун олиб борилган оммавий ер рўйхати бўйича тадбирлар билан бир вақтда 1581 йилдан Иван IV ҳукумати томонидан махфий йиллар киритила бошланди. XVI асрнинг 70—80-йилларидаги айрим грамоталардагина махфий йиллар тўғрисидаги қисқа мулоҳазалар сақланган. 1592—1593 йиллар атрофида подшо Федор Иванович фармони билан умумдавлат миқёсида махфий йиллар киритилган эди. Юридик асослар билан крестьянлик васиқаси (қул қилиш) 1581 йилдан бошланган ва 1592—1593 йилларда тугалланган. У ўзининг фармони ёзилган китобни эълон қилди ва крестьянликдан чиқишни ман этди. Ёзилган китобда сақланувчи маълумот крестьянларни мазкур хўжайинга тааллуқлигини белгилади.

МАХФИЙ КЕНГАШ — Буюк Британияда ва унинг бир қатор собиқ колонияларида (Австралия, Янги Зеландия, Канада) расман давлатнинг олий ижро этувчи органи. Буюк Британияда М.к.га қирол раҳбарлик қилади, бошқа давлатларда — Англия монархининг вакили бўлган генерал-губернатор бошқаради. М.к.га одатда тегишли давлат кабинетининг таркибига кирувчи шахслар киради. Аслида М.к. ҳукуматнинг қарорларини расмийлаштиради. Австралия ва Янги Зеландияда М.к. «ижро этувчи кенгаш» деб ҳам аталади.

МАХФИЙ ТИЛ БИРИКТИРИШ — халқаро савдодаги ноҳалол рақобатнинг шаклларидан бири. Ёпиқ савдо иштирокчиларининг тил бириктиришлари, бозорларни бўлиб олиш ва нархларни белгилаш ҳақидаги келишувлар М.т.б.нинг турларидандир. Савдо иштирокчиларининг олдиндан келишиб олишлари ғайриқонуний битимга олиб келади, бунда сохта «ғолиб» сохта «мағлуб» билан аввалдан келишилган тартибда ҳисоблашади.

МАХФИЙЛИК ГРИФИ — давлат сирларини сақлаш тўғрисидаги қонунларга биноан, маълумотлар манбаидаги ушбу маълумотларнинг махфийлик даражасини билдирувчи реквизитлар бўлиб, манбанинг ўзига ва (ёки) унга қўшиб бериладиган ҳужжатга қўйилади.

МАЪЖУСИЙ (араб. — оташпараст) — милоддан аввалги II—I минг йилларда Заратуштра томонидан асос солинган қадимий динга эътиқод қилувчи.

МАЪЛУМ МУДДАТГА ЧЎЗИЛГАН ЖИНОЯТЛАР — ўз хусусиятларига кўра, жиноий оқибат бир йўла эмас, балки жиноий ҳаракатни давомли тарзда содир этилиши бўлиб ҳисобланади. Бу каби жиноятлар кўп ҳолларда ўз вазифалари ва мажбуриятларини муддатида бажармасликда намоён бўлади. Масалан, ҳарбий хизматдан бўйин товлаш, хизмат жойидан узбошимчалик билан кетиб қолиш, жиноят ҳақида хабар бермаслик айнан шу турдаги жиноятлар бўлиб ҳисобланади.

МАЪЛУМОТ ЖИҲАТИДАН ЧЕКЛАШ — сайлов қонунининг тала-

би. М.ж.ч. га кўра сайлов ҳуқуқи (актив ёки пассив) фақат маълум ҳужжат билан тасдиқланган маълумот даражасига эга бўлган фуқароларга берилади.

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК — жиноий жавобгарликка нисбатан бироз енгил ҳуқуқий жавобгарлик шакли. М. ж. фуқаро ва мансабдор шахсларга содир этган маъмурий тартиббузарликлари учун тайинланади.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ — давлатни бошқаришга оид ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ соҳаси. М.ҳ. нормалари бошқарув аппаратини ташкил қилиш тартиби ва унинг фаолиятини, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикасида М.ҳ. давлат органларининг халқ хўжалик тармоқларини бошқаришга, ижтимоий тартибни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ва б.га доир фаолиятини тартибга солади.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК — ҳуқуқбузарликнинг бир тури. ЎзР МЖКда белгиланганидек, маъмурий ҳуқуқбузарлик — қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш дейилганда шахсга, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади. Маъмурий қонунбузарлик оқибатида маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос бўладиган айб (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) мавжуд бўлади. Кодекснинг 13-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда 16 ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар. Шу билан бирга, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг субъекти ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган вақтда ақли норасолик ҳолатида бўлган шахс, яъни сурункали руҳий касаллик, руҳий фаолият вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд бошқа хил касаллик оқибатида ўз ҳаракатларнинг аҳамиятини идрок эта олмайдиган шахс (спиртли ичимлик ёки гиёҳвандлик моддалари таъсирида бўлиш бундан мустасно) маъмурий жавобгарликдан озод этилади.

МАЪМУРИЙ УШЛАБ ТУРИШ — маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни амалга оширишни таъминлаш чораларидан бири. ЎзР МЖКнинг 29-моддаси билан тартибга солинади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилган шахсни маъмурий ушлаб туриш уч соатгача (баъзи ҳолларда суд томонидан, ички ишлар органлари, бошлиғи ёки бошлиқ ўринбосарлари томонидан ишни кўриб чиққунга қадар давом этиши мумкин. Чегара тартибини бузувчилар шахси ва ҳуқуқбузарлик шароити аниқлангунча уч суткагача ушлаб турилиши мумкин.

МАЪМУРИЯТ — 1) давлатнинг бошқарув фаолияти; бошқарув ишини амалга оширувчи давлат органлари мажмуи; 2) бошқарувчи мансабдор шахслар, муассаса, корхонанинг раҳбар ходимлари.

МАЪНАВИЙ ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ — ЎзР ФКда номоддий неъматларни ҳимоя қилишнинг усулларидан бири.

МАҲАЛЛИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН КУРОРТЛАР — ЎзРнинг қонунларида белгиланганидек, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ихтиёрида бўлган алоҳида кўриқланадиган даволаш профилактика мақсадларида ўзлаштирилган ва фойдаланилаётган давлат ҳамда дам олиш муассасалари.

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ — ЎзР Конституциясининг 102-м.си ва ЎзРнинг 1993 йил 2 сентябрдаги «Маҳаллий

давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, ижроия ҳокимиятини тегишлигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради. М. д.ҳ.о. (ҳокимияти) бошқарма, бўлим ва бошқа бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг тузилиши, ташкил этилиши ва фаолияти тартиби ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган низомлар томонидан белгиланади.

МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ — маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни ташкил этишда сайлов орқали ташкил этиладиган орган. ЎзРнинг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни 9-моддасига асосан, фуқаролар йиғини — фуқаролар ўзини-ўзи бошқаришининг юқори органи бўлиб, аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир. Фуқаролар йиғинида ўн саккиз ёшга тўлган ҳамда шаҳар, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида доимий яшаётган шахслар қатнашадилар.

МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ИДОРАСИНИНГ МАНСАБДОР ШАХСИ — маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органининг ташкилий-тақсимот функциясини бажарувчи ва давлат хизматчилари тоифасига кирмайдиган сайланадиган ёхуд контракт (меҳнат шартномаси) бўйича ишлайдиган шахс.

МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАР — ЎзР ҳудудида солиқлар ва йигимлар ЎзР Олий Мажлиси томонидан белгиланади ва бекор қилинади. ЎзР СКда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустаснодир. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ЎзРнинг 1997 йил 24 апрелдаги СКи билан тартибга солинади. М. с. й. га қуйидагилар киради: 1) мол-мулк солиғи; 2) ер солиғи; 3) реклама солиғи; 4) автотранспорт воситаларини олиб сотганлик учун солиқ; 5) ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи (ЎзРнинг 1998 йил 25 декабрь қонуни билан киритилган); 5) савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, жумладан, айрим турдаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари; 6) юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхат олганлик учун йиғим; 7) автотранспорт тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим; 8) ободончилик ишлари учун йиғим. Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ФК, ЎзРнинг бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

М.с.й. ЎзР қонун ҳужжатлари билан жорий этилади ва республиканинг бутун ҳудудида ундирилади. Бу солиқлар ва йиғимлар ставкаларининг миқдорлари (ставкаси СК билан белгиланадиган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бундан мустасно) ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. М.с.й. ставкаларининг энг юқори миқдорлари ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Янги маҳаллий солиқлар ва йиғимларни жорий этиш ЎзР Вазирлар Маҳкамаси билан мувофиқлаштирилиши лозим. Маҳаллий солиқ ва йиғимлар маҳаллий бюджетга ўтказилади.

МАҲКУМЛАРНИ МЕҲНАТГА ЖАЛБ ЭТИШ — ЎзР ЖИК 88-моддасига биноан, «маҳкумларни меҳнатга жалб этишдан асосий мақсад уларда ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланиш эҳтиёжини шакл-

лантиришдан иборат». Маҳкумларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан, ЎзР ЖИКда назарда тутилган истисно ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда тартибга солинади».

МАҲКУМЛАРНИНГ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДАГИ ИШТИРОКИ — ЎзР ЖИК 98-моддасига биноан, «озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг фойдали ташаббусини кучайтириш, уларнинг меҳнати, маиший ҳаёти ва бўш вақтини ташкил этиш масалаларини ҳал этишда қатнашиш, интизомни ва ички тартибни сақлаб туришда муассаса маъмуриятига кўмаклашиш мақсадида маҳкумларнинг турли ташкилотлари тузилиши мумкин».

МАҲКУМЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ СЎЗЛАШУВЛАРИ — ЎзР ЖИК 77-моддасига биноан, «маҳкумларга техникавий имкониятлар мавжуд бўлган тақдирда телефон орқали сўзлашув ҳуқуқи берилади. Телефон орқали сўзлашув муассаса маъмурияти текшируви остида олиб борилади ҳамда ҳақи маҳкумнинг шахсий ҳисоб варағидан тўланади».

МАҲСУЛОТ — саноат маҳсулоти бирлиги, унинг сони доналарда (нусхаларда) ҳисобланиши мумкин.

МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ — ташкилотларнинг маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун сарф қилган чиқимининг пул шаклида ифодаланиши.

МДҲ ИҚТИСОДИЙ СУДИ — МДҲнинг асосий органларидан бири. М.и.с.нинг мақоми МДҲ мамлакатлари иқтисодий судининг мақоми ҳақидаги 1992 йил 6 июль битими билан белгиланган. У РФ, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова (қисман), Тожикистон, ЎзР томонидан имзоланган. Бу давлатларнинг ҳар бири МДҲ И.с.га иккитадан судья сайлайди. Унинг асосий мақсади — иқтисодий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни иқтисодий мажбуриятлар ва шартномаларни бир хилда қўллаш орқали ҳал этиш. Низоларни ҳал этиш тартиби МДҲ И.с.да тасдиқланган регламент орқали белгиланади. Бундай низолар қуйидагича бўлиши мумкин: давлатлар бошлиқлари, МДҲ мамлакатлари ҳукуматларининг кенгаши ва бошқа институтларининг қарорларида назарда тутилган иқтисодий мажбуриятларни ўташ пайтида юзага келадиган МДҲ мамлакатлари актларининг МДҲ бошқа актларига мувофиқ келиши. Суднинг қарори тавсия кучига эга. У қуйидагиларни шарҳлайди: МДҲ актлари ва бошқа институтларининг қоидалари; МДҲ қонунларининг ўзаро келишилган ҳолда қўлланилиши, жумладан, уларнинг Ҳамдўстлик томонидан қабул қилинган қонунлар ва битимларга зид эмаслиги; МДҲ И.с. нинг олий органи унинг пленумидир. Пленум регламентда кўрсатилган асосда МДҲ И.с. қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқади; битимлар, МДҲ иқтисодий масалалар бўйича ва бошқа актларининг унинг ҳудудида аъзо мамлакатлар томонидан бир хилда қўлланилиши устидан назорат ўрнатади; аъзо мамлакатларнинг қонунларидаги зиддиятларни бартараф қилиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқади ва давлатлар эътиборига ҳавола қилади.

МДП КИТОБИ — божхона органлари томонидан юк мурожаатномаси сифатида келишган ҳар бир давлат учун қўлланиладиган ягона божхона ҳужжати. МДП к. юк жўнатилган божхонадан юк қабул қилинган божхонагача юкларни кузатиб боради ва ҳар бир божхона ушбу ҳужжатда божхонада тегишли расмийлаштиришлар бўлганлигини тас-

диқлайди. Дастлаб МДП к. 1959 йилги Конвенцияга асосан («МДП к.ни қўллаш орқали халқаро юк ташиш тўғрисидаги божхона конвенцияси») Европада амалда бўлган; 1975 йилги янги конвенция МДП тизими Европа масштабини бекор қилади ва уни бутун дунёга тарқатади.

МЕДИАТЕР (лот. mediatio — воситачи) халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш ёки халқаро низоларни ҳал этишда воситачилик қилиш.

МЕДИАЦИЯ (лот. Mediatio; инглл. mediation — воситачилик қилиш) — халқаро ҳуқуқ талабларига асосан халқаро низоларни ҳал этишда учинчи томон бўлиб қатнашадиган давлат.

МЕДИКАМЕНТ (лот. medicamentum; инглл. medicaments) — даволаш ёки касалликнинг олдини олиш учун ишлатиладиган махсус тиббий дори-дармонлар. Суд тиббиёт экспертизасида медикамент инсонни жисмоний ва психологик даволашда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, суд-тиббиёт, техник-криминалистик, суд кимёвий ва бошқа экспертиза турларини ўтказишда ҳамда тиббий даволашда қўлланиладиган дори-дармон моддалари.

МЕҲМОНХОНАДА САҚЛАШ — фуқаролик ҳуқуқида омонат сақлашнинг махсус тури. ЎзР ФКнинг 899-моддасига мувофиқ, меҳмонхона унда яшаётган шахс томонидан олиб кирилган ашёларнинг йўқолганлиги, кам чиққанлиги ёки шикастланганлиги учун омонат сақловчи сифатида алоҳида келишув бўлмаган тақдирда ҳам жавоб беради. Пуллар, бошқа валюталар, қимматбаҳо қоғозлар, қимматбаҳо буюмлар бундан мустасно. Буюм меҳмонхона ходимига топширилса, ёки меҳмонхона номери ёхуд махсус хонага қўйилсагина, меҳмонхонага келтирилган деб ҳисобланади. Меҳмонхона пуллар, валюталар, қимматбаҳо қоғозлар учун улар меҳмонхона томонидан сақлашга олинган ёки индивидуал сейфга жойлаштирилган (сейф меҳмоннинг хонасида ёки меҳмонхонанинг бошқа хонасида жойлаштирилганлигидан қатъи назар) ҳолларда жавобгар бўлади. Сақлаш шартларига кўра, сейфдан бирор киши меҳмоннинг рухсатисиз ёки бошқа олдини олиб бўлмайдиган ҳолатлар натижасида фойдаланганлиги исботланса, меҳмонхона сейфдаги нарса учун жавобгарликдан озод қилинади. Ўз нарсаларининг йўқолганлиги, етишмаслиги ёки шикастланганлигини билган меҳмон бу ҳақда дарҳол меҳмонхона маъмуриятига хабар бериши керак. Акс ҳолда, меҳмонхона буюмларни сақлаш учун жавобгарликдан озод қилинади. Меҳмонхонанинг меҳмонлар буюмларини сақлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олмаслиги ҳақидаги эълон уни жавобгарликдан озод қилмайди.

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ — ЎзР МК 81-моддасига биноан, ходимнинг меҳнат фаолияти тўғрисидаги асосий ҳужжат. М.д. корхона, муассаса, ташкилотларда 5 кундан ортиқ ишлаётган ходимларнинг ҳаммасига юритилади. М.д.га ходим, у бажараётган иш ҳамда корхона, муассаса, ташкилотдаги ютуқлари учун олган мукофотлари ва рағбатлантиришлар ҳақидаги маълумотлар киритилади. Жазолар М.д.га ёзилмайди. Ишдан бўшаш сабаблари М.д.да амалдаги қонунларнинг қоидаларига аниқ мос тарзда ҳамда қонуннинг тегишли моддаси ва банди кўрсатилган ҳолда ёзилиши зарур. Меҳнат шартномаси (контракти) ходимнинг ташаббуси билан касаллиги, ногиронлиги, қарилик туфайли пенсияга кетиши, олий ёки ўрта махсус ўқув юртига ёхуд аспирантурага кирганлиги ва қонун муайян имтиёзлар ва афзалликлар беришни назарда тутадиган бошқа сабабларга кўра бекор қилинган-

да, М.д.га ишдан бўшаш ҳақидаги ёзув ушбу сабабларни кўрсатган ҳолда амалга оширилади. Ходим ишдан бўшаганда меҳнат дафтарчаси унга ишдан бўшаш кунида берилади.

МЕҲНАТ ЁШИ — инсон меҳнат қилиш қобилиятига, меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўладиган ёш. ЎзРда М.ё. эркаклар учун 16—60 ёш, аёллар учун 16—55 ёш қилиб белгиланган.

МЕҲНАТ ЖАМОАСИ — ЎзРнинг қонун ҳужжатларига биноан, ўз меҳнати билан меҳнат шартномаси асосида корхона фаолиятида иштирок этаётган барча фуқаролар. М.ж. маъмурият билан жамоавий шартнома тузиш, М.ж.нинг ўзини-ўзи бошқариши, корхона ходимларига М.ж. жамғармасидан ижтимоий имтиёзлар бериш каби масалаларни ҳал қилади. М.ж. ваколатларини амалга оширишнинг асосий шакли — умумий мажлис (конференция).

МЕҲНАТ ҲАҚИНИНГ ЭНГ КАМ МИҚДОРИ — ЎзРнинг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Меҳнат кодекси билан тартибга солинади. Муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик иш ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақи миқдоридан оз бўлиши мумкин эмас. Иш ҳақининг энг кам миқдорига қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар, нормал иш вақтидан четга чиққан ҳолда бажарилган ишлар учун оширилган миқдорда тўланадиган ҳақлар (МК 157, 158-моддалар), шунингдек, район коэффициентлари (153-модданинг тўтинчи қисми) қўшилмайди.

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ — ЎзРнинг корхоналар, муассасалар, ташкилотлардаги ёлланган ходимлар меҳнатини тартибга солувчи ҳуқуқ тармоғи. Қуйидаги муносабатларни тартибга солади: бевосита меҳнат қилиш бўйича — ишчи ва хизматчилар ҳамда маъмурият орқали муомала қиладиган иш берувчи ўртасидаги муносабатларни; ходимларнинг ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирок этиши, меҳнат шартларини белгилаш ва қўллаш, меҳнат низоларини кўриб чиқиш, меҳнатни муҳофаза қилиш каби бир қатор масалалар бўйича — маъмурият ҳамда меҳнат жамоаси ўртасидаги муносабатларни М.ҳ.нинг асосий манбаларига ЎзРнинг Меҳнат кодекси, ЎзРнинг «Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисида»ги 1992 йил 13 январь қонуни, «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолият кўрсатишининг кафолатлари тўғрисида»ги 1992 йил 2 июль қонуни, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 1993 йил 6 май қонуни ва бошқалар киради.

МЕҲНАТ КУНИ — 1930—1966 йилларда қўлланган. Жамоа хўжаликларида меҳнат сарфининг меъёри; даромадларни тақсимлаш асоси бўлиб хизмат қилган.

МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ — фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларидан бири. ЎзР Конституциясининг 37-моддасига асосан, «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларда ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибида ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат таъқиқланади», деб баён этилган. Шу билан бирга Ўзбекистон қонунларига асосан бу ҳуқуқ тегишлича таъминланади, жумладан, фуқаролик ва меҳнат кодексларнинг тегишли моддаларида белгиланган нормалар орқали. Бир қатор давлатларда (Италия, Болгария каби) меҳ-

нат қилиш ҳуқуқи конституцион тарзда фақат иш жойи таъминлаш орқали кафолатланган.

МЕҲНАТ НАФАҚАСИ — маълум бир меҳнат фаолияти учун тайинланади. Умумий меҳнат стажининг маълум қисмини ташкил этади. Жумладан, қарилик, ногиронлик, боқувчисидан жудо бўлганлик учун меҳнат стажи қўшиб ҳисобланади.

МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ — ЎзР МКга кўра, иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўллаш юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлар. Бундай ҳолларда низонинг ходим манфаатини ифода этувчи тарафи бўлиб ходимларнинг вакиллик органи иштирок этиши мумкин.

МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯ — корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда вужудга келадиган меҳнат низоларини ҳал этувчи бирламчи орган (ЎзР МК ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан кўриб чиқилишининг ўзгача тартиби белгиланган меҳнат низолари бундан мустасно). М.н.б.к. корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) томонидан сайланади. Меҳнат низолари бўйича комиссияга низолар, қачонки ишчи шахсан ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи касаба уюшмаси иштирокида маъмурият билан ўзаро қарама-қаршиликларни бевосита музокаралар орқали тартибга сола олмаган бўлса, кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Ишчи меҳнат низолари бўйича комиссияга ўз ҳуқуқининг бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан уч ой муддат ичида мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Меҳнат низолари бўйича комиссия қабул қилиб олинган аризани ўн кунлик муддат ичида кўриб ҳал этиши лозим. Низо ишчи ва маъмурият вакили иштирокида кўриб чиқилади. Меҳнат низолари бўйича комиссия қарори ишчи ёки маъмурият томонидан комиссия қарори нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн кун ичида туман (шаҳар) судига шикоят билан мурожаат қилишлари мумкин. Меҳнат низолари бўйича комиссия қарори (ишга қайта тиклаш тўғрисидаги қарорлардан ташқари) шикоят қилиш учун белгиланган ўн кунлик муддат ўтганидан сўнг корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти томонидан уч кун муддат ичида бажарилиши лозим.

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ (контракт) — ЎзРнинг меҳнат ҳуқуқида ходим ва иш берувчи ўртасида тузиладиган битим бўлиб, унга кўра ходим муайян мутахассислик, малака ёки лавозим бўйича корхонанинг ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда ишларни бажариш мажбуриятини, иш берувчи эса ходимга иш ҳақини тўлаш ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, жамоавий шартномада ва томонларнинг келишувида белгиланган меҳнат шароитини таъминлаш мажбуриятини олади. М.ш. қуйидаги муддатларга тузилади: 1) номаълум муддатга; 2) беш йилдан ортиқ бўлмаган маълум муддатга; 3) муайян ишни бажариш вақтига. Муддатли М.ш. меҳнат муносабатлари бўлғуси иш хусусияти ёки уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда муайян муддатга меҳнат муносабатлари ўрнатилиши мумкин бўлмаганда, шунингдек, қонунда бевосита назарда тутилган ҳолларда тузилади. М.ш. ёзма шаклда тузилади. Ходимнинг амалда ишга қўйилиши, ишга қабул қилиш белгиланган тарзда расмийлаштирилганлиги ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъи назар, меҳнат шартномасини тузиш деб ҳисобланади.

М.ш. муддати тугагандан сўнг меҳнат муносабатлари амалда давом этаётган бўлса ва ҳеч бир томон уларнинг тугатилишини талаб қилмаган бўлса, М.ш.(к)нинг амал қилиши номаълум муддатга давом эттирилган деб ҳисобланади.

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ — ЎзРнинг 1995 йил 30 августдаги қонуни билан таъсис этилган. Мамлакатда иқтисодиёт ва маданиятни юксалтириш, халқ турмуш фаровонлигини ошириш, Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ишида ҳалол меҳнати билан катта ютуқларга эришган ЎзРнинг фуқаролари «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланадилар. «Меҳнат шуҳрати» ордени билан ЎзРнинг фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТЛИЛИК — инсон саломатлигига боғлиқ бўлган меҳнат фаолиятига қобиллик. Инсон бажара оладиган иш хусусиятига кўра, умумий М.л. (яъни бирон ишни оддий шароитларда бажариш қобилияти), профессионал (яъни муайян касб, ихтисос бўйича иш бажариш қобилияти) ва махсус М.л. (яъни ишни муайян ишлаб чиқариш ёки иқлим шароитларида — ер остида ёки кессонларда, баланд тоғли жойларда ёки чўлларда бажариш қобилияти) фарқланади. Ҳажмига кўра, тўла ёки тўлиқсиз (чекланган, қисман ва ҳ.к.) М.л. ажратилади.

МЕҲНАТДАН ШИКАСТЛАНИШ — ЎзР меҳнат ҳуқуқида қуйидаги сабабларга кўра юз берган бахтсиз ҳодиса оқибатида ходим ёки хизматчи соғлиғининг йўқотилиши: а) меҳнат мажбуриятларини бажариш чоғида (жумладан, хизмат сафари вақтида), шунингдек, корхона, муассаса, ташкилот манфаатлари йўлида, ҳатто маъмурият топшириғисиз ҳаракат қилганда; б) ишга кетиш ёки ишдан қайтиш йўлида; в) корхона, муассаса, ташкилот ҳудудида ёки бошқа иш жойида иш вақти давомида (жумладан, белгиланган танаффуслар вақтида); иш бошлашдан аввал ёки иш тугаганидан сўнг ишлаб чиқариш қуроллари, кийимлар ва бошқаларни тартибга келтириш учун зарур бўлган вақт мобайнида; г) иш вақти давомида (белгиланган танаффусларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) корхона, муассаса, ташкилот ёки бошқа иш жойи яқинида, агар у ерда бўлиш меҳнат тартиби қоидаларига зид бўлмаса; д) давлат ёки жамоат мажбуриятини бажариш чоғида; ж) инсон ҳаётини қутқариш, мулкни ва ҳуқуқий тартибни муҳофаза қилиш бўйича фуқаролик бурчини бажариш чоғида содир бўлиши мумкин. М.ш. факти вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақалар, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик ҳолати бўйича пенсиялар тайинлашда инобатга олинади. М.ш. туфайли вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа шикастланишга олиб келган бахтсиз ҳодиса корхонада, унинг ҳудудида ёки ходим ўз меҳнат вазифаларини бажараётган бошқа жойда юз берганлиги ҳақида далолатнома мавжуд бўлган тақдирда тайинланади.

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — тегишли қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш профилатика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат (ЎзРнинг 1993 йил 6 майдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунининг 2-моддаси).

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЖАМҒАРМАЛАРИ — меҳнатни муҳофаза қилишга доир тадбирларни маблағ билан таъминлаш ман-

баи бўлиб хизмат қилувчи жамғармалар. М.м.қ.ж. республика, ҳудуд ва корхоналар даражасида шаклланади. Республика М.м.қ.ж. ЎзР ҳукумати ва Қорақалпоғистон Республикасининг ҳукумати, корхоналар М.м.қ.ж. маблағларининг бир қисми; меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонун ҳужжатларини бузган мансабдор шахслардан олинган жарималар; ЎзР ижтимоий суғурта давлат (мажбурий) жамғармасидан ажратмалар; корхоналарнинг ихтиёрий ажратмалари, фуқароларнинг ихтиёрий бадаллари ва бошқа тушумлар асосида шаклланади. Ҳудудий М.м.қ.ж. ЎзР маъмурий-ҳудудий тузилмалари бюджетларидан ажратилган маблағлар, тегишли ҳудудларда жойлашган корхоналар М.м.қ.ж. маблагларининг бир қисми, корхоналарнинг ихтиёрий ажратмалари, фуқароларнинг ихтиёрий бадаллари ва бошқа тушумлардан шаклланади. Корхоналар ҳар йили меҳнатни муҳофаза қилиш учун жамоа шартномалари ёки битимларида белгиланадиган ҳажмдаги зарур маблағларни ажратадилар. Санаб ўтилганлардан ташқари, жамоат М.м.қ.ж. ҳам ташкил этилиши мумкин. Корхоналар М.м.қ.ж.га йўналтириладиган маблағлар фақат ходимлар соғлиғини мустаҳкамлаш ва уларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга сарфланади. М.м.қ.ж. маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланадиган корхоналар сарфланган маблағларни корхонанинг ушбу фондига тўлиқ қоплаб қайтарадилар ва республика М.м.қ.ж га бошқа мақсадда сарфланган маблағнинг 100% миқдорида жарима тўлайдилар. М.м.қ.ж дан солиқ олиш билан боғлиқ муносабатлар ЎзР солиқ қонунлари билан тартибга солинади.

МЕМОРАНДУМ (лот. memorandum; инглл. memorandum) — 1) дипломатлик ҳужжат, дипломатлик ёзишмалар ҳужжати; 2) савдо тизимида ҳисоб-китоб, қарздорлик билан боғлиқ бўлган хат; 3) хизмат масаласи бўйича қандайдир маълумотнома ва бошқалар.

МЕНЕЖМЕНТ (инглл. management — бошқарув, ташкилотчи) — фирма фаолиятининг бозор шароитига мослашиб туришида менежмент катта аҳамиятга эга фаолият. Кенг маънода М. махсус бошқариш фаолиятини билдиради. М. фирманинг ишлаб чиқариш, тижорат ва молиявий фаолиятини бошқариш бўлиб, фирма жамоасининг гуруҳий манфаатига хизмат қилади. М.нинг объекти корхона фаолияти, унинг субъекти эса бошқариш ишини бажарувчи идоралар ва уларнинг ходимларидир.

МЕНЕЖЕР (инглл. manager — бошқарувчи) — корхона ва қарз берувчи ташкилот ҳамда унинг қуйи қатламининг бошқарувчиси. Шунингдек, менежерлар махсус тайёргарлик кўрган, бошқаришнинг сир-асрорларини, қонун-қоидаларини чуқур билувчи малакали мутахассислар ёлланма бошқарувчилар бўлиб ҳисобланадилар.

МЕРОС ҲУҚУҚИ, ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ — фуқаролик ҳуқуқининг бир қисми. Ўлими муносабати билан маълум ҳуқуқ ва мажбурият ёки мулкка эгаликнинг меросхўрга ёки ворисга ўтиши.

МЕРОС ҚОЛДИРУВЧИ (БЕРУВЧИ) — мерос қолдирувчи томонидан ёки ўлим тўшагида ётган фуқаронинг эгалигидаги мулк иккинчи бир кишига қонун асосида ёки васиятнома орқали ўтиши.

МЕРОС (ВОРИСЛИК) — 1) мулк ва мулкий ҳуқуқ; мулк эгаси ўлиши муносабати билан мулкка эгаликнинг қонунга асосан, меросхўрга ёки ворисга ўтиши.

МЕТА (итал. meta — ярмига тенг деган маънони англатади) — тадбиркорлик ҳуқуқида шартнома ёки ўзаро келишувнинг шарти деб тушуни-

лади. Яъни тузилган ёки ўзаро келишилган шартнома асосида келиб чиққан фойда ёки зарарни тенг иккига бўлишдир.

МЕЪЁРГА ЗИД ХУЛҚ-АТВОР — криминологияда жамиятда русм бўлган ахлоқ қоидаларидан оғишган қилмишлар.

МЕЪМОРЧИЛИК ЁДГОРЛИКЛАРИ — халқ ижодкорлиги намунаси бўлган, миллий дунёни англашни ўзида акс эттирган, анъанавий санъатнинг ўзига хослигини намоён этган меъморчилик мажмуалари (саройлар, мақбаралар, қалъалар ва ҳ.к.)

МИГРАНТ (лот. migrant/migrantis/; ингл. migrant) — кўчманчи шахс, кўчиб юрувчи шахс.

МИГРАЦИЯ (лот. migratio; ингл. migration) — кўчиш, аҳолини бир жойдан иккинчи жойга кўчириш; М. вақтинча маълум муддатга ёки доимий бўлиши мумкин.

МИЛИЦИЯ (лот. militia; ингл. militia — қўшин деган маънони англатади) — 1) маъмурий орган. М. жамоат тартибини сақловчи ва муҳофаза этувчи, фуқаролар ҳуқуқ, бурч ва эркинликларининг муҳофазасини таъминловчи ҳамда корхона, муассаса, ташкилотларнинг ҳуқуқий ҳолатини мустаҳкамловчи ва жиноятчиликка қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган; 2) айрим хорижий мамлакатларда халқ ҳаракати шундай деб номланади.

МИЛЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ — Британия мустамлакачилик империясининг барбод бўлиши натижасида вужудга келган, мустақил сиёсат олиб бораётган ва илгари қарор топган умумий манфаатлар негизида ва халқаро ўзаро бир-бирини тушунишга кўмаклашиш мақсадида ҳамкорлик қилаётган мустақил суверен давлатлар бирлашмаси. Унга аъзо бўлган давлатларнинг ўзаро ва Буюк Британия билан муносабатлари 1931 йилдаги Вестминстер мақомида ички ва ташқи сиёсатда мустақил ва тенг ҳуқуқли давлатлар сифатида белгиланган. Ҳамдўстлик тамойиллари ҳақидаги декларация (Сингапур, 1971 йил) консенсус тамойиллари асосида амал қиладиган Ҳамдўстликнинг ихтиёрий тусга эгалигини тасдиқлади. Ҳамдўстлик 30 республика ва 21 монархиядан иборат. 16 монархия давлати раҳбари сифатида шу мамлакатларда генерал-губернатор вакили бўлган Британия қиролини эътироф этишади; бешта монархия ўз қиролларига эга. Британия монархи М. ҳ. раҳбари ва рамзи ҳисобланади.

МИЛЛИЙ КЕЛИШУВ — қабул қилинган муҳим нормалар, ўзини тутиш қоидалари, мақсадлар ва бутун жамият қадриятларига нисбатан мамлакат фуқароларининг қарашлари бирлиги, ўхшашлиги. М. к. ЎзРнинг конституциявий принципларидан бири. Асосий қонунимизнинг муқаддимасида эълон қилинган ва бир қатор М.к.ларида ўз аксини топган. М.к.га жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳларнинг қарашларини мувофиқлаштириш, улар манфаатларининг мумкин бўлган мувозанатини топиш, ижтимоий муносабатларни барқарорлаштириш орқали эришилади. М. к.нинг ахлоқий асоси ватанпарварлик ҳисобланади. М. к. — жамият ва давлат барқарорлиги ва тараққиётининг муҳим шартидир.

МИЛЛИЙ ҚАРЗ — барча ички қарз мажбуриятларининг, жумладан, давлат қарзларининг мажмуи.

МИЛЛИЙ МАЖЛИС — айрим хорижий мамлакатларнинг парламент йиғилиши номи (масалан, Иордания, Камбоджа ва бошқалар; Франция Парламент палатасининг номи ва бошқалар).

МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК — Қ.: *Суверенитет.*

МИЛЛИЙ ПУЛ — давлат халқаро иқтисодий муносабатлар ҳамда ҳамкорлик олиб боришидаги асосий воситадир.

МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК — Қ.: *Хавфсизлик.*

МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК — шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ташқи ва ички хавфдан қонун билан кафолатланган ҳимояси. ЎзР Конституциясининг иккинчи бўлимида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари белгиланади. Улар миллий хавфсизлик объектларидир: инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари; жамиятнинг маънавий ва моддий қадриятлари; конституциявий тузум, суверенитет и давлатнинг ҳудудий яхлитлиги. М.х.га сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, экологик, ахборот, ижтимоий, технологик ва бошқа соҳаларда мақсадли комплекс дастурлари асосида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш орқали эришилади.

М.х.ни таъминлаш тизими қуйидагиларни ўз ичига олади: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари идоралари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, жамоат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш идоралари ва мамлакат фуқаролари, шунингдек, М. х. соҳасида муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик. ЎзРнинг миллий хавфсизлиги қуйидаги принциплар асосида таъминланади: инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш; халқнинг маънавий салоҳиятига, миллий онгига, ахлоқий қадриятларига таяниш; миллий манфаатларнинг устунлиги; шахс, жамият ва давлатнинг манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш; қонун устунлиги, ЎзР Конституцияси, қонунлари ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принципларига оғишмай риоя этиш; давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва чегараларининг дахлсизлигини сақлаш; ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик; ташқи сиёсатни мафкурадан холи этиш; ташқи ва ички сиёсатнинг бирлиги; бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик; халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларга оғишмай риоя этиш; низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, куч ишлатишдан, куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш; ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш; ижтимоий тараққиётда экологик ёндашувнинг устунлиги.

МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ — давлат ижроя ҳокимиятининг энг муҳим вазифаларидан бири, яъни ЎзР давлат хизмати фаолиятининг асосий йўналишлари: ташқи разведка ва контрразведка. Ташқи разведка идоралари хорижий давлатларнинг ЎзРнинг муҳим манфаатларига тааллуқли имкониятлари, ҳаракатлари, режалари ва мақсадлари тўғрисида маълумотлар йиғишади ва уларни ишлаб, текшириб чиқишади. ЎзР миллий хавфсизлик хизматининг контрразведка идоралари, уларнинг функционал ва ҳудудий муассасалари хорижий махсус хизмат идоралари ва ташкилотлари томонидан ЎзРга қарши қаратилган ҳаракатларини билиб олиш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришлари лозим. М.х.х.нинг ваколатига терроризм ва уюшган жиноятчиликка, ғайриқонуний қуролланган кишиларга қарши кураш олиб бориш ҳам киради. Контрразведка ўз ваколати доирасида давлат сирларининг сақланишини таъминлайди. ЎзР Конституциясига биноан (93-м. 21-банд) миллий хавфсизлик хизмати ЎзР Президенти томонидан тузилади.

МИНТАҚА (фр. region) — Энг йирик маъмурий ҳудудий бирлик.

МИНТАҚАВИЙ БИТИМ — халқаро шартномалар, давлатлараро

келишувлар; БМТ Низомида минтақавий битимда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш назарда тутилади.

МИССИЯ (лот. missio; инглз. mission) — 1) бир давлатдан иккинчи бир давлатга маълум топшириқни бажариш учун жўнатилган вакил; 2) бир давлатдан иккинчи бир давлатга дипломатик масалалар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун юборилган вакил; 3) топшириқни бажариш жавобгарлиги, топшириқнома; 4) миссионерлик бирлашмалари.

МИТИНГ (инглз. meeting) — сиёсий ва бошқа долзарб масалаларни ҳал қилиш учун йигилиш ва намойиш ўтказиш талаби. Фуқароларнинг ўз ижтимоий фаолликларини ЎзР қонунларига мувофиқ митинг, йиғилиш ва намойиш шаклида амалга ошириш ҳуқуқи ЎзР Конституциясининг 33-м.да кўрсатилган.

МОБИЛИЗАЦИЯ (лот. mobilis; инглз. mobilization; фр. mobilisation) — 1) маълум ҳолатни тезлик билан таъминлаш ёки маълум бир топшириқни тезлик билан бажариш; 2) ҳарбий қисм ва бўлинмаларни жанговар ҳолатга келтириш, тайёрлаш; захирадаги ҳарбий хизматчиларни армия сафига тезда чақириш.

МОВАРОУННАҲР — арабчада «дарё ортидаги юрт — ерлар» деган маънони билдиради. Бу сўз тарихий манбаларда биринчи маротаба араблар Амударё соҳилига етиб, дарё ортидаги ерларга кира бошлаган, VII асрнинг II ярмидан пайдо бўлган. Арабларнинг аста-секин Амударёдан ўтиб шимолга кириб бориши натижасида М. сўзининг жўғрофий маъноси ҳам аниқ мазмун касб эта бошлаган ва у нафақат Амударё ва Сирдарё оралиғи, балки Марв, Хоразм ҳамда Туркистон ва Турон ҳудудини ўз ичига олган. Сиёсий, иқтисодий ва маданий тусдаги қатор сабаблар натижасида X—XIII асрларда М. жўғрофий тушунчадан сиёсий тушунчага айланган. Айни шу даврлардан бошлаб М. деганда Ўрта Осиёнинг мусулмонлар истиқомат қиладиган ҳудудлари тушунила бошланган.

МОДДИЙ ЖАВОБГАР ШАХС — ЎзР Меҳнат кодексига асосан маълум ҳуқуқий ҳужжат ёки ўзаро шартнома асосида унга ишониб топширилган, биркитилган мулкка ёки қимматбаҳо объектга (мулкка) нисбатан сақлаш учун маълум жавобгар бўлган шахсдир. Мулкка тўла жавобгар бўлган шахс мазкур қонунчиликда кўрсатилган. Қуйидагилар мулкка нисбатан тўла моддий жавобгар этиб тайинлаш мумкин бўлмаган шахслар ҳисобланади: 1) олдин моддий жавобгар бўлган ва содир этган жинояти учун судланганлар; 2) қасддан содир этган жинояти учун қамалган ва ўғирлик, талон-торож ҳамда бошқа хавфли жиноят содир этиб, суд ҳукми билан жазони ўтаганлар.

МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК — бу ҳолат асосан ЎзР Меҳнат кодекси билан тартибга солинади. Меҳнат шартномасининг бир тарафи (иш берувчи ёки ходим) меҳнат соҳасидаги вазифаларини бажариши муносабати билан бошқа тарафга етказган зарарини ФК ва меҳнат тўғрисидаги бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларга мувофиқ қоплайди. Меҳнат шартномаси ёки унга қўшимча равишда тузилган ёзма шакддаги келишувда, шунингдек, жамоа шартномасида меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги аниқлаштириб қўйилиши мумкин. Бунда шартнома бўйича иш берувчининг ходим олдидаги жавобгарлиги ФКда назарда тутилганидан кам, ходимнинг иш берувчи олдидаги жавобгарлиги эса назарда тутилганидан кўп бўлмаслиги керак. Зарар етказилгандан кейин меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилинганлиги

меҳнат шартномаси тарафларини М.ж.дан озод қилишга сабаб бўлмайди. (ЎзР МК, 185-м.). Шунингдек, ЎзР МК 186-м.га асосан, меҳнат шартномасининг бир тарафи ўзининг ғайриҳуқуқий айбли хулқ-атвори (ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги) натижасида бошқа тарафга етказган зарари учун, башарти, ФКда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, моддий жавобгар бўлади. Тарафларнинг ҳар бири ўзига етказилган моддий зарарнинг миқдорини исботлаб бериши шарт.

ЎзР МКнинг XII боби, 185—186-м., меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги; 187—197-м. ходимга етказилган зарар учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги; 198—210-м. моддий жавобгарлиги масалаларига бағишланган.

МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА — корхона ходими ва корхона ўртасида ушбу ходимнинг корхона маъмурияти унга топширадиган мулк учун моддий жавобгар бўлиши ҳақида тузиладиган шартнома.

МОДЕЛ ҚОНУНИ — норматив тавсияларни, шунингдек, муайян соҳадаги ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу масалаларини ҳуқуқий тарзда ҳал этишнинг мумкин бўлган вариантини назарда тутувчи тавсиявий, андозавий мақомдаги қонунчилик актидир.

МОКИ ҚОНУНИ — парламент палаталари орасидаги келишмовчиликларни бартараф қилиш усули, унга мувофиқ мунозарали қонун лойиҳаси бир палатадан бошқасига тарафлардан бири иккинчисини таклифи билан рози бўлгунга қадар ёхуд токи қонун лойиҳаси узил-кесил рад қилинмагунча юборилаверади. Мазкур тартиб Аргентина, Венесуэла, Франция ва бошқа қатор мамлакатлар парламентларида қўлланилади. Палаталар ўртасидаги келишувда уларнинг умумий йиғилишида муваффақ бўлинади, бу эса қонунчилик жараёнини пайсалга солади ва палаталарни кундалик ишидан чалғитади.

МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ — тадбиркорлик фаолиятида қўлланиладиган олди-сотди шартномасининг турларидан бири. ЎзР ФКга биноан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган мол етказиб берувчи — сотувчи келишилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарган ёки сотиб олган товарларни харидорга тадбиркорлик фаолиятида ёки шахсий, оилавий мақсадда уйда ёки бошқача тарзда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун бериши шарт. ЎзР ФК М.е.б.ш. учун шартларни келишишнинг махсус тартибини белгилаган. Мол етказиб берувчи товарларни мол етказиб бериш шартномасининг томони бўлган харидорга ёки шартномада молни олувчи сифатида белгиланган шахсга товарларни тушириб бериш (бериш) йўли билан етказиб беради. Халқаро муомалада мол етказиб бериш 1980 йилги Товарларни олиш-сотиш халқаро шартномалари тўғрисидаги Вена конвенцияси билан тартибга солинади.

ЎзР ФКда давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб беришнинг бир қатор ўзига хос қоидалари белгиланган. Бундай мол етказиб бериш давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш давлат контракти, шунингдек, уларга мувофиқ тузиладиган ушбу мақсадларда товарлар етказиб бериш шартномалари асосида амалга оширилади. Давлат эҳтиёжлари деб ЎзРнинг қонунда кўрсатилган тартибда белгиланадиган ҳамда бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари молиялаштириш манбалари ҳисобидан таъминланадиган эҳтиёжлари тушунилади. Давлат эҳтиёжлари

учун товарлар етказиб бериш давлат контракти (бундан буён — давлат контракти) бўйича мол етказиб берувчи (ижрочи) товарларни давлат буюртмачисига ёхуд унинг топшириғи билан бошқа шахсга бериш мажбуриятини, давлат буюртмачиси эса етказиб берилган товарлар ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Давлат контракти давлат буюртмачисининг давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш ҳақидаги мол етказиб берувчи (ижрочи) қабул қилган буюртмаси асосида тузилади. Буюртма берган давлат буюртмачиси мол етказиб берувчи (ижрочи) қабул қилган давлат контрактини тузиши шарт. Давлат контрактини тузиш мол етказиб берувчи (ижрочи) учун қонунда белгиланган ҳолларда ва давлат буюртмачиси мол етказиб берувчи (ижрочи) давлат контрактини бажариши туфайли кўриши мумкин бўлган зарарнинг ҳаммасини қоплаган тақдирдагина мажбурий бўлади.

МОЛИК ИБН АНАС Абу Абдуллоҳ (721—795) — моликия мазҳабининг асосчиси, йирик фақиҳлардан бири. Ислом ҳуқуқ тизимини ишлаб чиқишда консерватив ўрин тутган. Пайғамбар давридаги анъаналарни ёқлаб чиққан, яъни «асҳоб ал-ҳадис» («ҳадис тарафдорлари») оқимининг йирик намоёндаси бўлган. Умрининг охирида зоҳидликка берилган ва таркидунё қилиб узлатда яшаган. Ягона асари — «Ал-Муватто» («Оммавий», «Барчага тушунарли» маъносида). Бу асар илк ҳадис тўпламларидан бири ҳисобланади.

МОЛИКИЯ — Молик ибн Анас томонидан асос солинган суннийликдаги ҳуқуқ мазҳабларидан бири. Бу мазҳаб тарафдорлари ҳуқуқ масалаларида рационалистик усулга, яъни Қуръон ва ҳадисларни ақлга асосланган ҳолда талқин қилишга қарши чиққан. Дастлаб Ҳижоз ва Мадинада, кейин бошқа мамлакатларда тарқалган. Ҳозирда Тунис, Жазоир, Марокаш, Ливия ва айрим Африка мамлакатларида тарафдорлари бор.

МОЛИЯ — давлат ёки ташкилот ихтиёрида бўлган барча пул маблағларининг мажмуи. Шунингдек, уларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва ишлатилиши.

МОЛИЯ ҲУҚУҚИ — давлат ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўз вазифаларини амалга ошириш учун зарур пул жамғармаларини шакллантириш, тақсимлаш ва ишлатиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар. М.ҳ. муайян предметга ва тузилишга эга бўлган мустақил ҳуқуқий соҳадир.

МОЛИЯВИЙ ВЕКСЕЛЬ — товар билан таъминланмаган ва асосий вазифаси пул маблағларини жойлаштиришдан иборат бўлган вексель. М.в. турларига банк вексели, хазина вексели, сохта (дўстона, бронза вексели), юридик шахсларнинг муддати ўтган кредитор-қарздорлик векселлари киради.

МОЛИЯВИЙ ИНТИЗОМ — молиявий фаолиятни амалга оширишнинг барча бирлашмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган тартиби.

МОЛИЯВИЙ ЙИЛ — солиқ қонунларининг нормаларига биноан, турли ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги хўжалик юритиш субъектлари фаолиятиниг натижалари тўғрисида молиявий ҳисобот тузиладиган, қонунда белгиланган йиллик муддат. Одатда М.й. бошланиши ва охири бюджет йилининг бошланиши ва охири билан мос келади, чунки айнан ана шу муддатлар юридик ва жисмоний шахслар учун давлат органларига молиявий ҳисоботлар ва декларациялар, бюджет ва нобюджет фондла-

рига ўз фаолиятининг амалдаги натижаларини инобатга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар тузиш ва тақдим этиш муддатларини белгилаб беради. Кўп мамлакатларда М.й. тақвим йилига тўғри келади; айримларида М.й. бошланиши ва охири тақвим йилига мос келмайди (м-н, Буюк Британия ва Японияда М.й. 1 апрелдан 31 мартгача; Канадада — 1 июлдан 30 июнгача; АҚШда 1 октябрдан 30 сентябргача; Туркияда 1 мартдан 28 февралгача). Бу ҳам тарихий, ҳам ижтимоий-сиёсий сабаблар (чунончи, парламент қонун чиқарувчи палаталарининг иш тартиби), мамлакат бюджет жараёнининг хусусиятлари билан боғлиқ.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ — хўжалик субъектлари (ташкилотлар) қонун талабларига мувофиқ тузадиган мажбурий ҳисобот шакли; ташкилотнинг тугаган молиявий йил давомидаги фаолиятига оид ҳисобот бўлиб, аниқ рақамларда ифодаланади.

МОЛИЯВИЙ КОМПАНИЯ — алоҳида банк операцияларини бажарувчи кредит ташкилоти. М.к. қуйидаги мезонлар бўйича банк муассасаларига қўйиладиган талабларга жавоб бермайди: устав фондининг ҳажмига кўра (халқаро қоидаларга кўра, банкнинг устав фонди камида 5 млн. ЭКЮ бўлиши керак); бажариладиган операциялар рўйхати бўйича; фаолиятининг давлат томонидан бошқарилиш даражаси бўйича. Халқаро амалиётда М.к. истеъмол кредитлари, ўрта ва кичик корхоналарга кредитлар бериш, жамғармаларни жалб этиш, чекларни расмийлаштиришга ихтисослашган, шунингдек, факторинг, суғурта, кўчмас мулк савдоси билан ҳам шуғулланади. М.к.га марказий банкларда ҳисобларни резервация қилишнинг давлат томонидан белгиланган тартиби, ликвидлик ва барқарорлик нормативларини сақлаш тартиби жорий этилмайди. ЎзР қонунларида «М.к.» тушунчаси йўқ.

МОЛИЯВИЙ ЛИЗИНГ — уч томонлама битим бўлиб, унда ижара берувчи лизинг объектини молиявий корпорацияга, у эса, ўз навбатида, ижарачига беради. Шундай қилиб, молиявий корпорация ёки банк лизинг операцияларининг амалдаги иштирокчилари ўртасида воситачилик қилади, иштирокчилар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар ва тўловлар бўйича барча ишларни, шунингдек, умуман операция бўйича хавфнинг катта қисмини ўз зиммасига олади. Бундай муносабатлар Халқаро молиявий лизинг бўйича конвенция (Оттава, Канада, 1988 йил май) билан алоҳида тартибга солинади. Ушбу ҳужжатда фақат М.л. масалаларигина эмас, балки лизинг битимлари доирасидаги мол етказиб бериш масалалари ҳам тартибга солинган.

МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ — таълим, давлат ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш субъектлари пул фондларини мамлакат ва алоҳида минтақаларни самарали ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида тақсимлаш ва ишлатиш соҳасидаги ҳаракатларнинг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлигини назорат қилиш. М.н. барча молиявий-ҳуқуқий институтларга хос. Шу боис умуман молиявий назоратни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини бошқарувчи умумий молиявий-ҳуқуқий нормалардан ташқари, унинг айрим молиявий-ҳуқуқий институтларидаги ўзига хос томонларини назарда тутувчи нормалар мавжуд.

Молиявий-ҳуқуқ билан тартибга солинадиган муносабатлардаги М.н.нинг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат: а) ташкилотлар ва фуқароларнинг давлат ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ол-

дидаги молиявий мажбуриятларини бажаришини текшириш; б) давлат ва муниципал корхоналар, муассасалар, уларнинг хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувида бўлган ташкилотлар пул ресурсларидан (бюджет маблағлари ва ўз маблаглари, банк ссудалари, нобюджет ва бошқа маблағлардан) тўғри фойдаланилаётганлигини текшириш; в) корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг молиявий операциялар ва ҳисобкитобларни тўғри амалга ошираётганлигини, пул маблағларининг тўғри сақланишини тартибга солувчи қоидаларга риоя этаётганликларини текшириш; г) ишлаб чиқаришнинг ички резервларини — хўжалик рентабеллигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, моддий ва пул маблағларидан тежамлироқ ва самаралироқ фойдаланиш имкониятларини аниқлаш; д) молиявий интизом бузилишини бартараф этиш ва унинг олдини олиш.

Бундай қоида бузилишлари аниқланганда, белгиланган тартибда ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан таъсир чоралари қўлланилади, давлатга, ташкилотларга, фуқароларга етказилган моддий зарарнинг қопланиши таъминланади. М.н. чораларини амалга ошириш натижасида қонунийликнинг жиҳатларидан бирини ифодаловчи молиявий интизом мустаҳкамланади.

М.н. турли асосларга кўра фарқланади. Ўтказилган вақтига кўра, у дастлабки, жорий ва кейинги турларига бўлинади. Назоратнинг бундай турлари барча назорат органларининг фаолиятига хос. Уни амалга оширувчи органлар (субъектлар) бўйича қуйидаги М.н.лар фарқланади: а) давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг вакиллик идоралари М.н.; б) Президент М.н.; в) ҳокимиятнинг умумий ваколатга эга бўлган ижроия органлари М.н.; г) молиявий-кредит органларининг М.н.; д) идоравий ва хўжалик ичидаги М.н.; е) жамоатчилик М.н.; ж) аудиторлик М.н.

МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ ҲУЖЖАТЛАРИ — давлат ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг молиявий фаолияти жараёнида қабул қилинган ҳужжатлар. Маълум бир муддатда молия соҳасида аниқ вазифаларни бажарувчи, сафарбарлик бўйича режалар ҳам бор. Молиявий ресурслардан фойдаланиш ва тарқатиш М.р.ҳ. қуйидагиларга тааллуқлидир: а) давлатнинг асосий молиявий режаси — ЎзРнинг бюджети, ЎзР вилоятларининг давлат бюджетлари ва маҳаллий бюджетлар; б) давлат мақсадли фондларининг молиявий режалари; в) банкларнинг молиявий-кредит ва касса режалари; г) суғурта ташкилотларининг молиявий режалари; д) вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат бошқарув органларининг молиявий режалари ва сметалари; е) корхона ва бирлашмаларнинг молиявий режалари (даромадлар ва харажатлар балансларини); ж) давлат ва маҳаллий бюджетда турадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметалари.

МОЛ-МУЛК — 1) шахснинг (жисмоний ёки юридик), давлат ёки муниципал ташкилотнинг, ёхуд хўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқидаги ташкилотнинг эгалигида бўлган ашёлар ва моддий қимматликлар йиғиндиси. М.-м. таркибига, пуллар ва қимматли қоғозлар ҳам киради; 2) ашёлар ва бошқа шахслардан (актив) ашёлар ёки мулкий қониқиш олиш учун бўлган мулкий ҳуқуқларнинг йиғиндиси; 3) уларнинг эгаларининг мулкий ҳолатини (актив ва пассив) тавсифловчи ашёлар, мулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар йиғин-

дисини англатиш учун қўлланиладиган тушунча. М.-м.нинг бу тушунчаси мерос олиш ва қайта ташкил этиш натижасида юридик шахсларнинг тугатилишидаги универсал ҳуқуқий мерос (бир шахсдан бошқасига актив ва пассив — ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ўтиши) билан боғлиқ.

МОЛ-МУЛК ЦЕНЗИ — сайлов ҳуқуқи (актив ёки пассив) фақат аниқ бир қийматдаги мол-мулкка эга бўлган ёки белгиланган миқдордан кам бўлмаган солиқларни тўлаган фуқароларга берилиши керак бўлган сайлов қонунининг талаби. XIX асрда бутун жаҳон бўйлаб тарқалган эди, ҳозирда эса фуқаролар тенглиги тамойилига зид бўлганлиги учун кам учрайди. Масалан, Канадада парламентнинг юқори палатаси (сенат)га фақат камида 4000 доллар қийматидаги кўчмас мулкка эга бўлган фуқарогина сайланиши мумкин.

МОЛ-МУЛКНИНГ НОБУД БЎЛИШИ — суғурта ишларини амалга оширишда мол-мулкнинг, етказилиши зарур бўлган юкнинг табиий бузилиши ва нобуд бўлиши тушунилади. ЎзРнинг ФКнинг 915-моддасига асосан суғурта шартномаси маълум бир мол-мулкнинг бузилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфини ҳисобга олган ҳолда тузилиши зарур.

МОНАРХ (юнон. monarchos; ингл. monarch) — якка ҳокимлик, танҳолик маъносини англатиб, давлат бошқарувини бир киши, якка монарх томонидан бошқарилиши тушунилади. Давлат тепасида подшо, император, қирол, шоҳ, султон туради ва якка ўзи давлатни бошқаради.

МОНАРХИЯ — олий ҳокимият якка ҳоким давлат бошлиғининг қўлида бўлган ва бу ҳокимият мерос қилиб бериладиган давлат бошқаруви шаклидир.

МОНАРХИЯНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ — 1) монархия давлатни шахсийлаштиради, монарх ташқи ва ички сиёсатда давлат бошлиғи сифатида майдонга чиқади; 2) монарх давлатни якка ўзи бошқаради; 3) монарх ҳокимияти муқаддас деб эълон қилинади; 4) монарх ўз фаолиятида расман мустақилдир; 5) ҳокимиятни ўрнатиш, қабул қилиш (легитимлаштириш)нинг алоҳида тартиби мавжуд; 6) муддатсиз, умрбод бошқарув; 7) монарх ўз бошқарувининг натижаси учун юридик жавобгар эмас.

МОНАРХИЯНИНГ ШАКЛЛАРИ — мутлақ ва чекланган (ёки парламентар) шаклларда бўлади. Давлат ҳокимиятини бошқа биронта идора билан чекланмаган монарх (қирол, подшо, император) амалга оширса (масалан, Саудия Арабистонида), бундай монархия мутлақ монархия дейилади. Агар монархнинг ҳокимияти конституция асосида амал қиладиган бирон-бир ваколатли идора билан чекланган бўлса, бундай монархия чекланган, конституциявий, парламент шаклида бўлади (м-н, Буюк Британия, Дания, Норвегия, Швеция).

МОНИТОРИНГ (ингл. monitoring) — 1) маълум жараённи доимий кузатиш, ҳисобга олиш, уларга баҳо бериш ва истиқболини белгилаш; 2) атроф табиий муҳитнинг ҳолатини ва унинг ресурсларини кузатиш, ҳисобга олиш, уларга баҳо бериш ва уларнинг истиқболини белгилаш мақсадида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизими ташкил этилади.

МОНОГАМИЯ (ингл. monogami; юн. monos — якка, gamos — никоҳ;) — якка никоҳлилик, яъни бир эркакнинг бир аёл билан якка никоҳ асосида яшаши.

МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК — ЎзРнинг 1996 йил 27 декабрдаги «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, ҳўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузган тақдирда: монополияга қарши давлат органининг кўрсатмаларини белгиланган муддатда бажаришлари; етказилган зарарнинг ўрнини қоплашлари; жарима, пеня тўлашлари шарт (Қонуннинг 17-моддаси).

МОРАТОРИЙ (лот.) — муайян мажбуриятни ижро этиш муддатини ҳукумат томонидан маълум муддатга суриш (мас., ядро қуроллари синови М-си). Бирор фавқулодда ҳолат (мас., уруш, табиий офат) муносабати билан ҳам қилинади.

МУ КОДЕКСИ — Чжоу давридаги қадимги Хитой жиноят ҳуқуқи мажмуи. М.к.нинг яратилиши эрамизгача бўлган X асрда бошқарувни амалга оширган ярим афсонавий подшоҳ (вану) Муга бағишланади. М.к.нинг манбаи оддий ҳуқуқ ҳисобланади. Кодекс суд ҳукмлари ёзувидан вужудга келган бўлиши мумкин; у 3000 та моддани ўз ичига олган. М.к. ўлим жазоси ва кўплаб қаттиқ жазоларни (аъзоларни кесишни) кўзда тутган; ушбу жазоларни тўлов эвазига алмаштирувга йўл қўйилган, бу нарса пул ва мол-мулк жамғарилиши тўғрисида гувоҳлик беради. М.к.да қасддан ва эҳтиётсизлик орқасидан содир қилинган жиноятларни фарқлаш амалга оширилган.

МУАЙЯН БИТИМЛАР — бу бирор-бир нарса бўйича келишиш ҳамда ўз мулкини иккинчи шахсга ўтказишда тузиладиган оғзаки ва ёзма келишув. Муайян битимлар айрим шахслар томонидан ўз нарсасини бошқа шахсга ўтказишда содир бўлади.

МУАЙЯН ҲУҚУҚ МАКТАБИ — XX асрнинг 20-йилларида Америкада вужудга келиб, Америка ҳуқуқининг ривожланиши учун ташкил қилинган ҳуқуқий йўналишдаги мактаб. Судьялар бунда фақат қонунга бўйсуниш принципига амал қиладилар Грей, О. Холмс, Д. Франк ва бошқалар томонидан асос солинган. М. ҳ. м. вакиллари АҚШ ҳуқуқий тизимининг қадимги анъаналарига мурожаат қиладилар, улардаги ҳар хил ўзгаришларнинг замонга мослиги талаб қилинади. Судьяларнинг бунда фақат қонунга бўйсуниши принципига амал қиладилар. М. ҳ. м. нуқтаи назарида ҳуқуқ нормаси — бу бор-йўғи қонун чиқарувчининг фикри ҳисобланиб, судья бунга эътибор бериши ёки бермаслиги ҳам мумкин. Муайян ҳуқуқ мактабининг фикрича, ҳуқуқий норма, у қонунда ёки суд прецедентида акс топган ҳеч нарсага ярамайди, яъни ҳаётдан орқада қолган.

МУАЙЯН ҲУҚУҚДАН МАҲРУМ ЭТИШ — жиноий жазо турларидан бири бўлиб, айбдорнинг суд белгилаган муддат давомида корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу лавозимни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборат чора. Бундай фаолиятнинг турини суд айблов ҳукмини чиқариш вақтида белгилайди (ЎзР ЖК 45-модда). М.ҳ.м.э. айбдор эгаллаб турган лавозим ёки унинг фаолияти билан бевосита боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун асосий жазо сифатида бир йилдан беш йилгача ва қўшимча жазо сифатида бир йилдан уч йилгача бўлган муддатга белгиланади.

МУАЛЛИФЛИК ГОНОРАРИ — муаллифга (ёки унинг меросхўрига) фан, адабиёт ёки санъат асаридан фойдаланганлик учун тўланадиган

мукофот. М. г. миқдори муаллифнинг унинг асаридан фойдаланган ташкилот билан келишуви асосида белгиланади ва уларнинг шартномасида қайд этилади. Агар шартномада белгиланган бўлса, муаллифга бўнак (аванс) тўланиши мумкин. Асардан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун, бошқа турда фойдаланганлик учун мукофот тўланганидан қатъи назар, махсус М.г. тўланади. Муаллифлар ўртасида М.г. уларнинг келишувига кўра тақсимланади. Агар бундай келишувга эришилмаса, муаллифларнинг баҳс-мунозаралари судда кўриб чиқилади.

МУАЛЛИФЛИК ЁКИ ИХТИРОЧИЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ БУЗИШ — ЎзР жиноят қонунчилигида «Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар» жумласига киради. ЎзР ЖКнинг 149-м.сига асосан, тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулки объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш ҳолати.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ — муаллифнинг фан, маданият, адабиёт санъат соҳасида яратган янгиликларга берилган ҳуқуқи. Муаллифлик ҳуқуқи ЎзР ФК асосида ҳимоя қилинади. Шунга кўра ФКнинг 1041-моддасига асосан, муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан уларнинг мақсади ва қадр-қиммати, шунингдек, ифодаланиш усулидан қатъи назар, татбиқ этилади. Асар оғзаки, ёзма ёки идрок қилиш мумкин бўлган шаклда яратилиши мумкин. Шу билан бирга муаллифлик ҳуқуқи бошқа қонун ҳужжатлари асосида маълум бир кашфиётлар учун ҳам белгиланади ва шу қонунлар орқали ҳимояланади. Масалан, ЎзРнинг 1994 йил 6 май куни қабул қилинган «Ихтиролар, фойдали моделлар ва санъат намуналари тўғрисида»ги қонунида муаллифларга ўзлари яратган ихтиролари учун муаллифлик ҳуқуқи белгиланади ва ҳимояланади.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИНГ БУЗИЛИШИ — Қ.: *Муаллифлик ҳуқуқи.*

МУАЛЛИФЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ — ЎзР ФКнинг 1046-моддасига асосан, асар кимнинг ижодий меҳнати билан яратилган бўлса, ана шу фуқаро асар муаллифи ҳисобланади. Асар биринчи марта эълон қилинганда муаллиф сифатида кўрсатилган, башарти, бошқача ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади.

МУАЛЛИФНИНГ ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРИ — унинг ўз асарига бўлган ҳуқуқлари. Уларга қуйидагилар киради: асар муаллифи деб тан олиниш ҳуқуқи (муаллифлик ҳуқуқи); асардан муаллифнинг ҳақиқий исми, тахаллуси билан ёхуд исмини кўрсатмаган ҳолда, яъни аноним равишда фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсат бериш ҳуқуқи; асарни ҳар қандай шаклда чоп этиш ёки чоп этишга рухсат бериш, жумладан, чақириб олиш ҳуқуқи; асарни, чунончи, унинг номини ҳар қандай бузиб кўрсатишдан ёки муаллифнинг шаъни ва қадр-қимматига зарар етказувчи тажовуздан ҳимоялаш ҳуқуқи (муаллифнинг обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи). Муаллиф ўз асарини чоп этиш ҳақидаги аввалги қароридан воз кечишга ҳақлидир (чақириб олиш ҳуқуқи), аммо бундан ўз қарори туфайли фойдаланувчи шахс кўрадиган зарарни, жумладан, йўқотилган фойдани қоплаши шарт. Асар чоп этилиб бўлган тақдирда муаллиф уни чақириб олганлиги ҳақида оммавий равишда хабар бериши

шарт. Бунда у асарнинг илгари тайёрланган нусхаларини ўз ҳисобидан муомаладан чиқаришга ҳақли бўлади. Агар муаллиф билан тузилган шартномада бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ушбу қоидалар хизмат асарларига нисбатан ҳам қўлланилади.

МУАССАСА — ЎзР фуқаролик қонунларига кўра, мулкдор бошқарув, ижтимоий-маданий ёки бошқа нотижорат функцияларини амалга ошириш учун тузган ва ўзи тўла ёки қисман молиялаштирадиган ташкилот. М.нинг унга бириктирилган мулкка бўлган ҳуқуқлари ЎзР ФКнинг оператив бошқарув ҳуқуқи тўғрисидаги нормаларига мувофиқ белгиланади. М. ўз мажбуриятлари бўйича тасарруфида бўлган пул маблағлари билан жавоб беради. Бундай маблағлар етишмаган тақдирда тегишли мулк эгаси унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарликка эга бўлади. Давлат муассасалари ва бошқа айрим муассасалар ҳуқуқий мақомидаги хусусиятлар қонунда ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланади.

МУВОФИҚЛИК БЕЛГИСИ — Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунида белгиланганидек, ушбу сертификатлаштириш тизимида белгиланган тартибда рўйхатга олинган белги ўрнатилган талабларга кўра, улар томонидан маҳсулотларга қўйилган белгининг мувофиқлигини тасдиқлайди.

МУДАРРИС (араб.) — дарс берувчи, ўқитувчи. Илгари мударрислар муайян илоҳиёт фанидан дарс берган. Ҳозир хорижий Шарқ мамлакатларидаги мадрасалар ва диний университетларда фақат диний илмлардан эмас, дунёвий фанлардан дарс берувчилар ҳам мударрис, яъни ўқитувчи деб аталади.

МУДДАТИ ЎТГАНЛИК — М.ў. муддати содир этилган жиноятнинг ёки белгиланган жазонинг оғирлигига боғлиқ. Жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш учун белгиланган муддатнинг ўтишидан ташқари, қуйидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади: айбдорнинг бу муддат давомида икки йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш шаклида жазо белгиланиши мумкин бўлган янги жиноятни содир этмаганлиги ҳамда унинг тергов ва суддан яширинмаганлиги. Жиноий таъқиб М.ў.гининг муддати бир йилдан ўн йилгача бўлиши мумкин. Ушбу муддат ўтганидан сўнг айбдор жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, агар унга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса, у тўхтатилиши лозим. М.ў.нинг энг катта муддати — 15 йил. М.ў.ни ўлим жазоси белгиланиши мумкин бўлган жиноятни содир этган ва ушбу жазо чорасига ҳукм этилган шахсга нисбатан қўллаш масаласини суд ҳал этади. Агар суд М.ў.ни қўллаш мумкин деб топса, ўлим жазоси озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилади. Халқаро ҳуқуқда ҳам М.ў.нинг ҳарбий жиноятларга ва инсониятга қарши жиноятларга нисбатан қўлланилмаслиги белгиланган.

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШДАН ОЗОД ЭТИШ — ЎзРнинг 1992 йилдан 3 июлдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунининг 18-моддасига мувофиқ, тинчлик вақтида: тинчлик вақтида саломатлиги ёмонлашганлиги учун ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган; 27 ёшга тўлгунига қадар муддатли ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга чақирилмаган; рўйхатдан ўтказилган диний идораларнинг бирида диний рутбага эга бўлган;

туғишган ака-укаларидан бири муддатли ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ёки ўлган чақирилувчилар муддатли ҳарбий хизматга чақирилишдан озод этиладилар.

МУДДАТЛИ КРЕДИТ — маълум вақтга берилган қарз. Узоқ муддатли кредит — 7 йилдан кўп муддатга, ўрта муддатли — 2 йилдан 7 йилгача, қисқа муддатли — 1 йилгача бўлган кредитлар фарқланади.

МУДДАТЛИ ШАРТНОМА (КОНТРАКТ) — бир томоннинг муайян миқдордаги товарни ёки молиявий инструментларни келажакда муайян пайтда етказиб беришига, бошқа томоннинг эса белгиланган баҳода ҳақ тўланишини кафолатлашига асос бўладиган шартнома.

МУДДАТСИЗ ҚАРЗ — давлатнинг муайян муддатда капитал қарз суммасини қайтариш мажбуриятисиз чиқариладиган ички қарзлари. Муддатсиз қарзда давлат вақти-вақти билан фоизларни тўлаб туради. Давлатнинг молиялари ва пул бозорининг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, давлат бозордаги кунлик курс бўйича қарздорлик мажбуриятини сотиб олиш ёхуд тираж йўли билан қарзни қоплаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Муддатсиз қарзнинг асосий шакллари: давлат рентаси ва доимий қарзлар.

МУДОФАА — ЎзРнинг 2000 йил 11 майда қабул қилинган «Мудофаа тўғрисида» янги таҳрирдаги қонунига биноан, давлат мустақиллигини, ҳудудий яхлитликни, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилиш ва аҳолининг тинч ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ижтимоий-ҳуқуқий тадбирлар мажмуидир.

МУДОФАА БУЮРТМАСИНИ БАЖАРУВЧИ — давлат буюртмачиси ёки бош ижрочи (ижрочи) билан контракт асосида мудофаа буюртмасини бажаришда иштирок этувчи ташкилот. М. б. б. бўлиб тенг асосларда ташкилий-ҳуқуқий шакли ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, мудофаа буюртмасини бажариш бўйича фаолиятнинг тегишли тури билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган ташкилотлар бўлишлари мумкин.

МУДОФАА БУЮРТМАСИНИНГ БОШ ИЖРОЧИСИ — давлат буюртмачиси билан мудофаа буюртмаси бўйича маҳсулот (иш, хизмат) етказиб бериш учун давлат контракти тузган ва мудофаа буюртмасини ижро этувчилар билан маҳсулот (иш, хизмат) етказиб бериш учун шартномаларни тузаётган ташкилот. Мудофаа буюртмасини бажариш фаолиятининг тегишли тури билан шуғулланиш учун рухсати бўлган ташкилотлар уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, тенг асосларда бош ижрочи (ижрочи) бўлишлари мумкин.

МУДОФАА БУЮРТМАСИНИНГ ДАВЛАТ БУЮРТМАЧИСИ — ижро этувчи ҳокимиятнинг мудофаа буюртмаси бўйича маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, етказиб беришга оид буюртмасини бажарувчи органи. ЎзРда мамлакат мудофаа қобилияти ва хавфсизлик даражасини сақлаб туриш мақсадида қурол-яроқ ва ҳарбий техника, уларни ишлаб чиқиш, шунингдек, қурол-яроқ ва ҳарбий техника ишлаб чиқаришнинг янги технологиясини яратиш бўйича илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларининг давлат буюртмачиси ижро этувчи ҳокимиятнинг ЎзР қонунлари ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ўз таркибида қўшинлар ва қуролли тузилмаларга эга бўлган органи бўлиши мумкин.

МУДОФАА ЗАРУРАТИ УЧУН ЕРЛАР — чегара, ички темир йўл, қуролли кучларнинг корхона ва ташкилотлари, ҳарбий-ўқув юртлари, ҳарбий қисмлар муассасаларини жойлаштириш ва уларнинг доимий фаолияти учун берилган ерлар.

МУДҲИШ СУД КИТОБИ — Англияда 1086 йилда (1066 йилда, Англияни нормандлар истило этгандан 20 йил кейин) Музаффар Вильгелм I ташаббуси билан амалга оширилган ерни умумий рўйхатдан ўтказиш материаллари мажмуаси. Унинг мақсади қироллик тожи моддий ресурсларини аниқлашдан иборат. Европа тарихида бу илк бор ўтказилган ниҳоятда тўлиқ давлат рўйхатга олиши мобайнида вотчиналар миқдори, домен ва деҳқонлар ўртасида ҳайдаладиган ерлар, қорамол ва буюмларни тақсимлаш, мулк эгалари ва юридик эгалик қилувчиларнинг сони ва тоифаси ҳақида маълумотлар тўпланган.

МУЖТАҲИД (араб. — интилувчи, саъй-ҳаракат қилувчи) — ўрта асрларда исломда ижтиҳод ҳуқуқига эга бўлган шахс. Фиққнинг муҳим масалалари бўйича мустақил ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга шариат олими. Суннийларда ҳуқуқ мазҳабларининг асосчилари, шиаларда юқори мартабали руҳонийлар ва ҳуқуқшунослар мужтаҳид деб аталади.

МУКОФОТ — 1) у ёки бу хизматлари учун бериладиган рағбатлантириш чораси. М. пул шаклида, натура шаклида, шахсан бир одамга ёки бир гуруҳ шахсларга; 2) бир нархнинг иккинчи нархдан юқорилигини англатувчи қиймат. «Мукофотли» ёки «юқори нархда» деган тушунчалар шундан келиб чиққан; 3) опцион сотувчиси (обуначи)га тўланадиган қиймат, сумма; 4) суғурта қилувчи томонидан суғурта қилинувчига суғурта полисини тўлаш бўйича олган мажбуриятда кўрсатилган.

МУЛК — ишлаб чиқариш воситалари ва маҳсулотларнинг муайян шахсларга — якка шахсларга ёки жамоаларга — М. муносабатларининг аниқ типини акс эттирадиган муайян тарихий шарт-шароитлар асосида мансублиги. Аниқ субъектларнинг муайян объектларига (мулкка) ҳуқуқи сифатидаги М. ҳуқуқи, одатда, учта ваколатларга олиб келади: мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи. Эгалик қилиш ҳуқуқи — қонун буюмга амалда эгалик қилиш ва уни ўз тасарруфида тутиб туриш бўйича берадиган имконият. Фойдаланиш ҳуқуқи — мулкдан фойдаланиш, ундан фойдали хусусиятларини олиш ва (ёки) ундан меваларини ва даромадларни олиш бўйича қонунга асосланган имконият. М.ни тасарруф этиш ҳуқуқи — мулкдорга ўзининг хоҳишига қараб ва ўз манфаатларини кўзлаб М. юридик тақдирини белгилайдиган ҳаракатларни амалга ошириш юзасидан берилган имконият. Бундай ваколатлар ўзаро чамбарчас боғланган ва фақат комплекс ҳолида мулкчилик ҳуқуқининг юридик мазмунини ташкил этади.

МУЛК ҲУҚУҚИ — фуқаролик муносабатларида ўзаро ва мулк билан боғлиқ масалаларни ҳал этувчи нормалар тизими. ЎзР ФКнинг 164-моддасига асосан мулк ҳуқуқи — шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин ҳар қандай бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир. Бошқа ҳуқуқлардан фарқли ўлароқ М. ҳ. ўзига хос хусусиятларга эга, яъни шахс бу ҳуқуқига асосан эгалик, тасарруф этиш каби ҳолатларда (агар бу ўзгаларга зарар келтирмаса) мустақилдир. Фуқаролик қонунчилиги, жумла-

дан, ЎзР ФКнинг тегишли моддаларида мулк дахлсизлиги тегишлича белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, мулкнинг хусусий мулк ва оммавий мулк шакллари мавжуддир. Бунда мулк ҳуқуқи тегишлича мулк ҳуқуқидан кўпчилик фойдаланади ва уларнинг ҳуқуқи бирдек кафолатланади.

МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ — ЎзР ФКнинг 168-моддасига кўра — фуқаролар, юридик шахслар ва давлат мулк ҳуқуқининг субъектларидир. Мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида бир шахсга ёки икки ва ундан ортиқ шахсларга қарашли бўлиши мумкин. Мол-мулк фуқаро, юридик шахс ёки давлатнинг мулки бўлишига қараб, мулк ҳуқуқини, мол-мулкка эгалик қилиш ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқини вужудга келтириш ва бекор қилиш хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

МУЛК СОЛИҒИ — жисмоний ва юридик шахслар тасарруфида бўлган мол-мулк ва кўчмас мулкка солинадиган солиқлар. ЎзР СКнинг 90-моддасига кўра юридик шахслар учун асосий воситалар ва номоддий активлар ўртача йиллик баланс қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади. Жисмоний шахслар учун уларнинг мулки бўлган уй-жойлар, квартиралар, чорбоғ ва дала ҳовли, гаражлар ва бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар қиймати, моторли қайиқлар, вертолётлар, самолётлар ва бошқа транспорт воситалари, двигателларнинг қуввати солиқ солиш объекти ҳисобланади. М.с. тўғридан-тўғри солинадиган солиқ сифатида қадимги Европа давлатлари Греция, Рим ва шу билан бирга Шарқ давлатларида ҳам кенг тарқалган солиқ тури бўлиб ҳисобланган.

МУЛК ТИТУЛИ — мулкчилик ҳуқуқини сотиб олиш асослари. М.т. турли усуллар билан сотиб олиниши мумкин. Ушбу усуллар одатда икки гуруҳга бўлинади: **дастлабки,** яъни ушбу буюмнинг аввалги эгаси (мулкдори)нинг ҳуқуқларига боғлиқ бўлмаган М.т. (бундай мукдор илгари умуман бўлмаган ҳоллар ҳам шунга киради) ва **ҳосила,** яъни буюмга бўлган мулк ҳуқуқи аввалги мулкдорнинг ихтиёри бўйича юзага келадиган М.т.

МУЛКИЙ ЗАРАР — жисмоний ёки юридик шахс мулкига унга зиён етказиш ёки у билан бирга тузилган шартномани бажармаслик оқибатида етказилган зарар.

МУЛК ИЖАРАСИ — Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқида «ижара» тушунчасининг синоними.

МУЛКИЙ СУҒУРТА — объекти бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, яшаш жойлари, уй мол-мулклари, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили, ҳайвонлар ва бошқа моддий қимматликлар бўлган суғурта. М.с. турларидан бири транспортни суғурта қилиш ҳисобланади. Унинг объектлари бўлиб транспортлар (кемалар, самолётлар, автомобиллар ва ҳоказолар), шунингдек, улар томонидан ташилаётган юклар (биргаликда ёки алоҳида) ҳисобланади. Бу суғурталанувчига тегишли бўлган, шунингдек, унинг эгалигида, фойдаланишида ва тасарруфида бўлган мол-мулк бўлиши мумкин. Нафақат мол-мулк эгалари, шунингдек, унинг сақланиши учун жавобгар бўлган бошқа юридик ва жисмоний шахслар ҳам ўзўзидан суғурталанувчи бўлиши мумкин. Мол-мулкни суғурта қилишда зиён келиб чиққан ҳолда суғурта пули эмас (шахсий суғурта қилинган ҳолдаги каби), балки суғурта тўлови тўланади. М. с. шахсий суғуртадан (суғурталовчи ва суғурталанувчиларнинг ўзаро муносабатлари мол-мулк билан боғлиқ эмас), жавобгарлик суғуртасидан (муносабатлар қоида

тариқасида аниқ бир мол-мулкни ишлатиш асосида келиб чиқади, бироқ уларнинг мазмуни бу мол-мулкнинг қийматидан келиб чиқмайди) фарқ қилади.

МУЛКИЙ СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ — ЎзРда бир томон (суғурта қилувчи)нинг шартномада келишилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган ҳодиса (суғурта ҳолати) рўй берганда бошқа томон (суғурта қилинувчи)га ёки шартномадан манфаатлари кўзланган бошқа шахс (фойда олувчи)га ушбу ҳодисанинг рўй бериши оқибатида суғурта қилинган мулкка етган зарарни ёхуд суғурта қилинувчининг бошқа мулкий манфаатлари билан боғлиқ зарарларни шартномада белгиланган маблағ (суғурта суммаси) доирасида қоплаш (суғурта пулини тўлаш) мажбуриятини олишига асос бўладиган шартнома.

МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАР — ҳуқуқий муносабат қатнашчиларининг мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш, шунингдек, фуқаролик муомаласи қатнашчилари ўртасида бу мол-мулкни бўлиб олиш ва айирбошлаш (товарлар, хизматлар, ишлар, қимматли қоғозлар, пуллар ва бошқалар билан) сабабли моддий (мол-мулк) талаблар билан боғлиқ субъектив ҳуқуқлари. М. ҳ.лар мол-мулк эгасининг ҳуқуқи, ҳужалик юритиш ҳуқуқи, оператив бошқариш ҳуқуқи (ашёвий М.ҳ.лар) ва мажбурият ҳуқуқлари (шу жумладан, фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига, шунингдек, жисмоний ва юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зиённи ундиришга бўлган ҳуқуқ), муаллифлар ва ихтирочиларнинг ўзлари яратган асарлари (қилинган ихтиролар) учун мукофотланишга бўлган ҳуқуқи, мерос ҳуқуқи ҳисобланади.

МУЛКНИ ИШОНЧЛИ БОШҚАРИШ ШАРТНОМАСИ — бир томон (бошқарув таъсисчиси)нинг бошқа томон (ишончли бошқарувчи)га муайян муддатга мулкни ишончли бошқариш учун беришига, бошқа томоннинг эса ушбу мулкни бошқарув таъсисчиси ёки у кўрсатган шахс (фойда олувчи) манфаати йўлида бошқариш мажбуриятини олишига асос бўладиган фуқаровий-ҳуқуқий шартнома. Шартноманинг бу тури ЎзР ФК қабул қилиниши билан батамом мустаҳкамланди.

Мулкни ишончли бошқариш институтини англо-саксон ҳуқуқига хос бўлган ишончли мулкчилик (траст) институти билан адаштирмаслик лозим. Мулкни ишончли бошқариш учун топшириш унга бўлган мулкчилик ҳуқуқининг ишончли бошқарувчига ўтишига олиб келмайди.

МУЛКНИ ҚАСДДАН НОБУД ҚИЛИШ ЁКИ УНГА ЗАРАР ЕТКАЗИШ — ЎзР жиноят қонунига кўра, бировнинг мулкини ўғирлаш билан боғлиқ бўлмаган жиноят. ЎзР ЖК 173-моддасига биноан, ўзганинг мулкини қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш анча миқдорни ташкил этса, жарима ёки ахлоқ тузатиш ишлари ёки қамоқ ёхуд озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади. Жиноят қонунида ўша ҳаракатлар: а) миллатлараро ёки ирқий адоват ёхуд диний таассублар замирида; б) атрофдагилар учун хавфли усулда; в) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, шунингдек, хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахснинг ёки унинг яқин қариндошларининг мулкига нисбатан ёхуд уюшган гуруҳ ва унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, анча оғирроқ жазога сабаб бўлади.

МУЛКНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ — фуқарога тегишли бўлган мулкни ёки унинг бир қисмини ҳақ тўламасдан мажбурий тарзда тортиб олиш. Ўзбекистон ЖКда М.м.қ. жазо турларидан бири сифатида назарда тутил-

ган (у қўшимча жазо сифатида қўлланилади) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 53-моддаси) М.м.қ. суд томонидан қонунда назарда тутилган ҳоллардагина қўлланилади. Маҳкумнинг оиласи нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган уй-жой, квартира, уй анжомлари ҳамда жиҳозлари, кийимлар ва бошқа буюмлар мусодара қилинмайди.

МУЛКНИ ХАТЛАШ — ижроия ҳужжатлари бўйича суд ижрочиси ёки бошқа, мулкни ҳибсга олиш ҳуқуқига эга шахс томонидан мулкдан тўлов ундиришни таъминлаш бўйича тузилган ҳужжат.

МУЛЛА (араб. — тўла) — 1) ислом дини руҳонийси; 2) мусулмон мамлакатларида умуман билимдон, мадрасада ўқиган киши.

МУНИЦИПАЛ МУЛК — ЎзР ФК билан тартибга солинади. ФКнинг 215-м.сига асосан, давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик, корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек, бошқа мол-мулк муниципал мулк бўлади. М.м. бўлган мол-мулкни, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ёки улар қилган органлар тасарруф этадилар. М. м. бўлган мол-мулк юридик шахсларга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйилиши мумкин. М.м. маҳаллий бюджетга тушадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлардан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ, бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади. М.м. объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида хусусий мулк қилиб берилиши мумкин.

МУНОСИБ ХУЛҚ-АТВОРДА БЎЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТИЛХАТ — ЎзР Жиноят-процессуал кодексининг 250-моддасига асосан, эҳтиёт чораси сифатида дастлабки тергов ва суд терговини олиб бориш чоғида айбланувчиларга ва судланувчиларга нисбатан қўлланилади. Шунга кўра, айбланувчи ёки судланувчи суриштирувчига, терговчига, прокурор ёки судга ҳақиқатни аниқлаш учун тергов ва суд олиб бориш жараёнида чақирув бўйича ўз вақтида келишга, жиноий фаолият билан шуғулланмасликка ёзма равишда тилхат беради. Агар айбланувчи ёки судланувчи томонидан ўз мажбуриятларини бажармаслик ҳолатлари вужудга келса, унга нисбатан бошқа эҳтиёт чоралари қўлланади. Бу ҳақда тилхат бериш чоғида, айбланувчи ёки судланувчи расмий тарзда огоҳлантирилади.

МУОМАЛА КОНОСАМЕНТИ — маҳсулот ҳужжати бўлиб, унга кўра ушбу ҳужжат эгаси маҳсулотларга нисбатан мулк ҳуқуқига ва ҳужжатни берувчи томонидан ҳар қандай эътирозлардан холи бўлган ҳужжат шартларига мувофиқ равишда маҳсулотларни бериш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳужжат уни кўрсатувчи номига ёзилиши керак.

МУОМАЛАДАГИ ТОВАРЛАР ГАРОВИ — товарларни гаровга қўйиб, уларни гаровга қўювчида қолдириш ва уларнинг умумий қиймати гаров тўғрисидаги шартномада кўрсатилганидан камаймаслиги шарт қилиб қўйилган ҳолда гаровга қўювчига гаровга қўйилган мол-мулкнинг таркиби ва асл шаклини (товар захиралари, хомашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар ва шу кабилар) ўзгартириш ҳуқуқининг берилиши муомаладаги товарлар гарови дейилади. Гаровга қўйилган муомаладаги товарлар қийматининг камайишига, агар шарт-

номада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилган қисмига мос келадиган даражада йўл қўйилади. Гаровга қўювчи томонидан бошқа шахсларга берилган муомаладаги товарлар эгалловчининг мулкига, хўжалик юритишига ёки оператив бошқарувига ўтган пайтдан бошлаб гаров предмети бўлмай қолади. Гаровга қўювчи томонидан олинган, гаров тўғрисидаги шартномада кўрсатилган товарлар эса — гаровга қўювчида уларга нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келган пайтдан эътиборан гаров предметига айланади. М.т.г. да гаров буйича ёзув китоби юритилиши шарт. Унга товарлар гарови ва таркибини ўзгартиришга олиб келувчи барча операциялар тўғрисида ёки кун охиридаги операцияда уларни қайта ишлаш мумкин бўлган товарларнинг асл шакллари ҳақида ёзувлар киритилади. Гаровга қўювчи М.т.г. шартларини бузган тақдирда, гаровга олувчи гаровга қўйилган товарларга ўз белгилари ва муҳрларини босиб, тартибни бузиш бартараф қилингунга қадар улар билан амалга ошириладиган операцияларни тўхтатиб туришга ҳақли.

МУРДА ҲАРОРАТИ — суд тиббиётида ва криминалистикада асосан ўлимнинг бошланиш вақтини белгилашда фойдаланиладиган кўрсаткич. Ўлим бошланганидан сўнг тери устки қатламидаги ва мурда ичидаги ҳарорат атроф муҳит ҳароратига тенглаша боради. Модда алмашинуви жараёни тўхташи билан тана нурланиш, ўтказувчанлик ва буғланиш оқибатида, ички аъзолар эса конвекция натижасида совийди. Совиш тезлиги кўпгина омилларга — атроф муҳит ҳароратига, тана ўлчами ва оғирлиги, ҳавонинг ҳаракати, мурда ётган сатҳ, кийимларининг борйўқлиги ва бошқаларга боғлиқ. Юз, оёқ ва қўллар 1—2 соатдан кейиноқ сезиларли даражада совийди. 3—4 соатдан сўнг тананинг кийим билан қопланган аъзолари совийди. М.ҳ. бир текис пасаймайди, бошланғич ва сўнгги секинлашув кузатилади. Т.ҳ. соатига ўртача 1°С тезликда пасаяди. Т.ҳ. симобли термометр ёки рақамли индикацияси бўлган электр термометр билан ўлчанади. Ўлчовлар тўғри ичакда олиб борилади. Кўрсатмаларни атроф муҳитнинг ҳароратини қайд этган ҳолда ҳар 30 дақиқада олиш тавсия этилади.

МУСТАҚИЛ БРОКЕР — ЎзРнинг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонунига асосан, мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, ташкилотлар, хўжалик уюшмалари, брокерлик ва дилерлик фирмалари(идоралари) брокерлар, дилерлар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл юридик ва жисмоний шахслари биржа фаолиятининг иштирокчилари ҳисобланади.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ (МДҲ) — собиқ СССРнинг учта республикаси — РСФСР, Беларусь Республикаси ва Украина вакиллари томонидан 1991 йил 8 декабрда Минскда имзоланган МДҲнинг ташкил этилиши ҳақидаги Битим асосида ташкил қилинган давлатлараро ихтиёрий бирлашма. 1993 йил 22 январда Минскда қабул қилинган МДҲ Устави ЎзР Олий Кенгаши томонидан ўша йили ратификация қилинган. Кўрсатилган Битим ва МДҲ Уставига биноан Ҳамдўстлик мақсадлари халқлар ва давлатларнинг сиёсат, иқтисодиёт, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, фан, техника, савдо-сотиқ, инсонпарварлик ва бошқа соҳалардаги тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш, кенг ахборот алмашинуви, ўзаро мажбуриятларини виждонан ва сўзсиз бажаришдан иборат.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИНИНГ ТЎЛОВ ИТТИФОҚИ — МДҲ давлатларининг ихтиёрий бирлашмаси бўлиб, томонларнинг ўзаро ҳисоб-китоб ишларини узлуксиз амалга оширишини таъминлаш учун, ўз миллий валюталарини конвертация қилиш ва шу асосда тўлов тизимини шакллантиришга хизмат қилади. Бу Т. и. 1994 йил 21 октябрда МДҲ га аъзо давлат раҳбарлари томонидан имзоланган битим асосида ташкил этилган. Ушбу келишув асосида мультвалюта тизими ҳам таъсис этилиб, унинг фаолиятида ва ўзаро ҳисоб-китоб ишларида нафақат Россия рубллари, балки аъзо давлатларнинг пул бирликларини танлаш ва хўжалик юритишда қўллаш каби иқтисодий иттифоқ тузишнинг илк поғонасини шакллантиришга хизмат қилади.

«МУСТАҚИЛЛИК» ОРДЕНИ — ЎзРнинг 1994 йил 5 май қонуни билан таъсис этилган. «Мустақиллик» ордени билан ЎзРнинг фуқаролари мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва уни мустаҳкамлашга, республикада тинчлик ва тараққиётни таъминлашга қўшган улкан ҳиссалари учун мукофотланадилар. Айрим ҳолларда «Мустақиллик» ордени билан ЎзР фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

МУСУЛМОН ҲУҚУҚИ (ШАРИАТ) — ҳуқуқ тизимининг асосий йўналишларидан бири. М. ҳ. инсон ҳаётининг табиат, жамият ва оила билан ўзаро ҳамкорлигини, боғлиқлигини ўзида намоён этади.

Мусулмон ҳуқуқи (шариат) мусулмон динининг асосий бир бўлаги ҳисобланади. Дастлаб Арабистонда VII—VIII асрларда вужудга келган. Ҳар хил маълумотларга қараганда, мусулмонлар ер юзи аҳолисининг 1/5 қисмини ташкил этади. Мусулмон ҳуқуқи — ислом динининг ғоялари Қуръон китобида аниқ кўрсатилган. Қуръон китоби ва Муҳаммад пайғамбарнинг ҳадисларида эътироф этилишича, ҳар бир мусулмон қуйидаги 5 та мусулмончилик талабини (бурчини) бажариши зарур деб кўрсатилган: 1) худонинг яккалигини тан олиш ва Муҳаммад пайғамбарга уммат бўлиш; 2) ҳар куни беш вақт намоз ўқиш; 3) Рамазон ойида 30 кун рўза тутиш; 4) закот, яъни мол-мулки ҳисобидан хайр-эҳсон қилиш, камбағалларга ёрдам бериш; 5) Маккаю Мадинани зиёрат қилиш, яъни ҳаж зиёратини амалга оширишлари лозим. Ўзбекистон давлати ҳудудида ислом дини араблар томонидан киритилган бўлиб, 12 асрдан бери яшаб келмоқда.

МУТАВАЛЛИЙ (араб. — ишбоши, бошқарувчи) — ислом тарихида вақф мулкига ва ундан келадиган даромадга васийлик қилувчи, уни тақсимловчи диний амалдор. Вақф ерларини ижарага бериш, вақф мулкида хўжалик ишларини юритишни ҳам мутаваллий бажарган. Мутаваллий амали жуда муҳим ва сердаромад ҳисобланган. Тарихда вақф даромадининг кўп қисмини мутаваллийлар ўзлари ўзлаштирганликлари ҳақидаги маълумотлар ҳам бор. Мовароуннаҳрда мутаваллийларнинг ўзлари ҳам йирик мулкдорларга айланган. Хорижий Шарқ мамлакатларида мутаваллийлар ҳозир ҳам бор, улар вақфларни бошқарадилар. Айрим мусулмон мамлакатларида мутаваллий йирик зиёратгоҳ жойлар (мақбара, мозор ва бошқалар)ни, улардан келадиган даромадларни бошқаради. Ўзбекистонда масжидларнинг хўжалик ва молия ишларини бошқарувчилар мутаваллий дейилади.

МУТАКАЛЛИМЛАР — ислом диний фалсафаси — калом тарафдорлари. Уларнинг илк намоёндалари — ал-Ашъарий (873—935), Мо-

туридий (944 йилда вафот этган) ва бошқ. аристотелизм фалсафаси усулларидан фойдаланиб, ислом диний-ақидавий таълимотини асослашга уринганлар. Ҳозирги исломшунос олимларга нисбатан мутакаллимлар термини қўлланилмайди, у тарихий тушунчага айланган.

МУТЛАҚ ҚОНУН (социалистларга қарши) — Германияда 1878—1890 йилларда амалда бўлган; бу йилларда 350 ташкилот тарқатиб юборилган, 1500 киши қамоққа олинган ва 900 киши чиқариб юборилган; йиғилишлар тақиқланган, социал-демократик нашр таъқиб қилинган. Стачка ҳаракатининг ўсиши ва рейхстагга (1877 йилдан 1890 йилгача) сайловларда социал-демократик номзодлар учун овоз беришнинг уч баравар ортиши ҳукуматни қонуннинг амал қилишини узайтиришдан воз кечишга мажбур қилди.

МУТЪА (араб. — вақтинча фойдаланиладиган нарса) — шиаликда қонунлаштирилган муваққат никоҳ. Мутъага кўра шиалик шариати эркакларга қози тасдиқлаган расмий шартнома асосида вақтинча хотин олишга ижозат беради. Мутъанинг муҳлати 1 кундан 99 йилгача белгиланиши мумкин. Қисқа даврга белгиланган мутъа никоҳи фаҳшни ниқоблашдан иборат. Мутъа никоҳидаги хотин, ундан туғилган болалар, қонуний хотин ва болаларга қараганда ҳуқуқий жиҳатдан чекланган бўлади. Қиз болага мутъа никоҳига ўтиш тақиқланган. Мутъа никоҳи шиалик тарқалган хорижий мамлакатларда ҳозир ҳам амалда, лекин кўпинча яширин қилинади. Суннийликда мутъа мутлақо тақиқланган.

МУФАССАЛ КОНОСАМЕНТ — денгизда юк ташиш шартномаси бўлиб, юк белгиланган портга етказилишида оралиқ портда унга яна юк ортилиши ёки юкларни бошқа транспортга ортиш кўзда тутилган ҳолатларда тузилади. Одатда контейнерда юк ташишда қўлланади. М. к. юк жўнатувчи ва уни қабул қилувчини юк ортиш билан боғлиқ ташвишдан қутқаради, чунки иккинчи бир юк ташувчига топширувчи юк ташувчи экспедитор вазифасини бажаради.

МУФТИЙ (араб. — фатво берувчи, диний масалаларда қарор чиқарувчи) — 1) диний уламо. М. диний урф-одатларни ислом динига мувофиқ амалга оширишда фатво берувчи, диний-ҳуқуқий масалаларни ҳал этувчи шахс; 2) суннийликдаги олий мартабали руҳоний, мансабдор. Муфтий диний-ҳуқуқий масалаларни изоҳлаш, талқин этиш, шариатни татбиқ этиш масалаларида ҳал қилувчи ҳуқуққа эга. Одатда, унинг фикр ва қарорлари фатволарда баён этилиб, мусулмонлар учун қўлланма ҳисобланади. Хорижий Шарқдаги мусулмон мамлакатларида муфтийлик ҳукумат тайинлайдиган расмий лавозим ҳисобланади.

МУХОЛИФАТ — турли сабабларга кўра сиёсий ёки ижтимоий арбобларга (одатда кўпчиликни ташкил қилувчи) нисбатан мухолиф шахслар гуруҳи (мухолифат). М.нинг мақсади — ўзларининг принциплари, қоидаларини амалга ошириш ва ҳокимиятни қўлга олиш. М. барча ижтимоий ва сиёсий тизимларда мавжуд, лекин улар ташкилий расмийлаштирилган ва расмийлаштирилмаган бўлишлари мумкин. Биринчи ҳолда — улар мустақил гуруҳ ва партиялар тусида мавжуд, иккинчи ҳолда эса — расмий тус олишни хоҳламаган ёки ололмаган ва мавжуд сиёсатга қарши бўлмаган бошқа бирлашмаларнинг ҳимояси остида «яширин мухолифат» шаклида мавжуд бўлади. Охиргиси тоталитар жамиятлар ёки ўтиш даврларига хос бўлади.

ЎзР Конституцияси М.нинг ҳуқуқларини сиёсий плюрализмни амал-

га ошириш туридан бири, сўз ва уюшмалар тузиш эркинлиги ифодаси сифатида таъкидлайди. Конституциянинг 34-м.сида «Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик идораларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас», дейилган. Мухолифатнинг ҳуқуқлари «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунда ҳам мустаҳкамланган. Хусусан, қонуннинг 5 м.сида оммавий ташкилотлар (жумладан, мухолиф ташкилотлар), фаолиятига аралашиш ва давлат томонидан ноҳукумат сиёсий ташкилотларга маблағ ажратиш тақиқланади, чунки бу озчиликни ташкил қилувчи М.нинг ҳуқуқларини камситиш ҳисобланади.

МУШРИК — Аллоҳга бошқа худоларни шерик қилувчи, кўп худоликка эътиқод қилувчи.

МУЪТАЗИЛИЙЛАР (араб. — ажралиб чиққанлар, узоқлашганлар) — илк исломда илоҳиёт оқимларидан бирининг тарафдорлари. Бу оқим VIII аср ўртасида араб халифалигида пайдо бўлган. Дастлабки асосчиси Восил ибн Ато (699—748). Аббосий халифалардан Маъмун, Муътасим ва Восиқ ҳукмронлиги даврларида (827—851) муътазилийлар таълимоти халифаликда расмий эътиқод сифатида танилган. Мутаваккил (847—861) даврида эса бу таълимот тақиқланган, ортодоксал исломга оппозицияда бўлган оқим вакиллари — шиалар, хорижийлар; бошқа дин аҳллари — яҳудийлар, христианлар, хуррамийлар қатори муътазилийлар ҳам қаттиқ таъқиб остига олинган. Зиёлиларнинг вакиллари бўлган муътазилийлар антик фалсафа ва мантиқнинг усул ҳамда тушунчаларини илоҳиётга татбиқ қилиб, мистикани инкор этишга уринганлар, Қуръон ва сунна таълимотини ақл-идрокка мос талқин этишни илоҳиёт асосларидан бири деб эътироф этганлар, исломга рационалистик элементларни киритишга уринганлар. Муътазилийлар ўзларини яккахудолик (тавҳид, яъни ваҳдоният) ва адолат (адл) тарафдорлари деб атаганлар. Уларнинг илоҳиёт таълимоти якка худони, унинг адолатлилигини, Қуръоннинг худо томонидан яратилганини, ирода эркинлигини эътироф қилишга, антропоморфизм ва фатализмни инкор этишга асосланган. Бу оқим доимий равишда таъқиб қилинганлиги туфайли Ироқ ва Эронда XI—XII асрларга, Мовароуннаҳрда XIII—XIV асрларга келиб йўқолиб кетган. Унинг охирги вакилларидан бири Замаҳшарий эди. Лекин у ҳам умрининг охирида муътазилийлар сафидан чиққанлигини эълон этган.

МУҲАДДИС (араб. — ҳадисшунос) — 1) ҳадисларни тўплаш, кодификация қилиш (яъни диний таълимот нуқтаи назаридан уларни ишончли ва сохтага ажратиш) ҳамда шарҳлаш билан шуғулланган илоҳиётчи. Муҳаммад С.А.В. вафотидан кейин ҳадисларни тўплаш кенг анъанага айлана бошлаши натижасида илоҳиётчиларнинг бир қисми бу соҳада ихтисослашган ва улар муҳаддислар деб ном олган. Ҳадис тўпламлари эътибор қозониб, муҳаддислар (мас., Муҳаммад ал-Бухорий, Муслим ан-Нишопурий, Ибн Можа ва бошқалар) ислом тарихида машҳур бўлиб танилган. Муҳаддислар ва улар шуғулланган ҳадис илми (араб. — илм ал-ҳадис) Қуръондан кейинги иккинчи манба ҳисобланган; 2) ҳадисни тушунтириб берувчи ҳадис олими.

МУҲОЖИРЛИК — фуқароларнинг доимий ёки вақтинча яшаш учун бошқа мамлакатга келиши.

МУҲОЖИРЛИК КВОТАСИ — муҳожирларнинг бошқа мамлакатга кўчиб ўтиши мумкин бўлган энг кўп сони.

МУҲР — нусха қолдирувчи (мослама) қабариқ ва ботиқ шаклда ёзма матнлар, суратлар акс эттирилиб, унда юридик ёки жисмоний шахсларнинг номлари, манзиллари қайд этилади. Муҳрдан нусхалар қоғоз ёки матоларга, мумга, пластилин ёки бошқа пластик қоришмаларда қолдирилади. М. даги маълумотлар ўзгартирилиши мумкин эмас. Давлат идоралари учун давлат рамзи — герб туширилган муҳрлар жорий этилган.

Муҳрлар, идора қоғозлари, штампларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш ЎзР ЖКнинг 228-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

МУҲТАСИБ (араб. — назорат қилувчи) — ўрта аср мусулмон давлатларида ислом маросимлари, урф-одатлари ва шариат қонунларининг (масалан, бозордаги тош-тарози, нарх-наво ва ҳ.к.) бажарилиши устидан назорат қилувчи амалдор. Шариат тизимига хос мансабдор шахслар тоифасига кирган. Мовароуннаҳрда бундай амалдорлар раис деб аталган. Муҳтасиблар бозорлардаги нарх-наво ва ўлчов асбобларининг тўғрилиги устидан назорат қилиш, урф-одатларнинг бажарилишини кузатиш, диний маросимларни бажармаган кишиларни (масалан, рамазон ойида рўза тутмай чойхонада ўтирганларни, азон айтилгандан кейин масжидга намозга бормаганларни) дарра билан уриб жазолаш ҳукмини чиқариш, ўша ернинг ўзида ҳукмни ижро эттириш кабилар билан шуғулланган. Ислом мамлакатларида ҳали ҳам муҳтасиблар, ёки бошқа ном билан аталса-да, унинг вазифасини бажарувчи мансабдор шахслар бор.

«Н»

НАВБАТДАГИ ГАРОВ — ЎзР фуқаролик қонунчилигига асосан гаров муносабатларининг бир тури. ЎзР ФКнинг 273-моддасига асосан, агар гаровга олинган (ёки қўйилган) мол-мулк бошқа талабларни таъминлаш учун яна бир гаров нарсасига айланса (навбатдаги гаров), навбатдаги гаровга олувчининг талаблари олдинги гаровга олувчиларнинг талаблари қаноатлантирилганидан кейин ушбу мол-мулк қиймати дан қаноатлантирилади. Агар гаров тўғрисидаги олдинги шартномаларда навбатдаги гаров тақиқлаб қўйилган бўлмаса, навбатдаги гаровга йўл қўйилади. Гаровга қўювчи ҳар бир навбатдаги гаровга олувчига ушбу мол-мулкнинг мавжуд бўлган барча гаровлари ҳақида маълум қилиши шарт ва у ушбу мажбуриятни бажармаслик туфайли гаровга олувчиларга етказилган зарар учун жавоб беради.

НАВИГАЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИ — денгиз флотида қишки мавсумда флотни таъминлаш. Ҳар йилнинг биринчи ярим йиллигида бўладиган юк ташиш, ортиш-туширишнинг таннархига тааллуқлидир.

НАЗОРАТ (ҳуқуқда) — Ўзбекистон Республикасида турли давлат органларининг қонунчиликни таъминлашга оид фаолияти шаклларидан бири. Прокурор Н-ти. суд Н-ти ва маъмурий Н.га бўлинади. Прокурор Н-ти барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, маҳаллий давлат кенгашларининг ижро ва

бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокуратура амалга оширадиган олий Н-тидир. Суд Н-ти судларнинг процессуал фаолияти бўлиб, судларнинг ҳукмлари, қарорлари ва ажримлари қонунийлиги ва асослилигини текширишдан иборат. Маъмурий Н. давлат бошқарув органларининг айрим бошқарув соҳаларида давлат томонидан белгиланган қоидаларга ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар риоя этишини назорат қилишдан иборат фаолиятидир.

НАЗОРАТ ВА ТЕКШИРИШНИНГ ТЕХНИКАВИЙ ВОСИТАЛАРИ — ЎзР ЖИК 65-моддасига биноан, «озодликдан маҳрум этиш жойларидан қочиш ва бошқа жиноятларнинг, жазони ўташнинг белгиланган тартибини бузишларнинг олдини олиш, маҳкумлар хулқ-атвори тўғрисида зарур ахборот олиш учун жазони ижро этиш муассасаларида назорат ва текширувнинг аудиовизуал, электрон ва бошқа техникавий воситаларидан фойдаланилади».

НАЗОРАТ ИНСТАНЦИЯСИ — Қ.: *Суд инстанцияси.*

НАЗОРАТ ҲОКИМИЯТИ — конституциявий ҳуқуқ фанидаги назариялардан бирининг талқинига мувофиқ, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлов тармоқларига бўлиниши тизимида алоҳида ўрин тутади. Аксарият давлатларда Н.ҳ. алоҳида турдаги олий давлат ҳокимият органи (Конституциявий суд, ҳисоб палатаси, назорат палатаси, давлат назорати, омбудсман ва ҳ.к.) ҳисобланади. Н.ҳ. идоравий ва маъмурий назоратдан фарқли ўлароқ, бошқа ҳокимият «тармоқларидан» ташкилий жиҳатдан алоҳида мавжуд бўлади. Назорат ҳокимиятининг ўзига хослиги шундаки, у қонун чиқарувчи ҳокимият каби умумий хулқ-атвор қоидаларини ўрнатмайди, ижро ҳокимияти сингари ташкилий ишлар билан шуғулланмайди, суд ҳокимиятида жиноий, фуқаровий, меҳнат ва бошқа низоларни ҳал этмайди. Назорат органлари терговга, корхона ва муассасалар ички ишларига аралашмаган ҳолда таҳлил ишлари билан шуғулланади. Одатда, улар текширув натижаларини тегишли қарор қабул қилувчи мутасадди идораларга тақдим этадилар. Назорат органлари, қоидага кўра, бирон бир жазо чораларини қўлламайдилар.

НАЗОРАТ ҚИЛИНУВЧИ КОМПАНИЯ — акцияларининг асосий қисмига (ҳал қилувчи овозга эга бўлган) бошқа компания ёки шахс эгалик қилувчи компания; амалда бундай компания устидан назорат қилиш учун акцияларнинг 50% миқдорига эгалик қилиш етарли бўлади.

НАЗОРАТ ҚИЛИНУВЧИ МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ — божхона муассасаларининг бошқа давлат ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралари билан келишилган ҳолда мамлакат ҳудудидан ўтувчи транзит юкларни жиноий мақсадларда фойдаланиб, наркотик моддалар контрабандасини фош қилиш учун ўтказиладиган тадбир. Халқаро миқёсдаги наркотик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишини ва бундай операцияларда иштирок этадиган шахсларни аниқлаш, бунинг олдини олиш учун Ўзбекистон божхона идоралари ҳар бир муайян ҳолатда хорижий давлатнинг божхона ва бошқа ваколатли идоралари билан келишган тарзда халқаро шартномалар асосида маҳсулот етказиб берилишини назорат қилади. Яъни транзит тарзда мамлакатга кирувчи ва ундан чиқувчи маҳсулот ўтишини назорат қилади. Наркотик воситалар ва кучли руҳий таъсир қилувчи моддалар маҳсулотлар транзитини назорат

остида ўтказиш ҳақидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан қабул қилинади.

НАРКОБИЗНЕС (инглз. narcotic business) — наркотик моддаларни олиш ва сотиш билан шуғулланадиган жиноий уюшма фаолияти.

НАРКОМАНИЯ (юнон. narke; инглз. narcomania) — наркотик ва психотроп моддаларни доимий истеъмол қилиш. Н. оқибатида жисмоний ва психик ҳолат бузилади.

НАРКОМАФИЯ (юнон. narkotikos; итал. mafia; инглз. narcomafia) — наркотик моддаларни сотиш ва олиш билан шуғулланадиган жиноий уюшма.

НАРКОТИК ВОСИТАЛАР (ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ) (юнон. narkotikos; инглз. narcotics) — инсон организмини, марказий нерв системасини, кайфиятини ва организм ҳаракатини, юриш-туришини ҳамда хатти-ҳаракатини ўзгартирувчи модда. Н.в.ни истеъмол қилиш инсон ҳаёти ва унинг зурриёти, келажак ҳаёти, фарзандларига катта салбий таъсир қилади. Н.в.га кўкнор, наша, опиум, морфий, героин, кокаин, каннабис ўсимлиги ва бошқалар киради. ЎзР жиноят қонунчилигида мазкур ҳолат билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

ЎзР ЖКнинг XIX боби «Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар» деб номланиб, унда қуйидаги жиноят турларини содир этганлик учун жазо кўрсатилган. Тақиқланган экинларни етиштириш — 70-м.; Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш — 71-м.; Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш — 72-м.; Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар — 73-м.; Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш — 74-м.; Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш — 75-м.; Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар — 76-модда.

НАРХЛАРНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ — давлатнинг бозорда нарх шаклланишига аралашуви. Н.д.т.т.с. бевосита ва билвосита усуллар билан амалга оширилади. Бевосита усулларга нархларни лимитлаштириш ва уларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялаштириш киради. Н.д.т.т.с.нинг билвосита усуллари солиқ сиёсати воситаларидан фойдаланиш, илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш, дифференциялашган кредит сиёсатини, давлатнинг хусусий компанияларга буюртмаси ва бошқаларни ўз ичига олади.

НАРЯД — 1) ҳужжат, иш топшириғи, фармойиш; 2) мол олиш, мол-товар бериш тўғрисидаги ҳужжат; 3) милиция ва ҳарбий хизматда махсус вазифа ҳамда топшириқларни бажариш учун ажратилган кишилар гуруҳи.

НАСЛЧИЛИК ОБЪЕКТЛАРИ — наслдор ҳайвонлар — қорамоллар, қўйлар, эчкилар, отлар, туялар, чўчқалар, шунингдек парандалар, балиқлар, асаларилар, ипак қурти, ёввойи ҳайвонлар ва ҳ.к.лар ЎзРнинг «Наслчилик тўғрисида»ги 1995 йил 21 декабрдаги қонунига кўра, наслчилик объектлари ҳисобланади.

ЎзРнинг «Наслчилик тўғрисида»ги қонуни асосида наслчилик иши билан шуғулланиш субъектлари бўлиб илмий-тадқиқот муассасалари, корхона ва хўжаликлар, селекция марказлари, ипподромлар иммуногенетик назорат лабораториялари, назорат-синов станциялари, эмбрионеарни кўчириб ўтказиш (трансплантация) марказлари ҳамда бошқа жисмоний шахслар — наслли маҳсулот берувчи ҳайвон эгалари ҳисобланадилар. Улар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

Наслчиликни ривожлантиришга қаратилган куч-ғайратларни бирлаштириш мақсадида ҳайвонларни ўрганиш бўйича уюшмаларга, жамиятларга кириш, наслчилик соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этиш; селекция ютуқларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш; наслли маҳсулот (материал) савдо кўргазмаларида (ким ошди савдоларида), кўргазмалари ва кўрикларида иштирок этиш; наслли маҳсулотни (материални) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиш ва сотиб олиш; қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

НАСЛДОР ҲАЙВОН — ЎзРнинг «Наслчилик тўғрисида»ги қонунига асосан, келиб чиқиши ҳужжатлар билан тасдиқланган, муайян зотни такрор кўпайтириш учун фойдаланадиган ва белгиланган тадбирлар рўйхатига олинган ҳайвон.

НАСЛЧИЛИК (ҳайвонларнинг наслини яхшилаш фаолияти) — ҳайвонларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини яхшилаш мақсадида наслчилик ресурсларини яратиш, сақлаш, такрор кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш. Қабул қилинган қонунга асосан, наслчиликнинг асосий вазифалари, наслчилик объектлари, субъектлари, бу фаолият йўналишининг қонун ҳужжатлари, наслчилик бўйича давлат хизматини ташкил этиш кабилар баён этилган. Шунга кўра, наслчилик фаолиятини ташкил этиш асосий йўналиши қуйидагиларни ҳам ўз ичига олади: селекция жараёнида фойдаланиладиган наслчилик ресурсларининг келиб чиқишини аниқ ҳисобга олиш, маҳсулдорлигини, типи ва бошқа сифатлари бўйича боғланишини таъминлаш, янги фойдали генетик белгиларга эга бўлган ҳайвонлар зотини келтириб чиқариш, чатиштириш ишида жаҳондаги энг қимматли генофонддан самарали фойдаланиш, муайян жойга хос ва мамлакатимиздаги йўқ бўлиб бораётган зотларнинг генофондини сақлаб қолиш, маҳсулот етиштириладиган подаларда ҳайвонларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини ошириш ҳамда сермаҳсул ҳайвонларни жадал кўпайтириш, бутун чорвачилик тармоғи иқтисодий самарадорлигини ва рақобатбардошлигини ошириш. Наслчиликни ташкил этиш шу соҳада яратилган илмий-назарий тавсиялар асосида олиб борилади.

НАТУРАЛИЗАЦИЯ (лот. naturalis; инглз. naturalization; франц. naturalisation) — 1) хорижий фуқарони муайян давлатни ҳақиқий фуқароси қилиб қабул қилиш; 2) ўсимликнинг бошқа ерга экилиб, иқлимга мослаштирилиши; 3) маҳаллий шароитга мослашув.

НАФАҚА (лот. pensio — тўлов) — қонунда белгиланган тартибда давлат ёки бошқа бир субъектлар томонидан тайинланадиган умрбод ва доимий моддий таъминот.

НАФАҚА ТАЪМИНОТИ — давлат ёки қонунда белгиланган бошқа субъектлар томонидан фуқароларнинг моддий (пул маблағи билан) таъминланиши. Ўзбекистонда нафақа таъминоти Меҳнат кодексининг

тегишли моддалари билан амалга оширилади. Нафақа таъминоти маълум бир ёшга етганида (289-м.), ногиронлик туфайли меҳнат қобилиятини йўқотганда (290-м.), боқувчисини йўқотган (291-м.) ҳолларда нафақа тайинланади. Нафақа таъминоти қонунда белгиланган миқдорда тайинланади.

НАЦИОНАЛИЗАЦИЯ (лот. natio; ингл., франц. nationalisation) — миллийлаштириш, хусусий мулкни, ерни давлат мулкига айлантириш. Шунингдек, корхона, ташкилот, банк ва транспортни давлат мулкига ўтказиш.

НАШР ЭТУВЧИ — ЎзРнинг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги 1997 йил 26 декабрдаги қонунига кўра, «оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини ишлаб чиқаришни моддий-техник таъминлашни амалга оширувчи нашриёт, бошқа корхона, муассаса, шунингдек, нашр этувчига тенглаштирилган юридик шахс ва фуқаро учун бу фаолият асосий ёхуд бош даромад манбаи бўлиб хизмат қилмайди».

НАШРИЁТ — Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ва мулкчилик шаклидаги корхона. У китоб ва бошқа нашр маҳсулотларини тайёрлашни, ишлаб чиқаришни, чиқаришни амалга оширади.

НАШРИЁТ ШАРТНОМАСИ — фуқаролик шартномасига биноан бир тараф (нашр этувчи) бошқа тараф (муаллиф) томонидан яратилган асарни нашр қилиш (қайта нашр қилиш) мажбуриятини олади. Нашр қилиш ва асарни муаллиф томонидан нашр этувчига бериш муддати шартномада белгиланади. Муаллифлик шартномасининг бир тури. Адабий асарлардан (тарқатиш ва (ёки) оммалаштириш) фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечиш энг кўп тарқалган шакллардан бири.

НАҚД КАССА — бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар кассаларидаги нақд пуллар.

НАҚД ПУЛЛАР ВА ҚИММАТЛИКЛАР ИНКАССАЦИЯСИ — корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар кассаларидан нақд пул ва қимматликларни йиғиш ҳамда уларни банк ёки жамғарма банк, алоқа корхонаси ва бошқа ташкилотлар кассаларига олиб келиш.

НЕГАТОР ДАЪВО — мулкдорнинг мулкий ҳуқуқини унинг ашёга эгалик қилишдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бузишликлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган. Бу даъво мулкдорга унинг мол-мулкидан фойдаланишга халақит берувчи тусиқларни бартараф қилади.

НЕГОЦИЯ (итал. negozio) — тижорат битими, савдо-сотиққа оид байлашув.

НЕЙТРАЛ ҲУДУД (ингл. neutral zone) — ҳудуд, бирон давлат ёки икки давлатдан бири ҳарбий қисмларни сақлаб ёки тутиб туриши мумкин икки давлат ўртасидаги бетараф бўлмаган жой ҳуқуқ.

НЕЙТРАЛИЗАЦИЯ (ингл. neutralization) — 1) нейтрализация; 2) бирон нарса ёки шахснинг таъсирини бўшаштириш; 3) бирон давлатни бетараф деб эълон қилиш; 4) муайян ҳудудда махсус тартиб ўрнатиб, унда баъзи ҳуқуқларни чеклаш.

НЕЙТРАЛИЗМ (ингл. neutralization) — муайян давлатнинг бетарафлиги.

НЕЙТРАЛИТЕТ — (лот. neutev; ингл. neutrality; нем.neutralitet) — 1) бетарафлик; 2) бошқалар низосига аралашмаслик; бошқа давлатлар уришаётганда унга қатнашмаслик.

НЕТТО (итал. Netto; инглз. net, net weight — тоза, аниқ) — 1) товарнинг ўраш-қадоқлаш қоғозларисиз аниқ оғирлиги; 2) товарни ортиқча харажатлари олиб ташланиб, аниқ қўйилган нархи; 3) харажатлардан ташқари олинган соф фойда.

НЕУСТОЙКА (инглз. forfeit) — ЎзРда Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади. Жумладан, ЎзР ФКнинг 22-боби, 260—263-моддаларида неустойканинг ҳуқуқий масалалари кўрсатилган. Қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади. Неустойка тўлаш ҳақидаги талаб бўйича кредитор ўзига етказилган зарарни исботлашга мажбур эмас. Неустойка билан фақат ҳақиқий талаб таъминланади.

Агар қарздор мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмаса, кредитор неустойка тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас. Неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлади.

Қарздор мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда тўлайдиган ва, қоида тариқасида, қатъий пул суммасида ҳисобланадиган неустойка жарима ҳисобланади.

Қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланади.

Неустойка тўғрисидаги келишув ёзма шаклда бўлиши керак. Неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли. Қонуний неустойканинг миқдори, агар қонун тақиқламаса, тарафларнинг келишуви билан кўпайтирилиши мумкин.

НИЗОЛАРНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ҚИЛИШ ПРИНЦИПИ — барча давлатлараро мавжуд низоларнинг фақат халқаро ҳуқуққа мувофиқ, тинч йўл билан ҳал қилиниши лозимлигидир. Лекин бу масала шу тарзда ҳал қилиниши керакки, халқларнинг қонуний истакларига, тинчликка ва халқларнинг хавфсизлигига хатар пайдо бўлмаслиги лозим. Ўзбекистон мазкур принципга қатъий риоя этиб келмоқдалар, доим давлатлараро низоли масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш учун ташаббус кўрсатмоқда.

Н.т.й.б.ҳ.қ.п. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг 3- м, 2- б, ва VI бобида қайд қилинган. Мазкур принцип низолар пайдо бўлган ҳолда уларни ҳал қилиш учун бевосита музокаралар, тергов ёки муросага келтирувчи расмий тадбирлар, воситачилик, арбитраж ёки бошқа тадбирлардан фойдаланишни давлатлар зиммасига юклайди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг конституциявий принципларидан бири **ўзга давлатлар ва халқларнинг ички ишларига аралашмасликдир.** Халқаро ҳуқуқнинг мазкур принципи БМТ Низомининг 2- м. 7- б. ҳамда Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва уларнинг мустақиллиги ва суверенитетини муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1965 й. эълон қилинган декларациясида қайд қилинган.

Ҳар бир халқ ўз тараққиёт масалаларини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга. Қайд этилган қоидалар, бу қайси бир давлат билан боғлиқ бўлишидан қатъи назар, халқаро тинчлик ва хавфсизликка хатар яратмаслиги лозим.

Мазкур принципни барча томонидан эътироф этилиши давлатлар бевосита ёки билвосита, шахсан ёки биргаликда бошқа аъзо давлатнинг ваколати бўлмиш ички ва ташқи ишларига ўзларининг муносабатларидан қатъи назар, аралашишдан сақланиши тўғрисида келишиб олганликларини билдиради. Аҳамиятлиси шундаки, халқаро ҳуқуқда аралашмаслик принципи ўзга давлат тизимини ағдаришга қаратилган террористик ёки бузғунчилик фаолиятига бевосита ёки бавосита ёрдам беришдан ҳам сақланишни билдиради. Ўзбекистон Конституцияси юқорида қайд этилган бешта принципни ҳам ўзида мужассамлаштирган.

НИЗОЛАРНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШ — халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидан бири, унга мувофиқ давлатлар орасидаги низолар халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни хавф остига қўймаслик учун тинч йўллар билан ҳал қилиниши лозим. Мазкур принцип 1928 й.ги Париж пактида мустаҳкамланган эди (Урушдан миллий сиёсат қуроли сифатида воз кечиш тўғрисидаги шартнома), унда давлатлар орасидаги барча низо ва келишмовчиликларни фақат тинч йўл билан ҳал этиш лозимлиги эълон қилинганди. Мазкур принципга риоя қилиниши бир қатор муҳим халқаро ҳужжатлар билан кафолатланади: БМТ Низоми, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг 1975 й.ги Якуний ҳужжати ва б.

БМТнинг 1982 й.ги низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги декларациясида низоларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг қуйидаги воситалари кўрсатилган: воситачилик, халқаро арбитраж, суд орқали ҳал қилиш, минтақавий органлар ва кенгашларга мурожаат қилиш, шунингдек, томонларнинг танловларига кўра бошқа воситалар. Н.т.й.б.ҳ.э. принципи ЎзР ташқи сиёсатининг Конституцияда мустаҳкамланган принципларидан биридир (17-м.).

НИЗОЛИ АШЁЛАРНИ САҚЛАШ (секвестр) — ашёларни сақлашнинг алоҳида бир кўриниши. ЎзР ФКнинг 900-моддасига кўра, секвестр тўғрисидаги шартнома бўйича ашёга эгалик қилиш хусусида ораларида низо чиққан икки ёки бир неча шахс низоли ашёни учинчи шахсга берадилар. Учинчи шахс низо ҳал бўлгач, ашёни суд қарори билан ёки низолашаётган ҳамма шахсларнинг келишувига мувофиқ кимга тегишли бўлса, ўша шахсга қайтариб бериш мажбуриятини олади (шартнома секвестри). Низоли ашё суднинг қарорига кўра секвестр тартибида сақлаш учун топширилиши мумкин (суд секвестри).

Суд томонидан тайинланган шахс ҳам, шунингдек, баҳслашаётган тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланадиган шахс ҳам суд секвестри бўйича омонат сақловчи бўлиши мумкин. Ҳар иккала ҳолда ҳам, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат сақловчининг розилиги талаб этилади. Секвестр тартибида сақлашга кўчар мулклар ҳам, кўчмас мулклар ҳам топширилиши мумкин.

НИЗОМУЛМУЛК — Салжуқий султонлар Маликшоҳ ва Санжарларнинг вазири, йирик тарихшунос олим ва давлат арбоби (1018—1092).

НИКОҲ (араб. — уйланиш) — эркак ва аёл оила қуришининг тарихан шаклланган ва қонун билан ёки дин томонидан мустаҳкамланган шакли. Ўзбекистонда никоҳнинг дунёвий-демократик шакли — эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигини эътироф этишга асосланган моногам никоҳ ўрнатилган. Н. томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

Ўзбекистонда никоҳга кириш учун энг кам ёш йигитлар учун 18, қизлар учун 17 ёш белгиланган, зарур ҳолларда маҳаллий ҳокимият идоралари рухсати билан бу ёш бир й.га қисқартирилиши мумкин. Н. фуқаролик ҳолатини қайд этиш идоралари ёки уларнинг вазифаларини бажариш юклатилган қишлоқ кенгашлари ижроия қўмиталарига ариза билан мурожаат қилингандан сўнг бир ой ўтгач қайд этилади (мазкур муддат узрли сабабларга кўра қисқартирилиши мумкин) ва шу даврдан қонуний кучга эга бўлади. Сўнгра фуқаролар ўз эътиқодларига кўра ўқитишлари мумкин. Н. тузилиши билан эр ва хотин, эр-хотин ва болалар, шунингдек, оиланинг бошқа аъзолари ўртасида алоҳида ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади. Зўрлаш, қўрқитиш ва алдаш йўли билан тузилган никоҳлар ҳақиқий ҳисобланмайди, шунингдек, яқин қариндошлар, фарзандликка олувчилар ва олинганлар ўртасида, руҳий касаллар билан никоҳ тузиш тақиқланади. Кўп никоҳлиликка йўл қўйилмайди.

Диний мазмунда никоҳ руҳонийнинг ислом анъаналари асосида маълум дуоларни ўқиб, эркак ва аёлнинг турмуш қуришини шариат асосида қонунлаштиришини англатади. Шариат қонунларида эркакка бир вақтнинг ўзида тўрт хотинни ўз никоҳига олишга ижозат берилиши (Қуръони каримнинг 4-сура 3-ояти асосида), шунингдек, никоҳ қилинишда қиз учун тўланадиган маҳр ва қалиннинг миқдори белгиланган.

НИКОҲ ЁШИ — Ўзбекистон оила қонунчилигида никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланади.

НИКОҲНИНГ БУЗИЛИШИ (АЖРАШИШ) — эр-хотин ўртасидаги никоҳни бузилиши, яъни уларнинг ажралиши, Ўзбекистонда никоҳнинг бекор қилиниши бир киши томонидан ёки иккала шахс томонидан берилган аризага биноан суд орқали амалга оширилади.

НИКОҲНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭМАСЛИГИ — ЎзРда Оила кодекси билан тартибга солинади. Никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги, никоҳ ёши, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш шартлари бузилган тақдирда, шунингдек, сохта никоҳ, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай тузган никоҳ ҳақиқий эмас деб топилади. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд тартибида амалга оширилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қароридан нусха берилаётганда паспортга ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатга тегишли белги қўйилади. Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суд чиқарган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ўн кун ичида ундан кўчирма никоҳ тузилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборилади (ЎзР Оила Кодекси, 50-м.).

НИМТАЛАШ — ўрта асрларда (XVIII аср охиригача) Россияда ва Европа давлатларида қўлланилган қатл тури: маҳкум танасини тўрт қисмга бўлиш ёки қўл-оёқлар ва бошни кетма-кет танадан кесиб ташлаш.

НОВАЦИЯ (лот. Novatio; инглл. innovation — янгилаш, ўзгартириш) — фуқаролик ҳуқуқида битим ёки шартномани бошқаси билан алмаштириш мажбурияти.

НОВЕЛЛА (лот. Novellae — янги қонунлар; инглл. novell; итал. Novella — янгилик) — ҳуқуқшуносликда қайта қўшимча ва ўзгартириш билан чоп этилган амалдаги қонун тушунилади.

НОГИРОН (нимжон, мажруҳ) — ЎзРнинг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ жисмоний ёки ақлий нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож бўлган шахс ногирон ҳисобланади. Шахснинг турмуш фаолияти чекланганлиги унинг ўз-ўзига хизмат қилиш, юриш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатини назорат этиш, шунингдек, меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қобилияти ёки имкониятини тўла ёхуд қисман йўқотганлигида ифодаланади. Шахсни Н. деб топиш Тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) томонидан ЎзР Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда амалга оширилади.

НОГИРОНЛИК — ЎзРнинг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, ногиронлик пенсиялари меҳнат қобилияти тўлиқ ёки қисман йўқотилган қуйидаги ҳолларда тўланади: а) меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда — ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ногиронлик сабаблари рўйхати ва Касб касалликлари рўйхати бўйича; б) умумий касаллик (шу жумладан, иш билан боғлиқ бўлмаган шикастланиш, майиблик, болаликдан ногиронлик) туфайли. Соғлиғини ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига қараб, ногиронликнинг уч гуруҳи аниқланади. Ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек, ногиронлик бошланган вақт ва ногиронликнинг қанча муддатга белгиланиши ЎзР Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган улар тўғрисидаги Низом асосида ишловчи тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) томонидан аниқланади. Ногиронлик бошланиши билан пенсиялар ёки ҳар ойлик нафақалар тайинланади, бошқа ижтимоий таъминот турлари ва хизматлари кўрсатилади.

НОГИРОНЛИК НАФАҚАСИ — меҳнат нафақаларининг бир кўриниши. Агар ногиронлик меҳнат шароити натижаларининг оқибати бўлса бундай нафақа тўланади. Туғилгандан бошлаб бериладиган ногиронлик нафақаси ёки ўз хусусиятларига кўра 1- 2- 3 гуруҳ ногиронлик нафақалари қонун асосида тайинланади.

НОДАВЛАТ НАФАҚАСИ — давлат нафақа фонди ҳисобидан тайинланмайдиган нафақалар, лекин давлат нафақаларига қўшимча равишда берилади (Россия қонунчилиги бўйича).

НОЖЎЯ ҲАРАКАТ — қонунбузарликнинг тури сифатида маъмурий ва фуқаролик қонунбузарлик натижасида амалга оширилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатлари тушунилади.

НОМЕНКЛАТУРА (лот. Nomenclatura — рўйхат, саноқ; calave — чақириқ, чақирмоқ; инг. nomenclature) — 1) ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган материал ёки асбоб-ускуналарни ҳар қайсисининг номи ёзилган сонлар, ҳисоб-китоб рўйхати; 2) маълум шахсларни, тегишли мансабга тайинлаш учун юқори органлар томонидан тасдиқланиши лозим бўлган ҳужжатлар.

НОМИ ЁЗИЛГАН ИНДОССАМЕНТ — вексель бўйича ҳуқуқий ўтаётган шахс кўрсатилган индоссамент.

НОМИДАГИ АШЁ — Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январдаги «Алоқа тўғрисида»ги қонунида белгиланганидек, почта жўнатувларини элтиб бериш ва қабул қилиш санасини почта объектларининг номи белгиси билан нусхаларини почта жўнатуви ва ҳужжатларига тушириш учун керак бўладиган мослама.

НОМИДАГИ ЭМИССИОН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР — Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонунига биноан, эмиссион қимматли қоғозлар эгалари тўғрисидаги ахборот эмитентга қимматли қоғозлар эгаларининг рўйхати шаклида фойдаланишда бўлиши лозим, улар томонидан бириктирилган ҳуқуқларни амалга оширилиши ва ҳуқуқ ўтиши эгасини мажбурий идентификациялашни талаб қилади.

НОМОЛИЯВИЙ САРМОЯЛАР — сармоя лойиҳасига ҳуқуқлар, лицензиялар, ноу-хау, машиналар, асбоб-ускуналар, ер майдонлари ва бошқаларни қўйиш билан боғлиқ бўлган пулсиз инвестициялар.

НОМУСГА ТЕГИШ — жиноят тури номусга тегиш, яъни зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилишдан иборат (ЎзР ЖКнинг 118-моддаси). Энг хавфли жинсий жиноят ва шахсга қарши қаратилган жиноятларнинг энг оғирларидан бири. Номусга тегиш, кўпинча соғлиқнинг жиддий бузилиши билан боғланганлиги, жабрланувчига маълум даражада жисмоний ва ахлоқий зарар келтиришида жиноятчининг мажбурлов характердаги ҳаракати, аёлларнинг жинсий эркинлигига чуқур ҳурматсизликларидан иборат. Н.т. жисмоний зўрлаш, аёлни қаршилик кўрсатиш имкониятидан маҳрум қилувчи ҳаракатларда ифодаланади. Қўрқитиш унинг ўзига ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан зўрлаш ҳаракатларини амалга ошириш билан жабрланувчининг қўрқитилишида ифодаланади. Ожизлик ҳолати деганда, жабрланувчининг тушуниш ёки айбдорга қаршилик кўрсатиш лаёқатсизлиги тушунилади. Ожизлик ҳолатида деб, ҳушини йўқотган, жиддий жисмоний камчилиги бор (ногиронлар) ёки организмнинг кескин бўшашига олиб келувчи жиддий касаллик билан оғрийдиган, шунингдек, вояга етмаганлар ва руҳий касаллар тушунилади. Номусга тегиш ҳар доим тўғридан-тўғри қасд билан бажарилади, яъни жисмоний куч ишлатиш йўли билан ёки унинг ожизлиги ҳолатидан фойдаланиш билан содир этилади ва буни хоҳлаб аёллар эркига қарши алоқани бажараётганини айбдор тушунади.

НОРАСМИЙ ИНКОРПОРАЦИЯ — қонунларни тартибга солиб мажмуалаштириш.

НОРМАТИВ (ингл. standart) — маълум маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида кетказилган ёки сарф қилинган вақтга қараб ёки бажарилган ишга қараб тўланадиган иш ҳақи миқдорининг ҳисоб-китоб ҳужжати.

НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ АКТ — ваколатли давлат органининг белгиланган тартибда қабул қилинган юридик ҳужжати. Н. ҳ. а. умуммажбурий ҳулқ-атвор қоидаларини ўз ичига олади. Барча норматив ҳуқуқий ҳужжатларга қуйидаги белгилар хосдир: а) улар ҳақиқий нормаларни белгилаб берадилар, ўзгартирадилар ёки бекор қиладилар; б) уларда белгиланган қоидаларнинг мазмуни баён этилади; в) белгиланган нормаларга умуммажбурий тус беради ёки илгари белгиланган нормаларнинг амалда бўлишини бекор қилади.

НОРМАТИВ МАЗМУНДАГИ ШАРТНОМА — икки ёки ундан ортиқ ҳуқуқ субъектининг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи битим; *ҳуқуқ манбаларидан* бири. Н.м.ш.га хос жиҳат шундаки, унинг иштирокчилари унга ихтиёрий равишда қўшиладилар ва ўз зиммаларига унинг мазмунидан келиб чиқадиган мажбуриятларни оладилар.

НОРМАТИВ ШАРҲЛАШ — ҳуқуқ нормаларини расмий шарҳлаш тури бўлиб, махсус ваколати бўлган давлат органи томонидан ҳуқуқ нормаларини юридик амалиётда қўллаш тажрибасини умумлаштириш асосида бажарилади (м-н, ЎзР Олий суди пленумининг раҳбарий тушунтиришларини эълон қилиш).

НОРОЗИЛИК БИЛДИРИШ — *халқаро ҳуқуқда ҳукумат ёки давлатнинг бошқа ваколатли органининг ўз дипломатик* вакили ёки бошқа расмий ваколатга эга бўлган шахс ҳаракатини рад этиши. Н.б.да дипломатик вакил топшириқсиз ёки унга берилган ваколатни бузган ҳолда ҳаракат қилганлиги баён этилади. Шундай қилиб, давлат норозилик билдирилган вакил ҳаракатлари ва уларнинг сиёсий ёки халқаро ҳуқуқий оқибатлари учун жавобгарликни ўзидан соқит қилиш мақсадини кўзлайди. Дипломатик амалиётда кўплаб Н.б. ҳоллари маълум. Норозилик билдирилган дипломатик вакил одатда ўз ҳукумати томонидан чақириб олинади.

НОСТРО (инг. nostro; итал. nostro conto — бизнинг ҳисоб-китоб) — ҳисоб-китоб. Банкнинг ўз ҳисоб-китоб рақами бўлиб, унга келаётган даромадлар, фойда даромади ёки кетаётган харажатлар кўрсатилади.

НОТА (инг. note; лот. nota — белги, огоҳлантириш, мурожаат этиш) — бир давлатнинг иккинчи давлатга расмий равишда ёзма мурожаати. Дипломатия иши тажрибасида нота 3 турга бўлинади: 1) вербал нота, 2) шахсий нота, 3) циркуляр нота.

НОТАЛАР (ХАТЛАР) АЛМАШИШ — давлатлар ташқи алоқа органлари ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик ёзишмаларининг оддий шакли. Термин сифатида Н. а. давлатлараро унча катта бўлмаган масалалар бўйича тузилган шартномалар рўйхати бўлиб, бунда битимлар тарафларнинг ўзаро ҳужжатлар алмашиши орқали амалга оширилади, қоидага кўра, битимларнинг бирида бошқасининг матни тикланади ва унинг мазмунига тарафлар томонидан розилик билдирилади.

НОТАРИАЛ ИДОРА ОРҚАЛИ ТУЗИЛГАН БИТИМГА РИОЯ ҚИЛМАСЛИК — Қ.: *Битим шакли; Шартнома шакли.*

НОТАРИАЛ ҲАРАКАТНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ РАД ЭТИШ — ЎзРнинг 1996 йил 26 декабрдаги «Нотариат тўғрисида»ги қонунининг 38-моддасига мувофиқ, нотариус қуйидаги ҳолларда нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этади: бундай ҳаракатни амалга ошириш қонунга зид бўлса; бу ҳаракат бошқа нотариус томонидан амалга оширилиши керак бўлса; муомалага лаёқатсиз фуқаро ёхуд зарур ваколатлари бўлмаган вакил нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган бўлса; юридик шахс номидан амалга ошириладиган битим унинг уставида ёки низомида кўрсатилган мақсадларга зид бўлса; битим қонун талабларига мувофиқ бўлмаса; нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

НОТАРИАЛ ТАРТИБДА ТАСДИҚЛАНАДИГАН БИТИМЛАР — ЎзР «Нотариат тўғрисида»ги қонунининг 7-бобида аниқ кўрсатилган. Нотариуслар қонун ҳужжатларига биноан нотариал шаклда тасдиқланиши мажбурий қилиб қўйилган битимларни тасдиқлайди. Томонларнинг хоҳишига кўра нотариус бошқа битимларни ҳам тасдиқлаши мумкин.

Мазкур қонунга асосан нотариуслар қуйидаги битимларни: 1) рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлаш (44-модда); васиятномаларни тасдиқлаш (45-модда); васиятномаларни ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби (46-модда); ишончномаларни тасдиқлаш (47-модда)лари қонунда аниқ кўрсатилган.

Таъкидлаш жоизки, нотариал тартибда тасдиқланадиган битим мазмуни баён этилган ҳужжат нусхаларининг сони нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахслар томонидан белгиланади, лекин у битимда қатнашувчи томонлар миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

Бироқ васиятномалар ва мол-мулкни гаровга қўйиш, турар жойни ва бошқа кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномалар нотариусга камида икки нусхада тақдим этилади, улардан биттаси нотариал идоранинг йиғма жилдларида қолади (ЎзР «Нотариат тўғрисида»ги қонуни, 48-модда).

НОТАРИАЛ ФОРМАЛАРДАГИ БИТИМЛАР — Қ.: *Битимлар шакли.*

НОТАРИУСНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ — «Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 19-м.сига асосан қуйидагича ифодаланади: давлат нотариал идорасида ишловчи ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус қонун ҳужжатларига зид хатти-ҳаракатлар содир этса, шунингдек, муайян ахборотни солиқ органларига тақдим этмаса, белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус амалга оширилган нотариал ҳаракат ҳақидаги маълумотларни қасддан ошкор қилган ёки қонун ҳужжатларига зид бўлган нотариал ҳаракатларни амалга оширган бўлса, бунинг оқибатида етказилган зиённи суд қарорига биноан қоплаши шарт.

НОТАРИУСНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ — ЎзРнинг 1996 йил 26 декабрдаги «Нотариат тўғрисида»ги қонунининг 18-моддасига мувофиқ, нотариус: жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериши; томонлар тақдим этган битимлар лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириши, ушбу битимлар мазмуни томонларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини ва қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текшириши; юридик жиҳатдан бехабарлик жисмоний ва юридик шахслар зарарига фойдаланилмаслиги учун амалга оширилаётган нотариал ҳаракатларнинг оқибатлари ҳақида уларни огоҳлантириши; қонун ҳужжатларига мос келмайдиган нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиши; нотариал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида фуқаролар ёки мансабдор шахслар томонидан қонунчилик бузилганлигини аниқлаган тақдирда зарур чора-тадбирлар кўрилиши учун тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ёки прокурорга бу ҳақда хабар қилиши; қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда мерос ёки ҳадя тартибида ўтаётган мол-мулкдан ундириладиган солиқни ҳисоблаб чиқиш учун фуқароларнинг мулкига айланаётган мол-мулкнинг қиймати тўғрисида солиқ органига маълумотнома бериши шарт.

НОТИЖОРАТ ТОВАРЛАРИ — божхона ҳуқуқида товар муомаласи учун мўлжалланмаган товарлар. Божхона чегараси орқали улар

қуйидаги мақсадларда олиб ўтилади: а) фуқаролар шахсий мақсадда фойдаланиши учун; б) турли ташкилотлар ва муассасалар низомларида кўрсатилган ва савдога алоқадор бўлмаган бошқа вазифаларни бажариш учун.

НОТИФИКАЦИЯ (лот. notificare; инглз. notification) — 1) вексель олган кишининг эътироз билдириб, қарздорга хабар қилиши; 2) халқаро ҳаётдаги бирон масала тўғрисида бир давлатнинг иккинчи давлатга ўз фикрини билдириши.

НОҚОНУНИЙ АБОРТ ҚИЛИШ — шифокор акушер ёки гинеколог томонидан даволаш муассасаларидан ташқари жойларда ёки тиббий нуқтаи назардан мумкин бўлмаган ҳолда сунъий равишда ҳомила тушириш — энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солиш ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Сунъий равишда ҳомила туширишга ҳуқуқи бўлмаган шахснинг бундай ишни амалга ошириши — энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар эҳтиётсизлик орқасида: а) жабрланувчининг ўлимига; б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, — икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

НОҚОНУНИЙ ҚУРОЛ ТАЙЁРЛАШ — Қ.: *Курол.*

НУЛЛИФИКАЦИЯ (лот. nullificatio; инглз. nullification) — қандайдир қонун ёки ҳужжатни бекор қилиш; уни кучидан қолдириш.

НУНЦИЙ (лот. nuntius; инглз. nuncio — элчи) — Ватикан давлатидаги элчи даражасидаги вакилнинг бошқа давлатлар билан дипломатик алоқаларни мустаҳкамловчи ёки олиб борувчи вакили.

НУҲ — Нуҳ пайғамбарни Одами Соний аташади. Нуҳ пайғамбар ўз вақтида ягона тангрига сиғинмоқни даъват қилганлиги ҳақида Қуръонда кўп эслатилган.

НУҲ ТЎФОНИ — Қуръони каримда ёзилишича, Нуҳ пайғамбар халқни ягона тангрига сиғинмоққа даъват қилган, бироқ улар кўнмаганлар. Шунда Нуҳ худога илтижо қилиб, кофирларни жазолашни сўраган: натижада ер юзини сув босган, ҳамма ғарқ бўлиб, фақат Нуҳ ўзи ясаган кемага олганларгина тирик қолган (Қуръони каримнинг 7, 10, 11, 21, 23- суралари).

«О»

ОБЛИГАЦИЯ (лот. obligatio — мажбурият) — фуқаролик қонунларига мувофиқ, облигация — қимматли қоғоз. Уни сақловчи О.ни чиқарган шахсдан О.да назарда тутилган муддатда О.нинг номинал қийматини ёки бошқа мулкий эквивалентини олиш ҳуқуқига эга. О. уни сақловчига облигациянинг номинал қийматидан О.да қайд этилган миқдорда фоизлар олиш ҳуқуқини ёки бошқа мулкий ҳуқуқларни ҳам беради (ФКнинг 741-моддаси).

ОБЛИГАЦИЯ КУРСИ — давлат заёмлари облигацияларининг сотиладиган ва сотиб олинадиган баҳоси. Облигациянинг ўз баҳоси (ёзиб қўйилган) чиқарилаётганда белгиланади, давлат қарзига киритилади ва эгаси томонидан облигацияларни баҳосини тўла қайтариб олган вақтда тўланади. Давлат, шунингдек, эмиссион курсини — баҳосини белгилайди, у бўйича облигациялар банк томонидан сотилади. Одатда эмиссион баҳо ўз баҳосидан камроқ бўлади. Облигацияларнинг бозор курси (баҳоси) ссуда капиталларини биржадаги баҳосини белгилаш йўли билан ўрнатилади ва биржа ахборотномаларида эълон қилинади.

ОБЛИГО (итал. obligo — қарз, мажбурият) — 1) векселлар бўйича қарз миқдори; 2) банк китоби. Унда банк операциялари бўйича мижознинг барча қарзлари кўрсатилади, векселлар бўйича қарзлар ёзиб борилади.

ОБРОГАЦИЯ (лот. obrogatio) —эски қонунга қисман ўзгартиришлар киритиш.

ОБСТРУКЦИЯ (лот. obstructio — тўсиқ, халал) — 1) шовқин кўтариш, ишга тааллуқли бўлмаган узундан узоқ нутқ сўзлаш орқали йиғилиш, мажлис ва ҳоказоларни бузишга қаратилган, кўпроқ парламентча эътироз тури, кураш услуби; 2) бирор нарсани очиқдан-очиқ бузишга қаратилган ҳаракатлар.

ОБШИНА ПАЛАТАСИ — Буюк Британия ва Канада давлатларининг қуйи палатаси номи.

ОБЪЕКТИВ АЙБЛОВ — айбсиз жиноий жавобгарлик. ЖКнинг 9-моддасига биноан, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади. Демак, Ўзбекистон жиноят қонунларига мувофиқ, О.а. га йўл қўйилмайди.

ОВЕРДРАФТ (инглз. overdraft) — дебет сальдосини ташкил қилиш орқали банкдаги кредитни ошириш. Қисқа муддатли кредит тури. Бунда мижоз ҳисобидан доимий ҳолда, муайян миқдорда пул олиб қарз тўлаш имконияти туғилади.

ОВЕРСОЛД (инглз. oversold) — маълум турдаги маҳсулот ёки қимматли қоғозларнинг бозорда кўпайиб кетиши сабабли, нархлар кескин тушиб кетиши натижасида юзага келадиган ҳолат. Кўпроқ қимматли қоғозлар билан боғлиқ ҳолларда қўлланади.

ОВЕРТАЙМ (инглз. overtime) — иш соатидан ташқари вақт, жумладан, дам олиш ва байрам кунлари, тушлик танаффуси давомида кемага юк ортиш ва юк тушириш учун сарфланган вақт.

ОВОЗ БЕРИШ — *сайлов жараёнининг* босқичларидан бири. Бир ёки икки турда ўтади. Бюллетень бериш ёки махсус О.б. машинасидан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Баъзи мамлакатларнинг қонунларида почта орқали (Дания, ГФР, Ирландия, Буюк Британияда), шунингдек, ишончнома бўйича (Бельгия, ГФР, Франция, Япония, Нидерландияда) О.б. имконияти назарда тутилган. ЎзР Конституциясининг 117-моддасида сайловларда овоз бериш тартиби белгиланган.

ОВОЗ БЕРИШ ТУРИ — сайловнинг сайловчилар овоз бериши ва овоз бериш натижаларини аниқлаш жараёнини қамраб оладиган босқичи. Қонунда сайловчиларнинг биринчи овоз бериши номзоднинг сайланиши учун зарур натижалар бермаган тақдирда бир қанча О.б.т. бўлиши назарда тутилиши мумкин.

ОГОҲЛАНТИРИШ — тарбиялаш мақсадида амалга ошириладиган таъсир чораси. ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 21-моддаси бўйича, содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, шу ишни кўриб чиқишга ваколатли бўлиш орқали (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкинлиги кўзда тутилган.

ОДАМ ЎҒИРЛАШ — шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши қаратилган жиноятлар турига киради. ЎзР ЖКнинг 137-моддасида кўзда тутилган ҳолларда айбдорлар жиноий жавобгарликка тортиладилар. Кодекснинг 245-моддасида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир. Яъни гаров сифатида тутқунликка олинган шахсни озод қилиш учун давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахслардан бирор-бир жиноий мақсадга йўналтирилган мақсадларини бажариш учун у ёки бу ҳаракатлардан ўзини тутиб туришни талаб этиш каби ҳолатлар бўлмаганида ва одамларни бирор-бир мақсад учун ўғирлаш одам ўғирлаш жиноятининг объектини ташкил этади. Шу ўринда одам ўғирлаш жиноятини «зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум этиш» жиноятидан фарқлаш лозим.

ОДАМ ЎЛДИРИШ — қасддан бошқа кишини ҳаётидан маҳрум этиш; шахсга нисбатан оғир (энг оғир) жиноятлардан бири.

ОДАТ[1] — давлатларнинг умумий амалиёти бўлиб, у ҳуқуқий томондан риоя қилиниши зарур деб тан олинмайди. Бу билан О. халқаро-ҳуқуқий нормаларидан ажралиб туради. Жумладан, О.га давлат ва ҳукумат раҳбарлари учрашувининг элчилик маросими ва халқаро ахлоқ нормаларини мисол қилиш мумкин. О.халқаро-ҳуқуқий русумлар ёки ҳуқуқнинг шартнома меъёрига айлантирилганидан кейингина халқаро-ҳуқуқ нормаси, яъни халқаро музокараларнинг барча қатнашчилари учун зарур бўлган ахлоқ қоидалари деб тан олиниши мумкин.

ОДАТ[2] (араб. — анъана) — ички муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар ва анъаналар мажмуаси. Ислом динини қабул қилган халқларда одат шариат қонунлари билан бир қаторда жамоа ҳаётини тартибга солишда роль ўйнаган. Одат кўпинча иқтисодий ва ахлоқий ҳаётнинг турли томонларига, оила ва турмуш тарзига тааллуқли бўлади. Исломга қадар мавжуд анъаналардан келиб чиққанлиги сабабли у ислом оламининг турли жойларида турлича кўринишларга эга. Халқимизнинг одатлари (урф-одатлар) ичида соф халқчил, фуқаролик, инсонийлик хусусиятига эга бўлганлари ҳам, шунингдек, ислом диний элементлари аралашиб кетганлари ҳам бор.

ОДАТ ҲУҚУҚИ — маълум давлат, жой ёки этник ва ижтимоий гуруҳда такрорий қўлланиши натижасида юзага келган жамоат муносабатларини бошқарувчи ёзилмаган ахлоқ қоидалари мажмуи. Одатдаги ҳуқуқ, давлатлар пайдо бўлишидан аввалги жамиятдаги урф-одатлар натижасида шаклланган.

ОДДИЙ АКЦИЯЛАР ЭКВИВАЛЕНТИ — обуна бўлиш мумкин бўлган қимматбаҳо қарз қоғозлари ёки акциялар. Уларни оддий акцияларга алмаштириш мумкин. Конвертациялашган облигациялар ва имтиёзли акциялар О.а.э.га киради (чиқарилиш даврида баъзи омилларни ҳисобга олган ҳолда). Агар улар шундай тоифага киритилган бўлса, бир

акцияга келадиган фойдани ҳисоб-китоб қилишда оддий акциялар тарзида қабул қилиниши лозим.

ОДДИЙ ШИРКАТ ШАРТНОМАСИ (ҳамкорлик шартномаси) — икки ёки ундан ортиқ шахслар (шериклар)нинг фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш учун ўз маблағларини бирлаштириш ва юридик шахс тузмаган ҳолда ҳамкорликда ишлаш мажбуриятини олишига асос бўладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартнома. Тадбиркорлик билан шуғулланиш учун тузиладиган оддий ширкат шартномасининг томонлари фақат якка тадбиркорлар ва (ёки) тижорат ташкилотлари бўлишлари мумкин.

Шерикнинг умумий ишга қўшган барча нарсалари, жумладан пул, бошқа мулк, касбий ва бошқа билимлари, кўникма ва маҳоратлари, шунингдек, ишбилармонлик обруси ва иш алоқалари унинг улуши бўлиб хизмат қилиши мумкин. Агар О.ш.ш.нинг мазмунидан ёки ишнинг ҳақиқий ҳолатидан бошқача ҳол келиб чиқмаса, шерикларнинг улуши ўз қиймати бўйича тенг ҳисобланади. Шерик улушининг пулдаги қиймати шериклар ўртасидаги келишув асосида баҳоланади. Агар О.ш.ш.нинг мазмунидан ёки ишнинг ҳақиқий ҳолатидан бошқача нарса келиб чиқмаса, шерикларнинг мулк ҳуқуқида эгаллаб турган ва улуш сифатида қўшган мулки, шунингдек, ҳамкорликдаги фаолияти натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳамда бундай фаолият натижасида олинган натижалар ва даромадлар уларнинг умумий улушдаги мулки ҳисобланади. Шерикларнинг мулк ҳуқуқидан бошқача асосларда эгалик қилган ва улуш сифатида қўшган мулклари барча шериклар манфаати йўлида фойдаланилади ва уларнинг умумий мулки бўлган бошқа мулклари қатори шерикларнинг умумий мулки ҳисобланади. Шериклар умумий мулкининг бухгалтерлик ҳисобини юритиш О.ш.ш.да иштирок этаётган юридик шахслардан бирига топширилиши мумкин. Шерикларнинг умумий мулкидан фойдаланиш уларнинг умумий розилиги билан, ўзаро келишилмай қолган тақдирда эса суд белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

О.ш.ш.да унинг мавжудлиги бошқа шахсларга ошкор этилмаслиги назарда тутилиши мумкин (яширин ширкат). Агар яширин ширкатнинг мазмун-моҳиятидан бошқача қоида келиб чиқмаса, бундай шартномага нисбатан ЎзР ФКда назарда тутилган О.ш.ш. тўғрисидаги қоидалар қўлланилади. Яширин ширкатнинг хусусиятларидан бири шундаки, бошқа шахслар билан муносабатда унинг ҳар бир иштирокчиси шерикларнинг манфаати йўлида тузган битимлар бўйича ўзининг бутун мулки билан жавоб беради. Яширин ширкат шериклари ўртасидаги муносабатларда уларнинг биргаликдаги фаолияти жараёнида юзага келган мажбуриятлар умумий ҳисобланади.

ОДИЛ СУДЛОВ — давлат бошқарувини ташкил этишнинг бир шакли. О.с. давлатда содир этилган жиноятлар ва фуқаролик ишларига оид масалаларни одилона, қонун асосида кўриб чиқиб ҳал этадилар. Одил судлов жиноят-процессуал қонун талаблари асосида амалга оширилади. ЎзР Конституциясининг XXII бобида суд хокимиятининг амалга оширилиши баён этилган бўлиб, 106-моддада жумладан шундай дейилади: «ЎзРда суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади». ЎзР суд тизими ўзига хос тарзда ишлаб чиқилган. Суд

ишлари асосан 5 йил муддатга сайланадиган ЎзР Конституциявий суди, ЎзР Олий суди, ЎзР Олий хўжалик суди, Қорақолпоғистон Республикасининг Хўжалик суди, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва хўжалик судларидан иборатдир. Бу судларнинг асосий фаолият йўналиши қонун асосида О.с.ни амалга оширишга қаратилгандир. Яъни, суд жараёнининг фақат қонун асосида олиб борилиши; суд муҳокамасининг (қонунда белгиланган ҳолатлардан ташқари) очиқ олиб борилиши; томонларнинг иштирокисиз суд олиб борилмаслиги; суд иштирокчиларининг барчасига тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклатиш одил судловни амалга оширишга яратилган асослар бўлиб ҳисобланади.

ОДИЛ СУДЛОВДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ — демократик давлатларда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши. 1) ЎзР Конституциясининг 26-моддасига асосан: «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас...», деб баён этилган. Шунга кўра, жиноятда айбланаётган ҳар бир шахснинг айби фақат суд томонидан, процессуал қонун талаблари асосида кўриб чиқилиши лозим. Шу билан бирга, суд жараёнида айбланувчига нисбатан тегишли шароитлар яратилади; 2) мулкий, сиёсий масалалар бўйича ҳам фуқарога одил судлов ёрдамидан фойдаланиш кафолатланган. Яъни, фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш, сиёсий томондан ўз ҳуқуқларини ҳимоя этилишини суд томонида кўриб чиқишни талаб этиш фуқаронинг одил судловдан фойдаланиш ҳуқуқининг бир шарти бўлиб ҳисобланади. О.с.ф.ҳ. таъминланиши суд идоралари орқали амалга оширилади.

ОДОРОЛОГИЯ (лот. odor — ҳид ва юн. logos — сўз, таълим) — криминалистикада изқувар (ҳид сезувчи) итларнинг ҳид билиш қобилияти ёрдамида жиноят содир этиш жойида бўлган ва ўзининг ҳиди ҳақида ахборот қолдирган шахслар, шунингдек, буюмлар, излар, нарсаларни аниқлаш ҳақидаги таълимот.

ОЗИҚ-ОВҚАТ СОЛИҒИ — тарихий жиҳатдан, муқаддам Советлар Россияси ва СССР давлати қуриш даврида Бутунроссия Марказий ижроия қўмитасининг 1921 йил 21 март декрети асосида жорий этилган тартиб. Бунда қишлоқ жойлардаги деҳқонлардан солиқ натура тарзида олинган.

ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИЛГАН ЖОЙЛАРДАН ҚОЧИШ — ЎзР ЖКда ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар тури сифатида 222-моддага кўра жиноят деб эътироф этилган. Озодликдан маҳрум қилиш жойларидан, дастлабки тергов ҳибсхоналаридан қочиш деганда, кўрсатилган жойларнинг бирини қасддан ноқонуний ташлаб кетиш тушунилади.

ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШ — жиноий жазо турларидан бири. Маҳкумни колонияга жўнатиш ёки умумий, қаттиқ ёки махсус режимдаги ахлоқ тузатиш колониясига ёхуд турмага жойлаштириш йўли билан жамиятдан ажратишдан иборат. О. м. э. жазосига маҳкум этилган ва суд

ҳукм чиқарган пайтда 18 ёшга етмаган шахслар умумий ёки кучайтирилган режимли тарбиявий колонияларга жойлаштирилади.

Бир умрга О.м.э. фақат ўлим жазосига муқобил жазо тарзида ҳаётга тажовуз қилувчи ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун белгиланади ва суд ўлим жазосини қўлламаслик мумкин деб ҳисоблаган ҳолларда белгиланиши мумкин. Бир умрга О.м.э. аёлларга, шунингдек, 18 ёшгача бўлган ёшда жиноят содир этган шахсларга ва суд ҳукм чиқарган пайтга келиб 65 ёшга тўлган эркакларга нисбатан тайинланмайди.

Жиноят қонунида О.м.э.га ҳукм қилинган ва қисқа муддатга О.м.э. жойидан ташқарига чиқишга рухсат этилган ёхуд суд ҳукмини ижро этиш муддати кечиктирилган шахснинг О.м.э. жойидан ташқарига чиқиши ёки жазони кечиктириш муддати ўтгандан сўнг қайтиб келмаслиги одил судловга қарши жиноят деб эътироф этилади. О.м.э. жазосини ўташдан бўйин товлаш жазога тортишга сабаб бўлади.

О.м.э. маҳкумни жазони ижро этиш колониясига ёки турмага жойлаштириш орқали жамиятдан ажратиб қўйишдан иборат. О.м.э. олти ойдан йигирма йилгача бўлган муддатга белгиланади (ЎзР ЖК 50-м.). ЎзР ЖК 60-моддасида назарда тутилган ҳолларда жазолар тўпланган тақдирдагина 25 йил муддатга О.м.э. га йўл қўйилади. Умумий қоидага кўра вояга етмаганлар учун олти ойдан ўн йилгача белгиланади. ЎзР ЖК 86-моддасининг 2, 3, 4-қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ОЗОДЛИКДАН НОҚОНУНИЙ МАҲРУМ ҚИЛИШ — озодликдан маҳрум қилиш маҳкумни жамиятдан ажратиб жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборат. Мазкур ҳолат ЎзР ЖКнинг Умумий қисми жазо ва уни тайинлаш тизимига киради.

ЎзР ЖКнинг 231-м.сига асосан, олдиндан била туриб, адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша ҳаракат одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Мазкур жиноятнинг субъекти судлов ҳокимияти органлари ёки ходимлари ҳисобланади. Объекти эса инсон ва фуқароларнинг ҳаёти, қадр-қиммати, уларнинг озодлиги ҳисобланади.

ОИЛА — кишиларнииг табиий-биологик, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлиги. О. жамият тараққиётининг маълум бир босқичида вужудга келган. О.нинг асосий вазифаларидан бири — фарзанд кўриш ва тарбиялашдир. О. муносабатлари эркак ва аёл ўртасидаги ихтиёрий никоҳ иттифоқи принципларига биноан, ота-она ва болаларни ҳамда бошқа қариндошларни бир-бирига ҳурмати асосида тузилади. ЎзР Конституциясининг 63-м.си оилани жамиятнинг асосий бўғини сифатида белгилайди, жамият ва давлат томонидан муҳофазада бўлиш ҳуқуқига эгалигини эълон қилади. О. аъзолари ҳамда бошқа қариндошлар ўртасидаги шахсий мулкий ва номулкий муносабатлар, никоҳга кириш ва никоҳнинг бузилиши ЎзР норматив ҳуқуқий ҳужжатлари принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларига, қоидаларига биноан амалга оширилади.

ОИЛА АЪЗОСИ — оилавий муносабатларга асосланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга шахс.

ОИЛА ҲУҚУҚИ — ҳуқуқ соҳаларидан бири бўлиб, ўз ичига оила ҳуқуқи фани, оила ҳуқуқи қонуни ва ўқув дарслигини олади. Оила ҳуқуқига

никоҳни белгилаш, тугатиш шартномалари киради. Оиладаги эр-хотин, ота-она, болалар ўртасидаги муносабатларни белгилайди.

ОИЛАВИЙ ВРАЧ — оила аъзоларининг жинси ва ёшидан қатъи назар, уларга биринчи тиббий ёрдам бера оладиган даражада махсус, ихтисос тайёргарлигидан ўтган врач.

ОККУПАЦИЯ (ЗАБТ ЭТИШ) — мустақил ҳуқуқларга эга бўлмаган ҳолда бир давлатнинг ўз қуролли кучлари ёрдамида иккинчи бир давлат ҳудудини вақтинча босиб олиши.

ОКРУГ — 1) бир қатор давлатлардаги маъмурий-ҳудудий бирлик; 2) турли вақтинчалик тузилмалар (масалан, сайлов округи); 3) маълум органларнинг ваколати тарқалган ҳудудлар (масалан, ҳарбий округ).

ОЛДИН ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ПРИНЦИПИ — ҳарбий таълимот бўйича уруш шароитида бўлган давлатлардан бирининг ўзини ҳимоя қилиш учун олдин ҳаракат қилиши (БМТ Низомининг 51-моддаси).

ОЛДИНДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ — муаллифлик таклифларининг корхона (ташкилотлар) томонидан ҳақ тўланмасдан фойдаланилишига айтилади. Бунда муаллиф патент олишга ариза бермаган бўлиши ва бу кашфиёт бўйича маълум бир давлат ҳудудида бирор шахс шу кашфиёт бўйича ишлаб, унга эришган бўлиши зарур.

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ — фуқаролик ҳуқуқида шартномаларнинг энг кўп тарқалган турларидан бири бўлиб, унга кўра бир томон (сотувчи) буюм (товар)ни бошқа томон (харидор)га сотиш мажбуриятини олади, харидор эса бу товарни қабул қилиш ва унинг эвазига муайян пул суммасини (баҳони) тўлаш мажбуриятини олади. О.-с.ш. предмети буюмлар (мулк) бўлган ўрни тўлдириладиган икки томонлама шартномалар сирасига киради.

Улар ҳам О.-с.ш.нинг предметини ташкил этиши мумкин. Агар мулкий ҳуқуқлар мазмуни ёки хусусиятидан бошқача қоида келиб чиқмаса, ЎзР ФК О.-с.ш. ҳуқуқий режимининг насияга, кредитга, автоматлардан, чакана савдодан, намуна бўйича сотишдан фойдаланиб сотиш учун, айрим турдаги мулк олди-сотдиси учун хос ҳуқуқий режимлар бўлишини назарда тутади. О.-с.ш.нинг алоҳида турларига етказиб бериш шартномаси, контрактация, энергия билан таъминлаш шартномаси, кўчмас мулкни сотиш шартномаси, корхонани сотиш шартномаси киради.

ОЛИБ КЕЛИШ — мажбурий тарзда милиция идоралари томонидан, узрли сабабларсиз чақирувга келмаган айбланувчи, судланувчи, гумон қилинувчи, гувоҳ каби шахсларни суд, суриштирув ва тергов органларига олиб келиш. О. к. қонунда кўзда тутилган ҳолда агар шошилинч чоратадбирлар зарурати бўлмаса, кечқурун 22.00 дан эрталаб 6.00 гача амалга оширилмайди.

ОЛИБ ҚОЧИШ — ЎзР жиноят ҳуқуқига мувофиқ, ўғрилик мақсадисиз автомобилни ёки бошқа транспорт воситаларини ноқонуний эгаллаб олиш (ЎзР ЖК 267-м.).

ОЛИГАРХИЯ — давлат ёки молия соҳасидаги умумий эҳтиёжлар билан боғланган кичик гуруҳнинг ҳокимияти, устунлиги.

ОЛИГОПОЛИЯ — ривожланган мамлакатлардаги хўжалик тармоғи бозор тизимининг тури. О.да бир нечта йирик компаниялар норасмий келишув асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни назорат қиладилар.

ОЛИГОПСОНИЯ — бозор тизимининг тури. О.да маълум маҳсулот харидорлари гуруҳининг монополияси мавжуд бўлади.

ОЛИГОФРЕНИЯ — ақли заифликнинг бир тури О. инсоннинг ақлий қобилиятлари турли даражада туғма етилмаганлиги билан таърифланади. Касалланишнинг қанчалик чуқурлигига қараб, ақли заифлик қуйидаги турларга бўлинади: идиотия (овсарлик), имбециллик, дебиллик. Олигофрения руҳий фаолият турли даражада бузилишининг бир тури бўлиб, ақли норасоликнинг тиббий мезонларини ташкил қилади (ЖКнинг 18-моддасига қаранг).

ОЛИЙ МАЖЛИС — ЎзР Конституциясининг 76-моддаси ва ЎзРнинг 1994 йил 22 сентябрдаги «ЎзР Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий қонунининг 1-моддасига мувофиқ, бир палатали олий вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Олий Мажлис фаолиятининг қонуний асосини ЎзР Конституциясининг XVIII боби ҳамда ЎзРнинг «ЎзР Олий Мажлиси тўғрисида»ги 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган конституциявий қонуни ташкил этади.

Олий Мажлис бир палатали давлат органи бўлиб, 250 депутатдан иборат. Ушбу депутатлар ҳудудий бир мандатли округлар бўйича кўп партияли асосда сайланадилар. Олий Мажлисга сайловни тайёрлаш ва ўтказиш тартиби ЎзРнинг «ЎзР Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги 1993 йил 28 декабр қонуни ва унинг асосида чиқариладиган қонун ҳужжатлари билан белгиланади. ЎзР Олий Мажлисининг ваколат муддати беш йил.

ЎзР Олий Мажлиси ишининг ташкилий шакли сессия бўлиб, у мажлислар ҳамда улар орасида ўтказиладиган Олий Мажлис қўмиталари, комиссиялари ва бошқа органларининг йиғилишларидан иборат. ЎзР Олий Мажлисининг навбатдан ташқари сессияси Олий Мажлис раиси томонидан унинг ташаббуси билан ёхуд ЎзР Президентининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ёки Олий Мажлис депутатларининг камида учдан бир қисми таклифи билан чақирилади.

Олий Мажлис ишини ташкил этиш ва бошқа ваколатларини амалга ошириш учун ЎзР Олий Мажлисининг Кенгаши ташкил этилади. Унинг таркибига Олий Мажлиснинг раиси, раис ўринбосарлари, қўмиталарнинг, Мандат комиссиясининг раислари ва Олий Мажлис расмий фракцияларининг вакиллари киради.

Қўмиталар ва комиссиялар қонун лойиҳаларини тайёрлаш, Олий Мажлисда кўриб чиқиш учун киритиладиган масалаларни дастлабки кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Олий Мажлис чиқарган қонунлар ва бошқа қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ташкил этилади. Қўмиталар ва комиссияларнинг рўйхати ва неча кишидан иборат бўлиши Олий Мажлис томонидан белгиланади.

ЎзР Олий Мажлисининг фаолиятини таъминлаш учун Олий Мажлис котибияти тузилади.

ОЛИЙ СУД — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди — фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

ОЛИНМАЙ ҚОЛГАН ДИВИДЕНД — акционерлар ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб талаб қилиб олмаган дивиденд. Қоидага кўра, майда акционер шахсан ўзи келиши ҳамда дивиденд олиш ҳуқуқини кўрсатувчи ва

ғазначи кесиб олиши лозим бўлган купонли қимматбаҳо қоғозини тақдим этиши ёки акционерлик жамиятига дивидендларни унинг ҳисобварағига ўтказишлари сўралган расмий топшириқни бериши керак.

ОЛТИН БИЛАН ТАЪМИНЛАШ — банк эмиссиясини қоплаш учун мазкур мамлакатнинг олтин захираси. У ҳукумат томонидан белгиланади.

ОЛТИН ЗАХИРАСИ — халқаро валюта — кредит ташкилотлари ёки давлатнинг молия органлари ёхуд марказий эмиссия банки ихтиёрида бўладиган (тангалар ва қуймаларда) олтиннинг марказлаштирилган захираси.

ОЛТИН ПАРИТЕТИ — 1) олтиннинг пул бирликларидаги миқдори. Масалан, 1 АҚШ доллари 0, 8185132 г миқдорида олтин билан таъминланган; 2) икки давлат пул бирлигининг ўзаро қанча миқдорда олтин билан таъминланганлиги ифодаси.

ОЛТИН СЕРТИФИКАТЛАРИ — бюджет харажатларини қоплаш учун давлат томонидан муомалага чиқариладиган қимматли қоғозлар туридан бири. ЎзР ҳукумати томонидан кафолатланган қарз мажбуриятлари сифатида (давлатни ички қарзи шаклларидан бири) чиқарилган эди. Олтин сертификат ЎзР Молия вазирлиги томонидан чиқариладиган (эмитент) давлатнинг қимматли қоғозлари бўлиб ҳисобланади. Сертификат номинали — 0,9999 пробали 10 кг олтин. Сертификат эгаси учун даромад олиш нархи қопланиш нархи ўртасидаги фарқда белгиланади. Юридик ва жисмоний шахслар унинг эгаси бўлиши мумкин. Сотиш мақсадида, банклар томонидан сертификатни майдалаш назарда тутилган (100 гр). Олтин сертификатини олиш-сотиш бўйича операцияларни ошириш учун ЎзР Марказий банкининг махсус лицензияси олиниши шарт. Сертификатнинг амал қилиш муддати — бир йил.

ОЛТИН СТАНДАРТИ — пул тизими, унинг доирасида нақд пулни олтинга эркин алмаштириш мумкин бўлади. Олтин бирлиги ва валюта бирлиги ўртасида фарқлар қонунчилик тартибида белгиланади. Кўпчилик йирик мамлакатларда халқаро савдода қатнашувчи олтин стандарти унинг қадрлилигини ушлаб туриш мақсадида бекор қилинган. Шу билан бир вақтда олтин стандартини тиклашга қизиқиш вақти-вақти билан экспансион пул-кредит сиёсатини ушлаб туриш воситаси сифатида ошиб бормоқда.

ОҚЛОВ ҲУКМИ — суднинг қуйидаги ҳолатларда чиқарган қарори, башарти: 1) жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса; 2) судланувчи содир этган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса; 3) жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор бўлмаса. ЖПКнинг 464-моддасига мувофиқ, жиноят бошқа шахс томонидан содир этилганлиги аниқланса, шунингдек, судланувчига қўйилган айблов, иш ҳолатлари батафсил текширилгандан кейин ишонарли тарзда ўз тасдиғини топмаса, суд судланувчини оқлайди. Башарти, ўша асос бўйича оқлов ҳукми чиқарилганда, жиноятни содир этган шахс аниқланмай қолган бўлса, суд бу шахсни аниқлаш ва уни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш чораларини кўриш учун ишни ҳукм кучга киргандан сўнг прокурорга юборади.

ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ — Францияниng 1795 йилги III Конституциясига кўра ташкил этилган. Қонунчилик корпусининг икки палатасидан бири. Цензли ва икки босқичли сайлов ҳуқуқи асосида 40 ёшгача бўлган шахслар ичидан сайланадиган 250 кишилик таркибдан иборат бўлган. О.к. беш юзлик кенгаш киритадиган қонун лойиҳасини маъқулла-

ши ёки рад қилиши мумкин бўлган, унинг ўзи қонун чиқарувчилик ташаббусидан маҳрум эди. Беш юзлик кенгаш киритадиган таклифлар О.к. томонидан уч ўқишда муҳокама қилинган, бундай ўқишлар ўртасида камида беш кун вақт ўтган. О.к. олдинига Манежда, кейинчалик Бурбонлар саройида мажлис қилган. У 1795 йилнинг 25 октябридан 1799 йилнинг 10 ноябригача амал қилган ва Наполеон амалга оширган 18 брюмер тўнтаришидан кейин тарқатиб юборилган.

ОМБОРДА САҚЛАШ ШАРТНОМАСИ — фуқаролик-ҳуқуқий шартнома турларидан бири бўлиб, унга товар омбори (сақловчи) муайян ҳақ эвазига товар эгаси (омонат берувчи) унга берган товарларни сақлаш ва уларни бутун ҳолда қайтариш мажбуриятини олади. О.с.ш. *сақлаш шартномасининг* турларидан биридир. Тадбиркорлик фаолияти сифатида товарларни сақлаш ва унга алоқадор хизматларни кўрсатиш билан шуғулланувчи ташкилот товар омбори деб аталади. Шартноманинг тузилиши ва товарнинг омборга қабул қилиниши омбор ҳужжати (икки томонлама омбор гувоҳномаси, оддий омбор гувоҳномаси, омбор квитанцияси) билан тасдиқланган тақдирда омборда сақлашнинг ёзма шаклдаги шартномасига риоя этилган ҳисобланади. Агар қонун, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ва ушбу тижорат ташкилоти берган рухсатлар (лицензиялар)дан ушбу ташкилотнинг товарларни ҳар қандай товар эгасидан қабул қилиши шарт эканлиги келиб чиқадиган бўлса, товар омбори умумий фойдаланишдаги омбор ҳисобланади. Умумий фойдаланишдаги товар омбори тузадиган О.с.ш. *оммавий шартнома* ҳисобланади.

ОМБУДСМАН (швед. Hombudsman — бирор киши муносабатларининг вакили) — баъзи мамлакатларда парламент томонидан махсус сайланган (тайинланган), давлат органлари ҳаракатларининг қонунийлиги ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини кузатувчи мансабдор шахс. ЎзРнинг 1997 йил 24 апрелдаги «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, О. мансабдор шахс бўлиб, унга ЎзРда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг самарадорлиги устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ — жамоатчилик онгини шакллантирувчи, демократик ривожланишнинг асосий принципларини, маданий ва ахборот бериш вазифаларини амалга оширувчи ҳамда миллатнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи тизим. Жамиятнинг ахборот билан таъминланиши ошиб бориши туфайли оммавий ахборот воситалари мустақил кучга, «тўртинчи ҳокимият»га (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлардан кейин) айланмоқда.

О.а.в.нинг фаолияти инсоннинг асосий ҳуқуқига — сўз эркинлигига асосланган ва қатор давлатларда қонун томонидан муҳофаза қилинади. Конституциянинг 67-м.сида «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди» дейилган. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунда О.а.в.нинг таърифи берилган (1-м.) уларнинг эркинлиги (2-м.), она тилида ахборот олиш ҳуқуқи (3-м.), таъсис қилиниши ва рўйхатга олиниши, шу жумладан, рўйхатга олишга розилик бер-

маслик (5, 11-м.лар) ҳоллари белгиланган ҳамда О.а.в. вакилларининг (мухбирларни) ахборот қидириш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқлари (25-м.) белгиланган. Охирги ҳуқуқлар «Журналистнинг касбий фаолиятни муҳофаза қилиш туғрисида»ги қонунда белгиланган, унда мухбир «оммавий ахборот воситалари хизматида бўлувчи шахс» сифатида белгиланади (3-м.). Мазкур қонунга О.а.в.нинг фаолияти учун муҳим бўлган мухбир томонидан сир сақлаш ҳуқуқи (7-м.) ҳамда мухбир томонидан тергов ўтказиш ҳуқуқлари (9-м.) киритилган. Бундан ташқари О.а.в. вакилларининг ахборот олиш ҳуқуқи «Ахборот олиш эркинлиги ва унинг кафолатлари» туғрисидаги қонунда кафолатланади (1997 й.).

О.а.в.нинг ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатлари билан бир қаторда ЎзРнинг қонунлар мажмуи, улар томонидан тарқатилган ахборот учун жавобгарликни ҳам белгилайди. Конституциянинг 67- м.сида қайд қилинганидек, улар «ахборотни тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар». О.а.в.тўғрисидаги қонунда ва мухбирларнинг касбий муҳофазаси тўғрисидаги қонунда сўз эркинлигини суистеъмол қилишга (4-м.) ва текширилмаган ахборотни тарқатишга йўл қўймаслик тўғрисида сўз юритилган. Шундай қилиб, ЎзР қонунлари ЎзР Конституциясига киритилган О.а.в. ҳуқуқ ва вазифаларининг диалектикасини ривожлантирмоқда.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЭРКИНЛИГИ — Қаранг: *Матбуот эркинлиги.*

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАСИНИНГ УСТАВИ — ЎзРнинг «Оммавий ахборот воситаси тўғрисида»ги 1997 йил 26 декабрь қонунига биноан, О.а.в.у. журналистлар — таҳририят штатидаги ходимлар жамоасининг умумий йиғилишида унинг аъзоларининг камида 2/3 қисми бўлганда кўпчилик овоз билан қабул қилинади. О.а.в.у.да қуйидагилар белгилаб қўйилиши керак: таъсисчи, таҳририят, бош муҳаррирнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари; бош муҳаррир, таҳрир ҳайъати ва (ёки) таҳририятнинг ўзга бошқарув органларини тайинлаш (сайлаш) тартиби; оммавий ахборот воситасининг фаолиятини тугатиш ва тўхтатиш тартиби; номга эга бўлиш ҳуқуқини бировга бериш ва (ёки) сақлаб қолиш, таъсисчини алмаштириш, бошқа таъсисчилар таркибини ўзгартириш, оммавий ахборот воситаси фаолиятини тўхтатиш, таҳририятни тугатиш ёки қайта ташкил этиш, унинг ташкилий ҳуқуқий шаклини ўзгартиришнинг бошқа юридик оқибатлари; О.а.в.у.ни тасдиқлаш ва ўзгартириш тартиби, шунингдек, қонунларда белгиланган бошқа қоидалар. Корхона сифатида ташкил этилган таҳририятнинг устави айни пайтда ушбу корхонанинг устави бўлиши мумкин ва бундай ҳолда у корхоналар ва тадбиркорлар фаолиятига доир қонунларга ҳам мувофиқ бўлиши керак.

ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИК — ЎзР Жиноят қонунчилигида ўз аксини топиб, ЖКнинг VI бўлим XVII боб, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар жумласига киради.

О.т. деганда қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш билан қўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиб, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш орқали содир этилган О.т. ташкил қилиш, шунингдек, О.т.ларда фаол қатнашиш ҳоллари тушунилади (ЎзР ЖК, 244-м).

ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР — уюшмаган бир гуруҳ шахслар

қонунда белгиланган ва давлат ҳокимияти томонидан қўриқланадиган ижтимоий тартибни бузишлари. О.т. шахс устидан зўравонлик, портлатишлар, ўт қўйишлар ҳокимиятга қурол билан қаршилик кўрсатишлар билан боғланиб кетиши мумкин. Мазкур ҳаракатлар алоҳида хавфлидир, чунки у тасодифан йиғилган ва бошқариб бўлмас оломон томонидан содир этилади. ЎзР ЖКга кўра, О.т. жамият хавфсизлигига қарши жиноят ҳисобланади ва 244-м.га кўра 10 й.дан 15 й.гача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. ЎзР Конституцияси 93-м.сининг 15-бандига кўра О.т. фавқулодда ҳолат эълон қилинишига олиб келиши учун асос бўлиши мумкин.

ОМОНАТ (ДЕПОЗИТ) СЕРТИФИКАТИ — қимматбаҳо қоғоз.

ОМОНАТ БЎЙИЧА ИШОНЧ ХАТИ — омонатчининг бошқа шахсга жамғарма банкидан ўзига тегишли омонатнинг ҳаммасини ёки бир қисмини олиш ҳуқуқини берувчи топшириғи. Бир ёки бир неча марта пул олиш учун мўлжалланиши мумкин. Уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

ОМОНАТ ДАФТАРЧАСИ — банк билан фуқаро ўртасида пул маблағини сақлаш туғрисидаги келишув. О. д.да банкнинг номи, жойлашган жойи, барча пул маблағларининг ҳисоби, ҳисобдан чиқарилган пул маблағи ва қолган пул маблағлари кўрсатилиши керак.

ОМОНАТ ЖАМҒАРМАЛАРИ — банкдаги ва бошқа жамғармалар. Аҳолининг ўз пул маблағларини сақлаш ва кейинчалик ишлатиш ҳамда бошқа чиқимлар учун йиққан пуллари. Ўзбекистонда тезда бериладиган, мақсадли пул жамғармалари мавжуд.

ОМОНАТ САҚЛАШ — фуқаролар мулкий муносабатларининг бир тури. ЎзР Фуқаролик кодексининг тегишли бобида (ЎзР ФК 51-боб) омонат сақлашнинг ҳуқуқий асослари бўйича тегишли нормалар баён этилган. Жумладан, кодекснинг 875-моддасида омонатнинг асосий шарти, шартнома тузишнинг ҳуқуқий асослари ва амалга оширувчи шахслар баён этилган. Шунга кўра омонат сақлаш шартномаси бўйича бир тараф (омонат сақловчи) иккинчи тараф (юк топширувчи) берган ашёни сақлаш ва бу ашёни тула ҳажмда қайтариш мажбуриятини олади. Омонат шартномаси ёзма шаклда бўлади. Ундан ташқари омонат сақлашга топширишга бериладиган патта, тилхат, гувоҳнома кабилар ҳам, агар унда омонат сақловчи имзо қўйган бўлса, ёзма шартнома ҳисобига ўтади (ЎзР ФК 876-м).

ОМОНАТЛАРНИ ҚАЙТА БАҲОЛАШ — омонатнинг аввалги қийматини ўзгартириш асосида кредит-молия муассасаларининг келишуви. Бу келишув қийматнинг ошиши ёки камайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — она ва боланинг саломатлигини сақлашга, соғлом авлодни шакллантиришга, ривожлантиришга қаратилган давлат ва ижтимоий чора-тадбирлар мажмуаси.

О. ва б. м. қ. таркибида: даволаш ва хасталикнинг олдини олишга қаратилган тиббий ёрдам, ҳомиладор бўлмаган аёлларга маслаҳат бериш, уларни оналикка тайёрлаш, аёллар маслаҳатхоналари, акушерлик стационарларида терапевтик махсус бўлимлар очиш, чақалоққа туғилиш пайтида тўғри ёрдам кўрсатиш, чақалоқни парвариш қилиш, даволашда ёрдам кўрсатиш, мактабгача бўлган даврда болани саломатлиги-

ни муҳофаза қилиш, жисмоний ривожланишини, тўғри овқатланишини, иммунологик ҳолатини назорат қилиш, мактаб ёшидаги боланинг саломатлигини муҳофаза қилиш, уни жисмоний ривожлантириш, ўсиб турган организм асосий тизимларининг фаолиятини баҳолаш, саломатлик ҳолатида пайдо бўлган ўзгаришларни аниқлаш каби асосий босқичлар мавжуд.

ОНАНИНГ ЎЗ ЧАҚАЛОҒИНИ ҚАСДДАН ЎЛДИРИШИ — ЎзР жиноят ҳуқуқи бўйича ЎзР ЖК 99-моддасида назарда тутилган шахс ҳаётига қарши жиноят. Онанинг ўз чақалоғини туғиш вақтида ёки туғилиши ҳамон қасддан ўлдириши озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ОНГНИНГ БУЗИЛИШИ — кучли ҳаяжонланиш, қаттиқ хафа бўлиш, қўрқинчли туш кўриш, руҳий тушкунликка тушиш оқибатида юзага келадиган ҳолат; умуман олганда, бу касаллик ҳисобланмайди.

ОНКОЛЬ (лот. on call — талабга кўра) — банклар томонидан бериладиган кредит шакли, талабгача ёрдам қарзи: қарз олувчи маълум муддатга берилган кредитни секин-аста тўлаш ҳуқуқини олади, бунда у кредиторнинг биринчи талаби бўйича қарзни дарҳол тўлаши шарт. О. одатда, товарлар, векселлар ва қимматбаҳо қоғозлар билан таъминланади. Оддий қарздан онколь кредити, қарз ва таъминланиш миқдорининг доимий равишда ўсиб туриши ва О.нинг ҳар қандай тарафнинг талаби билан хоҳлаган вақтда тўхтатилиши билан фарқланади. Онколь кредити бўйича қарздор онколь ҳисоби бўйича олинган фактик миқдорини тўлайди. Ташқи савдода онколь битими — бу товарнинг кейинчалик нархини тайинлаш орқали битим тузиш. Бундай битимда харидорнинг танлаган кунларида тегишли биржанинг котировкаси асосида нарх тайинланади.

ОПЕРАТИВ БОШҚАРУВ ҲУҚУҚИ — фуқаролик-мулкий муносабатларда амалга ошириладиган ҳуқуқ. ЎзР Фуқаролик кодексининг 178-моддасида кўрсатилишича — давлат корхонаси, шунингдек, муассаса ўзларига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан қонунда белгилаб қўйилган доирада, ўз фаолиятига, мулкдорнинг топшириқларига ҳамда мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларини амалга оширади. Давлат корхонаси ёки муассасасига бириктириб қўйилган мол-мулкнинг эгаси фойдаланилмаётган ортиқча ёки ноўрин фойдаланилаётган мол-мулкни олиб қўйиш ҳамда уни ўзи хоҳлаган тарзда тасарруф этишга ҳақли. Мулкдорнинг қарори билан уни корхонага ёки муассасага бириктириб қўйилган мол-мулкни хўжалик усулида юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқи ушбу корхона ёки муассасасида унга мол-мулк топширилган пайтдан бошлаб вужудга келади, башарти, қонун ҳужжатларида ёки мулкдорнинг қарори билан бошқача тартиб белгиланмаган бўлса. Фуқаролик кодексида хўжалик юритишда ёки оператив бошқаришда бўлган мол-мулкдан фойдаланишдан олинган ҳосила маҳсулот ва даромадлар, шунингдек, унитар корхона ёки муассаса шартнома бўйича ёхуд бошқа асосларда вужудга келган мол-мулк ҳам мулк ҳуқуқининг вужудга келиши учун белгилаб қўйилган тартибда корхона ёки муассасанинг хўжалик юритишига ёки оператив бошқаришига ўтади. Мол-мулкни хўжалик усулида юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи мулкдорнинг қарори билан ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда бекор қилинади.

ОПЕРАТИВ ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ — давлат органлари оператив бўлинмаларининг ўз ваколатлари чегараларида инсон ва фуқаронинг ҳаёти, соғлиги, ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкини ҳимоя қилиш, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш бўйича ошкора ва яширин фаолияти.

ОПЕРАЦИЯ КУНИ — кредит ташкилотлар ва банкларда мижозларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш учун ажратилган иш кунининг қисми.

ОПКОЛ ҲИСОБИ — банкдаги жорий ҳисоб бўлиб, қимматбаҳо фоизли қоғозларни гаровга қўйиш йўли билан очилади.

ОППОЗИЦИЯ (лот. oppositio — қаршисига қўйиш, таққослаб кўриш) — нимагадир ёки кимгадир қарши ҳаракат. Сиёсатда: 1) ўз сиёсатини бошқа, одатда, расмий сиёсатга қарши қўйиш; 2) қонун чиқарувчи, мафкуравий ёки бошқа тизимлардаги ҳукмрон ёки кўпчилик тан олган фикрга қарши чиқиш. Оппозицияларнинг қуйидаги турлари мавжуд: мўътадил, радикал, лоял (келишувга ва ҳокимиятни қўллаб-қувватлашга тайёр), конструктив (сермазмун, ишбилармон таклифларни ифодаловчи), деструктив (қўпорувчи).

ОПТАНТ (лот. Optans дан — хоҳловчи) — оптация, яъни фуқароликни танлаш ҳуқуқига эга шахс.

ОПТАЦИЯ (лот. Optatia дан — хоҳиш, танлов) — бир давлатдан бошқа давлатга ўтувчи ҳудуд аҳолисига берилган фуқароликни танлаш ҳуқуқи.

ОПЦИОН (лот. optio — танлов, хоҳиш, ихтиёр) — 1) муаллифлик ҳуқуқида таҳририятнинг хорижий муаллиф билан бепул тузган келишуви. О. га мувофиқ таҳририят асарни ўрганиш ва нашр эттириш масаласини ҳал қилиш учун қабул қилади. Бунда таҳририят белгиланган муддатда келишув бўйича жавоб бериши керак бўлиб, муаллиф бу муддат тугагунча бошқа таҳририят билан асарни она тилида нашр эттириш бўйича битим тузишга ҳақли эмас; 2) контракт бўйича альтернатив валюта шартларини танлаш ҳуқуқи бўлиб, шартнома бўйича келишувнинг тегишли томонига маълум муддат ёки шароитларда унга эгалик ҳуқуқини беради; 3) акционерларга маълум жамият акцияларини имтиёзли сотиб олиш учун бериладиган ҳуқуқ; 4) халқаро ҳуқуқда шахсга, халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳолатларда ёки ҳудудий ўзгаришлар, янги давлатларнинг тузилиши ёки икки тарафлама фуқароликни тугатиш учун бериладиган фуқароликни танлаш ҳуқуқи.

ОПЦИОН МУКОФОТИ — опцион учун тўланадиган сумма (бирор нарсани сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқи учун).

ОПЦИОН ЭГАСИ — харид опциони бўлганда — опцион асосида ётган бойликни харид қилиш, сотув опциони бўлганда — сотиш ҳуқуқини сотиб олувчи шахс.

ОРГАН (юн. Organon — асбоб, қурол) — 1) ташкилий бирлик. Ўз ваколати ва махсус вазифаларига эга давлат ёки жамоат тузилмаси (қонун чиқарувчи, ижроия, давлат суд органлари, жамоат бирлашмаларини бошқариш органи, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи). Чунончи, конституциявий ҳуқуқда давлат органи деб, давлат-ҳокимият вазифалари ва топшириқларини бажариш ваколатига эга ва белгиланган тартибда фаолият кўрсатувчи фуқаролар жамоаси ёки фуқаро (масалан, ЎзР Президенти); 2) хусусий, одатда бошқарув ваколатига эга юридик шахснинг ту-

зилмавий бўлинмаси, ёки ташкилотда доимий равишда низом ва қонун бўйича бошқарувга оид вазифаларни бажарувчи жисмоний шахс.

ОРГАНИК ҚОНУНЛАР — конституциянинг тўғридан-тўғри кўрсатмасига биноан қабул қилинадиган қонунлар. Бир қатор мамлакатларда бундай қонунларни белгилаш учун қўшимча атамаси ишлатилади (Франция, Бразилия). ЎзРда бундай қонунлар *конституциявий қонунлар* деб аталади.

ОРДАЛИЯ (лот. ordalium) — ўрта асрлар суд жараёнида тарафларнинг ҳақлигини ёки айбини «илоҳий суд» (ўт, сув ва бошқалар билан синаш) орқали аниқлаш усули.

ОРДЕН (лот. ordo — қатор, тоифа) — 1) нишон, алоҳида хизматлар учун давлат мукофоти. ЎзРда орденни таъсис этиш ва тақдирлаш Президент фармони билан амалга оширилади. Орден билан тақдирланган шахслар қонунларга биноан маълум ҳуқуқ ва имтиёзларга эга бўладилар; 2) VI асрдан бошлаб, Рим папаси томонидан тасдиқланган низомларга мувофиқ, фаолият кўрсатувчи марказлашган католик руҳонийлар жамиятлари.

ОРДЕР — 1) буйруқ, фармойиш, кўрсатмадан иборат расмий ҳужжат; 2) бирор-бир нарсани олиш учун ҳужжат.

ОРДЕРЛИ ИНДОССАМЕНТ — аниқ бир шахс (индоссат)нинг буйруғи билан вексел туланиши лозим эканлиги кўрсатилган индоссамент.

ОРДЕРЛИ ЧЕК — маълум шахс фойдасига ёзиб бериладиган чек. Индоссамент, яъни орқа томонидаги ёзуви бўлганда янги эгасига берилиши мумкин.

ОРТИҚЧА ЛИКВИДЛИК — банкларнинг уларнинг одатдаги эҳтиёжидан ортиқча ликвидлиги (нақд пуллар ва тез сотиладиган активлар).

ОСИБ ЎЛДИРИШ — криминалистика нуқтаи назаридан одам ўлдиришнинг бир усули. Бунда одам ҳаво етишмаслиги натижасида бўғиш орқали нобуд бўлади. Бу жиноятни содир этишда осиб ўлдириш воситаси бўлиб арқон, мато, чарм тасмалари кабилар ишлатилади. Ўзини-ўзи осиш жараёнида шахс хилма-хил сиртмоқларидан фойдаланади ва бундай ҳолларда бўйиндаги из осилиш йўналиши бўйича томоқдан тепага чўзилган бўлади. Бошқа шахслар томонидан бўғиб ўлдирилганда эса из бўйинда энига қараб тўғри чизиқда бўлади.

ОСТРАКИЗМ (юн. ostrakismos, ostrakon — сопол парча) — 1) Қадимги Грецияда фуқароларни қувғин қилиш. О. халқ йиғинида сопол парчага ҳайдалувчининг исмини ёзиб, овоз бериш йўли билан амалга оширилган; 2) кенг маънода — у ёки бу шахсни ҳайдаш, қувғин қилиш, сиқувга олиш.

ОТАЛИҚ (ОНАЛИК) ТЎҒРИСИДА ЭЪТИРОЗ БИЛДИРИШ — ОКнинг 63-моддасига мувофиқ, туғилишни ёзиш дафтаридаги туғилишга оид ёзув боланинг унда кўрсатилган ота-онадан туғилганлигини тасдиқловчи далил ҳисобланади. Боланинг отаси ёки онаси деб ёзилган шахс унга бундай ёзув маълум бўлган ёки маълум бўлиши лозим бўлган вақтдан эътиборан бир йил мобайнида ана шу ёзув тўғрисида суд тартибида эътироз билдиришга ҳақлидир. Агар шу вақтга келиб, боланинг отаси ёки онаси деб ёзилган шахс вояга етмаган бўлса, бир йиллик муддат мазкур шахс ўн саккиз ёшга тўлган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

ОТАЛИКНИ СУД ТАРТИБИДА АНИҚЛАШ — оталик фактини суд тартибида аниқлаш тадбири. Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-оналарнинг фарзанди туғилганда ва ота-оналарининг биргаликдаги аризаси ёки отасининг аризаси бўлмаганда боланинг муайян шахсдан келиб чиқиши (оталик) ота-оналардан бирининг, боланинг васийси (ҳомийси) ёки болани ўз қарамоғига олган шахснинг аризасига кўра, шунингдек, вояга етган боланинг ўзи ёзган аризаси бўйича суд тартибида аниқланади. Бунда суд боланинг муайян шахсдан туғилганлигини ишончли тасдиқловчи ҳар қандай далилни эътиборга олади. Ўзини боланинг отаси деб тан олган, лекин унинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахс вафот этган тақдирда, унинг оталикни тан олиши факти фуқаролик-процессуал қонунларда белгиланган тартибда аниқланиши мумкин.

ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ЭТИШ — ота-оналар (улардан бири) қуйидаги ҳолларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилишлари мумкин: ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаган, жумладан, алиментларни тўлашдан бўйин товлаган тақдирда; узрли сабабсиз ўз фарзандини туғруқхонадан (унинг бўлимидан) ёхуд бошқа даволаш муассасасидан, тарбия муассасасидан, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасасидан ёки бошқа шу каби муассасалардан олишдан воз кечганда; ўзининг ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилган, ўз болалари билан шафқатсиз муомала қилган, жумладан, уларга нисбатан жисмоний ёки руҳий зўравонлик қилганда; сурункали алкоголизм ёки наркомания билан оғриганда; ўз фарзандларининг ёхуд турмуш ўртоғининг ҳаётига ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир этганда.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш суд тартибида амалга оширилади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этишга доир ишлар ота-оналардан бирининг (уларни алмаштирувчи шахсларнинг), прокурорнинг, шунингдек, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мажбурияти юклатилган органлар ёки муассасаларнинг (ҳомийлик ва васийлик органлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, етим болалар ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассасалар ва бошқаларнинг) даъвоси бўйича кўриб чиқилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги ишлар прокурор ҳамда ҳомийлик ва васийлик органининг иштирокида кўриб чиқилади. Суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги ишларни кўриб чиқаётганда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ота-оналардан (уларнинг биридан) болани боқиш учун алимент ундириш ҳақидаги масалани ҳам ҳал этади.

Агар суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги ишни кўриб чиқаётганда ота-оналарнинг (улардан бирининг) ҳаракатларида жиноий жазога лойиқ қилмишнинг белгиларини аниқласа, у бу тўғрида прокурорга хабар бериши шарт.

Суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги иш бўйича суд қарори қонуний кучга кирганидан кейин уч кун ичида суднинг ушбу қароридан олинган кўчирмани бола туғилганлиги давлат руйхатига олинган жойдаги фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органига жўнатиши шарт.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ота-оналар ўзлари ота-она-

лик ҳуқуқидан маҳрум этилган бола билан қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқларни, жумладан, уни боқиш ҳуқуқини, шунингдек, қонун ҳужжатларида фарзандли фуқаролар учун белгиланган имтиёз ва нафақаларни олиш ҳуқуқини йўқотадилар.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ота-оналарни ўз фарзандларини боқиш мажбуриятидан озод қилмайди. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ота-оналарнинг (улардан бирининг) бундан буён бола билан бирга яшаши ҳақидаги масалани суд турар жой ҳақидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этади.

Ота-онаси (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган бола турар жойга эгалик қилиш ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади, шунингдек, агар у фарзандликка олинмаган бўлса, ота-оналари ва бошқа қариндошлари билан қариндошлик фактига асосланган мулкий ҳуқуқларни, жумладан, мерос олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Болани бошқа ота-онага беришнинг имкони бўлмаган тақдирда ёки иккала ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда бола ҳомийлик ва васийлик органига ҳомийлик қилиш учун топширилади.

Ота-оналар (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган тақдирда болани фарзандликка олишга унинг ота-онаси (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганидан кейин камида олти ой ўтгач рухсат этилади.

ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИНИНГ ЧЕКЛАНИШИ — ОКнинг 83-моддасига мувофиқ, суд боланинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмай туриб, болани ота-онадан (уларнинг биридан) олиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши (ота-оналик ҳуқуқини чеклаши) мумкин. Болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш ота-онага (улардан бирига) боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (руҳиятнинг бузилиши ёки бошқа сурункали касаллик, оғир ҳолатларни бошдан кечириш ва бошқалар) бола учун хавфли бўлса, ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади. Агар болани ота-она (улардан бири) билан қолдириш оқибатида ота-онанинг хулқ-атвори бола учун хавф туғдирса, ота-онани (улардан бирини) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун эса етарли асослар аниқланмаган тақдирда ҳам ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади. Агар ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атворини ўзгартирмаса, васийлик ва ҳомийлик органи суд томонидан О.ҳ.ч. тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқарилгандан кейин олти ой ўтгач, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этиши шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи боланинг манфаатларини эътиборга олиб, ота-онани (улардан бирини) бу муддат ўтмасдан туриб, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида даъво тақдим этишга ҳақли. О.ҳ.ч. тўғрисидаги даъво боланинг яқин қариндошлари, вояга етмаган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти қонун билан зиммасига юклатилган органлар ва муассасалар, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари ва бошқа муассасалар, шунингдек, прокурор томонидан тақдим этилиши мумкин.

ОТА-ОНАНИ МОДДИЙ ТАЪМИНЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАШ — вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож ота-онасини ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун

суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламасликдан иборат жиноят. Ушбу жиноятни содир этишда айбдор бўлган шахслар ЎзР ЖК 123-моддасига мувофиқ, жарима ёки ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд қамоқ билан жазоланади.

ОТВОД — 1) давлат органи томонидан мақсад ва шартлари кўрсатилган қарор орқали фойдаланиш учун ажратиш, тайинлаш (м-н, ер участкасини ажратиш); 2) функцияларини бажаришдан четлатиш ҳақидаги ариза; процессуал қонунда кўрсатилган шартлар ҳамда судья, прокурор ва бошқа расмий шахснинг шахсий манфаатдорлигига ва бошқа сабабларга кўра суд мажлисида иштирок этиши ҳақидаги аризага рози бўлмаслик.

ОФЕРЕНТ — оферт билан чиқувчи (жисмоний ёки юридик) шахс.

ОФЕРТА (лот. offertus — тавсия қилинган) — ФКнинг 367-моддасига мувофиқ, бир ёки бир неча муайян шахсга юборилган, етарли даражада аниқ бўлган ва таклифни киритган шахснинг узини таклиф йўлланган ва уни қабул қиладиган шахс билан шартнома тузган деб ҳисоблаш ниятини ифода этадиган таклиф оферта ҳисобланади. О.да шартноманинг муҳим шартлари ифода қилинган бўлиши керак. О. уни йўллаган шахсни О. йўлланган шахс билан, у О.ни олган пайтдан бошлаб боғлайди. Агар офертани чақириб олиш тўғрисидаги билдириш О.нинг узидан олдин ёки у билан бир вақтда келган бўлса, О. олинмаган ҳисобланади. ФКнинг 368-моддасига мувофиқ, қабул қилувчи тараф олган оферта уни акцептлаш учун белгилаб қўйилган муддат мобайнида чақириб олиниши мумкин эмас, башарти, бошқача тартиб О.нинг узида шарт қилиб қўйилган бўлмаса ёки таклифнинг моҳиятидан ёхуд у йўлланган пайтдаги вазиятдан англашилмаса. ФКнинг 369-моддасига биноан номуайян шахслар доирасига йўлланган реклама ва бошқа таклифлар, агар таклифда бошқача ҳол тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлмаса, О. га таклиф этиш деб қаралади. Шартноманинг барча асосий шартларини ўз ичига олган, таклиф киритаётган шахснинг жавоб қайтарган ҳар қандай шахс билан таклифда кўрсатилган шартлар асосида шартнома тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган таклиф О. (оммавий оферта) ҳисобланади.

ОФФШОР (ингл. off shore — қирғоқдан ташқари) — дунёдаги молиявий марказлар, шунингдек, банк операцияларини тавсифлаш учун қўлланувчи термин. Хориждаги капитал маблағларни юқори самара берадиган қилиб жойлаштириш шарт-шароити яратилган иқтисодий зона, ҳудуд маркази. Кредит ва бошқа муассасалар (миллий ва хорижий) президентлар билан (хорижий жисмоний ва юридик шахслар билан) хорижий валютада банк операцияларини амалга оширадиган марказлар О. дейилади. Бунда бу марказларда ҳисобга олинган ташкилот (компаниялар) қисман ёки тўлалигича солиқдан озод этилади. «Оффшор» атамаси билан халқаро ҳуқуқнинг солиқ тўланмайдиган ҳудудларидаги компанияларни ҳам аташади.

ОХИРГИ ЗАРУРАТ — ЎзР ЖКнинг 38-моддасига мувофиқ О. з. ҳолатида, яъни шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёхуд ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид солувчи хавфни қайтариш учун қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказган ҳолда содир этилган қилмиш, башарти, шу хавфни ўша ҳолатда бошқа чоралар билан қайтаришнинг иложи бўлмаса ҳамда келтирилган

зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса, жиноят деб топилмайди.

Шахснинг О.з. ҳолатда содир этган қилмиши, башарти, охирги зарурат чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, қонуний деб топилади. Агар бошқа воситалар орқали хавфнинг олдини олиш мумкин бўлса ёки келтирилган зарар олди олинган зарардан ошиб кетса, қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга бундай зарар етказиш О.з.т чегарасидан четга чиқиш деб топилади. О.з. ҳолатида содир этилган қилмишнинг қонунийлигини баҳолашда олди олиниши лозим бўлган хавфнинг хусусияти ва хавфлилик даражаси, шундай хавфнинг ҳақиқатан мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ва юз бериш вақтининг яқинлиги, хавфни қайтарувчи шахснинг мавжуд имкониятлари, вужудга келган вазиятдаги руҳий ҳолати ва ишнинг бошқа ҳолатлари ҳисобга олинади. Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш натижасида ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказганлик учун жавобгарлик масаласи ушбу модда қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилинади.

ОХЛОКРАТИЯ (юн. ochlos — омма, халойиқ + kratos — ҳокимият-омма, халойиқ ҳокимияти) — 1) омма бошчилик қиладиган ғалаён, ғўйиқит, кўча тартиббузарликлари; 2) содда популистик тартибга қайтишни илгари сурувчи жамоат-сиёсий гуруҳларининг ҳокимияти.

ОЧИҚ ДЕНГИЗ — халқаро ҳуқуқда денгиз ва океанларнинг у ёки бу давлат чегарасига кирмайдиган ва ҳамма давлат умумий фойдаланиладиган ҳудуди.

ОЧИҚ ИШ КУНЛАРИ — денгизда юк ташиш шартномасининг кемани юк ортиш ёки тушириш учун турган вақтини қулай об-ҳаво кунларини ҳисобга олган ҳолда ифодаловчи шарт-шароит. Бунда тўхтаб туриш вақтидан бир қатор юкларни (м-н, шакар ва бошқа маҳсулотларни) ортиш-тушириш ишларини уларнинг физикавий-кимёвий хоссаларини инобатга олган ҳолда ёмон об-ҳаво шароитида амалга ошириб бўлмаслиги сабабли, бундай об-ҳаво бўлган кунлар ҳисобдан чиқарилади.

ОЧИҚ КРЕДИТ — доимий ўзаро шартнома тузувчилар ўртасида ҳисобкитоб қилишда ишлатиладиган тижорат кредити; қарздорлик миқдори сотиб олувчининг ҳисобига векселларни расмийлаштирмасдан киритилади; тўлаш тартиби ўзаро шартнома тузганлар ўртасида келишилади.

ОЧИҚ ШАҲАР — халқаро ҳуқуқда урушаётган тарафларнинг бири томонидан ҳимояланмаган деб эълон қилинган ва шу сабабли ҳарбий ишғол қилиниши назарда тутилмаган шаҳар.

ОШКОРА САВДО — ўтказилаётган вақтда тендер қўмитаси таклифларни савдода иштирок этаётган фирмалар ва консорциумларнинг вакиллари олдида очадиган ва уларнинг асосий шартларини эълон қиладиган ҳамда қайси фирма ёки қайси фирмаларнинг консорциумлари буюртма олганлигига доир маълумотларни (буюртманинг ҳажмини ва имзоланган контрактнинг умумий суммасини кўрсатган ҳолда) очиқ матбуотда эълон қиладиган савдо.

ОЯТ (араб. — илоҳий белги, мўъжиза) — Қуръон сураларининг бандлари. Оятлар Аллоҳнинг ўз элчиси Муҳаммад С.А.В.га ваҳий қилиб, бандаларига қўлланма сифатида юборган фармойиши, мўъжизаси. Қуръоннинг VII асрга оид илк нусхаларидаёқ суралар оятларга бўлинган ва ҳар сура доирасида тартиб билан рақамланган. Оятлар қадимги араб тилида, бир қисми сажъ билан ёзилган. Айримлари қисқа иборалардан,

баъзилари бир неча жумлалардан ташкил топган. Оятлар баъзида мазмунан бир-бирини такрорлайди. Сураларда оятларнинг сони турлича (мас., энг қисқа суралар бўлмиш 103, 108, 110-суралар фақат 3 оятдан, энг узун сура 286 оятдан иборат). Сураларни матнга ҳеч қандай ўзгартириш киритмаган ҳолда оятларга тақсимлаш ва рақамлаш XX аср бошларигача давом этган. Шунинг учун Қуръоннинг ҳар бир давр ва муҳитдаги нашрларида 6204 дан 6232 тагача оят бор деб кўрсатилган.

ОЯТУЛЛОҲ (араб. — Аллоҳ муъжизаси) — шиаликда мустақил фатво бериш ҳуқуқига эга бўлган руҳоний (мужтаҳид)ларнинг унвони. Оятуллоҳлар диндорлар орасида кенг обрўга, шиалик тарқалган давлатларда (Эрон, Ироқ) сиёсий таъсирга ҳам эга. Бу унвон юзлаб уламоларда бор. Уларнинг баъзилари «Оятиллоҳи узмо» («Буюк Оятуллоҳ») деган номга эга. Энг юксак обрўга эга бўлган биттаси эса «Маржаи тақлид» («Тақлид қилинадиган инсон») деб аталади ва у барча шиаларнинг олий раҳнамоси деб танилади. Оятуллоҳ Ҳумайний «Маржаи тақлид» билан бир қаторда «Имом» деб ҳам аталган. Лекин бу охиратда келади деб тасаввур қилинадиган 12 та, «яширинган имом» (Маҳдий)ми, деган саволга аниқ жавоб берилмаганлиги сабабли шиаларнинг имомат ақидасида ҳозир жиддий ноаниқлик вужудга келган.

ОҒЗАКИ БИТИМЛАР — қонунда ёки томонларнинг келишувида ёзма (оддий ёки нотариал) шакли белгиланмаган битим. Оғзаки тузилиши мумкин бўлган битим шахснинг хатти-ҳаракатидан битим тузишга интилиши борлиги кўриниб турган ҳолда ҳам тузилган ҳисобланади. Агар томонларнинг келишувига биноан бошқача қоида белгиланмаган бўлса, тузилиши вақтида бажариладиган барча битимлар оғзаки тузилиши мумкин. Нотариал шаклда тузилиши кераклиги белгилаб қўйилган ва оддий ёзма шаклига риоя этилмаслиги уларнинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келадиган битимлар бундан мустасно. Агар бу қонунга, бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ва шартномага зид бўлмаса, ёзма шаклдаги шартномани бажариш учун тузилган битимлар томонларнинг келишуви бўйича оғзаки тузилиши мумкин.

ОҒЗАКИ СУДЛОВ — судда кўриб чиқилиши лозим бўлган барча масалаларнинг текширилиши, муҳокама қилиниши, суднинг жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича барча қарорларининг эълон оғзаки, бевосита суд мажлисида амалга оширилишини билдирувчи демократик принцип.

ОҒИР ЖИНОЯТЛАР — ЎзР жиноят ҳуқуқи бўйича (ЎзР ЖК 15-м. 4-қ.) қасддан содир этилиб, қонунда оғир жазо сифатида беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар.

«П»

ПАЙ — хўжалик юритишда у ёки бу ишлаб чиқариш жамоалари ёхуд кооператив уюшмалар ташкил этишда қўшиладиган улуш ва шу асосида келиб чиқадиган мулкий ҳуқуқ. Пай пул маблағи ёки маълум бир қийматга эга бўлган мулк шаклида бўлиши мумкин. Улушли мулк сифатида пайга эгалик қилиш, уни сарф этиш тартиблари ЎзР Фуқаролик кодексининг 218—219-моддаларида кўрсатилган.

ПАЙ БАДАЛЛАРИ — мулкий муносабатлар амалга оширилишининг ўзига хос шакли. Хўжалик юритишда томонларнинг умумий мулкка қўшадиган ҳиссалари ва шу асосда уларнинг мулкка нисбатан вужудга келадиган ҳуқуқлари. Масалан, ЎзР Фуқаролик кодексининг 210-моддасига кўра, мулк ҳуқуқи кооператив аъзоси **пай бадалларини** батамом тўлаб бўлганидан кейин вужудга келади. Пай бадаллари пул, буюм, иншоотлар ва шу каби қийматларга эга бўлган бошқа шаклларда бўлиши мумкин. Мол-мулк эгалари ҳар бирининг мулк ҳуқуқидаги улуши аниқлаб қўйилган (умумий мулк) ёки бундай улушлар аниқлаб қўйилмаган (биргаликдаги мулк) ҳолда умумий мулк бўлиши мумкин.

ПАЙ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФОНДИ — юридик шахс мақоми берилмасдан тузиладиган мулкий бирлашманинг ташкил этилиши бўлиб, бошқарув компанияси томонидан улуш қўшилмасининг мулкий ўсишини таъминлашга қаратилгандир. Жисмоний ёки ҳуқуқий шахслар инвестиция қилиш ҳуқуқига бирдек эгадирлар. Давлат ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари инвестиция қилишлари мумкин эмас. П.и.ф. очиқ ёки оралиқ шаклда бўлади. Бошқарув компанияси томонидан ўзи чиқарган инвестиция пайларини ўзи сотиб олиш шарти бўлганда очиқ (муддати 15 иш кунидан кўп бўлмагани ҳолда сотиб олиш) ва оралиқ келишув асосида бир йўла бир марта сотиб олиш шарти билан.

ПАЙГА ДАЪВОГАР — кооператив, ширкат жамоалари ёки бошқа ташкилотни ташкил этишга ўз улушини қўшган аъзо.

ПАКТ (лот. Pactum — шартнома, келишув) — халқаро шартномаларнинг бир кўриниши.

ПАЛАТА — конституциявий ҳуқуқ асосларига кўра, давлат вакиллик органларининг ёки уларнинг айрим бўғинлари номи (масалан, бир палатали, кўп палатали ташкилий тизим).

ПАЛАТАЛАРНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСЛАРИ — икки палатали тузилмага эга парламентлар ишининг шаклларидан бири. Айрим мамлакатларда парламент П.қ.м. парламент ваколатига кирадиган энг муҳим масалаларни: уруш ҳолатини ёки сафарбарликни эълон қилиш, давлат бюджетини тасдиқлаш, республика президентини сайлаш ва шу кабиларни ҳал этиш, бошқа мамлакатларда эса — фақат давлат раҳбарининг баёнотини тинглаш ва бошқа тантанали вазиятлар учун назарда тутилган.

ПАНДЕКТ ҲУҚУҚИ (нем. Pandertenrecht) — Германияда XVI—XIX асрларда амалда бўлган хусусий ҳуқуқ йўналиши. Бу ҳуқуқ йўналиши Германияда 1900 йили фуқаролик тузуклари ишлаб чиқилгунча амалда бўлган. Пандект ҳуқуқи ҳозирда ҳам, баъзи ҳолларда (фуқаролик ҳуқуқи фанининг ифодаси сифатида) қўлланилади.

ПАНДЕКТЛАР — Қадимги Римда ҳуқуқшуносларнинг қонунлар ва ҳуқуқшунос олимлар асарларидан олинган айрим тушунчалар йиғмалари П. лар ўз вақтида немис фуқаролик ҳуқуқи фанининг номланиши ҳам бўлган.

ПАПА БОШҚАРУВИ — католик черкови бошқарувини ташкил этувчи ва папа томонидан бошқарилувчи руҳонийлар маркази.

ПАПИЛЛЯР НАҚШЛАР — қўл ва оёқ бармоқлари юзасидаги бўртмалардан ҳосил бўлган нақшлар. Улар такрорланмайди ва индивидуал хусусиятларга эга.

ПАПИЛЛЯР ЧИЗИҚЛАР НАҚШИ — дактилоскопияда ушбу ту-

шунча орқали теридаги чизиқли бўртмалар ифодаланади. Қабариқ ва ботиқ чизиқларни муҳрга қиёслаш мумкин, бунда П.ч.н.ни муҳрнинг изи сифатида тасвирлаш мумкин.

ПАРИТЕТ (лот. Paritas — тенглик) — томонлар вакиллигининг тенглик принципи. Арбитраж орқали меҳнат низоларини ҳал этишда қўлланилади.

ПАРИТЕТ ПРИНЦИПИ (миллий раислик) — бирор-бир давлат фуқаролари ёки ҳуқуқий шахслари эга бўлган ҳуқуқий мавқега бошқа давлат фуқаролари ёки ҳуқуқий шахсларнинг ҳам амал қилишларини таъминловчи режим (талаб).

ПАРИТЕТ СУДЛАРИ — қатор мамлакатларда давлатнинг маслаҳатлашув органлари ҳисобланиб, меҳнат низолари ва шунга ўхшаш масалаларни ҳал этиш учун таъсис этилган.

ПАРЛАМЕНТ (ингл. Parliament; фр. pariement — сўзлаш) — демократик давлатлардаги вакиллик органлари бўлиб, қонун чиқариш фаолияти билан шуғулланади. Бу орган ҳар бир давлатда ҳар хил аталади; конгресс, олий мажлис, федерация кенгаши ва ҳ. к.

ПАРЛАМЕНТ БАҲСЛАРИ — парламент фаолиятини амалга оширишнинг бир шакли. П. б. да у ёки бу қонун лойҳалари бўйича чиқишлар бўлиб унда депутатлар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирадилар.

ПАРЛАМЕНТ ДАХЛСИЗЛИГИ ҲУҚУҚИ — парламент депутатлари дахлсизлиги, баъзида эса бошқа ҳокимият вакиллик органларининг ҳам дахлсизлиги; депутатни барча ҳаракатлари учун, шу жумладан, уларни парламент мажбуриятларини бажармагандаги ҳаракатлари учун суд жавобгарлигига ёки қамоққа олиш ман этилишини билдиради. Депутатнинг дахлсизлигидан фақат депутатлик мандати амалда бўлган вақтда фойдаланилади. Депутат дахлсизлик ҳуқуқидан у аъзо бўлган палата томонидан маҳрум қилиниши мумкин. Дахлсизлик депутатни жиноят жойида ушлаган ҳолларда автоматик тарзда бекор қилинади (бундай ҳолларда, палата фақат таъқиб қилишни тўхтатишни талаб қилиши мумкин).

Дахлсизликдан маҳрум қилинган ҳолларда парламент аъзоси содир қилган жиноятининг квалификацияси дахлсизликдан маҳрум қилиш тўғрисидаги палата қарорида кўрсатилмаган далилларга асосланиши мумкин эмас. Бўлғуси депутат парламент мандатини тугатиши билан у олдин қилган жинояти учун ва ўзининг дахлсизлигига мувофиқ таъқиб қилинмаганлиги учун суд жавобгарлигига тортилиши мумкин бўлади.

ПАРЛАМЕНТ ИНДЕМНИТЕТИ (ингл. indemnity, лот. Indemnitas — безарар) — 1) парламент депутатларининг имтиёзи, уларнинг жавобгарлиги йўқлигида ифодаланади. Депутатларнинг жавобгарлиги йўқлиги депутатни депутатлик мажбуриятини бажариш вақтида содир қилган ҳаракатлари (парламентда нутқ сўзлаш, овоз бериш, комиссияларда қатнашиш ва ҳ.к.) учун таъқиб қилишни, тақиқлашни билдиради. Ҳеч ким, шунингдек, парламентнинг ўзи ҳам депутатни бу ҳаракатлари учун ҳатто бу шахс парламент аъзоси бўлмай қолган бўлса ҳам жавобгарликка торта олмайди; 2) яшаш жойи, ёзишмалари, сафар харажатларини қоплашни ўз ичига олган ҳолда (депутатларни) парламентдаги фаолияти учун тақдирлаш.

ПАРЛАМЕНТ КАНИКУЛЛАРИ — парламент сессиялари орасидаги вақт; депутатлар томонидан дам олиш ва ўз округларида сайловчилар билан ишлаш учун фойдаланилади.

ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯЛАРИ — парламент томонидан тузиладиган ёрдамчи органлар. П. к.лари ичида қонунчилик комиссиялари муҳим ўрин тутади, чунки аксарият қонун лойиҳалари, резолюциялар лойиҳалари ва парламент томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар уларнинг қўлидан ўтади. Ваколат муддати ва ваколати ҳажмига боғлиқ равишда П. к. *доимий* (парламентнинг бутун ваколати муддатига тузиладиган), вақтинчалик ҳамда *махсус* турларга бўлинади. Кўпгина давлатларда (АҚШ, Франция, Италия, ГФР, Финляндия ва бошқаларда) парламентлар доимий қонунчилик комиссияларини тузади. Одатда бундай комиссиялар иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, ҳарбий ва ҳ.к. соҳаларга ихтисослаштирилади. Вақтинчалик комиссиялар (асосан ихтисослаштирилмаган) бирор-бир аниқ масалани кўриб чиқиш учун тузилади. Буюк Британия Жамоалар палатаси ихтисослаштирилмаган бир қатор доимий комиссияларни тузади (масалан, A, B, C, D ва бошқа комитетлар). АҚШ, Италия каби давлатларда тақдим этилаётган қонун лойиҳалари бўйича кенг ваколатларга эга бўлган П.к. ларини тузиш амалиёти қўлланади. П.к. одатда регламентга асосан сайлаш орқали тузилади ва ўз таркибида парламентдаги сиёсий партиялар муносабатини сақлаб қолади. Шунингдек, ҳукумат, жамоат ташкилотлари, корхоналар ва ҳ.к. фаолиятини текшириш мақсадида П.к. тузиш амалиёти ҳам кенг тарқалган. Баъзи мамлакатларда парламент тартибини енгиллаштириш мақсадида палаталарнинг умумий комитетлари тузилади (масалан, Буюк Британия Жамоалар палатасининг Йўллар ва воситалар комитети). Мазкур комитетлар палатанинг барча депутатларини ўзида бириктиради, бироқ улар палата раиси эмас балки, тегишли комитет раиси раҳбарлиги остида ишлайдилар.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ — давлат назоратининг бир кўриниши. Асосан сиёсий мақсадни кўзлаб амалга оширилади. Моҳиятига кўра, фаолият кўрсатаётган ҳукумат ва унинг органлари устидан назорат олиб боради. П. н. парламент терговини олиб боради, ҳукуматга ишончсизлик билдириши мумкин, шу билан бирга молиявий фаолият бўйича ҳам назорат олиб боради ва ўз хулосаларини ишлаб чиқади.

ПАРЛАМЕНТ РЕСПУБЛИКАСИ — давлат бошқарувининг бир кўриниши бўлиб, ўзининг маълум бир жиҳатлари билан президентлик республикасидан фарқ қилади.

ПАРЛАМЕНТ СЕССИЯСИ (лот. sessio — мажлис) — парламент ва унинг ҳайъатини пленар мажлислари бўлиб ўтадиган вақт. Бир йил ичида парламент сессиялари неча марта бўлиш кераклиги қонун ёки одат ҳуқуқи билан белгиланади. Бундан ташқари, навбатдан ташқари, фавқулоддда парламент сессиялари бўлиши мумкин. ЎзР Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқаради, ташкилий формаси сессиядир.

ПАРЛАМЕНТ ТЕРГОВИ — парламентнинг назорат фаолиятини амалга оширишининг бир кўриниши. П.т. давлат ижроия ва бошқарув органларининг сиёсий хатоларига баҳо бериш мақсадида фаолият кўрсатади. Парламент терговини парламент комиссиялари олиб борадилар ва улар белгиланган муҳлатларда фаолият кўрсатадилар.

ПАРЛАМЕНТ ЧАҚИРИҒИ — ҳокимиятнинг муайян вакиллик органининг (номинал ёки амалдаги) ваколатлари муддати. Кўпгина мамлакатларда П.ч.нинг номинали тегишли вакиллик органи таъсис этилган вақтдан бошлаб юритилади.

ПАРЛАМЕНТ ЭШИТИШЛАРИ — парламент аъзолари, давлат ва жамоат арбобларини, экспертларни маълум бир қонун лойиҳалари бўйича эшитиш фаолиятидир. П.э. очиқ ёки ёпиқ тарзда бўлиши мумкин.

ПАРЛАМЕНТ ЎҚИШЛАРИ (қонун лойиҳасини ўқиш) — қонун лойиҳасини парламентда ёки алоҳида палатада босқичма-босқич муҳокама қилиш (умуман, қонунни ишлаб чиқиш босқичлари билан чалкаштирмаслик лозим. Кейингиси қонун лойиҳасини парламент томонидан кўриб чиқишни ўз ичига олади). Турли парламентларда 1—4 марта ўқилади. Одатда қонун уч марта ўқилади. Биринчи ўқишда палата раиси қонун лойиҳасининг сарлавҳасинигина ўқийди ва тегишли доимий комиссияга юборади. Комиссия керакли ўзгартиш ва қўшимчалар киритади. Шундан кейин қонун лойиҳаси муаллиф номидан маъруза ва комиссиянинг қўшимча маърузаси билан бирга палатанинг ялпи мажлисига киритилади. Иккинчи ўқишда қонун лойиҳаси барча тафсилотлари билан муҳокама қилинади. Бунда депутатлар киритган ўзгартишлар ва қўшимчалар овозга қўйилади. Учинчи ўқишда қонун лойиҳаси умумий овозга қўйилади. Бунда фақат таҳририй ўзгартишлар киритишга йўл қўйилади. ЎзРда юқоридагидан фарқли ҳолат шундаки, биринчи ўқишдаёқ қонун лойиҳаси овозга қўйилади. Натижада қуйидаги қарорлардан бири қабул қилиниши керак: қонун биринчи ўқишда қабул қилинсин; қонун лойиҳаси рад этилсин; қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилиниб, кўрсатилган камчиликлар ва таклифларни инобатга олган ҳолда унинг устида ишлаш давом эттирилсин.

ПАРЛАМЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммолар юзасидан олий қонун чиқарувчи органлар — парламентлар чиқарадиган норматив ҳужжат. ЎзР Конституциянинг 83-моддасига асосан Олий Мажлис қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилади. Қонун ва қарорлар депутатларнинг кўпчилик овоз олганидагина қабул қилинган деб ҳисобланади. Олий Мажлис қарорлари қонунлардан фарқли ўлароқ, Олий Мажлис Раиси томонидан имзоланади.

ПАРЛАМЕНТ ҲУҚУҚИ — парламент аъзолари парламент регламенти шунга кўра белгиланган норма ва ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

ПАРЛАМЕНТАРИЗМ — бошқарувни парламент тизими ва ижрочилик фаолиятлари асосида ташкил этиш.

ПАРЛАМЕНТАРИЙ — парламент аъзоси.

ПАРТИЗАН (фр. partisan) — халқаро ҳуқуқ бўйича тегишли давлат ҳудудида ҳарбий фаолият олиб борувчи шахс. Партизанлик ҳуқуқий деб танилиши учун унга раҳбар шахс бўлиши, ҳарбий қуроллар очиқ олиб юрилиши, ҳарбий ёки бошқа нишонларни тақиш ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя этиш зарур.

ПАРТИЯ ТИЗИМИ — сиёсий институт тушунчаси, — жамиятнинг сиёсий тузилиши ва жамият аъзоларини давлат ва жамият ҳаётида иштирок этишининг қабул қилинган ҳамда эътироф этилган қоидаси. Партия тизими маълум бир жамият ёки давлатлар томонидан қабул қилинмаган. (Масалан, Бутан, Омон, Қувайт, Саудия Арабистони кабилар). Шу билан бирга, бир партияли ёки кўп партияли тизимлар ҳам мавжуд.

ПАРТИЯ ЦЕНЗИ — бир қатор давлатларда мавжуд қоида. Бунда партия пассив сайлов ҳуқуқидан фойдаланиши учун албатта раҳбар партиялар таркибида бўлиши лозим.

ПАСПОРТ (фр. passport) — шахснинг қайси давлат фуқароси эканлигини қайд этувчи ҳужжат.

ПАССИВ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ — давлатнинг сайлаб қўйиладиган органларига сайланиш ҳуқуқи.

ПАТЕНТ (лот. Patens — очиқ, тушунарли) — 1) давлатнинг масъул органлари томонидан бериладиган ва қуйидагиларни белгиловчи ҳужжат: кашфиёт ҳамда янгиликлар учун, муаллифлик ҳуқуқини бериш учун; 2) баъзи давлатларда айрим турдаги фаолият билан шуғулланиш учун рухсат берувчи ҳуқуқий ҳужжат.

ПАТЕНТ ҲУҚУҚИ — қонунчилик тармоғи сифатида мулкий ёки номулкий муносабатларни мувофиқлаштириб туради.

ПАТЕНТ ТЕБРАНИШИ — техник объектларнинг ҳуқуқий хусусияти бўлиб, маълум давлат ҳудудида ўрнатилган патент ҳолатини бузмай амалда бўлишидир.

ПАТЕНТЛИ ВАКИЛ — айрим давлатлар (Россия Федерацияси) қонунчилигида жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг мулкий муносабатларда иштирок этувчи вакили.

ПАТЕНТЛИ ПУЛ («пул» сўзи ўзбек тилидаги пул деган маънони англатмайди) — бир неча фирмаларнинг биргаликда янги бир фирмани тузиши ва бу фирмага савдо лицензиясини бериш ҳуқуқи.

ПАТРИЦИЙ (лот. Pater) — Қадимги Римда маҳаллий аҳоли яъни Рим халқи.

ПАТРОН (фр. — Patron) — 1. гильза асосида ўқ, порох заряди ва ўт олдирувчи пистон бирикмаси. 2. *патронапс* — вояга етмаганлар устидан васий ҳисобланувчи шахс.

ПАУШАЛ ТЎЛОВ — лицензия асосида берилган буюмга иқтисодий фойда олгунга қадар бериладиган фойдаланиш ҳуқуқи. Бу тўлов лицензия баҳоси бўлиб ҳисобланади.

ПЕДЕРАСТЛИК — бесоқолбозликнинг бир тури.

ПЕКОЛОГИЯ (лот. Poeno — жазо, logos — таълимот) — жазони ижро қилиш тўғрисида, хусусий интизом криминологияси асосида жазо тайинлашнинг самарали усулларини танлаш.

ПЕНИТЕНЦИАР — (лот. Poenitentiorius — тузатиш) — жазо орқали тузатиш.

ПЕНСИЯ ТУРИНИ ТАНЛАШ ҲУҚУҚИ — ЎзР Меҳнат кодексининг 292-моддасига асосан фуқароларга турли хилдаги давлат пенсияларини олиш ҳуқуқига эга бўлган, суғурта қилинган ходимларга (боқувчисини йўқотган ҳолларда эса — уларнинг оила аъзоларига) уларнинг ўзлари танлаган пенсиянинг битта тури тайинланади.

ПЕНЯ (лот. peon — жазо) — фуқаролик мулкий муносабатларда ўз мажбуриятларини бажармаганлик учун қўлланиладиган моддий жазо.

ПЕРЛЮСТРАЦИЯ (лот. periustrate — кўриб чиқмоқ) — давлат ёки бошқа органлар томонидан, почта орқали ўтаётган хабарномаларни цензура ёки назорат қилиш мақсадида ўтказиладиган текширув ва кўриб чиқиш.

ПЕРСОНА НОН ГРАТА (лот. persona non grata) — элчилик фаолиятида қўлланувчи сўз, яъни тўғри келмайдиган одам. П.н.г. — деб эълон қилинган шахс ва унинг оила аъзолари имкони борича элчилик ишларига қўйилмаслиги лозимдир. Элчилик фаолиятини ривожлантириш мақса-

дида давлатлар томонидан шундай қарорга келиш тегишли давлат томонидан ўз элчисини чақириб олишнинг ҳуқуқий асоси бўлади ва мурожаатда кўрсатилган муддатда ёки муддат кўрсатилмаган бўлса, тезда бажариш чораси кўрилмоғи зарур. Агар талаб қилинган иш бажарилмаса, ўша давлат ҳокимияти бошқа чораларни кўриши мумкин.

ПЕТИЦИОН УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИ — ижтимоий иқтисодий ва сиёсий ҳаётга оид қонун қабул қилиш учун муайян давлатнинг бир гуруҳ ёки бир қисм аҳолиси томонидан петицияни ёқлаб бирор қонун қабул қилишни талаб қилиши. П. у. м. АҚШнинг баъзи штатларида, Италияда эса маҳаллий ҳокимият органлари ташаббуси билан амалга оширилади. П. у. м. ни қонун лойиҳаларини фуқароларнинг маълум қисми томонидан маҳаллий вакиллик ёки маъмурий органларига тақдим этадиган қонун лойиҳаси сифатидаги — халқ ташаббусидан фарқлаш лозим.

ПЕТИЦИЯ (лот. petitio) — фуқароларнинг маълум бир қисми томонидан ёзма шаклда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётга оид бўлган масалалар бўйича давлатнинг олий органларига берадиган сўрови.

ПЕТИЦИЯ ҲУҚУҚИ — фуқароларнинг давлат бошлиқларига ёки идораларга ёзма равишда у ёки бу ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий масалалар юзасидан қиладиган мурожаатларининг конституцион кафолати. Жумладан, ЎзР Конституциясининг 35-моддасига асосан ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилиши шарт. П. ҳ. бир қатор давлатларда ўзига хос равишда талқин қилинади. Масалан, Венгрияда мурожаат қилиш ҳуқуқи нафақат фуқароларга, балки ҳар бир одамга берилган. Испания Конституцияси бўйича П.ҳ. дан айрим тоифадаги фуқаролар (ҳарбийлар) фақат шахсан ўзи ва ўзи номидан мурожаат қилиши белгиланган.

ПЕТИЦИЯ ЭРКИНЛИГИ — Қ.: *Петиция ҳуқуқи.*

ПИРОМАНИЯ — одамнинг руҳиятидаги ўт қўйишга мойиллик билан боғлиқ бўлган носоғлом ҳолат. Бундай ҳолатда шахс ўт қўйиш орқали маълум бир қониқишга эришади.

ПЛАГИАТ (лот. plagiatus — ўғирланган) — ижодий фаолият натижаси бўлган фан, адабиёт ва санъат асарларига муаллифлик ҳуқуқини ғаразли мақсадларда ўзлаштириш. Муаллифлик ҳуқуқи ЎзР Фуқаролик кодекси ва ЖКнинг тегишли моддалари билан қўриқланади ва зарур ҳолларда ҳимояланади. Фуқаролик кодексининг 1041, 1042-моддасига кўра муаллифлик ҳуқуқини келтириб чиқарувчи объектлар белгиланган бўлиб, уларга нисбатан қилинган ғайриқонуний ҳаракатларга нисбатан эса ЎзР ЖКнинг 149-моддасига кўра жиноий жавобгарлик кўзда тутилган. Шу билан бирга, ҳаммуаллифликка мажбур этиш ҳам шу модда асосида жазоланади.

ПЛЕБИСЦИТ — референдумнинг ўзига хос шакли бўлиб, у аҳолининг ўзи яшайдиган ҳудуддаги сиёсий тақдирини белгилашидир. Бошқа айрим давлатлардаги П. референдумга қараганда кенгроқ тушунчага эга бўлади. АҚШда эса референдум ва П. бир-биридан фарқ қилмайди. (Ўзбекистон қонунчилигида эса фақат референдум тушунчаси мавжуд). Конституциявий ҳуқуқ референдумларни қўлланилишига қараб ҳар хил турларга бўлади. Масалан, умуммиллий, ўтказиладиган ҳудудига қараб, рес-

публика миқёсидаги ва маҳаллий миқёсдаги референдумлар. Алоҳида маъмурий ҳудудий бирликда ўтказиладиган референдумлар конституциявий ва қонун фаолиятига боғлиқ. Конституциянинг лойиҳаси конституциявий референдумнинг предмети, қонун референдуми эса қонун лойиҳасининг муҳокамаси ёки қонунни қабул қилиш предмети ҳисобланади.

Ҳуқуқий аҳамиятига кўра, консультатив референдум сайлов корпусининг мақсадини аниқлаш ва бошқа давлат органларининг олиб бораётган иши юзасидан референдумлари бўлиши мумкин.

ПЛЕНУМ (лот. plenym — тўлиқ) — сайлаб қўйиладиган, раҳбар органлар фаолиятини ташкил этишнинг бир шакли (давлат, партия, жамоат ташкилотлари) ҳисобланади.

ПЛОМБА (фр. plomb — қўрғошин) муҳрларнинг қўрғошин ёки бошқа материаллардан тайёрлангани; бу каби муҳрлар товар — буюмларга, хоналарга, контейнерларга ва ҳоказоларга эҳтиёт чораси сифатида осиб ёки мустаҳкам ёпиштирилиб қўйилади. Кўпинча божхона алоқаларида фойдаланилади. П. ларга тегишли давлат, ташкилотлар рамзлари ифодаланган муҳрлар туширилади.

ПНЕВМАТИК ҚУРОЛ — сиқилган ҳаво ёки газ воситасида ўқни маълум бир йўналишга ва нишонга теккизишга мўлжалланган ўқ отар қурол. Пневматик қуроллар ўз хусусиятларига кўра, маълум бир даражада шикаст етказишга қодир. Шу хусусиятдан келиб чиққан ҳолда айрим давлатларда, жумладан, Россия Федерациясида қурол тўғрисида 1996 йил 13 ноябрда қабул қилинган қонунга кўра П.қ. ўқотар қурол сифатида эътироф этилган. ЎзР Ж. К. да берилган 1997 йилги шарҳда П.қ. ўқотар қуролларга мансуб эмас деб шарҳланган (Ўз.Р.ЖКнинг 247-моддасига шарҳ).

ПОДПОЛКОВНИК — офицерлик унвони, бир қатор давлатларда ҳарбий ва шу билан бирга махсус унвон сифатида берилади. Ўзбекистон қуролли кучларида подполковник ҳарбий офицерлик унвони бўлса, ички ишлар вазирлиги тизимида эса махсус унвон сифатида берилади (масалан, милиция подполковниги, ички хизмат подполковниги).

ПОЗИТИВ ҲУҚУҚ — тарихан инсон табиатига хос равишда барча халқлар учун бирдек ҳуқуқий ҳолатни ечиб берувчи кундалик ҳуқуқ мактаби асосида шаклланган тушунчадир. Шунга кўра, маълум бир давлатдаги ва тегишли қонун чиқарувчи шахс ёки орган томонидан чиқарилган қонун ҳаёт тақозоси билан, жамиятдаги ўзгаришлар асосида амалга оширилган ва кундалик ҳуқуққа қарама-қаршилик хусусиятига эга бўлган ва кундалик ҳуқуқий абадийлик ва ўзгармаслик жиҳатларини рад этувчи концепция шаклида намоён бўлган. Ҳуқуқий фанларда П.ҳ. амалдаги ҳуқуқий нормаларни таърифлаш билан бирга рад этилган ва ўз кучини йўқотган қонунлар, шу билан бирга қабул қилинмаган, аммо қабул қилиниши лозим бўлган нормалар тўғрисидаги тасаввурлар, қарашларни (лойиҳа, таклиф, гоялар) ўзида акс эттирувчи тушунча сифатида эътироф этилади. Шундан келиб чиққан ҳолда П.ҳ. de laqe lata (амалдаги қонун асосида) агар маълум бир ҳолат амалдаги қонун асосида ечилмаган бўлса ва уни ечиш зарурияти мавжуддир ҳамда de laqe ferehda — яъни кейинги қонун ҳужжатларида ечиш лозим деган маъноларни ўз ичига олади.

ПОЙТАХТ — давлатнинг бош марказий шаҳри, мамлакатнинг маъмурий-сиёсий маркази. П. да одатда, марказий (умуммиллий) ҳукумат,

парламент ва суд идораларининг қароргоҳи жойлашган бўлади. П. одатда, алоҳида бошқарув тартибига эга бўлган мустақил маъмурий бирликка ажратилади. Кўпчилик федератив давлатларда пойтахт федерациянинг бирор-бир субъекти таркибига кирмаган ва одатда федерациянинг мустақил субъекти ҳисобланмаган махсус федерал округ ҳудудида жойлашган бўлади. Кўпчилик мамлакатларнинг пойтахти қарор топган жой бевосита конституция матнида кўрсатилган бўлади.

ПОЛИС (юн. Polis, лот. civitas) — шаҳар-давлат, қадимги Греция, Римда давлат ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсий тузилишининг бир шакли. П.ни тўла ҳуқуқли (жамоа аъзолари) гражданлар ташкил этганлар ва ўз ҳуқуқлари доирасида ерга хусусий мулк эгалиги ҳуқуқидан фойдаланганлар. Шу билан бирга П.га кирувчиларнинг аксариятини ҳуқуқсиз шахслар ташкил этганлар ва граждан бўлиб ҳисобланмаганлар (булар: метеклар, переэкилар, эркинликка чиқарилган қуллар, қуллар). П. да давлат бошқаруви шакли олигархия, демократия каби шаклларда бўлган. Марказий Осиё минтақаларида ҳам шаҳар-давлатлар шакли мавжуд бўлган ва уларнинг П.лар билан умумийлиги кўп жиҳатдан мос келади. Масалан: Парфия, Суғдиёна, Грек-Бақтрия давлатлари.

ПОЛИЦИЯ (нем. Polizei) — 1) жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи давлат органи ва унинг тизими. П. суриштирув, дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боради. Собиқ иттифоқ пайтида бу орган милиция деб номланган бўлиб, ҳозирда МДҲ давлатларида ҳам милиция деб юритилади; 2) ҳарбий шахс сифатида (ҳарбий хизматчи) баъзи давлатларда (АҚШ, Буюк Британия, Германия) йўл ҳаракатини назорат қилувчи, ўз хизмат жойини ташлаб кетган ҳарбийлар билан ишловчи (суриштирув олиб борувчи) шахс П. шу билан бирга дастлабки тергов ишларини ҳам олиб боради.

ПОЛИЦИЯ ҲУҚУҚИ — айрим давлатларда XIX аср охири ва XX аср бошларида мавжуд бўлган ва ҳозирда маъмурий ҳуқуқ тармоғига маъно жиҳатидан ёндош бўлган ҳуқуқ тармоғи. П. ҳ. асосан, Чор Россияси даврида амалда бўлган, аммо илмий жиҳатдан тўлиқ таърифга эга бўлмаган.

ПОЛКОВНИК — бир қатор давлатларда ҳарбий хизматчининг унвони (баъзи давлат идораларида, масалан, ички ишлар вазирлигида махсус унвон сифатида тушунилади — милиция полковниги, ички хизмат полковниги).

ПОРА БЕРИШ — давлат ҳокимияти, давлат хизмати манфаатларига қарши қаратилган ва ЎзР ЖКда назарда тутилган жиноят. Ушбу жиноятнинг умумий таркиби мансабдор шахсга унинг қонун доирасидан чиқмайдиган ҳаракатлари учун шахсан ёки воситачи орқали П.б.дан иборат; квалификацияланган — мансабдор шахсга унинг қонунга хилофлиги аниқ бўлган ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун П.б.да ифодаланади.

Пора берган шахс, агар мансабдор шахс томонидан товлаш ҳолати мавжуд бўлса ёки бу шахс жиноят иши қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган органга пора берганлигини ихтиёрий хабар қилса, жиноий жавобгарликдан озод этилади.

ПОРА ОЛИШ — ЎзР ЖКнинг 210-моддасида қайд этилгандек, пора олиш, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиш лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармасли-

ги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий наф кўриши тушунилади. Пора олувчи субъект, албатта, мансабдор шахс бўлиши лозим. Пора ҳар хил моддий бойликлар шаклида: пул, чет эл валютаси, қимматбаҳо буюмлар, қимматбаҳо қоғозлар, озиқ-овқат ёки паст баҳодаги саноат товарлари бўлиши мумкин. Пора предметига пора оладиганга қайтармаслик шарти билан ёки очиқ-ойдин мулкий моҳиятга молик бўлган хизматларни ҳам киритиш мумкин. Бунга тиббий ёки дам олиш уйларига бериладиган йўлланмаларни тақдим этиш, таъмирлаш, қурилиш ва бошқа ишларни кўрсатиш мумкин, мансабдор шахсга номоддий хизматлар кўрсатиш порахўрлик ҳисобланмайди. Бундай ҳолатлар ҳокимият ёки хизмат, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш деб топилади.

ПОРАХЎРЛИК — мансабдор шахснинг ваколатига кирадиган ҳаракатларни пора берувчи фойдасига қилиши (ёки қилмаслиги) эвазига шу мансабдор шахснинг ҳар қандай йўл билан ва ҳар қандай шаклда моддий қадриятлар (пул ва нарсалар) олиши ёки бирон моддий наф кўриши. Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигида пора олганлик ёки берганлик учун, шунингдек, П.да воситачилик қилганлик учун қаттиқ жавобгарлик белгиланган.

ПОРАХЎРЛИККА ДАЪВАТ ЁКИ ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ ЭВАЗИГА ОҒДИРИШ — жиноят қонунчилигида ўзига хос тушунча бўлиб, бунда бирор-бир мансабдор шахсни келишилмаган бўлса-да, пора олгандек кўрсатиш (шантаж қилиш). Шу билан бирга, криминалистика нуқтаи назаридан бу каби ҳаракатлар жиноятни содир этиш усули ҳисобланади.

ПОРНОГРАФИК НАРСАЛАРНИ НОҚОНУНИЙ ТАЙЁРЛАШ ЁКИ ТАРҚАТИШ — Қ.: *Порнография.*

ПОРНОГРАФИЯ (юн. porne — бузуқ ва qrapho — чизаман) — уятсиз мазмундаги асарлар, полиграфия маҳсулотлари, ашёларнинг тасвири ва шакллари, компьютер дастурлари, кинофильмлар, видеофилмлар, фонограммалар, теле ва радио узатишлар орқали жинсий алоқа пайтини айнан кўрсатиш ёки тасвирлаш (оғзаки) билан ва шу билан бирга бадиий ёки илмий аҳамияти бўлмаган ҳолда тайёрлаш. ЎзРда порнография маҳсулотларини тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, 1923 йили 12 октябр Женева конференциясида тасдиқланган Порнографик маҳсулотларни тарқатиш ва улар билан савдо қилишга қарши кураш тўғрисидаги қарорга асосланган ҳолда ҳам маъмурий, ҳам жиноий томондан жазоланади. ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 189-моддасига биноан, порнографик маҳсулотларни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш учун маъмурий жазо белгиланган, агар шу маъмурий жазо қўлланилгандан кейин ҳам ушбу ғайриқонуний ҳаракат содир этилса, ЎзР ЖКнинг 130-моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортилади.

ПОРОХ ҚУРУМИ — криминалистика фани нуқтаи назаридан — ички ёниш асосида содир бўладиган, ўқ отилиши жараёни бўлиб ўтганидан сўнг отиш амалга оширилган қурол ёки отиш воситалари учида ёки яқин масофада (80см дан кўп бўлмаган) мулжалга олинган нарса сиртидан келадиган порохнинг яхши ёниб улгурмаган ёки ёнишдан қолган зарралари. П. қ. қуролларни идентификация қилишда катта аҳамиятга эгадир. Чунки бу қурумларда қурол мойи, пўлат зарраларини топиш мумкин.

ПОРТ ЙИҒИМЛАРИ — расмий тарзда портлардаги кемалардан

олинадиган ҳақ миқдори. Асосий йиғимлар рўйхати ҳар бир давлат томонидан белгиланади ва шу билан бирга маълум бир мақсад учун амалга ошириладиган йиғимлар портларнинг ўзида белгиланади. Жаҳон миқёсида эътироф этилган асосий йиғимлар: маёқлар учун, юк оғирлиги учун, кема учун, тўхташ учун, канал учун, музлик учун, дарё учун, шлюз учун, божхона учун, юк учун олинадиган йиғимлар. Мақсадли ва портларнинг ўзида йиғиладиган: санитария учун, касаллик учун, кемалар тўхтайдиган жойларни тоза сақлаш харажатлари учун, қутқарув ишлари учун кабилар. Денгиз муносабатларига кирувчи давлатлар учун махсус йиғимлар кўрсатилган тижорат хабарномалари чиқарилади. П.й. ҳудудий жиҳатдан давлат ва маҳаллий йиғимларга бўлинади. Давлат йиғимлари портларни таъмирлаш ва бошқа доимий равишда ишлашни таъминлашга зарур маблағлар учун, божхона ва санитария ҳолатларини таъмирлаш учун йиғилади ҳамда шу давлат миқёсида бир хил ҳақ йиғиш қоидалари таъминланади. Маҳаллий йиғимлар шу порт жойлашган ҳудуднинг маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга оширилади ёки маъмурият, савдо портлари томонидан йиғилади. Ўз талабига кўра П. й. мажбурий ёки мажбурий бўлмаган кўринишларда бўлади. Мажбурий йиғимлар портдан фойдаланувчилар портда амалга оширилаётган хизмат кўрсатишдан фойдаланган ёки фойдаланмаганлигидан қатъи назар йиғилади. Кўпчилик давлатларда белгилаб қўйилган кема ҳажми, туширилган юк ёки ортилган юк учун йиғимлар тўлаш мажбурийдир. Мажбурий бўлмаган йиғимлар фақат фойдаланувчилар буюртмасига кўра, амалга оширилган хизматлар асосида йиғилади. Бу хизматларнинг ҳақ олиш миқдори кемаларни киритишга ва кўрсатилган хизмат учун кетган маблағларнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда қатъий равишда белгилаб қўйилади. Масалан, кемаларни шатакка олиш ва шатакка олувчи кеманинг кучи ёки кетган вақти асосида белгилаб қўйилган миқдордаги йиғимлар. Ҳисоблаш эса кемани ҳажми ва оғирлиги, унинг узунлиги ва портда туриш вақти, кема тубининг чуқурлиги, олиб келинган юк ёки йўловчилар ҳисоби асосида амалга оширилади.

ПОРТ ОДАТЛАРИ — денгиз ёки дарёда юк ташувчи кема эгаларининг, юк юборувчиларининг, юк қабул қилувчиларнинг юкини ортиш ва туширишда юк тушириш ҳақини келишишда ва ҳоказолардаги даврлар мобайнида шаклланган ўзаро муносабатлари. П. о. агар маълум давлатдаги қонун ҳужжатларига зид келмасагина амалда бўлади ва шу билан бирга денгиз транспортида юк ташишда тегишли шартномада юк ташиш бўйича ҳеч бир ҳолат қайд этилмаган бўлса ҳам П.о. амал қилади.

ПОРТ КОНОСАМЕНТИ — ҳали портга етиб келмаган кемага юклаш учун қабул қилинган юкка тегишли маҳсулот тақсимлаш ҳужжати.

ПОРТФЕЛДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ — маблағларга узоқ муддатларга мўлжалланган акция, облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиб фойда кўриш.

ПОЧТА АЛОҚАСИ — ЎзРда давлат бошқаруви остида амалга ошириладиган фаолият йўналиши. ЎзРнинг 1992 йил 12 январ куни қабул қилинган «Алоқа тўғрисида»ги қонуни П.а. амалга оширилишининг ҳуқуқий асосларини беради. Қонуннинг 1-моддасида баён этилишича, «Алоқа — ЎзР хўжалик ва ижтимоий инфраструктурасининг таркибий қисми бўлиб, аҳолининг, хўжалик субъектларининг, давлат идораларининг почта,

телефон, телеграф, радио ва ахборотнинг ўзга турларини узатиш ва қабул қилиш ҳамда алоқа тармоги орқали жўнатилаётган ашёларни етказиб беришга бўлган эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайди». Ўзбекистонда юридик ва жисмоний шахслар, хорижий давлатлар юридик шахслари ва фуқаролари алоқа муносабатининг субъектлари бўлиб ҳисобланадилар. ЎзРда шу қонуннинг 10-моддасига асосан почта, телеграф, телефон ва бошқа ёзишмалар тегишлича қонун муҳофазасига олинган.

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТИ — почта жўнатмаларини, почта ва телеграф орқали пул маблағларини ўтказишни қабул қилиш, қайта ишлаш, ташиш ва етказиб бериш бўйича фаолият маҳсули.

ПОЧТА ЁЗИШМАЛАРИ — почта хизматида бир жойдан иккинчи жойга етказилиши мумкин бўлган ёзма, рўйхатдан ўтказиладиган ёки ўтказилмайдиган хатлар, почта карточкалари, бандерол ва майда пакетланган хатлар.

ПОЧТА ЖЎНАТМАЛАРИ — почта хизмати орқали юбориладиган хатлар, почта табрик хатлари (очиқ), бандерол, пакет, посилка, почта контейнерлари, махсус жойланган нашриёт маҳсулотлари кабилар П.ж. ҳисобланади. Махсус жойланган, деганда маълум бир ҳажмдаги почта конвертларини тушуниш лозим.

ПОЧТА МАРКАСИ — Алоқа вазирлиги томонидан чиқариладиган ва хат-хабарлар жўнатилишига асос бўлувчи, тўлов амалга оширилганини билдирувчи белги. Алоқа хизматларига ҳақ тўлаш миқдори ЎзРнинг 1992 йил 13 январ куни қабул қилинган «Алоқа тўғрисида»ги қонунининг 11-моддасига асосан белгиланади.

ПРАЙВЕСИ (инг. privacy — сир, танҳолик, шахсий ҳаёт) — англосаксон ҳуқуқининг ўзига хос категорияси бўлиб, шахснинг шахсий сири, яъни унинг шахсий-ҳиссий ҳаёти дахлсизлиги тушунилади.

ПРАЙМЕРИЗ (инг. primaries) — АҚШда 1842 йилдан бери депутатликка номзодларни кўрсатиш, бошқа сайлаб қўйиладиган мансабларга номзодлар, партия конвертлари, демократлар ва республикачилар партияси комитетлари аъзоларини дастлабки (бошланғич) сайлов бўғини ҳисобланади.

ПРЕАМБУЛА (фр. preambue — сўз боши, муқаддима) — қонун, ҳуқуқий актлар, декларация ёки халқаро шартномаларни тайёрлашда сўзбоши сифатида асосий мақсадни исботлаш ёки белгилаш қисми. П. ўз ичига «мақсад — норма»ларини ва «принциплар — норма»ларини олади. Шу билан бирга П. ҳужжатлари ҳуқуқий кучга эга бўлмайди. Шундай бўлса-да, унинг асосий мазмуни бошқа ҳуқуқий актларни шарҳлаш жараёнида олинган асосий тушунча сифатида кўрсатилиши мумкин.

ПРЕВЕНТИВ ЧОРАЛАР — тинчликка хавф туғилганда ёки бошқа давлатларга бостириб кириш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида БМТ Уставига асосан давлатлар ҳамкорлигида қўлланиладиган чора.

ПРЕЗЕНТАЦИЯ — 1) тақдимоти ўтказилаётган векселни бирор-бир шахсга тақдим қилиш (агар у шу вексель бўйича тўлаш мажбуриятига эга бўлса); 2) оммавий тарзда у ёки бу янги тузилган фирма, бадиий асарлар, проектлар, фильмлар кабиларни реклама қилиш мақсадида тақдим этиш.

ПРЕЗИДЕНТ — республика бошқарув шаклидаги мамлакатларда халқ (парламент, сайлов коллегияси) томонидан сайланадиган давлат раҳбари. Парламент республикаларида П.нинг роли фақат давлат бош-

лиги вазифалари билан чекланган. Президентлик республикаларида у ижро ҳокимияти бошлиғи ҳисобланади ва жамиятни демократиялашда фаол сиёсат юритиши мумкин. Ўзбекистон халқи тарихида биринчи марта Президент — Ислом Абдуғаниевич Каримов сайланди. Халқимиз президентлик институти киритилган, эркин ва адолатли жамият қуришнинг ўз йўли белгилаган янги даврга қадам қўйди.

ЎзР Конституцияси Президентнинг ваколат доирасини кенг белгилаб берди. Конституцияга кўра Президент — давлат ва ижро ҳокимияти бошлиғи ҳисобланади. Президент сайловлари тартиби 1991 й. 18 ноябрдаги «ЎзР Президенти сайловлари тўғрисида» ги қонун билан белгиланади. П. давлат ҳокимияти органлари тизимида асосий ўринни эгаллайди, мамлакат ичида ва халқаро муносабатларда ЎзР олий вакиллигини амалга оширади, ҳокимиятлар тақсимланиши шароитида давлат ҳокимияти яхлитлигини таъминлайди, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқишининг кафолати ҳисобланади. П. ўз вазифаларини амалга оширишда, ЎзР Конституциясида белгиланган ваколатлар доирасида давлат ҳокимиятининг барча идоралари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан конституциявий мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишини таъминлайди.

П. Конституцияда белгиланган тартибда давлатнинг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоялаш бўйича зарур чораларни кўради ва фавқулодда чоралар кўрилиши лозим бўлган пайтларда (реал ташқи таҳдид, оммавий тартибсизликлар, йирик фожиалар, кутилмаган офат, эпидемия) алоҳида ваколатларга эга бўлади. Конституциянинг 78-м.си, 21-бандига кўра, П. томонидан имзоланган халқаро шартнома ва битимлар қонун қабул қилиш йўли билан ратификация қилиниши лозим.

Президентнинг ташқи сиёсат борасидаги ваколатларига яна қуйидагилар киради: элчилар ва бошқа дипломатик вакиллардан ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилиш; ЎзРнинг чет мамлакатларда ва халқаро ташкилотлардаги элчиларини ва бошқа дипломатик вакилларини тайинлаш, чақириб олиш. Конституциянинг 93-м.сида белгиланганидек, Президент ҳар йили ички ва ташқи аҳвол ҳақида республика Олий Мажлисига маълумот беради. Мазкур маърузада Ўзбекистон П.нинг мамлакат келажагини қандай кўриши баён этилади, давлатнинг стратегик сиёсий йўналиши белгиланади. Президент баённомаларининг мазмуни юридик жиҳатдан мажбурий кучга эга бўлмаса-да, нафақат қонун чиқарувчи идоралар фаолиятига, балки жамоатчилик фикрига ҳам катта таъсир кўрсатади. ЎзР Конституцияси П.га ижро ҳокимиятини ташкил этиш ва фаолиятини бошқариш билан боғлиқ бир қатор ваколатлар беради.

П. Бош вазирни, унинг биринчи ўринбосарини, ўринбосарларини, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Бош прокурорни, унинг ўринбосарларини (кейинчалик Олий Мажлис томонидан тасдиқланади) тайинлайди. П. вазирликлар, давлат қўмиталари ва ЎзР давлат бошқарувининг бошқа органларини ташкил этади ва тарқатиб юборади. П. вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларини тайинлайди, улар тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланадилар. П. туман ва шаҳар ҳокимлари Конституция ва қонунларни бузган тақдирларида, ёки ўз номлари ва шаънларига нолойиқ ҳаракатлар содир қилганларида мансабларидан олиб ташлаш ҳуқуқига эга. Президент Конституциявий суд

раиси ва аъзолари номзодларини Олий Мажлис тасдиғига ҳавола қилади, шунингдек, вилоят, туман, шаҳар ва ҳўжалик судлари судьяларини тайинлайди.

П. республика Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучлар олий қўмондонлиги раҳбарларини тайинлайди ва вазифаларидан озод этади, Хавфсизлик кенгашини шакллантиради ва бошқаради, олий ҳарбий унвонлар беради. П. уруш ёки агрессия таҳдиди ҳолатида Қуролли Кучларни бошқаришни ўз қўлига олади. ЎзР П.нинг давлат бошлиғи сифатидаги ваколатларига фуқаролик масалаларини ҳал этиш, сиёсий бошпана бериш, ЎзР давлат мукофотларини бериш, малака ва фахрий унвонлар бериш, амнистия тўғрисида ҳуқуқий актлар қабул қилиш ва афв этиш киради.

П. ўз ваколатларини амалга ошириш мақсадида кўптомонлама ҳуқуқий яратувчилик фаолиятини амалга оширади. У бутун Ўзбекистон ҳудудида ижро этилиши шарт бўлган ва тўғридан-тўғри таъсир кучига эга фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

П. — ЎзРда ислоҳотлар ўтказиш, жамиятни босқичма-босқич бозор иқтисодига олиб ўтиш стратегияси ва тактикасини аниқлаш, миллий тикланиш ғоясини рўёбга чиқариш, одил ҳуқуқий давлат қуриш давлат механизмининг энг муҳим институтидир.

ПРЕЗИДЕНТ ВЕТОСИ — давлат бошлиғининг парламент томонидан қабул қилинган, лекин ҳали кучга кирмаган қонунга ўзининг қаршилигини билдириш ҳуқуқи. Ўзбекистон Конституциясида «вето» атамаси ишлатилмаган. ЎзР Конституцияси томонидан Президентнинг қонунни асослантирилган эътирозлар билан иккинчи бор кўриб чиқиш ва овоз бериш учун Олий Мажлисга қайтариш ҳуқуқи белгиланган. Конституция қайтариш учун асослар рўйхатини бермаган, лекин Президент қонунни қайтаришда ушбу қарорни асослантириши кераклиги таъкидланган. Бунда Президент қонунга умуман ёки бирор бир қоидасига эътироз билдириши мумкин.

Олий Мажлис Президентнинг эътирозлари билан келишиши ёки қонунни бирламчи таҳрирда қайта қабул қилиши мумкин. Одатда, Президент ветосини бартараф этиш учун депутатларнинг малакали кўпчилик овози керак бўлади. Агар Олий Мажлис аввал қабул қилган қарорини учдан икки овоз билан яна тасдиқласа, Президент қонунни имзолайди. Бу ҳолда Президент қонунни имзоларкан, унинг ҳақиқийлигини тасдиқлайди.

ПРЕЗИДЕНТЛИК КОМИССИЯЛАРИ — АҚШда федерал маъмурият қошида тузиладиган ёрдамчи муассасалар. Улар конгресс ҳужжатлари билан тузиладиган агентликлар ва бошқа бир қатор органлардан фарқли ўлароқ, президент томонидан унга берилган конституциявий ваколатлар доирасида барпо этилади. П. к. раҳбарлари президент томонидан сенат маслаҳати ва розилиги асосида тайинланади. Президент томонидан тавсия этилган номзод сенатда 2/3 кўпчилик овоз билан тасдиқланади. Ихтиёрий пул тўланмайдиган агентликларни тузиш амалиёти Америкада кенг тарқалган. Улар федерал бюджетдан ҳеч қандай маблағ олмайдилар ва манфаатдор шахслар ҳисобига фаолият юритадилар. Ҳуқуқий жиҳатдан П. к.га президентга тегишли маълум ваколатлар тақдим қилинади. Текширув олиб бориш, ярим суд ваколатларига эга бўлган П. к. мавжуд.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИ — давлат бошлиғи сифатида президентнинг дахлсизлик ҳуқуқи; давлат президенти ўз мансабини эгаллаб турган вақтида суд жавобгарлигига тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши мумкин эмаслигини билдиради. П.д.ҳ. фақат конституцияда назарда тутилган алоҳида қоидалар тартибида мансабдан четлаштирилиши билан бирга бекор қилинади (дахлсизлик ҳуқуқи, мансабидан четлатиш ва б.). Шундан кейин президент оддий тартибда суд таъқибига олиниши мумкин (АҚШ, Бразилия, Венесуэла) ёхуд уни бутунлай таъқиб қилиш тўхтатилади (Чехия). Францияда ва бошқа айрим мамлакатларда президент фақат давлатга хоинлик қилган ҳолларда парламент қарори билан махсус судга берилиши мумкин.

ПРЕЗИДЕНТУРА — ваколат муддатида ва ўз вазифаларини бажариш жараёнида президент мансабида хизмат қилиш даври.

ПРЕЗИДЕНЦИОНАЛИЗМ — 1) президентлик институтига асосланган конституциявий тузум; 2) президентлик ҳокимиятининг конституциявий ҳуқуқий институти.

ПРЕЗИДИУМ (лот. praesidium — раислик этувчи) — давлат, партия органларини доимий бошқариш, мажлислар, йиғилишларни олиб бориш учун тузилган кишилар гуруҳи, коллегияси.

ПРЕЗУМПЦИЯ (лот. praesumpio) — фараз қилиш, олдиндан ҳақиқатга яқин деб билиш (шунга қарама-қарши ҳақиқат аниқланмаса).

ПРЕЙСКУРАНТ (нем. — preiskurant, фран. — prixcourant — prix — нарх ва courant — жорий) — товарлар ва хизмат кўрсатишнинг гуруҳлари ва турларига бериладиган жорий нархларнинг маълум бир тизимдаги туплами.

ПРЕМЬЕР-МИНИСТР — Австралия, Беларусь, Буюк Британия, Италия, Канада, Қирғизистон, Латвия, Литва, Намибия, Португалия, Руминия, Словакия, Словения, Финляндия, Франция, Эстония, Япония каби давлатларда ижроия ҳокимияти (ҳукумат) бошлиғининг номи.

ПРЕРОГАТИВА — давлат органи ёки мансабдор шахсгагина тааллуқли бўлган ҳуқуқ.

ПРЕФЕКТ (лот. praefectus — бошлиқ) — айрим давлатларда (Руминия) марказий ҳукуматни ифодаловчи институт, баъзи давлатлар (Россия Федерацияси)да регионал ҳукумат вакили бўлиб жойларда ҳукумат сиёсатини амалга оширади. П. институти дастлаб 1802 йилда Францияда вужудга келди ва 1982 йилгача, яъни тугатилгунча ҳукумат вакили ҳисобланган. Ҳозирда бу идора Францияда «Республика комиссарлари» деб юритилади.

ПРЕФЕКТУРА (лот. praefectura) — 1) мансаб, унвон ва бошқарув ҳудуди тушунилади; 2) Японияда маъмурий-ҳудудий бўлиниш номи.

ПРЕФЕРЕНЦИАЛ ОВОЗ БЕРИШ — можаритар сайлов тизимида кўп сонли овоз бериш усули воситасида сайловларнинг натижасини яхшилаш орқали келгуси тур сайловларини утказмасликни таъминлаш. Бунда сайловчи сайлов бюллетенида ўзининг преференциясини (кимга овоз беришини) белгилаб қўяди. Бунда у 1, 2, 3, 4 ва ҳоказо сонлар орқали кимни биринчи, кимни иккинчи галда ва ҳоказо сайлаш лозим эканлигини бир йўла белгилайди. Бу сайлов тизими Австралия, Ҳиндистон, Ирландия каби мамлакатларда жорий этилган.

ПРЕФЕРЕНЦИАЛ ФАРҚ — божхона фаолиятида энг қулай режимда туланадиган бож миқдори ва белгиланган бож ўртасидаги фарқ.

ПРЕФЕРЕНЦИЯ — божхона солиқларини солишда фойдаланиладиган имтиёз. Ушбу имтиёзнинг моҳияти товарлар кириб келишини рағбатлантириш ҳисобланади. Бунда маълум бир мамлакатдан кириб келадиган товарларга нисбатан бож қиймати камайтирилади ёки умуман олиб ташланади.

ПРЕЦЕДЕНТ ҲУҚУҚИ — суд прецедентига асосланган давлатларда ҳуқуқ манбаи сифатида қўлланилади. Яъни маълум бир иш бўйича чиқарилган қарорни айнан шу каби ишларни кўришда бошқа инстанция судлари томонидан мажбурий тарзда бир хил қарор чиқарилиб, ҳал этишга асосланган ҳуқуқ тизими. Шу билан бирга, П.ҳ. ҳуқуқ нормаларини шарҳлашда катта аҳамиятга эга.

ПРЕЮДИЦИАЛ ИШ ЮРИТИШ (лот. apraef udicio — олдиндан ҳал этиш) — маълум бир суд томонидан кўриб чиқилган ва кучга кирган қарорни келтирилган далил ва исботларни қайта текширилмасдан қуйи инстанция судлари томонидан сўзсиз бажарилиши. Бунда агар суд томонидан, биринчи бор атрофга хавф солувчи манба эгаси томонидан келтирилган зарар бўйича қарор кучга кирган бўлса, регресс даъво берилган тақдирда, судда қайта кўриб чиқиш жараёнида қарорда баён этилган фактлар ўзгаришсиз қабул қилинади ва бу преюдициал аҳамиятга эга бўлади.

ПРИВАТИЗАЦИЯ (лот. privatus — хусусий) — давлат ва муниципал (маҳаллий) мулкни сотиш ёки текинга хусусий шахслар ёки ташкилотларга мулк сифатида бериш. Бу тушунча денационализация маъносида ҳам қўлланилади.

ПРИМА — векселлар билан қилинадиган фаолиятда ўтказиладиган векселнинг биринчи нусхаси. П. да қуйидаги сўзлар битилган бўлади: «ушбу биринчи нусха асосида тўлансин, агар иккинчи ёки учинчи нусхалар билан тўланмаган бўлса». Векселларнинг ҳар бир нусхасида тегишли белги бўлади. Биринчи нусхада «П», иккинчисида «секунд», учинчисида «терция».

ПРИСЯЖНИЙЛАР (ҚАСАМЁД ҚИЛГАНЛАР) СУДИ — суд тизими ва барча давлат ҳокимияти органлари тизимининг энг демократик институтларидан бири бўлиб, у адолатли судни амалга оширишда халқнинг бевосита иштирокини ўзида мужассам этган. XII—XV асрларда Англияда пайдо бўлган ва Буюк Француз инқилобидан кейин Европада, дунёнинг айрим бошқа қисмларида кенг қулоч ёйган. Ўзининг классик вариантида у олти ёки ўн икки нафар маслаҳатчи кенгашчилар курсиси ёки бошқа миқдордаги тасодифий усул билан фақат муайян кўриб чиқиш ва фактик масалаларни ҳал этиш учун танлаб олинган ҳайъатдан ва ҳуқуқий масалаларни ҳал этувчи бир ёки бир неча профессионал судьядан иборат бўлади. Қоида бўйича П.с. биринчи инстанцияда мураккаб жиноий ишларни кўриб чиқади ва унинг қарори аппеляция шикоятига дахлдор бўлмайди. Ҳозирги вақтда П. с. АҚШ, Буюк Британия, Канада Ирландия, Швейцария ва бошқа бир қатор мамлакатларда мавжуд.

ПРИТОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ — баъзи шахслар ёки маълум бир шахсларнинг ўзи томонидан белгиланган вақтда ёки доимий равишда ахлоқсиз ёки қонунга хилоф қилмишларини амалга ошириш учун махсус хоналар очиш ва уларнинг фаолият кўрсатишини таъминлашдан иборат жиноий хатти-ҳаракатлари. Фоҳишахоналар таш-

кил этиш (ЖКнинг 131-моддаси), гиёҳванд ва психотроп воситаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангихоналар ташкил қилиш ва сақлаш (ЖКнинг 273-моддаси 4-банди) ва қиморхоналар ташкил этиш ва сақлаш (ЖКнинг 278-моддаси) учун жиноий жавобгарлик тайинланади.

ПРИЧАЛГА ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ, БОЖ ТЎЛАНДИ — товар етказиб берувчининг бу шарти харидорнинг товарни сотувчига белгиланган портда олиб кириш учун тозаланган ҳолда причалга етказиб бериши шартлигини билдиради. Сотувчи барча хавф ва харажатларни, жумладан, бож, солиқ ва товарни белгиланган жойга етказиб бериш бўйича бошқа йиғимларни кўтаради. Сотувчи товарни харидорнинг ихтиёрига берган заҳоти у товарни белгиланган порт причалида қабул қилиб олиши, товарни причалда қабул қилган пайтдан бошлаб, барча харажат ва хавфларни кўтариши шарт.

ПРОБА НАЗОРАТИ — давлат томонидан нодир металлар пробасини тўғри, белгиланган тартибда амалга оширилиши.

ПРОБАЦИЯ (инглз. probation) — АҚШ давлат жиноят қонунчилигида белгиланган шартли ҳукм бўлиб, бунда маҳкум синов муддати учун тегишли суд қарори билан маълум бир назорат идоралари назоратига берилади, маҳкумга нисбатан аниқ талаблар қўйилади. Жумладан, маълум бир шахслар билан алоқада бўлмаслик, белгиланган жойларга бормаслик кабилар.

ПРОВИЗОР (лот. provisor — тайёрловчи) — фармацевтика институтини тугатиб чиққан шахсларга бериладиган унвон ва бу унвон орқали аптека бошқарувини амалга оширишга бериладиган ҳуқуқ.

ПРОВИНЦИЯ (инглз. provinse — вилоят) — Аргентина, Канада, Покистон, Нидерландия, Колумбия давлатларида федерация субъектларининг номланиши. Баъзи унитар давлатларда эса маъмурий-ҳудудий бўлинишлар номи.

ПРОВОКАТОР (лот. provocator) — баъзи давлатларда (ГФР) полиция агенти бўлиб, унинг вазифаси жиноятчи унсурларни бирор-бир жиноят қилишга ундаш орқали бирор-бир жиноятга дахлдорлик ҳолатини ёки ҳибсга олишга асос бўлувчи шартни келтириб чиқариш ҳисобланади. Шу билан бирга П.лар жиноятчи унсурлар ичида доимий фаолият кўрсатиб «ички назоратни» ҳам амалга оширадилар.

ПРОДЮСЕР (инглз. produser-produsere — ишлаб чиқарувчи деган маънони англатади) — бирор-бир фильмни яратишда молиявий-ташкилий, ғоявий-бадиий ёрдам кўрсатувчи, ташкил этувчи ва кинокомпанияларнинг ишончли вакили. Режиссёрлар, артистлар, сценарий ёзувчилар ҳам П. бўлиши мумкин.

ПРОКАТ — фуқаролик муносабатларида мулк ижара шартномасининг бир тури. ЎзР Фуқаролик кодексининг 558-моддасига асосан — прокат шартномаси ёзма тарзда тузилади ва топширилган мол-мулкдан фойдаланганликка тегишли ҳақ тўланади.

ПРОКЛАМАЦИЯ (лот. proclamatio — эълон қилиш маъносини беради) — чақирув ва мурожаатлар баён этилган ёзма варақлар.

ПРОКУРАТУРА (лот. procurate — ғамхўрлик қилиш маъносида) — давлат тизимидаги мавжуд жиноят ишларини қўзғатувчи, айбловчи ва суд жараёнида давлат номидан айблов олиб бориш ваколатига эга бўлган орган (тизим). Баъзи давлатларда бу орган ваколатига қонунларга оғиш-

май амал қилишни умумий назорат этиш ҳам киритилган эди. П. баъзи давлатларда адлия вазирлиги тизимига киради (АҚШ, Франция, Нидерландия, Австрия, Япония, Польша).

ПРОКУРАЦИЯ — маълум шахс томонидан судда битим амалга оширилиши бўйича берилган ишончноманинг нотариал тасдиқланиши.

ПРОКУРОР — прокуратура органларининг масъул, мансабдор шахси. П. қонун асосида прокурор назоратини амалга оширади. Прокурор ўз назоратини амалга оширишда Конституция, процессуал қонун ҳамда ЎзРнинг «Прокуратура тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрь қонуни талабларини бажариши лозим.

ПРОКУРОР ҚАРОРИ — давлатлардаги мавжуд прокуратура тизимида прокурор назоратини жорий қилишнинг бир шакли. ЎзРнинг «Прокуратура тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабр қонунининг 26-моддасига асосан — прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан қонуннинг бузилиши мазмунидан келиб чиққан ҳолда жиноий иш, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки интизомий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатиш тўғрисида асосли қарор чиқаради. Шу билан бирга, интизомий ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги прокурор қарори идора ёки маълум бир мансабдор шахс томонидан қарор тушган кундан бошлаб кечи билан ўн беш кун муддат ичида кўриб чиқилиши шарт ва унинг натижалари бўйича ёзма равишда хабар беради.

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ — ЎзРнинг «Прокуратура тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабр қонунининг 3 бўлимида қайд этилган тартиблар асосида прокурор назорати амалга оширилади. Шунга кўра прокурор назорати тегишли йўналишлар бўйича, жумладан: қонунларга риоя этилиши устидан умумий назорат, ҳуқуқ-тартибот идораларининг ижро фаолияти устидан, суд томонидан ишларни кўриб чиқиш устидан, жазони ижро этиш идоралари фаолиятлари устидан П. н. амалга оширилади.

ПРОКУРОР ТАҚДИМНОМАСИ — прокурор назоратини амалга оширилишида чиқариладиган ҳужжатлардан бири. ЎзРнинг «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни 27-моддасига асосан, прокурор қонуннинг бузилишига, ана шу бузилишларнинг сабаблари ва унинг бузилишига кўмаклашадиган шарт-шароитларга барҳам бериш тўғрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатига эга бўлган давлат идорасига, жамоат ташкилотига ёки мансабдор шахсларга тақдим этади, бу тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши лозим. Кўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотнома бир ойлик муддат ичида прокурорга маълум қилиниши шарт. Тақдимнома коллегиал идора томонидан қараб чиқилаётганда прокурорга мажлис ўтказиладиган кун маълум қилинади, прокурор бу мажлисда қатнашишга ҳақлидир.

ПРОМЕССА — ютуқли заёмлар лотереялари эгалари маълум бир ҳақ эвазига ютуқдан воз кечиши.

ПРОМПТ, СПОТ-ПРОМПТ — денгизда юк ташиш жараёнида қўлланиладиган тушунчалар: промпт (муҳлатли) — денгиз кемаси шартнома ёки битим асосида бир неча кунда ортилган бўлиши керак; спот-промпт — денгиз кемаси тезликда ортилиб, жўнаб кетишга тайёр бўлиши лозим.

ПРОМУЛЬГАЦИЯ (лот. promulgotlo — оммалаштириш) — баъзи давлатлар конституциявий ҳуқуқига асосан қабул қилинган қонуннинг эълон қилиниши.

ПРОСТИТУЦИЯ (лот. Prostitio — шарманда қиламан деган маънода) — аёлларнинг ўз танасини пул эвазига сотиши. П. асослари қадимги антик давлатлар заминида ривожлана бошлаган. Бундай ғайриинсоний қилмиш инсоният томонидан қораланса-да, уни жиноий жавобгарлик даражасига кўтариш кўп давлатларда амалга оширилмаган. ЎзРнинг ЖК бу каби қилмишга қарши кураш мақсадида бир қатор ҳолатларни белгилаб қўйган. Жумладан, таносил касалликларини тарқатиш, фоҳишахона сақлаш, қўшмачилик қилиш кабилар. Шу билан бирга, ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида (190-модда) фоҳишалик учун маъмурий жазо белгиланган.

ПРОТЕКТОР (лот. protector — ҳимоя қилувчи маъносини беради) — протекторликни амалга оширувчи давлатлар.

ПРОТЕКТОРАТ — 1) Англияда 1653 — 1659 йилларда амалда бўлган ҳарбий диктатурага асосланган режим. Бу режим ҳокимиятга бутунлай эгаликда намоён бўлган. 2) Мустамлакачилик шароитида қарам бўлган давлатлар номланиши.

ПРОТЕКЦИОНИЗМ — давлатнинг иқтисодий, ҳуқуқий сиёсати бўлиб, асосий мақсади давлатни иқтисодий жиҳатдан иҳота қилиш. Тарихда капиталистик муносабатлар вужудга келишининг бошланғич даврига тўғри келади. Бунда ўзаро рақобат асосида чет капиталнинг кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида ички бозорга кенг қулайликлар яратилган.

ПРОТЕСТ (лот. protestarl — расман исботлайман) — янгиланиш, янгитдан вужудга келиш, амрнома, қонунчилик бузилишнинг олдини олишни таъминловчи фаолият. Бунда прокурор суд ва ижроия ҳокимияти томонидан йўл қўйилган қонун бузилишларига назорат тариқасида протест келтиради.

ПРОТОКОЛ (фр. protocole, юн. protokollon — манускриптнинг биринчи варағи) — 1) ҳуқуқий фактлар қайд этилган ёзма ҳужжат (терговга оид у ёки бу тергов ҳаракати ўтказилганлигини билдирувчи); 2) халқаро миқёсда давлатлараро келишувларни қайд этиш ҳужжати номи. Масалан, элчихона фаолиятини мувофиқлаштириш битимлари тўғрисидаги протокол кабилар.

ПРОФЕССИОНАЛ КАСБГА АЙЛАНГАН ЖИНОЯТЛАР — 1) қуйидаги белгиларга эга бўлган жиноятчилик: а) қатъийлик асосида жиноий фаолиятни (мутахассислигини) белгилаш; б) жиноятчининг билими ва маҳорати шаклланганлиги; в) жиноят орқали таъминот олиши; г) ғайриижтимоий шахслар орасида қатъий алоқада бўлиш; 2) профессионал жиноятчиларнинг мавжудлиги.

ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТЛАР ВА ҚАРОРЛАР ЮЗАСИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ — жиноят процессининг асосий принципларидан бири. Бу принципга кўра, процесс иштирокчилари ва бошқа шахслар, шунингдек, жиноят ишини юритишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари қонунда кўрсатилган тартибда ва муддатда суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори хусусида шикоят беришга ҳақлидир. Процесснинг исталган босқичида илтимос билан мурожаат этиш ва шикоят бериш мумкин (ЖПКнинг 27-моддаси).

ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАР — судловни лозим даражада амалга ошириш, жиноят ва фуқаролик процессида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судлов

вазифаларини амалга ошириш учун қонунда белгиланган ҳуқуқий воситалар тизими. Энг муҳим П.к.: ҳимояланиш ҳуқуқи, бепул юридик ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқи, суд муҳокамасининг очиқ ва ошкоралиги, суднинг ҳайъатда бамаслаҳат иш кўриши, суд қарори (ҳукми) юзасидан арз қилиш ҳуқуқи.

ПСИХИАТРИЯ (юн. psyche — руҳият) — клиник тиббиётнинг ўзига хос тармоғи бўлиб, руҳий касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, давом этиши каби хусусиятларини ўрганади. Европада ҳозирги П.га XVIII асрда асос солинган.

ПСИХОПАТИЯ (юн. psyche — руҳият, pathos — азобланиш) — одам руҳиятидаги ўзига хос оғиш ҳолати. Бунда шахс ўзгаларга ва воқеликка нотўғри муносабатда бўлади. Ўз қарашларига (нормада бўлмаган) асосланиб баъзи ҳолларда нотўғри ва шу билан бирга жамият учун хавфли вазият туғдиради. Жумладан, жаҳлдор ёки восвос ҳолатларига тушиб қолиш кабилар.

ПСИХОТРОП ВОСИТАЛАР (МОДДАЛАР) (юн. apsyche — руҳият, tropos — йўналиш) — одам руҳиятига мувофиқлаштирувчи ёки уйғотувчи таъсир кўрсатиш хусусиятига эга табиий ҳамда синтетик воситалар. Бу моддалар асосан асаб тизимига таъсир қилиши билан ажралиб туради. Шунинг учун бу каби моддаларни қўллашни тақиқловчи рўйхат 1971 йил Венада қабул қилинган. Психотроп моддалар тўғрисидаги конвенция ва БМТнинг 1988 йилда чиқарилган Гиёҳвандлик моддаларини ғайриқонуний тарзда ўтказиш тўғрисидаги конвенцияда кўрсатиб ўтилган.

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ — фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўлиб, унга кўра, бир томон (пудратчи) иккинчи томон (буюртмачи)нинг топшириғи бўйича муайян ишни бажариш ва унинг натижаларини буюртмачига топшириш мажбуриятини, буюртмачи эса иш натижаларини қабул қилиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. П.ш. буюмни тайёрлаш ёки қайта ишлаш ёхуд бошқа ишни бажариб, унинг натижаларини буюртмачига топшириш борасида тузилади.

Буюм тайёрлаш учун тузилган П.ш. бўйича, пудратчи буюмга бўлган ҳуқуқни буюртмачига беради. Агар шартномада бошқача қоида белгиланмаган бўлса, пудратчи буюртмачининг топшириғини бажариш усулларини ўзи белгилайди. Агар П.ш.да бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, иш пудратчининг қарамоғида — унинг материалларидан, унинг кучи билан ва воситаларидан фойдаланган ҳолда бажарилади. Пудратчи ўзи етказиб берган материаллар ва ускуналарнинг сифатига, шунингдек, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари бўлган материаллар ва ускуналарни етказиб берганлиги учун жавоб беради. Агар қонун ёки П.ш.дан пудратчининг шартномада назарда тутилган ишни шахсан бажариш мажбурияти келиб чиқмайдиган бўлса, пудратчи ўз мажбуриятларини бажариш учун бошқа шахсларни (субпудратчиларни) жалб қилишга ҳақли бўлади. Бундай ҳолда пудратчи бош пудратчи вазифасини бажаради. Бош пудратчининг розилиги билан буюртмачи баъзи ишларни бажариш учун бошқа шахслар билан шартнома тузишга ҳақли бўлади. Бундай ҳолда мазкур шахслар ишни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун бевосита буюртмачининг олдида масъул бўладилар.

ЎзР ФКда, умумий қоидалар билан бир қаторда, пудрат шартномасининг айрим турлари (маиший пудрат, қурилиш пудрати, лойиҳа ва

тадқиқот ишларини бажариш пудрати, давлат эҳтиёжлари учун пудрат ишлари) бўйича махсус қоидалар белгиланган.

ПУЛ — *фуқаролик ҳуқуқи объектларидан* бири. Фуқаролик ҳуқуқи объекти бўлган П.нинг асосий хусусияти шундан иборатки, у умумий эквивалент бўлиб, тўлов хусусиятига эга бўлган мулкий муносабатлар ҳар қандай бошқа объектининг ўрнини босиши мумкин. Фуқаролик ҳуқуқида қимматли қоғоз бўлган П. ашёларнинг алоҳида тури сифатида тан олинади. П. ашёлар ва алмаштириладиган ашёларнинг тури деб қаралади. Қарздордаги пул белгиларининг йўқ бўлиши уни кредиторга тегишли пул суммасини тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

ПУЛ АККРЕДИТИВИ — эмитент банк томонидан шу мамлакатнинг ўзида ёки хорижда жойлашган бўлинмасига ёки бошқа банкка мўлжалланган ҳамда аккредитивда кўрсатилган шартларга риоя этган ҳолда ва белгиланган муддат ичида олувчига пулни тўлаш ҳақидаги топшириқ берилган, эгасининг номи ёзилган ҳужжат.

ПУЛ БИРЛИГИ — мамлакат пулининг қонун билан белгиланган номи (сўм, доллар, марка ва ҳ.к.). П.б. — миллий пул тизимининг элементи. Фойдаланишда қулай бўлиши учун майда мутаносиб қисмларга, кўпинча 100 га бўлинади (1 сўм = 100 тийин, 1 доллар = 100 цент ва ҳ.к.)

ПУЛ ИСЛОҲОТИ — давлат пул муомаласини тартибга солиш ва мустаҳкамлаш мақсадида ўтказадиган пул тизимини тўла ёки қисман ўзгартириш. Пул ислоҳотлари шакллари турлича бўлади: валютани деноминация қилиш; эски пул бирлиги ўрнига ёки параллел равишда янгисини жорий этиш; алоҳида купюраларни янги намунадаги купюраларга алмаштириш; миллий валютани бир вақтда девальвация ёки ревальвация қилиш ва ҳ.к.

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ — бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар (шу жумладан, бюджетдаги, кредит, суғурта органлари)нинг банклардаги ҳисобварақларда пул шаклида тўпланган ҳамда ўз мақсадларида ишлатиладиган ёки банкларнинг ресурслари сифатида жойлаштириладиган турли хил даромадлари ва тушумлари.

ПУЛ МАЖБУРИЯТИНИ БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК — ФКнинг 327-моддасига мувофиқ, бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши. Фоизлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса, унинг жойлашган ерида пул, мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади. Қарз суд тартибида ундириб олинганида суд кредитор талабини даъво қўзғатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасига қараб қондириши мумкин. Ушбу қоидалар қонунда ёки шартномада бошқа фоиз миқдори белгиланган бўлмаса қўлланилади. Кредиторнинг пул маблағларидан қонунсиз фойдаланиш туфайли унга етказилган зарар ўзига тегиши керак бўлган фоизлар суммасидан ошиб кетса, кредитор қарздордан зарарнинг бу суммадан ортиқча бўлган қисмини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

ПУЛ МАЖБУРИЯТЛАРИ — тўланиши лозим бўлган ҳисобварақлар, иш ҳақи, тўланиши эълон қилинган дивидендлар, ҳисобланган

солиқ тўловлари, кўчмас мулкка сарфланган капитал билан таъминланган облигациялар, олтин билан таъминланмаган облигациялар ва банк ссудалари каби қатъий белгиланган ёки узоқ муддатли мажбуриятлар.

ПУЛ МАССАСИ — муомалада бўлган пул белгилари; юридик шахслар ва фуқаролар ҳисобварақлари ва омонатларидаги пул маблағлари; банкларнинг бошқа шубҳасиз пул мажбуриятлари.

ПУЛ МУОМАЛАСИ — товарлар айланишига, шунингдек, товарсиз тўловлар ва ҳисоб-китобларга хизмат кўрсатувчи нақд ва нақд бўлмаган шаклдаги пул ҳаракати.

Пул муомаласининг икки тури мавжуд. Биринчидан, **нақд пулларнинг**, яъни пул бирликлари (банкнотлар ва тангалар)нинг **муомаласи**. Бундай ҳолда бир субъект бошқасига товарлар, иш ва хизматлар учун ёки қонунда белгиланган бошқа ҳолларда берадиган (м-н, жарималар) реал пул бирликлари тўлов воситаси бўлиб хизмат қилади. Иккинчидан, **нақд бўлмаган пул муомаласи**. У ҳисоб-китобни муайян пул суммасини бир субъектнинг банк муассасасидаги ҳисобварағидан ўчириб, уни бошқа субъектнинг худди шу ёки бошқа банк муассасидаги ҳисобварағига ўтказиш шаклида ёхуд нақд пул белгилари тўлов воситаси сифатида мавжуд бўлмайдиган бошқа шаклда амалга оширишдан иборат.

ПУЛ СУРРОГАТЛАРИ — қонунларда назарда тутилмаган пул бирликлари; айрим корхоналар ёки бошқа ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан киритилади. Расмий пул бирликлари етишмаслиги улар пайдо бўлишининг асосий сабабидир.

ПУЛ ТАЛАБНОМАСИДАН ВОЗ КЕЧИШ ҲИСОБИГА МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТНОМАСИ — ЎзР фуқаролик ҳуқуқидаги шартномалардан бири бўлиб, унга кўра бир томон (молиявий агент) бошқа томон (мижоз)га мижоз (кредитор)нинг пул талабномаси ҳисобидан учинчи шахс (қарздор)га пул маблағлари беради ёки бериш мажбуриятини олади. Бу мажбурият мижознинг учинчи шахсга товарлар етказиб бериши, иш ёки хизмат кўрсатишидан келиб чиқади, мижоз эса ушбу пул талабномасини молиявий агентга ўтказади ёки ўтказиш мажбуриятини олади. Қарздорга нисбатан пул талабномасини мижоз агентга ўзининг молиявий агент олдидаги мажбурияти бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳам ўтказиши мумкин. Молиявий агентнинг П.т.в.к.ҳ.м.ш. бўйича мажбуриятлари мижоз учун бухгалтерия ҳисобини юритиш, шунингдек, мижозга ўтказиш предмети бўлган пул талабномалари билан боғлиқ бошқа молиявий хизматларни кўрсатишни ўз ичига олиши мумкин. Молиявий агент сифатида П.т.в.к.ҳ.м.ш.ни банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, шунингдек, бундай фаолият билан шуғулланишга рухсатномаси (лицензияси) бўлган бошқа тижорат ташкилотлари ҳам тузишлари мумкин.

Молиявий маблағлар берилишига сабаб бўладиган ўтказиш предметини тўлов муддати келган пул талабномаси (мавжуд талабнома) ҳам, келажакда юзага келадиган пул маблағларини олиш ҳуқуқи (келгуси талабнома) ҳам ташкил этиши мумкин. Ўтказиш предмети бўлган пул талабномаси мижознинг молиявий агент билан тузган шартномасида мавжуд талабномани шартнома тузиш пайтида, келгуси талабномани эса у пайдо бўлган пайтидан кечиктирмай қиёслаш (идентификация қилиш) имконини берадиган тарзда белгиланиши керак. Шартноманинг бу тури халқаро амалиётда *«факторинг»* номи билан кенг тарқалган.

ПУЛ ТАЪМИНОТИ — ЎзРда ҳарбий хизматчиларга бериладиган моддий мукофот тури. Ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти ойлик маошини ташкил этувчи эгаллаб турган ҳарбий лавозимга мувофиқ ойлик маош ва берилган ҳарбий унвонга мувофиқ ойлик маошдан, шунингдек, ойлик ва бошқа устамалар ҳамда қўшимча пул тўловлардан иборат.

ПУЛ ТИЗИМИ — мамлакатдаги пул муомаласини ташкил этиш шакли. Қуйидаги элементлардан иборат бўлади: расмий пул бирлиги; нақд пулларни эмиссия қилиш тартиби; пул муомаласини ташкил этиш ва бошқариш. ЎзРнинг расмий пул бирлиги (валютаси) — сўм. ЎзР ҳудудида бошқа пул бирликларини жорий этиш ва *пул суррогатлари*ни чиқариш тақиқланган.

ПУЛ ЎТКАЗИШ — юридик ёки жисмоний шахслар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоб шакли. Пул ўтказиш тегишли тартиб асосида банк ва алоқа муассасалари орқали амалга оширилади.

ПУЛ ЎТКАЗМАСИ — ўтказмада кўрсатилган шахсга муайян миқдордаги пулни тўлаш ҳақида берилган ёзма ёки телеграф топшириқ. П.ў. билан кредит ва почта-телеграф муассасалари шуғулланади. П.ў. тегишли муассасаларга ўтказиладиган суммани олувчини ва унинг манзилини кўрсатган ҳолда топшириш йўли билан амалга оширилади.

ПУЛ-КРЕДИТ БОШҚАРУВИ — давлатнинг иқтисодий жараёнларга таъсир этишдаги асосий воситаларидан бири. ЎзР иқтисодиётининг П.-к.б.ни Ўзбекистон Марказий банки амалга оширади. Мазкур бошқарув тартибида Ўзбекистон Марказий банки мажбурий резервлаш нормаларини, кредитлар бўйича ҳисоб ставкаларининг нормаларини белгилайди, тижорат банклари учун иқтисодий нормативларни, қимматбаҳо қоғозлар билан операцияларни амалга оширади. «ЎзР Марказий банки тўғрисида»ги қонунга кўра, Ўзбекистон Марказий банки ЎзР ҳукумати билан биргаликда сўмни ҳимоя қилиш ва унинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган ягона давлат пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқади ва ўтказади.

ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ — пул муомаласи ва кредит соҳасида амалга ошириладиган ва иқтисодий ўсишни тартибга солиш, инфляцияни жиловлаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва тўлов балансини тенглаштиришга қаратилган тадбирлар мажмуаси; давлатнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнига аралашувида энг муҳим усуллардан бири бўлиб хизмат қилади.

ПУЛЛАРНИ ОЛИШДА БЕРИЛАДИГАН КВИТАНЦИЯ — корхона, ташкилот, муассаса томонидан пул тўловчига у томонидан кассага хизматлар, солиқлар ва оборотлар тўлови, авансларни қайтариш ва бошқа пул тўловлари суммаларини тўлаганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги ҳужжат.

ПУЛЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ — юқори ликвидли (тез сотиладиган) қоғоз пулларни чиқарган банк ихтиёридаги қимматликлар (нодир металлар, чет эл валютаси ва бошқалар). Қоғоз пулларга қараганда юқори ликвидликка (сотилиш даражасига) эга қимматбаҳо буюмлар таъминланган бўлиши мумкин.

ПУЛЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ — фуқаролик ҳуқуқида ижро этувчи буюртмачининг топшириғи бўйича хизмат кўрсатиш мажбуриятини (муайян ҳаракатларни содир этиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш), буюртмачи эса ушбу хизматларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган шартнома.

«Р»

РАД ЭТУВЧИ РЕФЕРЕНДУМ — сайловчилар томонидан кучга кирган қонунни амалдан олиб ташлаш учун ўтказилади.

РАДИАЦИЯ ФАЛОКАТИ — аҳолининг радиациядан заҳарланиши, табиий офат ва бошқа фалокатларнинг келиб чиқиши, табиий атроф муҳитнинг бузилиши (Чернобилда юз берган радиация фожиасини бунга мисол қилиш мумкин).

Ривожланган давлатларда аҳолининг радиация хавфсизлиги, аҳолининг радиациядан ҳимояланиши, ҳозирги ва келажак авлодларни соглиқ учун хавфли бўлган иондан заҳарланишдан ҳимоялаш дастурлари мавжуд.

РАДИОФИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ — ЎзРда истеъмолчиларга Р.х. кўрсатиш тартиби ва асосий шартларини, мулкчилик шаклларидан ва қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, бундай хизматларни кўрсатиш соҳасидаги барча хўжалик юритувчи субъектлар ишига қўйиладиган ва ушбу субъектларнинг риоя этишлари шарт бўлган талабларни ЎзР қонунларига мувофиқ белгиловчи сим орқали эшиттириш (радиофикация) хизмати кўрсатиш қоидалари асосида кўрсатилади. Ушбу қоидалар ЎзР Мудофаа вазирлигининг ажратилган алоқа тармоқларида, ишлаб чиқариш корхоналарининг ички ва технологик вазифани бажарувчи тармоқларига тааллуқли эмас.

Абонентларга кўрсатиладиган Р.х. сифати стандартлар талабларига, техник нормалар, шартнома талабларига, шунингдек, хизматлар тўғрисидаги ахборотга мос келиши керак. Р.х. кўрсатиш чоғида радиоэшиттиришлар, дастурлар ва хабарлар мазмуни учун масъулият уларни тайёрлаган ва эфирга чиқарган хўжалик юритувчи субъектлар зиммасида бўлади. Кўрсатиладиган асосий ва қўшимча Р.х. рўйхатини хўжалик юритувчи субъект унга берилган лицензияга мувофиқ равишда белгилайди. Хўжалик юритувчи субъектлар кўрсатадиган асосий Р.х.лар қаторига қуйидагилар киради: абонентлик радионуқтасидан фойдаланиш; абонентларнинг ёзма аризасига биноан абонентлик радионуқталарини ўрнатиш; радио тармоғига эга бўлган радиолаштирилган турар жой фондидаги абонентлик радионуқталарини ишга тушириш; турар жой майдонининг керак эмаслиги туфайли, узоқ муддатга бўшатилганлиги, ундан мавсумий фойдаланилиши муносабати билан илгари абонентларнинг аризасига кўра узиб қўйилган абонетлик радионуқталарини улаш; абонентнинг илтимосига кўра, у билан тузилган шартнома тўхтатилганда абонентлик радионуқталарини радиоэшиттириш тармоғидан узиб қўйиш; абонентлар эгаллаб турган квартиралар, бошқа хоналарнинг капитал таъмирдан чиқарилиши муносабати билан йўқ қилинган абонентлик радионуқталарини тиклаш; радиотармоқнинг сифатли ишлашини таъминлаш мақсадида капитал, жорий таъмирлаш ишларини ўтказиб туриш; абонентларнинг аризаларига ёки назорат маълумотларига кўра, абонентлик радионуқталари ва радиоэшиттириш тармоқларининг носозлигини бартараф этиш.

Қўшимча Р.х.га қуйидагилар киради: қўшимча радионуқта ўрнатиш; абонентларга кўп дастурли радиоэшиттириш тармоғи бўйича қўшимча дастурлар тақдим этиш. Хўжалик юритувчи субъект хизматлар рўйхатини унга берилган махсус рухсатнома (лицензия) доирасида кенгайтириши ёки ўзгартириши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг сим орқали радиоэшиттириш дастурлари ва бошқа ахборотларни тарқатиши шартномалар билан белгиланади ва шартноманинг узвий таркибий қисми бўлган жадвал билан рўйхатга олинади. Хўжалик юритувчи субъект эшиттиришлар жадвалини абонентларга ўз вақтида етказиши шарт.

РАЙОН — қуйи маъмурий ҳудуд номи, яъни туман. Ўзини-ўзи бошқаришни маҳаллий миқёсда амалга оширади.

РАМАЗОН — арабча «рамаз» сўзидан олинган бўлиб, куймоқ маъносини англатади. Рўза гуноҳларни куйдирадиган ой бўлгани боис шундай ном билан аталган бўлиши мумкин. Ҳижрий йил ҳисобининг тўққизинчи ойи.

РАМБУРС КРЕДИТИ — савдо операцияларини банк томонидан қисқа муддатли кредитлаш; сотувчи томонидан кўрсатилган банкка сотувчи ўтказилувчи векселни кўчириб қўйиши ва уни сотувчининг банкида акцепт қилингунича ҳисобга қўйилиши ёрдамида амалга оширилади. Вексел кўчириб ўтказилган банк уни акцепт қилади ва сотувчи векселда кўрсатилган суммани тўлаш бўйича мажбуриятларига қарши ҳолда сотиб олувчи берадиган товарни кузатувчи ҳужжатларни олади.

РАМКА ҚОНУНИ (рамкага оид қонун) — Францияда ва бир қатор Франциянинг собиқ мустамлакаси бўлган давлатларда у ёки бу соҳаларни тартибга солишда умумий тамойилларнигина ўрнатувчи, парламент томонидан қабул қилинадиган қонун ҳужжатларининг алоҳида шакли. Бевосита аниқ тартибга солиш маҳаллий ҳокимият томонидан амалга оширилади. Англо-саксон мамлакатларида бу хилдаги ҳужжатлар склетсинг қонунлар деб аталади.

РАПОРТ (фр. report) — қимматбаҳо қоғозлар сотуви бўйича биржа келишуви бўлиб, бу келишувга кўра белгиланган муддатдан сўнг қимматбаҳо қоғозларни анча оширилган нархда сотиб олиш мажбурияти. Бу термин махсус луғатларда келишув бўйича эмас, аксинча, бу келишувнинг шарти бўйича сотувчининг олган мажбуриятига кўра нархни оширишини билдиради, олувчи эса ўша оширилган баҳони қўшиб беради.

РАТИФИКАЦИЯ — тасдиқлаш, бирор бир мамлакатнинг олий давлат органи томонидан тасдиқланган халқаро шартнома.

РАҚАМЛИ ПУЛЛАР — электрон шаклда тақдим этилган ва муомалага киритилган тўлов воситалари. Уларнинг айланиши тўловларда қатнашаётган томонларнинг анонимлигини сақлайди. Анонимликни сақлашнинг кафолати Р.п. тайёрлашда ишлатиладиган ва уларнинг айланишини тартибга соладиган криптографик протоколларнинг мустаҳкамлигидир. Худди нақд пуллар каби Р.п. ҳам электрон ҳужжат сифатида номинал қиймат, эмитент кўрсаткичи, индивидуал белгиларга (серия, рақам ва ҳ.к.), шунингдек, эмитентнинг рақамли имзоси билан тасдиқланадиган ҳимоя элементларига эга.

РЕАБИЛИТАЦИЯ (лот. Rehablitatio — оқлаш, яъни ҳуқуқларни тиклаш демакдир) — ноҳақ қораланган, айбланувчи сифатида жавобгарликка тортилган ёки айбдор деб ҳисобланган, ноҳақ ҳукм қилинган шахсга нисбатан маъмурий таъсир чораси кўрилиши ҳисобланади. Ушбу шахсларнинг ишини қайта кўриб чиқиш жараёнида шахс томонидан содир этилган воқеада жиноят таркиби йўқлиги туфайли унинг оқланиши тушунилади.

Қонунга мувофиқ Р. қилинган шахснинг сиёсий ҳамда ижтимоий

ҳуқуқлари тикланиб, унга махсус ва ҳарбий унвонлари қайтариб берилади, давлат мукофотлари ва имтиёзлари тикланиб, қонунга мувофиқ, тегишли тартибда компенсация тўланади.

РЕАЛ САРМОЯЛАР — маблағларни моддий ишлаб чиқариш соҳасига узоқ муддатли қўйиш.

РЕАЛ ТАШҚИ ХАВФ — давлат ва жамиятнинг муҳим манфаатларига хатар яратувчи фавқулодда муқаррар шароитлар. Р.т.х.нинг қуйидаги шакллари белгиланган: ижтимоий, гуманитар, фан ва техника, технологик, ахборот ва экологик. Ташқи хавфлар қаторига сиёсий жиҳатдан яккалаштириш, миллатлар ва диний кескинлик пайдо қилиш, жамиятнинг негизига болта уришга қаратилган фаолият, халқаро терроризм ва наркотиклар тарқатиш, давлатнинг хорижий бозорга чиқишига, унинг халқаро молиявий-иқтисодий ва савдо-сотиқ ишларини тартибга солишига, янги технологияларга тўсқинлик қилиш, давлат чегараси ёнида ҳарбий куч гуруҳларини кучайтириш ва б. киради. Оммавий шикаст етказувчи аслаҳа тарқатиш ва оддий аслаҳани назоратсиз тарқатиш, экологик жиҳатдан хавф туғдирувчи технологияларни, зарар етказувчи моддалар ва материаллар, аҳоли саломатлигига зарар етказувчи озиқ-овқатлар ва фармацевтик препаратларни назоратсиз олиб кириш ҳам киради.

Ташқи хавфни бартараф қилиш йўллари унинг хусусиятига боғлиқ. Энг самаралиси минтақавий ҳамкорлик ўрнатиш ва оммавий хавфсизлик тартибини яратишдир. Бундай муаммолар йирик халқаро ташкилотларнинг (БМТ, ЕХҲК ва б.) кун тартибига ҳам қўйилади ҳамда учинчи давлатларга арбитр сифатида бевосита мурожаат қилинади.

РЕВОКАЦИЯ — 1) маълумотларни, топшириқларни бекор қилиш; 2) чек берувчининг сўзини, яъни берилган чекни бекор қилиш.

РЕГИОНАЛ АҲАМИЯТЛИ КУРОРТ — ЎзРнинг қонунларида белгиланганидек, ЎзРнинг давлат ҳокимият органи субъекти ихтиёрида белгиланган тартибда бўлган даволаш-профилактика мақсадларида алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудуди.

РЕГЛАМЕНТ — 1) йиғилиш, сессия ва вакиллик органлари съездларни ўтказиш тартиби; 2) депутатнинг ҳуқуқий ҳолатини ички ташкилий, палаталар ҳамда бир палатали фаолият шакллари асосида тартибга солувчи қоидалар йиғиндиси.

РЕГРЕСС ДАЪВО — қарздорнинг айби билан учинчи шахсга тўланган пулни (ёки бошқа моддий қимматликни) қайтариш тўғрисидаги қарши талабнома. Масалан, етказилган зарар учун жавобгар бўлган шахс Р. д. буйича жабрланувчига тўланган суғурта тўловларини суғурта ташкилоти қоплаши шарт. Қарздорга регресс даъво буйича кредиторга ўзи (қарздор) томонидан учинчи шахсга тўланган суммаларни тўлиқ ҳажмда қоплаш мажбурияти юкланади. Р. д. ўз ходимига моддий жавобгарликнинг умумий масалалари (бу ҳолатда корхона томонидан тўланган зарарни қоплаш ойлик маош, ойлик маошнинг учдан бир қисми миқдорида бўлиши мумкин) таъсир кўрсатганда истиснолар вужудга келади.

РЕЕСТР ЭГАСИ (регистратор) — *қимматбаҳо қоғозлар бозори*нинг *қимматбаҳо қоғозлар* эгалари реестрини юритиш билан шуғулланадиган профессионал иштирокчиси. Р. э.нинг ҳуқуқ ва бурчлари, ушбу фаолиятни амалга ошириш тартиби амалдаги қонун ҳамда регистратор ва эмитент ўртасида тузилган шартнома билан белгиланади.

РЕЗЕРВАЦИЯ (лот. peservatus — сақламоқ). — 1) захирага қолдирилган. 2) бирор бир масалага яна қайтиш учун ўз ҳуқуқини сақлаб қолиш. 3) туб жой аҳолисининг (масалан, Америкада индеецларнинг) мажбурий кўчирилган жойи.

РЕЗИДЕНТ — элчидан бир даража қуйи турувчи дипломатик вакил. Қарам давлатга ҳокимлик қиладиган вакил. Хорижий давлат фуқароси. Разведканинг махфий вакили. Резидентлар — қарам давлатда ҳокимлик қиладиган вакиллар.

РЕЗИДЕНЦИЯ — қароргоҳ. Давлат раҳбарлари, давлат маслаҳатчилари ва хорижий давлат элчиларининг иш жойлари.

РЕЗЛЮТИВ ВЕТО — амалга оширмаслик ҳуқуқи.

РЕЙХСКАНЦЛЕР (нем.) — 1871—1918 йилларда Германия империясининг император томонидан тайинланган ягона умумий министри ва бундесрат раиси. Ижроия ҳокимиятини бошқарган. Веймар республикасида (1919 й.) Президент томонидан тайинланган ҳукумат бошлиғи. 1933 йил президент кабинети пайдо бўлди. 1933—1945 йилларда фашизм тарғиботчиси Адольф Гитлер Р. бўлган.

РЕЙХСТАГ (нем.) — 1) «Муқаддас Рим империя»сида XII асрда Германия императори қошидаги император Сейми томонидан тайинланадиган орган; 2) Германия империяси — таъсис қилинган йили кейинчалик «Шимолий Германия» қуйи палатаси (1867—1878 йилларда); қонунчиликда қатнашувчи сайлов органи, бюджет ва ижроия ҳокимиятининг таъсис этилишида иштирок этувчи орган. Юқори вакиллик органи Бундестрат ҳисобланган. Бунда Германия депутатлари вакил қилинган; 3) Веймар республикасида (1919—1933 й.) парламентнинг қуйи палатаси; Рейхстаг ҳуқуқлари аҳоли томонидан тўғридан-тўғри сайланган ҳукумат ва президент ваколатлари билан чекланган, чунки улар рейхстагни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга бўлган. 1945 йилда Р. расман тугатилган.

РЕКВИЗИТЛАР (лот. reguisitym — талаб этиладиган, зарур бўлган) — далолатнома ёки ҳужжат ҳақиқийлигини исботлаш учун ёзилган маълумот.

РЕКВИЗИЦИЯ (лот. reguisitio — талабнома).

РЕКЕТ (инглл. racket — шовқин) — бу дўқ-пўписа қилиш, зўрлик ишлатиш ва қўрқитиш орқали амалга ошириладиган қилмиш.

РЕКЛАМА — маҳсулотлар сифати кўрсатиладиган турли хизмат, маълумот ҳақида маълумотлар тарқатиш, қизиқиш уйғотиш. Қонунга мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар товарлар, маҳсулотлар, ғояларни тарқатиш учун оммавий ахборот воситалари ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, одамларни ташвиқот ва тарғибот, реклама қилиш ҳуқуқига эга.

Р. қилиш вақтида қуйдагилар талаб қилинади: 1) Р. қилинадиган нарса техник воситасиз амалга оширилиши лозим; 2) Р. ўзбек ва рус ҳамда ўша ҳудудда яшовчи шахслар тилида, ҳеч кимнинг ҳуқуқига зиён етказмаган ҳолда амалга оширилиши керак. Р. қилиш ҳуқуқи ЎзРнинг 1988 йил 23 декабрдаги «Реклама тўғрисида»ги қонуни билан тартибга солинади.

РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ — реклама агентлиги ихтисослашган қайта ишлов, рекламани тайёрлаш ва алмаштириш воситаларидан фойдаланишни, яъни буюртмачининг ўз товарларини сотишини амалга оширувчи мустақил ташкилот.

РЕКЛАМАДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР — ЎзРнинг 1998 йил 25 де-

кабр куни қабул қилинган «Реклама тўғрисида»ги қонуни 4-моддасида баён этилганидек, рекламадан фойдаланувчилар — реклама йўналтирилган шахс ёки шахслар гуруҳи ҳисобланади.

РЕКЛАМАЦИЯ — эътироз, арз, шикоят. Харидорнинг сотувчига ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун юборган ёзма аризаси, фуқаронинг сотиб олган нарсаси далолатномада кўрсатилганидек тўлиқ эмаслиги, бузуқлиги тўғрисида шикояти.

РЕКЛАМАЧИ — олди-сотди маҳсулотлари ва бошқа ишлаб чиқарилган нарсалар ҳақидаги ахборотларни тарқатувчи юридик ёки жисмоний шахс.

РЕКРЕАЦИЯ МАҚСАДЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР — аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмни ташкил этиш учун мўлжалланган ва фойдаланишга ажратилган ерлар. Уларга соғломлаштиришга мўлжалланган ерлардан ташқари болалар ва спорт лагерлари, маркаланган трассалар, ўқув-туристик сўқмоқ йўллар, ўрмон парклари, болалар туристик станциялари, овчи ва балиқ тутувчилар уйи, стационар ва палаткали соғломлаштириш лагерлари, туристик базалар, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, кемпинглар, санаторийлар, пансионатлар, дам олиш уйлари ҳудудлари эгаллаган ер участкалари киради.

Маркаланган трассалар ва ўқув-туристик (саёҳлик) сўқмоқ йўллар ўтадиган ерлар, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарага олувчилар розилиги билан ажратилади ва олиб қўйилиши мумкин.

Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерга, шунингдек, шаҳар атрофидаги кўкаламзорлаштирилган зоналар, яъни аҳоли дам олиш жойи бўлган ҳимоя ва санитария-гигиена функциясини бажарувчи ўрмон, ўрмон, парклар билан қопланган шаҳар чегарасидан ташқарисидаги ерлар киради. Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларда улардан белгиланган мақсадда фойдаланишга ҳалақит берадиган фаолият тақиқланади (ЎзРнинг Ер кодекси, 74-м).

РЕНЖ (инг.) — асосан, денгизга оид термин бўлиб, юкларни у портдан бу портга ўтказишда янги порт оралиғидаги ўрта чизиқ ҳисобланади. Ҳар қандай кеманинг ана шу ўрта чизиқда туриши хавфсиз зона, ёки бетараф ҳудуд дейилади.

РЕНТА (нем. Rente, фр. rente, лот. rendere — фойда келтириш) — ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган шаклда расмий кредитга бериладиган фойда. Рента бировнинг мулкини ишлатганда ҳам олинади. Кўп мамлакатларда рента деб, давлат заёмларидан облигация бўйича олинадиган фоизларга айтилади.

РЕНТА ШАРТНОМАСИ — фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардан бири бўлиб, унга кўра бир томон (рента олувчи) бошқа томонга (рента тўловчига) мулкни топширади, рента тўловчи эса олинган мулк эвазига рента олувчига муайян пул маблағи шаклида рента тўлаш ёхуд уни таъминлаш учун бошқа шаклда маблағ бериш мажбуриятини олади. Р.ш. бўйича рентани муддатсиз тўлаш **(доимий рента)** ёки рента олувчи ҳаёти давомида **(бир умрли рента)** тўлаш мажбуриятини белгилашга йўл қўйилади. Бир умрли рента бир умр қарамоқда сақлаш шарти асосида белгиланиши мумкин. Р. ш. нотариус орқали тасдиқланиши лозим, кўчмас мулкнинг бировга берилишини назарда тутувчи шартнома эса давлат идорасида қайд этилиши ҳам керак. Рента тўлаш эвазига бировга бериладиган мулкни рента олувчи рента тўловчига ҳақ эвазига ёки бепул мулк

қилиб бериши мумкин. Рента уни тўлаш шарти билан берилган ер участкаси, корхона, бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкка ҳақли қилади. Рента тўловчи бундай мулкни бировга берган тақдирда унинг рента шартномаси буйича мажбуриятлари мулкни сотиб олувчига ўтади. Агар ЎзР ФКда, бошқа қонун ёки шартномада бошқача қоида (бирга-ликдаги жавобгарлик) белгиланмаган бўлса, рента юки тушган кўчмас мулкни бошқа шахсга мулк қилиб берган шахс рента олувчининг Р.ш. бузилиши туфайли юзага келган талаблари буйича у билан бирга субсидиар жавобгарликка эга бўлади. Агар бу қонунга зид бўлмаса ва уларнинг фаолиятига мос келса, доимий рентани олувчилар фуқаролар ҳамда нотижорат ташкилотларидан иборат бўлиши мумкин. Доимий рентани тўловчи рентани сотиб олиш йўли билан бундан буён Т.ни тўлашдан воз кечишга ҳақли бўлади. Бундай воз кечиш рента тўловчи рента тўлови тўхтатилишидан камида уч ой илгари ёки доимий рента шартномасида назарда тутилганидан анча узоқроқ муддат аввал ёзма шаклда ариза берган тақдирдагина ҳақиқий бўлади. Бунда рента тўлаш мажбурияти, агар шартномада сотиб олишнинг бошқача тартиби белгиланмаган бўлса, рента олувчи бутун суммани олмагунича тўхтатилмайди. Доимий рента шартномасидаги доимий рента тўловчининг ушбу рентани сотиб олиш ҳуқуқидан воз кечиши тўғрисидаги шарт арзимасдир. Доимий рентани олувчи қуйидаги ҳолларда тўловчининг рентани сотиб олишини талаб қилишга ҳақли бўлади: рента тўловчи уни тўлашни бир йилдан кўпроқ муддатга чўзиб юборган бўлса, агар доимий рента шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса; рента тўловчи ўзининг рента тўлаш мажбуриятини бузган бўлса; рента тўловчи тўловга қобилиятсиз деб эътироф этилган бўлса ёхуд унинг рентани шартномада белгиланган ҳажмда ва муддатда тўлай олмаслигидан аниқ далолат берувчи бошқа ҳолатлар аниқланганда; рента тўлаш учун берилган кўчмас мулк умумий мулкка айланган ёки бир неча шахслар ўртасида бўлиб олинган тақдирда; шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда.

РЕНТАЛИ ҚАРЗ — давлат қарзининг бир тури. Бунда давлат қарз тўлаш муддатини белгиламайди ва қарзнинг капитал суммасини шартлашилган муддатда қайтариш мажбуриятини ўзига олмайди, аммо облигация эгаларига доимий рента деб аталадиган қатъий даромадларни кафолатлайди.

РЕНТИНГ (инг. renting) — машина ва бошқа асбоб-ускуналарни қисқа муддатга арендага бериш ва таъмирлаш. Р.нинг мулкдан фарқи шундаки, арендага берувчининг аренда муддати тугаганидан кейин машинага ёки бошқа асбоб-ускунага эгалик қилиш ҳуқуқи бўлмайди.

РЕПАРАЦИЯ (лот. reparatio — тиклаш) — урушда енгилган томоннинг товон тўлаши. Р. пул ёки бошқа моддий ёрдам сифатида берилиши мумкин.

РЕПАТРИАЦИЯ — турли ҳоллар оқибатида бошқа давлатга бориб қолган шахсларнинг, фуқароларнинг ўз давлатига қайтарилиши. Р. халқаро келишувлар усулида амалга оширилади. Р. фуқароликнинг ўзгариши (ўзлаштирилиши) билан боғлиқ.

РЕПЛИКА (лот. repliko — эътироз) — қисқа эътироз, жавоб, луқма.

РЕПРЕССИЯ (лот. repressio — эзиш) — давлат органлари томонидан қўлланиладиган қийноққа солиш тадбири, жазолаш, қатағон, зулм.

РЕСПУБЛИКА (лот. respublika res — иш, publicus — жамоатчилик) — давлат бошқариш усулидан бири бўлиб, бунда давлат органлари сайланади (масалан, парламент). Р. да фуқаролар сиёсий ва шахсий ҳуқуққа эга бўладилар. Ҳозирги вақтда дунёдаги барча давлатлардан 140 таси республика шаклида бошқарилади. Республикалар президентлик республикаси, парламентар республика ва аралаш республикалар бўлиши мумкин.

РЕСПУБЛИКА КОМИССАРИ — Францияда регионларда ва департаментларда маҳаллий ҳокимиятлар фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи Республика ҳукумати вакили. Мазкур шахс маҳаллий ҳокимият органлари қарорлари устидан маҳаллий маъмурий трибуналларга ёки маҳаллий ҳисоб палатасига шикоят аризасини бериши мумкин.

РЕТРАГЕНТ — буюмларни сотиб олиш билан шуғулланадиган агент.

РЕФЕРЕНДУМ (лот.referendum — нима керак бўлса, қилиш маъносида) бевосита демократиянинг муҳим институти бўлиб, давлат ва жамият аҳамиятига боғлиқ масалаларни овоз бериш йўли билан амалга оширишни ўзида акс эттиради. Р. сайловлардан фарқ қилади, яъни у мансабдор шахсларни белгиланган мансабга сайлашни эмас, балки давлат ва жамият аҳамиятига молик бўлган ишларни — қонун, қонун лойиҳаси, Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш муаммоларини ҳамда ички сиёсий муаммоларни ҳал қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

РЕЦЕПСИЯ — ҳуқуқ назариясида ҳамкорлик қилиш ёки биргаликда ишлаб чиқиш. Ҳуқуқ тарихида рецепсия термини ҳамкорликда деган сўз ўрнида ишлатилган бўлиб, давлатнинг ички ҳуқуқ тизими принциплари, институтлари ва ички ҳуқуқий тизимининг асосий элементларини ташкил этади. Айнан Рим ҳуқуқида рецепсия ҳуқуқи ҳақида фикр юритилган, халқаро ҳуқуқда деярли доимий ишлатилади ва кўпинча давлатнинг халқаро ҳуқуқда кўрсатилган вазифаларини бажаришда намоён бўлади.

РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ — ЎзР ЖК Умумий қисмининг 34-м.да батафсил баён этилган. Шахснинг муқаддам қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади.

Илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ЖК-да алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмнинг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан янги жиноят содир этиш, яъни: а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши; б) илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлари учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Суднинг ҳукми билан шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкин. Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётганда унинг бошқа давлатлар судлари ҳукмлари бўйича судланганлиги ҳам ҳисобга олиниши мумкин.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда судланганлик муҳлатлари ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инобатга олинмайди. ЖК Махсус қисмининг ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи моддалари шахс ушбу жиноятни содир этгунга қадар қонунда белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист деб топилган бўлсагина қўлланилади.

РЕЦИДИВИСТ — жиноят ҳуқуқида суд ҳукми билан ҳукм қилингандан кейин, жазони ўтаб бўлганидан сўнг ва судланганлик муддати суд ҳукми билан олиб ташланмай туриб, қайтадан жиноятга қўл урган шахс.

РЕЦИПИССА — олинган маҳсулотларнинг тахминий рўйхати.

РИМ ПАПАСИ (лот. papa, юн. Pappes — отахон) — Католик черкови ва Ватикан давлати бошлиғи. Кардиналлар йиғилишида умрбод сайланади.

РУҲИЙ ҲАЯЖОН (аффект) — шахснинг ўз ҳаракатлари аҳамиятини тушуниш ёки уларни бошқариш қобилиятини пасайтирадиган ҳолати. Жиноят ҳуқуқида жабрланувчининг ноқонуний ҳаракатларига сабаб бўлган қаттиқ Р.ҳ. жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

РУҲИЙ ХАСТАЛИК — нормал фаолият бузилишида ифодаланадиган ва шахснинг атрофдаги воқеаларни тўғри тушуниш ва ўз ҳаракатларини назорат қилиш қобилиятига жиддий таъсир кўрсатадиган хасталик. Р.х. идрок этиш, фикрлаш, хотира, ҳис-туйғулар, диққат, ирода, майллар ва хатти-ҳаракат бузилишида намоён бўлади. Р.х.га шизофрения, тутқаноқ, паранойя, олигофрения ва бошқа руҳий касалликлар киради. ЎзР қонунларида Р.х. билан хасталанган шахсларнинг муомала лаёқатига муайян чеклашлар белгиланган. ЎзР ФКга биноан, бундай шахслар муомала лаёқатига эга эмас деб тан олиниши ва уларга *васий* белгиланиши мумкин. Фуқаро қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда у ЎзР Конституциясига кўра сайловда иштирок эта олмайди. Ақалли биттаси муомала лаёқатига эга эмас деб эътироф этилган шахслар ўртасида никоҳ тузилишига йўл қўйилмайди, никоҳ тузилган тақдирда эса у ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Жиноят қонунларига биноан, жамият учун хавфли қилмишни содир этган шахснинг Р.х. уни шуурсиз деб тан олиш учун асослардан бири бўлади.

«РЎЙХАТЛАРНИНГ БИРЛАШТИРИЛИШИ» — сайловларда партиялар блокларга киришининг алоҳида шакли. Сайлов тизимининг бир блокка кирадиган партиялари ўз номзодлари рўйхатларини бирлаштириш ҳақида хабар берадиган ва ана шу партияларнинг рўйхатлари учун берилган овозлар уларнинг умумий рўйхати учун берилган овоз деб эътироф этилишини талаб қилувчи қоида. Бунда амалда бир блокка кирадиган партиялар номзодларининг умумий рўйхати тузилмайди. «Бирлаштирилган рўйхатлар» бўйича олинган овозлар кейинчалик улар ўртасида ички пропорция қоидасига кўра, яъни ана шу рўйхатларнинг ҳар бири олган овозлар сонига мувофиқ тақсимланади. «Р. б.» қоидасининг маъноси шундаки, у бир блокка кирган партиялар имкониятларини сунъий оширишга хизмат қилади.

«С»

САБАБИЙ БОҒЛАНИШ (ҳуқуқда) — вужудга келган оқибат билан сабабнинг узвий боғлиқлиги. Ҳар бир жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарликларга хос хусусият. Чунки сабаб ва оқибат бир-бири билан ёнма-ён бўлади.

САБОТАЖ (фр.) — маълум мажбуриятларни олган ҳолда бажармаслик ёки тўлиқ бажармаслик.

САВДО — товар ишлаб чиқарувчи ва уни истеъмол қилувчи ўртасида юзага келадиган иқтисодий воситачилик бўлиб, истеъмолчиларга қайта сотиш мақсадида ишлаб чиқарувчилардан товарларни харид қилиш йўли билан ёхуд товарларни истеъмолчиларга сотиш ва кейинчалик уларнинг пулини ишлаб чиқарувчига тўлаш йўли билан амалга оширилади. Ҳозирги вақтда моҳияти жиҳатидан савдо хусусиятига эга бўлган фаолият турли хил фуқаролик-ҳуқуқий шаклларда, м-н, олди-сотди, комиссиялаш, топшириш каби шартномалар асосида амалга ошириляпти.

САВДО АГЕНТИ — маҳсулот ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчилар ўртасида турадиган воситачи. С.а. товарларнинг эгаси эмас, кўпинча у ишлаб чиқарувчининг муайян минтақадаги доимий вакили бўлиб, қуйидагиларни амалга оширади: ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг бир қисмини ёки ҳаммасини сотади (маҳсулот нархи ва етказиб бериш шартларини ишлаб чиқарувчи белгилайди); ишлаб чиқарувчи маҳсулотнинг ёки у кўрсатадиган хизматнинг имкониятли харидорларини излайди, музокаралар олиб боради; товарларга бўлган мулкчилик ҳуқуқининг бировга ўтказилишини расмийлаштиришга ёрдам беради.

САВДО АКЦЕПТИ — 1) тижорат фирмалари томонидан акцепт қилинадиган тўлов талабномалари; 2) экспортёр ёки импортёрга тақдим этилган *ўтказма вексель*.

САВДО ВАКОЛАТХОНАСИ — баъзи мамлакатларда давлатнинг хорижда ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ўз ҳуқуқларини амалга оширувчи органи.

САВДО КООПЕРАТИВЛАРИ — қишлоқ хўжалиги савдо матлубот жамияти турларидан бири.

САВДО МАРКАСИ — кўпгина хорижий мамлакатлар қонун ҳужжатларига биноан, бир сотувчи ёки сотувчилар гуруҳи товар ва хизматларини рақобатчилари товар ва хизматларидан фарқлаш учун мўлжалланган ном, термин, белги, рамз, сурат ёки уларнинг йиғиндиси. Ишлаб чиқариш маркасидан фарқли равишда (қ.: *Ишлаб чиқариш маркаси*) савдо маркаси нафақат ишлаб чиқарувчини белгилаш учун мўлжалланган маҳсулотлари ҳақидаги маълумотлар йиғиндиси, балки ишлаб чиқариш, ўтказиш, сотиш жиҳатини ҳам ифодалайди.

САВДО ПАЛАТАСИ — айнан *Савдо-саноат палатаси*. Ушбу ном кўпроқ аралаш ва хорижий савдо-саноат палаталарига хос.

САВДО СУДЛАРИ — қатор давлатлар (масалан, Франция, Бельгия, Австрия)да тижорат низоларини муҳокама қилувчи судлар.

САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ — савдо-саноат палаталари ҳамда Ўзбекистон корхоналари ва тадбиркорлари иттифоқ ва уюшмаларини бирлаштирувчи нодавлат, ножамоат ташкилоти. Ўзбекистонда ЎзРнинг «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»ги

1997 йил 24 апрель қонунига мувофиқ С.-с.п.га ўхшаш Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ишлаб турибди.

САВОДЛИЛИК ЦЕНЗИ — таълим цензи кўринишларидан бири, сайлов қонуни талаби бўлиб, унга кўра сайловчи ёки давлат лавозимига сайланиш учун номзод расмий тилда (ёки расмий тиллардан бирида) ўқий ва ёза олиши керак. Ҳозирги вақтда фаол сайлов ҳуқуқини С.ц. билан чеклаш анча кам (Таиланд, Қувайт, Тонгода) учрайди. Аксинча, пассив сайлов ҳуқуқини олиш учун С.ц. кенг тарқалган, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда (Малайзия, Кения, Миср, Эквадор ва б.).

САДИЗМ — француз ёзувчиси Маркиз де Сад (1740—1818) номи билан боғлиқ бўлиб, шеригига азоб бериш орқали жинсий қониқиш, жинсий бузуқлик.

САЙЛАНАДИГАН ҲОКИМИЯТ — Лотин Америкаси қатор мамлакатлари расмий конституциявий доктринасига мувофиқ (Колумбия, Никарагуа ва бошқалар) давлатда (қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимияти билан бир қаторда) мустақил ва қарам бўлмаган оммавий ҳокимиятлардан бири. Сайлов корпусини ташкил этувчи ва сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар томонидан амалга оширилади. Бу ҳокимият сайлов трибуналлари ташкил этишда ўзининг ташкилий ифодасини топади (электорал юстицияси), у сайловлар тўғрисидаги тортишувларни кўриб ҳал қилади.

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ — белгиланган шаклда тасдиқланган, яширин овоз бериш учун мўлжалланган сайлов ҳужжати. Сайлов бюллетенлари расмий (давлат томонидан чиқарилган) ва норасмийлиги билан фарқланади (Францияда сайлов бюллетени ўз номзодини қўядиган партиялар, номзодлар томонидан чиқарилади; Норвегияда сайловчи оддий оқ қоғоздан фойдаланиши мумкин).

САЙЛОВ ГАРОВИ — депутатликка номзодларни рўйхатга олишда қатор хорижий мамлакатлар қонуни бўйича номзод давлатга пул суммаси топшириши лозим ва у округ бўйича белгиланган сондан кам овоз тўпласа, унга бу пуллар қайтарилмайди.

САЙЛОВ ЖАРАЁНИ — сайлов тизимининг асосий элементларидан бири. У: 1) сайловлар тайинлашни (қоида тариқасида бу алоҳида ҳуқуқ давлат бошлиғи ёки қонунчилик органига тегишли); 2) қонун билан белгиланган тартибда сайловчиларни рўйхатга олишни; 3) туманлар ва бошқа жойларда сайлов округлари ташкил этишни, (вакиллик тамойилига мувофиқ ҳудудийлик, миллийлик, ишлаб чиқариш ва бошқа хусусиятларни шакллантиради (овоз бериш учун сайлов участкалари ва пунктлари ҳам ташкил этилади); 4) номзод кўрсатишни (сиёсий партиялар томонидан, сайлов блоклари томонидан, ташаббускор гуруҳлар томонидан); 5) овоз бериш ўтказишни (бир ёки икки турда); 6) овоз бериш натижаларини аниқлашни (берилган овозларни ҳисоблашни) ва маҳаллий ҳамда марказий сайлов органлари томонидан амалга оширилувчи депутатлар мандати бўлишини ўз ичига олади.

«САЙЛОВ ЖУҒРОФИЯСИ» — сайлов округлари чегараларини белгилашнинг тенг ҳуқуқли вакиллик принципини қўпол равишда бузадиган амалиёти.

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ — бўлажак сайловларда ўзига кўпроқ сайловчиларни жалб этиш, уларнинг кўллаб-қувватлашини таъминлаш

мақсадида сиёсий партиялар ва мустақил номзодлар томонидан олиб бориладиган тарғибот тадбирлари тизими. С.к.да жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари, турли қўллаб-қувватлаш гуруҳлари ва бошқалар қатнашади. С.к. даврида тарғиботнинг асосий шакллари (усуллари): сайлов олди йиғилишлари ва митинглар ўтказиш, рўзномаларда памфлетлар ва мақолалар чиқариш; сайлов олди афишалари, плакатлар ёпиштириш, радио ва телевидение орқали чиқишлар шаклида амалга оширилади. Ҳозирги замон сайлов қонунлари одатда С.к. олиб боришни муфассал тартибга солади. Биринчидан, сайлов кампанияси олиб бориш муддати (айрим ҳолларда эса ҳудуди) аниқ белгиланади. С.к., одатда, сайловни тайинлаш тўғрисида эълон қилинган кундан ёхуд номзодни (партия рўйхатини) рўйхатга олишдан бошланади ва овоз бериш бошланишига 1—2 кун қолганда тўхтатилади. Иккинчидан, давлат томонидан оммавий ахборот воситаларини сайлов олди таргиботи учун партияларга ва номзодларга бериш тартиби ишлаб чиқилади. Учинчидан, С.к.ни маблағ билан таъминлаш тартиби ва шартлари белгиланади. Масалан, қатор мамлакатлар (АҚШ, Япония, Буюк Британия) қонуни С.к.ни ўтказишга йўл қўйилиши мумкин бўлган харажатлар энг кўп миқдорини белгилайди. Қонун кўпчилик мамлакатларда партиялар ва номзодлар фойдасига хусусий шахслардан хайрия маблағлари тушишининг максимал миқдорини, С.к.ни давлат томонидан субсидиялаш имконияти миқдори ва шартини белгилайди. С.к.ни номаълум ва чет эл манбаларидан молиялаш қатъиян тақиқланади.

САЙЛОВ КВОТАСИ (сайловчилик метри, якка сайловчилик, ўрта сайловчилик) — битта депутатни сайлаш учун зарур бўлган энг кам овоз сони. Сайлов квотаси ҳар бир сайлов округи учун алоҳида ҳамда мамлакат учун бутунлай аниқланиши мумкин.

САЙЛОВ КОДЕКСИ — қатор давлатларда (Франция, Жазоир ва Францияга илгари мустамлака бўлган бошқа давлатларда) сайлов ҳуқуқининг барча асосий нормаларини тизимлаштирган ҳолда мужассамлаштирувчи махсус қонунчилик ҳужжати (қ.: *Сайлов ҳуқуқи*).

САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ — фуқаролар томонидан давлат органлари таркибида бевосита сайловларни ўтказиш учун ташкил этилган махсус коллегиал органлар. Сайлов комиссиялари ваколати ва ташкил этиш тартиби, тизими ЎзРнинг сайлов тўғрисидаги қонунлари билан белгиланади. ЎзР.да сайлов комиссиялари тизимига қуйидагилар киради: Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссияси ва участка сайлов комиссиялари.

САЙЛОВ КОРПУСИ — қонунга мувофиқ овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар (актив овоз бериш ҳуқуқи билан) йиғини, яъни юридик сайлов корпуси ёхуд аниқ овоз берувчи фуқаролар йиғиндиси (аниқ сайлов корпуси).

САЙЛОВ ОКРУГИ — давлат органларига аъзолар сайланадиган ҳудудий бирлик. Ҳар бир сайлов округидан қанча депутатлар сайланишига қараб, бир мандатли ва кўп мандатли сайлов округлари ташкил этилади. Сайлов округи, шунингдек, умумдавлат (пропорционал сайлов тизимида, давлат бошлиғини сайлашда) ва регионал (асосан можаритар ва гоҳида пропорционал сайлов тизимида) бўлиши мумкин.

САЙЛОВ ОРГАНЛАРИ — конституциявий ҳуқуқда сайловларни тайёрлаш ва ўтказишни амалий таъминловчи органлар. Сайлов органлари

турли давлатларда махсус сайлов комиссияси сифатида ёки мавжуд давлат органлари — муниципалитетлар, судлар, ички ишлар органлари сифатида бўлиши мумкин. Ўзбекистонда сайлов округлари тизимини Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари ташкил этади.

САЙЛОВ ТИЗИМИ — 1) давлат сайлов органларини (аввало, вакиллик органини) шакллантириш тартиби. С. т. — давлат сиёсий тизимининг муҳим элементи, у ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади, уларнинг йигиндиси сайлов ҳуқуқини ташкил этади. С. т. қуйидагиларни ўз ичига олади: а) сайловчи органларни шакллантиришда қатнашиш шарти ва тамойиллари (Қ.: *актив сайлов ҳуқуқи, пассив сайлов ҳуқуқи*); б) сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби; в) Ўзбекистон ва баъзи мамлакатларда сайланган шахсларни чақириб олиш. Қуйидагилар С. т.нинг конституциявий тамойили ҳисобланади: яширин овоз бериш асосида умумий, тўғри ва тенг сайлаш ҳуқуқи; сайлов олди ташвиқоти эркинлиги, сайлов кампаниясини ўтказишда номзодлар тенг ҳуқуқлилиги. 2) овоз бериш натижалари белгилангандан кейин сайлов органларида жойларни тақсимлаш тизими. Икки асосий сайлов тизими маълум: мажоритар ва пропорционал, шунингдек, аралаш сайлов тизими маълум.

САЙЛОВ УЧАСТКАСИ — овозлар бериш ва овозларни ҳисоблаб чиқиш учун ташкил этилувчи ҳудудий бирлик. Ўзбекистон Республикасида «Олий Мажлисга сайлов тўғрисида»ги қонунга ва «Олий Мажлис Кенгаши тўғрисида»ги низомга мувофиқ, сайлов кунигача 45 кундан кечикмасдан туманлар, шаҳарлар, шаҳардаги туманлар ҳокимияти бошлиғи қарори билан битта С. у. (20 дан 3000 нафаргача фуқаро ҳисобида) ташкил этилади. Тоғли ва бошқа аҳоли кам яшайдиган жойларда сайлов участкасини 20 нафардан сайловчилар ҳисобида ташкил этишга йўл қўйилади. С. у. сайловчилар учун мумкин қадар қулайлик яратиш мақсадида ва туманлар, шаҳарлар, шаҳардаги туманларда чегарани ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. С. у.нинг чегараси сайлов округи чегарасини кесиб ўтмаслиги лозим.

САЙЛОВ ЦЕНЗИ — сайлов ҳуқуқини амалга ошириш ёки олиш учун конституция ёки сайлов қонунлари билан белгиланадиган шарт. Турли мамлакатларнинг конституциявий амалиётида қуйидаги С. ц. маълум: ёши, фуқаролиги, маълумоти, ўтроқлиги, мулкдорлиги, жинси, ирқи, хизмат мавқеи, тили. Мулкдорлик, жинсий, ирқчилик сайлов цензи доимо камситиш характерида ва демократик сайлов тамойилларига зиддир. Қолган С. ц.лар камситишни назарда тутмайди, бироқ баъзан ундан шу мақсадда фойдаланилиши мумкин.

САЙЛОВ ҲАРАКАТИ — фуқароларнинг сиёсий характердаги вақтинчалик бирлашиши бўлиб, уларнинг асосий вазифаси вакиллик муассасига сайловларда ўз номзодларини ғалаба билан таъминлашдан иборат. Сайловларда партия блоклари ва бошқа жамоат бирлашмалари муайян платформада иштирок этиб, ўзига хос сайлов ҳаракатини вужудга келтиради.

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ — сайланадиган давлат идоралари шаклланишини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизими. С.ҳ.нинг манбаларига конституция, давлат олий ва маҳаллий вакиллик идораларига сайловлар тўғрисидаги қонунлар киради; фуқароларнинг сайланадиган идоралар ташкил этилишида иштирок этиш ҳуқуқлари, яъни уларнинг таркибини

САРМОЯ ЭКСПОРТИ — фойда олиш мақсадида пулдаги маблағни ёки товардаги муқобилини бошқа давлат ҳудудида жойлаштириш.

САРМОЯЛАРНИНГ МАРКАЗЛАШУВИ — тижорат ташкилотларининг бирлашуви натижасида сармояларнинг қўшилиш жараёни.

САРМОЯЛАШ КОМПАНИЯСИ — хусусий сармоядорларнинг уларга тегишли бўлган қимматли қоғозларини (мажбуриятларини) эмиссия қилиш йўли билан пул маблағларини тўпловчи ва уларни ўз мамлакатларидаги ва хориждаги корхоналарнинг акциялари ва облигацияларига жойлаштирувчи молия-кредит институтларининг бир тури. С.к. холдинг-компаниядан фарқ қилиб, корпорация фаолияти устидан назоратни амалга оширмайди.

С.к. пассивлар шаклланишига қараб иккита асосий гуруҳга бўлинади: 1) ёпиқ турдаги, бунда у тўпланган акционерлик капиталига эга, уларнинг акциялари бозорда қийматга эга бўлади ва компания тугатилгунига қадар баҳоси тўлаб қайтариб олинмайди; 2) ёпиқ турдаги — доимий ўзгарувчан капиталга эга, чунки уларнинг акциялари сармоя компанияси активлари бозор қийматига мувофиқ компаниянинг ўзи томонидан эркин сотилади ва сотиб олинади.

САРМОЯЛАШ ФАОЛИЯТИ — сармояларни қўйиш ёки сармоялаш ва сармояларни амалга ошириш бўйича амалий ҳаракатлар йиғиндиси. Асосий фондларни яратиш ва тиклашда сармоялаш капитал қўйилмалар шаклида амалга оширилади. (ЎзРнинг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунига қаранг).

САТИСФАКЦИЯ (лот. satisfactio — қониқиш) — халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик шаклларидан бири бўлиб, ҳуқуқбузар давлат жабрланган давлатга кўрган зарарни қоплашга сўз беради.

С. турлари таъзия билдириш, ошкора кечирим сўраш, айбдорларни жазолаш, зарар кўрган давлатга катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ва ҳоказо. Буларнинг қўлланиши муайян сиёсий вазиятларга боғлиқ бўлади.

САҚЛАШ — фуқаролик ҳуқуқида шартнома ёхуд қонун кучи асосида юзага келадиган мажбурият. С. шартномасига кўра, бир томон (сақловчи) унга берилган мулкни сақлаш ва бошқа томонга бутунлигича қайтариш мажбуриятини олади. Шартнома томонлари фуқаролар ҳам, ташкилотлар ҳам бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда С. шартномаси ҳақиқий, яъни буюм сақловчига берилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади. Ташкилотлар ўртасидаги муносабатларда С. шартномаси С. учун бошқа томонга бериладиган мулкни қабул қилиш мажбуриятини ифодалаши мумкин. Қонунга кўра, масъулиятли С. бўйича мажбурият бўлади. Масъулиятли С. харидор ташкилотнинг тўлов талабномаси акцептидан ёхуд андозаларга, техник шартларга, намуналарга мос келмаслиги натижасида маҳсулотни қабул қилишдан воз кечиш туфайли юзага келади. Бундан ташқари, етказиб берувчи қуйидаги ҳолларда масъулиятли сақлаш учун харидорга маҳсулотни бериши мумкин: мунтазам равишда асоссиз тўлов талаблари акцептларини рад қилиш; тўловларни мунтазам ушлаб қолиш ва уларни ўз вақтида тўлов қоғозлари ва чеклар билан таъминлашдан бўйин товлаш; банк амалга ошираётган молиявий назоратни баҳона қилиб, машиналар ва ускуналарга ҳақ тўлашни кечиктириш.

САҚЛАШ ШАРТНОМАСИ — фуқаролик-ҳуқуқий шартнома турларидан бири бўлиб, унга кўра, бир томон (сақловчи) иккинчи то-

мон (юкни омонатга берувчи)нинг унга берган буюмини сақлаш ва бутун ҳолда қайтариш мажбуриятини олади. ЎзР ФКга биноан, сақловчи сақлашни ўз профессионал фаолияти мақсади сифатида амалга оширувчи тижорат ёки нотижорат ташкилот **(профессионал сақловчи)** бўлган сақлаш шартномаларида сақловчининг омонатга берувчидан буюмни шартномада белгиланган муддат давомида сақлашга қабул қилиш назарда тутилиши мумкин. Сақловчи буюмни С.ш.да белгиланган муддат давомида сақлаши шарт. Шартномада сақлаш муддати назарда тутилмаган ва унинг шартидан келиб чиқиб белгиланиши мумкин бўлмаган ҳолларда сақловчи буюмни омонатга берувчи талаб қилмагунча сақлаши шарт.

С.ш.да тўғридан-тўғри белгиланган ҳолларда омонатга берувчининг сақлаш учун қабул қилинган буюмлари бошқа омонатга берувчиларнинг шу турдаги ва сифатга эга бўлган буюмлари билан аралашиши (шахси номаълум ҳолда сақланиши) мумкин. Омонат берувчига тенг миқдордаги ёки томонлар келишган миқдордаги ўша тур ва сифатдаги буюмлар қайтарилади. ЎзР ФК да С.ш.нинг алоҳида тури сифатида *омборда сақлаш шартномаси* фарқланади. Сақлашнинг махсус турларига ломбардда сақлаш, бойликларни банкда сақлаш, банкдаги алоҳида сейфда сақлаш, ташкилотларнинг гардеробларида сақлаш, транспорт ташкилотларининг сақлаш камераларида сақлаш, меҳмонхоналарда сақлаш, мунозара мавзуи (предмети) бўлган буюмларни сақлаш (секвестр) киради.

«САҲИҲИ БУХОРИЙ» (асл номи «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» — «Ишончли тўплам») — ҳадис тўпламларидан бири. Бухоролик муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий томонидан тузилган. Исломдаги энг мукаммал манбалардан ҳисобланади. Тўпламга Муҳаммад С.А.В. ва унинг саҳобалари ҳақидаги ҳадислардан ташқари ислом ҳуқуқшунослиги (фиқҳ), маросимчилиги ҳамда ўша давр тарихи ва этнографиясига оид ҳадислар ҳам киритилган. Маълумотларга кўра, ал-Бухорий 600 мингга яқин ҳадисларни тўплаб, улардан фақат 7250 тасини ишончли деб топиб китобига киритган. «Саҳиҳи Бухорий» ислом дунёсида катта обрў қозонган ва мусулмон мамлакатларида кўплаб нашр этилган.

САҲОБАЛАР (араб. — ҳамроҳ, дўст) — Муҳаммад С.А.В.нинг яқин ёрдамчилари, сафдошлари. Илк ислом даврида Мадинадаги мусулмонлар жамоасида муҳожирлар ва ансорлардан бир гуруҳи Муҳаммад С.А.В.- га яқин турган, унинг маслаҳатчилари сифатида хизмат қилган. Улар саҳоба (баъзан асҳоб) деб ном олган ва ислом тарихида обрўли шахслар сифатида танилган.

САМАРАДОРЛИК ПРИНЦИПИ (ҳукуматни тан олиш чоғида) — янги ҳукуматнинг ўз давлати ҳудудида ҳокимиятни амалга ошириши самарадорлигига оид қоида. Ушбу қоида ҳукуматнинг ташқи кучлардан мустақиллигини, аҳоли томонидан қўллаб-қувватланишини ҳам тақозо этади. С.п. ҳукуматни тан олиш ҳақидаги масалани ҳал этиш чоғида қўлланиладиган қоидалардан биридир. Давлатни тан олиш вақтида қўлланилмайди.

СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҚЛАРИГА БЕРИЛАДИГАН ПРИОРИТЕТ — тегишли давлат идорасига патент олиш учун берилган кашфиётга белгиланган кун. Агарда бир неча кашфиёт бир кунда кўриб чиқиш учун келган бўлса, улар ичидан энг дастлаб келганлари ўша куни рўйхатдан ўтади.

СЕРЖАНТ — қуролли кучлардаги ва ички ишлардаги унвон.

СЕРТИФИКАТ — 1) маълум фактларни тасдиқловчи ёзма гувоҳнома; 2) давлат органларининг заёмли ёзма молиявий мажбурияти; кичик ҳажмларда чиқарилиб, омонат кассалари орқали тарқатилади.

СИЁСИЙ БОШПАНА — халқаро ҳуқуқий нормалар ва маълум бир давлатлар томонидан тегишли ҳуқуқий нормалар асосида ўз давлатида бошқа бир давлат фуқаросига яшаш ва жойлашиш ҳуқуқини бериш.

СИЁСИЙ БОШПАНА ОЛИШ ҲУҚУҚИ — шахсларга нисбатан белгиланган ўзига хос ҳуқуқ. Бу ҳуқуқ демократик давлатлар томонидан эътироф этилади ва конституциявий тарзда қайд қилинади. Сиёсий бошпана олиш ҳуқуқидан чет давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фойдаланадилар. Сиёсий бошпана олиш фуқароликни олишни билдирмайди. Бошпана узоқ муддатга ва белгиланмаган вақтга берилади. ЎзРда сиёсий бошпана бериш масаласини ЎзР Конституцияси 93-моддасининг 19-бандига асосан, ЎзР Президенти ҳал этади.

СИЁСИЙ ЛАЁҚАТСИЗЛИК — маълум бир давлат фуқароси мустақил тарзда ўз сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириши Конституция ёки тегишли қонунлар билан кафолатланганлиги. Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар фақат алоҳида (руҳий касаллиги туфайли) чекланиши мумкин.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР — жамиятнинг муайян ижтимоий табақалари фаол намояндаларини бирлаштирувчи, сиёсий ҳаётда бевосита иштирок қилиш орқали ўз манфаатларини ифодаловчи сиёсий ташкилот. С.п. замонавий жамият сиёсий тизимининг муҳим қисмидир. Улар давлатнинг сиёсий йўналишини белгилашда иштирок этади, ҳукуматнинг вакиллик ва ижро этувчи муассасаларини шакллантиради. С.п. белгиланган тарзда тасдиқланган дастури, низоми ва доимий аъзолиги билан замонавий демократик институтлар шаклланиши даврида (XVIII—XIX асрлар) пайдо бўлган. Лекин С.п.га ўхшаш институтлар Ғарб ва Шарқда қадимдан мавжуд бўлган. Афина гетерийлари, Рим оптимат ва популярлари антик даврда сиёсий партия вазифаларини бажаришган. Саноатлаштириш даврларига қадар сиёсий партияларнинг универсал шакли кланлар ва махфий ташкилотлар эди. Кланлар асосан қариндошлик алоқалари билан боғланган кишилардан иборат эди (Йорклар ва Ланкастерлар — ўрта асрлар Англиясида; алавийлар («Али партияси»), — ўрта асрларда Арабистонда); Осиё давлатларида ҳозирги кунда ҳам қариндошлик ва юртдошлик принципларининг С.п.нинг шаклланиши ва фаолият кўрсатишида аҳамияти катта. Агар партия мухолифат хусусиятига эга бўлса, демократик муассасалар ривожланмаган шароитда махфий ташкилот хусусиятларига эга бўлиб қолади (мас., Европада масонлар ташкилотлари, ислом дунёсида исмоилийлар ташкилотлари). Айрим вақтларда бу С.п. махфий ташкилот хусусиятларига ҳам эга бўлади.

ЎзР Конституциясининг бир қанча моддалари партиялар фаолияти учун конституциявий асос бўлиб хизмат қилади. С.п. ташкил этиш ҳуқуқи Конституциянинг 34-м.сида мустаҳкамланган. Конституциянинг С.п.га уюшиш, С.п. оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқларига эгалиги, озчиликни ташкил этувчи мухолифатни С.п.даги ҳуқуқлари тўғрисида сўз юритилган «Жамоат бирлашмалари» бобида (8-боб) сиёсий партиялар рўйхатдан ўтказилиши зарурлиги қайд этилади. Конституцияда, шунингдек, С.п.нинг Конституцияга қарши хатти-ҳаракатлари тақиқланади (57-

м.) С.п.га нисбатан давлатнинг ҳуқуқлари (58-м.), партияларга аъзо бўлиш ихтиёрийлиги (59-м.), демократик фаолият ва молиявий таъминланиш манбалари (60-м.), уларнинг фаолиятини тўхтатиш ёки чеклашда умумий судларнинг ваколатлари хусусида ҳам сўз юритилади. Конституцияда ЎзР Олий Мажлиси депутатлари кўппартиялилик асосида сайланишлари таъкидланади.

Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини амалга оширишда партия аъзоларининг сиёсий хоҳиш ва иродаларини ифодалайдилар, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда иштирок этадилар. Ўзбекистонда ҳозирги кунда расман рўйхатдан ўтган ва фаолият кўрсатаётган «Адолат», «Халқ демократик партияси», «Фидокорлар» миллий-демократик партияси ва «Миллий тикланиш» партиялари мавжуд.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ИНСТИТУЦИЯНАЛЛАШУВИ — сиёсий партияларнинг фуқароларнинг одатдаги уюшмаларидан тўлиқ конституциявий-ҳуқуқий институтга айланиши жараёни. Сиёсий партияларнинг институцияналлашуви иккита ўзаро боғлиқ жараёнларда: конституциялашувида, яъни сиёсий партиялар мақоминиг асосий принципларини конституцияга киритишда ва қонунчилик институцияналлашувида, яъни партиялар ҳуқуқий мақоми бундан кейин ҳам қонунан тартибга солинишига эришишда намоён бўлади.

СИЁСИЙ РЕЖИМ — давлат ва ҳуқуқ назариясига кўра, давлат бошқарувини ташкил этишнинг бир шакли. Аммо, ҳозирда илмий- назарий жиҳатидан С. р. тўғрисида умум эътироф этган фикр йўқ. Шу билан бирга, С. р. том маънода сиёсий ҳокимиятни ташкил этишнинг ўзига хос усули услуби ҳамда шакли сифатида тушунилади.

СИЁСИЙ ТИЗИМ — жамият ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шаклланишининг ўзига хос тузилиши. 1. Жамиятда мавжуд давлат, сиёсий партиялар, жамоат ва диний ташкилотлар шаклланишининг конституцион-ҳуқуқий асосдаги ташкилий тизими. 2. Тор маънода давлат ва унинг органлари, жамоатчилик ташкилотларининг қонун асосида ташкил этилган ўзаро муносабатлари орқали давлат ҳокимиятини амалга ошириши тушунилади.

СИЁСИЙ ҚАТАҒОНЛАР — давлат бошқарувида реакцион тозалаш ишларини амалга ошириш. Бу каби репрессиялар жараёнида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилиб, ғайриқонуний равишда озодликдан, ҳаётдан маҳрум этишларга йўл қўйилади. Собиқ Иттифоқда 1937, 1947 ва 1950 йиллардаги қатағонлари ҳам айнан шу реакцион йўналиш бўйича олиб борилган ва жуда кўп фуқароларнинг ҳаётини барбод қилишга олиб келган.

СИЁСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР — фуқароларга маълум бир давлат Конституцияси ва қонунлари асосида бериладиган ҳуқуқлар. Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар жамиятда мавжуд шахсий (фуқаро сифатида), ижтимоий, иқтисодий ва шу каби ҳуқуқий йўналишда ўзига хос ўрин эгаллаб, фуқароларга давлат ҳокимиятини амалга оширишда маълум кафолатлар яратишнинг шакли ҳисобланади. ЎзР Конституцияси 8-бобида фуқароларнинг барча сиёсий ҳуқуқлари баён этилган. Жумладан, фуқароларга жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи, қонунларга мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар ўтказиш, касаба уюшмалари, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмала-

рига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш, ариза, таклиф ва шикоятлар бериш орқали давлат органлари, муассасалар ёки халқ вакилларига мурожаат қилиш каби ҳуқуқлар сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар жумласига киради.

Фуқароларнинг давлат муассасаларига сайланиш ва сайлаш ҳуқуқлари, жамоат ва касаба уюшмаларини ва бирлашмаларини, сиёсий партия ва ҳаракатларни ташкил қилиш ҳуқуқлари кафолатланади. Мазкур ҳуқуқлар ЎзРнинг қуйидаги қонунлари асосида амалга оширилади: «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари», «ЎзР референдуми тўғрисида», «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида», «Касаба уюшмалари ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» каби бошқа бир қанча қонунлар ва қонун кучига эга бўлган ҳужжатлар. «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун фуқароларнинг суд орқали ёки маъмурий йўл билан давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмаларига тегишли қарорлар юзасидан шикоят қилиш имкониятини ҳамда шикоятлар ва таклифлар билан давлат муассасалари, ижро ҳокимияти вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқларини кафолатлайди.

Конституциявий тузум асосларини ва ЎзР ҳудудий яхлитлигини мажбуран ўзгартиришга қаратилган, ижтимоий, диний, ирқий ва миллий зиддиятларни кескинлаштириш, давлат хавфсизлигига зарар етказиш қонунда тақиқланади. Жамоат ташкилотлари томонидан ҳуқуқлари бузилган тақдирда, уларнинг низомида кўрсатилмаган фаолият амалга оширилса, суд қарорига биноан фаолияти тўхтатилади.

СИНОВ МУДДАТИ — ҳуқуқда муддат: а) ишга қабул қилишда белгиланади. Контракт тузишда томонлар келишуви билан ишчининг унга топширилган ишга мувофиқ келиш-келмаслигини синаш келишилган бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 85-моддасига кўра синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар дастлабки синов муддатига кирмайди; б) суд томонидан шартли ҳукм қилишда тайинланади, бунда шартли ҳукм қилинган ўзининг хулқи билан тузалаётганлигини исбот қилиши керак. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддасига мувофиқ, синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади.

СИНТЕТИК ҲИСОБ — бухгалтериянинг асосий ҳисоби, корхонадаги жами турдаги материаллар ҳолати ёки ҳаракати ҳақидаги умумлашган маълумотлар беради (масалан, асосий воситалар ҳисоби, номатериал активлар ҳисоби, материаллар ҳисоби ва ҳоказо).

СИФАТ — мўлжалланганлигига мувофиқ ашёлар, маҳсулотлар, товарларнинг аниқ бир эҳтиёжларни қондириши лозим бўлган хусусиятлари (техник-иқтисодий ва эстетик) йиғиндисидир; кўпгина фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг зарурий шартларидан бири. Маҳсулот сифати нафақат маҳсулотнинг истеъмол сифатини, балки технологик хусусиятларини, конструкторлик-бадиий хусусиятлари, ишончлилиги кабиларни ҳам қамраб олади. Бир давлат ичида тузиладиган шартномаларда товар сифати одатда қабул қилинган стандарт-

лар билан белгиланади. Бошқа ҳолатларда контрактга товар сифатини белгиловчи тавсифлар киритилади.

СИФАТ СЕРТИФИКАТИ — контракт асосида етказиб берилган товар сифатини тасдиқлаб, кўрсатиб турувчи фактлар бўлади. С. с. маълум давлат ташкилотлари томонидан, яъни савдо палатаси ёки махсус лабораториялар орқали берилади.

СКОНТО — товарга тўлов муддати келгунча ҳақ тўланса, ундан олиб ташланадиган товар нархи.

СМЕТА — бюджет ҳуқуқида муассасалар ва ташкилотларнинг сақлаб турилиши учун назарда тутилган маблағлар ҳажми. Мақсадли йўналиши ва йил чораклари га тақсимланишини белгилайдиган молиявий-режали ҳужжат муассасаларни маблағ билан таъминлаш ва бюджет маблағларини сарфлаш режаси ҳисобланади. С.нинг ҳуқуқий аҳамияти шундаки, у бюджет муассасаси раҳбарининг тегишли бюджетидан ажратиладиган маблағлардан аниқ мақсад йўлида фойдаланишига доир ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек, молия органларининг ана шу маблағларни бериш мажбуриятларини ҳамда бюджет ресурсларидан аниқ мақсадли фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш юзасидан ҳуқуқларини белгилайди.

Тегишли тартибда тасдиқланган смета асосида бюджетларнинг харажатларга доир қисми ижро этилиши бўйича ҳуқуқий муносабатлар қатнашчилари — бир томондан, бюджет муассасалари раҳбарларида ва, иккинчи томондан, давлат манфаатлари вакили бўлган молия органларида ҳуқуқлар ва мажбуриятлар вужудга келади. С. қамраб оладиган муассасалар ва тадбирлари доирасига кўра: якка тартибдаги С., марказлаштирилган тартибдаги С. ва йиғма С.га бўлинади.

Марказлаштирилган тартибдаги тадбирлар учун С. — вазирликлар, идоралар, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари бошқармалари ва бўлимлари томонидан марказлаштирилган тартибдаги тадбирларнинг ўтказилиши билан боғлиқ харажатлар, масалан, ўқитувчиларнинг август конференциялари ва ўқишлари ўтказилиши ҳамда шу кабилар билан боғлиқ харажатлар учун тузиладиган смета.

СМЕТАЛИ БЮДЖЕТДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ — молия ҳуқуқида пул маблағларини маблағ билан таъминлашнинг умумий принциплари асосида қайтариб бермаслик шарти билан текинга берилиши. Бироқ унга бир қатор шундай махсус принциплар ҳам киради: маблағларнинг муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини таъминлаш учун улар бўйсунадиган идора бюджетидан берилиши; ҳар бир бюджет йили учун иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурлари ва режаларига мувофиқ уларнинг бажарилишига қараб маблағлар ажратилиши; техник нормаларни қўллаган ҳолда ёки устун йўналишларни (фан ва илмий тадқиқотлар) танлаган ҳолда ва тежаш тартибига риоя қилган ҳолда контрактли бажаришни ҳисобга олиб илмий асосланган иқтисодий нормативлар асосида режалаштириш ва маблағ билан таъминлаш. С.б.м.да ижтимоий соҳа муассасалари туради: таълим муассасалари, саломатликни сақлаш ва жисмоний тарбия муассасалари, маданият муассасалари. Турли даражадаги бюджетлардан маблағ билан таъминланадиган ижтимоий-маданий тадбирлар ва муассасалар ичида халқ таълими ва кадрлар тайёрлаш етакчи ўрин эгаллайди (олий ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари, малака ошириш институтлари ва ҳоказолар).

ЎзРнинг 1997 йил 30 августда (Таълим тўғрисида)ги қонунига биноан, давлат турлари лозим ёки жиддий бўлган шартларга тегишли махсус кўрсатмаларнинг қонунлар ёки бошқа ҳуқуқий актларда белгиланиши; тарафларнинг бири томонидан берилган шартларга тегишли ариза бўйича шартнома тузилиши (ЎзР ФКнинг 364-м.си). ЎзР ФКга мувофиқ агар тарафлар ўртасида — талаб қилинган шаклда тегишли ҳолатларда — шартноманинг барча шартлари бўйича келишувга эришилган бўлса, шартнома расман тузилган ҳисобланади.

Жиддий шартлар қаторига шартнома тузилиши пайтида тарафларнинг юзага келадиган норозилигига сабаб бўладиган барча шартнома шартлари ҳам киравермайди.

Жиддий шарт-шароитларга шартноманинг барча шартлари ҳам тегишли бўлмайди, чунки шартнома тузилаётган пайтда тарафлар келишмовчиликлари пайдо бўлади, шунинг учун ушбу шарт-шароитларга кўра томонлардан бири шартномани тузишдан бош тортса, уни келишувга даъват қилиши лозим (бундай шароит жиддий шарт ҳисобланади). Амалиётда томонлар шартномага имзо чекаётган пайтда барча келишмовчиликларнинг олди олинмайди, масалан, мажбуриятларни ўз вақтида бажармасдан шартномавий неустойка миқдори тўғрисида низо келиб чиққан пайтда томонлардан бири шартномани кучга киритмаслиги мумкин, чунки неустойка миқдори тўғрисида келишиб олинмаган бўлади. Бундай вазиятда агар шартнома тузилаётган вақтда томонлардан бири шартноманинг низоми шартлари бўйича қайд этилган бўлса (неустойка миқдорини ҳисобга олмай туриб), шартнома имзоланган ҳисобланади.

СОБИЙ (араб.) — юлдузга сиғинувчи. Аҳли китоб ва аҳли зимма тоифасидаги мўминлар билан мушриклар эътиқодининг оралиғида турувчи ва шунинг учун мусулмонлар ҳимоясида бўлган одам.

СОВУҚ ҚУРОЛ — инсон мушаклари ёрдамида зарба берилаётган объектга бевосита таъсир этиш ва уни йўқотиш учун мўлжалланган қурол.

СОЛИДАР ЖАВОБГАРЛИК — ЎзРнинг фуқаролик ҳуқуқига кўра бир неча қарздор мажбуриятига оид фуқаролик жавобгарлигининг бир тури. Масалан, мажбурият предмети бўлинмайдиган бўлганда, биргаликда зарар етказилганда вужудга келади. Шунингдек, шартномада бошқача қоида белгиланмаган ҳолларда назарда тутилади (масалан, кафиллик шартномаси бўйича қарздор ва кафил кредитор олдида агар бошқача қоида айтиб ўтилмаган бўлса, солидар қарздор сифатида жавоб беради). С. ж. ҳолатида кредитор қарздорларнинг ҳаммасидан биргаликда ижро этишни ва ҳар қайси шахсдан алоҳида тарзда ва қарзни тўлиқ ёки қисман ижро қилишни талаб этишга ҳақлидир. Агар қарздорлардан бири кредитор талабини тўлиқ бажарган бўлса, бошқалари унинг олдида тенг жавобгар бўлади.

СОЛИСИТОР — Буюк Британияда адвокатлик касбларидан бирининг вакили; графликлар судларида ишларни юритадиган ва барристерлар учун материалларни тайёрлайдиган адвокат. Шунингдек, юрист-маслаҳатчи функцияларини бажаради.

СОЛИҚ — юридик шахслар ва фуқаролардан олинадиган мажбурий тўлов. Корхоналар, уюшмалар ва фуқаролардан С. олиш барча даражадаги бюджетларнинг ташкил этилишидаги асосий манбадир. Олиниши усулига кўра солиқлар тўғридан-тўғри ва бевосита С.ларга бўлинади.

Тўғридан-тўғри олинадиган солиқлар бевосита даромаддан ва мулк-

дан олинади. Улар ўз навбатида реал ва шахсий С.ларга бўлинади. Шахсий С.лар юридик шахслар ва фуқаролар даромадидан, мулкидан олинади (даромад солиғи, пул сармояларидан келган даромадларга солиқ, сармоя кўпайишига солиқ, корхоналар (фирмалар) даромадига солиқ, мерос ва ҳадялардан олинадиган С., мулкка кўра ва жон бошига олинадиган С.). Реал С. лар солиқ тўловчи мулкининг алоҳида турларидан олинади (ер солиги, уй солиғи, касб солиғи, қимматли қоғозлар учун солиқ).

Билвосита С.ларга товар ва хизматлар учун солиқ киради, улар товар нархига мувофиқ тўланади ёки тариф, акциз, божхона божи ва йиғимлари тарзида бўлади.

Нисбатига кўра регрессив (камаювчи), пропорционал (тенг) ва прогрессив (ўсувчи) С.лар ажратилади.

Тасарруфига С.лар келиб тушадиган ҳокимият органига кўра: давлат ва маҳаллий С.лари мавжуд. Давлат С.лари мамлакатнинг қонунчилигига кўра, марказий ҳукумат томонидан йиғилади ва давлат бюджетига юборилади (даромад солиғи, фойда солиғи, божхона божи ва б.). Маҳаллий С.лар тегишли ҳудудда маҳаллий бошқарув идоралари томонидан йиғилади ва маҳаллий бюджетга келиб тушади. ЎзРда С.ларни йиғиш ЎзР Солиқ кодекси асосида тартибга солинади.

СОЛИҚ ДЕКЛАРАЦИЯСИ — фуқароларнинг солиқ тўлаш, ўз даромадлари ва мол-мулки билан боғлиқ бўлган аризалари.

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ (инглл. privileges of taxation) — айрим қонун доирасида олиб борилаётган фаолиятни ҳамда аҳоли гуруҳини ижтимоий муҳофаза қилиш, давлат томонидан иқтисодиётни мустаҳкамлаш мақсадида олиб борилаётган ёки белгиланган тартиб.

СОЛИҚ КВОТАСИ (ҳажми, миқдори) — солиқ миқдори, ҳажми, солиқ солишнинг маълум миқдори.

СОЛИҚ МАНБАИ — солиқ тўлаш учун ишлатиладиган захира. Солиқ тўланиши мумкин бўлган фақат иккита манба мавжуд — даромад ва солиқ тўловчининг капитали. Масалан, ер солиғининг объекти ер мулки, предмети эса — аниқ бир ер участкаси ҳисобланади. Бу С. м. бўлиб мазкур ер участкасини ишлатишдан олинган даромад, солиқ тўловчининг ўзга даромади, ер участкасини (унинг қисмини) ёки бошқа мол-мулкни сотишдан олинган маблағлар бўлиши мумкин. Агар солиқ доимий равишда капитал ҳисобидан тўланса, охир-оқибатда капитал тамом бўлади ва солиқ тўлаш имконияти йўқолади. Шунинг учун солиқ солиқ тўловчининг даромадларидан тўланиши ва капиталга тегилмаслиги керак.

Ишлаб чиқариш базасининг мавжудлигига хавф пайдо бўлган фавқулодда вазиятларда солиқни капиталга қаратиш асосли ҳодиса ҳисобланади. Табиий офатлар ва уруш шароитларида даромад келтирувчи мол-мулкнинг қисмини сақлаб қолиш мақсадида ушбу мол-мулкнинг бошқа қисми олиниши мумкин. Акс ҳолда йўқ бўлиб кетиш хавфи бутун капиталга, бу эса ўз-ўзидан келгусида даромадлар олиш имкониятига хавф солиши мумкин.

СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН ДАРОМАД — жисмоний ва юридик шахсларнинг солиқ солинадиган даромад (фойда) қисми. Юридик шахснинг жами йиллик даромади ўртасидаги фарқ, жисмоний шахснинг йиллик даромади ва солиқ қонунларига мувофиқ белгиланадиган чегиримлар солиқ солиш объекти ҳисобланади (СКнинг 16, 47-моддалари).

СОЛИҚ ПОЛИЦИЯСИ — кўп мамлакатларда ҳуқуқни муҳофаза килиш идораларидан бири. С.п.нинг бош вазифаси солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишдан иборат. Баъзи мамлакатларда (м-н, АҚШ, Германия, Россия ва ҳ.к.) С.п. қуйидаги ваколатларга эга: оператив қидирув тадбирлари, суриштирув ўтказиш, солиқ тўловчиларни текшириш, банклар ва кредит муассасаларидаги операцияларни маълум муддатга тўхтатиб қўйиш (солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боглиқ ҳужжатлар тақдим этилмаган ҳолларда); солиқ тўловчиларнинг даромад олиш учун фойдаланилаётган ҳар қандай ишлаб чиқариш бинолари, омборлар, савдо ва бошқа мақсадларда ишлатиладиган биноларга кириш; шахсларни солиқ соҳасидаги маълумотларни олиш учун чиқариш; зарур холларда юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкига маъмурий банд солиш; юридик ва жисмоний шахслар солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурият тўловларни тўламаган холларда уларга қонунда белгиланган тартибда жарима солиш ва ҳ.к.

СОЛИҚ СОЛИШ — солиқ солиш тизимини ҳисоб-китоб қилиш ва уни ундириш формалари.

СОЛИҚ ТЎЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАШ — солиқ қоидабузарликларининг энг кўп тарқалган ва энг хавфли тури. Одатда корхонанинг солиқ имтиёзларидан ғайриқонуний фойдаланиши, солиқларни ўз вақтида тўламаслик ва даромадни яшириш, солиқ ҳисоблаш ва тўлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни бермаслик ёки ўз вақтида бермаслик шаклида амалга оширилади. Шундай қилиб, С.т.б.т.да корхоналар ва жисмоний шахслар қонун бўйича солиқ тўловчидирлар, аммо қонунда бевосита ёки билвосита тақиқланган усуллардан фойдаланиб, ўз солиқ мажбуриятларини камайтирадилар ёки солиқларни умуман тўламайдилар ёхуд тўғри тўламайдилар. С.т.б.т. ЎзР ЖК 183 ва 184-моддаларида назарда тутилган солиқ (иқтисодий) жиноятини ташкил этади.

СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАР — Қ.: *Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.*

СОЛИҚЛАР ТИЗИМИ — ЎзР ҳудудида солиқлар ва йиғимлар ЎзР Олий Мажлиси томонидан белгиланади ва бекор қилинади. ЎзР ҳудудидаги солиқлар Солиқ кодекси ва солиқ соҳасидаги бошқа қонунлар билан тартибга солинади. ЎзР ҳудудида умумдавлат солиқлари; маҳаллий солиқлар ва йиғимлар амал қилади. Солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар ЎзР Олий Мажлиси ёки у ваколат берган давлат органи томонидан белгиланади.

СОЛИҚЛАРНИ ЁКИ БОШҚА ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАШ — фойда (даромад)ни ёки солиқ тўланадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек, давлат белгилаган солиқлар, йиғимлар, божлар ёки бошқа тўловларни катта миқдорда (энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 30 бараваригача бўлган миқдорда) тўлашдан қасддан бўйин товлаш. Жарима ёки ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд қамоқ билан жазоланади. Ана шу қилмишни такроран содир этганлик, кўп ва жуда кўп миқдорда содир этганлик учун айбдор шахслар ЎзР ЖК 184-моддасининг 2 ва 3-қисмлари бўйича жавобгарликка тортиладилар.

СОЛИҚҚА ТОРТИШ ЎЛЧОВ БИРЛИГИ — солиқ базасини миқдор жиҳатдан ифодалаш учун фойдланиладиган *солиққа тортиш миқёсининг* ўлчов бирлиги. М-н, автомобиль двигателининг қуввати автотранспорт

воситаларининг эгаларидан олинадиган солиқ миқёси бўлиб хизмат қилади. Қувват турли бирликларда — от кучи ёки киловаттларда белгиланиши мумкин. Солиққа тортиш мақсадида қувватни ўлчашнинг танланган бирлиги С.т.ў.б. бўлади. Солиққа тортишнинг у ёки бу ўлчов бирлиги қулайлигидан ҳамда анъаналардан келиб чиқиб танланади. М-н, ерга солиқ солинганда мамлакатда қабул қилинган ўлчов бирлигидан (акр, гектар, сотка, квадрат метр ва б.) фойдаланилади. Бензинга акциз белгилаётганда С.т.ў.б. сифатида литр, галлон, баррелдан фойдаланиш мумкин. Фойда ва даромадни солиққа тортишда миллий пул бирлиги С.т.ў.б. бўлиб хизмат қилади.

СОЛО-ВЕКСЕЛЬ — 1) оддий вексель; 2) тўловни бажариши керак бўлган фақат бир шахснинг имзоси қўйилган вексель.

СОТУВЧИ МАМЛАКАТ ҚОНУНИ — сотувчи яшайдиган давлат ҳуқуқини қўллашни билдиради. Бу нисбатан янги (XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб норматив расмийлаштирилди), аммо шартнома мажбуриятларини тартибга солиш учун фойдаланиладиган анча кенг тарқалган бириктириш формуласи. Халқаро товарлар сотишда қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги 1955 йилги Гаага конвенцияси асосида вужудга келган.

С. м. қ. — умумлаштирилган формула, унда шартномада иштирок этувчи мамлакатларнинг қонуни тушунилади, олди-сотди шартномасида кимнинг мажбурияти унинг асосий қисмини ташкил этиши (мулкий ижара шартномасида — ижара берувчининг, ташиш шартномасида — ташувчининг ва ҳ.к.) ифодаланган.

СОХТА БАНКРОТЛИК — ЎзР ЖК 180-моддасида белгиланган иқтисодий фаолият соҳасидаги савдо ташкилотлари раҳбарлари ва эгаларининг, шунингдек, якка тадбиркорларнинг кредиторларга берилиши лозим бўлган қарз тўловини қайтариш муддатини кечиктириш ёки уларнинг қарзларнинг бир қисмидан воз кечишларига эришиш, шунингдек, қарзларни тўламаслик учун кредиторларни чалғитиш мақсадида ўз аломат ночорлиги ҳақида ёлғон хабар эълон қилишидан иборат жиноят.

Сохта банкротлик аломатлари аниқланган тақдирда, прокурор хўжалик судига корхонанинг ночорлиги (касодга учрагани) ҳақидаги ишни қўзғатиш тўғрисида ариза билан мурожаат этишга ҳақли бўлади.

СОХТА ИҚТИСОДИЁТ — кримонологияда иқтисодиётдаги гайриқонуний муносабатларнинг ўзига хос шакли; статистиканинг тегишли тизимида ҳақиқий деб ифодаланган сохта натижаларни берувчи расмий иқтисодиёт (қ.: *Яширин иқтисодиёт*).

СОХТА КАПИТАЛ — реал капиталдан фарқли ўлароқ қийматдан эмас, балки даромад олиш ҳуқуқидангина иборат бўлган қимматбаҳо қоғоз (акциялар, облигациялар, гаровхатлар ва ҳ.к.) шаклидаги капитал.

СОХТА ТАДБИРКОРЛИК — Устав фаолиятини амалга оширишни мўлжалламаган ҳолда ссудалар, кредитлар олиш, фойдани (даромадни) солиқдан озод қилиш (солиқни камайтириш) ёки бошқа мулкий фойдани олиш мақсадида корхоналарни ва бошқа тадбиркорлик ташкилотларини ташкил этиш. ЎзР жиноят қонунларига биноан, С. т. иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар деб тан олинади ва уларни содир этган шахсларнинг ЎзР ЖК 179-моддаси қоидаларига кўра жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Корхоналарни ташкил этиш тартиби ЎзРнинг «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги 1991 йил 15 февраль қонунига кўра

белгиланган. Айбдор ушбу жиноятни содир этишда тадбиркорлик ташкилотини тузишнинг қонунда белгиланган тартибини бузади. Қонун бузилишининг асосини шахс ёки бир гуруҳ шахслар тадбиркорлик ташкилотларини тузиб, низомда белгиланган фаолиятни амалга оширмаслиги ёки амалга оширишни мўлжалламаётганлиги ташкил этади. Бу эса баён этилган режанинг ёлғонлигидан далолат беради. Шахс бундай тузилмаларни ташкил этаркан, биринчи навбатда, ссуда, кредит олиш, солиқ тўлашдан озод бўлиш ёки бошқа ашёвий фойда кўриш буйича бериладиган имкониятлардан фойдаланишга интилади.

СОХТА ХИЗМАТ — давлат ҳокимияти ва давлат хизмати манфаатларига қарши қаратилган жиноят.

СОЦИАЛ ҚОНУНЧИЛИК — ёлланиб ишловчиларнинг ҳолатини, шунингдек, ижтимоий таъминот масалаларини тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар.

СОҒЛИҚҚА ЗАРАР ЕТКАЗИШ — турли усулларда амалга оширилиши мумкин: ўткир ёки совуқ қурол билан, кесувчи ёки санчувчи буюмлар билан, транспорт воситаларидан фойдаланиб, дори ва заҳарли нарсаларни ютиб, тери остига турли эритмаларни юбориб амалга оширилади. Зарарни айбдор ёки унинг илтимоси билан бошқа шахс етказиши мумкин.

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ — ЎзРнинг 1993 йил 7 май қонуни билан таъсис этилган. Орден иккита даражадан иборат. «Соғлом авлод учун» ордени билан кишилар оналик ва болаликни муҳофаза қилишдаги, соғлом авлодни камол топтириш учун энг яхши моддий шароит ва ахлоқий муҳитни таъминлашдаги алоҳида хизматлари учун мукофотланадилар.

СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАҚСАДЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР — табиий шифобахш омилларга эга бўлган (минераллар манбаи, иқлимлари ва бошқалар) касалликларнинг олдини олиш ва даволашни ташкил этиш учун қулай ер участкалари.

СПЕЦИФИКАЦИЯ ҲИСОБИ — ҳисоб ва спецификациялар реквизитларини бирлаштиради. С. ҳ..да ҳар бир товар тури ва нави ҳамда бутун гуруҳи учун умумий баҳо кўрсатилади. Агар товар гуруҳи ассортименти турлича бўлса, ўчирилади.

СПИКЕР — англо-саксон мамлакатларида, шунингдек, англо-саксон давлат-ҳуқуқ тизимини у ёки бошқа даражада қабул қилган мамлакатларда (Ҳиндистон, Нигерия, Вануату ва б.) парламент қуйи палатасининг раиси. С. расман палата томонидан (амалда кўпчилик партиялар томонидан) сайланади. С. палата мажлисларига раҳбарлик қилади, палата ўзини палата қўмитаси қилиб ташкил этадиган ҳоллар бундан мустасно. Палата С. орқали давлат раҳбари билан алоқани амалга оширади.

СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШНИ ТАҚИҚЛОВЧИ ҚОНУН — АҚШда (1920—1933 йиллар) ва бошқа баъзи давлатларда амал қилган. Спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш ва сотишни тақиқлашнинг АҚШ, Исландия, Финляндия ва бошқа давлатларда қонун йўли билан амалга оширилиши кўзланган мақсадга олиб келмади. Бельгия, Франция, Норвегия ва бошқа мамлакатларда турли вақтларда маълум қувватли ичимликларни ман этувчи қонунлар жорий этилди. 1865 йил Швецияда Готенбург тартиби қўлланилди, кейинроқ эса баъзи ўзгартиришлар билан бошқа Скандинавия давлатларида жорий

этилди. Мазкур тартибга биноан спиртли ичимликлар фақат иссиқ овқат билан бир вақтда сотишга рухсат берилган ва ресторатор фақат иссиқ озиқ-овқат маҳсулотлари учунгина даромад олган. 1919 йилдан бошлаб Готенбург тартиби ўрнига карточка тизими (Братта системаси) жорий этилди. Бу тизимга мувофиқ оилада спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ойига 4 литр миқдорида чеклаб қўйилди. 1955—1957 йилларда Братта системаси аста-секин ўз кучини йўқотди ва ҳукумат органи ҳисобланган Швед ҳушёрлик департаменти статистик ташкилот ҳолатига тушиб қолди.

Россияда спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш ва сотишни тақиқлаш 1914 йилда жорий этилди ва 1925 йилгача амал қилди. Лекин тақиқлаш тадбирлари шунга олиб келдики, тозаланган соф вино, ароқ ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ўрнига ҳар хил суррогатлар («самогон», «сивуха» ва бошқа ясама ичимликлар)ни истеъмол қилиш авж олиб кетди, бу эса янада зарарлироқ таъсир кўрсатди.

ССУДА ШАРТНОМАСИ — Қ.: *Бепул фойдаланиш шартномаси.*

ССУДАЛИ СУБСЧЁТЛАР — асосан хўжалик ҳисобида бўлмаган тайёрлов пунктлари жойлашган манзилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлашга оид операцияларни бажарувчи корхоналар учун очиладиган субсчётлар. С. с..дан кредит ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини топширувчиларга маблағ тўланади.

СТАЙЛИНГ (дизайн) — буюмнинг ташқи кўриниши ва шакли. С. шахсий маҳсулотларни рақобатчиларнинг товар-молларидан ажратишга кўмак беради, буюмга янада жозиба бахш этиб, унинг нуфузини оширади.

СТАЛИЙ КУНЛАР — денгиз орқали ташиш шартномасида белгиланган кемага юк ортиш ёки уни тушириш учун зарур кунлар билан ҳисобланадиган тўхтаб туриш вақти. С. к. чартерда ёки нотисда кўрсатилган кеманинг тайёр бўлиш пайтидан бошланади.

СТАЛИЯ (стайлинг вақти) — бу муддат мобайнида кемага юк ортилиши ёки туширилиши лозим. Бу тарафларнинг келишуви асосида белгиланади, агар бундай келишув мавжуд бўлмаса, одатда, бандаргоҳ белгиланган муддатлар асосида амалга оширилади. Баъзан С. тарафлар томонидан келишилган вақт муддатини ҳам билдиради. Бу муддат мобайнида кема соҳиби кемадан юкларни тушириш ва уни юклаш учун қўшимча *фрахта* ҳақи талаб қилмайди. Оддий кема учун *фрахта* берувчи С.дан ташқари яна устама *демерж* ҳам тўлайди ва муддатни олдин расмийлаштиргани учун *диспач* олиш ҳуқуқига эга бўлади.

СТАТУС (лот.) — ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мажмуини ифода этувчи, ҳуқуқ нормалари билан белгиланган ҳолат.

СТАТУТ (инглиз.) — 1) Буюк Британия, АҚШ Конгресси ва бошқа бир қатор англо-саксон ҳуқуқий тизимига мансуб мамлакатлар парламенти қонунчилик актларининг номланиши. С. да ифода этилган нормалар статут ҳуқуқини ташкил этиб, англо-саксон ҳуқуқий тизимидаги мамлакатларда умумий ҳуқуқ билан бир қаторда фаолият кўрсатади; 2) Халқаро ҳуқуқда кўпинча у ёки бу халқаро орган фаолияти ҳақидаги қоида бўлиб, кўп томонлама халқаро битимлар шаклида намоён бўлади. Халқаро орган С. мазкур ташкилотнинг мақсади, тузилиши ва функцияларини белгилайди (масалан, БМТ Халқаро Суди С.).

СТЕЛЛАЖ — биржанинг шахсий битими бўлиб, томонлардан бири-

га маълум мукофот эвазига белгиланган курс бўйича биржанинг муайян миқдордаги қимматбаҳо буюмларни харид қилиш ёки сотиб олиш ҳуқуқини беради.

СТРАТЕГИК ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ — иқтисод, сиёсат ва маданиятнинг ҳаётий муҳим тармоқлари тараққиёти асосий йўналишлари ва қонуниятларини акс эттирувчи тизимли ҳужжатлар. С.д.д. асосий элементлар, уларнинг ўзаро таъсири тизими ва дастурни бошқариш ядросидан ташкил топади. Идеал сифатида — мазкур алоҳида тармоқ фаолият кўрсатишининг мураккаб динамик модели. С.д.д. — бошқарув маданиятининг ажралмас қисми, жамият тўхтовсиз тараққиётининг муҳим механизмидир.

СУБВЕНЦИЯ (лот. subvenire — ёрдамга келмоқ) — тегишли миллий давлат ёки маъмурий-ҳуқуқий тузилманинг ижтимоий-иқтисодий ривожини изга солиш учун юқори турувчи бюджетдан маълум муддатга ва аниқ мақсад йўлида ажратиладиган пул миқдори. Таърифдан кўринадики, С. дотациядан фарқли равишда қатъий мақсад йўлида ва белгиланган муддат ичида сарфланиши керак, акс ҳолда, у С. берган органга қайтарилиши лозим.

СУБСИДИЯ (лот. subsidium — ёрдам) — бюджет билан тартибга солиш воситаларидан бири, муайян тадбирларни молиялаш учун ажратиладиган ва ушбу ҳудудда, агар ЎзР қатнашаётган давлатлараро битимда ўзгача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, хорижий суғурта ташкилотлари суғурта шартномалари тузишга (суғуртага) доир ишбилармонлик фаолиятини амалга оширишга йўл қўймайди.

СУБСИДИЯЛАШ — пуллик ёрдам кўрсатиш, субсидия бериш.

СУБСТЕМА — банкларда тижорат ва бошқа ўзини-ўзи молияловчи ташкилотларнинг асосий ҳисобларига қўшимча равишда ёзиладиган ёрдамчи ҳисоблар. С. хусусий мулк эгаси томонидан молиялаштирилувчи муассаса, тармоқ ва бўлимларига эга бўлади. С.нинг мавжудлиги алоҳида ҳар бир суммани ўтказиб туриш заруратини соқит қилади ҳамда банк ва мижозлар ишини енгиллаштиради.

СУБСТИТУЦИЯ (лот. substitutio — ўрнига қўяман, алмаштираман) — 1) мерос ҳуқуқида мерос қолдирувчининг васиятномасида у очилгунча асосий меросхўрнинг вафот этиб қолиши ёки уни қабул қилмаслиги эҳтимолини ҳисобга олиб, қўшимча меросхўрни кўрсатиш. Асосий меросхўр қонунда назарда тутилган сабабларга кўра меросдан маҳрум этилган ҳолатларда ҳам ворисликка субститут чақирилади. Субститут сифатида, қонун бўйича меросхўрлар қаторига кириш-кирмаслигидан қатъи назар, ҳар қандай шахс тайинланиши мумкин; 2) халқаро ҳуқуқда давлатларнинг моддий жавобгарлиги шаклларидан бири, реституциянинг бир кўриниши; қонунга хилоф равишда йўқ қилинган ёки зарар етказилган мулкни, шу жумладан, бинолар, транспорт воситалари, санъат бойликлари, хусусий мулкни тенг қийматли бошқа мулкка алмаштиришдан иборат.

СУБЪЕКТИВ ҲУҚУҚ — фуқаровий ташкилотнинг ўз манфаатларини қондириш билан боғлиқ бўлган мақсадига эришиш йўлида амалга ошириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлари қонун орқали таъминланган чораси. Субъектив ҳуқуқнинг дастлабки шарти — ҳуқуқий лаёқатлилик, яъни умумий ҳуқуққа эга бўлиш лаёқати асосида юзага келади. С.ҳ. муайян ҳаракатни талаб қилиш эҳтимолини ҳам ўз ичига олади, чунки

бундай хатти-ҳаракат субъектив ҳуқуқни амалга ошириш учун шароит яратади. Масалан, хусусий мулк эгаси ўз мулкига эгалик қилиш, ундан қонун доирасида, мустақил равишда, бошқалар ёрдамига мурожаат этмай, ҳеч қандай хатти-ҳаракатни содир этишларини талаб қилмай фойдаланиш ва сарфлашга ҳақли. Бундай С.ҳ. мутлақ ҳисобланади. Кишилар ўз хатти-ҳаракати билан бу ҳуқуқларни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳар нарсадан ва ҳар кимдан ҳимояланади. Олди-сотди шартномаси бўйича эса нарсани сотувчи олувчидан нарса хақини тўлаш, яъни муайян ҳаракатни бажаришни талаб қилишга ҳақли. Бундай С.ҳ. нисбий ҳисобланади, чунки ҳаракатни содир этиш ҳақидаги талаб муайян шахс ёки бир неча шахсларга тегишлидир. С.ҳ. бузилган тақдирда, у қонун томонидан мажбурий тартибда судда ёки қонуний равишда тайинланган бошқа давлат органида субъектив ҳуқуқни бузувчига даъво қилиш йўли билан ҳимояланади.

СУВ ФОНДИ ЕРЛАРИ — сув ҳавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари ва шу кабилар), гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаб турган, шунингдек, ЎзРнинг «Сув ва сувдан фойдаланиш» тўғрисидаги 1993 йил 7 май қонунига кўра сув ҳавзалари ва бошқа сув объектларининг қиргоқлари бўйлаб ажратилган, минтақадаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар. Дарёлар, магистрал каналлар, коллекторлар, сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, шунингдек, ичимлик ва маиший таъминот, аҳолининг даволаш ҳамда маданий-соғломлаштириш эҳтиёжларига хизмат қиладиган манбалар қирғоқбўйлаб сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқбўйи минтақалари ажратилади (ЎзРнинг Ер кодекси, 77-модда).

СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ ЛИМИТЛАРИ — сув ресурсларини олишнинг ёки нормативдаги сифатга эга бўлган оқава сувларни чиқариб юборишнинг сувдан фойдаланувчи шахс учун муайян муддатга белгиланган ва йўл қўйиладиган энг кўп ёки кам ҳажми. ЎзРнинг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги 1993 йил 6 май қонунининг 30-моддасига биноан, лимитланган сувдан фойдаланиш барча сув истеъмолчиларига белгиланади. Сув тизимини, хизмат кўрсатувчи ходимларни сақлаб туриш, сув объектларини сақлаб қолиш ва тиклаш учун, лимитлашган сувдан фойдаланиш билан бир қаторда, тўлиқ ёки қисман ҳақ тўланадиган сувдан фойдаланиш йўлга қўйилади. Сув учун тўла ёки қисман ҳақ тўлашни йўлга қўйиш, сувдан фойдаланишни лимитлаштириш тартибини ЎзР Вазирлар Маҳкамаси белгилайди. Сув объектлари доимий ёки вақтинчалик фойдаланиш учун берилади. Сувдан илгаридан белгиланган муддатсиз фойдаланиш доимий деб ҳисобланади. Сувдан вақтинчалик фойдаланиш қисқа муддатли — 3 йилгача ва узоқ муддатли — 20 йилгача бўлиши мумкин. Давлатнинг алоҳида фойдаланиш учун сув объектини бериш тўғрисида қарор чиқарган ёки бу тўғридаги қарорни берган ёки сувдан махсус фойдаланишга рухсат берган органлари ушбу муддатларни узайтиришлари мумкин.

СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ УЧУН БЕРИЛАДИГАН ЛИЦЕНЗИЯ — муайян шартлар асосида сув объектлари ёки уларнинг қисмларидан фойдаланиш учун бериладиган махсус рухсат. ЎзРнинг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги 1993 йил 6 май қонунининг 107-моддасига мувофиқ, сув объектларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш

соҳасида лицензиялашни амалга оширишда сув ресурсларининг мавжудлиги, сув истеъмолчиларининг уларга бўлган эҳтиёжи ва сув объектларининг аҳволи инобатга олиниши керак. Бундай лицензия бир вақтнинг ўзида сув объектларидан бир неча мақсадларда фойдаланиш учун берилиши мумкин.

СУВЕРЕН ТЕНГЛИК КОНСТИТУЦИЯВИЙ ПРИНЦИПИ — ўзга давлатларнинг хусусиятини эътироф этиш уларнинг мустақиллигини ҳурмат қилиш, ўз сиёсий, иқтисодий ва маданий тизимини эркин танлаш ва ривожлантириш, ўз қонун ва маъмурий қоидаларини ўрнатиш ҳуқуқига эгалигини билдиради.

Халқаро муносабатларда С.т.к.п. муайян давлат ўз хоҳишига кўра, ўзга давлатлар билан халқаро ҳуқуқ талабига биноан муносабатлар ўрнатиш ва уларни ривожлантириш ҳамда халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш, кўптомонлама, шу жумладан, иттифоқ шартномаларида қатнашиш ва нейтралитет ҳуқуқларига эгалигини билдиради. Шу ҳуқуқлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон тенгҳуқуқлилик асосида халқаро муносабатларга оид бир қатор масалаларни муҳокама қилишда қатнашмоқда.

СУВЕРЕНИТЕТ (фр. souverainete) — давлатнинг бошқа давлатдан, унинг ички ва ташқи ишлари ҳамда ташқи муносабатларидан тўла мустақиллиги. Конституциявий ҳуқуқ фанида суверенитетнинг бир неча турлари мавжуд:

1) давлат суветенитети — давлат ҳокимиятининг давлат ичидаги устунлиги ва уни ташқи муҳитда, яъни хорижий ҳокимиятни истисно қилувчи давлат ҳокимиятлари — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг ҳудудда тўла амал қилиши ҳамда халқаро алоқаларда давлатнинг хорижий давлат ҳокимиятларидан мустақиллиги (давлат томонидан суверенитетини чеклашга ўз хоҳиши билан розилик берилган ҳоллар бундан мустасно). Суверенитет давлат ҳокимиятининг муҳим белгисини акс эттиради;

2) миллий суверенитет — миллатнинг тўла ҳокимлиги, унинг сиёсий эркинлиги, ўз миллий ҳаётини белгилашнинг реал имкониятлари ва биринчи галда мустақил давлатнинг ажралиб чиқиши ва шаклланишини сиёсий жиҳатдан ўзи белгилашга лаёқатлилиги;

3) халқ суверенитети — халқнинг тўла ҳокимлиги, яъни халқ ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий воситаларга жамият ва давлат ишларига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиши. Халқ суверенитети барча демократик давлатлардаги конституциявий тизим принципларидан биридир.

СУВНИ ИФЛОСЛАНТИРИШ — ЎзР ЖКнинг 203-моддасида назарда тутилган экологик жиноят. Ичимлик сув билан таъминлайдиган ҳавзаларни ифлослантириш, булғатиш ёхуд уларнинг табиий таркибини бошқача ўзгартириш, ер ости ёки ер усти сувларини қуритиш, агар бу қилмишлар қишлоқ ёки ўрмон хўжалигига, балиқ захираларига, ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсига жиддий зарар келтирилишига сабаб бўлса, булар жиноятнинг объектив томонини ташкил этади. Оқибатларининг оғирлиги ва бошқа шароитларига қараб маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида қаралиши ҳам мумкин.

СУВНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — ЎзРнинг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги 1993 йил 6 май қонунига (XXIV боб) мувофиқ, ҳамма сувлар (сув объектлари) аҳоли соғлиғига зарар етказиши, шунингдек, балиқ захираларининг камайиши, сув таъминоти шароитининг ёмонла-

шиши ҳамда сувнинг физикавий, кимёвий ва биологик хоссалари пасайиши, сувнинг табиий тозаланиш хусусияти камайиши, сувнинг гидрологик ва гидрогеологик режимининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган бошқа кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши ҳолларидан муҳофаза қилиниши керак.

СУД — муайян давлат қонуни билан мустаҳкамланган процессуал тартибда жиноий, фуқаролик, маъмурий ва бошқа категориядаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этишни амалга оширувчи давлат органи. Суд одатий ва фавқулодда турларга бўлинади. Одатий суд умумий ваколатли ва ихтисослашган турларга бўлинади. Ҳарбий судлар хўжалик судлари, божхона, солиқ, меҳнат мунозараларига оид ишларни юритадилар. Суднинг алоҳида тури конституциявий ва маъмурий судлардир. Айрим мамлакатларда диний судлар ҳам мавжуд. Баъзи федератив давлатларда суд федерал ва субъектив федерация суверенитетига бўлинади.

СУД ИНСТАНЦИЯСИ — судда аниқ бир ваколат билан ишни кўриш босқичи. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ва жиноят процессида биринчи, кассация ва назорат инстанциялари фарқланади. Хўжалик-процессуал кодекс бўйича апелляция инстанцияси ҳам мавжуд.

СУД МУҲОКАМАСИ — жиноят процесси ҳуқуқи бўйича суд жараёнининг бир босқичи ҳисобланади. Суд муҳокамасининг умумий тартиблари ЎзР ЖПКнинг 50-бобида баён этилган.

СУД ПРЕЦЕДЕНТИ (лот. Praecedens — бўлиб ўтган) — бир суд томонидан чиқарилган қарорнинг бошқа судлар (инстанция) томонидан айнан бир иш бўйича бир хилда қарор чиқаришини таъминлаш. С. п. Рим адлия соҳасида катта аҳамиятга эга бўлган. Ҳозирда С.п. ҳуқуқ манбаи сифатида АҚШ, Англия, Канада, Австралия давлатларида қўлланилади.

СУД ПСИХИАТРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ — суд экспертизасининг бир тури бўлиб, асосий вазифаси айбланувчи ва гумон қилинувчиларнинг, гувоҳлар, жабрланувчи, даъвогар ва жавобгарларнинг руҳий ҳолатини аниқлашдир.

СУД РАЁСАТИ — ЎзРда Қорақолпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди қошида фаолият кўрсатадиган коллегиал орган. Уларнинг вазифалари суд назоратини олиб боришдан иборатдир. Раёсат томонидан жиноий ишларни кўриш жараёнида прокурор иштироки зарурийдир. ЎзР ЖПКнинг 519-моддасида раёсат томонидан жиноий ишларни кўриб чиқиш тартиби белгиланган.

СУД РАИСИ — ЎзРда мавжуд судларнинг (Олий суд, вилоят, туман, шаҳар каби) раиси; ваколатли, мансабдор шахс.

СУД ТАРЖИМОНИ — суд процесси қатнашчиси, суд муҳокамаси ва жараёнида бўлган ҳолатларни таржима қилувчи ва тегишли тилни мукаммал билувчи шахс.

СУД ТЕРГОВИ — жиноят процессида суд ишининг иккинчи қисми бўлиб, унда далиллар — суд томонидан айбловчи, судланувчи, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иштирокида текширилади ёки уларнинг вакиллари иштирокида тузилади ва суғурта товонини тўлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

СУД ТОПШИРИҒИ — 1) ишни кўриб чиқаётган суднинг бошқа судга (шу билан бирга, чет эл судига ҳам) ўз ҳудудида муайян процессу-

ал ҳаракатларни олиб бориш ҳақида (ҳужжатларни топшириш, гувоҳни сўроқ қилиш, жиноят жойини кўздан кечириш ва б. каби) топшириқ бериш; 2) фуқаролик процессида далилларни йиғиш фаолиятида суднинг ҳамкорлик қилиш усули. Ишни кўраётган суд бошқа шаҳар ёки минтақада даллилар йиғиш эҳтиёжи туғилганда тегишли судларга маълум процессуал фаолиятни амалга оширишни топширади. Суд топшириқларига аниқлик киритиш мақсадида кўрилаётган ишнинг моҳияти қисқача баён этилади, аниқланиши лозим бўлган далиллар кўрсатиб ўтилади. Ушбу фаолиятни топшириқни бажарувчи суд амалга оширади. Бу кўрсатмалар номига йўлланган судлар томонидан ўн кунгача муддат давомида ижро этилиши лозим. Топшириқни бажариш жараёнида тўпланган барча материаллар ишни муҳокама қилаётган судга зудлик билан юборилиши зарур. Ишда қатнашувчилар ёки топшириқни бажараётган, судга тушунтириш ёки кўрсатув берган гувоҳлар ишни кўраётган суд ҳузурига келадилар ва умумий тартибда кўрсатув берадилар.

СУД ТУЗИЛИШИ — 1) судларнинг вазифалари, ташкилий принциплари ва фаолияти, тузилиши ва ҳуқуқлари доирасини белгиловчи нормалар мажмуи. ЎзР суд тузилиши тўғрисидаги нормалар ЎзР Конституцияси, қонунлари, низомлар ва бошқа норматив ҳужжатларда ўз аксини топади; 2) суд идоралари тизими.

СУД ФОТОГРАФИЯСИ — криминалистикада жиноятни тергов қилишда ашёвий далилларни қайд этиш ва ўрганиш учун фойдаланувчи суратга олиш усуллари ва техник воситалари тизими.

СУД ЧАҚИРУВИ — судга бориш учун расмий ва ёзма равишда бериладиган ҳужжат. С.ч.да ким, қайси сифатда, қаерга, кимга ва қайси вақтда келиш кўрсатилади. Шу билан бирга, чақирувга келмасликнинг жавобгарлиги ва таъсир чоралари баён этилади (масалан, гувоҳни мажбуран келтириш, айбланувчига эҳтиёт чорасини ўзгартириш). С. ч. суриштирув ва дастлабки тергов жараёни олиб борилаётганда терговчи томонидан ҳам берилади.

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ — жиноий, фуқаролик ёки хўжалик ишларининг материаллари бўйича фактик маълумотлар ва ҳолатларни белгилаш учун эксперт томонидан процессуал қонунда кўзда тутилган тартибда ўтказиладиган тадқиқот. Суд экспертизаси ўтказиш учун терговчи, прокурор ва суднинг суд экспертизаси тайинлаш ҳақидаги қарори асос бўлади. Суд экспертизаси предмети терговчи ёки суд томонидан қўйилган саволлар билан аниқланади. Суд экспертизаси объекти ашёвий далиллар, мурданинг қисмлари, жиноят содир бўлган жойдаги шароит, қиёсий намуналар ва бўлимлар бўлиши мумкин. Ҳар турдаги суд ҳолатлари учун махсус методика ишлаб чиқилган. Суд тергови амалиётида ўтказиладиган экспертизалар унинг предмети, объекти, тадқиқот методикаси бўйича тасниф қилинади. Криминалистик, тиббий, руҳий, биологик, молиявий-иқтисодий, транспорт-инженерлик, инженер-техник экспертизалар бир-биридан фарқ қилади.

СУД ҚОНУНИ — низо қаерда кўрилаётган бўлса, ўша давлат ҳуқуқи қўлланилишини билдиради (судда, хўжалик судида ёки бошқа органда). Бу бириктириш формуласига мувофиқ ушбу ҳуқуқий муносабат таркибида чет эл элементи мавжудлигига қарамай суд ёки ҳуқуқни қўлловчи бошқа органлар ўз мамлакатлари қонунчилигига таяниши лозим. Бу принципни қўллашнинг умум тан олган соҳаси халқаро фуқаролик про-

цесси ҳисобланади: суд, чет эл элементи иштироки билан ишни кўраётиб, ҳар доим ўзининг процессуал ҳуқуқидан фойдаланади. Агар бу халқаро шартномада ёки қонунда махсус кўрсатилган бўлса, истисно тариқасида суд чет эл процессуал ҳуқуқи нормаларини қўллаши мумкин. Шу билан бирга, халқаро фуқаролик процесси соҳасида ҳуқуқни танлаш муаммоси йўқ, шунинг учун ҳам суд қонуни принципи бу ерда бириктириш формуласи бўлиб ҳисобланмайди. С. қ. бириктириш формуласи сифатида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг ҳар қандай турлари соҳасида ўз ифодасини топади, бунда ҳам барча юқорида кўрилган коллизион боғлиқликни алмаштириши мумкин. С. қ. ифодалар моҳиятига кўра бир тарафлама коллизион нормалардир.

СУД ҲИМОЯСИ — фуқаролар ҳуқуқини, шунингдек, айбланувчининг (судланувчининг) жавобгарлигини енгиллаштириш ёки айбдорлигини рад этишга, мулкини ва шахсий озодлигини, соғлиғи ва ҳаётини, эркки ва қадр-қимматини жиноятқорона тажовуздан ҳимоя қилишга қаратилган процессуал ҳаракатлар йиғиндиси. Бу ҳуқуқ жиноят ёки фуқаролик иши бўйича суд ишида ҳимоячи (адвокат) қатнашиши билан таъминланади.

СУД ҲОКИМИЯТИ — ҳокимиятлар бўлиниши назариясига кўра ҳамда ЎзР Конституцияси 11-моддасига биноан, ҳокимиятнинг (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятлари билан бир қаторда) мустақил ва эркин тармоғи. У узида: а) одил судловни амалга ошириш ваколатлари, яъни жиноий, фуқаролик, маъмурий ва конституциявий ишларни процессуал қонун билан белгиланган тартибда кўриб чиқиш ваколатлари йиғиндисини, баъзан ҳуқуқ нормаларини изоҳлаш ваколатларини, қонун ижодкорлиги ваколатлари ва бошқа иккинчи даражали ваколатларни; б) юқорида қайд этилган ваколатларни амалга оширувчи давлат органлари тизимини мужассамлаштиради. Суд ҳокимияти ваколатлари одил судловни амалга ошириш бўйича турларга бўлинади. Ҳозирги замон демократик мамлакатларида суд ҳокимияти асосий ваколатларини амалга ошириш ҳар хил тоифалардаги судларга юклатилади.

СУДЛАНГАН — жиноят-ижроия ҳуқуқида суд томонидан чиқарилган айблов ҳукми қонуний кучга кирган ва жиноят қонуни бўйича жазо тайинланган шахс. Жиноят-процессуал ҳуқуқда айблов ҳукми чиқарилган шахс.

СУДЛАНГАНЛИК — ЎзРнинг жиноят ҳуқуқида жиноят учун ҳукм этишнинг юридик оқибати жиноий жавобгарлик элементларидан бири ҳисобланади. Маҳкумлар ҳуқуқи маълум чекланишларга эга бўлиб, улар жазо таркибига кирмайди (масалан, маълум мансабларни эгаллаш ёки маълум фаолиятлар билан шуғулланиш). ЎзР ЖКнинг 77-моддасига мувофиқ, жиноят содир этганликда айбланган шахс суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб бекор қилинган ёки судланганликни олиб ташлаш вақтигача судланган ҳисобланади. Судланганлик ЎзР ЖКга мувофиқ жиноятни такроран содир этилганда жазо белгилаётганда ҳисобга олинади. Жазодан озод қилинган шахс судланмаган ҳисобланади.

Судланганлик қуйидаги ҳолатларда тугатилади: а) шартли ҳукм этилган шахсларга нисбатан — синов муддатининг тугашига биноан; б) озодликдан маҳрум этишга қараганда бирмунча енгил жазо турлари билан ҳукм этилган шахсларга нисбатан — жазо муддатини ўтаб

бўлгач бир йил ўтиши билан; в) катта бўлмаган ёки ўртача оғир жиноят содир этилганлиги учун озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан — жазо муддатини ўтаб бўлгач уч йилдан сўнг; г) оғир жиноят содир этиб озодликдан маҳрум этилган шахсларга нисбатан — жазо муддатини ўтаб бўлгач, олти йилдан сўнг; д) ўта оғир жиноят содир этиб ҳукм этилган шахсларга нисбатан — жазо муддатини ўтаб бўлгач саккиз йилдан сўнг.

Агар ҳукм этилган шахс қонунда белгиланган тартибда жазони ўташдан муддатидан илгари озод этилган бўлса ёки жазонинг ўталмаган қисми анча енгил жазо тури билан алмаштирилган бўлса, судланганлик бекор қилиниши жазонинг ҳақиқий ўталган муддатидан келиб чиқиб асосий ва қўшимча жазо турларини ўтаб бўлган вақтидан бошлаб ҳисобланади. Агар ҳукм этилган шахс жазони ўтаб бўлгандан сўнг нуқсонсиз фаолият кўрсатса, унинг илтимосномасига биноан суд ундан судланганликни муддати тугагунга қадар олиб ташлаши мумкин. Судланганликнинг бекор қилиниши ёки олиб ташланиши судланганлик билан боғлиқ барча ҳуқуқий оқибатларни бартараф этади.

СУДЛАНУВЧИ — жиноят процессида ўз манфатларини ҳимоя қиладиган шахс. Судланувчи суд жараёни бошлангунга қадар тергов ҳужжатларига асосланган ҳолда айбланувчи тариқасида тан олинади. Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддаларида судланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари баён этилган. Кодекснинг 46-моддасига кўра С. ўзи нимада айбланаётганини билиш, қўйилган айблови юзасидан кўрсатув ва тушунтиришлар бериш, ўз она тилидан ва таржима хизматидан фойдаланиш, ҳимоячига эга бўлиш ва у билан ҳам учрашиш, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни шахсан ўзи амалга ошириш, илтимосномалар бериш ва рад этиш, далиллар тақдим этиш, суд муҳокамаси жараёнида ўз ҳуқуқини ҳимоя этиш, суд ҳукми устидан шикоят бериш каби ҳуқуқларга ва ЖПК нинг тегишли моддалари асосида маълум бир мажбуриятларга эгадир.

СУДЛОВ ТИЛИ — ЎзР суд тизимига кирувчи судларда фуқаровий, жиноят, хўжалик ва конституциявий судлов амалга ошириладиган тил. ЎзР Конституциясининг 4-моддасига биноан, ЎзРнинг бутун ҳудудида ўзбек тили давлат тили бўлганлиги туфайли судлов одатда айнан шу тилда юритилади. Жиноят ва фуқаролик жараёнида судлов ўзбек тилида ёхуд судлов амалга оширилаётган жойнинг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилда юритилади. Процесс иштирокчиларига она тилида ариза, тушунтириш ва кўрсатмалар бериш, судда чиқиш ва илтимос қилиш, шунингдек, процессуал қонунларда белгиланган тартибда таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланади (ЖПК 20-м., ФПК 8-м.). Суд ҳужжатлари жиноят процессида айбланувчига, фуқаролик процессида эса — ишда иштирок этаётган шахсларга уларнинг она тилига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилинган ҳолда тақдим этилади.

Бунда ишда иштирок этаётган ва ўзбек тилини билмайдиган шахсларга таржимон орқали иш ҳужжатлари билан танишиш, суд ҳаракатларида иштирок этиш ва хўжалик судида она тилида сўзга чиқиш ҳуқуқи таъминланади.

СУДЛОВГА ТЕГИШЛИЛИК — жиноят ишларининг судловга тегишлилиги ЎзР Жиноят-процессуал кодексининг 389-моддасига асосан, жиноят ёки фуқаролик ишлари биринчи инстанция судлари томонидан кўриб чиқиладиган ҳамда кўриб чиқиш қайси судга тегишлилиги баён

этилган. Судловга тегишлилик — қандай тоифадаги жиноят ёки фуқаролик ишлари турларига кўра ва ҳудудий жиҳатдан қайси суд томонидан кўриб чиқиш кераклигини ҳал этиш асосида белгиланади. Қандай тоифадаги жиноят ёки фуқаролик иши дейилганда, ишнинг хусусиятлари, оғирлиги ёки кўпчилик томонидан содир этилганлик хусусиятлари тушунилади. Ҳудудий жиҳатлари эса, айнан бир жиноят иши қайси ҳудудда содир бўлган ёки рўй берганлигига қараб ҳудудий жойлашувдаги судлар томонидан кўриб чиқилади. Бу ҳолларда жиноятнинг қаерда содир этилганлигига асосланади. Агар, жиноят содир бўлган жой аниқ бўлмаса, унда дастлабки тергов тугалланган ҳудуд асосида иш биринчи инстанция судида кўриб, ҳал этилади. Фуқаролик ишлари бўйича эса ишлар жавобгар томоннинг яшаш жойида кўриб чиқилади. Юридик шахслар билан боғлиқ ҳолларда эса фуқаролик ишлари юридик шахс идоралари ёки мулклари жойлашган ҳудуд судлари томонидан кўриб чиқилади.

СУДЛОВНИНГ ОШКОРАЛИГИ — суд процессининг барча ишларни очиқ суд муҳокамасида кўриш, суд ҳукм ва қарорларини ошкора эълон қилишдан иборат демократик принцип.

СУДНИНГ ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИ — суд ҳокимияти ифодачиси сифатида судьяларнинг дахлсизлиги; судья тегишли органлар розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоқда сақланиши, мажбурий олиб келиниши мумкин эмас (РФда судьялар малака ҳайъатининг, Италияда магистратуралар Олий Кенгашининг, ГФРда федерал конституциявий суднинг розилигисиз). АҚШда ва қатор мамлакатларда судья фақат импичмент (ишончсизлик) тартибида дахлсизликдан маҳрум қилиниши мумкин.

СУДЬЯЛАР МАЖЛИСИНИНГ СИРИ — процессуал ҳуқуқда қонуний, асосланган суд қарори ёки ҳукмини чиқаришнинг энг муҳим шарти, судьялар мустақиллиги ва қонунгагина бўйсуниши кафолати. Суд ўз қарори ва ҳукмини маслаҳат хонасида қабул қилади. У ерда маслаҳат вақтида фақат ушбу иш бўйича суд таркибига кирадиган судьяларгина ҳозир бўлиши мумкин. Маслаҳат хонасида бундай мажлис вақтида бошқа шахсларнинг бўлишига йўл қўйилмайди.

С.м.с. судьялар мустақиллигини ва уларнинг маслаҳат хонасида қарор қабул қилиш чоғида фақат қонунга бўйсунишини кафолатлайди, яъни ташқаридан оғзаки ёки ёзма йўллар билан, телефон сўзлашувлари орқали ёки бошқача усулда судьяларга улар муайян иш бўйича суд қарорларини қабул қилиш чоғида таъсир этишига йўл қўймайди. Судьялар ўз ички эътиқоди ва суд мажлисида текширилган далиллар асосида қарор чиқарадилар. Ҳукм (қарор) қабул қилиш чоғида С.м.с.нинг бузилиши уларнинг бекор қилинишига олиб келади (ЖПК 456-м.).

СУДЬЯНИНГ АЛОҲИДА ФИКРИ — ишга тикилиши керак бўлган ёзма ҳужжат. С.а.ф. суд залида овоз беришда камчиликда қолган судья томонидан тузилади. Алоҳида фикр суд мажлиси залида айтилмайди.

СУММАЛАРНИНГ ИККИНЧИ ЭКСЦЕДЕНТИ ШАРТНОМАСИ — суғурта компаниялари ўртасида суммаларнинг биринчи эксцеденти шартномасига киритиш учун ҳаддан ташқари йирик маблағларни қайта суғурта қилиш бўйича тузиладиган шартнома шакли. Қайта суғурталовчиларнинг таваккалини кўпроқ суғуртачиларга бўлиб ташлаш учун қўлланилади.

СУННА (араб. — одат, анъана, хатти-ҳаракат тарзи) — исломда мусулмонлар учун намуна ҳисобланган Муҳаммад С.А.В.нинг сўзлари,

амаллари, муомаласи ва хатти-ҳаракатлари. Сунна ҳақидаги ривоятлар пайғамбаримизнинг саҳобалари, сафдошлари тилидан ёзиб олинган бир неча минг ҳадисларга жамланган. Сунна исломда Қуръондан кейинги иккинчи манба ҳисобланган ва ҳуқуқий ҳаётнинг Қуръонда кўрсатилмаган у ёки бу ҳолати бўйича низоларни ҳал этишда қўлланилган, уни тўлдирувчи манба, ислом илоҳиёти ва шариатнинг иккинчи асоси сифатида эътироф этилган. Сунна VII аср ўрталарида йиғила бошланган. Бир ярим-икки аср давомида ҳадислар жуда кўпайиб кетган. IX асрга келиб булар бир тизимга солинган ва дин, ахлоқ, фиққнинг муқаддас манбаига айланган. Булардан Бухорий (810—870) ва Муслим (817—875) тўпламлари энг обрўли ҳисобланган. Суннада ривоятлар мавжудлиги билан бирга, араб халифалигининг дастлабки икки асрида ислом дини тараққиёти ва турли ижтимоий қатламлар аҳволини кўрсатадиган тарихий маълумотлар ҳам ўз ифодасини топган.

СУННИЙЛИК — ислом динидаги икки асосий йўналиш (иккинчиси шиалик)дан бири ва энг кенг тарқалгани. Мутахассислар ҳисоблари бўйича, жаҳондаги барча мусулмонларнинг қарийб 90 фоизи суннийликка (қолган 10 фоизи шиаликка) мансуб. Суннийлик тарафдорлари асосан Осиё ва Африкада (Покистон, Бангладеш, Ҳиндистон, Индонезия, Малайзия, Хитой, Афғонистон, Туркия, Арабистон яриморoли ва Форс кўрфазидаги араб давлатларида, Сурия, Ливан, Иордания, Эрон, Шимоли-шарқий ва Ғарбий Африка мамлакатларида), шунингдек, Марказий Осиёда (Тожикистоннинг тоғли районларидан ташқари), Болгария, Югославия, Албания, Кипр ва АҚШда яшайдилар. Бу йўналиш VII асрнинг иккинчи ярмида Арабистонда вужудга келган. VIII—XII асрларда араб халифалигидаги диний-сиёсий курашлар жараёнида исломдаги энг йирик йўналиш сифатида шаклланган. Суннийлар Қуръон билан бирга суннага эътиқод қиладилар. Унда Муҳаммад С.А.В. ва халифа Али билан бир қаторда, шиалик тарафдорлари рад этадиган дастлабки халифалар (Абу Бакр, Умар, Усмон) ҳам эътироф этилади. Суннада 4 та ҳуқуқ мазҳаби мавжуд, улардан ҳанафия билан шофиъия Марказий Осиё ва Россияда яшайдиган мусулмонлар орасида ҳам тарқалган. Сунна исломдаги диний йўналиш сифатида ягона марказга эга эмас. VIII аср охири ва IX аср бошларида суннийлик доирасида тасаввуф, XVIII—XIX асрларда илк даврдаги соф исломга қайтиш тарафдори бўлган диний-сиёсий оқим — ваҳҳобийлик, XIX—XX асрларда эса ислом динини ислоҳ қилиш ва замонага мослаштириш ҳаракати, яъни диний ислоҳчилик ва модернизм вужудга келган. Саудия Арабистонидаги Макка ва Мадина шаҳарлари суннийлик тарафдорларининг ҳар йили зиёрат (ҳаж)га борадиган муқаддас шаҳарлари ҳисобланади, (ҳажга қисман шиалар ҳам боради). Суннийлик исломда ортодоксал эътиқод йўли деб эътироф этиб келинган. Суннийлик билан исломдаги иккинчи асосий йўналиш — шиалик ўртасидаги ҳокимият масаласида (суннийлик халифалик ҳокимияти, шиалик эса имомат тарафдорлари), айрим диний маросим ва анъаналарда (мас., азон, мутъа, шахсей-вахсей, маҳдийлик ва ҳ.к.) бирмунча тафовутлар бор.

СУРА (араб. — тизма, қатор) — фақат Қуръонга хос термин, унинг бўлимлари суралар дейилади, уни шартли равишда боб билан таққослаш мумкин. Қуръонда жами 114 та сура бор. Улар узун ва қисқалиги билан фарқ қилади. Энг узун сура 286 оятдан, энг қисқаси 3 оятдан иборат.

СУРИШТИРУВ — ЎзРда жиноятларни дастлабки тергов қилишнинг (дастлабки тергов билан бир қатордаги) икки шаклидан бири. С. дастлабки терговдан уларни амалга оширувчи органлар ҳамда ушбу органлар бажарадиган процессуал фаолият ҳажми ва муддатлари билан фарқланади. С. органларининг фаолияти улар дастлабки терговни амалга ошириш шарт бўлган ишлар бўйича ҳаракат қиляптиларми ёки дастлабки тергов шарт бўлмаган ишлар бўйича ҳаракат қиляптиларми — ана шунга қараб фарқланади. Дастлабки тергов ўтказиш шарт бўлган жиноятларнинг белгилари бўлганда С. органи жиноят иши қўзгатади ва жиноят-процессуал қонуннинг қоидаларига асосланиб, жиноят изларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш бўйича кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини, яъни кўздан кечириш, тинтув, олиб қўйиш, гувоҳлантириш, ушлаб туриш ва гумон қилинувчиларни, жабрланувчиларни ва гувоҳларни сўроқ қилиш ишларини амалга оширади. Аниқланган жиноят ва бошланган С. ҳақида С. органи дарҳол прокурорга хабар қилади. Кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари бажарилгач, С. органи ишни терговчига ошириши шарт. Дастлабки тергов ўтказиш шарт бўлмаган ишлар бўйича С. органи иш қўзғатади ва жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш учун жиноят-процессуал қонунда назарда тутилган барча чораларни кўради.

СУРИШТИРУВ ОРГАНЛАРИ — ЖПКнинг 38-моддасига мувофиқ, қуйидагилар суриштирув органлари ҳисобланади: 1) милиция; 2) ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари — уларга бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек, ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича; ЎзР Қуролли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлари ёки қисм, қўшилма ё ўқув юрти жойлашган ерда содир этган жиноятларига доир ишлар бўйича; 3) миллий хавфсизлик хизмати органлари — қонунга кўра уларнинг юритишига берилган ишлар бўйича; 4) тарбия колониялари, жазони ўташ колониялари ва тергов ҳибсхоналарининг бошлиқлари — шу муассасалар ходимлари хизматни ўташ белгиланган тартибига қарши қилган жиноятларга доир ишлар, шунингдек, мазкур муассасалар ҳудудида содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар бўйича; 5) давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари — ёнғинларга доир ва ёнғинга қарши қоидаларни бузганликка доир ишлар бўйича; 6) чегарани қўриқлаш органлари — давлат чегарасини бузганликка доир ишлар бўйича; 7) олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари; 8) давлат солиқ ва божхона хизмати органлари — тегишинча солиқ ва божхонага доир қонун ҳужжатларини бузганлик билан боғлиқ ишлар бўйича.

СУҒУРТА — жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалга ошириладиган (қўлланиладиган) фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар бўлиб, муайян ҳодисалар (суғурта тасодифлари) рўй берган ҳолда пул маблағлари фонди ҳисобига манфаати ҳимоя қилинади ва бу маблағлар улар томонидан тўлаб турилади ган бадаллар эвазига фаолият кўрсатади. Суғурта фуқаро ёки юридик шахс ва суғурта ташкилоти ўртасида — мулкий ёки хусусий битимлар асосида амалга оширилади. Шахсий суғурта шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади. Суғурта шартномаси ёзма равишда тузилиши лозим. Ёзма шартномага риоя қилинмаса, суғурта шартномаси ҳақиқий ҳисобланмайди,

бундан мажбурий давлат суғуртаси мустасно. Суғурта ЎзР Фуқаролик кодекси қоидаларига мувофиқ шартнома тузиш воситасида амалга оширилади. Суғурта қилувчи томонидан таклиф қилинган шартларга асосан суғурта қилинувчи суғурта шартномасини тузиши шарт эмас. ЎзР Фуқаролик кодексининг 916-моддасига кўра, ҳуқуққа зид манфаатларга йўл қўйилмайди. Турли лоторея ва бошқа турдаги ўйинларда иштирок этиш натижасида келиб чиқадиган зарарлар учун ҳам суғурта қилишга йўл қўйилмайди.

СУҒУРТА АКТИ — суғурта қилинган мол-мулкнинг зарар кўриш сабаби, миқдори ва аниқ жойи кўрсатилган ҳамда экспертлар хулосаси мавжуд бўлган ҳужжат. Суғурта объекти битта суғурта шартномаси асосида бир неча суғурталарни биргаликда амалга ошириши мумкин. Агар бундай биргаликда тузилган шартномаларда суғурта қилувчилар ҳар бирининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилмаган бўлса, улар суғурта қилинувчилар (манфаатлар) олдида мулкий шартнома бўйича суғурта эвазининг тўланиши ёки шахсий суғурта бўйича суғурта маблағининг тўланишига биргаликда жавоб берадилар.

СУҒУРТА БАДАЛИ — суғурта учун тўлов бўлиб, шартномага мувофиқ ёки қонунга асосан суғурта қилинувчи уни суғурта қилувчига ўтказиши лозим.

СУҒУРТА БРОКЕРЛАРИ — белгиланган тартибда ишбилармон сифатида қайд этилган, суғурта бўйича ўз номидан суғурта қилинувчи ёки суғурта қилувчининг топшириғи асосида воситачилик фаолиятини амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахс.

СУҒУРТА ИЗОҲИ — суғурта шартномасининг шарти бўлиб, ностандарт вазиятларда унинг фаолиятини норматив тартибга солиб турмайди. Масалан, молиялашда қуйи турувчи бюджетларнинг улушли иштироки назарда тутилган пул миқдори.

СУҒУРТА ЙИҒИМИ — йўловчиларнинг йўл ҳақига киритилган суғурта тўлови.

СУҒУРТА КВОТАСИ — бошқа бир суғурта қилувчига улушини бериш.

СУҒУРТА КООПЕРАТИВЛАРИ — истеъмолчи кооператив турларидан бири. Шахсий ва тиббий суғурта, мулк, ер, экин суғурталари бўйича ҳар хил турдаги хизматлар кўрсатиш учун ташкил этилади.

СУҒУРТА НАЗОРАТИ — суғурта муассасалари фаолияти устидан ўрнатиладиган назорат бўлиб, давлат органлари томонидан амалга оширилади.

СУҒУРТА ОБЪЕКТЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ — ЎзРнинг 1996 йил 6 майдаги «Суғурта тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасига биноан, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мол-мулки, моддий бойликлари, жавобгарлик мажбуриятлари, мулкий ҳамда мулкка дахлдор бўлмаган ҳуқуқлари ёки манфаатлари суғурта объектлари ҳисобланади. Суғурта ихтиёрий ва мажбурий шакллларда амалга оширилиши мумкин.

СУҒУРТА ПОРТФЕЛИ — суғурта қилинаётган суғурта объектларининг амалдаги миқдори ёки суғурта жамияти томонидан муайян муддат ичида тузилган шартномаларнинг умумий сони.

СУҒУРТА СЕРТИФИКАТИ — суғурта қилувчига суғурта тузганлиги ва полис берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб, белгиланган тар-

тибда расмийлаштирилган полисига эга бўлган тақдирдагина юридик кучга эга бўлади.

СУҒУРТА СИРИ — хизмат ҳамда тижорат тури. ЎзР ФК 933-моддасига кўра, суғурта қилувчи ўз касбий фаолияти натижасида суғурта қилинувчи, суғурта қилинган шахс ва фойда олувчи шахс, уларнинг соғлиғи ҳамда мулкий аҳволи ҳақида эга бўлган маълумотларни ошкор этишга ҳақли эмас. Суғурта сирини бузганлик учун суғуртачи бузилган ҳуқуқ тури ва унинг бузилиш хусусиятига қараб ЎзР ФКнинг хизмат ва тижорат сирларига доир қоидаларига мувофиқ жавобгарликка тортилади. С.с. бўлган маълумотларни қонунга хилоф усуллар билан олган шахслар етказилган зарарни қоплашлари шарт. С.с.ни меҳнат шартномасига, жумладан, контрактга хилоф равишда ошкор этган ходимлар ҳамда бу ишни фуқаролик-ҳуқуқий шартномага зид равишда қилган контрагентларга ҳам ана шундай мажбурият юклатилади.

СУҒУРТА СУММАСИ — суғурта объектининг қанча миқдорда (суммага) суғурта қилинганидир. Мажбурий сумма суғурта объектининг ҳажми ва таърифи асосида ҳисоблаб чиқилади. Ихтиёрий шахсий суғуртада бу сумма суғурта ташкилоти томонидан белгиланиб, чипта баҳоси таркибига киритилади. Суғурта суммаси суғурта шартномаси ёки қонун билан белгиланган пул миқдори бўлиб, ундан келиб чиққан ҳолда суғурта бадали ва суғурта тўлови белгиланади. Мулкни суғурта қилишда унинг баҳоси суғурта шартномаси тузилаётган пайтдаги миқдордан келиб чиқиб белгиланади ва у суғурта қилинаётган пайтдаги қийматдан юқори бўлмаслиги лозим. Тарафлар суғурта шартномасида белгиланган мол-мулк суғуртаси баҳосини ўзгартиришга ҳақли эмас. Агар суғурта қилинувчи суғурта қилувчини чалкашликка ва хатога йўл қўяётганлигини исботласа, у ҳолда суғурта суммаси истисно қилинади. Башарти, мол-мулк суғуртаси қиймати суғурта шартномасида белгиланган суғурта суммасидан ортиқ бўлса ёки суғурта суммаси шу соҳа қонунига кўра шартнома тузилаётган пайтдаги мол-мулкнинг қийматидан ошиб кетса, шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди. Шахсий суғурта шартномасида суғурта суммаси суғурта қилувчи томонидан суғурта қилинувчининг розилиги билан белгиланади. Суғурта таъминоти суғурта қилинувчига ёки учинчи шахсга, суммасидан қатъи назар, бошқа шартномаларга мувофиқ уларга тегишли бўлган маблағ ҳамда ижтимоий суғурта ва зарарни қоплаш шаклида тўланади. Бунда шахсий суғурта бўйича суғурта таъминоти манфаат кўрсатувчига тегишли бўлган суғурта қилинувчининг вафот этиши муносабати билан ворислик мулки таркибига киритилмайди (ЎзРнинг «Суғурта тўғрисида»ги 1995 йил 6 май қонуни).

СУҒУРТА ТОВОНИ ТЎЛАШНИ РАД ЭТИШ — ЎзРнинг «Суғурта тўғрисида»ги 1993 йил 6 май қонунининг 15-моддасига мувофиқ, суғурта ташкилоти суғурталанувчига суғурта пулини (суғурта товонини) тўлиқ ёки қисман тўлашни рад қилишга ҳақлидир, башарти, суғурта ҳодисаси: а) суғурталанувчининг ёки номига суғурта шартномаси тузилган шахснинг суғурта ҳодисасини келтириб чиқариш учун атайлаб қилган хатти-ҳаракатлари натижасида (ўзининг фуқаролик бурчини бажариш ёки суғурталанувчи ёхуд учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва обрўсини ҳимоя қилиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар бундан мустасно); б) суғурта ташкилотига суғурта объекти ҳақида атайин сохта маълумот-

лар хабар қилиниши оқибатида; в) суғурта шартномасида назарда тутилган бошқа ҳоллар туфайли юз берган бўлса.

СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ — ЎзР ФКнинг 927-моддасига асосан суғурта ёзма шаклда амалга оширилади. Бу талабга риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий эмас деб тан олинишига олиб келади. Суғурта шартномаси битта ҳужжатни тузиш ёки суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига унинг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан суғурталовчи имзолаган, суғурта шартномасининг шартларини ўз ичига олган суғурта полиси (шаҳодатномаси, сертификати, квитанцияси)ни топшириш йўли билан тузилиши мумкин. Бу ҳолда суғурта қилдирувчининг суғурталовчи таклиф этилган шартларда шартнома тузишга рози эканлиги суғурталовчидан кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва суғурта мукофоти тўлаш ёхуд — суғурта мукофоти бўлиб-бўлиб тўланганда биринчи бадални тўлаш орқали тасдиқланади. Суғурталовчи шартнома тузиш чоғида суғуртанинг алоҳида турлари бўйича суғурта шартномаси (суғурта полиси)нинг ўзи ишлаб чиққан стандарт шаклларини қўллашга ҳақли. Суғурта шартномасининг амал қилиши ЎзР ФКнинг тегишли моддалари асосида белгилаб қўйилган.

СУҒУРТА ТАРИФИ — суғурта суммаси ёки суғурта объекти бирлигидан олинадиган суғурта бадали ставкасини акс эттиради. Суғуртанинг мажбурий турлари бўйича суғурта тарифи мажбурий суғурта ҳақидаги қонунларда белгиланади, ихтиёрий шаклдаги шахсий суғурта, мулкни суғурта қилиш ва жавобгарлик суғуртаси бўйича суғурта қилиш суғурта қилувчилар томонидан мустақил равишда ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Суғуртавий тарифнинг аниқ миқдори тарафларнинг келишуви бўйича суғурта шартномаларида белгиланади.

СУҒУРТА ҚИЙМАТИ — суғурта объектининг асл, фактик қиммати. Суғурта қийматини белгилаш турли мамлакатларда ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, жорий қонунчиликда ва амалиётда шаклланган асосларга таяниб фаолият кўрсатади.

Масалан, юкларни суғурта қилишда инглиз амалиётида суғурта қиймати сифатида суғурта қилдирувчи учун юклаш пайтидаги (дастлабки қиймат) ва юклаш бўйича кетган сарф харажатлар қиймати ҳам қўшилган бўлиб, суғурта қилинадиган мулк баҳоси қабул қилинган. АҚШда суғурта қиймати товар юкланаётган пайтда бозор нархида қанча бўлса, шундан келиб чиқиб ҳисобланган ва бу рейснинг бошланиш олдидан аниқланади. Француз қонунида суғурта қиймати товарнинг сотилиш нархи ва юклаш пайтида сарфланган харажатлар, унинг белгиланган жойга етказилиши ва кутилаётган даромад миқдори ҳам қўшиб белгиланган. Германияда эса суғурта қиймати сифатида суғурта ҳодисаси юзага келиши билан товарнинг асл сотилиш қиймати қабул қилинган.

СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИЛАР — юридик шахслар ва муомалага лаёқатли жисмоний шахслар бўлиб, суғурта қилувчилар билан қонунга мувофиқ суғурта шартномалари тузадилар. С.қ. суғурта қилувчилар билан учинчи шахсни суғурта қилиш ҳақида шартномалар тузиш ҳуқуқига эгадирлар. С.қ. суғурта қилувчилар билан учинчи шахсни суғурта қилиш ҳақидаги шартномалар тузиш ҳуқуқига эгадирлар. С.қ. суғурта шартномаларини тузиш пайтида суғурта тўловларини олиш учун жисмоний ёки юридик шахсларни шартномага кўра белгилаши ва уларни ўз хоҳишига кўра суғурта ҳодисаси рўй бергунга қадар ўзгартириши мумкин.

СУҒУРТА ҚИЛУВЧИЛАР — қонунда назарда тутилган, суғуртавий фаолиятни амалга ошириш учун ташкил этилган ва мазкур фаолиятни амалга ошириш учун «Суғурта тўғрисида»ги қонунда белгиланган тартибда лицензия олган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахс. Ишлаб чиқариш, савдо-воситачилик, банк фаолияти бевосита суғурта фаолиятининг предмети бўла олмайди. Суғуртавий фаолиятни суғурта агентлари ва суғурта брокерлари орқали амалга ошириш мумкин.

СУҒУРТАГА ОИД ҲОДИСА — суғурта шартномаси ёки қонунда назарда тутилган, пировардида рўй берган ҳодиса бўлиб, унинг рўй бериши билан суғурта қилувчининг олдида суғурта қилинувчи ёки фойда олувчи учинчи бир шахсга суғурта тўловини тўлаш мажбурияти пайдо бўлади. Мулки суғуртавий ҳодисада суғурта қилинувчи шахс ёки учинчи шахсга доир суғуртавий ҳодиса таъминот шаклида амалга оширилади.

СУҒУРТАНИ ТАЪМИНЛОВЧИ — суғуртани таъминлашда, суғурта хавфини ўз зиммасига олиб ва уни қисман бошқа қайта суғурта компаниясига ўтказиш орқали амалга оширувчи шахс.

СЮЗЕРЕН (фр. guzerain) — ўрта асрларда Ғарбий Европада — ўлкада олий сеньор (қирол, герцог, княз) бўлиб, ўзига қарам вассаллар ҳукмдори ҳисобланган.

СЮЗЕРЕНИТЕТ — феодализм даври учун хос шахсий муносабатлар ва ҳокимият муносабатлари тизими. Бу сюзеренлар (сеньорлар) ва вассаллар ўртасида тузилган ўзаро шартномалар шаклида мавжуд бўлган. С. муносабатлари асосини феодал мулкчиликнинг иерархик тузилиши ташкил этган бўлиб, ҳукмрон синфни бир бутун мужассамлаштирилган ва йирик ер эгалари (қироллар, герцоглар, графлар ва бошқалар)нинг сиёсий (ҳарбий, суд ва бошқа) ишлардаги юқори мавқеини таъминлаган. Марказлашган давлатлар ташкил топиши билан ҳокимият ваколатлари аста-секин қирол қўлида тўплана бошлаган ва у мустақил монархга айланиб қолган. Кучли ва анча заиф бўлган вассаллик давлатларида халқаро-ҳуқуқий муносабатлар ҳам сюзеренитет шаклида тузилган.

СЮРВЕЙЕР (ингл. surveyor) — кемалар ва юкларни кўриб чиқишни амалга оширувчи эксперт. У кемалар ва юклар аҳволи, талофатларга учрагандан сўнг етган зарарлар, кеманинг денгизда суза олиш қобилияти ва бошқалар ҳақида хулоса чиқарган. Сюрвейер кема соҳиби, фрахтачи, юк эгаси, суғурта ва классификацион жамиятлар томонидан таклиф қилиниши мумкин. Суғурта қилинган объектни текширувчи сюрвейер етарли билим ва тажрибага эга бўлиши, тегишли объект текшируви ҳақидаги ҳужжатни малакали расмийлаштиришга ёки ҳалокат сертификатини тузишга лаёқатли бўлиши лозим. Чунки у билан боғлиқ ҳужжатлар содир бўлиши мумкин бўлган суд низолари ёки етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда асос бўлишини назарда тутмоқ лозим.

СЎЗМА-СЎЗ ШАРҲЛАШ (адекват шарҳлаш) — ҳуқуқ нормасини унинг маъноси ва сўзда ифодаланган мазмуни мос келган ҳолларда шарҳлаш (шуниси билан чекловчи ёки кенгайтирилган шарҳлашдан фарқ қилади).

СЎРОҚ ҚИЛИШ — жиноят процессида шахсдан ишнинг юридик аҳамиятга эга бўлган фактик ҳолатлари бўйича маълумотларни сўрашдан иборат тергов ҳаракати. *Гумон қилинувчи (айбланувчи)ни, гувоҳни, жабрланувчини* С.қ. фарқланади.

«Т»

ТАБАРИЙ (Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир (839—923) — араб тарихчиси, фақиҳ, тилшунос. Асли табаристонлик, умрининг кўпини Бағдодда ўтказган. Табарий араб халифалигига тобе бўлган кўпгина мамлакатларни кезиб чиққан. У ўрта аср фанининг бирмунча соҳаларини, хусусан, фиқҳ ҳамда тарихни мукаммал эгаллаган, Қуръон ва ҳадис бўйича йирик асарлар яратган. Асарларида ислом ва араб халифалиги тарихи кенг ёритилган. «Тарихи Табарий» номли асари муҳим тарихий манба ҳисобланади. Шунингдек, у Қуръоннинг 30 томлик йирик тафсири муаллифи.

ТАБАҚА — давлат ва ҳуқуқ тарихида қонунда ёки урф-одатда мустаҳкамланган ва мерос тариқасида ўтказиладиган ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлган ижтимоий гуруҳ. Одатда бир неча Т.ни ўз ичига оладиган табақачилик ташкилоти учун уларнинг ҳолати ва имтиёзларида тенгсизликни ифодалайдиган иерархия хосдир. Табақачилик ташкилотининг классик намунаси — феодал Франциядир, унда XIV—XV асрларда жамият олий Т.ларга (дворянлар ва руҳонийлар) ва имтиёзсиз учинчи Т.га (ҳунармандлар, савдогарлар, деҳқонлар) бўлинган. Ҳозирги кунда ҳам айрим давлатларда табақачилик анъаналари сақланиб қолган.

ТАБАҚАЧИЛИК ВАКИЛЛИГИ — вакиллик ҳокимияти ташкил топиши тамойили, унга кўра вакиллик муассасалари депутатлари мамлакат барча аҳолисини ёки айрим ҳудудий қисмларини эмас, балки ёпиқ ижтимоий гуруҳларни — табақаларни тақдим этади, депутатлар ана шу табақалардан бевосита сайланган (ёки тайинланган). Т. в. тарихий жиҳатдан вакилликнинг биринчи тизими бўлган (Ғарбий Европада дастлабки табақачилик-вакиллик монархиялари XII асрдаёқ вужудга келган) ва Европанинг кўпгина давлатларида XX асргача амал қилган, сўнгра миллий вакилликка ўрин бўшатган. Ҳозирги вақтда, масалан, Буюк Британия парламенти Лордлар Палатаси Т.в.нинг рудименти ҳисобланади, унда меросхўр ва шахсан руҳоний ҳамда дунёвий лордлар, яъни руҳонийлар ва дворянлар вакиллари мажлис қилади.

ТАБИАТ-ҚЎРИҚХОНА ФОНДИ ЕРЛАРИ — ботаника, дендрология, табиий (миллий) боғлар, табиат ёдгорликлари, қўриқхоналар ерлари. Т.-қ.ф.е. таркибига, табиат мажмуаси ва объектлари билан алоҳида экологик, илмий, эстетик, маданий ва рекреацион аҳамиятга эга бўлган ер участкалари киритилади. Қўриқхоналар ва қўриқхона зоналаридаги табиий (миллий) парклар ерида ЎзР қонунларида назарда тутилмаган ва табиат мажмуалари ҳамда объектларини ўрганиш ва сақлаш билан боғлиқ бўлмаган фаолият ман этилади. Бошқа табиий қўриқхона фонди ерларида улар учун белгиланган тартибига мувофиқ чекланган рекреация ва хўжалик фаолиятига йўл қўйилади. Табиий миллий парк ҳудудининг қисми Т.-қ.ф.е.га кирмайдиган бошқа даражали ерларга жойлашиши мумкин. Кам сонли халқлар ва этник гуруҳларнинг хўжалик фаолияти ва яшаш жойларида ЎзР қонунчилигида назарда тутилган, табиат-қўриқхона фонди ерларига анъанавий интенсив табиатдан фойдаланиш қўриқланаётган табиат мажмуаларини антропоген транформациясини келтириб чиқармайдиган ҳолларда йўл қўйилиши мумкин.

ТАБИАТ ОБИДАЛАРИ — табиатнинг кам учрайдиган, ноёб объектлари. Т. о. қонун муҳофазасига олинган.

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — қулай экологик шароитни яратиш, сақлаш ва яхшилашга қаратилган давлат ва жамоат чора-тадбирлари тизими. ЎзРнинг 1992 йил 9 декабрдаги «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни 3-моддасига мувофиқ, унинг мақсадлари қуйидагилардан иборат: инсон саломатлиги учун, экологик мувозанатни сақлаш учун, республикани самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва уни ишдан чиқармайдиган қилиб фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш; жонли табиат турлари ва генетик фонди бойлигини сақлаб қолиш; экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш; экология хавфсизлигини таъминлаш; табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни асраб қолиш (яна қаранг: *Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, Табиатнинг ҳуқуқий муҳофазаси*).

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ШАРТНОМА — ЎзРда 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ва бошқа экологик қонунлар билан тартибга солинади. ЎзР тузган халқаро шартномада ушбу қонундагидан ёки ЎзРнинг табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа қонун ҳужжатидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. ЎзРнинг қонунларида бирмунча қаттиқ талаблар белгиланган ҳоллар бундан мустаснодир. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро шартноманинг асосий мақсади ва вазифаси халқаро миқёсда экологик мувозанатни яхшилаш, экологик жиноятчиликка қарши курашиш ва олдини олиш, халқаро миқёсда экологик қонунларни мустаҳкамлашдан иборатдир.

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР — заказник ерлари (овчиликдан ташқари), тақиқланган ва балиқ урчишини ҳимоя қилиш минтақалари; ҳимоя функциясини бажарувчи, ўрмон билан қопланган ерлар; табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш тизимидаги бошқа ерлар, табиий ёдгорликлар бўлган ерлар. Алоҳида илмий ва маданий қимматга эга бўлган табиий объектлар, уларнинг атрофидаги ер участкалари табиатни муҳофаза қилишга мўлжалланган ер таркибига қўшилади (ноёб ва типик ландшафтлар, ўсимликлар ва ҳайвонот организмлари туркуми, ноёб геологик бойликлар, ўсимликлар ва ҳайвонот турлари). Табиатни муҳофаза қилишга мўлжалланган ерларга уларда белгиланган тартибга риоя қилиш шароитида чекланган хўжалик фаолиятига йўл қўйилади. Кам сонли халқлар ва этник гуруҳлар яшаш жойларида табиатни муҳофаза қилишга мўлжалланган ерларда буғулар боқишга йўл қўйилади. Дарё ва сув ҳавзаларига, сувни муҳофаза қилиш зоналари белгиланади, уларнинг чегаралари махсус ахборот белгилари билан жойларга биркитилади. Ижарага олувчилар, ердан фойдаланувчилар, ер эгалари ва ер мулкдорларининг зона атрофидаги ер участкалари олиб қўйилмайди. Белгиланган тартибга риоя қилиш билан бу участкалардан фойдаланишга йўл қўйилади.

ТАБИАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ — табиатни муҳофаза қилишга қаратилган юридик нормаларда қайд этилган, инсон ҳаёт шароитини яхшилашга йўналтирилган давлат чора-тадбирлари мажмуи (яна қаранг: *Табиатни муҳофаза қилиш, Атроф муҳитни муҳофаза қилиш*).

ТАБИИЙ КАМАЙИШ — тегишли юкларга хос бўлган табиий хоссалар — қуриш, тўкилиш, оқиб кетиш ва ш.к. оқибатида юзага келадиган юкларнинг оғирлигидаги етишмовчилиги. Юкнинг табиий хоссалари оқибатида унинг оғирлигининг камайиши одатда суғурталарнинг стандарт шартларидан чиқарилади, аммо суғуртанинг «зарар юз беришига олиб келадиган ҳар қандай сабаблар» шарти билан қопланади.

ТАБИИЙ МОНОПОЛИЯ — товар бозорининг ушбу бозордаги талабни қондириш, ишлаб чиқаришнинг технологик хусусияти туфайли (ишлаб чиқариш ҳажми ошган сари товар бирлигига сарфланадиган ишлаб чиқариш харажатлари кескин пасайиши билан боғлиқ равишда) рақобат бўлмаган шароитда самаралироқ бўладиган, табиий монополия субъектлари ишлаб чиқарадиган товарларни эса истеъмолда бошқа товарларга алмаштириб бўлмайдиган, шу боис ушбу товар бозорида табиий монополия субъектлари ишлаб чиқарадиган товарларга бўлган талаб мазкур товарнинг нархи ўзгаришига бошқа товарларга бўлган талабларга қараганда энг кам даражада боғлиқ бўладиган ҳолати. Табиий монополия субъекти табиий монополия шароитида товарларни ишлаб чиқариш (сотиш) билан банд бўлган хўжалик юритувчи субъект (юридик шахс)-дир.

ТАБИИЙ ҲУҚУҚ — давлат ва ҳуқуқ назариясида инсон табиатидан келиб чиқувчи ва шу туфайли муайян давлатнинг қонунлар орқали тан олишига ёки тан олмаслигига боғлиқ бўлмаган принциплар, қоидалар, ҳуқуқ ва қадриятлар мажмуасини билдирувчи тушунча.

Республикамиз аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлод учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга. Ана шу мақсадда мамлакатимиз аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш, атроф муҳитнинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга.

ТАВСИФ — шарҳ, изоҳ; бирор матн ёки китобнинг маъносини шарҳлаш.

ТАВСИФНОМА — шахснинг хизмат, жамоат ва бошқа фаолиятларидан гувоҳлик берувчи расмий ҳужжат.

ТАДБИРКОРЛИК — амалда қабул қилинган қонунлар доирасида корхона, фирма ташкил қилиш, фойда олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи фаолият. Тадбиркорлик фаолияти бир ёки бир неча хусусий ва ҳуқуқий шахслар мулкларини ёки қарзга олган мулк, тўлов воситаларини ишга солиш орқали амалга оширилади. ЎзРда тадбиркорлик фаолиятининг соҳиблари: 1) республика фуқаролари; 2) бир гуруҳ фуқаролар (меҳнат жамоалари ва бошқалар); 3) чет эллик фуқаролар ёки хусусий шахслар; 4) фуқаролиги бўлмаган шахслар; 5) қўшма мулк эгалари.

Тадбиркор иқтисодий фаолиятнинг барча турлари билан шуғулланиши, жумладан, ЎзР Конституциясига зид бўлмаган ва қонун чиқарувчи актлар билан тақиқланмаган инновацион ва маслаҳат фаолияти кўрсатиши ҳам мумкин. ЎзРда Т.нинг ташкил қилиниши, фаолият кўрсатиши ва ривожланиши ҳуқуқий асослари 1993 й. 7 майда имзоланган «ЎзРда тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунда белгиланган.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ — ижтимоий, иқтисодий муноса-

батларда шахс қонун асосида иштирок этишининг бир кўриниши. ЎзР қонунчилигида шахснинг ҳар томонлама фаолият кўрсатиши учун зарур ҳуқуқий асослар яратилган. Жумладан, ЎзРнинг «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги 1999 йил 14 апрелда чиқарилган қонуни айнан шу тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиб берди. Қонуннинг 3-моддасида «Тадбиркорлик»ка «тадбиркорлик фаолияти»га) — қонун ҳужжатларига мувофиқ даромад (фойда) олишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) йўли билан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида амалга ошириладиган фаолият сифатида таъриф берилган. Тадбиркор эса — юридик шахс ташкил этган ҳолда ҳам, ташкил этмасдан ҳам тадбиркорлик фаолияти билан доимий асосда шуғулланувчи жисмоний шахсдир. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари, қонун ҳужжатларга мувофиқ, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар, шу жумладан, чет эл фуқаролари ёки юридик шахслари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиши мумкин. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари, шунингдек, қонунларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлишлари мумкин эмас. Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти қонун асосида белгилаб берилган. Масалан, ЎзР ФКнинг нормалари асосида ўзаро мулкий ёки номулкий муносабатларнинг қонуний асослари орқали тадбиркорлик фаолиятлари амалга оширилади.

ТАДБИРКОРЛИК ЭРКИНЛИГИ — кишиларнинг демократик жамиятдаги иқтисодий эркинликларидан бири. Бу инсоннинг ўз қобилиятини ўзи билганча тадбиркорликка ишлатишини, завод, фабрикаларга эга бўлишини, олган фойдасини ўзи истаганча ишлата олиши мумкинлигини кўзда тутади.

ТАЙЁРЛОВЧИ (ИЖРОЧИ, СОТУВЧИ) ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ — тайёрловчи истеъмолчига ўз корхонаси номи ва жойлашган манзили тўғрисида тақдим қиладиган маълумот. Бундан ташқари, савдо корхоналари ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ўз фаолияти соҳаси ташкилий шакли ва иш тартиби ҳақида маълумот беради.

ТАЙМ-ЧАРТЕР — кемани муайян вақтга фрахт қилиш, яъни ижарага олиш тўғрисида тузилган денгиз орқали ташиш шартномаси. Одатдаги тайм-чартер шартига кўра, кема эгаси кемани соз ҳолда сақлайди, экипажга маош тўлайди ва уни овқатлантиради, фрахт қилувчи эса кемадан фойдаланишнинг қолган харажатларини (ёнилғи, турли йиғимлар ва ҳ.к.) қоплайди.

ТАЙМШИТ — хорижда юкларни денгиз орқали ташишда кеманинг юк билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш учун туриш вақтини ҳисобга оладиган ҳужжат бўлиб, кема маъмурияти ва жўнатувчининг вакиллари томонидан тасдиқланади. Т. сталий вақтидан фойдаланишни тасдиқлайди ва демереж ёки диспачни ҳисоблаш учун асос бўлади.

ТАКСА (лот.) — товарга белгиланган аниқ нарх ёки иш ва хизматларга тўланадиган ҳақнинг белгиланган ҳажми.

ТАКСАЦИЯ (лот. — нарх белгилаш) — таксани, яъни товарлар баҳосини ёки хизмат ҳақини ва меҳнат харажатларини аниқлаш.

ТАКТИК ҚОИДАЛАР — криминалистикада процедура, методик ху-

сусиятга эга бўлган намунали, формаллашган, муқобилсиз актлар бўлиб, терговчининг тактик усуллар билан бир қаторда, тергов ҳаракатини тайёрлаши ва ўтказишида рўёбга чиқади. Т.қ. тавсиявий хусусиятга эгадир.

ТАКТИК ОПЕРАЦИЯ — криминалистикада терговчи юзага келган шароитда терговнинг аниқ вазифасини ҳал этиш учун амалга ошириладиган нисбатан мустақил ва ўзига хос ҳаракатлар тизими. Т.о. қуйидаги асослар бўйича амалга оширилади: Т.о. амалга ошириладиган шароитлардаги тергов вазиятлари хусусияти, исботлаш предметига муносабати, ҳаракатлар хусусияти ва мазмуни, тергов босқичларига муносабати, бажариладиган вазифалар мазмуни, ташкилий тузилиши, умумийлик даражаси, тергов қилинадиган ишлар хусусияти, иштирокчилари, амалга ошириладиган жойи, ҳаракатлар амалга ошириладиган вақти ва ҳ.к.

ТАКТИК УСУЛ — криминалистикада вазиятга мос бўлган объектга (объектив фаолият фрагментига, ҳужжат, предмет, инсонга) нутқ ёрдамида ва сўзсиз таъсир этиш усули бўлиб, ахборотни самарали тўплаш ва ундан фойдаланишга, тергов ҳаракатини тайёрлаш ва ўтказишда бошқа вазифаларни ҳал этишни оптималлаштиришга ёрдам беради.

ТАЛАБГОР — олий касбий маълумотга эга, аспирантура ва (ёки) докторантураси бўлган ташкилот ёки муассасага бириктириб қўйилган ва аспирантурада ўқимасдан фан номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация тайёрлаётган ёки фан номзоди илмий даражасига эга ва фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тайёрлаётган шахс.

ТАЛАБНИ БОШҚА БИРОВГА ЎТКАЗИШ (цессия) — фуқаролик ҳуқуқида кредитор (цедент)нинг ўзига тегишли ҳуқуқни бошқа шахсга (цессионарийга) бериши. Т.б.б.ў.га, агар у қонунга, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ёки шартномага зид бўлмаса, йўл қўйилади. Кредитор шахси қарздор учун катта аҳамиятга эга бўлган мажбурият бўйича қарздор розилигисиз Т.б.б.ў.га йўл қўйилмайди. Оддий ёзма ёки нотариал шаклда тузилган битимга асосланган Т.б.б.ў. тегишли ёзма шаклда амалга оширилиши керак. Давлат рўйхатидан ўтказишни талаб этувчи битим бўйича Т.б.б.ў., агар қонунда бошқа қоида белгиланмаган бўлса, ушбу битим белгиланган тартибда қайд этилиши керак. Ордер қимматбаҳо қоғози бўйича Т.б.б.ў. ушбу қимматбаҳо қоғозда индоссамент йўли билан амалга оширилади. Талабни бировга ўтказган дастлабки кредитор янги кредитор олдида унга берган талабининг ҳақиқийлиги учун жавоб беради, лекин қарздор ушбу талабни бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди. Дастлабки кредитор янги кредитор олдида қарздор учун кафиллик олган ҳол бундан мустасно.

ТАЛИОН (лот. talio /talionis — кучи бўйича жиноятга тенг бўлган/қасос) — илк синфий жамиятда жазонинг етказилган зарарга аниқ мос келишига асосланган жиноий жавобгарлик принципи («кўз ўйганнинг кўзини ўйиш, тиш синдирганнинг тишини синдириш»).

ТАЛОҚ (араб. — озод бўлмоқ, ажралмоқ) — шариатда эр томонидан эълон этилиб, никоҳнинг бекор қилиниши. Исломда талоқ қилиш ҳуқуқи эркакларга берилган. Шу билан бирга, аёллар ҳам талоқ талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шариатда иккинчи талоқдан кейин ҳам эр-хотинни қайтадан яраштиришга рухсат этилган, учинчи талоқдан кейин эса бунга йўл қўйилмайди.

ТАЛОН (фр. talon) — 1) бирон нарсани олиш ҳуқуқини тасдиқловчи назорат ҳужжатининг тури; 2) ҳужжатнинг чек, ордер ва бошқа ҳужжатлар жамланган китобча корешогида қолдириладиган нусхаси (дубликати); қимматбаҳо қоғоз (акция ва б.)нинг асосий қисми.

ТАЛЬМАН — юкни кемага ортиш ва ундан тушириш билан шуғулланувчи шахс. Одатда Т. хизматидан юк ўринлари ҳисоби бўйича ташиладиган юкларни қабул қилиш ва топшириш чоғида фойдаланилади. Хорижий мамлакатлардаги йирик портларда қасамёд қилган ҳисобчилар ташкилотлари мавжуд. Юкларни ҳисоблаш ҳужжатлари асосида юклар етишмовчилигига дахлдор талаб ва даъволар текширилади.

ТАЛЬМАН ТИЛХАТИ — юкнинг кемага олинаётган ёки белгиланган портда топширилаётган пайтдаги миқдорини ва аҳволини тасдиқловчи юк ҳужжати.

ТАМҒА (турк.-мўғ.) — дастлаб мўғулларда молларга эгалик ҳуқуқини белгилайдиган махсус белги (клеймо, тавро); кейинчалик муҳр (шунингдек, муҳрнинг изи), хон муҳри қўйилган ҳужжат ёки ёрлиқ. «Т.» термини XIII асрда мўғуллар истило қилган барча мамлакатларда кенг тарқалган. Ўрта Осиёда, Кавказорти мамлакатларининг айримларида, Яқин ва Ўрта Шарқда мўғуллар жорий этган ва савдо, ҳунармандчилик, турли хил касб эгаларидан олинадиган пул солиғи ҳам «Т.» атамаси билан ифодаланган эди. Т. XVI асрнинг 70-йилларига қадар мавжуд бўлган (Эронда 1565 йилда бекор қилинган).

ТАМҒАЛАШ — олис замонлардан XIX асргача шарманда қилувчи жазо тури; жиноятчининг баданига тамға (белги) босиш (Россияда — «ўғри», «қароқчи» ва бошқалар; XIV асрдан маълум, 1863 йилда бекор қилинган).

ТАМОМ БЎЛГАН ЖИНОЯТ — ЖКнинг Махсус қисми саккизинчи бўлимига мувофиқ, муайян жиноят таркибининг барча зарур аломатларини ўз ичига оладиган ижтимоий хавфли қилмиш. Муайян жиноятнинг тамом бўлиш муддати қонунда белгиланган ва жиноят таркибининг қонунчилик тизимига боғлиқ. Қонунчилик тизимига кўра, ҳамма жиноят таркиблари икки турга бўлинади: 1) формал, яъни жиноий оқибат келиб чиқишидан қатъи назар, ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этилиши вақтидан бошлаб тамомланган деб тан олинган жиноятлар; 2) моддий, яъни ижтимоий хавфли жиноят билан сабабий боғланишга эга жиноий оқибатларнинг содир этилиши вақтидан бошлаб тамомланган деб тан олинган жиноятлар.

ТАМОМ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТ — бирор сабаб туфайли ҳали охирига етказилмаган, яъни тамом бўлмаган жиноят. Суд Т.б.ж. учун жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилган ҳолда жиноятнинг оғир-енгиллигини, жиноий ният амалга оширилиши даражасини ва жиноятни охирига етказа олмаганлик сабабларини ҳам ҳисобга олади.

Иштирокчиликда содир этилган жиноят учун жазо тайинлашда суд ҳар қайси айбдор жиноятда иштирок этганлик хусусияти ва даражасини ҳисобга олади. Ҳар қайси иштирокчи шахсига тегишли бўлган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар суд томонидан фақат иштирокчининг ўзига жазо тайинлашда ҳисобга олинади.

ТАМОМ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ — суд тамом бўлмаган жиноят учун жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг

умумий асосларига амал қилган ҳолда жиноятнинг оғир-енгиллигини, жиноий ният амалга оширилишининг даражасини ва жиноятни охирига етказа олмаганлик сабабларини ҳам ҳисобга олади. Ушбу ҳолат билан боғлиқ масалалар ЎзР ЖКнинг XI боби, 54—63-м.ларида муфассал ёритилган.

ТАН ЖАЗОЛАРИ — антик ҳамда ўрта аср ҳуқуқида маҳкумга жисмоний азоб беришдан иборат бўлган жазо чораси. Тилни кесиб ташлаш, бурун катакларини йиртиш, қўл-оёқларни чопиб ташлаш каби аъзоларга шикаст етказувчи; қамчи, хивчин, калтак билан уриш каби оғритувчи, бадном қилувчи, устунга боғлаш каби шармисор этувчи чоралар қўлланилган. Бир қатор мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда XX аср бошларигача мавжуд бўлган.

ТАНИБ ОЛИШ УЧУН КЎРСАТИШ — жиноят процессида гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг бирор шахс ёки нарса тўғрисидаги кўрсатувини текшириб кўриш учун амалга оширилувчи тергов ҳаракати. Т. о. у. к. қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: 1) кўрсатув муайян бир шахс ёки муайян бир нарсага оид эканлигини аниқлаш зарур бўлганда; 2) суриштирувчи, терговчи ёки судга маълум бўлган кўплаб шахс ёки нарсалар орасидан кўрсатувда тасвирлаб берилган шахс ёки нарсани топиш зарур бўлганда. Т. о. у. к. тартиби жиноят-процессуал қонунлар томонидан тартибга солинади (ЖПКнинг 14-боби, 125—131-моддалар).

ТАНТЬЕМА (фр.) — 1) акционерлик жамиятлари ва баъзи бир бошқа турдаги тижорат ташкилотлари директорлари, бошқарув аъзолари ва раҳбар ходимларга соф фойдадан ҳисобланадиган фоизлар шаклида тўланадиган қўшимча мукофот. Т. капиталнинг акционерлик шакли ривожланиши билан кенг тарқалди. Т. соф фойданинг солиқларни тўлагандан ҳамда резерв капиталга ажратмаларни ва компания ривожланишига мўлжалланган маблағни ажратгандан сўнг қолган қисмидан тўланади. Т.ни тўлаш ҳақидаги таклифни директорлар кенгаши киритади ва акционерлар умумий йиғилишида тасдиқланади. Ўзбекистонда Т. 1926 йилгача мавжуд бўлган, сўнгра мукофотлаш тизимига алмаштирилган. Ҳозир Т. акционерлик жамиятлари ривожланиши билан қайта тикланяпти; 2) қайта суғурта қилувчининг қайта суғурта қилинувчини қайта суғурта қилиш шартномасида иштирок этиш имконини берганлиги ва ишни эҳтиёткорона олиб борганлиги учун рағбатлантириш шакли. Т. ҳақидаги қоида қайта суғурталаш тўғрисидаги шартномаларнинг кўпчилигида бўлади. Т. ҳар йили суғурта қилувчининг ўзи иштирок этган қайта суғурта қилиш шартномаларини тузишдан олган соф фойдасининг муайян фоизи шаклида тўланади.

ТАРА ТАРИФИ — қоидага кўра, юксиз идишларни ташишда оддий ставкалар даражасидан паст бўлган ставкалар.

ТАРИФ (фр.) — корхона, ташкилот, муасасса ва аҳолига кўрсатиладиган турли хил ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш хизматлари учун белгиланган тўлов ставкалари тизими. Т. тоифасига, шунингдек, ҳар бир турдаги ишнинг баҳоси белгиланишига асос бўладиган меҳнатга ҳақ тўлаш ставкаларининг тизими, давлат суғуртаси учун бадаллар ставкалари тизими ҳам киради. Ташқи савдони тартибга солишнинг классик қуроли — божхона тарифи.

ТАРИФ БЕЛГИЛАШ — солиқ солинадиган ёки тўлов ундириладиган

объектларни таснифлашнинг у ёки бу шакли асосида м-н, иш ҳақига тариф белгилаш.

ТАРИФ ДАРАЖАСИ (тури) — тариф жадвалининг асосий элементларидан бири. Ишчи малакасига мувофиқ берилади. Т.д.ни бериш учун қўйиладиган талаблар тариф — малака маълумотномасида белгиланган.

ТАРИФ ИМТИЁЗЛАРИ (тариф преференциялари) — ЎзР савдо сиёсатини ўтказишда ЎзР божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарга нисбатан илгари тўланган божни қайтариш, бож тўлашдан озод қилиш, бож ставкасини пасайтириш, товарни преференциал тарзда олиб киришга тариф квоталари белгилаш шаклида ўзаро манфаатли шартлар асосида ёки бир томонлама тартибда бериладиган имтиёзлар.

Товарларга нисбатан Т.и. ЎзРнинг «Божхона тарифлари тўғрисида»ги 1997 йил 26 декабрь қонуни билан белгиланади ва ушбу қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари вазиятларда (м-н, агар улар ЎзР иштирокчиси бўлган ҳукуматлараро битимда назарда тутилган бўлса) индивидуал хусусият касб эта олмайди. Т.и. фақат ЎзР ҳукумати қарорига кўра ва у белгилаган тартибда берилади.

«Божхона тарифи тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасига биноан, қуйидагилар бож тўлашдан озод этилади: а) юклар ва йўловчиларни, шунингдек, улардан йўлда ҳаракатланаётган вақтда, оралиқ тўхташ жойларида нормал фойдаланиш учун зарур бўлган ёки ушбу транспорт воситалари бузилиб қолганда сотиб олинган моддий-техника таъминоти буюмлари ва жиҳозларни, ёнилғи, озиқ-овқат ва бошқа буюмларни давлатлараро ташувчи транспорт воситалари; б) моддий-техника таъминоти предметлари ва жиҳозлари, ёнилғи, озиқ-овқат ҳамда Ўзбекистоннинг ва ўзбекистонлик шахсларнинг ёллаган (кира қилган) кемалари фаолиятини таъминлаш учун ЎзР божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиладиган бошқа буюмлар, шунингдек, улар ишлаб чиқарган ва ЎзР божхона ҳудудига олиб кириладиган маҳсулот; в) хорижий давлатларнинг вакиллари, бундай буюмларни ЎзРнинг халқаро битимлари ёки ички қонунлари асосида божсиз олиб кириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар расмий ёки шахсий фойдаланиш учун ЎзР божхона ҳудудига олиб кирадиган ёки ушбу ҳудуддан олиб чиқадиган товарлар; г) ЎзР қонун ҳужжатларига биноан, ЎзР валютаси, хорижий валюта (нумизматика мақсадларида фойдаланиладиган валютадан ташқари) ҳамда қимматбаҳо қоғозлар; д) ЎзР қонунларида назарда тутилган ҳолларда давлат мулкига айлантирилиши лозим бўлган товарлар; е) ЎзР божхона ҳудудига олиб кириладиган ва ушбу ҳудуддан олиб чиқиладиган инсонпарварлик ёрдами сифатида, авария ва фалокатлар, табиий офатлар оқибатларини тугатиш мақсадида ишлатиладиган товарлар; бепул ўқув, мактабгача тарбия ва даволаш муассасалари учун мўлжалланган ўқув қуроллари; ж) бепул ёрдам ва (ёки) хайрия мақсадларида давлат, ҳукумат, халқаро ташкилотлар йўналишида, жумладан техник ёрдам кўрсатиш мақсадида ЎзР ҳудудига олиб кириладиган ва (ёки) ушбу ҳудуддан олиб чиқиладиган товарлар; з) ЎзР божхона ҳудуди орқали транзит режимида божхона назоратида олиб ўтиладиган ва бошқа мамлакатлар учун мўлжалланган товарлар; и) ЎзР божхона ҳудуди орқали жисмоний шахслар томонидан олиб ўтиладиган ва ЎзР божхона кодексига мувофиқ ишлаб чиқариш ва бошқа тижорат фаолияти учун мўлжалланмаган товарлар. «Божхона тарифи тўғрисида»ги қонунда кўрсатилган бошқа товарларга нисбатан

уларни божлардан озод қилишдан ташқари бошқа турдаги Т.и. қўлланилиши мумкин.

ТАРИФ КОЭФФИЦЕНТИ — меҳнат ҳуқуқидаги соатбай ёки кундузги тариф ставкасининг биринчи даражасига (разрядига) мувофиқ бир бутун ҳисобланган (қабул қилинган) муносабат. Ушбу тариф сеткаси бўйича тўланадиган иш ва ишчиларнинг ўртача Т.к. ишларнинг мураккаблик даражаси ҳамда ишчиларнинг малакасини таснифлайди.

ТАРИФ СЕТКАСИ — турли хил тариф разрядига мансуб ходимлар тариф ставкаларининг (1-разряд ставкасига нисбатан) муносабатини тариф коэффицентлари шаклида белгиловчи шкала.

ТАРИФ СТАВКАСИ — ишчига бир соат ёки бир кунлик меҳнати учун тўланадиган иш ҳақининг ҳажми. ЎзРда турли малакага эга бўлган ишчилар Т.с.нинг дастлабки даражаси тариф тизимида белгиланиб, 1-разряд Т.с.ни ташкил этади.

ТАРИФ ТИЗИМИ — 1) ходимларнинг иш ҳақи даражасини уларнинг малакаси, меҳнатининг серунумлиги, хусусияти ва шароитга, улар бажарадиган ишнинг масъулиятлилигига, ишлаб чиқариш тармоги, корхоналарнинг ҳудудий жойлашиши, қўлланиладиган иш ҳақининг шаклларига кўра табақалаштириш ва тартибга солишга асос бўладиган нормативлар мажмуаси; 2) юк ва йўловчи ташиш транспорт ставкалари (тарифлари) тизими.

ТАРИФ-КВАЛИФИКАЦИЯ ЛУҒАТИ — муайян тармоқда бажариладиган ишлар рўйхатини, бу ишларнинг квалификация хусусиятини, ишчининг билим даражаси, ишлаб чиқариш маҳорати, усуллари ва бошқаларга қўйиладиган талабларни ўз ичига олувчи норматив ҳужжат.

ТАРИФЛАР ВА САВДО БЎЙИЧА БОШ БИТИМ — сўнгги йилларда халқаро ташкилот белгиларига эга бўлган механизм қарор топиши учун асос бўлган йирик савдо шартномаси (1994 йилда Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти — БЖСТ номига эга бўлди).

ТАРИХ ЁКИ МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ НОБУД ҚИЛИШ, БУЗИШ ЁКИ УЛАРГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ — ЎзР жиноят қонунларига биноан, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноят тури. Давлат муҳофазасига олинган тарих ёки маданият ёдгорликларини қасддан нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш жарима ёки ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд қамоқ билан жазоланади. Агарда бундай ҳаракатлар кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, жарима ёки озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (ЎзР ЖК 132-модда).

ТАРИХИЙ БЎҒОЗЛАР — 24 денгиз милидан юқори кириш кенглигига эга бўлган тарихан юзага келган шароитларга кўра узоқ вақтлардан буён бир давлатнинг назорати остида бўлган ва бўладиган ҳамда у томонидан ички сувлардек қараладиган бир давлатнинг қирғоқлари ўртасидаги бўғозлар. Бундай бўғозларнинг мавжудлиги 1958 йилдаги Ҳудудий денгизлар ва унга тааллуқли ҳудуд тўғрисидаги конвенциянинг 7-моддаси 6-банди билан ва 1982 йилдаги БМТнинг Денгиз ҳуқуқи бўйича Конвенциясининг 10-моддаси 6-банди билан тан олинади. «Тарихий бўғозлар» тушунчаси тарихан таркиб топган (уларнинг номланиши шундан) ва халқаро ҳуқуқий қоидалар асосида қўлланилади, бироқ тарихий бўғозлар мақоми миллий қонунчилик билан белгиланади. Тарихий бўғозларга Буюк Пётр, Гудзон бўғозлари мисол бўлади.

ТАРИХИЙ СУВ ҲАВЗАЛАРИ — халқаро ҳуқуқ доктринасида ва давлатлар амалиётида белгиланган ҳолатларда давлатлар тарихий асослар бўйича уларнинг қирғоқларига туташ бўлган баъзи сув ҳавзаларига ҳуқуқлари бўлиши мумкинлиги тан олинади. Тарихий сув ҳавзаларига давлатнинг ички сув ҳавзаларига режими татбиқ қилинади. Тарихий сув ҳавзалари қўлтиқлар, кўрфазлар, лиманлар, бўғозлар ва ҳатто денгиз сув ҳавзалари бўлиши мумкин. Сув ҳавзаларини тарихий деб эълон қилишнинг асослари қуйидагилар: давлатнинг ушбу сув ҳавзалари устидан ҳукмронлигининг амалга оширилиши, бундай ҳукмронликнинг узоқ вақт давомида амалга оширилганлиги, сув ҳавзаларининг географик жойлашуви ва конфигурацияси, давлат учун бу сув ҳавзаларининг иқтисодий ва мудофаа аҳамияти.

ТАРИХИЙ ШАРҲЛАШ — ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш тури бўлиб, шарҳланаётган норма мазмунини илгари амалда бўлган норма билан қиёслаш ёки уни ишлаб чиқиш билан боғлиқ тайёрлов материалларини ўрганиш зарурати туфайли пайдо бўлган шароитда қўлланилади. М-н, у ёки бу конституциявий норманинг маъноси ва мазмуни давлат конституциясини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнини акс эттирувчи ҳужжатларни ўрганиш орқали аниқланади.

ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР — тарихий-маданий ёдгорликлар, диққатга сазовор жойлар, шу жумладан, қўриқхоналар, миллий боғ, тарихий-маданий қўриқхоналар деб эълон қилинган, шунингдек, маданият муассасалари эгаллаган, у билан боғланган анъанавий халқ бадиий ҳунармандчиликлари, ҳунар ва бошқа амалий санъат жойлашган ерлар.

ЎзР қонунчилигига асосан, тарихий-маданий ёдгорликларга мўлжаллаб белгиланган алоҳида ерлардан уларнинг асосий мақсадига мувофиқ тартибда фойдаланилади. Тарихий-маданий ёдгорликларга мўлжалланган ерларни уларнинг асосий мақсадига тегишли бўлмаган заруратлар учун ва ҳар қандай белгиланган мақсадга номаъқул фаолият учун олиб қўйишга йўл қўйилмайди (ЎзР Ер кодекси, 75-модда).

ТАСДИҚЛАНГАН КЎЧИРМА (НУСХА) — маълум бир ҳужжат матнини худди ўзидай акс эттирилганлигини ваколатли органда қайд этиш ва тасдиқлаш (нотариал идоралар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, ҳарбий бошлиқлар, ҳарбий госпитал ёки касалхоналарнинг маъмурияти томонидан амалга оширилади).

ТАСДИҚЛАШ — қонун асосида ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини ёки битмларнинг қонуний тузилганлигини текшириш ва тасдиқлаш ваколатига эга бўлган органлар ва шахсларнинг юридик ҳаракатлари.

ТАСДИҚЛОВЧИ (ИЖРО ЭТУВЧИ) ҲУЖЖАТЛАР — бухгалтерлик ҳисобида бажарилган хўжалик операцияларига оид маълумотлар акс эттирилган ҳужжатлар. Бундай ҳужжатларга кирим-чиқим юк хатлари, турли далолатномалар, касса чеклари ва бошқалар киради.

ТАФСИР ИЛМИ (илм-ул-тафсир) — араб тили грамматикаси қоидалари ва балоғат илми усулларига таяниб Қуръони карим оятларининг мазмунини ёритиб берадиган фан. Бу фан доирасида оятлардаги сўзларнинг маъноси, оятлар туширилиши сабаблари, Қуръони каримдаги турли калималар ва ишоралар, носиҳ ва мансуҳ (бекор қилувчи ва бекор қилинган) оятларни бир-биридан ажратиб олиш, ундаги турли қисса ва ҳикояларни ёритиб бериш ҳақида сўз боради. Тафсир илмидан мақсад

Қуръони карим оятларининг ҳақиқий мазмун ва моҳиятини тўғри тушунишдир. Ушбу фан ҳуқуқий муаммоларни Қуръони карим оятлари асосида ҳал қилишда катта ёрдам беради.

Қуръони карим тафсири бўйича жуда кўп китоблар ёзилган бўлиб, Ибн Аббос биринчилар қаторида асар битган ва Ибн ан-Нодим уни қадимий тафсирлар орасида зикр этган. Шиа оқими намояндалари энг қадимий тафсир имом Муҳаммад Боқир қаламига мансуб деб ҳисоблайдилар. Атоқли тарихчи Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий ёзган «Тафсири кабир» («Буюк тафсир») номи билан шуҳрат қозонган «Жомиъул-баён фи тафсир ал-Қуръон» асари кенг эътироф этилган.

ТАФТИШ (қайта кўздан кечириш) — аниқ бир даврда ташкилот, корхона ва мансабдор шахснинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш. Ушбу текширувнинг мақсади қонунийликни, мақсадга мувофиқликни таъминлашдан иборатдир. Тафтишни молиявий ва бошқа тегишли давлат органлари олиб боради. Тафтиш ушбу тегишли органнинг тегишли режаси асосида, бошқа ваколатли орган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кўрсатмасига биноан ўтказилиши мумкин. Ташкилий белгилар бўйича тафтиш: режали, режасиз ҳамда комплекс тарзда ўтказилиши мумкин. Тафтиш вақти 30 кундан ошмаслиги керак.

ТАФТИШ КОМИССИЯСИ акциядорларнинг ҳайъат билан доимо бамаслаҳат иш қилишни, акциядорлар умумий йиғилишида молия хўжалигининг фаолиятини амалга оширишини назорат қилиш ҳуқуқи.

ТАФТИШ УЮШМАСИ — махсус ташкилот бўлиб, қишлоқ хўжалигини такомиллаштириш, кооперативлар, молия хўжалиги фаолиятини юритади.

ТАФТ-ХАРТЛИ ҚОНУНИ (инглз.) — меҳнат муносабатларини тартибга солиш тўғрисидаги 1947 йилги қонун; АҚШда реакцион монополистлар доираси таъсири остида касаба уюшмаси ва ишчиларнинг ҳаракатига путур етказиш ҳамда ишчилар ҳуқуқини чеклаш мақсадида қабул қилинган меҳнат ҳақидаги қонун ҳужжатларидан бири. Сенатор Р. Л. Тафт ҳамда вакиллар палатасининг аъзоси Ф. Хартли номи билан аталган. Т.-Х.қ. мажбурий равишда ҳар йили Меҳнат вазирлигига ташкилий ҳамда молиявий хусусиятга эга бўлган маълумотларни тақдим этиш мажбуриятини юклаган ҳолда касаба уюшмаларини давлат назорати остига олди; бундан ташқари, касаба уюшмаларининг раҳбарлари ва фаоллари коммунистик партияга мансуб эмасликлари ҳақида онт ичишга мажбур эдилар (1959 йилда бекор қилинган). Иш ташлаш ҳуқуқи жиддий равишда чекланган; сиёсий бирдамлик хусусиятидаги иш ташлашлар қонунга хилоф деб эълон қилинган; иқтисодий иш ташлашларни амалга ошириш учун касаба уюшмаси аввалдан (60 кун олдин) бу ҳақда корхона эгасини ва махсус маъмурий орган — воситачилик ҳамда келиштириш бўйича федерал хизматни огоҳлантириши шарт эди. Судларга иш ташлашни тўхтатиш тўғрисида қарор чиқариш ҳуқуқи берилган эди. Ишчиларнинг «берк цех» шартига кўра, жамоат шартномаси тузиш ҳуқуқи ҳам чекланган эди. 1959 йилда Т.-Х.қ.га қўшимча равишда Лэндрам-Гриффин қонуни қабул қилинди.

ТАХТ ВОРИСИ — монархия шаклидаги бошқарувга эга давлатларда ҳокимият иккинчи шахсга ўтиши тартиби. Бу ҳолда ҳокимият белгиланган тахт ворисига ўтади. Т. в. кўпчилик ҳолларда эркак киши авлодидан тайинланган. Шу билан бирга, Австриядан аёлларга ҳам Т. в. белгиланган.

Баъзи араб давлатларида (Саудия Арабистони, Қувайт, Катар) тахт ворислари оилавий кенгаш томонидан тайинланган.

ТАШКИЛОТ (лот. organizo — ташкил қилмоқ) — 1) кенг маънода, инсонлар, гуруҳларнинг меҳнат ва мажбуриятлар тақсимоти ҳамда бошқарув тузилмаси мавжудлиги асосида, у ёки бу вазифани ҳал қилиш учун бирлашиши; 2) фуқаролик қонунларига биноан, юридик шахслар (ФКнинг 39-моддаси) ташкилотларнинг тижорат ва нотижорат шакллари мавжуд (ФКнинг 40-моддаси); 3) у ёки бу соҳада ички тартиб-интизомга асосланган мувофиқлаштирилган фаолиятни таъминлаш (масалан, йўл-ҳаракатини ташкил этиш).

ТАШКИЛОТЛАРНИНГ КИЙИМХОНАЛАРИДА САҚЛАШ — омонат сақлашнинг алоҳида турларидан бири. ЎзР ФКнинг 898-моддасига биноан, агар ташкилотлар кийимхоналарида ашёларни ҳақ эвазига сақлаш ҳақида ашёни сақлашга топшириш вақтида келишиб қўйилган ёки бошқача тарзда очиқ усулда шартлашилган бўлмаса, уларда ашё сақлаш бепул ҳисобланади. Буюмни сақловчи сақлаш пулли ёки бепул эканлигидан қатъи назар, буюмлар сақланишини таъминлаш учун ЎзР ФКнинг 880-моддаси 1—2-қисмларида кўрсатилган барча чораларни кўриши шарт. Кўрсатилган қоидалар, шунингдек, фуқароларнинг ташкилотлар ва транспортда ушбу мақсадлар учун белгиланган жойларда қолдирадиган уст кийимлари, бош кийимлари ва шунга ўхшаш нарсаларига ҳам тааллуқлидир.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТОВАР НОМЕНКЛАТУРАСИ (ТИФ ТН) — товарларнинг бож солиш мақсадида қўлланиладиган номлари, тавсифи ва кодлари рўйхати. 1992 йил 1 майдан ЕҲ давлатларида қўлланиладиган Товарларни таснифлаш ва кодлашнинг уйғунлашган тизими билан тўлиқ мувофиқлаштирилган ТИФ ТНнинг иккинчи нашри амалга киритилди.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ЧЕТ ЭЛЛИК ҚАТНАШЧИЛАРИ (ЧЕТ ЭЛЛИК ШАХСЛАР) — фуқаролик ҳуқуқида лаёқати ўзлари таъсис этган чет эл давлати ҳуқуқи билан белгиланувчи юридик шахслар ва ташкилотларнинг ҳуқуқий шакли; жисмоний шахслар — фуқаролик ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати қайси давлат фуқароси бўлса, ўша чет эл давлати ҳуқуқи билан белгиланадиган чет эл фуқаролари ва фуқаролик ҳуқуқ лаёқати қайси давлатда доимий равишда истиқомат қилсалар, ўша чет эл давлати ҳуқуқи билан белгиланадиган фуқаролиги бўлмаган шахслар.

ТАШҚИ ҚАРЗ — халқаро кредитнинг асосий шакли: чет эл кредиторларидан олинган ёки хорижий қарз берувчилар томонидан берилган қарзлар бўлиб, уларни амалга оширишда халқаро ташкилотлар, муассасалар, монополиялар, банклар, давлатлар билан ўзаро кредит муносабати келиб чиқади.

ТАШҚИ СИЁСАТНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ — давлатнинг халқаро муносабатларидаги асосий йўналишини қамраб олувчи ташқи сиёсий тушунча. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари Республикамиз Конституциясининг 17- м.сида қайд қилинган. Ташқи сиёсат давлатнинг бошқа давлатлар билан муносабатлари соҳасидаги фаолияти мақсад ва тадбирлари мажмуини ўз ичига олади. ЎзРнинг ташқи сиёсати ва халқаро фаолияти ЎзР Конституцияси принциплари ва нормаларига, «ЎзРнинг халқаро шартномалари тўғрисида»ги, «Мудофаа

тўғрисида»ги қонунларига, «ЎзРнинг ҳарбий доктринаси»га ва БМТ ва Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти фаолиятининг асосий принциплари ва мақсадларига асосланади.

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ — давлат таълим дастурларига мувофиқ таълим жараёнини амалга оширувчи муассаса. ЎзРнинг 1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисида»ги қонунига мувофиқ Т.м. юридик шахс бўлиб, қонунда кўрсатилган тартибда ваколатли давлат органининг шаҳодатлаш натижаларига кўра аккредитациялаш асосида яратилади. Т.м. давлат ва нодавлат бўлиши мумкин. Т.м. қуйидаги турдаги таълим турларини таъминлайди: мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим.

ТАЪЛИМ МУАССАСИНИНГ УСТАВИ — ЎзРнинг «Таълим тўғрисида»ги қонунига биноан, Т.м.у. қуйидаги маълумотларга эга бўлиши шарт: 1) таълим муассасининг номи, жойлашган ўрни (юридик ва амалдаги адреси), мақоми; 2) таъсисчининг номи; 3) таълим муассасисанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳақидаги маълумот; 4) таълим жараёнининг мақсадлари, таълим дастурларининг типлари ва турлари; 5) таълим жараёнининг асосий хусусиятлари, жумладан, таълим-тарбия юритиладиган тил (тиллар); таълим олувчилар, тарбияланувчиларни қабул қилиш тартиби; ҳар бир босқичда таълимнинг давом этиш муддати; таълим олувчилар ва тарбияланувчиларни уларнинг сафидан чиқариш тартиби ва асослари; оралиқ аттестация чоғида баҳолаш тизими, шакллари ва тартиби; машғулотлар режими; пулли таълим хизматларининг мавжудлиги; уларни кўрсатиш тартиби; таълим муассасаси ва таълим олувчилар, тарбияланувчилар ва (ёки) уларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) муносабатларини тартибга солиш ва расмийлаштириш тартиби; 6) муассаса молиявий ва хўжалик фаолиятининг тузилиши, жумладан, таъсисчи муассасага бириктирган мулкчилик объектларидан фойдаланиш; муассаса фаолиятини маблағ билан ва моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш; таълим муассасаси мулкини шакллантириш манбалари ва тартиби соҳасида; 7) муассасани бошқариш тартиби, жумладан, таъсисчининг ваколати; бошқарув органларининг тузилиши ва уларни шакллантириш тартиби, уларнинг ваколатлари, иш тартиби; ходимлар билан тўлдириш тартиби ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари; уставни ўзгартириш тартиби; муассасани тугатиш ва қайта ташкил этиш тартиби; 8) таълим жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; 9) муассаса фаолиятини тартибга солувчи маҳаллий ҳужжатлар (буйруқ, фармойиш ва бошқалар) турлари.

ЎзР фуқаролик қонунлари билан тартибга солинмаган соҳаларда фуқаролик таълим муассассаси ўз уставини мустақил равишда ишлаб чиқади ва таъсисчи уни тасдиқлайди.

ТАЪСИС ЙИҒИЛИШИ — конституциявий ҳуқуқда конституцияни ишлаб чиқиш ва (ёки) қабул қилиш мақсадида сайланган олий давлат органи. Т.й. ўз фаолияти давомида «таъсис ҳокимияти» функцияси билан бир қаторда, одатда қонун чиқарувчи орган функциясини ҳам бажаради. Т.й. институти буржуа инқилоблари даврида пайдо бўлган. Сўнгги йилларда Т.й. доирасида Болгария, Руминия, Камбоджа, Бразилия, Колумбия ва бир қатор бошқа давлатларнинг конституциялари ишлаб чиқилиб

қабул қилинди. Юридик адабиётларда Т.й.ни ифодалаш учун баъзан «конституциявий ассамблея» ва «конституанта» (фр.) терминларидан фойдаланилади.

ТАЪСИС ҲОКИМИЯТИ — бир қатор мамлакатлар (Франция, Колумбия ва б. конституциявий доктринасига мувофиқ, ҳокимиятлар бўлинишида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти билан тенг мавқега эга бўлган мустақил оммавий ҳокимият. Т.ҳ. мазмунини давлат конституциясини қабул қилиш ёки жиддий ўзгартириш бўйича ваколатлар ташкил этади. Т.ҳ. қонун чиқарувчи органларнинг ўзи ёки махсус Т.ҳ. органлари — таъсис мажлислари томонидан ёхуд бевосита сайлов корпуси томонидан (референдум орқали) ёинки мазкур субъектлардан иккитаси томонидан биргаликда амалга оширилиши мумкин. Камдан-кам ҳолларда Т.ҳ.ни амалга ошириш вазифасини давлат ёки ҳукуматларнинг раҳбарлари ўз зиммаларига олишлари мумкин.

ТАЪСИС СЕССИЯСИ — янги сайлаган парламент биринчи сессиясининг номи. Бундай сессияда ушбу парламентнинг ишчи органлари (комиссиялар, қўмиталар) шакллантирилади, унинг раҳбарлари — раислари, спикерлари ва бошқалар сайланади, шунингдек, бошқа ташкилий тадбирлар амалга оширилади.

ТАЪСИС ШАРТНОМАСИ — юридик шахс таъсис ҳужжатларидан бири. Т.ш.да таъсисчилар юридик шахс ташкил этиш мажбуриятини оладилар, уни ташкил этиш бўйича биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини, унга ўз мулкини бериш ва унинг фаолиятида иштирок этиш шартларини белгилайдилар. Шартномада иштирокчилар ўртасида фойда ва зарарларни тақсимлаш, юридик шахс фаолиятини бошқариш ва таъсисчилар (иштирокчилар)нинг унинг таркибидан чиқиш шартлари ва тартиби ҳам белгилаб қўйилади.

ТАЪТИЛ — меҳнат қонунларига биноан, барча ходимларга дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда бериладиган дам олиш вақти (МКнинг 133-моддаси).

ТАЪМИНОТ КООПЕРАТИВЛАРИ — қишлоқ хўжалик матлубот кооперативининг бир тури. ЎзРнинг 1998 йил 30 апрелдаги «Қишлоқ хўжалик ширкати тўғрисида»ги қонунига биноан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш воситалари, ўғитлар, оҳакли материаллар, озуқа, нефть маҳсулотлари, эҳтиёт қисмлар, пестицидлар, гербицидлар ва бошқа химикатларни сотиб олиш ва сотиш, шунингдек, ҳар қандай бошқа товарларни сотиб олиш, сотиб олинган маҳсулотларнинг сифатини тестдан ўтказиш ва баҳолаш, уруғликлар, ёш қорамоллар ва парандалар сотиб олиш, хомашё ва материаллар ишлаб чиқариш ва уларни қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларига етказиб бериш, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларга зарур бўлган истеъмол товарларини озиқ-овқат, кийим-кечак, ёнилғи, тиббий ва ветеринария препаратлари, китоблар ва шу кабиларни сотиб олиш ва етказиб бериш мақсадида ташкил этилади.

ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ВЕКСЕЛЬ — ёки ўтказиладиган вексель (тратта), тақдим этилганда пули тўланади.

ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ЧЕК — тақдим этувчига ёзиб бериладиган чек. У бировга оддий бериш орқали топширилади. Кенг тарқалмаган. Халқаро ҳисоб-китобларда эса умуман ишлатилмайди.

ТАҚДИМ ЭТУВЧИ АКТ — у ёки бу ҳуқуқий шахс ваколатлари

тугаганда унинг ваколатларини бошқа бир шахсга беришнинг ташкилий шакли.

ТАҚЧИЛ МОЛИЯЛАШТИРИШ — иқтисодиётни давлат томонидан давлат харажатларини даромадлардан атайин ошириш йўли билан бошқариш усули; бунинг натижасида бюджет тақчиллиги юзага келади.

ТАҲДИД ҲОЛАТИ — Испанияда фавқулодда ҳолат тартиби турларидан бири (кенг маънода). Т.ҳ. тартиби ҳалокатлар, йирик табиий офатлар, эпидемиялар ва оммавий заҳарланишлар, асосий коммунал хизматлар фаолияти аҳолининг энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тўхтаб қолганда жорий этилади. Т.ҳ. катта тартибсизликлар, конституциявий тузумга таҳдид солинаётган ва шу каби вазиятларда жорий этиладиган фавқулодда ҳолат тартиби русум-қоидаси ва ҳуқуқий оқибатлари бўйича жиддий фарқ қилади.

ТЕКШИРИШ БЕЛГИСИ — пробир (намуна олиб текшириш) тартибида назорат қилиш талабларига номувофиқ бўлган маҳсулотларга қўйиладиган белги.

ТЕКШИРИШ ХОНАЛАРИ — транспорт ташкилотлари вокзаллари биноларидаги ушбу мамлакат божхона чегарасини кесиб ўтишни мўлжаллаётган жисмоний шахсларнинг буюмларини божхона назоратидан ўтказиш учун зарур бўлган махсус буюмлар ва техник воситалар билан жиҳозланган етарлича кенг заллар ва бошқа хоналар. Т.х., шунингдек, почта алоқаси корхоналарида халқаро почта жўнатмаларини божхона назоратидан ўтказиш учун ҳамда транспорт ва омбор ташкилотлари омборларининг хоналарида — юкларни ҳамда божхона чегараси орқали ўтаётган шахслардан алоҳида олиб ўтиладиган буюмларни божхона назоратидан ўтказиш учун ташкил этилади.

ТЕКШИРУВ — божхона назоратининг транспорт воситаси ёки юкни, юкхона ёхуд идишни (ўрамини) очиб текширишдан иборат тури.

ТЕКШИРУВ ҲУЖЖАТИ — 1) ЎзРда носавдо муомаласида бож ундириш тартибини расмийлаштириш учун қўлланиладиган ва қатъий ҳисоб-китоб қилинадиган божхона ҳужжати. Т.ҳ.да бож олинадиган товарларнинг номи, уларнинг ўзига хос белгилари, миқдори ва оғирлиги, бож ҳисобланишига асос бўладиган божхона тарифининг моддалари ва ушбу божларнинг суммаси; 2) божхонада белгиланган қиймат ёки миқдор чегарасидан ортиқча ҳажмда олиб кириладиган товарларга белгиланган шаклда тузиладиган ҳужжат.

ТЕЛЕГРАФ ИНКАССАСИ — мамлакатнинг ўзидаги корхоналарнинг ташкилотлар ва фирмалар билан экспорт операцияларида ҳисоб-китоб қилишнинг инкасса шаклига киритилувчи қўшимча шарт.

ТЕЛЬ-КЕЛЬ — харидорнинг маҳсулотни, айниқса, донни белгиланган жойга қандай аҳволда етиб келса, шундайлигича қабул қилиб олиш мажбуриятини белгиловчи сотиш шарти. Одатда шу каби шартларда сотилган юклар тушириб олингунча текширувдан ўтказилади ҳамда сифат сертификати берилади.

ТЕМИР ЙЎЛ — ЎзРнинг 1999 йил 15 апрелдаги «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги қонунида таърифланганидек, «давлатнинг асосий ягона темир йўл транспорти корхона бўлиб, унинг вазифаси марказлаштирилган бошқарувни таъминлаш ва бошқа темир йўллар ҳамда транспорт турлари билан ўзаро ҳамкорликда унинг таркибига кирувчи ишлаб чиқариш-хўжалик ва бошқа корхоналар ва муассасалар фаолиятини

тартибга солиш асосида хизмат кўрсатилаётган ҳудудда иқтисодий эҳтиёжларни ва аҳолининг юк ташишга бўлган талабини қондиришдан иборат».

Йўловчи ва юк ташиш жараёнини таъминлаш билан боғлиқ темир йўл транспорти корхоналарини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ — ЎзРнинг «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги қонунида таърифланганидек, темир йўл транспорти (темир йўл — умумий фойдаланишдаги транспорт турларидан бири бўлиб, у ишлаб чиқариш ва ижтимоий йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ўз таркибига олган), бошқа давлатларнинг темир йўллари ва транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро ҳамкорликда йўловчи ва юк ташиш эҳтиёжларини таъминловчи ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуидан иборат.

ТЕМИР ЙЎЛ УСТАВИ — ЎзРнинг «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги қонунида берилган тарифга кўра, «Қонунларга мувофиқ, темир йўллар, темир йўл транспортидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар (жумладан, экспедиторлик ва улар номидан иш кўрувчи бошқа ташкилотлар)нинг ҳуқуқлари, вазифалари ва жавобгарлигини белгиловчи норматив ҳужжат».

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ЕРЛАРИ — Ўзбекистон Республикасининг «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Қонунига биноан, уларга юклатилган махсус вазифаларни амалга ошириш учун корхона ва муассасаларига доимий (муддатсиз) фойдаланишга бепул бериладиган давлат аҳамиятидаги ерлар. Темир йўл транспорти ерларига темир йўл бекатлари ва йўллари (минтақага ажратилганлари билан) учун, шунингдек, ҳимоя қиладиган ва мустаҳкамлайдиган кўчатлар, қурилма, иморат, иншоот ва уларни келгусида ривожланишини ҳисобга олган ҳолда темир йўлларни ишлатиш ва қайта қуриш учун зарур бошқа объектларга ажратилган ерлар. Темир йўл транспорти корхоналари ва муассасаларига вақтинчалик характердаги мақсадлар учун ерлар ижара асосида берилиши мумкин. ЎзРнинг ер қонунчилиги талабларини ҳисобга олган ҳолда темир йўл транспорти соҳасида темир йўл транспорти ерларидан фойдаланиш тартиби ажратилган минтақалар доирасида маҳаллий ҳокимият органлари томонидан белгиланади. Темир йўл транспорти ерлари ЎзР ижроия ҳокимият органлари субъектлари, маҳаллий ижроия ҳокимият органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан белгиланадиган шаҳар қурилиши, санитария, экология ва бошқа нормалар талабларига мувофиқ бўлиши керак.

ТЕНГ СОЛИҚ СОЛИШ — солиқ солиш усулига кўра ҳар бир солиқ тўловчига тенг солиқ пули белгиланади. Бошқача айтганда, тенг солиқ солиш — солиқ тўловчиларнинг мулкий ҳолатига қарамасдан солиқ тўлашидир. Масалан, баъзи мақсадли солиқлар солиқ тўловчиларнинг вақтида солиқ тўламаганлиги учун қўлланилади. Умуман, истеъмолчилар тенг ҳолда солиқ тўлашлари керак. Агар солиқ тўловчилар солиқни вақтида тўламаса, ички ишлар органлари орқали энг кам иш ҳақининг уч фоизи миқдорида жарима тўлайдилар.

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ФУҚАРО — Конституциянинг асосий тамойилларидан ва демократия элементларидан бири. Фуқаронинг давлат олдида,

қонун олдида, судда расмий тан олинган тенг ҳуқуқлилигидир. Ўзбекистон Конституциясига кўра ҳар бир фуқаро жинси, миллати, ирқи, тили, келиб, чиқиши ижтимоий, мавқеидан, динидан қатъи назар қонун олдида тенгдир.

ТЕНДЕР (инг.) — 1) ёзма таклиф, талабнома, *оферта*; 2) қимматбаҳо қоғозларга обуна бўлиш тўғрисидаги талабнома, савдо-сотиқ; 3) муддатли контракт буйича товарни етказиб бериш мўлжали тўғрисидаги хабарнома; 4) бозорда облигация ёки хазина векселларини таклиф қилиш воситаси; 5) етказиб берувчиларга белгиланган талабларга жавоб берувчи товар ёки асбоб-ускуналарни таклиф этишни тавсия қилиш; буюртмани асбоб-ускуналарни бозордан сотиб олиш ёки пудратчиларни комплекс объектларни барпо қилиш ва бошқа ишларни бажаришга жалб қилишга жойлаштиришнинг танлов шакли (шартлари аввалдан эълон қилинади); 6) корхона ўз харажатлари ёки товарга бўлган талаб даражасидан эмас, балки рақобатчилар белгилаши мумкин бўлган нархлардан келиб чиқиб таклиф этган баҳо; 7) кемаларни таъмирловчи фирмаларга юбориладиган кемани таъмирлаш имкониятлари ва шартлари ҳақидаги суров хат; 8) халқаро савдо-сотиқ.

ТЕНДЕР ИЗОҲИ — кемаларни суғурта қилувчи полисларда ифодаланиб, суғурта қилувчига кемадаги барча авариялар тўғрисида дарҳол хабар бериш мажбуриятини юкловчи ҳужжат. Т.и. полис буйича даъво қилиш объекти бўла олади. Аварияга дуч келган кемаларни кўздан кечирувчи авария комиссари одатда кемани ўзи истаган тарзда таъмирлаш ҳуқуқини олиб қоладиган суғурта қилдирувчининг розилиги асосида тайинланиши лозим. Кемаларни таъмирлаш тендерлари, қоида тариқасида, кемани таъмирлай оладиган барча фирмаларга тарқатилади, лекин таъмирлаш тўғрисидаги охирги кўрсатмани суғурта қилувчининг розилигисиз бериш мумкин эмас.

ТЕНДЕР ҚЎМИТАСИ — буюртмачи (харидор) халқаро савдо (*тендерлар*) ўтказилиши муносабати билан ташкил этадиган муваққат мақсадли орган. Т.қ.нинг асосий вазифалари тендер ҳужжатларини тайёрлаш, савдолар ўтказиш, *оферталарни* таҳлил қилишдан иборат. Унинг ишига кўпинча маслаҳат берувчи фирмалар ва мустақил маслаҳатчилар жалб этилади.

ТЕНДЕР ҲУЖЖАТЛАРИ — *тендер* бланки, контракт шартлари, товар етказиб бериш, ишлар ва хизматлар ҳажми ва номенклатураси, таснифлашнинг тендер чизмалари (зарур бўлганда), савдоларни ўтказиш шартларига боғлиқ равишда тендер ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларни қайтариш учун конвертлардан ташкил топган ҳужжатлар тўплами. Ишланган ва тўлдирилган тендер ҳужжатлари савдо иштирокчилари томонидан уларнинг ташкилотчисига йўлланади.

ТЕОКРАТИЯ (юнча theos — худо, kratos — ҳокимият) — ҳокимият руҳонийлар ёки черков бошлиғи қўлида тўпланадиган давлат бошқарув шакли. Теократик давлатлар қадимда бўлганлиги маълум. М-н, Иудеяда милоддан аввалги 5—1 асрларда бош руҳоний, яъни олий коҳин давлат ҳокимиятининг тўлиқ эгаси бўлган. Ўрта асрлардаги Умавийлар ва Аббосийлар халифалиги теократик давлатлар бўлган. Иезуитлар XVII асрда Парагвайда ташкил этган теократик давлат ҳам маълум; Доғистонда ва унинг атрофидаги рус подшоси қўшинлари XIX асрда Кавказни истило қилаётган пайтда уларга узоқ вақт қаршилик кўрсатган ҳудудларда ҳукм-

ронлик қилган имом Шомил бошқаруви ҳам теократик хусусиятга эга бўлган. 1870 йилда Италия бирлашишидан аввал Папа вилояти ҳам теократик давлат бўлган; Тибет 1951 йилда ХХРга қўшилишидан аввал Далай-лама (лама руҳонийларининг бошлиғи) Тибетдаги дунёвий ҳокимиятга ҳам раҳбарлик қилган. Папа — Рим католик черковининг олий раҳбари айни пайтда Ватикан давлатининг ҳам бошлиғидир. Бугунги кунда теократия тарихий анахронизм бўлса ҳам, Эронда 70-йиллар охирларида бўлган «ислом инқилоби» давлатдаги ҳақиқий ҳокимиятнинг Оятулло Ҳумайний бошчилигидаги шиа руҳонийлари раҳбарларига ўтганлигини кўрсатди. Теократик тамойиллар фуқаролар ижтимоий ва шахсий ҳаёти барча томонлари дин томонидан белгилаб қўйилиши (диний байрамлар ва маросимларга давлат мақоми берилиши, судлов ишлари диний қонунлар бўйича юритилиши тикланиши, бошқа дин вакиллари қувғинга учраши ва ҳ.к.) кучайиши билан кечади. Теократик давлатни клерикал давлатдан фарқлаш керак.

ТЕРГОВ — исботлаш учун йиғилган ҳужжатларни жиноят процессида текшириб кўриш. Тергов дастлабки тергов ва суд жараёнидаги терговларга бўлинади.

ТЕРГОВ ЭКСПЕРТИЗАСИ — тергов ҳаракати бўлиб, содир бўлган воқеани тажриба асосида қайтадан ўтказишни билдиради.

ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИ — қонуний тартибда суд, прокуратура тергов органлари ва терговчининг исботлашга оид тўплаган ҳужжатларни текшириш ҳаракатидир. Т. ҳ.га сўроқ, юзлаштириш, тинтув, мулкни хатлаш, қамаш, тергов экспертизаси ва ҳоказолар киради.

ТЕРГОВ ҲИБСХОНАЛАРИ — гумон қилинувчи ва айбланувчиларни судгача ушлаб турадиган жой. Тергов ҳибсхонаси юридик шахс мақомига эга.

ТЕРГОВГА ТААЛЛУҚЛИЛИК — ЎзР жиноят-процессуал қонунчилиги асосида содир этилган жиноятлар бўйича тергов ишларини кимлар ва қайси тергов идоралари олиб бориши — жиноятлар ўз хусусиятларига кўра тегишли тергов идораларида тергов қилинади: 1) жиноят тури бўйича терговни қайси тергов идоралари олиб бориши; 2) ҳудудий жиҳатдан қайси идора-тергов ишларини олиб боришга ваколатлилиги; 3) тергов идорасида шахсан ким олиб бориши. Умуман олганда, тергов ишларини юритиш қонунчилик бўйича прокуратура, ички ишлар вазирлиги, миллий хавфсизлик хизмати, ҳарбий тергов идоралари кабилар орқали амалга оширилади. Жумладан, Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексининг 35-моддасига кўра, тергов ишларини прокуратура, ички ишлар идоралари ва миллий хавфсизлик хизмати идоралари терговчилари олиб боради. Шу билан бирга, Кодекснинг 38-моддасида суриштирув идораларининг ваколатли шахслари ҳам санаб ўтилган. Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддасида жиноят турлари бўйича дастлабки терговни олиб борувчи давлат идоралари санаб ўтилган.

ТЕРГОВЧИ — миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар идоралари ва прокуратура органларида қонун бўйича тайинланган мансабдор шахс. Терговчининг вазифаси дастлабки тергов ишларини олиб боришдир. Ҳар бир орган терговчиси ўз ҳудуди ва айблов категориясига қараб тергов олиб боради. Терговчининг қарори барча мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

ТЕРГОВЧИНИНГ ТАҚДИМНОМАСИ — жиноят процессида да-

лилларга асосланган холда у ёки бу масала юзасидан чиқариладиган ҳужжат. ЎзР Жиноят-процессуал қонунчилигига асосан, терговчи жиноят ишини тергов қилиш жараёнида аниқланган жиноят сабаблари, жиноятга олиб келган ҳолатлар, яъни у ёки бу шахсларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари туфайли жиноят содир бўлганлиги, тергов жараёнида бошқа ҳуқуқ бузилишлар содир бўлишига олиб келувчи ҳолатлар аниқланганлиги хусусида ўз хулосасига асосан тақдимнома чиқаради ва тегишли идораларга юборади. ЎзР Жиноят-процессуал кодексининг 297-моддасига асосан, суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида тақдимнома киритиш асослари белгиланган. Т. т. терговчи томонидан имзоланади.

ТЕРРОРИЗМ (лот. — даҳшат) — ЎзР ЖКнинг 155-моддасида назарда тутилган ва портлатишлар, ўт қўйишлар ёки одамларнинг ҳалок бўлиши, катта мулкий зарар келтириш ёхуд ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келиш хавфини туғдирувчи бошқа ҳаракатлар содир этишдан иборат бўлган ва жамоатчилик хавфсизлигига қарши қаратилган жиноят. Мазкур ҳаракатларнинг жамоат хавфсизлигини бузиш, аҳолини қўрқитиш ёхуд ҳокимият органларининг қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш мақсадида амалга оширилганлиги, шунингдек, ана шу мақсадларда амалга оширилиш хавфи мавжудлиги ушбу жиноятнинг муҳим жиҳатларини ташкил этади.

ТЕХНИК ДАРАЖА — патент тадқиқотларини амалга ошириш чоғида ушбу техника объектида унинг оптимал кўрсаткичлари, параметрлари ёки характеристикаларига эришишни таъминловчи энг илғор техник ечимларнинг жорий этилганлик даражаси. Т.д. фойдали модель устунлиги санасигача эълон қилинган, барча учун фойдаланиш мумкин бўлган, эълон қилинган фойдали модель хизмат қиладиган мақсадларда фойдаланиладиган воситалар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, уларнинг ЎзРда қўлланилиши тўғрисидаги маълумотларни қамраб олади. Т.д.га (улар анча илгаридан устунликка эга бўлган тақдирда) ЎзРда бошқа шахслар ихтиро қилинган ва фойдали моделлар бўйича берган барча буюртмалар (чақириб олинганларидан ташқари), шунингдек, ЎзРда патентланган ихтиролар ва фойдали моделлар киритилади. Комплекс интеграл кўрсаткич бўлган Т.д.ни баҳолаш одатда квалиметрия усули билан ишлаб чиқилаётган (ўрганилаётган) объектнинг кўрсаткичлари, параметрлари ёки характеристикаларини ватанимиздаги ва хориждаги энг яхши намуналарнинг тегишли кўрсаткичлари, параметрлари ёки характеристикалари билан қиёслаш орқали амалга оширилади.

ТЕХНИК-КРИМИНАЛИСТИК ВОСИТАЛАР — криминалистикада асбоб-ускуналар, мосламалар, елимли массалар ва бошқа материаллар, шунингдек, ахборот манбаларини аниқлаш, қайд қилиш ва тадқиқ этиш, ушбу ахборотни жиноят процессида олиш ва ундан фойдаланиш чоғида қўлланиладиган усул ва услублар. Қўлланиш мақсадларига кўра, Т.-к.в.нинг излаш, объектларни қайд қилиш, олиб қўйиш, тадқиқ этиш ва из ҳосил қилувчи турлари фарқланади.

ТЕХНОПОЛИС — эркин иқтисодий зонанинг инновация жараёнини юксак техник даражадаги маҳсулотни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш бўйича минтақавий марказлар ёрдамида фаоллаштириш вазифасига йўналтирилган шаклларидан бири. Т.нинг кўп соҳали фаолияти давлат иштирокида фундаментал ва амалий тадқиқотлар лойиҳаларини шакллантириш

ва амалга оширишга асосланади. Ушбу лойиҳалар кейинчалик илмий саноат паркидан фойдаланиш давомида саноатда ишлатилади. .

ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛАШ ЧОРАЛАРИ — жиноят қонунчилиги бўйича жазо тури ҳисобланади ва мажбурий даволаш суд орқали амалга оширилади ва бунда даволаш муддати белгиланмайди. Т.й.м.ч.ни қўллашнинг ҳуқуқий асослари ЎзР ЖКнинг Умумий қисмининг XVII бобида баён этилган.

ТИББИЙ СУҒУРТА — 1) ҳақ тўланадиган тиббиётда — тиббий ёрдам харажатларини қоплаш воситаси; 2) ҳақ тўланмайдиган тиббиётда — тиббиёт учун сарфланадиган харажатларни таъминлашнинг қўшимча молиявий манбаи. Тиббиёт суғуртаси шартномаси — тиббиёт ёрдами олиш кафолатидир.

ТИББИЙ ХИЗМАТ — диспансеризация, тавсиялар бериш, тезкор медицина хизмати кўрсатиш ва стационарда даволашни ўз ичига олган аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тизими. Т.х. бозор муносабатлари шаклланиши шароитида бепул (давлат дотацияси ҳисобига) ва пулли (хусусий врачлар) хизматга бўлинади. Дунёнинг тараққий этган мамлакатларида Т.х. (medicin service) — бу соғлом ва хаста одамлар учун юқори даражада хизмат кўрсатиш, алоҳида соғлиқни сақлаш экологиясини, касаллар учун тузалиш экологиясини яратишни назарда тутувчи яшаш тарзи тизимидир.

ТИББИЙ ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ — инсоннинг ижтимоий ҳуқуқлари тоифасидаги ва конституция билан белгиланган ҳуқуқи. Шунга кўра, ҳар бир фуқаро, ЎзР Конституциясининг 40-моддасида белгиланганидек, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқни таъминлаш эса тор маънода тегишли ҳақ тўланадиган ва ҳақ тўланмайдиган шаклда тиббий, илмий ташкилотлар томонидан тегишли муолажалар билан хизмат кўрсатишни билдирса, кенг маънода ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан инсон соғлом бўлиши учун зарур тиббиёт соҳани ривожлантириш, тиббий суғурталарни таъминлаш, экологик шароитларни яхшилаш каби комплекс чоралар орқали аҳоли саломатлигини таъминлаш тушунилади.

ТИЖОРАТ — маҳсулотлар ва хизматларни сотиш ёки сотишга кўмаклашиш борасидаги фаолият.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ — тарихга назар соладиган бўлсак, «Т.б.» ибораси банк иши ривожланишининг илк босқичида, яъни банклар асосан савдо, маҳсулот айирбошлаш ва тўлов операцияларини амалга ошириш учун хизмат қилган пайтларда вужудга келган. Банкларнинг асосий мижозлари савдогарлар бўлган. Улар маҳсулот айирбошлаш, сақлаш, етказиб бериш кабилар билан боғлиқ операцияларни маблағ билан таъминлаган (кредитлар берган). Саноат ишлаб чиқариши ривожланиб бориши билан ишлаб чиқариш жараёни учун қисқа муддатли кредитлар бериш жорий этила бошлаган: муомала(да бўлган) маблағини (капитални) тўлдириш, хомашё ва тайёр маҳсулотлар захираларини яратиш, иш ҳақини тўлаш ва бошқалар учун қарзлар бериш. Кредитлар муддати секин-аста узайтирила борди. Банк ресурсларининг бир қисми асосий капитал ва қимматли қоғозлар учун сарф қилишда ишлатила бошланди. Бошқача айтганда, «Т. б.» ибораси ўзининг дастлабки мазмунини йўқотди. Энди у, фаолиятидан қатъи назар, барча хўжалик субъектларига хизмат кўрсатишга йўналтирилди.

ТИЖОРАТ ВАКИЛЛИГИ — фуқаролик ҳуқуқида мавжуд бўлган алоҳида вакиллик тури.

ТИЖОРАТ КОНЦЕССИЯСИ ШАРТНОМАСИ — ЎзРда бир томон (ҳуқуқ эгаси)нинг бошқа томон (фойдаланувчи)га ҳақ эвазига муайян муддатга ёки муддатини кўрсатмаган ҳолда фойдаланувчининг тадбиркорлик фаолиятида ҳуқуқ эгасигагина тегишли бўлган ҳуқуқлардан, жумладан, ҳуқуқ эгасининг фирма номи ва (ёки) тижорат белгисидан, муҳофаза этиладиган тижорат ахборотидан, шунингдек, шартномада белгиланган алоҳида ҳуқуқлар объектлари — *товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси* ва бошқалардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш мажбуриятини олишига асос бўладиган шартнома. Т.к.ш. ҳуқуқ эгасининг танҳо ҳуқуқларидан, ишбилармонлик обрўсидан ва тижорат тажрибасидан муайян ҳажмда (чунончи, фойдаланишнинг энг кам ва (ёки) энг кўп ҳажмини белгилаган ҳолда), тадбиркорликнинг муайян соҳасига нисбатан (ҳуқуқ эгасидан олинган ёки фойдаланувчи ишлаб чиқарган товарларни сотиш, бошқа савдо фаолияти билан шуғулланиш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш) фойдаланиш ҳудудини кўрсатган ёки кўрсатмаган ҳолда фойдаланишини назарда тутади. Жаҳон амалиётида шартноманинг бу тури **«франчайзинг»** номи билан кенг тарқалган.

Т.к.ш. фойдаланувчининг бошқа шахсларга танҳо ўзига тегишли ҳуқуқлар мажмуасидан ёки уларнинг бир қисмидан ҳуқуқ эгаси билан келишилган ёхуд Т.к.ш.да белгиланган **субконцессия** шартлари асосида фойдаланишга рухсат бериш ҳуқуқини назарда тутиши мумкин.

ТИЖОРАТ КРЕДИТИ — ЎзР ФКда кредит шартномаларининг бир тури. ФКга мувофиқ, иккинчи бир томон тасарруфига маълум суммани ёки бошқа умумий хусусиятлар билан белгиланувчи нарсаларни бериш билан боғлиқ шартномалар кредитлар тақдим қилиш сифатида кўрилиши мумкин. Шу жумладан, маҳсулотлар, иш ёки хизматларни аванс тарзида, аввалдан тўлаш, муддатни узайтириш ва қисқартириш орқали тўлаш, агар қонунда ўзгача тартиб белгиланмаган бўлса, шу туркум шартномаларга киради. Т.к.ларига тегишли тарзда Фуқаролик кодексининг кредит шартномалари тўғрисидаги қоидалари ҳамда шу соҳага тегишли ЎзР шартномалари қоидалари қўлланади.

ТИЖОРАТ МАҚСАДЛАРИДА ПОРА ОЛИШ — Ушбу жиноят мазмунини белгиловчи жиҳатлар биринчи навбатда тижорат ёки бошқа ташкилот манфаатларига қарши қаратилганлиги билан ҳамда мазкур ташкилотларда бошқариш функцияси билан шуғулланувчи шахсларга уларнинг эгаллаб турган мансаби боис шахс манфаатлари йўлида пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мулкни ноқонуний тарзда бериш, шу жумладан, уларга муайян ҳаракатларни содир этишлари (ёки содир этмасликлари) учун мулкий хусусиятга эга ноқонуний хизматлар кўрсатишда намоён бўлади. Мазкур жиноятни содир этишнинг иккинчи томони тижорат ёки бошқа ташкилотда бошқарув фаолияти билан шуғулланувчи шахснинг пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мулкни ноқонуний тарзда олиши ҳамда муайян ҳаракатларни содир этмаслик (ёки содир этиш) учун берувчи (хизмат кўрсатувчи) манфаатларидан келиб чиқиб, унинг мулкий хусусиятга эга ноқонуний хизматларидан фойдаланишида намоён бўлади.

Мазкур қонунбузарликни содир этган шахс, агар унга нисбатан товламачилик содир этилган ёки ушбу шахс ихтиёрий равишда жиноят

иши қўзғатиш ваколатига эга органга юз берган воқеа тўғрисида мурожаат қилган бўлса, жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

ТИЖОРАТ СИРИ — ҳимоя қилинишининг алоҳида тартиби белгиланган фуқаролик ҳуқуқи объектларидан бири. ЎзР ФКга мувофиқ, ахборот қуйидаги ҳолларда Т.с. деб саналиши мумкин: агар ахборот учинчи шахсларга маълум эмаслиги, қонуний асосларда мазкур ахборот билан танишишга рухсат берилмаганлиги ҳамда ахборот эгаси уни сир тутиш учун чора-тадбирлар кўраётганлиги боис ахборот ҳақиқий ёки яширин тижорат қимматига эга бўлса, Т.с.ни ташкил қилмайдиган маълумотлар қонунлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда белгиланади. Т.с.ни ташкил этувчи ахборот ФК ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тарзда ҳимоя қилинади. Т.с.ни ташкил этувчи маълумотларга ноқонуний йўллар билан эга бўлган шахслар етказилган зарарни тўлашлари лозим. Шунингдек, меҳнат шартномасига зид равишда Т.с.ни ошкора қилган ходимга ҳам худди шундай жавобгарлик юкланади.

ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ — ЎзР ФКга мувофиқ, фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб танлаган юридик шахс. Т.т. ҳисобланадиган юридик шахс хўжалик жамиятлари, ишлаб чиқариш кооперативлари каби шаклларда тузилиши мумкин. Шунингдек, тижорат ва нотижорат ташкилотларнинг ассоциация ва иттифоқлар шаклида бирлашмалар тузишларига рухсат берилади.

ТИЖОРАТ ТОВАРЛАРИ — божхона ҳуқуқида ташқи савдо муомаласида олиш-сотиш мақсадида экспорт қилинадиган, импорт қилинадиган ва транзит сифатида олиб ўтиладиган товарлар. Тижорат товарларининг ҳаракати ташқи савдога етказиб бериш учун тўланадиган валюта кўчишини тақозо этади.

ТИЗИМЛИ ШАРҲЛАШ — ҳуқуқ нормаси маъносини унинг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат тизимидаги ўрнини аниқлаш орқали очиб бериш. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими қонун чиқарувчи орган уни яратиш учун асос бўлган қоидага қатъий риоя этган ҳолда белгиланади, бинобарин, ҳуқуқ нормаси тизимда жойлашишига қараб муайян вазиятларда унинг ҳақиқий мазмунини тушуниш мумкин.

ТИЛ СУВЕРЕНИТЕТИ — ЎзРнинг «Давлат тили тўғрисида»ги 1989 йил 21 октябрь қонунида тарифланишича, «миллатнинг буюк ютуғи ва ажралмас белгиси». Қонунга биноан, «қайси тил она тили бўлишидан қатъи назар, ЎзР ҳудудида яшовчи барча фуқаролар тенгдирлар». ЎзР Конституциясининг 4-моддасича «ЎзР ўз ҳудудида яшовчи миллатлар ва элатларнинг тилига, одатлари ва анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлишни, уларнинг ривожланиши учун шароитлар яратилишини таъминлайди». Халқлар ва шахснинг Т.с. қонун билан муҳофаза қилинади. ЎзР қонунларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари ҳеч ким инсонга унинг ихтиёрига зид равишда у ёки бу тилдан фойдаланишга мажбур қилишга ҳақли эмас.

ТИЛ ЦЕНЗИ — сайлаш ҳуқуқига эга бўлиш учун муайян давлатнинг расмий (давлат) тилини (ёхуд расмий тиллардан бирини ёхуд барча расмий тилларини) билишларини талаб этувчи қоида. Бир қатор кўп миллатли давлатларда (баъзан саводлилик цензи шаклида) тарқалган. Баъзан умумий Т.ц.дан ташқари квалификация қилинган Т.ц. белгиланади: м-н, Қозоғистонннинг 1993 йилги Конституциясига биноан, республика президенти этиб Қозоғистоннинг давлат тилини му-

каммал биладиган фуқароси сайланиши мумкин, айни пайтда вице-президентлик лавозимига номзоддан эса давлат тилини шунчаки билиш талаб этилади.

ТИЛХАТ — имзо қўйиш билан бирор нарсани олиш ёки келишиш. Ҳуқуқда ёзма исботнинг бир тури. Алоҳида ҳолларда шартнома тузганлиги ҳақида гувоҳлик беради.

ТИНТУВ — жиноий иш бўйича далилларни олишга қаратилган тергов ҳаракати. ЖПКнинг 158-моддасига биноан, суриштирувчи ва терговчи бирор турар жой, хизмат, ишлаб чиқариш биносида ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда иш учун аҳамиятли бўлган нарса ёки ҳужжатлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдирда Т. ўтказишга ҳақлидир. Т. қидирилаётган шахсни, шунингдек, мурдани топиш учун ҳам ўтказилиши мумкин.

ТИНТУВ ВА ОЛИБ ҚЎЙИШ — тергов ҳаракатлари. ЎзР ЖПК 157 ва 158-моддаларида назарда тутилган асослар бўлганда, суриштирувчи ёки терговчи шахснинг кийимида, унинг ёнидаги буюмларда ёки баданида топилган ҳамда жиноят иши учун аҳамиятли бўлган нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиши мумкин.

Тинтув ва олиб қўйиш ЎзР ЖПК 157 ва 161-моддаларида баён этилган қоидалар бўйича амалга оширилади. Айни пайтда тинтув ва олиб қўйиш қуйидаги ҳолларда алоҳида қарор ёки ажрим чиқармай туриб ҳам амалга оширилиши мумкин: 1) жамоа тартибини муҳофаза қилиш функциясини бажараётган милиция ходими ушланаётган шахсда қурол борлиги ёки у жиноят содир этганлигини фош қилувчи далиллардан қутулиш ниятида эканлигини тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлганда гумон қилинувчини ушлаётган пайтда (ЎзР ЖПК 224-модда); 2) гумон қилинувчи шахс ЎзР ЖПК 225-моддасига асосан милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ушлаб туриш баённомасини тузиш чоғида; 3) айбланувчининг қуроли, сақлаш тақиқланган нарсалари, шунингдек, жиноят иши учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатлари бор деб тахмин қилиш учун асослар бўлганда, унга нисбатан қамоқда сақлаш эҳтиёт чораси қўлланилганда; 4) олиб қўйиш ёки тинтув амалга оширилаётган хонада ёки бошқа жойда бўлган шахс олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш ҳақидаги қарор ёки ажримга мувофиқ олиб қўйилиши лозим бўлган нарса ва ҳужжатларни яширяпти деб тахмин қилиш учун етарли асослар бўлганда.

Тинтув ҳамда нарса ва ҳужжатларни олиб қўйишни суриштирувчи ёки терговчи тинтув қилинаётган шахс билан бир жинсда бўлган мутахассис ва холислар иштирокида амалга ошириши мумкин. Суриштирувчи, терговчи тинтув ёки олиб қўйиш амалга оширилганлиги тўғрисида баённома тузади. Суд амалга оширган нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиш жараёнининг натижаси суд мажлиси баённомасида акс эттирилади.

Баённомада нарса ёки ҳужжатлар айнан қайси жойдан ва қандай ҳолатларда топилганлиги, улар ихтиёрий равишда берилганлиги ёки мажбуран олиб қўйилганлиги кўрсатилиши керак. Олиб қўйилган барча нарса ва ҳужжатлар баённомада миқдори, меъёри, оғирлиги, ўзига хос белгилари кўрсатилган ҳолда санаб ўтилиши, зарур бўлганда ўралиши ва муҳрланиши керак.

ТИНЧЛИК ШАРТНОМАСИ — халқаро келишув, шартнома. Т. ш. га

асосан, урушни тугатиш, тинчликни мустаҳкамлаш, давлатлараро чегаралар ўрнатиш ва ўзгартириш, масалалари, ташқи сиёсий ва иқтисодий масалалар ўзаро келишиб олинади.

ТИНЧЛИККА ТАҲДИД — ҳар бир муайян ҳолатда *БМТ Хавфсизлик Кенгаши* томонидан дискрецион шаклда белгиланадиган ва ушбу органнинг БМТ Устави VII бобига асосан, *халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш* учун қандай чоралар кўрилиши кераклиги ҳақида тавсиялар ёки қарорлар қабул қилиши учун асос бўладиган вазият. Тахминий рўйхати 1974 йилги Тажовуз таърифида берилган тажовуз ҳаракатларидан фарқли ўлароқ, ҳозирги кунгача Т.т. вазиятини аниқлаштирувчи халқаро ҳужжат йўқ.

ТИНЧЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР — халқаро жиноятларнинг оғир тури. Халқаро ҳарбий трибунал уставига асосан бу жиноятлар агрессив урушни ташкил этиш, режалаштириш, келтириб чиқариш ёки амалга ошириш кабиларни ўз ичига олади. Бу каби жиноятлар халқаро келишув ва шартномаларда белгиланган тартибларни бузишда ифодаланади. 1947 йил 3 ноябрь куни қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеяси резолюциясига асосан урушни тарғиб қилиш ҳам тинчликка қарши жиноятлар бўлиб ҳисобланади. Т.қ.ж.ни содир этган шахслар жиноий жавобгарликка тортиладилар.

ТИРАЖ — 1) *тираж лотереясин*инг билетлар савдога чиқарилган пайтдан умумий ўйин ўтказилиб, ушбу билетлар бўйича ютуқлар топширилгунча ўтадиган ягона тўлиқ цикли; 2) давлат заёми *облигацияларин*инг ёки *эмитент* сотиб оладиган бошқа мажбуриятларнинг қопланиши; 3) босма нашр нусхаларининг умумий миқдори.

ТИРАЖ ЛОТЕРЕЯСИ — ЎзР қонунларига биноан, ўтказилиш жараёни тиражларга бўлинадиган лотерея. Т.л.нинг пулли мукофот фонди лотереяга хизмат кўрсатувчи банкда (банкларда) тўпланади ва ушбу банк томонидан тўланади. Банк мукофот фонди дахлсизлиги ва лотерея ташкилотчиси ундан фақат белгиланган вазифаси бўйича фойдаланишига жавоб беради.

Пулсиз шаклдаги мукофот фонди унинг лотерея шартларида эълон қилинган кўринишида ушбу мақсад учун шартнома асосида махсус жалб этилган ишончли юридик шахсда сақланади ва ушбу иштирокчиларга юридик шахс томонидан берилади. Ушбу юридик шахс мукофот фондининг дахлсизлиги ва лотерея ташкилотчиси ундан фақат белгиланган вазифаси бўйича фойдаланишига жавоб беради. Т.л.нинг пулли мукофот фонди унинг шартида эълон қилинган ўйин ўтказилгунча шакллантирилади. Ўйин ўтказилганидан кейин Т.л. пулли ёки пулсиз мукофот фондини шакллантириш учун бойликларни сотиб олишга йўл қўйилмайди. Шунингдек, Т.л. ўйинларини мукофот фонди тўла ҳажмда тўпланмасидан ёки мукофот фонди заём маблағларидан шаклланмасидан аввал ўтказиш ҳам тақиқланади.

ТИТУЛ (лот. — ёзув, фахрли унвон) — 1) бир қатор давлатларда (м-н, Буюк Британия, Францияда) фахрли эгалик, авлоддан авлодга ўтадиган ёки мукофот тарзида берилган унвон (м-н, князь, граф); 2) фуқаролик ҳуқуқида муайян бир ҳуқуқнинг асоси (м-н, мулкчилик Т.); 3) ЎзРда титул рўйхатларига киритилган объектлар бўйича капитал қурилиш сметаларининг номи.

ТИТУЛ РЎЙХАТИ — ЎзРда инвестиция дастурларига киритиладиган

ва марказлашган ҳолда молиялаштириладиган қурилаётган (қайта қурилаётган) объектларнинг номма-ном рўйхати.

ТИТУЛ ЭГАЛИГИ — тегишли юридик факт, яъни титулдан келиб чиқувчи бирон ҳуқуққа (ҳуқуқий ҳужжатга) асосланган буюмга *эгалик* (м-н, буюмни олиш-сотиш шартномасига ёки унинг мерос тартибида ўтказилишига асосланган мулкчилик ҳуқуқи). Бундан фарқли равишда, титулсиз (амалдаги) эгалик қонунда белгиланган шароитларда муайян ҳуқуқий оқибатларга олиб келса-да, ҳеч бир ҳуқуқий асосга эга бўлмайди.

ТОҒ ШОХОБЧАСИ — ЎзРда конларнинг улардаги фойдали қазилмаларни саноат йўли билан ишлатиш учун корхонага (ташкилотга) тақдим этиладиган қисми. Участкада турли хил қазилма бойликлар бўлган тақдирда Т.ш. уларнинг ҳар бири учун берилади.

ТОБАРА ДОКТРИНАСИ — 1907 йилда сиёсатдон Эквадор К.Тобара илгари сурган ҳамда давлат тўнтаришидан сўнг ҳокимият тепасига келган ҳукуматни ўз аҳолиси томонидан тан олинмагунича эътироф этмаслик ҳақидаги халқаро ҳуқуқий доктрина. Т.д. 1907 ва 1923 йилларда Марказий Американинг 5 давлати: Гватемала, Гондурас, Коста-Рика, Никарагуа ва Сальвадор билан тузилган 2 шартномада ифодаланган. Шартнома тузишнинг бундан кейинги амалиётида, жумладан, Америка давлатлари ташкилотининг уставида ҳам Т.д. изоҳига ҳавола қилинмаган. Т.д.га қарама-қарши равишда Эстрада доктринаси кенг оммалашган ва шартномаларда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

ТОВАР БЕЛГИСИ — ЎзР қонун ҳужжатларига мувофиқ, бир юридик ёки жисмоний шахснинг товарларини бошқа юридик ёки жисмоний шахснинг худди шундай товарларидан фарқлаш имконини берувчи белги. Маҳсулотларни индивидуаллаштириш воситаси бўлиб, қонунга кўра, унга мутлақ эгалик ҳуқуқи интеллектуал мулкка тегишли. Т.б. сифатида сўзда ифодаланган, тасвирий, муайян катталикдаги белгилар ёки уларнинг комбинациялари қайд этилиши мумкин.

ТОВАР БЕЛГИСИ ГУВОҲНОМАСИ — қайд этилган товар белгисининг устунлигини тасдиқловчи расмий ҳужжат.

ТОВАР БИРЖАСИ — ЎзРнинг «ЎзРда биржа фаолияти тўғрисида»ги 1994 йил 1 январь қонунига мувофиқ, жорий қоида асосида аввалдан белгиланган жой ва аниқ вақтда ўтказиладиган, очиқ оммавий савдо шаклида амалга ошириладиган биржа савдосини ташкил қилиш ва тартибга солиш орқали улгуржи савдони шакллантирувчи юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ташкилот. Мазкур талабларга жавоб бермайдиган ташкилотлар ўз номида «товар биржаси» ёки «биржа» сўзларини ишлатишлари мумкин эмас.

ТОВАР БИРЖАСИ БРОКЕРИ — олди-сотди битимлари тузилишида уз мижозлари топшириғига биноан ва уларнинг номидан воситачилик хизматини амалга оширувчи шахс.

ТОВАР БИРЖАСИ ДИЛЕРИ — биржада ўз номи ва ўз ҳисобидан воситачиликни амалга оширувчи шахс.

ТОВАР БИРЖАСИ ҚАТНАШЧИЛАРИ — ЎзРнинг 1992 йил 3 июль куни қабул қилинган «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги» қонуни асосида биржа ва биржа фаолиятига ҳуқуқий баҳо берилган. Шунга асосан биржа — аввалдан тайинланадиган манзил ва вақтда белгиланган қоидалар асосида очиқ савдо-сотиқ ўтказиш орқали биржа товарлари билан эркин улгуржи савдо қилиш учун шарт-шароитлар яратувчи

юридик шахс ҳисобланади. Биржа фаолияти товарларига бўлган талаб ва уларни таклиф қилишнинг амалда мавжуд нисбатларини аниқлаш ҳамда уни ҳисобга олган ҳолда нарх-навони шакллантириш асосида биржа товарлари улгуржи бозорини вужудга келтиришга қаратилган ҳаракатлар мажмуидан иборатдир. Ушбу қонуннинг 4-моддасига кўра товар биржаси қатнашчилари — мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, ташкилотлар, хўжалик уюшмалари, брокерлик ва дилерлик фирмалари (идоралари), брокерлар, дилерлар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар, жумладан, чет эл юридик ва жисмоний шахсларидир. Биржа аъзолари, биржа воситачилари, шунингдек биржа мижозлари биржа савдосидаги қатнашчилар ҳисобланадилар.

ТОВАР БИРЖАСИДА ВОСИТАЧИЛИК — фақат биржа воситачилари-брокерлар ва дилерлар, брокерлик ва дилерлик фирмалари (идоралари) томондан амалга ошириладиган фаолият йўналиши.

ТОВАР БЎЙИЧА ҚАРЗ МАЖБУРИЯТЛАРИ — давлат бюджет харажатларини қоплаш учун муомалага чиқарадиган қимматбаҳо қоғозларнинг турларидан бири.

ТОВАР БОЗОРИ — ЎзРнинг «Товар бозорларида рақобат ҳамда монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги 1996 йил 27 декабрь қонунига мувофиқ, «товарнинг ЎзР ҳудудида ёки унинг бир қисмида айланиш соҳаси бўлиб, ушбу ҳудуд республиканинг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келиши ёки келмаслиги мумкин».

ТОВАР КРЕДИТИ — ЎзР фуқаролик ҳуқуқида кредит шартномасининг тури. ЎзР ФК 747-моддасига мувофиқ, тарафлар бир тарафнинг кредит шартномаси асосида турга хос аломатлари билан белгиланган ашёларни иккинчи тарафга бериш мажбуриятини назарда тутувчи шартномани (товар кредити шартномаси) тузишлари мумкин. Агар бундай шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса ва мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, бундай шартномага нисбатан ЎзР ФКнинг кредит шартномаси тўғрисидаги қоидалари қўлланилади. Ашёларни кредитга бериш тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартноманинг берилаётган ашёларнинг турлари, ассортименти, тўлиқлиги, сифати, идиши ва (ёки) ўралиши ҳақидаги шартлари товарларни олиш-сотиш шартномаси тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ бажарилиши шарт.

ТОВАР ТАЙЁРЛАНГАН ДАВЛАТ — божхона ҳуқуқида товарлар тўлиқ ишлаб чиқарилган ёки етарлича ишлов берилган ёки қайта ишланган давлат. Қуйидаги технологик операциялар етарлича ишлов бериш деб тан олиниши мумкин эмас: сақлаш ва транспортда ташиш вақтида сақланишини таъминлаш бўйича; товарларни сотувга ёки транспорт орқали ташишга тайёрлаш (янги туркумини қўшиш, жўнатмани шакллантириш, навларга ажратиш ва қайта ўраш); оддий йиғув операциялари; товарларни (таркибий қисмларини) олинган маҳсулотга унинг дастлабки таркибий қисмларидан кескин фарқ қилувчи хусусиятлар бермасдан аралаштириш. Қуйидаги товарлар ушбу давлатда тўлиқ ишлаб чиқилган деб ҳисобланади: унинг ҳудудида ёки иқтисодий зонасида қазиб олинган фойдали қазилмалар; тирик ҳайвонлар ва ушбу давлатда ўстирилган ўсимлик маҳсулотлари; тирик ҳайвонлар, ов, балиқчилик ва денгизчилик ишлари (балиқ овлаш)дан олинган ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот. Ушбу давлатда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш ва бошқа

операцияларнинг иккиламчи хомашёлари ва чиқиндилари, шунингдек, ушбу давлатда юқорида санаб ўтилган маҳсулотлардан ишлаб чиқилган бошқа товарлар.

ТОВАР ЧЕКИ — дўкон ёзиб берадиган маълум шаклдаги ҳужжат. У харидор танлаган товарнинг борлигини, пули тўланганлигини ва сотилганлигини тасдиқлайди. Т.ч. дўкондаги товар алмашувида муҳим ўрин тутади. Харидор ўзи сотиб олган ва кафолат муддати белгиланмаган товар (кийим, мато, мўйна ва б.ни) ўз истагига кўра 14 кун (харид куни ҳисобга кирмайди) ичида алмаштириб олиши ёки қайтариб бериб, пулини олиши мумкин. Сифатсиз товарлар харидор товар билан бирга дўконнинг касса ёки Т.ч.ни тақдим этганда ва товарда фабрика ёрлиғи бўлганда алмаштириб берилади.

ТОВАР, ИШ ВА ХИЗМАТЛАРДАГИ ЖИДДИЙ КАМЧИЛИКЛАР — ЎзРнинг 1996 йил 26 апрелги «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунида белгиланганидек, товар бирор нуқсони натижасида мўлжалланган мақсадда истеъмол қилишга яроқсиз бўлса, ёки истеъмол қилиб бўлмайдиган ҳолга келиб қолган бўлса, ёхуд бунинг натижасида истеъмолчи шартнома тузаётган пайтда мўлжалланган ҳақнинг маълум даражадаги миқдоридан маҳрум бўлса, бундай етишмовчиликлар товар (ёки хизмат)нинг жиддий камчилиги ҳисобланади.

ТОВАР-ГАРОВ КРЕДИТИ — товарлар партиясини гаровга олиш эвазига берилган кредит.

ТОВАРЛАР — ЎзР БКнинг 7-моддасида берилган таърифга кўра, ҳар қандай кўчар мол-мулк, шу жумладан, валюта ва валюта бойликлари, электр, иссиқлик энергиялари ва энергиянинг бошқа турлари, транспорт воситалари — йўловчилар ва товарларни ташиш учун фойдаланиладиган воситалардан бошқа транспорт воситалари, интеллектуал мулк объектлари, олди-сотди ёки айирбошлаш объекти ҳисобланувчи бажарилган ишларнинг, кўрсатилган хизматларнинг натижалари. ЎзРнинг «Рақобат ва товар бозорларидаги монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги 1996 йил 27 декабрь қонунига кўра, «Товар — сотиш ва айирбошлаш учун кўзда тутилган иш ва хизматлар фаолиятининг маҳсулоти».

ТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР) ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТ — уларнинг ихтиёрий равишда сайлаб олинишига имкон берувчи маълумотлар. Товарлар тўғрисидаги ахборот: товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) асосий истеъмол хусусиятлари рўйхатига, товарлар мажбурий талабларига мувофиқ бўлиши керак бўлган стандартлар номланишига, тайёрловчининг кафолатловчи мажбуриятларига, товарлардан (ишлар, хизматлардан) хавфсиз фойдаланиш қоидалари ва шартларига, хизмат қилиш муддатига, таъмирловчи, зарурий техник ёрдам кўрсатувчи корхоналарнинг манзилгоҳига эга бўлиши керак.

ТОВАРЛАР ТРАНЗИТИ — ЎзР божхона ҳуқуқида божхона режими бўлиб, унда товарлар ЎзРнинг икки божхона органи орасида, жумладан, хорижий давлат ҳудуди орқали бож, солиқлар олинмасдан, шунингдек, товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат чораларини қўлламасдан божхона назоратида кўчирилади. ЎзРнинг икки божхона органи ўртасида транзит сифатида кўчириладиган товарлар ўзгаришсиз ҳолатда қолиши (транспортда ташиш ва сақлашнинг нормал шароитларида табиий эскириш ёки камайиш оқибатида ўзгаришигагина йўл қўйилади) ва транзитдан бўлак бирор мақсадда фойдаланилмаслиги; транспорт воситасининг

имкониятлари, белгиланган йўналишнинг шароити ва бошқа ташиш шарт-шароитларидан келиб чиқиб белгиланган божхона органига жўнатиш божхона органи белгилаган вақтда, аммо қонунда белгиланган энг кўп муддатдан ошмайдиган вақтда етказиб берилиши лозим.

ТОВАРЛАР ЭКСПОРТИ — божхонанинг товарларни ЎзР божхона ҳудудидан ушбу ҳудудга олиб кириш мажбуриятисиз олиб чиқиш режими. Б.э. режими ЎзР БКнинг 19-моддасига кўра амалга оширилади. Б.э. ЎзР БК ва божхона иши буйича бошқа қонун ҳужжатларининг курсатилган барча талабларини бажарган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин.

Экспортда товарлар солиқлардан озод қилинади ёки олинган солиқлар ЎзР Солиқ кодексига мувофиқ равишда қайтариб берилади. Маҳсулотлар божхона декларацияси қабул қилиб олинган кунда қандай аҳволда бўлса, ЎзР божхона ҳудудидан шундайлигича олиб чиқиб кетилиши керак (табиий эскириш ёки транспортда ташиш ёки сақлаш натижасида юзага келадиган ўзгаришларга йўл қўйилиши мумкин).

ТОВАРЛАР, ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ИДЕНТИФИКАЦИЯСИ — божхона назоратининг шакли: пломба қўйиш, муҳрлаш, сонлар киритиш, ҳарфлар қўйиш йўли билан ва бошқа маркировкалар, идентификация белгилари, штамп қўйиш, намуналар олиш, чизмалар чизиш, масштабли тасвирлар тайёрлаш, суратга олиш, иллюстрациялар, товарни кузатиш ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш йўли билан ЎзР божхона органлари томонидан амалга оширилади.

ТОВАРЛАРНИ БОЖХОНА ҲУДУДИДАН ТАШҚАРИДА ҚАЙТА ИШЛАШ — ЎзР Божхона кодексининг 38-моддасида қайд этилганидек — божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш шундай режимки, бунда Ўзбекистон товарлари уларга нисбатан иқтисодий сиёсат чораларини қўлланмаган ҳолда олиб чиқилади ва улардан қайта ишлаш маҳсулотларини бож ва солиқлардан тўлиқ ёки қисман озод қилиб, шунингдек, товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат чораларини қўлламасдан, келгусида божхона ҳудудидан эркин муомалага чиқариш мақсадида божхона ҳудудидан ташқарида фойдаланилади. Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш режимидан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин эмас: агар товарларни олиб чиқиш импорт божларини ва солиқларини қайтариш, улардан озод қилиш ёхуд олиб чиқиш вақтидаги тўловларни олишни талаб қилиш учун асос бўлса, импорт билан, солиқлардан озод этишнинг амал қилиб турган вақти мобайнида, агар унинг амал қилиши товарларни эркин муомалага чиқаришда уларни қайта ишлаш учун олиб чиқилгунга қадар фойдаланилган бўлса, қонун ҳужжатларида белгиланадиган бошқа ҳолларда.

Товарларни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш белгиланган муддатларда амалга оширилади. Божхона органлари товарларни қайта ишлаш натижасида маҳсулот чиқишини қонун ҳужжатларида кўрсатилган тартибда белгилаб қўйиши мумкин. Қайта ишлаш маҳсулотларини чет эл товарлари билан алмаштиришга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда йўл қўйилади.

ТОВАРЛАРНИ БОЖХОНА ҲУДУДИДАН ТАШҚАРИДА ҚАЙТА ИШЛАШ — шундай режимки, бунда қайта ишлаш маҳсулотлари экспорт режимига мувофиқ божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетиш шарти билан чет эл товарларидан божхона ҳудудида қайта ишлаш

учун уларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлламасдан ва олиб киришда тўланган импорт божи ва солиқларни қайтарган ҳамда белгиланган тартибда фойдаланилади. ЎзР Божхона кодексининг 31-моддасига кўра, чет эл товарлари ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларини олиб чиқиш пайтида солиқлардан озод қилинади. Мазкур товарлар ва маҳсулотларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмайди. Товарларни божхона ҳудудидан қайта ишлаш жараёни қанча давом этишини ҳамда уларни қайта ишлаш маҳсулотларини тасарруф этишни ҳисобга олган ҳолда божхона органи белгилайдиган муддатларда амалга оширилиши керак. Божхона органлари товарларни қайта ишлаш натижасида қанча маҳсулот чиқиши кераклигини божхона мақсадларини кўзлаб, қонун ҳужжатларида кўрсатилган тартибда белгилаб қўйишлари мумкин. Олиб чиқиш чоғида тўпланган импорт божи ва солиқлар суммасини қайта ишлаш маҳсулотларини экспорт режимида олиб чиқиш пайтида қайтариши божхона органининг тақдимномаси буйича, ЎзР Божхона кодексининг тегишли моддаларида кўрсатилган тартиб асосида қайта ишлаш маҳсулотлари, товар ЎзРнинг божхона чегараси орқали олиб ўтилган кундан бошлаб икки йилдан кечиктирмай олиб чиқилган тақдирда амалга оширилади.

ТОВАРЛАРНИ ЙЎҚ ҚИЛИШ — хорижий товарлар ва транспорт воситалари божхона назоратида йўқ қилинадиган божхона режими. Бунда, жумладан, ушбу товар ва транспорт воситалари божлар, қўшимча қиймат солиғи, акцизлар ва ундиришнинг божхона органлари зиммасига юклатилган бошқа солиқлар олинмасдан, шунингдек, иқтисодий сиёсат чоралари (квоталаштириш, лицензия бериш ва ш.к.) қўлланилмаган ҳолда фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келтирилади. Т.й.қ. режими ЎзР БКнинг 37-моддаси билан тартибга солинади.

ТОВАРЛАРНИ ХАТЛАШ ВА КОДЛАШНИНГ УЙҒУНЛАШГАН ТИЗИМИ (УТ) — ташқи савдога чиқаётган товарлар буйича таснифлаш ва статистик ахборотнинг халқаро қоидалари. Янги халқаро унификацияланган товар номенклатурасини (УТН) — махсус таснифлаш схемаси буйича тақсимланган олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарларнинг муфассал кўп мақсадли руйхатини, ёрдамчи материаллар: УТнинг алифболи кўрсаткичи, УТга тушунтиришлар, шунингдек, Божхона Ҳамкорлиги Кенгашининг номенклатураси (БҲКН)дан УТНга ўтиш калитини ўз ичига олади. УТ божхона органлари, статистика хизматлари, тижорат фаолияти эҳтиёжларига жавоб беради; ташқи савдо ҳақидаги миллий статистика маълумотларининг қиёсланишини ҳамда турли давлатларнинг ташқи савдо ва ишлаб чиқариш статистикаси ўртасидаги яқин алоқадорликни таъминлайди.

ТОВАРНИ КУЗАТИБ БОРУВЧИ ҲУЖЖАТЛАР — етказиб берилган товарларнинг миқдор хусусиятларини акс эттирувчи ташқи савдо ҳужжатлари.

ТОВОН ТЎЛОВЛАРИ — меҳнат ҳуқуқида ишчига меҳнат мажбуриятларини бажариши (масалан, меҳнат сафарларида — суткалик, квартира ҳақи), ёки бошқа жойга ишга ўтказилиши (масалан, бир вақтда тўланадиган нафақа) билан боғлиқ қўшимча харажатларни қоплашга ишлатиладиган сумма.

ТОЗА АТРОФ МУҲИТДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ — инсоннинг давлат томонидан конституцион тарзда таъминланадиган ҳуқуқи.

Ушбу ҳуқуқ кафолатланадиган ҳуқуқ сифатида давлатлар конституцияларида энг «кенжаси» сифатида қайд этила бошланган. Жумладан, 1978 йили Испания Конституциясида ўз аксини топди. Кенг миқёсда эса 1980—1990 йиллар мобайнида «экологик ҳуқуқ» сифатида ўша даврда мавжуд бўлган социалистик давлатлар ҳуқуқи тизимида қайд қилина бошланди. Бу ҳуқуқ давлатлар томонидан ва шу билан бирга жисмоний, юридик шахслар томонидан атроф муҳитнинг тозалигини таъминлаш орқали таъминланади. ЎзРнинг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси айнан шу муаммолар бўйича ўзига хос янги босқичга ўтиш шаклини яратади. Яъни давлат бошқарув тизимида табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тузилди ва унинг фаолияти табиатни ва шу асосда экологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилди. Шу билан атроф муҳит муҳофазаси маҳаллий хокимият органларининг конституцион вазифаси бўлди.

ТОЗА ИНКАССА — молия ҳужжатларининг тижорат ҳужжатлари билан кузатилмаган ҳолатлардаги инкассаси.

ТОЗА КОНОСАМЕНТ — юк сифати ва миқдорига нисбатан юк ташувчининг ҳеч қандай эътирози ифодаланмаган денгизда юк ташиш шартномаси. Агар шартномада бундай эътирозлар мавжуд бўлса, коносамент тоза бўлмаган ёки нопок коносамент деб аталади ва бу тур коносаментлар бўйича банк юкланган маҳсулот учун тўловни амалга оширмайди. Нопок коносаментдан қутулиш учун юкни жўнатувчи юк ташувчига юкнинг етишмаслиги ёки шикастланиши билан боғлиқ ҳар қандай зарарга нисбатан жавобгарликдан озод қилишни белгиловчи кафолат хатини тақдим қилади.

ТОКИО СУД ПРОЦЕССИ — тинчлик, инсонийлик, уруш қилиш қонунлари ва одатларига қарши жиноятларни содир этган асосий япон ҳарбий жиноятчилари устидан амалга оширилган суд жараёни. Бош япон ҳарбий жиноятчиларини суд қилиш учун йиғилган Халқаро Ҳарбий трибунал Токиода 1946 йил 3 майдан 1948 йил 12 ноябргача бўлиб ўтган.

ТОКСИКОЛОГИЯ — кимёвий моддаларнинг молекуляр даражадаги ўзаро таъсири натижасида уларнинг тирик организм учун зарарли оқибатлари ҳақидаги таълимот. Т. формакологиянинг махсус соҳаси бўлиб, дориларнинг заҳарли таъсири натижасида токсик таъсири оқибатинигина эмас (м-н, кўнгилсиз оқибатлар ёки кўп дозалар таъсири), балки наркотиклар, озиқ-овқат маҳсулотлари, пестицидлар таъсири, кимёвий қурол, заҳарловчи моддалар, радиоактив нурланиш ва бошқаларнинг зарарли оқибатларини, ҳам ўрганади. Кейинги вақтларда саноат Т.си ҳамда атроф муҳит Т.си алоҳида аҳамият касб этмоқда. Суд экспертизаси ҳамда крим налистик техниканинг ажралмас қисми каби Т. биологик материалдаги (мурда қисми, ошқозон, тегишли аъзолар ва тана суюқликларидан) заҳарли моддаларни топиш, модда ёки чўкиндилардаги, қондаги алкоголнинг сақланишини аниқлаш ёки наркотик заҳарларни идентификациялаш билан шуғулланади.

ТОЛЛИНГ — корхонанинг импорт хомашёда ишлаши. Унинг механизми қуйидагилардан иборат: воситачилик фирмаси завод билан толлинг шартномасини тузади. Шунга кўра, бу фирма хомашёни импорт қилиш ва уни қайта ишлаш учун маблағ ажратади, завод иши учун ҳақ тўлайди ва ушбу хомашёдан тайёрланган маҳсулотнинг мулкдори ҳисобланади.

ТОПИЛМА — ЎзР ФКнинг 192-м.сида аниқ ифодаланган. Йўқолган ашёни топиб олган шахс бу ҳақда уни йўқотган шахсни ёки ашё эгасини ёхуд уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ўзга маълум шахслардан биронтасини дарҳол хабардор этиши ҳамда топилган ашёни шу шахсга қайтариши шарт.

Башарти, ашё бинода ёки транспортда топилган бўлса, у шу бинонинг ёки транспорт воситасининг эгаси бўлган шахсга топширилмоғи лозим. Топилма топширилган шахс ашёни топиб олган шахснинг ҳуқуқларини қўлга киритади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Башарти, топилган ашё қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номаълум бўлса ёки унинг манзили маълум бўлмаса, ашёни топиб олган шахс топилма тўғрисида милицияга, тегишли давлат органларига ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига маълум қилиши шарт.

Ашёни топиб олган шахс уни ўзида сақлаб туришга ёки сақлаш учун милиция, тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига ёхуд улар кўрсатган шахсга топширишга ҳақлидир.

Башарти, топилма тўғрисида милицияга ёки тегишли давлат органига хабар қилинган пайтдан эътиборан олти ой мобайнида йўқолган ашёни олишга ҳақли бўлган шахс аниқланмаса ҳамда ашёни топган шахсга ёхуд милиция, тегишли давлат органи ёки фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органига ана шу ашёга бўлган ўз ҳуқуқи тўғрисида арз қилмаса, ашёни топиб олган шахс унга эгалик ҳуқуқини олади.

Башарти, ашёни топиб олган шахс топилган ашёни мулк қилиб олишдан бош тортса, ашё давлат мулкига ўтади (ЎзР ФКнинг 193-м.).

ТОПШИРИҚ БЕРУВЧИ — ЎзР Фуқаролик кодексининг 817-моддасига кўра топшириқ шартномаси бўйича бир тараф (вакил) иккинчи тараф (топшириқ берувчи)нинг номидан ва унинг ҳисобидан маълум бир ҳуқуқий ҳаракатларни содир этиш мажбуриятларини олади. Вакил тузилган битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар бевосита топшириқ берувчидан вужудга келади.

ТОПШИРИҚ ШАРТНОМАСИ — фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг турларидан бири бўлиб, унга кўра, бир томон (ишончли вакил) иккинчи томон (ишониб топширувчи) номидан ва ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни бажариш мажбуриятини олади. Ишончли вакилнинг битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари бевосита ишониб топширувчида юзага келади.

Т.ш. ишончли вакил ишониб топширувчи номидан ёки унинг кўрсатмасисиз ҳаракат қилишга ҳақли бўлган муддатни кўрсатган ҳолда тузилиши мумкин. Ишониб топширувчи агар қонунда, бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ёки Т.ш.да кўрсатилган бўлса, ишончли вакилга иш ҳақи тўлаши шарт. Т.ш. иккала томоннинг ёки улардан бирининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига боғлиқ бўлган ҳолларда ишониб топширувчи, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ишончли вакилга мукофот пули тўлаши керак. Ишончли вакил ўзига берилган топшириқни ишониб топширувчининг кўрсатмаларига мос тарзда бажариши шарт. Ишониб топширувчининг топшириқлари қонуний, бажарса бўладиган ва аниқ бўлиши керак. Агар ишончли вакил иш ҳолати сабабли

ишониб топширувчининг манфаатлари йўлида зарур бўлса ва ишончли вакил аввалроқ ишониб топширувчидан розилигини сўрай олмаган бўлса, ёхуд ўз суровига оқилона муддатда жавоб олмаган бўлса, ишониб топширувчининг кўрсатмаларидан чекинишга ҳақли бўлади. Ишончли вакил хабар бериш мумкин бўлган заҳоти ишониб топширувчини йўл қўйилган чекинишлардан хабардор қилиши шарт.

ТОРТИШУВ — судлов юритишнинг демократик тамойили, унга кўра, ишнинг кўриб чиқилиши суд мажлисида томонларнинг баҳслашуви шаклида бўлиб ўтади. Процесснинг барча қатнашчилари тенг процессуал ҳуқуқларга эга: суд иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холис тадқиқ этиш, қонуний ва асосли қарор (ҳукм) чиқариш учун ҳақиқатни аниқлаш мақсадида қонунда назарда тутилган барча чора-тадбирларни қабул қилиши шарт.

ТОТАЛИЗАТОР — ўйин. Унга кўра, иштирокчи ўйин, спорт ёки бошқа ижтимоий аҳамиятли вазиятнинг имкониятдаги вариантига гаров боғлаб башорат қилади, ютуқ эса башоратнинг юзага келган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган фактларга қисман ёки тўла мос келишига боғлиқ. Т. ўтказиш вақтида юзага келадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ЎзР ФКнинг 984-моддаси билан белгиланади.

ТОТАЛИТАРИЗМ (лот.) — сиёсий режим турларидан бири бўлиб, давлатнинг барча ҳаётий соҳалари устидан тўла (тотал) назорати, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалда йўқ қилиниши, оппозиция ва ўзгача фикрловчиларга нисбатан қатағонлар бўлиши билан ажралиб туради (м-н, XX аср 20-йилларининг охиридан бошлаб — фашистлар Италиясидаги, нацистлар Германиясидаги Т.нинг турли шакллари, собиқ СССРдаги коммунистик режим, Испаниядаги франкизм ва б.).

ТОҒ ЎЛПОНИ — давлат конларда ишлаётган тоғ саноатчиларидан оладиган махсус солиқ. Т. ў.нинг жорий этилиши тоғ регалиялари билан боғлиқ.

ТОҒ ҲУҚУҚИ — конлардан фойдаланишни тартибга солувчи юридик нормалар мажмуи.

ТРАЙБАЛИЗМ — конституциявий ҳуқуқ фанида тропик Африка, Океания мамлакатларида ҳамда дунёнинг баъзи бир бошқа минтақаларида қабилаларнинг тарқоқлигини ифодалаш учун ишлатиладиган термин. Т. амалиёти давлат аппаратига кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда бир этник гуруҳ аъзоларига имтиёзлар бериш ва, бинобарин, бошқа барча этник гуруҳлар вакилларини камситишда намоён бўлади. Т. амалда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципини йўққа чиқаради ва фуқаролик урушларини келтириб чиқаради (м-н, Руанда, Сомали, Либерия ва б.).

ТРАМП КЕМАЧИЛИГИ — денгизда товарларни ташиш, оммавий равишда юкларни ташишга транспорт хизмати кўрсатиш тури. Т.к. чоғида юк кемаларининг иши доимий сузиш, юк ортиш ва тушириш туманлари, юк турлари билан чекланиб қолмайди, юк ташиш нархи эса томонларнинг келишувига кўра фрахт бозори конъюнктурасига боғлиқ равишда белгиланади.

ТРАНЗИТ ДАВЛАТИ — юклар (товар ва бошқа нарсалар)ни транзит сифатида товар жўнатувчи давлатдан уни олувчи давлатга ташишда ҳудудидан фойдаланиладиган ҳар қандай давлат.

ТРАНЗИТ ТОВАРЛАР — бир божхона ҳудудидан иккинчисига бошқа мамлакат орқали олиб ўтиладиган товарлар. Ўзбекистонда, кўпчилик бошқа давлатлар каби Т.т. божхона назоратига олинади, аммо улар учун бож олинмайди.

ТРАНЗИТ ТЎЛОВЛАРИ (божлари) — бир давлат ҳудудидан олиб ўтилаётган юк учун унинг божхонасида учинчи бир давлатга юк олиб ўтиш учун тўланадиган тўловлар. ЎзРда божхона орқали ўтадиган транзит товарлар учун тўловлар ва солиқлар ЎзРнинг 1997 йил 26 декабрь куни қабул қилинган ЎзРнинг Божхона кодекси ва бошқа қонунлар орқали тартибга солинади.

ТРАНЗИТ ЮКЛАР — бир мамлакатдан бошқасига учинчи мамлакат ҳудуди орқали олиб ўтиладиган юклар.

ТРАНЗИТ ҲИСОБИ — экспорт даромад (фойда) келиб тушадиган ҳисоб бўлиб, фақат маълум шартлар бажарилганидан сўнггина эркин фойдаланилиши мумкин. Масалан, сотувдан тушган фойданинг маълум фоизини белгиланган курс бўйича миллий валюта ўрнига эркин муомаладаги валюта ҳисобига давлатга ўтказиш.

ТРАНЗИТ ҲУЖЖАТИ — юкни олиб ўтаётган транспорт ташкилоти, декларант ёки божхона юклар транзит қоидалари бўйича олиб ўтилаётганда миллий қонунчилик талабларига мувофиқ равишда тузиладиган ҳужжат. Транзит ҳақидаги битим иштирокчилари бўлган МДҲ мамлакатлари Т.ҳ. сифатида божхона юк декларациясининг бланкидан фойдаланадилар. МДП халқаро транзит қоидалари қўлланилганда Т.ҳ. тузилмайди.

ТРАНЗИТ ҲУҚУҚИ — бир давлат шахслари, транспорт воситалари ва юкларининг бошқа давлат (қуруқлик, сув, ҳаво) ҳудуди орқали ўтиш ҳуқуқи. Т.ҳ., қоида тариқасида, ўзаро келишув асосида ва манфаатдор давлатларнинг ўртасида тузиладиган икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар асосида тақдим этилади. Ушбу шартномаларда транзит шартлари ва муайян тартиби белгилаб қўйилади. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида транзит эркинлиги ҳақида ҳеч бир шарт кўрсатилмаган норма йўқ. Давлат юкларни ўз суверенитети остида бўлган ҳудуд орқали олиб ўтишга рухсатни миллий қонунлар, қоидалар ва қарорларга асосланган ҳолда беради. Давлат ўз ҳудуди орқали транзит қилишни ҳеч бир оқловчи сабабни кўрсатмаган ҳолда рад этишга ҳақлидир. Лекин қитъа давлатлари ичида денгиз атрофида жойлашган қўшни давлатлар ҳудуди орқали эркин транзит қилиш мумкин. Бундай норма илгари одат шаклида мавжуд бўлган ва кейинчалик қонун, жумладан қитъа ичидаги мамлакатларнинг транзит савдоси тўғрисидаги 1965 йил конвенциясида ва БМТнинг денгиз ҳуқуқи бўйича 1982 йил конвенциясида белгилаб қўйилди. Ушбу нормага кўра, денгиз қирғоғидаги давлат қўшни қитъа ичидаги мамлакатга денгиз қирғоғигача ва ундан нарига эркин транзит қилишига тўсқинлик қилмаслиги керак. Т.ҳ., шунингдек, бошқа давлатлар ҳудудидан ўтган ҳаво макони, халқаро бўғозлар орқали ўтиш, ҳудудий сув ҳавзалари орқали тинч ўтиш ҳуқуқларни амалга оширишда, шунингдек, денгиз йўлаклари орқали архипелакка ўтишида амалга оширилади.

ТРАНСАКЦИЯ (лот.) — 1) ўзаро ён бериш билан кечадиган (сиёсий, юридик ёки б.) битим, келишув; 2) банк операцияси пул маблағларини бирор-бир мақсадда ўтказиш.

ТРАНСВЕСТИЦИЗМ — жинсий бузуқлик шаклларидан бири, бош-

қа жинс шахсининг буюмлари, кийимларини кийиб, ўзини бошқа жинс кишиси каби тутишда намоён бўладиган патологик майл.

ТРАНСГЕН ОРГАНИЗМЛАР — ген инженерияси усулларидан фойдаланилган ҳолда генетик дастури ўзгартирилган ҳайвонлар, ўсимликлар, микроорганизмлар ва вируслар.

ТРАНСНАЦИОНАЛ КОМПАНИЯ — операцияларининг асосий қисмини ўз мамлакатидан ташқарида бир қанча мамлакатларда амалга оширадиган фирма.

ТРАНСНАЦИОНАЛ КОРПОРАЦИЯЛАР (ТНК) — БМТда ишлаб чиқилган таърифга кўра, ўзлари ташкил топган мамлакат ва уларга бўлган (хусусий, давлат ёки аралаш) мулкчилик шаклига боғлиқ бўлмаган, икки ёки ундан ортиқ мамлакатда бўлинмалари бўлган корхоналар. Унинг бўлинмалари келишилган сиёсат ва умумий стратегия ўтказишга имкон берувчи қарорлар чиқариш тизимига мувофиқ ишлайди.

ТРАНСНАЦИОНАЛ МОЛИЯ-САНОАТ ГУРУҲЛАРИ — молиявий саноат гуруҳлари бўлиб, уларнинг иштирокчилари орасида МДҲ иштирокчилари бўлган давлатлар юридик мақомига кирувчи юридик шахслар бўлади. Улар масъул давлатлар ҳудудида алоҳида бўлинмаларига эга бўладилар ёхуд уларнинг ҳудудида ўз сармояларини қўядилар.

Т.м.-с.г. ҳукуматлараро битим асосида ташкил этилган тақдирда унга давлатлараро (халқаро) молия-саноат гуруҳи мақоми берилади. Давлатлараро молия-саноат гуруҳини ташкил этиш, унинг фаолият кўрсатиши ва тугатилиши хусусиятлари мазкур битимлар билан белгиланади. Давлатлараро молия-саноат гуруҳи иштирокчилари учун миллий режим ҳукуматлараро битим билан ўзаро фойдалилик асосида белгиланади. Давлатлараро молия-саноат гуруҳи иштирокчиларига ЎзР ҳукумати белгилаган тартибда ва шартлар асосида ушбу молия-саноат гуруҳи фаолияти доирасида чегара орқали ўтказиладиган товарлар бўйича ЎзРнинг «Божхона тарифи тўғрисида»ги 1997 йил 26 декабрь қонунида назарда тутилган божхона тариф имтиёзлари берилиши мумкин.

ТРАНСПЛАНТАЦИЯ (лот. — кўчириб ўтказиш) — органлар ва (ёки) тўқималарни ўша организм танасининг бошқа қисмига ёки бошқа организмга кўчириб ўтказиш. Бошқа тиббий воситалар бемор (реципиент) ҳаётининг сақланиб қолишини ёхуд соғлиғининг тикланишини кафолатлай олмаган тақдирдагина Т.га йўл қўйилади. Мутахассис врачлар консилиумининг хулосасига кўра, тирик донорнинг соғлиғига сезиларли зиён етказилмаган тақдирдагина унинг органлари ва (ёки) тўқималарини ажратиб олишга йўл қўйилади. Органлар ва (ёки) тўқималар Т.сига фақат тирик донор ва, қоида тариқасида, реципиентнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Инсон органлари ва (ёки) тўқималари олди-сотди объекти бўла олмайди. Инсон органлари ва (ёки) тўқималари олди-сотдиси билан шуғулланиш, шунингдек, ушбу ҳаракатларни реклама қилиш ЎзР қонунларига биноан жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Қуйидагилардан Т. учун орган ва (ёки) тўқималарни ажратиб олишга йўл қўйилмайди: 1) 18 ёшга тўлмаган тирик донордан (орқа мияни кўчириб ўтқазиш ҳоллари бундан мустасно) ёхуд белгиланган тартибда муомала лаёқатига эга эмас, деб тан олинганлардан; 2) реципиент ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли касаллик билан оғриган шахсдан; 3) реципиентга хизмат юзасидан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахслардан. Қонун ҳужжатлари-

нинг амал қилиши инсонни кўпайтириш жараёнига тааллуқли органлар, уларнинг қисмлари ва тўқималарга, жумладан, репродуктив тўқималар (тухум ҳужайра, сперма, тухумдонлар ёки эмбрионлар) ҳамда қон ва унинг таркибий қисмларига тааллуқли эмас.

Шахс тириклигида унинг розилигини олмасдан туриб ёки ўлганидан кейин яқин қариндошларининг розилигисиз Т. қилиш мақсадида мурданинг органлари ёки тўқималарини ажратиб олиш ЎзР ЖКнинг 133-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш мақсадида одам (трансплантат) ўлдирган шахс ЎзР ЖКнинг 97-м. 2-қисмининг «н» банди бўйича жавобгарликка тортилади.

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ — божхона ҳуқуқида ЎзР божхона ҳудудига кириб келадиган ёки ушбу ҳудуддан жўнатиладиган ҳамда халқаро юк, йўловчи ва унинг юкларини ташишда ёхуд ЎзР божхона ҳудудидан ташқаридаги хўжалик фаолиятида фойдаланиладиган транспорт воситалари.

ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ ЭКИПАЖИ БИЛАН ИЖАРАГА БЕРИШ ШАРТНОМАСИ — *ижара шартномасининг* ЎзР ФКда назарда тутилган махсус тури. Ижарага берувчи транспорт воситасини экипажи билан ижарага бериш **(вақтинчалик кирага олиш)** шартномасига биноан, ижарачига транспорт воситасини ҳақ эвазига вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун беради ҳамда уни бошқариш ва техник жиҳатдан ишлатиш бўйича ўз кучи билан хизмат кўрсатади.

ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ИМПОРТИ — тижорат асосида хорижий фирмалар томонидан давлатнинг иқтисодий бирликларига: импорт товарларни СИФ шартларида баҳоланадиган божхона чегарасигача транспортда олиб бориш бўйича; миллий ташкилотнинг топшириғига кўра хорижда турли пунктлар оралиғида импорт товарларни қайта жойлаштириш бўйича; давлатнинг йўловчиларини хорижий транспорт воситаларида халқаро ташувлар бўйича кўрсатилган хизматлар киради.

Давлатнинг уй хўжаликларига хорижда кўрсатилган транспорт хизматлари хизматлар импортига киритилмайди.

ТРАНСПОРТ ЭКСПЕДИЦИЯСИ ШАРТНОМАСИ — фуқаролик-ҳуқуқий шартнома турларидан бири бўлиб, унга кўра, бир томон (экспедитор) ҳақ эвазига ва бошқа томон (мижоз — юк жўнатувчи ёки юк олувчи) ҳисобидан хизмат экспедицияси шартномасида белгиланган юк ташиш билан боғлиқ ишни бажариш ёки бажаришни ташкил этиш мажбуриятини олади. Т.э.ш.да экспедиторнинг юкни транспортда ва экспедитор ёки мижоз танлаган йўналиш бўйича ташишни ташкил этиш мажбуриятлари, экспедиторнинг мижоз номидан ёки ўз номидан юк ташиш шартномаси (шартномалари) тузиш, юкнинг жўнатилишини ёки қабул қилиб олинишини таъминлаш мажбурияти, шунингдек, юк ташиш билан боғлиқ бошқа мажбуриятлар назарда тутилиши мумкин. Т.э.ш.да қўшимча хизмат сифатида юкни етказиб бериш учун зарур бўлган қуйидаги операцияларни бажариш белгиланган бўлиши мумкин: экспорт ёки импорт учун талаб этиладиган ҳужжатларни олиш, божхона ва бошқа расмий идоралар билан боғлиқ ишларни бажариш, юкнинг миқдори ва аҳволини текшириш, уни ортиш ва тушириш, бож, йиғим ва мижозга юклатиладиган бошқа харажатларни тўлаш, юкни сақлаш, уни белгиланган манзилда қабул қилиб олиш ҳамда шартномада назарда

тутилган бошқа операция ва хизматларни бажариш. Т.э.ш.ни бажариш шартлари, агар транспорт-экспедиция фаолияти тўғрисидаги қонунда, бошқа қонунларда ёки ҳуқуқий ҳужжатларда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, томонларнинг келишуви билан белгиланади. Т.э.ш. ёзма шаклда тузилади. Агар экспедитор ўз мажбуриятларини бажариши учун ишонч қоғози зарур бўлса, мижоз экспедиторга ишончнома бериши керак.

ТРАНСПОРТ ЮК ХАТИ — транспорт идорасида ёки транспорт-экспедиция корхонасида тузиладиган ҳужжат. Ҳозирги вақтда у счёт-фактурага асосланган ахборотга доир эталон асосида ёки юк ташиш ҳақидаги битим бўйича илгаридан ўтказиладиган келишувлар жараёнида тузилган аввалдан бериладиган фактура бўйича тузилмоқда.

ТРАНСФЕРТ (фр. — олиб ўтиш) — 1) хорижий валютани ёки олтинни бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ўтказиш; 2) номли қимматбаҳо қоғозлар (акция, вексел, облигация, чеклар)га бўлган эгалик ҳуқуқини бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш; 3) халқаро шартнома асосида давлатлар ўртасида аҳоли алмашиш, фуқароликни автомат равишда ўзгатириш.

ЎзРда бюджет соҳасига нисбатан «трансферт» тушунчаси маблағларни минтақаларни молиявий қўллаб-қувватлаш фондидан қуйи даражадаги ҳудудларнинг бюджетларига ўтказиш сифатида ишлатилади. Молиявий ёрдамга муҳтож бўлган ҳар бир ҳудуднинг ушбу жамғармадаги улуши ҳисоб-китоб йўли билан белгиланади. Фонднинг ўзи юқори турувчи бюджет таркибида норматив асосда ташкил этилади. Фонд маблағлари амалда келиб тушаётган бюджет даромадларидан олинадиган фоиз ажратмаларидан шаклланади. Республиканинг молиявий қўллаб-қувватлаш фонди, хусусан, ЎзРнинг тегишли йилдаги бюджети тўғрисидаги қонуни билан мустаҳкамланади.

ТРАНСФЕРТ АГЕНТ — эмитент номидан ва унинг топшириғи бўйича қимматбаҳо қоғозларни чиқарадиган, рўйхатга оладиган ва қайтарадиган компания, кўпинча банк.

ТРАНСФЕРТ БАҲОСИ — корпорацияларнинг ўз бўлинмалари, филиаллари ёки назоратидаги фирмалар билан тузадиган битимларида қўллайдиган баҳоси. Баъзан Т.б.ни фирмалар ичидаги баҳо ҳам деб аташади. Халқаро ишлаб чиқариш ва илмий-техник кооперация мавқеининг ошиши билан Т.б. анча ўсмоқда.

ТРАНСФЕРТ БИТИМЛАР — ташқи савдо операцияларининг иштирокчилари томонидан шартнома асосида (валюталарнинг муайян курси, нархлар бўйича) товарлар ёки валютани алмаштириш, олиш-сотишни назарда тутадиган тижорат битимларининг бир тури.

ТРАНСФЕРТ ТЎЛОВЛАРИ — ўтказиладиган тўловлар, давлат бюджети маблағларини қайта тақсимлаш шаклларидан бири. Тўлов объектларига қараб трансферт тўловлар қуйидагиларга бўлинади: давлат қарзи бўйича фоизларни тўлаш, ижтимоий эҳтиёжларга тўланадиган давлат пул маблағлари (пенсия, нафақа ва меҳнатга лаёқатсиз, ишсиз фуқароларга бериладиган молиявий ёрдамнинг бошқа турлари ва ҳ. к.), хусусий тадбиркорларга бериладиган субсидиялар (фундаментал ишланмаларни фаол молиялаштириш, ишлаб чиқаришга янги рақобатдош техника, технология, янги бошқарув тизимларини жорий этиш ва ш.к.).

ТРАНСФОРМАЦИЯ (лот. transformatio) — халқаро ҳуқуқ нормала-

рини давлатнинг ички ҳуқуқий нормаларига айлантириш усулларидан бири. Т. муаммосининг келиб чиқишига сабаб бўлган нарса халқаро ҳуқуқ ҳамда миллий ҳуқуқнинг турли тизимлари ўзаро боғлиқ бўлишига қарамай, мустақил равишда мавжуд бўлишидан иборат. Ушбу тизимлар ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ва предмети, норма яратиш усуллари бўйича фарқланади. Халқаро ҳуқуқ нормалари ўз-ўзича фақат ўзининг субъектлари учунгина ҳуқуқ ва бурчларни яратади. Айни пайтда халқаро ҳуқуқ субъектлари амалда ўз ҳуқуқларининг жорий этилишини ва ўзларидаги мажбуриятларга риоя этилишини ўз миллий субъектлари (расмий органлари, жисмоний ва юридик шахслар) орқали таъминлайдилар. Миллий субъектлар ҳар доим ҳам халқаро ҳуқуқ нормаларига бевосита бўйсунишга қодир эмаслар ва миллий қонунларга асосланадилар. Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқ субъектлари халқаро ҳуқуқий нормаларнинг амал қилишини таъминлаш мақсадида ўз миллий нормаларини халқаро ҳуқуқ нормаларига мос ҳолга келтириш учун қонуний чораларни кўришлари керак. Амалдаги миллий қонунларнинг ўзи, унинг субъектлари, халқаро ҳуқуқ субъекти томонидан халқаро ҳуқуқий нормаларга риоя этилишини ташкил этадиган барча ҳаракатларни қилишга имкон берадиган ҳоллар кўп учрайди. Бунда Т. ҳақидаги масала пайдо ҳам бўлмайди.

Т. давлатнинг ичида махсус қонун чиқариш ёхуд халқаро шартноманинг ушбу давлат ҳудудида амал қилишини ва барча шахслар унинг талабларига риоя этишлари шарт эканлигини қонун орқали эълон қилиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Давлатнинг халқаро шартномани ратификация қилиши ёки маъқуллаши халқаро шартнома унинг миллий қонунчилик қисмига айланишини билдиради, деган нуқтаи назар ҳам маълум. ЎзР Конституциясига асосан, халқаро шартномаларнинг нормалари республика ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми бўлиб, давлат ички нормаларига қараганда устунликка эга. ЎзР Конституциясининг 17-моддасига биноан, Т. давлат, халқнинг олий манфаатларидан, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигидан келиб чиқиб амалга оширилади.

ТРАНСШИПМЕНТ — *коносамент*нинг шарти бўлиб, унга кўра денгизда юк ташувчи шахс, исталган вақтда ва ҳар қандай сабаб бўйича кемадан юкни ёки унинг исталган қисмини тушириб олиши, уни қирғоқдаги омборга жойлаштириши, юк ташувчи шахсга тегишли ёки тегишли эмаслигидан қатъи назар, бошқа кемага юклаши мумкин. Юк ташувчи шахс шартноманинг бажарилиши учун юк эгаси олдида масъул бўлган халқаро битимларнинг тегишли қоидаларига зид ҳисобланмайди.

ТРАНША (инг.) — 1) одатда халқаро миқёсда, қўплаб ёки келажакда бозор конъюнктурасини яхшилаш мақсадида ёхуд турли мамлакатларнинг кема бозорларида жойлаштириш учун чиқариладиган облигация заёмининг серияси ёки қисми; 2) халқаро валюта фондида квотанинг 25% ли улуши.

ТРАСОЛОГИЯ (фр. Trace — из ва грекча — сўз, таълимот; яъни — излар ҳақидаги таълимот) — криминалистиканинг изларни ўрганувчи ҳамда уларни аниқлаш, фиксация қилиш, олиш ва текшириш усуллари, йўллари ва илмий-техникавий воситаларни ишлаб чиқувчи бўлими. Инсон, жиноят қуроли, асбоб-ускуналари, ишлаб чиқариш мехнизмлари, транспорт воситалари кабиларнинг излари фарқланади. Объектни трасологик жиҳатдан идентификация қилиш, унинг умумий ва хусусий белги-

ларини изда ҳосил бўлган белгилари билан қиёслаш орқали амалга оширилади. Агар бевосита қиёслашнинг имкони бўлмаса, эксперимен-тал излар ясалади. Т.да моделлаштириш, яъни объектни ва изни уларнинг моделлари (табиий, оптик ва ҳ.к.) бўйича таққослашдан фойдаланилади. Трасологик экспертиза инсонни — қўл, оёқ, тиш излари бўйича; пойафзални — унинг излари бўйича; жиноят воситалари ва қуролларни — бузиш, кесиш, чопиш ва бошқа излари бўйича; ишлаб чиқариш механизмларини — оммавий равишда ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлардаги излар бўйича; транспорт воситасини — юриш қисми, туртиб турган қисмлардан қолган излари бўйича идентификация қилишга имкон беради. Трасологик идентификация тадқиқотининг турларидан бири бутунни унинг қисмлари бўйича аниқлашдир. Масалан, йўл транспорти ҳалокати бўлган жойда топилган фара қисми текширилаётган транспорт воситаси фарасидан топилган шиша қисмлари (парчалари) билан қиёсланади. Идентификация тадқиқотларидан фарқли равишда трасологик диагностика тадқиқотлари изларнинг пайдо бўлиш механизмини (шароитларини) аниқлаш учун амалга оширилади. Бу тадқиқотлар текширилаётган объектнинг ҳолатини (м-н, воқеа жойидан топилган қулфнинг ишлаш-ишламаслигини аниқлашда); ҳаракат ва кузатилаётган натижа тўғрисидаги сабабий боғлиқликни аниқлашга (м-н, транспорт воситасида изларнинг пайдо бўлиш сабабини аниқлаш; тўқнашув, ағдарилиш, йўловчини уриб кетиш ва ҳ. к.); жиноят содир этилган шароитни (м-н, омбор қай тарзда бузилган, жиноятчи изларига кўра, қандай кетма-кетликда ҳаракат қилганлигини) аниқлашга имкон беради.

ТРАССАТ (нем. — вексель бўйича ўтказиш) — тратта бўйича тўловчи (қарздор). Т. ни кўрсатиш траттанинг зарурий қисмидир. Т. вексель акцептидан кейингина масъул шахсга айланади, бу эса векселни белгиланган муддатда тўлаш мажбуриятига тенгдир.

ТРАССАНТ (нем.) — тратта вексель берувчиси бўлиб, акцепт ва вексель бўйича тўлов учун жавоб беради. Т. имзоси траттанинг зарурий қисми. Т. акцепт учун масъулиятни ўзидан соқит қилиши мумкин, бироқ у тўлов учун жавобгарликни ўзидан соқит қилишга асос бўлган ҳар қандай шарт-шароит ёзилмаган шарт ҳисобланади.

ТРЕД-ЮНИОНЛАР — Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия ва Британия империясига кирган баъзи мамлакатлардаги касаба уюшмалари. Т.-ю. асосан ишчиларни касблари бўйича бирлаштиради.

ТРЕЙДЕР — 1) биржа савдосида бевосита иштирок этувчи брокерлик фирмасининг ходими (қ. *Брокер*); 2) биржада битим тузиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс.

ТРЕСТ — 1) монополистик бирлашув шакли бўлиб, унда бирлашган корхоналарнинг ҳаммаси тижорат ва ишлаб чиқариш мустақиллигини йўқотади, битта бошқармага бўйсунади. Умумий фойда илгари мустақил бўлган корхоналарнинг улушига мувофиқ тақсимланганлиги боис Т. холдинг компанияси ва концерн сингари бирлашмаларнинг аждодидир. Т.лар бир хил маҳсулот ишлаб чиқариладиган соҳаларда кўпроқ ривожланади. Ҳозирги пайтда Т.лар кам учрайди. 2) Собиқ Иттифоқда 1921—1930 йилларда бир тармоқ корхоналарнинг хўжалик ҳисобидаги бирлашмалари. 3) ЎзР қурилишида — ташкилий ишлаб чиқариш бирлиги (м-н, қурилиш-монтаж Т. ва бошқалар.).

ТРИБУНАЛ (лот.) — 1) XVIII аср охиридаги француз инқилоби

даврида Францияда сиёсий жиноятларга доир ишларни кўриб чиқадиган махсус судлар. 2) Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги махсус судлар — инқилоб трибуналлари. 3) ЎзРда Қуролли Кучлардаги ҳарбий Т. — ҳарбий хизматчилар, ҳарбий хизматга мажбур шахсларнинг (ҳарбий йиғинлар ўтаётган вақтдаги) жиноят ишлари ва баъзи бир бошқа ишларини кўриб чиқувчи судлар. Қ.: шунингдек, *Халқаро ҳарбий трибунал.*

ТУҒИЛГАН ЖОЙНИ ТАНЛАШ — бола туғилганда бериладиган фуқароликни олиш ва белгилаш принципларидан бири. Т.ж.т.нинг мазмуни бола ўз ота-оналари қайси давлат фуқаролигига мансуб бўлишидан қатъи назар, туғилган жойидаги фуқароликни олади. Бу тартиб асосан АҚШ ва Лотин Америкаси давлатларида мавжуд. Аммо, Т.ж.т.ни соф ҳолда ифодалаш жуда мураккаб. Кўп ҳолларда фуқароликни бу тарзда олиш бошқа нормалар билан йўлдош шаклда амалда бўлади. ЎзРда бу масала қонун асосида ҳал этилган. ЎзР «Фуқаролик тўғрисида»ги қонунининг (1992 йил 2 июль) 16-моддасида «Ота-онаси номаълум бўлган ва Ўзбекистон ҳудудида тугилган бола ЎзР фуқароси ҳисобланади» — деб ёзилган.

ТУБ ЕРЛИК ХАЛҚЛАР — бу ибора 1957 йилда Халқаро меҳнат ташкилотининг 107-сонли «Мустақил мамлакатларда қабилавий ва ярим қабилавий ҳаёт кечираётган туб ерлик ва бошқа аҳолини ҳимоя қилиш ва бирлаштириш тўғрисида» Конвенция қабул қилиниши муносабати билан халқаро-ҳуқуқий муомалага кирган. Бу 1957 йилги Конвенция қайта кўриб чиқилиб, 1989 йилда янги конвенция қабул қилиниши билан янада мустаҳкамланди. Бу конвенциялар асосида Т.е.х. деганда, бу ерга бошқа ерлардан чиққан кишилар кўчиб келмасдан олдин ўз ерларида яшаб келган маҳаллий халқлар тушунилади. Булар, м-н, ҳали Миллатлар Лигаси бўлган даврда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласини кўтарган ҳиндулардир. Т.е.х. ер шарининг ҳамма қисмида бор: Узоқ Шарқда — эвенклар, Шимолий қутбда — эскимослар ва алеутлар, Скандинавияда — маорлар, Америкада — ҳиндулар. Россияда — кам сонли деб аталадиган халқлардир.

ТУГАТИШ ЖАРАЁНИ — банкрот деб эътироф этилган қарздорга нисбатан кредиторларнинг талабларини мутаносиб қондириш ва қарздорни қарздан холи деб эълон қилиш, томонларни бир-бирларига нисбатан ғайриқонуний ҳаракатлардан муҳофаза қилиш мақсадида қўлланиладиган банкротлик тартиб-қоидалари.

ЎзРнинг «Банкротлик тўғрисида»ги 1998 йил 28 август (янги таҳрирдаги) қонунининг 75-моддасига мувофиқ, хўжалик суди қарздорни банкрот деб эълон қилган пайтдан бошлаб унинг мулкни бировга ўтказиши, бериши ва пул мажбуриятларини тўлаши тақиқланади, ҳисобварағи бўйича операциялари, дивидендлар тўлаши ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириши тўхтатилади. Қарздорнинг барча қарз мажбуриятлари муддати ўтган ҳисобланади, унга янги талаблар қўйилишига йўл қўйилмайди.

Қарздорнинг барча турдаги қарзлари бўйича пеня ва фоизлар ҳисоблаш тўхтатилади. Қарздорнинг мулкига нисбатан пул ундиришга қўйилган барча чеклашлар олиб ташланади. Агар мулкий мунозаралар бўйича қабул қилинган қарорлар қонуний кучга кирмаган бўлса, хўжалик судида қарздор иштирокида кўриб чиқилаётган ушбу мулкий баҳслар тўхта-

тилади. Шу вақтдан бошлаб мулкий ёки молиявий хусусиятга эга бўлган барча талаблар қарздорга фақат Т.ж. доирасидагина қўйилиши мумкин.

Ишончли шахс, кредиторлар мажлиси (қўмитаси), қарздор ва бошқа манфаатдор томонлар Т.ж.нинг иштирокчилари бўладилар.

ТУГАТИШ КОМИССИЯСИ — хўжалик суди банкротлик ҳақида қарор чиқарганда ташкил этиладиган комиссия. Мулкида давлат мулкининг ҳиссаси бўлган қарздор банкрот деб эълон қилинганда, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ишончли шахс бошчилигидаги Т.к.ни тузади. Ишончли шахсни хўжалик суди тасдиқлайди.

ТУГАТИШ МАССАСИ — банкрот қарздорнинг барча активлари, улар балансларда кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар Т.м.ни шакллантириш учун асос бўлади.

ЎзР «Банкротлик тўғрисида»ги қонунининг 80-моддасига биноан, Т.м.га қуйидагилар киритилмайди: қарздор корхона ходимларининг хусусий мулки бўлган мулк; қарздорнинг жавобгарлиги остида сақланаётган товарлар; қарздор ижара асосида фойдаланаётган, унинг ишончли тасарруфида бўлган мулк; қонун ҳужжатларига мувофиқ қарздорнинг мулки бўлмаган бошқа мулклар.

ТУЗУК — илгариги вақтда (м-н, Амир Темур ва темурийлар даврида) барча амалдаги қонунлар тўплами.

ТУР — саёҳат мақсадидан келиб чиқиб, сайёҳларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, транспортда сайр қилдириш, овқатлантириш, экскурсия қилдириш хизматлари, шунингдек, таржимон гидлар хизмати ва бошқа хизматлар мажмуи.

ТУРАГЕНТ — сайёҳлик маҳсулотини намойиш қилиш ва сотиш билан лицензия асосида шуғулланувчи юридик шахе ёки якка тадбиркор.

ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ — ЎзРнинг ФКга мувофиқ, мулк ҳуқуқи объектлари ва бошқа мулкий ҳуқуқлар асосида ҳуқуқий тартибга эга бўлган объектдир. Бундан ташқари, кўчмас мулк сифатида у аниқ мақсадли вазифага эга, бу турар жой танқислиги мавжудлиги ва унинг алоҳида ижтимоий аҳамияти билан боғлиқдир. ЎзР ФК Т. ж. б. фуқароларнинг яшашлари учун мўлжалланганлигини белгилайди. Уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқини амалга ошириш хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатини кўзлаб эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, бу объектларга оид белгиланган мақсадга мувофиқ амалга ошириши лозим (ЎзР ФК, 164-м.).

Т.ж.б. деганда, уй-жой қонунчилигига кўра, нафақат турар жой (шу жумладан, кўп квартирали) бинолари ва коттеджлар (дала ҳовлилари) доимий яшаш учун мослаштирилган ҳамда шу мақсадда давлат органларида рўйхатга олинган алоҳида квартиралар ва Т. ж. б. (масалан, квартираларда алоҳида ажратилган хоналар) бундай турдаги кўчмас мулкни ҳисобга олувчи (одатда ҳудудий техник инвентаризация бюроси — ТИБ — БТИ), шу жумладан, хизмат ва идоравий, шунингдек «ихтисослаштирилган уйлар», хизматчи хоналар — ётоқхоналар, меҳмонхоналар, етимхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди, ёлғиз қариялар уйлари, ногиронлар, фахрийлар ва бошқалар учун мўлжалланган интернат-уйлар тушунилади.

ТУРАР ЖОЙИ ДАХЛСИЗЛИГИ — мазкур ҳолат конституцион принцип бўлиб, ЎзР Конституциясининг 27-м.га асосан, ҳар ким ўз шаъни ва

обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас. Шунингдек, ЎзР ЖКнинг 142-м.га асосан, турар жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб ғайриқонуний бостириб кириш — уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўрсатилган.

ТУРАР ЖОЙ ДАХЛСИЗЛИГИНИ БУЗИШ — Қ.: *Турар жой дахлсизлиги.*

ТУРАР ЖОЙНИ АЛМАШТИРИШ — турар жойни ижарага ёки арендага олиш шартномасига биноан, ҳуқуқ ва мажбуриятларни топшириш. УЖК (Уй-жой кодекси)нинг 105-моддасига биноан, қуйидагилар турар жойни алмаштириш предмети бўлиши мумкин: бир ёки бир неча хонадан иборат турар жой; ижарага олувчи, пай жамғармаси улушига ҳуқуқи бўлган уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи аъзосининг, турар жой эгасининг улушига тўғри келадиган турар жой қисми, жумладан, туташ хона ёки хонанинг бир қисми. Ижарага олувчилар, пай жамғармасининг қисмига ҳуқуқи бўлган уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативининг аъзолари ёхуд уларнинг оила аъзолари, шунингдек, турар жойнинг умумий мулки иштирокчилари ўз улушларига тўғри келадиган уй-жой майдонининг қисмини бошқа турар жойни ижарага олувчилар, уй-жой қуриш ёки уй-жой кооперативи аъзоси ёхуд уларнинг оила аъзолари билан алмаштиришга ҳақлидирлар, алмаштириш оқибатида кўчиб кираётганлар бу жойда яшаш учун қолаётганларнинг оила аъзоси сифатида ёхуд умумий мулк иштирокчилари сифатида кўчиб киришлари керак (УЖКнинг 106-моддаси, 1-банди). Оила аъзоларининг розилиги бўлмаган тақдирда, турар жойни алмаштириш тартиби УЖКнинг 107-моддасида назарда тутилади. Ҳомийлик ёки васийликка олинган шахснинг турар жойни алмаштириш тартиби УЖКнинг 108-моддасида назарда тутилган. Турар жойни алмаштиришга йўл қўйилмайдиган шарт-шароитлар УЖКнинг 109-моддасида белгиланган.

ТУРАР ЖОЙНИ ИЖАРАЧИДАН ИЖАРАГА ОЛИШ ШАРТНОМАСИ — турар жойни ижарага олиш шартномасига нисбатан ёрдамчи хусусиятга эга бўлган шартнома; унга кўра, ижарага олувчи ижарага берувчининг розилиги билан ижарага олган хонанинг бир қисмини ёки ҳаммасини бошқа шахсга муайян муддатга беради. Турар жойни ижарачидан ижарага олувчи шахс ундан фойдаланиш учун мустақил ҳуқуққа эга бўлмайди. Турар жойни ижарага бериш шартномасига кўра, ижарага олувчининг ўзи ижарага берувчининг олдида масъул бўлиб қолаверади. Бундай шартнома бир кишига мўлжалланган турар жой нормасига оид қонун талабларига риоя этилган тақдирдагина тузилиши мумкин.

ТУРАР ЖОЙНИ ИЖТИМОИЙ ИЖАРАГА ОЛИШ ШАРТНОМАСИ — *турар жойни ижарага олиш шартномасининг* махсус тури бўлиб, унга кўра давлат ёки муниципал турар жой фондининг турар жойи ижара объекти бўлиб хизмат қилади. Т.ж.и.и.о.ш. бўйича ижарага олувчи шахс билан биргаликда яшайдиган унинг оила аъзолари турар жойни ижарага олиш шартномаси бўйича ижарага олувчи билан баравар барча ҳуқуқ ва

мажбуриятларга эга бўлади. Ижарага олувчининг ва унинг оила аъзоларининг талаби буйича шартнома оила аъзоларининг бири билан тузилиши мумкин. Ижарага олувчи вафот этган ёки турар жойдан чиқиб кетган тақдирда шартнома турар жойда яшовчи оила аъзоларидан бири билан тузилади. Т.ж.и.и.о.ш. турар жой қонунларида назарда тутилган асослар, шартлар буйича ва тартибда тузилади.

ТУРИЗМ — ЎзР фуқаролари, хорижлик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг пул тўланадиган фаолият билан шуғулланмай, ўз соғлиғини яхшилаш, билимини ошириш, касб-кор, спорт, диний ва бошқа мақсадларда доимий яшаш жойидан вақтинчалик яшаш мамлакатига (жойига) бориб келиши (саёҳати).

ТУРИСТ — соғлиғини яхшилаш, билимини ошириш, касб-кор, спорт, диний ва бошқа мақсадларда ўз доимий яшаш жойидан пул тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда 24 соатдан 6 ойгача бўлган узлуксиз муддатга вақтинчалик яшаш мамлакатига (жойига) бориб келадиган ёки у ерда камида бир тунни ўтказадиган фуқаро.

ТУРИСТИК ВАУЧЕР — сайёҳнинг тур таркибига кирувчи хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқини белгиловчи ҳужжат ҳамда ушбу хизмат кўрсатилганлигини тасдиқловчи факт.

ТУРИСТИК ЙЎЛЛАНМА — туристик маҳсулотнинг берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

ТУРИСТИК МАҲСУЛОТ — сайёҳга сотиш учун мўлжалланган турга бўлган ҳуқуқ.

ТУРИСТИК РЕСУРСЛАР — таркибида сайёҳларга кўрсатиладиган объектлари бор табиий, тарихий, ижтимоий-маданий объектлар, шунингдек, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга, жисмоний кучларини тиклаш ва ривожлантиришга ёрдам бера оладиган бошқа объектлар.

ТУРИСТИК САНОАТ — туристлар жойлаштириладиган меҳмонхоналар ва бошқа иншоотлар, транспорт воситалари, умумий овқатланиш объектлари, шахсларнинг соғлиғини яхшилаш, билимини ошириш, касбий ишбилармонлик, спорт ва бошқа мақсадларга хизмат қиладиган объектлар, туроператорлик ҳамда турагентлик фаолиятини амалга оширадиган ташкилотлар, шунингдек, экскурсия, гид-таржимонлик хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар мажмуаси.

ТУРИСТИК ФАОЛИЯТ — туроператорлик ҳамда турагентлик фаолияти, шунингдек, саёҳатларни ташкил қилишга қаратилган бошқа фаолият.

ТУРИСТИК ЧЕК — йўл чекининг айнан ўзи.

ТУРМА — ЎзРда ахлоқ тузатиш муассасалари турларидан бири. ЎзР ЖИКнинг 122-моддасига мувофиқ, Т.ларда жазони мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келтирилган маҳкумлар, суд томонидан жазони ижро этиш колонияларида ўрнатилган жазо ўташ тартибини ашаддий бузувчилар ўтайдилар.

ТУРОПЕРАТОР — туристик маҳсулотни шакллантириш, намойиш қилиш ва сотиш билан лицензия асосида шуғулланувчи юридик шахс ёки якка тадбиркор.

ТУТҚАНОҚ — Қ.: *Руҳий хасталик.*

ТУҲМАТ — айбланувчи (судланувчи), жабрланувчи, гувоҳнинг бошқа шахс устидан жиноят содир қилишда ёлғон гувоҳлик бериши. Туҳматни

ёлғон хабар беришдан фарқлаш керак. Чунки ёлғон хабар бериш нафақат гувоҳ ёки жабрланувчи томонидан дастлабки суриштирув вақтида, балки судда ҳам амалга оширилиши мумкин. Туҳмат ихтиёрий янглишиш ёки қасддан ёлғон кўрсатма бериш, яъни ёлғон гувоҳлик қилиш бўлиши мумкин. Ёлғон гувоҳлик бериш бўйича жавобгарлик ЖКнинг 238-моддасига биноан белгиланади.

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР — капитални тўғридан-тўғри корхона (филиал) фондларини яратиш ва кенгайтиришни ўз ичига оладиган ишлаб чиқаришга, маҳсулотга қўйиш, шунингдек, ё юридик шаклидан қатъи назар компаниянинг устидан назоратни ўрнатиш (кучайтириш) билан, ё компаниянинг фаолиятини кенгайтириш билан боғлиқ бошқа барча операциялар. Т. -т. и. инвесторларга сарфланаётган ишлаб чиқариш устидан ҳақиқатда ҳам назорат қилишни таъминлайди.

ТЎЛА ЮК — денгиз орқали ташиш шартномасининг юк миқдори кўрсатилмаган, аммо кира қилувчи (фрахтчи) тўла юк ортиши шарт эканлиги, яъни у кеманинг юк кўтариш имкониятидан тўла фойдаланилганда ортилиши мумкин бўлган ҳажмда юк бериши белгилаб қўйилган шарти.

ТЎЛАНАДИГАН ДИВИДЕНДЛАР — акционерларга дивидендлар шаклида тўланиши керак бўлган, эълон қилинган, аммо тўланмаган маблағ миқдорини кўрсатувчи жорий мажбуриятлар.

ТЎЛАНГАН БОЖ БИЛАН ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ — бу шарт сотувчининг товарни олиб кириш мамлакатидаги келишилган жойга олди-сотди шартномасида белгиланган кун ёки муддатда етказиб бериши лозимлигини билдиради. Сотувчи олиб кириш учун тозаланган товарни етказиб бериш билан боғлиқ барча таваккал ва харажатларни, жумладан, бож, солиқ ва бошқа йиғимларни кўтаради. Харидор товарни келишилган жойда қабул қилиб олиши шарт. Харидор сотувчи товарни белгиланган жойда унинг ихтиёрига берган пайтдан бошлаб юзага келадиган барча таваккал ва харажатларни кўтаради.

ТЎЛАНМАГАН БОЖ БИЛАН ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ — бу шартга кўра, сотувчи товарни олиб кириш мамлакатининг олди-сотди контрактида кўрсатилган жойигача етказиб беради. Сотувчи товарни олиб кириш вақтида тўланадиган божлар, солиқлар ва бошқа расмий йиғимлар, шунингдек, божхона расмий талабларини бажариш бўйича харажатлар ва хавфлардан ташқари, уни етказиб бериш билан боғлиқ барча харажатлар ва хавфларни кўтаради. Харидор товарларни олиб кириш учун ўз вақтида тозалаш билан боғлиқ ҳар қандай қўшимча харажатлар ва таваккалларни кўтаради. Ушбу шарт ташишнинг тури қандай бўлишидан қатъи назар қўлланилиши мумкин.

ТЎЛИҚСИЗ ИШ ВАҚТИ — ЎзР Меҳнат қонунчилигида аниқ кўрсатилган. Меҳнат Кодексининг 119-м.га асосан, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Иш берувчи Меҳнат кодексида (229-модда), шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда ходимнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш вақтини белгилаб қўйиши шарт.

Т. и. в. шарти билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътили-

нинг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

ТЎЛИҚ ИНДОССАМЕНТ — фойдасига ҳужжат ўтказилаётган шахс кўрсатмаси мавжуд бўлган индоссамент.

ТЎЛИҚ ШИРКАТ — тижорат ишларини ташкил этишнинг бир шакли. ЎзР Фуқаролик кодексининг 60-моддасига асосан иштирокчилар ўрталарида тузилган шартномага мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб берадиган фуқароларнинг тижорат, ишлаб чиқариш уюшмалари. Умуман, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари Фуқаролик кодексининг 65-бобида кўрсатилган тартибга асосан, ширкат барча иштирокчиларининг номлари (номланиши)ни, шунингдек, тўлиқ ширкат деган сўзларини, ёхуд бир ёки бир неча иштирокчиларининг ва компания деган сўзлар қўшилган номи (номланиши)ни, шунингдек тўлиқ ширкат деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

ТЎЛОВ (ДЕБЕТ) КАРТОЧКАСИ — пластик карточка кўринишидаги ҳужжат бўлиб, олди-сотди ишларида электрон қурилмалар орқали тўлов ишларини бажаришга хизмат қилади.

ТЎЛОВ АЙЛАНИШИ — маълум бир ажратилган пул маблағларининг ўзаро айланиши бўлиб, бундаги пул маблағи мажбуриятларни бажариш учун тўлов воситаси бўлиб хизмат қилади. Т. а. нақд пул ёки ўтказиш шаклида амалга оширилиши мумкин.

ТЎЛОВ БАЛАНСИ — давлатнинг чет мамлакатлардан тўловни амалга оширишга мўлжалланган тўлов баланси ҳисобланади. Давлатлараро энг кўп тарқалган ва ҳисоб-китоб қилиш учун хизмат қилади. Агар балансга кирим тўлов чиқимларидан кўп бўлса, фаол сальдо ҳисобланади. Бу борадаги стандартлар жадвали Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) га аъзо давлатлар томонидан ишлаб чиқилади.

ТЎЛОВ ИНТИЗОМИ — корхона, ташкилот, муассаса ёки айрим фуқароларнинг ўзаро ва турли даражалардаги бюджетларга тўловни белгиланган муддатда ва тўла ҳажмда амалга ошириш мажбурияти.

ТЎЛОВ ИТТИФОҚЛАРИ — бир гуруҳ мамлакатлар ўртасида, ўзаро келишув асосида тузиладиган шартномаларда ҳисобга олинадиган алоҳида имтиёзлар асосида валюта кредит ёки ҳисоб-китоб ишларини мувофоқлаштирувчи тизим. Бу тизимнинг мақсади — қатнашувчи мамлакатларнинг ўзаро (pezuonal) иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ҳамда дунё миқёсида ишлаб чиқариш ва меҳнат тақсимотини ривожлантиришда ёрдам кўрсатиш ҳисобланади. Т. и. — давлатларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини турли шаклда амалга оширишларини ва шу мақсадда олиб бориладиган тадбирларнинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади ва шу асосида регионал миқёсида иқтисодий гуруҳ ёки иттифоқлар ташкил этишга ва ҳамкорлик қилишга ёрдам беради. Шундан келиб чиққан ҳолда 1994 йили Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи айрим давлатлар Т. и. тузиш бўйича шартнома имзолаганлар.

ТЎЛОВ КЕЛИШУВИ — кенг маънода давлатлар ўртасида савдо ёки носавдо муносабатларида амалга ошириладиган фаолият тизими ва тартиби тўғрисидаги шартнома. Шунга кўра Т. к. давлатлар ўртасида икки ёки кўп томонлама келишув асосида тузилади.

Баъзи ҳолларда Т. к. ўзаро алоқалар тўғрисидаги келишувнинг бир банди сифатида ҳам қайд этилади.

ТЎЛОВ КРЕДИТИ — тўловчида вақтинчалик, масалан, воситалар ва тўловлар келиб тушуши муддатлари тўғри келмаслик билан боғлиқ ҳолда келиб чиқадиган молиявий қийинчиликлар вақтида ҳисоб ҳужжатларини тўлаш учун бериладиган кредит.

ТЎЛОВ МУДДАТИНИ ЧЎЗИШ — бу тўловнинг бир усули бўлиб, тўловчи товарнинг умумий нархини бирдан эмас, балки қисмларга бўлиб тўлаши тушунилади.

ТЎЛОВ РЎЙХАТИ — молиявий ҳисоб ҳужжати бўлиб, ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи, мукофот пули кабиларни амалга оширишда тузилади.

ТЎЛОВ САНАСИ — қарз, облигация ёки қарз мажбурияти бўйича тўлов муддати бошланадиган кун; бунда ҳам асосий, ҳам жамланган фоизлар тўланиши керак.

ТЎЛОВ ТИЗИМИ — иқтисодий муносабатларда пул ўтказиш, ўзаро ҳисоб ва қарзларни тўлашни амалга оширишда фойдаланадиган воситалар ва усуллар йигиндиси. Т. т. ҳар бир давлатда ўзига хос равишда, яъни иқтисодий ривожланиш, банк тизими хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мавжуд бўлади.

ТЎЛОВ ТОПШИРИҚНОМАЛАРИ — ЎзР Фуқаролик кодексининг 792-моддасида кўрсатилган ҳолларда, яъни, тўлов топшириқномаси билан ҳисоб-китоб қилинганда банк мижозининг топшириғига мувофиқ, унинг ҳисоб варағидаги маблағлар ҳисобидан маълум миқдоридан пул суммасини мижоз кўрсатилган шахснинг шу ёки бошқа банкдаги ҳисоб варағига қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддатларда, агар банк ҳисоб варағидаги шартномасида қисқароқ муддат назарда тутилган бўлмаса ёки у банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатларида белгиланган бўлмаса, ўтказиш мажбуриятини олади. Тўлов топшириқномасида маблағларни олувчи сифатида кўрсатилган шахс банкдан тўловни амалга оширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди, бундай ҳуқуқ қонунда ёки мижознинг банк билан тузган шартномасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Тўлов топшириқномасининг ҳамда у билан бирга тақдим этиладиган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг мазмуни ва шакли банк қоидаларида белгилаб қўйилган талабларга мос келиши шарт. Мижознинг топшириги унинг ҳисоб варағида маблағлар бўлган тақдирдагина, агар мижоз билан банк ўртасидаги шартномада бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, банк томонидан ижрога қабул қилинади. Мижозининг тўлов топшириқномасини қабул қилган банк тегишли пул суммасини топшириқномада кўрсатилган шахснинг ҳисобварағига ўтказиш учун уни маблағ олувчининг банкига сўралган муддатда ўтказиши лозим. Банк мижознинг топшириқномасида кўрсатилган ҳисобварағида пул маблағларини ўтказиш операцияларини бажариш учун бошқа банкларга жалб қилишга ҳақли. Банк мижознинг талабига кўра, агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, топшириқнинг бажарилганлиги ҳақида унга дарҳол хабар бериши шарт.

ТЎЛОВ УЧУН ТАЛАБ ТОПШИРИҒИ — нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишда амалда бўладиган ҳужжат бўлиб, таъминловчи ва олувчи томонлар ўртасида таъминловчининг олувчига ҳисоб-китоб қилиш учун қўядиган талаби эканлигини билдиради. Бунда таъминловчи тегишли

ҳисоб-китоб ва юборилган юк ҳақидаги ҳужжатларни, маҳсулот нархи ва баҳосини, бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ҳажмини кўрсатувчи ҳужжатларни ҳам тегишли банкка юбориши зарур. Шунга кўра, тўловни амалга оширувчи томон уч кун ичида талаб қилган томон ҳисоб рақамига кўрсатилган маблағни ўтказиш шарт.

ТЎЛОВ ХАБАРНОМАСИ — солиқ тўловчига у тўлайдиган тўловларнинг миқдори ва муддати тўғрисидаги молиявий органлар томонидан юбориладиган хабарнома.

ТЎЛОВЧИ — белгиланган талабга кўра, қарзини тўлолмаган вақтдаги муддатда эгаси олиш керак бўлган фойдани ҳамда шу билан бирга унга етказилган зарарни ҳам тўлайдиган шахс.

ТЎПЛАМЛАР — ижодий меҳнат маҳсули.

ТЎСИҚ ҚЎЮВЧИ ПУНКТ — сайлов қонуни қоидалари амал қиладиган қатор мамлакатларда, партиялар сайловда пропорционал тизими бўйича берилган овозлардан маълум фоизидан кам овоз тўпланганлар (масалан: тўпланган барча овозлар сонидан Исроилда 1%, Швецияда 4%, ГФРда 5%, Туркияда 10%) депутатлик жойини тақсимлашда қатнашишдан четлаштирилади, бу партиялар учун берилган овозлар эса, сайлов квоталарини ҳисоблашда ҳисобга олинмайди (яъни, ҳақиқий бўлмаган бюллетенларга тенглаштирилади). «Т.қ.п.»нинг мақсади парламентдаги депутатлик корпусини ҳаддан ташқари майда партия фракцияларига парчаланишининг олдини олишга қаратилган. У парламентар давлатларда ҳар доим сиёсий беқарорликни кучайтиради.

«У»

УЗАНС (лот. — одат.) тижорат соҳасидаги «савдо одати», яъни урфлар ёки савдо муносабатларида одат тусига кирган қоидаларни ифодалаш учун ишлатиладиган тушунча. Ушбу тушунчадан томонларнинг шартномада бевосита акс эттирилмаган иродасини тарифлаш учун фойдаланилади. У. томонлар унинг мавжудлигини билганлиги ва шартнома тузиш жараёнида уни назарда тутганлиги сабабли инобатга олинади.

УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚАРЗ МАЖБУРИЯТЛАРИ — қайтариш муддати бир йилдан ортиқ бўлган қарз мажбуриятлари.

УЗУН ЎЛЧОВЛИ ВА ОҒИР ЮК — узунлиги ёки оғирлиги ташиш учун махсус мосламалар талаб этмайдиган энг катта узунлик ёки энг катта оғирликдан ортиқ бўлган юк жойи.

УЗУРПАЦИЯ (лот.) — роман давлатлари ҳуқуқида қонун ёки шартнома орқали муайян вақтга белгиланадиган ва бошқа шахсга тегишли мулкдан унинг моҳиятини сақлаб қолиш шарти билан фойдаланиш ҳуқуқи. У. бир умрга, муайян муддатга ёки амалга ошиши узуфруктарий (фойдаланувчи)нинг ҳуқуқи тугашига олиб келадиган шарт билан белгиланиши мумкин. Кўпинча мерос бўйича муносабатлар соҳасида юзага келадиган У. мулкдан фойдаланувчининг ҳаёти давомида амал қилади. У.нинг ўрнатилишига йўл қўйган мулкдор бу вақт давомида фақат эгалик ҳуқуқинигина сақлаб қолади ва фойдаланувчини назорат қилишдан иборат юридик имкониятгагина эга бўлади. Узуфруктарийнинг афзал жиҳат-

ларига табиий самаралар (ҳосил, насл ва ш.к.) ҳамда пул даромади (қарз бўйича фоизлар, ижара тўлови ва ҳ.к.) киради. Унда олинган мулкни сақлаб қолиш ва ундан хўжалик мақсадида фойдаланиш мажбурияти мавжуд бўлади. Бу мажбуриятга эга бўлиш мулкнинг бузилиши ва қадрсизланишига йўл қўймайди.

УЗУФРУКТАРИЙ — шахсий сервитут эгасининг, яъни бировнинг мулкидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс.

УЙ ЭГАСИ — кўчмас мулк мажмуи бўлмиш кондоминиумдаги хонадон эгаси, унинг ўзи умумий мулкнинг унда ҳиссага эга бўлган иштирокчиси.

Кондоминиумдаги У.э. ўз мулки бўлган хонадоннинг лозим даражада сақланиши ва таъмирлаб турилишини таъминлаши шарт. У.э. амалдаги қонунларга биноан сув, иссиқлик, газ, электр таъминоти, иссиқ сув, канализация ва унга кўрсатилган бошқа коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаб туради. Мулкдорлар ширкатининг умумий йигилишида ижарага олувчиларнинг ижара шартномасига мувофиқ алоҳида тўловни (умумий мулкни сақлаш ва таъмирлаш учун тўловлар, коммунал хизматлар учун тўловларнинг қисмини) амалга ошириш имконияти назарда тутилиши мумкин.

УЙ-ЖОЙ СЕРТИФИКАТИ — ЎзР қонунчилигига мувофиқ, номинал қийматли индексация қилинадиган облигациянинг махсус тури бўлиб, у қонунда белгиланган тартиб ва шароитлар асосида уй-жой сертификатлари (У.-ж.с.) сотиб олган мулкдоргагина квартира (квартиралар)ни сотиб олишга мулкдорлик ҳуқуқини беради, шунингдек, унинг У.-ж.с.нинг индексация қилинадиган номинал қийматини эмитентдан биринчи талаб бўйича олиш ҳуқуқини тасдиқлайди. У.-ж. с. турар жойнинг муайян умумий майдонини қуришга мулкдор (сертификатни сотиб олаётган юридик ёки жисмоний шахс) томонидан биринчи бўлиб маблағ тўланганлигини тасдиқлайди. Унинг ўлчами У.-ж. с. амал қилиши муддати мобайнида ўзгармайди. У.-ж. с. номинали турар жой умумий майдони бирлигида, шунингдек, унинг пул эквивалентида ўрнатилади. У.-ж. с.нинг эмитентлари сифатида турар жой қурилишига буюртмачи бўлиш ҳуқуқига эга ЎзР ҳудудида рўйхатга олинган юридик шахсларга маблағ жалб қилиш объекти бўлган турар жой лойиҳа ҳужжатлари ва белгиланган тартибда уй-жой қурилишига ажратилган ер участкаларига белгиланган тартибда қонунда кўрсатилган барча ҳуқуқлар берилади.

УЙ-ЖОЙ ФОНДИ — ЎзР қонун ҳужжатлари бўйича мулк шаклидан қатъи назар инсон яшаши учун яроқли бўлган барча турар жойлар, уйлар, квартиралар, хизмат турар жойлари, махсус уйлардан (ётоқхоналар, меҳмонхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун мўлжалланган интернат-уйлар, шунингдек, болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадли уйлардан) иборат фонд (ЎзРнинг «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонуни ва ЎзРнинг Уй-жой кодекси).

УЙ-ЖОЙГА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ — инсоннинг конституциявий ва ижтимоий ҳуқуқи. Илгари мавжуд бўлган бир қатор социалистик давлатлар конституцияларида 1960 йиллардан бошлаб белгиланган ҳуқуқ. Шунга кўра, У. ж. э. ҳ. деганда давлат томонидан фуқароларни уй-жой билан таъминлаш тушунилган. Ҳозирда бу каби ҳуқуқлар конституциявий тарзда фақат Қирғизистон ва Россия Федерациясида сақлаб қолинган.

УЙ-ЖОЙ ҲУҚУҚИ — турар жой фондидан фойдаланишга оид муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси. У.-ж. ҳ. мустақил ҳуқуқ тармоғи эмас ва ўз мазмуни бўйича «Уй-жой қонунчилиги» тушунчасига тўғри келади. У-.ж. ҳ.нинг асосини фуқаролик ҳуқуқи нормалари (турар жойларни ижарага бериш, ижара мулкий муносабатлари) ташкил этади. Шу билан бирга У.-ж.ҳ.да маъмурий-ҳуқуқий нормалар (турар жой фондини қўриқлаш ва бошқалар), оила ҳуқуқи нормалари (уй-жой эгаси оила аъзоларининг ҳуқуқлари) катта роль ўйнайди. ЎзРда У.-ж. ҳ.нинг асосий манбаи — Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги Уй-жой кодекси. У У.-ж.ҳ.нинг бошқа манбалари: ЎзРнинг 1993 йил 7 майдаги «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги, ЎзРнинг 1996 йил 27 декабрдаги «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунларига, 1991 йил 19 ноябрдаги «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасига мувофиқ ЎзР фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, ЎзРга келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустасно.

УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ ШИРКАТИ — матлубот ширкатларининг бир тури. Фуқаролар янги уй қуриш, янги ёки асосли таъмирланган уйларни сотиб олиш, ёхуд асосли таъмирланиши ёки қайта таъмирланиши лозим бўлган, кейинчалик фойдаланиш мақсадида ўз маблағи ва бошқа маблағлар ҳисобига таъмирлашни амалга ошириш учун У.-ж. қ. ширкатига бирлашишлари мумкин.

УЛАМО (араб. — олим сўзининг кўплиги бўлиб, билимдон деган маънони ҳам англатади) — ислом илоҳиётчилари ва ҳуқуқшунос (фақиҳ)лари, шунингдек, диний муассасаларга, суд (қозилик) маҳкамаларига, ўқув юртларига мутасадди бўлган барча мусулмон руҳонийлари. Уламо сўзи фақат дин соҳасида билимдон кишиларга нисбатан ишлатилади, дунёвий фанлардан билимдонларга нисбатан эса олим ибораси қўлланилади.

УЛЬТИМАТУМ (лот. — энг охирги) — бир мамлакат ҳукуматининг бошқа мамлакат ҳукуматига қўядиган қатъий ва ҳеч қандай баҳс ва эътирозларга йўл қўймайдиган талаби бўлиб, бунда У. қўйган ҳукумат ушбу талаб муайян вақтгача бажарилмаган тақдирда муайян чораларни кўриши билан пўписа қилади.

УМРБОД ТАЪМИНЛАШ ШАРТИ — фуқаролар мулкий муносабатларининг бир шакли сифатида эътироф этилган. ЎзР ФКда эса бу муносабатларнинг жорий этилиши 530-моддада қайд этилганидек, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш каби шартномаларни тузиш орқали амалга оширилади. Ушбу моддада қайд этилишича — умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, бир тараф (олувчи), яъни ёши ёки соғлиғи туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган бошқа тараф (бошқа шахсга берувчи)ни натура ҳолида (уй-жой бериш, овқатлантириш, парваришлаш ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини олади, бошқа шахсга берувчи эса олувчига уй-жой (уйнинг бир қисми)ни квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади. Ҳар қандай ҳолда ҳам бу каби шартномалар ёзма шаклда ва нотариал тасдиқланган бўлиши лозим.

УМУМ ЭЪТИРОФ ЭТГАН ХАЛҚАРО ПРИНЦИПЛАР — замонавий халқаро ҳуқуқнинг мазмунини ифодаловчи ва унинг вазифаларини амалга ошириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий умумий ва мажбурий нормалар. У. э. э. п. — жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган ва тегишли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган принциплардир. Улар тинчлик ва халқаро хавфсизлик, халқлар озодлиги ва мустақиллигини таъминлаш, яхши муносабатлар ўрнатиш, улар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, ҳамдўстлик ва ишончни мустаҳкамлаш асосидир.

ЎзР ўзга давлатлар билан муносабатларда давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига, бошқа умум эътироф этган нормаларга ва халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланади. Мазкур принципларнинг Конституцияда таъкидланиши улар Ўзбекистон ҳудудида давлатнинг ички қонуни сифатида эътироф этилиши ва уларнинг конституциявий принциплар даражасига кўтарилиши ички қонунларнинг У.э.э.п.га мослаштирилишини ва барча ҳукумат идоралари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан риоя қилинишини билдиради. Халқаро ҳуқуқ қуйидаги муносабатларни тартибга солади: — биринчидан, давлатлараро икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни, хусусан, халқаро ҳамжамиятни тўла қамраб олувчи муносабатларни; иккинчидан, давлатлараро ва ҳукуматлараро ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар, энг аввало, давлатларнинг халқаро ташкилотларга аъзо бўлишига боғлиқ муносабатларни; учинчидан, ҳукуматлараро ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни; тўртинчидан, давлат ва мустақил халқаро мақомга эга бўлган давлатга ўхшаш ташкилотларга оид муносабатларни (мас., Рим-католик черковининг маркази сифатида махсус халқаро мақомга эга бўлган Ватикан).

УМУМИЙ АВАРИЯ БЎЙИЧА КАФОЛАТ — *суғурта қилувчи*нинг суғурта қилдирувчига умумий авария бўйича унга тўланиши лозим бўлган суммани тўлаш мажбурияти. Суғурта қилдирувчи умумий авария бўйича депозит бериш (тўлаш) мажбуриятини олган тақдирда у суғурта қилувчига бу ишни унинг ўрнига бажаришни сўраб мурожаат қилиши мумкин. Суғурта қилувчи, ўз навбатида, депозит тўлашдан воз кечиши ва бунинг ўрнига кафолатни бериши мумкин. Кафолат депозитнинг тўла суммасига берилиши ёки унда суғурта қилувчи берилаётган кафолат бўйича суғурта полисида кўрсатилган сумма доирасидагина жавобгар бўлиши белгиланиши мумкин. Одатда бундай изоҳли кафолат тўғри бўлмайди. Суғурта қилдирувчи тўла сумма бўйича кафолатга эга бўлиш учун суғурта қилувчининг талаби бўйича қарши кафолат беради ва унда суғурта қилувчига кафолатномада кўрсатилган кафолат суммаси билан қопланиши лозим бўлган сумма ўртасидаги фарқни қоплашга тайёрлигини билдиради.

УМУМИЙ ИШ СТАЖИ — белгиланадиган фойдали ва бошқа ижтимоий фаолият мажмуи. Ушбу иш стажи бўйича қарилик ёки умумий касалликлар оқибатида ногирон бўлиб қолганлик ҳамда қайд этилган касалликлар билан вафот этган, боқувчисини йўқотганлик учун нафақа тайинланади.

УМУМИЙ МУЛК — фуқаролик қонунларига биноан, икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгалигида бўлган мол-мулк, уларга умумий мулк

ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. ФКнинг 216-моддасига биноан, мол-мулк мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидаги улуши аниқлаб қўйилган (улушли мулк) ёки бундай улушлар аниқлаб қўйилмаган (биргаликдаги мулк) ҳолда умумий мулк бўлиши мумкин.

УМУМИЙ ФОЙДАЛАНИШДАГИ ЕРЛАР — аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиши учун фойдаланиладиган ерлар (дарахтзорлар, боғлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, шунингдек ариқ тармоқлари эгаллаган ерлар), майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, суғориш тармоғи, соҳил бўйи ерлари, коммунал-маиший аҳамиятга молик ерлар (қабристонлар, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва улардан фойдаланиш жойлари ва бошқа шу каби жойлар).

У.ф.е.да бу ер қайси мақсадга хизмат қилса, фақат шунга мос келадиган иморат ва иншоотлар қуришга, шунингдек, енгил иморатлар ва иншоотлар (савдо чодирлари, дўкончалар, реклама иншоотлари ва шу кабилар) қуришда вақтинча фойдаланишга ижара шартлари асосида ер участкалари берилиши мумкин (ЎзРнинг Ер кодекси, 64-м.).

УМУМИЙ ФОЙДАЛАНИШДАГИ ПОЧТА АЛОҚАСИ — Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган почта алоқасининг бир тармоғи. Бу тармоқ хизматидан барча жисмоний шахслар ва юридик шахслар фойдаланадилар. Бошқа давлат жисмоний ва юридик шахслари ҳам бундай алоқанинг субъектлари бўлиши мумкин.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ — таълимнинг бир тури. У.ў.т. бошқа таълим турлари билан биргаликда узлуксиз таълим тизимини ташкил қилади. ЎзРнинг 1997 йил 29 августдаги «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва ЎзРнинг 1997 йил 29 августдаги «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастури ҳақида»ги қонунига мувофиқ 9 йиллик (I—IX синфлар) муддатга эга У.ў.т. мажбурий ҳисобланади. У.ў.т. босқичлари қуйидагича: бошланғич таълим (I—IV синфлар) — умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилган; умумий ўрта таълим — билимларнинг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради.

УМУМИЙ ҲУҚУҚ — XIII—XIV асрларда Англияда шаклланган ҳуқуқий тизим. Шундай қилиб У.ҳ.нинг асосий манбаи деб суд прецеденти эътироф этилади. Қонунлар айрим соҳадаги муносабатларни тартибга солади, лекин ягона тизимга келтирилмаган. Қонун билан тартибга солинмаган барча нарсалар, шунингдек, қонунларни изоҳлаш, уларни қўллаш У.ҳ. билан белгиланади. У.ҳ. рим ҳуқуқининг таъсиридан холи. У.ҳ. келиб чиқиши ва манбаларига кўра, ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида судлар келтириб чиқарадиган прецендент ҳуқуқига асосланади. У.ҳ. Буюк Британия (Шотландиядан ташқари), АҚШ (Луизианадан ташқари), Канада, Австралия, Янги Зеландияда ва аввал инглиз мустамлакаси бўлган, инглиз ҳуқуқий тизимини ўзига қабул қилган бошқа баъзи давлатларда ҳам амал қилади. У.ҳ. шакллари, институтлари, ва юридик тил архаизми билан ажралиб туради.

УМУМХАЛҚ БОЙЛИГИ — маънавий ва моддий маданият соҳасидаги, фан ва таълим, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги ютуқлар ҳамда табиий бойликлар, табиий ресурслар, миллат саломатлиги (инсон ресурслари) мажмуаси.

УНВОН — ҳарбий ва фуқаро хизматидаги ходимларнинг муайян ҳуқуқ берадиган ва мажбуриятлар юклайдиган хизмат даражаси.

УНДИРУВНИ ГАРОВГА ҚЎЙИЛГАН МОЛ-МУЛККА ҚАРАТИШ — фуқаролик қонунларига биноан, гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиши (ФКнинг 279-моддаси). Агар гаров билан таъминланган мажбуриятнинг қарздор томонидан бузилиши жуда арзимас бўлса ва шу туфайли гаровга олувчи талабларининг миқдори гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматига мутлақо мос келмаса, У.г.қ.м.қ.ни рад этиш мумкин. У.г.қ.м.қ. тартиби ФКнинг 280-моддасида кўрсатилган.

УНДИРУВНИ УМУМИЙ МОЛ-МУЛКДАГИ УЛУШГА ҚАРАТИШ — фуқаролик қонунларига биноан, улушли ёки биргаликдаги мулк иштирокчисининг кредитори мулкдорда бошқа мол-мулк етарли бўлмаганида ундирувни қарздорнинг умумий мол-мулкдаги улушига қаратиш учун бу улушни ажратишни талаб қилишга ҳақли. ФКнинг 227-моддасига кўра, агар бундай ҳолларда улушни асли ҳолида ажратиш мумкин бўлмаса ёки улушли ёхуд биргаликдаги мулкнинг қолган иштирокчилари бунга эътироз билдирсалар, кредитор қарздор ўз улушини умумий мулкнинг қолган иштирокчиларига ушбу улушнинг қийматига мутаносиб нархда сотиб, сотишдан тушган маблағларни қарзни узишга қаратишни талаб қилишга ҳақли. Умумий мулкнинг қолган иштирокчилари қарздорнинг улушини сотиб олишдан воз кечган тақдирда, кредитор ундирувни қарздорнинг умумий мулк ҳуқуқидаги улушига, ушбу улушни ким ошди савдоси орқали сотиш йўли билан қаратишни суд орқали талаб қилишга ҳақли.

УНИВЕРСАЛ ХИЗМАТЛАР — почта алоқасининг хат-ёзишмаларни, почта ва телеграф орқали пул маблағлари жўнатмаларини қабул қилиш, қайта ишлаш ва етказиб бериш бўйича хизматлари; мазкур хизматларнинг тарифлари ЎзР қонунлари билан белгиланади.

УНИВЕРСИТЕТ (лот. — мажмуа) — мутахассислар тайёрлашнинг кенг йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича олий ёки олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг дастурларини амалга оширувчи; олий малакали ходимларни, илмий ва илмий педагогик мутахассисларни тайёрлайдиган, қайта тайёрлайдиган ва (ёки) малакасини оширадиган; фаннинг турли соҳалари бўйича фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни бажарувчи; ўз фаолият соҳаларида етакчи илмий ва методик марказ бўлган олий ўқув юрти.

Дастлабки Улар XII—XIII асрларда Италия, Испания, Франция, Англияда пайдо бўлган. Ўзбекистондаги биринчи У. — ТошДУ (1920) — ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети.

УНИДРУА — Римдаги хусусий ҳуқуқни унификация қилиш билан шуғулланувчи халқаро институт. Институт — ҳукуматлараро ташкилот бўлиб, 1926 йилда ташкил этилган. Унинг аъзолари 52 та мамлакатдан иборат. Ҳар йилги ахборотномасини нашрдан чиқаради. УНИДРУА бир қатор масалаларга (товарларнинг халқаро олди-сотдиси, вакиллик, юк ва йўловчиларни ташиш ҳамда бошқа масалаларга) доир конвенцияларнинг лойиҳаларини тайёрлаган эди.

УНИТАР ДАВЛАТ — давлат ёки миллий давлат тузилишининг шак-

ли бўлиб, бунда давлат ҳудуди маъмурий-ҳудудий бирликларга (вилоят, округ, туман, департамент ва ш.к.) бўлинади. У.д.да, федерациядан фарқли равишда, битта конституция, давлат ҳокимиятининг битта олий вакиллик органи, битта ҳукумат мавжуд бўлади, бу эса мамлакатнинг бутун ҳудудида марказий ҳокимиятнинг таъсирини кучайтириш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратади. Айрим ҳолларда У.д.га мухтор давлат ташкилоти мақомига эга бўлган бир ёки бир неча ҳудудий бирликлар кириши мумкин.

УНИТАР КОРХОНА — ЎзР фуқаролик қонун ҳужжатларига кўра (ЎзР ФК 70-моддаси) ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот. У.к.нинг мол-мулки бўлинмасдир ва у қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан, корхона ходимлари ўртасида ҳам тақсимланиши мумкин эмас. У.к.нинг мол-мулки унга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тегишлидир. У.к.нинг фирма номида унинг мол-мулкининг эгаси кўрсатилган бўлиши керак. У.к.ни бошқариш органи унинг раҳбари бўлиб, бу раҳбар мулкдор томонидан ёки мулкдор вакил қилган орган томонидан тайинланади ҳамда уларга ҳисоб беради. У.к. ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради, лекин ўз мол-мулки эгасининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди. У.к.ларнинг ҳуқуқий мавқеи ЎзР ФК ва бошқа қонунлари билан белгиланади. У.к. хўжалик юритиш ҳуқуқи ёхуд оператив бошқарув ҳуқуқи асосида тузилиши мумкин (қ.: *Давлат корхонаси*).

УНИТАРИЗМ (фр. ва лот. — бирлик) — давлат ҳудудий ташкилотининг икки шаклидан бири. Агар давлатнинг катта қисми давлат ташкилоти мақомига эга бўлмаса, у унитар (яхлит, оддий) ҳисобланади. Унитар давлат таркибида алоҳида мухтор миллий давлат ташкилотлари, жумладан, ўзининг кўпгина давлатчилик белгиларига эга ташкилотлар бўлиши мумкин (м-н, ЎзР таркибида Қорақалпоғистон Республикасининг мавжудлиги). Одатда, унитар давлатда битта конституция, битта фуқаролик, битта давлат ҳокимияти олий органлари тизими бўлади. Унитар давлат таркибий қисмлари кўпинча маъмурий-ҳудудий бирлик мақомига эга бўлади: улар марказий органлар қабул қиладиган қонунлар асосида бошқарилади, уларнинг ҳудуди оддий умумдавлат қонуни билан маҳаллий органлар ва маҳаллий аҳолининг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин. Унитар давлатларнинг икки тури мавжуд: марказлашмаган ва марказлашган. Биринчисига минтақавий органлари марказий органларига боғлиқ бўлмаган ҳолда шакллантириладиган, шу боис, улар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар марказлашмаган асосда қуриладиган давлатлар (Буюк Британия, Янги Зеландия, Япония, Испания, Италия) киради. Иккинчи турига минтақавий идораларнинг марказга бўйсуниши марказдан тайинланадиган мансабдор шахслар орқали амалга ошириладиган унитар давлатлар киради (Нидерландия, Қозогистон, Ўзбекистон).

УНИЯ (лот. — бирлик, бирлашув) — мураккаб давлатнинг тури. Икки ёки бир неча давлатнинг битта давлат бошлиғи қўл остида бирлашиши шахсий У. дейилади. *Халқаро ҳуқуқ субъекти* бўлиб У. эмас, балки унинг таркибига кирган давлатларнинг ҳар бири майдонга чиқади. Реал У. давлатларнинг нафақат бир давлат бошлиғи қўл остида бўлиши, балки

ҳокимият ва бошқарув органларининг умумийлиги билан ҳам ажралиб туради. Халқаро ҳуқуқ субъекти бутун реал У. эмас, балки унинг таркибига кирадиган алоҳида давлат тузилмаларидир. Шахсий У.нинг тарихдаги мисоллари сифатида Польша-Литва (1386—1669 йй.), Англия-Ганновер (1714—1838 йй.), Нидерландия-Люксембург (1815—1890 йй.)ни келтириш мумкин. Швеция-Норвегия (1814—1905 йй.), Австрия-Венгрия (1867—1918 йй.), Дания-Исландия (1918—1944 йй.) реал У.нинг мисоллари бўла олади.

УНЧА ОҒИР БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР — ЎзР ЖКнинг 15-моддасида қайд этилганидек, У.о.б.ж.лар тоифасига киритишда қонун айб шаклини, келтирилган зарар табиатини, унинг бошланиш имконияти аниқлигини ва шу каби бир қатор объектив, субъектив белгиларни инобатга олади. У. о. б. ж. ларга қуйидагилар киради: а) қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган жиноятлар; б) эҳтиётсизлик орқасида содир этилиб, қонунда озодликдан маҳрум қилиш тарзида жазо назарда тутилган жиноятлар.

УРУШ ҚОНУНЛАРИ ВА УДУМЛАРИ — урушларни олиб бориш билан боғлиқ масалалар бўйича давлатлараро муносабатни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқий нормалар ва принциплар йиғиндиси. Қуролли кураш усуллари ва воситаларини танлашни чеклаб, улардан энг даҳшатлиларини қўллашни ман этиб, ҳарбий жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ўрнатиб, У. қ. ва у урушларни инсонпарварлаштиришга, ҳарбий можаролар кўламини чеклашга объектив таъсир кўрсатади. У. қ. ва у. анча илгаридан таркиб топган. Урушни олиб бориш қоидалари тўғрисидаги халқаро ҳужжатлар XIX асрда қабул қилинган бўлиб, уни ишлаб чиқишда Россия етакчи роль ўйнаган. 1899 ва 1907 йилларда У. қ. ва у. тўғрисидаги қоидалар умумий ҳолда Гаага конвенциясида мужассамлашган. Бўғувчи, заҳарли ёки бошқа шунга ўхшаш газларни ва бактериологик воситаларни урушда қўллашнинг ман этилиши тўғрисидаги 1925 йилги Женева баённомаси, 1949 йилги Уруш қурбонлари тўғрисидаги Женева конвенцияси, 1954 йилдаги Ҳарбий можаролар бўлган ҳолларда маданий қимматликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Гаага конвенцияси, 1980 йилги Ўта оғир ёки ялпи таъсир этиш хусусиятига эга бўлган оддий қуролларнинг айрим турларини чеклаш ёки ман этиш тўғрисидаги конвенция, Токио ва Нюренберг халқаро ҳарбий трибуналлари Низоми ва умум эътироф этган энг муҳим У.қ. ва у. ҳисобланади.

УРУШ ҚУРБОНЛАРИ — кема ҳалокатидан жабрланганлар ва ҳарбий можаролар вақтида ҳалок бўлган тинч аҳоли, ҳарбий асирлар, жароҳатланганлар, касаллар. Уларнинг ҳуқуқий ҳолати 1949 йилги У. қ.ни ҳимоя қилиш тўғрисидаги 4 та Женева Конвенцияси: I Конвенция — ҳаракатдаги қўшинларда касаллар ва ярадор бўлганлар аҳволини яхшилаш ҳақида; II Конвенция — денгиз қуролли кучлари таркибида кема ҳалокатидан жабрланган шахсларни, касаллар ва ярадор бўлганлар аҳволини яхшилаш ҳақида; III Конвенция — ҳарбий асирлар билан муомала қилиш ҳақида; IV Конвенция — уруш даврида аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенциялар билан тартибга солинади. 1977 йилда бу конвенцияларга қўшимча I ва II баённомалар қабул қилинган, улар халқаро ҳамда халқаро аҳамиятга эга бўлмаган ҳарбий можаролар даврида уруш қурбонларини ҳимоя қилади.

УРУШ ҲОЛАТИ — давлатлар ўртасида уруш эълон қилган вақтдан бошлаб ёки амалда ҳарбий ҳаракатлар бошлангандан кейин уруш тугагунча бўлган муносабатлар. ЎзРнинг 1992 йил 3 майдаги «Мудофаа тўғрисида»ги қонунига кўра У.ҳ.га бошқа давлат ёки давлатлар гуруҳи қуролли ҳужум қилганда, шунингдек, ЎзРнинг халқаро шартномаларини бажариши зарур бўлганда қонунга кўра эълон қилинади. Уруш ҳолати эълон қилинган ёки амалда ҳарбий ҳаракатлар бошланган вақтдан бошлаб ҳарбий вақт бошланади, у ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилгани ҳақида эълон қилинган вақтдан бошлаб, лекин амалда шундай ҳаракатлар тўхтаган вақтдан бошлаб тугайди.

УРУШ ҲОЛАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ — бирор давлат ҳукуматининг, у ёки бу давлат ёхуд давлатлар коалицияси билан тинчлик муносабатларини тугатиш ва уруш ҳолатига ўтишни эълон қилиш ҳақидаги баёноти. ЎзР Конституцияси (93-модда, 17-банди)га биноан, У.ҳ.э.қ. фақат Президентга хос ҳуқуқ бўлиб, у ЎзРга ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда, уруш ҳолатини эълон қилишда бу ҳуқуқни қўллаши мумкин. Президент қабул қилган қарор уч кун мобайнида ЎзР Олий Мажлисининг тасдиғига киритилади.

УРУШНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ — тинчлик ва хавфсизликка қарши қаратилган жиноят. ЎзР ЖКнинг 150-моддасида, урушни тарғиб қилиш, яъни бир мамлакатни иккинчи мамлакатга нисбатан қўзғатиш учун турли шаклдаги қарашлар, ғоялар ёки чақириқлар тарқатиш жиноят деб эътироф этилган. У.т.қ. БМТ Бош Ассамблеясининг 1947 йилда қабул қилинган резолюциясига асосан ҳам жиноят деб топилган.

УРФ-ОДАТ — 1) узоқ муддат давомида фактик қўлланилиши натижасида вужудга келган ахлоқий қоида; 2) давлат пайдо бўлишидан аввалги уруғ-қабила муносабатлари шароитида ахлоқни бошқаришнинг асосий шакли.

УСТАВ — давлат, мулк эгаси ёхуд жамоат ташкилоти ўрнатган ва қуйидагиларни тартибга соладиган қоидалар мажмуаси: 1) тегишли ташкилотларнинг, уларнинг бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий низоми (юридик шахс устави); 2) турли ташкилотлар ва фуқаролар фаолияти, уларнинг давлат бошқаруви ёки ҳўжалик фаолияти муайян соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари (темир йўл У. ва ш.к.); 3) қуролли кучлар фаолиятининг муайян соҳасини ташкил этиш (ҳарбий У. ва ш.к.); 4) давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ташкил этиш, маъмурий ҳудудий тузилиш ва бошқа масалалар. Давлат томонидан тасдиқланган У.лар моҳиятига кўра кодлаштирилган норматив ҳуқуқий ҳужжатдир. Камдан-кам ҳолларда деб халқаро шартномалар ҳам У. аталиши мумкин (м-н, БМТ У.).

УСТАВ КАПИТАЛИ (фонди) — тижорат ташкилотлари (ҳўжалик жамоалари ва ширкатлар)нинг баъзи бир турларини тузиш чоғида уларнинг фаолиятини таъминлаш учун таъсис ҳужжатлари ёки қонунлар билан белгиланган миқдорда мулкка қўшиладиган (пул шаклидаги) омонатларнинг йиғиндиси. Жамиятнинг У.к. унинг акционерлари харид қилган акцияларнинг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият У.к. унинг кредиторлари манфаатларини кафолатловчи жамият мулкининг энг кам миқдорини белгилайди.

УСУЛИЙ — имомийлар ҳуқуқ тизимидаги оқимлардан бири. Унда

шариат масалаларида қиёс ва ижмоъ асосида обрўли илоҳиётчиларнинг берган фикрларига асосланиш кенг ўрин олган. Шунинг учун усулий имомийлар орасида ахборийлардан кўра кенгроқ тарқалган.

УЧИНЧИ (БОШҚА) ДАВЛАТЛАР — халқаро ҳуқуқда муайян халқаро шартноманинг иштирокчилари бўлмаган давлатлар. Давлат шартнома иштирокчиси бўлган заҳоти учинчи давлат бўлмай қолади, чунки шартномани ўзи учун мажбурий бўлишига розилик берган ва ушбу шартнома унинг учун амал қила бошлаган давлатгина халқаро шартноманинг иштирокчиси бўла олади. У.д. сифатида шартнома матнини ишлаб чиқишда иштирок этган, аммо охир-оқибатда бу шартномага рози бўлмаган ҳамда рози бўлса-да, шартнома унинг учун кучга кирмаган ёки кучини йўқотган давлат ҳам У.д. бўлади. Умумий қоидага кўра, шартнома У.д. учун унинг розилигисиз мажбурият ёки ҳуқуқ бера олмайди. Бу қоида 1969 йилги халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенцияси У.д.га нисбатан шартномаларнинг амал қилишига бағишланган 34—38-моддаларида ўз аксини топган. Ушбу Конвенцияда У.д. учун мажбуриятларни назарда тутувчи шартномалар (35-м.), ҳамда У.д. учун ҳуқуқларни назарда тутувчи шартномалар (36-м.) фарқланади. У.д. ҳуқуқлари ва манфаатлари халқаро шартноманинг объектлари бўла олмайди. Уларнинг ҳуқуқларини поймол этувчи шартнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши лозим. Шартномадаги қоида У.д. учун у тан оладиган халқаро ҳуқуқнинг оддий нормаси сифатида мажбурий бўлиши мумкин. Шунга қарамай, халқаро амалиётда уларда иштирок этмайдиган давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида сўз юритувчи шартномалар ҳам учраб туради. М-н, Антрактика ҳақидаги 1959 йил шартномаси.

УЧИНЧИ ШАХС ФОЙДАСИГА ТУЗИЛГАН ШАРТНОМА — томонлар қарздор ижрони кредиторга эмас, балки шартномада кўрсатилган ва қарздордан мажбуриятини ўз фойдасига бажаришни талаб этиш ҳуқуқига эга бўлган учинчи шахс фойдасига амалга ошириши шартлигини белгилаган шартнома.

УЧИНЧИ ШАХСЛАР — фуқаролик процессида бошқа шахслар (томонлар) даъвоси бўйича қўзғатилган фуқаролик ишида ўз ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар. У.ш.нинг турлари фарқланади: баҳс мавзуи бўйича мустақил талабларни қўювчи ва бундай талабларни қўймайдиган шахслар. Баҳс мавзуи бўйича талабларни қўювчи У.ш. иккала томонга ёки улардан бирига умумий асосларда даъво қилиб, бошланиб кетган процессга киришадилар. Бундай турдаги У.ш. даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва барча мажбуриятларига эга бўладилар. Баҳслар мавзуи бўйича мустақил талаблар қўймайдиган У.ш., агар иш бўйича қабул қилинган қарорларнинг томонлардан бирига нисбатан ҳуқуқ ёки мажбуриятларига таъсир эта олса, ишга даъвогар ёки жавобгар томонида туриб киришадилар (ўз ташаббуслари бўйича, томонларнинг ёки прокурорнинг илтимоси бўйича жалб этиладилар). Одатда, улар ишга ўзларига нисбатан кейинчалик регрессив даъволар қўйилишининг олдини олиш мақсадида киришадилар. Бундай У.ш. томонларнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўладилар. Фақат даъво асоси ва мавзуини ўзгартириш, даъво талабларининг ҳажмини кўпайтириш ёки камайтириш ҳуқуқлари, шунингдек, даъводан воз кечиш, даъвони эътироф этиш ёки тинчлик битими тузиш ва суд ҳукмини мажбурий равишда бажартириш талаби

бундан мустасно. Томонлардан бирининг У.ш.га нисбатан дастлабки даъвоси ва талабини биргаликда кўриб чиқишга йўл қўйилмайди (ишдан нотўғри бўшатилган ёки бошқа ишга ўтказилган ходимларни ишга ёки лавозимга тиклаш ҳақидаги масалалар бундан мустасно).

УШЛАБ ҚОЛИШ — фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларидан бири. ЎзР ФКга асосан, қарздорга ёхуд у кўрсатган шахсга берилиши лозим бўлган буюмни сақлаётган кредитор қарздор ўзининг ушбу буюм учун ҳақ тўлаш ёки у билан боғлиқ харажатларни ва бошқа зарарларни қоплаш мажбуриятини ўз вақтида бажармаган тақдирда буюмни тегишли мажбурият бажарилмагунча У.қ.га ҳақлидир. Буюмни У.ш., шунингдек, буюмнинг ҳақини тўлаш ёки унинг харажатларини ва бошқа зарарни қоплаш билан боғлиқ бўлмаса-да, аммо томонлари тадбиркорлар сифатида ҳаракат қиладиган мажбуриятдан келиб чиқадиган талаблар ҳам таъминланиши мумкин. Кредитор ўзидаги буюмни ушбу буюм кредиторнинг қўлига келиб тушгач, унга бўлган ҳуқуқ учинчи шахс томонидан сотиб олинган бўлишига қарамай, ушлаб қолиши мумкин. Буюмни ушлаб турган кредиторнинг талаблари буюмнинг қийматидан гаров билан таъминланган талабларни қондириш учун назарда тутилган ҳажмда ва тартибда олиш орқали қондирилади.

УШЛАБ ҚОЛМОҚ — чет эллик фуқароларни алоҳида хавфсиз яшаш жойларига урушувчи ёки бетараф давлат томонидан қуролли можаро сабабли мажбурий кўчириш. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи билан бетараф давлатнинг ўз ҳудудига урушувчи армияларга тегишли бўлган қуролли кучлари, қочоқ ҳарбий асирлари, касал ёки яраланган аскарларини имкони борича уруш ўчоғидан узоқроқ жойларда жойлаштириш ҳуқуқи ва мажбурияти кўзда тутилган. Урушувчи томонлар қуролли можаро бошланган тақдирда, одат бўйича, ўзининг ҳудудида бўлган душман давлат ва бошқа давлатларнинг фуқароларини, агар буни урушувчи томонларнинг манфаати талаб қилса (халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахслардан ташқари) ушлаб қолишади. «У.қ.» ибораси 1949 йилдаги ҳарбий асирларга нисбатан муносабат тўғрисидаги Женева Конвенциясининг III бўлими II қисмида кўрсатилган ҳарбий асирлар тартибига нисбатан қўлланилади. Ушлаб қолишда, шунингдек, 1949 йилдаги уруш вақтидаги тинч аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисидаги IV Женева Конвенциясининг II қисми ҳам — ҳарбий ҳаракатлар вақтида урушаётган давлат томонидан душман ҳудудини босиб олинганда қолиб кетган чет эллик фуқароларига нисбатан ҳам қўлланилади.

УШЛАБ ТУРИШ — жиноят процессида, ушланганнинг жиноятга алоқадорлигини аниқлаш, жиноятни содир этганликда гумон қилинувчи ва уни қамоққа олиш (зарур ҳолларда) тўғрисидаги масалани ҳал қилиш мақсадида шахсга қўлланиладиган қисқа муддатли мажбурлаш чораси. У. т. муддати 72 соатдан ошмаслиги керак. Суриштирув органлари ёки терговчи 24 соат ичида прокурорга хабар беришга, прокурор эса хабарни олган вақтдан бошлаб 48 соат ичида гумон қилинувчини қамоққа олишга рухсат бериши ёки ушлаб турилган шахсни озод қилиши шарт.

УШР (араб. — ўндан бир қисм) — мусулмон мамлакатларидаги натурал (баъзан пул шаклидаги) солиқ. Ҳар йили зироатчилик, чорвачилик, балиқчилик, ҳунармандчилик маҳсулотларидан олинган. Турли даврларда У. турлари ўзгариб турган ва Усмон империясида — иқто, димос, онда, ондалик, саларийе, Эронда эса дахяк каби номларга эга бўлган. У.

ундиришнинг ўрта асрларда (қисман янги даврда) мавжуд бўлган откуп тизими. Бир қатор ҳолларда унинг миқдорини деҳқонлар даромадининг 10% дан ярмигача етган. Даромад солиғи приципи амал қила бошлаши билан деярли ҳамма жойларда бекор қилинган (Жазоирда 1918 й., Туркияда 1925 й., Тунисда 1935 й.). Бироқ баъзи мусулмон мамлакатларида (Саудия Арабистони, Яман Араб Республикаси ва б.) ҳозиргача мавжуд. Ушр олинган ер-сув «мулки ушрия» деб аталган. Айрим мусулмон давлатларида ҳозир ҳам ушр мавжуд. Ўрта Осиёда XX аср бошигача ушр сақланиб қолган эди.

УЮШГАН ГУРУҲ — икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ дейилади (ЖКнинг 29-моддаси 4-банди). Ушбу таъриф асосида қуйидаги белгиларни ажратиш керак бўлиб, улар иштирокчиликнинг умумий белгилари билан мужассамлашганда жиноий гуруҳни уюшган деб таърифлаш учун ҳуқуқий асос бўлади: 1) олдиндан тил бириктириш; 2) биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиш; 3) уюшганлик. У. г. ўзаро иштирокчилик асосида фаолият кўрсатиши мумкин, башарти, жиноий фаолиятни биргаликда амалга ошириш учун олдиндан бирлашган шахслар гуруҳ томонидан амалга оширилаётган ҳамма турдаги жиноий ҳаракатларда бевосита иштирокчилар сифатида қатнашсалар. Шу билан бирга, бундай гуруҳларда ички тизим, яъни гуруҳ аъзолари орасида роллар ва амалларнинг тақсимоти мавжуд бўлади. Иккала ҳолатда ҳам иерархик тартиб, субординация ва мувофиқлаштиришга асосланган бўйсуниш мавжуд. Бироқ, ушбу турдаги гуруҳларда, уларнинг кенг тарқалган бўлишига қарамай, уюшганлик жиноий бирлашмадагига қараганда унча катта эмас, шу нуқтаи назардан у уюшган жиноятчиликнинг қуйи «поғонаси»ни эгаллайди.

УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИК — қасддан жиноий фаолият билан шуғулланадиган ва ижтимоий назоратдан ҳимоя тизимини яратувчи турғун бошқариладиган жиноий тузилмалар. Уюшган жиноятчиликнинг муҳим белгиларига қуйидагиларни киритиш мумкин: а) шахслар ва гуруҳлар орасида вазифаларнинг қатъий субординацияси ва мувофиқлашувидан иборат функционал-иерархик тизимга эга турли даражадаги уюшган жиноий ташкилот (тузилма)нинг мавжудлиги; б) жиноий фаолият турмуш тарзи ва ҳаёт кечириш воситасига айланган профессионалларнинг борлиги; в) барқарор, режалаштирилган, яширин жиноий фаолият; г) жиноий фаолиятни амалга ошириш, хусусий хавфсизлик ва ижтимоий назоратни бўшаштириш тизимларининг мавжудлиги; д) жиноий фаолият, ошкора бизнес, жамиятни коррупциялаштириш, маҳкум этилганларни қўллаб-қувватлаш учун катта маблағ фондининг мавжудлиги; е) жиноий фаолият ва жиноий бирлашмаларнинг таъсир доирасини кенгайтиришга мойиллик; ж) жамиятга қарши ғояга асосланган, ўзига хос ахлоқ «кодекси» ва бошқалар.

«Ф»

ФАВҚУЛОДДА СУДЛАР — фавқулодда ҳолатларда (уруш, инқилоб, давлат тўнтариши) тузиладиган алоҳида судлар. Баъзан оддий шароитларда ҳам тузилади (м-н, 1930 йиллардаги СССР «тройка»лари). Ф.с. ҳар доим террорчилик, жазолаш хусусиятига эга бўлади. Ф.с. қонунда белгиланган судлар билан, баъзан эса энг оддий одил судлов принциплари (айбсизлик презумпцияси, айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқи) билан ҳам боғлиқ эмас. Одатда Ф.с.да ишни кўриб чиқиш ёпиқ шаклда бўлади, қарорлар юзасидан эса шикоят қилинмайди. Янги конституцияларнинг кўпларида Ф.с. тузиш ман этилган.

ФАВҚУЛОДДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТЛАР ЗОНАСИ — ЎзР ҳудудий участкаларида хўжалик ва бошқа фаолият натижасида ҳайвонот ва ўсимлик генетик фондларига, табиий экологик тизимлар ҳолатига, аҳоли соғлиғига хавфли табиий муҳитда барқарор салбий ўзгариш рўй беради. Ф.э.ҳ.з. — давлат экологик экспертизалари хулосаси асосида табиий атроф муҳитни ҳимоя қилиш соҳасида ЎзРнинг махсус ваколатли давлат органларининг тақдимномаси бўйича ЎзР Президентининг фармони билан эълон қилинади.

Ф. э. ҳ. з.да табиий муҳитга салбий таъсир қиладиган фаолият тўхтатилади. Атроф табиий муҳитга ва унинг генетик захиралари, инсон саломатлигига ёмон таъсир қилувчи ускуналар, агрегатлар, цехлар, ташкилотлар, муассасалар, корхоналар иши бир мунча вақт тўхтатиб қўйилади. Табиатдан фойдаланишнинг айрим турлари чегараланади; табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш ва тиклаш бўйича оператив чоратадбирлар утказилади.

ФАВҚУЛОДДА ҚОНУН — парламент томонидан оддий қонунлар қатори қабул қилинадиган (баъзан малакали кўп овоз зарур бўлади), лекин бошқа қонунлар, ҳатто конституциядан ҳам кўпроқ юридик кучга эга бўлган қонунлар. Ф.қ.да ҳар қандай қонун нормаларига, жумладан, конституцияга ҳам зид бўлган, уларни бекор қиладиган ёки тўхтатиб қўядиган қонунлар бўлади. Ф.қ. қабул қилиш вакиллик органларининг ваколатига киради.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ — конституциявий ҳуқуқнинг институтларидан бири. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, корхоналарнинг, муассасаларнинг ва ташкилотларнинг алоҳида иш режими. У фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини махсус қонун билан чекламайди ҳамда уларга қўшимча мажбуриятлар юклайди. Ф.ҳ. одатда катта оммавий тартибсизликлар, ички қуролли тўқнашувлар ҳамда табиий офатлар ва технологик ҳалокатлар пайтида киритилади. Амалдаги Конституцияга кўра, ЎзРда фавқулодда ҳолат ва ҳарбий ҳолат назарда тутилган. Унинг режими республика конституциявий қонунлари билан белгиланади. ЎзР Конституциясининг 93-моддаси 15-бандига кўра, Ф.ҳ. жорий этиш ҳуқуқига ЎзР Президенти эга. У Олий Мажлис томонидан тасдиқланиши керак.

ФАКТОР — Буюк Британиянинг шартнома ҳуқуқига кўра, товар сотиш вазифаси топшириладиган агент. Брокердан фарқли ўлароқ, товарларга эга бўлиб, уларни ўз номидан сотиш ваколатига ва сотиш шартларини белгилаш ҳуқуқига эга. Ф. товарларни оддий кредитлаш шарти билан утказиши, баҳолаши, шунингдек, харидорни мажбурият-

лардан озод қилиши мумкин. Ф. бошқа тоифадаги агентларга нисбатан жуда катта ваколатларга эга.

ФАКТОРИНГ — савдо-комиссион операциянинг мижоз айланма капиталини кредитлаш билан уйғунлашган тури. ЎзРда Ф. операциялари пул талабномаларидан воз кечиш эвазига молиялаштириш шартномаси асосида амалга оширилади.

ФАКТУРА БАҲОСИ — етказиб берилган товарнинг ҳисобварақ (фактура)да кўрсатиладиган баҳоси. Етказиб бериш асосига кўра, Ф.б. товар ташиш, юклаш ва тушириш ишлари, суғурта, экспорт божи бўйича харажатларни ўз ичига олади.

ФАКТУРАЛАРНИ ДИСКОНТИРЛАШ — *факторинг* операциясининг факторлик компанияси томонидан мижознинг ҳисобварақ фактураларини қуйидаги шартларда сотиб олишини билдирувчи асос: фактураланган етказиб бериш қийматининг тахминан 80% дарҳол, қолган қисми эса (кредит учун фоиз чиқариб ташланиб) дебиторлардан тушум келишидан қатъи назар аниқ белгиланган муддатларда тўланади.

ФАКУЛЬТАТИВ ПРОТОКОЛ — халқаро ҳуқуқда кўп томонлама халқаро шартноманинг турларидан бири бўлиб, одатда, асосий ҳужжат тузилиши муносабати билан ва унга илова сифатида (аммо унинг ажралмас қисми эмас) мустақил ҳужжат тариқасида имзоланади. Агар шартномада факультатив қоидалар ёки изоҳлар, м-н, асосий шартномани изоҳлаш ва қўллаш муносабати билан юзага келадиган келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этишнинг муайян йўлларидан фойдаланиш тўғрисида изоҳлар бериш мумкинлигини назарда тутишга имкон бўлмаса, Ф.п.да бундай шартноманинг бир қатор иштирокчилари асосий шартноманинг барча томонлари юзасидан умумий тўхтамга келмаган масалалар бўйича келишуви мустаҳкамланади. Кўп томонлама шартномаларнинг айримлари факультатив хусусиятга эга бўлган ўндан ортиқ иловаларга эга бўлиши мумкин. Ф.п. асосий шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаши керак бўлган учинчи *давлатларнинг* иштирок этиши учун очиқ бўлиши мумкин. Асосий шартноманинг томонлари Ф.п.да иштирок этиши шарт эмас (яъни у факультативдир).

ФАМИЛИЯ (лот.) — 1) оила, уруғ; 2) Қадимги Римда қондош қариндошлардан ташқари қулларни ўз ичига олган оилавий ҳўжалик-юридик бирлик; 3) туғилганда, дастлабки Ф.ни ўзгартирганда, фарзандликка олганда, никоҳга кирганда эга бўлинадиган ва авлоддан авлодга ўтадиган ном.

ФАН ДОКТОРИ — илмий даража. Биринчи бор 1130 йилда Болона университети томонидан берилган. Одатда, фаннинг тегишли тармоғи бўйича тегишли фан номзоди илмий даражасига эга бўлган ва докторлик диссертациясини оммавий ҳимоя қилган шахсларга берилади.

ФАН НОМЗОДИ — ЎзРда олий маълумотли, номзодлик минимумини топширган ва номзодлик диссертациясини ёқлаган шахсларга бериладиган илмий даража.

ФАОЛИЯТИ ТАҚИҚЛАНГАН ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТУЗИШ — ЖКнинг 216-моддасига мувофиқ, фаолияти тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш, худди шунингдек, бундай бирлашмалар ва ташкилотлар фаолиятида фаол қатнашиш. ЎзРнинг 1991 йил 15 февралдаги «ЎзРда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунига

биноан, фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларини бузишга қаратилган, шунингдек, конституциявий тузумни ғайриқонуний йўл билан ўзгартириш ёки ЎзР ва ҚР ҳудудининг бирлигини бузиш, урушни, зўравонликни ва шафқатсизликни, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, шу жумладан, синфий, шунингдек, ирқий, миллий ва диний адоватни авж олдириш, қонун билан тақиқланган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига йўл қўйилмайди. Ҳарбийлаштирилган жамоат бирлашмалари ва қуролли тузилмалар, шунингдек, диний характерга эга партиялар, уларнинг филиаллари ва бошқа тузилмавий бўлакларини ташкил этиш тақиқланади. Жамоат бирлашмалари ва уларнинг идоралари томонидан қонуний ва демократик йўл билан шакллантирилган ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда ҳокимият ваколатларига эга бўлганларга нисбатан ғайридемократик тарзда куч ишлатиб тазйиқ ўтказиш тақиқланади. Аҳолининг саломатлиги ва ахлоқига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига тажовуз қиладиган жамоат бирлашмаларини тузиш ва уларнинг фаолияти қонунга мувофиқ таъқиб қилинади.

ФАРЗ (араб. — белгиланган, вожиб қилинган иш) — шариатда ҳамма мусулмонлар бажариши шарт бўлиб, қатъий далиллар, яъни оят ва ҳадислар билан исботланган диний ҳукмлар. Мас., намоз, рўза, ҳаж, закот. Ҳанафий мазҳабига биноан фарзни бажармаганлар исломдан чиққан деб ҳисобланмайди. Фарз икки қисмга бўлинади: фарзи айн — бажарилиши истисносиз барча мусулмонлар учун лозим бўлган фарз; фарзи кифоя — бир гуруҳ мусулмонлар бажариши билан бошқалардан соқит бўлувчи фарз, мас., жаноза намозини ўқиш.

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ СИРИ — қонун билан ҳимоя қилинадиган болани фарзандликка олиш факти ва ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар. Фарзандликка олиш ҳақида қарор қабул қилган судьялар ёки фарзандликка олишни давлат томонидан қайд этишни амалга оширган мансабдор шахслар, шунингдек, фарзандликка олишдан бошқача тарзда хабар топган шахслар Ф.о.с.ни сақлашлари шарт. Ф.о.с.ни фарзандликка олувчилар ихтиёрига хилоф равишда ошкор этган мазкур шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар. Масалан, ЎзР жиноят қонунларига (ЎзР ЖК 125-моддасига) кўра, Ф.о.с.ни фарзандликка олиш фактини хизмат ёки касб сири сифатида сақлаши шарт бўлган шахснинг ёки бошқа шахснинг қасддан ёки бошқа ёмон ният билан фарзандликка олувчининг рухсатисиз ошкор этиши оилага ва вояга етмаганларга қарши жиноят бўлиб, айбдор шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилишига олиб келади.

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШНИ БЕКОР ҚИЛИШ АСОСЛАРИ — ЎзР ОКнинг 169-моддасига мувофиқ, фарзандликка олиш қуйидаги асослар мавжуд бўлганда, бекор қилиниши мумкин: фарзандликка олувчилар: ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаётган ёки уларни лозим даражада бажармаётган бўлсалар; ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилаётган бўлсалар; фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик билан муомалада бўлсалар; муттасил ичкиликбозликка ёки гиёҳвандликка мубтало бўлсалар. Фарзандликка олинувчининг хулқ-атвори фарзандликка олувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказаётган, уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф солаёт-

ган бўлса, фарзандликка олинувчи вояга етганидан кейин фарзандликка олиш бекор қилинишига йўл қўйилади. Суд боланинг манфаатларидан келиб чиқиб, унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда, бошқа асосларга кўра ҳам фарзандликка олишни бекор қилишга ҳақлидир.

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ АСОСЛАРИ — ЎзР ОКнинг 168-моддасига мувофиқ, фарзандликка олиш қуйидаги ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилади: фарзандликка олиш қалбаки ҳужжатлар асосида расмийлаштирилган бўлса; фарзандликка олиш сохта бўлса; вояга етган шахс фарзандликка олинган бўлса; фарзандликка олувчи шахс ОКнинг 152-моддасига мувофиқ, фарзандликка олиш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса.

ФАРМОЙИШ ҲУЖЖАТЛАРИ — бухгалтерлик ҳисобида муайян хўжалик операцияларини бажариш ҳақидаги буйруқ ёки фармойишлар. Уларнинг асосий вазифаси — бевосита ижрочиларга кўрсатмалар бериш. Бундай ҳужжатларда операциялар амалга оширилгани ҳақидаги факт кўрсатилмайди ва ҳисоб-китоб ёзувлари учун асос бўлмайди.

ФАРМОН[1] — ЎзРда ва бир қатор бошқа мамлакатларда давлат бошлиғи (Президент) чиқарадиган энг муҳим ҳужжатларнинг номи. Ф. орқали одатда, юксак мансабли шахслар лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади, фавқулодда ёки ҳарбий вазият тартиби жорий этилади, орден ва медаллар билан мукофотлаш амалга оширилади, олий ҳарбий ва фахрий унвонлар берилади, умумнорматив хусусиятга эга бўлган қарорлар расмийлаштирилади. Умумий қоидага кўра, Ф. мазкур давлат конституциясига ва қонунларига (ЎзРда — ЎзР Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва ЎзР қонунларига) зид бўлмаслиги керак. Ғарб давлатларида бундай Ф.лар кўпинча декрет (АҚШда ижро этувчи директивалар) деб аталади.

ФАРМОН[2] (форс.) — Эрон шоҳларининг, Усмон империяси султонларининг, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари давлат раҳбарларининг олий буйруқлари.

ФАРМОН ҲУҚУҚИ — 1) давлат раҳбарининг фармон чиқариш ҳуқуқи; 2) давлат бошлиғи чиқарган ва амалда бўлган фармонлар мажмуаси.

ФАС — халқаро савдо термини, тижорат операцияларида мол етказиб беришнинг франк шартларидан бири (1990 йилги «Инкотермс» нашрида ўзгармай қолган). Луғавий маъноси — «кема борти бўйлаб эркин». Ушбу шартга кўра, сотувчи товарни причалдаги кема борти бўйлаб ёки лихтерларда жойлаштирганда ўз мажбуриятларини бажарган ҳисобланади. Шу вақтдан бошлаб товар бўйича барча харажатлар ва унинг нобуд бўлиш ёки шикастланиш хавфи сотувчига ўтади. Харидор франко-завод шартида белгиланганидек ва ушбу операция сотувчига юклатиладиган ФОБ шартларидан фарқли равишда, товарни экспорт божлари ва божхона расмиятчиликларидан халос қилишни амалга оширади. ФАС шарти фақат юкни денгиз ёки дарё транспорти билан ташиш учунгина қўлланилади.

ФАС БАҲОСИ — жўнатувчининг юкни қирғоққа етказиб бериш бўйича транспорт экспедиторлик харажатларини чекловчи баҳоси.

ФАТВО (араб. — ҳукм) — исломда муфтий ёки уламолар кенгаши

томонидан диний, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда ижтимоий масалаларда чиқариладиган ҳукм. Ҳуқуқий масалаларда бериладиган фатво асосида суд қарор чиқаради, ёки ислом жамоаси учун бир муаммонинг шариат бўйича ҳукми белгилаб берилади. Фатво Қуръон, ҳадислар ва шариатга ёки илгариги берилган фатволарга асосланиб чиқарилган.

ФАХРИЙ СУДЬЯ — судьялик фаолиятида 10 йилдан кам бўлмаган муддат ишлаб, нафақага чиққан судялар. Ф.с.лар зарур ҳолларда суд ишларига жалб қилиниши мумкин. Бу каби қоидалар Ўзбекистон қонунчилигида эътироф этилмаган.

ФАХРИЙ ФУҚАРОЛАР — айрим давлатларда фуқаролик масалалари ҳал этилишининг ўзига хос шакли. Жумладан, Чор Россиясида 1832 йилда жорий этилган ва «шаҳарда яшовчилар» табақасига тааллуқли ҳуқуқ. Бундай ҳуқуқдан авлодлар (дворянлар фарзандлари, руҳонийлар фарзандлари, агар улар академия ёки семинарияларни тугатган бўлсалар, илмий унвонлари булганлар), шахсий фахрий фуқаролар (оддий руҳоний, университет ва бошқа олий ўқув юртларини тугатганлар, 14-10 тоифадаги амалдорлар) ҳам фойдаланганлар. Ф. ф. маълум бир жазо ва мажбуриятлардан озод қилинганлар. Масалан, тан жазоси шу тоифадаги кишиларга қўлланилмаган.

ФАШИЗМ (итал. — боғ, боғлам, бирлашма) — ўнг тоталитар типдаги ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, мафкуралар ва давлат режимлари. Ф.нинг аниқ маъноси — Италиядаги 20—40-йиллар сиёсий ҳаётининг феномени. 30-йиллардан бошлаб «Ф.» тушунчаси бошқа режимларга — Муссолини режими билан ҳақиқатан ҳам муайян умумий жиҳатларга эга бўлган Германиядаги национал-социалистик режимга, Испаниядаги ҳарбий-фаланга режимига, Португалиядаги ҳарбий-полиция режимига нисбатан ҳам ишлатилади. Ф. ўзининг ҳар қандай шаклида демократия институтлари ва қадриятларига «янги тартиб» ва уни ўрнатишнинг ўта қаттиқ воситаларини қарши қўяди. Ф. оммавий тоталитар сиёсий партияга (ҳокимият тепасига келгач, у давлат монополиясига эга бўлган ташкилотга айланади), давлатлашган касаба уюшмалари ва «доҳий», «дуче», «каудильо»нинг чексиз шак-шубҳасиз обрўйига, шунингдек, оммавий мафкуравий ва жисмоний терроргa таянади. Кенг тарқалган фикрга қарамай, тажовузкор миллатчилик ва экспансионизм Ф. учун қоидага қараганда кўпроқ истиснодир. Ф. ҳодисаси умуман олганда салбий хусусиятга эга бўлса-да, у жаҳонда тарқалган қонунчилик амалиётига мувофиқ ўз-ўзича жиноят деб тан олиниши мумкин эмас: унинг террорчилик ҳаракатлари, ноқонуний қуролли отрядларни ташкил этиши каби муайян қуринишларигина жиноийдир.

ФАҚИҲ — мусулмон қонуншуноси.

ФЕДЕРАЛ ИНТЕРВЕНЦИЯ — федерал тузилишга эга бўлган бир қатор давлатларда (АҚШ, Бразилия, Венесуэла, Ҳиндистон, ГФР) федерация субъекти федерал конституция ёки федерал қонунларни бузган, федерал ҳукуматнинг қонуний талабларига бўйсунмаган, инсон ҳуқуқларини поймол этган, жиддий тартибсизликлар юз берган, федератив давлатнинг яхлитлигига таҳдид юзага келган, солиқ ва бошқа тўловларни кечиктирган тақдирда федерал ҳукуматнинг (федерал конституция ёки қонунда белгиланган тартибда) унинг ишларига аралашиши. Ф.и. одатда, федератив давлат бошлиғининг махсус декрети билан эълон қилинади ҳамда федерал конституция ва қонунларнинг бузили-

шида айбдор бўлган мансабдор шахсларни мажбурий равишда лавозимидан бўшатишда, уларнинг ўрнига марказий ҳукумат вакилларини тайинлашда, федерация субъекти вакиллик органларининг вақтинчалик тарқатилишида, унинг ҳудудига федерал қўшинларни киритишда ва бошқа жазо чораларини қўллашда намоён бўлиши мумкин. Ҳиндистонда Ф.и. институти *«президентлик бошқаруви»*, ГФРда — «федерал мажбурлов» деб номланади.

ФЕДЕРАЛ КАНЦЛЕР — ГФР ва Австрияда федерал ҳукумат бошлиғининг номи.

ФЕДЕРАЛ КОЛЛИЗИЯ ҲУҚУҚИ — федератив давлатларда, биринчидан, рақобатда бўлган икки қонуннинг қайси бири кучлироқ эканлигини ва улар ўзаро зид келганда қайси бири амал қилиши кераклигини; иккинчидан, агар муайян вазият бир неча қонун (ҳуқуқий норма)нинг таъсирига тушиши мумкин бўлса, қайси қонун (ҳуқуқий норма) қўлланилиши кераклигини белгиловчи юридик қоидалар йиғиндиси.

ФЕДЕРАЛ ОКРУГ — федератив тузилишга эга бўлган бир қатор давлатларда (АҚШ, Бразилия, Венесуэла, Мексика, Аргентина, Австралияда) ҳудудида пойтахт жойлашган алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик. Ф.о. номлари турлича бўлиши мумкин: м-н, Аргентинада Ф.о. — федерал пойтахт округи, АҚШда — Колумбия федерал округи, Австралияда — пойтахт ҳудуди деб номланади. Ф.о. бошқа субъектлар билан тенг ҳуқуқда федерацияга кириши ҳам (Бразилия), фақат таркибий қисм бўлиши, аммо федерация субъекти бўлмаслиги ва бевосита ҳукумат томонидан бошқарилиши ҳам мумкин (АҚШ, Мексика, Венесуэла). Илк бор Ф.о. 1790 йил АҚШда — иттифоқнинг янги пойтахти Вашингтон шаҳрини бунёд этиш учун Мэриленд ва Виржиния штатлари берган ерларда ташкил этилган.

ФЕДЕРАЛ УСТУНЛИК ПРИНЦИПИ — федератив давлатларда федерал қонун ҳамда федерация субъектининг қонуни федерация ва унинг субъектлари ваколатига кирувчи, ўзаро рақобатда бўлган соҳа доирасидаги айни бир масалани турлича ҳал этган тақдирда федерал қонуннинг амал қилишини билдирувчи конституциявий-ҳуқуқий принцип.

ФЕДЕРАЛ ҲУДУДЛАР — федератив тузилишга эга бўлган бир қатор давлатларда (АҚШ, Бразилия, Венесуэла, Австралия, Канадада) федерация таркибига (қонуний) автономия ҳуқуқисиз, одатда, федерал органларда вакилларга эга бўлиш ҳуқуқисиз кирадиган алоҳида маъмурий-ҳудудий бирликлар. Қоида тариқасида, Ф.ҳ.га мамлакатнинг аҳолиси кам бўлган ва ўзлаштирилмаган қисмлари, кичик ороллар ва федерациянинг тўла ҳуқуқли субъектини ташкил этиш мумкин ёки мақсадга мувофиқ бўлмаган бошқа қисмлари киради. Ҳозирги вақтда Австралияда — 9, Ҳиндистонда — 6, Бразилияда — 3, Венесуэлада — 2 та Ф.ҳ. мавжуд. Мексикада охирги Ф.ҳ. 1974 йилда штатга айланган.

ФЕДЕРАЛИЗАЦИЯ — унитар давлат тузилишидан федератив давлат тузилишига ўтишга қаратилган конституциявий ислоҳот. Сўнгги йилларда Ф. Бельгияда ва Россия Федерациясида юз берди.

ФЕДЕРАЛИЗМ (фр.) — 1) давлат ҳудудий тузилишининг икки шаклидан бири бўлиб, унинг мураккаб иттифоқ хусусиятини тақозо этади (қ.: *Федерация*). 2) давлатнинг федератив тузилишига эришишга қаратилган сиёсий ҳаракат. Ф.га асосланган давлатлар (АҚШ, Германия, РФ ва б.)да федерация субъектлари федерал (марказий) ҳокимият бир томон-

ланма тартибда ўзгартира олмайдиган ваколатларга эга бўладилар. Федерация ваколатига кирувчи предметлар ва унинг субъектлари конституция билан чеклаб қўйилади (қ.: *Унитаризм; Унитар давлат*).

ФЕДЕРАТИВ ТУЗИЛИШ — федератив давлатнинг федерация субъектларининг давлат ҳокимияти федерал органлари билан, шунингдек, ўзаро муносабатларининг хусусияти билан белгиланувчи муайян ташкил топиш усули (қ.: *Федерация*).

ФЕДЕРАЦИЯ (фр. кеч. лот. — бирлашма, иттифоқ) — давлатнинг юридик жиҳатдан муайян сиёсий мустақилликка эга бўлган давлат тузилмаларидан иборат мураккаб (иттифоқ) шакли. Федератив давлатни ташкил этувчи давлат тузилмалари (штатлар, ўлкалар, провинциялар) Ф. субъектлари бўлиб, ўз маъмурий-ҳудудий бирлигига эга. Унитар давлатдан фарқли ўлароқ, Ф. ҳокимият олий органларининг икки тизимига эга — федерал органлар ва Ф. аъзоларининг тегишли органлари, федерал органлар ўз ваколатлари ва функцияларини бутун мамлакат ҳудудида амалга оширадилар. Ф.ни ташкил этувчи давлат тузилмалари том маънодаги давлатлар эмас. Улар суверенитетга, иттифоқдан бир томонлама чиқиш ҳуқуқига эга эмас, халқаро муносабатларда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрумдирлар. Ф. субъекти иттифоқ конституцияси ёки қонунларини бузган тақдирда марказий ҳокимият унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади (қ.: *Федерал интервенция*). Ф.нинг албатта бўлиши керак бўлган элементларидан бири — федерал парламентнинг икки палатали тузилиши. Одатда, Ф. аъзолари ўз конституцияларига эга бўладилар. Ф. тузилишини белгилашда миллий (лингвистик) омилнинг ахамиятига қараб ҳудудий асосдаги (АҚШ, Австралия, Австрия, ГФР, Аргентина, Венесуэла, Бразилия, Мексика), миллий асосдаги (Ҳиндистон, Бельгия, Нигерия, Покистон) ҳамда аралаш миллий-ҳудудий асосдаги (РФ, Швейцария, Канада) Ф.лар фарқланади. Конституциявий ҳуқуқ назариясида баъзан конституциявий Ф. (АҚШ, Канада, Бразилия), конституциявий-шартномавий (РФ) ва шартномавий (Швейцария, Танзания Бирлашган Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари) Ф.лар, шунингдек, марказлашган (м-н, Ҳиндистонда битта штатидан бошқа ҳеч бир штати ўз конституцияси ва фуқаролигига эга эмас) ва марказлашмаган (АҚШ, ГФР, Швейцария) Ф.лар ҳам фарқланади.

ФЕДЕРАЦИЯ ВА УНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ПРЕДМЕТЛАРИ — федератив давлат бошқаруви шаклига эга бўлган давлатларда федерал органлар ва федерация субъектларининг фаолият кўрсатиш ва ўз ваколатига кирувчи вазифаларни амалга ошириш тартиби. Федератив давлатларда бу каби фаолиятни амалга ошириш учта кўринишда бўлади: федерация фаолиятида амалга ошириладиган вазифалар; федерация субъектлари ва федерациянинг ўзаро фаолият кўрсатишлари; федерация субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолият йўналишлари. АҚШ, Россия Федерацияси, Австрия давлатлари конституцияларида «қолган компетенциялар» деган принциплар мавжуд, яъни агар у ёки бу фаолият федерация субъектининг ёки субъектлараро фаолият йўналиши бўлиб ҳисобланмаса, унда бу фаолият федерация фаолиятининг йўналишлари доирасига киради. ГФР ва АҚШ конституцияларида фаолият йўналишларини белгилаш зарур бўлса, оддий федерал қонун чиқарилади.

ФЕДЕРИС КАЗУСИ (лот. Casus foederis) — халқаро ҳуқуқда пайдо бўлиши билан халқаро шартномаларда томонларга аниқ бир ҳаракатларни амалга оширишга киришишга ёки амалга оширишга ёхуд улардан сақланиб туришга асос берадиган шарт ёки юридик акт. Масалан, Ф. к. уруш олиб бориш қоидалари тўғрисидаги халқаро конвенциялар ва бошқа актларда қуролли можарода қатнашувчи давлатларнинг ўзларида ўрнатилган инсонпарварлик ҳуқуқи нормаларини қўллаш ва уларга риоя қилишга мажбур бўлган вақтни белгилаш бўлиб хизмат қилади. Давлатлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш тўғрисидаги икки томонлама шартномаларда — Ф. к. — ушбу шартномада қатнашувчи томонлардан бирига четдан қайсидир бир давлат қуролли ҳужум қилган ҳолатда бошқа томон қуролли кучлари билан биргаликда барча воситалар орқали ёрдам кўрсатиши лозим.

ФЕЛОНИЯ — АҚШ ва Буюк Британия жиноят ҳуқуқида хавфлилик даражасига кўра давлатга хиёнат ва мисдиминор ўртасида турадиган оғир жиноят тоифаси.

ФЕЛЬДМАРШАЛ (нем.) — баъзи давлатлар армияларида олий ҳарбий унвон. XVI асрда Германия давлатларида, 1700 йилда Россияда генерал-фельдмаршал ҳарбий унвони жорий этилган. Ф. унвони Буюк Британия ва баъзи бир бошқа давлатларда сақланиб қолган.

ФЕЛЬДЪЕГЕРЬ (нем.) — энг муҳим давлат ҳужжатларини етказиб берувчи ҳарбий курьер. Ф. кўпгина давлатларнинг давлат аппаратларида ва армияларида мавжуд.

ФЕМИДА — юнон мифологиясида одил судлов худоси. Кўзлари боғлиқ ҳолда (беғаразлик белгиси), ҳосилдорлик шоҳи ва тарози ушлаган ҳолда) ифодаланган. Кўчма маънода: «Ф. тарозиси» — одил судлов, «Ф. коҳини» — қонун хизматчиси.

ФЕОДАЛИЗМ — қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб турадиган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар тизими: 1) ерга бўлган мулкчилик ҳуқуқи; 2) ҳокимиятнинг (суверен ёки жуда бўлмаганда маъмурий-полиция) ер эгалари ва помешчикларга тегишли эканлиги; 3) феодал иерархия, юридик жиҳатдан тенг бўлмаган ва ижтимоий биқиқ табақаларнинг мавжудлиги. Тарих фанида Ф.нинг барча тан олган таърифи йўқ. Бунинг сабаби Ғарбий Европанинг «классик» намунасидан цивилизациявий-тарихий фарқи катталигида бўлиб, бу фарқ нафақат Осиё мамлакатларида, балки Шарқий Европада ҳам кузатилади.

ФЕОДОСИЙ КОДЕКСИ (Codex Theodosianus) — IV аср бошларидан Рим империаторлари фармойишларининг биринчи расмий тўплами, 435 йилда Шарқий Рим императори Федосий II тайинлаган 16 та ҳуқуқшунослардан иборат комиссия томонидан тузилган (438 йил 15 февралда эълон қилинган). Ф.к. нашридан олдин расмий маънога эга бўлмаган хусусий кодификациялар мавжуд эди, булар: Грегориана кодекси (императорнинг 196—295 йиллардаги конституция-фармойишларини ўз ичига олган) ва Гермогениан кодекси (анча кейинги конституцияларни ўз ичига олган). Иккала кодекс ҳам фақат парчаларда сақланиб қолган. Ф.к. 16 та китобдан иборат бўлиб, бобларга бўлинган, 313—437 йиллардаги амалда бўлган барча конституцияларни ўз ичига олган. Феодосиянинг фикрича, ушбу кодекс расмий санкцияланган Грегориана ва Гермогениана кодекслари билан ягона бутунликни ташкил қилиши керак эди. Ф.к. Ғарбий Рим императори Валентиниан III билан биргаликда қабул қили-

ниб, Ғарбий Рим империясида мажбурий кучга эга бўлган. Ф. к. Рим империясининг давлат ва ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларни ўзида акс эттиради.

ФЕРМА (инг.) — 1) ўз ишлаб чиқариш фаолиятини ўзининг ерида ёки ижарага олинган ерда амалга оширадиган хусусий деҳқончилик корхонаси; 2) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кооперативининг иқтисослашган хўжалик бўғини ёки қишлоқ хўжалиги ўқув юрти қошидаги ана шундай хўжалик.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ — ЎзРнинг «Деҳқон (фермер) хўжалиги тўғрисида»ги қонунига кўра Ф.х. ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир. Ф х. аъзоларига Ф.х.ни биргаликда юритаётган, бу хўжаликдаги иш ўзининг асосий меҳнат жойи бўлган фермер хўжалигининг бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан, фарзандликка олинган болалари, тарбияга олинган болалари, ота-оналари, бошқа қариндошлари ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшга етган бошқа шахслар киради. Ф.х.да меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар Ф.х. аъзолари бўла олмайди. Юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда Ф.х.номидан шу хўжалик бошлиғи иш кўради. Ф.х.нинг бошлиғи шу хўжаликнинг ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ва иш тажрибасига эга бўлган муомалага лаёқатли аъзоларидан биридир. Ф.х.нинг бошлиғи вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ёки узоқ вақт бўлмаганида у ўз вазифаларини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларидан бирига ёки ушбу Қонуннинг 4-моддаси талабларига жавоб берадиган ҳар қандай шахсга (шартнома асосида) топширишга ҳақлидир.

ФЕРМЕРЛИК ХЎЖАЛИГИ — Қ.: *Деҳқон (фермер) хўжалиги.*

ФИДУЦИЯР ҲИСОБ — банк ёки траст фирмаси тилхат буйича бошқарадиган ҳисоб: ҳисоб банк балансида бўлади, барча хавф-хатар мижоз зиммасида бўлади, банк эса комиссион улуш оладиган ҳисоб; бундай ҳисоблар Швейцария банкларининг ихтисослиги ҳисобланади.

ФИКР ВА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ — кишиларнинг шахсий ҳуқуқларидан бири бўлиб, индивиднинг ҳар қандай мафкуравий назоратдан холи эканлиги, ҳар бир киши маънавий қадриятнинг ўзига маъқулини танлаб олишга эгалик ҳуқуқи. Фикр ва виждон эркинлиги инсоннинг мутлақ ҳуқуқи бўлиб, уни чеклашга хеч ким ҳақли эмас.

ФИКСЧЮР-НОТ — кемада юк ташиш фактларини ва унинг асосий шартларини (кеманинг номи ва унинг берилиши муддати, юк сони ва тури, юклаш ва тушириш порти, юк ишлари нормалари, фрахт нархи) қайд этувчи дастлабки ҳужжат. Кейинчалик чартер билан алмаштирилади.

ФИЛЕР (фр.) — изқувар, махфий полиция агенти (жосуси).

ФИЛИАЛ (лот. — ўғилга оид) — ЎзР фуқаролик қонунларида юридик шахснинг у жойлашган ердан ташқарида бўлган ва унинг барча ёки бир қисм вазифаларини, жумладан, вакиллик вазифасини бажарувчи бўлинмаси. Ф. юридик шахс эмас. У юридик шахс яратган мол-мулк билан ва у тасдиқлаган низом асосида иш юритади. Ф. раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади ва унинг ишончномаси асосида ишлайди. Ф. уни ташкил этган юридик шахснинг таъсис ҳужжатида кўрсатилиши керак.

ФИЛИАЦИЯ (лот. — ўғил) — конституциявий ҳуқуқда туғилган заҳоти фуқароликка эга бўлиш. Ф. тартибида фуқароликка «қон ҳуқуқи» ёки «ер ҳуқуқи» принциплари асосида эришилади. Биринчи ҳолда, бола қаерда туғилганидан қатъи назар, ота-онасининг фуқаролигини олади. Иккинчисида — бола ота-онасининг фуқаролигидан қатъи назар, ўзи туғилган ҳудуд тегишли бўлган давлатнинг фуқароси бўлади. «Ер ҳуқуқи» принципи асосан Лотин Америкаси мамлакатларида қўлланилади. Кўп ҳолларда, иккала принцип у ёки бу даражада биргаликда ишлатилади (м-н, ЎзРда бўлгани каби).

ФИРИБГАРЛИК — ЎзР жиноят ҳуқуқида алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки мулкий ҳуқуқини қўлга киритишдир. ЎзР жиноят қонунчилигида иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар жумласига киради (ЎзР ЖК, III бўлим, X-боб, 168-модда).

ФИРМА (лот. — кучли, ишончли) — 1) ҳуқуқда юридик шахснинг фирма номи; 2) «тижорат ташкилоти» тушунчасининг синоними.

ФИРМА ЛИКВИДЛИГИ — унинг қарз мажбуриятларини ўз вақтида қайтариш қобилияти; унинг қарздорлик даражаси ва қарзини тўлаш учун фойдаланилиши мумкин бўлган ликвид маблағлари (нақд пул, банкдаги депозитлар, давлат қимматбаҳо қоғозлари, айланма капиталнинг сотиладиган элементлари ва ҳ.к.)нинг нисбати билан белгиланади.

ФИРМА НОМИ — тижорат ташкилоти бўлган юридик шахснинг номи. Ф.н. фуқаролик муомаласида муайян ташкилот (корхона)ни индивидуаллаштириш имконини беради. ЎзР ФКнинг 46-моддасига биноан, тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс Ф.н.га эга бўлиши лозим. Юридик шахс ўз фирмасининг номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эгадир. Ўзга фирма номидан ғайриқонуний фойдаланаётган шахс фирма номига эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган шахснинг талаби билан ундан фойдаланишни тўхтатиши ҳамда етказилган зарарларни тўлаши лозим.

ФИРМА ОБРЎСИ — компания номоддий активларининг қисми. Ривожланган хорижий мамлакатлар амалиётида компания қиймати (ёки харидор ҳам, сотувчи ҳам рози бўлган сотиш баҳоси) ва унинг алоҳида олинган активлари қиймати (ёки бозор баҳолари суммаси) ўртасидаги фарқ сифатида талқин этилади. Бундай кўрсаткични баҳолаш компания ҳисоботи (баланси)да акс эттирилади. Ф.о.ни баҳолашнинг бошқа усули компаниянинг соф фойдасини тармоқдаги ўртача фойда билан қиёслаш - дан иборат.

ФИСК (лот.) — хазинанинг ўзи: 1) капиталистик тузумгача император, қирол, подшо, герцог, князь, монастир ва бошқаларнинг пуллари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа нарсаларни билдирган; 2) давлатнинг мамлакат бюджетида ва давлат нобюджет жамғармаларида тўпланадиган молиявий ресурслари йиғиндиси; 3) айрим фуқаролар ва юридик шахсларга нисбатан мулкий ҳуқуқ, манфаат ва мажбуриятлар субъекти бўлган давлат. Ф. фуқаролик ҳуқуқидаги кўплаб юридик шахслардан бирини ифодалайди ва шу маънода бутун аҳоли ва ҳўжалик юритиш субъектларига тааллуқли. Ҳокимият устунлигига эга бўлган давлатга қарши туради. «Ф.» тушунчаси билан давлат ҳаётининг ҳар қандай давлат функциясининг орқа томони бўлган мулкий томони ифодаланади, чунки давлатнинг ҳар қандай фаолияти моддий асосга муҳтождир. Ф.нинг муҳим

таркибий қисми давлат ҳокимияти мулкий ҳуқуқларининг соҳасидир, м-н, солиқ солиш ҳуқуқининг субъекти сифатида.

ФИСКАЛ БОЖ — давлат бюджетининг фойда қисмини таъминлаш мақсадида жорий этилган бож тўловлари.

ФИСКАЛ ДАРОМАДЛАР — давлат хазинасининг даромадлари.

ФИСКАЛ СИЁСАТ — давлатнинг ҳукумат сарф-харажатлари ва даромадларини тартибга солиш бўйича молиявий тадбирлари мажмуи, иқтисодиётни бошқарувда давлатнинг асосий дастакларидан бири.

ФИТОНАЗОРАТ — давлат махсус органларининг мамлакатга юқумли касалликлар ва қишлоқ хўжалиги зараркунандалари кириб келиши олдини олиш мақсадида товарларга, транспорт воситалари ва бошқа нарсаларга нисбатан амалга оширадиган назорат-муҳофаза тадбирлари мажмуи. Уруғликлар, ҳўл мевалар, тирик ўсимликлар ва уларнинг қисмлари, ўсимликлар толаси, қуруқ мевалар ва бошқа ўсимлик маҳсулотлари, шунингдек, зараркунандалар, ўсимликлар касаллиги, ёввойи ўтлар ташувчиси бўлиши мумкин бўлган карантиндаги товарлар жойланадиган қоғоз қоп, яшчик ва шу кабилар фитоназоратдан ўтказилади. Ф. мамлакат ҳудудига кириб келаётган транспорт воситаларини карантин текширувларидан ўтказиш ва экспорт қилаётган давлат товарларининг тегишли сертификатларини текшириш орқали амалга оширилади. ЎзРда четдан мол келтириш ва мамлакат ҳудуди орқали юк ташишга фақат ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг карантин органлари рухсат беради.

ФИТР САДАҚАСИ (араб. — оғиз очиш, ифтор қилиш) — исломда рўза муносабати билан бериладиган садақа. Исломда рўза тутган ва тутмаган кишиларнинг барчаси фитр садақаси тўлаши одат тусига кирган. Фитр жон бошига маълум миқдорда буғдой, арпа ёки унинг ўрнига пул тўлаш шаклида йиғилган. Фитр садақаси рамазон ойида камбағал, бева-бечораларга берилади.

ФИҚҲ (араб. — билим, тушуниш) — ислом ҳуқуқшунослиги, шариат қонун-қоидаларини ўрганиш билан шуғулланувчи ислом таълимотининг бир соҳаси. «Фиқҳ» сўзини атама сифатида биринчи бўлиб имом Абу Ҳанифа киритган. Қуръон, сунна, ижмоъ, қиёс — шариат манбалари сифатида қабул қилинган. Исломнинг суннийлик йўналиши ҳуқуқшунослигида 4 та мустақил ҳуқуқ мазҳаблари — ҳанафия, моликия, шофиъия ва ҳанбалия мазҳаблари бор. Фиқҳ билан шуғулланувчи, уни ўрганувчи киши фақиҳ (ҳуқуқшунос) деб аталган. Мовароуннаҳрда Бурҳониддин Марғиноний, Абу-л-Лайс Самарқандий, Абуҳафс Кабийр ал-Бухорий каби алломалар, машҳур фақиҳлар ўтган.

Фиқҳ илми икки асосий қисмга бўлинади. Биринчиси «Усул-ул-фиқҳ», иккинчиси — «Фуруъ-ул-фиқҳ». Усул-ул-фиқҳ фиқҳ илмининг асосий манбаларидан бўлиб, умумий қоидаларни белгилаб олишни ўрганган. Фуруъ-ул-фиқҳ эса ушбу умумий қоидаларнинг ҳосили, натижаси бўлиб юзага келган жузъий ҳукмларни ёритиб беради. Ислом ҳуқуқшунослигидан иборат бўлган фиқҳ илми (илм-ул-фиқҳ) шариат ҳукмларини ўрганувчи фандир. Бу фаннинг асосий мақсади шариат ҳукмларини амалга ошириш иқтидори ва малакасига эга бўлишдир. Фиқҳ илми ҳукмларни Қуръони карим ва суннадан ижтиҳод орқали чиқаришга таянади. Ижтиҳод билан шуғулланган ҳуқуқшунослар ўртасида ихтилофларнинг юзага келиши табиийдир.

Илм-ул-фиқҳ — ислом ҳуқуқининг турли соҳаларини ўрганади. Бу фанга оид кўпдан-кўп асарлар ёзилган. Фиқҳ бўйича энг аввал пайдо бўлган китоблар орасида имом Молик ибн Анаснинг «Ал-Муваттоъ», Зайд ибн ал-Ҳасаннинг «Мажмуъ ал-фиқҳ» каби асарларини кўрсатиш мумкин. Фиқҳ илми X асрга келиб мустақил фан сифатида шаклланган. Фиқҳ соҳаларига бағишланган энг машҳур асарлардан бири ватандошимиз Бурҳонуддин Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ал-Фарғоний ал-Марғиноний ар-Риштоний (вафоти 1197 йил) томонидан ёзилган «ал-Ҳидоя фи-л-фуруъ» («Фиқҳ соҳалари ҳақида ҳидоя») китобидир. «Ҳидоя» асари ҳанафий мазҳабида катта шуҳрат қозонган амалий қўлланмадир. «Ҳидоя» китобига кўплаб шарҳлар ёзилган.

Ҳозирги вақтда ислом мамлакатларида дунёвий ҳуқуқ тизими амалга киритилмоқда, бу эса фиқҳ таъсир доирасининг муайян даражада торайишига олиб келмоқда. Фиқҳ — мусулмон қонуншунослиги, Шарқ халқлари ва ислом маданияти эришган буюк қадриятлардандир. У нафақат диний муаммоларни, балки мўмин-мусулмонларнинг бутун турмуш тарзини ҳам ўз ичига қамраб олган. Ф. Мовароуннаҳр халқлари, юнон, рум, форс ва ҳинд маданияти намуналаридан таъсирланган ҳолда умуминсоний диний ахлоқий ва ҳуқуқий қадриятларни ўзида мужассам этган.

ФОБ (франко-борт) — халқаро савдо термини, халқаро савдода товарлар ташилишининг шартларидан бири («Инкотермс-1990» бўйича «F» гуруҳи). Том маънода «Бортда эркинлик» мазмунини англатади. Бу шартга кўра, сотувчи юк ортиш портида келишилган товарни харидор ижарага олган кема бортига ўз ҳисобидан етказиб бериши, шунингдек, ФАС шартидан фарқли ўлароқ, товарни экспорт божидан озод қилиши шарт. Харидор ўз ҳисобидан кемани ёллаши, айни пайтда сотувчини юк ортиш муддати, шарти, манзилининг номланиши ва кеманинг келиш вақтидан хабардор этиши шарт. Юк ортиш келишилган портда товар бортга ҳақиқатан (кема тутқичлари орқали) ўтган пайтдан эътиборан товарнинг нобуд бўлиш ва бузилиш хавфи сотувчидан харидорга ўтади. Рус тилида ёзилган бир қанча манбаларда мазкур шарт товарнинг бождан озод этилишини талаб қилмайди, деб таъкидланади. «Инкотермс-1990»да ҳам таъкидланганидек, «Франко-борт» сотувчига шундай мажбуриятни юклайди. ФАСда бўлгани каби, ФОБ шартлари ҳам фақатгина сув (денгиз ёки дарё) транспортлари орқали юк ташишга нисбатангина қўлланилади.

ФОБ БАҲОСИ — сотувчи транспортировка ва суғурта бўйича харажатларининг бир қисмини, яъни товарни кема бортигача етказиб бериш пайтигача бўлган харажатларини билдирадиган баҳо.

ФОЙДАЛАНИШ — мулк эгасининг ўзига берилган мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи, яъни буюмлардан, кўчмас мулк воситалари ва иншоотлардан фойдаланиш ва шу асосда даромад, фойда олиш кабилар. Фойдаланиш ҳуқуқи қонуний асосларда томонларнинг шартномалари, васиқа, васиятномалар асосида вужудга келади. Қонун асосида фойдаланиш ҳуқуқи давлат томонидан кафолатлангандир. Шу билан бирга, маълум бир мажбуриятларни ҳам бажариши лозим. Жумладан, ЎзРнинг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ер кодексининг 40-моддасида қуйидагилар ердан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари сифатида қайд этилган: ердан белгиланган мақсадда оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорли-

гини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилувчи технологияларни қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик кабилар. Мулкдан фойдаланишнинг бошқа кўринишларида фойдаланувчи субъектнинг ҳуқуқлари билан бирга мажбуриятлари ҳам мавжуддир.

ФОЙДАЛАНУВЧИ — фуқаролик муносабатларида буюртма бериш орқали товарлардан, хизмат кўрсатиш тармоқлари хизматидан маиший мақсад учун (даромад олмаслик шарти билан) фойдаланувчи фуқаро (шахс). Хизмат кўрсатиш ёки товарлардан фойдаланиш жараёнида хизмат кўрсатиш ёки товарлар фойдаланувчининг эҳтиёжига мос келиши зарур. Агар кўрсатилган хизмат ёки олинган товар фойдаланувчи эҳтиёжини қондирмаса, ундан суд орқали ўз харажатларини ундириб беришни талаб қилиши мумкин.

ФОЙДАЛИ МОДЕЛЬ — санъат мулкига бўлган ҳуқуқнинг бир объекти. ЎзР қонунлари муҳофазасида ҳисобланади (ЎзР ФКнинг 62-бобида баён этилган ҳуқуқий нормалар). Агар яратилган кашфиёт янги бўлса ва ишлаб чиқаришда фойда берадиган бўлса, Ф.м.га ҳуқуқий ҳимоя берилади. ЎзР ФК 1083-моддасига асосан Ф. м. фойдаланиш ҳуқуқи баён этилган ва патент эгасидан бошқа шахслар унинг рухсатисиз фойдали моделдан фойдаланиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

ФОЛКЕТИНГ — Данияда бир палатали парламентнинг номи.

ФОНД БИРЖАСИ — қимматбаҳо қоғозлар бозорида савдони ташкил этиш фаолиятини депозитар фаолият ва ўзаро мажбуриятларни белгилаш фаолиятидан бошқа фаолият турлари билан қўшмайдиган савдо ташкилотчиси. Ф.б. нотижорат шаклидаги ҳамкорлик сифатида ташкил этилади. Ф.б. фақат биржа аъзолари ўртасидагина савдони ташкил этади. Қимматбаҳо қоғозлар бозорининг бошқа иштирокчилари биржадаги операцияларни фақат биржа аъзолари орқалигина амалга ошира оладилар. Ф.б. хизматчилари қимматбаҳо қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг таъсисчилари ва иштирокчилари — юридик шахслар бўла олмайдилар, шунингдек, Ф.б. фаолиятида тадбиркорлар сифатида мустақил иштирок эта олмайдилар.

Товар ва валюта биржаларининг фонд бўлимлари ЎзР қонунларига биноан Ф.б. сифатида эътироф этиладилар ва уларининг фаолиятларида уларни ташкил этиш ва ташкилий-ҳуқуқий шаклига доир масалалардан ташқари соҳаларда ЎзРнинг «Қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида»ги 1993 йил 2 сентябрь қонуни талабларига амал қиладилар.

ФОНД ЖАМҒАРМА — ЎзР фуқаролик қонунларига кўра, фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ихтиёрий мулкий бадаллари асосида ташкил этилган ва бошқа ташкилотларга аъзо бўлмаган ижтимоий, хайрия, маданий, маърифий ёки жамоат учун фойдали бошқа мақсадларни кўзловчи нотижорат ташкилот.

ФОНЕТИКА — нутқ алоқаларининг товуш қисми ҳақидаги фан. Суд амалиётида Ф. сўзлаётган шахсни унинг овозини таҳлил қилиш ва қиёслаш орқали шахсини аниқлаш, шунингдек, матнни фонетик таҳлил қилиш учун фойдаланилади. Ўз хусусиятига кўра фанлараро илм бўлиб, табиий фанларнинг махсус техника ва ЭҲМдан фойдаланишга асосланган усулларини қўллайди.

ФОНОГРАММА ИЖОДКОРЛАРИ — фуқаролик муносабатларида муаллифлик ҳуқуқининг субъекти. ЎзР ФКнинг 1078-моддасига асосан,

ижро ёзувини ёзиб олган шахс Ф.и. сифатида маълум бир ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир.

ФОНОСКОПИЯ — криминалистикада товуш изларини ўрганадиган махсус тадқиқотларнинг тури. Инсон овозининг Ф.си сўзлаётган шахснинг ижтимоий хусусиятлари (маълумоти, касби, маданият даражаси), эмоционал ҳолати (хотиржам, безовта, тушкун кайфиятда), оғзаки нутқ шаклланган минтақани (шева, акцент), жисмоний (биологик) хислатлари (жинси, ёши, бўйи), психофизиологик хусусиятлари (турли касалликлар туфайли нормадан оғишлар) ва нутқ ирод қилиш усулларини (ўқиш, декламация, вазмин нутқ), шунингдек, сўзлашувчининг тахминий кўринишини аниқлаш имконини беради. Фоноскопик тадқиқотлар инсоннинг шахсини аниқлашда ёрдам беради.

ФОРВАРД БИТИМЛАРИ — етказиб бериш муддати кечиктирилган аниқ товарга (жумладан, қимматли қоғоз, валютага) нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни бир-бирларига бериш билан боғлиқ биржа битими. Ф.б. фючерс битимидан икки жиҳати билан фарқ қилади: биржаларда (фонд, валюта биржаларида) амалга ошириладиган фючерс битимларининг шартлари олдиндан белгиланган ва стандартлашган бўлса, Ф.б. бозорнинг икки иштирокчиси ўртасида тузилади ва томонларнинг истакларига жавоб берадиган шартларга эга бўлади; Ф.б. бўйича контракт эгасининг фойда ва йўқотишлари ушбу битим муддати тугаган пайт бўйича ҳисобланади; фючерс битимлари бўйича эса ҳисоб-китоб ҳар куни бўлиб ўтган савдо натижалари бўйича амалга оширилади.

ФОРМУЛЯР — савдо муомаласида йирик ташкилотлар томонидан олдиндан ишлаб чиқиладиган ва имзолаш учун контрагентга тақдим этиладиган шартнома. Контрагент таклиф қилинган шартларни ўзгартириш, ҳатто муҳокама этиш имкониятига эга эмас.

Ф.ни қўллаш режаларига оид қоидалар, халқаро ташкилотлар ва савдо марказлари томонидан ишлаб чиқилади.

ФОРС-МАЖОР (фр.) — Фуқаролик ҳуқуқида шартнома талабларининг бажарилмаслигига олиб келадиган фавқулодда ва муқаррар ҳолларнинг вужудга келиши. Ф.-м. натижасида, шартномани имзолаган томонлардан бири ўзи истамаган ва билмаган ҳолда, иккинчи томонга зарар етказади. Умуман олганда, Ф.-м.ни келтирилган, юридик Ф.-м. ҳамда бартараф этиб бўлмайдиган кучларга ажратиш мумкин. Унинг умумий принципларида, бартараф этиш мумкин бўлмайдиган кучларни аниқлаш жараёни ҳолатларнинг объектив мутлақ хусусиятига боғланади. Мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилаётган омиллар ҳаракати, объектив ва мутлақ бўлиши, улар фақатгина зарар сабабчиси эмас, балки айни зарар таъсир доирасида қолган бошқаларнинг ҳам эътиборида бўлмоғи лозим. Қонунчиликда ва шартнома тажрибасида олдини олиб бўлмайдиган кучлар — табиий офатлар (зилзила, сув тошқини) ёки инсониятнинг замонавий билими ҳам олдиндан сезиш ва олдини олишда ожизлик қилган (олдиндан билиш мумкин-у, лекин олдини олиш имкони бўлмаган) бошқа турдаги ҳолатларда ўз ифодасини топади. Фуқаролик ҳуқуқи тизимининг ҳаммасида бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар жараёни, жавобгарликдан озод қилувчи ҳоллар ҳисобланади. Юридик жиҳатдан Ф.-м.га давлат олий органларининг қарорлари (импорт ёки экспортни чеклаш, валюта чекловлари ва б.), норозилик намойишлари,

урушлар, инқилоблар ва шу каби ҳодисалар киради. Савдо таваккалчилиги, м-н, бозорнинг ноқулай конъюнктураси, нарх-наво ўзгаришлари билан боғлиқ қийинчиликлар Ф.-м. ҳолатлар сифатида тан олинмайди. Юридик «Ф.-м.» тушунчаси битта юридик таърифга эга эмас. Одатда, контрагентлар олдиндан кутилмаган ҳолатлар ва уларнинг ҳуқуқий оқибатларини шартнома тартибида белгилаб қўядилар.

ФОРУМ (лот. forum) — Қадимги Римда: суд, трибунал, юрисдикция, одил суд жўнатадиган жой.

ФОРФЕЙТИНГ (фр. — бутунлай, тамоман, умумий суммада) — кредитга сотиш чоғидаги операция. Банк (форфейтор) товар савдосидан сўнг дарҳол импортер векселларини сотиб олади ва бу билан экспортерга товар қийматининг, экспорт ва Ф. кредитлари ўртасидаги фарқларни чиқариб ташлаб, дарҳол тўланишини таъминлайди, Форфейтор комиссияси одатда, 1—1,5% ни ташкил этади. Форфейтор импортердан банк кафолатини талаб этади ёки ўзи қўшимча тўлов эвазига таваккалчиликка қўл уради. Ф. операцияси экспортерни валюта билан боғлиқ деярли барча хавфлардан сақлашни кафолатлайди.

ФОҲИШАХОНА (ПРИТОН) — жиноят қонунчилиги буйича ғайриқонуний ҳаракатлар қилиш мақсадида ташкил этиладиган жой. Бунда бу каби жойлар маълум бир мақсад учун мослашганлиги билан ажралиб туради. Масалан, гиёҳванд моддаларни тановул қилиш, ичкилик ичиш, фоҳишабозлик ва қўшмачилик қилиш кабилар. ЎзР ЖКнинг 131-моддасида айнан шу фоҳишахоналарни очиш ёки сақлаш, шунингдек, ғаразли ёки бошқа тубан ниятларда қўшмачилик қилишга нисбатан тегишли жиноий жавобгарлик белгиланган.

ФРАКЦИЯ (лот. — емириб бузиб ташлаш) — 1) бирор-бир сиёсий партиянинг сиёсатини парламентда ифода этувчи, маҳаллий ўзини-ўзи бошқарувда, жамоат ташкилотларида ўз органларига эга бўлган айни партия аъзоларидан иборат ташкилий гуруҳ; 2) ўз платформасига эга бўлган сиёсий партиянинг алоҳида қисми.

ЎзР «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги 1996 йил 26 декабрь қонунининг 13-моддасига мувофиқ, ЎзР Олий Мажлисида ўз партияларининг сиёсатини уюшган ҳолда юритиш учун сиёсий партиялардан номзоди кўрсатилиб, сайланган депутатларнинг таъсис йиғилишларида ушбу партияларнинг Ф.лари ташкил этилиши мумкин. Ф.лар Ф. раҳбарининг тегишли аризаси ва таъсис ҳужжати асосида рўйхатга олинади. Сиёсий партия Ф.сининг раҳбари Олий Мажлис Кенгашининг таркибига киради. Ф. фаолиятини ташкилий, техникавий ва бошқача тарзда таъминлаш вазифасини ЎзР Олий Мажлиси котибияти бажаради. ЎзР Олий Мажлисида сиёсий партиялар Ф.ларининг ҳуқуқлари ЎзР «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунининг 13-моддасида белгиланган.

ФРАНКИРОВКА — юкларнинг ташилиши, уларнинг ортилиши ва туширилиши, сақланиши ва суғурта қилиниши билан боғлиқ у ёки бу харажатларнинг нархга қўшилиши тартибини белгиловчи иқтисодий ва ҳуқуқий шартлар. Ф. томонларнинг товар етказиб бериш, жумладан ташқи савдо билан боғлиқ ҳуқуқий мажбуриятларини тартибга солади ва товар етказиб бериш асосий шартларининг муҳим таркибий қисмидир.

ФРАНКО (итал. — эркин) — товарни кўзланган манзилга етказиб бериш шартларини ифодаловчи халқаро термин. Мазкур ҳолда, харидор Ф. сўзи билан белгиланган манзилга товарларни етказиб келиш хавфи ва

унга кетадиган бутун харажатлар мазкур товарлар қийматига кирганлиги боис улардан озод бўлади. Ушбу пунктгача бутун харажатлар товарни жўнатаётган томон зиммасида бўлади. «Ф.» термини товарларни етказиб беришнинг бир қатор шартларида ўзак бўлади: ФАС (frre alongside ship), ФОБ (free on board), ФКА (free carrier), Ф.-фабрика, Ф.-завод, Ф.-омбор (ex-factory, ex-mill, ex-warehouse), Ф.-қирғоқ (free on quay, ex-quay), Ф.-причал (ex-quay), Ф.-кема (ex-ship), Ф.-вагон (free on rail, free on car), Ф.-етказиш (free delivered), Ф.-бункер (free bunker), Ф.-юк машинаси (free on truck).

Халқаро савдо фаолиятларида умум томонидан қабул қилинган атамалар мажмуаси — «Инкотермс — 90»да, юк ташиш технологиясининг ўзгариши, хусусан, юкларни контейнерларга ортиш ҳолларининг афзал кўрилаётгани, темир йўл вагонлари ва авто юк ортувчилар ёрдами билан кемаларда юк ташиш фаолиятининг кенгайиши туфайли, ФКА атамаси, транспорт воситаларининг юк ташишга мўлжалланган ҳамма турларида қўлланадиган бўлди. Бунинг оқибати ўлароқ эса, аввало, «Инкотермс» нашрларида юк ташишнинг «Ф» атамаси билан боғлиқ баъзи турлари (яъни, ФОР, ФОТ — аэропорт, Ф. — вагон, Ф. — юк ташувчи, Ф. — аэропорт) истеъмолдан чиқарилди. «Ф» атамаси остида юк ташиш шартлари «Инкотермс — 90»нинг асосий тўрт категориясидан иккитасида қўлланади. Булар «Е» ва «F» тоифаларидир. «Е» гуруҳи, Ф. — омбор хизматларини ўз ичига олади. Унга кўра харидор, сотувчи омборидан (заводидан) жўнатишга тайёр товарни олади.

«F» гуруҳи ФКА, ФАС, ФОБ шартларини ўзида жамлаган бўлиб, унга биноан, сотувчи товарни харидор томонидан («Франко»нинг давоми...) белгиланган транспорт воситасигача элтиб бериш мажбуриятига амал қилади. Халқаро савдода, шунингдек, Ф. — нарх атамаси ҳам ишлатилади. Бу атама, буюртмачига (харидорга) маҳсулотни етказиш бўйича транспорт харажатларини қоплаш тартиби хусусида битим иштирокчилари жорий этган улгуржи нарх ифодасидир. Ташқи савдо битимларида Ф. — нарх, уларнинг транспорт ва суғурта харажатларидан, шунингдек, товарларни божхона текширувидан ўтказиш харажатларидан (агар жўнатилаётган маҳсулот чегарани кесиб ўтаётган бўлса) ташкил топади.

ФРАНКО БАҲОСИ — маҳсулотни буюртмачига етказиб беришдаги тартибни назарда тутган ҳолда белгиланган улгуржи баҳо. «Франко» — тижоратга оид атама (таржимаси — «эркин») бўлиб, маҳсулотни етказиб бериш манзили (географик ёки жисмоний) билан бирга қўшилганда харидорнинг етказиб бериш харажатларидан озод эканлигини билдиради. Бу харажатларни етказиб берувчи қоплайди. Етказиб бериш пункти вагон, омборхона, кема, темир йўл станцияси, давлат чегараси муайян аҳоли пункти бўлиши мумкин. Ташқи савдо битимларида транспорт харажатлари суғурта харажатларини ҳам, агар маҳсулот божхона чегарасидан ўтса, божхона қоғозларини ҳам ўз ичига олади.

ФРАНЦИЯ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ (Наполеон Кодекси) — Францияда амалда бўлган ФК. Наполеоннинг фаол иштирокида ишлаб чиқилган мазкур кодекс фуқаролик, оила, суд ишларини юритиш қонунлари, меҳнат ҳуқуқи нормаларини ўз ичга олади. Кодекс хусусий мулкчилик эркинлигини мустаҳкамлади, бу ҳуқуқни муқаддас ва дахлсиз деб эълон қилди. 1804 йили жорий этилган.

ФРАНЧАЙЗ КОРХОНАСИ (инг.) — франчайзер сифатида иш юри-

тувчи, бу борада ўзига берилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, унинг бутун шартларига амал қилган ҳолда товар ишлаб чиқарувчи ва уни сотишда хизмат кўрсатувчи шахс билан шартнома (ЎзР тижорат концессияси шартномаси) асосида иш юритувчи ташкилот. Ф.к. ўз ҳамкорига фаолият юритиш ҳудудини, истеъмолчилар доирасини танлашда, йўлланма беришда, реклама ишларини амалга оширишда, малакали мутахассисларни тайёрлашда ёрдам кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси товарни сотиш ва етказиб бериш ишлари буйича маркетинг хизматлари тизимига кирувчи турли тижорат корхоналарини стандартлаштириш, унификациялаштириш ва бошқа хизматларга имконият туғдиради.

ФРАНЧАЙЗИНГ (ингл. — имтиёз, енгиллик) — ЎзРда тижорат концессияси шартномасига мувофиқ тарзда амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти.

ФРАНШИЗА (фр. — имтиёз, енгиллик) — 1) тижорат концессияси тартибида товарларни сотиш ва хизмат кўрсатиш, тижорат фирмасини қуриш ҳуқуқи (қ.: *Тижорат концессияси шартномаси*); 2) суғурта шартларидан бири — суғурта қилувчини етказилган зарарнинг белгиланган ҳажмидан ошмайдиган миқдорига товон тўлашдан озод этиш. У суғурта суммасига нисбатан гоҳ фоизли, гоҳ мутлақ улчамда жорий этилади. Ф. икки кўринишга эга: шартли (айриладиган) ва шартсиз (айрилмайдиган). Биринчи ҳодисада суғуртачи Ф.нинг белгиланган суммасидан ошиб кетмайдиган зарар учун жавобгарликдан озод этилади, лекин, агар зарар ҳажми мазкур суммадан ошиб кетса, у ҳолда суғуртачи етказилган зарарни тамомила қоплаши керак. Шартсиз Ф.да етказилган зарар барча ҳодисаларда жорий этилган суммадан чегириб қолиш эвазига тўлдирилади. Белгиланган улчовларда суғурталанган мол-мулкни суғурта билан таъминлаш даражасининг туширилиши билан, Ф. суғурта фондининг сарфланишига тўсиқ бўлаётган майда тўловлар сонини кескин қисқартириш имкони беради.

ФРАХТ (нем.) — йўловчиларни ёки юкларни ташишда (хусусан денгизда), шунингдек, шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда, юк ортиш, тушириш ва жойлаштиришда транспорт воситалари эгаларининг кўрсатган хизматлари учун уларга бериладиган тўловлар. Кўпгина тўловчилар, транспорт воситалари эгаси (фрахтчи) билан юк ташиш ҳақида келишиб олган фрахт эгаси яъни воситаларни кирага олган киши ёки ташкилот бўлиб чиқади. Фрахт одатда, юк ташиб бўлинганидан кейин тўланади.

ФРАХТ ҚИЛИШ — бирор-бир нарсани ижарага олиш ёки кемани ижарага бериш хусусида шартнома имзолаш фаолияти. У одатда, хусусий компаниялар ёки махсус уюшган шахслар (даллоллар) томонидан амалга оширилади.

ФРАХТ НАРХИ — денгиз, орқали юк ташиш хизматининг нархи. Икки асосий, икки танабий қисмдан иборат: транспорт хизмати кўрсатиш харажати ва ўртача фойда (тушум).

Ф.н. фрахт турига, унинг амал қилиш муддатига рейслари сонига қараб маълум вақтга белгиланади ва рейсли чартерларнинг шартлари ва айниқса унда аввалдан белгиланган юк ортиш ва тушириш нормалари билан белгиланади. Нормалар ортган сари Ф.н. пасайиб, камайгани сари ортиб бораверади.

ФРАХТЛИ ОРДЕР — фрахтчининг ўз брокерига тоннажни фрахт

қилиш хусусида берган топшириғи. Фрахт ордери, битим имзоланиши учун зарур бўлган барча маълумотларни ўзида сақлайди.

ФРАХТЧИ — фрахт шартномасига кўра юкларни денгиз орқали белгиланган портга етказиб бериш учун топширувчи томон. Ф., яъни кемани кирага олган томон, келишилган юкни ўз вақтида элтиб бериши ва фрахтни тўлаши шарт.

ФРИГОЛЬД (ингл. — эркин эгалик) — Ўрта асрларда Англияда ерга нисбатан амалда бўлган мерос асосида ёки умрбод эгалик қилиш; у рицарга, деҳқонга, шаҳар ва черковга тегишли бўлиши мумкин эди. Фригольдер деҳқонлар шахсий эркинликка, қатъий рентага, бировга васият қилиш, шунингдек, қироллик судларида ҳимояланиш ҳуқуқига эга бўлганлар.

ФУНДАМЕНТАЛ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР — инсон, жамият ва бизни ўраб турган табиатнинг тузилиши, ҳаракатланиши ва ривожланиш қонуниятлари ҳақида янги билимларни олишга қаратилган экспериментал ёки назарий фаолият.

ФУНДИРЛАШТИРИЛГАН ЗАЁМЛАР (лот. — асос солмоқ) — қисқа ва ўрта муддатли давлат заёмларининг консолидацияси натижасида вужудга келган узоқ муддатли ёки муддати бўлмаган давлат заёмлари.

ФЬЮЧЕРС БИТИМИ — товар ёки фонд биржаларида тузиладиган битим шакли; товарни (жумладан, қимматбаҳо қоғозларни) сотиш мажбуриятини ва унинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини зиммасига олган томонлар ўртасида тузилган муддатли стандартлашган битим. Бундай битим муайян вақтдан сўнг амалга оширилади. Фьючерс сотувчисининг вазифасига қимматбаҳо қоғоз ёки товарни етказиб бериш киради. Ф.б. — форвард битимининг тури, лекин ундан ўзининг стандартлаштирилганлиги билан фарқ қилади. Ф.б. савдоси махсус фьючерс биржаларида амалга оширилади. Ф.б.да белгиланган нарх фьючерс нархи деб номланади. Биржа туфайли Ф.б.нинг сотувчиси хоҳлаган вақтда уни қайта сотиб олиши мумкин. Ф.б.ларининг ликвидлиги уларни форвард битимлардан афзал қилади. Стандартлаштириш фақат биржалар белгиланган шартларга амал қилувчи битимлар билан савдо қилиш мумкинлигини англатади (контракт ҳажми, савдо бирлиги етазиб бериш санаси, контракт нархларининг минимал ҳаракати).

Барча битимлар ҳар бир контрактни кафолатловчи клиринг палаталар орқали амалга оширилади. Ф.б. мажбуриятларини тугатишнинг ягона имконияти — худди шундай битимни сотиш ёки сотиб олиш. Камдан-кам ҳолларда битимлар ҳақиқий етказиб бериш билан тугалланади.

ФУҚАРО — 1)муайян давлатга (конституциявий ва халқаро ҳуқуқда) ҳуқуқий асосда тегишли бўлган шахс. Ф. муайян ҳуқуқий лаёқатга, ҳуқуқлар, эркинликларга ва мажбуриятларга эга. Муайян давлатнинг Ф.си ушбу давлат ҳудудидаги хорижий Ф.лар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан ўз ҳуқуқий мавқеига кўра фарқ қилади. Чунончи, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар фақат Ф.ларга тегишлидир;

2) фуқаролик ҳуқуқининг субъекти, фуқаролик ҳуқуқий муносабатининг иштирокчилари турларидан бири (фуқаролик ҳуқуқида). Фуқаролик ҳуқуқига ва мажбуриятларига эга бўлиш қобилияти (фуқаролик ҳуқуқий лаёқати) барча Ф.ларга тенг даражада тегишли эканлиги эътироф этилади. Ф.нинг ҳуқуқий лаёқати у туғилган пайтда юзага келади ва унинг вафоти билан тугайди. Ф.лар мулкка мулкчилик ҳуқуқи асосида

эгалик қилишлари; мулкни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари; тадбиркорлик ва қонунда тақиқланмаган бошқа ҳар қандай фаолият билан шуғулланишлари; мустақил равишда ёки бошқа фуқаролар ва юридик шахслар билан биргаликда юридик шахсларни ташкил этишлари; қонунга зид бўлмаган ҳар қандай битимларни тузишлари ва мажбуриятларда иштирок этишлари; турар жойларини танлашлари; фан, адабиёт ва санъат асарлари, ихтиролар ва қонун билан муҳофаза қилинган интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи бўлиш ҳуқуқига эга бўлишлари; бошқа мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлишлари мумкин.

ФУҚАРОВИЙ ДАЪВОГАР — жиноятдан моддий зиён кўрган ва унинг қонунда белгиланган тартибда қопланишини талаб қилган фуқаро ёки ташкилот. Шахс жиноят процессининг иштирокчиси бўлиши учун жиноят туфайли моддий зарар кўрган шахс суд ажрими ёхуд судья, терговчи ёки суриштирув ўтказувчи шахс қарори билан Ф.д. сифатида тан олиниши керак.

ЎзРда Ф.д. қуйидаги ҳуқуқларга эга: далиллар келтириш; илтимослар қилиш; суд муҳокамасида иштирок этиш; суриштирув органи, терговчидан ўз даъво хатини таъминлаш бўйича чоралар кўриш тўғрисида илтимос қилиш; фуқаровий даъво қўзғаш; иш материаллари билан дастлабки тергов тугаган пайтдан бошлаб танишиб чиқиш; раддиялар бериш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳаракатлари бўйича арз қилиш ҳамда суднинг ҳукми ва ажримига фуқаровий даъвога тааллуқли бўлган қисми бўйича арз қилиш. Ф.д. тегишли талаб бўлганда ўзида бўлган ва қилинган даъво билан боғлиқ ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

ФУҚАРОВИЙ ЖАВОБГАР — жиноят процессида жиноят ишида жиноят туфайли етказилган зарарни ундириш мақсадида фуқаровий даъво қилинган айбланувчининг ҳаракатлари учун моддий жавобгарликка тортиладиган шахс. Ф.ж. сифатида айбланувчининг ота-онаси, васийлари, ҳомийлари ёки унинг жиноий ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун моддий жавобгарликка эга бўлган ташкилотлар жалб этилиши мумкин. Ф.ж. қонунга кўра айбланувчининг ҳаракатлари учун бошқа шахслар тўла ёки қисман жавобгарликка эга бўладиган ҳоллардагина жиноят процессининг мустақил иштирокчиси сифатида ҳаракат қилиши мумкин. Қолган барча ҳолларда даъво бевосита айбланувчига қилинади. Ф.ж.нинг жиноят процессига киришига асос бўладиган юридик ҳужжат — шахсни жавобгар сифатида ишга жалб этиш тўғрисидаги суднинг ажрими ёхуд судьянинг, терговчининг ёки суриштирувчининг қароридир.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИЛИШИ (ЙИҒИНИ) — фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишда бевосита иштирок этиши шакли. Фуқаролар йиғилиши (йиғини)ни чақириш ва ўтказиш, унинг қарорларининг қабул қилиниши ва ўзгартирилиши тартиби билан белгиланган.

ФУҚАРОЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР (ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАР) — ЎзРнинг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ хусусий шахсларга доир ахборотларни қайта ишлашнинг тизимлари аҳолининг талаб-эҳтиёжлари ва манфаатларидаги ўзгаришларни, фуқароларнинг ижтимоий фикрларини ўрганиш, жиноий ҳаракатларга қарши кураш, ЎзРнинг давлат сирларини, иқтисодиётга оид сирларини ва бошқа сирларини қўриқлаш учун зарур бўлган маълумотларни умум-

лаштириш ва таҳлил этиш, давлатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни бошқариш ҳамда унинг истиқлолини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар олиш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари, бошқа ташкилотлар томонидан вужудга келтирилади. Автоматлаштирилган тизимлар ва бошқа тизимлардан, хусусий шахсларга доир ахборотлардан уларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаб қўйиш учун фойдаланилмаслиги лозим. Хусусий шахсларга доир ахборотларни давлат тасарруфида бўлмаган ташкилотлар томонидан қайта ишлаш рухсатнома асосида амалга оширилади. Ўз ваколатларига мувофиқ хусусий шахсларга доир ахборотларга эгалик қилувчи ва улардан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар ана шундай ахборотлардан фойдаланиш тартиби ҳамда қоидаларини бузганлик учун интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгар бўладилар.

ФУҚАРОЛАР ҲИМОЯСИ — аҳоли ва ташкилотларни ҳарбий ҳаракатлар чоғида ёки ушбу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этиладиган тадбир. Ф.ҳ.нинг вазифалари ва ташкил этилиши қонунлар билан белгиланади.

ФУҚАРОЛАРНИНГ БУРЧЛАРИ — ЎзР Конституциясининг XI боби (47—52-моддалари)да назарда тутилган бурчлар. Юридик бурчлар ҳуқуқ субъекти — фуқарога тегишли муносиб ахлоқ нормаларидир. Фуқаро ўз бурчини қонунга биноан ва ҳуқуқнинг мажбуриятли субъекти сифатида бажаради.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ — ЎзР Конституциясининг 105-моддаси ва ЎзРнинг 1993 йил 2 сентябрдаги «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳисобланади. Ф.ў.ў.б.о. икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини-ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашишга доир ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида фуқароларга кўмаклашади, ўз ҳудудларидаги ижтимоий ва хўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига ЎзР қонунларини, ЎзР Президентининг фармонларини, ЎзР Ҳукуматининг қарорларини, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштиради. Ф.ў.ў.б.о. юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади ва герб тасвири туширилган, белгиланган намунадаги муҳрига эга бўлади.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ШАХСИЙ ҲАЁТИ ДАХЛСИЗЛИГИНИ БУЗИШ — Қ.: *Шахсий дахлсизлик*.

ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАР — ЎзР ҳудудида яшаётган, ЎзР фуқароси ёки чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслардир (ЎзРнинг фуқаролик тўғрисидаги қонуни, 11-м.) . ЎзР Конституциясининг 23- м.сига кўра Ўзбекистон ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар ЎзР Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларини адо этадилар. Ҳозирда Ф.б.ш.га бирор давлат фуқаролигини қабул қилишлари учун бирмунча имтиёзлар яратилган. Жумла-

дан, Ўзбекистон фуқаролигини қабул қилиш учун улар а) Ўзбекистонда 5 й. давомида муҳим яшашлари, қонуний тирикчилик манбалари мавжудлиги ва ЎзР Конституциясини тан олишлари ва бажаришлари лозим (ЎзР «Фуқаролик тўғрисида»ги қонуни, 17-м.). Мазкур шартлар бажарилган тақдирда муҳим яшаш жойларидаги ички ишлар идораларига ариза билан мурожаат қилиниш орқали ЎзР фуқаролиги олинади. Фуқаролиги бўлмаган, ЎзРда доимий истиқомат жойига эга бўлган шахсларнинг ЎзР ҳудудида туғилган боласи ЎзР фуқароси ҳисобланади.

ФУҚАРОЛИК — шахснинг аниқ бир давлатга сиёсий ва ҳуқуқий мансублиги. Аниқ бир давлат фуқаролигини қабул қилувчи шахс мазкур давлат қонунлари ва фармонларини бажариш мажбуриятини олади. Давлат эса, ўз навбатида, фуқароларга инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришни, шунингдек, ўз фуқароларини хорижда ҳимоялашни кафолатлайди. ЎзРнинг 1992 й. 2 июндаги «Фуқаролик тўғрисида»ги қонунига кўра, Ф.ни қабул қилиш тенг асосларга кўра қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: туғилишга кўра; фуқаролик берилишини сўраб ариза берилиши билан, ЎзРнинг қонунлари ва шалқаро шартномаларида кўзда тутилган бошқа усуллар билан. Мазкур қонуннинг 12-м.сига кўра ЎзР фуқаролигига ёки чет давлат фуқаролигига мансублигини исботловчи далиллари бўлмаган шахслар *фуқаролиги бўлмаган шахслар* ҳисобланадилар. ЎзР фуқаролигининг бекор бўлиши ихтиёрий тарзда ф.дан чиқиш, фуқароликни йўқотиш, шунингдек, ЎзРнинг халқаро шартномалари билан боғлиқ бошқа асосларга кўра рўй беради.

ФУҚАРОЛИК (ФУҚАРОВИЙ-ҲУҚУҚИЙ) ЖАВОБГАРЛИГИ — юридик жавобгарликнинг бир тури. Ф.ж. деганда шахснинг фуқаролик ҳуқуқида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун юридик оқибатлар келиб чиқиши англашилади. Бу бир шахс бошқа шахснинг субъектив фуқаролик ҳуқуқини бузишида намоён бўлади. Натижада ҳуқуқбузарга (қарздорга) бошқа шахснинг (кредиторнинг) ёки давлатнинг манфаати йўлида қонунда ёки шартномада белгиланган таъсир чорасини қўллаш келиб чиқади. Бу эса, ушбу шахс учун иқтисодий жиҳатдан зарарли оқибатларни келтириб чиқаради. Чунончи, зарарни коплаш, неустойка (жарима, пеня) тўлаш, зиённинг урнини тўлдириш каби мулкий тусдаги оқибатлар.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ — конституциявий ҳуқуқ назариясида ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқ ва демократияга асосланган зарурий ва оқилона усули; инсонга унинг иқтисодий ва сиёсий борлиғининг шаклларини эркин танлаш ҳуқуқи кафолатланадиган, инсон ҳуқуқлари қарор топадиган, мафкуравий плюрализм таъминланадиган ижтимоий тузум. Ф.ж. жамиятга хизмат қилувчи давлатни назорат қилади. Ф.ж. ҳақидаги тасаввур XVII аср ўрталаридан бошлаб (Т. Гоббс асарлари) узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтди ва XVIII аср Франция буржуа инқилоби даврида Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясининг эълон қилиниши билан кенг тарқала бошлади. Жамиятнинг ва давлатнинг манфаатлари билан қиёсланган шахсий манфаатларини англайдиган тенг ҳуқуқли аъзолари — «фуқаролар» пайдо бўлди. Узоқ ривожланиш натижасида Ф.ж.ни замонавий тушуниш пайдо бўлди. Унга кўра, Ф.ж. деганда жамият аъзоларининг туб манфаатлари давлат аппаратининг манфаатлари билан алмаштириладиган давлат ташкилотининг шакллари пайдо булишининг олдини олишга қаратилган манфаатлар, муносабатлар, институтлар

мажмуи тушунилади. Ф.ж.нинг асосий элементлари: мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги ва тенглиги, меҳнат ва тадбиркорликнинг эркинлиги, мафкуравий хилма-хиллик ва ахборот эркинлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг мустаҳкамлиги, ривожланган ўзини ўзи бошқариш, маданийлашган ҳуқуқий ҳокимият. Сўнгги йилларда бир қатор мамлакатларда Ф.ж.нинг комплекс конституциявий-ҳуқуқий институт сифатидаги асосларини мустаҳкамлашдан иборат тамойил кўзга ташланмоқда. Бундан мақсад жамият ҳаётини давлат орқали тартибга солиш воситаларини унинг ўзига хос белгилари ва табиати билан аниқроқ мувофиқлаштиришдан иборат.

ФУҚАРОЛИК ИШИ — фуқаролик судида фуқаролик ҳуқуқий қонунларида назарда тутилган тартибда кўриб чиқиладиган ҳар қандай иш. Ф.и.га қуйидагилар киради: фуқаролик ҳуқуқи тўғрисидаги келишмовчиликка доир ишлар; бошқарув органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларини фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклаб содир этган ҳаракатлари бўйича арзларига доир ишлар; юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар ва махсус юритиладиган бошқа ишлар.

ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ — ЎзР ФКнинг биринчи қисми 1995 йил 21 декабрда, иккинчи қисми эса 1996 йил 29 августда қабул қилиниб, ҳар иккиси 1997 йил 1 мартдан амалга киритилди. Ушбу Кодекс VI бўлим, 71-боб, 1199 моддадан иборатдир.

ФК республикамизда бозор иқтисодиёти ва бозор муносабатларини ҳар томонлама ривожлантиришга, хусусий мулкни мустаҳкамлашга ва унинг барча шаклларини бир хилда муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, давлат ва фуқаролар, корхона, муассаса ва бирлашмалар ўртасидаги шартномалар, ижара, пудрат ва шу каби барча фуқаровий муносабатларни ривожлантиришга олиб келади.

ФУҚАРОЛИК МУОМАЛАСИ — иқтисодий муомаланинг фуқаролик ҳуқуқий ифодаси; мажбурият ҳуқуқининг шартномавий ва шартномасиз институтлари воситасида амалга оширилади. Ф.м. иштирокчилари — жисмоний шахслар ва юридик шахслар, бир қатор ҳолларда эса давлат ва муниципал ташкилотлар ҳам. Ф.м. мазмунига мулкнинг бир шахсдан бошқа шахсга иштирокчилар тузадиган Ф.м. битимлари асосида ёки бошқа юридик фактлар туфайли ўтиши киради.

ФУҚАРОЛИК НИКОҲИ — давлат ҳокимиятининг тегишли идораларида мачит (черков) иштирокисиз расмийлаштирилган никоҳ. Баъзан Ф.н.ни амалдаги никоҳ деб ҳам атайдилар.

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИ — фуқаролик процесси ишини юритиш муносабати билан юзага келадиган процессуал хусусий муносабатларнинг иштирокчилари. Ф.п.и. ўз юридик мақомига кўра уч гуруҳга бўлинадилар: а) биринчи, кассация ва назорат инстанциясидаги судлар ва суд ижрочилари. Судлар фуқаролик процессида асосий вазифани — одил судловни амалга ошириш функциясини бажарадилар; б) ишда қатнашадиган шахслар: суд тортишувининг томонлари, учинчи шахслар, прокурор; давлат бошқаруви органлари, касаба уюшмалари ҳамда бировларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун иш қўзғатиш ёки иш бўйича хулосалар бериш ҳуқуқига эга бўлган турли ташкилотлар ва фуқаролар. Одил судловни амалга оширишга кўмаклашуви шахслар: гувоҳлар, экспертлар, суд терговчилари, суд қарорлари-

ни ижро этиш чоғида мулкни сақловчилар ва бошқалар. Ф.п.и.нинг ҳар бирига қонун томонидан тегишли функцияларни бажариши учун етарли ёки зарур ваколатлар берилган.

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ — фуқаролик ишларини судда муҳокама қилиш ва ҳал этиш тартибини, шунингдек, судларнинг ва баъзи бир бошқа органларнинг қарорларини бажариш тартибини белгилайдиган ҳуқуқ тармоғи. Ф.п.ҳ. нормалари суднинг, суд ижрочисининг ва барча процесс иштирокчиларининг фаолиятини тартибга солади. «Ф.п.ҳ.» тушунчаси фуқаролик-процессуал қонунлардан ташқари худди шундай номдаги фан ва ўқув фанини ҳам қамраб олади. Ф.п.ҳ.нинг асосий манбаи — ЎзР ФПК.

ФУҚАРОЛИК ЦЕНЗИ — конституция ёки сайлов ҳақидаги қонун билан белгиланган талаб бўлиб, унга кўра, сайловчи ёки давлатнинг сайланадиган лавозимига номзод ушбу давлатнинг фуқароси бўлиши керак.

Ф.ц. энг кўп тарқалган цензлардан бўлиб, деярли бутун дунёда қўлланилади. Фақат баъзи бир Ғарбий Европа давлатларидагина ушбу давлат фуқароси бўлмаган шахсларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идораларига бўладиган сайловда қатнашишига рухсат этилади. Бир қатор мамлакатларда кучайтирилган (квалификация қилинган) Ф.ц. мавжуд: сайлаш ҳуқуқига эга бўлиш учун ушбу давлат фуқаролигида муайян муддат бўлиши ёки ҳатто туғилганидан ушбу давлат фуқароси бўлиши керак. М-н, АҚШ Конституциясига биноан, АҚШ Конгресси вакиллар палатаси депутатлигига номзодлар камида 7 йил АҚШ фуқаролигида бўлиши керак, сенаторлик учун эса камида 9 йиллик муддат талаб қилинади. АҚШ, Эстония, Филлипин ва бошқа бир қатор мамлакатларда президентлик лавозимига номзодлар туғилганидан шу мамлакат фуқароси бўлишлари керак.

ФУҚАРОЛИК ҚОНУНЛАРИ — ЎзРда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий мавқеини, мулкчилик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларининг юзага келиш асослари ва амалга ошириш тартибини, интеллектуал фаолият натижаларига (интеллектуал мулкка) бўлган танҳо ҳуқуқларини белгиловчи, шартномавий ва бошқа мажбуриятларни, шунингдек, бошқа мулкий ва улар билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатлар иштирокчиларининг тенглигига, иродавий ва мулкий мустақиллигига таянувчи ана шу муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндиси. Ф.қ. тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи шахслар ўртасидаги ёки улар иштирок этган муносабатларни ҳам тартибга солади. Ф.қ. улар тартибга соладиган муносабатлар иштирокчилари тенглигини, мулкнинг дахлсизлигини, шартлашувнинг эркинлигини, хусусий ишларга бировнинг ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўймаслик, фуқаролик ҳуқуқларини ҳеч бир тўсиқсиз амалга ошириш зарурлиги, бузилган ҳуқуқларнинг таъминланиши ва судда ҳимояланишини тан олишга асосланади.

ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИ — ЎзР Конституциясининг 100-м.сига кўра, фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш маҳаллий ҳокимият идораларига топширилган. Фуқаролик ҳолатини қайд этиш идоралари мазкур маҳаллий ҳокимиятларнинг адлия бошқармаларига ёки бўлимларига бўйсуниб, ЎзР фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг туғилиш, ўлиш, ни-

коҳдан ўтиш, никоҳни бекор қилиш, фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, исм-фамилиясини ўзгартириш ҳолатларини қайд этадилар. Фуқаролик ҳолатини қайд этиш ёзувлари аҳоли сони, таркиби, ёши, қариндошлик ва никоҳ муносабатларини аниқлашда асосий далил ҳисобланади.

ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТЛАРИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ЁЗИШ (ФҲДЁ) — тегишли ҳаракат ва воқеаларнинг асослилигини тасдиқлаш мақсадида, қонунда белгиланган тартибда ваколатли органлар томонидан қайд этиш, фуқаролик ҳолатлари далолатномалари тўғрисидаги ёзма маълумотни ёзиш — юридик оқибатларни келтириб чиқарувчи айрим ҳолатларнинг тасдиғи ҳисобланади. Қуйидаги маълумотлар мажбурий рўйхатга олиниши лозим: туғилганлик ва исм қўйиш тўғрисидаги; янги туғилганларнинг исми-шарифи тўғрисидаги, никоҳ тузиш тўғрисидаги, никоҳни бекор қилиш, фарзандликка олиш тўғрисидаги; оталикни белгилаш, исмни ўзгартириш тўғрисидаги, фамилия ва ота исми, вафоти тўғрисидаги Ф.ҳ.д.ё. тартиби ЎзРнинг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Оила кодекси билан белгиланади.

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ АСОСЛАРИ — ФКнинг 8-моддасига мувофиқ, фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослардан, шунингдек, фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг, гарчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса-да, лекин фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмунига кўра фуқаролик ҳуқуқ ҳамда бурчларни келтириб чиқарадиган ҳаракатларидан вужудга келади. Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари қуйидагилардан вужудга келади: 1) қонунда назарда тутилган шартномалар ва бошқа битимлардан, шунингдек, гарчи қонунда назарда тутилган бўлмаса-да, лекин унга зид бўлмаган шартномалар ва бошқа битимлардан; 2) қонунда фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келишининг асоси сифатида назарда тутилган давлат органларининг ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳужжатларидан; 3) суднинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаган қароридан; 4) қонун йўл қўядиган асосларда мол-мулк олиш натижасида; 5) фан, адабиёт, санъат асарларини яратиш, ихтиролар ва бошқа интеллектуал фаолият натижасида; 6) бошқа шахсга зарар етказиш натижасида; 7) асоссиз бойиб кетиш натижасида; 8) фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа ҳаракатлари натижасида; 9) қонун ҳужжатлари фуқаролик-ҳуқуқий оқибатларнинг келиб чиқиши билан боғлайдиган ҳодисалар натижасида. Давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт бўлган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, унга бўлган тегишли ҳуқуқлар рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ — Ўзбекистон фуқаролик ҳуқуқининг (конституциявий ҳуқуқдан кейинги) энг муҳим тармоғи бўлиб, Ф.ҳ. фани, худди шу номдаги ўқув фани ва фуқаролик қонун ҳужжатларини қамраб олади. Ф.ҳ.нинг мавзуини мулкий муносабатлар ва улар билан боғлиқ номулкий муносабатлар ташкил этади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда Ф.ҳ. бошқа шахсий номулкий ҳуқуқларни (м-н, шаън ва қадр-қимматни) ҳам тартибга солади. ЎзР Ф.ҳ.нинг асосий манбаини ЎзРнинг Конституцияси ва ФК ташкил этади.

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ — фуқаро-

лик ҳуқуқи бузилишининг тури. У бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузган ҳолда ноқонуний вазиятлар ёки ноқонуний мақсадда ўзининг қонуний ваколатини амалга ошириш йўли билан фуқаролик ҳуқуқида белгиланган ҳуқуқ доирасидан четга чиқишда ифодаланади.

Ф.ҳ.с.қ.ни ҳаракат сифатида тан олишда беғаразлик мавжуд бўлиши шарт эмас. Масалан: Ф.ҳ.с.қ. рақобатни чеклаш мақсадида фуқаролик ҳуқуқидан фойдаланиш, шунингдек, бозорда устун турган қоидалар билан суиистеъмол қилиш — қонунчиликда махсус келтирилган. Бошқа шахсга зарар келтириш беғаразлик билан амалга оширилган ҳаракат натижасида юзага келган тақдирда, агар зарар объектив келтирилган бўлса, фуқаролик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш деб (квалификация қилинади) баҳоланади.

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОҚИБАТИ — суднинг ўз ихтиёри билан тегишли ҳуқуқни ҳимоя қилишни рад этиш имконияти (ЎзР ФК).

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИ (ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАР) — инсонга туғилганидан тегишли бўладиган ва унинг муайян давлатга қарашли эканлигига боғлиқ бўлмаган табиий ва ажралмас асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг йиғиндиси. Ушбу ҳуқуқ ва эркинликлар инсон ҳуқуқий мақомининг асосини ташкил этади. Ф.ҳ. кўпинча *шахсий ҳуқуқлар* деб ҳам аталади. Иккинчи номи анча аниқ ва афзал, чунки иккита мутлақо бошқача тушунчалар — «фуқаролик ҳуқуқлари» ва «фуқаролар ҳуқуқлари» тушунчаларини аралаштириб юбориш хавфининг олдини олади. Халқаро ҳужжатлар (м-н, 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт) ва конституцияларда одатда Ф.ҳ.га қуйидагилар киритилади: яшаш ҳуқуқи, эркин бўлиш, жисмоний соғломлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, қийноқларга солинмаслик ёки шафқатсиз, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи муомала ёки жазога дучор қилинмаслик ҳуқуқи, шаъни ва пок номини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, эркин кўчиб юриш ва турар жойни эркин танлаш ҳуқуқи, ўз мамлакатидан чиқиб кетиш ва унга эркин қайтиб келиш ҳуқуқи, судда ҳимояланиш ва одил судланиш ҳуқуқи, жаҳоннинг исталган мамлакатида инсоннинг ҳуқуқ субъекти эканлигининг тан олиниши ҳуқуқи, фикр, виждон ва динга ишониш эркинлиги, фикрни суз ва бошқа усулларда ифодалаш эркинлиги, ўзининг қайси миллатга мансублигини эркин танлаш ва она тилидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳамда баъзи бир бошқа ҳуқуқлар.

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИ ОБЪЕКТЛАРИ — фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқарувчи моддий ва номоддий бойликлар. ФКнинг 81-моддасига мувофиқ, фуқаролик ҳуқуқларининг объектларига ашёлар, шу жумладан пул ва қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар, мол-мулк, шунингдек, мулкий ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, ихтиролар, саноат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа моддий, номоддий бойликлар киради.

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ МУОМАЛАДА БЎЛИШИ — фуқаролик ҳуқуқи объектларининг олди-сотти шартномасига биноан, объектнинг бошқа шахсларга берилиши ёки универсал ҳуқуқий ворислик (мерос қилиб олиш, юридик шахсни қайта ташкил этиш) тартибида ёхуд бошқа усул билан, агар улар муомалада бўлиши

чеклаб қўйилмаган бўлса, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиш хусусияти (ФКнинг 82-моддаси).

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — фуқаролик ҳуқуқи институтларидан бири. ЎзРда бузилган ёки мунозарали фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилиш процессуал қонунчиликда белгиланиши бўйича судловга тегишлилигига қараб суд ёки хўжалик суди томонидан амалга оширилади. Қонунда белгиланган ҳоллардагина маъмурий тартибда фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилишга йўл қўйилади.

Фуқаролик ҳуқуқлари қуйидаги йўллар билан ҳимоя қилинади: ҳуқуқни тан олиш; ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш; битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш; давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш; бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш; зарарни тўлаш; неустойка ундириш; маънавий зиённи қоплаш; ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш; давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги; қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан ҳам ҳимоя қилиниши мумкин.

ФУҚАРОЛИКНИ ОЛИШ — шахснинг ЎзРнинг «Фуқаролик тўғрисида»ги қонуни талаблари асосида фуқароликни олиши. Шу қонуннинг 12-моддасида ЎзР фуқаролигини олишнинг қуйидаги асослари қайд этилган: 1) туғилганда; 2) ЎзР фуқаролигига қабул қилиниши натижасида; 3) ЎзРнинг халқаро шартномаларида назарда тутилган бошқа асослар бўйича.

ФУҚАРОЛИКНИ ОЛИШ ҲУҚУҚИ — шахснинг туғилиши билан фуқароликка мансублигининг вужудга келиши. ЎзРнинг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Фуқаролик тўғрисида»ги қонунининг 13-моддасига асосан, туғилган пайтда ота-онаси ЎзР фуқароси бўлганлар ЎзР ҳудудида ёхуд ЎзРдан ташқарида туғилган бўлишидан қатъи назар, ЎзР фуқароси ҳисобланади. Шу билан бирга ушбу қонун орқали баъзи ҳолларда фуқароликни олиш ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятларининг керакли ҳуқуқий асослари ҳам яратилган. Жумладан қонуннинг 14-моддасида: 1) агар бола ЎзРда туғилса-ю, унинг отаси ёки онасидан бири Ўзбекистон фуқароси бўлмаса, у ҳолда бола Ўзбекистон фуқаролигини олади; 2) агар бола ЎзР ҳудудидан ташқарида туғилган бўлса-ю, ота-онаси ёхуд уларнинг бири шу вақтда ЎзРда доимий истиқомат жойига эга бўлса ҳам бола ЎзР фуқароси бўлади. Яна қонунга асосан фуқаролиги бўлмаган, Ўзбекистонда доимий истиқомат жойига эга бўлган шахсларнинг Ўзбекистон ҳудудида туғилган боласи ЎзР фуқароси ҳисобланади. Шу билан бирга, ота-онаси ноъмалум бўлган, аммо ўзи Ўзбекистонда яшаётган бола ҳам ЎзР фуқароси ҳисобланади.

ФУҚАРОНИ ВАФОТ ЭТГАН ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ — ФКнинг 36-моддасига мувофиқ, агар фуқаронинг қаерда турганлиги ҳақида унинг яшаш жойида уч йил мобайнида маълумот бўлмаса, башарти, у ўлим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган бўлиб, унинг қаердалиги ҳақида олти ой мобайнида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ, суд уни вафот этган деб

эълон қилиши мумкин. Ҳарбий ҳаракатлар муносабати билан бедарак йўқолган ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқаро ҳарбий ҳаракатлар тамом бўлган кундан эътиборан камида икки йил ўтгандан кейин суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши мумкин. Суднинг фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирган кун вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг ўлган куни деб ҳисобланади. Ўлим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўлган вазиятларда бедарак йўқолган фуқаро вафот этган деб эълон қилинган тақдирда, суд унинг тахмин қилинган ҳалокат кунини ушбу фуқаронинг ўлган куни деб топиши мумкин. Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш бундай фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчлари борасида унинг ўлими олиб келиши мумкин бўлган оқибатларни вужудга келтиради. Вафот этган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келишининг оқибатлари ФКнинг 37-моддасида белгиланган.

ФУҚАРОНИНГ ИСМИ — шахснинг ижтимоий ҳаётда ва фуқаролик муомаласида индивидуаллашуви воситаси. Исм ҳуқуқи фуқаронинг 1966 йилдаги фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга мувофиқ ажралмас ҳуқуқи ҳисобланади. ЎзР ФКга (19-модда) мувофиқ агар қонундан ёки миллий одатдан бошқача тартиб келиб чиқмаса, фуқаро ўз фамилияси ва исмидан, шунингдек, отасининг исми билан ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлади ҳамда уларни амалга оширади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда фуқаро тахаллусдан (тўқилган исмдан) фойдаланиши мумкин. Фуқаро қонунда белгиланган тартибда ўз исмини ўзгартиришга ҳақли. Фуқаронинг ўз исмини ўзгартириши аввалги исми билан олган ҳуқуқ ва бурчларини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлмайди. Фуқаро ўз исмини ўзгартирганлиги ҳақида қарздорлари ва кредиторларига хабар бериш учун зарур чораларни кўриши шарт ва у мазкур шахсларда фуқаронинг исми ўзгарганлиги ҳақида маълумот йўқлиги туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар хавфини ўз зиммасига олади. Исмини ўзгартирган фуқаро, ўзининг аввалги исмига расмийлаштирилган ҳужжатларга ўз ҳисобидан тегишли ўзгартиришлар киритилишини талаб қилишга ҳақли. Фуқаро туғилган вақтида олган исмини, шунингдек, ўзгартирилган исмини фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши керак. Бошқа шахс исмидан фойдаланиб ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлишга йўл қўйилмайди. Фуқарога унинг исмидан ноқонуний фойдаланганлик оқибатида етказилган зарар ЎзР ФК нормаларига мувофиқ қопланиши керак. Ф. и. бузилган тақдирда ёки унинг шаъни, қадр-қиммати ва ишбилармонлик обрўсига зиён етказувчи шаклда фойдаланилганда ЎзР ФКнинг шаън, қадр-қиммат ва ишбилармонлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қоидалари қўлланилади.

ФУҚАРОНИНГ МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ — «ЎзРнинг фуқаролиги тўғрисида»ги 1992 йил 2 июль қонунида белгиланган дек, фуқаронинг ўз ҳаракати билан фуқаролик ҳуқуқларини олиш ва амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик мажбуриятларини яратиш ва уларни бажариш қобилияти. ЎзРда Ф.м.л. тўла ҳажмда шахснинг балоғат ёшига, яъни 18 ёшга тўлиши билан юзага келади. ЎзРнинг «Фуқаролик тўғрисида»ги қонуни фуқаронинг 18 ёшга тўлмасдан никоҳга киришига рухсат этган тақдирда, 18 ёшга тўлмаган фуқаро никоҳга кирган вақтдан бошлаб тўла муомала лаёқатига эга бўлади. Никоҳга кириш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати 18 ёшга тўлмасдан никоҳ бекор қилинган тақдирда ҳам тўла

сақланиб қолади. Қонунда белгиланган ҳоллар ва тартибдан бошқача тарзда фуқаронинг ҳуқуқий ва муомала лаёқати чекланиши мумкин эмас. Фуқаронинг ҳуқуқий ёки муомала лаёқатидан тўла ёки қисман воз кечиши ҳамда ҳуқуқий ёки муомала лаёқатини чеклашга қаратилган бошқа битимлар жуда кам, бунда битимлар қонун билан йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно. 14—18 ёшлардаги вояга етмаганлар ҳамда 6—14 ёшлардаги болалар қисман муомала лаёқатига эгадирлар. 6 ёшгача бўлган болалар умуман муомала лаёқатига эга эмаслар. Руҳий касаллик натижасида ўз ҳаракатининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уни бошқара олмайдиган фуқаро суд томонидан фуқаролик процессуал қонунларда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилиши мумкин. Бундай ҳолда унга ҳомий белгиланади. Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан унинг ҳомийси битим тузади. Агар фуқаронинг муомалага лаёқатсиз деб топилишига сабаб бўлган асослар йўқолса, суд уни муомалага лаёқатли деб эътироф этади. Суд қарори асосида унга белгиланган ҳомийлик бекор қилинади. Суд спиртли ичимликлар ва наркотик воситаларни суиистеъмол қилиш оқибатида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўйган фуқаронинг муомала лаёқатини фуқаролик-процессуал қонунлар билан белгиланган тартибда чеклаши мумкин. Унга васий белгиланади. Бундай фуқаро майда маиший битимларни мустақил тузишга ҳақлидир. Бошқа битимларни тузишга, шунингдек, маош, пенсия ва бошқа даромадларни олиши ва уларни тасарруф этиши учун васийнинг розилиги талаб этилади. Бироқ бундай фуқаро ўзи тузган битимлар ва етказган зарари учун мустақил мулкий жавобгарликка эга бўлади. Агар фуқаронинг муомала лаёқатини чеклашга асос бўлган сабаблар йўқолса, суд унинг муомала лаёқати чекланишини бекор қилади. Суд қарори асосида фуқарога нисбатан белгиланган васийлик ҳам бекор қилинади.

ФУҚАРОНИНГ МУОМАЛА ЛАЁҚАТИНИ ЧЕКЛАШ — спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш натижасида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяётган шахсга нисбатан суд томонидан қўриладиган чора (ФКнинг 31-моддаси). Ф. м. л. ч. фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бундай фуқарога ҳомийлик белгиланади. У майда маиший битимларни мустақил тузиш ҳуқуқига эга. Фуқаро бошқа битимларни ҳомийнинг розилиги билангина тузиши, шунингдек, иш ҳақи, пенсия ва бошқа даромадлар олиши ҳамда уларни тасарруф этиши мумкин. Бироқ бундай фуқаро ўзи тузган битимлар буйича ва етказган зарари учун мустақил равишда мулкий жавобгар бўлади. Фуқаронинг муомала лаёқати чекланишига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд унинг муомала лаёқатини чеклашни бекор қилади. Фуқарога белгиланган ҳомийлик суд қарори асосида бекор қилинади.

ФУҚАРОНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ — тадбиркорлик фаолиятининг бир шакли. ЎзР қонун ҳужжатларида ҳуқуқий асослари яратилган. Жумладан, ЎзР ФКнинг 24-моддасига асосан фуқаро якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақли. Шу билан бирга ЎзРнинг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни ҳам якка тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

«Х»

ХАБАР БЕРИШ ЁРЛИҒИ — давлат бошлиғини ўзининг сайланганлиги ва вазифасини адо этишга киришганлиги тўғрисида, у билан дипломатик муносабати бор бошқа давлат бошлиғи номига ёзган хати. Х.б.ё.да, одатда, бу давлатларни ўзаро муносабати тавсифланади ва уларни бундан кейин ҳам ривожлантириш истаги билдирилади. Дипломатик каналлар билан Х.б.ё.га жавоб ҳам худди шундай юборилади.

ХАБЕАС ДАТА (лот.) — бир қатор мамлакатларнинг конституциявий ҳуқуқида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг энг янги юридик воситаларидан бири. Илк бор 1988 йилда Бразилия Конституциясида жорий этилган. У ҳар қандай шахснинг (ёки фақатгина фуқарога) мамлакат миллий хавфсизлик хизмати архивларидан тортиб, бошқа архивларда ва идораларда ҳам сақланаётган ва ўзини қизиқтираётган маълумотлар билан танишишни суд тартибида талаб қилиш ҳуқуқини ўзида ифода этади. Англиядаги Хабеас корпус институтига монанд аталган.

ХАБЕАС КОРПУС (лот.) — Англия процессуал ҳуқуқининг манфаатдор шахсларга ушланган ёки қамоққа олинган шахснинг озодликдан маҳрум этилиши асосларини текшириш учун уни судга олиб борилишини талаб қилиш ҳуқуқини берувчи институти. Х.к.нинг номи озодликдан маҳрум этилган шахсни судга келтириш хусусида судья берган буйруқнинг бошланғич сўзларидан олинган: «Habeas corpus ad subjiciendum» («Сен судга шахсни келтиришинг шарт»). Мазкур институт XV асрдаёқ юзага келган ва 1679 йилда батамом шаклланган эди. Бугунги кунга келиб, Х.к. институти, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини конституциявий кафолатловчи ишончли институт сифатида ер юзининг деярли ҳамма мамлакатларига (аввало, Лотин Америкаси ва англо-саксон ҳуқуқий тизими давлатларининг ҳаммасига) ёйилди.

ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИРИШ — жиноят қонунига биноан, шахсга қарши жиноятлардан бири. Ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, башарти, айбдор бундай имкониятга эга бўлса ёхуд айбдорнинг ўзи жабрланувчини хавфли аҳволга солиб қўйишидан иборат жиноят Х. о. қ. дейилади (ЖКнинг 117-моддаси).

ХАВФЛИ ЮК — ташиш, ортиш, тушириш ва сақлашда махсус режимга риоя этишни талаб қиладиган заҳарли химикатлар, портловчи моддалар, радиоактив ва бошқа материаллар.

ХАЗИНА — ЎзР ФКнинг 196-моддасига кўра эгаси аниқланиши мумкин бўлмаган ёки қонунга кўра ҳуқуқларини йўқотган Х., яъни ерга кўмилган ёки бошқача усулда яширилган пул ёки қимматбаҳо буюмлар Х. яшириб қўйилган мол-мулк (ер участкаси, иморат ва шу кабилар) мулкдори бўлган шахс ва хазинани топган шахс мулкига, агар улар ўртасидаги келишувга мувофиқ бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, тенг улушларда ўтади.

ХАЗИНА БИЛЕТИ — ҳозирги вақтда нисбатан кам учрайдиган қимматли металларга алмаштирилмайдиган, майдаланмайдиган пул қоғозининг тури. Х. б. ҳукумат органлари томонидан (хазиналар томонидан) давлат бюджети камомадини қоплаш учун чиқарилган. Х.б.га муомалада

бўлган қисқа муддатли давлат мажбуриятларини ҳам киритиш қабул қилинган.

ХАЗИНА БОНАЛАРИ — ўрта ва узоқ муддатли давлат қарз мажбуриятларининг тури. Одатда, Х.б.ни кўрсатувчисига 5 йилдан 25 йилгача муддатга чиқарилади, давлатнинг бозор қимматли қоғозлари (акциялар, векселлар, облигациялар, чеклар) ҳисобланади.

ХАЗИНА ВЕКСЕЛЛАРИ — давлат томонидан бюджет чиқимларини қоплаш учун чиқариладиган қимматли қоғозларнинг бир тури. Давлатнинг қисқа муддатли қарз ҳужжати бўлиб 3, 6, 12 ой муддатга (одатда кўрсатувчисига) чиқарилади. Асосан кредит муассасалари (банклар) ўртасида номинал қийматидан паст нархда (скидка билан) ўтказилади, сотиб олишда эса устига тўлиқ нарх қўйилади. Шундай қилиб, хазина билети эгасининг даромади тўлов (номинал) нархи ва сотиш нархи ўртасидаги фарққа тенг бўлади.

ХАЗИНА КАНЦЛЕРИ — Буюк Британияда молия вазири.

ХАЗИНА МАЖБУРИЯТЛАРИ — эгаларининг пул маблағларини бюджетга киритилганлигини тасдиқловчи ва хазина мажбуриятига эга бўлишнинг бутун муддати давомида белгиланган даромад олишга ҳуқуқ берувчи давлат қимматли қоғози.

ХАЗИНА НОТАЛАРИ — 1) молия вазирлиги ёки давлатнинг махсус молия органлари томонидан хазина эмиссияси тартибида чиқариладиган пул қоғозларининг тури; 2) ўртача муддатли давлат қарз мажбуриятларининг турларидан бири; хазина ноталарини кўрсатувчиси бўлади. Давлат бозор қимматли қоғозларининг турларидан бири ҳисобланади.

ХАЗИНА ЭМИССИЯСИ — бюджет тақчиллигини қоплаш мақсадида хазина ёки давлатнинг бошқа молия органлари томонидан хазина билетлари ва давлат қимматли қоғозларини муомалага чиқариш.

ХАЗИНАЧИЛИК — молия муассасаси.

ХАЙРИНГ (инг.) — 1) мол-мулкнинг ўртача муддатга (6 ойдан 3 йилгача) ижарага олиниши; 2) ижарачига товарга эгалик ҳуқуқи бермаган ҳолда экспорт учун ўрта муддатли кредит бериш шаклларидан бири; сотиб олинган товар нархининг сўнгги қисмигача тўланмагунга қадар у сотувчининг мулки бўлиб қолаверади; бу ҳолда товар кредитнинг моддий таъминоти бўлиб қолади.

ХАЙРИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИ — хайрия фаолиятини амалга ошираётган, жумладан, мавжуд хайрия ташкилотини қўллаб-қувватлаш ёки янгисини ташкил этиш йўли билан амалга ошираётган фуқаролар ва юридик шахслар, шунингдек, хайрия фаолиятидан манфаатдор бўлган фуқаролар ва юридик шахслар: хайр-эҳсон қилувчилар, кўнгиллилар, хайрия олувчилар.

ХАЙРЛИ ИШЛАР — халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш усулларидан бири. Х.и. низода иштирок этмайдиган томон (давлат ёки халқаро ташкилот)нинг низо ёки келишмовчиликни тинч йўл билан ҳал этиш бўйича музокараларни бошлаш учун низолашувчи томонлар ўртасида бевосита мулоқотлар ўрнатиш мақсадида амалга оширадиган ҳаракатларидир. Х.и. қилувчи давлат ёки халқаро идора, агар низолашувчи томонлар илтимос қилмаса, музокаралар вақтида бевосита иштирок этмайди. Х.и. низолашаётган томонларнинг тегишли илтимосига биноан ёки учинчи томонларнинг ўз ташаббуслари билан амалга оширилади.

ХАКЕР (инг.) — информатика соҳасида қуйидаги каби ноқонуний ҳаракатларни содир этувчи шахс: бегона компьютер тизимларига кириш ва улардан ахборот олиш, ноқонуний равишда дастурли маҳсулотлар ҳимоясини бузиш ва улардан нусха кўчириш, компьютер «вирусларини» яратиш ва тарқатиш ва ҳ. к. ЎзР қонунчилигида мазкур термин қўлланмайди.

ХАЛҚ КАПИТАНИ (capitano del popolo) — Италия шаҳар коммунасида мансабдор шахс (XIII—XV асрлар ўрталарида). Пополанлар (шаҳарликлар) ва нобиллардан (шаҳарда яшовчи дворянлардан) иборат ва умумшаҳар коммунаси ичида ўзининг армиясига (масалан, кўнгиллилар), бошқарув органларига (иккита Кенгашга), суд юритувига эга бўлган кичкина коммунани бошқарган. Х.к. аста-секин савдогарлик ва цехчиликни кучайиши билан шаҳарнинг сиёсий ҳаётида ҳал қилувчи рол ўйнай бошлади.

ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ — йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин.

ХАЛҚ СУДИ — туман ёки туманга бўлинмаган шаҳар ҳудудидаги 1-инстанция суди. Х.с. — суд тизимининг ас. бўғини; жиноят ёки фуқаролик ишларининг кўпчилиги, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги айрим категорияли ишлар Х.с. судловига тегишлидир. Х.с.да ишлар х. судьяси ва 2 х. маслаҳатчиси иштирокида коллегиал равишда кўрилади.

ХАЛҚАРО БИРЛАШМА — давлатлар, миллий жамиятлар (ассоциациялар), ноҳукумат ташкилотларнинг давлат ва давлатлараро сиёсий, иқтисодий, социал, илмий-техника ва маданият соҳаларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришдаги ўзаро ҳамкорлик фаолиятидир.

ХАЛҚАРО ДЕЛИКТ — халқаро ҳуқуқ субъекти содир этадиган халқаро-ҳуқуқий нормалар ва принципларни ёки шартномавий мажбуриятларни бузишдан иборат бўлган ва ушбу субъектнинг халқаро жавобгарлигига сабаб бўладиган ҳаракат (ҳаракатсизлик). Х.д. содир этган халқаро ҳуқуқ субъекти делинквент деб аталади. Х.д. ҳар доим ҳам қасддан содир этиладиган қилмишми, деган масала халқаро ҳуқуқ назариясида баҳслидир.

ХАЛҚАРО ДЕНГИЗ ҲУҚУҚИ — денгиз кенгликлари ҳолатини белгиловчи ва халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида океанларда амалга ошириладиган фаолият муносабати билан улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормаларни ифодаловчи халқаро ҳуқуқнинг муайян қисмидир. 1960 йили БМТда денгиз ҳуқуқи бўйича II Женева конференцияси бўлиб ўтди. Унда ҳудудий денгиз ва балиқ овлаш зоналари кенглиги тўғрисидаги масала қараб чиқилди. Х.д.ҳ. халқаро ҳуқуқнинг энг қадимги тармоқларидан бири. Унинг илдизлари қадимги даврдаёқ шакллана бошлаган эди. Чунончи, Рим билан Карфаген ўртасидаги шартномалар бўйича Карфаген ва Лациума қўлтиқларида, Испания, Ливия, Сардиния қирғоқларида чегаралар ва сузиш ҳолати белгиланган эди.

БМТ Бош Ассамблеяси бир қанча муҳим масалаларни ҳал қилиш учун 1970 йил 17 декабрда 2750 (XXV)-сонли қарорни қабул қилди. Унга биноан БМТнинг денгиз ҳуқуқи бўйича II конференцияси ча-

қирилди. 1973 йилдан 1985 йилгача ўн битта сессия бўлиб ўтди. Натижада денгиз ҳуқуқи бўйича янги конвенция тайёрланиб, 1982 йили қабул қилинди. Х.д.ҳ. ўзининг ривожланишида халқаро ҳамжамият манфаатларига тўла жавоб берувчи янги, муҳим босқичга кўтарилди.

ХАЛҚАРО ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ — ЎзРнинг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунида Х.ж.б. нинг фаолияти билан боғлиқ бўлган барча ҳуқуқий муносабатлар билан тартибга солинади. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ва ЎзР Конституциясига асосланиб, ушбу қонунда фуқароларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш эркинлиги уларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида мустаҳкамлаб қўйилган. ЎзРда тузилган жамоат бирлашмасининг фаолияти уставга мувофиқ, ЎзР ҳудудида ва битта ёки ундан кўпроқ хорижий давлат ҳудудида амал қилса, у Х. ж. б. деб эътироф этилади.

Башарти, чет элда тузилган Х. ж. б. таркибига республика жамоат бирлашмаси коллектив аъзо сифатида кирса, республика жамоат бирлашмасининг устави ҳам ушбу қонунга мувофиқ руйхатга олиниши керак. Ўз фаолиятини хорижий давлат ҳудудида ҳам амалга оширадиган жамоат бирлашмаси зарур қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилган уставини қайта руйхатдан ўтказиш учун ЎзР Адлия вазирлигига тақдим этади. Тинчликни мустаҳкамлашни, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни, инсонпарварлик фаолиятининг ўзга турларини мақсад қилиб қўйган жамоат бирлашмалари қонунда белгиланган имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин.

Ушбу қонуннинг қоидалари хорижий давлатлар жамоат бирлашмаларининг ЎзР ҳудудида тузилган бўлимлари (филиаллари ва бошқа таркибий бўлинмалари) фаолиятига нисбатан қўлланилади (ЎзРнинг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуни, 24-модда).

ХАЛҚАРО ЖИНОЯТЛАР — ўз хусусиятларига кўра, халқаро миқёсда оғир оқибатларга олиб келувчи жиноятлар. Бу жиноятларнинг объекти халқаро ҳуқуқий нормалар ва алоҳида олинган давлатларнинг ўзаро дўстона алоқалари, миллатлар ва халқларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилашлари, уруш олиб бориш қоидалари ва удумларидир. Х.ж. тоифасига яна ҳуқуқ нуқтаи назардан тинчликка қарши (агрессия орқали) ҳарбий жиноятлар, колониализм, геноцид, апартеид, қўлдорлик, экология соҳасидаги жиноятлар ҳам киради. Бу жиноятларнинг жиноий оқибати инсоният учун катта миқдорда зарар етказиши билан ажралиб туради. Х.ж. субъектлари давлатлар, халқаро ташкилотлар ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Ушбу жиноятларни содир этганликда айбдор давлатлар ва бошқа субъектлар маънавий, мулкий ва сиёсий жавобгарликка тортиладилар.

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚ — халқаро оммавий ҳуқуқнинг умумий тармоғи, халқаро иқтисодий муносабатлар билан халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндисидан иборат. Х.и.ҳ. муносабатлари мураккаб тизимга эга. Улар турли мамлакатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ўртасидаги муносабатлар каби давлатлар ўртасидаги муносабатларни ҳам қамраб олади.

Давлатлараро иқтисодий муносабатлар ғоят хилма-хил. Улар савдо, денгиз ва транспорт турлари, молия ва кредит, фан-техника ва бошқа

саноат ҳамкорлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муносабати билан юзага келади.

Х.и.ҳ. манбалари халқаро шартномалар ва халқаро ҳуқуқий одатлардан таркиб топади. Х.и.ҳ. нормаларининг шаклланишида БМТнинг Савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси (ЮНКТАД)нинг 1964 йилда бўлиб ўтган 1-сессиясида қабул қилинган принциплари, 1974 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг VI махсус сессиясида қабул қилинган Халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш бўйича декларация ва ҳаракат дастурлари, 1974 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг XXIX сессиясида қабул қилинган Давлатларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари хартияси ва бошқалар катта аҳамиятга эга. Х.и.ҳ. нинг асосий мақсади тинчликни таъминлашдан иборат. Х.и.ҳ. нинг бошқа бир мақсади камроқ ривожланган мамлакатларга ёрдам бериш, халқаро ҳуқуқий воситалар билан халқаро иқтисодий муносабатларни, давлат суверенитетини ҳурматлаш ва бошқалардан иборат. Халқаро демократик ҳамкорлик ғояси БМТ Низомининг асосини ташкил қилади. Давлатлар ўз ташқи савдосини бож таърифи ёрдамида тартибга солади. Бундай тартибнинг асосини ташкил этувчи бож тўловлари импорт товарлари, экспорт товарлари учун алоҳида солиқдан иборат.

ХАЛҚАРО КАНАЛЛАР — алоҳида денгизлар ва океанларни ўзаро боғловчи ва халқаро кемалар юриши учун фойдаланиладиган сунъий денгиз йўллари. Х. к. қайси давлатнинг ҳудудида жойлашган бўлса, ўша давлатнинг суверенитети остида бўлади. Халқаро кемалар юриши тартиби халқаро келишувлар (Сувайш канали, Панама канали тўғрисидаги) ёки фақат ҳудудий суверенниг ички ҳуқуқи билан (Кил каналига нисбатан) тартибга солинади. Бироқ, барча ҳолларда Х. к. сифатида тан олинадиган ҳуқуқий тартиб халқаро кемаларнинг юриши манфаатларини ҳисобга олиши зарур. Кил каналининг ҳуқуқий тартиби ҳозирги вақтда ГФР томонидан белгиланади ва канал барча давлатларнинг савдо кемалари учун очиқ; ҳарбий кемаларнинг ўтиши учун рухсат бериш тартиби ўрнатилган.

ХАЛҚАРО КАФОЛАТ — халқаро ҳуқуқда халқаро мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир.

ХАЛҚАРО КАФОЛАТЛАР — бир ёки бир қанча давлатларнинг халқаро мулоқотнинг бошқа иштирокчиларига нисбатан муайян фаолият тарзига амал қилишига ишонтириши ёки кафиллигини назарда тутувчи ҳамда белгиланган қоидаларга ёки бирон давлат (давлатлар гуруҳи)нинг мақомига риоя этилишини, халқаро мажбуриятларнинг бажарилишини ёки халқаро муносабатларнинг муайян аҳволи сақланишини таъминлайдиган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар. Х.к.нинг мавзуи шартнома талабларини бажариш, давлат нейтралитетига, ҳудуднинг дахлсизлигига риоя этишдан иборат бўлиши мумкин.

Х.к. ўзаро ёки жамоавий бўлиши мумкин. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида Х.к.ни ўрнатиш ҳужжатлари вазифасини, одатда, кўп томонлама халқаро шартномалар бажаради. Х.к. шартнома иштирокчиларининг давлат ёки жўғрофий ҳудуднинг халқаро ёки давлат акти билан белгиланган ҳуқуқи ёки мақомини кафолатлашга тайёрлиги ҳақида берган баёноти бўлиши мумкин. Х.к. бир томонлама ҳам бўлиши мумкин (бунга, масалан, қарз шартномаси бўйича кафолат киради).

ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯЛАР (шартномалар) — кўп томонлама халқаро шартномаларнинг кенг тарқалган номларидан бири. Х.к.ларнинг ўзга номдаги халқаро шартномалардан фарқи йўқ. Кўпгина ҳ.к. лар иқтисодий, юридик ва гуманитар характердаги махсус масалалар бўйича тузилади.

ХАЛҚАРО КОНГРЕСС — дипломатик амалиётда давлат бошлиқлари, ташқи ишлар вазирлари ва дипломатик вакилларнинг муҳим сиёсий ва у билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш учун чақириладиган съезди номига нисбатан ишлатиладиган ибора. Мазкур ибора XVII—XVIII асрларда давлат бошлиқлари (монархлар) ва дипломатлар урушдан кейинги тинчликни тиклаш ва ҳудудий муаммоларни ҳал этиш учун чақирилган съездларини номлаш учун кенг қўлланган. Масалан, Вена (1815 йил), Париж (1856 йил), Берлин (1878 йил) конгресслари.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида мазкур ибора «конференция» ибораси билан сиқиб чиқарила бошланди (1899 ва 1907 йиллардаги Гаага конференциялари, 1922—1923 йиллардаги Лозанна конференцияси ва бошқалар). Ҳозирги вақтда «К» ибораси кўпроқ илмий ёки ижтимоий характердаги ноҳукумат халқаро форумларга нисбатан қўлланмоқда (масалан, тинчлик тарафдорлари конгресси, халқаро ҳуқуқшунослар конгресси, врачлар конгресси ва ҳ.к.).

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯЛАР — ҳукуматлараро ва ноҳукумат тарзида ўтказилади. Ноҳукумат ташкилотлар вакиллари ёки турли мамлакатларнинг алоҳида шахслари томонидан уюштирилган кенгашлар ноҳукумат конференциялар ҳисобланади. Икки ёки ундан ортиқ давлатлар расмий вакилларининг ана шу давлатлар манфаатларига тааллуқли у ёки бу масалаларни муҳокама қилиш учун ўтказган йиғилишлари ҳукуматлараро конференциялар ҳисобланади. Х.к. лардан халқаро ташкилотларнинг органларини фарқлай билиш лозим. Ҳолбуки, бу ташкилотларнинг бош органлари кўпинча конференциялар деб юритилади (чунончи, ЮНЕСКО Бош конференцияси, Халқаро меҳнат ташкилоти Бош конференцияси).

Х.к. у ёки бу халқаро шартномани тайёрлаш ва қабул қилиш ёки тегишли халқаро муаммоларни муҳокама қилиб, биргаликдаги баённомаларни ишлаб чиқиш ёхуд бу муаммолар бўйича фикрлар алмашиш мақсадида чақирилади. Ҳозирги замон Х.к. да одатда қуйидаги қўмиталар тузилади: 1) конференция ишини ташкил этишнинг умумий масалалари билан шуғулланувчи бош қўмита; 2) делегация ваколатларининг ҳақиқийлигини текширувчи ва бу масала юзасидан конференциянинг ялпи мажлисига тегишли маъруза тақдим этувчи ваколатлар бўйича қўмита; 3) конференцияларни муҳокама қилиш учун ишчи қўмиталари; 4) моддалар матни ва умуман конвенция матнини конференцияларда муҳокама қилингандан кейин тайёрловчи таҳририй қўмита.

Айрим ўта муҳим ёки ўта мураккаб Х.к. нинг иш тартиби гоҳо юқорида кўрсатилганидан фарқ қилади. Чунончи, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши уч босқичда ўтказилди. Улар турли даражада олиб борилди. Дастлабки икки босқич натижасида якунловчи акт матни тўла келишиб олинди. Учинчи босқич — давлат ва ҳукумат бошлиқлар даражасида ўтган босқичда ана шу акт 1975 йил 1 августда имзоланди.

Х. к. нинг қарорлари ғоят ранг-баранг бўлиб, юридик аҳамияти ҳам хилма-хилдир. Конференция томонидан шартнома матнининг қабул қили-

ниши давлатлар розилигини келиштириш жараёнининг биринчи босқичи якунланганлигини билдиради. Конференция томонидан қабул қилинган қарорлар давлатлар ёки халқаро ташкилотларга бериладиган тавсия хусусиятига эга.

ХАЛҚАРО КОСМИК ҲУҚУҚ — халқаро ҳуқуқнинг бир тармоғи. Х.к.ҳ. орқали унинг субъектлари ўртасида космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш фаолияти билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинади. Х.к.ҳ.нинг юзага келиши ва шаклланиши 1954 йилнинг 4 октябрида собиқ Совет Иттифоқида Ернинг биринчи сунъий йўлдоши учирилиши билан боғлиқ. 1967 йилда Космос тўғрисидаги дастлабки махсус шартнома ишлаб чиқилгунга қадар Х.к.ҳ.нинг бир қатор ҳуқуқий принциплари ва нормалари таркиб топди. БМТ, хусусан, 1959 йилги Бош Ассамблеянинг Махсус органи сифатида ташкил этилган космик фазодан тинч мақсадларда фойдаланиш қўмитаси Х.к.ҳ.нинг янги нормаларини амалда ишлаб чиқиш маркази ҳисобланади.

Космик фаолиятга тааллуқли айрим одатдаги ҳуқуқий принцип ва нормалар бир овоздан қабул қилингани БМТ Бош Ассамблеяси қарорларида ўз ифодасини топди. Ривожланган ва бошқа давлатлар БМТда бир қатор халқаро шартномаларни тузиш ташаббуси билан чиқиб, Х.к.ҳ.ни ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар Х.к.ҳ. давлатларнинг самовий жисмларини қўшиб ҳисоблаганда, космик фазонинг ўзидаги фаолиятигагина таъсир кўрсатмайди. У давлатларнинг ер ва ернинг ҳаво кенглигидаги космосни ўрганиш ва уни ўзлаштириш билан боғлиқ фаолиятларига ҳам таъсир кўрсатади. Давлатларнинг фаол иштироки ва халқларнинг тинчлик ҳамда халқаро хавфсизлик учун кураши шароитида ривожланиб бораётган Х.к.ҳ. фазони барча давлатлар учун тинчлик ва ҳамкорлик зонасига айлантиришни мақсад қилиб қўяди. Х.к.ҳ. космонавтларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлашга қаратилган бир қатор тадбирларни кўзда тутади. Давлатлар ўзларининг космосдаги фаолиятларини Х. к. ҳ.нинг принциплари ҳамда нормаларига қатъий амал қилган ҳолда олиб борганлиги учун халқаро жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар.

ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ЖИНОЯТЛАР — халқаро шартномаларда кўзда тутилган, давлатлараро тинчлик муносабатларининг турли соҳаларига тажовуз қилувчи ижтимоий хавфли қилмиш. Халқаро жиноятлардан асосий фарқи — бу каби жиноятларнинг субъектлари давлатлар эмас, балки жисмоний шахс, кишилар ҳисобланади. Жавобгарлик халқаро шартномалар асосида вужудга келиб, тегишли давлат ҳуқуқлари орқали амалга оширилади. Ўз хусусиятларига, тажовуз объекти ва халқаро миқёсдаги хавфлилигига кўра қуйидаги кўринишдаги Х. м. ж. ни кўрсатиш мумкин: 1) халқаро муносабатлардаги ўзаро тинчликни бузишга қаратилган жиноятлар (халқаро террор, гаровга олиш, ҳаво транспортидаги жиноятлар, ядро моддаларини ўғирлаш, гиёҳвандлик моддаларини ғайриқонуний равишда ўтказиш, контрабанда, яширин миграция, урушни тарғиб қилиш). Улар иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларда зарар тажовуз қилмиш ҳисобланади; 2) қалбаки пул ишлаб чиқариш, жиноий даромадларни очиқ ҳолда ишлатиш, халқларнинг маданий ҳаётига ётказувчи қилиш; 3) шахсий ҳуқуқларни поймол қилиш, қулдорлик, қул савдосини амалга ошириш, аёллар ва болаларни сотиш, қийнаш, инсонларнинг ҳуқуқларини доимий равишда бузиш; 4) очиқ денгизда жиноятлар содир этиш, қароқ-

чилик, денгизда ёрдам бермаслик, денгиз ҳавзасини ифлослантириш, денгиз ости кабелларини бузиш ёки сув остидаги қувурларга зарар етказиш кабилар; 5) халқаро миқёсдаги ҳарбий жиноятларни қўллаш, мародерлик, тинч аҳолига куч ишлатиш.

ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ШАРТНОМАЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ (ПАРАФИРЛАШ) — шартнома имзоланганлигини, уни имзолаган шахсга тааллуқли эканлигини ҳамда шартнома охирги тасдиқдан ўтганлигини тасдиқлаш. Парафирлаш келишувда иштирок этаётган давлатлар томонидан амалга оширилади.

ХАЛҚАРО МУЗОКАРАЛАР — халқаро ҳаётда у ёки бу иқтисодий, сиёсий масалалар буйича келишувга олиб борадиган тадбир. Бу музокаралар тегишли ҳуқуқий нормалар асосида амалга оширилади.

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР — давлатлар, давлатлар тизимлари, халқаро сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар. Конституциядаги «Ўзбекистон — халқаро муносабатлар субъектидир» формуласи Ўзбекистон ҳақиқатан хам дунё ҳамжамиятининг ажралмас қисми, унинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини англатади.

Ўзбекистон, суверен давлат сифатида, фақат замонавий халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормалари ҳамда ўзи иштирок этган шартномалар қоидалари буйича мажбуриятларга эга, ҳеч қандай бошқа мажбуриятлар унинг розилигисиз унга юклатилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон бевосита халқаро алоқаларда иштирок этади, халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан дипломатик алоқалар ўрнатади, улар билан шартномалар тузади.

ХАЛҚАРО НИЗО — халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида фактлар ёки ҳуқуқий масала буйича вужудга келадиган расман эътироф этилган келишмовчилик. Икки томонлама ёки кўп томонлама бўлиши мумкин. Давлатларнинг у ёки бу халқаро шартномани талқин этиш ёки қўлланишга доир фаолиятининг турли соҳаларида, муайян давлат жавобгарлигида юз бериши мумкин. Х. н.нинг ҳар бир соҳасида ўзига хос хусусиятлари мавжуд. У бирданига эмас, анча кўпроқ муддат давомида ташкил топиши мумкин. Давлатлар ўртасида ҳар қандай низонинг пайдо бўлиши ҳали Х. н.нинг бўлишини билдирмайди. Х. н.мавжудлиги фактини эътироф этиш бундай баҳсни ҳал қилиш вазифасини келтириб чиқаради. Халқаро амалиётда (шу жумладан, ЎзРда ҳам) бир томон Х. н. мавжуд деб, бошқа томон эса уни йўқ деб қайд этадиган ҳоллар кўп учрайди. Бу, одатда, мамлакатларнинг ўз мавқеини заифлаштирмаслик учун қилинади. Х. н. халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш принципи асосида тинчлик воситалари билан ҳал қилиниши керак.

ХАЛҚАРО ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ДОИМИЙ ПАЛАТАСИ — 1921—1940 йиллар мобайнида Гаага шаҳрида фаолият кўрсатган халқаро суд органи. Бу суд «Миллатлар лигаси» қошида бўлиб, кўнгилли равишда ёки давлатлараро келишувлар, конвенциялар асосида халқаро тортишувларни ҳал этиш масалалари билан шуғулланган.

ХАЛҚАРО ПАРВОЗЛАРДА ТИЖОРАТ ҲУҚУҚЛАРИ — авиакорхонанинг маълум ҳақ эвазига халқаро юк, йўловчилар ташиш ва почтани етказиб беришни амалга оширишга бўлган ҳуқуқлари. Тижорат ҳуқуқларини тақдим қилиш ҳудудида ёки унинг ҳудудидан самолётда юк ташиш

амалга оширилаётган давлатнинг алоҳида ҳуқуқи ҳисобланади. Амалга оширилаётган тижорат фаолиятининг ҳажми ёки шаклидан келиб чиқиб, Х .п. т. ҳ. лари қуйидаги турларга бўлинади: 1) ушбу ҳуқуқни берувчи давлат ҳудуди орқали транзит тартибида қўнмай учиб ўтиш ҳуқуқи; 2) хорижий давлат ҳудуди орқали учиб ўтаётиб, нотижорат мақсадларда унга қўниб ўта олиш ҳуқуқи; 3) хорижий давлат ҳудудида йўловчиларни ташиш, юк ва почтани тушириш, шунингдек, ҳаво кемаси тегишли бўлган давлат ҳудудида йўловчи, юк ва почтани олиш ҳуқуқи; 4) хорижий давлат ҳудудида ўз мамлакатига кетаётган йўловчиларни, юк ва почтани қабул қилиш ҳуқуқи.

ХАЛҚАРО ПАРКЛАР — у ёки бу давлатлар ҳуқуқий чегараларига туташ жойлардаги табиий кенгликлар асосида ташкил этилган жой, майдон, ҳудуд. Бу ҳудудлар давлатлараро ҳуқуқий асослар орқали ҳимоя қилинади ҳамда ҳордиқ чиқариш ёки илмий-тадқиқот ишларни олиб боришда фойдаланилади. Бу каби ҳудудлар халқаро миқёсда тегишли конвенция асосида ташкил этилади. Масалан, 1976 йилда қабул қилинган, Тинч океан жанубий қисми табиатини сақлаш бўйича конвенция кабилар.

ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА БМТ КОМИССИЯСИ (ЮНСИТРАЛ) — БМТ Бош Ассамблеясининг ёрдамчи органи булиб, халқаро конвенциялар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш орқали халқаро савдо ҳуқуқини ривожлантиришга кумаклашиш мақсадида тузилган (1966 йил). ЮНСИТРАЛ доирасида тайёрланган ҳужжатлар қаторига 1974 йилда қабул қилинган Маҳсулотларнинг халқаро олди-сотди савдосида даъво муддати тўғрисидаги Конвенция ва ушбу Конвенцияга киритилган ўзгартиришлар тўғрисидаги Протокол (1980 йил), Юкларни денгиз орқали ташиш тўғрисидаги конвенция (1978 йил), Маҳсулотларни халқаро олди-сотди савдоси шартномалари тўғрисидаги конвенция (1980 йил) ва бошқалар киради.

ХАЛҚАРО САНКЦИЯ — амалиётда қуйидаги аҳамиятга эга бўлган терминдир: 1) халқаро ҳуқуқ нормаларининг элементларидан бири ҳисобланиб, ҳуқуқни бузган давлат учун яхши оқибатларга олиб келмайди; 2) халқаро ташкилотлар томонидан, масалан, БМТ томонидан амалга ошириладиган мажбурлов чоралари; 3) халқаро ҳамжамият томонидан қўлланиладиган халқаро ҳуқуқий жавобгарликнинг ўта сиёсий шакли; 4) халқаро ҳуқуқбузарликка қарши якка тартибдаги ёки коллектив мажбурлов чоралари; 5) халқаро ҳуқуқбузарлик содир этилган давлатларга нисбатан давлат ёки халқаро ташкилотлар томонидан қўлланиладиган мажбурлов чоралари. Сўнгги йилларда Гаити, Ироқ, Ливия ва Югославияга нисбатан бундай халқаро санкциялар қўлланилган.

ХАЛҚАРО СУД — БМТнинг асосий суд органи. 1945 йилда ташкил топган. Гаага шаҳрида жойлашган (Нидерландия). Унинг мақоми, вазифаси ва ҳуқуқлари низомда белгиланган. Халқаро суд 15 нафар сайланадиган аъзодан иборат. Улар Бош Ассамблея ва хавфсизлик кенгашлари томонидан 9 йилга сайланадилар ва қайта сайланишлари мумкин. Х.с. га аъзо давлатлар ва аъзо бўлмаган давлатлар ҳам мурожаат қилишлари мумкин. Бунинг учун Хавфсизлик кенгашининг тавсиясига биноан, Бош ассамблея рухсат бериши мумкин. Судга жисмоний шахс, яъни фуқаролар якка тартибда мурожаат қила олмайдилар. Хавфсизлик кенгаши ва Ассамблея ҳар қандай ҳуқуқий ҳаракатдаги масала юзасидан тушунчалар,

шарҳлар олиши мумкин. БМТ Халқаро судининг ваколатига, Низомда кўрсатилган ва шартнома, конвенцияларда белгилаб қўйилган масалаларни кўриб чиқиши мумкин.

Халқаро суд ўз фаолиятида қуйидаги манбаларга асосланади: халқаро конвенциялар; халқаро пактлар; халқлар томонидан қабул қилинган умумий ҳуқуқ тамойиллари; суд қарорлари ва таниқли мутахассисларнинг доктриналари.

ХАЛҚАРО СУД ТАРТИБИ — низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситаси бўлиб, вазифаси низони халқаро суд томонидан кўриб чиқиб, қарор қабул қилишдир. Қоидага кўра, қарорларнинг бажарилиши томонлар учун шартдир. Х. с. т. давлатлараро битим асосида тузилган халқаро суд томонидан амалга оширилади. Бунда битим тузиш тартиби, ваколати, мақоми, халқаро суднинг тузилиши белгиланади. Бундан ташқари, судловни амалга оширишнинг асосий қоидалари ўрнатилади. Бу каби тартиб таъсисчи давлатлар томонидан эмас, халқаро суднинг ўзи томонидан тез-тез ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Масалан, БМТ Халқаро суди статути асосида таъсис этилган ва фаолият кўрсатади. Халқаро суд статути Низоми ва Регламентининг ажралмас қисми бўлиб, Регламент суднинг ўзи томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. У судловни амалга ошириш қоидаларини ўз ичига олган. Устав БМТ аъзоларига ўз мунозараларини ҳал этиш мақсадини назарда тутиб бошқа судларга мурожаат қилишларига тўсқинлик қилмайди. Давлатларнинг Халқаро суд тартибига мурожаат қилишларига тўсқинлик қилмайди. Давлатларнинг Х. с. т.га мурожаат қилишлари шу мақсадда тузилган махсус битим ёки халқаро шартнома бўйича олдиндан олинган мажбуриятлар асосида амалга оширилади.

Х. с. т. икки қисмдан ёзма ва оғзаки текшириб чиқишдан иборат. Ёзма судлов жараёнида тарафлар судга меморандумлар, контрмеморандумлар ва агар зарур бўлса, уларга жавоблар ҳамда бошқа барча зарурий материалларни тақдим этадилар. Оғзаки текшириб чиқиш жараёнида эса суд томонларнинг гувоҳлари, экспертлари, вакиллари, хос вакиллари ва адвокатларини эшитадилар. Зарур бўлганда, у қўшимча тергов ўтказиши ёки экспертиза тайинлаши мумкин. Суд низонинг судловга оид масаласини ҳал этиши керак ва низо билан шуғулланишига ваколатли эканлиги ҳақида бир қарорга келса, уни кўриб чиқишга киришади. Судда ишнинг эшитилиши, қоида бўйича, омма иштирокида бўлади. Эшитиш тугагач, хонада суд маслаҳати ўтказилади ва у сир тутилади. Суд қарори тамомила қатъий ва у фақат ишда қатнашган тарафлар учун мажбурийдир ва фақат мазкур ишга тааллуқлидир.

ХАЛҚАРО СУЗИШ ЙЎЛЛАРИ — табиатда мавжуд денгиз йўллари бўлиб, бир денгизни иккинчи денгиз билан (океан), бир давлатни иккинчи давлат билан ёки бир давлатга тааллуқли, аммо денгиз қирғоғининг бошқа четида бўлган ҳудудларига қадар босиб ўтиладиган йўллар Х.с. йўлларидир. БМТ 1982 йил чиқарилган денгиз ҳуқуқи бўйича Конвенцияга асосан денгиз йўлларида кемалар ёки учиш воситалари қатновини чеклаш мумкин эмас.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ УСТАВИ — *халқаро ташкилот* фаолиятининг хусусияти, мазмунини, асосий вазифалари ва мақсадларини белгиловчи кўптомонлама халқаро битим ёки бошқа таъсис ҳужжати. Бундай ҳужжатларда, одатда, ташкилотнинг асосий органлари (жумладан, бар-

ча аъзоларининг умумий йиғилиши, ижро этувчи органи ва котибият кўрсатилади) ҳамда ушбу органлар ҳар бирининг ваколат доираси, шунингдек, уларни ташкил этиш ва уларда ташкилот аъзоларининг ваколат тартиби белгиланади. Мазкур ҳужжатлар ташкилот аъзолари ҳамкорлигининг асосий принциплари ва улар олдида турган вазифаларни ҳал этиш усулларини назарда тутади. Одатда, ташкилот органлари томонидан қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш йўллари ҳамда уларни амалиётга жорий этиш усуллари баён этилади. Бундан ташқари, ушбу ҳужжатларда ташкилотга аъзо сифатида қабул қилиш ва унинг аъзолари қаторидан чиқиш ёки чиқарилиш тартиби белгиланади. Бир қатор ҳужжатларда ташкилот аъзолари ўртасида юзага келиши мумкин бўлган келишмовчиликлар, жумладан, таъсис ҳужжатини талқин этишдан келиб чиқувчи келишмовчиликларни ҳал этиш тартибини белгиловчи қоидалар мавжуд. Барча бундай ҳужжатлар орасида алоҳида ўринни нафақат энг йирик универсал халқаро ташкилотнинг конституциявий ҳужжати бўлган, балки давлатларнинг жаҳон саҳнасидаги ўзига хос «Ахлоқ кодекси» бўлган, шунингдек, халқаро икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар ва битимларнинг кенг ва кўп тармоқли тизими, жумладан, халқаро ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари учун асос бўлиб хизмат қиладиган БМТ Устави эгаллайди.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР — муайян мақсадларни амалга ошириш учун халқаро шартнома асосида тузилган, тегишли органларга эга бўлган, аъзо давлатларнинг — ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган ҳамда халқаро ҳуқуққа биноан таъсис этилган давлатларнинг уюшмасидир. Х. т. ни туркумлаш ташкилотларнинг ҳуқуқий табиати; ташкилот фаолиятининг кўлами; ташкилот фаолиятининг мавзуи; халқаро ташкилот аъзолари бўлган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти сингари белгилар бўйича ўтказилади.

Х. т. халқаро тизимнинг таркибий қисмидир. Табиийки, халқаро тизимнинг ривожланиши ҳал қилувчи таъсир кўрсатаётган ижтимоий тараққиёт қонунлари умумий тарзда уларнинг ижтимоий ҳуқуқий табиатини ҳам белгилаб беради. Х. т. давлатлар томонидан аниқ мақсадлар ва вазифаларни бажариш учун тузилади. Бунинг учун муайян ҳуқуқ доирасига эга бўлади, бу ҳуқуқ доиралари низомда қайд этилади. Х. т. нинг мақсад ва вазифалари тушунчаларини аниқлаб олиш лозимдир. Х. т. нинг мақсадлари хилма-хил. БМТ халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун тузилган. ИКАО халқаро авиация муаммоларини ўрганиш, фуқаро авиацияси учун халқаро нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқиш ҳамда халқаро ҳаво йўлларида учишнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида таъсис этилган. Мазкур ҳаракатларнинг йиғиндиси Х. т. нинг вазифасини ташкил этади. Булар ахборот, норматив, назорат ва амалий вазифалардир. Х. т. нинг бюджети аъзо бўлган давлатлар бадаллари ҳисобига тўлдириб берилади. Ҳар бир ташкилот бадаллари бюджетга ажратиш тартибини ўзи белгилайди.

БМТ бадаллари бўйича қўмита учта мезонни белгилаб беради: 1) аҳоли жон бошига тушадиган маблағ; 2) иккинчи жаҳон уруши туфайли мамлакат иқтисодиётининг аҳволи; 3) у ёки бу мамлакат томонидан чет эл валютасини сотиб олиш имконияти.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ҲУҚУҚИ — халқаро ҳуқуқ тармоғи. Халқаро миқёсда фолият кўрсатадиган ташкилотларнинг ташкилий асос-

лари, норматив манбалари, уларни ташкил этиш тартиби, ваколатлари ва фаолиятларини мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий йўналишларни белгилайди. Бу тармоқ таркибига халқаро миқёсда тузиладиган ташкилотлар вужудга келишининг умумий принциплари киради. Шу билан бирга, Х.т.ҳ айрим йўналишлар бўйича фаолият кўрсатувчи ташкилотларнинг ўзига хос фаолиятларини мувофиқлаштириш асосларини ҳам ўз ичига олади. Х. т. ҳ. да ташқи ва ички ҳуқуқлар мужассамланган. Ташқи ҳуқуқ халқаро ташкилотларнинг ўзаро муносабатларини, ички ҳуқуқ шу ташкилотларнинг ички тизими, ташкилий тузилиши, мулкий, номулкий муносабатларини тартибга солади. Х.т.ҳ.нинг ҳуқуқий манбаси БМТ устави булиб ҳисобланади.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ БЎЛИШИ — халқаро ҳуқуқ субъектларининг ўзига хос субъекти. Чунки халқаро ташкилотлар давлатлардан кейинги ўрнида туради ва улар таъсис қилиш орқали келиб чиқувчи субъектлар тоифасига киради. Х. т. х. ҳ. с. б. таъсис этган субъектлар иродасини ифодалайди ва уларнинг ўзаро манфаатларини ифодалашга мўлжалланган дир. Халқаро ташкилотларнинг халқаро ҳуқуқ субъектлари биринчи галда ўз ҳуқуқ доираларига эгадирлар ва улардан фойдаланадилар. Аммо бу каби субъектлар мустақил бўлмайдилар. Шунинг учун халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида дипломатик эмас, балки, маълум бир вазифаларни бажарадилар. Х. т. х. ҳ. с. лари халқаро ҳуқуқ муносабатларининг фақат айримларидан фойдаланадилар (масалан, сиёсий масалаларни ҳал этиш ваколатларига эга эмаслар).

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ШАРТНОМАЛАРИ — халқаро ҳуқуқ манбаларидан бири. *Халқаро ташкилотлар* ўзаро ёхуд бир ёки бир неча давлатлар билан шартнома тузади. Халқаро ташкилотларнинг шартномавий ҳуқуқий лаёқати ўз хусусиятига кўра давлатларнинг шартномавий ҳуқуқий лаёқатидан кескин фарқ қилади. Халқаро ташкилотлар уларни тузган давлатларнинг ҳуқуқий лаёқатидан ҳосил бўладиган ҳуқуқий лаёқатга эга бўлади. Шу боис улар нисбатан тор доирадаги шартномаларда иштирок этишлари мумкин. Бундай шартномаларни тузиш мумкинлиги уларнинг мазкур ташкилотларни халқаро ҳуқуқий лаёқат ва шартномавий ҳуқуқий лаёқатнинг муайян ҳажмини берувчи низомларида назарда тутилган ёки уларга аъзо бўлган давлатларнинг алоҳида ваколатига асосланган бўлади. Универсал хусусиятга эга бўлган сиёсий ташкилот бўлмиш БМТ энг катта шартномавий ҳуқуқий лаёқатга эга. Х.т.ш.ни тузиш шакли, турлари ва тартиби асосан давлатлар ўзаро тузадиган шартномаларники кабидир. 1969 йилги Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Вена конвенцияси Х.т.ш.га тааллуқли эмас.

ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ — одамларнинг беҳуда ҳалок бўлишига олиб келувчи, давлатлар ва улар вакилларининг нормал дипломатик фаолиятини бузувчи ҳамда халқаро алоқалар ва учрашувларни, шунингдек, давлатлар ўртасидаги транспорт алоқаларини амалга оширишни қийинлаштирувчи халқаро миқёсдаги ижтимоий хавфли қилмишлар йиғиндиси. ЎзР — куплаб халқаро битимларнинг, чунончи, Х.т. қуринишларига қарши курашга қаратилган битимларнинг, жумладан, Ҳаво кемаларини қонунга хилоф равишда эгаллаб олишга қарши кураш тўғрисидаги 1970 йилги конвенциянинг, Фуқаро авиациясининг хавфсизлигига қарши қаратилган қонунга хилоф ҳаракатларга қарши кураш тўғрисида-

ги 1971 йилги конвенциянинг, Халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахслар, жумладан, дипломатик агентларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги 1973 йилги конвенциянинг иштирокчиси.

ХАЛҚАРО ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ — халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилган ҳолда давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг тинчлик ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган амалий фаолият. Биринчи галда куч ишлатиш ҳамда куч ишлатиш билан қўрқитиш каби принципларнинг тарқалишини чеклашдан иборатдир. Шу билан бирга, тинчликни таъминлаш мақсадида давлатларни ўзаро иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳамкорликка чорлаш фаолияти ҳам тушунилади.

ХАЛҚАРО ТРАНЗИТ — бирор давлат суверенитети остида бўлган қуруқлик ёки сув ҳудуди ёхуд улар устидаги ҳаво кенгликлари орқали бошқа давлат шахслари, юклари ва (денгиз, қуруқлик ва ҳаво) транспорт воситаларининг ўтиши. Ҳ.т. — транзит давлати доирасидан ташқарида бошланадиган ва тугайдиган йўлнинг таркибий қисми. У манфаатдор давлатларнинг кўп томонлама ва икки томонлама келишувлари асосида амалга оширилади. Битимларда транзит тартиби ва шарт-шароитлари, чунончи, шахсларнинг хавфсизлиги ҳамда транспорт воситалари ва юкларнинг сақланишини кафолатловчи шарт-шароитлар белгиланади. Транзит ҳаракатлар бож, солиқ ва йиғимлардан озод қилинади. Бундай ҳаракат билан боғлиқ равишда кўрсатиладиган муайян хизматлар учун олинадиган йиғимлар бундан мустасно. Қулайлик туғдириш учун бож олинмайдиган зоналар ташкил этилиши ва бошқа божхона имтиёзлари назарда тутилиши мумкин. Шу билан бирга, давлат ўзига номаъқул шахсларнинг, шунингдек, хавфсизликни таъминлаш, касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадларида ёхуд бошқа сабабларига кўра импорт қилиш тақиқланган юк ва товарларнинг ўз ҳудуди орқали ўтишига рухсат бермаслиги мумкин. Ҳ.т. битим бўйича ўзаро фойдалилик асосида амалга оширилади.

ХАЛҚАРО ТРИБУНАЛЛАР — халқаро жиноятларни содир этишда айбдор бўлган жиноятчилар ва давлатларни суд қилиш учун тузиладиган халқаро органлар. Турли даврларда қуйидаги Х.т. тузилган; 1) 1945 йилги Халқаро ҳарбий трибунал Низоми асосида ишлаган Нюренбергдаги Халқаро ҳарбий трибунал; 2) 1946 йилда Японияда иттифоқчи бош қўмондонлар тасдиқлаган низом асосида амал қилган Узоқ Шарқ учун Халқаро ҳарбий трибунал; 3) Собиқ Югославия ҳудудида 1991 йилдан бошлаб содир этилган халқаро гуманитар ҳуқуқнинг жиддий бузилиши учун жавобгар шахсларни суд таъқибига олиш учун тузилган Гаагадаги Халқаро трибунал — 1993 йилда БМТ Хавфсизлик Кенгаши қабул қилган Низом асосида; 4) Руанда ҳудудида содир этилган геноцид ва бошқа халқаро гуманитар ҳуқуқни жиддий бузиш ҳоллари учун жавобгар шахсларни 1994 йил 1 январдан 1994 йил 31 декабргача қўшни давлатлар ҳудудида содир этилган Руанданинг геноцид ва бошқа шу каби қонунбузарликлари учун жавобгар фуқароларни БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан 1995 йилда қабул қилинган Низом асосида суд таъқибига олиш учун тузилган Халқаро жиноят трибунали. Ҳозирги вақтда БМТ ҳимоясида Халқаро Жиноят судини ташкил этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Халқаро Жиноят суди низомининг лойиҳаси халқаро жамоатчилик томонидан фаол муҳокама қилинмоқда ва, афтидан, БМТ Бош Ассамб-

леяси Тинчлик ва Инсоният Хавфсизлигига қарши Жиноятлар Кодекси билан бирга қабул қилади.

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ — халқаро хусусий ҳуқуқ қисман турли давлатларнинг миллий ҳуқуқ тизимларига, қисман халқаро оммавий ҳуқуқ халқаро шартномаларга тааллуқли ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир. Халқаро хусусий ҳуқуқ бир давлат ҳуқуқий тизими доирасидан чиқувчи хилма-хил миллий ҳуқуқий тизимлар субъектлари ўртасидаги муносабатларни бошқариш предметига эга бўлиб, унинг ўзи алоҳида ҳуқуқ тармоғи бўлиб шаклланган эмас.

Х.х.ҳ. халқаро иқтисодий-савдо, илмий-техника ва маданият ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Х.х.ҳ. фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни, мулкий ва мулк билан боғлиқ бўлмаган бошқа муносабатларни, яъни оила, меҳнат, процессуал муносабатларни тартибга солади. Х.х.ҳ., шунингдек, мулк ҳуқуқи, халқаро иқтисодий алоқалар, халқаро юк ва пассажирлар ташиш, халқаро мажбурият ва у билан боғлиқ зарур масалаларни, муаллифлик ҳуқуқи, патент, оила, мерос ҳуқуқи, халқаро меҳнат муносабатлари, халқаро судда низоли масалаларни кўриб чиқиш, халқаро нотариат ҳамда халқаро низоларни арбитраж органларида кўриб чиқиш билан боғлиқ муносабатларни халқаро ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади. Х.х.ҳ.ининг асосий манбалари икки ёки кўп томонлама тузилган халқаро шартнома ва ҳужжатлардир. (Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси, Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенция, Фуқаролик процессуал масалаларига бағишланган Гаага конвенцияси ва бошқалар).

ХАЛҚАРО ШАРТНОМА — халқаро шарномаларда давлатлар асосий томонлар ҳисобланади. Х. ш. (давлатлар) хорижий давлатлар ёки халқаро бирлашмаларнинг ўзаро келишуви натижасида ёзма равишда тузилади. Х. ш. нинг асосий манбаи халқаро ҳуқуқ ҳисобланади. Х. ш. да ўзаро келишув асосида шартнома тузаётган давлатларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилади.

ЎзР тенг, мустақил мамлакат сифатида барча Х. ш. ларда қатнаша олиши ва ҳар қандай давлат билан Х. ш. тузиши мумкин. ЎзРда мустақилликдан кейин бир неча минг Х. ш. тузилди. Мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги барча халқаро ҳуқуқий муносабатлари 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган ЎзРнинг «Халқаро шартномалар тўғрисида» ги қонунида батафсил кўрсатилган.

ХАЛҚАРО ШАРТНОМА ҲУҚУҚИ — халқаро ҳуқуқнинг халқаро шартномаларни тузиш, амалга ошириш ва тўхтатиш шартини белгилаб берувчи тармоғи. Ҳозирги вақтда БМТ доирасида 1969 йилги Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси амал қилмоқда. 1980 йилда кодификацияланди ва қабул қилинди. ЎзРнинг Конституциясида халқаро шартномаларни тузиш, тасдиқлаш, ратификациялаш ва денонсация қилиш тўғрисида алоҳида моддалар бор. Шунингдек, 1995 йилнинг 22 декабрида «ЎзРнинг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонун ҳам қабул қилинди. Шартномаларда давлатлар асосий томонлар ҳисобланади. Давлатлараро шартномалар халқаро муносабатларни тартибга солишда асосий ўрин тутади ва шу тариқа халқаро ҳуқуқ нормаларини яратади. Ҳар бир давлат шартномада қатнашиш учун тенг ҳуқуққа эга.

Халқаро шартномаларни тузиш икки босқичдан иборат: а) биринчи

босқич — давлатлар ёки халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари хатти-ҳаракат қоидаларига нисбатан, яъни шартнома матнига нисбатан иродани келиштириб олиш; б) иккинчи босқич — шартнома нормаларининг мажбурийлигини тан олишга нисбатан иродаларни келишиб олиш — давлатларнинг якка тартибдаги ҳаракатларидан иборат бўлади.

Халқаро шартномаларнинг икки асосий шакли мавжуд. Бу — ёзма ва оғзаки шакллардир. Ёзма шаклларнинг афзаллиги халқаро тажрибада етакчи ўрин эгаллаганлиги билан белгиланади. Кўпдан-кўп қарорларни ўз ичига олган кўпгина шартномалар фақат ёзма равишда тузилади. Бироқ ҳозирги кунда ҳам гоҳо оғзаки шаклдаги битимлар тузиш тамойилидан фойдаланилади. Агар битим бирон-бир ҳужжатда қайд этилмаган бўлса, уни «жентельменлик битими» деб аташ қабул қилинган.

Шартномаларнинг амал қилиш доираси ё унда тўғридан-тўғри кўрсатилади ёки мана шу шартноманинг қарорларидан келиб чиқади. Тула ҳуқуқли мазмунга, унда қатнашиш ҳуқуқига эга томонлар ўртасида тузилган, қонуний тартибда кучга кирган ва халқаро ҳуқуққа биноан тўхтатилмаган (тугатилмаган) шартнома ҳуқуқий ҳисобланади.

ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШ — халқаро шартномаларни қайд этиш БМТ котибиятида амалга оширилади. БМТда қайд этилган шартномалар махсус БМТ ахборотномаларида нашр қилинади. Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларини қонунга биноан БМТ котибияти амалга оширади.

ХАЛҚАРО ШАРТНОМАНИ ДЕНОНСАЦИЯ ҚИЛИШ (фр. denoncer) — икки томонлама халқаро шартнома амал қилишини тўхтатиш ёки кўп томонлама халқаро шартномадан чиқишнинг кенг тарқалган усули. Иштирокчини бундай шартномада белгиланган тартибда ва муддатда шартноманинг бекор қилиниши тўғрисида хабардор қилишдан иборат. Агар шартномада денонсация назарда тутилмаган ва иштирокчиларнинг бундай имкониятга йўл қўйиш нияти бўлгани аниқланмаган бўлса, шартнома денонсация қилиниши мумкин эмас. Денонсациянинг одатдаги шарти шартнома томонларини иштирокчилардан бирининг унинг амал қилишини тўхтатиш ёки ундан чиқиш мўлжалидан аввалдан хабардор қилишдан иборат. Денонсацияга дахлдор умумий принциплар 1969 йилда Венада имзоланган халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги конвенцияда кўрсатилган. Денонсация тартибига риоя этмаслик уни ҳақиқий эмас деб топиш учун имконият беради.

ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ — табиатни асрашга оид ҳуқуқий атама. Х.э.ҳ. XIX асрнинг охирлари — XX асрнинг бошларида вужудга келди. Х.э.ҳ. шартномалари асосан ҳайвонот дунёсининг айрим турларини ҳимоя қилиш ва овлашни тартибга солишга қаратилган эди (масалан, 1897 йилги денгиз мушукларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги битим).

Атроф муҳитнинг халқаро ҳуқуқий муҳофазаси ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг нисбатан янги, лекин тез ривожланиб бораётган қисмидир. Ҳозирги вақтда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланишнинг хилма-хил жиҳатларини тартибга солувчи анчагина миқдордаги турли халқаро шартномалар мавжуд. Бу битимларнинг мавзулари асосан қуйидагилардан иборат: 1) денгиз сувларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, денгизларнинг жонли бойликларини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш; 2) халқаро дарёлар суви ва

бойликларини муҳофаза қилиш; 3) ер атмосфераси ва яқин космик фазони ифлосланишдан ва бўлак ёқимсиз таъсирлардан асраш; 4) қуруқликдаги жонли ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш; 5) ноёб табиий объектлар ва комплексларни, айрим экология тармоқларини муҳофаза қилиш; 6) ер таркибини радиоактив заҳарланишдан ҳимоя қилиш.

Атроф-муҳитнинг халқаро ҳуқуқий муҳофазаси ривожланиш жараёнида халқаро ташкилотларнинг, биринчи навбатда, БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотларининг қарорлари катта роль ўйнайди. Инсонни қуршаб турган муҳит муаммолари бўйича БМТда 1972 йили ўтказилган Стокгольм конференцияси муҳим тадбир бўлди. Конференция ҳаракат режасини қабул қилди. Унда ҳукуматлар ва халқаро ташкилотларга тегишли тавсиялар қамраб олинди.

ХАЛҚАРО ҲАВО ҲУҚУҚИ — халқаро ҳуқуқнинг бир қисми. Х.ҳ.ҳ. халқаро қатновни амалга оширишда, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳаво кенглигидан фойдаланиш сабабли давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар тартибини ўз ичига олади. Х.ҳ.ҳ. халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган барча принциплари (масалан, суверенитет, давлат ҳудудининг дахлсизлиги, ички ишларга аралашмаслик, ҳамкорлик), умуман, халқаро ҳаво алоқаларини ҳуқуқий тартибга солишнинг бузилмас асосини ташкил этади.

Х.ҳ.ҳ. да шу нарса кенг эътироф этилганки, ҳар бир ҳаво кемаси бирон-бир бошқа давлат ҳудуди устидан учиб ўтаётган ёки шу ҳудуд доирасида бўлган вақтда, шу давлатдаги халқаро ҳаво транспортига доир амалдаги қонун ва қоидаларга жиддий риоя қилиши шарт.

Чет эл ҳаво кемаси аэропортга етиб келиши билан ҳар бир давлатнинг тегишли органлари уни кўздан кечириб чиқиши ва ҳужжатларни (самолётнинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, унинг учишга яроқли эканлиги тўғрисидаги ҳужжат, экипаж аъзоларининг малакаси тўғрисидаги гувоҳнома, йўловчилар рўйхати ва бошқалар)ни текшириш ҳуқуқига эга. Давлатлар томонидан 1944 йилдаги Чикаго конвенциясининг ишлаб чиқилиши ва тузилиши ҳамда ИКАО ташкил этилишининг асосий вазифаларидан бири шундан иборатки, улар «Халқаро фуқаро авиацияси хавфсиз ва тартибга солинган тарзда ривожлана олиши» учун хизмат қилмоғи керак. 70-йилларда ИКАО ташаббуси билан унинг доирасида фуқаро ҳаво кемаси фаолиятида ноқонуний аралашувларга қарши курашда давлатларнинг ҳамкорлигини ташкил этиш ва ривожлантиришга қаратилган халқаро конвенциялар ишлаб чиқилди. Булар 1970 йилги ҳаво кемаларини ноқонуний эгаллаб олишга қарши кураш олиб бориш тўғрисидаги Гаага конвенцияси ва фуқаро ҳаво кемаси хавфсизлигига қарши қаратилган 1971 йилги ноқонуний ҳаракатлар билан курашиш тўғрисидаги Монреал конвенциясидир.

ХАЛҚАРО ҲАКАМЛАР СУДИНИНГ ДОИМИЙ ПАЛАТАСИ — 1899 йили халқаро тўқнашувларни тинчлик йўли билан ҳал этиш мақсадида Гаага конвенцияси асосида Гаага шаҳрида ташкил этилган доимий ҳакамлик суди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК — давлатнинг халқаро майдондаги фаолияти асосий йўналишларидан биридир. Х. ҳ. ҳар қандай давлат учун ҳаётий заруратдир. Ер юзида ҳозир 200 дан ортиқ давлатлар бор. Уларнинг ҳар бирида меъёрида ҳаёт кечириш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш-

га эҳтиёж мавжуд. Халқаро ҳамжамият халқаро ҳуқуқнинг ўзагини ташкил этувчи умум эътироф этган принциплар ва қоидаларнинг мажмуасини ишлаб чиққан. Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик ана шу принциплар асосида амалга оширилади. Суверен давлат бўлган ЎзР жаҳондаги барча давлатлар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда, кўплаб халқаро ташкилотлар, жумладан, энг нуфузли халқаро ташкилот бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзосидир.

ХАЛҚАРО ҲАРАКАТДАГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ — а) одатда ушбу давлатдан ташқарида доимий яшайдиган жисмоний ёки юридик шахсга тегишли бўлган; б) ушбу давлатда рўйхатга олинмаган; в) ушбу давлатга вақтинча олиб кирилган автомототранспорт воситаси (Йўлларда ҳаракатланиш тўғрисидаги конвенция, Вена, 1968 й.).

ХАЛҚАРО ҲУДУД — давлат ҳудудидан ташқарида жойлашган ва алоҳида бир қандайдир давлатгагина тегишли бўлмаган, балки бутун инсониятнинг, барча давлатлар фойдаланаётган ҳамда ҳуқуқий мақоми ва режими халқаро ҳуқуқ билан белгиланадиган жўғрофий макон. Унга очиқ денгиз, унинг устидаги ҳаво кенгликлари, континентал шельфдан ташқаридаги денгиз туби, Антарктика, космик фазо, Ой ва бошқа осмон жисмлари киради.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ — халқаро оммавий ҳуқуқ. «Халқаро ҳуқуқ» тушунчаси халқаро оммавий ҳуқуқни билдиради. Албатта, ундан халқаро хусусий ҳуқуқни ажрата билиш керак. Халқаро оммавий ҳуқуқ — халқаро муносабатларда қатнашадиган ва иштирок этадиган давлатлар (субъектлар)нинг юридик муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади. Халқаро оммавий ҳуқуқ — давлатлар ўртасидаги халқаро муносабатларнинг базавий халқаро принципларини белгилаб беради. Х. о. ҳ. давлатлараро миллий муносабатларни, давлатлар билан халқаро ташкилотлар, халқаро миқёсда фуқароларнинг асосий ҳуқуқ, бурч ва эркинликларини, халқаро ҳуқуқ доирасида халқаро низо ва келишмовчиликларни ҳал қилиш билан боғлиқ ҳамда бошқа муносабатларни ўзида ифодалайди.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ДОКТРИНАСИ — кенг маънода — *халқаро ҳуқуқнинг* муайян тарихий шароитдаги моҳияти ва вазифаси ҳақидаги қарашлар ва концепциялар тизими. Х.ҳ.д. — халқаро ҳуқуқнинг ёрдамчи манбаи. БМТ *Халқаро Суди Статутининг* 38-моддасида таъкидланганидек, Суд «ҳуқуқий нормаларни таърифлаш учун ёрдамчи восита сифатида турли миллатларнинг оммавий ҳуқуқ соҳасидаги энг малакали мутахассисларининг доктриналарини» қўллайди. Малакали юристларнинг доктриналари *халқаро шартномалар* лойиҳаларини ва *халқаро ташкилотлар* қарорларини ишлаб чиқишга, халқаро-ҳуқуқий нормаларни тўғри изоҳлаш ва қўллашга кўмаклашади. Доктриналарда давлатларнинг халқаро шартномаларида ёки халқаро одатларда эътироф этилган тақдирда халқаро муомаланинг ҳуқуқий нормаларига айланиши мумкин бўлган янги қоидалари ишлаб чиқилади ва ифодаланади.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ КОМИССИЯСИ — БМТ Бош Ассамблеясининг ёрдамчи муассасаси бўлиб, у Бош Ассамблеянинг 174 (II) сонли резолюциясига асосан ташкил этилган. Мазкур муассаса «халқаро ҳуқуқ соҳасида тан олинган нуфузга эга бўлган» 34 нафар халқаро ҳуқуқшуносдан иборат. Х. ҳ. к. аъзолари Бош Ассамблея томонидан 5 йил муддатга

сайланади. Х. ҳ. к. вазифасига халқаро ҳуқуқни ижобий ривожлантириш ва уни кодификациялаштириш киради. Х. ҳ. к. Низомига мувофиқ унинг бутун фаолияти манфаатдор давлатлар учун мақбул бўлган натижаларга эришишга йўсундирилган бўлиши лозим.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СУБЪЕКТИ БЎЛИШ — халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилиш орқали ўз мажбуриятларини бажариш. Халқаро ҳуқуқ субъектлари фақат халқаро муносабатлар қатнашчилари бўладилар. Халқаро ҳуқуқий маносабатларда Х. ҳ. с. б. халқаро миқёсда ўзаро келишувлар, шартномалар ва бошқа ҳужжатлар асосида вужудга келади. Х.ҳ. с. б. икки тоифада бўлади: бошланғич, яъни у ёки бу муносабатларнинг вужудга келиши билан ҳуқуққа эга бўлувчи субъектлар; кейинчалик келиб чиқувчи — халқаро ҳуқуқ субъектлари томонидан ўзаро келишувлар асосида таъсис этилувчи халқаро ҳуқуқ субъектлари.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚБУЗАРЛИК — халқаро ҳуқуқий нормаларни бузишга қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари давлатлар ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳисобланади. Шу билан бирга, бу ҳуқуқбузарликнинг яна бир ўзига хос хусусияти кўпроқ ўз халқаро мажбуриятларини бузишда намоён бўлади. Х. ҳ. нинг ўзига хос шакли — халқаро жиноятларни содир этиш билан таърифланади. Х. ҳ. объектлари халқаро ҳуқуқий муносабатларда эътироф этилган ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Булар: умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ принципларини бузиш; халқаро келишувлар ва шартномалар талабларини бузиш; давлатларнинг ҳуқуқий эркинлигини, қадр-қимматини камситиш ва уларнинг мулкий ҳуқуқларига тажовуз қилиш; халқаро ташкилотлар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш; чет эллик кишиларнинг ҳуқуқларини бузиш; дипломатик ваколатхоналар дахлсизлигини бузиш кабилар. Х. ҳ. орқали томонларга моддий, маънавий зарар етказилади. Ҳуқуқлари бузилган томонлар: давлатлар, халқаро ташкилотлар ҳуқуқбузар давлатлар томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ИМПЕРАТИВ НОРМАЛАР (лот. — Jus cogens) — 1969 йилдаги халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясининг 53-моддасига биноан, бу норма «бутун давлатларнинг халқаро ҳамжамияти томонидан норма сифатида қабул қилинади ва тан олинади, ундан чекинишга йўл қўйилмайди ва у фақат худди шундай характердаги халқаро ҳуқуқнинг умумий нормалари бўлиши мумкин». И.н. кодификацияланмаган, аммо халқаро ҳуқуқий нормалар ҳуқуқийлигининг бош мезони бўлиб ҳисобланувчи ҳозирги умумий халқаро ҳуқуқнинг барча асосий принциплари императив характерда.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК — халқаро ҳуқуқ субъекти учун халқаро ҳуқуқий мажбуриятларни бузган тақдирда келиб чиқадиган юридик оқибатлар. Халқаро ҳуқуқ субъектлари жавобгарлиги халқаро қонунчиликни оғишмай бажариш, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун кураш, халқаро ҳамкорликни таъминлаш билан боғлиқ. Халқаро ҳуқуқда давлатларнинг жавобгарлигига тааллуқли нормалар халқаро ҳуқуқий институтнинг ўзига хос кўринишидир. Бу институт халқаро ҳуқуқ тарихи жараёнида жиддий ўзгарди. Ҳозирги халқаро ҳуқуқ агрессия учун жавобгарлик, мустамлака мамлакатлари ва халқларига мустақиллик беришдан воз кечиш учун жавобгарлик сингари муҳим институтларни ўз ичига олади.

Давлатларнинг жавобгарлигини йўлга қўювчи халқаро ҳуқуқ нормалари орасида ҳозирги пайтда одат тарзида келиб чиққан нормалар кўп. Уларни кодификациялаш долзарб вазифа. Давлатлар х. ҳ. ж. ининг умумий асоси халқаро ҳуқуқий жиноятнинг содир қилинишидир. Халқаро ҳуқуқий жиноят давлатнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлигидан иборат бўлиб, халқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланган мажбуриятларга зид ҳаракатларнинг оқибатидир.

Халқаро ҳуқуқ нормалари бузилганда етказилган зарарни икки асосий туркумга бўлиш мумкин. Булар: моддий зарар (турли мулкий зарарлар); оддий зарар (давлат суверенитетини чеклашнинг хилма-хил шаклларидан бошлаб, давлат шарафи ва нуфузига етказиладиган зараргача). Халқаро муносабатларда жавобгарликнинг икки тури мавжуд. Улар сиёсий (номоддий) ва моддий жавобгарликдир. Бу турларни фарқлаш, албатта, етказилган зарар хусусиятига тааллуқли бўлади.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР — халқаро ҳуқуқ нормалари асосида амалга ошириладиган ҳуқуқий муносабатларни мувофиқлаштириш. Бундай халқаро муносабатларнинг субъектлари давлатлар, халқлар, миллатлар, халқаро ташкилотлар бўлиб ҳисобланади.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ТАН ОЛИШ — халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан янги ташкил бўлган давлат ёки ҳукуматнинг давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тан олиниши. Бунда: расман тан олиш, яъни де-факто ва де-юре асосида ўзаро муносабатларда бўлиш. Норасмий тан олиш — расмий тан олинмаган давлатлар билан ўзаро муносабатда бўлиш.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАР — халқаро ҳуқуқнинг бир тармоги. Амалдаги воқеликлар асосида бўладиган ҳуқуқий муносабатларнинг норматив негизини ташкил этади, ҳамда халқаро миқёсда амалга ошириладиган муносабатларнинг вужудга келиши ва йўқолишини таъминлайди. Халқаро ҳуқуқий шартномалар объекти, айнан шу халқаро шартномалардир. Халқаро ҳуқуқий шартномаларнинг ҳуқуқий манбалари халқаро ҳуқуқий одатлар ва 1969 йилги Вена Конвенцияси талабларидир.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ — маълум тарихий босқичда халқаро ҳаётнинг энг асосий масалалари бўйича халқаро муносабатлар субъектларининг умум қабул қилган ва мужассамлаштирилган ахлоқ нормалари. Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари БМТнинг Низомида мавжуд. Уларга қуйидагилар киради: БМТ аъзоларининг суверен тенглиги; Низом бўйича мажбуриятларнинг виждонан бажарилиши; БМТ аъзоларининг ўз баҳсларини халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатга хавф солмаган ҳолда ҳал қилиш; ҳудудий дахлсизлик ва сиёсий мустақилликка қарши куч ишлатиш ёки куч ишлатиб таҳдид қилиш ҳамда БМТ қоидаларига хилоф хатти-ҳаракатлардан тийилиш ва бошқалар.

ХАЛҚЛАР ҲУҚУҚИ — халқаро ҳуқуқ муносабатларида халқларнинг (давлатларнинг) ҳуқуқ ва мажбуриятлари нормалашган тизим. Бунда халқлар (давлатлар) шу ҳуқуқий тизимнинг субъекти ҳисобланади. Ҳуқуқ тармоғи сифатида унинг асослари XX асрнинг 60—70 йилларида шаклланана бошланган. Чунки, айнан шу даврларда жаҳон миқёсида колониал тизим парчаланиб, халқларнинг ўзлигини англаш жараёни авж олди. Х. ҳ. тўғрисидаги норматив асослар мажмуи ҳозирги пайтгача (2000 йил)

ишлаб чиқилмаган. Аммо, шу билан бирга жаҳон миқёсида ушбу муаммоларнинг қисман бўлса-да, мувофиқлашувига таъсир қилувчи давлатлараро, минтақавий келишувлар мавжуд. Булар 1988 йили Осиё — Тинч Океани ҳавзаси минтақаси бўйича қабул қилинган инсонлар ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация; 1983 йили АСЕАН таркибига кирувчи давлатларнинг халқлари ва ҳукуматлари ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация; 1988 йилги инсонлар ва халқлар тўғрисидаги Тунис декларацияси; БМТнинг 1986 йилги Ривожлантириш тўғрисидаги декларацияси; Инсон ва халқлар ҳуқуқи тўғрисидаги 1981 йил Африка хартияси (бу хартиянинг асосий талаблари геноцид, ирқий камситишларга йўл қўймасликдан иборат). Санаб ўтилган ҳужжатлар расман норматив бўлмаса-да, аммо инсон, халқлар ҳуқуқларини поймол қилишга ўзига хос тўсиқ бўлиб хизмат қилмоқда.

ХАЛҚЛАРНИНГ (МИЛЛАТЛАРНИНГ) ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНИ ЎЗЛАРИ БЕЛГИЛАШ ҲУҚУҚИ — 1) давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституцион ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан илмий жиҳатдан ўрганиладиган тушунча. Шунга кўра Х. ў. ҳ. ў. б. ҳ. деганда мустақил ҳуқуқий тушунча сифатида — халқларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий йўналишларда мустақил тарзда ўз ҳуқуқларини белгилаш тушунилади; 2) маълум бир давлат миқёсида мавжуд миллий — давлат тизимига бирлашган халқларнинг ҳуқуқини конституцион тарзда белгилаш. ЎзР Конституциясининг 74-моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикасига берилган ажралиб чиқиш ҳуқуқи. Албатта, бу ҳуқуқ референдум ўтказиш орқали амалга оширилади. Жаҳондаги кўпчилик давлатлар конституцияларда халқлар учун бундай ҳуқуқ кафолати берилмаган.

ХАЛҚЛАРНИНГ ЎЗ ТАҚДИРИНИ ЎЗЛАРИ БЕЛГИЛАШ ПРИНЦИПИ — халқаро ҳуқуқнинг ҳозирги замон асосий императив принципларидан бири. У тўлиқ равишда «Халқларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда тақдирини ўзлари ҳал қилиш принципи» (БМТ Низоми 1-модда, 2-банд) деб аталади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича 1966 йилдаги Пактнинг 1-моддасида қуйидагича ёзилган: «Ҳамма халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга. Шу орқали улар ўзларининг сиёсий мақомини иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини ўзлари белгилайдилар. Бу принципнинг келиб чиқиши XVIII асрдаги Франция ва Америкада бўлиб ўтган инқилобларнинг илдизига бориб тақалади, чунки бу инқилобларда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ (миллат) суверенитети деб эълон килинган эди.

ХАММУРАНИ ҚОНУНЛАРИ — милоддан аввалги 1792—1750 йилларда Вавилонни бошқарган ҳукмдор номи билан аталган қулдорлик давлати қонунларининг мажмуаси. Қадимги Шарқ қонунларининг қимматли ёдгорлиги. Х. қ. ҳаммаси бўлиб 282 банддан иборат бўлган. Тўпламга кўҳна одат ҳуқуқи шумер суд ҳуқуқи янги қонунчилик асос бўлган. Бу қонунлар уларнинг тўлалиги нуқтаи назаридан мукаммал эмас, уларда ҳаётнинг турли кўринишлари назарда тутилмаган. Матнлар асосан казуистик шаклда тузилган. Қонунларда муайян даражада мантиқ мавжуд бўлсада, умумий принциплар баён этилишида изчиллик, тартиб йўқ. Х. қ. Шарқдаги бошқа қонунлардан ўзининг диний ва ахлоқий унсурлардан холи эканлиги билан ажралиб туради.

ХАРИДОР ЁКИ БУЮРТМАЧИНИ АЛДАШ — мулкчилик шакли-

дан қатъи назар, аҳолига товарлар сотишни амалга ошираётган ёки хизматлар кўрсатаётган корхоналарда, шунингдек, савдо ёки хизматлар кўрсатиш соҳасида якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган шахслар томонидан ўлчовдан, тарозидан, пулдан уриб қолиш, харидорни ёхуд буюртмачини ўзгача тарзда алдаш. Харидор ёки буюртмачини энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан ошмаган миқдорда алдаш МЖКнинг 165-моддасида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни келтириб чиқаради. ЖКнинг 187-моддаси 1-бандига кўра, харидорларни унча кўп бўлмаган, яъни энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан ошмаган миқдорда алдаш жиноий жазога тортиш учун сабаб бўлади. Агар харидорларни алдаш а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; б) анча миқдорда, яъни энг кам иш ҳақининг бирдан беш бараваригача миқдорда; в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, ЖКнинг 187-моддаси 2-бандига биноан, жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Агар харидорларни алдаш кўп миқдорда, яъни энг кам иш ҳақининг беш ва ундан кўп миқдорида содир этилган бўлса, ЖКнинг 187-моддаси 3-бандига биноан жавобгарликка тортилади.

ХАРИДОР ЧЕКИ — чакана савдода кассанинг харидордан пул олинганлигини тасдиқловчи квитанцияси.

ХАРТИЯ (юнон. chartion дан chartes — қоғоз, фахрий ёрлиқ) — 1) ўрта асрлар ва янги даврда, оммавий-ҳуқуқий ва сиёсий хусусиятга эга бўлган ҳужжат *(шаҳарлар хартияси, коммунал Х. ва б.)* Буюк Британия 1838 йилги халқ Хартияси, конституциявий Х. лар ва ҳ.к.); 2) халқаро ҳуқуқда декларация сўзининг синоними бўлиб, халқаро актнинг умумий мақсади ва принципларини ифодалайди (м-н, янги Европа учун Париж Хартияси).

ХИЗМАТ АСАРИ — меҳнат шартномаси бўйича ўз хизмат мажбурияти доирасида муаллиф томонидан яратилган фан ва санъат, адабиёт асари.

ХИЗМАТ БЎЙИЧА ЧЕКЛАШ — жиноий жазонинг бир тури. Х. б. ч. офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчи, прапоршчик, мичман ва ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиб, пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишдан иборатдир (ЖКнинг 47-моддаси). Хизмат бўйича чеклаш жазо чораси ЖК Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган ҳолларда икки ойдан уч йилгача муддатга қўлланилади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёки оғир оқибатларни келтириб чиқармаган эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят учун суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш, қамоқ ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўрнига шу муддатга хизмат бўйича чеклаш жазосини қўллаши мумкин. Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташ муддати давомида маҳкумнинг мансабини, ҳарбий ёки махсус унвонини ошириш мумкин эмас, жазони ўтаган вақт эса унинг кўп йиллик ишлаганлик, навбатдаги ҳарбий ёки махсус унвон пенсия олиш учун асос бўладиган хизмат муддатига қўшилмайди.

ХИЗМАТ КАШФИЁТИ — ўз хизмат топшириқлари ёки хизмат мажбуриятларини бажариш пайтида яширилаётган кашфиёт.

ХИЗМАТ КЎРСАТГАНЛИК УЧУН НАФАҚА — давлат қонунларига

асосан, маълум бир меҳнат санасида хизмат кўрсатган даври учун тайинланадиган нафақа. Масалан, ер остида, зарарли муҳитда ишлаганлиги учун. Бундай корхоналарда 5, 10, 15, 20 йил ишлаш мумкин, ундан ортиқ ишлашни қонун чеклайди.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЕЛГИСИ — Ўзбекистон қонунчилиги бўйича бир юридик ёки жисмоний шахснинг хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахс хизматларидан фарқлашга лаёқатлилиги. ЎзРда хизмат белгисини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ЎзРнинг «Маҳсулотлар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида»ги қонунида белгиланган ёки ЎзРнинг халқаро шартномаларида белгиланган тартибда уни давлат рўйхатидан ўтказиш асосида ҳимоя қилинади. Хизмат кўрсатиш белгисини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қўлланиладиган қоида маҳсулотлар белгисига нисбатан ҳам қўлланилади.

ХИЗМАТ САФАРИ — меҳнат ҳуқуқида ишчининг корхона раҳбари фармойишига мувофиқ хизмат топшириғини бажариш мақсадида доимий иш жойидан ўзга жойга юборилиши. Х. с.нинг бутун даври мобайнида ишчининг иш жойи (лавозими), ўртача иш ҳақи сақланиб қолади. Х. с.да бўлган ҳар бир куни учун (бу даврга йўл вақти ҳам киради) ишчи суткалик харажатларини қопловчи маблағ билан таъминланади. Шунингдек, яшаш жойини ижарага олиш учун ижра ҳақи ҳам тўланади. Х.с. билан боғлиқ йўл харажатлари тегишли йўл ҳужжатлари тақдим этилиши билан қопланади.

ХИЗМАТ СИРИ — фуқаролик қонунига кўра фуқаролик ҳуқуқи объектларидан бири.

ХИЗМАТГА СОВУҚҚОНЛИК БИЛАН ҚАРАШ — ЎзР жиноят қонунига биноан, ҳарбий мансабдорлик жинояти. ЎзР ЖК 302-моддасига кўра, х. с. б. қ. — бошлиқ ёки бошқа мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаларига нисбатан пала-партиш ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши туфайли бу вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги кўп миқдорда зарар етказилишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, хизмат бўйича чеклаш ёки қамоқ ёхуд озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

ХИЗМАТЛАР — фуқаро ёки юридик шахснинг бошқа шахслар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган тадбиркорлик фаолияти. Меҳнат ҳуқуқий муносабатлари асосида амалга ошириладиган фаолият бунга кирмайди. Х. одатда ноишлаб чиқариш фаолиятининг натижасидир ва Х. кўрсатувчи шахс (ижрочи) билан ушбу Х. кўрсатиладиган шахс (истеъмолчи) ўртасида тузиладиган тегишли фуқаролик ҳуқуқий шартнома асосида кўрсатилади. Х. кўрсатиш фаолияти жуда хилма-хилдир.

ХИЗМАТЛАР ИМПОРТИ — хорижий фирмалар томонидан давлатнинг уй хўжалик бирликларига товарларни қайта жойлаштириш, йўловчилар ташиш, экспорт-импорт товарларни суғурта қилиш, халқаро почта-телеграф, банк операцияларини амалга ошириш, илмий тадқиқотлар, изланишлар, лойиҳалаш ишларини ўтказишда ҳамкорлик қилиш, техник ҳамкорлик қилиш ва бошқа шаклда хизматлар кўрсатишни назарда тутувчи тижорат операцияси.

Х.и.га хорижий фирмалар томонидан миллий хўжалик бирликлари буюртмаси бўйича бажарилган таъмирлаш ишлари, шунингдек, давлатнинг уй хўжаликлари томонидан хорижда талаб қилинган хизматлар кирмайди.

ХИЗМАТЧИ — жисмоний меҳнат билан боғлик бўлмаган, ақлий меҳнат билан шуғулланиб ойлик маош олувчи шахс.

ХИРОЖ (араб.) — Ўрта ва Янги асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида йиғилган давлат ер солиғи. Илк бор Сосонийлар салтанати томонидан жорий этилган. Араб халифалигида ер солиғи дастлаб бўйсундирилган, мусулмон бўлмаган аҳолидан ундирилган, кейинчалик мусулмонларга нисбатан ҳам жорий этилган. XVIII аср охирида Усмонийлар империясида у жузъяга қўшилиб кетган.

ХОДИМНИ ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ — ходимларни ишга кириш (бошқа ишга ўтказиш) чоғида дастлабки тарздаги ва вақти-вақти билан ўтказиладиган мажбурий тиббий кўрик. Х. т. к. ў. тартиби ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1992 йил 27 июлдаги 400-сон буйруғи билан тасдиқланган тегишли йўриқномада белгилаб қўйилган. Умумий қоидага кўра, ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тиббий-санитария қисмлари (идора поликлиникалари), улар бўлмаганида — тегишли корхонада жойлашган ҳудудий даволаш-профилактика муассасалари томонидан ўтказилади. Бундай кўрикларни ўтказиш вақти жамоа шартномалари (битимлари), тартиби эса кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимлар контингентини санитария-эпидемиология станцияси иш берувчиларнинг вакиллари ҳамда ходимларнинг ваколатли органи билан ҳамкорликда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг юқорида эслатиб ўтилган буйруғи1 ва 2-иловаларига мувофиқ олдинги йилнинг 1 декабридан кечиктирмасдан (йўриқноманинг 9-банди) белгилайди. 1 ва 2-иловаларда тегишли равишда ноқулай омиллар ва меҳнат шароити зарарли бўлган ишларнинг рўйхати келтирилган. Кўрикдан ўтувчи шахс шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ҳарбий билети (қайд қилиш гувоҳномаси)ни кўрсатади (йўриқноманинг 10-б.).

Соғлиғининг ҳолатига кўра, ходимнинг ишга тўғри келмаслиги хусусидаги хулоса уч кунлик муддат ичида йўлланма берган иш берувчига юборилади. «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги қонун 17-м.нинг 4-қисмига биноан, иш берувчилар ўз ходимлари мажбурий тиббий кўриклардан белгиланган вақтда ўтишлари ва мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган шахсларни ишга қўйиш туфайли фуқароларнинг соғлиқларига етказилган зарарли оқибатлар учун жавоб берадилар» (ЎзР Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996 йил, №9,128-б.).

ЎзР Меҳнат кодексининг 214-м.га асосан, иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) вақти-вақти билан қуйидагиларни тиббий кўрикдан ўтказиб туриши шарт; ўн саккиз ёшга тўлмаганлар; олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар; ногиронлар; меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек, транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар; озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар; умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ва тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмаслар. Иш берувчи тиббий кўрикдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни ишга қўймасликка ҳақлидир. Ходимларнинг

меҳнатидан уларнинг соғлиғига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Агар ходим ўз соғлиғининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтказишни талаб қилишга ҳақлидир. Тиббий кўриклардан ўтилиши муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмайдилар.

ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ — ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, активлари таркибига бошқа корхоналар акцияларининг назорат пакетлари кирадиган корхона. Акцияларининг назорат пакетлари Х.к. активларининг таркибига кирадиган корхоналар Х.к. нинг шўъбалари деб аталади. «Акцияларнинг назорат пакети» тушунчаси корхона капиталида ўз иштирокчилари акционерлар, ҳиссадорларнинг умумий йиғилишида ва бошқарув органларида муайян қарорларни қабул қилиш ёки бекор қилиш ҳуқуқини таъминловчи иштирокини билдиради.

ЎзРда Х.к. ва уларнинг шўъбалари акционерлик жамиятлари шаклида ташкил этилади. Х.к., ўз навбатида, бошқа компаниянинг шўъба корхонаси бўлиши мумкин. Х.к. инвестиция фаолиятини амалга ошириш, жумладан, ҳар қандай қимматбаҳо қоғозни харид қилиш ва сотиш ҳуқуқига эга. Х.к. ўзаро алоқадор корхоналарнинг яқинлашувига (кооперациясига) кўмаклашиш ва уларнинг келишилган инвестиция сиёсатини амалга оширишлари учун тузилади.

АҚШда тадбиркорлик фаолиятининг бундай шакллари банк соҳасида кенг тарқалган. Йирик банклар кичик банклар ҳамда саноат корхоналарининг акциялари ва бошқа қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш орқали ўз шўъба компанияларининг фаолиятини назорат қилиш имконига эга бўлади.

ХОЛИС — жиноят процессида иштирок этувчилардан бири. ЎзР ЖПКнинг 73-моддасида кўрсатилганидек, холис — суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун у ёки бу тергов ҳаракатларини ўтказишга жалб қилинадиган шахс. Қонун буйича тергов ҳаракатлари бошланишидан олдин суриштирувчи, терговчи холисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришлари лозим. Илмий-назарий жиҳатдан холисларни ишга жалб қилиш далилларнинг далиллик хусусиятларини сақлаб колишда катта аҳамиятга эга. Холис жиноят ишлари терговининг натижаларидан манфаатдор шахс бўлмаслиги лозим. Шунинг учун холислар жиноятга дахлдор шахслардан бўлмаслиги зарур.

ХОН (турк.) — ўрта асрларда ва янги даврда туркий ва мўғул унвони: қабила бошлиғи, ҳукмдор (Мўғуллар империясида улус бошлиғи) ва б.

ХОРИЖИЙ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН БОЖ ИМТИЁЗЛАРИ — маълум хорижий жисмоний ва юридик шахсларни қонунда белгиланган божхона режимини тартибга солувчи умумий қоидаларни бажаришдан қисман ёки тула озод этиш ёки ушбу шахсларга давлат ичида ўрнатилган қоидалар асосида ёхуд имтиёзлар бериладиган мамлакатнинг ҳудудида бундай имтиёзлар махсус кўрсатиб ўтилган халқаро шартномалар ва битимлар мавжуд бўлган асосга кўра бериладиган имтиёзлар. ЎзР БКнинг 117—126-моддаларига мувофиқ, божхона имтиёзлари хорижий давлатларнинг ваколатхоналари ва уларнинг ходимларига (дипломатик, консуллик), шунингдек, бошқа хорижий шахсларга (дипломатик ва консуллик курьерларига, хорижий давлатлар делегацияларининг аъзоларига, халқаро ҳукуматлараро ташкилотларга) берилади.

ХОРИЖИЙ ТОВАРЛАР — 1) хорижда ишлаб чиқилган товарлар; 2) ҳар қандай мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқилмаган товарлар тоифасига кирадиган маҳсулотлар (м-н, саноат моллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ҳ.к.).

ХУНТА (исп. — сўзма-сўз йиғин, бирлашма) — испанзабон мамлакатларда давлат ҳокимиятининг (революцион Х., диктаторлик Х.си), шунингдек, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва бирлашмаларнинг олий коллегиал органи.

ХУРАЛ — Монголиядаги, шунингдек, РФ таркибидаги бир қатор республикалар — Тува, Бурятиядаги ҳокимият вакиллик органларининг анъанавий номи.

ХУСУСИЙ АЖРИМ — ЎзР процессуал ҳуқуқида суд қарорининг алоҳида тури. У суд жараёнида вужудга келган ва кўриб чиқилаётган ишга алоқаси бўлмаган қонунбузарликларга суднинг акс таъсирини кўрсатади. Х.а. тегишли орган ва ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга жўнатилади, улар эса кўрилган чоралар ҳақида Х.а. нусхасини олган кундан бошлаб бир ой муддат ичида судга хабар беришлари шарт. Агар фуқаролик иши ёки шикоятни кўриб чиқиш пайтида суд мансабдор шахс ёки бошқа шахснинг ҳаракатида фуқароларнинг ҳуқуқини бузувчи ноқонуний ҳолатларни аниқласа, бу ҳақда прокурорга хабар қилади ёки жиноят иши қўзғатади. Суднинг жиноий иш қўзғатиш ҳақидаги Х.а. юзасидан хусусий шикоят берилиши мумкин.

ХУСУСИЙ АМАЛИЁТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ НОТАРИУС — юридик шахс. Ушбу масала ЎзРда «Нотариат тўғрисида» ги қонуннинг 9-м.да аниқ кўрсатилган. У ўз идорасига эга бўлиши, банкда ҳисоб-китоб варағи ва бошқа ҳисоб варақлари очиш, мулкий ҳамда шахсий номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш, ходимлар билан меҳнат шартномалари тузиш ва уларни тўхтатиш, тушган даромадни тасарруф этиш, судда ўз номидан қатнашиш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидир. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонунда белгиланган тартибда тузиладиган нотариал палатага бирлашишлари мумкин. Нотариус таътилга чиқиш ва давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақаларнинг барча турини олиш ҳуқуқидан фойдаланади. Нотариусга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тайинлаш ва тўлаш ҳамда унинг давлат пенсияси таъминоти амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

ХУСУСИЙ ДЕТЕКТИВ — қонунда белгиланган тартибда хусусий изқуварлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олган шахс. ЎзР Конституцияси 121-моддаси 1-бандига мувофиқ, Ўзбекистонда бундай фаолият ман этилган. Х.и. бор мамлакатларда (Европа, АҚШ, Россия ва б.) у қуйидаги вазифаларни бажаради: 1) процесс иштирокчилари билан тузилган шартнома асосида фуқаролик ишлари бўйича маълумотлар тўплаш; 2) бозорни ўрганиш, тадбиркорлик битимлари учун ахборот тўплаш; тўлов қувватига эга бўлмаган ёки ишончсиз ҳамкорликларни аниқлаш; 3) фирма белгилари ва номларини ноқонуний қўллашни, ноҳалол рақобатни ҳамда тижорат сири бўлган маълумотларни ошкор этишни аниқлаш; 4) баъзи фуқаролар билан меҳнат ёки бошқа шартномалар тузиши пайтида (уларнинг ёзма розилиги билан) улар ҳақидаги биографик ва бошқа шахсий маълумотларни аниқлаш; 5) бедарак йўқол-

ган фуқароларни излаш; 6) фуқаролар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар йўқотган мулкларни излаб топиш; 7) процесс иштирокчилари билан келишган ҳолда жиноят ишлари бўйича маълумотларни тўплаш. Изқуварлик фаолияти Х. д. машғулотининг асосий тури бўлиши керак. Уни давлат хизмати ёки жамоат бирлашмаларидаги сайлаб қўйиладиган иш ҳақи тўланадиган мансаб вазифаси билан қўшиб олиб бориш ман этилади. Хусусий изқуварлик фаолияти давомида фуқаролар ва мансабдор шахсларни сўроқ қилиш (уларнинг розилиги билан), маълумот олиш, предметлар ва ҳужжатларни (эгаларининг ёзма розилиги билан) ўрганиш, бинолар, уйлар ва объектларни ташқи кўздан кечириш, юқорида кўрсатилган хизмат) учун ахборот олишга рухсат этилади. Ҳаёт учун хавфли бўлган ҳолларда хизмат кўрсатиш зарур бўлганда, Х.д.га махсус воситалардан фойдаланишга рухсат берилади. Бу воситаларнинг тури, уларни олиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва олиб юриш тартиби ҳукумат томонидан белгиланади.

ХУСУСИЙ КОРХОНА — корхонанинг тарихан энг қадимги шакли. Сон жиҳатдан у ҳалиям кўп (м-н, АҚШда 10 млн.дан ортиқ Х.к.бор). Европанинг энг ривожланган (Германия, Франция, Буюк Британия, Италия) мамлакатларининг ҳар бирида бундай фирмалар 1-2 млн.ни ташкил қилади. Одатда, Х.к.нинг битта хўжайини бўлади. Оилавий корхона ҳам шунинг бир кўриниши. Чунки унда ҳам битта хўжайин бўлади. Х.к. якка ва якка-оилавий фирмаларни ўз ичига олади.

ХУСУСИЙ МУЛК — ЎзР қонунларида тан олинган икки мулк шаклидан бири. ЎзР Конститутцияси 53-моддаси 2-бандида: «Хусусий мулк, бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат томонидан муҳофаза қилинади», дейилган. ЎзР ФК 167-моддасида ҳам «ЎзРда мулк хусусий мулк ва оммавий мулк шаклларида бўлади», деб белгиланган. Мулкчилик ҳуқуқининг субъекти фуқаролар, юридик шахслар ва давлат бўлиши мумкин. «Ўзбекистон Республикасида хусусий мулк тўғрисида»ги 1990 йил 31 октябрь қонунининг қабул қилиниши билан миллий қонунчиликда узоқ муддатли танаффусдан сўнг хусусий мулкчилик институти қайта тикланди. (Бу қонунга 1993 й. 7 май, 1994 й. 23 сентябрь ва 1995 й. 5 майдаги қонунларда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди). Қ.: *Мулк ҳуқуқи.*

ХУСУСИЙ ТИББИЙ АМАЛИЁТ — тузилган шартномага кўра, тиббий ёрдам кўрсатувчи давлат муассасалари ва муниципал соғлиқни сақлаш муассасаларида ишламайдиган тиббиёт ходимларининг фуқароларнинг ўз маблағлари ҳисобидан ёки корхона, муассаса ва ташкилотлар, жумладан, суғурта тиббиёт ташкилотлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатишлари. Х.т.а. ЎзРнинг фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Х.т.а. билан шуғулланиш ҳуқуқига олий ва ўрта тиббий маълумот ҳақида дипломи, мутахассис сертификати ва танланган фаолият тури бўйича лицензияси бўлган шахслар эгадирлар. Х.т.а. билан шуғулланишга рухсатнома профессионал тиббиёт уюшмалари билан келишган ҳолда маҳаллий маъмурият томонидан берилади ва унинг ҳудудидагина амал қилади. Х.т.а. ёрдамининг сифатини профессионал тиббиёт уюшмалари ва маҳаллий маъмурият назорат қилади. Х.т.а. билан шуғулланувчи шахсларнинг фаолиятига бошқача тарзда аралашишга йўл қўйилмайди. Бундай аралашув қонунда бевосита кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно. Х.т.а. билан шуғулланишни

ман этиш Х.т.а. билан шуғулланишга рухсат берган орган ёки суднинг қарорига кўра бўлади.

ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ ФОНДИ — ЎзРнинг «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунига кўра: 1) фуқароларнинг мулки бўлган фонд: индивидуал уйлар, хусусийлаштирилган, қурилган ва сотиб олинган квартиралар, пули тўлиқ тўланган кооператив квартиралар, қонунда кўрсатилган бошқа ҳолларда сотиб олинган уйлар; 2) юридик шахслар мулки бўлган фонд, уларнинг маблагига қурилган ёки сотиб олинган уйлар, шунингдек, уй-қурилиш кооперативларининг тўлиқ тўланмаган уйлари.

ХУСУСИЙ ШИКОЯТ — ЎзР процессуал ҳуқуқида биринчи инстанциядаги суднинг ажрими ёки судьянинг якка қарори устидан шикоят. «Хусусий» атамаси шуни англатадики, шикоят суднинг ишдаги асосий масала (м-н, жиноят процессида — судланувчининг айбдорлиги ёки айбдор эмаслиги) бўйича қарорига эмас, балки суд ҳаракатлари ёки алоҳида бир масала бўйича чиқарилган қарор юзасидан келтирилади. Х.ш. судьянинг жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарори, даъво аризасини қабул қилишни рад этиш, жиноят иши қўзғатиш, суд мажлисида тартибни бузганлик учун жарима солиш ҳақидаги ажримлари юзасидан берилиши мумкин. Процесснинг барча иштирокчилари ва чиқарилган ажримлар тегишли бўлган бошқа шахслар (м-н, жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги аризаси рад этилган шахс — ЎзР ЖПК 507-м. 2-қ.) ажримлар юзасидан Х.ш. бериш ҳуқуқига эга. Х.ш. ҳукмга норозилик билдириш учун белгиланган тартибда ва муддатларда берилади. У кассация тартибидаги умумий қоидалар асосида кўриб чиқилади (ЎзР ЖПК 500-м.). Шунингдек, қ. Кассация, Кассация инстанцияси).

ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ — умумий манфаатларни тартибга солувчи ва муҳофаза қилувчи оммавий ҳуқуқдан фарқли ўлароқ хусусий манфаатларни ифодаловчи муносабатларни ифодаловчи ҳамда якка мулкдорлар ва бирлашмалар (корпорациялар)ни уларнинг мумкин фаолиятидаги ва шахсий муносабатларидаги мустақиллиги ва ташаббусига асосланган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ тармоқларини билдирувчи йиғма тушунча. Х.ҳ.нинг асосини мулкий ва уларга боғлиқ номулкий муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик ҳуқуқи ҳамда турли кўринишлардаги (савдо ҳуқуқи мавжуд давлатларда) савдо ҳуқуқи ташкил қилади.

ХУСУСИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК (лот.) — рим ҳуқуқида ҳуқуқ субъекти учун (оммавий ҳуқуқбузарлик ёки crimendан фарқли равишда) фуқаролик жавобгарлигини келтириб чиқарувчи ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракат. Мазкур хатти-ҳаракат алоҳида шахс, унинг оиласи ёки мулкига ушбу шахс ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита поймол этиш оқибатида зарар етказишдан иборат бўлиши мумкин. Бунда ушбу зарарни қоплаш мажбурияти юзага келади. Ҳуқуқларнинг поймол этилиши ўз навбатида, ғайриҳуқуқий хусусиятга эга бўлиши, ҳуқуқда белгиланган юридик чоралар туфайли юзага келмаслиги (масалан, ҳақиқий қарздорни судга мажбурий келтириш, бирор бир шахс жиноят содир этишга ҳаракат қилганда фойдаланган мулкни йўқ қилиш ва ш.к.) керак эди.

Фақат жисмоний шахсга зиён етказган жисмоний шахсгина Х.ҳ. (деликт) субъекти сифатида тан олиниши мумкин. Рим ҳуқуқининг муҳим хусусияти шунда эдики, бунда (ҳуқуқ нуқтаи назаридан) юридик шахсга

зиён етказиш мумкин эмас деб ҳисобланарди, бунинг устига деликт тушунчасида унинг субъекти юридик шахс (корпорация ва ш.к.) бўлиши мумкинлиги тан олинмас эди.

Деликт оқибатлари учун мутлақо шахсий ва шак-шубҳасиз жавобгарлик бўлган: «ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликдан ҳеч кимни озод қилиш мумкин эмас»лиги белгилаб қўйилган. Бундай муқаррар белги орқали мансабдор шахс ҳам деликт учун жавобгар эканлиги тушунилган. Бунда мансабдор шахснинг мансаб мажбуриятларини бажариш жараёнида ёки фуқаро сифатида қилмиш содир этганлигининг фарқи бўлмаган. Жавобгарлик шахсий мулкка дахлдор эканлиги ёки айбдор шахснинггина қандайдир ҳаракатлар қилишига (узр сўрашига ва ш.к.) олиб келганлиги маъносида якка хусусият касб этган.

ХУСУСИЙ ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИ — махсус рухсат (лицензия)га эга корхоналарнинг пулли шартнома асосида жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида хизмат кўрсатиши. Х.қ.х. кўрсатиш билан шуғулланаётган фуқароларга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи қонунлар жорий этилмайди. Қўриқлаш мақсадида қуйидаги хизмат турларини кўрсатишга рухсат берилади: 1) фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш; 2) мулкдорларнинг мулкларини қўриқлаш, жумладан, кўчириш пайтида; 3) қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш воситаларини лойиҳалаш, ўрнатиш ва ишлатиш бўйича хизмат кўрсатиш; 4) ноқонуний тажовузлардан сақланиш бўйича мижозларга маслаҳат бериш ва тавсиялар тайёрлаш; 5) оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойларда тартибни сақлаш. Корхоналарнинг қўриқлаш фаолияти ҳукумат тасдиқлаган давлат объектларига тааллуқли эмас. Қўриқлаш корхоналарининг қуролланган ҳолда мулкдорларнинг мулкини қўриқлашига ҳамда фуқароларнинг соғлиғи, ҳаёти, атроф-муҳитга таъсир кўрсатмайдиган техник ва бошқа воситалардан, оператив радио ва телефон хизматидан фойдаланишига рухсат этилади. Қўриқлаш корхоналари раҳбарлари ҳамда шахсий қўриқчиларнинг ўз фаолиятларини давлат ишлари билан, жамоат бирлашмаларидаги сайлаб қўйиладиган маошли мансаблар билан қўшиб олиб боришларига йўл қўйилмайди. Қўриқлаш хизмати кўрсатиш учун лицензия олган фуқарога бир вақтнинг ўзида унинг шахсини тасдиқловчи белгиланган намунадаги гувоҳнома ҳам берилади. Қўриқчилар қуролларининг тури, уларнинг қурол олиши, сақлаши ва олиб юриши ҳукумат томонидан тартибга солинади.

ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ — умумий манфаатларни тартибга солувчи ва муҳофаза қилувчи оммавий ҳуқуқдан фарқли ўлароқ хусусий манфаатларни ифодаловчи муносабатларни ифодаловчи ҳамда якка мулкдорлар ва бирлашмалар (корпорациялар)ни уларнинг мумкин фаолиятидаги ва шахсий муносабатларидаги мустақиллиги ва ташаббусига асосланган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ тармоқларини билдирувчи йиғма тушунча. Х.ҳ.нинг асосини мулкий ва уларга боғлиқ номулкий муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик ҳуқуқи ҳамда турли кўринишлардаги (савдо ҳуқуқи мавжуд давлатларда) савдо ҳуқуқи ташкил қилади.

ХУСУСИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК (лот.) — рим ҳуқуқида ҳуқуқ субъекти учун (оммавий ҳуқуқбузарлик ёки crimendан фарқли равишда) фуқаролик жавобгарлигини келтириб чиқарувчи ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракат. Мазкур хатти-ҳаракат алоҳида шахс, унинг оиласи ёки мулкига ушбу

шахс ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита поймол этиш оқибатида зарар етказишдан иборат бўлиши мумкин. Бунда ушбу зарарни қоплаш мажбурияти юзага келади. Ҳуқуқларнинг поймол этилиши ўз навбатида, ғайриҳуқуқий хусусиятга эга бўлиши, ҳуқуқда белгиланган юридик чоралар туфайли юзага келмаслиги (масалан, ҳақиқий қарздорни судга мажбурий келтириш, бирор бир шахс жиноят содир этишга ҳаракат қилганда фойдаланган мулкни йўқ қилиш ва ш.к.) керак эди.

Фақат жисмоний шахсга зиён етказган жисмоний шахсгина Х.ҳ. (деликт) субъекти сифатида тан олиниши мумкин. Рим ҳуқуқининг муҳим хусусияти шунда эдики, бунда (ҳуқуқ нуқтаи назаридан) юридик шахсга зиён етказиш мумкин эмас деб ҳисобланарди, бунинг устига деликт тушунчасида унинг субъекти юридик шахс (корпорация ва ш.к.) бўлиши мумкинлиги тан олинмас эди.

Деликт оқибатлари учун мутлақо шахсий ва шак-шубҳасиз жавобгарлик бўлган: «ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликдан ҳеч кимни озод қилиш мумкин эмас»лиги белгилаб қўйилган. Бундай муқаррар белги орқали мансабдор шахс ҳам деликт учун жавобгар эканлиги тушунилган. Бунда мансабдор шахснинг мансаб мажбуриятларини бажариш жараёнида ёки фуқаро сифатида қилмиш содир этганлигининг фарқи бўлмаган. Жавобгарлик шахсий мулкка даҳлдор эканлиги ёки айбдор шахснинггина қандайдир ҳаракатлар қилишига (узр сўрашига ва ш.к.) олиб келганлиги маъносида якка хусусият касб этган.

ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ — бир қатор ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, ҳуқуқнинг мустақил тармоғи бўлиб, унинг нормалари ишлаб чиқариш муносабатлари ва уларнинг давлат бошқарувини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади. XX асрнинг 20—50-йиллари давомида Х.ҳ. ғояси тарафдорлари Фуқаролик кодекси билан бир қаторда махсус Хўжалик кодексининг қабул қилиниши учун курашдилар. Бунда Фуқаролик кодексиниг роли жисмоний шахслар орасидаги муносабатларни тартибга солиш даражасида чеклаб қўйилиши лозим эди. Ҳозирги вақтда ЎзРнинг янги ФК қабул қилиниши муносабати билан Х.ҳ. тарафдорларининг нуқтаи назарлари бутунлай мағлубиятга учради. Чунки янги ФК тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш бўйича муносабатларнинг принципларини фуқаролик ҳуқуқий нормаларида мустаҳкамлаб қўйди. Амалиётда Х.ҳ. атамаси тадбиркорлик фаолияти ҳақидаги қонунларни ифодалаш учун кенг қўлланилади.

ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИ — ЎзР монополияга қарши қонунлари бўйича, Ўзбекистоннинг ва хорижий давлатларнинг тижорат ташкилотлари ва уларнинг бирлашмалари (уюшмалари ёки иттифоқлари), нотижорат ташкилотлари, шунингдек, якка тадбиркорлар (ЎзРнинг «Маҳсулот бозорларидаги монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги 1996 йил 27 декабрь қонуни).

ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ — тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасида тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартнома.

ХЎЖАЛИК ШИРКАТЛАРИ ВА ЖАМИЯТЛАРИ — ЎзР фуқаролик қонун ҳужжатларига кўра, муассис (иштирокчи)ларининг устав капитали улуши (ҳиссаси) бўйича бўлинган тижорат ташкилотлари. Муассислар (иштирокчилар) ҳисобидан яратилган, шунингдек, фаолияти давомида Х.ш.ва ж. томонидан ишлаб чиқарилган ва сотиб олинган мулк уларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. ЎзР ФКда

назарда тутилган ҳолларда, Х.ж. бир шахс томонидан яратилиши мумкин. Бу шахс мулкнинг ягона иштирокчиси ҳисобланади. Х.ш. *тўла ширкат ва ишонч асосидаги ширкат (коммандит ширкат)* шаклида бўлиши мумкин. Х.ж. акционерлик жамияти, масъулияти чекланган ёки қўшимча маъсулиятли жамият шаклида ташкил этилиши мумкин. Якка тадбиркорлар ва (ёки) тижорат ташкилотлари тўла ширкатлар иштирокчилари ва ишонч асосидаги ширкатлардаги тўла шериклар бўлишлари мумкин. Х.ж.да иштирокчи ва ишонч асосидаги ширкатларда омонатчи вазифасини фуқаролар ва юридик шахслар бажариши мумкин. Агар қонунда бошқача ҳол кўрсатилган бўлмаса, давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари Х.ж. иштирокчилари ва ишонч асосидаги ширкатларда маблағ қўювчи бўлишга ҳақли эмаслар. Агар қонунда бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, мулкдорлар томонидан маблағ билан таъминланаётган муассасалар мулкдорнинг рухсати билан Х.ж.нинг аъзоси ва ширкатларнинг омонатчилари бўлишлари мумкин. Қонунда фуқаролар алоҳида тоифасининг Х.ш.ва ж.да иштироки ман қилиниши ва (ёки) чекланиши мумкин (очиқ акционерлик жамиятлари бундан мустасно). Х.ш.ва ж.лар ЎзР ФК ва бошқа қонунларда назарда тутилган ҳоллардан ташқари ҳолларда бошқа Х.ш.ва ж.ларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишлари мумкин. Х.ш., шунингдек, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар акциялар чиқаришга ҳақли эмасдирлар.

ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҲУҚУҚИ — ЎзР ФКнинг 176-моддасида баён этилгандек — хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ихтиёрида мол-мулк бўлган унитар корхона бу мол-мулкка ушбу ФКда белгиланадиган доирада эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Хўжалик юритишида бўлган мол-мулкнинг эгаси қонунга мувофиқ корхона ташкил этиш, унинг фаолияти соҳасини ва мақсадларини аниқлаш, уни қайта ташкил этиш ва тугатиш масаласини ҳал қилади, корхона директори (раҳбари)ни тайинлайди, корхонага қарашли мол-мулкдан белгиланган мақсадларда фойдаланиши ва унинг сақланишини назорат қилади. Мулкдор корхонанинг хўжалик юритишида бўлган мол-мулкни ишлатишдан келган фойданинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга. Унитар корхона хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ўзига қарашли бўлган кўчмас мулкни мулкдорнинг розилигисиз сотишга, ижарага беришга, гаровга қўйишга, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг устав фондига ҳисса сифатида топширишга ёки бу мол-мулкни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли эмас. Корхонага қарашли бошқа мол-мулкни у мустақил тасарруф этади.

«Ц»

ЦЕНЗ (лот. — рўйхатдан ўтказаман) — 1) Қадимги Римда фуқароларни уларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳарбий ва қарамлик ҳолатини кўрсатган ҳолда рўйхатдан ўтказиш; 2) Ўрта асрларда Ғарбий ва Марказий Европада деҳқонлар қарамлиги, оброк; 3) Қ.: *Сайлов цензи;* 4) статистик рўйхатга олиш.

ЦЕНЗОР (лот.) — 1) ҳар 5 йилда консулярлар (собиқ консуллар)

ичидан 18 ойга сайланадиган Рим магистрати. Ц.нинг асосий вазифаси ценз ўтказиш ва отлиқлар ҳамда сенаторларнинг аввалги руйхатини тафтиш қилишдан иборат бўлган. Ц. руйхатдан номларни ўчириш ва уларга янгиларини киритиш ҳуқуқига эга бўлган. Шу тариқа Ц. фуқароларнинг ахлоқини тарбиялаш вазифасини ўз бўйнига олган эди. Бундан ташқари, Ц.нинг вазифасига давлат бюджети (солиқлар йиғими) ва давлат мулкини бошқариш ҳамда давлат қурилишлари — кўчалар, ибодатхоналар, шаҳарлар деворларини назорат қилиш ҳам кирган. Императорлар даврида Ц. вазифасини императорларнинг ўзлари бажарганлар; 2) *Цензурани* амалга оширувчи шахс.

ЦЕНЗУРА (лот. censura — давлат назорати) — ҳокимият томонидан зарарли деб топилган ғоялар ва маълумотларнинг тарқалишига йўл қўймаслик ёки чеклаб қўйиш мақсадида босма маҳсулотлар, саҳна асарлари ва ҳоказолар мазмун-мундарижаси устидан назорат ўрнатиш.

Ўз вазифасига кўра, Ц. бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Билвосита Ц. жаҳоннинг барча давлатларида мавжуд. У ахборот яратувчиларга турли (энг аввало, иқтисодий воситалар орқали) таъсир кўрсатишда ўз ифодасини топади. Билвосита цензуранинг турларидан бири ўз-ўзини цензура қилишдир, яъни ахборот яратувчининг ўзи цензор бўлади.

Бевосита Ц. ахборот яратиш ва тарқатиш жараёнига махсус давлат идорасининг очиқдан-очиқ аралашувини билдиради. Бундай идораларнинг ваколати давлат сирини ошкор қилмасликни назорат қилиш билан асослантирилади, урушни тарғиб қилиш, порнография тарқатиш кабиларни тақиқлайди ёки ҳукмрон тартибни ҳеч бир танқид қилишга йўл қўймаслик учун барча мавжуд ахборотни қамраб олади. Айни шундай цензура замонавий давлатларнинг кўпчилигида Конституция томонидан тақиқланади. Амалга ошириш усулига кўра дастлабки ва навбатдаги ц.га бўлинади. Дастлабки ц. китоблар чиқариш, саҳна асарлари қўйиш ва ш.к. ларда рухсат олиш заруратини назарда тутади. Навбатдаги ц. эса эълон қилинган нашрларни баҳолашдан иборат бўлиб, ушбу талабларни бузган шахсларга нисбатан ман этувчи ва чекловчи чораларни назарда тутади.

. ЎзР Конституциясига кўра, республикамизда цензурага йўл қўйилмайди (67-м.).

ЦЕНТРАЛИЗМ — қуйи турувчи ва маҳаллий органларнинг марказий ҳокимиятга бўйсунувчи бошқарув тизими.

ЦЕССИЯ (лот.) — 1) фуқаролик ҳуқуқида талабга ён босиш. Кредитор (цедент)нинг ўз талаб қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга *(цессионарийга)* беришини назарда тутади. Бунда ушбу шахс янги кредиторга айланади. ЎзР ҳуқуқига кўра, Ц. қонун ёки шартномага зид бўлмаса, шунингдек, ўтказилаётган талаб бевосита кредиторнинг шахси билан боғлиқ бўлмаса, у мумкин бўлади (м-н, алимент ҳуқуқи, соғлиқни йўқотиш ёки ҳаракат туфайли зарарни ундириш ҳуқуқини бировга ўтказиб бўлмайди). Цедентнинг цессионарий билан келишуви асосида амалга оширилади. Бу ҳақда қарздор огоҳлантирилади. Бунда унинг розилиги шарт эмас, чунки у худди олдинги ҳажмида қарздор бўлади ва янги кредиторга Ц.гача бўлган барча норозиликларини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади; 2) халқаро ҳуқуқда бир давлатнинг ҳудудини бошқа давлатга ўзаро келишув асосида бериши. Ц. тегишли компенсацияни назарда тутади. У турли шаклларда бўлиши мумкин. Бундан ташқари, тегишли давлатлар ўртасида Ц. тузиш-

ни халқаро шартнома кўзда тутади Бу шартнома халқаро ҳуқуқнинг барча талабларига жавоб бериши лозим.

ЦЕХ — 1) завод ёки саноат муассасасининг маълум маҳсулот ёки яримфабрикат (саноат Ц.) яратиладиган ёхуд ёрдамчи маҳсулотлар тайёрланадиган, хизмат кўрсатиш операциялари ўтказиладиган (ёрдамчи Ц.) асосий ишлаб чиқариш бўлинмаси; 2) Ўрта асрларда товарлар ишлаб чиқариш ва сотишда монопол мавқени жамоа бўлиб ҳимоя қилиш учун тузилган шаҳар ҳунармандларининг бирлашмалари.

ЦИРКУЛЯР (лот.) — 1) қонуности ҳужжатида тобе орган ва ташкилотларга қаратилган асосий директив кўрсатма; 2) тадбиркорликда савдо ташкилотлари жўнатадиган хабарнома; 3) шартнома иштирокчиларидан бирининг бошқасига қарзи ҳисобидан бериладиган пул маблағи.

ЦИРКУЛЯР НОТА — халқаро ҳуқуқда бир давлатнинг бирданига бир неча давлатларга қилган расмий дипломатик ёзма мурожаати.

«Ч»

ЧАЛҒИТУВЧИ ИЗЛАР — жиноят қидирув органларининг жиноятчини излашда хато хулосаларга келишига мажбур этувчи излар қолдириш.

ЧАРТЕР — халқаро савдо денгизчилиги ва ҳаво алоқасида юк, йўловчилар, багажларни ташиш шартномасининг тури, *фрахт шартномасининг* синоними. Ч. шартномасига кўра, бир томон (фрахтчи) бошқа томон (фрахт қилувчи)га ҳақ эвазига бир ёки бир неча транспорт воситасини бир ёки бир неча рейсда тўлалигича ёки қисман бериш мажбуриятини олади. Ч. шартномасида томонлар, номи денгиз (ҳаво) кемасининг тури, фрахт мақсади, ташиладиган йўловчилар, багаж, юклар, почтанинг энг кўп миқдори, фрахт учун тўлов ҳажми, жўнаш жойи ва вақти, ҳаво кемасининг бориш жойи кўрсатилган бўлиши керак. Ч. шартномасига бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин. Ч. ҳақидаги қоидалар ЎзР ФКда ҳамда ЎзР Ҳаво кодексида бор (қ.: *Транспорт воситасини экипажи билан ижарага бериш шартномаси*).

ЧАҚИРИБ ОЛИНМАЙДИГАН КРЕДИТ — барча манфаатдор томонларнинг розилигисиз шартлар ўзгартирилиши мумкин бўлмаган кредит.

ЧАҚИРИШ МУДДАТИНИ КЕЧИКТИРИШ — ЎзРнинг 1992 йил 3 июлдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунининг 17-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг оилавий шароити, саломатлигининг ёмонлашганлиги муносабати билан ўқишни давом эттиришлари учун туман (шаҳар) чақирув комиссиясининг қарорига биноан амалга оширилади. Қуйидаги чақирилувчиларнинг чақириш муддати оилавий шароитга кўра узайтирилади: а) чақирилувчининг отаси ва онаси ёки улардан бири меҳнатга қобилиятсиз бўлиб, улар билан бирга ёки айрим ҳолда истиқомат қилишидан қатъи назар, ўзлари боқиши шарт бўлган бошқа меҳнатга қобилиятли ўғли бўлмаса; б) чақирилувчининг меҳнатга қобилиятли онаси ёлғиз бўлиб, унинг 16 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлса-ю, истиқомат жойидан қатъи назар, амалдаги қонунларга мувофиқ онасига моддий ёрдам кўрсатиши шарт

бўлган меҳнатга қобилиятли бошқа болалари бўлмаса; в) чақирилувчининг бир фарзанди бўлиб, уни ёлғиз ўзи тарбиялаётган бўлса; г) чақирилувчининг икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлса ёки хотини I ва II гуруҳ ногирони бўлса. Ўрта умумий таълим, ҳунар техника билим юртлари, кундузги диний ўрта ўқув юртларида таҳсил кўраётган чақирилувчиларнинг чақириш муддати — тўлиқ умумий таълим олгунларига қадар, лекин кўпи билан 21 ёшгача, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ўқув юртларида таълим олаётган студентларга ҳамда кундузги диний олий ўқув юртларида таҳсил кўраётган фуқароларга чақириш муддати — ўқув юртини битиргунларига қадар, таълим олишни давом эттиришлари мақсадида узайтирилади.

ЧЕГАРА ХИЗМАТИНИ ЎТАШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ — ЎзР жиноят қонунчилигида кўрсатилган бўлиб, чегарачилар наряди таркибида бўлган шахснинг чегара хизматини ўташ қоидаларини бузиши чегаранинг дахлсизлигига зарар етказиши мумкин бўлса, хизмат бўйича чеклаш ёки қамоқ ёхуд интизомий қисмга юбориш ёки озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша қилмиш: а) қонунга хилоф равишда чегарадан ўтишга; б) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Мазкур жиноят ЎзР ЖКнинг 94-м.да кўрсатилган бўлиб, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар жумласига киради.

ЧЕГАРАГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ — етказиб беришнинг ушбу шарти бўйича сотувчи товарни чегарадаги келишилган жойда, олди-сотди шартномасида белгиланган кун ёки муддатда харидорнинг ихтиёрига ўз ҳисобидан етказиб бериши, товарни экспорт қилиш учун зарур расмий талабларни бажариши, товарни харидорга чегарада бериш пайтигача бўладиган барча хавфларни ўз зиммасига олиши шарт. Бу шарт товарлар темир йўл бўйича ёки автотранспортда ташилганда қўлланилади. Бироқ Ч.е.б. бошқа турдаги юк ташишлар учун ҳам қўлланилиши мумкин.

ЧЕГАРАЛАР ДЕМАРКАЦИЯСИ (фр. demarcation) — давлат чегараси чизиғини *чегарани делимитациялаш* ҳақидаги шартномалар ва уларга илова қилинган хариталар ва тавсифларга мувофиқ жойда аниқлаш ва белгилаш. Демаркацияни бунинг учун атайин тузилган чегара чизиғининг жойдаги аниқ ўрнини аниқлаб, демаркация қилинадиган чегарани тавсифлаш баённомасини, чегара белгиланган харитани, шунингдек, ҳар бир чегара белгисига баённома ва ҳар бир белгининг крока-схемасини тузадиган аралаш комиссия амалга оширади. Иш жараёнида комиссиялар илгари шартномада белгиланган ва унга илова қилинган харитада тасвирланган чегара чизиғига баъзи бир аниқликлар киритиши мумкин. Жойлардаги давлат чегараси чизиғи чегара белгилари билан белгиланади. Аралаш комиссия имзолаган демаркация ҳужжатларини шартнома томонларининг ҳар бири имзолаши керак. Бу ҳужжатлар уларнинг тасдиқланганидан хабар берувчи ҳужжатлар алмашинган пайтда кучга киради.

ЧЕГАРАЛАРНИ ДЕЛИМИТЛАШ — давлат чегараси чизиғини хариталар, одатда йирик масштабли хариталар бўйича, уларда рельефни, гидрографияни, аҳоли яшайдиган объектларни батафсил акс эттириш йўли билан амалга ошириладиган шартнома орқали белгилаш. Делимитлаш чоғида шартлашаётган томонлар харитадаги чегара чизиғини

муфассал изоҳлар билан таъминлайдилар. Давлат чегараси чизиғи белгиланган харита одатда имзоланади ёки парафирланади, шартлашувчи томонларнинг гербли муҳри билан тасдиқланади ва Ч.д. ҳақидаги шартноманинг таркибий қисми бўлади. Чегара ҳақидаги қоидалар чегара тўғрисидаги шартноманинг моддаларидан бирида ёки ушбу шартноманинг иловасида баён этилади. Ч.д. ҳақидаги шартнома ратификация қилиниши лозим ва ратификация ёрлиқлари алмаштирилганидан сўнг кучга киради. Ч.д. ҳақидаги шартномада томонларнинг *чегара демаркациясига*, яъни уни жойнинг ўзида белгилашга доир мажбуриятлари ифодаланади, бунинг учун томонлар оқилона вақт мобайнида аралаш комиссиялар тузиш мажбуриятини оладилар.

ЧЕГАРАЛАРНИ ҚУРОЛСИЗЛАНТИРИШ — халқаро шартнома асосида одатда давлат чегарасига ёндош ҳудуддан ҳарбий кучларни олиб чиқиб кетиш, бу ердаги ҳарбий истеҳкомлар ва бошқа объектларни йўқ қилишни назарда тутувчи термин. Ч.қ. тўла ёки қисман бўлиши мумкин.

ЧЕГАРАЛАРНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ — давлат мустақиллиги амал қилувчи ҳудудни давлат чегараси билан белгиланганлиги ва уларга тажовуз қилиш тақиқланганлигини билдирувчи халқаро ҳуқуқ принципи. Чегараларни бузиш давлат мустақиллигига тажовуз қилишни билдиради. Давлат чегараларини мажбуран ўзгартириш халқаро ҳуқуқ томонидан тақиқланган аннексиядир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида қайд қилинган чегараларнинг дахлсизлиги ЎзР ташқи сиёсатининг асосий принципидир.

ЧЕГАРАЛАРНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ ПРИНЦИПИ — ҳар бир давлатнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилишни билдиради. Мазкур принципга асосан давлатлар умумий чегараларни, ҳамда бошқа давлатлар чегараларини дахлсиз деб билишади. Улар бошқа давлатлар ҳудудини ёки унинг бир қисмини босиб олиш ёки қонунга хилоф тортиб олишдан ўзларини сақлашни ўз зиммаларига оладилар. Бу айрим давлатлар орасида ҳудудларга тегишли даъволар бўлмайди деган маънони англатмайди, балки чегара масалалари халқаро ҳуқуққа мувофиқ тинч музокаралар йўли билан ҳал қилиниши лозим, деганидир. Чегараларнинг дахлсизлиги принципи умумбашарий хусусиятга эга ва барча қитъаларда қўлланилиши лозим. Бу эса ўз навбатида халқлар орасида тинчликни мустаҳкамлайди.

ЧЕК — чек берувчининг чекда кўрсатилган суммани тўлаш ҳақида банка ҳеч қандай шарт қўйилмаган топшириғи мавжуд бўлган қимматли қоғоз. Ч. буйича тўловни фақат чек берувчи чекни тақдим этиш орқали тасарруф этишга ҳақли бўлган маблағлари сақланаётган банкгина амалга ошириши мумкин (ЎзР ФК 807-модда). Чекни у кўрсатилган муддатгача қайтариб олишга йўл қўйилмайди. Ч. бериш пул мажбуриятини бажариш вазифасидан халос этмайди, аксинча, у айнан шу мақсадда берилади. Чекдан фойдаланиш тартиби ва шартлари ЎзР ФК билан тартибга солинади. У билан тартибга солинмаган қисми эса бошқа қонунлар ҳамда уларга асосланган банк қоидалари билан тартибга солинади. Чек қуйидагиларга эга бўлиши керак: 1) ҳужжатнинг матнига киритилган «чек» деган ном; 2) муайян пул суммасини тўлаш ҳақида тўловчига топшириқ; 3) тўловчининг номи ва тўлов қайси ҳисобварақдан амалга оширилиши кераклиги; 4) тўлов валютаси; 5) чек тузилган сана ва жой; 6) чек берувчи шахснинг имзоси. Кўрсатилган реквизитлардан бирортаси бўлмаса, чек ўз кучини йўқотади.

Тузилган жойи кўрсатилмаган Ч. чек берувчи жойлашган ерда имзоланган ҳисобланади. Фоизлар ҳақидаги топшириқ ёзилмаган ҳисобланади. Ч. шакли ва уни тўлдириш тартиби қонун ва унга мувофиқ тарзда тузилган банк қоидалари билан белгиланади. Ч. бўйича пул чек берувчининг маблағлари ҳисобидан тўланади. Маблағлар депонентланадиган бўлса, Ч.ни қоплаш учун маблағларни депонентлаш тартиби ва шартлари банк қоидалари билан белгиланади. Ч. бўйича пул қонунда кўрсатилган муддатлардагина тўланади. Ч. бўйича пул тўловчи шахс Ч.нинг ҳақиқийлигига ва уни тақдим этган шахснинг бунга ваколатли эканлигига барча воситалар билан ишонч ҳосил қилиши шарт. Индоссалашган Ч.ни тўлашда тўловчи индоссаментларнинг тўғрилигини текшириб кўриши шарт (индоссантларнинг имзосини эмас). Қалбаки ўғирланган, йўқотилган чекларни тўлашдан кўрилган зарар ё тўловчига, ё чек эгасига юклатилади. Бу зарар кимнинг айби билан юзага келганлигига боғлиқ. Чекни тўлаган шахс тўловчи олганлиги ҳақида тилхат ифодаланган Ч.ни беришни талаб қилишга ҳақлидир. Чек бўйича тўлов авал воситасида тўла ёки қисман кафолатланиши мумкин.

ЎзР ФК эгасининг номи ёзилган ва ўтказма чекларни назарда тутган. Эгасининг номи ёзилган чек бировга берилмайди. Ўтказма чекда пул тўловига қилинган индоссамент тўловни олганлик учун тилхат ҳуқуқига эга бўлади. Тўловчи амалга оширган индоссамент ҳақиқий эмас. Агар индоссамент бўйича олинган ўтказма чекка эга бўлган шахс ўзининг ҳуқуқини узлуксиз индоссаментлар билан асослаб берса, у ўтказма чекнинг қонуний эгаси ҳисобланади.

ЧЕК БЛАНКИ — чек ёзиб бериш учун босмахона усулида тайёрланган ҳужжат шакли. Ч.б. мажбурий реквизитларга эга бўлиши керак: матнга киритилган «чек» номи; тўловчига маълум суммани тўлаш тўғрисидаги кўрсатма; тўлов ўтказилиши керак бўлган ҳисобварақ номери ва тўловчининг номи; тўлов амалга ошириладиган валюта; чек тузилган жой ва сана; чек берувчининг имзоси, агар чекни юридик шахс берган бўлса, муҳр ҳам. Реквизитлар қўлда ёки техник воситалар ёрдамида ёзилиши мумкин.

ЧЕК ДАФТАРЧАСИ — чек формулярларининг тикилган блоки. Омонатчига у ўз ҳисобварағини очганда берилади. Мижоз бу дафтарча билан фақат пул олишигина эмас, балки бошқа жисмоний ва юридик шахслар билан бевосита ҳисоб-китоб ҳам қилиши мумкин. Одатда, чеклар босмахона усулида, махсус қогозларда тайёрланиб, рақамланадиган махсус бланкларда расмийлаштирилади. Банк чекларидан фарқли равишда, улар «чек дафтарчасидан олинган чеклар» деб аталади.

ЧЕКЛАНГАН ШАРҲ — ҳажм бўйича шарҳлашнинг бир тури. Ч. ш.да қонун ёки ҳуқуқий нормага, унинг матнида кўрсатилганига қараганда торроқ маъно бериш зарурияти аниқланади.

ЧЕКЛАР ИНКАССАСИ — чекларни ёзиб берувчи шахслар ҳисобидан чекларни олувчилар ҳисобига пул ўтказиш.

ЧЕКЛОВЧИ ШАРҲЛАШ — ҳуқуқ нормаларининг сўзда ифодаланган мазмуни уларнинг асл маъносидан кенгроқ бўлган ҳолларда уларни шарҳлаш.

ЧЕРКОВ (юн. — том маънода, худонинг уйи) — 1) насронийларнинг ахлоқ, одат, диний принциплар, диний тизимлар асосидаги бирлашмаси; шунингдек, руҳонийлар ва муридлардан ташкил топган ташкилот. Ч.

учун диний ғояларнинг умумий тизими, улардан келиб чиқадиган илоҳий ва илоҳий бўлмаган фаолият (кейингиси диний ва нодиний бўлиши мумкин), қоидалар ва маънавий қадриятларнинг, шунингдек, улар асосида амал қилувчи ва диндорлар ҳаётининг турли томонларини уларнинг давлат, ҳуқуқ ва сиёсатга муносабатидан тортиб никоҳдаги интим муносабатларигача тартибга солувчи институтлар йиғиндиси; 2) христиан диний биноси.

ЧЕРКОВ ҲУҚУҚИ — черков билан бошқарадиган ҳуқуқ. Турли даврларда бу ҳуқуқ ҳажми турлича бўлган. Феодализм даврида Ғарбий Европа черков (теократия) давлатларида Ч.ҳ.га фақат черков ўз ички ҳаётини тартибга солган ҳуқуқий нормаларгина эмас, балки, шунингдек, диндан узоқ бўлган (м-н, қариндошлар, эр-хотинларнинг мерос ҳақидаги баҳслари, болаларнинг ота-онасига муносабати, никоҳ, феодал жамиятдаги тартибга, шахсга қарши жиноятларга доир) масалалар, бир қатор давлат, фуқаролик ва жиноий ҳуқуқий нормалар ҳам кирган. Айниқса, инквизиция ҳатто христиан бўлмаган аҳолига ҳам дахл қилувчи кенг юрисдикцияга эга бўлган. Византияда Юстиниан императорлиги давридаги қонунлардаёқ епископлар ва черков судлари ваколатига давлат-маъмурий, суд, фуқаролик, ҳуқуқий ва молиявий хусусиятга эга бир қатор масалалар бериб қўйилган. Буржуа инқилобларидан кейинги даврда Ч.ҳ.нинг ҳажми кескин қисқарди ва фақат черков ички ҳаётини тартибга солувчи нормаларгина қолди.

ЧЕРКОВ НИКОҲИ — черковда диний анъаналар бўйича тузилган никоҳ.

ЧЕТ ЭЛ БАНКИ — хорижий давлат ҳудудида рўйхатга олинган ва қонунчилиги бўйича шундай деб тан олинган банк.

ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АЙЛАНМА НАРХЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ — чет эл валютасининг мазкур давлатнинг валютасига алмашув курсларини, мутаносибликларини мавжуд иқтисодий шароитлар, амалдаги қонунчилик нормалари ва юзага келган амалиётни ҳисобга олган ҳолда белгилаш.

ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИ — чет эл валютаси жумласига: тегишли ажнабий давлатда муомалада бўлган ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланган банкнот кўринишдаги чет эл пул бирликлари, шунингдек, муомаладан чиқарилган ёки чиқарилаётган, аммо Ўзбекистон Республикаси пул белгиларига алмаштирилиши лозим бўлган пул бирликлари; счётларда ва омонатларда бўлган хорижий давлатларнинг пул бирликларидаги ва халқаро ҳисоб-китоб бирликларидаги маблағлар киради. (Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунининг 1-моддаси.)

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ — ЎзРнинг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасига кўра, чет эллик инвесторлар асосан, даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад ЎзР ҳудудида Ч. э. и. деб аталади. Ушбу қонунда тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига чет эллик инвесторлар томонидан реинвестиция тариқасида қўшиладиган даромад деганда ЎзРда инвестиция-

лашдан олинган ҳар қандай маблағ, шу жумладан, фойда, фоизлар, дивидендлар, роялти, лицензия ва комиссион мукофотлар, техникавий ёрдам, техник хизмат кўрсатиш учун тўловлар ва бошқа шаклдаги мукофот пуллари тушунилади. Давлат ЎзР ҳудудида чет эллик инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишлари чоғида уларнинг барча ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилади.

ЧЕТ ЭЛ ТОВАРЛАРИ — 1) чет элда ишлаб чиқарилган товарлар; мазкур мамлакатдан ташқарида эркин муомалага чиқарилган товарлар; 2) «мамлакатда ишлаб чиқарилган» тоифасига кирмайдиган ҳар қандай товарлар.

ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ (ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР) — мазкур давлатнинг фуқароси бўлмаган ва бошқа давлатнинг фуқароси эканлиги тўғрисида тегишли далиллари бўлган шахслар. Ч.э.ф.нинг ҳуқуқий ҳолати ўз давлатининг миллий қонунчилиги ва тузилган халқаро шартномалар ҳамда келишувлар билан белгиланади. Миллий қонунчилик Ч. э. ф.нинг бир неча тоифаларини (давлатнинг ҳудудида доимий яшовчи, давлатда вақтинча бўлувчи, дипломатик дахлсизликка эга бўлган, қочоқ бўлган чет эл фуқаролари) ажратади, уларнинг ҳар бирининг ҳуқуқий ҳолати ўз хусусиятларига эгадир.

ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТОРЛАР — ЎзРнинг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасига кўра, ЎзРда Ч.э.қ.и.лар қуйидагилар бўлиши мумкин: чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари; давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар; чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар; чет эл давлати фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган ЎзР фуқаролари.

Улар инвестицияларни қуйидаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин: ЎзРнинг юридик ва (ёки) жисмоний шахслари билан биргаликда ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш; чет эллик инвесторларга тўлиқ қарашли бўлган хўжалик жамиятлари ва ширкатларини, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш; мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни, шу жумладан, ЎзР резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини сотиб олиш; интеллектуал мулкка, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хауга, шунингдек, ишчанлик нуфузига (гудвиллга) ҳуқуқлар киритиш; концессиялар, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессиялар олиш; савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жой биноларига улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда мулк ҳуқуқини, шунингдек, ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш (шу жумладан, ижара асосида фойдаланиш) ҳамда табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш орқали ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа шаклларда ҳам амалга оширишлари мумкин.

ЧОРВАЧИЛИК ШИРКАТЛАРИ — матлубот ширкатларининг бир тури. Улар чорвачилик ва ўсимлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича кенг кўламли хизмат кўрсатиш учун ташкил этилади.

ЧЎКИБ ЎЛИШ — суд тиббиётида суюқ муҳитда, масалан, сув, мой, шалтоқ ва бошқаларда асфиксия натижасида юз берадиган ўлим шакли. Ч.ў.нинг давомийлиги 3—5 минут. Ч.ў. натижасида юз берган ўлимни фақат сувдан чиқариб олинган «янги» мурдадагина қайд этиш мумкин. Ушбу ўлимнинг классик белгиларига оғиз ва бурун атрофидаги майда пуфакчали кўпик, ўпкаларнинг қовурғалар излари қолган ҳолда кескин катталашиши (шишиши), ўпка пардаси остига қон қуйилиши киради.

«ЧЎНТАК» ВЕТОСИ — АҚШнинг конституциявий амалиётида баъзи ҳолатларда Президент ўзига ноқулай бўлган қонун лойиҳасининг кучга киришига йўл қўймаслик учун ишга соладиган алоҳида усул. АҚШ Конституциясига мувофиқ, Президент конгресс томонидан тақдим қилинган қонун лойиҳасини 10 иш куни давомида маъқуллаши ёки рад қилиши зарур. Агар қонун лойиҳаси Президентга конгресс сессияси тугашига 10 кундан кам вақт қолганда келиб тушса, Президент қонун лойиҳасини сессия ёпилгунича (у бўйича ҳеч қандай қарор қабул қилмасдан) ушлаб туриши мумкин, шундан кейин қонун лойиҳаси дисконтинуитет қоидасига мувофиқ рад қилинган, деб ҳисобланади.

«Ш»

ШАЙХ (араб. — кекса, оқсоқол, қабила бошлиғи) — ислом дини тарқалган мамлакатларда аввал билимдон кишилар, олимлар, сўнгра руҳонийлар, уламолар, фақиҳлар, кейинчалик тасаввуф тариқатидаги пирлар, эшонлар, муқаддас жойларнинг мутасаддилари ҳам шайх деб юритилган. Арабларда исломдан илгари уруғ, қабила бошлиқлари, катта оила оқсоқоллари шайх деб аталган. Мусулмон араб мамлакатларида ҳозир шайх олий диний мактабларнинг мударрислари ва йирик уламоларнинг унвони сифатида ҳам қўлланилади.

ШАЙХУЛ-ИСЛОМ — баъзи мамлакатларда ислом ташкилотлари ёки мусулмонлар жамоасининг бошлиғи, олий руҳоний унвони. Бухоро амирлиги, Туркия (XVI асрдан 1924 йилгача) ва бошқа давлатларда шайхул-ислом — энг олий диний лавозим бўлган. Бундай лавозим ва унвон хорижий Шарқ мамлакатларининг баъзиларида учрайди. Кавказорти шиа мусулмонлари диний бошқармасининг раҳбари шайхул-ислом унвонига эга.

ШАНТАЖ (фр.) — шантаж қилинаётган шахсга бирор хатти-ҳаракатни қилдириш мақсадида кўпинча ўйлаб топилган маълумотларни ошкор қилиш, шарманда қилувчи маълумотларни фош этиш билан қўрқитиш. ЎзР жиноят ҳуқуқига кўра, Ш. алоҳида жиноят эмас, балки бошқа жиноятларни амалга ошириш воситасидир.

ШАРИАТ (араб. — тўғри йўл) — ислом ҳуқуқ тизими. Унда соф ҳуқуқий масалалардан ташқари ахлоқий қоидалар ва амалий диний талабларга ҳам қонун туси берилган. Илк Исломда жамиятни ҳуқуқий бошқариш Қуръон асосида олиб борилган. Кейинроқ мусулмонларнинг

барча ижтимоий-иқтисодий, диний фаолиятини қамраб олувчи қонунлар мажмуасига эҳтиёж туғилган. Ислом ҳуқуқшунослари бир неча аср мобайнида шариат қоидаларини ишлаб чиққанлар. Шариатга Қуръон, сунна, ижмоъ ва қиёс асос қилиб олинган. Улар шариат манбалари деб эътироф этилган. Шариат ҳуқуқий тизим сифатида XI—XII асрларда тугал шаклланган. Исломда суннийлик ва шиаликдаги шариат тизимлари ўртасида маълум тафовутлар бор. Суннийликда ҳанафия, моликия, шофиъия ва ҳанбалия мазҳабларининг, шиаликда эса жаъфария мазҳабининг ўзига хос ҳуқуқий тизими мавжуд. Шариатда давлат (халифалик) ҳуқуқи қоидалари, мажбурият, мерос, жиноят, жазо ва оила-никоҳ ҳуқуқи, шунингдек, суд юритиш, васийлик кўрсатмалари ва барча ахлоқ-одоб нормалари берилган. Шариат хусусий мулкни худо томонидан белгиланган, доимий ва ўзгармас деб ҳисоблайди. Шариатда барча хатти-ҳаракатлар дастлаб икки тур — ҳаром ва ҳалолга ажратилган. Кейинчалик беш тоифа вужудга келган, шариат муомалага лаёқатли мусулмоннинг хатти-ҳаракатларини беш мезон асосида баҳолайди: *биринчидан*, бажарилиши ғоятда муҳим ва қатъий мажбурий ҳисобланган хатти-ҳаракатлар (фарз ё вожиб). Масалан, намоз ўқиш, закот бериш. Бу ҳаракатлар фарз бўлгани сабабли алоҳида қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни талаб қилмайди; *иккинчидан*, бажарилиши яхши ҳисобланиб тавсия қилинадиган хатти-ҳаракатлар (суннат ё мустаҳаб). Бундай хатти-ҳаракатларнинг бажарилиши қатъий мажбурий бўлмаса-да, уларни бажариш маъқул ҳисобланади, рағбатлантирилади. Масалан, уйланиш, садақа бериш; *учинчидан*, рағбатлантирилмайдиган ва уни бажармаслик гуноҳ ҳисобланмайдиган ихтиёрий хатти-ҳаракатлар (мубоҳ ё жоиз). Масалан, битим, савдо шартномалари тузиш, сафар қилиш, емоқ, ичмоқ ва бошқалар; *тўртинчидан*, жазога тортилмайдиган, аммо номаъқул ҳисобланадиган хатти-ҳаракатлар (макруҳ). Масалан, сўзлашув жараёнида сўкиниш, нуроний, ёши улуғ кишиларнинг ҳурматини ўрнига қўймаслик, сувларни ифлослаш, ҳайвонларга ҳаддан ортиқ юк ортиш; бешинчидан, қатъий равишда тақиқланган хатти-ҳаракатлар (ҳаром). Бундай хатти-ҳаракатлар учун гуноҳкорлар жуда қаттиқ жазоланадилар. Бунга ҳаром луқма, масалан, чўчқа гўштини истеъмол қилиш, ароқ ичиш, одам ўлдириш сингари ҳаракатлар мисол бўлади.

Шариат жиноят учун қатъий, шафқатсиз чораларни кўзда тутади. Масалан, Қуръонда (5-сура, 42-оят) ўғрилик қилгани учун ўғриларнинг қўли кесилиши лозимлиги айтилади. Шунингдек, гуноҳкорларни аниқ белгиланган миқдорда дарра билан уриш чоралари ҳам тилга олинади. Диндан қайтиш, талончилик, қасддан одам ўлдириш сингари жиноятлар учун шариат ўлим жазосини кўзда тутади.

Шариат — ҳозирги замон дунёсининг энг йирик ҳуқуқий тизимларидан бири бўлиб қолмоқда ва у оила, жамият, давлат миқёсидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қоидаларни ўз ичига олган. Шариат — мусулмон киши учун дунёга келишидан то ўлишигача юриш-туришини белгиловчи қоидалар тўпламидир.

Шариат асосан маънавий-ахлоқий ҳуқуқ. Шариат кўпдан-кўп ёзма ва оғзаки диний, маданий, ахлоқий, ҳуқуқий, маҳаллий урф-одат ва анъаналар таъсири остида шаклланган. Шариат ҳуқуқий тизим сифатида тахминан XI асрда ўзининг ҳозирги такомил даражасига етиб борган.

Шариат илмлари. Шариат тўққизта фанни ўз ичига олади: 1) *илм ат-*

Тасфир — Қуръони каримни ўрганувчи фан; 2) *илм ул-Ҳадис* — Пайғамбаримиз Муҳаммад С.А.В. ҳадисларини тўпловчи ва ўрганувчи ҳадисшунослик фани; 3) *илм ул-Калом ёки усул ад-Дин* — диннинг ғоявий-назарий асосларини ўрганувчи фан; 4) *илм усулул-Фиқҳ* — фиқҳ манбалари ва асосларини ўрганувчи фан; 5) *илм ул-Фиқҳ* — фиқҳ тармоқлари, амалий фиқҳ ҳақидаги фан; 6) *илм ул-Фароиз* — марҳум мулкларининг унинг меросхўрлари ўртасидаги тақсимоти ҳақидаги фан; 7) *илм ут-Тажвийд* — Қуръондаги оятларни тўғри ўқиш қоидаларини ўрганувчи фан; 8) *илм ул-Қироат* — Қуръон оятлари қайси қорилар орқали қандай ривоят қилиб ва қандай ўқилиб келгани ҳақидаги фан; 9) *араб тили ва адабиёти* ҳам шариат илмларига киритилган. Чунки усиз Қуръонни ўрганиш мумкин эмас.

Шариат илмлари нимадан иборат деганда, исломнинг буюк мутафаккири Абдураҳмон ибн Халдун (1332—1406 йиллар)нинг машҳур асари бўлмиш «Ал-Муқаддима»да келтирилган фикрлар диққатга сазовордир. У башарий илмларни икки қисмга бўлган: *биринчиси*, инсон тафаккури йўли орқали эришиладиган табиий илмлар ва, *иккинчиси*, нақл (ривоят қилиш) орқали эришиладиган илмлардан иборат бўлиб, инсонлар уни асосчисидан, Яратганнинг ўзидан оладилар. Биринчи қисм ҳикмат ва фалсафага мансуб илмлар номи билан аталиб, инсонлар уларни турли мавзулар ва мисолларга доир далиллар орқали қўлга киритадилар. Иккинчи қисм нақлий ва вазъий илмлар номи билан аталиб, хабарлар (ҳадислар) орқали шариат асосчиларидан нақл ва ривоят этилади. Бу илмлар (асосий қоидалари) ҳақида ақлни ишга солиб, фикр юритиш мумкин эмас. Фақатгина уларга боғлиқ бўлган фаръий (жузъий) масалаларни қиёс орқали белгилаб олиш мумкин. Бу эса шаръий (шариатга мансуб) илмлар ва уларни ўзлаштириш учун бизга ёрдам берадиган илмлардан иборатдир. Мазкур фанлар «ақлий» ва «нақлий», «маъқул» ва «манқул» илмлар деб ҳам юритилган.

Шариат илмлари ислом дини ва унга боғлиқ бўлган масалаларни қамраб олган. Мазкур илмлар қироат илми, тафсир илми, ҳадис илми, фиқҳ илми ва унинг фаръий (жузъий) қисмлари ҳамда калом илмидан иборатдир.

Шариат илмлари ва уларнинг турлари ислом дини бўйича ҳам ақидавий (ғоявий), ҳам ҳуқуқий мазҳабларнинг асосий негизи ҳисобланган.

ШАРМАНДА ҚИЛУВЧИ МАЪЛУМОТЛАРНИ РАД ҚИЛИШ — ФКнинг 100-моддасига биноан, фуқаро ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти, бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақли. Манфаатдор шахсларнинг талабига кўра, фуқаронинг шаъни ва қадр-қимматини унинг вафотидан кейин ҳам ҳимоя қилишга йўл қўйилади. Башарти, фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий-ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айни шу оммавий-ахборот воситаларида раддия берилиши лозим. Башарти, бундай маълумотлар ташкилотдан олинган ҳужжатда учраса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олиниши керак. Бошқа ҳолларда раддия бериш тартиби суд томонидан белгиланади. Ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган фуқаро бундай маълумотлар рад этилиши

билан бир қаторда уларни тарқатиш оқибатида зарарлар ва маънавий зиённинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақлидир. Маънавий зарарни қоплаш тартиби, усули ва ҳажми ФКнинг 1021-1022-моддаларида тартибга солинади.

ШАРТ — халқаро битимларда шартномаларни имзолаш, расмий тасдиқлаш, қабул қилиш ёки унга қўшимча киритишдаги бир тарафлама баёнот. Ш. орқали тарафлардан бирига нисбатан маълум қоидаларнинг ҳуқуқий таъсирини ўзгартириш ёки бекор қилиш бўйича истак билдирилади.

ШАРТЛИ БИТИМЛАР — фуқаролик ҳуқуқига кўра, юридик натижалари келажакда юз бериши ҳам, бермаслиги ҳам мумкин бўлган бирон-бир ҳолатга (воқеа ёки учинчи шахснинг ҳаракатига) боғлиқ қилиб қўйиладиган битим. Мазкур ҳолат битим тузиладиган пайтга келиб юз берган ёки унинг юз бериши маълум бўлган тақдирда ушбу битим шартли деб ҳисобланиши мумкин эмас. ЎзР ФК 104-м.га кўра, битим кечиктириш ёки бекор бўлиш шарти билан тузилиши мумкин.

Агар тарафлар ҳуқуқ ва бурчларнинг келиб чиқишини юз бериши ёки бермаслиги номаълум бўлган ҳолатга боғлиқ қилиб қўйсалар, битим кечиктириш шарти билан тузилган ҳисобланади. Агар тарафлар ҳуқуқ ва бурчларнинг бекор бўлишини юз бериши ёки бермаслиги номаълум ҳолатга боғлиқ қилиб қўйсалар, бундай битим бекор бўлиш шарти билан тузилган битим ҳисобланади. Агар шартнинг юз беришига унинг юз беришидан манфаатдор бўлмаган тараф инсофсизлик билан қаршилик кўрсатган бўлса, бу шарт юз берган деб ҳисобланади. Агар шартнинг юз беришига ушбу шартнинг юз беришидан манфаатдор бўлган тарафлар инсофсизлик билан ёрдамлашган бўлса, бу шарт содир бўлмаган ҳисобланади.

Битимлар оғзаки ёки ёзма шаклда (оддий ёки нотариал) тузилиши мумкин. Оғзаки тузилиши мумкин бўлган битим шахснинг хатти-ҳаракатидан унинг битим тузишга интилиши кўриниб турган бўлса ҳам, тузилган деб ҳисобланади. Сукут қонунда ёки томонларнинг келишувида назарда тутилган ҳолларда битим тузишга интилишнинг ифодаси деб тан олинади.

ШАРТЛИ ДЕПОЗИТ — тадбиркорлик ҳуқуқида муайян муддат келганда ва муайян шароитларда тўлов учун фойдаланиладиган депозит.

ШАРТЛИ ОМОНАТЛАР — омонатчи номига бошқа шахс омонат суммасини ҳисобварақ очиш чоғида белгиланган ҳолатлар юзага келганда тасарруф этиш шарти билан топширган депозитлар. Ушбу шартлар юзага келгунича омонатчи депозит маблағларидан фақат омонатни қўйган шахснинг ёзма рухсати билангина фойдаланиши мумкин. Шартлар қонун доирасида бўлмоғи лозим. Омонатчи шартларнинг бажарилаётганлиги тўғрисида далолат берувчи ҳужжатларни тақдим этмаса, шунингдек, омонатчининг шартлар бажарилмасидан аввал вафот этган ҳолда маблағ қўювчи шахс шартларни ўзгартириши мумкин.

ШАРТЛИ СОТИШ — фуқаролик ҳуқуқида товарга бўлган мулк ҳуқуқи харидорга товарнинг ҳақи тўлиқ тўланганидан кейингина ўтадиган сотиш.

ШАРТЛИ ЧИҚАРИШ — божхона ҳуқуқида шахснинг божхона қонунида белгиланган чеклашлар, талаблар ёки шартларга риоя этиш мажбурияти билан боғлиқ бўлган товарлар ва транспорт воситаларини чиқариш.

ШАРТЛИ ҲИСОБВАРАҚЛАР — *шартли омонатлар* инобатга олинадиган ҳисобварақлар, шунингдек, пул талаб қилинган кунида эмас, балки муайян вақтдан (2-10 кундан) кейин тўланадиган ҳисобварақлар. Ушбу ҳисобварақлар бўйича ҳисобланадиган фоизлар, одатда, онколь ҳисобварақлардагига қараганда анча юқори даражада белгиланади.

ШАРТЛИ ҲУКМ ҚИЛИШ — ЎзР жиноят ҳуқуқида назарда тутилган жиноят-ҳуқуқий чоралардан бири. ЎзР ЖК (72-модда)га кўра, агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин. Бундай ҳолда суд, башарти белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради. Синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

ШАРТНОМА — фуқаролик ҳуқуқида икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки тўхтатиш тўғрисидаги келишуви, битимнинг тури. Ш.дан келиб чиқувчи фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари ва ёзма ҳолда тузилган Ш. мазмуни баён этилган ҳужжат ҳам «Ш.» термини билан аталади. «Ш.»нинг синоними — **контракт.**

ШАРТНОМА БАЖАРИЛАДИГАН ЖОЙ ҚОНУНИ — шартномадан келиб чиқадиган мажбурият қаерда бажарилиши лозим бўлса, ўша давлат ҳуқуқи қўлланилишини билдиради. Шартнома тузилган жой қонуни каби фуқаролик ҳуқуқида шартномавий мажбуриятни тартибга солиш учун шартнома тузилган жой қонунидек фойдаланилади. Бириктириш формуласи сифатида Ш.б.ж.қ. фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятларини тартибга солиш учун қўлланилади. Кўпинча бу қонун тор маънода, яъни товарларни топшириш, шунингдек, тўловни амалга ошириш тартиби маъносида қўлланади.

ШАРТНОМА ИНТИЗОМИ — шартномаларда белгиланган мажбуриятларни ўз вақтида ва лозим даражада бажариш. Ш.и.нинг бузилиши мулкий жазо — неустойкалар, зарарларни ундириш чоралари қўлланилишига олиб келади.

ШАРТНОМА ТУЗИЛГАН ЖОЙ ҚОНУНИ — коллизион ҳуқуқда тарихий анъанага айланган бирдан-бир боғловчи восита: қаерда шартнома тузилган бўлса, ўша давлат ҳуқуқи қўлланилишини билдиради. Ушбу боғланишдан олди-сотди, пудрат, бартер ва бошқа шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни тартибга солиш учун фойдаланилади. Шу билан бирга айтилган формула камдан-кам қўлланилади, чунки ёзишмалар йўли билан шартномалар тузиш амалиётда кенгайиши билан (почта, телеграф, факс ва бошқалар) шартнома қайси бир давлат ҳудуди билан боғлиқлигини деярли йўқотди. Шартнома тузилган жой ҳар хил давлатларнинг ҳуқуқида турлича шарҳланиши оқибатида амалий категориядан юридик категорияга айланади.

ШАРТНОМАВИЙ БОЖ — халқаро келишувга биноан белгиланадиган бож ёки бож ставкаси. Уни мамлакат мустақил равишда, ҳар қандай

халқаро ҳужжатларга боғлиқ бўлмаган равишда белгилайдиган мухтор бождан фарқламоқ керак.

ШАРТНОМАНИ ШАРҲЛАШ — шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятлар мазмунини аниқлаш. Шартноманинг шартларини шарҳлаш вақтида суд унда ифодаланган сўзлар ва ибораларнинг том маъносини эътиборга олади. Шартнома тушунарсиз бўлган ҳолларда унинг шартлари замиридаги том маъно уни шартноманинг бошқа шартлари ва умумий маъносини қиёслаш йўли билан аниқланади. Агар мазкур қоидалар шартноманинг мазмунини аниқлаш имконини бермаса, ҳақиқий умумий мақсад аниқланиши керак, бунда барча ҳолатлар, жумладан, шартномадан аввал ўтказилган музокаралар ва ёзишмалар, томонларнинг ўзаро муносабатларида қарор топган амалиёт, иш жараёнида шаклланган одатлар, томонларнинг кейинги хатти-ҳаракатлари эътиборга олинади.

ШАРТНОМАНИНГ ТУЗИЛИШ ПАЙТИ — тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади. Оферта йўлланган шахс унинг акцентини олган пайтда шартнома тузилган ҳисобланади. Агар қонунга мувофиқ шартнома тузиш учун мол-мулкни топшириш ҳам зарур бўлса, шартнома тегишли мол-мулк топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади (ФКнинг 185-м., 364-385-м.ларида батафсил кўрсатилган.)

ШАХСГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР — ўз хусусиятларига кўра ҳамда давлат сиёсати мазмунидан келиб чиқилган ҳолда қаралса, бу турдаги жиноятлар оғир жиноят сифатида эътироф этилади. Ш. қ. ж. лар жиноят сифатида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 1-бобида баён этилган умумий қоидалар асосида таърифланади, яъни шахснинг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида инсоннинг яшаш ҳуқуқи ҳимояга олинган. Шунга кўра, бошқа шахснинг ҳаётига суиқасд қилиш, агар унинг ўлимини келтириб чиқарса, ўлимга сабаб бўлиш ёки қотиллик жиноятини ташкил этади. Бундан ташқари, шахсга қарши жиноятларга соғлиққа қарши, шахснинг озодлиги, шаъни, қадр-қимматига қарши жиноятлар ҳам киради.

ШАХСИЙ ДАХЛСИЗЛИК — ЎзР Конституциясининг VII боби «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар» деб номланиб, 25-м.да аниқ кўрсатилган. Ушбу моддага асосан, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

ШАХСИЙ КАФИЛЛИК — жиноят процессуал қонунчилигида эҳтиёт чораси сифатида қўлланиладиган чоралардан бири. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 251-моддасига асосан, шахсий кафиллик ишончга сазовор бўлган шахсларнинг айбланувчи, судланувчи муносиб хулқ-атворда бўлишига кафил эканликлари ҳақида ёзма мажбурият олишидан иборатдир. Кафиллар сонини суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд белгилайди. Алоҳида ҳолларда юксак ишончга сазовор бўлган битта шахс ҳам кафил бўлиши мумкин. Кафиллар ушбу эҳтиёт чораси қўлланишига сабаб булган айбловнинг моҳияти, айбланувчига қўлланиши мумкин бўлган жазо, олдини олиш мақсадида кафиллик тариқасидаги эҳтиёт чораси кўрилган ҳаракат айбланувчи, судланувчи томонидан содир этилган тақдирда кафиллар-

нинг жавобгарлиги ҳақида огоҳлантирилади. Бу маълумотлар кафилликка бериш баённомасида қайд қилиниб, уни шу эҳтиёт чорасини қўллаётган мансабдор шахс, айбланувчи, судланувчи ва кафиллар имзолаши лозим ёки бу маълумотлар суд мажлиси баённомасида акс эттирилади. Бундан ташқари, ҳар бир кафилликка олувчи кафиллик тўғрисида гилхат беради. Кафиллар уларни жавобгарликка тортиш учун сабаб бўладиган асослар келиб чиққунга қадар ўз зиммаларига олинган шахслар мажбуриятлардан воз кечишлари мумкин. Шу билан бирга, кафиллар ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирларида жавобгарликка тортилишлари мумкин.

ШАХСИЙ ҲИСОБВАРАҚ — жисмоний шахснинг банкдаги ҳисобварағи.

ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР — ижтимоий ва ҳуқуқий мақомидан қатъи назар, инсонга туғилгандан мансуб бўлган асосий ҳуқуқлар.

Шахсий ҳуқуқларга қуйидагилар киради: яшаш ҳуқуқи, эрк ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, ор-номусини ва шаънини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, суд ҳимояси ва одил судлов ҳуқуқи, фикрлаш, сўз ва виждон эркинлиги, ўз миллий мансублигини эркин белгилаш ва она тилидан фойдаланиш ҳуқуқи, қийноққа ва муомаланинг бошқа ёвуз, инсон қадрини ерга урувчи турларига дучор бўлмаслик ҳуқуқи, эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқи, маълумот эркинлиги каби ҳуқуқлар. Шахсий ҳуқуқларга риоя қилиниши лозимлиги ЎзР Конституциясининг 24—31-м.лари билан кафолатланган.

ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАР — субъектив ҳуқуқларнинг тури; мулкий мазмунга эга бўлмаган неъматлардан фойдаланиш ҳуқуқи. ЎзР ФК 99-моддасида қуйидаги шахсий номулкий ҳуқуқлар назарда тутилган: шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи, тасвирга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳамда туғилганидан бошлаб ёки қонунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар. Ш.н.ҳ.нинг хусусияти — уларнинг тортиб олинмаслиги ва бошқа шахсга берилмаслиги. Ш.н.ҳ.нинг ўзига хос жиҳати уларнинг ўз ташувчиларидан бегоналашмаслиги, ажралмаслигидир.

ШАХСИЙ НОТА — бир ҳукуматнинг бошқа ҳукуматга жуда муҳим масалалар бўйича расмий дипломатик ёзма мурожаати.

ШАХСИЙ СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ — фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг бир тури бўлиб, унга кўра, бир томон (суғурта қилувчи) бошқа томон (суғурта қилинувчи) тўлайдиган шартномада келишилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта қилинувчининг ёки шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (суғурта қилинган шахс)нинг ҳаётига ёки соғлиғига зиён етган, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа юз берган тақдирда шартномада белгиланган пул суммаси (суғурта суммаси)ни бирданига ёки вақт-вақти билан тўлаш мажбуриятини олади. Суғурта суммасини олиш ҳуқуқи шартномада кўрсатилган шахсга тегишли бўлади.

ШАХСИЙ ҲАЁТГА ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ — фуқаролар шахсий ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати сифатида давлат томонидан таъминланадиган ҳуқуқ. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясин-

нинг 27-моддасига асосан — «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга» деб қайд этилган. Ш.ҳ.э.ҳ. — субъектив ҳуқуқдир. Шундан келиб чиққан ҳолда давлат ўз фуқароларининг шу ҳуқуқларини яратиш билан бирга. уларни таъминлашни ҳам амалга оширади ва бу қонунлар орқали белгиланади.

ШАХСНИ ГАРОВ СИФАТИДА УШЛАБ ТУРИШ — ҳуқуққа қарши қилмиш бўлиб, у гаров сифатида ушлаб турилган шахсни озод этиш учун тўғридан-тўғри ёки бевосита шарт сифатида ҳар қандай актни бажариш ёки бажаришдан ўзини тийиш (жисмоний, юридик шахсга, шахслар гуруҳига, давлатга, халқаро ташкилотларга) учун бировни мажбурлаш мақсадида гаров сифатида ушлаб турилганларни ушлаб туришни давом эттириш ёки шикаст етказиш, нобуд қилиш билан қўрқитиш орқали бошқа шахсларни ҳар қандай шахс томонидан ушлаб турилиши ёки қўлга олинишида ифодаланади. 1907 йилдаги уруш қонунлари ва удумлари тўғрисидаги Гаага Конвенциясида уруш вақтида шахсни гаров сифатида ушлаб туриш халқаро ҳуқуққа хилоф эканлиги белгиланган. ЎзР ЖКда шахсни гаров сифатида ушлаб туриш алоҳида жиноят бўлиб ҳисобланади.

ШАХСНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ — божхона назоратининг алоҳида шакли бўлиб, ЎзР божхона чегараси орқали ўтаётган ёхуд божхона назорати зонасида ёки халқаро алоқалар учун очиқ аэропортнинг транзит зонасида турган жисмоний шахс ЎзР қонун ҳужжатларини ёки ЎзРнинг халқаро шартномасини бузиш объектлари ҳисобланувчи товарларни ўз ёнида яширяпти ва кўрсатмаяпти, деб ҳисоблашга асослар бўлган тақдирда, ЎзР божхона органи мансабдор шахсининг қарорига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади. Ушбу қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш вазифаси ЎзР божхона органларига юклатилган (ЎзР БК 45-моддаси). Ш.к.к. бошланишидан аввал божхона органининг мансабдор шахси фуқарога Ш.к.к. ўтказилишини эълон қилиши, уни бундай кўрик вақтидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништириши ҳамда яширилаётган товарларни ихтиёрий равишда беришини таклиф этиши шарт.

ЎзР БКга мувофиқ, Ш.к.к.ни божхона органининг кўрикдан ўтказилаётган шахс билан бир жинсда бўлган мансабдор шахси шу жинсдаги икки нафар холислар иштирокида санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган алоҳида ажратилган хонада ўтказади. Ушбу хонага бошқа шахсларнинг кириши ва Ш.к.к.ни кузатиш имконияти бўлмаслиги керак. Кўрикдан ўтказилаётган шахснинг баданини тиббиёт ходимигина текшириши керак. Ш.к.к. ўтказилганлиги тўғрисида ЎзР ДБҚ белгилаган шаклда баённома тузилади. Ушбу баённомани Ш.к.к. ўтказган мансабдор шахс, Ш.к.к.дан ўтказилган шахс, холислар, кўрикдан ўтказилаётган шахснинг бадани текширилганда эса тиббиёт ходими ҳам имзолайдилар. Ш.к.к.дан ўтказилган шахс баённомада ариза ёзиши мумкин.

ШАХСНИ КЎЧИРИШ — мажбурий тарзда шахсни бир мамлакатдан иккинчисига кўчириш ва у ерда унинг меҳнатидан фойдаланиш. Бу асосан ҳарбий ҳолатларда бўлган давлатларда, Иккинчи жаҳон урушида рўй берган.

ШАХСНИ ТАСВИРЛАШ — криминалистикада маълум шахс ташқи кўринишининг барча белгиларини: жинси, ёши, бўйи, тана тузилиши, вазни, бош ва юз шакли, кўз ва сочлар ранги, соч турмаги, бурун, оғиз, қулоқ шакли, нутқи, алоҳида белгиларини системали тарзда санаб ўтиш.

ШАХСНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ — фуқаронинг ҳуқуқий ҳолати (мақоми). Ҳуқуқ субъекти сифатида давлат томонидан тан олинган ва кафолатланган. Ҳуқуқ, эркинлик, мажбуриятлар ҳамда манфаатларнинг қонун билан таъминланиши.

ШАЪН, ҚАДР-ҚИММАТ ВА ИШЧАНЛИК ОБРЎСИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — номоддий фаровонликни таъминлаш усули. ЎзР ФКнинг 100-моддасига биноан, фуқаро ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки, ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия берилишини талаб қилишга ҳақли. Манфаатдор шахсларнинг талабига кўра, фуқаронинг шаъни ва қадр-қимматини унинг вафотидан кейин ҳам ҳимоя қилишга йўл қўйилади. Башарти, фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айни шу оммавий ахборот воситаларида раддия берилиши лозим. Башарти, бундай маълумотлар ташкилотдан олинган ҳужжатда учраса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олиниши керак. Бошқа ҳолларда раддия бериш тартиби суд томонидан белгиланади. Фуқаро оммавий ахборот воситаларида унинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситувчи маълумотлар эълон қилинганда, у айни ўша оммавий ахборот воситалари орқали чиқиб, ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Башарти, суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаса, суд қоидабузарга қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда ундириладиган жарима солишга ҳақлидир. Жаримани тўлаш қоидабузарни суднинг ҳал қилув қарорида назарда тутилган ҳаракатларни бажариш вазифасидан озод этмайди. Ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган фуқаро бундай маълумотлар рад этилиши билан бир қаторда уларни тарқатиш оқибатида етказилган зарарлар ва маънавий зиённинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

ШАҲАР ЕРЛАРИ (АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ ЕРЛАРИ) — шаҳар чегараси доирасидаги аҳоли пунктларининг ерлари. Ш.е.га қуйидагилар киради: шаҳар, шаҳарча ва қишлоқ иншоотларининг ерлари; умумий фойдаланишдаги ерлар; деҳқончилик учун фойдаланилаётган ерлар ва б.ер-мулклар; табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ерлари ва б.ерлар; ўрмон билан банд бўлган ерлар; саноат, транспорт, телевидение, мудофаа ерлари ва ҳ.к.

ШАҲАРСОЗЛИК БАШОРАТИ — экология ва шаҳарсозлик вазиятини комплекс баҳолаш, ижтимоий, иқтисодий, муҳандислик-техникавий, қурилиш, санитария ва гигиена шароитларини таҳлил этиш ҳамда ҳудуднинг ривожланиш тамойилларини илмий асосланган ҳолда олдиндан кўриш усулини қўллаб аниқлаш натижаси.

ШАҲАРСОЗЛИК ДАСТУРЛАРИ — табиатдан оқилона фойдаланиш, ресурсларни асраб-авайлаш ва тарихий-маданий меросни сақлаб қолиш заруратини инобатга олган ҳолда шаҳарсозлик соҳасида самарага эри-

шиш учун қўлланиладиган режавий ва амалий чоралар туркумини ўз ичига олувчи матнли, жадвалли ва графикли ҳужжатлар.

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАТИВЛАРИ — шаҳарсозлик фаолиятини давлат йўли билан тартибга солиш воситаси; шаҳарсозлик ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини тартибга солувчи миқдор ва сифат кўрсаткичларининг зарур туркумига эга; қонунларнинг шаҳарсозликда демографик, табиий-иқлим, геологик, гидрогеологик ва экологик шароитларни, ногиронларнинг, кекса кишиларнинг, болалар ва ёшларнинг эҳтиёжларини, санитария ва гигиена, ёнғинга қарши кураш мажбурий талабларини инобатга олиш буйича қонунларнинг қоидаларини муфассаллаштиради.

Ш.н. ЎзР давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан муайян муддатга ишлаб чиқилади, давлат, идоравий ва мустақил экспертизалар, шаҳарсозлик фаолиятини назорат қилиш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасидаги баҳсли масалаларни, жумладан, суд органлари орқали ҳал этиш учун асос бўлади.

ШАҲАРСОЗЛИК СИЁСАТИ — давлатнинг тарихан қарор топган аҳоли жойлашуви, жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг истиқболлари, миллий-этник ва бошқа маҳаллий хусусиятлардан келиб чиқиб, аҳоли учун қулай яшаш муҳитини шакллантириш буйича мақсадга йўналтирилган фаолияти.

ШАҲАРСОЗЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ — шаҳарсозлик дастурларининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ҳамда инвестицияларнинг жорий этилишини таъминловчи лойиҳалаштириш турлари ва босқичларининг тизими.

ШИАЛИК (араб.) — исломдаги иккинчи йўналиш. Ўзининг тарқалиши ва ижтимоий-сиёсий моҳияти жиҳатидан суннийликдан кейин иккинчи ўринда туради. Ҳозир жаҳондаги мусулмонларнинг қарийб 10 фоизи шиаликка мансуб. Шиалик VII аср ўрталарида халифа Али ҳокимияти тарафдорларидан иборат сиёсий гуруҳ сифатида вужудга келган. VII аср охирларига келиб, Ироқ ва Хуросонда кенг тарқалган, исломдаги мустақил диний йўналишга айланган. Шиалик диний-ақидавий таълимотда, маросим ва урф-одатларда суннийликдан маълум даражада фарқ қилади. Диний-сиёсий ҳаракат сифатида Уммавий ва Аббосий халифалар ҳокимиятига қарши кураш олиб борган гуруҳларнинг мафкураси сифатида майдонга чиққан. Шиалик аслида муайян гуруҳлар ўртасидаги ҳокимият учун кураш оқибатида вужудга келган бўлса-да, бу ихтилофлар кўпинча диний таълимотдаги тафовут шаклида намоён бўлган. Шиалик тарафдорлари (шиалар) суннийлар каби Қуръонни Аллоҳнинг каломи деб эътироф этадилар, исмоилий шиалари Қуръоннинг мазмунини мажозий талқин қилиш йўли билан ўз таълимотларини асослайдилар. Шиалар суннада эса фақат Ҳазрат Али ва унинг тарафдорлари томонидан ривоят қилинган ҳадисларни тан оладилар ҳамда шундай ҳадислардан иборат мустақил тўплам тузганлар. Бу тўпламлар ахбор деб аталган. Суннийликдаги эътироф этилган диний ақидалардан фарқ қилиб, шиаликда тавҳид, адл, нубувват, имомат, қиёматдан иборат бешта асосга эътиқод қилинади. Булардан тўрт ақида — тавҳид (Аллоҳнинг ягоналигини эътироф этиш), адл (адолат, Аллоҳнинг одиллиги, яъни тақдир ақидаси), нубувват (пайғамбарлик), қиёмат ёки маод (охират кунининг келиши ва ўлганларнинг тирилиши) асосан суннийлик таълимоти билан мос ту-

шади. Бешинчи ақида имомат (имомлар ҳокимиятини тан олиш) эса суннийликка ва сунний халифалар ҳокимиятига зидлиги билан фарқ қилади. Шиалик Ҳазрат Али ва унинг авлодларидан иборат ўн икки имом ҳокимиятини тан олади. Шу муносабат билан барча халифаларни, хусусан дастлабки халифалардан Абу Бакр, Умар ва Усмонни ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллаб олган шахслар сифатида қоралайди. 874—978 йиллар орасида 7—9 ёшида бедарак йўқолган (тарихий нуқтаи назардан ўлдирилган бўлиши мумкин) 12-имом Муҳаммад ал-Маҳдийни улар «яширинган» ҳисоблайдилар, замона охир бўлганда унинг қайтиб келишини ва адолат ўрнатишини кутадилар (имоми Маҳдий, имоми охир замон). Бу тасаввур маълум даражада суннийликда ҳам тарқалган. Баъзи урф-одат ва маросимларда, шариат қоидаларида ҳам шиалик билан суннийлик ўртасида маълум тафовутлар бор. Шиалар суннийлар каби Макка ва Мадинани «муқаддас» ҳисоблаш билан бирга, Карбало, Нажаф шаҳарларида жойлашган шиалик имомлари қабрларини ҳам зиёрат қиладилар. Шиалик шариатида жаъфария мазҳаби ҳукмрон роль ўйнайди. Улар имом Ҳусайнга мотам тутадилар, «шахсей-вахсей» деб ном олган мотам юришлари ўтказадилар ва ҳ. к. Ўрта асрларда шиалик ичида ҳам ихтилофлар юз берган, натижада кўп оқимлар вужудга келган. Булардан исмоилийлар, зайдийлар, ибодийлар ва бошқалар ҳозир ҳам мавжуд. Шиалик ҳозирги вақтда Эронда ҳукмрон эътиқод ҳисобланади. Ироқ, Ливан, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон ва Озарбайжонда ҳам шиалар бор. Шиалик Тожикистонда (Помирда исмоилийлар) айрим кишилар орасида сақланиб қолган.

ШИЗОФРЕНИЯ (юн. shizo — бўламан, майдалайман ва phren — юракни, қалбни, ақлни) — руҳий касаллик; асосий белгилари: шахснинг ўзгариши (фаолликнинг пасайиши; ҳиссий бўшлиқ, аутизм ва б.); патологик фаолликнинг турли кўринишлари (алаҳсираш, галлюцинация, аффектив бузилишлар, кататония ва б.). асосан сурункали (тутиб-тутиб ёки узлуксиз) кечади. Кўпинча ёшликда келиб чиқади.

ШИКАНЕР — инсофсиз сотувчи.

ШИКАСТЛАНИШ — оғир тан жароҳатининг тури. ЎзР меҳнат ҳуқуқига биноан, меҳнатда шикастланиш — ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариш чоғида, ишга кетиш ёки ишдан келиш, ўз давлат ёки ижтимоий мажбуриятларини (топшириқларини), ўз фуқаролик бурчини бажариш вақтида рўй берган бахтсиз ҳодиса натижасида унинг соғлиғига зарар етиши. Меҳнатда Ш. туфайли белгиланадиган пенсиялар ва давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар имтиёзли шартлар билан ва оширилган миқдорда тайинланади. Ишга ёлловчилар ходимга меҳнатда Ш. натижасида етказилган зарар учун моддий жавобгар бўладилар.

ШИРКАТ — ўз мулкий воситаларини бирлаштирган икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг ўзаро шартномасига асосланган ҳамда, одатда, биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти ёки умумий мулкдан биргаликда фойдаланиш натижасида фойда олишга ёрдам берадиган уюшмаси. ЎзР қонунига мувофиқ, хўжалик Ш.лари тўлиқ шерикчилик, ишонч асосидаги шерикчилик (коммандист) ва оддий шерикчилик шаклида тузилиши мумкин. ЎзР ФК 58-м. мувофиқ, хўжалик Ш.лари ва жамоалари тижорат ташкилотлари ҳисобланади. Бундай Ш. иштирокчиларининг омонатлари бўйича алоҳида тўпланган капитал мавжуд. Иштирокчилар маблагидан

вужудга келтирилган, шунингдек, Ш. фаолияти давомида ишлаб чиқарилган ва сотиб олинган мулк Ш.га мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Ш. *нотижорат ташкилоти*, м-н, турар жой мулкдорларининг ширкати бўлиши ҳам мумкин. Ш. — тадбиркорликнинг қадимий шаклларидан бири. Рим империясидаёқ Ш. алоҳида тармоқларда, м-н, ижарадаги конлардаги Ш.лар, кулоллар Ш.лари шахсларнинг биргаликда хўжалик юритиш ва кейинчалик фойдани бўлишиш учун тузилган Ш.лар. Рим атрофидаги вилоятларда ҳам маълум бўлган.

ШОҲ (форс.) — Яқин ва Ўрта Шарқдаги баъзи мамлакатларда ва Деҳли султонлигида монархнинг унвони. Илк бор Сосонийлар давлатида қўлланган. Охирги Ш. 1979 йилда Эрон тахтидан ағдарилган.

ШОФИЪИЙ, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофиъий (767—820) — суннийликдаги шофиъия мазҳабининг асосчиси ва имоми, буюк фақиҳлардан бири. Маккада яшаган, ҳадисларни ва фиқҳни ўрганган, Мадинага келиб Молик ибн Анасдан таълим олгандан кейин, Бағдодда Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийдан Рай ва Қиёс мактабининг асосларини ўрганган, кейин Яманда қозилик лавозимига тайинланган. Ҳазрат Али авлодлари билан яқинлашгани учун 803 йилда қамоққа олинган. Афв этилганидан кейин Мисрга кетиб, Молик ибн Анаснинг шогирди сифатида фаолият бошлаган, 810 йилдан Бағдодда ўз таълимотини тарғиб қилган. Шофиъий ўз асарларида ислом ҳуқуқини анъанавий нормалар билан боғлашга уринган. У фиқҳ асосларига тўла таъриф берган. Усул ул-фиқҳ илмига асос солиб, фақат ижмои умматни қабул қилиб, ижмоул-аиммани (олимлар ижмоини) рад қилган. Шофиъийнинг асосий асари «Китоб ал-умм» тупламидан иборат.

ШОФИЪИЯ — суннийликдаги диний ҳуқуқ мазҳабларидан бири. Шофиъий асос солган. Сурия ва Мисрда шаклланган. Ўрта асрларга келиб Яқин Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Кейинчалик бу мазҳабнинг таъсир доираси торайиб борган. Ҳозирда Миср, Индонезия мусулмонлари орасида, Шарқий Африка мамлакатларининг баъзиларида, қисман Сурияда ва Жанубий Араб Амирликларида шофиъия мазҳаби ҳуқуқ тизимига амал қилувчилар бор.

ШТАМП (итал. — муҳр) — муҳр шаклининг алоҳида тури. У юридик шахс, унинг адреси, ҳужжатининг юборилиш вақти ҳақидаги матн шаклидаги ахборотни ўз ичига олган ҳужжатлар (қоғозлар)да из ҳосил қилиш учун хизмат қилади. Баъзан Ш. миллий герб билан тўлдирилади. ЎзР ЖК (228-модда) ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутади. ЎзР МЖКда муҳрлар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яширганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

ШТАТ (инг.л.) — баъзи мамлакатларда (АҚШ, Бразилия, Венесуэла, Мексика, Нигерия ва б.) федерация субъектларининг номи. Ш.нинг ҳуқуқий ҳолати, унинг ҳокимият органларининг ваколатлари ҳажми, Марказий ҳукумат органлари билан муносабатлари федерал конституция билан белгиланади. Баъзи мамлакатларда (АҚШ, Мексика) Ш. ўз конституциясига эга бўлади. Ш. тепасида сайланадиган ёки тайинланадиган губернатор туради. Унинг ваколатлари баъзи жиҳатдан давлат бошлиғининг ваколатларига ўхшаш бўлади. Ш.ларнинг қонун чиқарувчи органлари, одатда, икки палатали бўлади. Ш. ўз суд

тизимига ва жиноят, фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади. Ш. — мустақил давлат эмас.

ШТАТ БИРЛИГИ — муассаса, корхона штат жадвалидаги иш ўринларига мувофиқ келадиган лавозимлар рўйхатидаги бирлик.

ШТАТ ЖАДВАЛИ — корхона мулк эгаси, юқори турувчи раҳбар ёки орган томонидан тасдиқланадиган доимий хизматчилар лавозимларининг рўйхати. Бир номдаги лавозимлар (вакансиялар) ва маошларнинг ҳажмини кўрсатган ҳолда тузилади. Ш.ж.да, шунингдек, тегишли ташкилотнинг тузилиши акс этади.

ШТАТЛАР КЕНГАШИ — Ҳиндистон парламенти юқори палатасининг номи.

ШТАТЛИ КОНСУЛ — вакил юборувчи давлат хизматида турувчи, ҳақ олувчи шахс бўлиб, одатда, у тегишли давлат фуқароси ҳисобланади. У консуллик фаолияти учунгина маош олиб, бошқа даромад келтирувчи иш билан шуғулланмайди. У ва унинг оила аъзолари консул мақомига мос имтиёз ва дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар. Ш. к.ни лавозимга тайинлаш тегишли давлат идораси томонидан амалга оширилади. ЎзРда консулни Ташқи ишлар вазирлиги (ТИВ) тайинлайди; Буюк Британияда — қиролича тайинлайди ва ҳ.к. Ш. к. ўзининг бу мақомида қабул қилувчи давлат томонидан ҳам тан олиниши лозим. Ўзбекистоннинг барча консуллари штатли. Бироқ лозим бўлган тақдирда штатсиз консуллар ҳам тайинланиши мумкин.

ШТАТСИЗ КОНСУЛ — давлат, консуллик ёки дипломатик хизматни бажармайди, лекин юборувчи давлат топшириғи ва қабул қилувчи давлат розилиги билан консуллик вазифаларини амалга оширувчи шахс. Ш. к. консуллик функцияларини бажаришдан ташқари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Айни вақтда, консуллик вазифаларини бажаргани учун ўз давлатидан хақ олмайди. Ш. к.га фуқаролик масаласида алоҳида талаблар қўйилмайди, бироқ амалда давлатлар бундай вазифаларни ўз фуқароси зиммасига юклайди. 1963 йилги Консуллик алоқалари ҳақидаги Вена Конвенцияси штатсиз консулга штатли ишловчи расмий консулга бериладиган ҳуқуқ ва имтиёзларни назарда тутади. Аммо амалда қабул қилувчи давлат ушбу имтиёзларни чеклашга, уларни консуллик функциясини бажариш билангина боғлашга интилади. Юборувчи давлат штатсиз консулга ўз хоҳишига кўра (айниқса, сиёсий манфаатлар борасида) вазифа ва ваколат юклайди.

ШТРЕЙКБРЕХЕР (нем.) — иш ташлашда қатнашишдан бош тортган ёки иш ташлаган ишчиларнинг ўрнига маъмурият томонидан ёлланган одам.

ШТУРМАН ЁЗУВИ — юкни олиб кетиш учун қабул қилганлик ҳақидаги кема ёзуви. Ш.ё. коносамент тузиш учун асос бўлади ва юкни сақлаш учун масъулиятнинг юк жўнатувчидан кемага ўтганлигини англатади. Ш.ё. санаси ушбу юкнинг кемага юкланган куни билан тўғри келиши лозим.

ШТУРМАН ИМЗОСИ — юкни олиб кетиш учун қабул қилганлик ҳақидаги кема ҳужжати. Коноссамент ёзиб бериш учун асос бўлади.

ШЎЪБА КОРХОНА — хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган бир унитар корхона белгиланган тартибда ўз хўжалигидаги мулкнинг бир қисмини бериш йўли билан юридик шахс сифатида ташкил этган давлат ёки муниципал шаклдаги бошқа унитар корхона. Таъсисчи Ш.к. низомини тасдиқлайди ва унинг раҳбарини тайинлайди.

ШЎЪБА ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТИ — ЎзРнинг фуқаролик қонунлари бўйича бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати ўзининг низом жамғармасидаги устунлиги туфайли ёхуд ўзаро тузилган шартномага биноан, ёхуд бошқа тарзда қабул қиладиган қарорларини белгилаш имкониятига эга бўлган хўжалик жамияти. Ш.х.ж. асосий жамият (ширкат) қарзлари бўйича масъул эмас. Шўъба жамиятга, жумладан, у билан тузилган шартнома бўйича унинг учун мажбурий бўлган топшириқлар бериш ҳуқуқига эга бўлган асосий жамият (ширкат) киради. Шўъба жамият бундай топшириқларни ижро этиш натижасида тузган битимлар бўйича у билан биргаликда жавоб беради. Шўъба жамият асосий жамият (ширкат) айби билан банкрот бўлган тақдирда асосий жамият унинг қарзлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади. Шўъба жамият иштирокчилари (акционерлари), агар хўжалик жамиятлари тўғрисидаги қонунларда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, асосий жамиятнинг (ширкатнинг) айби бўйича шўъба жамиятга етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

«Э»

ЭВЕНТУАЛ ҚАСД — билвосита қасднинг ўзи.

ЭВИКЦИЯ — фуқаролик ҳуқуқида харидор олган мулкни у харид қилгунча бўлган мотивлар асосида ўзгага бериш (м-н, учинчи шахс мулк ҳуқуқи сотувчига эмас, балки унга тегишли эканлигида туриб олади). ЎзР қонунларига кўра, Э.дан келадиган зарар учун сотувчи жавоб беради. Фақат харидор сотувчини ишда қатнашишга жалб қилмаган ва агар сотувчи ишда қатнашганида Э.нинг олдини олган бўлиши мумкинлигини исбот қилиб берган ҳоллар бундан мустасно.

ЭВТАНАЗИЯ (юн. — яхши ва thanatos — ўлим) — беморнинг илтимосига кўра, унинг ўлимини тезлаштириш. У бирор ҳаракат ёки воситалар, жумладан, сунъий равишда ҳаётини сақлаб туришдан тўхтатиб қўйиш орқали амалга оширилади. Беморни онгли равишда Э.га ундаган ёки уни амалга оширган шахс ЎзР қонунларига биноан жиноий жавобгарликка тортилади.

ЭГАСИЗ ҚОЛГАН МОЛ-МУЛК — 1) эгаси меросхўрларсиз ўлган ва хазина фойдасига кирим бўлган мол-мулк; 2) ташлаб кетилган эгасиз мол-мулк; 3) денгизда экипаж томонидан ташлаб кетилган кема.

ЭГАСИЗ МЕТАЛЛ ҲИСОБЛАР — кредит ташкилоти томонидан нодир металларни ҳисобга олиш учун алоҳида белгилари ҳамда жалб этиш ва жойлаштириш бўйича операцияларни амалга оширишни кўрсатмаган ҳолда очиладиган ҳисоб рақамлари.

ЭДИФАКТ — БМТнинг бошқарувдаги, савдо ва транспортдаги маълумотларни алмашиш учун чиқарган универсал қоидалар тизими. У савдо ва транспортдаги 600 дан ортиқ маълумотлар элементларини ўз ичига олади (асосан 4 та асосий компонентга бирлаштирилган). Кўрсатилган маълумотлар махсус маълумотномада эълон қилинган ва стандартлар бўйича халқаро ташкилотда тасдиқланган.

ЭДУСКУНТ — Финляндия бир палатали парламентининг номи.

ЭКЗЕГЕТЛАР (юн.) — турли молиявий ахборотни йиғиш, ишлаш,

таснифлаш, таҳлил қилиш ва расман ҳужжатлаштириш билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолияти. Бундан ташқари, Э. аудит билан, яъни Э.ни олиб боришнинг тўғрилигини текшириб бориш билан боғлиқ. Асосий мақсади — бухгалтерия операцияларини юритиш, тегишли ҳужжатларни тузиш: даромадлар ҳақидаги ҳисоб-китоб ва баланс ҳисоб-китоби, бюджет лойиҳалари, кассадаги нақд пуллар ҳақидаги ҳисоботлар. Бу ҳужжатлар ўтган давр учун (корхонанинг молиявий аҳволини текширишда зарур) ҳамда келгуси лойиҳалар учун тузилади.

ЭКЗЕКВАТУРА — халқаро ҳуқуқда 1) бошқа мамлакатда чиқарилган ҳукмни ушбу мамлакатда ижро этиш; 2) консулни қабул қилаётган ҳукумат томонидан тан олиш ҳақидаги ҳужжат.

ЭКЗЕКУЦИЯ (лот.) — 1) ҳукмни ижро этиш (ўлим ёки тан жазоси ҳақидаги ҳукм); 2) тан жазоси.

ЭКОЛОГИК ЖАМҒАРМАЛАР — бюджетдан ташқари давлат жамғармалари. Улар кечиктириб бўлмас табиий муҳофаза вазифаларини; атроф табиий муҳитдаги йўқотишларни тиклаш, келтирилган зарарни қоплаш кабиларга хизмат қилади. Ягона тизим бўлиб, республика экологик фонди, вилоят ва маҳаллий фондларни бирлаштиради. Э.ф. корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хорижий юридик шахслардан тушган пуллар ҳамда қуйидаги маблағлардан ташкил топади: атроф муҳитга чиқарилаётган чиқиндилар учун тўловлар; экологик ҳуқуқбузарликлар учун тўланган даъво тўловлари; ноқонуний ов қилинганлиги учун олиб қўйилган ов ва балиқчилик қуролларини, улар ёрдамида овланган маҳсулотларни сотишдан тушган пуллар; хорижий фуқаролар ҳамда юридик шахслардан тушган хорижий валюталар.

ЭКОЛОГИК ЖИНОЯТ — ЎзР жиноят ҳуқуқида табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар. ЎзР ЖКда биринчи марта «Экология соҳасидаги жиноятлар» алоҳида бобга ажратилди (193—204-моддалар). Уларга қуйидагилар киради: экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш; атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш; атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик; атроф табиий муҳитни ифлослантириш; ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш; экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш; ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандаларига қарши кураш талабларини бузиш; заҳарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш; ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш; сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш; алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш.

ЭКОЛОГИК ОФАТ ЗОНАЛАРИ —ЎзР ҳудудий участкаларида хўжалик ва бошқа фаолият натижасида фауналар ва флоралар бузилиши, табиий экологик тизимни вайрон қилиш натижасида табиий мувозанатнинг бузилиши, атроф табиий муҳитнинг аҳоли соғлиғининг жиддий равишда ёмонлашувига олиб келадиган қайта тикланмас даражада чуқур ўзгариши содир бўлади. Э.о.з. худди фавқулодда экологик ҳолат зоналари тартибида эълон қилинади.

Э.о.з.да яшайдиган аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган хўжалик объектларининг фаолияти зона ҳудудида тўхтатилади; қурилиш,

янги хўжалик объектларини қайта таъмирлаш ман этилади. Маълум даражада табиатдан фойдаланишнинг барча турлари чекланади, атроф табиат муҳитини ва табиат ресурсларини тиклаш ва такрор ишлаб чиқариш бўйича оператив чора-тадбирлар кўрилади.

ЭКОЛОГИК СУҒУРТА — кўнгилли давлат экологик суғуртаси. У корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларни, уларнинг мулклари ва даромадларини экологик ҳалокатлар, табиий офатлардан суғурта қилишни назарда тутади. Э.с. фондларидан экологик ва табиий офатлар келиб чиқиши мумкин бўлган ҳолларни назарда тутиб фойдаланилади. Фондлардан фойдаланиш ва Э.с. тартиби ЎзР ҳукумати томонидан белгиланади.

ЭКОЛОГИК УРУШ — рақибга унинг ҳудудига таъсир қилиш орқали зарар етказиш (ҳаво, сув, тупроқни ифлослантириш ёки флора ва фаунасини йўқ қилиш). Халқаро ҳуқуқ томонидан ман қилинган. БМТда 1977 йилда қабул қилинган Табиий муҳитга ҳар қандай усулда ҳарбий ёки душманлик мақсадида аралашишни тақиқлаш тўғрисидаги конвенцияда белгилаб қўйилган.

ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА — Э.э. ўтказилаётган объектнинг белгиланган хўжалик ва бошқа фаолияти экологик талабларга жавоб беришини аниқлаш. Э.э.га оид ЎзР қонунлари ЎзР Конституциясининг тегишли қоидалари ва 1996 йил 27 декабрдаги «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш», 1997 йил 26 декабрдаги «Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш», 1998 йил 28 августдаги «Давлат ер кадастри тўғрисида», 1999 йил 15 апрелдаги «Ўрмон тўғрисида»ги қонунларига асосланади.

ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ — ҳуқуқ тармоқларидан бири. Табиат захираларини ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланишни тартибга солувчи қонунлар, юридик нормаларнинг йиғиндиси. Э.ҳ.ни алоҳида ҳуқуқ тармоғига бўлиш нисбатан яқинда XX аср 80-йиллар охири — 90-йиллар бошларида вужудга келди. Қуйидагилар Э.ҳ.нинг манбалари ҳисобланади: ЎзРнинг Ер кодекси (1998), МЖК (1994), ЎзРнинг 1996 йил 27 декабрдаги «Ўсимликлар дунёсидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш», «Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш» (1997 й. 27 декабрь) «Давлат ер кадастри тўғрисида» (1998 йил 28 август), «Ўрмонлар тўғрисида»ги 1999 йил 15 апрель қонунлари.

ЭКОЦИД — ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини ёппасига қириб ташлаш, атмосфера ва сув ресурсларини заҳарлаш, шунингдек, экологик инқирозлар келтириб чиқарадиган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш. Кейинги йилларда халқаро ҳуқуқда Э.ни халқаро жиноят деб тан олиш кучайди.

ЭКСГИБИЦИОНИЗМ — ўз танаси аъзоларини қарама-қарши жинсдаги ёки ўз жинсидаги одамларга ялангоч қилиб кўрсатиш орқали жинсий қониқиш олиш ёки лаззатланиш. Жунбушга келиш, эякуляция ва мастурбация билан бирга кечиши (кечмаслиги) ҳам мумкин.

ЭКСГУМАЦИЯ (лот. — тупроқ, ер) — шахс ўлимининг сабаби ёки ўликнинг шахсини аниқлаш мақсадида кўмилган мурдани қайта кавлаб олиш. Э. тергов билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда ҳам қилиниши мумкин.

ЭКСПЕДИТОР — 1) транспорт экспедициясининг томонларидан бири; 2) корхонанинг юкларни қабул қилиб олиш, уларни ташишида

кузатиб бориш, топшириш, товарларни тақсимлаш ишларини амалга оширувчи ходими. Э., бундан ташқари, ўраш, жойлаш, маркалаш, сақлаш, божхона операцияларини ҳам амалга оширади.

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ИШЛАНМАЛАР — илмий билимлар ёки амалий тажрибаларга асосланган фаолият. У инсоннинг ҳаёти ва соғлиғини сақлашга, янги материалларни, маҳсулотларни, процессларни, қурилмаларни, хизматларни, тизимларни ёки уларни янада такомиллаштиришнинг усулларини яратишга хизмат қилади.

ЭКСПЕРТ — суд, тергов органлари ва арбитраж томонидан экспертиза ўтказиш учун таклиф қилинадиган шахс. Процессуал қонунларда экспертизанинг асослари ва шартлари, экспертнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгилаб берилган. Э. қуйидаги ҳуқуқларга эга: иш материаллари билан танишиб чиқиш, суд ёки терговчининг рухсати билан тергов (суд) ишларини юритиш жараёнида қатнашиш, сўроқ қилинаётганларга саволлар бериш ва хулосалар чиқариш. Экспертнинг ваколати жиноят ёки фуқаролик ишининг юридик томонига жорий қилинмайди.

ЭКСПЕРТ БАҲОЛАШ — жиноятларни криминологик боилор қилишнинг учта асосий усулидан бири; иш тажрибаси, билими, қизиқишлари ва бошқа кўрсаткичлар асосида махсус танлаб олинган фан ва амалиёт мутахасссисларининг жиноятчиликнинг келгуси даражаси ва тузилиши, унинг боришига таъсир этувчи жараёнлар ва ҳодисалар ҳақидаги фикрларини билиш учун ўтказилади.

ЭКСПЕРТИЗА — мутахассис томонидан ёки мутухассислар гуруҳи томонидан у ёки бу соҳада малакали ечим талаб қилинадиган масалаларни ўрганиш (тиббий Э., криминалистик Э., санъат Э.си, бухгалтерия Э.си, экологик Э. ва б.) Э.нинг амалий ёки ҳужжат тарзидаги натижаси экспертнинг ёки экспертлар гуруҳининг хулосаси ҳисобланади (шунингдек, қ.: *Вақтинчалик ишга яроқсизлик Э.си, Касбий лаёқатлилик Э.си*).

ЭКСПОЗЕ — 1) бирор ҳужжатни, асарни ёки уларда келтирилган цитаталарни қисқача шарҳлаш; 2) қисқа хабар, ҳисобот; Европа парламент амалиётида — бош вазир ёки ташқи ишлар вазири томонидан айни пайтдаги сиёсатнинг, асосан ташқи ишларга доир сиёсатнинг долзарб масалаларини шарҳлаш.

ЭКСПОРТ — божхона режими. Унда товарлар, ишлар, хизматлар, интеллектуал меҳнат натижаларини, жумладан уларга бўлган алоҳида ҳуқуқларни қайтариб олиб келмаслик шарти билан ЎзР ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш амалга оширилади. Э. факти юқоридагиларнинг ЎзР чегарасини кесиб ўтиши биланоқ амалга ошган ҳисобланади. Э. қоидалари ЎзР БК ҳамда бошқа тегишли қонунларга мувофиқ амалга оширилади.

ЭКСПОРТ БАНКЛАРИ — фуқаролар, давлат ва бошқа органларнинг ташқи иқтисодий фаолияти, савдо, валюта операциялари, экспорт ва импорт бўйича ҳисоб-китоблар борасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган кредит ташкилотлари.

ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТНИ КВОТАЛАШ — давлат томонидан маълум бир вақтга натура ёки қиймат кўринишида аниқ бир номенклатурадаги товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) экспорти ва импортини сон ёки қиймат жиҳатдан чекланишини белгилаш. Давлат томонидан ундан экспорт-импорт операцияларини тартибга солишнинг нотариф воситаси сифатида фойдаланилади.

ЭКСПОРТ КВОТАСИ — экспортнинг халқ хўжалиги, унинг баъзи тармоқлари учун аҳамиятини кўрсатувчи миқдор кўрсаткичи.

ЭКСПОРТ КРЕДИТИ — экспорт қилувчилар (фирмалар, шунингдек банклар ва ҳукуматлар) томонидан чет эл фирмалари ва давлатларига улар томонидан кредитор-давлатдан товарлар сотиб олиш мақсадида берилган кредит. Э.к.нинг турлари қуйидагилар: етказиб берувчи — экспорт қилувчининг импорт олувчи — сотиб олувчига берадиган фирмага оид кредити ва банк ёки давлат сотиб олувчига берадиган кредит (молиявий кредит). Э. к., одатда векселли бўлади.

ЭКСПОРТ ЛИЗИНГИ — лизинг компанияси миллий фирмадан ускуналарни сотиб олиб, уни бошқа давлатдаги ижарачига берадиган битим.

ЭКСПОРТ МУКОФОТЛАРИ — молия ва баҳо сиёсатининг турларидан бири. Давлат маълум турдаги маҳсулотлар ва хорижий ҳамкорларга экспортни кенгайтириш, ташқи бозорларни эгаллаш учун беради.

Э.м. хорижий бозорларда товарларнинг сотилиши учун янада кенгроқ имкон беради. Одатда Э.м. экспортчи фирмаларни у ёки бу солиқ турларидан, импорт божларидан, акциз тўловларидан, субсидиялардан тўла ва қисман озод қилиш шаклида юзага келади. Э.м.ни қўллаш қисман ГАТТ тўғрисидаги қоидалар, жумладан, антидемпинг ҳақидаги қоидалар билан тартибга солинади.

ЭКСПОРТ НАЗОРАТИ — давлатнинг товарлар, ишлар, хизматлар, интеллектуал асарлар ва уларга нисбатан ҳуқуқларнинг чегара орқали олиб чиқиб кетилишини назорат қилиш фаолияти. ЎзРнинг ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш пайтидаги манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қилинади. Масалан, қуроллар, ҳарбий техника ва икки мақсадли халқ хўжалиги товарларини, шунингдек, ЎзРнинг оммавий қирғин куроллари ва бошқа хавфли қуролларни тарқатиш бўйича халқаро мажбуриятларини сақлаш мақсадида қилинади.

ЭКСПОРТ СУБСИДИЯСИ — бюджет манбалари ҳисобидан экспортни рағбатлантириш усулларидан бири. Илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик ишлари ва экспорт учун товар ишлаб чиқаришни бевосита маблағ билан таъминлаш, шунингдек, ушбу мақсадларга имтиёзли кредитлар бериш шаклида бўлиши мумкин.

ЭКСПОРТ ТОВАРЛАР — ЎзР божхона чегарасидан олиб ўтиладиган ва унинг ҳудудидан олиб чиқиладиган товарлар. Уларга ташқи савдога етказиб бериладиган нарсалар ҳам, чет элга бораётган йўловчилар ўзлари билан олиб чиқаётган нарсалар ҳам киради. Божхона органига тақдим этилган пайтдан бошлаб, божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетгунга қадар олиб чиқилаётган товарлар божхона ҳуқуқий муносабатларининг предметлари бўлади.

ЭКСПОРТНИ ИХТИЁРИЙ ЧЕКЛАШ (ЎЗИНИ ЎЗИ ЧЕКЛАШ) — ташқи савдо бўйича шерикларидан бирининг муайян товар (товарлар гуруҳи) ҳажмини чеклаш (кенгайтирмаслик) мажбурияти; контингентлаш, квоталаш ва лицензиялаш сингари, ташқи иқтисодий алоқаларни давлат йўли билан тартибга солишнинг (импортни қисқартиришнинг) нисбатан янги усулларидан бири; экспортер қаттиқ протекцион жазо қўллаш таҳдиди билан амалда мажбурланади.

ЭКСПРОПРИАЦИЯ — давлатнинг мулкни мажбуран ёки номажбурий олиб қўйиши. Мажбурий ёки номажбурийлигига қараб, уни икки турга бўлиш мумкин: конфискация ва реквизиция.

ЭКСТЕРРИТОРИАЛЛИК (лот. ex — ташқарида, territorialis — ҳудудда) — тўлиқ иммунитетга эгалик, яъни шахсни (ёки муассасани) ушбу шахс (ёки муассаса) ўзи фуқароси бўлган давлат ҳудудида жойлашган (ёки миллат, агар гап жисмоний шахслар тўғрисида бормаётган бўлса) деб ҳисоблаш асосида бирон бир давлат юрисдикциясидан озод бўлиши. Илгари Э. дипломатик иммунитетлар ёки имтиёзлар учун асос бўлган, лекин кейинчалик Э. бундай вазиятларда юридик фикцияларга (ёлғонларга) асосланганлиги, иммунитетлар ва имтиёзларнинг чексиз кенгайтириб юборилиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги сабабли ундан воз кечилди. Э. халқаро ҳуқуқнинг баъзи бир бошқа тармоқларида ўз аҳамиятини сақлаб қолди. М-н, халқаро денгиз ҳуқуқида ундан ҳарбий кеманинг хорижий бандаргоҳдаги мақомини ифодалашда фойдаланилади, чунки бундай кема ана шу ҳолда ҳам байроқ билдирадиган давлатнинг сузиб юрувчи ҳудуди деб қаралади. Э. ҳудудий суверен розилиги билан хорижий ҳудудда турган ҳарбий ҳаво кемасида ҳам қўлланилади. Чунки у ўз белгиси ифодалаётган давлат ҳудудининг қисми ҳисобланади.

ЭКСТРАДИЦИЯ (лот.) — бир давлатдан бошқа бир (хорижий) давлатга ўз фуқаросини (ёки хорижлик фуқарони) бериш. Ҳозирги конституциялар, қоида тариқасида, ўз фуқаросини хорижий давлатларга беришни сўзсиз ман қилади (м-н, ЎзР Конституциясининг 22-моддаси). Хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни беришга, халқаро шартномаларда кўрсатилганидек, фақат тегишли давлатларни боғловчи халқаро шартномада назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принципларига асосан, фуқароларга нисбатан ўлим жазоси ёки қийноққа солиш хавфи бўлган давлатларга экстрадиция қилишга йўл қўйилмайди. ЎзРда сиёсий қарашлари, шунингдек, ЎзРда жиноят деб тан олинмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун таъқиб қилинаётган шахсларни топширишга йўл қўйилмайди. ЎзР ЖКга мувофиқ, чет эл фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида доимий яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этган жиноятлари учун фақат халқаро шартномалар ёки битимларда назарда тутилган ҳоллардагина жавобгарликка тортиладилар.

ЭКСТРАМУКОФОТ — туғиладиган хавф-хатар ошиб қолганда, қўшимча суғурта қилиш учун оддий мукофот устига суғурта қилувчи томонидан тўланадиган қўшимча мукофот. Шундай қилиб, қўшимча мукофотлар сузиш хавфли ҳудудларга тааллуқли бўлган сув ҳавзаларига кемаларнинг кириши учун, олий даражада бўлмаган регистрлар учун эски кемаларни суғурта қилиш кабилар билан тўланади.

ЭКСТРАПОЛЯЦИЯ (лот.) — ҳодисанинг бир қисмига доир хулосаларни унинг бошқа қисмига нисбатан қўллаш; жиноятчиликни криминологик башорат қилишнинг уч асосий усулидан бири; жиноятчилик даражаси ва тузилишининг ўзгариш йўналишлари, хусусияти ва суръатлари акс этадиган статистик қаторларни муайян давр учун йиллар бўйича шакллантириш йўли билан алмаштирилади ҳамда ўтган замон ва ҳозирги давр маълумотлари келажакка проекцияланади (қ.: *Эксперт баҳолаш*).

ЭКСТРАФРАХТ — қўшимча йўл юрилгани учун портларнинг қўшимча юк туширганлиги ва (ёки) юкланганлиги ва б. учун фрахта (йўлкира, юк ташаш ҳақи) базис ставкасига устама ҳақ.

ЭКСЦЕДЕНТ — хавфни суғурта қилган суғурта компанияси ушлаб қолган суммадан ортиқ суммани қайта суғурта қилиш зарур бўлган хавф суммаси. Қайта суғурта қилинадиган сумма одатда «Эксцедент» деб номланадиган муайян лимит билан чекланади. Э. одатда ўтказувчи компаниянинг ўзи ушлаб қоладиган суммани муайян марта кўпайтириб ҳосил қилинган суммадан ташкил топади. Агар бундай Э. суммаси ўтказувчи компаниянинг ўзи ушлаб қоладиган суммадан ортиқ хавфни тўла қайта суғурта қилиш учун етарли бўлмаса, биринчи Э.дан кейин иккинчи, учинчи Э. келиши мумкин. Бу қайта суғурта қилинадиган хавф тўлиқ суғурта қилинмагунча давом этиши мумкин.

ЭКСЦЕДЕНТ ҚАЙТА СУҒУРТАЛАШ ШАРТНОМАСИ — олдиндан келишилган пул доирасида юз берган ҳар қандай имкониятдаги зарарни тўла қоплаш мажбуриятини суғурта қилувчи, ундан ортиғи учун масъулиятни эса қайта суғурта қилувчи олишига асос бўладиган шартнома.

ЭКЮ — қитъанинг асосий валюта тизими ҳисобланувчи Европа ҳисоб бирлиги. Унинг баҳоси ЕИга кирувчи мамлакатнинг «валюта савати» асосида аниқланади. Ушбу валюталардан бирининг солиштирма вазни аниқланганда ЕИга аъзо мамлакатлар саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг шу мамлакат саноат ишлаб чиқаришидаги улуши асос қилиб олинади.

ЭЛЕКТОРАЛЬ ЮСТИЦИЯ — бир қатор мамлакатларнинг суд ёки махсус суд органлари томонидан давлат органларига сайловлар ўтказиш, сайлов компаниялари билан боғлиқ бўлган тортишувларни ҳал қилиш ва кўриб чиқиш мақсадида тайинланади. ЎзРда бундай идора йўқ.

ЭЛЕКТОРАТ — парламент, президент ёки муниципиал сайловларга овоз берувчи партиянинг сайловчилари.

ЭЛЕКТР СТУЛ — юқори босимли электр токи ёрдамида ўлдириш жазосига ҳукм этилганлар бўйича ҳукмни ижро этиш учун мўлжалланган асбоб. АҚШда ишлаб чиқарилган. Биринчи марта 1890 йилда қўлланилган.

ЭЛЧИ — давлатларнинг ўзаро дипломатик алоқаларида фаолият кўрсатувчи дипломатик ваколатхоналар бошлиғи. «ЎзРнинг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш тўғрисида»ги 1992 йил 3 июлда қабул қилинган қонунга асосан, дипломатия ваколатхоналари бошлиқларининг энг юқори даражаси. Фавқулодда ва мухтор элчи ЎзР Президентининг фармони асосида берилади. Элчи тайинланган мамлакатга жўнаб кетгунига қадар борадиган давлат раҳбарига топшириш учун Президент томонидан имзоланган ишонч ёрлиғини тайёрлайди. Шу билан бирга, ЎзР Президентининг фармонига асосан қуйидаги ҳолларда элчи чақириб олинади: а) дипломатия ваколатхонасининг бошлиғи алмаштирилиши муносабати билан; б) дипломатия ваколатхонасининг бошлиги номатлуб шахс (персона нон грата) деб эълон қилинганда; в) давлатлар ўртасидаги муносабатлар узилганда; г) давлатлар ўртасида уруш ҳолати эълон қилинганда; д) давлат халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида йўқолганда.

ЭЛЧИЛИК ҲУҚУҚИ — чет давлатларда фаолият кўрсатаётган дипломатик ваколатхоналарнинг мавқеи ва фаолият йўналишларини белгиловчи халқаро-ҳуқуқий нормалар мажмуи. Э.ҳ. дипломатик ҳуқуқнинг бир тармоғи. Э.ҳ.нинг шаклланиш даври қадим ўтмишда бошланган бўлса-

қоғозда мустаҳкамланган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Эмиссион қимматбаҳо қоғоз мулкий ҳуқуқларни ушбу қимматбаҳо қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган ҳажмда ва ЎзР қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда мустаҳкамлайди.

Эмиссион қимматбаҳо қоғоз сертификатида қуйидаги реквизитлар бўлиши шарт: эмитентнинг тўлиқ номи ва юридик манзили; қимматбаҳо қоғозларнинг тури; эмиссион қимматбаҳо қоғозларнинг давлат рўйхатидаги номери; эмиссион қимматбаҳо қоғозларни жойлаштириш тартиби; эмитентнинг қимматбаҳо қоғоз эгаси ЎзР қонун ҳужжатларига риоя этган тақдирда, унинг ҳуқуқларини таъминлаш мажбурияти; ушбу сертификат билан тасдиқланган эмиссион қимматбаҳо қоғозлар сони ҳақидаги ёзув, муайян давлат рўйхатига олинганликни кўрсатувчи рақамлари кўрсатилган эмиссион қимматбаҳо қогозларнинг умумий сони; марказлашган сақлаш мажбуриятисиз ҳужжат шаклидаги ёки марказлашган сақлаш мажбурияти билан ҳужжатли шаклдаги қимматбаҳо эмиссион қоғозларнинг ишлаб чиқарилгани ёки чиқарилмаганини кўрсатиш; ҳужжатлаштирилган шаклдаги эмиссион қимматбаҳо қоғозлар мажбурий марказлаштирилган ҳолда сақланиш шарти билан ёки ҳужжатлаштирилган шаклда марказлаштирилган ҳолда сақланиш мажбуриятисиз чиқарилганлиги тўғрисидаги ёзув; эмитент муҳри; эмитент раҳбарларининг имзолари ва сертификат берган шахс имзоси; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида аниқ турдаги қимматбаҳо қоғозлар учун кўзда тутилган бошқа реквизитлар. Эгаси кўрсатилган эмиссион қимматбаҳо қоғоз сертификатининг мажбурий реквизитларидан бири эгасининг номидир.

ЭМИССИОН ҲУҚУҚ — давлат ва тижорат ташкилотлари муомалага (эмиссия) расмий равишда чиқарадиган тўлов воситаларини, шунингдек, қимматли қогозларни (облигация, акция, депозитли сертификатларни) бошқаришнинг норма ва принциплари тизими. Расмий равишдаги тўлов воситаларини эмиссия қилиш ҳуқуқи (нақд ва нақдсиз пул ҳисобида) қуйидагилардан иборат: пул белгиларини муомалага чиқариш ва муомаладан олиб ташлаш; банк билетлари (марказий банк билетлари) ва тангалар шаклида пул белгиларини тайёрлашни ташкил этиш; муомаладаги пул миқдорини (кредит-маблағ тизими) бошқарувининг нақд пул эмиссияси нақд бўлмаган пул эмиссияси (банкдаги) билан чамбарчас боғлиқдир; уларга пул-кредит сиёсатини амалга ошириш жараёнида улар ўртасидаги ўзаро муносабатни аниқлаш, марказий банк олдида турувчи асосий вазифалардан биридир. Эмиссия ҳуқуқи кўринишидаги эмиссион ҳуқуқининг расмий равишдаги тўлов воситалари билан шуғулланиш ҳуқуқи фақат Марказий банкка берилган. Қимматли қоғозлар эмиссияси ҳуқуқига анча йирик доирадаги ҳуқуқий муносабат субъектлари (давлат, тижорат ташкилотлари) эга бўлишлари мумкин. Қимматли қоғозлар эмиссияси ҳуқуқи, умумфуқаролик ҳуқуқий субъектлар томонидан тузилади ва уларни ҳуқуқий ташкилот шаклига ёки фаолият турига (м-н, акциялар эмиссиясини очиқ турдаги акционерлик жамияти амалга ошириши мумкин) қараб тижорат ташкилотларига бўйсунади.

ЭМИССИЯ ИНТИЗОМИ — эмитентларнинг эмиссия операцияларини амалга оширишнинг белгиланган тартибига риоя этиши.

ЭМИССИЯ КУРСИ — қимматли қоғозлар эмиссияси амалга оши-

риладиган курс. Эмитентнинг молиявий аҳволи, унинг ссуда капиталлари бозоридаги ўрни, ставка фоизларининг ўсиши билан белгиланади. Эмиссия курси қимматли қоғозлар эмиссияси ҳажмига кўпинча эмиссия қилинувчи қимматли қоғозларни олиш-сотиш йўли билан уларнинг курсини тартибга солишга ҳаракат қилади. Давлатнинг қимматли қоғозлар курси Марказий банк томонидан очиқ бозорда операция ўтказиш йўли билан тартибга солинади.

ЭМИТЕНТ (лот. — чиқарувчи) — белгиланган тартибда ва белгиланган шартлар асосида пул, облигация, акция ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни ва ҳужжатларни, жумладан, (пластик) кредит карточкаларини, йўл чекларини чиқариш (муомалага киритиш) ҳуқуқи берилган давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик шахс ёки юридик шахслар гуруҳи.

Ҳар бир эмитент фақат унга рухсат этилган тўлов воситалари ва қимматбаҳо қоғозлар эмиссиясини амалга ошириши мумкин. Э. пул ва қимматбаҳо қоғозларнинг эгалари уларга берган ҳуқуқларни ўз номидан амалга ошириш мажбуриятига эга. Амалдаги қонунларга кўра, давлатнинг юқори органлари белгилаб берган миқдорда нақд пулларни муомалага чиқариш учун рухсат фақат ЎзР МБга берилган. Барча банклар нақд пулсиз амалга ошириладиган тўлов воситаларининг Э.и ҳисобланади. Банк қарз берар экан, қарзга берилган маблағларни қарздорлар ҳисобига киритади. Бундай жараёнлар депозитли эмиссия деб номланади. Фақат банкларгина (аммо бошқа кредит ташкилотлари эмас) уларга берилган лицензияларга мувофиқ равишда кредит бериш ва шу асосда депозит эмиссиясини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Давлат облигацияларининг Э.и облигация чиқариш шартларини зиммасига оладиган давлат молия органлари ҳисобланади. Тижорат банклари облигацияларни сотиш, шунингдек, сотиб олиш бўйича операцияларга жалб этилишлари мумкин. Акциялар (устав маблағини ташкил қилиш ва уни кўпайтириш учун) ва турли юридик шахслар облигацияларининг Э.и (маблағларни қарзга олиш учун) вазифасини ишлаб чиқариш ва тижорат тузилмалари, шунингдек, банклар бажаришлари мумкин. ЎзРнинг «Қимматбаҳо қоғозлар ва биржа фондлари тўғрисида»ги 1993 йил 2 сентябрь қонунига ҳамда мазкур қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 1994 йил 23 сентябрь қонунига биноан, акция ва облигациялар Э.лари, уларни чиқариш лойиҳаларини тайёрлашлари ва ЎзР Молия вазирлигида ҳамда унинг органларида рўйхатдан ўтказишлари шарт; агар Э. — тижорат банки бўлса, у ҳолда рўйхатдан ўтказишни МБ ёки унинг шаҳардан ташқаридаги органлари амалга оширади. Э. қимматбаҳо қоғозлар жойлаштирилишининг натижаларини чиқаришлари, бу ҳақда ҳисобот тайёрлаб, ўзи рўйхатдан ўтказилган жойга тақдим этиши ва жойлаштириш якунларига оид маълумотларни матбуотда эълон қилиши шарт.

ЭНЕРГИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ШАРТНОМАСИ — олди-сотди шартномасининг етказиб бериш шартномасига ўхшаш турларидан бири. ЎзР ФКда назарда тутилган. Э.б.т.ш.га кўра, энергия билан таъминловчи ташкилот абонентга (истеъмолчига) бирлаштирилган тармоқ орқали энергия етказиб бериш мажбуриятини, абонент эса олган энергияси учун ҳақ тўлаш, шунингдек, шартномада назарда тутилган истеъмол режимига амал қилиш, ўз қарамоғида бўлган энергия тармоқларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи ишлатаёт-

ган энергия истеъмоли билан боғлиқ асбоб-ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

ЭНЕРГИЯНИ САҚЛАШ — энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш ва хўжалик оборотига энергиянинг қайта тикланадиган манбаларини жалб этишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, ишлаб чиқариш, техникавий ва иқтисодий чораларни амалга ошириш. ЎзРнинг Э.с. тўғрисидаги қонун хужжатлари Э.с. шартномаларини тартибга солувчи ЎзР ФК нормалари, ЎзРнинг «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида»ги 1997 йил 25 апрель қонуни ва ЎзРнинг уларга мувофиқ қабул қилинган норматив ҳужжатларидан иборат.

ЭПАРХ (юн. — ҳоким, бошлиқ) — Византияда Константинополь шаҳрининг (атрофи билан бирга) ҳокими. Бевосита императорга бўйсунган. Кўплаб хизматчилар, ҳарбий отряд, қамоқхонага эга бўлган. Унинг вазифаларига судлов ва полиция фаолиятидан ташқари, шаҳар таъминотини ташкил этиш, ҳунармандчилик ва савдони (жумладан нарх-навони) бошқариш, томошаларни назорат қилиш ҳам кирган. 1204 йилдан кейин Э. лавозими амалда бекор қилинган. XIV асрда «Э.» атамаси учраб турса-да, фақат унвон сифатида қўлланилган.

ЭР ВА ХОТИННИНГ УМУМИЙ МУЛКИ — ЎзР Оила кодексининг 23-моддасига биноан, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади. Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар олган пенсиялар, нафақалар, шунингдек, махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўпланган суммалар ва бошқалар) киради. Эр ва хотиннинг умумий даромади ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлар, пайлар, омонатлар, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлар ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар, эр ва хотиннинг умумий мулки ҳисобланади.

ЭРКИН БОЖХОНА ЗОНАСИ — божхона ва валюта нуқтаи назаридан гўёки «хорижий» ҳисобланадиган (яъни божхона чегарасидан ташқарига чиқадиган) ҳудуд; ушбу ҳудудга етказиб бериладиган юклар бож ва бошқа харажатларга тортилмайди. Халқаро тартибга солиш қоидалари КИОТО конвенциясида белгилаб қўйилган.

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБОТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ — ЎзРнинг 1996 йил 25 апрелдаги «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги қонунининг 11-моддасига мувофиқ, эркин иқтисодий зоналарда алоҳида божхона, валюта, солиқ тартиботи, шунингдек, фуқаролар кириши, чиқиши ва бу ерда бўлишининг, меҳ-

нат муносабатлари, молия-кредит фаолиятининг алоҳида тартиботи ҳамда инвестицияларни жалб этишга, тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга ва зонани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган бошқача тартибот ўрнатилиши мумкин.

ЭРКИН МАНДАТ — вакиллик ҳокимияти органининг депутати сайловчилар накази билан боғлиқ бўлмаган ва улар олдида ҳеч қандай жавобгарликка эга бўлмайдиган ҳолат қоидаси. Бунда депутатни сайловчилар ҳам чақириб ололмайдилар. Э.м. принципи кўпинча демократик мамлакатларда қўлланилади. Э.м.нинг тескариси императив мандат дейилади.

ЭРКИН МУОМАЛАДАГИ ТОВАРЛАР — божхона органларининг рухсатисиз тасарруф этиши мумкин бўлган товарлар.

ЭРКИН САВДО ЗОНАЛАРИ — 1) преференциал савдо зоналари, унинг атрофида саноат товарлари билан халқаро савдони миқдорий чеклаш бўлмаслигини ва божхонадан эркинлигини қўллаб-қувватлайди. Э.с.з. орасида марказий ўринни Европа иқтисодий ҳамкорлиги (ЕИҲ) ва Европа эркин савдо уюшмаси (ЕЭСУ) эгаллайди. Иқтисодий эркин зона турларидан бири. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг минтақавий гуруҳлари улар доирасида божсиз савдо қиладилар.

ЭРКИН ТАДБИРКОРЛИК ЗОНАСИ — муайян мамлакат ҳудудининг алоҳида қисми, божхона ҳудуди унинг ташқарисида бўлади деб қаралувчи, унга божхона ижара, солиқ, валюта, виза, меҳнат ва бошқа алоҳида (имтиёзли) шартларда чет эл капитали киритилиши ва ҳамкорликда тадбиркорликни амалга ошириш учун солиқ ва божхона имтиёзлари қулай шароит яратувчи тартиблар киритилади. Иқтисодий эркин зонанинг синонимларидан бири.

ЭРКИН ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ВА ЖОЙЛАШИШ ҲУҚУҚИ — инсоннинг шахсий ҳуқуқларидан бири. Ҳар бир кишининг маълум бир қонунларга риоя қилган ҳолда давлатнинг истаган ерида яшаши, бўлиши ва давлатнинг у четидан бу четига эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқига эгалиги. Бундай ҳуқуққа фуқаролар ўзи яшаётган давлат ҳудудидагина эга бўлади. Бошқа ҳудудда уларнинг ҳуқуқи муайян даражада бўлади.

ЭРКИНЛИК ВА ШАХСИЙ ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИ — фуқароларнинг давлат томонидан конституциявий тарзда кафолатланган ҳуқуқи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида қайд этилганидек, «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас».

ЭРЛИ (инг. — одам, жангчи) — қадимги англо-саксон манбаларида (VII аср) керла оддий жамоаларига қарама-қарши турган зодагонлар. Англо-саксон даврининг охирида Э. илгариги элдормен (ealdorman) титулини сиқиб чиқариб, айрим графликлар тепасида турган ва қитъа графларига мувофиқ келадиган мансабдор шахсларга берилган ҳамда бу унвон соҳиблари худди улар каби мерос бўлиб ўтадиган феодал сеньорларига айланган.

ЭРОТИК МАТЕРИАЛЛАР — инсон ва унинг ҳаракатлари ўқувчида, эшитувчида ёки томоша қилувчида жинсий майл, иштиёқ уйғотадиган тарзда тасвирланган асарлар, босма нашрлар, компьютер дастурлари, фильмлар, видео-ва аудио ёзувлар, телерадио кўрсатувлари. Э.м. тарқатиш учун қонун ҳужжатларида махсус шартлар белгиланади.

ЭР-ХОТИННИНГ БИРГАЛИКДАГИ МУЛКИ — ЎзР Оила кодексининг 23-моддасига биноан, эр-хотиннинг никоҳда турган вақтида тўпланган мулки. Эр-хотиннинг никоҳда бўлган вақтда тўплаган мулкига (эр-хотиннинг умумий мулкига) эр-хотиннинг ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолияти натижаларидан олган даромадлари, улар олган пенсиялар, нафақалар, шунингдек, махсус мақсадли бўлмаган бошқа пулли тўловлар (моддий ёрдам суммалари, ногиронлик ёки саломатлигига бошқача зарар етказганлик натижасида зарарни қоплаш ҳисобига олинган суммалар) киради. Эр-хотиннинг умумий мулкига, шунингдек, уларнинг даромадлари ҳисобига сотиб олинган кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, пайлар, омонатлар, кредит муассасалари ёки тижорат ташкилотларига киритилган сармоядаги улушлар, эр-хотиннинг никоҳда турган вақтда тўплаган, эр-хотиннинг қайси бири номига сотиб олингани ёки унга кимнинг пул тўлаганидан қатъи назар, ҳар қандай бошқа мулки киради. Эр-хотиннинг умумий мулкига бўлган ҳуқуқ, шунингдек, никоҳда бўлиш вақтида уйрузғорни юритган, болаларни парвариш қилган ёки бошқа қандайдир узрли сабабларга кўра мустақил даромади ишлаш имкони бўлмаган эр ёки хотинга ҳам тегишли бўлади. ЎзР Оила кодексининг 22-моддасига биноан, эр-хотиннинг биргаликдаги мулки тартиби улар мол-мулкининг қонуний тартиби ҳисобланади. Агар никоҳ шартномасига кўра бошқача қоида белгиланмаган бўлса, бундай тартиб амал қилади.

Эр-хотиннинг умумий мулкка эгалик қилиши, фойдаланиши ва уни тасарруф этиши уларнинг ўзаро келишувига кўра амалга оширилади. Эр-хотиндан бири уларнинг умумий мулкини тасарруф этиш бўйича бирон битимни амалга оширганида у эр ёки хотиннинг розилиги билан шундай қилган деб тушунилади. Эр-хотиндан бири уларнинг умумий мулкини тасарруф этиши юзасидан амалга оширган битим агар эр ёки хотин бундай битимдан олдиндан хабардор бўлса ва бу ишга иккинчи томоннинг рози бўлмаслигини била туриб шундай қилганлиги исботланса, суднинг бундай битимни иккинчи томоннинг розилигисиз амалга оширилган деб ҳисоблаши учун асос бўлади.

ЭСКРОУ — англо-саксон ҳуқуқида пул суммасини бошқа шахс номига учинчи шахсда депозитлаштириш тури бўлиб, унга кўра, мазкур сумма бошқа шахсга у маълум шартни бажарганидан кейингина берилиши белгилаб қўйилади.

ЭСТОППЕЛЬ (ингл. — эътироз, эътироз билдириш ҳуқуқидан маҳрум этиш) — шахсни ўз даъволарини асослаш учун бирон-бир фактларга таяниш ҳуқуқидан маҳрум этувчи ҳуқуқий принцип. Халқаро ҳуқуқда Э. давлатнинг ўз халқаро даъволарини асослаш учун ҳар қандай фактлар ёки ҳолатларга асосланиш ҳуқуқидан маҳрум этилганлигини билдиради. Э.ни қўллаш оқибатида давлат, м-н, халқаро шартноманинг ҳақиқий эмаслиги, тўхтатилганлиги ёки тугатилганлиги ёхуд ундан чиққанлиги асосларига ҳавола қилиш ҳуқуқини йўқотиши мумкин. Э. одатда давлатнинг у ёки бу масалага бўлган аввалги ва ҳозирги муносабати ўртасида жиддий фарқ бўлган ҳолларда қўлланилади. Давлатлар ўртасидаги муносабатларда Э.ни қўллашда муайян қийинчиликлар мавжудлигига қарамай, ушбу принцип халқаро суд ва арбитраж амалиётида қўлланилмоқда. Халқаро муносабатларда Э. халқаро ҳуқуқнинг давлатларнинг суверен тенглиги ва мустақиллиги, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ва

давлатлар ўртасидаги муносабатларда куч ишлатиш билан қўрқитиш ёки куч ишлатишнинг тақиқланиши каби асосий принципларига риоя этилган тақдирда қўлланиши мумкин.

ЭТИКЕТКА — товар, экспонат ва бошқа нарсаларда ўрнатиладиган ҳамда маҳсулот тайёрловчининг номи ва манзили, товарнинг номи истеъмол хоссалари ва сифати, баҳоси ва бошқалар ёки мазкур маълумотлардан бири кўрсатиладиган ёрлиқ.

ЭТНИК ВАКИЛЛИК — вакиллик ҳокимиятини ташкил этиш принципи бўлиб, унга кўра, вакиллик муассасаларининг депутатлари мамлакат аҳолисининг ҳаммасининг (ёки унинг алоҳида ҳудудининг) эмас, балки ўзларини бевосита сайлаган этник гуруҳларнинг манфаатини ҳимоя қиладилар. Ҳозирги замонда Э.в. тенг вакиллик принципига ва, бинобарин, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигидек асосий принципга зид келганлиги сабабли, жуда кам қўлланилмоқда. Бу борада Фиджи давлати ноёб ҳол бўлиб, унинг 1991 йилги конституциясига мувофиқ, Э.в. принципи бутун давлат ҳокимияти тизимининг ташкилий асосидир. Бир қатор демократик давлатларда Э.в. ёрдамчи хусусият касб этади ва кам сонли туб аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишнинг конституциявий асоси бўлиб хизмат қилади: м-н, Ҳиндистон, Словения, Қрим Республикаси ҳамда баъзи бир бошқа давлатлар парламентига озроқ депутатлар кичик этник гуруҳлардан миллий округ бўйича ёки бошқа йўл билан сайланади.

ЭФОРЛАР (юн. — кузатувчилар) — Спарта шаҳрида (Қадимги Юнонистон) давлатни амалда бошқарган (расман Спартага ҳарбий ҳокимият ҳамда олий диний ҳокимият раҳбари вазифасини бажарган икки подшо раҳбарлик қилган) олий мансабдор шахслар ҳайъати. Бундай мартабага Э.лар подшо ҳокимиятининг кучайиб кетишидан хавфсираган зодагонлар туфайли эришганлар. Э. беш кишидан иборат бўлиб, ҳар йили халқ йиғинларида барча фуқаролар орасидан сайланганлар. Э. ягона ҳайъатни ташкил этганлар (мил. ав. 8 аср ўрталарида таъсис этилган) ва ўз қарорларини кўпчилик овоз билан қабул қилганлар. Э. *герусия* ҳамда халқ йиғинлари (апеллалар)ни чақирганлар ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилганлар. Мамлакатнинг деярли барча ташқи алоқалари ҳамда ички бошқаруви уларнинг қўлида бўлган. Улар ахлоқ қоидалари ва интизомга риоя этишни, фуқароларнинг хулқ-атворларини, тобе аҳолининг, яъни периэклар ва илотларнинг ҳаётини қаттиқ назорат қилганлар, барча мансабдор шахсларнинг фаолиятини кузатиб турганлар ва ҳар йили уларнинг ҳисоботларини текширганлар. Фуқаролик юрисдикцияси Э. қўлида бўлган. Э.нинг вазифаларидан бири подшоларнинг ҳокимияти кучайиб кетишига ва монархия ўрнатилишига йўл қўймаслик мақсадида уларнинг фаолиятини назорат қилишдан иборат бўлган. Э. подшоларни герусия судига тортиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Э. ўз фаолиятида фақат ўзларининг ворисларигагина ҳисобот берганлар.

Э. ҳайъати спарталиклар ҳаётининг барча томонларига раҳбарлик қилувчи Спарта олигархиясининг органи бўлган. Э.нинг назоратдан холи эканлиги, уларни суд орқали жавобгарликка тортиш мумкин эмаслиги уларнинг ўз ҳокимиятини суиистеъмол қилишларига олиб келган.

ЭШАФОТ (фр.) — қатл учун мўлжалланган тахтасупа, кунда.

ЭҲМ ДАСТУРЛАРИ — фуқаролик муносабатларида муаллифлик ҳуқуқининг объекти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик

кодексининг 1042-моддасига асосан, барча турдаги ЭҲМ учун тузилган дастурлар, шу жумладан, амалий дастурлар ва операциялар ҳам ҳуқуқ сифатида эътироф этилган.

ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИ — ЎзРнинг Жиноят-процессуал кодекси билан тартибга солинадиган чоралар мажмуи. Э.ч. айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш; унинг бундан буёнги жиноий фаолиятининг олдини олиш; унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга халал берадиган уринишларига йўл қўймаслик; ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади.

ЖК 15-м.нинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинаётган айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан яшириниши мумкин деган ўринли тахмин ҳам қамоқда сақлаш тарзидаги танлаш учун асос бўлиши мумкин.

Экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилишини кутаётган, шунингдек, ақли норасо деб эътироф этилган ёки жиноят содир қилганидан сўнг руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан Э.ч. улар яширинишининг ва бошқа ижтимоий хавфли қилмишлар содир қилишининг олдини олиш, шунингдек, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш ҳақидаги суд ажрими ижросини таъминлаш мақсадида қўлланилиши мумкин.

Э. ч. га қуйидагилар киради: муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат; шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги; гаров; қамоққа олиш; вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш; ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан командир кузатуви. Бир шахсга нисбатан бир вақтнинг ўзида ана шу чоралардан фақат биттаси қўлланилишига йўл қўйилади (ЎзР ЖПК 237-м.).

ЭҲТИЁТСИЗЛИК — ҳуқуқ назариясида эҳтиётсизликнинг икки ҳолати кўрсатилган: 1) бепарволик; 2) ўз-ўзига ишониш, енгилтаклик.

Ушбу тушунча, ЎзРнинг маъмурий, фуқаролик, жиноят ва меҳнат ҳуқуқларида ҳам учрайди. Эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят ЖКнинг 22-м.да қуйидагича таърифланади.

Ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят деб топилади.

Агар жиноятни содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда, бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган бўлса, бундай жиноят ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилган деб топилади.

Агар жиноят содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмаса-да, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлса, бундай жиноят бепарволик орқасида содир этилган деб топилади.

ЭҲТИЁТСИЗЛИК ОРҚАСИДА ОДАМ ЎЛДИРИШ — жиноят қонунчилиги бўйича шахснинг ҳаётига қарши жиноят ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 102-моддасида кўзда тутилган жиноий жавобгарлик белгиланади.

ЭҲТИЁТСИЗЛИК ОРҚАСИДА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАР — жиноят содир этишда шахснинг ўз ҳаракатларига бўлган субъектив муносабати. ЎзР ЖКнинг 22-моддасига асосан, ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят деб эътироф этилган. Агар жиноятни содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган бўлса, бундай жиноят ўз-ўзига ишонч оқибатида содир этилган деб ҳисобланади. Ўз хусусиятларига кўра, эҳтиётсизлик жиноятлари қонунчилик асосида айбнинг бирмунча хавфсиз шакли деб белгиланган.

«Ю»

ЮЗАКИ ИЗЛАР — криминалистика фанининг трасология (излар тўғрисидаги таълимот) бўлимида излар вужудга келишининг қонуниятларини ўрганиш натижасида изларнинг илмий этироф этилган хусусияти. Бунга кўра, излар юзаки, ботиқ, переферик, динамик каби кўринишларда бўлади. Бунда асосан из қолдирувчи ва из қабул қилувчи предметларнинг физикавий, кимёвий ва бошқа хусусиятлари катта аҳамиятга эга. Агар из қолдирувчи жисм из қабул қилувчи жисмдан мустаҳкам бўлса, унинг изи юзаки ҳолда қолади ёки, аксинча, из қабул қилувчи жисм юмшоқ бўлиб из қолдирувчи жисм қаттиқ бўлса, из ботиқ ҳолда қолади. Ю.и. буюм ёки жисмнинг юзасида қолади. Шу билан бирга, из қолдирувчи жисмнинг ўзига хос ташқи хусусиятлари из қабул қилувчи жисм юзасида маълум миқдорда тўлиқ сақланиб қолади. Масалан, бармоқ изларининг чинни ёки шиша буюмлар юзасида қолиши, асфальт юзасида автомобиль ғилдираги изининг қолиши кабилар. Юзаки излар криминалистикада айнанликни исботлаш учун тадқиқ этилади.

ЮЗЛАШТИРИШ — жиноят процессидаги суриштирув ҳаракати. Берилган иш бўйича илгари сўроқ қилинган икки шахс кўрсатувлари ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар бўлганда, бу қарама-қаршиликларнинг сабабини аниқлаш учун Ю. ўтказиш назарда тутилади. Ю.ни ўтказиш асослари ЖПКнинг 122-124-моддаларида белгиланган.

ЮК — ташилаётган товар.

ЮК ЖЎНАТИШ ПАРТИЯСИ — бир транспорт таркибида, бир ҳужжат билан юбориладиган юклар. Сув транспортиларига тааллуқли.

ЮК ЖЎНАТУВЧИ — *юк ташиш шартномасининг* томони; юкни ташиш учун топширган ва юк ташиш ҳужжатида жўнатувчи сифатида кўрсатилган ташкилот.

Юк жўнатувчи томон юкларнинг тўлиқ ва бир текис ташилишини таъминлаши, белгиланган ҳақни тўлаши, юкнинг йўлда сақланишини таъминлайдиган ҳолатда (чунончи, мос идишда) топшириши, ҳаракатдаги составга юкни транспорт воситаларига юк кўтариш (юк сиғдириш) нормаларига риоя этган ҳолда ўз вақтида ортиши, юк ташишга доир ҳужжатларни тўғри тўлдириши шарт.

ЮК ЙИҒИМИ — юк эгасининг денгиз бандаргоҳи кўрсатган хизмат учун тўлайдиган ҳақи.

ЮК ЙЎЛЛАНМАСИ — 1) юк хати, дастлабки бухгалтерия ҳужжати, товар ёки материалларни чиқариш учун ҳисоб-китоб қилинган хат. У ўзида мавжуд корхона, муассаса, ташкилот номи, жойи, юк хатининг номери, куни, чиқарилаётган товарнинг сифати, нави, баҳоси ва бошқа томонларини ифодалайди. Ю.й. транспорт йўлланма хати бўлиб, унда товар номи, баҳоси, жўнатиладиган вақти, рақами, ҳисоб рақами, қандай транспорт билан жўнатилаётганлиги, қандай шартнома асосида эканлиги каби ҳолатлар кўрсатилади. Шунингдек, транспортда юк ташиш шартномасига асосан, у ўзида жўнатилаётган товарнинг оғирлиги, куни, жойи, қаерга бориши билан боглиқ ҳолларни ифода этиши лозим.

ЮК КВИТАНЦИЯСИ — темир йўл ёки ички сув транспорти органи томонидан юкнинг ташишга қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат, яъни юк ташувчининг товар-моддий қимматликларни қабул қилишда берадиган тилхати. Ю.к. аниқ бир юк жўнатувчи номига тузилади ва унга берилади. Юк йўқолган ҳолда Ю.к. юк ташувчига эътирозлар билдириш ва даъво қилиш ҳуқуқини беради.

ЮК КВИТАНЦИЯСИ — умумий фойдаланишдаги транспорт билан юк ташиш расмийлаштириладиган биринчи ҳисоб ҳужжати.

ЮК МАНИФЕСТИ — муайян кемага ортилган барча коносамент туркумлари акс эттирилган ҳужжат. Хорижий бандаргоҳда кема ва юкни божхонада «тозалаш» учун зарур. Ҳужжатда кема бортидаги юклар бўйича барча маълумотлар ифодаланади.

ЮК ОЛУВЧИ — юк жўнатувчининг топшириғи билан юк етказилган манзилда юк топширилиши лозим бўлган шахс. Ю.о.нинг ўзи юк ташиш шартномасининг томони бўлмагани ҳолда, юк жўнатувчи билан юк ташувчи ўртасида тузилган шартномадан келиб чиқувчи муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Агар қонунларда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ю.о. ўзининг номига келган юкни транспорт ташкилотидан қабул қилиши ва олиб кетиши, юк жўнатувчи юк ташиш ҳақини тўлиқ тўламаган тақдирда етишмаган қисмини тўлдириши шарт. Агар юкни тушириш Ю.о.нинг вазифаси бўлса, у бу ишни ўз воситалари билан ва белгиланган муддатда бажариши керак. Ю.о. юк ташувчидан белгиланган пунктда юкни топширишни, қонунларда белгиланган ҳолларда — юк массаси, миқдори ва юк жойларининг ҳолатини текширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

ЮК ОПЦИОНИ — кемани кира қилувчи шахснинг шартномада келишилган юкни тўлиқ ёки қисман бошқасига алмаштириш ҳуқуқи. Харидорнинг тўлов усуллари, юк тушириш портлари ва ш.к. бўйича опцион (муқобил вариантларни танлаш ҳуқуқи) ҳамда сотувчининг етказиб бериладиган товарлар миқдори, етказиб бериш муддати, туркум ҳажми, юк тушириш бандаргоҳлари ва ш.к.га нисбатан опцион фарқланади.

ЮК ТАШИШ ЖАРАЁНИ — тегишли давлатларда юкни у ёки бу транспорт воситаларида бир жойдан иккинчи жойга етказиш учун амалга ошириладиган ташкилий ва техник жараёнлар.

ЮК ТАШИШ ШАРТНОМАСИ — фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўлиб, унга кўра юк ташувчи жўнатувчи унга ишониб топширган юкни

белгиланган манзилга етказиб бериш ва уни олишга ваколати бўлган шахсга (олувчига) топшириш мажбуриятини, юк жўнатувчи эса юк ташилгани учун белгиланган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади. Юк ташиш шартномасининг бир тури ҳисобланади. Ю.т.ш.ни тузиш транспорт юк хатини (коносамент ёки тегишли транспорт устави ёки кодекси билан назарда тутилган бошқа юк ҳужжати) тузиш ва жўнатувчига бериш билан тасдиқланади. Юк ташувчи ва юк эгаси мунтазам равишда юк ташишга тўғри келганда, узоқ муддатли юк ташишни ташкил *этиш шартномасини* тузадилар.

ЮК ТАШИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАРТНОМАСИ — ЎзР ФКга кўра, юкларни мунтазам равишда ташишига зарурат туғилганда юк ташувчи ва юк эгаси тузишлари мумкин бўлган узоқ муддатли шартнома. Бундай шартномага мувофиқ, юк ташувчи белгиланган вақтда юкни қабул қилиш, юк эгаси эса юкни келишилган ҳажмда ташиш учун тақдим этиш мажбуриятини олади. Юк ташишни ташкил этиш шартномасида транспорт воситаларини тақдим этиш ҳажми, муддати ва бошқа шартлари ҳамда ташиш учун юкларни тақдим этиш, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, шунингдек, юк ташишнинг бошқа шартлари белгиланади.

ЮК, ТОВАРЛАР ПАРТИЯСИГА БЕРИЛАДИГАН ДЕКЛАРАЦИЯ — божхона органлари учун зарур бўлган ва чегара орқали олиб ўтиладиган юкларга доир маълумотли ҳужжат.

ЮК ХАТИ — шартноманинг тузилганлигини ва ҳаво орқали юк ташиш шартларини ҳамда юк ташувчининг юкни жўнатувчидан қабул қилганлигини тасдиқловчи юк ташиш ҳужжати. Ю.х.ни тузиш ва юк ташиш шартномасини расмийлаштиришнинг техник воситаларидан фойдаланиш тартиби юк ташиш қоидалари билан белгиланади.

ЮККА НАРХ (ТАКСА) БЕЛГИЛАШ — юкни ташиганлик учун тариф бўйича ҳақ ва қўшимча йигимлар ҳисоблаш. Ю.н.б. тариф масофасини белгилашдан, ушбу жўнатмага нисбатан қўлланилиши керак бўлган тарифни топишдан, ташиш ҳақи ва қўшимча йиғимларнинг суммасини ҳисоблашдан иборат.

ЮКНИ ДЕНГИЗ ОРҚАЛИ ТАШИШ ШАРТНОМАСИ — юк жўнатувчи ва транспорт компанияси ўртасида тузиладиган ва бир туркум юкни етказиб бериш шартини белгилайдиган шартнома (контракт). Одатда ташиш шартлари, жумладан, ташувчининг юк йўқолган ёки зарарланган тақдирдаги мажбуриятлари, юк тавсифи, етказиб бериладиган манзил, олувчининг координатлари ва бошқа маълумотлари бўлган товар юк хати билан тасдиқланади.

ЮНЕСКО — Қ. *Бирлашган Миллатларнинг таълим, илм-фан ва маданият бўйича ташкилоти.*

ЮНИДО (Бирлашган Миллатларнинг саноат тараққиёти бўйича ташкилоти) — мақсади ривожланаётган мамлакатларнинг саноатини ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат бўлган БМТ ихтисослашган муассасаси. 1996 йилда БМТнинг мухтор органи сифатида ташкил топган. 1995 йилда 166 та давлат аъзо бўлган. ЮНИДОнинг фаолияти оператив ва ёрдамчи фаолиятга бўлинади. Оператив фаолияти — ривожланаётган мамлакатларга муайян лойиҳаларни амалга оширишда (экспертларни хизмат сафарига жўнатиш, маслаҳатлар бериш, кадрлар етказиб бериш ва ҳ.к.) техникавий ёрдам кўрсатишдан иборат бўлса, ёрдамчи фаолияти — саноатни ривожлантириш масалалари бўйича маълумотларни

тўплаш, умумлаштириш, чоп этиш, тадқиқотлар ўтказиш, конференциялар ташкил этиш ва бошқалардан иборат.

ЮНКТАД (БМТнинг савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси) — БМТ Бош Ассамблеясининг халқаро савдо ташкилоти бўлмаган органи. 1964 йилда ташкил этилган бўлиб, 168 та давлат унга аъзодир. Асосий вазифалари: халқаро савдони, давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, халқаро иқтисодий муносабатларнинг амал қилиши бўйича ҳар хил тавсияларни ишлаб чиқиш ва ҳ.к. ЮНКТАДда ишнинг гуруҳ бўлиб ишлаш принципи қабул қилинган: унга аъзо давлатлар ижтимоий-иқтисодий ва жўғрофий принцип бўйича тўрт гуруҳга бўлинганлар. ЮНКТАД қарорлари резолюциялар, баёнотлар сингари шаклда бўлиб, тавсия хусусиятига эгадир. ЮНКТАД раҳбарлигида кўп томонлама битимлар ва конвенциялар ишлаб чиқилади.

ЮРИДИЗАЦИЯ — бирон-бир фактларга, муносабатларга ҳуқуқий тус бериш; бирор-бир масала, ҳодисанинг ҳуқуқий томонини бўрттириб таъкидлаш.

ЮРИДИК АКТ — муайян ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарувчи, юридик ҳолатни яратувчи ва ижтимоий муносабатларни бошқаришга қаратилган расмий ёзма ҳужжат. Ю.а. норматив актларга, яъни ҳуқуқ нормаларига эга бўлган, ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солувчи Ю.а.ларга ҳамда ўзлари қаратилган субъектлардагина ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳосил қилувчи индивидуал (нонорматив) актларга бўлинади.

ЮРИДИК БУРЧ — муайян ҳуқуқий муносабат иштирокчисининг, яъни ушбу бурч эгасининг қонун билан белгиланган рисоладаги хулқ-атвор қоидаси.

ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК — ҳуқуқбузарлик субъектининг ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган ноқулай оқибатларга бардош бериш мажбурияти; ижтимоий жавобгарликнинг тури. Ю.ж. принципларига қуйидагилар киради: 1) фикр учун эмас, балки фақат ғайриқонуний ҳаракат учун жавобгарлик; 2) ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида айб бўлган тақдирдагина жавобгар бўлиши; 3) қонунийлик; 4) адолатлилик; 5) мақсадга мувофиқлик; 6) жазонинг муқаррарлиги. Бундай жавобгарликни белгиловчи юридик нормаларнинг қайси тармоққа тегишлилигига қараб, *жиноий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, фуқаровий жавобгарлик ва интизомий жавобгарлик фарқланади.*

ЮРИДИК КАФОЛАТЛАР — фуқаролар ва ташкилотларнинг субъектив ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг қонунда мустаҳкамланган воситалари, уларни амалга ошириш усуллари ҳамда қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқий тартибни, шахсни, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилиш воситалари.

ЮРИДИК КОНСТРУКЦИЯ — юридик техниканинг элементи. Ҳуқуқий материалнинг шундай таркибий тузилишидан иборатки, у тегишли шахсларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва жавобгарлик шаклларининг ички уйғунлиги билан ажралиб туради.

ЮРИДИК КОНФЛИКТОЛОГИЯ — янги илмий фан, умумий конфликтологиянинг бўлими бўлиб, унинг баҳс мавзуини ички (миллий) ҳуқуқ ёки халқаро ҳуқуқ доирасида юзага келадиган, ривожланадиган ва

ҳал этиладиган низоларни ўрганиш ташкил этади. Ю.к. ҳуқуқ назарияси, политология ва социология кесишган жойда юзага келган. Меҳнат, оила, ишлаб чиқариш, турмуш ва миллат-лараро муносабатларда юзага келадиган низолар мамлакат конституциясига, минтақалар ва ҳокимият тармоқлари ўртасидаги битимларга, миллатлар ва элатлар мақомига дахлдор бўлса, табиатан юридик бўлади. Ҳар қандай давлатлараро низо юридик деб ҳисобланиши лозим.

ЮРИДИК КУЧ (норматив ҳуқуқий актнинг юридик кучи) — давлат ва ҳуқуқ назариясида Ю.к. деганда умуман норматив ҳуқуқий актнинг мажбурийлиги ҳам, унинг бошқа актлардан устунлиги ёки уларга бўйсуниши ҳам тушунилади. Бунда Ю.к.и кам бўлган актлар, агар улар юқори турувчи органлар актлари ва ушбу актни чиқарган орган ваколатига мувофиқ равишда чиқарилган бўлса, Ю.к.и юқори бўлган актлар (қонунлар) каби бажарилиши шарт.

ЮРИДИК МАСЛАҲАТ — адвокатлар ҳайъатларининг раёсатлари шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида адвокатларнинг юридик ёрдам кўрсатишини ташкил этиш мақсадида тузадиган адвокатлар жамоаси. Ю.м.нинг жойлашиш ўрни ва унда ишлайдиган адвокатларнинг сонини адвокатлар ҳайъатининг раёсати тегишли адлия идораси билан келишган ҳолда белгилайди. Ю.м. банкда жорий ҳисобрақамига, ўз номи ва тегишли адвокатлар ҳайъатига кириши кўрсатилган муҳр ва штампига эга бўлади. Ю.м.га адвокатлар ҳайъатининг раёсати ҳайъат аъзолари ичидан тайинлайдиган мудир раҳбарлик қилади.

ЮРИДИК ТЕРМИНЛАР — юридик техника элементи, давлатнинг норматив ҳуқуқий кўрсатмалари ифодаланадиган ва мустаҳкамланадиган давлат ва ҳуқуққа оид тушунчаларнинг суздаги ифодаси. Ю.т.ни уч турга бўлиш мумкин: а) умумий аҳамиятга эга бўлган терминлар — улар кундалик маънода қўлланилиши ва барчага тушунарли бўлиши билан ажралиб туради; б) махсус юридик терминлар — улар алоҳида ҳуқуқий мазмунга эга, (м-н, «зарурий мудофаа», «даъво муддатининг ўтганлиги» ва ҳ.к.); в) махсус техникавий терминлар — улар махсус билимлар соҳасини — техника, иқтисодиёт, медицина ва бошқа соҳаларни акс эттиради (м-н, сифатсиз маҳсулот, техника хавфсизлиги қоидалари ва ш.к.). Ю.т.дан фойдаланиш қуйидаги талабларга жавоб бериши керак. Биринчидан, у ёки бу норматив ҳужжатдаги айни бир термин бир хилда қўлланиши керак. Иккинчидан, терминларни барча тан олган бўлиши, яъни ҳуқуқий кўрсатмаларни ишлаб чиққан кишилар ўйлаб топган бўлмай, балки турмушда ишлатилиши керак. Учинчидан, терминлар барқарор хусусиятга эга бўлмаслиги мумкин эмас, яъни ҳар бир янги ҳуқуқий ҳужжатда ўзининг махсус мазмунини сақлаб қолиши керак.

ЮРИДИК ТЕХНИКА — давлатнинг ҳуқуқий кўрсатмалари мазмуни ва тузилишини ишлаб чиқиш чоғида ҳам, уларни ҳаётга жорий этиш чоғида ҳам қўлланиладиган муайян усулларнинг мажмуавий алоқаси. Бундай усулларга 1) юридик терминология, юридик конструкциялар; 2) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тузиш усуллари киради.

ЮРИДИК ФАКТЛАР — қонунда назарда тутилган ва муайян ҳуқуқий муносабатлар юзага келиши (ўзгартирилиши, тўхтатилиши) учун асос бўлган ҳолатлар. Улар икки гуруҳга бўлинади: ҳодисалар ва хатти-ҳаракатлар. Ҳодисалар — одамларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлма-

ган ҳолда юзага келадиган юридик аҳамиятли фактлар (инсоннинг табиий ўлими, муддатнинг ўтиши, мулкнинг табиий фалокат натижасида нобуд бўлиши ва ҳ.к.). Хатти-ҳаракат — одамларнинг хоҳиш-истак билдириши (яъни онгли фаолиятининг натижаси) бўлган ҳаётий фактлар. Хатти-ҳаракатлар, ўз навбатида, қонуний (ҳуқуқий нормалар талабларига мос келувчи) ва ғайриқонуний (қонунга хилоф, ҳуқуқбузарлик бўлган) хатти-ҳаракатларга бўлинади. Қонуний ҳаракатлар ичида қонунларни қўллаш ҳаракатлари (м-н, орден билан мукофотлаш, ҳарбий хизматга чақириш, ишга ёллаш тўғрисидаги буйруқ), турли хил битимлар ва келишувлар (маҳсулот етказиб бериш шартномаси, олди-сотди шартномаси ва ҳ.к.), шунингдек, ариза ва шикоятлар (м-н, пенсия таъминоти ҳақида ариза, кассация шикояти) каби юридик ҳаракатлар (актлар) муҳим ўрин тутади. Юридик ҳаракатлардан фарқли равишда, юридик қилмиш (поступок) бевосита ҳуқуқий муносабатларни юзага келтириш (ўзгартириш, тўхтатиш)га қаратилган эмас, шунга қарамай, қонун бўйича муайян ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. М-н, у ёки бу асарни яратиш атайлаб ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқаришга қаратилмаган, аммо ҳуқуқий аҳамиятга эга (м-н, муаллифлик ҳуқуқига эга бўлади). Юридик қилмишларда ҳаракатни содир этаётган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш ниятлари эмас, балки бундай ҳаракатининг объектив натижаси (сценарий яратиш, топилдиқ ва ҳ.к.) юридик аҳамиятга эга. Ғайриқонуний ҳаракатлар жиноятлар ҳамда маъмурий, интизомий, фуқаролик ҳуқуқбузарликлар ва бошқаларга бўлинади. Ғайриқонуний ҳаракатларнинг барча турлари муҳофаза қилувчи ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, айбдор шахсларнинг юридик жавобгарликка тортилиши учун асос бўлади. У ёки бу Ю.ф. бирданига бир неча ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши (ўзгариши, тўхтатилиши) учун асос бўлиши мумкин. М-н, инсоннинг вафот этиши меҳнат ва оила-никоҳ муносабатларининг тўхтатилишига ва айни пайтда мерос қилиб олишга, турар жой муносабатларининг ўзгаришига олиб келади. Кўпинча ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши (ўзгариши, тўхтатилиши) учун Ю.ф.нинг бутун бир мажмуаси талаб этилади: м-н, никоҳга кириш учун муайян ёшга етиш, бўлғуси эр-хотиннинг никоҳни қайд этиш тўғрисидаги аризаси, ушбу аризани ФҲДЁ органларида қайд этиш акти зарур.

ЮРИДИК ФАКТЛАРНИ АНИҚЛАШ — фуқаролик процессида махсус юритиладиган ишлар тоифаларидан бири. Қонунларда суд ёрдамида аниқланиши мумкин бўлган юридик фактларнинг тахминий рўйхати берилган. Улар қаторига қариндошлик муносабатларини, шахс бировнинг қарамоғида эканлигини, туғилиш, фарзандликка олиш, никоҳ, ажралиш, ўлим, бахтсиз ҳодиса, мерос олиш ва бошқа ҳодисаларни аниқлаш фактлари киради. Суд, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, бошқа фактларни ҳам аниқлашга ҳақлидир.

Юридик фактларни суд тартибида аниқлашнинг зарурий шарти — ариза берувчининг уларни тасдиқловчи ҳужжатларни бошқача тартибда олиши мумкин эмаслиги ёхуд йўқотилган ҳужжатларни (м-н, архив йўқолганлиги туфайли) тиклаб бўлмаслигидир. Судга бериладиган аризада ариза берувчининг ушбу фактни аниқлашдан кўзлаган мақсади, шу-

нингдек, зарур ҳужжатларни олиб ёхуд йўқолган ҳужжатларни тиклаб бўлмаслигини тасдиқловчи далиллар кўрсатилиши шарт. Ариза судга ариза берувчининг турар жойи бўйича берилади (иншоотга хусусий мулкчилик ҳуқуқи асосида эгалик қилиш фактини аниқлаш тўғрисидаги ариза бундан мустасно, бундай ариза иншоот жойлашган ҳудуд судига берилади).

Суд мажлисига ариза берувчи ва бошқа манфаатдор шахслар чақириладилар. Суднинг ФҲДЁ идораларида қайд этилиши ёки бошқа органларда расмийлаштирилиши лозим бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги қарори ана шундай қайд этиш ёки расмийлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади, аммо ушбу органлар берадиган ҳужжатларнинг ўрнини босолмайди.

ЮРИДИК ФАН — ҳуқуқни ижтимоий нормалар ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг турли жиҳатларининг махсус тизими сифатида ўрганадиган ижтимоий фан. Ю.ф. ҳозирги кўринишида бир қатор тармоқларга бўлинган: фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, давлат ва ҳуқуқ назарияси, ҳуқуқ ва ҳуқуқий таълимотлар фанлари ва ҳ.к. Суд тиббиёти, суд психиатрияси, криминалистика, криминология, юридик психология каби фанлар амалий Ю.ф.лар ҳисобланади.

ЮРИДИК ШАХС — ЎзР фуқаролик қонунларига биноан, мулк сифатида, хўжалик юритувида ёки оператив бошқарувида алоҳида мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мулки билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни ола биладиган ва амалга ошира оладиган, мажбуриятларга эга бўла оладиган, даъвогар ва жавобгар сифатида судда қатнаша оладиган ташкилот. Ю.ш.лар ўзининг мустақил баланси ёки сметасига эга бўлишлари керак.

Ю.ш. мулкини ташкил этишда иштирок этиш муносабати билан унинг таъсисчилари (иштирокчилари) ушбу юридик шахсга нисбатан мажбуриятга оид ҳуқуқларга ёхуд унинг мулкига нисбатан ашёвий ҳуқуққа эга бўлишлари мумкин. Ўзаро муносабатларда иштирокчилари мажбуриятли ҳуқуқларга эга бўлган Ю.ш.ларга қуйидагилар киради: давлат ва муниципал унитар корхоналар, жумладан, шўъба корхоналар, шунингдек, муассаса мулкдори молиялаштирадиган корхоналар киради. Ўзаро муносабатларда таъсисчилари (иштирокчилари) мулкий ҳуқуқларга эга бўлмаган Ю.ш.ларга қуйидагилар киради: ижтимоий ва диний ташкилотлар (бирлашмалар), хайрия ва бошқа жамғармалар, юридик шахслар (уюшма ва иттифоқлар) бирлашмалари. Ю.ш. муайян ҳуқуқий лаёқатга эга, яъни унинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятнинг мақсадларига мувофиқ келадиган фуқаровий ҳуқуқларга ва ушбу фаолият билан боғлиқ бурчларга эга бўлиши мумкин. Унитар корхоналар ва қонунда белгиланган бошқа турдаги ташкилотлардан ташқари барча тижорат ташкилотлари қонунда тақиқланмаган ҳар қандай турдаги фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган фуқаролик ҳуқуқларига ва бурчларига эга бўлишлари мумкин. Ю.ш. фаолиятнинг рўйхати қонунда белгиланган айрим турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин. Ю.ш.нинг ҳуқуқлари қонунда белгиланган ҳоллар ва тартибдагина чекланиши мумкин. Ю.ш. ўз ҳуқуқларининг чеклаганлиги хусусида судга шикоят қилиши мумкин. Ю.ш.нинг ҳуқуқий лаёқати у ташкил топган пайтда юзага келади ва у тугатилган

пайтда тўхтатилади. Ю.ш. низом асосида ёхуд фақат таъсис шартномаси асосида фаолият кўрсатади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда тижорат ташкилоти бўлмаган Ю.ш. ушбу турдаги ташкилотларга доир умумий низом асосида фаолият кўрсатиши мумкин. Ю.ш. қонун ҳамда бошқа ҳуқуқий актлар ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ амал қилувчи ўз органлари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва зиммасига фуқаролик мажбуриятларини олади. Ю.ш. органларини тайинлаш ёки сайлаш тартиби қонун ва таъсис ҳужжатлари билан бегиланади. Қонунда белгиланган ҳолларда Ю.ш. фуқаролик ҳуқуқларига ва фуқаролик мажбуриятларига ўз иштирокчилари орқали эга бўлиши мумкин. Ю.ш. фаолияти уни қайта ташкил этиш ёки тугатиш орқали тўхтилади.

ЮРИДИК ШАХСЛАР БИРЛАШМАЛАРИ (УЮШМА ВА ИТТИФОҚЛАР) — ФКнинг 77-моддасига мувофиқ, юридик шахслар ўзларининг фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек, муштарак манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузишлари мумкин. Агар иштирокчиларнинг қарорига мувофиқ уюшмага (иттифоққа) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш вазифаси юклатилса, бундай уюшма (иттифоқ) хўжалик ширкати ёки жамиятига айлантирилиши керак. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун уюшмалар (иттифоқлар), башарти бу уларнинг низоми мақсадларига зид келмаса, хўжалик жамиятлари тузишга ёки уларда иштирок этишга ҳақлидирлар. Уюшма юридик шахс ҳисобланади. Уюшма аъзолари ўз мустақилликларини ва юридик шахс ҳуқуқларини сақлаб қоладилар. Уюшма ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Уюшма аъзолари унинг мажбуриятлари бўйича уюшманинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда субсидиар жавобгар бўладилар.

ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲОЗИР БЎЛИШ НОРМАТИВ ТАРТИБИ — юридик шахсни тузиш учун кимнингдир фармойиши ёки рухсати талаб этилмайдиган тартиб (тегишли равишда фармойиш берувчи ва рухсат берувчи тартиби). Мазкур тартибда муайян турдаги юридик шахсларнинг пайдо бўлиши умумий норматив ҳужжатда назарда тутилади. Юридик шахсни тузиш ташаббускорлари ушбу норматив ҳужжатда кўрсатилган тартибга риоя этишлари шарт. Норматив ҳужжатда белгиланган талабларга риоя этиш юридик шахсга унинг ҳуқуқлари тан олиниши ҳуқуқини беради ва ушбу ҳуқуқ давлат томонидан қайд этилиши орқали амалга ошади.

ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЛАЁҚАТЛАРИ — юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардаги лаёқати. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 41-моддасида баён этилганидек, юридик шахс ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти мақсадларига мувофиқ, фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати у тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади ва уни тугатиш якунлангандан эътиборан тугатилади. Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Юридик шахс қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин. Юридик шахснинг ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина чекланиши мумкин. Юри-

дик шахснинг ҳуқуқларини чеклаш ҳақидаги қарор юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин.

ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ТУГАТИЛИШИ — ЎзР ФКнинг 53-моддасига асосан, юридик шахсларни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келади. Юридик шахсларни тугатиш тартиби қуйидагича амалга оширилади: тугатиш комиссияси томонидан юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар босиб чиқариладиган матбуот органларида юридик шахснинг тугатилишини ҳамда унинг кредиторлари томонидан талабни баён этиш таркиби ва муддати ҳақида хабар эълон қилиш орқали ва шу эълондан сўнг икки ой муҳлат ўтиши билан. Юридик шахсни тугатишнинг ушбу дастлабки қонунний талаби бажарилишидан сўнг, ФКнинг 55-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда юридик шахснинг фаолияти тугаган ҳисобланади. Юридик шахсларни тугатиш жараёнида кредиторларнинг талабларини қонун асосида қаноатлантириш лозим.

ЮРИДИК ШАХСНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ — ЎзР ФКда таъкидланганидек (49-модда), юридик шахсни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсни бўлиш ёки унинг таркибидан бир ёхуд бир неча юридик шахсни ажратиб чиқариш шаклида уни қайта ташкил этиш — вакил қилинган давлат органларининг ёки суднинг қарори билан амалга оширилади.

ЮРИДИК ШАХСНИ ТУГАТИШ — қонун билан тартибга солинган ҳаракат бўлиб, унинг натижасида юридик шахснинг фаолияти унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ворисийлик тартибида бошқа шахсга ўтказилмаган ҳолда тўхтатилади. Юридик шахс икки асосда тугатилиши мумкин: а) унинг таъсисчилари (иштирокчилари) ёхуд таъсис ҳужжатларида шундай ҳуқуқ берилган юридик шахс органининг қарори, жумладан, юридик шахс тузилганда белгиланган муддат ўтганлиги, у тузилганда белгиланган мақсадга эришилганлиги ёки суд юридик шахсни қайд этишни уни тузиш вақтида қонун бузилишига йўл қўйилганлиги ва ушбу қонун бузилишини бартараф этиш мумкин бўлмаганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб тан олиши муносабати билан; б) суд қарори билан — фаолиятни рухсатсиз (лицензиясиз) амалга оширган ёхуд қонунда тақиқланган фаолият билан шуғулланган тақдирда.

Суднинг юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарори билан унинг таъсисчиларига (иштирокчиларига) ёхуд таъсис ҳужжатларига биноан юридик шахсни тугатиш ваколатига эга бўлган органга юридик шахсни тугатиш мажбурияти юклатилиши мумкин.

Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор чиқарган таъсисчилар (иштирокчилар) ёки орган юридик шахсларни давлат томонидан рўйхатга олувчи органга дарҳол ёзма равишда хабар бериши шарт. Ушбу орган эса юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига юридик шахс тугатилиш жараёнида эканлиги ҳақидаги маълумотларни киритиб қўяди.

Юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор чиқарган таъсисчилар (иштирокчилар) ёки орган юридик шахсларни давлат рўйхатига киритувчи орган билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини (ликвидатор-

ни) тайинлайдилар ва ФКга биноан тугатиш тартиби ва муддатини белгилайдилар.

Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан бошлаб юридик шахс ишларини бошқариш ваколатлари унга ўтади. Тугатиш комиссияси судда тугатилаётган юридик шахс номидан иштирок этади.

Тугатиш комиссияси юридик шахсни давлат рўйхатига олиш ҳақидаги маълумотлар эълон қилинадиган матбуот органларида унинг тугатилганлиги ва унинг кредиторлари ўз талаблари билан мурожаат этиш тартиби ва муддати тўғрисида эълон беради. Ушбу муддат юридик шахсни тугатиш ҳақидаги эълон чиққан вақтдан бошлаб камида икки ой бўлиши керак.

Тугатиш комиссияси кредиторларни аниқлаш ва дебитор қарзларни олиш чораларини кўради, шунингдек, кредиторларни юридик шахснинг тугатилганлиги ҳақида ёзма равишда хабардор қилади.

Кредиторларнинг даъво қилиш муддати ўтгач, тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш балансини тузади. Ушбу балансда тугатилаётган юридик шахс мулкининг таркиби, кредиторлар қўйган талабларнинг рўйхати ҳамда уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотлар бўлади.

Оралиқ тугатиш балансини юридик шахснинг уни тугатиш ҳақида қарор чиқарган таъсисчилари (иштирокчилари) ёки орган юридик шахсларни давлат рўйхатига олувчи орган билан келишган ҳолда тасдиқлайди.

Агар тугатилаётган юридик шахснинг (муассасалардан ташқари) пул маблағлари кредиторлар талабларини қондириш учун етари бўлмаса, тугатиш комиссияси юридик шахснинг мулкини суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда оммавий савдо орқали сотишни амалга оширади.

Тугатилаётган юридик шахснинг кредиторларига пул маблағларини тўлашни тугатиш комиссияси ФК 56-моддасида белгиланган навбат тартибида, оралиқ тугатиш баланси тасдиқланган кундан бошлаб ва унга биноан амалга оширади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китобни тугатгач, тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузади. Ушбу балансни юридик шахснинг уни тугатиш ҳақида қарор чиқарган таъсисчилари (иштирокчилари) ёки орган юридик шахсларни давлат рўйхатига олувчи орган билан келишган ҳолда тасдиқлайди.

Тугатилаётган давлат корхонасининг мулки, тугатилаётган муассасанинг эса пул маблағи кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаган тақдирда кредиторлар талабларининг қолган қисмини ушбу корхона ёки муассаса мулкининг эгаси ҳисобидан қондиришни даъво қилиб судга мурожаат этишлари мумкин.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, юридик шахснинг кредиторларнинг талабларини қондиргандан сўнг қолган мулки унинг ушбу мулкка ашёвий ҳуқуқлари ёки мазкур юридик шахсга нисбатан мажбурият ҳуқуқлари бўлган таъсисчиларига (иштирокчиларига) берилади.

Юридик шахсларнинг ягона давлат реестрида қайд этилганидан сўнг юридик шахсни тугатиш якунланган, юридик шахс эса йўқ бўлган ҳисобланади.

Юридик шахсни тугатиш чоғида, биринчи навбатда, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқи муносабатларидан келиб чиқувчи талаблари, алиментларни ундириш ва муаллифлик шартномалари бўйича мукофотларни тўлаш талаблари, шунингдек, тугатилаётган юридик шахс ҳаёти ва соғлиғига зиён етказганлиги учун жавобгар бўлган фуқароларнинг талаблари тегишли вақтли тўловларни капиталлаштириш йўли билан қондирилади.

ЮРИДИК ШАХСНИИГ МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ — *юридик шахс*нинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик мажбуриятлари яратиш ва уларни бажариш қобилияти. Ю.ш.м.л. юридик шахс давлат томонидан рўйхатга олинган пайтдан бошлаб юзага келади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунларига биноан, юридик шахс ўзининг қонунларга ва таъсис ҳужжатларига биноан амал қилувчи органлари орқали фуқаролик ҳуқуқига эга бўлади ва зиммасига фуқаролик мажбуриятларини олади.

ЮРИДИК ШАХСНИНГ НОМИ ВА ЖОЙЛАШГАН ЕРИ — юридик шахс ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини билдирадиган номига эга бўлади. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар, унитар корхоналарнинг номлари, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса — бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам номлари юридик шахс фаолиятининг хусусиятини кўрсатиши керак.

Юридик шахснинг номига тўла ёки қисқартирилган расмий номни (давлатнинг номини) киритишга, юридик шахс ҳужжатларининг реквизитларига ёки реклама материалларига ана шундай номни ёхуд давлат рамзлари элементларини қўшишга ЎзР Ҳукумати белгилайдиган тартибда йўл қўйилади.

Юридик шахснинг жойлашган ери, агар қонунга мувофиқ юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жой билан белгиланади. Юридик шахснинг номи ва жойлашган ери унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади. Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс ўз фирма номига эга бўлиши лозим. Юридик шахс ўз фирмасининг номидан фойдаланиш мутлақ ҳуқуқига эгадир.

Ўзга фирма номидан ғайриқонуний суратда фойдаланаётган шахс фирма номига эгалик қилиш ҳуқуқи бўлган шахснинг талаби билан ундан фойдаланишни тўхтатиши ҳамда етказилган зарарларни тўлаши лозим (ЎзР ФКнинг 46-м.).

ЮРИДИК ШАХСНИНГ ОРГАНЛАРИ — фуқаролик қонунларига мувофиқ (ФКнинг 45-моддаси), юридик шахс қонунларга ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ иш олиб борадиган ўз органлари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва ўз зиммасига фуқаролик бурчларини олади. Юридик шахс органларини тайинлаш ёки сайлаш тартиби қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатлари билан белгиланади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик шахс ўз иштирокчилари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиши ва фуқаролик бурчларини ўз зиммасига олиши мумкин. Қонунга ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ, юридик шахс номидан иш олиб борадиган шахс ўзи вакили бўлган юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб бориши керак. У юридик шахс муассислари (иштирокчилари, аъзолари) талаби

билан, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, юридик шахсга етказган зарарини қоплаши шарт.

ЮРИДИК ШАХСНИНГ ТАЪСИС ҲУЖЖАТЛАРИ — муайян юридик шахс мақоминиг амалдаги қонунлар доирасидаги индивидуал хусусиятларини белгиловчи ҳужжатлар. ЎзР ФК 43-моддасига биноан, юридик шахс устав асосида ёки таъсис шартномаси ва устав асосида ёхуд фақат таъсис шартномаси асосида иш олиб боради. Қонунда назарда тутилган ҳолларда тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс шу турдаги ташкилотлар ҳақидаги низом асосида иш олиб бориши мумкин.

Юридик шахснинг таъсис шартномаси унинг муассислари томонидан тузилади, устави эса — тасдиқланади.

ЎзР ФКга мувофиқ, бир муассис томонидан ташкил этилган юридик шахс шу муассис тасдиқлаган устав асосида иш олиб боради.

Юридик шахснинг устави ва бошқа таъсис ҳужжатларида юридик номи, унинг жойлашган ери, юридик шахс фаолиятини бошқариш тартиби белгилаб қўйилиши, шунингдек, уларда тегишли турдаги юридик шахслар тўғрисида қонунда назарда тутилган бошқа маълумотлар бўлиши керак. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ва унитар корхоналарнинг, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам таъсис ҳужжатларида юридик шахс фаолиятининг соҳаси ва мақсадлари белгилаб қўйилган бўлиши керак. Тижорат ташкилоти фаолиятининг соҳаси ва муайян мақсадлари қонун бўйича мажбурий бўлмаган тақдирда ҳам таъсис хужжатларида назарда тутилиши мумкин.

ЮРИДИК ҲУҚУҚ — муайян ҳуқуқий муносабат иштирокчиси, яъни ушбу ҳуқуқ эгасининг қонунда белгиланган имкониятидаги хулқ-атвор чораси.

ЮРИСДИКЦИЯ (лот. — суддлов, ҳуқуқ, сўзлаш) — тегишли давлат органларининг ҳуқуқий келишмовчиликларни ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳал этиш, яъни шахс ёки бошқа ҳуқуқ субъекти ҳаракатларини уларнинг қонунийлиги нуқтаи назаридан баҳолаш, ҳуқуқбузарларга нисбатан юридик санкциялар қўллаш ваколатларининг қонунда белгиланган мажмуаси. Ю. ҳал этиладиган ишларнинг тури ва хусусиятига (жиноятлар ва қилмишлар, мулкий келишмовчиликлар ва ҳ.к.), уларнинг ҳудудий тегишлилигига, ишда қатнашувчи шахсларга қараб белгиланади. Ю. деганда, мазкур ваколатлар тааллуқли бўлган муносабатлар соҳаси ҳам тушунилади.

ЮРИСКОНСУЛЬТ (лот. — ҳуқуқшунос) — ташкилот ҳуқуқий хизматининг ходими. Ю.га маъмурият (ўз ваколати доирасида) чиқарадиган буйруқлар ва фармойишларнинг қонунийлигини назорат қилиш, бошқа корхоналар ва муассасалар билан тузиладиган шартномалар ва битимларни тузишда иштирок этиш; ишчи ва хизматчиларга амалдаги қонун ҳужжатлари ҳақида маълумот бериш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш; корхона даъвогар ёки жавобгар сифатида қатнашадиган судлар ва хўжалик судларида ишни юритиш вазифаси юклатилади.

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ (лот.) — ҳуқуқшунослик, юридик фанлар мажмуаси, шунингдек, юристларнинг амалий фаолияти.

ЮРИСТ (нем. — ҳуқуқ) — юридик маълумотга эга бўлган киши, ҳуқуқшунос; ҳуқуқ соҳасидаги амалиётчи арбоб.

ЮС КОГЕНС (лот.) — халқаро ҳуқуқдаги императив нормалар, яъни давлатлар, ҳатто ўзаро келишув буйича бажармаслиги мумкин бўлмаган нормалар; давлатлар ўртасида ушбу нормаларга зид тузилган шартнома юридик кучга эга бўлмайди. Халқаро ҳуқуқда Ю.к.дан ташқари, диспозитив нормалар ҳам мавжуд бўлиб, давлатлар ўзаро келишув асосида уларга риоя этмасликлари мумкин.

ЮСТИНИАН КОДЕКСИ — Юстиниан кодификациясининг таркибий қисмларидан бири. Император Адриан (мил. ав. II аср) давридан Юстиниан давригача бўлган вақтда қабул қилинган 4652 та императорлик фармойишини (конституциясини) ўз ичига олади. Қуйидаги 12 та китобдан иборат: давлат хизматчиларининг черков ҳуқуқи ва мажбурияти (1-китоб); хусусий мулкий-ҳуқуқий ва бошқа муносабатлар (2—8-китоблар); жиноят ҳуқуқи (9-китоб); маъмурий ва молия ҳуқуқи (10—12-китоблар).

ЮСТИНИАН КОДИФИКАЦИЯСИ — VI асрдаги Византия ҳуқуқининг тизимлашган баёни, император Юстиниан буйруғи билан қабул қилинган. Фуқаролик ҳуқуқи тўплами — Corpus juris civilis деган ном билан машҳур. Дастлаб Юстиниан кодификацияси ушбу ном билан 1583 йилда чоп этилган. Ю.к.нинг мақсади — асосий манбаи сифатида хизмат қилувчи эски Рим ҳуқуқини секин юз бераётган Византия феодаллашувининг эҳтиёжларини келиштиришга уринишда, зарурат бўлганда унинг шарқий вилоятларида вужудга келган баъзи ҳуқуқий институтларни ҳисобга олиш, архаизмларга барҳам бериш, Византиянинг ҳуқуқий муомаласига Феодосий кодекси нашр қилинганидан кейин чиқарилган императорлар қонунчилигини, суд амалиёти кабиларни жорий қилишда намоён бўлади. Кодификациялаш ишлари 529—534 йилларда машҳур юрист Трибониан бошчилигидаги кам сонли комиссия томонидан олиб борилган.

Ю.к. 3 қисмдан иборат: Институция, Дигест ва Юстиниан кодекси. Ю.к.га, император конституциясига мувофиқ, 535—565 йилларда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш — новелл номини олди, яъни у аниқланган тушунмовчиликларни изоҳлайди, амалда бўлган ҳуқуқни ўзгартиради ва унга қўшимчалар қилади. Новеллдан интерполяцияни, яъни Дигестга киритилган турлича келишмаган матнларни фарқлаш лозим. Юстиниан қонунчилиги Византиянинг бутун фаолияти давомида амалда бўлган 726 йилдаги эклога худди 879 йилдаги Прохирон каби кўпроқ ёки камроқ аҳамиятга эга бўлган ўзгартиришларни киритган. Ю.к.га император Лев V янада кўпроқ аҳамият берган: унинг даврида нашр қилинган «Василиклар» (асосий мазмуни буйича) Ю.к.ни ташкил қилувчи нормалар ва институтларнинг янги системага солинишига олиб келди.

ЮСТИНИАН ЯНГИ ҚОНУНЛАРИ (мил. ав. VI аср) — Византияда Юстиниан қонунларига киритилган (қўшимча, ўзгартириш) янгиликлар.

ЮТҚИЗИҚСИЗ ҚАРЗ — ютуқли қарзларнинг бир тури бўлиб, улар буйича қарз муддати белгиланган вақтда барча облигациялари ютади.

ЮТУҚЛИ ҚАРЗ — бу шундай қарзки, уни чиқариш шартлари билан белгиланган даромад ютуқ шаклида туланади. Унинг фоизсиз қарз ва фоизли-ютуқ қарз турлари мавжуд.

ЮҚОРИ ХАВФЛИЛИК МАНБАИ — ҳуқуқий тушунча сифатида алоҳида хусусиятлари атрофга ортиқча зиён етказиш эҳтимолини юзага

келтирувчи (транспорт воситалари, механизмлар, юқори кучланишли электр энергияси, атом энергияси, портловчи моддалар, кучли таъсир қилувчи заҳарлар, радиоактив ва шунга ўхшаш бошқа моддаларни ишлатиш) қурилиш ва белгиланган ўзга объектларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ фаолият. Ю.х.м.дан етказилган зиён учун қонун зиён етказиш оқибатида юзага келувчи мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалардагига қараганда анча қаттиқроқ жавобгарликни назарда тутади. Зиённи қоплаш мажбурияти зиён етказувчининг айбидан қатъи назар, унга юкланади. Агар, гумон қилинувчи зиён енгиб бўлмас куч ёки жабрланувчининг қасди оқибатида келиб чиққанлигини исбот қилиб берса, жавобгарликдан озод қилинади. Жавобгарлик одатда объект эгасига: унинг мулкдорига ёки хўжалик юритиш ҳуқуқи ёхуд оператив бошқариш ҳуқуқини амалга оширувчи ташкилотга, шунингдек, объектни қонунда назарда тутилган асосларда (ижара, прокат шартномаси бўйича, ваколатли органларнинг фармойишлари орқали бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончнома бўйича) эгалик қилишга олган фуқаро ва ташкилотга юкланади. Объект техник фойдаланишга (масалан, ишончномани расмийлаштирмасдан автомашинани бошқариш) берилган шахс томонидан ёки эгаси меҳнат шартномаси (ҳайдовчи, машинист ва бошқалар) билан алоқадор шахс етказган зиён ҳамиша эгаси томонидан қопланади. Техник бошқарувни амалга ошираётган шахс объект эгаси олдида фақатгина регресс тартибида жабрланувчига зиён қопланганидан кейингина жавобгар бўлиши мумкин. Зиённи қоплаш, агар бунда Ю.х.м. эгаси ўзининг айбисиз унинг эгалигидан чиққанлигини исбот қила олса, Юх.м.га (масалан, автомашина олиб қочишда) ноқонуний эгалик қилган бошқа шахсларга юкланади. Бошқа шахсларнинг ноқонуний эгалик қилиши натижасида эгасининг тасарруфидан чиқиб кетган, бироқ объект эгасининг ҳам айби (масалан, автомашинани қуриқлашни таъминламаганда) бўлиб, Ю.х.м.га зиён етказилганда зиённи қоплаш мажбурияти объект эгасига ва учинчи шахсга юкланиши мумкин.

«Я»

ЯДРО ҚУРИЛМАЛАРИ — ядро реакторларига эга бўлган иншоотлар ва комплекслар, жумладан, атом станциялари, кемалар ва бошқа сузувчи воситалар, космик ва учувчи аппаратлар, бошқа транспорт ва транспортда ташиладиган воситалар; саноат, экспериментал ва тадқиқот хусусиятли ядро реакторларига, критик ва подкритик ядро стендларига эга бўлган иншоотлар ва комплекслар; тинчлик мақсадларида фойдаланиладиган ядро зарядли иншоотлар, комплекслар, полигонлар, қурилмалар; ядро материалларига эга бўлган ҳамда ядро ёнилғиси ва ядро материалларини ишлаб чиқариш, қўллаш, қайта ишлаш ва ташишга мўлжалланган бошқа иншоотлар, комплекслар, қурилмалар.

ЯДРО МАТЕРИАЛИНИ ЎҒИРЛАШ — Ядро материалини жисмоний ҳимоя қилиш ҳақидаги 1980 йилги конвенцияда назарда тутилган халқаро тусдаги жиноят. Я.м.ў. кўплаб давлатлар, халқлар ва атроф-муҳитга ундан фойдаланиш хавфини туғдиради. Конвенция ядро материалини ноқонуний олиш, эгалик қилиш, ишлатиш, бировга бериш, йўқ

қилиш ёки тарқатиб юборишни, ўғирлаш, босқинчилик билан эгаллаб олиш, ўзлаштириш, алдаб қўлга киритишни, беришга мажбур қилиш кабиларни жиноий ҳаракат деб ҳисоблайди. Аъзо давлатлар ўз жиноят қонунларида мазкур жиноятлар учун жазо белгилаш мажбуриятини олганлар.

ЯДРО МАТЕРИАЛЛАРИ — бўлинадиган (парчаланадиган) ядро моддаларига эга бўлган ёки уларни ишлаб чиқаришга қодир бўлган материаллар.

ЯКДИЛЛИК ПРИНЦИПИ — *БМТ Устави* (27-м., 3-банд)да мустаҳкамланган *БМТ Хавфсизлик Кенгашида* қарорларни қабул қилиш тартиби бўлиб, унга кўра барча масалалар бўйича қарор қилиш учун, Хавфсизлик Кенгаши барча доимий аъзоларининг мос келадиган овозларини ҳам ҳисобга олганда, камида 9 овоз бўлиши керак. Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоларидан бири ёки бир нечтасининг қарши овоз бериши қарорнинг бекор қилиниши учун етарли бўлади (доимий аъзонинг «ветоси»). Я.п. — нафақат Хавфсизлик Кенгашининг, балки бутун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳам самарали фаолият кўрсатиши учун мумкин ва зарур бўлган ягона шарт. Я.п., энг аввало, *халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлашга* дахлдор бўлган барча масалалар ҳамда Хавфсизлик Кенгаши ваколатига кирадиган бошқа муаммолар бўйича ҳамкорлик қилиш ва келишилган чоралар кўришга қаратилган.

ЯККАБОШЧИЛИК — бирон-бир орган, муассаса, корхона раҳбарига унинг функцияларини бажариш учун зарур бўлган ваколатларни беришни ҳамда иш натижалари учун унинг шахсий жавобгар бўлишини билдирадиган бошқарув принципи.

ЯЛПИ МАЖЛИС — давлат вакиллик органлари фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос шакли, бунда парламент, унинг палаталари ёки бошқа вакиллик органлари тўлиқ тўпланади. Я.м.да вакиллик органлари ваколат доирасига кирувчи давлат ва жамиятнинг муҳим масалалари юзасидан раҳбар ҳисобланувчи ходим ва идораларни сайлаш, бюджетни тасдиқлаш, у ёки бу ваколатни бериш ёки чеклаш кабилар кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

ЯНГЛИШИШ — фуқаролик ҳуқуқида ишлатиладиган ибора бўлиб, шахснинг ўзи киришган битим тўғрисидаги нотўғри тасаввурини англатиш учун қўлланилади. Битим тузиш чоғида Я. натижасида янглишувчи шахснинг иродаси битим учун муҳим аҳамият касб этувчи ҳолатлар ҳақида хато тасаввурлар таъсирида шаклланади. Жиддий Я. таъсирида амалга оширилган битим ирода нуқсони билан тузилган битим сифатида қаралади ва Я. таъсирида иш тутган тарафнинг даъвоси бўйича у ҳақиқий эмас деб тан олиниши мумкин. Я.нинг битим қатнашчиларининг айби билан боғланиши шарт эмас, у тасодифий ҳоллар оқибатида юзага келиши мумкин. Битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун янглишиб ҳаракат қилган тараф, Я. бўлганлигини, шунингдек, унинг жиддий аҳамиятга эгалигини исботлаши шарт, яъни янглишиш бўлмаганда битим тузилмаган бўлишини исботлаши лозим. Жиддий Я. деб, суд ёки хўжалик суди, одатда, битим нарсаси тўғрисида (масалан, расмнинг асл нусхаси ўрнига кўчирма нусхасини сотиб олиш), унинг бошқа қатнашчилари тўғрисида (масалан, атоқли рассомга расм буюртиради, буюртмани эса

унинг фамилиядоши қабул қилади), унинг юридик табиати тўғрисида (масалан, буюмни олувчи ҳадя шартномаси бўйича унинг мулкига ўтишини ўйлайди, буюмни берувчи эса уни сотишни назарда тутади) нотўғри тасаввурга эга бўлишни тушунади. Битим мотивига тааллуқли Я. (масалан, ушбу жойга кўчиб ўтишни мўлжаллаб, аммо у амалга ошмаган ҳолда мебель олди-сотди шартномасини тузиш), битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас. Битим ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда ҳар бир тараф битим бўйича барча олган нарсаларини қайтариши шарт, асл ҳолига қайтариш мумкин бўлмаган тақдирда, олинганларининг қиймати қопланади.

ЯРАДОРЛАР ВА КАСАЛЛАР — халқаро ҳуқуқда тиббий ёрдамга ва тиббий муолажага эҳтиёжманд, ҳар қандай душман ҳаракатларидан ҳар томонлама бетараф ҳисобланувчи ҳарбий хизматчилар ва фуқаро шахслар. Бу тушунча кема ҳалокатидан жабрланганлар, хомиладор аёллар, чақалоқлар, эмизикли оналарга ҳам тегишлидир. Ҳаракатдаги ҳарбий армиялардаги яралорлар ва касалларнинг аҳволини яхшилаш ҳақидаги 1949 йилги Женева Конференцияси; Денгиздаги ҳалокатга учраган яралорлар, ҳарбий кемадаги Я. ва к. аҳволини яхшилаш хақидаги 1949 йилги Конвенция; шунингдек, 1977 йил 1 ва 2-қўшимча Протоколлар давлатларнинг бу ҳужжатларга нафақат уруш пайтида, балки ундан ортиқ давлатлар ўртасидаги ҳарбий можаролар вақтида амал қила олиш мажбуриятини олади. Бу Конвенцияга кўра, барча Я ва к.га, динидан, ирқидан, жинсидан қатъи назар бир хилда ёрдам кўрсатилади.

Я. ва к.га нисбатан, улар қайси тарафга қарашлилигидан қатъи назар, қуйидаги ҳаракатлар тақиқланади: улар устида тиббий ёки илмий экспериментлар ўтказиш; уларнинг тўқималарини олиш ва аъзоларини бошқаларга кўчириб ўтқазиш; ҳар қандай усулда ўлдириш; жисмоний азоб бериш; қийноққа солиш; тутқунликда сақлаш; уларнинг инсоний фазилатларига тажовуз қилиш; уларга дастлабки муҳокамасиз жазо қўллаш.

ЯРАШУВ — ўзаро ҳарбий ҳолатда бўлган давлатларнинг халқаро ҳуқуқий нормалар асосида ярашуви.

ЯРМАРКА — 1) мунтазам равишда савдо-сотиқ қилинадиган жой; 2) кўп мақсадларга хизмат қиладиган мунтазам бозор; товар намуналарининг халқаро иқтисодий кўргазмаси бўлиб, номидан қатъи назар, ушбу кўргазма ўтказилаётган мамлакат одатларига биноан, кенг истеъмол моллари ва (ёки) ускуналарнинг катта бозори, айни бир жойда чекланган вақт мобайнида белгиланган муддат ишлайди. Бу ерда экспонентларга ўз маҳсулотларини миллий ва халқаро миқёсда савдо битимлари тузиш учун намойиш қилишга рухсат этилади.

ЯШАШ БИНОСИ — узоқ муддат хизмат қилишга мўлжалланган доимий типдаги бинонинг (уй, иморатнинг) ҳаммаси ёки майдонининг яримидан кўпи яшаш учун мўлжалланган ва фойдаланиладиган алоҳида қурилма. Я.б. ички тузилиши бўйича квартира турида ёки йўлак турида бўлади.

ЯШАШ ЖОЙИ — фуқароларнинг доимий ҳамда ижара асосида яшаш жойи. ЎзР ФКнинг 21-м.га асосан, фуқароларнинг доимий ёки асосий яшаб турган жойи унинг яшаш жойи ҳисобланади. 14 ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг (кичик ёшдаги болаларнинг) ёки васийликда бўлган фуқароларнинг қонуний вакиллари — ота-оналари, фарзандлик-

ка олувчилари ёки васийлари яшайдиган жой вояга етмаганлар ёки васийликда бўлган фуқароларнинг яшаш жойи ҳисобланади.

ЯШАШ ҲУҚУҚИ — инсоннинг энг асосий, ҳам табиий, ҳам ижтимоий ҳуқуқи. Халқаро ҳуқуқ ҳамда демократик давлатлар конституцияларида ҳимояга олинади. Ҳар бир давлатда Я.ҳ.га ўзига хос ёндашилади. Жумладан, Австрия, Австралия, Германия, Франция ва шу каби 40 дан зиёд давлатларда инсоннинг яшаш ҳуқуқи давлат томонидан ўлим жазосини олиб ташлаш билан таъминланган бўлса, айрим давлатларда ўлим жазоси сақланган ҳолда уни зарур ҳолларда айрим оғир жиноятлар учун қўллаш ва, энг асосийси, ғайриқонунийликка йўл қўймаган ҳолда жорий этиш орқали кафолатланади Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида «Я.ҳ. ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», — деб қайд этилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг ЖК буйича (51-модда) ўлим жазоси айбни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш каби оғир жиноятларга нисбатан қўлланиши белгилаб қўйилган. Баъзи давлатларда (Ирландия) аборт қилиш ҳам конституция билан чекланган.

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ — *криминологияда* қонунга хилоф, *давлат* томонидан ҳисобга олинмаган ҳамда товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишни ўз ичига оладиган иқтисодий фаолият турлари, шунингдек, унинг оқибатида фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар ва, умуман, жамият ўртасида келиб чиқадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Я.и. иқтисодий ва ҳуқуқий психологияда криминологик жиҳатдан муҳим бўлган камчиликлар юзага келишининг, латентликнинг муҳим шарти ҳисобланади.

ЯШИРИН ҲОЛАТ — яширинлик; қонунсиз яшаш; қонунсиз ҳолат; жумладан, бошқа киши номи билан қонунсиз яшаш.

ЯШИРИН ОВОЗ БЕРИШ — овоз берувчининг истак билдиришини назорат қилишга йўл қўймайдиган овоз бериш тури. Я.о.б. чоғида ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлигига бюллетенлар, шарлар ёки махсус машиналар ёрдамида овоз бериш орқали эришилади. Овозга қўйилган қарорларнинг турли вариантларига эга бўлган бюллетенлар орқали Я.о.б. энг кўп тарқалган. Бюллетенни сайловчи махсус хонада ёки кабинада тўлдиради ва тахланган ҳолда ёки махсус конвертда сайлов қутисига ташлайди. Масалан, ЎзРнинг «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш тўғрисида»ги қонунининг 32-моддасида Я.о.б. тартиби белгиланган. Унга кўра, «Овоз берувчилар сайлов бюллетенларини кабинада ёки Я.о.б. учун мўлжалланган хонада тўлдирадилар. Бюллетенни тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахснинг бўлиши тақиқланади. Бюллетенни мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳиши билан сайлов комиссияси аъзоларидан бошқа шахсни кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақлидир.

Сайловчи бюллетендаги ўзи қарши овоз бераётган номзоднинг фамилиясини ўчиради. Тўлдирилган бюллетенни сайловчи сайлов қутисига ташлайди».

«Ў»

Ўз аъзосига зарар етказиш — ЎзР жиноят қонунида ҳарбий хизматчининг хизматдан бўйин товлаш усули. Турли аъзоларга атайан зарар етказишни билдиради.

Ўзаро келишмовчиликларни тартибга солишнинг претензион тартиби — фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг бир шакли. Кредит берувчи ва қарздор ўртасидаги мавжуд келишмовчиликларни суд орқали тартибга солиш.

Ўзаро ҳисоб-китобларнинг дебет қолдиғи — шахсий ҳисобварақда зачет бўйича акс эттириладиган муайян даврдаги тўловлар ва тушумлар муносабатининг натижаси бўлиб, бунда тўловлар суммаси маблағлар тушуми суммасидан кўп бўлади.

Ўзаро яраШиш — икки палатали парламент фаолиятининг ўзига хос тартиби. Бунда томонлар қонун лойиҳаларини яратишда умумий масалани биргаликда ҳал этадилар.

Ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибаси — ўз тараққиёт йўлимиз, иқтисодни ислоҳ қилишнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш, миллатнинг маънавий қадриятларини қайта тиклаш стратегияси ва тактикасини белгилаб берган ғоялар ва сиёсий ечимлар тизими.

Ўзбек давлатчилиги шаклланишида беш асосий босқични курсатиш мумкин: 1) исломгача бўлган ўзбек миллий давлатчилиги; 2) ўрта аср ўзбек давлатчилиги; 3) Туркистон ўлкаси — мустамлака минтақасининг ташкил этилиши; 4) Ўзбекистон ССРнинг социалистик суперэтнос ичида ажралиши; 5) Суверен мустақил давлат ЎзРнинг ташкил топиши.

Ўзбекистон халқи — асоси ўзбек маданиятининг умуминсоний моҳиятида, маънавий бойлигида ва миллий дунёқарашининг очиқлигида бўлган полиэтник жамоа. Ўз яшаш тарзини йўқотмаган ҳолда, Ўзбекистон ҳудудида яшовчи турли миллат вакиллари умумий дунёқарашга, умумий фалсафий қарашларга эга бўладилар, уларда умуминсоний қадриятлар тараққиётнинг миллий идеаллари билан табиий тарзда бирикиб кетади.

Ўзбошимчалик — бошқарув тартибларига қарши жиноят. Ўзбошимчалик билан белгиланган ҳуқуқ нормаларига риоя қилмай бирон-бир ҳаракатни амалга ошириш ва шу ҳаракатлари билан фуқароларнинг қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишида ифодаланади. Ўзбошимчалик билан қонуний тартиблар бузилганда, бунда унча катта бўлмаган миқдорда зарар етказилса, маъмурий жавобгарлик келиб чиқади.

Ўзбошимчалик билан қурилиш қилиш — фуқаролик қонунларига кўра ҳеч қандай ҳужжатсиз қурилган турар жой бинолари. Улар қурилиш қоидалари ва нормаларига жавоб бермайди.

Ўзбошимчалик билан қурилиш қилган шахс унга хусусий мулк каби эгалик қилолмайди. У қурилган жойни сотиш, совға қилиш, ижарага бериш ва бошқа юридик актларни амалга ошира олмайди. Ўзбошимчалик билан қурилган жой, ўша қурилиш қилган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузилади.

Аммо Ў. б. қ. қ суд томонидан кўриб чиқилиб, агар бу жой бошқа

шахсларга ва давлатга керак бўлмаса, қурилиш қилган шахсга берилиши мумкин. Агар шахс бошқа бировнинг ерига қурилиш қилган бўлса, суд бу жойни ўша ернинг эгасига олиб бериши мумкин, аммо у қурилиш қилган ер эгасига у сарф қилган харажатни тўлаши лозим. Агар қурилиш қилинган жой бошқа шахснинг ҳақ-ҳуқуқини поймол қиладиган (ёки шундай эҳтимол) бўлса ва фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига зарар етказса, у ҳолда суд томонидан бу қурилиш ноқонуний деб топилади.

ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ — ЎзР ЖК иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар бўлимининг боби бўлиб, Ў.м.т.-т.қ.нинг қуйидаги турларини қамраб олади: босқинчилик (ўзгалар мол-мулкини талон-тарож қилиш мақсадида зўрлик ишлатиб, баданга шикаст етказиб ҳужум қилиш — 164-м.); товламачилик (жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб, ўзгадан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни талаб қилиш — 165-м.); талончилик (ўзганинг мулкини очиқдан-очиқ талон-тарож қилиш — 166-м.); ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш (айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилиш — 167-м.); фирибгарлик, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки мулкий ҳуқуқини қўлга киритиш — 168-м); ўғрилик (ўзганинг мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш — 169-м).

ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ — фуқароларнинг ЎзР Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир. Ўзини ўзи бошқариш органларига маъмурий ҳудудий бирлик, яъни маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари киради. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари маҳаллий ҳокимият таркибига кирмайди, яъни фуқароларнинг Ў. ў. б. бўйича тузилган алоҳида ижтимоий гуруҳи.

ЎЗИНИ-ЎЗИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — бу ибора халқаро ҳуқуқда БМТ Уставида «ўзини-ўзи ҳимоя қилиш» ибораси мазмунидан фарқ қилиш учун қўлланилган бўлиб, ҳудуднинг яхлитлиги бузилган давлатнинг ўз ҳудудининг яхлитлигини тиклаш учун уриниши бўлиб ҳисобланади. Бироқ бу ҳаракат бошқа давлатга қуролли ҳужумни билдирмайди. «Ўзини ўзи мудофаа қилиш»дан фарқли Ў.ў. қ. ҳаракати қуролли куч ишлатиш билан тавсифланади. Аммо бу қурол ишлатилиши тинч йўл билан ҳал этиш ҳаракатини йўққа чиқармайди ва иложи бўлса, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш мумкин.

ЎЗЛАШТИРИШ — фуқаролик ҳуқуқида мол-мулкнинг бошқа шахс эгалигига берилиши; мулк эгасининг ўз мулкидан қонуний фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш усулларидан бири. Ўзлаштириш ҳақ тўланадиган (олди-сотди) ва текин (ҳадя қилиш) бўлиши мумкин. Асосан, мулкдорнинг хоҳиши билан у ва мол-мулк сотиб олувчи ўртасида шартнома тузиш орқали амалга оширилади. Қонунда кўрсатилган ҳолларда ўзлаштириш мулкдорнинг розилигисиз, яъни мажбу-

рий амалга оширилади, масалан, мусодара қилиш ёки реквизиция қилиш йўли билан.

ЎЗЛАШТИРИШ ЁКИ РАСТРАТА ЙЎЛИ БИЛАН ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ — ЎзР ЖКнинг 167-моддасида белгиланганидек, айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-тарож қилиш тушунилади.

ЎзР БОЖХОНА КОДЕКСИ — ЎзРда божхона ишларини тартибга солувчи тизимлаштирилган ягона қонун ҳужжати, божхона ҳуқуқининг асосий манбаи. ЎзР Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 6 декабрда қабул қилинган ва 1998 йил 1 мартдан кучга киритилган. 11 бўлим, 19 боб ва 198 моддадан иборат. ЎзР БК божхона ишининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилайди ҳамда ЎзРнинг иқисодий суверенитети ва иқтисодий хавфсизлигини ҳимоя қилишга, Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги билан алоқаларини фаоллаштиришга, фуқаролар, хўжалик субъектлари ва давлат органлари ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлашга, уларнинг божхона иши соҳасидаги ўз мажбуриятларини бажаришларини назорат қилишга қаратилган. ЎзР БК ўтказилаётган товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан қўлланиладиган божхона режимларининг рўйхатини белгилайди ва бу режимларнинг ҳар бирининг мазмунини тўла ёритиб беради; турли божхона ҳаракатларини амалга оширишнинг тартибини бошқариб туради; божхона ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг таркибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди; божхона қоидаларини бузиш турларининг рўйхатини ва ушбу ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни ҳамда божхона қоидаларини бузишга доир ишлар бўйича иш юритиш тартибини белгилайди.

ЎзР БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ — ЎзРда божхона ишларини бевосита амалга оширадиган давлат бошқаруви органлари. ЎзР Б.о. ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳисобланиб, ягона тизимни ташкил қилади. Ушбу тизимга қуйидагилар киради: ЎзР Давлат божхона қўмитаси (ЎзР ДБҚ); ҳудудий (вилоят) божхона бошқармалари; ЎзР божхона постлари. ЎзР ДБҚ тўғрисидаги қоидаларни ЎзР Президенти тасдиқлайди. Ҳудудий божхона бошқармаларини тузиш, қайта тузиш ва тугатиш ЎзР ДБҚ томонидан амалга оширилади. Божхона постларини тузиш, қайта тузиш ва тугатиш ҳудудий божхона бошқармалари томонидан амалга оширилади. Ҳудудий божхона бошқармалари ва божхона постлари ЎзР ДБҚ томонидан тасдиқланган қоидалар асосида фаолият кўрсатади. ЎзР Олий Мажлиси, ЎзР Президенти ва ЎзР ҳукуматидан бошқа ҳеч қандай давлат органи ЎзР ДБҚ ваколатига тегишли қарорлар қабул қилиш, уларнинг вазифаларини ўзгартириш, уларга қўшимча вазифалар бериш ёки бошқача тарзда ушбу органларнинг ЎзР БК қоидаларига ёки ЎзР бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

ЎзР БОЖХОНА ТАРИФИ — ЎзР божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларга нисбатан қўлланиладиган ва Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси (ТИФ ТН)га асосан тартибга келтирилган божлар (божхона тарифлари)нинг рўйхати. ЎзР Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси ЎзР ҳукумати томонидан халқаро амалиётда қабул қилинган товарларни таснифлаш тизимидан келиб чиқиб белгиланади. Б.т. ЎзР божхона ҳудудига товарларни олиб киришга ва ушбу ҳудуддан товарларни олиб чиқишга нисбатан қўлланилади. Б.т.нинг асо-

сий мақсади: ЎзРга товарларни олиб киришнинг товар структурасини рационаллаштириш; ЎзР ҳудудига товарларни олиб кириш ва ундан олиб чиқишнинг, валюта даромадлари ва харажатларининг оқилона муносабатини сақлаб туриш; ЎзРда товарларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш структурасида ижобий ўзгаришлар учун шароит яратиш; ЎзР иқтисодиётини хорижий рақобатнинг ноқулай таъсиридан ҳимоя қилиш; ЎзРнинг дунё иқтисодиётига самарали қўшилиши учун шароитларни таъминлаш. ЎзРда Б.т.ни шакллантириш ва қўллаш тартиби ЎзРнинг «Божхона тарифи тўғрисида»ги 1997 йил 26 декабрь қонуни билан белгиланган.

ЎзР ВАЛЮТАСИДАГИ ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗ — сумда ифодаланган тўлов ҳужжатлари (чеклар, векселлар, аккредитивлар ва б.), фонд бойликлари (акциялар, облигациялар) ва бошқа қарз мажбуриятлари (ЎзРнинг «Валюта муносабатларини тартибга солиш тўғрисида»ги 1993 йил 7 май қонуни 1-моддасининг, 1-банди (1994 йил 23 сентябрдаги қонун билан киритилган ўзгартишлар ва тўлдиришлар билан бирга).

ЎзР ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ (ЎзР ДБҚ) — ЎзР марказий божхона органи. ЎзР ДБҚ ЎзР ягона божхона органлари тизимига раҳбарлик қилади.

ЎзР ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ (ЎзР ДСХ) — солиқ қонунларига риоя этилишини назорат қилувчи давлат бошқаруви органларининг тизими. ЎзР ДСХнинг асосий вазифаси — солиқ қонунларига риоя этилишини, ЎзР қонунларида белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланишини, бюджетга тўла ва ўз вақтида ўтказилишини назорат қилишнинг ягона тизимини таъминлашдан иборат. ЎзР ДСХ ушбу вазифадан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги қонунларга риоя этилишини, битимларнинг қонунийлигини назорат қилади.

ЎзР ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТХОНАСИНИНГ БОШЛИҒИНИ ЧАҚИРИБ ОЛИШ — ЎзР дипломатик ваколатхонасининг бошлиғи қуйидаги ҳолларда ЎзР Президентининг фармони билан чақириб олинади: а) дипломатик ваколатхона бошлиғи алмаштирилганда; б) дипломатик ваколатхона бошлиги номатлуб шахс (персона нон грата) деб эълон қилинганда; в) давлатлар ўртасидаги дипломатия муносабатлари узилганда; г) давлатлар ўртасида уруш ҳолати эълон қилинганда; д) давлат халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида мавжудлигини йўқотганда (ЎзРнинг 1992 йил 3 июлдаги «Чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги қонунининг 5-моддаси).

ЎзР ЖИНОЯТ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ — ЎзР ЖКдан иборат (1994 йил 22 сентябрда ЎзР Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган, 1994 йил 22 сентябрда ЎзР Президенти томонидан имзоланган, 1995 йил 1 апрелдан кучга кирган). Жиноий жавобгарликни назарда тутувчи янги қонунлар ЎзР ЖКга киритилиши лозим.

ЎзР ЖИНОЯТ КОДЕКСИ — ЎзРда қандай ижтимоий хавфли қилмишлар жиноий эканлигини белгиловчи ва уларни содир этганлик учун жазолар белгиловчи тартиблашган қонуний ҳужжат. Амалдаги ЖК 1994 йил 22 сентябрда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган, 1994 йил 22

сентябрда Президент томонидан имзоланган, 1995 йил 1 апрелдан кучга кирган. 302 та модда, 24 та боб ва 15 та бўлимдан иборат. ЎзРнинг Конституцияси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг барча тан олган принциплари ва нормаларига асосланади. Жиноий жавобгарликнинг асосларини ва принципларини белгилайди, шахс, жамият ва давлат учун хавфли бўлган қандай қилмишлар жиноий эканлигини ва уларни содир этганлик учун жазоларни ва бошқа жиноий ҳуқуқий чораларни белгилайди.

ЎзР ЖК Умумий ва Махсус қисмлардан ташкил топган. ЖКнинг Умумий қисмида жиноят ва жазо тайинлашга доир раҳбар принциплар ва умумий қоидалар берилган. ЎзР ЖК Махсус қисмида жиноятларнинг муайян турларига таърифлар берилган ва уларни содир этганлик учун жазо чоралари белгиланган. Умумий қисмнинг қоидалари ЖК Махус қисмида белгиланган барча қилмишларга тегишлидир. Умумий ва Махсус қисмларнинг нормалари бир-бирларини узаро тўлдиради. Бунда Умумий қисмнинг нормалари Махсус қисмда назарда тутилган муайян жиноятлар учун *жиноий жавобгарлик* ва жазо масалаларини ҳал этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ЎзР КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ХУЛОСАЛАРИНИНГ МАЖБУРИЙЛИГИ — ЎзРнинг 1993 йил 6 майдаги «ЎзР Конституциявий Суди тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасига биноан, ЎзР К.с. х. барча давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир. ЎзР К. с. х. ЎзР Олий Мажлиси ва Президенти эътиборига етказилади. ЎзР Конституциявий судининг узига маълум бўлган ЎзР Конституцияси бузилганлиги ҳолларига барҳам бериш, шунингдек норматив ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини, ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини тақдим этиш тўғрисидаги, Конституциявий судда қараб чиқилаётган масалалар юзасидан тушунтириш, маслаҳат бериш ҳамда мутахассис фикрини баён этиш хусусидаги талабномалари бу талабномалар юборилган барча идоралар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

ЎзР КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ МАТЕРИАЛЛАРИНИ НАШР ЭТТИРИШ — ЎзР Конституциявий судининг фармойишлари, хулосалари ва қарорлари Олий Мажлис ахборотномаси ёки унинг бошқа матбуот органларида нашр эттирилади. (1999 йил 6 майдаги «ЎзР Конституциявий суди тўғрисида»ги қонунининг 27-моддаси).

ЎзР МАРКАЗИЙ БАНКИ — ЎзРнинг бош банки. У молия-кредит муносабатларини бошқариш соҳасида кенг ҳокимият ваколатига эга. ЎзР М.б.нинг устав фонди ва мулклари республика мулки ҳисобланади. ЎзР М.б.нинг асосий вазифалари: сўмнинг барқарорлигини, жумладан, унинг тўлов қувватини ва хорижий валюталарга нисбатан курсини ҳимоя қилиш ва таъминлаш; ЎзР банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш; ҳисоб-китоблар тизимининг самарали ва узлуксиз амал қилишини таъминлаш.

ЎзР М.б. фаолиятининг ҳуқуқий асосини ЎзР Конституцияси ва 1992 йил таҳриридаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун ташкил қилади. ЎзР Конституциясига мувофиқ, ЎзР М.б. ЎзР Олий Мажлисига ҳисоб беради.

ЎзР М.б. ўз ваколатлари доирасида мустақил фаолият кўрсатади. Бан-

клар ЎзР қонунлари ва ўз уставларига мос келмайдиган кўрсатмаларни бажаришга ҳақли эмаслар. ЎзР М.б. ўз ваколатларига кирадиган масалалар бўйича республика ҳудудидаги барча банклар ва банк муассасалари учун мажбурий бўлган норматив ҳужжатлар чиқаради.

ЎзР МОЛИЯ ТИЗИМИ — ЎзР молиясига кирувчи ва ўзаро алоқадорликда бўлган барча бўғинлар. ЎзР М.т. қуйидаги бўғинлар (институтлар)дан ташкил топади: 1) бюджет тизими ҳамда унинг таркибига кирувчи давлат (республика, вилоят) ва маҳаллий бюджетлар; 2) бюджетдан ташқари мақсадли фондлар; 3) корхона, уюшма, ташкилот, муассаса, иқтисодий тармоқларнинг маблағлари; 4) мол-мулк ва шахсий суғурта; 5) кредит (давлат ва банк кредити).

ЎзР МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ — ЎзР Сайлов комиссияларининг тизимига бошчилик қилади. Олий Мажлисга сайловлар бўйича Марказий сайлов комиссиясининг бош вазифаси қуйидагилардан иборат: сайлов тўғрисидаги қонунларга бир хилда амал қилиш, қуйи сайлов комиссияларининг ишига раҳбарлик қилиш, фуқароларнинг, жамоат бирлашмаларининг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш, сайловни тайёрлаш ва ўтказишни назорат қилиш. Мазкур комиссия Олий Мажлис томонидан раис ва камида 14 та аъзо таркибида тузилади. Комиссиянинг ваколатлари Олий Мажлис қарори асосида тугатилади. Комиссиянинг фаолияти ЎзРнинг «ЎзР Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги 1993 йил 28 декабрь қонуни билан тартибга солинади.

ЎзР ПРЕЗИДЕНТИ — ЎзР Конституциясининг 89-моддасига асосан, Президент давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. У айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳам ҳисобланади. ЎзР Конституциясининг 93-моддасига асосан, ЎзРнинг Президентига тегишли ваколатлар берилган. ЎзР Президенти — фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир. ЎзРнинг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради. Мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда ЎзР номидан иш кўради. Ижроия ҳокимияти раҳбари сифатида ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда бошқарувнинг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни Олий Мажлис тасдиғига киритади. ЎзР Президенти Конституция бўйича ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас. Президент шахси дахлсиздир ва қонун билан муҳофаза этилади.

ЎзР ПРОКУРАТУРАСИ — ЎзР прокуратураси, ЎзР Конституциясининг 118-моддасига асосан, қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб боради. Шу билан бирга, унинг фаолият йўналишини тартибга солиш ЎзРнинг «Прокуратура тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрь қонуни орқали амалга оширилади.

ЎзР ТАШҚИ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ — ҳамкорлик ва яқин қўшничилик муносабатларини ўрнатишга, жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга, давлатлар суверенитетини тан олишга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган давлат ташқи сиёсати йўналишлари. Мазкур сиёсатни амалга ошириш

жараёнида: ўз миллий-давлат манфаатлари устун деб билган ҳолда, биргаликдаги манфаатлар ҳисобга олинади; одамлар ва давлатлар билан муносабатларда умуминсоний қадриятларни устун деб билган ҳолда, Ўзбекистон халқаро миқёсда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш учун ҳаракат қилади. Ўзбекистон ядросиз ҳудуд бўлиб қолади ва агрессив ҳарбий гуруҳлар, иттифоқларга киришга интилмайди. Инсон ҳуқуқлари, ўзаро ҳужум қилмаслик, баҳсли масалаларни ҳал қилишда куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик тўғрисидаги халқаро пактларни тан олади ва риоя қилади; Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати тенглик ва ўзаро фойдалилик, ички ишларга аралашмаслик, суверенитет ва мустақилликка таҳдид қилмаслик, халқаро муносабатларни мафкурадан холи қилиш принципларига асосланади. («Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида»ги қонуннинг 3-м.си) .

Ўзбекистон мафкуравий қарашлардан қатъи назар, ташқи сиёсатда очиқлик принципини амалга оширмоқда, барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқалар ўрнатишга интилмоқда; Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички ҳуқуқ нормаларидан муҳимлигини тан олади, халқаро ҳуқуқий нормаларга амал қилади; Ўзбекистон икки томонлама ва кўп томонлама ташқи алоқаларни тўла ишониш принциплари асосида қуриш, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш учун ҳаракат қилади.

ЎзР ФУҚАРОЛИГИ — инсоннинг Ўзбекистон давлати билан барқарор ҳуқуқий алоқаси бўлиб, уларнинг ўзаро ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва бир-бирлари олдидаги масъулияти йиғиндисида намоён бўлади. ЎзР Ф. Ўзбекистон давлат ҳуқуқининг институтларидан бири бўлган ЎзР Ф. принципларини мустаҳкамловчи ва фуқаролик бўйича муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат. ЎзР Ф.га таллуқлигини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлган шахслар Ўзбекистон фуқароларидирлар.

ЎзР ХАЛҚЛАРИНИНГ МАДАНИЙ МЕРОСИ — ЎзР ва унинг барча халқларининг дунё маданиятига қўшган ҳиссаси ва тарихий ўрнини белгилаш учун аҳамиятли объектларни ва тарихий-маданий ҳудудларни ва ёдгорликларни, шунингдек, ўтмишда яратилган моддий ва маънавий қимматликларни ўз ҳолида сақлаш ва ривожлантириш.

ЎзР Х. м.м. ЎзРнинг 1998 йил 29 августдаги «Маданий ёдгорликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги қонунида белгиланганидек, маданий қимматликлар йиғиндиси, шунингдек, маданият корхоналари, ташкилотлари, муассасалари умуммиллий аҳамиятга эга бўлиб, ЎзРнинг маданий бойлиги ҳисобланади. ЎзР Х. м. м.нинг таркиби (рўйхати) ЎзР ҳукумати томонидан Маданият вазирлигининг тақдимномасига биноан белгиланади. ЎзР Х. м. м. Ўз Р қонунларига мувофиқ алоҳида тартибда ҳимоя қилинади ва фойдаланилади.

ЎзР ҲУКУМАТИНИНГ РАИСИ — ЎзР Конституциясига асосан, Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқарувини ташкил этишда ижро ҳокимиятини амалга оширувчи орган — ҳукумат ҳисобланади. ЎзР Конституциясининг 89-моддасига асосан, ЎзРнинг Президенти ЎзРда давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. ЎзР Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади.

ЎзРда БЎЛИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ — ЎзР ЖКнинг 224-м.сида кўрсатилган бўлиб, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар жумласига киради.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг ЎзРда бўлиш қоидаларини бузиши, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, рўйхатдан ўтиш, прописка, кўчиш ёки турар жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, бўлиш муддати тугагач, чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек, ЎзРнинг ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаслиги, агар шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ЎзРда бўлиш қоидаларида назарда тутилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш тартибининг мансабдор шахс томонидан бузилиши, ана шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солиш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни хусусий иш билан ЎзРга таклиф қилган фуқаро томонидан мазкур фуқароларнинг чет эл паспортларини уз вақтида рўйхатдан ўтказишга, улар шу ерда бўлишининг белгиланган муддати ўтгач, чиқиб кетишларини таъминлашга доир чоралар кўрмаслиги, шунингдек, уй-жой, транспорт воситалари бериб қўйилиши ёхуд бошқа хизматлар кўрсатилиши, агар бу ЎзРда бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келиши олдиндан аён бўлиб, ана шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима солиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ЎзРда БОЖХОНА ИШИ — ЎзР БК 2-моддасига биноан, ЎзРдаги Б.и. товар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, божхона тўловларини ундириш, божхонада расмийлаштириш тартиби ва шарт-шароитлари, божхона назорати ва божхона сиёсатини ҳаётга жорий этишнинг бошқа воситалари сифатида белгиланган. Б.и. давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради. Божхона ишига умумий раҳбарликни ЎзР Президенти ва ЎзР ҳукумати амалга оширади. ЎзРда божхона ишига бевосита раҳбарликни амалга оширадиган ижроия ҳокимиятининг марказий органи — ЎзР Давлат божхона қўмитаси (ЎзР ДБҚ).

ЎзРда НОТАРИАТ — ЎзРда нотариат 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «Нотариат тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади. ЎзРда нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан, қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир.

ЎзРда нотариал ҳаракатларни давлат нотариал идорасида ишловчи ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар амалга оширади.

Давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар идораларининг реестрини ЎзР Адлия вазирлиги юритади. Нотариуслар бўлмаган аҳоли пунктларида «Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 25-м.сида назарда тутилган нотариал ҳаракатларни фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллар) амалга оширади. Бошқа давлатларнинг ҳудудида нотариал ҳаракатларни ЎзР консуллик муассасаларининг ушбу ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган мансабдор шахслари амалга оширади (ЎзРнинг 1996 йил 6 декабрдаги «Нотариат тўғрисида»ги қонунининг 1-м.си).

ЎзРда НОТАРИУС — бу лавозимга олий юридик маълумотга эга бўлган, давлат нотариал идорасида ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурида камида бир йиллик муддатли стажировкани ўтаб, малака имтиҳонини топширган, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ЎзР фуқароси тайинланади. Бу талаб «Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 1-м.си тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган мансабдор шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди. Нотариуснинг олий юридик маълумотли стажёри ёки ёрдамчиси бўлиши мумкин.

Тегишли давлат нотариал идорасига стажёр ва ёрдамчини ишга қабул қилиш меҳнат шартномаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар орасидан стажёрни, шунингдек, ёрдамчини мустақил тарзда ишга қабул қилишга ҳақлидир.

Юридик мутахассислик бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлган шахслар учун стажировка муддати тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармасининг қарори билан камайтирилиши мумкин. Бундай ҳолларда стажировка муддати олти ойдан кам бўлмаслиги керак. Стажировкадан ўтиш тартиби ЎзР Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Нотариуслар давлат нотариал идорасида ишлашидан ёки хусусий амалиёт билан шуғулланишидан қатъи назар, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга ва бир хил мажбуриятларга эгадирлар. Нотариуслар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар бир хил юридик кучга эга (ЎзР «Нотариат тўғрисида»ги қонунининг 2-моддаси).

ЎзРда ШАҲАРСОЗЛИК — шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшайдиган жойларни ривожлантириш, уларнинг ҳудудий ривожланиши учун шароитлар яратиш, ишлаб чиқариш, ижтимоий, муҳандислик ва транспорт инфратузилмасини шакллантириш, бинолар, иншоотлар ва уларнинг мажмуаларини ободончилик объектларини қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш, тиклаш, қайта жиҳозлаш, замонавийлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ер участкалари ва бошқа кўчмас мулкнинг ўлчамлари ва чегараларини ўзгартиришга қаратилган аҳолини жойлаштириш тизимини маконда ташкил этиш фаолияти.

ЎзРнинг ДАВЛАТ ҚАРЗИ — ЎзР ҳукуматининг ЎзР валютасида ифодаланган (агар ЎзР қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган

бўлса) юридик ва жисмоний шахслар олдидаги қарз мажбуриятлари. Давлат қарзи, қонунда белгиланганидек, ЎзР ҳукуматининг тасарруфида бўлган барча активлар билан таъминланади.

Қарз мажбуриятлари уч шаклда бўлиши мумкин: 1) ЎзР давлатининг ҳукумат орқали оладиган кредитлари; 2) давлатнинг ЎзР ҳукумати номидан қимматбаҳо қоғозлар чиқариши орқали қарз олиши; 3) ЎзР ҳукумати кафолатлаган бошқа шакллардаги қарз мажбуриятлари.

ЎзРнинг ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ДЕКЛАРАЦИЯ — ЎзРда конституциявий ислоҳотлар бошланганлигини англатган энг муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат. ЎзР Олий Кенгашининг «ЎзРнинг Давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида»ги 1991 йил 31 август қарорига асосан қабул қилинган.

ЎзРнинг КУРОРТЛАР ФОНДИ — ЎзРнинг «Табиий даволаш ресурслари даволаш-соғломлаштириш жойлари тўғрисида»ги қонунига биноан, барча аниқланган ва ҳисобга олинган табиий даволаш ресурслари, даволаш-соғломлаштириш жойлари, шунингдек, курортлар ва курорт регионаллари туманлари йиғиндиси.

ЎзРнинг МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ — давлат ҳудудий бўлинишининг кўп вазифали тизими бўлиб, ҳудудларнинг иқтисодий, илмий-техник ва маданий-тарихий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий бошқарув идоралари фаолияти мазмунини аниқлаб беради. Мазкур маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегараларини ўзгартириш фақат Олий Мажлис розилиги билан амалга оширилади.

ЎзР ҳудуди 447,8 минг кв.км.ни ташкил этади. Мазкур ҳудудда 12 вилоят, 174 туман, жумладан, 19 шаҳар туманлари, 124 шаҳар, 97 шаҳарча, 1214 қишлоқ, 101 овул мавжуд (1986 й.) Вилоятларга бўйсунувчи шаҳарлар сони 50 та, 65 шаҳар туманларга бўйсунади. Қорақалпоғистон Республикасига бўйсунувчи шаҳарлар сони 8 та. Конституциянинг 70, 73-м.ларига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси ўз ҳудудий масалаларини мустақил ҳал этади.

ЎзР вилоятлари 12 та:

1. Андижон, 1941 й. 6 мартда тузилган, вилоят маркази Андижон шаҳри.
2. Бухоро, 1938 й. 15 январда тузилган, вилоят маркази Бухоро шаҳри.
3. Жиззах, 1973 й. 29 декабрда тузилган, вилоят маркази Жиззах шаҳри.
4. Навоий, 1982 й. 20 апрелда тузилган, вилоят маркази Навоий шаҳри.
5. Наманган, 1941 й. 6 мартда тузилган, вилоят маркази Наманган шаҳри.
6. Самарқанд, 1938 й. 15 январда тузилган, вилоят маркази Самарқанд шаҳри.
7. Сирдарё, 1963 й. 16 февралда тузилган, вилоят маркази Гулистон шаҳри.
8. Сурхондарё, 1941 й. 6 мартда тузилган, вилоят маркази Термиз шаҳри.
9. Тошкент, 1938 й. 15 январда тузилган, вилоят маркази Тошкент шаҳри.
10. Фарғона, 1938 й. 15 январда тузилган, вилоят маркази Фарғона шаҳри.

11. Хоразм, 1938 й. 15 январда тузилган, вилоят маркази Урганч шаҳри.

12. Қашқадарё, 1943 й. 20 январда тузилган, вилоят маркази Қарши шаҳри.

Тошкент шаҳри республика пойтахти сифатида алоҳида мақомга эга. Тошкент милоддан тахминан 4 минг й. олдин ташкил топган. Шаҳар тўғрисидаги илк тарихий маълумотлар VII асрдан пайдо бўла бошлаган. 1983 й.да шаҳарнинг 2000 йиллиги расмий равишда нишонланди. 1943 й. 12 октябрдан бошлаб Тошкент вилоят маркази, республика пойтахти ҳисобланади.

ЎзРнинг ТАШҚИ СИЁСАТИ — давлатнинг дунё ҳамжамияти тизимида ҳамкорлик ва яқин қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга, ҳаётий муҳим манфаатларни амалга оширишга, миллий хавфсизликни таъминлашга қаратилган фаолияти.

Конституциянинг 17-м.га кўра, ЎзР халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир, унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган бошқа принциплари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг ва халқнинг олий манфаатлари, унинг фаровонлиги ва хавфсизлиги нуқтаи-назаридан келиб чиққан ҳолда иттифоқлар тузиши, ҳамдўстлик ва бошқа халқаро тузилмаларга кириши, шунингдек, улардан чиқиши мумкин.

ЎЛДИРИШ ЁКИ ЗЎРЛИК ИШЛАТИШ БИЛАН ҚЎРҚИТИШ — ЎзР жиноят қонунларида ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган жиноят. Ушбу ҳолда қўрқитиш учун шахс фақат унинг амалга ошиши учун реал асослар бўлган тақдирдагина жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. ЎзР ЖК 112-моддасига асосан, мазкур жиноят жарима ёки ахлоқ тузатиш ишлари, ёхуд қамоққа олиш, ёхуд озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

ЎЛИМ — суд-тиббиётининг асосий тушунчаларидан бири; ҳаётдан биологик ўлимгача бўлган узлуксиз босқичли жараёндан иборат. Ў.нинг биринчи босқичи деганда, ҳаётдан талвасага тушишга ўтиш тушунилади. Бу босқичда ҳаётий жараёнлар деярли тўхтайди, сиртдан текшириб кўрганда Ў. ҳолати сезилмайди. Унинг сабаби ваннахонадаги бахтсиз ҳодиса, эплепсия, алкоголь, беҳушлик ҳолати, мияга қон қуйилиши, жароҳатланиш, электр токи уриши, заҳарланиш, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш ва бошқалар бўлиши мумкин. Талвасага тушиш ҳолати босқичи индивидуал Ў.га ўтади. Илгари Ў. деганда, юрак ва қон айланишининг бутунлай тўхтаб қолиши тушуниларди. Бугунги кунда индивидуал Ў. деганда мия ҳужайраларининг ўлиши тушунилади. Индивидуал Ў. билан биологик Ў. ўртасидаги босқич оралиқ ҳаёт деб аталади. Бунда хаяжонланиш реакциялари (суправитал реакциялар) кузатилади; мушакларнинг электрик ва механик титраши бунга мисол бўлади. Ҳужайраларда Ў.дан кейин ишончсиз аломатлар ишончли аломатларга ўтади. Ў.нинг ишончсиз аломатларига совуб қолиш, рефлекслар, томир уришининг бўлмаслиги, нафас олишнинг бўлмаслиги, нафас олишнинг тўхташи, «ўликдай» оқариб кетиши ва қуриш (масалан, шиллиқ таначалар) киради. Тирилтириш

мумкин бўлиш учун ўлим аломатларини ҳодиса содир бўлган жойнинг ўзида қайд этиш керак бўлади .

ЎЛИМ ЖАЗОСИ — ЎзР жиноят ҳуқуқига кўра (ЎзР ЖКнинг 51-моддаси), жазонинг бир тури (фақат асосий жазо сифатида тайинланадиган).Ў. ж. жазонинг фавқулодда чораси сифатида фақат алоҳида оғир, ҳаётга қасд қиладиган жиноятлар учун белгиланиши мумкин. Ў. ж. хотин-қизларга, шунингдек, ўн саккиз ёшгача бўлган ёшда жиноят қилган шахсларга ва суд ҳукм чиқарадиган вақтгача олтмиш беш ёшга тўлган эркакларга тайинланмайди. Ў. ж.ни афв этиш сифатида йигирма беш йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш мумкин. ЎзРда Ў. ж. отиб ўлдириш орқали ижро этилади.

ЎзР ЖКнинг 51-моддасида содир этилган жиноятлар учун Ў. ж.нинг отиб ўлдириш туридан иборат тўлиқ рўйхати келтирилган. ЎзР Олий Суди Пленуми «Суд ҳукми тўғрисида»ги 1977 йил 2 май қарорида таъкидланганидек, судлар айбдорга нисбатан Ў. ж.ни қўллаш масаласини ҳал этишда алоҳида ўйлаб кўришлари зарур ва бу жазо чораси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган алоҳида ҳоллар мавжуд бўлганда ва жиноятни содир этган шахс жамият учун мутлоқ хавфли шахс деб топилгандагина энг оғир чора сифатида тайинланиши мумкинлигини ҳисобга олишлари керак. Ў. ж.ни қўллаш тўғрисида қарор қабул қилаётиб, суд ҳукмининг тавсиф қисмида бундай қарорга келишнинг, содир этилган жиноятнинг оғирлигининг аниқ мазмунини ва айбдорнинг шахси бўйича маълумотларни очиб берувчи асосларни тўлиғича келтириш лозим.

Отиб ўлдириш тарзидаги жазо чорасининг тўла рўйхати қуйидагилардир. а) қасддан одам ўлдириш (97-м.нинг 2-қ.); б) номусга тегиш (118-м.нинг 4-қ.); в) агрессия (151-м.нинг 2-қ.);г) геноцид (153-м.); д) терроризм (155-м.);ж) давлатга хоинлик қилиш (157-м.нинг 4-қ.);з) жиноий уюшма ташкил этиш (242-м.нинг 1-қ.);и) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда сотиш (272-м.нинг 2-қ.).

ЎЛКА — федерал асосда давлат таркибига кирувчи Австрия ва Германия Федератив Республикасида тарихий маъмурий ҳудудларнинг вужудга келиши. Ўзининг конституцияси, сайланадиган қонунчилик органлари (ландтаги), ҳукумати, суд органларига эга, федерал органлари қонунчилиги ва давлат бошқарувининг барча асосий соҳаларида ўзини ўзи бошқаришнинг кенг ваколатлари ва ташкилий масалаларидан автономияда белгиланганидек фойдаланадилар.

ЎН ИККИ ЖАДВАЛ ҚОНУНЛАРИ — 12 жадвал тахталарида ифодаланган Рим одат ҳуқуқининг энг қадимий (мил. ав. V аср) тўпламларидан бири. Ў.и.ж.қ. матни сақланиб қолмаган бўлиб, римлик ёзувчилар ва юристлар (Цицерон, Гай ва б.) асарларидаги эслатмалар ва иқтибослар (цитаталар) асосида қайта тикланган. Ў.и.ж.қ. судлов, жиноят ва фуқаролик ҳуқуқи ҳамда баъзи полиция қоидаларига доир қарорлардан иборат эди. Мулкий келишмовчиликларга доир суд жараёни расмиятчилик, шакллар хилма-хиллиги, магистрат-претор ва судья — баҳсли ҳолатни батамом ҳал этиш учун тайинланган хусусий шахс — ўртасида ваколатлар тақсимоти билан ажралиб туради. Мулкий муносабатларга хусусий мулкнинг, жумладан, ерга бўлган хусусий мулкнинг кенг тарқалганлиги ҳамда томонлар ўртасида тузилган эркин шартнома (олди-сотди, айир-

бошлаш, қарз ва ҳ.к.) асосида келинадиган битимларнинг хилма-хиллиги хос. Оила ҳуқуқининг қоидалари оила бошлиғининг тўла ҳукмронлигига асосланган.

ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИ — ўрмон билан қопланган, шунингдек, ўрмон билан қопланмаган ҳамда ўрмон хўжалиги ва ўрмон саноати зарурияти учун берилган ерлар.

ЎРМОН МОНИТОРИНГИ — ўрмонлардан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва уларнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасини самарали бошқариш мақсадида ўрмон фондининг аҳволи ва ўзгаришини кузатиш, баҳолаш ва башорат қилиш тизими.

ЎРМОН ФОНДИ — ЎзР қонун ҳужжатларига биноан барча ўрмонлар ва ўрмон хўжалигини юритиш учун берилган ерлар ЎзРнинг Ў.ф.ни ташкил этади. Ў.ф. ерларига қуйидагилар киради: ўрмон билан қопланган, шунингдек, ўрмон билан қопланмаган, аммо ўрмон хўжалиги эҳтиёжларини қондириш учун берилган ўрмон ерлари. Ў.ф.га қуйидагилар кирмайди: деҳқончилик учун фойдаланиладиган ерлардаги дарахтлар ҳамда бошқа ёғочли ва бутали ўсимликлар; темир йўллар, автомобиль йўллари ва каналлар бўйидаги ҳимояловчи дарахтзорлар; шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида ҳамда шаҳар ўрмонларига кирмайдиган ерларда ўсувчи кўкаламзорлаштирувчи экинлар ва дарахтлар; ҳовли ерлари, дала ҳовлилари ва боғ майдонларидаги дарахтлар ва дарахтзорлар. ЎзР Ў.ф.га эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш тегишли ҳудудлардаги аҳолининг ва умуман, Ўзбекистон халқининг манфаати йўлида амалга оширилади.

ЎРМОНДАН ФОЙДАЛАНИШ УЧУН БЕРИЛАДИГАН ЛИЦЕНЗИЯ — ўрмондан фойдаланиш учун рухсатни юридик ва жисмоний шахсларга ўрмон хўжалиги давлат органлари ёки уларнинг ваколатига эга бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар беради. Ўрмондан фойдаланишга дарахтларни кесиш ордери ёки ўрмон чиптаси бўйича рухсат этилади (ЎзР «Ўрмон тўғрисида»ги 1999 йил 15 апрель қонунининг 20-моддаси).

Ўрмондан доимий равишда ёки вақтинча фойдаланиш мумкин. Ўрмондан доимий фойдаланувчиларга ўрмон фондининг ерлари доимий эгалик қилиш учун берилган корхона, муассаса, ташкилотлар киради. Ўрмондан вақтинчалик фойдаланиш қисқа муддатли — 3 йилгача ва узоқ муддатли — 10 йилгача бўлиши мумкин.

Ўрмондан фойдаланиш фуқароларнинг ўрмонларда бўлиш ҳолларидан ташқари барча ҳолларда пуллидир (ЎзР «Ўрмон тўғрисида»ги 1999 йил 15 апрель қонунининг 30-моддаси). Тўлов миқдори ва уни олиш тартибини ЎзР Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Ўрмондан фойдаланувчилар давлатнинг ўрмон фонди участкасидан ўрмондан фойдаланишнинг фақат махсус рухсатномаларда назарда тутилган турлари билан шуғулланиш учун фойдаланишга ҳақлидирлар.

ЎРМОНЛАР НАРХИНИ БЕЛГИЛАШ — ўрмон ҳисоб-китоби, уни моддий жиҳатдан баҳолаш: ўсаётган дарахтларнинг ёши, баландлиги ва диаметрини, ёғоч захирасини, унинг йиллик кўпайиши даражасини аниқлаш, ўрмон сифатини баҳолаш. ЎзРда таксация ўрмонни жойлаштириш, ёғоч кесиш учун жой ажратиш, ўрмонни инвентаризация қилиш чоғида

амалга оширилади (ЎзРнинг «Ўрмон тўғрисида»ги 1999 й. 15 апрель қонуни, 16-м.).

ЎРМОНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ — ЎзРнинг «Ўрмон тўғрисида»ги 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган қонуни Ўзбекистонда ўрмон фондларидан тўғри фойдаланишнинг асосий шартларини белгилаш билан бир қаторда ўрмонларга мулкчилик шаклини ҳам белгилаб берган. Шунга кўра, ўрмонлар давлат мулки, умуммиллий бойлик деб этироф этилган. Ўрмонлардан фойдаланишда ҳар бир фойдаланувчи шахс ушбу қонуннинг 19-моддасида кўрсатилган талабларга амал қилиши лозим. Давлат ўрмон фонди участкалари юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Ўрмондан фойдаланиш учун ҳақ тўланади, юқоридаги қонун бўйича фақат фуқаролар ўсимлик дунёси объектлардан умумий фойдаланишни кўзлаб ўрмонларда бўлиш, ёввоий доривор ҳамда озиқ-овқат ўсимликлари, мевалар ва қўзиқоринларни ўз эҳтиёжлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган шартларда йиғиш ҳуқуқига эгадирлар. Ўрмонлардан фойдаланиш умумий, вақтинчалик бўлиши мумкин. Ўрмон фонди ерлари доимий эгалик қилишга бериб қўйилган ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўрмондан фойдаланувчилардир. Ўрмондан фойдаланиш қисқа муддатли (уч йилгача) ва узоқ муддатга (ун йилгача) бўлиши мумкин.

ЎРМОНЧИЛИК — ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, ўрмон хўжалиги ва ўрмондан фойдаланишни оқилона юритишни таъминлаш тизими бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: давлат ўрмон фонди участкаларининг чегарасини ва ўрмондан доимий равишда фойдаланувчилар қўлидаги давлат ўрмон фонди ҳудудининг хўжалик ичидаги ташкил этилишини аниқлаш; топография ва геодезия ишларини бажариш ҳамда ўрмонларнинг махсус картографиясини амалга ошириш; ўрмоннинг етилиш ёшини аниқлаш, ўрмон участкасидан бир йилда кесиб олинадиган ёғочнинг тахминий миқдорини аниқлаш, ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ кесиладиган ўрмон миқдорини ва ўрмондан фойдаланишнинг бошқа турлари миқдорини аниқлаш; ўрмончилик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш.

Ўрмончилик лойиҳалари давлат экспертизасидан ўтказилади ҳамда ўрмон хўжалигидагига масъул давлат органлари ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади. Ўрмончилик лойиҳалари ўрмон, қўриқхона ва овчилик хўжаликларини юритиш, ўрмондан фойдаланиш, жорий ва истиқболни режалаштириш учун асосий норматив-техникавий ҳужжатлардир. Ўрмончилик барча ўрмонларда ЎзРнинг Ўрмон бўйича давлат қўмитаси белгилаган тартибда ягона тизим бўйича амалга оширилади.

ЎТА ОҒИР ЖИНОЯТЛАР — ЖКнинг 15-моддаси 5-бандига мувофиқ, қасддан содир этилиб, қонунда ун йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар Ў. о. ж. дейилади.

ЎТКАЗИЛУВЧИ РУБЛЬ — 1964—1991 йиллар мобайнида ўзаро ҳисобкитоб учун Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши давлатларида қўлланилган пул бирлиги.

ЎТРОҚЛИК ЖИҲАТИДАН ЧЕКЛАШ — конституциявий ҳуқуқда

қонун томонидан тайинланган талаб. Унга кўра, фуқаронинг актив ёки пассив сайлов ҳуқуқига эга бўлиши унинг сайлов ўтказилаётган ҳудуд ёки мамлакатда яшаш вақти билан белгиланади. Чунончи, Конституциянинг 90-моддасига кўра, ЎзР Президенти лавозимига бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган ЎзР фуқароси сайланиши мумкин.

ЎҚОТАР ҚУРОЛ — масофадаги нишонни, ўқ-дори ёки бошқа заряд энергияси ҳисобига йўналтирма ҳаракатланувчи снаряд билан механик шикастлантириш учун мўлжалланган қурол.

ЎҒРИЛИК — ЎзР ЖКнинг 169-моддасига кўра, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш. Ў.нинг объекти ўзгалар мол-мулки бўлса, объектив томони ўзгалар мол-мулкини яширинча ўзиники қилиб олиш билан тавсифланади. Ў.нинг субъектив томони тўғри қасд билан тавсифланади, субъекти эса эс-ҳуши жойида бўлган ўн тўрт ёшга тўлган шахс.

«Қ»

ҚАБРНИ ТАҲҚИРЛАШ — қабрни ёки мурдани таҳқирлаш, шунингдек, мурдадаги, қабр устидаги ёки ичидаги нарсаларни олиш. ЎзР ЖКнинг 134-м.да кўрсатилган бўлиб, «Оила, ёшларга ва ахлоққа қарши қаратилган жиноятлар»га киради.

ҚАЙД ЭТИЛГАНЛИК ҲАҚИДА ГУВОҲНОМА — ваколатли давлат органлари томонидан юридик шахс сифатида қайд этилган маълум нусхадаги ҳужжат.

ҚАЙТА ИШЛАШ — мулкий муносабатларда қайта ишлаш натижасида вужудга келадиган мулкнинг ҳолати ва унга эгалик асосларининг вужудга келиши.

ҚАЙТА ИШЛАШ КООПЕРАТИВ КОРХОНАЛАРИ — қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган кооператив корхоналар.

ҚАЙТА ОВОЗ БЕРИШ — иккинчи бор у ёки бу номзод учун овоз бериш. Бу, асосан, номзод етарли овоз олмаган ҳолларда амалга оширилади.

ҚАЙТАДАН ТИКЛАНГАН ЮРИДИК ШАХС — Қ.: *Юридик шахс.*

ҚАЙТАРИЛАДИГАН БОЖ — илгари олиб кирилган товарларга ишлов бериш ва уларни қайта ишлаш натижасида олинган тайёр маҳсулотни олиб чиқиш чоғида унинг эгасига қайтарилиши лозим бўлган импорт божларнинг суммаси. Қ.б. экспортга чиқариладиган товарлар баҳосининг рақобатбардошлигини ошириш воситаларидан биридир.

ҚАЙТАРИЛАДИГАН ЧЕК — тўловчи банк ҳисоб палатасининг аъзоси бўлган нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар бўйича пул тўлаганда унинг фойдасига ёзиб бериладиган махсус чек.

ҚАЙТАРИЛМАЙДИГАН ИНДОССАМЕНТ — «Менга қайтармасдан» жумласи ва ёзувчининг уни тўлов вексел бўйича тўланганлиги учун жавобгарликдан озод қиладиган имзоли индоссамент.

ҚАЙТАРИШ ТАЛАБИ — учинчи шахснинг айби билан бошқа шахс-

га тўловни амалга оширган шахснинг (фуқаро ёки ташкилотнинг) учинчи шахсга қўйган талаби.

ҚАЙТАРИШ ФРАХТИ — юк ташувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, юк тайинланган портга топширилмаганлиги учун юк эгасининг юк ташувчига жўнатиш портига юкни қайта ташиб келтиргани учун тўланадиган фрахт.

ҚАЛБАКИ ПУЛ ЧИҚАРИШ — қалбаки пуллар ёки қимматбаҳо қоғозлар тайёрлаш ёки ўтказишдан иборат жиноятнинг юридик адабиётда ва кундалик муомалада ишлатиладиган қисқача номи. ЎзР ЖК 176-моддасига мувофиқ, ушбу иқтисодий жиноятнинг объектив томонини «ўтказиш мақсадида қалбаки банк билетлари (банкнотлар), металл тангалар, акциз маркалар, шунингдек, қимматли қоғозлар ёхуд чет эл валютаси ёки чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ясаш ёки уларни ўтказиш» ташкил этади.

Қ.п.ч. — натурал товар айирбошлашнинг пулга алмашиши билан бир вақтда юзага келган энг қадимий *халқаро жиноят* тури. Қ.п.ч. давлатнинг иқтисодий асосларига тажовуз қилади ва давлат доираси билан чекланиб қолмайди. Қ.п.ч.га қарши курашда халқаро ҳамкорликнинг зарурлиги 1925 йилда Пул белгиларини қалбакилаштиришга қарши кураш тўғрисидаги Женева конвенциясининг қабул қилинишига олиб келди. Унга кўра, иштирокчи давлатлар ўз мамлакати ва хорижий мамлакатларнинг пул бирликлари ва қимматбаҳо қоғозларини қалбакилаштиришни фарқламаслик мажбуриятларини олдилар. Қ.п.ч. экстрадицион халқаро хусусиятга эга бўлган оғир жиноят деб баҳоланди, шу боис давлатлар жиноятчиларни қидириб топиш ва ўз давлатига топширишда ҳамда уларни миллий қонунлар доирасида жазога тортишда бир-бирларига ёрдам бера бошладилар.

ҚАЛИН (турк.) — бир қатор Ўрта Осиё, Кавказ ва Сибир халқларида қаллиқ учун тўлов тўлаш.

ҚАМОҚҚА ОЛИШ — жиноят процессида жиноят иши бўйича дастлабки тергов қилиш ва судда ишни кўриш даврида эҳтиёт чораси тариқасида озодлигини мажбурий чеклаш (тергов ҳибсхонасида) тарзидаги эҳтиёт чораларидан бири. Суд қарори ёки прокурор розилиги билан қўлланилади. Қамоққа олинган шахс Қ. о. ёки қамашнинг қонунийлигини ёки асослилигини текшириш тўғрисида шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш бир йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазо бериш назарда тутилган жиноятлар содир этилганида қўлланилади. Алоҳида ҳолларда мазкур эҳтиёт чораси бир йилдан ошмайдиган муддатга озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазо бериш назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича ҳам қўлланиши мумкин. Қамоқда сақлаб туриш жиноятнинг хавфлилиги туфайли жиноятчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан яшириниши мумкин деган ўринли тахминлар бўлган ҳолларда қўлланилади. Қамоқда сақлаб туриш муддати иш тергов қилинаётганда — икки ой, туман (шаҳар) прокурори томонидан уч ойгача, ҚР прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурори томонидан олти ойгача, ЎзР Бош прокурорининг ўринбосари томонидан бир йилгача ва ЎзР Бош прокурори томонидан бир йилгача узайтирилиши мумкин.

ЎзРнинг Конституцияси ва ЎзРнинг 1994 йил 22 декабрдаги қонуни

билан қабул қилинган ЎзР ЖКнинг 3-моддаси қамоқда сақлаб туришда қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш, одиллик, халқаро ҳуқуқ нормалари ва принциплари, шунингдекЎзРнинг халқаро шартномаларга амал қилиш принципига асосланади. Жиноят содир этишда гумон қилинувчиларни ва айбланаётганларни қамоқда сақлашда қийнаш, бошқача ҳаракатлар билан ахлоқий ва жисмоний қийноққа солиш мақсад қилиниши мумкин эмас.

ҚАМЧИ — хом теридан қилинган дастали узун қайиш, баданни жазолаш учун ишлатилган. XV—XIX асрларда қамчи билан савалаш жазолаш шакли («савдо қатли») ва зўрлаш тури ҳисобланади.

ҚАРАМ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТИ — ЎзРнинг фуқаролик қонунида, хўжалик жамияти бошқа жамият акциядорлик жамиятининг ўзига нисбатан 20% дан кўпроқ овоз берувчи акцияларини ёки масъулияти чекланган жамиятларнинг устав капиталининг 20% га эга. Акциядорлик жамияти овоз берувчи акцияларини 20% дан кўпроғини ёки масъулияти чекланган жамият капиталини 20% ни сотиб олган хўжалик жамияти, хўжалик жамиятлари тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган тартибда бу тўғридаги маълумотларни тезда матбуотда эълон қилишга мажбур. Бир-бирининг устав капиталида хўжалик жамиятларининг ўзаро қатнашиш доиралари ва овозлар сони бундай жамиятлардан бири бошқа жамиятнинг умумий йиғилишидан ёки акциядорлари йиғилишидан фойдаланиши мумкинлиги қонун билан белгиланади.

ҚАРАМОҒИДА БЎЛИШ — Ўзбекистон ҳуқуқида доимий моддий ёрдам ёки тўлиқ моддий таъминотни бошқа шахслардан олувчи шахс. У яшаши учун асосий моддий манбаа бўлиб ҳисобланади. Боқимандалар пенсия таъминоти олиш соҳасида, боқувчисининг ўлими туфайли етказилган зарарни қоплаш масалаларини ҳал этишда муайян ҳуқуқларга эгадирлар; боқимандаликнинг мавжудлиги баъзи турдаги нафақалар ва компенсациялар тўлашда ҳисобга олинади.

ҚАРЗ БЕРУВЧИ — қарз шартномаси бўйича, бир тараф (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни қайтариш шарти билан мулк қилиб беради. Қ. б.ни кредит шартномасида тараф бўлган кредитор билан бир хил деб бўлмайди.

ҚАРЗ ВОСИТАСИ — қарзни тўлашга ёзма ваъда — *вексель, облигация, депозит сертификат* ва ҳ.к.

ҚАРЗ ДАФТАРИ — дебиторлар ва харидорларнинг қарз мажбуриятлари ҳисоб-китоб қилинадиган дафтар (ҳужжат). Одатда чакана савдо ва майда корхоналарда қўлланилади.

ҚАРЗ ДИВИДЕНДЛАР — жорий санага эълон қилинмаган кумулятив имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар.

ҚАРЗ КАПИТАЛИ — облигациялар чиқариш ва банк кредитлари маблағлари ҳисобидан пайдо бўладиган капитал.

ҚАРЗ МАЖБУРИЯТИ — қарз олувчи ссуда олиш чоғида кредиторга берадиган ҳужжат. Қ.м.да кредит миқдори ва уни қайтариш муддати кўрсатилади. Кредит олган юридик шахс номидан жисмоний ёки мансабдор шахс имзолайди. Ушбу ҳужжат бўйича қарз олувчи кредитни келишилган муддатда қайтариш мажбуриятини олади, кредитор эса бу муддат ўтганидан кейин уни қарз олувчидан ундириб олиш ҳуқуқига эга

бўлади. Қ.м. шаклларига векселлар, заём облигациялари, шартномалар, кредит битимлари ва б. киради.

ҚАРЗ МАЖБУРИЯТЛАРИ — бир неча кредиторлар ёки қарздорлар иштирокидаги мажбурият бўлиб, унда ҳар бир кредитор ижро этилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга ёки ҳар бир қарздор бошқалари билан тенг улушда мажбуриятни бажаришга мажбур.

ҚАРЗ ОЛУВЧИ — қарз шартномаси бўйича қарз берувчидан пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни қайтариш шарти билан мулк қилиб оладиган тараф.

ҚАРЗ ТАЛАБНОМАСИ — тўловчининг мол етказиб берувчига қарзини тўлашни талаб қилувчи тўлов ҳужжати.

ҚАРЗ ШАРТЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ (конверсия) — аввал чиқарилган давлат қарзларини (заёмларини) янгиси билан алмаштириш. Кредитни тўлаш муддатларини узайтириш ва қарз фоизи ҳажмини ўзгартириш (одатда тушириш) мақсадида ўтказилади.

ҚАРЗ ШАРТНОМАСИ — бир томон (қарз берувчи)нинг бошқа томон (қарз олувчи)га пулни ёки тур белгилари билан ажралиб турадиган бошқа буюмларни мулк қилиб беришига, қарз олувчининг эса қарз берувчига худди шунча пулни (қарз суммасини) ёки тенг миқдордаги ўзи олган ўша тур ва сифатдаги бошқа буюмларни қайтариш мажбуриятини олишга асос бўладиган фуқаровий ҳуқуқий шартнома. Қ.ш. пул ёки бошқа буюмлар берилган пайтдан бошлаб тузилган деб ҳисобланади, яъни консенсуаль *кредит шартномаси*дан фарқли равишда реалдир.

Агар қонун ёки Қ.ш.да бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасига шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда фоиз олиш ҳуқуқига эга. Агар Қ.ш.да бошқа ҳол бевосита назарда тутилмаган бўлса, қуйидаги ҳолларда ушбу шартнома фоизсиз ҳисобланади: шартнома фуқаролар ўртасида қонунда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг 50 бараваридан ошмайдиган суммага тузилган ва томонлардан лоақал бирининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаганда; шартнома бўйича қарз олувчига пул эмас, балки тур белгилари билан ажралиб турадиган бошқа буюмлар берилганда.

ҚАРЗДОР — фуқаролик ҳуқуқида бошқа томон — кредитор фойдасига муайян ҳаракатни амалга ошириш (мулкни бериш, бирон-бир ишни бажариш ва ш.к.) ёки муайян ҳаракатни қилишдан ўзини тийишга мажбур бўлган томон. Фақат фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчлари эгаси бўлишга қодир бўлган, яъни ҳуқуқий лаёқатга эга бўлган жисмоний, юридик шахслар ва давлат Қ. бўлиши мумкин. Бир томонлама шартномада фақат бир томон (м-н, қарз шартномасида — қарз олувчи), икки томонлама шартномада эса иккала томон Қ. бўлади (қ. *Кредитор*). Зарар етказиш оқибатида юзага келадиган мажбуриятда зарарни қоплашга мажбур бўлган шахс, асосланмаган ҳолда мулк харид қилиш ёки жамғаришдан келиб чиқувчи мажбуриятда эса — асоссиз равишда олинган ёки жамғарилган мулкни қайтаришга мажбур бўлган шахс Қ. ҳисобланади. Мажбуриятда бир неча Қ.лар бўлиши мумкин. Бундай ҳолда одатда, ҳар бир Қ. бошқалари билан тенг улушда мажбуриятларни бажариши шарт. Агар мажбурият предмети бўлинмас бўлса (м-н, телевизор), Қ.лар,

худди кредиторлар сингари, биргаликда жавобгар ҳисобланадилар. Бу кредиторнинг мажбуриятни бажаришни барча Қ.лардан биргаликда ҳам, уларнинг ҳар биридан алоҳида равишда ҳам, бунда бутун қарз бўйича ҳам, бир қисми бўйича ҳам талаб қилиши мумкинлигини билдиради. Агар қонунда ёки шартномада бошқача қоида белгиланмаган бўлса, биргаликдаги мажбуриятни бажарган Қ. қолган Қ.лардан қарз мажбуриятини ўз ҳиссасини чегириб олиб, тенг ҳиссада регресс талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

ҚАРЗДОРНИНГ АЙБЛИЛИГИ ПРЕЗУМПЦИЯСИ — ҳуқуқ назариясига кўра қарздор шартномада кўрсатилган муддатда қарзини узмаган бўлса, у айбдор ҳисобланади ва унга нисбатан ўз айбсизлигини исботлаш мажбурияти берилади.

ҚАРЗНИ ЎТКАЗИШ — кредит берувчининг розилиги орқали қарздорларнинг бошқа шахсларга ўз қарзларини ўтказиб беришлари.

ҚАРИЛИК НАФАҚАСИ — ЎзР Меҳнат кодексининг 289-моддасига биноан меҳнат ва иш стажига кўра маълум ёшдан белгиланади (аёллар учун 55 ёш, эркаклар учун 60 ёш).

ҚАРИНДОШ-УРУҒЛАРНИНГ ДАВЛАТ КОРХОНАСИДА БИРГА ХИЗМАТ ҚИЛИШЛАРИНИ ЧЕКЛАШ — МКнинг 79-моддасига мувофиқ, ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар. опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади. Бу қоидадан истисnolар ЎзР ҳукумати томонидан белгиланиши мумкин.

ҚАРОҚЧИЛИК (денгиз қароқчилиги) — у ёки бу давлатга тааллуқли бўлмаган ҳудудларда, очиқ денгизда учиш воситалари ёки денгиз транспортларида экипаж аъзолари ёки фуқаролар уюшмалари томонидан ғайриқонуний тарзда, куч ишлатиб бошқа денгиз транспорти ёки учиш воситаларидаги экипаж аьзолари ёки фуқароларни ушлаш, қароқчиларча мулкини тортиб олиш. Ҳарбий денгиз транспорти, давлат кемалари ёки учиш воситаларида қўзғолон кўтариб кемани эгаллаш орқали қароқчилик қилиш ҳам фуқароларга тегишли ва хусусий мулк сифатида бўлган транспорт воситаларида содир этилган қароқчиликка тенглаштирилган.

Шу ўринда у ёки бу давлатга тааллуқли бўлган денгиз транспортида бошқа давлат денгиз транспорти воситаларига жиноий ҳужум қилиш қароқчилик бўлиб ҳисобланмайди. 1937 йил Ниондa амалга оширилган халқаро келишувга асосан, бирор давлат ҳарбий кемалари ўз ҳудудида бошқа давлат савдо кемаларига ҳужум уюштирса, қароқчилик сифатида кўрилиши мумкин.

ҚАСД — жиноят ҳуқуқи назариясида шахснинг ўзи содир этаётган қилмишнинг жамият учун хавфли эканлигини англаши. Қ. бевосита ва билвосита бўлади. Бевосита Қ.да (ўғрилик, қотиллик, талончилик ва ҳ.к.) қилмишни содир этаётган шахс унинг жамият учун хавфли эканлигини яхши англайди. Билвосита Қ.да жиноятни содир этаётган шахс зарарли оқибатларнинг бўлишини истамайди, аммо улар бўлиши мумкинлигини англайди (м-н, автомобилни маст ҳолда бошқарганда).

ҚАСДДАН БАДАНГА ЕНГИЛ ШИКАСТ ЕТКАЗИШ — соғлиқнинг қисқа мудатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган баданга қасддан енгил шикаст етказиш. ЎзР ЖК нинг 109-моддасига кўра жиноят деб кўрсатилган. Соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашуви ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилиши ушбу жиноятнинг объекти ҳисобланади. Бу каби шикастларга яралар, доғлар, қон оқишлар ва ҳоказолар киради. Шу ўринда жиноий жавобгарликнинг муққаррар шарти — ЎзР Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 52-моддаси 2-қисмига асосан, маъмурий чора кўрилгандан сўнг бир йил давомида баданга иккинчи маротаба енгил шикаст етказишдир. Меҳнат қобилиятини унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотиш деганда, умумий меҳнат қобилиятининг ўн фоиздан кўпини йўқотмасликни тушуниш лозим. Шу каби жиноятлар турига яна қийнашни ҳам киритиш мумкин. ЎзР ЖКнинг 110-моддасига кўра, муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар, агар баданга оғир шикаст ёки ўртача оғир шикаст етказмаса, қийнашга киради.

ҚАСДДАН БАДАНГА ЎРТАЧА ОҒИР ШИКАСТ ЕТКАЗИШ — ЎзР жиноят қонунларига кўра соғлиққа қарши жиноят тури. Содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва қасддан баданга оғир шикаст етказиш чоғида юзага келадиган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида 21 кун, аммо 4 ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг 10% идан 33% игача йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатлар ЎзР ЖК 105-моддасининг 2- қисмида санаб ўтилган бўлиб, унинг учун узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш назарда тутилган.

ҚАСДДАН БАДАНГА ОҒИР ШИКАСТ ЕТКАЗИШ — ЎзР жиноят қонунларига кўра соғлиққа қарши жиноят тури. Содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган Қ.б.о.ш.е. натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий касалга чалинишга ёки умуман соғлиғи бузилиб, умумий меҳнат қобилиятининг 33 фоизидан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки ҳомиланинг тушиши ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлса, озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатлар ЎзР ЖК 104-моддасининг 2- ва 3-қисмларида санаб ўтилган.

ҚАСДДАН БАНКРОТ БЎЛИШ — корхона раҳбари ёки мулкдорининг атайин корхонанинг тўловга қобилиятсизлигини яратиши ёки ошириши, корхонага шахсий манфаатлардан ёки бошқа шахсларнинг манфаатларидан келиб чиқиб зарар етказиши, ишларни тажрибасиз ҳолда юритиши. Қ.б.б. қарздорнинг ғайриқонуний ҳаракатларига киради. Қ.б.б. белгилари аниқланганда прокурор хўжалик судига корхонанинг тўловга қобилиятсизлиги (банкротлиги) ҳақида ариза билан мурожаат этишга ҳақли бўлади.

ҚАСДДАН ОДАМ ЎЛДИРИШ — инсон ҳаётига қарши жиноят бўлиб, ЎзР ЖК 97-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилади. Ушбу жиноятнинг квалификация қилинадиган белгилари: а) икки ёки ундан ортиқ шахсни; б) ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлни; в) айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсни; г) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсни ёки унинг яқин қариндошларини; д) бошқа шахсларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усулда; е) оммавий тартибсизликлар жараёнида; ж) ўта шафқатсизлик билан; з) номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда; и) тамагирлик ниятида; к) миллий ёки ирқий адоват замирида; л) безорилик оқибатида; м) диний таассублар замирида; н) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида; о) бошқа бирор жиноятни яшириш ёки унинг содир этилишини осонлаштириш мақсадида; п) бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаган ҳолда; р) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан қасддан одам ўлдириш. Қ.о.ў. жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек, унинг бошқа ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли ҳаяжонланиш ҳолатида ҳам содир этилиши мумкин.

ҚАСДДАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТ — ЎзР ЖКнинг 21-моддасида кўрсатилганидек, жиноят содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англаган ва шундай қилмишни содир этишни истаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб ҳисобланади.

ҚАТЪИЙ БАҲО — битим тузишда белгиланган ва амал қилиш муддати давомида ўзгармай қоладиган баҳо.

ҚАТЪИЙ БОҒЛАНИШДАГИ ТИЗИМ РЎЙХАТИ — баъзи давлатларда ҳозирда амалда бўлган сайлов тизимида (пропорционал сайлов тизимида) депутатлик ўрнига номзодларни бир хил номзодлар рўйхати асосида тақсимлаш усули. Шунга кўра номзодлар рўйхатида номзод қайси ўринда турганлиги катта аҳамиятга эга бўлган ҳолда номзод ўз мавқеини янада олдинга чиқаришга ҳаракат қилади, чунки овоз бериш жараёнида қонун сайловчига, рўйхат бўйича умуман ёки маълум бир мавқедаги алоҳида бир номзодга овоз бериши мумкин (Австралия, Белгия, Дания) ёхуд қонун бўйича сайловчи алоҳида бир номзодга овоз бериши қатъий белгилаб қўйилади (Нидерландия).

ҚАТЪИЙ ВАЛЮТА — ўз номиналига нисбатан турғун валюта. Баъзан «Қ.в.» тушунчаси эркин алмаштириладиган валюта (ЭАВ) синоними сифатида қўлланилади.

ҚИЁС (араб.) — фиқҳ манбаларидан бири (Қуръон, сунна, ижмоъдан сўнг тўртинчиси). Қиёсда дастлабки икки манба — Қуръон ва суннада берилмаган бирор ҳуқуқий масала улардаги шунга ўхшаш масала бўйича берилган кўрсатмага таққослаш йўли билан шарҳ этилган. Қиёс фақиҳлар ҳуқуқини кенгайтириб, шариатни турмушнинг турли томонларига татбиқ этиш имкониятини берган. Қиёснинг манба сифатида киритилиши шариатнинг ҳуқуқ тизими сифатида шаклланиши ва фақиҳлар мавқеининг ошишидан далолат берар эди. Ислом ҳуқуқи ҳаракатда бўлган баъзи мамлакатларда ҳозирда ҳам қиёсга амал қилинади.

ҚИЙНОҚ — ЎзР жиноят ҳуқуқида доимий равишда уриш-дўппислаш ёки ўзга зўравонликлар орқали жисмоний ёки руҳий азоб етказиш. Мустақил жиноят таркибини ҳосил қилади.

ҚИЛМИШ ЁКИ ШАХС ИЖТИМОИЙ ХАВФЛИЛИГИНИ ЙЎҚОТГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ — жиноят қонунларига мувофиқ (ЖКнинг 65-моддаси), ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли, содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб топилса, жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли, жиноят содир этган шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган деб топилса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗ ЭГАЛАРИНИНГ РЕЕСТРИНИ ЮРИТИШ ФАОЛИЯТИ — қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги профессионал фаолият турларидан бири. Қимматбаҳо қоғозлар эгаларининг реестрини юритиш тизимини ташкил этувчи маълумотларни йиғиш, қайд этиш, қайта ишлаш, сақлаш ва тақдим этиш ана шундай фаолият деб тан олинади. Реестр юритиш билан фақат юридик шахслар шуғулланишга ҳақлидирлар. Қимматбаҳо қоғозлар эгалари реестрини юритиш фаолияти билан шуғулланувчи шахслар **реестр эгалари (регистраторлар)** деб аталади. Регистраторлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахс имитент қимматбаҳо қоғозлар эгалари реестрини юритиш тизимида қайд этилган қимматбаҳо қоғозлар билан битимларни амалга оширишга ҳақли эмас. Реестр юритиш фаолиятини амалга ошириш уни қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги профессионал фаолиятнинг бошқа турлари билан биргаликда олиб боришга йўл қўймайди.

ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДА САВДОНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ФАОЛИЯТИ — қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги профессионал фаолият турларидан бири. Бундай фаолият деб, қимматбаҳо қоғозлар бозори иштирокчилари ўртасида қимматбаҳо қоғозлар билан амалга ошириладиган фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузишга бевосита ёрдам берувчи хизматларни кўрсатиш тан олинади. Қимматбаҳо қоғозлар бозорида мазкур фаолиятни амалга оширувчи профессионал иштирокчи **қимматбаҳо қоғозлар бозорида савдони ташкил этувчи шахс** деб аталади.

ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР ЭМИССИЯСИ — эмитентнинг ЎзРнинг «Қимматли қоғозлар ва биржа фондлари тўғрисида»ги 1993 йил 2 сентябрь қонуни ҳамда мазкур қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритган 1994 йил 23 сентябрь қонуни билан белгиланган эмиссион қимматбаҳо қоғозларни жойлаштириш бўйича ҳаракатларидаги изчиллик. Агар ЎзР қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қимматбаҳо қоғозлар эмиссияси қуйидаги босқичлардан иборат бўлади: 1) эмитентнинг эмиссион қимматбаҳо қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиши; 2) эмиссион қимматбаҳо қоғозлар чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш; 3) қимматбаҳо қоғозларнинг ҳужжат шаклидагиларини чиқариш учун қимматбаҳо қоғозлар сертификатларини тайёрлаш; 4) эмиссион қимматбаҳо қоғозларни жойлаштириш; 5) эмиссион қимматбаҳо қоғозлар чиқаришнинг якунлари тўғрисидаги ҳисоботни рўйхатдан ўтказиш.

Қ.қ.э. лойиҳасини рўйхатдан ўтказишда эмиссия иш тартиби қуйи-

даги босқичлар билан тўлдирилади: 1) эмиссион қимматбаҳо қоғозлар эмиссияси лойиҳасини тайёрлаш; 2) эмиссион қимматбаҳо қоғозлар эмиссияси лойиҳасини рўйхатдан ўтказиш; 3) эмиссия лойиҳасидаги барча маълумотларни очиш; 4) эмиссион қимматбаҳо қоғозлар чиқаришга доир якуний ҳисоботдаги барча маълумотларни очиш. Давлат ва маҳаллий эмиссион қимматбаҳо қоғозлар эмиссияси, уларни тарқатиш ва муомалага киритиш шартлари республика қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Очиқ (ошкора) ва ёпиқ эмиссия фарқланади.

ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР ЭМИТЕНТИ — ЎзРнинг 1994 йил 23 сентябрдаги қонун билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган «Қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида»ги 1993 йил 2 сентябрь қонунига кўра, қимматбаҳо қоғозларнинг эгалари олдида ўз номидан жавобгар бўлган қимматбаҳо қоғозларни чиқарувчи юридик шахс ёки давлат органи.

ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАРНИ БОШҚАРИШ ФАОЛИЯТИ — қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги профессионал фаолият турларидан бири. Бу фаолият юридик шахс ёки якка тадбиркорнинг ҳақ эвазига ўз номидан муайян муддат давомида ўзига эгалик қилиш учун топширилган ва бошқа шахсга тегишли бўлган қуйидаги нарсаларни бу шахснинг ёки у кўрсатган учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида ишончли бошқаришидан иборат: 1) қимматбаҳо қоғозлар; 2) қимматбаҳо қоғозларга инвестиция қилиш учун мўлжалланган пул маблағлари; 3) қимматбаҳо қоғозларни бошқариш жараёнида олинадиган пул маблағлари ва қимматбаҳо қоғозлар. Қимматбаҳо қоғозлар бозорининг бундай қоғозларни бошқариш фаолияти билан шуғулланувчи профессионал иштирокчиси **бошқарувчи** деб аталади. Қ.қ.б.ф. ни амалга ошириш тартиби, бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ЎзР қонунлари ва шартномалари билан белгиланади.

Бошқарувчи ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида бошқарувчи сифатида ҳаракат қилаётганлигини кўрсатиши шарт. Бошқарувчи ва унинг мижози ёки бир бошқарувчининг турли мижозлари манфаатларининг тўқнашуви бошқарувчининг мижоз манфаатига зарар келтирган ҳаракат қилишига олиб келган ва ушбу низодан барча манфаатдор томонлар хабардор қилинмаган тақдирда бошқарувчи зарарни ўз ҳисобидан фуқаролик қонунларида белгиланган тартибда қоплаши шарт.

ҚИММАТБАҲО (НОДИР) МЕТАЛЛАР — ҳар қандай кўринишдаги ва ҳолатдаги олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳига мансуб металлар (палладий, иридий, родий, рутений ва осмий); ушбу материаллардан қилинган заргарлик ва бошқа маиший буюмлар ва бундай буюмларнинг синиқлари бунга кирмайди.

ҚИММАТБАҲО (НОДИР) МЕТАЛЛАР ПРОБАСИ — металлар қоришмасидаги мавжуд олтин, кумуш, платинанинг миқдори. Бунда 1000 бирликка нисбатан қўшилган қимматбаҳо металлар миқдори белгиланган. Масалан, 375, 500, 583, 750, 958 — олтинга белгиланган проба нисбати.

ҚИММАТБАҲО ТАБИИЙ ТОШЛАР — хом ва қайта ишланган олмос, зумрад, ёқут ва александрит, шунингдек, марварид; ушбу материаллардан қилинган заргарлик ва бошқа маиший буюмлар ва бундай буюмларнинг синиқлари бунга кирмайди.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР — мулкий ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб, уларни тақдим этган тақдирдагина мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин бўлади. Қ.қ. бошқа шахсга берилиши билан улар томонидан тасдиқланадиган ҳамма ҳуқуқлар ҳам ўша шахсга ўтади.

ЎзР ФКнинг 96-моддасига мувофиқ, Қ.қ.га давлат облигациялари, вексель, чек, депозит ва жамғарма сертификатлари, банкка тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси, коносамент, акция, ҳамда қонун ҳужжатлари билан Қ.қ.га киритилган бошқа ҳужжатлар киради. Қ.қ. орқали тасдиқланадиган ҳуқуқларнинг турлари, Қ.қ.нинг мажбурий реквизитлари, Қ.қ.нинг шаклига ва бошқа турларига қўйиладиган талаблар қонунда ёки унда белгиланган тартибда белгиланади. Қ.қ.да мажбурий реквизитларнинг бўлмаслиги ёки уларнинг белгиланган шаклга мос келмаслиги Қ.қ. ни бекор қилади. Қ.қ. билан тасдиқланган ҳуқуқлар қуйидагиларга тегишли бўлиши мумкин: 1) Қ.қ. ни кўрсатган шахсга; 2) Қ.қ.ларда кўрсатилган шахсга; 3) ушбу ҳуқуқларни ўзи амалга оширадиган ёки бировга ўз буйруғи орқали берадиган шахсга (ордерли Қ.қ.). Шунингдек, Қ.қ.ларнинг баъзи турларини чиқариш ва муомалага киритиш тартиби ЎзРнинг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги»ги қонуни билан ҳам тартибга солинади (ЎзРнинг 1992 йил 2 июлдаги қонунидаги ўзгаришлар билан бирга).

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЧИҚАРИШ (ЭМИССИЯ)ДА СУИИСТЕЪМОЛ — ЎзР ЖКда назарда тутилган иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларга киради. Унинг объектив томони ишончсиз маълумотларни била туриб қимматли қоғозлар проспектига киритишни ташкил этади, худди шунингдек ишончсиз маълумотларни, агар бу хатти-ҳаракатлар кўп миқдорда зарар келтирилишига олиб келган бўлса — била туриб сақлаган эмиссия проспектини тасдиқлаш ёки эмиссия натижалари ишончсизлигини била туриб тасдиқлаш.

ҚИРОЛ (Буюк Карл номидан олинган) — қироллик мақомига эга бўлган монархик давлат бошлиғи. Қирол императордан кейинги олий монархик унвондир. Қирол ҳокимияти (ловян халқларда — князь, скандинавияликларда — қонунга) ибтидоий жамоа тузуми емирилаётган даврда вужудга келган (қабила бошлиғи ҳокимиятидан ўсиб чиққан); синфий, сиёсий жамият шаклланиб боргани сайин қирол ҳокимияти ҳарбий демократик органдан давлат ҳокимият органига айланади. Герман қабилаларининг Ғарбий Рим империяси ҳудудларида ёйилиши жараёнида Европада V—VI асрларда бир неча босқинчи қиролликлар (энг эътиборлиси — франклар қироллиги) вужудга келган. У барбод бўлгач, қирол унвонини Франция ва Германия монархлари олганлар. Ўрта аср бошларида Англия (дастлаб англо-саксон қироллиги), кейин Испания ҳудудидаги қатор давлатлар, ундан сўнг — Дания, Швеция, Норвегия қиролликлари вужудга келди. Ҳозирги замон давлатларидан Буюк Британия, Саудия Арабистони, Швеция, Бельгия, Иордания ва бошқалар қироллик ҳисобланади.

ҚИРОЛЛИК — қирол унвонига эга бўлган монарх раҳбарлик қилувчи монархия давлати. Ҳозирги давлатлар ичида қуйидаги давлатлар Қ. ҳисобланади: Буюк Британия, Белгия, Швеция, Голландия, Иордания, Саудия Арабистони ва бошқалар.

ҚИРОЛЛИК СУДИ — Буюк Британиядаги энг қадимги суд муассасаси, 1778 йили қирол кенгашидан алоҳида ажратилган ва аввалига қироллар мамлакат бўйлаб сафар қилганларида уларни кузатиб юрган. Кейинчалик муҳим жиноий ишларни кўриб чиқиш унинг ваколатига киритилган. У яна қуйи судлар устидан ҳам назорат олиб борган. Умумий ҳуқуқнинг шаклланишида муҳим рол ўйнаган. XIX асрдан Қ. с.нинг юқори бўлими. 1971 йилдаги ислоҳотга кўра унинг ваколати фуқаровий ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш билан чекланган.

ҚИРОЛЛИК ТОЖИ — 1) монархлик қадр-қиммати бўлмиш — қимматбаҳо бош кийим; 2) баъзи монархик мамлакатларнинг давлат ҳуқуқида монархнинг ҳокимиятини ифодалаш учун қўлланиладиган ибора. Монарх томонидан тайинланадиган ва унинг номидан иш кўрадиган фуқаровий маъмур шахс, харбий кучлар ва судларнинг мансабдор шахси қироллик тожи номи билан боғлаб юритилади (масалан: Қ. т. министри, Қ. т. судьяси ва ҳ.к). «Қ. т.» ибораси инглиз ҳуқуқида кенг қўлланилади.

ҚИСҚА ДЕКЛАРАЦИЯ — божхона чегарасидан ўтувчи товар тўғрисида маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат; божхона органига маълум бир божхона тартибидан товарлар ва транспорт воситалари ўтишидан олдин берилади. Қ. д.нинг шакли ва унда кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхати ЎзР ДБҚ томонидан белгиланади. Божхона органининг рухсати билан қисқа декларация сифатида агар юқорида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олган бўлса, транспорт, тижорат ва ўзга, шу жумладан божхона органлари мансабдор шахслари биладиган чет тилларда тузилган ҳужжатлар ишлатилиши мумкин.

Қ. д. ташувчи томонидан товарлар ва транспорт воситаларини тақдим қилиш билан бир вақтда ёхуд божхона органи рухсати билан товарлар ва транспорт воситаларини тақдим қилинганидан кейинги иш кунидан кечиктирмай берилади. Қ. д. агар товарлар кўрсатилган муддат ичида белгиланган божхона тартибига келиб қолган бўлса берилмайди. Қ. д.ни беришга юк ташувчи томонидан махсус ваколат берилган вакил йўқ бўлса, бундай ҳолда божхона мақсадлари учун вакил бўлиб капитан, шофёр ёки транспорт воситасини бошқараётган ўзга жисмоний шахс ҳисобланади. Ташувчининг вакили божхона органларига Қ. д.ни расмийлаштиришда ҳамкорлик кўрсатишга мажбур.

ҚИСҚАРТИРИЛГАН ИШ ВАҚТИ — ЎзРнинг меҳнат ҳуқуқига кўра айрим тоифалар меҳнатини муҳофаза этиш мақсадида белгиланган бир ҳафтада 40 соатгача чўзиладиган иш вақти нормаси. Масалан, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ишчилар ва хизматчилар зарарли шароитларда бўлган ишларда ишловчилар учун — бир ҳафтада 36 соатдан ортиқ бўлмаган иш вақти жорий этилган.

ҚИСМАН МУОМАЛА ЛАЁҚАТИГА ЭГАЛИК — 14—18 ёшдаги воя га етмаганларнинг, шунингдек, 6—14 ёшдаги кичик болаларнинг лаёқатлилиги. Шунингдек, Қ.: *Фуқаронинг муомала лаёқати.*

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВЛАРИ (ширкат хўжалиги) — хўжалик юритишнинг бир шакли. ЎзРнинг 1998 йил 30 апрел «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни асосида фаолият кўрсатувчи қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) товар, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун пай усулига ва асосан жамоа пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишга

асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир. Шу қонуннинг 3-моддасига асосан Қ. х. к. лар қуйидаги принциплар асосида ишни ташкил этадилар: кооператив (ширкатга) аъзоликнинг ихтиёрийлиги ва ундан эркин чиқиш мумкинлиги; кооператив (ширкат) фаолиятида аъзоларнинг ўз меҳнати билан иштирок этиши шартлиги; маҳсулот етиштириши ва меҳнатни хўжалик ичида асосан оила (жамоа) шартномаси асосида ташкил этиш; кооператив (ширкат) аъзоларининг меҳнатига ишлаб чиқарган маҳсулоти (бажарган иши) ҳажмига, сифатига қараб ҳақ тўлаш; якуний даромадни (фойдани) кооператив (ширкат) аъзолари ўртасида уларнинг мулкий пайларига мувофиқ тақсимлаш; бошқарувнинг демократик хусусиятлари, қарорлар қабул қилишда ҳуқуқлар тенглиги кооперативнинг (ширкатнинг) бир аъзоси — бир овозга эга бўлиши; кооператив (ширкат) уставида назарда тутилган тартибда унинг иши устидан кооператив (ширкат) аъзоларининг назорат қилиши; ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш, ерлар муҳофаза қилиниши ва тупроқ унумдорлигини ошириш. Кооператив (ширкат) хўжалиги аъзолари 16 ёшга тўлган кооператив (ширкат) уставини тан олувчи ва унинг талабларига риоя этувчи, кооператив (ширкат) фаолиятида ва унинг жамғармаларини шакллантиришда иштирок этувчи жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР — қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар.

ҚОЗИ (араб.) — ҳал этувчи, ҳукм чиқарувчи. Мусулмон жамоасидаги судья. VII асрда вужудга келган. Кейин давлат миқёсида қози ал-қузот (қозилар қозиси), маҳаллий қозилик даражалари тизими ишлаб чиқилган. Қозилар дин, оила, мерос, фуқаролик ва жиноят ишлари масалаларига оид ҳукмлар чиқарганлар; Қуръон кўрсатмалари, сунна ва шариат нормалари мусулмонлар томонидан қандай бажарилаётганлигини кузатиб борганлар. Қозиларнинг ҳукмлари қатъий бўлиб, улар дунёвий ҳокимият томонидан ижро этилган. XIX асрдан бошлаб айрим мусулмон мамлакатларида дунёвий қонунлар ҳам жорий қилиниб, қозилар суди (шариат суди) иккинчи даражали роль ўйнай бошлаган. Баъзи мусулмон мамлакатларида шариат судларининг тугатилиши муносабати билан XX асрнинг 30—50-йилларида қозилик тартиби ҳам йўқотилган эди. Бироқ 70-йиллардан айрим мусулмон мамлакатларида шариатнинг роли қайта тикланиши муносабати билан унга эътибор ортиб бормоқда.

ҚОЗИ КАЛОН — қозилар бошлиғи, мамлакат қозиси.

ҚОН ҚОНУНИ — Тюдор томонидан XV—XVI асрларнинг охирида Англияда дайди ва камбағалларга қарши чиқарилган қонунлар. Бу қонунлар билан ҳокимият рухсатисиз хайрия йиғишда ва дайдиликда айбланган шахслар учун қаттиқ жазо киритилган. Уларни тамғаланар, калтакланар, қулликка бериларди (баъзан вақтинча қочган ҳолларда эса умрбод қулликка бериларди, учинчи қочишда эса ўлдирилар эди). Ерларининг тортиб олиниши оқибатида қувилган деҳқонлар бу қатағонликнинг бош қурбонлари бўлган Қ. қ.ни Генрих XII нинг 1495 йилги статути бошлаб берди. Қулликнинг қаттиқ тартибига 1536 ва 1547 йиллардаги статутлар ўрнак бўлди. 1576 йилги қонун камбағаллар учун иш уйларини ташкил

этишни назарда тутган. Парламентнинг 1597 йилги камбағаллар ва дайдиларни жазолаш тўғрисидаги акти дайдилар ва камбағаллар тўғрисида қонунга охирги таърифни берди (1814 йилгача амал қилган). Шунга ўхшаш қонунлар XVI—XVIII асрларда капиталистик ривожланиш йўлига кирган бошқа мамлакатларда ҳам мавжуд бўлган (Голландия, Франция). Қ. қ. дайдилик ва очарчиликнинг ўсишини тўхтата олмади. Аммо улар бошқа мақсадга эришдилар: экспроприация қилиш қаршиликни йўқ қилди, ўз еридан қувилган деҳқонларни ҳар қандай шароитдаги ёлланма меҳнатга тайёр одамларга айлантирди.

ҚОНЛИ ЎЧ ОЛИШ — авлод мулкини эркин ҳимоя қилишнинг универсал воситаси сифатида уруғчилик жамиятида таркиб топган анъана. Ўлдирилганнинг қариндошлари ўлдирган шахс ёки қариндошларидан биридан ўч олишдан иборат. Шимолий Кавказнинг айрим халқлари орасида мавжуд. Россиянинг ЖКда ўлдирилганнинг қариндошлари ўч олиш фикридан қайтмаганлиги, ўч олишни рад этишдан бўйин товлагани учун жавобгарлик белгиланган эди. РФнинг ЖКда Қ. ў. о. мотиви билан ўлдириш оғир ҳолатда ўлдиришлардан бири ҳисобланади.

ҚОНУН — олий юридик кучга эга бўлган, давлатнинг қонун чиқарувчи муассасаси томонидан ёки аҳоли томонидан тўғридан-тўғри, референдум ўтказишнинг талабларига мувофиқ қабул қилинган ва ўзида қонуннинг амал қилиш ҳудуди, муддати ва шахслар доирасида ҳуқуқий муносабатлар субъектлари фаолиятининг умумий намунасини мужассамлаштирган норматив-ҳуқуқий ҳужжат.

Этимология нуқтаи назаридан қонун — оддий ҳуқуқ нормаларидан фарқли ўлароқ, давлат томонидан чиқарилган юридик актдир. Қ.нинг олий вакиллик ва Қ.чиқарувчи муассаса акти ва фармоннинг ижро этувчи муассаса акти сифатида қарама-қарши қўйиш ўтган асрнинг ўрталаридан бошланган. Қ.лар ва фармонлар ўртасида ваколат доирасининг бўлинганлиги тўғрисида ҳозирча бирор аниқ фикр айтилгани йўқ. Бир қатор давлатларда қонун воситасида ҳар қандай ижтимоий муносабатларни тартибга солса бўлади, ижро муассасаларининг актлари эса қонунда кўрсатилган ваколатлар доирасида қабул қилинади, деган ғоя мавжуд ва баъзиларида конституция билан мустаҳкамланган. Ҳозирги замон Қ. назариясида қонун инсоннинг умум эътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликларига қарши бўлиши мумкин эмаслиги ҳақида принципиал қоида мавжуд.

Қ. — аниқ акс эттирилган шаклий хусусиятларига эга бўлган актдир. Уларга қуйидагилар киради: президентлик давлати учун — қабул қилиниш поғонаси; қабул қилиш муассасаси; Қ.нинг номланиши (Қ.нинг ўз номи бўлиши, рақам билан ифодаланиши мумкин, америка амалиётига кўра эса — Қ. уни таклиф этган палаталар аъзолари номлари билан аталиши мумкин);

Қ.нинг қабул қилиниш куни; Қ.нинг умуман ёки баъзи м.ларининг кучга кириш муддати ва б..

Қ. тузилишининг асосий элементлари қуйидагилардир: Қ. реквизитлари Қ.нинг номи, Қ. қабул қилувчи муассаса, қабул қилиниш куни, тасдиқланиш куни, Қ.ни имзолашга вакил қилинган мансабдор шахс имзоси, муқаддима, Қ. м.си, туркум боб, бўлим (бўлинма), қисм. Қ. да мужассамлашган нормаларнинг аҳамияти бўйича улар конституциявий,

органик ва оддийларга бўлинади (тегишинча Конституциявий қонун, органик қонунларга қаранг). Оддий қонун жорий ва кодификация қилинган Қ.га бўлинади. Федератив давлатларда Қ., шунингдек, федерал қонун ва федерация субъектлари қонунига бўлинади. Қ.нинг алоҳида тоифасини фавқулодда қонунлар ташкил этади.

ЎзРда қонун ҳуқуқнинг асосий манбасидир. Қонунларни таснифлашнинг бир неча усуллари мавжуд: давлат тузилишига кўра; мавжуд нормалар хусусияти ва қабул қилиниш тартибига кўра; тармоқларга кўра; қонун шаклига кўра; ҳуқуқий тартибга солиш механизмига кўра; ҳуқуқий тартибга солиш предметига кўра.

ҚОНУН КУЧИГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАР — давлат ва ҳуқуқ назариясига асосан ҳуқуқнинг бир шакли. Шунга кўра, давлат ва ҳуқуқ қуйидаги шаклда бўлади, ҳуқуқий нормалар, суд прецеденти, ҳуқуқий одатлар ва ҳуқуқий шартномалар. Ўз вақтида ҳуқуқий нормаларнинг олий даражаси қонун сифатида эътироф этилган бўлса, норматив актлар қонундан кейинги иккинчи маълум бир юридик кучга эга бўлган ҳуқуқий нормадир. Норматив актлар давлат миқёсидаги қонун талабларини ҳаётга татбиқ қилувчи сифатида аҳамиятга эга. Масалан, ЎзР Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари (ЎзР Конституциясининг 94-моддаси), ҳукумат қарорлари фармойишлари (ЎзР Конституциясининг 98-моддаси) маҳаллий давлат ҳокимияти (ЎзР Конституциясининг 104-моддаси), вазирлар ва давлат қўмиталарининг буйруқлари ва ҳайъат қарорлари кабилар. Норматив актлар ўз хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, маълум бир тармоқ ташкилотлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши лозим бўлган фаолиятни белгилаб беради.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ — қонун қабул қилувчи органга қабул қилишга таклиф қилинаётган ёки референдумда кўришга киритиш учун тайёрланган қонуннинг матни. Қонунни тайёрлаш жараёни лойиҳани тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилиш, унинг матнини ишлаш, дастлабки лойиҳани муҳокама қилиш ва қайта ишлаш, унинг барча манфаатдор идоралар ва ташкилотлар билан келишилишини қамраб олади. Қонун тайёрлаш тугагандан кейин, у қонунчилик ташаббуси сифатида қонунчилик органига кўриб чиқиш учун киритилади. Қ. л. мазмуни бўйича қуйидаги турларга бўлинади: *оммавий,* у юриш-туришнинг умумий нормаларини ўрнатади; молиявий, у ёки бу молиявий масалаларга тегишли (ажратмалар, солиқлар, қарзлар ва бошқа); хусусий, у юридик ва жисмоний шахсларга тааллуқли ва маъмурий характерга эга (ҳукуматга мулкий талабнома, корпорациянинг ҳуқуқий мақоми ва бошқалар).

Қ. л.ни тузишда ҳукумат, депутатлар ва бошқа субъектлар қонунчилик ташаббускори бўладилар. Францияда қонунчилик ташаббускори ва француzча конституциявий-ҳуқуқий тизимни қабул қилган мамлакатларда Қ. л. (парламентга ҳукумат томонидан киритилади) ва қонунчилик таклифлари (депутатлар томонидан киритилади) фарқланади.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА ТУЗАТИШЛАР КИРИТИШ — қонунчилик ташаббуси субъектининг (одатда фақат депутатларнинг, уларнинг уюшмаларининг, ҳукуматнинг) айрим қонун лойиҳаларини — (қонуннинг алоҳида м.сини, унинг бир қисмини, алоҳида таърифни, қонуннинг бўлимини ёки қисмини) ўзгартиришга қаратилган таклифидир.

Ўзгартиришлар қонун лойиҳасининг иккинчи муҳокамасидан олдин ёки муҳокама жараёнида, камдан кам ҳолларда учинчи муҳокама жараёнида берилади.

Қонун лойиҳасига ўзгартиришлар киритишнинг расмий тартиби қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган ва қонунчилик жараёнининг муҳим қисмларидан биридир. Тузатишлар ёрдамида қонун лойиҳасининг дастлабки мазмунига жиддий ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Парламентларда тузатишларни муҳокама қилиш, ўзгартиришларни киритиш йўллари, овоз бериш тартиби билан боғлиқ бўлган ўзгартириш киритишнинг махсус қоидалари ишлаб чиқилган.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ РАД ЭТИЛИШИ — қонун лойиҳаси устидан ишнинг тўхтатилиши тўғрисида парламент (Олий Мажлис) қарори. Расмий тартибга биноан Олий Мажлис қонун лойиҳасини истаган муҳокама босқичида рад этиши мумкин.

ҚОНУН МОДДАСИ — қонун тузилишининг жамоа муносабатларини йўлга солувчи тарифловчи қоидани ўз ичига олган қисми.

Қонун м.сини таърифлаш, тавсифга ёки қоидага (нормага) мувофиқ ўтказилади. Тавсифловчи м.лар англо-сакслар ҳуқуқ тизимида қўлланилади. Қоидага мувофиқ, тарифловчи моддалар ҳуқуқий тизимга хос бўлади. Қ.м. ўзининг тартибига эга. Улар бобларга, сўзбошиларга ёки қисмларга бўлинади. Аксарият, қонунларда ҳар бир м. сарлавҳага эга, зарурият пайдо бўлганда эса м.нинг айрим қисмлари тартиб рақамлари билан белгиланади. Қонун м.лари учун муфассал, қонуннинг айрим қисмлари учун тугал тартиб рақамлар берилади. Қ.м. ҳуқуқий қоидаларни ифодалаш воситасидир. Шу билан бирга, қонун м.ларида ҳуқуқий қоидалар билан бир қаторда шахсий кўрсатмаларни ифодалаш номаъқулдир. Бундан ташқари, ҳар бир м. қонуний муносабатларнинг муайян томонларига тегишли биттадан ортиқ ифодаланган қоида бўлмаслиги лозим. Қонун чиқарувчи жараённинг муҳим қисмларидан охири қонун ёки қонунчиликнинг соҳаси (ўхшаш қонуний муносабатларни йўлга солувчи қонунлар тизими) қоиданинг барча қисмларини ёки гипотезаларни (қоиданинг қўллаш шартлари), диспозиция (қоиданинг ўзи) ва санкция (қонун бажарилмаслиги натижасида келиб чиққан номувофиқ оқибатлар, бажарилиши лозим бўлмаган ҳаракатлар ёки қоидаларнинг бузилиши)ни тўлиқ ўз ичига олишидир. Мазкур қонуннинг м.лари бир-бири билан ёки бошқа қонуннинг м.лари билан боғлиқ бўлиши лозим. Қ.м.да қоидавий маълумотлардан ташқари, мазкур қоида учун асосий бўлган тушунчаларнинг таърифи (м.лар деб аталувчи дефинациялар ёки ўз ичига қоидаларни дефинацияларни олган м.лар) берилади.

ҚОНУН МУҚАДДИМАСИ — қонуннинг хусусиятини, унинг асосий вазифаларини, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий шароитлар билан боғлиқ бўлган қонуннинг умумий ғояларини шарҳловчи кириш қисми. Муқаддимага, одатда, қоидавий кўрсатмалар, дефинациялар ёки қонунда қўлланиладиган бошқа иборалар киритилмаслиги лозим.

ҚОНУН ТЎҒРИСИДАГИ ПЕТИЦИЯ — 1628 йили Англия парламенти қирол Карл I га тақдим этган петиция. Бу петиция қирол тасдиғи билан қонун даражасига кўтарилган.

Қ. т. п. қирол ҳокимиятини маълум бир чеклашга олиб келган. Шунга кўра, яъни парламент Эдуард I ва Эдуард III нинг ҳуқуқий мавқеидан келиб чиққан ҳолда, улар замонида яратилган, солиқлар миқдорини белгилаш парламент иштирокида ҳал қилиниши зарур, мажбурий заёмларни жорий қилиш ва шу каби қирол томонидан хазина учун келтириладиган киримни мустақил ҳал этиш мумкин эмас деган мазмундаги талаб билдирилган эди. Шу билан бирга Улуғ хартия талаблари асосида, қамоққа олиш фақат қонун асосида бўлиб, бу борада қиролнинг зулмига йўл қўймаслик талаблари ҳам бор эди. Қиролнинг ҳарбий қоидаларни фуқароларга татбиқ қилиш ҳуқуқи маълум муддатга чекланди, солдат ва матросларга ўз уйларида яшашга рухсат берилди. Карл I петицияга ён босди ҳамда тасдиқлади. Аммо кўп ўтмай 1629 йили мамлакатда иқтисодий ўсишга эришиш ҳамда оппозиция (Уэнтворс — страффорд) томонига ўтиши туфайли, қирол парламентни тарқатиб юборган. Янги парламент 1640 йили сайланган. Қ.т.п. расман тугатилмаган бўлса-да, амалда фаолият кўрсатмаган. XVII асрнинг 40 йилларида содир бўлган буржуа революцияси пайтида ташкил этилган. Кейинчалик Парламент Қ. т. п. нинг амалда бўлишини тантанали равишда белгилаб қўйди.

ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТ — ҳокимиятлар бўлиниши назариясига мувофиқ, давлатнинг ўзаро мутаносиблаштирилган ҳокимият шахобчаларидан бири. Қонунлар чиқариш бўйича ваколатлар йиғиндисини ўзида мужассамлаштиради. Шунингдек, бу ваколатларни амалга оширувчи давлат органлари тизимини мувофиқлаштиради. Демократик давлатда қонун чиқарувчи ҳокимият нафақат махсус қонунчилик органлари томонидан (парламент, маҳаллий қонунчилик ассамблеяси томонидан) балки бевосита сайланадиган корпус томонидан (сиёсий муомалага лаёқатли фуқаролар томонидан) референдум йўли билан, айрим ҳолларда эса ижроия ҳокимияти органлари томонидан — вакил юбориш тартибида ёки фавқулодда қонунийлаштириш тартибида ҳам амалга оширилиши мумкин. Ҳозирги замон айрим давлатларининг конституцияси қонун чиқарувчи ҳокимият билан биргаликда монарх ва парламентга ёки парламентнинг таркибий қисми сифатида парламент палатасига ва давлат бошлиғига тааллуқлилиги тўғрисидаги қоидаларни ўзида мужассамлаштиради. Мутлақ монархияларда (Бруней, Саудия Арабистони) қонуний ҳокимият мутлақ монархга тегишлидир.

ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ МАЖЛИС — Сальвадордаги бир палатали парламентнинг номи, шунингдек, Россия Федерациясининг қатор субъектларидаги: Адигей, Қабардин-Болқор, Карелия республикалари, Краснодар ва Краснояр ўлкалари, Иркутск, Камчатка, Нижегород, Пенза, Перм, Ростов, Твер ва бошқа айрим вилоятларидаги қонун чиқарувчи идоранинг номи.

ҚОНУН ЮЗАСИДАН МАСЛАҲАТЛАШУВ ИДОРАЛАРИ — давлат идораларининг алоҳида тоифаси бўлиб, уларнинг асосий функциясини қонун лойиҳаларини қабул қилиш ҳуқуқисиз кўриб чиқиш ташкил этади. Улар асосан мутлақ монархияларда ташкил этилади (масалан, БААда Миллий федерал мажлис), баъзида конституциявий монархияларда (масалан, Қувайтдаги Миллий мажлис), бунда шакллантириш тартиби ва фаолияти расмий жиҳатдан парламент муассасасини эслатади.

ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА УШЛАБ ТУРИШ ЁКИ ҲИБСГА ОЛИШ — мазкур жиноят ЎзР ЖКда кўрсатилган бўлиб, «Одил судловга қарши жиноятлар» жумласига киради. ЎзР ЖКга асосан, била туриб, қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, яъни суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан қонуний асосга эга бўлмаган ҳолда шахс эркинлигининг қисқа муддатга чекланиши — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Била туриб, қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ҚОНУНИЙ ВАКИЛ — қонун бўйича барча муассасаларда, шу жумладан судда муомалага лаёқатсизларни, муомала лаёқати чекланганларни ёхуд ўзининг жисмоний ҳолати туфайли муомалага лаёқати (қарилиги, касаллиги ва ш.к.) чекланган туфайли ўзининг мажбуриятини бажара олмайдиган ва шахсан ўз ҳуқуқини амалга ошира олмайдиган фуқароларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни амалга оширади. Қ. в. бу ҳаракатларни амалга ошириш учун унинг ваколатини тасдиқлайдиган ҳужжатларни судга кўрсатади. Жиноят процессида гумон қилинувчининг (айбланувчининг), жабрланувчининг, гувоҳнинг Қ. в. ота-оналари, ҳомийлари, васийлари бўлади. Ҳомийлик ва васийлик органлари вакиллари болалар уйи, ногиронлар уйи ва шунга ўхшаш муассасаларни уларнинг васийлигида бўлган муомала лаёқати тўлиқ бўлмаганларни (агар муомала лаёқати тўлиқ бўлмаган процесс қатнашчисининг бошқа қонуний вакили бўлмаса ёки улар процессга қўйилмаса) қонуний вакили бўладилар. Фуқаролик процессида — ота-оналар, фарзандликка олувчилар, ҳомийлар ва васийлар вакил қилганлар номидан барча процессуал ҳаракатни (қонунда назарда тутилган чеклашлардан ташқари) амалга оширади.

ҚОНУНИЙ КУЧ — формал Қ. к. ҳукм устидан бошқа шикоят қилиниши мумкин эмаслигини билдиради, моддий жиҳатдан эса — ҳукм мазмунини ўзгартириш мумкин эмас.

ҚОНУНИЙ ТЎЛОВ ВОСИТАСИ — пул белгиси, у қонун бўйича мазкур давлат ҳудудида қарзларни тўлаш учун қабул қилиниши мажбурийдир: банкнотлар (банк билетлари), хазина билети ва майда тангалари. Давлат томонидан пул белгилари монопол эмиссиясида тўлов воситалари қонунийлиги муаммоси фақат пул ислоҳотлари ўтказилиши муносабати билан юзага келиши мумкин.

ҚОНУНИЙЛИК — жамиятда мавжуд ҳуқуқий муносабатлар субъектлари томонидан давлат белгилаган ҳуқуқий асосларга риоя этилиши. Ҳуқуқийликни таъминлаш нафақат шахсга, балки юридик шахсларга нисбатан ҳам ўз фаолиятларини бажаришларида қонун-ҳуқуқ талабларини сўзсиз бажаришни тақозо этади.

ҚОНУНЛАР КОЛЛИЗИЯСИ — бир турдаги масалаларни тартибга солиш мақсадида қабул қилинган икки ёки ундан кўп амалдаги норматив ҳужжатларнинг тўқнашуви. Қ.к. мазкур ҳолат учун қўлланиши лозим бўлган норматив ҳужжатни танлаш орқали ҳал этилади. Худди шу норма ижодкорлиги органи томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ўртасида

тафовут мавжуд бўлса, у ҳолда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қўлланилади. Бундай тафовут худди шу каби муносабатни тартибга солувчи янги қонун қабул қилинганидан сўнг эскиси бекор қилинмаган ҳолатларда вужудга келиши мумкин. Умумий ва махсус ҳужжат ўртасида тафовут юзага келганида, агар кейинроқ қабул қилинган умумий ҳужжат билан бекор қилинмаган бўлса, махсус ҳужжатга устунлик берилади. Агар турли органлар томонидан қабул қилинган ҳужжатлар бир-биридан ўз мазмуни бўйича фарқ қилса, у ҳолда юқори орган томонидан қабул қилинган норма қўлланилади. Федерация ва унинг субъектлари қонунчилиги ўртасида тафовут вужудга келганда федерал устуворлик тамойили қўлланилади.

ҚОНУНЛАР ТЎПЛАМИ — Тизимли ва хронологик тарзда нашр этилиб, тўплам ҳолига келтирилган норматив актлар, қонунлар йиғиндиси.

ҚОНУНЛАРНИ ЧОП ҚИЛИШ — қонунларни умумхалқ эътиборига етказиш мақсадида матбуотда чоп эттириш орқали уларни ҳуқуқий (мажбурий) кучга киритиш. Қонун Олий Мажлис сессиясида қабул қилинганидан сўнг Президентга имзолаш учун берилади. Агар Президент ўз «вето»сидан фойдаланмасдан, ўз эътирозлари билан Олий Мажлисга қонунни қайта кўриб чиқиш учун юбормаса, у имзоланганидан сўнг нашр эттирилиши керак. ЎзРнинг «Олий Мажлис тўғрисида»ги конституциявий қонунининг 10-моддасига мувофиқ, қонунлар ўн кун муддат ичида «Олий Мажлис ахборотномаси»да, шунингдек, нашрлари расмий бўлган «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномаларида чоп этилиши керак. Амалиётнинг кўрсатишича, олий қонун чиқарувчи орган томонидан қабул қилинган қонунлар бошқа нашриётларда ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмоқда. Бироқ шуни таъкидлаб ўтиш керакки, норасмий матбуотда эълон қилинган қонун матнлари, уларни қўллаш учун ҳуқуқий асосни яратмайди. Чунончи, қонун матнлари расмий манбалардан кўчирилишида хато ва камчиликлар, бузилишларга йўл қўйилиш имконияти мавжуд бўлиб, бу маълум ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Шу туфайли қонунни қўллаш амалиётида қонуннинг расмий матнидан фойдаланиш зарур. ЎзР қонунлари кучга киришининг асосий тартиби «ЎзР Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг 10-моддаси 2-бандида акс эттирилган. Қонунлар юқорида кўрсатилган нашрларнинг бирида чоп эттирилганидан сўнг ўн кун муддат ичида кучга кирган деб ҳисобланади. Агар қонун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномаларида чоп эттирилса, унинг матни ушбу нашрларда тўла чоп эттирилганидан сўнг ўн кун, агар қонун қабул қилинишда бошқача тартиб қабул қилинмаган бўлса, муддат ичида қонуний кучга киради. Қонуннинг кучга кириши учун ўн кун муддат тайинланади.

ҚОНУННИ ОММАГА ЕТКАЗИШ (ПРОМУЛЬГАЦИЯ) — Давлат бошлиғининг конституциядаги белгиланган муддатда парламент томонидан қабул қилинган қонунни расман эълон қилиши. Қ.о.е.дан сўнг қонун кучга киради. Қ.о.е. ўзаро боғлиқ икки босқичдан иборат: давлат бошлиғи томонидан қонунни имзолаш ва расмий нашрда чоп этиш.

ҚОНУННИ ШАРҲЛАШ — давлат органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар, айрим фуқароларнинг ҳуқуқ нормаси мазмунини аниқлаш, қонун чиқарувчининг унда ифодаланган иродасини тушунишга

қаратилган фаолияти. Қ.ш. — мураккаб, яхлит ҳодиса. У ҳуқуқ нормасини ўрганаётган шахснинг ички фикрлаш жараёнини (нормани тушуниш)ни ҳам, муайян шахслар ва органларнинг давлат органи расмий ҳужжати шаклида ифодаланган ёхуд ташкилотлар ва айрим шахслар томонидан бериладиган ҳамда расман мажбурий бўлмаган тавсиялар ва маслаҳатлар (нормани тушунтириш)ни ҳам билдиради. Ушбу фаолиятнинг мақсади шарҳланаётган норманинг тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш, уни амалга ошириш чоғида ноаниқликлар ва хатолар имкониятини бартараф этиш (шунингдек, Қ.: *Ҳуқуқни амалга ошириш*).

ҚОНУННИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ — муайян вақт мобайнида муайян ҳудудда (маконда) ва муайян доирадаги шахслар, ташкилотлар ва бошқа ҳуқуқ субъектларига нисбатан қонунни ижро этишнинг шартлиги. Вақт бўйича Қ.а.қ. унинг кучга кириш пайтидан бошланади. Бу пайт қонунда махсус кўрсатилиши мумкин. Агар қонунда бундай кўрсатма бўлмаса, унинг кучга кириш муддати амалдаги қонунлар билан белгиланади. Қ.а.қ. у расман бекор қилинган пайтдан бошлаб ёхуд унинг амал қилиши мўлжалланган муддат ўтиши билан ёки унинг бошқа, кейинроқ чиқарилган қонун билан бекор қилиниши оқибатида тўхтатилади. Макон бўйича Қ.а.қ. унинг муайян ҳудудда қўлланилишини билдиради. Шахслар доираси бўйича Қ.а.қ. унинг муайян тоифадаги ҳуқуқ субъектларига нисбатан қўлланилиши мумкинлигини билдиради.

ҚОНУННИНГ ИМЗОЛАНИШИ — парламент (Олий Мажлис) қабул қилган қонуннинг давлат бошлиғи томонидан имзоланиши. Қонун яратиш жараёнида фаол қатнашиш имкониятини берувчи муҳим ҳуқуқлардан бири. Имзоламаслик орқали эса парламент томонидан қабул қилинган, лекин кучга кирмаган қонун давлат бошлиги томонидан рад этилади. Қонунни имзолашни рад этишнинг икки хил шакли бор — қатъий ва нисбий. Нисбий бекор қилиш президентлик республикаларига хосдир.

ҚОНУННИНГ ОРҚАГА ҚАЙТИШ КУЧИ — қонун таъсирининг қонун кучга киришидан аввалги ҳолатларга тарқалиши. Қ. о. қ. к. умумий тартибдан алоҳида ҳолат бўлиб, у қонуннинг ўзида ёки амалга киритилиши ҳақидаги ҳужжатда махсус кўрсатилиши керак. Чунончи ЖК 13-моддасининг 2-бандида кўрсатилишича, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳақли судланган ҳисобланса-лар, татбиқ этилади.

ҚОНУННИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ — тартибга солинган амалдаги қоидаларга биноан, қонунчилик муассасаси номидан қонун тўлиқ ва аниқ матнининг расмий белгиланган босма нашр ёки оммавий қўлланиладиган нашрда чоп қилиниши, қонунчилик жараёнининг тугал босқичи. Қ.э.қ. — кенг оммалаштириш қоидаларидан биридир.

Давлат идоралари ўзларининг қарорларида фақат расмий нашр этилган қонуннинг матнидан фойдаланишлари лозим, чунки шу билан қонуннинг бир хил қўлланилиши таъминланади.

ҚОНУНЧИЛИК — 1) давлат томонидан ўз функцияларини амал-

га оширишнинг асосий усулларидан бири бўлиб, давлат ҳокимияти органлари томонидан қонунлар чиқаришда ифодаланади; 2) ижтимоий муносабатларни тўла тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси ёки ижтимоий муносабатларнинг бир кўриниши (фуқаролик Қ., жиноят Қ. ва бошқалар). ЎзРда «Қ.» тушунчаси қоида бўйича, ЎзР Конституцияси, республика қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, ЎзР Президентининг фармонлари ва ЎзР ҳукуматининг қарорларини қамраб олади.

ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ — ижтимоий муносабатларнинг маълум соҳасида ҳуқуқий бошқаришнинг асосий принципларини белгиловчи қонуний ҳужжат тури.

ҚОНУНЧИЛИК ВЕТОСИ — АҚШ Конституцияси амалиётида АҚШ Конгресси палаталарининг биргаликдаги резолюцияларида (ёки палаталардан бирининг резолюцияси ифодаланган АҚШ Президентига илгари тегишли бўлган ваколатларни бекор қилиш ҳақидаги аризаси (қарори) ёки президент ёхуд бу ваколатларни амалга оширувида унга бўйсунувчи идоралар томонидан чиқарилган ҳужжатларни бекор қилиш ҳақида билдирилган фикр. 1983 йилда АҚШ Олий суди Қ.в. Конституцияга зидлигини тан олди.

ҚОНУНЧИЛИК ДЕКРЕТИ — Италия, Испания ва бошқа айрим мамлакатларда берилган ваколат асосида ҳукумат (президент) томонидан чиқарилувчи қонун кучига эга бўлган ҳукумат (президент) ҳужжатларининг номи, яъни парламентнинг ваколат берувчи қонуни асосида, ҳукуматга (президентга) маълум муддатга ва маълум масалалар юзасидан бериладиган қонунчилик ваколати.

ҚОНУНЧИЛИК ЖАРАЁНИ — конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий актлар томонидан тартибга солинган қонунларни парламент эътиборига ҳавола қилиш, қонун лойиҳасини муҳокама қилиш, уни қабул қилиш, нашр этиш ва кучга киритиш жараёни.

Қ. ж.нинг асосий қатнашчилари Конституцияда белгиланган қонунчилик ташаббуси субъектлари ва биринчи навбатда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи тармоғидир. Бундан ташқари, турли босқичларда қонунчилик жараёни қатнашчилари сифатида ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи тармоғининг турли бўлинмалари (палаталарнинг қўмиталари, келишув комиссиялари, ҳуқуқий ва тилшунослик экспертизасини амалга оширувчи бўлинмалар), қонун лойиҳаларини тайёрловчи, ёки уларни экспертизадан ўтказувчи турли илмий, давлат ва жамоат ташкилотлари бўлиши мумкин.

Қ. ж. бир неча босқичлардан иборат. Улар дунёнинг барча мамлакатларида деярли бир хил: ўз фаолиятларини «ҳокимиятларнинг тақсимланиши» принципи асосида қурадилар. Шу билан бирга бир қатор ўзига хос томонларга ҳам эга. Булар — 1) қонун лойиҳасини Олий Мажлисга киритиш; 2) қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг ва унинг қўмиталарининг мажлисларида бир неча бор муҳокама қилиш; 3) қонунни қабул қилиш; 4) қонунни нашр этиш ва унинг кучга киритилиши. Бошқарув шаклига кўра яна қўшимча босқичлар мавжуд бўлиши мумкин; қонун лойиҳасини (қонунни) парламентнинг юқори палатасида муҳокама қилиш, қонуннинг Президент томонидан тасдиқланиши, этиш ва б.

Қ. ж.нинг асосий босқичлари қонун лойиҳасининг муҳокама қили-

ниш жараёни ва парламент (Олий Мажлис) томонидан қабул қилинишидир. Кўпинча Қ.ж.нинг мазкур қисми *қонунчилик тартиби* деб аталади.

ҚОНУНЧИЛИК ЖАРАЁНИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ — қонунчилик жараёнининг 4 асосий (бошқарилиш тури, давлат тизимининг шакли, ҳокимиятнинг тузилиш ва фаолиятининг амалдаги анъаналарига боғлиқ бўлган) босқичлари аниқланган.

Қ.ж.б. қуйидагилардан иборат: 1) қонун чиқариш ташаббуси билан чиқиш (қонун лойиҳасини қонун чиқарувчи органга киритиш қонунчиликка оид таклиф билан чиқиш); 2) қонун лойиҳасини қонун чиқарувчи органларда муҳокама қилиш; 3) қонунни қабул қилиш; 4) қонунни имзолаш ва нашр этиш.

Қ.ж.б.да қатнашувчи субъектлар, уларнинг ҳуқуқлари, бурчлари ва уларни амалга ошириш муддатлари регламентда аниқ белгиланган.

ҚОНУНЧИЛИК ОРГАНЛАРИ (демократик давлатларда) — қонунчиқариш ҳокимиятини амалга ошириш конституция билан асосий функцияси сифатида юклатилган давлатнинг вакиллик коллегиал муассасаси. Бундан ташқари, қонунчилик органига, одатда, давлат бюджетини тасдиқлаш ва ижроия ҳокимият (ҳукумат, президент ва б.п.) органлар фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқи, шунингдек бошқа айрим ваколатлар: маълум доирадаги мансабдор шахсларни (судларни, палата ҳисобчилари, аудиторларни, омбудсманлар ва б.) сайлаш (тайинлаш, бошқа ишга ўтказиш), халқаро шартномаларни ратификация қилиш, амнистия эълон қилиш ва б. тааллуқли. Федерация ва айрим марказлашмаган унитар давлатларда умуммиллий ва регионал қонунчилик органлари бир-биридан фарқ қилади.

Масалан, ЎзР қонунчилик органи Олий Мажлис, Россия Федерациясида қонунчилик органи Россия Федерациясининг Федерал Йиғилиши ва Россия Федерацияси субъектлари вакиллик муассасалари (Татаристонда Олий Кенгаш, Пенза вилоятида қонунчилик йиғилиши, Москвада шаҳар Думаси).

ҚОНУНЧИЛИК ТАРТИБИ — *қонунчилик жараёни*нинг ўзи; қонунчилик жараёнини тартибга солиш механизми; қонун лойиҳасини парламентга таклиф этиш, қонун сифатида муҳокама қилиш ва қабул қилишни ўз ичига олувчи қонунчилик жараёнининг бир қанча босқичлари.

ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ — белгиланган гартибга мувофиқ, қонунчилик муассасасига қонун лойиҳасини расмий киритиш. Қ.т. — қонунчилик жараёнининг биринчи босқичи, яъни қоида тариқасида конституцияда белгиланган тартибда қонун қабул қилиш. Тегишли қонунчилик органига ушбу қонун лойиҳасини ўзининг йиғилишида кўриб чиқиш мажбуриятини юклайди. ЎзРда — ЎзР Конституциясига мувофиқ Қ.т.нинг субъектлари — ЎзР Президенти, ЎзР Олий Мажлиси депутатлари, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси ЎзР Вазирлар Маҳкамаси, ЎзР Конституциявий суди, ЎзР Олий суди, Ўзбекистон Олий хўжалик суди, ЎзР Бош прокуроридир.

ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ҲУҚУҚИ — конституция томонидан белгиланган субъектлар доирасида қонун чиқарувчи органга қонун

лойиҳалари ва таклифлар билан чиқиш ҳуқуқи. Қ.т.ҳ. — субъектив ҳуқуқ бўлиб, белгиланган расмий тартиблар асосида ва шаклда амалга оширилиши мумкин.

Қ.т.ҳ. дастлабки (бундай ҳуқуқ субъекти шарт-шароитлардан қатъи назар парламентга қонун лойиҳасини олиб чиқиш ҳуқуқига эга), такроран (парламентга муайян масалага оид қонун лойиҳаси киритилгандан сўнг амалга ошириладиган), умумий ва хусусий бўлиши мумкин.

ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ҲУҚУҚИНИНГ СУБЪЕКТИ — қонун чиқарувчи муассасаларга қонун лойиҳалари ёки қонунчиликка оид таклифлар киритиш учун қонунга мувофиқ имкониятлар берилган давлат идоралари, шахс ёки шахслар гуруҳи. Одатда, улар парламент депутатлари ёки ҳукумат аъзолари ва б.дир. Айрим вақтларда Қ.т.ҳ.с. жамоат ташкилотлари ҳам бўлишлари мумкин. Лекин қ.т.ҳ.с. бу тури парламент демократиясига хос эмас. Чунки жамоат ташкилотлари ўзларининг қонун лойиҳаларини ёки қонун чиқарувчи таклифларни бевосита эмас, балки ўзларининг депутатлари орқали киритишлари лозим.

ҚОПЛАМАЙ ОРТИЛАДИГАН ЮК — кўмир, дон, руда, ўғит сингари идишсиз ёки тўкилган ҳолда ташиладиган товарлар.

ҚОРА ДОРИ (ОПИЙ) (юнон. opion — кўкнор шарбати) афъюн (опиум) — афъюнли кўкнорининг ҳавода қотган чаноқларидан оқиб чиққан сутли шираси. 20 га яқин алколоидлар (морфин, кодеин, папаверин ва бошқалар)дан иборат кучли гиёҳванд модда. Тиббиётда оғриқ қолдирувчи восита сифатида ишлатилади. Нотиббий мақсадларда қўлланганда, унга ўрганиб қолиш ва тобеликни келтириб чиқаради.

«ҚОРА КОДЕКСЛАР» — АҚШда 1861—1865 йиллардаги фуқаролар уруши тугагач, бир қатор жанубий штатларда киритилган қонун ҳужжатлари. Негрларни арзимас ҳақ эвазига собиқ хўжайинларга ишлашга мажбур қилган, уларни кўчиш, ерга эгалик қилиш ва уни ижрага олиш ҳуқуқидан маҳрум қилган, негрларнинг болаларини мажбурий ишлатишга йўл қўйган, негрларга митинглар ва йиғилишлар ўтказиш, қурол олиб юриш, оқлар билан никоҳга киришни ман қилган. Негрлар содир этган жиноятларга оид ишларни кўриб чиқадиган махсус судлар тузишни назарда тутган. XIX асрнинг 70-йилларида баъзи штатларда «Қ.к.» расман бекор қилинди, лекин ундагига ўхшаш қоидалар конституциялар ва жиноят қонунларига киритилган.

ҚОРИ (араб.) — Қуръоннинг барча сураларини ёд олган ва қироат билан ўқийдиган киши. Қориларни тайёрлайдиган мактаблар — «дорулҳуффоз» (қорихоналар) мусулмон мамлакатларида кенг тарқалган.

ҚОРОВУЛ ХИЗМАТИНИ ЎТАШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ — ЎзРда ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар (XXII боб) жумласига киради. ЎзР ЖКнинг 291-м.га асосан, қоровул (соқчилик) хизмати устав қоидаларини қоровул таркибига кирган шахс томонидан зарарли оқибатлар келтириб чиқарадиган тарзда бузиш, башарти мазкур қоровул бундай оқибатларнинг олдини олиш учун тайинланган бўлса, хизмат бўйича чеклаш ёхуд қамоқ ёки интизомий қисмга юбориш билан жазоланади. Ўша қилмиш: а) баданга оғир шикаст етказилишига; б) одам ўлимига; в) бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша қилмиш

жанговар вазиятда содир этилган бўлса, озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ҚОҒОЗ ПУЛНИ НУЛЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ — давлат томонидан қоғоз пулни ёки қимматли қоғоз пулини ҳақиқий эмас деб эълон қилиш.

ҚУЙИБ ТАШИЛАДИГАН ЮКЛАР — нефть, нефть маҳсулотлари, турли мойлар, спирт, вино сингари қуйиб ташиладиган товарлар.

ҚУРБОН — ҳуқуқ назариясида қурбон деганда жиноий жавобгарликка сабаб бўлувчи хатти-ҳаракатлар билан бевосита ёки билвосита моддий ёки номоддий зарар етказилган жисмоний ёки юридик шахс тушунилади.

ҚУРОЛ — тирик ёки бошқа нишонни шикастлантиришга, шунингдек, сигнал беришга амалий мўлжалланган қурилма ва предметлар. Қуйидаги қурол турлари мавжуд: а) ўқотар; б) совуқ қурол; в) отадиган совуқ қурол; г) пневматик; д) газли.

ҚУРОЛ ТИЗИМИНИНГ ТАЪРИФИ — маълум шароитларда ўқ отилган қуролнинг гильзаси ёки снарядидаги излардан қурол тури ёки моделини аниқлаш.

ҚУРОЛЛАРНИ НОҚОНУНИЙ ЎТКАЗИШ — Қ.: *Қурол.*

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР — ЎзР ҳудудий яхлитлигини ва унинг конституциявий тузумини ҳимоялаш, тинчлик ва фуқаролик келишувини таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш бўйича тезкор-тактик вазифаларни ҳал этишнинг қулай тизими бўлган ҳарбий давлат ташкилоти. Қ.к.нинг учта хусусияти бор. Биринчидан, Қ.к. қонунчиликда мустаҳкамланган ўз тузилиши, ички ташкилий муносабатлари ва вазифаларига эга давлат ташкилотидир. Иккинчидан, Қ.к. ҳарбий ташкилот бўлиб, ҳарбий кишиларни бирлаштиради, қурол кучига эга. Учинчидан, Қ.к. тактик, тезкорлик ва стратегик миқёсларда уруш ва ҳарбий ҳаракатлар олиб боришга қодир мўлжалланган махсус ҳарбий ташкилотдир. ЎзР Қуролли Кучларининг ЎзР ҳарбий мафкурасига кўра, агрессияни қайтариш ҳудудий яхлитлик ва давлат суверенитетини ҳимоялашдир.

ЎзР Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ЎзР Президентидир. Қ.к.ни Мудофаа вазирлиги ва Бош штаб бошқаради. Қ.к. таркибида ташкилий тузилишга кўра ҳудудий ва вазифали бошқарув, шунингдек, ҳарбий муассасалар (комендатура, ҳарбий бошқармалар), ҳарбий ўқув юртлари мавжуд

ҚУРОЛСИЗЛАНТИРИЛГАН ЗОНА — давлат ҳудудининг халқаро шартнома ёки давлат ҳужжати асосида ҳарбий иншоотлар ва бошқа объектлар йўқ қилинган, қуролли кучларни сақлаш тақиқланган қисми. Қ.з., қоида тариқасида, душман бўлиши мумкин бўлган томонларни ажратиш учун ташкил этилади. 1919 йилги Версаль тинчлик шартномаси бўйича ташкил этилган Рейн қуролсизлантирилган зонаси Қ.з.нинг мисоли бўла олади.

ҚУРОЛ-ЯРОҒ БИЛАН МУОМАЛА ҚИЛИШ — қурол-яроғ ишлаб чиқариш, қурол-яроғ савдоси, олди-сотдиси, қурол-ярог сотиб олиш, йиғиш, кўргазма қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, олиб юриш, олиб ўтиш, ташиш, фойдаланиш, чиқариш, йўқ қилиш, ЎзР ҳудудига олиб кириш ва олиб кетиш.

ҚУРУВЧИ — уй-жойларни қуриш, қайта қуриш ва таъмирлашни инженерлик мажмуаси ва ижтимоий инфраструктураси билан, шу жум-

ладан ижара ва арендага бериш билан ўзи яшаши учун ёхуд сотиши учун фаолиятни амалга оширадиган юридик ва жисмоний шахслар (ЎзРнинг «Давлат қурилиши сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонуни, 1998 йил).

ҚУРЪОН (араб.) — ислом динининг муқаддас китоби. Унда ислом ақидалари, эътиқод талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар, чеклаш ва тақиқлар ўз ифодасини топган. Қуръон Аллоҳ томонидан Муҳаммад пайғамбарга 23 йил давомида фаришта Жаброил орқали ваҳий қилинган. Муҳаммад пайғамбар тириклик даврида унинг оятлари тула ёзиб олинмаган, омма орасида оғзаки тарқалган, оятлар турли материаллар (тош, сопол тахтача, пергамент ва бошқалар)га ёзиб келинган. Муҳаммад пайғамбар вафотидан кейин халифа Абу Бакр даврида оятларни ёзиб тўплашга қарор қилинган ва бу вазифа Муҳаммад С.А.В. ҳаётининг сўнгги даврларида унга котиблик қилган Зайд ибн Собитга топширилган. У ўзи ва Муҳаммад пайғамбарга яқин бошқа саҳобалар ёддан билган сураларни, айрим материалларга ёзилган матнларни тўплаб, кўчирган. Шу тарзда 632 йилда биринчи марта Қуръон тўпланиб, ёзиб олинган. Манбаларда у «Суҳуф» («Саҳифалар») деб ҳам тилга олинади. Усмон халифалиги даврида тўпланган Қуръон нусхаси Зайд ибн Собит бошчилигида бир гуруҳ саҳобалар орқали тартибга солиниб, унинг матнига ҳеч қандай ўзгартириш киритилмасдан, ундан нусхалар кўчирилиб тарқатилди. 651 йилда тузилган бу нусха «Мусҳаф», кўпинча «Усмон мусҳафи» номи билан юритилади. Ундан уч нусха (айрим маълумотларга қараганда олтиетти нусха) кўчиртирилиб, бошқа шаҳарларга (Куфа, Басра, Дамашқ-қа) юборилган. Кейинги даврларда (VII асрнинг 90-йилларигача) Қуръонни ўқишдаги тафовутларга барҳам бериш учун унга араб ёзувига хос белгилар қўйиб чиқилган. «Усмон мусҳафи»дан кўчирилган энг қадимий қўлёзмалардан тўрттаси ҳозиргача сақланиб қолган. Улардан бири Тошкентда сақланади.

Қуръон 114 сурадан иборат. Ҳар бир сура оятларга бўлинган. Суралар-нинг ҳар бири номланган. Қуръонда суралар ҳажмига, яъни ҳар бир сурадаги оятларнинг миқдорига қараб (катта суралар китоб бошида, кичиклари охирида) жойлаштирилган. Суралар нозил бўлган вақти ва жойига кўра иккига: Макка (610—622 йиллар, 90 сура) ва Мадина (622—632 йиллар, 24 сура) суралари (маккий ва маданий суралар)га ажратилади.

Қуръон таълимотининг марказий ғояси якка худо — Аллоҳ тўғрисидаги таълимотдир. Унда пайғамбарлар, охират, тақдир ва бошқа ақидалар баён этилади. Қуръонда исломнинг асосий маросим талаблари (намоз, рўза, закот ва бошқалар) белгилаб берилган. Ундаги ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар шариатга асос қилиб олинган. Қуръонда инсониятнинг этник бўлиниши, ижтимоий-иқтисодий табақаланиши инкор этилади, Аллоҳ олдида ҳамманинг тенглиги ғояси илгари сурилади. Унга кўра, инсонлар фақат икки гуруҳга: ислом динига эътиқод қилувчилар — мусулмонлар ва ғайридинлар — кофирларга ажратилади. Мусулмонлар «худонинг танлан-ган бандалари» деб, «кофирлар» эса Аллоҳ ва унинг охирги пайғамбари-ни инкор этувчилар деб таърифланади. Қуръоннинг маълум бир қисмини яҳудий-христиан динига тегишли бўлган маълумотлар ва қадимий араб-лар ҳаётига тегишли ривоятлар ташкил этади. Қуръон оятлари давр

талабига мувофиқ келгани учун, унда «носиҳ» ва «мансуҳ» оятлар мавжуд. Қуръоннинг ўзида бу ҳақда таъкидланган. Бекор қилувчи («носиҳ») оятлар бекор қилинувчи («мансуҳ») оятларни рад этиб, уларнинг ўрнини олади.

Қуръонни изоҳлаш учун тафсир илми ривожланган. Тафсирлардан олтитаси суннийликда (Табарий, Саолибий, Замаҳшарий, Байзовий, Фахриддин Розий, Жалолайн (Жалолиддин Маҳаллий ва Жалолиддин Суютий) тафсирлари) эътибор қозонган ва кенг тарқалган. Исмоилий шиалар ўртасида Қуръонни таъвил қилиш (мажозий талқин қилиш) ҳам кенг ўрин эгаллаган. Бу йўл Қуръон матнларини ундан йироқ мазмунда талқин қилиш имкониятини берган. Умуман Қуръон тафсирларида мусулмон илоҳиёти тараққиётидаги турли-туман йўналишлар, шунингдек, Қуръон мазмунини жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга мувофиқлаштиришга интилиш ўз ифодасини топган. Қуръон мусулмон халқларнинг фалсафий, ахлоқий ва ҳуқуқий қарашларига ҳал қилувчи таъсир кўрсатган.

Қуръон тарихий, адабий, ҳуқуқий, диний ёдгорлик ҳамдир. Унда арабларнинг VII асрдаги ҳаёти ва тасаввурига оид айрим жўғрофий, этнографик ва тарихий маълумотлар учрайди. Қуръон тили ягона араб адабий тилининг шаклланишига асос бўлган. Қуръон услуби (унинг асосий қисми мусаж-жаъ, яъни ибораларнинг охири бир-бирига ҳамоҳанг ва қофиядош шаклда ёзилган) кейинги араб адабиётига, умуман шарқ адабиётига катта таъсир кўрсатган. Қуръон диний китоб сифатида барча мусулмон мамлакатларида мактабларда, мадраса, университетларда ўқитилади.

Мусулмон мамлакатларида Қуръон илоҳий китоб сифатида ўз мавқеини сақлаб келмоқда. Қуръони карим ҳозирги замон мусулмон давлатлари ҳаётида ниҳоятда муҳим роль ўйнайди. У диний кўрсатмалар, ахлоқий-маънавий нормалар, мусулмонларнинг юриш-туриш қоидаларининг бош манбаи ҳисобланади. Диний-маънавий кўрсатмалар билан бирга Қуръон ҳуқуқий нормаларни ҳам ўз ичига олади, аммо уни замонавий маънодаги қонун мажмуаси (кодекс) деб айтиш мумкин эмас. Қуръоннинг 250 ояти умумий таснифдаги ҳуқуқ нормалари сифатида аҳамиятга эга.

Ҳуқуқий нормалар асосан 2, 4 ва 5-сураларда кўпроқ мавжуд, Масалан, 2-суранинг 40, 42, 104, 138, 145, 148, 149, 179, 180, 181, 183, 191, 192, 193, 202-оятлари банданинг Аллоҳ олдидаги мажбуриятлари, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш, ҳаж, жиҳод, таҳорат қилиш тартиблари ҳақида кўрсатма беради. Мазкур суранинг 173 ва 175-оятлари қотиллик учун жазо чоралари, йўл қўйиладиган қасос чегараларини, қасосдан воз кечиш ва кечириш имкониятларини белгилайди.

2-суранинг 176, 177, 241-оятлари васиятномалар қолдириш шартлигига бағишланган, 216 — 238, 252-оятлари эса никоҳ тузиш ва уни бекор қилиш шартлари ҳақида кўрсатма беради. 276, 277, 280 ва 283-оятлар қарз бериш шартлари, судхўрликни қатъий тақиқлаш, қарз берувчининг ва қарздорнинг қарз узиш билан боғлиқ ҳаракатларини тартибга солувчи ҳолатларини кўриб чиқади.

4-суранинг 2, 3, 5, 7, 19, 20, 23, 32, 38, 39, 126, 129-оятларида никоҳ ва оилавий ҳаёт меъёрлари белгиланган. Мазкур суранинг 8—15-оятлари-

да марҳумнинг мол-мулкини унинг меросхўрлари ўртасида тақсимлаш, ҳар бир меросхўрга тегиши лозим бўлган қисм миқдорлари ҳақидаги қоидалар аниқ кўрсатилган. 33, 34, 94, 95-оятларда эса жиноят ва жазо масалалари кўрсатиб ўтилган.

Европада Қуръонни илмий ўрганиш XIX аср бошларида бошланган. Тадқиқотчиларнинг асосий эътибори Қуръоннинг вужудга келиш тарихи, матнининг танқиди, ижод қилиниш хронологиясини белгилаш, уни Муҳаммад пайғамбарнинг таржимаи ҳоли билан боғлашга қаратилган. Қуръон XII асрдан бошлаб Европа тилларига таржима қилина бошланган. XVIII аср бошларида Европа халқлари тилларидан, XIX аср ўрталарида арабча матнидан рус тилига таржима қилинган. Г.С. Саблуковнинг арабчадан дастлабки русча таржимаси Қозонда уч марта (1878, 1894, 1907) нашр қилинган. Қуръоннинг рус тилидаги адекватик-адабий таржимаси илмий изоҳлари билан машҳур арабшунос академик И. Ю. Крачковский томонидан амалга оширилган ва унинг вафотидан кейин (1963) нашр қилинган. Қуръони Каримнинг ўзбек тилидаги биринчи изоҳли таржимаси 1992 йил чоп этилган. 1999 йилда эса унинг адабий изоҳли такомиллашган таржимаси Абдулазиз Мансур томонидан амалга оширилди.

ҚУТҚАРИШ ШАРТНОМАСИ — халқаро денгиз ҳуқуқи бўйича, ҳалокатга учраган кема капитани билан бундай кемага ёрдам кўрсатаётган қутқарувчи ўртасида тузиладиган шартнома. Денгизда қутқариш масалаларида 1958 йилги Очиқ денгиз тўғрисидаги Женева конвенцияси орқали ривожлантирилган ва мустаҳкамланган 1910 йилги Брюссель конвенциясига асосланиш қабул қилинган. Конвенциянинг 12-моддасига биноан, Конвенция иштирокчиси бўлган ҳар бир давлат кемаларнинг капитанларига денгизда дуч келинган ва ўлим хавфи остида бўлган ҳар қандай шахсга ёрдам бериш; ҳалок бўлаётганларга ёрдам бериш учун иложи борича катта тезлик билан боришга; бошқа кема билан тўқнашган тақдирда унинг экипажи ва йўловчиларига зарур ёрдам кўрсатиш мажбуриятини юклатади. Қ.ш. «Қутқармасанг — мукофот йўқ» қоидасига асосланган. Битим имзоланаётган пайтда унда қутқариш учун мукофот суммаси қайд этилади. Операция тугаганидан сўнг томонлардан бири битимда қайд этилган мукофот суммаси бажарилган иш ҳажми ва хусусиятига мос келмайди деб топган тақдирда томонлар уларни қониқтирувчи сумма ҳақида келишиб олишлари ва акс ҳолда баҳсни хўжалик судига кўриб чиқиш учун беришлари мумкин. Хавф пайтида ва таъсирида тузилган ҳар қандай қутқарув шартномаси, агар томонлар Қ.ш. шартларини адолатсиз деб тан олсалар, шартнома улардан бирининг талаби бўйича ҳақиқий эмас деб тан олиниши ва суд ёки хўжалик суди томонидан ўзгартирилиши мумкин.

ҚУТҚАРУВЧИ — авария-қутқариш ишларини ўтказиш юзасидан тайёрланган ва аттестациядан ўтказилган фуқаро. Қ. ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари уларга фавқулодда вазиятларни бартараф этишга доир ишларни ўтказишда иштирок этиш вазифалари ва шу билан боғлиқ уларнинг ҳаёти ва саломатлигига хавф соладиган хатарлар билан белгиланади.

ҚУТҚАРУВЧИНИНГ РАҒБАТЛАНТИРИЛИШИ — денгизда ёки бошқа сувларда хавф остида қолган денгиз кемаларига ёрдам бериш ва уларни қутқариш учун тўланиши лозим бўлган пул суммаси. Суғуртада рағбатлантириш одатда «Salvage charges» (ҳисобдан чиқариш харажатла-

ри) деб аталади. Бундай харажатларнинг суғурта қилинган мол-мулкни унга тушаётган суғурта билан қамраб олинган хавф-хатардан бартараф этиш билан боғлиқлиги сабабли улар гўёки бевосита кўрсатиб ўтилган хавф натижасида юз бергани каби полис бўйича қопланиши лозим бўлади. Қ. р.нинг миқдори томонлар ўртасидаги битимга кўра, битим бўлмаганида эса — суд ёки арбитраж томонидан белгиланади. Агар битим шартларининг адолатсиз эканлиги исботланса, хавф-хатар пайтида ва хавф-хатар таъсирида тузилган қутқариш ҳақидаги ҳар қандай битим томонлардан бирининг талабига кўра ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши ёки қайтадан кўриб чиқилиши мумкин. Қ. р.нинг миқдори қутқарилган мол-мулк қийматидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

ҚЎЛЛАНМА ХАТ (ЙЎРИҚ) — марказий банк томонидан бошқа банкларга у ёки бу операцияларни амалга ошириш мумкинлиги ёки тақиқланганлиги тўғрисида юбориладиган хат.

ҚЎРИҚЛАНМА (ОРАЛИҚ) ТЕГРАЛАР — ЎзРнинг 1993 йил 7 майдаги «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги қонунининг 29-моддасига мувофиқ, қўриқланма (оралиқ) тегралар давлат қўриқхоналарига, давлат миллий табиат боғларига, давлат буюртма қўриқхоналарига, давлат табиат ёдгорликларига ва алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудларга бўладиган салбий таъсирнинг олдини олиш мақсадида чекланган хўжалик фаолияти юритилувчи ҳудудни қамраб олади.

ҚЎРҚИТИШ — жиноят ҳуқуқида бирон-бир шахсга ёки ижтимоий манфаатларга оғзаки, ёзма шаклда ёки бошқа усуллар билан жисмоний, моддий ёки бошқа турдаги зиён етказиш ниятини ифода этиш; инсон устидан руҳий зўрлик ўтказиш турларидан (қийнаш усулларидан) бири.

ҚЎШИЛИШ ШАРТНОМАСИ — ЎзР фуқаролик қонунларига кўра, шартларини томонлардан бири формулярларда ёки бошқа стандарт шаклларда белгилаган ва бошқа томон таклиф этилган шартномага умуман қўшилиш орқалигина қабул қилиши мумкин бўлган шартнома. Шартномага қўшилган томон, агар Қ.ш. қонунга ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга зид бўлмаса-да, аммо бу томонни бошқа шу каби шартномалар берадиган ҳуқуқлардан маҳрум этадиган, мажбуриятларнинг бажарилмаслиги учун бошқа томонга жавобгарлик юкламайдиган ёки жавобгарликни чеклайдиган ёхуд қўшилган томон учун оғир келиши аниқ бўлган ва қўшилувчи томон шартнома талабларини белгилашда иштирок этиш имкониятига эга бўлганида ўзининг оқилона тушуниладиган манфаатларидан келиб чиқиб қабул қилмаслиги аниқ бўлган шартларга эга бўлса, шартноманинг бекор қилинишини ёки шартларининг ўзгартирилишини талаб қилишга ҳақлидир. Шартномага қўшилган томон шартномани қандай шартлар асосида тузаётганлигини билган ёки билиши керак бўлган тақдирда, у ўзининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши муносабати билан мазкур ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин эмас.

ҚЎШИМЧА ДАМ ОЛИШ КУНИ (ОТГУЛ) — меҳнат қонунларига биноан, ходимга ортиқча ишлаганлиги учун бериладиган дам олиш куни. МКнинг 157-моддасига мувофиқ, байрам ёки дам олиш кунидаги иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш куни (отгул) бериш билан қопланиши мумкин. Ходимнинг илтимосига биноан иш вақтидан ташқа-

ри иш учун белгиланган иш вақтидан ташқари бажарилган иш соатларига тенг келадиган миқдорда отгул берилиши ҳам мумкин. Байрам ёки дам олиш кунидаги иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш куни берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорда иш ҳақи тўланади.

ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТ — ташкилот сотган маҳсулот (кўрсатган хизмат) қийматидан уни ишлаб чиқаришга сарфланган материаллар қийматини айириб ташлагандан сўнг қолган сумма; иш ҳақига сарфланган харажат, капитал, рента ва фойдадан олинадиган фоизларни ҳам ўз ичига олади. Ушбу кўрсаткичдан қўшимча қиймат солиғи олиш учун фойдаланилади.

ҚЎШИМЧА МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАМИЯТ — фуқаролик қонунларига биноан, тижорат ташкилотларининг бир турли. ФКнинг 63-моддасига мувофиқ, бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият қўшимча масъулиятли жамият ҳисобланади. Бунлай жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган каррали миқдорда биргаликда субсидиар жавобгар бўладилар. Иштирокчилардан бири банкрот бўлиб қолганда, унинг жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида жавобгарликни тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг қўшган ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланади.

ҚЎШИМЧА ОЛИБ КИРИШ БОЖИ — импорт қилинаётган товарлардан импорт ва мамлакатда ишлаб чиқариладиган маҳсулот, одатда, деҳқончилик маҳсулоти нархларини тенглаштириш мақсадида олинадиган бож.

ҚЎШИМЧА ПАЙ — кооператив аъзоси ўз ихтиёри билан республиканинг ушбу қонуни ва кооператив низомида назарда тутилган дивидендни оладиган мажбурий пайдан ортиқча қўшадиган пай бадали.

ҚЎШИМЧА РЕФЕРЕНДУМ — сайлов корпуси ва давлат органларининг эрки иродаси ифода этилади.

ҚЎШИМЧА САЙЛОВ — умумий сайловлар оралиғида чиқиб кетган депутатлар ўрнига бошқаларини сайлаш.

ҚЎШИМЧА СУҒУРТА ПУЛИ — суғуртачи илгари келишилган суғурта шартларига қўшимча ҳолатларни (м-н, хавф-хатарларни киритганлик учун тўлайдиган қўшимча суғурта бадали. Бир қатор ҳолларда суғурта шартидан муайян ҳолатлар қўшимча пул тўланган тақдирда суғурта билан қопланиши мумкинлиги кўрсатилган ҳолда чиқариб ташланади.

ҚЎШИМЧА ХАРАЖАТЛАР, ЧИҚИМЛАР ХАТИ — хўжалик ишларини юритиш ва бошқариш учун ишлатиладиган қўшимча харажатлар хати.

ҚЎШИМЧА ЮК ОРТИШ ШАРТНОМАСИ — йўналишдаги кемалар бош юклар билан тўла юкланмаганда оммавий юклар ташишни, шунингдек, трамп кемалари билан тўлиқ бўлмаган юкни ташиш учун *чартер* бўйича ижарага олинган кема юкланаётган ўша портнинг

ўзидан қўшимча туркум юкларни ташишни расмийлаштириш учун қўлланилади.

ҚЎШМА КОРХОНА (ҚК) — сармояда икки ёки ундан ортиқ давлат юридик томондан иштирок этадиган фирмалар номларидан бири. ЎзРда 1991—2000 йилларда хорижий инвестицияга улушли корхоналар номи. ЎзРнинг 1998 йил 30 апрелдаги «ЎзРнинг хорижий инвестициялар тўғрисида»ги қонунида ҳам «Қ. к» атамаси ишлатилган.

ҚЎШМАЧИЛИК — никоҳсиз жинсий қўшилишга ёки жинсий лаззатни бошқа тарзда қондиришга ёрдам бериш.

«F»

ҒАЙРИКОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲАРАКАТЛАР — давлатдаги муҳим ижтимоий алоқалар тизимига, ЎзРнинг конституциявий тизимига қарши бўлган ҳаракатлар.

ЎзР ЖКга кўра (159-м.) бундай ҳаракатларга қуйидагилар киради: мавжуд давлат тузумини ғайриконституциявий йўл билан ўзгартиришга, ҳокимиятни эгаллашга ёки қонуний йўл билан сайланган, тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлаштиришга очиқдан-очиқ чақириш; ЎзР ҳудудий яхлитлигини ғайриконституциявий ўзгартиришга очиқдан-очиқ чақириш; шу мазмундаги материалларни тарқатиш; ҳокимият конституциявий идораларининг қонуний фаолиятига қаршилик кўрсатиш.

ҒАЙРИТАБААЛАР — 1) Россияда 1917 йилгача барча славян бўлмаган халқларнинг номи. 2) Россияда XIX аср охири XX асрнинг бошларида расмий ҳужжатларда бир қатор халқлар (қирғизлар, қалмиқлар, буряглар, ёқутлар ва бошқалар), асосан Қозоғистон ва Сибир ҳудудида яшовчи кўчманчиларнинг номи. Шарқий Сибирда ғайритабааларни бошқариш тўғрисидаги Устав асосида 1822 йилда ғайритабааларни тартибга солиб турувчилар(1822—1901 йилларда Россия империясида маъмурий ва молия-хўжалик муассасалари) томонидан бошқарилган.

ҒАЙРИТАБААЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИБ ТУРУВЧИЛАР — чор ҳукумати томонидан 1822 йил 22 июлда «Ғайритабааларни бошқариш тўғрисидаги Устав» бўйича Шарқий Сибирнинг кўчманчи ғайритабаалари (бурятлар, хакаслар, ёқутлар) учун тузилган маъмурий ва молия-хўжалик органлари. Ҳар бир ғайритабаа муассасаси бир неча улуслар ва манзилларда ташкил этилган ва округ бошлиғи фармойишини бажарган ҳамда суд ҳукмларини ижро этган, ясоқ ва бошқа солиқларни тақсимлашни амалга оширган. Ғайритабааларни тартибга солиб турувчилар таркибига губернатор томонидан тасдиқланадиган улус оқсоқоллари ва бир неча маҳаллий туб аҳолидан (3 йилга) сайланганлар (XIX аср охирида — бадавлат деҳқонлар орасидан) кирган. 1901 йилда ғайритабааларни тартибга солиб турувчилар волость бошқарувларига алмаштирилган.

ҒАРАЗГЎЙЛИК (ҒАРАЗ НИЯТЛАР) — бойлик тўплашга интилиш, жиноят содир қилиш йўли билан бойишдан иборат бўлган жиноят ҳуқуқида бўлиши мумкин бўлган жиноятнинг мотивларидан бири.

Айбни оғирлаштирувчи ҳолатларга киради (масалан, қотиллик қилиш ҳолатида).

ҒАРБИЙ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ — Париж битимларига мувофиқ таъсис этилган (1945 йилда имзоланган, 1955 йилда ратификация қилинган), у Франция, Нидерландия, Люксембург, Буюк Британия ва Бельгия билан ўзаро мудофаа, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги Брюссель шартномасига ўзгартиришлар киритди (1948 йил). Ўзгартиришлар Италия ва Германиянинг Брюссель пактига қўшилишига имконият яратиб берди. Ғарбий Европа Иттифоқининг мақсади: халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар қандай агрессив сиёсатнинг олдини олиш бўйича БМТ Уставига мувофиқ ҳарбий ва бошқача ёрдам бериш; Европа бирлигига ёрдам бериш; Европа Иттифоқи ва НАТО билан яқин ҳамкорлик; аъзо давлатларнинг ўзаро иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларини мустаҳкамлаш, қонунни ҳурмат қилиш, конституциявий анъаналарни, демократик, шахсий ва сиёсий эркинлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш. Ғарбий Европа Иттифоқига 10 та аъзо давлат киради.Улар: Бельгия, Буюк Британия, Германия, Греция, Италия, Испания, Люксенбург, Нидерландия, Португалия, Франция, Норвегия, Туркия. Бундан ташқари 9 та мамлакат Ғарбий Европа Иттифоқи уюшмаси шериклари мақомига эга.Улар: Болгария, Венгрия, Латвия, Литва, Польша, Руминия, Словакия, Чехия, Эстония.

«Ҳ»

ҲАВАСКОРЛИК ТУРИЗМИ — сайёҳлар ҳаракатнинг фаол усулларидан фойдаланган ҳолда мустақил равишда ташкил этадиган саёҳат.

ҲАВО КЕМАСИНИ ОЛИБ ҚОЧИШ — халқаро хусусиятга эга бўлган жиноят. Илк бор Ҳ.к.о.қ. учун, шунингдек, ҳаво кемасини олиб қочиш мақсадида ноқонуний эгаллаб олиш учун жиноий жавобгарлик Ўзбекистон Олий Совети Раёсатининг 1973 йил 30 январь фармони билан белгиланган.

Ўзбекистон 1997 йилда ҳаво кемаларига дахлдор қуйидаги учта конвенцияга қўшилди: Ҳаво кемасида содир этиладиган жиноятлар ва баъзи бошқа ҳаракатлар тўғрисидаги конвенция (1963 й.), Ҳаво кемаларини ғайриқонуний равишда эгаллаб олиш тўғрисидаги конвенция (1970 й.), Фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши қаратилган ғайриқонуний ҳаракатларга қарши кураш тўғрисидаги конвенция (1971 й.).

ЎзР ЖКда ушбу жиноят сув транспортини ва темир йўлнинг ҳаракатидаги составини олиб қочиш билан бир моддага (264) бирлаштирилди. Транспорт воситасини олиб қочиш унинг устидан зўрлик билан ёки зўрликсиз назорат ўрнатишдан иборат бўлиб, у олиб қочиш субъектига транспорт воситаларини ўз мақсадларида тасарруф этиш имконини беради.

ҲАДИС (араб. — сўз) — ислом динида Қуръондан кейинги муқаддас манба. Муҳаммад пайғамбарнинг сўзлари, унинг ҳаёти, фаолияти ва кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлардан иборат. Ҳадислар VII аср охири —

VIII асрнинг бошларида тўплана бошлаган. Даврлар ўтиши билан, ҳадислар танланиб тизимлаштирилган. IX—X аср бошларида мусулмонлар орасида катта эътиборга эга бўлган. Ҳадисларнинг олтита тўплами вужудга келган. Булардан айниқса иккитаси — «Саҳиҳи Бухорий» ва «Саҳиҳи Муслим» кўпроқ эъзозланади. Ҳадислар тўплами сунна деб ном олган. Ҳадисларни йиғувчи, шарҳловчи, тарғиб қилувчи шахслар муҳаддис деб аталган.

Ҳадис тўпламлари ҳуқуқ нормалари билан бирга маросимлар кўрсатмалари, ибодат қилиш қоидалари, овқатланиш ҳақидаги тушунчалар, ахлоқ ва кундалик юриш-туриш қоидаларини ҳам ўз ичига олган.

Ҳадислар пайғамбаримизнинг бевосита сафдошлари — саҳобалар томонидан ёки биринчи манбалардан эшитган кишилар сўзига асосан тўпланган. Ҳадисларни тўплаш якунлари уларни ёзиш ва ўрганиш заруратини келтириб чиқарган.

ҲАДИС ИЛМИ — Ҳадис илми (илм-ул-ҳадис)да пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўзлари, юриш-туришлари тўғрисидаги ривоятлар ўрганилади. У икки қисмдан иборат бўлиб, биринчиси Ривоятул-ҳадис, иккинчиси эса Дироятул-ҳадис илмларидир. Усули ҳадис деб аталган Ривоятул-ҳадисда уларнинг ишонарли ёки ишонарли эмасликлари ва шу каби масалалар ўрганилади. Дироятул-ҳадисда араб тилининг грамматик қоидалари ва шариат усулларига асосланиб, ҳадислар матнидаги сўзлар мазмуни ва уларнинг мақсади ҳақида баҳс қилинади.

Замон ўтиши билан ҳадислар сони кўпая бориб, хилма-хил тўқима ҳадислар ҳам уларга қўшила борган. II ҳижрий асрдан бошлаб уларни тўплаш ишларига катта эътибор қаратилган ва биринчи тўпламлар тузилган. Ҳадисларнинг биринчи тўпламлари кўпинча фиққий-ҳуқуқий масалаларга оид ҳадисларни ўз ичига олган. II ҳижрий аср охирларига келиб, мукаммалроқ усулларга таяниб янги тўпламлар (муснадлар) тузилган, III ҳижрий асрда тўғри ҳадисларни қалбаки ҳадислардан ва тўқима ҳадислардан ажратиб олиш учун ҳадислар матнини танқидий услубда текшириш зарурати юзага келган. Бу олтита энг тўғри саҳиҳ китоблар (сиҳоҳи ситта)ни тўплаш давридир. Улар «Саҳиҳ-ал-Бухорий», «Саҳиҳ-ал-Муслим», «Жомеъ-ат-Термизий», Абу Довуд, ан-Насоий ва ибн Можа сунналаридан иборатдир. Мазкур олти буюк муҳаддислардан иккитаси мовароуннаҳрлик, тўрт нафари эса хуросонлик бўлган.

ҲАДЯ — ижтимоий мулкий муносабатларда амалга ошириладиган фуқаролик муносабатларнинг бир тури. Ҳадя муносабатлари ЎзР Фуқаролик кодексининг 31-бандида баён этилган бўлиб, жумладан, 502-моддага кўра бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб бериши ёки бериш мажбуриятини олиши ҳадя тушунчасини беради. Шу билан бирга ҳадя қилувчи ҳадяни шартнома асосида беради. Ҳадя қилиш айни пайтда ФКнинг 504-моддасида кўрсатилганидек, оғзаки шартнома шаклида ҳам бўлиши мумкин. Ҳадяни топшириш уни тақдим қилиш, рамзий топшириш (калит ва ҳоказоларни топшириш) ёки эгалик ҳуқуқини белгилайдиган ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади.

ҲАДЯ ЭТИЛГАН КОНСТИТУЦИЯЛАР — 1) парламент томонидан ўрнатилмаган, балки монарх ҳокимияти берган конституциялар; 2)

колониянинг монархи (метрополия) томонидан ҳадя қилинган конституциялар.

ҲАДЯ ЭТИШ — ҳадя, монарх томонидан бирор ҳуқуқ ва имтиёзларнинг марҳамат қилиниши.

ҲАДЯ ЭТИШ ШАРТНОМАСИ — бир томон (ҳадя этувчи)нинг бошқа томон (ҳадя олувчи)га буюмни мулк қилиб ёхуд ўзига ёки учинчи шахсга қаратилган мулкий ҳуқуқни (талабни) текинга беришига ёки текинга бериш мажбуриятини олишига ёинки уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мажбуриятдан озод қилишига ёки озод қилиш мажбуриятини олишига асос бўладиган фуқаровий-ҳуқуқий шартнома.

Агар ваъда лозим бўлган шаклда қилинган ва келгусида буюм ёки ҳуқуқни муайян шахсга текинга бериш ёхуд уни мулкий мажбуриятдан озод қилиш ниятини аниқ ифодалаган бўлса, бирон бир шахсга мулкни ёки мулкий ҳуқуқни текинга беришга ёхуд бирон-бир кишини мулкий мажбуриятдан (ҳадя қилиш ваъдасидан) озод қилиш Ҳ.э.ш. деб эътироф этилади ва ваъда қилган шахсга мажбурият юклайди.

ҲАДЯ ҚИЛУВЧИ — ҳадя шартномасининг бир томони бўлиб, бошқа томонга (ҳадя олувчига) буюмни мулк қилиб ёхуд ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулкий ҳуқуқни (талабни) текинга беради ёки бериш мажбуриятини олади, уни ўз олдидаги ёки учинчи шахс олдидаги мулкий мажбуриятидан озод қилади ёки озод қилиш мажбуриятини олади.

ҲАДЯНОМА — мулк, бойлик, ҳуқуқ кабиларни ҳадя этишни тартибга солувчи нотариал жиҳатдан тасдиқланган юридик ҳужжат.

ҲАКАМЛАР ЁЗУВИ — баҳсли масалани ҳакамлар текшируви, кўпинча ҳакамлар суди (арбитраж) ёрдамида ҳал этиш тўғрисидаги халқаро битим. «Ҳ.ё.» номи бундай битимларни ифодалаш учун ҳозирги вақтда ҳам амалда бўлган 1899 ва 1907 йиллардаги халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш ҳақидаги Гаага конвенцияларида ишлатилган. Бироқ ҳозирги вақтда низоларни ҳакамлар ёзуви орқали тартибга солиш ҳақидаги битимлар махсус ёки муросавий битимлар деб аталади. Томонлар бундай битимларда баҳс мавзуини кўрсатадилар, ҳакамлар судьялари (арбитрлар)ни тайинлаш, суд раисини сайлаш, зарур материалларни тақдим этиш қоидалари ва муддатларини, харажатларни кўтариш тартибини белгилаб қўядилар. Битимда, шунингдек, томонлар учун мажбурий бўлган ечимнинг хусусияти кўрсатилади. Бундан ташқари, битимда суд мажлислари ўтказиладиган жой, иш юритилиши лозим бўлган тил, суднинг қандайдир алоҳида ваколатлари (м-н, томонларнинг ушбу низо бўйича чиқарилган қарорни бажариш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш бўйича мурожаат этиш бўйича) акс эттирилади.

ҲАКАМЛАР СУДИ (арбитраж) — баҳслашувчи томонларнинг битимлари бўйича юзага келадиган иқтисодий (фуқаролик) низоларни кўриб чиқадиган давлат органи. Ҳ.с.нинг ваколати томонларнинг битимига ҳам асосланади. Томонлар баҳс Ҳ.с.га кўриб чиқиш учун берар экан, унинг қарорига бўйсуниш мажбуриятини зиммаларига оладилар. Баҳсли масалани Ҳ.с.га бериш ҳақидаги битим шартномадаги изоҳ шаклида ёки алоҳида битим шаклида бўлиши мумкин. Ҳ.с. доимий асосда ҳам, муайян баҳсни кўриб чиқиш учун ҳам ташкил этилиши мумкин.

ҲАКАМЛАР ТЕКШИРУВИ — халқаро баҳсни учинчи томон, яъни баҳс томонларидан бўлмаган шахс иштирокида тинч йўл билан тартибга

солиш. Кўпинча Ҳ. т. воситачилик ёки арбитражни билдиради, чунки у ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам баҳсни ҳал этишда баҳслашувчи томонлардан ташқари, учинчи томон — воситачи ёки ҳакам қатнашади. Баъзан «Ҳ. т.» термини арбитражнинг синоними сифатида ишлатилади, бироқ арбитражга нисбатан «ҳакамлик суди» термини кўпроқ ишлатилади.

ҲАКАМЛАР ҲАЙЪАТИ — 1) танловларда, спорт мусобақаларида ва бошқаларда мукофот ва ёрлиқларни беришга оид масалани ҳал қилувчи мутахассислар гуруҳи; 2) жиноят процессида профессионал бўлмаган судлар ҳайъати — жиноят ва фуқаролик ишларини кўришда қатнашувчи ҳакамлар.

ҲАЛОЛЛИК, ОҚИЛЛИК ВА АДОЛАТ — Ўзбекистон фуқаролик ҳуқуқидаги субъектларнинг ўзларига тегишли фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишида йўл қўйиладиган чегараларни таърифлаш, шунингдек, қонунлардаги камчиликларни тўлдириш учун ишлатиладиган умумий принцип. Ушбу принципнинг мазмуни фуқаролик қонунларида очиб берилмайди. Суд идораларининг фуқаролик ҳуқуқи нормаларини қўллаши давомида аниқлик киритилади. Муносабатлар қонунлар, томонлар келишуви, иш муомаласи одатлари орқали бевосита тартибга солинмаган, шунингдек, қонун ва ҳуқуқни аналогия бўйича қўллаб бўлмаган ҳолларда мажбуриятлар томонларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш учун қўлланилади. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя билан таъминлаш шарти бўлган ҳолларда уларнинг ҳуқуқий презумпцияси.

ҲАМЖАМИЯТЛАР — Бельгия Федерациясининг маданий-лингвистик автономия тамойиллари асосида қурилган субъектлари номи. Бельгияда жами учта — фламанд, француз ва герман тилларидаги Ҳ. мавжуд.

ҲАМКОРЛИК — 1) тижорат билан боғлиқ бўлмаган ҳамкорлик; 2) Англо-саксон давлатларида савдо уртоқлик уюшмалари.

ҲАММА ЙИҒИБ ОЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН АШЁЛАРНИ МУЛККА АЙЛАНТИРИШ — ФКнинг 189-моддасига биноан, қонун ҳужжатларида ёввойи мевалар, ёнғоқ, замбуруғлар, резавор мевалар ҳамда ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва жонсиз табиатнинг ҳамма олиши мумкин бўлган бошқа объектларини йиғиш йўли билан фуқаролар мулкига айлантириш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилади.

ҲАММАГА МАЪЛУМ ФАКТЛАР — ҳуқуқнинг процессуал соҳаларида кенг оммага аён бўлган фактлардир, шу сабабдан Ҳ. м. ф. лар исботланишга оид эмас. ХПКнинг 33-моддасига мувофиқ, ҳўжалик суди ҳаммага маълум деб эътироф этган ҳолатлар исботланишга муҳтож эмас.

ҲАММУАЛЛИФЛИК — икки ва ундан ортиқ шахсларнинг муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлган бир асарга ёки ихтиро ёхуд саноатдаги ихтиро намунасига биргаликдаги муаллифлиги ЎзРнинг 1996 йил 30 августдаги «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунига биноан икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга муаллифлик ҳуқуқи. Ҳ. бундай асар яхлит ёки ҳар бир қисми мустақил аҳамиятга эга бўлган асарни ташкил этишдан қатъи назар Ҳ.га биргаликда тегишли бўлади. Асарнинг ҳар бир қисми ушбу асарнинг бошқа қисмларидан мустақил аҳамиятга эга деб ҳисобланади. Ҳ.лардан ҳар бири, ўртасидаги тузилган битимга кўра бошқача шарт назарда тутилмаган бўлса, ўзи яратган асарнинг мустақил

аҳамиятга эга қисмидан ўз хоҳишига кўра фойдаланиш ҳуқуқига эга. Асардан бутун ҳолда фойдаланиш ҳуқуқи ҳаммуаллифларга биргаликда тегишли бўлади. Ҳ.ларнинг ўзаро муносабатлари улар ўртасида битимга мувофиқ белгиланиши мумкин. Агар Ҳ.ларнинг асари бир яхлит асарни ташкил этса, унда Ҳ.лардан бири етарли асослар бўлмаса, асардан фойдаланишни тақиқлашга ҳақли эмас.

ҲАНАФИЯ — суннийликдаги ҳуқуқ мазҳабларидан бири. Абу Ҳанифа ан-Нуъмон асос солган. Ундан кейин ҳанафия мазҳаби таълимоти Абу Юсуф Ёқуб (795 йилда вафот этган), Муҳаммад аш-Шайбоний (804 йилда вафот этган), Зуфар ва бошқаларнинг асарларида ишлаб чиқилган. Ироқда вужудга келиб, ислом тарқалган барча мамлакатларда, жумладан, Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳам кенг тарқалган. Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» тўплами бу мазҳабнинг асосий қўлланмаларидан бири сифатида танилган. Ҳанафия қонунлари нисбатан юмшоқроқ ва қулайроқлиги, халқларнинг маҳаллий анъаналарини эътиборга олганлиги сабабли кенг ёйилган. Суннийлик йўналишига мансуб бўлган мусулмонларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи бу мазҳабга киради. У бир неча араб давлатларида, Африканинг айрим мамлакатларида, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Афғонистон, Ўрта Осиё мамлакатлари, Татаристон, Хитой мусулмонлари орасида тарқалган. Уларда ҳанафия мазҳаби қонунлари ҳозирги даврда ҳам ўз таъсирини сақлаб қолган.

ҲАНБАЛИЯ — суннийликдаги диний ҳуқуқ мазҳабларидан бири. Аҳмад ибн Ҳанбал асос солган. Ҳанбалия ҳуқуқ тизими ўта торлиги, ҳар қандай кўринишдаги «янгилик»ка, диний масалаларда эркин фикр юритишга қаршилиги, шариат нормаларига риоя этишда қатъийлиги билан ажралиб туради. Ҳанбалия тарафдорлари Қуръон ва ҳадисларни эркин талқин этиш йўлидаги ҳар қандай уринишларни қоралаганлар. Шунинг учун ҳам бу мазҳаб кенг тарқалмаган. Фақат IX асрнинг иккинчи ярмида араб халифалигида муътазилийларнинг илоҳиёт соҳасидаги ҳурфикрлилигининг таъқиб остига олиниши туфайли ҳанбалия бирмунча кенгайган ва XII асрда мустақил мазҳабга айланган. X асрда Эронда, XII асрдан XV асргача Сурия ва Фаластинда ҳанбалия издошлари кўп бўлган. Ундан кейинги асрларда ҳанбалия тарафдорлари камайиб кетган. XVIII асрда пайдо бўлган ваҳҳобийлар ҳанбалия тарафдори бўлиб чиққанлар. Ваҳҳобийлар Саудия Арабистонида ҳокимиятни қўлга олгач (XX асрнинг 20-йиллари), ҳанбалия қонунларини амалга киритганлар. У ерда бу мазҳабнинг илк исломга хос қонунлари ҳозир ҳам амалда. Ҳанбалия Саудия Арабистонидан бошқа мамлакатларда кам учрайди.

ҲАР ЙИЛГИ АСОСИЙ ТАЪТИЛ — йилда бир марта барча ишчи ва хизматчиларга иш жойини ва ўртача маошини сақлаб қолган ҳолда бериладиган дам олиш вақти.

ҲАР КУНЛИК ДАМ — бир иш куни (смена) тамом бўлиши ва кейинги иш куни (смена) бошланиши ўртасидаги вақт. Ҳ.к.д.нинг давомийлиги иш куни (смена)нинг ва тушлик учун танаффуснинг давомийлигига боғлиқ. Сменалар ўртасидаги Ҳ.к.д.нинг энг кам муддати дам олишдан аввалги сменадаги иш вақти давомийлигидан камида икки баравар ортиқ бўлиши керак.

ҲАРАКАТДАГИ МУЛК — ҳаракатсиз мулкдан фарқли ўлароқ, ер

билан боғлиқ бўлмаган, унга бириктирилмаган мулк. Ҳ.м.га ўзлари ҳаракатлана оладиган ҳайвонлар, буюмлар киради. Ҳ.м.га, шунингдек, пуллар, мажбурий талаб қилиб олиш ҳуқуқлари, қимматбаҳо қоғозлар, қарз қоғозлари, ижро қоғозлари ҳам киради.

ҲАРАКАТЛАР — *юридик факт*ларнинг турларидан бири.

ҲАРАКАТСИЗ МУЛК БИЛАН БИРЛАШТИРИЛГАН ҲАРАКАТДАГИ МУЛК — 1) ҳаракатсиз мулк билан функционал алоқадорликда бўлган ва у билан бирга ижарага бериладиган ҳаракатдаги мулк (қишлоқ хўжалиги ва қурилиш машиналари, транспорт воситалари ва ш.к. — қ. *Ижара, Лизинг, Рентинг*). Ижарага берувчи тақдим этган барча нарсалар каби бу мулкни ҳам ижарага берувчи капитал таъмирдан чиқариши ва ижара муддати тугагандан сўнг, ижарачидан қабул қилиб олиши керак, 2) ижарачининг у ижарага олган ҳаракатсиз мулк билан бирлаштирадиган ва ижара муддати тугаганидан сўнг, асосий мулкка зарар етказмаса, олиб кетиши мумкин бўлган мулки (М-н, ижарачи уй деворида ечиб олиш девор ҳуснини бузмайдиган қилиб ўрнатган нақшинкор безак).

ҲАРАКАТСИЗЛИК — ижтимоий хавфли, иродавий фаол бўлмаган шахснинг норматив ҳужжатларда бажариш учун кўрсатилган муайян ҳаракатларни бажармаганлигидан иборат хулқ-атвордир.

ҲАРБИЙ ЁКИ МУҚОБИЛ ХИЗМАТДАН БЎЙИН ТОВЛАШ — ЎзР жиноят қонунларига кўра, бошқарув тартибига қарши жиноят. Муддатли ҳарбий хизмат ёки муқобил хизматга чақирувдан узрли сабабсиз бўйин товлаганлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин худди шундай қилмишни содир этиш жарима ёки ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд қамоқ билан жазоланади.

ЎзР ЖК 225-моддасининг 2-қисмига биноан, ўз баданига шикаст етказиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки бошқача алдаш йўли билан ушбу жиноятни содир этган айбдор шахс бундан ҳам оғирроқ жазога тортилади.

ЎзР Қуролли Кучларига сафарбарлик бўйича чақирувдан бўйин товлаганликда айбдор шахс 5 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум этилади.

ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЛАР — уруш қоидалари ва удумларининг бузилиши: қотиллик, босиб олинган ҳудуд аҳолисини қийнаш, қулликка олиш, ҳарбий асирларни қийнаш ва ўлдириш (очиқ денгизда ҳам), гаровдаги шахсларни ўлдириш каби жиноятлар шулар жумласидандир. Халқаро битимларда, жумладан, 1943 йилнинг 30 октябрида Ваҳшийлик содир этганликлари учун гитлерчиларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги декларация, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг 1946 йил 13 февралдаги ва 1947 йил 31 октябрдаги ҳарбий жиноятчиларни топшириш тўғрисидаги резолюциясида ҳарбий жиноятчилар устидан ҳукм чиқариш учун улар қайси мамлакатга қарши жиноят содир этган бўлсалар, ўша мамлакатга топшириш назарда тутилган. 1968 йилнинг 26 ноябрида ҳарбий жиноятчилар ва инсониятга қарши жиноятлар учун муҳлати ўтиб қолганликни қўлламаслик тўғрисида махсус халқаро битим имзоланган. БМТ Бош Ассамблеясининг 1970 ва 1973 йилларда қабул қилинган резолюцияларида ҳарбий жиноятчиларни топиш, қамоққа олиш, топшириш ва жазолаш зарурлиги қайд этилган. ЎзР ЖКнинг 152-моддасида ҳарбий жиноятларга уруш қонунлари ва удумларини бузиш киритилган.

ҲАРБИЙ КОНТРАБАНДА — халқаро ҳуқуқда талқин қилинишича, урушаётган томонлар (давлатлар)дан бирининг ҳудудига учинчи мамлакат ўз бетарафлик мақомини бузиб материаллар ва предметлар мажмуини олиб кириши. Ярадорлар ва беморларга ёрдам кўрсатиш предметлари Ҳ. к. ҳисобланмайди. Ҳ. к. предметлари уларни ташиб бериш воситалари билан биргаликда мусодара қилинади.

ҲАРБИЙ МУЛКНИ НОБУД ҚИЛИШ ЁКИ УНГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ — ЎзР жиноят қонунларига кўра, ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибига қарши жиноят. Қурол, ўқ-дори, ҳаракат воситалари, ҳарбий техника ёки бошқа ҳарбий мулкни қасддан нобуд қилган ёки унга шикаст етказган шахс хизмат бўйича чеклаш ёки қамоқ ёхуд озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Худди шундай қилмиш оғир оқибатларга сабаб бўлса ёки жанговар вазиятда содир этилган бўлса, бундан ҳам оғирроқ жазоланади (ЎзР ЖК 296-модда).

ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР — ЎзР ЖКда белгиланган ва ЎзР Қуролли Кучлари сафида хизмат килувчи шахслар томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар. Бу жиноятларнинг субъектлари фақат ҳарбий хизматчилар ҳисобланади. Ҳарбий ҳолатларда эса бу турдаги жиноятлар ҳарбий ҳолат талаблари ва қонун асосида белгиланади.

ҲАРБИЙ ҲАВО КУЧЛАРИ — Қуролли Кучларнинг оператив-стратегик топшириқларни ҳал этишда мустақил ёки Қуролли Кучларнинг б. турлари билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш учун мўлжалланган тури. Ривожланган давлатлар Ҳ.ҳ.к. стратегик, тактик, ҳарбий-транспорт авиациялари ва ҳаво ҳужумидан мудофаа авиациясидан ташкил топган. АҚШда Ҳ.ҳ.к.га қитъалараро баллистик ракета қўшилмалари ва ҳарбий-космик воситалар ҳам киради.

ҲАРБИЙЛИК КАСБИГА ТАЯНГАН АРМИЯ — ҳарбийлик касб сифатида амалга ошириладиган армия. Ҳ.к.т.а.лар Буюк Британия, АҚШ, Япония каби давлатларда мавжуд.

ҲАРОМ (араб. — тақиқланган). — Исломда мусулмонлар учун қатъий тақиқланган хатти-ҳаракатлар, ишлар, шунингдек, ейиши ман қилинган озиқ-овқатлар.

ҲАҚИҚИЙ НАРХ — битим амалда тузиладиган нарх.

ҲАҚОРАТ ҚИЛИШ — шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш. Беодоблик деганда, жабрланувчи шахсиятига инсонлар орасидаги муносабатларнинг одат бўлиб қолган қоидаларига зид келадиган тарзда баҳо беришга айтилади. Беодоб муомалада бўлиш турли хилдаги фаол хатти-ҳаракатларда кўринади, чунончи, жабрланувчига нисбатан куракда турмайдиган сўз ва ибораларни айтиш, бино, деворлар ва фотосуратларга ҳақоратловчи ёзувлар ёзиш, беодоб хатти-ҳаракат ва қилиқлар қилиш, юзга тарсаки уриш, туфлаш ва ҳоказо. Ҳақорат очиқдан-очиқ, яъни бошқа одамлар ва шахсан жабрланувчи иштирокида қилиниши ёки сиртдан, яъни жабрланувчининг ўзи бўлмаган, аммо айбдор ушбу қилмиш жабрланувчига етиб бориши билган ҳолда амалга оширилиши мумкин. ЎзРнинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 41-моддасида ҳақорат маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида назарда тутилган. Ҳ. к. энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб

бўлади. Биринчи марта ҳақорат қилган шахслар, агар уларнинг қилмишлари жиноий жазолашга тегишли бўлмаса, маъмурий жавобгарликка тортилишлари мумкин. Ҳ. к. шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача муддатга қамоқ билан жазоланади. Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали Ҳ. қ. ЖКнинг 140-моддаси, 2-бандига мувофиқ, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойдан олти ойгача қамоқ билан жазоланади. Жабрланувчини ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда Ҳ. қ. ЖКнинг 140-моддаси, 3-банд, «а» қисми билан жазоланади. Хавфли рецидивист томонидан ёки туҳмат қилганлиги учун илгари ЖКнинг 139-моддаси билан судланган шахс томонидан ҳақорат қилинган бўлса (ЖКнинг 140-моддаси, 3-банди, «б» қисми), энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ҲИДОЯ (араб) — тўғри йўл кўрсатиш. Тўла номи «Ҳидоя фи ал- фуруъ» («Фиқҳ тармоқлари бўйича қўлланма») — суннийликнинг ҳанафий мазҳабида кенг тарқалган шариат қўлланмаси. Бурҳониддин Марғиноний ёзган ҳидоя машҳур бўлиб, шариат бўйича асосий қўлланмалардан бири сифатида танилган. Ҳанафий ҳуқуқ тизимининг кодекси сифатида ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий масалалар ҳисобланган мулкий ва молиявий муносабатлар, жиноят ва жазо, фуқаролик ҳуқуқи, суд ва процессуал масалалар, оила-никоҳ муаммолари «Ҳ.»да асосий ўрин эгаллаган.

Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари ёзилиш услуби бўйича ҳам ажралиб туради. Унда ҳуқуқий муаммоларнинг ечими даставвал машҳур фақиҳларнинг фикр-хулосаларини баён қилиш ва унга бошқа фиқҳ олимларининг эътирозлари ва қўшилишларини изҳор қилиш йўли билан берилган. Худди шундай умумэътироф этган бообрў фақиҳлар, нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда муайян ҳуқуқий муаммонинг энг маъқул ечимини танлаб олиш мумкин бўлган. Шу йўл билан «Ҳидоя»да шариат қоидаларининг айнан ўзигина эмас, балки уларнинг мукаммал шарҳлари ҳам асл равишда берилган.

«Ҳидоя»да шариат масалаларида муаллифнинг фикр ва хулосалари билан бирга, ҳанафийлар мазҳабининг барча имомлари, шунингдек, бошқа мазҳаб вакилларининг мулоҳазалари ҳам баён этилган. Исломнинг асосий маросим талаблари, ҳуқуқий нормалар ва амалий ибодатлар қоидалари, хусусан, таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж, қурбонлик, оила-никоҳ масалалари билан боғлиқ бўлган қоидалар батафсил ёритилган, ҳуқуқий қоидаларни бажармаганлик учун жазо чоралари белгиланган. «Ҳидоя»да урушлар, ўлжа олиш ва уни тақсимлаш, турмуш ва фаолиятдаги тақиқлашлар, ижозатлар ҳақида батафсил сўз юритилган.

ҲИЖРИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ — мусулмонларнинг йил ҳисоби. Муҳаммад пайғамбарнинг Маккадан Мадинага кўчиши билан боғлиқ бўлиб, қамарий (ҳижрий-қамарий йил) ва шамсий (ҳижрий-шамсий йил)га бўлинади. Қамарий бўйича йил ҳисоби 622 йилнинг 16 июлидан бошланиб,

синодик ой (29,530588 кун)га асосланган. 12 ойдан иборат бир қамарий йил 354,3671 кунни ўз ичига олади. Қамарий йилда 1, 3, 5, 7, 9 ва 11-ойлар (тоқ рақамли ойлар) 30 кундан, қолганлари 29 кундан бутун қилиб олинган. Ойлар тартиби билан Муҳаррам, Сафар, Рабиулаввал, Рабиуссоний, Жумодил-уло, Жумодил-охира, Ражаб, Шаъбон, Рамазон, Шаввол, Зулқаъда, Зулҳижжа деб аталади. Қамарий йил тропик йилдан (ҳозирги ғригориан календаридан) 10—12 кун қисқа. Агар григорий календарида оддий йил, қамарий календарида эса кабиса йили бўлса, уларнинг фарқи 10 кун, иккала календарда оддий ёки кабиса йили бўлса, фарқи 11 кун, қамариан календарда оддий, григориан календарда кабиса йили бўлса, уларнинг фарқи 12 кун бўлиб, ойлар, фасллар бўйлаб қишдан кузга, кuздан ёзга ва ҳ.к. сурилиб бораверади. Қамарий йилнинг баъзилари кабиса бўлишига сабаб йилнинг касо қисми (0,3671 кун) ҳар 30 йилда 11,013 кунни ташкил этишидир. Унинг 19 йили оддий (354 кунлик), 11 йили кабиса (355 кунлик), 30 йиллик арабча циклнинг 2, 5, 7, 10, 13, 16, 18, 21, 24, 26 ва 29-йиллари кабиса деб қабул қилинган. Қамарий йил ҳисоби Яқин ва Ўрта Шарқнинг кўпгина мамлакатларида, бошқа баъзи мамлакатларда қўлланилади. Шамсий 622 йилнинг баҳорги тенг кунлик куни — 21 мартдан бошлаб ҳисобланади. Кейинги йил бошлари эса 20, 21 ёки 22 мартга тўғри келади. Давомийлиги григориан календаридаги каби 365 ёки 366 кундан иборат. Шамсий йил бўйича ойлар Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадй, Далв ва Ҳут номланган. Шамсий йил ҳисобидан Афгонистон, Эрон, Туркия каби давлатларда фойдаланилади. Ислом диний анъанаси қамарий-ҳижрий йил ҳисобига асосланган, барча диний маросим ва байрамлар ана шу календарь асосида ўтказилади.

Ҳижрий йилни милодийга ўтказиш учун уни 0,97га кўпайтириб яхлитлаш ва 622 ни қўшиш керак. Масалан, Абу Райҳон Беруний ҳижрий 362 йилда туғилган. 362х0,97=351,14; 351+622=973. Демак, Беруний таваллуди милодий 973 йил.

Милодий йилни ҳижрий йилга ўтказиш учун ундан 621 ни айириш ва чиққан сонни 1,03 га кўпайтириш ва яхлитлаш лозим. Масалан, Алишер Навоий таваллуд топган 1441 йилни ҳижрийга ўтказиш учун қуйидаги амал бажарилади: 1441—621=820. 820х1,03=844,6. Барча натижалар тақрибий, бир йилга фарқ қилиши мумкин.

30 га бўлинганда 2, 5, 7, 10, 13, 16, 18, 21, 24, 26 ва 29 қолдиқ берадиган йиллар ҳижрий кабиса йили бўлади. Масалан, 1412, 1415, 1417 ва ҳ.к.

ҲИМОЯ БЕЛГИСИ — фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида муаллифлик ҳуқуқини таъминлашнинг ҳуқуқий чораси. ЎзР Фуқаролик кодексининг 1050-моддасида муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгиси хусусида қуйидагилар баён этилган: алоҳида муаллифлик ҳуқуқининг эгаси ўз ҳуқуқларидан хабардор этиш учун асарнинг ҳар бир нусхасида акс эттирилган қуйидаги уч белгидан иборат муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоясидан фойдаланиши мумкин: айлана ичига олинган лотинча «С» ҳарфи; алоҳида муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг исми (номи); асар биринчи эълон қилинган йил. Муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя белгисида кўрсатилган шахс, башарти бошқа ҳол исботланмаган бўлса, ҳуқуқ эгаси ҳисобланади. Шу билан бирга кодекснинг 1076-моддасида турдош ҳуқуқлар-

нинг белгилари ҳам қайд этилган — ижрони ёзиб олган шахс ва ижрочи ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш учун турдош ҳуқуқларнинг ҳимоя белгисидан фойдаланишлари мумкин, аудио ёки видео ёзувнинг ҳар бир нусхасида ва (ёки) улар сақланадиган ғилофда акс эттириладиган бу белги қуйидагича бўлади: айлана ичига олинган лот. «Р» ҳарфи; алоҳида турдош ҳуқуқлар эгасининг исми (номи); ёзув биринчи марта эълон қилинган йил.

ҲИМОЯЧИ — жиноят процессида фуқарони ҳимоя қилувчи шахс. Ушланган, қамоққа олинган ёки айб эълон қилинган вақтдан бошлаб ишда қатнашишга йўл қўйилади. Адвокатлар, касаба уюшмаларининг ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳимоячи сифатида қўйиладилар. Суд ажрими ёки судьянинг қарори бўйича ҳимоячи сифатида айбланувчининг яқин қариндошлари, қонуний вакиллари, шунингдек, бошқа шахслар қўйилиши мумкин (ЎзР ЖПК, 49-м.).

Ҳ. процессда айбланувчининг таклифи бўйича гапиради, унинг қонуний вакили, шунингдек, айбланувчининг розилиги ёки топшириғи бўйича бошқа шахслар гапиради. Бундан ташқари, Ҳ. суд ва терговчини тайинлаши бўйича процессда қатнашиши мумкин. Бундай тайинланиш иш бўйича аҳамиятли бўлиб, у эса айбланувчи томонидан ҳам, уни топшириғи бўйича бошқа шахслар томонидан ҳам таклиф қилинмаган бўлади, бундай иш бўйича ҳимоячининг қатнашиши мажбурлиги қонунда назарда тутилган.

ҲИСОБ КОМИССИЯСИ — акциядорлик жамиятининг ёрдамчи органи. «Акционерлик жамиятлари ҳақида»ги 1996 йил 26 апрелдаги қонунга мувофиқ акционерлик жамиятида сони юздан ортиқ бўлган сайловчи акционерлар жамияти тузилди. У акционерлар умумий мажлиси кворумини белгилайди, умумий мажлисда акционерлар (уларнинг вакиллари) овоз бериш ҳуқуқини тадбиқ этишга оид масалаларни ҳал қилади, овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришда акционерларнинг қатнашиш ҳуқуқи ва белгиланган овоз бериш тартибини таъминлайди, овозларни санаб чиқиб овоз бериш натижаларини чиқаради, овоз бериш натижалари ҳақида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини архивга топширади.

ҲИСОБ ТЎЛОВ ВАРАҚАСИ — ҳисоб-китоб ҳужжатларидан бири бўлиб, бериб юборилган юкланган товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар ҳамда бошқа тўловларга қабул қилиб олувчи ҳисобига тўловчининг ҳисобидан банкка ўтказилиши ҳақидаги ёзма расмийлаштирилган варақа. Ҳисоб-тўлов варақасида тўловнинг асосий реквизитлари: операциянинг хусусияти ва мазмуни, вақти ва суммаси, номлари ҳамда ҳисоб-китобда қатнашувчиларнинг, банк муассасаларининг номлари бўлиб, унда пул ҳисоб-китоби ҳужжатларини олиб боришга ваколатли шахсларнинг имзолари, муҳр номерацияси бўлади. Маблағни бир вақтнинг ўзида тўловчи ҳисобидан бир ёки бир нечта олувчи ҳисобига ўтказилади. Одатда, умумий тўлов варақалари тўлдирилади. Ҳисоб-тўлов варақаси товарлар ва кўрсатилган хизматлардан ташқари товарсиз операциялар, молиявий мажбуриятларда (ижтимоий суғурта органлари ва бошқаларнинг бюджет тўловлари), кредиторлик қарзини узишда ҳам қўлланилиши мумкин.

ҲИСОБВАРАҚ (инг. Personal account) — жисмоний ва юридик шахс-

лар, шунингдек, молиявий кредит муассасалари ҳамда давлат ҳокимият органлари билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган бухгалтерия ҳисоб варағи. Ҳ. банкларда мижозларнинг кредит ва ҳисоб-китоб операцияларини ҳисобга олиш учун қўлланилади. Ҳ. суғурта ташкилотларида ҳар бир суғуртачи ва суғурта тури бўйича юритилади. Солиқ инспекцияларида ҳисобварақлар ҳар бир тўловчига ва ҳар бир турдаги солиққа очилади. Коммунал корхоналарда Ҳ.да коммунал тўловлар, квартира тўловлари кабилар акс эттирилади.

ҲИСОБВАРАҚНИ ДЕБЕТЛАШ — ҳисобварақ дебетига, яъни чап томонига ёзиб қўйиш.

ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ — божхона органларининг рухсат этадиган ҳужжатларида юкни ўтказиш учун қўядиган белгиси, бу юкнинг ҳаммаси ёки бир қисмининг божхона муассасасидан ўтганлигини тасдиқлайди.

ҲИСОБ-КИТОБ ҲУЖЖАТЛАРИ — ташкилотнинг ёзма шаклдаги пул воситалари ва товар моддий бойликлари, қилинган ишлар ва пул билан юритиладиган бошқа ишларни қайд этувчи ҳисоб-китоб ҳужжатлари.

ҲИСОБ-КИТОБ РАҚАМИ — банкларда тижорат ташкилотлари ва бошқа юридик шахслар томонидан ўзининг баланси ва оборотидаги пулини ишлатиш учун очиладиган ҳисоб рақами. Ҳозирги кунда нақд пулсиз товар айрибошлашда бу қулай ҳисобланади.

ҲИСОБ-КИТОБ СИЁСАТИ — корхона танлаган ва бухгалтерия ҳисобини юритишнинг усуллари бўлган бирламчи кузатув, қиймат бўйича ўлчаш, жорий гуруҳлаштириш ва ҳужалик (устав ва бошқа) фаолияти фактларини якуний умумлаштириш усуллари йиғиндиси. Бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига ҳўжалик фаолияти фактларини гуруҳлаштириш ва баҳолаш, активлар қийматини қоплаш, ҳужжатлар айланишини ташкил этиш, инвентаризация усуллари, бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларини, ҳисоб-китоб регистрлари тизимини, ахборотни қайта ишлашни қўллаш усуллари ва бошқа тегишли усул ва воситалар.

Умумий қоидага кўра, Ҳ.-к.с.ни корхонанинг раҳбари юритади. Ҳ.-к.с.ни юритиш чогида қуйидагилар назарда тутилади: а) корхона мулки ва мажбуриятлари ушбу корхона мулкдорларининг ва бошқа корхоналарнинг буюм ва мажбуриятларидан алоҳида мавжуд бўлади (корхонанинг мулкий алоҳидалиги фараз қилиниши); б) корхона ўз фаолиятини яқин келажакда давом эттиради ва унинг ўзини тугатиш ёки фаолиятини анча қисқартириш нияти ва бунинг зарурати йўқ, бинобарин, мажбуриятлар белгиланган тартибда қопланади (корхона фаолиятининг узлуксизлиги фараз қилиниши); в) корхона танлаган ҳисоб-китоб сиёсати бир ҳисоб йилидан бошқасига сари изчил юритилмоқда (ҳисоб-китоб сиёсатини изчил қўллашнинг фараз қилиниши); г) корхона ҳўжалик фаолиятининг фактлари ушбу фактлар билан боғлиқ бўлган пул маблағларининг келиб тушиш ёки, тўлаш вақтидан қатъи назар, мазкур фактлар бўлган ҳисобот даврига тааллуқли бўлади, бинобарин, бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади (ҳўжалик фаолияти фактларининг вақти муайянлигини фараз қилиш).

Ҳ.-к.с. қуйидагиларни таъминлаши керак: ҳўжалик фаолияти барча фактларининг бухгалтерия ҳисобида тўлиқ акс эттирилиши (тўлалик

талаби); имкониятдаги даромадлар ва активларни (яширин захиралар яратилишига йўл қўймаган ҳолда) ҳисобга олишга қараганда йўқотишлар (харажатлар) ва пассивларни бухгалтерия ҳисобига олишга тайёрлик (эҳтиёткорлик талаби); хўжалик фаолияти фактларини бухгалтерия ҳисобида нафақат уларнинг ҳуқуқий шаклидан, балки хўжалик юритиш фактлари ва шароитларининг иқтисодий мазмунидан ҳам келиб чиқиб бухгалтерия ҳисобида акс эттириш (мазмуннинг шаклдан устунлиги талаби); таҳлилий ҳисоб маълумотларининг ҳар бир ойнинг биринчи кунига бўлган синтетик ҳисобварақлари айланиши қолдиқларига, шунингдек, бухгалтерия ҳисоботи кўрсаткичларининг синтетик ва таҳлилий ҳисоб маълумотларига айнан мослиги (зиддиятсизлик талаби); хўжалик фаолияти шароитидан ва корхонанинг катталигидан келиб чиқиб бухгалтерия ҳисобини оқилона ва тежаб-тергаб юритиш (оқилоналик талаби).

ҲИСОБ-КИТОБ СУБСЧЁТЛАРИ — хўжалик ҳисобида бўлмаган тузилма ва бўлинмалар (тармоқлар, магазинлар, омборлар ва б.) манзилларида бош корхона томонидан очиладиган субсчётлар. Улар хўжалик ҳисобида бўлмаган структуралар туширган пулни аккумуляция қилишга мўлжалланган бўлиб, Ҳ.-к. с.га тушган пулнинг бир қисми ва бошқа харажатлар учун ўтказилиши мумкин. Бунда ҳисоб-китоб субсчётлари ўтказилиши мумкин. Ҳ.-к. с. эгалари бош корхона рухсат берган операцияларни амалга оширадилар. Мазкур харажатлар бевосита Ҳ.-к. с. орқали, белгиланган чегарада амалга оширилиши мумкин.

ҲИСОБ-КИТОБ УЙЛАРИ — Буюк Британиядаги молиявий муассасаларнинг тури. Дастлаб уларнинг асосий вазифаси қисқа муддатли тижорат векселларини харид қилиш (ҳисобга олиш)дан иборат бўлган. Бундай векселлар ана шу процедура туфайли Англия банкида қайта ҳисобга олиш учун яроқли бўлган.

Сўнгра Ҳ.-к.у. ҳукумат ҳар ҳафтада мунтазам ўтказиб турадиган аукционлар чиқарадиган хазина векселларининг энг йирик харидорларига айланди. Ҳ.-к.у. банклараро бозордан маблағларни қисқа муддатли ссудалар шаклида талаб бўйича қоплаш шарти билан ёки қисқача хабар бериш билан жалб этадилар, бу билан улар банк сектори ликвидлигини тартибга солиш механизмини яратадилар. Тижорат банклари катта миқдордаги ссудаларни чақириб олган тақдирда Ҳ.-к.у. кредит сўраб сўнгги босқичдаги кредитор бўлмиш Англия Банкига мурожаат этишлари мумкин.

ҲИСОБ-КИТОБ ФОИЗИ — банклар пулни векселларни муддати тугамасдан туриб ҳисоб-китоб қилиш йўли билан авансларни учун ундирадиган ва фоизларда ифодаланадиган тўлов. Ҳ.-к.ф.ни ундириш номинал суммадан муайян чегирма (вексель валютаси) шаклини олади, яъни банк вексель сотувчи шахсга векселнинг ўзида кўрсатилган суммадан камроқ пул тўлайди. Ушбу фоиз нормасида чегирма ҳажми вексель валютасига ва вексель муддати тугагунча қолган вақтга боғлиқ бўлади. Фоизлар ҳар бир алоҳида вексель бўйича ҳисобланади, сўнгра олинган маълумотлар ҳисоб-китоб ва векселни тақдим этган шахсга тўланиши лозим бўлган суммани аниқлаш учун алоҳида реестрлар бўйича умумлаштирилади. Векселларни қайтариш кечикиб кетмаслиги учун ҳисоб-китоб учун тақдим этилган векселлар бўйича фоизлар, уларни ҳисобга

қабул қилингунча ҳисобланиши керак. Ҳисоб-китоб бўйича фоизлар аввалдан олинади ва пул берилган санадан вексель муддати келадиган санагача бўлган кунлар миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади, бунда маблағларни мижоз ҳисобварағига ўтказиш куни учун фоизлар суммаси банк фойдасига ҳисобланади, вексель муддати келган кун эса мижознинг фойдасига ҳисобланади. Вексель муддатидан аввал сотиб олинган бўлса, олинган фоизлар қайтарилмайди.

ҲИСОБ-КИТОБ ЧЕКИ — диагонал бўйича пастки чап қисмидан юқори ўнг қисмига томон чизиқ тортилган чек. Ҳ.-к.ч. маблағ билан таъминлашга хизмат қилмайди, бу юридик шахслар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклидир. Тўлов сифатида Ҳ.-к.ч.ни олган фирма уни ўз банкига кўрсатади. Банк эса унинг ҳисобига пул ўтказади. Ҳ.-к.ч. пул қайси фирмага аталган бўлса, ўша фирманинг ҳисобварағи бўйича олишини кафолатлайди.

Ҳ.-к.ч. — чек эгаси тўловнинг нақд пул билан ёки нақд пулсиз тўланишини, унинг юзига ёзиб қўйилган «ҳисоб-китоблар» деган ёзув орқали амалга ошириладиган кафолат ҳужжати.

ҲИСОБ-КИТОБЛАР МАЖБУРИЯТИНИНГ ИЖРО ЭТИЛИШИ — ЎзР ФКга кўра тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган фаолиятни амалга оширувчи иштирокчилар ишлаб чиқариладиган товарлар тўловини ҳисоб-китоб орқали амалга оширадилар.

ҲИСОБЛАР БЎЙИЧА СУДЬЯ — Франция, Бразилия, Руминия, Португалия, Туркия ва бошқа давлат молия назоратининг махсус квазисуд органлари.

ҲИСОБЛАРНИНГ КОРРЕСПОНДЕНЦИЯСИ — иккиламчи ёзув усули билан хўжалик операциясини рўйхатга олишда бухгалтерлик ҳисоби ўртасидаги ўзаро боғлиқлик.

ҲИСОБ-ФАКТУРА — тўлов ҳужжати бўлиб, олди-сотди операциялари бўйича тўлаш учун сотувчи томонидан харидорга берилади. Унда, одатда, қуйидаги маълумотлар бўлади: харидорнинг исми, манзили, товарнинг номи ва баҳоси; товар олиб борилган ёки туширилган нуқта; амалиёт (битим)нинг ўтказилиш вақти; сотиш шартлари.

ҲИССАЛИ МУЛК — фуқаролик ҳуқуқида иштирокчиларнинг улуши белгилаб қўйилган *умумий мулк*. Агар Ҳ.м. иштирокчиларининг улушлари қонун асосида ва унинг барча иштирокчилари келишуви билан белгиланмаган бўлса, улушлар тенг ҳисобланади.

Ҳ.м. барча иштирокчиларининг келишуви билан уларнинг ҳар бири умумий мулкни ташкил этиш ва кўпайтиришга қўшган улушга кўра уларнинг ҳиссасини аниқлаш ва ўзгартириш тартиби белгиланиши мумкин. Умумий мулкдан фойдаланишнинг белгиланган тартибига кўра асосан, ўз ҳисобидан ушбу мулкни яхшилашга ажралмас ҳисса қўшган Ҳ.м. иштирокчиси ўзининг умумий мулкдаги ҳиссасини тегишли равишда ошириш ҳуқуқига эга. Умумий мулкдаги ажралувчи яхшиланиш, агар Ҳ.м. иштирокчиларининг келишувида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ушбу яхшилашни амалга оширган иштирокчининг мулкига қўшилади. Ҳ.м.даги мулк унинг барча иштирокчилари томонидан тасарруф этилади. Ҳ.м. иштирокчиси ўз улушини ўз ихтиёри билан сотиш, ҳадя қилиш, мерос қолдириш, гаровга беришга ёхуд уни ҳақ эвазига бировга бериш чоғида харид қилишдаги афзаллик ҳуқуқига доир қоидаларга риоя этган

ҳолда бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақлидир. Ҳ.м.даги мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш унинг барча иштирокчилари келишуви асосида, бундай розилик бўлмаган тақдирда — суд белгилайдиган тартибда амалга оширилади. Ҳ.м. иштирокчиси умумий мулкдаги унинг ҳиссасига мувофиқ бўлган қисмига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга, бунинг имкони бўлмаган тақдирда эса унинг ҳиссасига тўғри келадиган мулкка эгалик қилаётган ва ундан фойдаланаётган бошқа иштирокчилардан тегишли компенсацияни талаб этишга ҳақлидир. Агар Ҳ.м. иштирокчилари ўртасида тузилган битимда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Ҳ.м.даги мулкдан фойдаланиш натижасида олинган маҳсулот ва даромадлар умумий мулк таркибига келиб тушади ва Ҳ.м. иштирокчилари ўртасида уларнинг ҳиссаларига мувофиқ тақсимланади. Ҳ.м.нинг ҳар бир иштирокчиси ўзининг ҳиссасига мос тарзда умумий мулк бўйича солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловларни тўлаш ҳамда уни сақлаш ва таъминлаш харажатларида иштирок этиши шарт.

ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙ — криминалистикада текширилиши лозим бўлган жой, яъни ҳуқуқбузарлик содир этилган ва қолдирилган из мавжуд жойлар тушунилади. Ҳ. с. б. ж. ни кўздан кечириш айнан шу жойда жиноят содир этилганлиги ёки унинг излари борлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда ўтказилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ҳодиса содир бўлган жой жиноят иши қўзғатилишидан олдин ҳам кўздан кечирилиши мумкин. Бу ҳолда кўздан кечириш ўтказилганидан сўнг кечи билан етмиш икки соатда, алоҳида ҳолларда эса, ўн кун ичида жиноят ишини қўзғатиш ҳақида ёки қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш лозим.

Катта майдонларни ва биноларни кўздан кечириш бир неча суриштирувчи ёки терговчи томонидан амалга оширилиши мумкин. Бунда уларнинг ҳар бири камида икки нафар холис иштирокида кўздан кечириш ўтказиши лозим.

Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган нарсалар, ҳужжатлар ва излар ўралади ва муҳрланади, катта ҳажмдаги нарсалар олинмайди ва муҳрланмайди, лекин суриштирувчи ёки терговчи уларни сақлаш чораларини кўриши лозим. (ЎзР Жиноят процессуал Кодексининг 137-м.).

ҲОКИМ — Ўзбекистондаги маҳаллий маъмурият бошлиғи. ЎзР Конституциясининг 99-моддасига биноан, «Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб, ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар. Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларининг ваколат муддати — беш йил. Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради. Вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокими Президент томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар

ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ваколатларини яккабошчилик асосларида амалга оширадилар ва ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар. Ҳокимларнинг ва халқ депутатлари Кенгашларининг фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг ваколат доирасини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини сайлаш тартиби қонун билан белгиланади.

Ҳоким ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли ҳудуддаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар чиқаради.

ҲОКИМИЯТ ЁКИ МАНСАБ ВАКОЛАТИНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ — ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар турига кирувчи жиноят. Ҳ.ё.м.в.с.қ. — мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиши оқибатида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларга кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилиши (ЎзР ЖК 205-м.). Бундай жиноятларнинг субъекти, албатта, мансабдор шахслар бўлиши лозим.

ҲОКИМИЯТ ЁКИ ХИЗМАТ ВАЗИФАСИНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ — ЎзРнинг 1994 йилги ЖКда ушбу жиноят ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, деб аталади.

ҲОКИМИЯТНИНГ БЎЛИНИШИ — Ҳ. б. принципи биринчи марта 1992 йил ЎзР Конституциясида тан олинди. Конституциянинг 11-моддасига биноан ЎзР давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

Ҳокимият ваколатларини тақсимлаш принципи ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан ҳисобланади.

Қонун чиқарувчи ҳокимият ЎзР Олий Мажлиси томонидан, ижроия ҳокимияти ЎзР Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади. Суд ҳокимияти Конституциявий суд, Олий суд, ва Олий хўжалик суди томонидан амалга оширилиб, улар биргаликда Ўзбекистон ягона суд тизимини ташкил этади.

ЎзР Конституциясининг бешинчи бўлимида учала ҳокимият идораларининг ўзаро уйғунликдаги фаолият воситалари, шунингдек, мазкур идораларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туриш тизимини вужудга келтирувчи қоидалар мустаҳкамланди.

Учала ҳокимият ҳуқуқий давлат ҳокимиятининг ягона тизимини ташкил этади.

ҲУДУДИЙ БИТИМ — ЎзРнинг 1995 йил 1 декабрда қабул қилинган Меҳнат кодексининг 29-моддасига биноан, «Жамоа келишуви — муайян касб, тармоқ, ҳудуд ходимлари учун меҳнат шартлари, иш билан таъминлаш ва ижтимоий кафолатлар белгилаш борасидаги мажбуриятларни ўз ичига олувчи норматив ҳужжатдир».

ҲУДУДИЙ БОШПАНА — сиёсий сабабларга кўра таъқиб қилишдан бошқа сабаблар асосида муайян давлатнинг ҳудудида яшириниш учун имкон бериш. Хорижлик фуқарога ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга

доимий яшаш учун рухсат бериш ҳудудий бошпана беришни англатмайди. Ҳ.б. бериш учун асос давлатнинг ички қонунлари билан белгиланади. Ҳ.б. умумий жиноятлар, тинчликка қарши жиноятлар, ҳарбий жиноятлар, инсонийликка қарши жиноятлар содир этган шахсларга берилмайди. Ушлаб берилиши мумкин бўлган (яъни Ҳ.б. ололмайдиган) жиноятчиларнинг тоифалари кўрсатилган қатор халқаро шартномалар мавжуд. Давлатнинг Ҳ.б. бериши унинг зиммасига қуйидаги мажбуриятларни юклайди: а) Ҳ.б. олган шахсни уни таъқиб қилган давлатга ушлаб бермаслик; б) бундай шахснинг ушбу давлат ҳудудида туриб, ўзи ташлаб чиқиб кетган давлатга қарши ҳеч бир зўрлик ҳаракатлари қилишига йўл қўймаслик. 1967 йил 14 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг 2312 (XXII) резолюцияси билан Ҳудудий бошпана тўғрисидаги декларацияни қабул қилди.

ҲУДУДИЙ ДАЪВО — маълум бир давлатнинг бирор ҳудудда ўз суверенитетини ўрнатиш мақсадида қилган даъвоси. Ҳудудий даъво икки томонлама ёки кўп томонлама бўлиб, бундан бир неча давлатлар айнан бир жойга даъво қилишлари мумкин. Бу даъволар ҳуқуқий кучга эга эмас, чунки даъво қилаётган томонлар даъво учун асос бўлмайди.

ҲУДУДИЙ МУДОФАА — давлат мудофаа тизимининг таркибий қисми, ЎзР ҳудудидаги аҳоли, объектлар ва коммуникацияларни душман ҳаракатларидан, қўпорувчилик ёки террорчилик ҳаракатларидан ҳимоя қилиш, шунингдек, фавқулодда ҳолат ва ҳарбий ҳолат режимларини жорий этиш ва сақлаб туриш мақсадларида ташкил этилади. Ҳ.м.нинг умумий вазифалари ва ташкил этилишини ЎзР Президенти белгилайди.

ҲУДУДИЙ СУВ ҲАВЗАЛАРИ (ҳудудий денгиз) — материк ҳамда ороллардаги денгиз суви энг кўп камайганда оғиладиган чизиқдан бошлаб ҳисобланадиган муайян кенгликдаги қирғоқ олди ҳудуди. Архипелаг давлатларда Ҳ.с.ҳ. унинг архипелаг сувлари ҳудудидан ташқарида бошланади. Ҳ.с.ҳ.нинг кенглиги қирғоқдаги (ёки архипелагдаги) давлат томонидан мустақил равишда, лекин барча эътироф этган халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларини инобатга олган ҳолда белгиланади. Қирғоқдаги давлат (архипелаг давлат) Ҳ.с.ҳ.га ҳамда ўз ҳудуди устидаги фазога, денгиз тубига ва унинг остидаги конларга нисбатан тўла суверенитетни амалга оширади. Жаҳондаги давлатларнинг кўпчилиги 3—12 денгиз мили кенглигидаги Ҳ.с.ҳ.га эга. БМТнинг 1982 йилги Денгиз ҳуқуқи бўйича конвенциясига кўра, ҳар бир давлат ўз Ҳ.с.ҳ.нинг кенглигини конвенцияга биноан белгиланадиган бошланғич чизиқдан бошлаб 12 денгиз милидан ошмаган чегарада белгилаш ҳуқуқига эга. Нормадаги бошланғич чизиқ давлат қирғоғи бўйлаб сув энг кўп узоқлашадиган чизиқдан иборат. Бирон давлат Ҳ.с.ҳ.нинг умумий ташқи чегараларидан ташқарида жойлашган алоҳида ороллариниг Ҳ.с.ҳ. 1958 йилги Ҳудудий денгиз тўғрисидаги Конвенциянинг II бўлимидаги ҳамда 1982 йилги Конвенциянинг II ва VIII қисмларидаги қоидалар билан белгиланади. Архипелаг давлатларнинг Ҳ.с.ҳ.ни белгилаш тартиби 1982 йилги Конвенциянинг IV қисмида назарда тутилган. Мазкур Конвенцияларнинг иккаласи ҳам барча байроқлар остидаги денгиз кемаларининг ҳар қандай давлат Ҳ.с.ҳ. орқали тинч ўтиш ҳуқуқини назарда тутади.

ҲУДУДИЙ ТОРТИШУВ — муайян ҳудуднинг юридик жиҳатдан тегишлилиги юзасидан давлатлар ўртасида пайдо бўладиган халқаро ке-

лишмовчилик. Ҳ.т.да ҳар бир томон одатда муайян ҳудуд юридик жиҳатдан айнан унга тегишли эканлигини уқтиради, чунки унинг фикрича, ушбу ҳудудда ўз ҳукмини ўтказиб келган ёки ўтказиб келяпти ва ҳеч бир далил бунинг аксини исботлайдиган етарли далил бўла олмайди. Одатда давлат функцияларининг амалга оширилиши бундай ҳокимиятнинг далили бўлиб хизмат қилади. Ҳ.т. барча иштирокчи томонлар унинг мавжудлигини тан олган ва муайян ҳудуд ёки чегара масаласида ва айни пайтда муайян, айни бир халқаро-ҳуқуқий нормалар ёки ҳужжатлар масаласида баҳслашаётган тақдирда мавжуд ҳисобланади. Томонларнинг баҳс мавзуини ташкил этувчи бундай масалалар мажмуаси бўлмаганда Ҳ.т. ҳали юзага келмаган ва барча муаммолар Ҳ.т.га олиб келмаслиги ҳам мумкин бўлган келишмовчиликлар даражасида деб ҳисобланади.

Ҳ.т.дан томонларнинг чегаравий келишмовчиликларини фарқлаш лозим. Бу келишмовчиликлар одатда аралаш чегаравий комиссиялар томонидан ҳал этилади. Бир томонлама ҳудудий даъво ҳам ҳали Ҳ.т.ни ташкил этмайди, чунки бунда даъвогар давлат муайян ҳудуднинг муайян давлатга юридик жиҳатдан тегишли эканлиги масаласида баҳслашмайди, аммо қандайдир сабабларга кўра бу тегишлиликни ўзгартириш лозим деб ҳисоблайди.

ҲУДУДИЙ УСТУНЛИК — давлатнинг ўз ҳудуди доирасида давлат ҳокимиятининг ушбу ҳудуддаги барча шахслар ва ташкилотларга нисбатан олий ҳокимият эканлигини билдирувчи устунликни амалга ошириши. Ҳ.у. давлат ҳокимияти устида ҳеч қандай бошқа ҳокимият йўқлигини ва бўлиши мумкин эмаслигини тақозо этади ва бундан ташқари, бир давлатнинг ҳудудида бошқа давлатнинг олий ҳокимияти истисно этилади. Давлатнинг олий ҳокимияти унинг ҳудудида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд фаолияти соҳасидаги давлат органи тизими орқали амалга оширилади. Бутун қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти давлатнинг ўз фуқаролари ва ташкилотларига ҳам, ушбу давлат ҳудудидаги хорижий фуқаролар ва ташкилотлар ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам жорий этилади. Ҳ.у. агар давлат рози бўлса, бутун давлат ҳудудида ёки унинг баъзи туманларида хорижлик шахсларнинг муайян тоифасига нисбатан унинг қонунларидаги баъзи бир қоидаларининг амал қилмаслигини инкор этмайди. Давлатнинг бундай розилиги унинг қонунларида ёки у тузган халқаро шартномаларида ифодаланиши керак. Ҳ.у., шунингдек, агар халқаро шартномаларда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, давлат ўз ҳудудида унинг қонунларига тегишли барча ҳокимият мажбурлаш воситаларини ўз фуқаролари ва хорижликларга нисбатан қўллаши мумкинлигида ҳам ифодаланади. Бироқ, давлат қонунлари унинг ҳудудидан ташқарига, жумладан, хорижий давлатдаги фуқароларига нисбатан амал қилса-да, шунга қарамай, агар халқаро шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, хорижий ҳудудда ҳокимиятнинг мажбурлаш чораларини қўллашига йўл қўйилмайди. «Ҳ.у.» тушунчаси «давлат юрисдикцияси» тушунчасидан кенгроқдир, чунки биринчи тушунча иккинчисини қамраб олгани ҳолда давлат ҳокимиятининг барча конститутциявий шаклларидаги бутун тўлалигини ифодалайди.

ҲУДУДИЙ ЯХЛИТЛИК — бирор давлат, мамлакат ҳудудларининг бир бутунлиги, яхлитлиги; халқаро ҳуқуқларнинг зўрлик билан ҳудудни парчалаш ёки унинг ҳудудий қисмини босиб олишини таъқиқловчи

принципларидан (қоидаларидан) бири. Ҳар бир давлат ўз ҳудудининг яхлитлигини муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш ҳуқуқига эга.

ҲУДУДНИ ҚУРОЛСИЗЛАНТИРИШ — халқаро шартнома ёки давлатнинг ҳужжати асосида муайян ҳудуддаги ҳарбий истеҳкомлар ва иншоотларнинг йўқ қилиниши, унда ҳарбий базалар ва қуролли кучларнинг сақланишини тақиқлаш. Кўпинча ҳудудий келишмовчиликларни тўхтатиш мақсадида амалга оширилади. Антарктика, Аланд архипелаги, Шпицберген, Ой ва б. само жисмлари — тўлиқ, Африка, Лотин Америкаси ва б. — қисман қуролсизлантирилган. Ҳ.қ. кўпинча ҳудудни нейтраллаштириш, яъни ундан ҳарбий ҳаракатлар майдони сифатида фойдаланишдан воз кечиш билан бирга кечади.

ҲУЖЖАТ — инсон замон ва маконда узатиш учун яратган усулда мустаҳкамланган ахборотли моддий объект. Автоматлашган ахборот-излов тизимларида — тизим хотирасига киритилган ҳар қандай объект. Матн, овоз ёзуви ёки тасвир кўринишидаги ахборот ёзилган ҳамда сақлаш ва ижтимоий фойдаланиш мақсадида замон ва маконда узатишга мўлжалланган моддий объект.

Ҳ.лар мазмунига кўра илмий-техникавий (мақолалар, китоблар, патентлар, чизмалар ва ҳ.к.), ҳуқуқий (қарорлар, фармонлар, шартномалар ва ҳ.к.), бошқарув (буйруқлар, директивалар) ва бошқаларга бўлинади. Бирламчи ва иккиламчи (реферат, аннотациялар ва ҳ.к.) ҳужжатлар бўлади. Бирон-бир масалага, ҳодисага, шахсга, муассасага ва бошқаларга бағишланган Ҳ.лар мажмуаси **ҳужжатлар тўплами** дейилади. Ташкилотнинг ҳужжатлар тўплами одатда кириш, чиқиш ва ички (хизмат) ҳужжатларига бўлинади. М-н, банк Ҳ.лари учун мижозлар банкка тақдим этадиган Ҳ.лар — тўлов топшириқлари, чек ва шу кабилар кириш Ҳ.лари, банкда тузиладиган ва мижозларга бериладиган Ҳ.лар — чиқиш Ҳ.лари.

ҲУЖЖАТ ТУЗИЛГАН ЖОЙ ҚОНУНИ — халқаро хусусий ҳуқуқда, фуқаролик ҳуқуқий ҳужжати қайси давлат ҳудудида тузилган бўлса (масалан: васиятнома тузилган, ишончнома берилган, шартнома имзоланган ва шунга ўхшаш), ўша давлат ҳуқуқи қўлланилганлигини билдиради. Бириктиришнинг бу умумлаштирилган формуласи бундай кўринишда ҳар доим ҳам фойдаланилмайди, сабаби «фуқаровий-ҳуқуқий акт» фуқаролик ҳуқуқий ҳаракатларининг турли хилларини мужассамлаштирувчи кенг тушунча. Шунинг учун ушбу формула қандай ҳужжатлар тўғрисида гап кетаётганлигига қараб ойдинлаштирилади. Энг кўп тарқалган вариантлар: Шартнома тузилган жой қонуни, Шартноманинг бажарилиш жойи қонуни, Зарар келтирган жой қонуни ҳисобланади.

ҲУЖЖАТЛАРНИ СОХТАЛАШТИРИШ — кенг маънода — у ёки бу маълумотларни ўзида сақлаган ҳужжатларни сохталаштириш бўлса. Тор маънода — мансаб сохтакорлиги. Ҳужжатларни сохталаштириш маълум бир жиноятни содир қилиш усулидир. Масалан, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни, молия ҳужжатлари, лицензиялар, патентларни сохталаштириш. Ҳужжатларни сохталаштириш орқали жиноятчилар ЖКда кўрсатилган айрим жиноятларни содир этадилар. Масалан, иқтисодий жиноятлар, тадбиркорлик, мансаб сохтакорлиги кабилар. Бу каби жино-

ятларни содир этишда жиноятчилар субъектив томондан қасддан маълум бир аҳамиятли ҳужжатларни сохталаштириш, ўзгартириш орқали ўз жиноий мақсадларига етишни кўзлайдилар.

ҲУЖЖАТЛАШТИРИЛГАН АККРЕДИТИВ — банк олувчи вексель, юк тушириш ва тўловни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа тижорат ҳужжатларини тақдим этганда тўловларни амалга оширадиган тижорат (товар) *аккредитивининг* тури.

ҲУЖЖАТЛАШТИРИЛГАН ТРАТТА — товар ҳужжатлари илова қилинган тратта.

ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ — хўжалик операцияларини бухгалтерлик ёзувлари учун асос бўладиган махсус ҳисоб ҳужжатларида бирламчи акс эттириш (қайд этиш) усули. Ҳ. ҳисоб-китобнинг тўғри ва аниқ бўлишини, хўжалик операцияларининг дастлабки ва кейинги назорат қилинишини таъминлайди. Ҳар бир хўжалик операциясига ёки бир турдаги операциялар гуруҳига дастлабки ахборот манбаи бўлган муайян ҳужжат тузилади.

ҲУЖЖАТЛИ ИНКАССО — тижорат ҳужжатлари (ҳисоб-китоб, транспорт, суғурта ҳужжатлари ва ҳоказолар) билан бирга бериладиган молия ҳужжатлари инкассаси, шунингдек, фақат тижорат ҳужжатлари инкассаси. Агар сотиб олувчи тўлашдан бўйин товласа, ҳужжатлар унга берилмайди ва у товарни тасарруф қила олмайди. Сотувчи, банкка агар сотиб олувчи тўлашдан бўйин товласа, товар ва ҳужжатларни нима қилиш кераклиги ҳақида аниқ кўлланмалар бериши лозим. Ҳ. и. халқаро савдода банкнинг экспорт қилувчининг топшириғига кўра импорт қилувчидан шартнома бўйича тўлов суммасини олишга қарама-қарши ҳолда импорт қилувчига товар ҳужжатларини бериш ва уни экспорт қилувчига ўтказишида ифодаланади.

ҲУЖЖАТЛИ ПУЛ ЎТКАЗИШ ВЕКСЕЛИ — транспорт юк хати, *коноссамент* ёки бошқа ҳужжатлар илова қилинган пул ўтказиш вексели.

ҲУКМ — суд томонидан судланувчига нисбатан айби бор ёки йўқлигини ва қандай чора кўриш бўйича жиноий ишларни кўриб чиқиб ҳал этишда чиқарадиган ёзма қарор. ЎзР Жиноят-процессуал кодексининг 54-бобида суд томонидан ҳукм чиқаришнинг ҳуқуқий асослари қайд этилган. Жумладан ЖПКнинг 462-моддасига асосан, айблов ёки оқлов ҳукми чиқарилади. Ҳукм суд томонидан, шахсан ёзиладиган бўлса, судья томонидан, агар суд таркиби томонидан чиқарилган бўлса — судьяларнинг ҳар бири томонидан имзоланади. Ҳукм ЎзР номидан чиқарилади ва расман судья ёки халқ маслаҳатчилари томонидан эълон қилинади.

ҲУКМЛАРНИНГ ЙИҒИНДИСИ — ЎзР жиноят қонунларида бир шахсга нисбатан икки ёки ундан ортиқ ҳукмнинг чиқарилиши. Ҳ. й. бўйича жазо маҳкумнинг биринчи жинояти учун жазони тўла ўтаб булишга қадар янги жиноят содир қилганида тайинланади. Янги жиноят биринчи жиноят учун айблов ҳукми чиқарилганига қадар содир қилинган бўлса, унда жазо жиноятлар йиғиндиси бўйича тайинланади.

ЎзР ЖКнинг 60-моддасига биноан Ҳ. й. бўйича жазо тайинланишида суднинг охирги ҳукми бўйича тайинланган жазога жазонинг ўталмаган қисми қисман ёки тўлиқ қўшилади.

ҲУКМНИ ИЖРО ЭТИШ — суд ва қонун томонидан ваколат берилган органлар ва мансабдор шахсларнинг қонуний кучга кирган ҳукмни ижро этиш тўғрисидаги фармойишни амалга ошириш фаолияти.

ЎзР ЖПКнинг 528-моддасига кўра ҳукм унинг устидан кассация шикояти бериш ва протест келтириш муддати ўтиши билан қонуний кучга киради. Кассация шикояти берилган ёки протест билдирилган тақдирда ҳукм, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори суд кўриб чиққан куни қонуний кучга киради. Маҳкумлар икки ва ундан ортиқ бўлган тақдирда, башарти улардан лоақал бирига нисбатан ҳукм устидан шикоят берилган ёки протест келтирилган бўлса, юқори суд ишни кўриб чиққунга қадар маҳкумларнинг ҳаммасига нисбатан ҳукм қонуний кучга кирмай туради. Агар ҳукмни ижрога қаратиш вақтида баъзи тушунмовчиликлар ва ноаниқликлар келиб чиқса, уларни ҳукм чиқарган суд тушунтириб беради. Ҳукмни ижрога қаратувчи органлар унинг ижрога қаратилганлиги тўғрисида ҳукм чиқарган судга хабар қилишлари шарт. Жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ҳукм чиқарган судни судланувчи жазони ўтаётганлиги тўғрисида хабардор қилиши шарт. Ҳукм чиқарган суд ҳукм ижрога қаратилганлигини кузатиб туриши шарт.

Оқлов ҳукми эълон қилиниши билан дарҳол ижро этилади, айблов ҳукми эса — қонуний кучга кирган вақтидан бошлаб уч кун ичида ёки иш кассация инстанциясидан қайтиб келганидан сўнг ижро этилади. Бироқ, айрим ҳолларда ҳукмни ижро этиш кечиктирилиши мумкин. Масалан, маҳкум жазони ўташига монелик қиладиган даражада оғир касал бўлиб қолганида — у соғайгунча; ҳукмни ижро этиш пайтигача маҳкума ҳомиладор бўлиб қолса — бир йилдан ошиқ бўлмаган муддатга; маҳкуманинг ёш боласи бўлса — у уч ёшга тўлгунга қадар; жазони дарҳол ўташни бошлаш ёнғин ёки бошқа бирор табиий офат юз берганлиги, оиланинг меҳнатга яроқли ягона аъзоси огир касал бўлиб қолганлиги, вафот этганлиги оқибатида ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар маҳкум ёки унинг оиласини жуда мушкул аҳволга солиб қўйиши мумкин бўлса — уч ойдан ошмаган муддатга кечиктирилади. Ж.и.э.ни кечиктириш учун асос бўлиши мумкин бўлган алоҳида ҳолатлар рўйхати узил-кесил бўла олмайди. Суд ҳукмнинг ижросини кечиктириш учун бошқа ҳолатларни ҳам инобатга олиши мумкин.

ҲУКМРОН МАВҚЕ (бозорда) — ЎзР монополияга қарши қонунларига кўра, хўжалик юритувчи субъект ёки субъектларнинг бошқа ўринбосарлари бўлмаган ёхуд бир-бирини алмаштирадиган товарлар бозоридаги унга (уларга) тегишли товар бозорида товар муомаласининг умумий шароитларига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини қийинлаштириш имконини берадиган алоҳида мавқеи. Муайян товар бозорида ҳиссаси 65% ва ундан ортиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг мавқеи ҳукмрон мавқе деб эътироф этилади. Хўжалик юритувчи субъект ушбу кўрсаткичдан ошган бўлишига қарамай, унинг бозордаги мавқеи ҳукмрон мавқе эмаслигини исботланан ҳоллар бундан мустасно. Агар буни антимонопол орган хўжалик юритувчи субъектнинг бозордаги ҳиссаси барқарорлигидан, рақобатчиларга қарашли бозордаги ҳиссасининг нисбий миқдоридан, ушбу бозорга янги рақобатчиларнинг кириш имкониятидан ва товар бозорини тавсифловчи бошқа мезонлардан келиб чиқиб аниқлаган бўлса, муайян товар бозоридаги улуши 65% дан кам бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг мавқеи ҳам ҳукмрон мавқе ҳисобланади.

ҲУКУМАТ — давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ фанлари нуқтаи назаридан Ҳ. давлат бошқаруви ташкил этилишининг ўзига хос шарти (давлат механизми) сифатида кўриб чиқилади ва давлат ижро ҳокимиятининг коллегиал органи деб эътироф этилган. Ҳ. ҳар давлатда ҳар хил номланиши мумкин: Министрлар Кенгаши (Франция, Италия, Польша), Министрлар Кабинети (Буюк Британия), Давлат Кенгаши (Хитой) кабилар. Ўзбекистонда Ҳ. Вазирлар Маҳкамаси деб юритилади. Ҳ.ни ташкил этиш партиясиз, бир партияли ёки коалицион асосда бўлиши мумкин. Ҳ.ни ташкил этиш давлатнинг бошқарув шакли билан узвий боғлиқдир. Парламент давлатларида Ҳ. давлат бошлиғининг топшириғига асосан, етакчи партия томонидан тузилади (коалицион ҳукумат тузишда кўпчилик ўринга эга партиялардан бири томонидан), Президентлик Республикасида (агар Конституцияда белгиланган бўлса) Ҳ. Президент томонидан ташкил этилади ва ҳар бир номзод парламент тасдиғидан ўтиши керак. Министрлар (Ўзбекистонда вазирлар), қўмита раислари ҳукумат аъзолари бўлиб ҳисобланадилар. ЎзР Конституциясининг ХХ бобида Ҳ. тариқасида Вазирлар Маҳкамасини тузиш талаблари белгиланган. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси — ЎзР Президенти ҳисобланади. Ҳукумат таркибига Бош Вазир, унинг биринчи муовинлари, муовинлари ҳам киради.

ҲУКУМАТ БОШЛИҒИ — давлат ёки унинг ўзини ўзи бошқарувчи қисми олий коллегиал органининг раҳбари. Турли мамлакатда Ҳ.б. турлича номланиши мумкин: *бош вазир, премьер-министр,* вазирлар кенгашининг раиси, вазир-раис, давлат вазири, федерал канцлер ва ҳ.к. Ҳ.б.ни лавозимга давлат *раҳбари* тайинлайди; парламентар давлатларда, шунингдек, *аралаш типдаги республикаларда* одатда парламент сайловларида ғалаба қозонган партиянинг етакчиси ёки ҳукумат коалициясини тузган партияларнинг етакчиларидан бири Ҳ.б. бўлади.

ҲУКУМАТ ИНҚИРОЗИ — ҳукуматга нисбатан парламентнинг кўпчилик овози билан ишончсизлик билдириши натижасида вужудга келадиган танглик. Бу ишончсизлик вотум орқали изҳор этилади. Шундан сўнг ҳукумат истеъфога чиқиши ва янги ҳукумат тузилиши керак ёки давлат бошлиғи (президент) ҳукумат таклифига асосан, парламентни тарқатиб юбориши мумкин. Бунда муддатидан олдин парламент сайловлари ўтказилади. Янги ҳукумат таркиби тузилиб, парламент эътиборига ҳавола қилинади ва ишонч вотуми берилгандан сўнг Ҳ.и. тугади деб топилади.

ҲУКУМАТ ҚАРОРЛАРИ — ЎзР Конституциясининг 98-моддасига асосан, ЎзР Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ, ЎзР ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Бу ҳужжатлар ЎзР Президенти томонидан имзоланади.

ҲУКУМАТЛАРАРО КОНФЕРЕНЦИЯ — иштирокчи давлатларнинг муваққат коллектив органидир. Камида ўттадан ортиқ давлатларнинг расмий вакилларидан иборат бўлиб, унда ҳар бир делегация бир овозга эга бўлади. Ҳ. к.да учинчи давлатлардан, миллий-озодлик ҳаракатларидан, ҳукуматлараро ташкилотлардан овоз беришда иштирок этмайдиган кузатувчилар ҳозир бўлиши мумкин. Ҳ. к.да унинг иштирокчилари билан

келишилган мақсад ва ташкилий тузилишини белгиловчи тамойил ва таомил (процедура) қоидалари мустаҳкамлаб олинади. Ҳ. к.нинг ҳар қандай мақсади ва фаолияти халқаро ҳуқуқ нормаларига мос бўлиши лозим. Ҳозирги вақтда Ҳ. к.лар халқаро ташкилотлар доирасида ва ҳомийлигида чақирилмоқда. Аммо бу Ҳ. к.нинг мустақил халқаро орган сифатидаги табиатини ўзгартирмайди. Ҳ. к. лар тинчликка оид, сиёсат, иқтисод, дипломатия масалалари юзасидан ташкил этилади. Конференцияда қабул қилинадиган таомил қоидалари мажбурий характерга эга бўлади. Ҳ. к. фаолияти уч элементнинг таъсири ва ўзаро алоқадорлиги билан белгиланади: давлатлар делегацияси, раҳбар лавозимли шахслар, шунингдек котибият ва унинг ижрочи бошлиғи. Конференция қарорлари, одатда, кўпчилик овоз билан ёки ўзаро умумий келишув (консенсус) асосида қабул қилинади. Ҳ. к. якуний ҳужжатлар, конвенциялар ва халқаро мазмундаги резолюциялар қабул қилади.

Ҳ. к. дан ноҳукумат конференцияларни фарқлаш лозим. Улар, одатда, илмий ёки жамоатчилик характерига эга бўлади. Уларнинг иштирокчилари давлат идоралари ходимлари эмас, балки ноҳукумат ташкилотлари, илмий уюшмалар вакили ёки хусусий шахслар бўладилар.

ҲУКУМАТНИ ОБРЎСИЗЛАНТИРИШ — бир қатор хорижий мамлакатларнинг жиноят ҳуқуқида мансабдор шахснинг фуқаролар кўз ўнгида ҳокимият органларининг обрў-эътиборини туширадиган ҳаракатларни содир этиши.

ҲУКУМАТНИНГ СОЛИДАР (ЖАМОА ТАРЗИДАГИ) ЖАВОБГАРЛИГИ — парламентар давлатларда амал қиладиган қоида бўлиб (ёзилган ёки ёзилмаган), унга кўра ҳукумат аъзолари ҳукумат олиб бораётган сиёсат учун биргаликда ва тенг жавобгар бўладилар. Ҳукумат сиёсати билан келишмаган ҳукумат аъзоси зудлик билан истеъфога чиқиши керак. Парламентнинг ҳукумат аъзоларидан бирига ишончсизлик баёнотини билдириши, одатда, бутун ҳукуматнинг истеъфога чиқишига сабаб бўлади.

ҲУҚУҚ — ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатларда ўзаро муносабатларни мувофиқлаштирувчи норма. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда бошқа ҳуқуқий фанларда ҳуқуқ ўзига хос таърифга эга. Яъни, ҳуқуқ: 1) жамиятда мавжуд, умуммажбурий ижтимоий нормалар сифатида, давлат мажбурлов кучи билан таминланувчи ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлаштирувчи тизим ҳисобланади. Ҳуқуққа берилган бу таъриф албатта бирлик маъносида бўлиши мумкин (масалан яшаш ҳуқуқи) ёки у ёхуд бу тармоқ муносабатларининг йўналиши бўлади (масалан, конституциявий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят, жиноят-процессуал ҳуқуқи кабилар). Давлатлараро муносабатларда томонларнинг ҳуқуқларни ўзаро ҳамжиҳатликда ҳал этиш асосида халқаро ҳуқуқ тармоғи шаклланади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси нуқтаи назаридан илгари ҳуқуқнинг айрим жиҳатлари ўрганилган бўлса, ҳозирда ҳуқуқни «географик» жиҳатдан ҳам талқин қилиш муаммоси вужудга келмоқда. Масалан, континента (роман-герман), инглиз-саксон англо. -саксон. (ёки инглиз-америка), мусулмон ҳуқуқи каби ҳуқуқий тизимларга бўлиш ёқлаб чиқилмоқда. Қиёсий ҳуқуқшунослик намоёндалари эса «социалистик давлат» ҳуқуқий тизимини ҳам таклиф этишган;

2) императив, яъни ҳуқуқнинг устуворлиги, уни ҳам давлат, ҳам

қонунлардан юқори туриши, жамият ўз-ўзини бошқаришининг бир шакли. Одилона иш юритишни ташкил этиш тизими ҳам ҳуқуқ тушунчасининг ифодаси бўлиши керак деган хулосалар мавжуд; 3) ҳуқуқ давлат томонидан юридик таъминлаш орқали қонун даражасига кўтарилади. Масалан, яшаш ҳуқуқи. Агар жиноят қонунчилиги жиноий жазо қўлланишини назарда тутган ҳолда инсон ҳаётини қўриқлашга қаратилган қонун ишлаб чиқмаса, инсоннинг яшаш ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланмаган ҳисобланади. Шу билан ҳар бир давлат конституцион тарзда инсоннинг айнан шу — яшаш ҳуқуқини таъминлаши зарур.

ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ УНИВЕРСАЛ ЎТИШ НАЗАРИЯСИ — халқаро ҳуқуқнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлар эски суверендан янгисига истисносиз ва ўзгаришсиз ўтишини таъкидловчи назария. Ушбу назария XVII—XIX асрларда халқаро ҳуқуқ доктринасида ҳукмрон бўлган, Рим мерос ҳуқуқидан келиб чиққан ҳамда давлат ва хусусий шахснинг ўхшашлигига асосланган. Мазкур назарияга кўра, меросда вафот этган шахснинг мулкий-ҳуқуқий шахсияти ўз ифодасини топган ва шу боис ҳам мерос қолдирувчи шахс ҳуқуқ ва мажбуриятларининг меросхўрга тўлиқ ўтиши белгиланган. Бу назария тарафдорлари орасида Г.Гроций, Пуффендорф, Ваттел ва бошқалар бор. Ҳ.ва м.у.ў.н.нинг бошқа талқини ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўтиши чоғида уларнинг бир эгаси иккинчисига алмашади, аммо ҳуқуқларнинг ўзи ўзгармайди, улар бошқа субъектга тегишли бўлса-да, узлуксиз мавжуд бўлади (М. Хубер ва б.). Ҳозирги вақтда Ҳ.ва м.у.ў.н.ни кўпчилик назариётчилар ва халқаро амалиёт рад этади.

ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ — бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ва ҳуқуқнинг тегишли соҳасига кирувчи юридик нормаларнинг алоҳида гуруҳи. Бироқ, баъзи ҳолларда бир хил ижтимоий муносабатлар ҳуқуқнинг турли соҳаси нормалари билан тартибга солинади. Бу ҳолда ҳуқуқ институтини икки ва ундан ортиқ ҳуқуқ соҳалари нормалари ташкил этади.

ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ — ҳуқуқий нормаларнинг мустаҳкамланиш (ташқи ифода) шакли. Ҳуқуқ манбаларининг асосий турлари ҳозирги замон ҳуқуқий тизимида қуйидагилар: норматив-ҳуқуқий актлар ва ҳуқуқий одатлар, суд прецедентлари, шунингдек, халқаро шартномалар ва ички давлат шартномалари (норматив мазмундаги шартномалар). Норматив-ҳуқуқий актлар одатда қонунларга, ижроия ҳокимияти (органлари) норматив актларига, конституциявий назорат органлари (назорат) норматив актларига, парламент регламентлари ва қарорларига, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш (органлари) актларига бўлинади. Ўз навбатида, қонунлар муҳимлиги жиҳатидан, конституциявий, органик ва жорий қонунларга бўлинади. ЎзРда ҳуқуқ манбалари: ЎзРнинг Конституцияси, конституциявий қонунлар, Олий Мажлиснинг регламентлари ва бошқа норматив қарорлари, ЎзР Президентининг Фармонлари, ЎзР ҳукумати қарорлари, ЎзРнинг халқаро шартномалари ва битимлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг актлари ҳисобланади.

ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ШАРҲЛАШ — давлат органлари, турли ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг қонун чиқарувчи органнинг ҳуқуқ нормасида ифода этилган барча учун мажбурий иродасининг мазмуни ва

маъносини тушуниш ва тушунтиришга қаратилган фаолияти. Ҳ.н.ш.нинг мақсади — уларда ифодаланган қоидаларни ҳаётнинг муайян вазиятларига нисбатан тўғри қўллаш. Ҳуқуқни қўллашнинг ушбу босқичига юридик квалификацияни талаб этувчи фактларнинг маълум эканлиги хос. Шарҳлаш турларини турли асосларга кўра таснифлаш мумкин. Юридик кучига кўра, шарҳлаш **расмий** ва **норасмий** турларга бўлинади. Расмий шарҳлаш шаклларига: 1) **аутентик**; 2) **норматив**; 3) **каузал** шарҳлаш киради. Норасмий шарҳлашга: 1) **доктиринал**; 2) **жорий** шарҳлаш киради. Ҳ.н.ш.ни ҳажмига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) **сўзма-сўз;** 2) **чекловчи;** 3) **тарқатувчи**. Шарҳлаш усулларига кўра **грамматик, мантиқий, тизимли** ва **тарихий** шарҳлаш фарқланади.

ҲУҚУҚ НОРМАСИ — «норма» сўзи, лотинчадан таржима қилинганда, «қоида», «намуна» маъносини англатади. Ҳуқуқ нормаси — давлат томонидан белгиланадиган, кафолатланадиган ва қилинадиган барча учун мажбурий ҳулқ-атвор қоидаларидир.

Ҳуқуқ нормаси умумий хулқ-атвор қоидаси сифатида: 1) ҳаётий муносабатлардаги типик, такрорланиб турадиган нарсаларни умумлаштириш зарурати натижасида шаклланади; 2) кўп марта қўллашга мулжалланган бўлади; 3) ҳамиша қандайдир умумий белгиларга эга бўлган шахслар (ҳарбий хизматчилар, врачлар ва ҳ. к.)га қаратилган бўлади. Ҳуқуқ нормаси давлат билан узвий алоқадордир. Ҳуқуқ нормаси: а) давлатнинг, халқнинг иродасини акс эттиради; б) давлат томонидан норматив ҳужжатларда шакллантирилади; в) давлатнинг иродаси сифатида намоён бўлади; г) давлат томонидан муҳофаза қилинади; д) давлат нуқтаи-назаридан энг муҳим бўлган ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлайди.

Ҳуқуқ нормасининг асосий вазифаси — ижтимоий муносабатларни тартибга солиш. Ҳуқуқ нормаси умуммажбурий хусусиятга эга. У ҳуқуқ тизимидаги бирламчи ҳужайрадир. Ҳуқуқ алоҳида нормалар, хулқ-атвор қоидаларидан ташкил топган. Улар биргаликда у ёки бу давлатнинг ҳуқуқий тизимини ташкил этади.

ҲУҚУҚ НОРМАСИГА АМАЛ ҚИЛИШ — ҳуқуқни амалга оширишнинг бир шакли бўлиб, бунда шахснинг тақиқланган ҳаракатлардан ўзини тийиши тушунилади.

ҲУҚУҚ НОРМАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ — ҳуқуқий муносабат қатнашчиси ўрнатилган ҳуқуқий нормадан ўз хоҳиши бўйича фойдаланади.

ҲУҚУҚ НОРМАСИНИ БАЖАРИШ — бунда шахсдан белгиланган қоидани бажариш учун фаол ҳаракат талаб қилинади.

ҲУҚУҚ СУБЪЕКТИ — ҳуқуқ ва мажбуриятларга бевосита ёки вакил орқали эга бўлиш ва амалга ошириш қобилиятига қонуний равишда эга бўлган (жисмоний ва юридик) шахс. Ҳуқуқ субъекти ҳуқуқнинг барча соҳаларидаги ҳуқуқий муносабатларнинг зарурий элементи бўлиб, уларнинг ҳар бирида субъектнинг ҳолати муайян ўзига хосликка эга. Масалан, фуқаровий ҳуқуқий муносабатларда фуқаролар, чет эл фуқаролари ва фуқароликка эга бўлмаган шахслар жисмоний шахс сифатида намоён бўладилар; тижорат ва нотижорат ташкилотлари — юридик шахс ҳисобланади, фуқаровий ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг учинчи турини давлат, давлат ва муниципал тузилмалар ташкил этади. Маъмурий

ҳуқуқий муносабатларда асосан давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва айрим ҳоллардагина ташкилотлар (юридик шахслар) ҳуқуқ субъектлари бўла оладилар. Қонун бирор шахс ёки тузилмани ҳуқуқ субъекти сифатида тан олар экан, унинг давлат органлари ва бошқа шахсларга нисбатан тутган ўрнини тавсифловчи ҳуқуқий мақомини белгилаб беради.

ҲУҚУҚ ТАРМОҒИ — бошқариладиган ижтимоий муносабатларининг умумийлиги билан бирлашган ҳуқуқий нормалар ва институтларнинг алоҳида гуруҳи. Ҳ. т. — ҳуқуқий институтларга хос бўлмаган бир қатор хоссалар, белгилар билан фарқланадиган яхлит тизим. Ижтимоий муносабатларнинг нисбатан мустақил мажмуасини ёки қандайдир жиҳатлари, хоссаларини тартибга солувчи ўзаро боғлиқ нормалар тизимидан иборат ҳуқуқий институтдан фарқли ўлароқ, Ҳ. т. ижтимоий муносабатларнинг жуда катта соҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга сола олади, чунки давлат тегишли соҳалардаги муносабатларни тартибга солишда ўрнатадиган ҳуқуқий таъсир этиш юридик воситалари, усулларининг тўла йиғиндисига эга бўлади. Ҳуқуқ тармоқлари моддий ва процессуал турларга бўлинади. Ҳуқуқнинг моддий тармоқларига конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, экологик ҳуқуқ, оила ҳуқуқи ва бошқалар киради. Ҳуқуқнинг процессуал тармоқларига конституциявий-процессуал ҳуқуқ, фуқаровий-процессуал ҳуқуқ, жиноят-процессуал ҳуқуқи, хўжалик-процессуал ҳуқуқ, маъмурий-процессуал ҳуқуқ ва бошқалар киради.

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ — фаолият ва жамоат тартибини сақлаш учун давлат идоралари, жамоатчилик томонидан ижтимоий нормаларни жамоат ҳаётига тадбиқ қилиш фаолияти. Шу билан бирга ҳуқуқ тартиботни амалга оширишда ижтимоий ҳаётда мавжуд бўлган ахлоқ, одоб, анъаналар мувофиқлиги таъминланади. Ҳуқуқ тартибот давлат томонидан ишлаб чиқилган норматив ҳужжатлар орқали тартибга солинади. Ҳуқуқ тартибот қонунга асосланган ҳамда томонлар ҳуқуқларини эътироф этган ҳолда ўз ҳуқуқий вазифалари доирасида фаолият кўрсатишини шарт қилиб қўяди.

ҲУҚУҚ ТИЗИМИ — миллий ҳуқуқ тузилиши бўлиб, жамиятдаги мавжуд ҳуқуқ нормаларининг маълум қисмларга бўлинишидир. М-н, фуқаролик ҳуқуқи мерос ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи ва ҳоказо ҳуқуқ институтларига бўлинади.

ҲУҚУҚ ФАЛСАФАСИ — ҳуқуқшунослик ва давлатшуносликнинг энг умумий назарий-дунёқараш муаммолари ҳақидаги фан. Узоқ вақт давомида фалсафий тизимларнинг таркибий қисми бўлиб келган. Қадимги давр (Суқрот, Афлотун, Арасту) фалсафасида ҳуқуқ ва адолат, ҳуқуқ ва қонун, ҳуқуқ ва куч, ижтимоий қадриятлар иерархиясида ҳуқуқнинг ўрни ҳақидаги муаммолар муҳокама қилинган. Ҳуқуқ фалсафаси Маърифатпарварлик фалсафасида (м-н, табиий ҳуқуқ доктринаси) ва немис классик фалсафасида (м-н, Гегелнинг «Ҳуқуқ фалсафаси») Ҳ.ф. анча катта ўрин эгаллаган. Ҳозирги жамиятда Ҳ.ф. — кенг тараққий этган юридик фаннинг таркибий қисми; кўпинча «Ҳ.ф.» термини ҳуқуқ тўғрисидаги умумий назария (умумий таълимот)нинг синоними сифатида ишлатилади. Лекин XIX аср охиридан бошлаб Ҳ.ф. кўпинча торроқ маънода, амалдаги ҳуқуқни эмас, балки ҳуқуқ асосидаги идеал, маънавий

асосларни ўрганадиган ҳуқуқнинг умумий назарияси ва социологиясидан фарқ қилувчи мустақил фан деб тушунилади. Бундай тушуниладиган Ҳ.ф.нинг асосий тушунчасини неокантчилар (Р. Штаммлер, Г. Радбрух, Б. А. Кистяковский ва б.) ёки неогегелчилар (Ю. Биндер, К. Лоренц ва б.) талқинидаги «ҳуқуқ ғояси» ташкил этади. XX аср ўрталарида Ғарбдаги либерал Ҳ.ф.да Гуссерль таълимотига, неореализмга, экзистенциализмга ҳамда неотомизмга асосланган оқимлар етакчилик қилди.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИК — жамиятда ўрнатилган ва қонун асосида белгиланган тартиб ёки умуман ижтимоий яшаш қоидаларини бузиш. Ўз хусусиятларига кўра ҳуқуқбузарлик — жиноят, ножўя ҳаракат, интизомни бузиш шаклида бўлади. Кўп ҳолларда ҳуқуқбузарлик қонунбузарлик сўзи билан ҳамоҳанг баён этилади. Барча ҳуқуқбузарликлар — жиноят эмас. Шу билан бирга, қонунбузарликларнинг барчаси жиноят бўлмаслиги мумкин. Жиноят деб айтиш учун унинг ўзига хос белгилари бўлиши зарур.

ҲУҚУҚИЙ ВАКОЛАТГА ЭГА ШАХС — қонун асосида ҳуқуқий муносабатлардаги шахсларнинг бири номидан унинг ҳуқуқларини ва ҳуқуқий ҳаракатларини талаб қилишга ҳақли шахс. Ҳ. в. га эга бўлган томонларнинг ўз ҳуқуқларини бажаришлари давлат томонидан кафолатланади.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ — давлат ва ҳуқуқ назарияси ва конституциявий ҳуқуқ нуқтаи назаридан, давлатнинг конституциявий ҳуқуқий мавқеини белгилайди, яъни давлатнинг қуйидаги принциплар асосида фаолият юргизиши ва амал қилишини шарт қилиб қўяди: халқ суверенитетини таъминлаш; инсон ҳуқуқ ва эркинликларини давлат томонидан таъминлаш; Конституция талабларига риоя этилиши; бошқа қонун ва қонун ости актларига нисбатан Конституциянинг устуворлиги кабилар.

ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ — фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолати сифатида давлат конституциявий тарзда белгилаган ҳуқуқ. Бу ҳуқуқнинг энг асосий моҳияти процессуал ҳуқуқ асосида фуқаронинг ҳуқуқини ҳимоя қилишдир. Тарихан олганда бу қоида норма сифатида АҚШ Конституциясига (1787 й.) 6-тузатиш қилиб 1791 йилда киритилган. Ушбу ҳуқуқнинг мазмуни жиноят ишларини олиб боришда ҳимоячи берилишини таъминлашдан иборатдир.

ҲУҚУҚИЙ ЛАЁҚАТ — фуқароларнинг мавжуд ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш лаёқатидир. Ҳуқуқий лаёқат барча учун тенг равишда эътироф этилади. Фуқаронинг ҳуқуқий лаёқати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди. Ҳуқуқий лаёқат баъзи ҳолларда фуқаро туғилмасдан ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, туғилмаган фарзанд номига қолдирилган мерос кабилар.

ҲУҚУҚИЙ МУВОФИҚЛАШТИРИШ — давлат томонидан жамиятдаги муносабатларни маълум бир ҳуқуқий нормалар орқали мувофиқлаштириш. Ҳ.м. муносабатларни маълум бир ҳуқуқ тармоғи билан мувофиқлаштиради. Масалан, давлат бошқаруви билан боғлиқ муносабатлар маъмурий ҳуқуқ орқали мувофиқлаштирилади.

ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТ БИЛАН УЗВИЙ БОҒЛАНГАН ҚОНУН — бу бириктириш формуласи бўлиб, одатда, сотувчи мамлакат қонуни каби кўп ҳолларда шартнома мажбуриятлари соҳасидаги коллизион масалаларни ҳал қилиш учун қўлланилади. Аммо баъзи пайтларда ундан чет эл элементлари бўлган барча фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тар-

тибга солиш учун умумий ёндашиш сифатида фойдаланилади. Бу бириктириш формуласи англо-америка халқаро хусусий ҳуқуқи назарияси ва амалиётида шартнома мажбуриятларига ҳуқуқ танлаш учун қўлланилган. Шунинг учун уни Law of fhe Contract ёки Proper law of the Contract сифатида белгилаш қабул қилинган. Мазмуни ноаниқлигига ва амалда қўллашнинг жиддий қийинчилигига қарамай (ҳуқуқий тартибга кўра шартномани ва унга тегишли барча ҳолатларни шарҳлаш йўли билан ўрнатилади, бу ҳуқуқни қўллаш органларининг субъективизмига олиб боради) ушбу бириктириш формуласи халқаро хусусий ҳуқуқда ўз ўрнини нафақат сақлаб қолмоқда, балки кенгайтирмоқда.

ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР — давлат томонидан қонун билан белгиланган ва барча учун бажарилиши мажбур ҳисобланган ахлоқий қоидалар. Бу қоидаларни бузиш юридик жавобгарликка олиб келади. Ҳ.н. мажбурий, таъқиқловчи ва ваколат берувчи нормаларга ажратилади. Мажбурий ҳуқуқий нормалар шахсларни ижобий ҳаракатларга ундайди. Тақиқловчи нормалар шахс томонидан муайян ҳаракатлар қилинишига йўл қўймайди. Ваколат берувчи ҳуқуқ нормалари муайян ҳаракатлар қилиш икониятини яратиб беради.

Ҳ.н. вазифаларига кўра белгиловчи ёки ҳимояловчи нормаларга ажратилади. Белгиловчи ҳуқуқий нормалар ҳуқуқий муносабатларни, ҳуқуқ ва бурчларни белгиловчи тавсиялардан иборат. Ҳимояловчи меъёрлар орқали юридик жавобгарлик ва давлат томонидан мажбур қилувчи ҳаракатлар қўлланиши билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар белгиланади. Ҳ.н.нинг таъсири тегишли шахслар сонига қараб, умумий, (яъни муайян ҳудудда яшовчи барча шахсларга тааллуқли) ва хусусий — (фуқароларнинг муайян табақаларига тааллуқлиларга) бўлинади.

Ҳуқуқ соҳаларида эса ҳуқуқий норма халқаро, конституциявий, маъмурий-ҳуқуқий, фуқаровий-ҳуқуқий, жиноий-ҳуқуқий ва б.га ажратилади. Ҳуқуқий нормалар таркиби қуйидагилардан иборат: гипотеза — ҳуқуқий нормаларнинг қўлланиш шарти; диспозиция — ахлоқий қоидалар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар; санкция — ҳаракатнинг давлат ҳуқуқий нуқтаи-назаридан баҳоланиши, давлат томонидан қонун бузилишида қўлланиладиган ҳуқуқий нормаларга риоя қилишга мажбур этилувчи чора-тадбирлар.

ҲУҚУҚИЙ НОРМАНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ — бунда қонуний нормалар давлатнинг белгиланган органлари томонидан муайян бир жараёнда амалга оширилади. Масалан, жиноят иши бўйича суднинг ҳукми.

ҲУҚУҚИЙ ОДАТЛАР — тарихий жиҳатдан такрорланиш натижасида одат тусига кирган ўзаро муносабатлар, нормалар ҳуқуқ манбаи сифатида давлат томонида, эътироф этилади ва Ҳ.о. ҳисобланади.

ҲУҚУҚИЙ ОНГ — давлат ва ҳуқуқ назарияси томонидан ўрганиладиган ҳуқуқий тушунча. Жамият аъзоларининг мавжуд ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуққа бўлган дунёқараши. Бу албатта индивидуал ёки гуруҳий нуқтаи назардан кўриб чиқилиши лозим. Индивидуал Ҳ.о. — якка шахснинг мавжуд ҳуқуқий онги. Гуруҳий Ҳ.о. — маълум бир гуруҳларнинг дунёқараши.

ҲУҚУҚИЙ ФЕНОМЕНОЛОГИЯ МАКТАБИ — XX аср феномено-

логияси (субъектив идеализм оқимининг бири)га асосланувчи ҳуқуқий тафаккур йўналиши. Асосий намояндалари: А. Рейнах, Ф. Кауфман, Г. Кониг, К. Коссио ва б. Ҳ.ф.м. XX аср бошида Ғарб ҳуқуқ фанида ҳукмронлик қилаётган неокантчилик идеализмини бартараф қилишни талаб қилган. Ушбу мактаб нуқтаи назаридан, ҳуқуқ ўзининг онтологик асосига — қонун чиқарувчига боғлиқ бўлмаган борлиққа эга.

ҲУҚУҚНИ АМАЛГА ОШИРИШ — субъектларнинг ҳуқуқни бажаришга оид хатти-ҳаракатлари жараёнидир.

Ҳуқуқни амалга ошириш: ҳуқуқ нормасига амал қилиш; ҳуқуқ нормасини бажариш; ҳуқуқ нормасидан фойдаланиш; ҳуқуқ нормасини қўллашдан иборт.

ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституциявий ҳуқуқ фанлари таърифига кўра, мавжуд давлат механизмида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимининг фаолият йўналиши. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига суд, прокуратура, ички ишлар идоралари, давлат солиқ ва божхона хизмати идоралари, адлия идоралари, шунингдек давлат миқёсида фаолият кўрсатувчи Конституциявий суд киради. Бу идораларнинг асосий фаолиятлари ҳуқуқ тартиботни амалга ошириш, инсонинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жиноятга қарши курашни амалга оширишдир. Амалдаги қонунларга кўра адвокатура Ҳ.м.қ органлари шулар жумласидандир. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда давлат идораларининг аниқ вазифалари белгилаб қўйилган. Жумладан, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти ҳам айнан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ИДОРАЛАР — Ҳ.м.к.и. юридик таъсирни қўллайдилар, шахс ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қиладилар. Ҳ.м.к.и.га судлар, прокуратура, адлия идоралари, ички ишлар идоралари, миллий хавфсизлик хизмати, жиноятни аниқловчи ва тергов ўтказувчи давлат идоралари (милиция, ёнғиндан сақлаш идоралари, божхона ва солиқ идоралари) киритилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг асосий вазифалари: конституциявий назорат; одил судловни амалга ошириш; судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш; прокурор назорати; жиноятни аниқлаш ва тергов қилиш; юридик ёрдам бериш ва жиноий ишлар бўйича муҳофазани таъминлаш кабилардир.

Ҳ.м.қ.и.нинг фаолияти қонунчилик томонидан тартибга солинган («ЎзР Конституциявий суди тўғрисида»ги қонун, «Судлар тўғрисида»ги қонун, «Прокуратура тўғриси»да қонун, «Адвокатура тўғрисида»ги қонун). Қонунда Ҳ.м.қ.и.нинг фаолияти, мансабдор шахсларини ҳуқуқ ва вазифалари белгилаб берилган.

ЎзР Конституциявий суди — конституциявий назоратни; умумий судлар — жиноят ва фуқаролар иши бўйича ишларни; хўжалик суди — иқтисодий даъволар бўйича; ички ишлар идоралари — жамоат тартибини сақлаш, жиноятларнинг олдини олиш ва уларни очиш бўйича оператив қидирув фаолият, ахлоқ тузатишга қаратилган фаолиятни; адлия идоралари — суд ишларини ташкил қилиш, ҳуқуқий ёрдам беришни; жиноий ва фуқаровий ишлар бўйича экспертизалар ўтказиш, нотариал фаолият каби ишларни амалга оширади. Ҳ.м.қ.и. қаторига, одатда, давлат ва нодавлат муассасаларнинг инсон ва фуқароларнинг қонуний манфаатла-

рини, ҳуқуқларини муҳофаза қилиш учун ташкил қилинган нодавлат ташкилоти бўлмиш, адвокатурани ҳам қўшишади. Ҳ.м.қ.и.нинг қайд қилинган вазифалари бир-бири билан узвий боғлиқ, бир-бирларини тўлдиради. Лекин уларнинг ичида энг муҳими инсон ва фуқаронинг қонуний манфаатларини ва асосий ҳуқуқларини амалга оширишга бевосита тааллуқли бўлган судловни амалга оширишдир.

ҲУҚУҚНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ — норматив-ҳуқуқий актларнинг ички ва ташқи жиҳатдан ишлаб чиқилиш, бир ҳолатга келтирилиши. Норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг қандай ишланишига қараб Ҳ. т. тизимлаштириш инкорпорация ва кодификацияга бўлинади.

ҲУҚУҚНИНГ БОШҚА БИР ШАХСГА ЎТИШИ — ижтимоий, иқтисодий, мулкий ва сиёсий муносабатларда бир жойда бўлган ҳуқуқнинг (ҳуқуқий ваколатларининг) иккинчи бир жойга ўтиши тушунилади. Ҳуқуқнинг бошқа бир шахсга ўтиши қонун асосида, шартномалар ёки бошқа ҳуқуқий асослар орқали (масалан, мерос орқали мулкка эгалик ҳуқуқи бошқа шахсга ўтади) содир бўлади.

ҲУҚУҚНИНГ СОЦИОЛОГИК МАКТАБИ — XX асрдаги ҳуқуқ мактаби йўналишларидан бири. Ҳ. с. м. тарафдорлари амалдаги ҳуқуқий ҳужжатлар ҳар доим ҳам иқтисодий ва социал шароитларга мувофиқ эмас деб ҳисоблашган. Шу сабабли улар судда кўриб чиқишнинг эркинлигига, яъни суднинг шахс манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий нормалар билан камроқ даражада боғлиқ бўлишига катта эътибор беришган. Ҳ. с. м.нинг энг йирик вакили — америкалик олим Р.Паунд.

ҲУҚУҚНИНГ ТАРИХИЙ МАКТАБИ — XIX асрда юридик фандаги йўналиш (сезиларли даражада ривожланиш Германияда бўлган). Ҳ. т. м. вакиллари (генерал Гуго, Ф.Савиньи ва бошқалар) табиий ҳуқуқ ғояларига қарши чиқишган. Ҳуқуқнинг муҳим манбаи деб урф-одат, анъаналар эълон қилинган. Кодификация суриб чиқарилган, ҳуқуқ эса «халқ руҳи»нинг доимий ривожланиши натижаси сифатида намоён бўлган; ҳуқуқнинг ривожланиши тилнинг ривожланиши билан тенглашган. Ҳ. т. м. феодал реакция манфаатларини акс эттирган.

ҲУҚУҚНИНГ ҲАВОЛА НОРМАСИ — ҳуқуқий норма. Маълум ахлоқ қоидасига ҳамда уни бузганда мажбурлов чоралари ҳақида низомларга эга бўлмаган норма. Бунда бошқа нормадаги қоидаларга ҳавола қилинади.

ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТ — ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий нормалар, ҳуқуқ ва мажбуриятга эга субъектлар орқали амалга оширилиши. Шу билан бирга, икки аниқ шахслар ўртасида (жисмоний, юридик шахслар ўртасида) қонун ва ҳуқуқ асосида кечадиган муносабатлар. Ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши юридик фактлар, яъни шартномалар, битимлар тузиш асосида бўлади.

ЮРИДИК ЭНЦИКЛОПЕДИЯ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2001

Муҳаррирлар *С. Раззоқов, Н. Имомов, И. Ҳувайтов*
Нашриёт муҳаррирлари *Б. Эшпўлатов, Л. Қўчқорова*
Бадиий муҳаррир *А. Мусахўжаев*
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*
Компьютерда саҳифаловчи *Т. Огай*
Мусаҳҳиҳлар *Н. Мухамедиева, Ю. Бизаатова*

Теришга берилди 15.08.2001. Босишга рухсат этилди 28.08.2001. Бичими 60x90 $^{1}/_{16}$. «Таймс» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 41,0. Нашриёт-ҳисоб табоғи 50,08. Адади 10 000 нусха. Буюртма № 2297.
Баҳоси шартнома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**